




Буюк юрт
алломалари





Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети
Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази
Имом Бухорий халқаро маркази
Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти

Буюқ юрт алломалари

Иккинчи нашри



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2018



УЎК:001(575.1)

КБК 72.3(5Ў)

Б 98

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи:

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ — тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Бахтиёр Тўраев — фалсафа фанлари доктори, профессор

Иброҳим Усмонов — тарих фанлари номзоди, доцент

Иргаш Даминов — арабшунос олим

Хар қандай халқ, биринчи навбатда, фидойи ўғлонлари, мутафаккир зотлари, инсоният тамаддунига улкан хисса қўшган олиму уламолари билан ғурурланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзбек халқининг ғурури, чиндан-да, тоғлардан баланд, Зеро, бизнинг юртимизда туғилиб вояга етган, ўзининг ниҳоятда серкирра илмий-ижодий фаолияти билан дунё аҳлини лол қолдирган буюк боболаримиз номи ҳар биримизнинг қалбимизни фахру ифтихорга тўлдиради.

Мазкур китобдан ўлкамиздан етишиб чиққан, ислом дини, унинг маърифати, маънавияти, кадриятлари тақомилида чинакам ҳал қилувчи роль ўйнаган улуғ алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги кизикарли тадқиқотлар ўрин олган. Ишончли ёзма манбаларга таяниб ёзилган, тарихий фактларга бой, бир-бирини тўлдирувчи, содда тили ва раво услуби билан ажралиб турувчи мақолаларни ўзида мужассам этган бу тўплам китобхонни бефарқ қолдирмайди.

ISBN 978-9943-28-702-0

© У. Уватов (тузув.), 2016, 2018

© «O'ZBEKISTON» ИМНУ, 2016, 2018



Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Махмуд Замахишарий ва Каффол Шоший, Баҳоуддин Нақибанд ва Ҳожа Аҳрор Валий, Мухаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек ва Алишер Навоий каби кўплаб даҳолар номи жаҳон цивилизацияси тарихида олтин ҳарфлар билан битилган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ


КИРИШ

Ҳар қандай давр ва ҳар қандай жамиятда ҳам олиму уламолар, мутафаккиру донишмандларнинг ўрни бекиёс бўлган. Элу юрт ўзининг шундай азиз ва буюк фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланган, кўнгли тоғдай кўтарилиб, ғуруру ифтихорга тўлган. Бу ҳаётний ҳақиқатдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Аллоҳнинг назари тушган юртимиз – Ўзбекистон заминидан азал-азалдан ўзларининг илмий-маънавий, маърифий-фалсафий мерослари билан жумлаи жаҳонга танилган кўплаб буюк алломалар ва мутафаккирлар етишиб чиқиб, самарали фаолият кўрсатганлар. Улар ақл-заковати, тафаккур дунёси ва юксак илмий салоҳиятининг махсули бўлган бебаҳо асарларини буюк кашфиётлари минг йиллар оша нафакат бизнинг диёримиз, балки жаҳон аҳлининг қудратли маънавий мулки сифатида ҳам ардоқланади. Бу умумбашарий мерос дунё тамаддуни ривожига қўшилган муносиб хисса бўлганлиги ҳозирги вақтда илм аҳлига ҳам, кенг жамоатчиликка ҳам яхши маълум. Таасуфлар бўлсинки, собиқ тузум давридаги буюк алломаларимизга нисбатан бўлган адолатсизликлар ва ноҳақликлар туфайли улар ўз макомларига яраша кадр-киммат кўрмай, асарлари ҳам муносиб баҳосини топмаган эди. Бинобарин, халқимиз, кенг жамоатчилик у зотларнинг оламшумул аҳамиятга молик бой ва қимматли меросидан бебаҳра бўлиб келдилар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан эътиборан, Биринчи Президенти-миз Ислам Каримовнинг халқчил ва доно сиёсати туфайли, айтиш мумкинки, бу буюк зотлар ўз юрти, ўз халқи бағрига қайтиб, илм-фан ривожига юксак макомларига яраша муносиб ҳурмат-эътибор топди. Уларнинг ибратли ҳаёт йўллари ва бой илмий-маънавий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, кенг халқ оммасига етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Истиклол йилларида бу муҳим ва долзарб масалалар бўйича эътиборга молик кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Катта мамнуният билан айтиш жоизки, 2014 йил 15–16 май кунлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзудаги нуфузли халқаро конференция бу йўналишда амалга оширилган том маънодаги улуғвор ишлардан бири бўлди десак, ҳеч бир муболага бўлмайди. Дунёнинг элликка яқин мамлакатларидан таниқли олимлар, мутахассислар, экспертлар ва илмий марказларнинг раҳбарлари ушбу анжуманда қатнашди.






Мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унинг-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Бунда эса, табиийки, буюк аجدларимиз ҳаёти, фаолияти, ўлмас мероси юксак марраларни кўзлаган ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Буюк аجدларимизнинг бекниёс аҳамиятга молик меросини изчил ўрганиш ва уни янада келажакда ривож топтириш барча илм ахллари учун, айниқса, ёшларимиз учун асосий дастуруламал бўлмоғи давр талабидир.

Кенг китобхонлар оммаси эътиборига тақдим этилаётган ушбу тўпламда ўрта асрларда юртимиздан етишиб чиққан етмишта аллома ва мутафаккирнинг ҳаёт йўли, уларнинг оламшумул аҳамиятга эга мерослари, илму ирфон ривожини йўлида кўрсатган бекниёс жасоратларини саъй-ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини тонган. Тўпламга киритилган алломаларимизнинг бир қисми аниқ ва табиий фанларнинг йирик намояндалари бўлса, уларнинг аксарияти эса маънавият ва маърифатнинг ажралмас қисми бўлган тафсири, ҳадис, фикҳ, калом ва тасаввуф каби илмларнинг етук дарғаларидан иборатдир. Тўплам кенг китобхонлар оммаси, айниқса, илму ирфон йўлини танлаган ёш авлоднинг ўрта асрларда яшаб фаолият кўрсатган алломаларимиз ҳақидаги билимларини бойитиб, уларнинг маданий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор





ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ (810–870)

Имом ал-Бухорийнинг исми Муҳаммад, куняси Абу Абдуллох, лақаби баъзан имом ал-муҳаддисийн (муҳаддисларнинг имоми, пешвоси), баъзан амир ул-муъминийн фи-л-ҳадис (ҳадис илмининг амири, султони) ва насаби Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғйра ибн Бардазбех ибн Базазбехдир. Сўнгги икки исми – ибн Бардазбех ибн Базазбехдан кўриниб турибдики, имом ал-Бухорийнинг асл насаби ажалларга бориб тақалади. Бу фикр талай адабиётларда қайд қилинган бўлиб, кўпчилик муҳаддисларнинг таъкидлашларича, «Бардазбех» сўзи арабча «зорий» (зироат, дехқончилик билан шуғулланувчи киши) маъносини билдиради.

Имом ал-Бухорийнинг отаси Исмоил эди. Унинг куняси Абу-л-Ҳасан бўлиб, ўз даврининг етук муҳаддисларидан, имом Моликнинг шогирд ва асхобларидан бири ҳисобланган, тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Афсуски, ҳозирча унинг каламига мансуб бирор асар ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бирок уни Ҳамад ибн Зайд, имом Молик, Абу Муовия каби йирик муҳаддислардан ҳадислар ривоят қилгани, Абдуллох ибн ал-Муборакнинг суҳбатида бўлиб, ундан таълим олгани ҳақидаги маълумотлар манбаларда келтирилади. Унинг шогирдларидан эса ироқлик бир қанча олимлар – Аҳмад ибн Ҳафс, Наер ибн Ҳусайн ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Имом ал-Бухорий «Ат-Тарих ал-қабир» («Қатта тарих») асарида отасининг таржиман ҳоли ҳақида талай маълумотлар беради. Тарихчи ал-Ҳофиз ибн Ҳиббон ўзининг «Китоб ас-сиккот» («Буюк инсонлар ҳақида китоб») номли асарида Исмоил ибн Иброҳим, яъни ал-Бухорийнинг отаси «Ҳамад ибн Зайд ва Моликдан ҳадислар ривоят қилган, ундан эса ироқлик олимлар ҳадислар нақл қилганлар», – дея таъкидлайди.

Манбаларда зикр қилинишича, Исмоил ўта такводор, художўй, ҳалол бир инсон бўлган. Тарихчи Ахийд ибн Ҳафаснинг ёзганлари бу фикримизга далилдир. «Абу Абдуллох (имом ал-Бухорийнинг отаси) бандаликни бажо келтираётган чоғида уни зиёрат қилганимда, менга у: «Бор молу дунёмдан харом йўл билан, шубҳали, нопок йўл билан топилган бир дирхамни ҳам билмайман», деб илтижо қилганида менинг нафасим бўғилиб, бутун вужудим унинг улуғворлигидан ҳеч нарсадай туюлди», – деб ёзади. Мазкур китобда, шунингдек, имом ал-Бухорийнинг отасига хос бўлган яна бир қанча асл инсоний фазилатлар ва унинг алоҳида хусусиятлари ҳам қайд этилади.

Имом ал-Бухорийнинг онаси ҳам такводор, диёнагли ва хар хил кароматлар соҳибаси, ғоятда оқила, фозила аёл сифатида танилган эди. Маълумки, имом ал-Бухорийнинг ёшлигида кўзи жароҳатланиб, кўриш қобилияти сусайган, хар қанча уринишса ҳам, табиблар уни даволай олмагандилар. Қунлардан бир куни ал-Бухорийнинг онаси тушида Иброҳим алайҳиссаломни кўрганда у зоти шариф бу мушфиқа онага караб: «Эй, волида! Сенинг дуоларингнинг бардавомлигидан Аллох





таоло ўғлингга тўлик кўриш қобилиятини қайтарди», – дея хитоб қилганлар. Кейин у: «Уйқумдан уйғонсам, ўғлим Мухаммаднинг кўз нури тўлик қайтиб, тузалиб кетибди», – деган ривоят мавжуддир. Абу Али ал-Ғассоний деган олим: «Мухаммад ибн Исмоилнинг ёшлигида кўзи ожиз бўлиб қолган. Унинг онаси такводор аёл бўлиб, тушида Иброҳим Халилуллохни кўрганда, у: «Кўп дуолар қилиб йиғлаганингдан Аллох таборока ва таоло ўғлингнинг кўзини қайтарди», – деган. Она: «Эрталаб уйғонсам, Аллох ўғлимга кўриш қобилиятини қайтарганини кўрдим», деган маълумот билан юқоридаги ривоятни айнан қайтаради.

Имом ал-Бухорий илм-фан ва маданият равнакида азалдан машхур бўлган Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Мана шу мухташам шаҳар – Бухорон шарифда 194 хижрий сана, шаввол ойининг 13-кунида салоту-л-жумъадан кейин (810 милодий сана, 20 июль) жами муҳаддисларнинг имоми, Мухаммад (с.а.в.)нинг муборак ҳадисларга дурдонасимон сайкал бериб, уларни абадул-абад барҳаёт қилган улуғ зот имом ал-Бухорий дунёга келган.


Мутафаккир Абдурахмон Жомий машхур муҳаддиснинг илмий-ижодий салоҳиятига юксак баҳо бериб, «Батха (Макка) ва Ясриб (Мадина)да ясалган танганинг сайкали Бухорода камолига етди», – деб ёзган эди. Маълумки, манбаларда ўрта асрларнинг бир қатор донишмандлари таваллуд топган ойлар ва кунлар тугул, хатто, йилларида ҳам аниқлик бўлмай, хилма-хил маълумотлар кўрсатилган ҳоллар бот-бот учрайди. Имом ал-Бухорийнинг туғилган вақти (куни, ойи, йили) аниқ келтирилишининг боиси шундаки, алломанинг ўзи ёзишича, у туғилган вақт ҳақида отаси ўз кўли билан ёзиб қўйган варақ замондошларига етиб келган.

Имом ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, боланинг тарбияси волидаси зиммасида бўлган. Бирмунча улғайиб ақли расо бўлгач, унинг қалбида исломий илмларга, айниқса, Мухаммад (с.а.в.)нинг муборак ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга мойиллик тобора кучая боради. У даставвал Ибн ал-Муборак ва Вакийънинг ҳадисларга оид асарларини ёд олади. Имом ал-Бухорийнинг қотиби, унинг асосий таснифи «Саҳих» асари ровийларидан бири бўлмиш Абу Жаъфар Мухаммад ибн Абу Ҳотам ал-Варроқ шундай деб ёзади: «Ал-Бухорийнинг «Ҳадисларни ёд олиш илҳоми менга бошланғич мактабда ўқиётганимда келган эди», – деганини эшитганимда, «Ўшанда неча ёшда эдингиз?» – деб сўрадим. У «Ўн ёшда, балким ундан ҳам кичик эдим», – деб жавоб берганди». Бу мисолдан кўриниб турибдики, имом ал-Бухорий жуда ёшлигидан бошлаб ҳадисларни ёд олиб, бу машғулотга алоҳида завқ-шавқ ва кизикниш билан қараган.

Алломанинг устозлари ҳақида гапирадиган бўлсак, у, энг аввало, ўша пайтда Бухоронинг таникли муҳаддисларидан саналган ад-Доҳилийдан сабоқ олган. Ҳадисларни ўрганиш бўйича ушбу олим ташкил этган тўғаракнинг шуҳрати кенг тарқалган бўлиб, унинг фаолияти ёйилиб улкан самаралар берган.

Кунлардан бир куни ад-Доҳилий ўз одатича талабаларга сабоқ берар, ал-Бухорий ҳам бошка толиби илмлар қатори дарс тинглаб ўтирган эди. Шунда ад-Доҳилий бир ҳадис исноди ҳақида гапириб «Суфён Абу Зубайрдан, у Иброҳимдан», – деб зикр қилди. Шунда ал-Бухорий: «Абу Зубайр ҳеч вақт Иброҳимдан ривоят қилмаган», – деди ва бу билан у ад-Доҳилийни бу санад хусусидаги хатодан огоҳ қилмокни истади. Ўз шогирдидан бу гапни эшитган ад-Доҳилий эса ҳайратга тушиб, дағаллик билан унинг сўзини бўлди. Ал-Бухорий ўта хотиржамлик билан «Устоз, агар ишонмасангиз






асл манбага қаранг». – деди. Ад-Доҳилий манбага қараб, шогирди айтган гапнинг тўғрилигини эътироф қилиб, тан олди-ю, лекин ўша ҳадис санадини қоғозда тузатишни пайсалга солди. Рағбат юзасиданми ёки уни синаб кўриш учунми, ҳуллас, санадини топиб тузатиш масаласини ал-Бухорийнинг ўзига ташлади. Ташқарига чиқишгач, шогирдидан «Э, бола, бу ёғи энди қандок бўлади?» – деб сўради. Ал-Бухорий эса ҳеч бир қуттирмай устозига жавоб қилди: «Зубайр ибн Адий Иброҳимдан ривоят қилган». Шундан кейин у (ад-Доҳилий) қалам олиб ёзганини тузатди ва «Сен ҳаксан» – деди. Ал-Бухорийнинг айтишича, бу вақтда у бор-йўғи ўн бир ёшда бўлган.

Манбаларда келтирилишича, ал-Бухорийга ўн ёшидан бошлаб ҳадисларни ёд олиш илҳоми насиб этган бўлса, ёши улғайган сари бу истак тобора қучайиб, у нафақат ҳадисларни шунчаки ёд олиш, балки ёшлигидан бошлаб ҳадисларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайресаҳиҳ (хато, нотўғри)ларга ажратиш, уларнинг иллатларини аниқлаш, ҳадис ровийлари маълумотларининг тўғрилиги, ишончли ёки ишончсизлиги, ровийларнинг маиший ҳаёти, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан ўзаро мулоқотлари тафсилотини билиш, турли ровийлар келтирган ҳадисларни бир-бирига солиштириб муқояса қилиш, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро боғлиқлиги ёхуд узилишлар мавжуд ҳолатлар, ҳадис илмининг яна бошқа хилма-хил муаммоларини чуқур тадқиқ этиш, ҳадисларни саралаб жамлаш ва Қуръони қарим оятлари билан узвий боғлиқликда ўрганиш каби масалаларга қизиқди.

Имом ал-Бухорий ўз ватанида ва хорижий юрғларда мингдан ортиқ устоз (шайх, машойих)лардан ҳадис ривоят қилгани ҳақида манбаларда аниқ кўрсатилган.

Ал-Бухорийнинг илк устозлари сифатида ўша даврда Бухорода кўзга кўринган муҳаддислардан Муҳаммад ибн Салом ал-Пойқандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Пойқандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Иброҳим ибн ал-Ашъас ва бошқаларни ҳам кўрсатиш лозим. Ўн олти ёшга етмасданок у кўпдан-кўп ҳадисларни пухта ўзлаштириб, Абдуллоҳ ибн ал-Муборақнинг китобларини ёд олди. Тез фурсатда ал-Бухорийнинг ноёб қобилияти ва зукколиги кўпчилик уламолар томонидан, шунингдек, ал-Бухорийга устозлик қилган етук муҳаддислар томонидан ҳам эътироф этила бошланди. Бу ҳол шу даражага етдики, ҳатто, айрим таниқли олимлар ҳам ал-Бухорийнинг ўз дарсларида ҳозир бўлишидан ташвишланиб, унинг ҳузурда бирор хато ёки камчиликка йўл қўйишдан хавотирланадиган бўлиб қолдилар. Улар ўз китобларидаги хатоларни тузатиш учун ал-Бухорийга мурожаат қилардилар. Манбаларда келтирилишича, ал-Бухорий ҳадислар талабида хорижий юрғларга сафарга чиқишидан олдин бир воқеа содир бўлган экан. Бу ҳақда бухоролик олим Салим ибн Мужоҳид шундай хикоя қилади: «Бир кун дўстим Муҳаммад ибн Салом ал-Пойқандийнинг уйига борган эдим, у менга «Бироз олдинроқ келганингда, етмиш минг ҳадисни ёд биладиган бир болақайни кўрар эдинг-а», – деди. Мен шу заҳоти орқамга қайтиб, кўчага чиқдим ва ўша болани учратиб, «Етмиш минг ҳадисни ёд биламан, дейдиган бола сенмисан?» – деб сўрасам, у «Ҳа, балким ундан ҳам ортиқроғини биламан», – деди. У яна: «Мен саҳобалар ва тобиъийлардан, токи уларнинг кўпларини таваллуд ва вафотлари, уларнинг масканларини аниқ билмагунимча, бирорта ҳам ҳадис ривоят қилмайман. Шунингдек, саҳобалар ва тобиъийларнинг ҳар бир ҳадисини Қуръони қарим ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига таянган ҳолда ривоят қиламан», – деди».





Салим ибн Мужоҳиднинг ушбу сўзлари ҳам ал-Бухорийнинг ёшлигидан бошлаб ўзига пухта ишончи ва масъулияти бўлгани, шу туфайли эл орасида обрў-эътибор топганига далилдир. Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандийнинг «Муҳаммад ибн Исмоил қачон менинг хузуримга кирса, ҳар доим мен ўзимни йўқотиб қўйиб, доим ундан хавотирда тураман», – деган эътирофига қўшимча, ал-Ҳофиз ибн Ҳажар: «Унинг (ал-Бухорийнинг) хузурда хато қилиб қўйишдан у кўрқар эди», – деб бу ҳолни янада ойдинлаштиради. Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий билан боғлиқ бу воқеалар хали ал-Бухорийнинг илми Бухородаги ўз устозлари даражасида эканидаёқ содир бўлгани, қолаверса, имом ал-Бухорий Бухородан жўнаб кетгандан кейин ал-Пойкандий у билан бошқа учрашмаганини ҳисобга олсак, таъкидламоқчи бўлган фикримиз янада аниқлашади, деб ўйлаймиз...

Азалдан муҳаддислар орасида арабча «риҳлат» истилоҳи бирор ҳадисни билиш ёки иснодни олий даражасига етказиш максатида йўлга чиққан инсоннинг сафарига нисбатан ишлатилар экан. Илм йўлидаги фидойилик, бу юмушга бутун вужудию ақл-заковатини, бор имконию ҳимматини бахшида этиш, ақл бовар қилмас даражадаги қувваи хофизаси ва бошқа фазилатлари имом ал-Бухорийни ислом дунёсининг буюк алломаларидан бири сифатида танитди. Имом ал-Бухорий ривоят қилган ҳадисларнинг ровийлари кўп ҳолларда хатто имом Молик ва имом Абу Ҳанифанинг устозлари (шуйух) тонфасига қиради. Бу фикрни кўплаб муҳаддислар бир овоздан қўллаб-қувватлаганлар.

Демак, имом ал-Бухорий ўн олти ёшга етгунча ўз юртидаги машойихлардан ҳадис эшитиб, улардан сабоқ олади. Мана шундан кейин исломий илмларнинг маркази, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ватани, Қуръони қарим нозил бўлган муқаддас диёр – Расулulloх (с.а.в.) саҳобаларининг маскани Ҳижозии шариф томон равона бўлди. Бу хусусда имом ал-Бухорийнинг қотиби Ибн Абу Ҳотам ал-Варроқ зикр қилишича, ал-Бухорий доимо шундай деяр экан: «Қачонки ўн олти ёшни урганамда (сўзма-сўз «таъинту») Ибн ал-Муборак ва Вакийънинг китобларини ёд этиб, сўнгра «ана улари», яъни асхобу-р-рай каломларини билиб олган эдим. Сўнгра онам ва акам Аҳмад билан ҳаж ибодатини адо этиш учун сафарга жўнадим». Ал-Варроқнинг бу гапларидан маълум бўлаётирки, имом ал-Бухорий биринчи марта сафарга 825 йилда чиққан. Мана шу йили у яқинлари билан Маккаи муқаррамага етиб келиб, Ҳаж ибодатини адо этгандан сўнг онаси ва акасини Бухорога қайтариб юбориб, ўзи Маккада қолди ва бу муқаддас шаҳар машойихларининг илмий йиғинларига қатнаша бошлади. Ўша пайтда Маккада бир қанча кўзга кўринган уламолар истикомат қилаётган бўлиб, улар ичида ҳадис илми соҳасида машҳурларидан имом Абул Валийд ибн ал-Арзакний, Абдуллох ибн аз-Зубайр ва аллома ал-Ҳамидийларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, яна бир қанча таникли олимлардан ҳам имом ал-Бухорий ҳадис илми бўйича сабоқ олади. Маккаи муқаррамада икки йилча яшагандан кейин у Мадинаи мунаввара томон йўл олади. Жумлан жаҳондан илм толиблари набавий (Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақидаги) илмларни ўрганиш учун бу мўътабар шаҳарга оқиб келардилар. Имом ал-Бухорий 827 йилда, ўн саккиз ёшида Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг равзаи мубораклари қўйилган Мадинага етиб келди. Шу пайтда шаҳарда кўзга кўринган машҳур уламолардан Иброҳим ибн ал-Мунзир, Мутриф ибн Абдуллох, Иброҳим ибн Ҳамза, Абу Собит Муҳаммад ибн Убайдуллох, Абдулазиз ибн Абдуллох ал-Увайсий сингари етук олимлар фаолият кўрсатардилар. Имом ал-Бухорий ушбу уламолар билан мулоқотда






бўлиб, улардан кўпдан-кўп сабоқ олди. Ҳижози шарифга қилган бу рихлати асносида бўлғуси аллома ўзининг дастлабки асари «Ат-Тарих ал-қабир» («Қатта тарих»)нинг қораламасини тугатди. Қатор тарихчиларнинг таъкидлашича, имом ал-Бухорийнинг Ҳижоз (Макка), Мадина, Тоиф, Жиддага қилган бу рихлати олти йил давом этган. Шу билан бирга, бу муддат узлуксиз бўлмай, имом ал-Бухорий шу вақт ичида бошқа ёндош мамлакатларга ҳам сафар қилгани қайд этилади.

Шундан кейин, ал-Бухорий Басра (Ирок) шаҳрига қараб йўл олади. Ўша пайтда Басра ҳам Шаркнинг эътиборли илмий марказларидан бири бўлиб, бу ерда, хусусан, ҳадисларни ўрганиш кенг қулоқ ёйган эди. Басрада у имом Абу Осим ан-Набийл, Сафвон ибн Исо, Бадал ибн Аръара, Сулаймон ибн Ҳарб, Абул Валийд ат-Тайолисий, Аърим ва Муҳаммад ибн Синон каби уламолардан сабоқ олиб, ўз билимини оширди. Шу аснода имом ал-Бухорий Басрага ҳаммаси бўлиб тўрт марта бориб келди. Унинг ўзи доимо: «Басрага тўрт марта рихлат қилганман», – деб таъкидларди. Шундан сўнг у Куфага сафар қилди ва бу шаҳарда ҳам бир неча бор бўлди. Шунингдек, Бағдодни ҳам бир неча марта зиёрат қилгани маълум. Мазкур сафарлар хусусида қотиби ал-Варроқ унинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Куфа ва Бағдодга муҳаддислар билан учрашишга неча марта борганимнинг ҳисобини ҳам билмайман». Тарихчи олим ан-Нававий ўзининг «Тахзийбу-л-асмои ва-л-луға» номли китобида имом ал-Бухорийнинг Куфадаги устоз (шуйўх)ларидан қуйидагиларни зикр қилган: Абдуллох ибн Мусо, Абу Наъийм Аҳмад ибн Якуб Исмоил ибн Абон, ал-Ҳасан ибн Рабийъ, Холид ибн Муҳаллад, Саъийд ибн Хафас, Талак ибн Ғунам, Умар ибн Хафас Урва, Қабийса ибн Аъкба ва Абу Ғассон. Куфанинг таниқли олимлари – устозларининг ривоятлари ишончли ва исботли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, имом ал-Бухорий улардан ҳадислар ёзиб олган. Аббосийлар халифалигининг пойтахти бўлмиш Бағдодда дунёнинг турли томонларидан келган кўплаб фозиллар тўпланган эди. Шу боисдан бўлса керак, имом ал-Бухорий ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, Бағдодда бир неча марта бўлган ва у ерда қатта ҳурмат билан кутиб олинган. Бу шаҳардаги устозлари имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Исо ас-Саббо, Муҳаммад ибн Соик, Шурайх ибн ан-Нуъмон ва бошқалардан сабоқ олган. Имом Абу Али ал-Ғассоний «Такйид ал-муҳмал» номли асарида: «Имом ал-Бухорий охириги марта (ҳаммаси бўлиб у Бағдодда саккиз марта бўлганди) Бағдодни тарк этиб қайтаётганда, имом Аҳмад ибн Ҳанбал у билан хайрлашар экан, ғоят ҳасрату алам билан: «Илм ва мухлисларни (ан-нос) ташлаб, Хуросонга кетасанми?» – деб зорланган эди. Орадан йиллар ўтиб Бухоро ҳокими Абу Тохир аз-Зухлий имом ал-Бухорийга қарши фитна уюштириб, уни она юрти Бухородан бадарга қилиш ниятида турли-туман бўхтону тухмаглар тўқиганида имом ал-Бухорий Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўша сўзларини эслаб, кўп надоматлар чеккан ва «Аҳмад ибн Ҳанбалнинг сўзлари маъносига энди тушундим», – деб афсусланганди.

Имом ал-Бухорий Шомда ҳам бўлиб, унда Юсуф ал-Фарйобий, Абу Наср Исҳоқ ибн Иброҳим ва Одам ибн Абу Ийбос Абу-л-Яман ал-Ҳакам ибн Нофиъ ва Ҳайват ибн Шурийх каби бир қанча машҳур олимлардан сабоқлар олди. Шундан сўнг Мисрга ўтиб, Усмон ибн ас-Соғ Саъийд ибн Абу Марям, Абдуллох ибн Солих, Аҳмад ибн Солих, Аҳмад ибн Шубайб, Асбағ ибн ал-Фараж, Саъийд ибн Абу Исо, Саъийд ибн Касир ибн Афийр, Яхъя ибн Абдуллох ибн Бакир ва шуларга ўхшаш олимлардан дарс олди. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, имом ал-Бухорий Месопотамия






(Жазийра)га ҳам бориб, Аҳмад ибн Абу-л-Малик ал-Ҳарроний, Аҳмад ибн Язид ал-Ҳарроний, Амру ибн ал-Халаф ва Исмонил ибн Абдуллоҳ ар-Раккий каби олимлар билан мулоқотда бўлган ҳамда улардан истифода этган. Машҳур олим Тожддин ас-Субкий эса ўзининг «Ат-Табакоғ аш-шофииййа ал-кубро» номли асарида: «Имом ал-Бухорий ал-Жазийрага бормаган ва ал-Жазийра машойихларидан қилган ривоятлари бошқаларга таянилиб (билвосита) накл қилинадн», – деб ёзади. Бундан ташқари, аллома Хуросон ва унинг Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларида ҳам неча марта лаб бўлиб, машҳур олимларидан сабоқлар олди. Жумладан, Марвда Али ибн Ҳасан ибн Шакийк, Абдон, Муҳаммад ибн Муқодил ва бошқалардан, Балхда эса Маккий ибн Иброҳим, Яхья ибн Бишар, Муҳаммад ибн Абон, Ҳасан ибн Шужаъ, Яхья ибн Мусо, Қутайба каби муҳаддислардан ривоятлар қилади. Ҳиротда Аҳмад ибн Абу-л-Валийд ал-Ҳанафий, Нишопурда Яхья ибн Яхья, Башар ибн ал-Ҳакам, Исҳоқ ибн Роҳвайх, Муҳаммад ибн Рофиъ, Райда эса Иброҳим ибн Мусо, Воситда Ҳисон ибн Ҳисон ибн Абдуллоҳ, Саъийд ибн Абдуллоҳ ва шунга ўхшаш олимлардан ҳадислар ўрганди. Шунингдек, XV асрда ўтган йирик тарихчи Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» номли машҳур асарида ал-Бухорий Кешда ҳам анча муддат яшагани хақида ёзади.

Имом ал-Бухорий юкорида зикр қилинган шаҳарлар ва мамлакатларга яккаю ягона мақсад – ҳадис илми бўйича сабоқ олиш ниятида борди, бу жойлардаги таникли олимлар билан мулоқотда бўлиб, ўз илмини муттасил бойитишга интилдн. «Бағдод тарихи» номли йирик асарнинг муаллифи ал-Ҳатиб ал-Бағдодий ўз китобида Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Қатгон деган олимнинг имом ал-Бухорийнинг ўзи: «Мен ҳадисларни минг, эҳтимол ундан ҳам ортик шайху уламоларга таяниб ёздим, менинг китобимда исноди кўрсатилмаган бирорта ҳам ҳадис йўқ, деб айтганини эшитганман», – деган сўзларини келтиради.

Тарихчилар имом ал-Бухорийнинг устозлари сони хақида ҳам маълумотлар келтиришган. Жумладан, олим Муҳаммад ибн Абу Ҳотамнинг ёзишича, имом ал-Бухорийнинг ўзи суҳбатларидан бирида унга: «Бир минг саксонга шайх (устоз)дан ёзганман», – деган. X асрда яшаган исфаҳонлик олим Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний (922–1005) имом ал-Бухорийнинг устозлари хақида махсус асар яратиб, алифбо тартибида уларни номма-ном келтиради. Ҳозирги вақтда Саудия Арабистонида истикомат қилувчи ватандошимиз, иқтидорли олим Назар Муҳаммад ал-Фарйобий таҳқиқ қилиб, кенг қўламда илмий муомалага киритган ушбу мўъжазгина рисола 1991 йили Саудия Арабистонидаги «Мақтабат ал-Кавсар» матбаасида чоп этилган. Имом ал-Бухорийнинг устозлари хақида нисбатан муфассал маълумот берадиган ушбу манба хусусида кенгрок тўхталмиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Аввало, «Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари» асарининг муаллифи хақида қисқача маълумот келтириш мақсадга мувофиқдир. Унинг тўлик исми Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний бўлиб, ҳижрий 310 (баъзи манбаларда келтиришича, 309) йилда Исфаҳонда таваллуд топган. У йиғирма ёшларидан бошлаб Нишопур, ал-Искандария (Александрия) орқали Басра, Ҳирот, Сижистон, Озарбайжонга ҳам кирмай, тўғридан-тўғри Шош (ҳозирги Тошкент)га рихлат қилган. Ушбу сафарлардан қайтганда, ўзи билан қирк хамл (яъни қирк туяга юк бўладиган) хилма-хил китоблар келтирган. Манбаларда таъкидланишича, Қуръони карим ҳофизларидан биронтасига ҳам ал-Исфаҳоний эшитган маълумотларни (ёки хабарларни) эшитиш ва у жам қилган





маънавий бойликларни жамлаш насиб этмаган экан. Ал-Исфажонийнинг ўзи доимо: «Мен Шаркни ҳам, Ғарбни ҳам икки марта тавоф қилиб, айланиб чиққанман. Кимки ўз ақидавий фикрида қатъий турмай бекарорлик кўрсатиб, хали у ёкка, хали бу ёкка оғадиганлардан бўлиб, ҳақиқий дин аҳкомларига хилоф иш тутиб, бидъат ва хурофотга амал қиладиган бўлса, ундан биронта ҳам ҳадис эшитмаганман», – деб таъкидларди.

Ал-Исфажоний ҳақида ёзган ўрта аср тарихчиларининг кўпчилиги унинг «кўп таснифларнинг муаллифи» («соҳиб ат-тасонийф») деб қайд қилганлар. Тадқиқотчи Назар Муҳаммад ал-Фарӣобий эса унинг қаламига мансуб йнгирмага яқин асарлар борлигини таъкидлаб, уларни номма-ном келтиради. Ушбу асарлардан ўндан ошнғи ҳадис ва унинг турли илмларига бағишланади. Улардан «Ҳадис», «Ал-Амолий», «Ал-Фавонд», «Маърифат ас-саҳоба», «Фатҳ ал-боб фи куна ва-л-алқаб», «Шурут ал-анмма», «Китоб ат-тарих», «Китоб асмон ас-саҳоба» кабиларни кўрсатиш мумкин.

Муаллифнинг ақидага бағишланган асарлари ҳам ижодида салмоқли ўрн эгаллайди. Улардан «Китобу-р-радд аъло-л-жаҳмийинн», «Китоб ас-сифот», «Китоб ан-нафс ва-р-руҳ», «Ан-Носих ва-л-мансух» ва бошқаларни келтириш kifоядир. Исҳок ибн Манда ал-Исфажоний 395/1005 йилда вафот этиб, Исфажондаги Дуккабоз қабрстонига дафн қилинган.

Муаллифнинг «Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари» асари ҳажм жиҳатидан унча қатта бўлмай, атиғи 16 варақдан иборат қўлёзма чиройли насх хатида ёзилган. Ҳар бир саҳифада 17 сатр бўлиб, бағдодлик хаттот Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад Али ибн ал-Иброҳим томонидан олти юз ўттиз иккинчи хижрий йилнинг ўн тўққизинчи шавволи, жума кунда Дамашк Жоме масжидида кўчирилган, илмий жиҳатдан ғоятда қимматлидир. Ушбу китобда имом ал-Бухорий ўзининг шох асари «Саҳнх ал-Бухорий»да келтирган уч юз олти ҳадис ровийларининг исми шарифлари алифбо тартибда тўлик ҳолда зикр қилинади. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги ҳақида асли қайси шаҳардан келиб чиққани, лақаби ёки қунаси, аксариятининг эса қайси шаҳарда қачон вафот этгани тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилади. Фикримизнинг исботи сифатида мазкур асардан бир неча мисоллар келтирамиз:

«Аюб ибн Сулаймон ибн Билол Мавли Абдуллоҳ ибн Аби Атийк, асли Мадина шаҳридан, 224 хижрий йилда вафот этган; Иброҳим ибн Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аз-Зубайр ибн ал-Авон аз-Зубайрий 230 хижрий санада Мадинада вафот этган бўлиб, кўпинча, Абу Исҳок қунаси билан аталарди; Аҳмад ибн Исҳок ибн ал-Хусайн, Абу Исҳок ас-Сулламий, у ас-Сурморий номи билан танилган бўлиб, Бухоро кишлоғидан эди; Аҳмад ибн Абу Ража – асл исми Абдуллоҳ ибн Аюб ал-Ҳаравий Абу ал-Валийд. Имом ал-Бухорий ҳадисларни ундан Бухорода пайтида ёзиб олган; Аҳмад ибн Манийъ ибн Абдуррахмон, Абу Жаъфар ал-Бағавий – у Бағдодда яшаган. У Хусайдан ривоят қилади. Уни ал-Қаббоний деб ҳам атардилар. Имом ал-Бухорий ундан атиғи битта ҳадис ривоят қилган; Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ибн Исо ал-Хумайдий – Абу Бакр қунаси билан танилган бўлиб, Макка аҳлидан. Вафоти икки юз ўн тўққизинчи хижрий йил; Муҳаммад ибн Юсуф Абу Аҳмад ал-Бухорий Пойканд аҳлидан».

Мана шу тарика ушбу китобда имом ал-Бухорий ҳадис эшитган 306 ровий ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу адад, албатта, буюк аллома ҳадис эшитган ровийларнинг бир қисмидир. Аслида, у, юқорида айтилганидек, жуда кўп ровийлардан ҳадис эшитиб, ёзиб олган.






Ҳадисшуносликда яна бир муҳим соҳа бўлмиш иллатли ҳадисларни аниқлаш гоятда масъулиятли ва мураккаб ишлардан ҳисобланади. Муҳаддис ҳадис илмига оид барча тартибот ва услубларни мукамал билиш билан бир қаторда, ровийларнинг туғилган ва вафот этган вақтлари, ҳадисни кимдан эшитиб, кимдан ривоят қилаётгани, эшитган ибора ва алфозларининг аниқлигини тўла-тўқис эгаллаган бўлиши керак. Шу боисдан ҳам муҳаддисларнинг кўпчилиги бу жиҳатларни тўла-тўқис эгаллаш – ҳадис илмида энг жиддий муаммо ва айни вақтда ўта шарафли масъулият деб ҳисоблайдилар. Ҳадисни ёдлаб уларни мукамал идрок қилган ва бу борада талаб этиладиган бошқа тажрибаларга эга бўлган, ҳадислар хусусида узил-кесил гапиришга ҳақли ҳисобланганлар фақат Али ибн ал-Мадийний, Якуб ибн Шайба, Аҳмад ибн Ҳанбал, ал-Бухорий, Абу Ҳотам, Абу Зуръа, Ад-Доракутний ва уларга эргашган бир неча муҳаддислар ҳисобланишади. Бу ўринда Али ибн ал-Мадийнийнинг қуйидаги сўзларини келтириб, иллатли ҳадисларни аниқлаш қанчалик қийин ва мураккаб эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз: «Менинг ўзим билган бир ҳадиснинг иллатини аниқлашдан кўра янги, аввал билмаган йигирмата ҳадис ёзиб олишим мен учун осондир». Дарҳақиқат, ҳадисларда, гарчанд, зохиран ўзаро боғлиқлик бўлса-да, уларни исноди жиҳатидан дастлабки ровийга бекаму кўст улаш ёки узилиш билан етказиш, ёки бир ҳадис ибораларини иккинчи бир ҳадис сўзлари билан аралаштириб юбормаслик ёхуд ўнлаб ровийлардан бирининг нуқсонини аниқлаш жуда қийин ва машаққатли юмушдир. Мана шу зайлдаги тўлиқ имкониятга ва ҳар томонлама мукамал ахборотга эга бўлмаганлар, табиийки, ҳадис илмида бирор ютуққа эришиши амри маҳол эди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, имом ал-Бухорий мукамал эгаллаган буюк санъатлардан бири бу – иллатли ҳадисларни аниқлаш бўлган. Имом ал-Бухорийнинг замондоши олим ал-Ҳофиз Аҳмад ибн Ҳамдун бундай эслайди: «Усмон ибн Абу Саъийд ибн Марвоннинг жанозаси пайтида Муҳаммад ибн Яхъя аз-Зухлий ал-Бухорийдан ровийлар исмлари ва иллатли ҳадислар ҳақида савол сўраганида ал-Бухорий гўёки у «кул хува Аллоху аҳад»ни ёддан ўқиётгандек – мерганнинг беҳато ўқи мисоли тўғри жавоб қилганини кўргандим».

Мавриди келганда шуни айтиш керакки, мана шу даврда, яъни IX асрда Нишопурда илм-фан, айниқса, ҳадис илми ниҳоятда тараккий қилиб, унда имом ал-Бухорий, имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, имом ат-Термизий ва бошқа бир қатор буюк муҳаддислар йиғилган эди. Улар шаҳарда фаолият кўрсатадиган мадрасаларда ёшларга ҳадис илмидан дарс берардилар. Бу буюк муҳаддислар орасида илмий мунозара ва баҳслар жуда кўп бўлган. Имом ал-Бухорий ҳадис соҳасидаги ўз илми ва салоҳияти, айниқса, иллатли ҳадисларни аниқлаш маҳорати билан барчани койил қолдирган, муҳаддисларнинг ҳаммаси унга бир овоздан тан берган. Имом ал-Бухорий масжидларда, оммавий илмий йиғинларда ҳам иштирок этган. Ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан бири саналган Муслим ибн ал-Ҳажжож имом ал-Бухорийнинг чуқур билимига тан бериб, унга самимий равишда: «Сизни фақат ҳасадгўйларгина кўра олмайди. Менинг имоним комилки, сиздек буюк олим жумлаи жаҳонда йўқ», – деб хитоб қилган.

Имом ал-Бухорийнинг иллатли ҳадисларни билишдаги беназир маҳорати, мукамал илми ва қобилияти борасида унинг замондошлари кўп қимматли фикрларни қолдирганлар. Иллатли ҳадисларга атаб махсус асар ёзган имом ат-Термизий ўз асари «Китоб ал-илал»да: «Ҳадислар, ровийлар, улар тарихларидаги иллатлар хусу-





сидаги фикрларим имом ал-Бухорийнинг «Китоб ат-тарих» асаридан фойдаланганларим, улардан яна кўпроғини Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий билан қилган илмий мунозараларим пайтида олганман, шунингдек, Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон, Абу Зуръадан ҳам фойдаландим-у, лекин барибир, кўпроғи Муҳаммад ал-Бухорийдан, камроғи эса Абдуллоҳ билан Абу Зуръадандир», – деб эътироф этган. Яна имом ат-Термизий: «Иллатли ҳадисларни ва иснодларни аниқ билишда Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан кўра устун бўлган бирорта олимни кўрмадим», – деб алоҳида таъкидлаган.

Имом ал-Бухорий иштирок этган илмий мажлисларнинг бирида ўз замонасининг етук олимларидан саналган ал-Фарӣобий санади қуйидагича бўлган бир ҳадис ҳақида гапириб: «Суфён Абу Урвадан, у Абу-л-Хаттобдан, у Абу Ҳамзадан», – деди. Мажлисда ҳозир бўлганларнинг бирортаси ҳам Суфёндан бошқаларнинг ким бўлганини аниқ билмади, чунки бу ўринда уларнинг фақат қуниялари (Абду-л-Хаттоб, Абу Ҳамза) айтилган эди. Шунда Муҳаммад ал-Бухорий вазминлик билан: «Абу Урва бу – Муаммар ибн Рошид, Абу-л-Хаттоб эса Қатола ибн Даома, Абу Ҳамза бўлса, Анас ибн Моликдир. Буюқларнинг ишлари инқилобий тусда улуғвор бўлганлиги учун ҳам улар фақат қуниялари билан айтилганлар», – деди.

Ҳадис ривоятдаги ноқислик ва уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш масалалари саҳобалар давридан бошланиб, ўша пайтданок ҳадисларни ёзиб олишда бу масалага алоҳида эътибор берилган. Чунончи, саҳобаларнинг ўзлари ривоят қилган ҳадисларда ҳам иллатли ҳадислар учраган ҳоллар аниқланган эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотидан кейин вақт жиҳатидан муддат кам ўтгани, ҳадисларни нақл қилишда воситаларнинг озлиги туфайли дастлабки пайтларда бунга эҳтиёж унчалик катта бўлмаганди. Ривоятда иштирокчилар сони кўпайиб, вақт ўта борган сари ровийларнинг иллатини аниқлашга тобора зарурат кучайди. Ҳадис илмида ҳам, муҳаддислар орасида ҳам бу масала муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ҳадис ровийларига нисбатан алоҳида диққат-эътибор, чуқур муносабат билан қаралиб, ҳар хил услубу қоидалар яратилди. Масалан, қайси ҳолатларда замондошларнинг иллати (жарҳи) қабул қилинмайдю, қайси бир ҳолатларда қабул қилинади каби аниқ йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, ҳадисларда иллат масаласи муҳим аҳамият касб этиб, у билан шуғулланадиганлардан пок диёнат ва такводорлик, қобилият талаб қилинади. Имом ал-Бухорий бу соҳада ўзига асосий дастуруламал қилиб олган эҳтиёткорлик маслағи унинг диёнат, имон-ихлос ва ҳудожўйликда юксак даражага эришганини кўрсатади.

Имом ал-Бухорийнинг иллатли ҳадислар ҳақидаги мулоҳазалари ғоят мутавозе ва одоб-ахлоқ доирасида бўлиб, муносабатлар «уни шундай қолдирганлар (тарақаху), «у ташлаб кетилган» (матрук), «тушириб қолдирилган» (соқит), «бу ҳақда ўзгача бир фикр-мулоҳаза ҳам бор», «бу хусусда аввал ўтганлар ҳеч нарса демаганлар» ва шунга ўхшаш беозор, оддий ва самимий иборалардан ташкил топган. Жуда камдан-кам ҳолларда имом ал-Бухорий бирон одамга нисбатан «у ичидан ўйлаб чиққан (уйдирмачи)» ёки «каззоб» деярди, иллатли ҳадислар масаласида ал-Бухорий ишлатган энг қаттиқ айблов «ҳадисни инкор қилувчи» («мунқир ал-ҳадис») деган ибора бўларди. Ҳадис илмида шу қоида одат тусига кирдики, агар имом ал-Бухорий бирон ровий ҳақида «у-мунқир ал-ҳадис» деса, ундан ҳеч вақт ҳадис ривоят қилинмасди. Бу хусус-





да Ибн ал-Қаттон имом ал-Бухорийнинг ушбу сўзларини келтиради: «У (ал-Бухорий) унга: «Хар қандай киши ҳақида «у мункир ал-ҳадис» деган бўлсам, бас, ундан ҳеч вақт ҳадис ривоят қилинмайди», – деган.

Имом ал-Бухорий устозларининг сони кўп бўлиб, улардан бирининг исми «Мусаддид» (луғавий маъноси «тўғри йўлга бошловчи») эди. Ал-Бухорий унга қаттиқ ишониб: «Мусаддид – ўз исмига монанд тўғри йўлга бошловчидир. Китобларим ўзимда бўладими ёки унда бўладими – менга фарқи йўқ», – деб доимо такрорлар эди. Ушбу таъкиддан аён бўлаётирки, имом ал-Бухорий ўз китоблари муҳофазасига алоҳида аҳамият берган. У бу масалага, бамисоли ҳадис ривоятига эътибор берган-дек, алоҳида эътибор билан қараган. Шунингдек, улар қандай одамларнинг қўлида сақланишига ҳам жиддий қараган. Ўз китоблари ҳар қандай кимсанинг қўлига тушиб қолишига бефарқ бўлмаган.

Имом ал-Бухорий бутун фаолияти давомида ҳам илмий, имкони бўлса, моддий жиҳатдан одамларга, яъни Аллоҳнинг бандаларига бирор наф етказишни ўзининг асосий максоди қилиб қўйган эди. У доимо илм аҳлларию илм толибларига, ҳатто устозлар (аш-шуйух) ва муҳаддисларга ҳам моддий ёрдам кўрсатарди. Тижорат қилганда ҳар сафар ўзи кўраётган даромаддан, яъни фойдасидан беш юз дирхамни факиру мискинларга, илм толибларига сарфларди. Толиби илмларга маълум маблағлар (маошлар) ажратиб, уларни алоҳида қизиқишу завқ-шавқ билан Пайғамбаримиз (с.а.в.) илмларини (ҳадиси шарифларини) ўрганишга рағбатлантирарди, аҳли илмга нисбатан ғоятда кўп эҳсон кўрсатарди. Айни вақтда имом ал-Бухорий ўз шахсий ҳаётида, ейиш-ичишда ва кийинишда сира ҳам дабдаба ва беҳуда сарфу харажатларга йўл қўймасди, сабр-тоқат ва қаноат, чидамлилиқ унинг учун одат тусидаги бир ҳол эди.

Имом ал-Бухорий ғоятда беғубор, ҳалол-поқиза, диёнатли инсон бўлиб, ғийбату ноҳақликлардан узоқ бир киши бўлган. У доимо: «Ғийбат қилиш ҳаром эканини билганимдан бошлаб, ҳеч қачон бирор киши ҳақида ғийбат гапирмаганман», – деб таъкидларди.

Имом ал-Бухорийнинг энг улуғ фазилатларидан яна бири у таассуб (мутаассиблик)нинг ҳар қандай кўринишларидан узоқ бўлганидир. Унинг шох асари «Саҳих ал-Бухорий» билан чуқурроқ танишилса, ал-Бухорийнинг ўз китобидаги маълумотларга ниҳоятда қатта синчковлик ва эҳтиёткорлик билан ёндашганини кўрамиз. Қанчадан-қанча машаққатлар билан тўпланган ҳадисларининг саҳихлигига тўла ишонч ҳосил қилиб, обдон текширгандан кейингина ўз асарига киритганлиги бу фикрни яна бир қарра тасдиқлайди. Имом ал-Бухорийнинг «Саҳих» асари ҳақида гапирар эканмиз, шуни ҳам қайд қилиш керакки, ушбу китобнинг саҳих иснодларида аҳли суннага мансуб бўлмаган ровийлар ҳам учрайди. Ал-Бухорий муҳаддисларда ҳадисларга бўлган қатта меҳр ва интилиш ҳамда унга қатъий амал қилиш ҳар қандай таҳсинга сазовор, деб ҳисобларди. Бу масала ғоятда муҳим бўлиб, бу хусусда баъзи муҳаддисларнинг ўзлари ҳам фикр-мулоҳаза билдирганлар. Жумладан, имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ўзим амал қилмаган битта ҳам ҳадисни китобга олманман», – деб таъкидлаган бўлса, ўз даврининг йирик муҳаддисларидан бири саналган Вакий ибн ал-Жаррох: «Агар бирор ҳадисни ёдлашни истасанг, энг аввало, унга амал қил», – деган. Яна бир муҳаддис Иброҳим ибн Исмоил эса: «Ҳадисларни ёдлашда, энг аввало, унга амал қилиш йўлидан фойдаланардиқ», – деб таъкидлаган. аллома ас-Суютий ўзининг «Ат-Тадрийб» номли асарида бу жараёни қуйидагича ифодалайди: «Ибо-





датлар, одоб-ахлоқ, фазилатлар, солих аъмоллар хусусида эшитган ҳадислардан самарали фойдаланиш лозим. Бу, биринчидан, ушбу ҳадиснинг закоти; иккинчидан эса, уни ёдлаш учун яхши омилдир».

Имом ал-Бухорий яшаган даврда Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий Тоҳирийлар томонидан бўлиб, Бухоронинг амири сифатида салтанат юритарди. Хорижий юртларга қилган узок йил давом этган сафаридан қайтиб, имом ал-Бухорий ўз она юрти Бухорода ўрнашгач, унинг шону шуҳрати чор атрофга таркаб, кўплаб ҳадис толиблари тўда-тўда бўлишиб, аллома хузурига кела бошлагач, Холид ибн Аҳмад аз-Зухлий улар билан гарчанд мазҳабий масалаларда бир қадар мухолафатда бўлса-да, уларнинг ривоятларини ташлаб кетмасдан китобига киритган. Фақат шу шарт биланки, улар бидъатга даъват қилмайдиган, ёлғон-яшиқ ривоятларни таркатмайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам, сохта (ёлғон) аралашинини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайдиган кишилар бўлиши талаб қилинган. Шу боисдан ҳам, имом ал-Бухорийнинг ровийларига назар солсак, улардан баъзилари шиа тамғаси билан кўрсатилган бўлиб, аллома уларнинг ривоятини ҳам «Саҳих» китобига киритган.

Ҳадислардаги нокисликларга алоҳида эътибор бергани каби, имом ал-Бухорий ровийларнинг ибратли, гўзал фазилатларини урғулаб кўрсатишга ҳам катта аҳамият берган. Агар келтирган ривоятлари тўғри бўлса, ровийларнинг ҳақиқий тавсифларини адолатли ишларини батафсил зикр қилган.

Манбаларда келтирилишича, имом ал-Бухорий ўз илмий-ижодий фаолияти даврида йигирмадан ортик асарлар яратган. Улар қуйидагилардан иборат: «Ал-Жомий ас-саҳих», «Ал-Адаб ал-муфрад», «Китоб ал-куна», «Китоб ал-фавоид», «Жузъ рафъ ал-йаддайн», «Ат-Тарих ал-кабир», «Ат-Тарих ал-авсат», «Ат-Тарих ас-сағир», «Ал-Жомий ал-кабир», «Халқ афъол ал-ибод», «Китоб аз-зуафо ас-сағир», «Ал-Муснад ал-кабир», «Ат-Тафсир ал-кабир», «Китоб ал-ҳиба», «Асомий ас-саҳоба», «Китоб ул-вуҳдон», «Китоб ал-мабсут», «Китоб ал-илал», «Бирр ал-волидайн», «Китоб ал-ашрибати», «Қазойо ас-саҳоба ва-т-тобиъйн», «Китоб ар-Рикок», «Ал-Жомий ас-сағир фи-л-ҳадис», «Ал-Қироату халф ал-имом».

Имом ал-Бухорий ҳақида ёзган муаррихлар ва солномачилар унинг хусни-хулқлари ва маҳосинларини зикр қилганларида, албатта, унинг қувваи хофизаси ва хотирасининг кучлилигини алоҳида таъкидлаб кўрсатадилар.

Чунончи, манбаларда имом ал-Бухорий хотирасининг кучи хусусида кўпдан-кўп қизиқарли ривоятлар келтирилади. Таъкидлаганимиздек, унинг устозлари Муҳаммад ал-Бухорийнинг ёшлигидан Аллоҳ таоло ато қилган ноёб иқтидори ва қувваи хофизасини сезиб, унга яқдиллик билан тан берганлар. Ёшлигидаёқ унинг ҳақида «ғоятда фозил инсон бўлади», «довруғи эл орасида дoston зот бўлиб чиқади», деб айтган башоратлари тарих китобларида битилган.

Буюк муҳаддис Абу Исо ат-Термизий: «Имом ал-Бухорий эл орасида танила бошлагач, Абдуллоҳ ибн Мунир: «Э, Абу Абдуллоҳ! Аллоҳ сени бу умматнинг зийнати қилиб яратган!» – деган фикрини келтиради. Ат-Термизий яна: «Аллоҳ таоло унинг барча хоҳишини мустажоб қилиб яратган эди», – деб таъкидлайди. Тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий қуйидагича хикоя қилади: «Холид ибн Исмоил шундай деган эди: Басра машойихлари хусусида имом ал-Бухорий билан бизнинг фикримизда кўпинча ихтилоф бўларди. Шу пайтда у ўспирин бола бўлиб, ҳадисларни сира ёзмасди. Шу зайлда ўн олти кун ўтгач, у бизга: жуда кўп ҳадис эшитиб ёзиб олдинглар.






кани менга кўрсатинглар-чи, канча ҳадис ёзиб олибсизлар, деди. Ҳисоблаб кўрсак, ўн беш мингдан зиёд ҳадис ёзган эканмиз. Ал-Бухорий уларнинг ҳаммасини ёддан айтиб берди, ҳатто ёзган ҳадисларимизнинг кўпларидаги хатоларни унинг ёддан айтганларига қараб тузатиб ҳам олдик». Олим Муҳаммад ибн ал-Азҳар ас-Сижистоний «Биз аллома Сулаймон ибн Харабдан ҳадис илмидан сабоқ олардик. Ал-Бухорий ҳам биз билан бирга ҳадис эшитарди-ю, лекин сира ёзмади. Нега у ёзмаётир? – деб сўраганлар: «Ўз юрти Бухорога қайтгач, ёддан ёзади», – деб жавоб олгандилар». Ушбу Сулаймон ибн Хараб ўз замонининг машҳур алломаси ва ҳадис хофизларидан ҳисобланиб, Макка мукаррамада қози ҳам бўлган. Унинг хотираси ғоятда кучли бўлиб, ҳеч бир китоб-дафтарга бокмай, ўн минглаб ҳадисни ёддан ривоят қилган. Абу Ҳотам шундай ҳикоя қилади: «Мен Бағдодда Сулаймон ибн Харабнинг дарсларидан сабоқ олганман. Унинг сабоғини олганларнинг сони қирк мингдан ҳам ошиб кетган бўлиб, у хижрий 224 йилда вафот этган. Имом ал-Бухорий ҳам унинг шогирдларидан ҳисобланарди. Фазлу камолнинг шунчалик буюк бўлишига қарамасдан, у ал-Бухорийдан «Сен бизга Шуъабанинг хатосини тушунтириб бер», – деб илтимос қиларди. Ҳифзу заковат, идроку тафаккурдан раббоний (илоҳий) бир ноёб қобилият ва истеъдод Имом ал-Бухорийга ато этилгандики, ҳатто унга устозлари томонидан ҳам юксак иззат-иқром ва ҳурмат кўрсатилиб, кўп муҳаддислар унинг ҳузурда дарс ўқишдан ҳам хижолат бўлиб, ҳайиқиб турганлар». Шу хусусда Фатх ибн Нух ан-Найсобурийнинг: «Али ибн ал-Мадийнийнинг дарсида ҳозир бўлганимда Муҳаммад ал-Бухорий унинг ўнг томонида ўтирганини кўрдим. Устоз ҳар бир ҳадисни зикр қилганида ҳурмат бажо келтириб, ал-Бухорий томонига охишта бурилиб кўяр эди», – деб ёзиши устозларининг имом ал-Бухорийга ҳурмат-эътибори алоҳида бўлганидан яққол далолатдир.

Кўпгина манбалар ва тарих китобларида имом ал-Бухорийнинг ақл-заковати ва қувван хофизасини синаш мақсадида қилинган имтиҳон (синов) хусусида аниқ маълумотлар зикр қилинган. Жумладан, шундай жиддий бир имтиҳон Бағдодда Дор ал-Хилофат (Халифалик уйи)да Бағдод уламолари томонидан уюштирилган. Бағдодлик олим Абу Бакр ал-Калузоний (ваф. 249 х.): «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга ўқшаш ҳеч бир олимни кўрмадим. Бирор илмга оид ҳар қандай китобни олиб синчиклаб мутолаа қиларди-да, унда келтирилган барча ҳадисларни бир мартанинг ўзидаёқ ёдлаб оларди», – деб ёзган.

Қачонки имом ал-Бухорий ҳадис илми бўйича мукамалликка эга бўлиб, илмий мажлислар, сабоқлар бера бошлагач ва унинг бу тарздаги мажлислари доврўғи ҳар тарафга тарқаб, эл орасида ёйилгач, илм толибларию аҳли дониш бу сабоқларга шунчалик кўп ёғилиб кела бошладики, мажлисларга одамлар сиғмай кетарди. Бу тартибдаги илмий мажлислар Басра, Бағдод, Ҳижоз, Балх каби шаҳарларда уюштирилиб, аллома умрининг охирида ўз ватани Бухорода ҳам ҳадислардан дарс берганди.

Имом ал-Бухорий шогирдлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар сонсиз-саноксиз кўп бўлган. Бу хусусда олим Ал-Фирабрӣ: «Бевосита имом ал-Бухорийнинг ўзидан тўксон минг одам ҳадис эшитган», – деб ёзади. Муаррихлару муҳаддисларнинг ёзишларича, ҳатто ал-Бухорийдан сабоқ олиб, ундан истифода қилганлар орасида унинг машҳур устозлари ҳам бўлган. Улар доимо ал-Бухорийнинг илмий мажлисларида ҳозир бўлардилар. Улардан Абдуллох ибн Муҳаммад ал-Маснадӣ, Абдуллох ибн Мунир, Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сарморӣ, Муҳаммад ибн Халаф, Ибн Қутайба ва





бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг ҳаммалари ҳам ўз даврининг фазилатли, илми комил олимлари ҳисобланарди. Шундай улуғ мартабага эга бўлишларига қарамай, улар ал-Бухорийдан зарур сабоқларни олганлар.

Ёши имом ал-Бухорийга тенгқур бўлиб, унга таянган ва дўсти фазлу камолининг юксаклигини тан олиб, унинг илмий мажлисларида қатнашган буюк олимлардан имом Абу Зуръа ар-Розий, Абу Ҳотам ар-Розий, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абдуллох ибн Мутийн, Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Зийрак ал-Форсий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳазийма, ал-Қосим ибн Закариё, Муҳаммад ибн Абдуллох ал-Ҳадрабий, Муҳаммад ибн Қутайба, Абу Бакр ал-Аъйин ва бошқа кўпчиликни кўрсатиш мумкин. Мазкур олимлар рижол (ровийлар), тарих, ҳадис, жарх (иллатли ҳадислар), таъдийл илмлари бўйича ўз даврининг буюк алломалари эди.

Имом ал-Бухорийнинг шогирдлари орасида шон-шуҳратда юксакликка етишиб, буюк шарафга муяссар бўлган, исломий илмлар – илм ал-ҳадис ва фикҳнинг асосий жиҳатларини мукамал билганлардан «Ас-Саҳиҳ» китобининг муаллифи имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, «Сунан» китобининг соҳиби имом Абдурраҳмон ан-Насоий, «Ал-Жомийъ» асарининг соҳиби имом Абу Исо ат-Термизий, исломий илмлар бўйича қатор таснифотларнинг муаллифи имом Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, имом ад-Доримий, машҳур факийх, «Ас-Саҳиҳ» номли асарнинг соҳиби имом Ибн Ҳузайма ва бошқалар ҳам бор эди. Имом ал-Бухорийнинг шогирдлари бўлган ушбу алломалар ўз даврининг йирик муҳаддислари ва фикҳ олимлари бўлиб етишдилар.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ИМОМ АД-ДОРИМИЙ (798–869)

Юртимиздан чиққан буюк муҳаддислардан яна бири имом Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Абдураҳмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ибн Абдусаммад ат-Тамимий ас-Самарқандий ад-Доримийдир. Имом ад-Доримий ҳақидаги маълумотларни, асосан, ўрта асрларда яшаган машҳур араб муаллифларининг асарларида учратамиз. Мана шу асарлар жумласидан ал-Хатийб ал-Бағдодийнинг «Тарихи Бағдод» («Бағдод тарихи»), Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «Сийар аълом ан-нубало» («Олийжаноб алломалар сийратлари»), «Тазкират ал-хуффо» («Ҳофизлар ҳақида тазкира»), ибн ал-Имод ал-Ҳанбалийнинг «Шазарат аз-заҳаб фи ахбори ман заҳаб» («Дунёдан ўтиб кетганлар ҳақида олтин парчалар»), Нажмуддин Умар ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимлари ҳақида қанддек (ширин) китоб») кабиларни кўрсатиш мумкин. Мана шу асарлардаги маълумотлардан маълум бўладики, ад-Доримий 181/798 йилда Самарқанднинг қадимий мавзеларидан бири Доримда таваллуд топган.

Абдуллох ибн Абдураҳмон ад-Доримий ёшлиқ чоғларидан бошлаб фавқуллода ақл-заковати, ўтқир зеҳни, айниқса, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги билан барчани ҳайратга солган. Унинг ғайритабий иқтидори ва алоҳида салоҳияти ҳусусида халқ орасида бир қанча ривоятлар юрганлиги ҳақида ҳам манбаларда қайд қилинади.





У диний ва дунёвий фанлар, айникса, ҳадис илми буйича дастлабки билимни ўз юрти Самарқандда олиб, сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараккий қилган марказлар – Қоҳира, Дамашк, Бағдод, Макка, Мадина, шунингдек, Хуросоннинг турли шаҳарларидаги таникли олимлар ёрдамида мукаммаллаштиради. Бир неча йил давом этган илмий сафарлари давомида имом ад-Доримий Язид ибн Хорун ал-Воситий, Убайдуллоҳ ибн Мусо Абу-л-Муғийра ал-Фирёбий, Абдусамад ибн Абдулвори, Яхё ибн Ҳасан, ал-Асвад ибн Омир, Бишр ибн Умар аз-Захроний ва бошқа кўпдан-кўп етук муҳаддислардан ҳадислар ўрганади. Илм йўлидаги бетиним саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида ад-Доримий ҳадис, тафсир ва фикх илмларининг атоқли алломаси даражасига кўтарилади.

Имом ад-Доримий, айникса, йирик ҳадисшунос олим сифатида катта шуҳрат қозонган. У ҳақда ёзган муаллифларнинг аксарияти имом ад-Доримийнинг «Самарқандда ҳадис ва-л-осор (археология) илмларининг равнақ топишида улкан хиссаси бор», – деб яқдиллик билан таъкидлаганлар. Ўз даврининг илм аҳли орасида беқиёс обрў-эътиборга эга бўлган имом ад-Доримий бир қанча муддат Самарқандда шайх ул-ислом бўлган. Шунингдек, манбаларда таъкидланишича, табиатан вазмин, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй, инсоф ва диёнати баркамол, ҳар қандай вазиятда ақл-идрок, чуқур тафаккур ва мулоҳаза билан иш юритгани боис имом ад-Доримий ҳазратлари султон томонидан Самарқанднинг Қозикалони (Бош қози) лавозимига таклиф қилинади. Аллома аввалига рад жавобини берса-да, лекин султон ўз фикрида қатъий туриб олгач, рози бўлади. Бирок қозихонада атиги битта иш кўрилгач, у ўзини ушбу лавозимдан озод этишларини илтимос қилади ва пировардида унинг илтимоси қондирилади.

Имом ад-Доримийнинг илмий-маънавий меросини «Ал-Муснад», «Ат-Тафсир», «Ал-Жомийъ», «Ас-Сулосиёт фи-л-ҳадис», «Китоб ас-сунна фи-л-ҳадис» ва «Китоб савм ал-мутохозотий ва-л-мутахаййирот» каби асарлари ташкил қилади. Алломанинг энг машҳур асари, шубҳасиз, «Ал-Муснад» бўлиб, бу асар «Сунан ад-Доримий» номи билан машҳур. Асар икки жилддан иборат ҳолда 1996 йилда Ливаннинг пойтахти Байрутдаги «Дор ал-кутуб ал-илмия» матбаасида чоп этилган. Ушбу икки жилдли асар муқаддима ва йигирма уч китобдан иборат. Ўз навбатида, ҳар бир китоб ҳам кўп сонли (жами эллик еттита) боблардан ташкил топган. Эътиборли томони шундаки, имом ад-Доримий «Сунан»ида келтирган ҳадислардан деярли у яшаган даврда фаолият кўрсатган буюк муҳаддислар ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ас-Сижистоний, ат-Термизий, ан-Насайй, ибн Можа ва бошқа кўплаб таникли ҳадисшунослар ўз асарларида фойдаланганлар. Масалан, имом ад-Доримий асарида келтирилган «Ҳовлисида хурмо дарахти бор хонадон аҳли ҳеч қачон оч қолмайди» ёки «Энг яхши нонхуруш сирқадир» каби ҳадисларни юқорида номлари зикр этилган кўпчилик муҳаддислар имом ад-Доримийдан ривоят қиладилар.

Имом ад-Доримий ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратларидан атиги ўн уч ёш катта бўлган. Улар айна бир вақтда, яъни тўққизинчи асрда ҳадислар билан астойдил шуғулланганлар. Шу боис, бу иккала буюк муҳаддис бир-бирларини шахсан билганлар. Ҳатто, айтиш мумкинки, улар ўзаро яқин илмий муносабатда бўлишган. Бу фикримизга далил тарикасида тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «Сийар аълом ан-нубало» номи асарида келтирилган куйидаги маълумотни кўрсатиш мумкин. «Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Халаф шундай деган: «Бир кун устоз



Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Шу пайт устозга бир мактуб келтирилди, унда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийнинг вафоти (у имом ал-Бухорийдан атиги бир йил олдинроқ – 869 йилда вафот этган) хақида хабар қилинган экан. Бу нохуш хабардан устоз чуқур қайғуга ботиб, бошини қуйи эгдилар. Бир муддатдан кейин бошини кўтариб, кўзлари лиммо-лим ёшга тўлган ҳолда хасрату ғамгинлик билан: «Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун» («Биз ҳаммамиз Аллоҳга мансубмиз ва, албатта, унга қайтажакмиз») оятини айтиб: «Сенинг тирик бўлишинг учун дўстлар ҳаммаси жонларини фидо қилишга тайёр эдилар-ку», – деб юзларига дуои фотиҳа тортдилар». Мана шу мухтасар лавҳадан ҳам кўриниб турибдики, имом ал-Бухорийнинг аллома имом ад-Доримийга нисбатан эҳтироми чексиз бўлган.

Мавриди келганда айтиш керакки, имом ад-Доримий даҳосига ўз вақтида кўплаб машҳур олимлар юксак баҳо берганлар. Абу Шаддод исмли муҳаддис: «Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ад-Доримий ҳадис илмида бамисоли бир денгиз эди», – деб таъкидлаган бўлса, Муҳаммад ибн Бушор исмли таникли олим: «Номи чиккан Қуръон хофизлари дунёда тўртта: Райда Абу Зуръа, Нишопурда Муслим ибн ал-Ҳажжож, Самарқандда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий, Бухорода Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий», – деган. Йирик ҳадисшунос олим Абдурахмон ибн Аби Ҳотим отасидан ривоят қилиб: «Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ўз замонидаги барча донишмандларнинг пешвоси бўлган», – деб ёзган.


Демак, бундан ўн икки аср муқаддам яшаб ўтган улуғ ватандошимиз имом ад-Доримий ҳазратлари ўз даврининг буюк алломаларидан эди. Бинобарин, унинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиб, кенг оммага етказиш олдимизда турган долзарб вазифалардан бўлмоғи лозим.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ (824–892)

Унинг тўлик исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Захҳок Абу Исо ас-Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий бўлиб, 209/824 йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) кишлоғида ўртаҳол бир оилادا таваллуд топган. Марказий Оснелик машҳур тарихчи Абу Саад Абдулқарим ас-Самъоний (1113–1167) ат-Термизий Буғ кишлоғида вафот этганлиги учун ал-Буғий таҳаллуси билан ҳам аталгани, олимнинг кўп йиғлаганидан умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан аз-Зарийр (кўзи ожиз) таҳаллуси олганлигини ҳам қайд қилади. Лекин эл орасида ат-Термизий номи билан машҳур бўлишига сабаб унинг бутун ҳаёти ва фаолияти (ёшлигидан бошлаб) Термиз шаҳри билан чамбарчас боғлиқ бўлганидан, шунингдек, олим туғилган Буғ кишлоғи Термиз шаҳрига яқин, маъмурий-идоравий жиҳатдан унга мансуб кишлоқлардан эканидан, деб изоҳлаш мумкин.






Ат-Термизийнинг оиласи ва ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. фақат тарихчилар унинг: «Бобом асли марвлик эди. у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган. сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар», деган фикрини келтириш билан чегараланадилар. Шунингдек, ат-Термизийнинг кўзи ожизлиги хусусида ҳам ёзма манбаларда турли-туман маълумотлар келтирилган. Баъзи муаллифлар уни туғма кўзи ожиз бўлган деса, кўпчилик муаллифлар олимнинг кейинчалик – умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб колганини ёзадилар.

Ат-Термизий ёшлигидан ғоятда тиришчок, идрокли ва заковатли бўлиб, бу фазилатлари билан ўз тенгдошларидан батамом ажралиб турган. Унинг ёшлик чоғларидан илмга ўта кизиқиш ва иштиёқи ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллашида баралла намоён бўлди. У ёшлик пайтларидан бошлаб Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истикомат қилган машхур уламолар ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўргана бошлади, кейинчалик кўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм ахллари билан алоқалар ўрнатди. Ат-Термизий 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб узок юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафар қилади. Жумладан, у Ҳижоз – Макка ва Мадина, Ирок, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддислар, уламолар билан мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади, кизгин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади. Тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабийнинг таъкидлашича, ат-Термизий Миср ва Шомни шахсан зиёрат қилмаган, шу боисдан ҳам бу мамлакатлар уламоларидан билвосита ҳадислар ривоят қилган. Узок йиллар давом этган сафарлари чоғида ат-Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илм ал-кироат, ал-баён, фикҳ, тарих ва илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам кўплаб устозларидан сабоқ олиб, ўз билимини оширади. Буларнинг ҳаммаси ат-Термизийнинг йирик олим даражасига етишига мустаҳкам замин тайёрлайди.

Шу билан бирга, ат-Термизий ўзи ёшлиқдан кизикқан Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди, бу борада ҳар қандай кийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадисни алоҳида қоғозларга қайд қилиб, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлагач ва қайта-қайта текшириб, тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, уларни алоҳида-алоҳида махсус қоғозларга қайд қилиб борган. Турли ровийлардан эшитган ҳадисларининг тўғрилигига шубҳа ва иккиланиш бўлганда, уларни ҳам ажратиб, алоҳида, батартиб ёзиб борган. Шу тарика, ҳадисларнинг тўғрилиги, исноди тадқиқ қилинганлиги ёки шубҳалилари турли табакаларга бўлиниб, улар саҳих (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъкул), заиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби хилларга ажратилган. Ат-Термизий ўз асарларида келтирилган ҳадисларни ушбу табакалар асосида кўрсатиб ўтган.

Ҳадис илмини эгаллашда ва такомиллаштиришда имом ат-Термизий ўз даврининг кўпгина машхур муҳаддислари, жумладан, имом ал-Бухорий, имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абдуррахмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Аҳмад ибн Мунийъ, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Вакийълардан таҳсил олган. У ўз даврининг етук муҳаддис сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Унинг шогирдларидан Маххул ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ҳаммод ибн Шоқир, Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Аҳмад





ибн Юсуф ан-Насафий, Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Махбуб ал-Махбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.

Юкорида кўриб ўтганимиздек, ат-Термизийнинг устозлари ва шогирдлари орасида турли мамлакат ва элатларнинг вакиллари борлиги сезилиб турибди. Шу нуқтан назардан каралганда, узок ўтмишда ҳам илм-фаннинг тараккиёт ва маърифат уруғларини таркатиш борасида турли ўлкаларнинг вакиллари яқдил бўлиб фаолият кўрсатиб, самарали ҳамкорлик қилганлари, умумбашарий кадриятлар равнаки йўлида ҳақиқий ҳамжихатлик руҳи мавжуд бўлгани ҳозирги давримиз учун ҳам ибратли бир ҳолдир.

Ат-Термизий зехнининг ўткирлиги, хотираси ҳамда қувван хофизаси кучлилиги ҳуеусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан, араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг (1274–1347) «Тазкират ул-ҳуфғоз» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номи асарида қуйидаги хикоя бор: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий Маккага ҳажга бораётганида йўлда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, олимларнинг биридан ҳадислардан сабоқ беришни илтимос қилган. У олим: «Бўлмаса, қоғоз-қалам ол», – деган. Аксига олиб, шу пайт ат-Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасида ўтириб, эшитган ҳадисларини гўё ёзиб олаётгандек, қўлини қоғоз устида ҳаракат қилдираверган. Олим эса турли-туман ҳадислар келтириб, уларнинг етмишга яқинини хикоя қилган. Шу орада у қоғозга караб, унда ҳеч қандай ёзув кўрмаган ва ат-Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиқиб: «Нима, сен ҳали менинг вақтимни бекорга олмоқчимсан?», – деб қаттиқ ранжиган. Ат-Термизий бўлса, бамайлихотир: «Сиз айтган ҳадисларни ёддан айтиб берайми?», – деган-у, ҳозиргина ўзи олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини биринкетин айнан такрорлаб берган. Ат-Термизий хотирасининг бу қадар кучлилигидан бояги олим ҳайратга тушиб, койил қолган.

Ат-Термизийнинг хорижий мамлакатларга қилган сафари узок йилларга чўзилиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, бу сафарлар чоғида кўпдан-кўп олимлар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлди. Шу билан бирга, ҳадисларни тўплаб, китоблар таълиф қилишга ҳам киришди. Айниқса, машҳур муҳаддис ал-Бухорий билан Нишопурда бирга фаолият кўрсатиб, кўплаб илмий баҳсларда иштирок қилади, бу ҳақда ат-Термизий ўзининг «Ал-Илал» китобида ёзади. У хорижий элларга сафарларидан ўз юртига 863 йиллар атрофида қайгади ва элдош олимлар билан илмий мунозараларда қатнашади, кўплаб шогирдларга устозлик қилади. Ат-Термизийнинг кўпчилик таснифлари, жумладан, машҳур асари «Ал-Жомийъ» ҳам ўз Ватанига қайтганидан кейин яратилган. Имом ат-Термизий 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ кишлоғида вафот этган ва шу жойга дафн қилинган.

Ат-Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти давомида ўндан ортик асарлар яратди. Унинг илмий-маънавий меросида, шубҳасиз, «Ал-Жомийъ» асари қатта аҳамиятга эгадир. Бу асар «Ал-Жомийъ ас-сахих» («Ишончли тўплам»), «Ал-Жомийъ ал-қабир» («Қатта тўплам»), «Саҳих ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») номлари билан ҳам юритилади.

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири «Аш-Шамоил ан-набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «Аш-Шамоил Муҳаммадия», «Аш-Шамоил фи шамоил ан-набий саллолоҳу алайҳи ва саллам» номлари билан ҳам агалади. Ушбу асарнинг Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз






Саид Махмуд Тарозий (ваф. 1992) томонидан бажарилган ўзбекча таржимаси араб ва кирилл алифболарида Тошкентда бир неча бор нашр қилинган. Алломанинг «Китоб ат-тарих», «Китоб ал-илал ас-сағийр ва-л-илал ал-кабир», «Китоб уз-зуҳд» («Такво ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмо ва-л-куна» («Ровийларнинг исми ва лакаблари ҳақида китоб»), «Ал-Илал фи-л-ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Асмоу-с-саҳоба» («Пайғамбар саҳобаларининг исмлари») асарлари ҳам ислом оламида машҳурдир.

Имом ат-Термизийнинг илмий-маънавий меросида салмоқли ўрин тутувчи «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») номли асари олти саҳиҳ ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, у юқорида қайд этилганидек, «Ал-Жомий ал-кабир», «Саҳиҳ ат-Термизий» «Сунан ат-Термизий» каби номлар билан ҳам юритилади. Тарихчи Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг ёзишича, ат-Термизий ушбу асарини 270/884 йилда, яъни қарийб олтмиш ёшларида, илм-фанда катта тажриба орттириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган.

«Ал-Жомий ал-кабир»нинг кўл ёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида мавжуд бўлиб, жумладан, Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Муҳим манба сифатида «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» бир неча марта нашр қилинган. Улардан 1283/1867–68 йилли Миртоҳда амалга оширилган тошбосмасини, 1292/1876–77 йилли икки жилдада Қоҳирада, шунингдек, 1980 йилда Байрутда нашр этилган нусхалари ва сўнгги йиллардаги қатор нашрларини кўрсатиш kifойадир. Ат-Термизийнинг бу муҳим асарига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилган бўлиб, улардан Ибн ал-Арабий (ваф. 543/1148) номи билан машҳур бўлган имом Ҳофиз Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдулла ал-Ашбилийнинг «Оридат ал-Ахвазий ала китоб ат-Термизий» номли 13 жуъдан (қисм)дан иборат асари энг муҳим шарҳлардан ҳисобланади. Ушбу шарҳ дастлаб 1931 йилда Қоҳирада нашр қилинган. Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим ал-Муборақфурий (1866–1935) каламига мансуб яна бир шарҳ ҳам «Тухфат ал-Ахвазий би-шарҳи ат-Термизий» деб аталади. Тўрт жуъдан иборат бўлган бу асар 1979 йилда Байрутда нашр қилинган (Ҳиндистон нашри ҳам мавжуд). Мисрлик олим ва адиб Жамолиддин Абдурахмон ибн Абу Бақр ас-Суютийнинг (1445–1505) ат-Термизий асарига ёзган шарҳи «Кут ал-муғтазий ала Жомий ат-Термизий» (ундан икки қисми нашр қилинган) деб аталган.

Булардан ташқари, Муҳаммад ибн Абдукодир Абу ат-Таййиб ал-Маданийнинг «Шарҳ Сунан ат-Термизий», Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг «Таҳкийк ва шарҳ Жомий ат-Термизий» (ундан икки қисми 1937 йилда Мустафа ал-Бобий ал-Ҳалабий томонидан нашр қилинган), Муҳаммад Юсуф ал-Баннурийнинг «Маъориф сунан» шарҳ «Сунан ат-Термизий» (унинг биринчи қисми 1963 йилда Покистонда нашр қилинган), Сирож Аҳмад ас-Сарҳандийнинг «Шарҳ «Сунан» ат-Термизий» номли фореча шарҳи, шунингдек, Рашиб Аҳмад ал-Канухийнинг «Ал-Кавкаб ад-дуррий ала-т-Термизий» (Ҳиндистонда чоп этилган), Муҳаммад Анваршоҳ ал-Кашмирийнинг икки жуъдан иборат «Ал-Урф аш-шазий ала Жомий ат-Термизий» (бу асар ҳам Ҳиндистонда чоп этилган) ва ниҳоят, Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Абдулҳодий ас-Санадийнинг (ваф. 1138) «Ҳошия ала «Сунан» ат-Термизий» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.





Аввал эслатиб ўтганимиздек, хижрий учинчи аср (милодий тўккизинчи аср) ҳадис илмининг ривожда олтин давр ҳисобланади. Дастлаб бу даврда яшаб ижод қилган имом ал-Бухорий, имом Муслим каби алломаларнинг сермахсул фаолияти катта аҳамият касб этади. Мана шу даврдан бошлаб Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларининг тадвини ривожланиб, бу ҳолат ҳадис илми тараққиётида катта роль ўйнайди. Мана шу пайтдан эътиборан Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифлари бирваракайига тўпланиб қолмасдан, балки улар сараланиб, тоифаларга бўлина бошлади. Улар саҳих (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул) заиф (бўш) каби гуруҳларга бўлиниб, чуқур тадқиқ қилинган ҳолда илмий тарзда тартибга солинди.

Имом ат-Термизий ўз устозлари имом ал-Бухорий, имом Муслим асос солган хайрли ишни чуқур масъулият ва катта ихлос билан давом эттириб, ҳадисшуносликнинг илмий асосда ривожланишига улкан ҳисса қўшди, муслмон дунёсидаги энг нуфузли муҳаддислардан бири даражасига кўтарилди. Абу Исо ат-Термизийнинг шоҳ асари бўлмиш «Ал-Жомий ас-саҳих» ҳадис илмида катта аҳамиятга эга муҳим манбалардан ҳисобланади. Энг аввало, шуни айтиш керакки, муаллиф ўз асарини алоҳида-алоҳида бобларга бўлиб, имкони борича, ҳар бир ҳадис ровийларини келтириб, ҳар бир ҳадисдан кейин унинг ишончли ёки ишончсизлик даражасини аниқлаб, алоҳида кўрсатади. Олдинроқ биз мазкур асарнинг «Ас-Сунан» («Суннатлар») номи билан («Сунан ат-Термизий») аталишини ҳам эслатиб ўтгандик. Бу ном билан аталишига сабаблардан бири унда фикҳ масаласига доир аҳком ҳадислар жуда кўп келтирилганлигидир. Шу билан бирга, асарда панд-насихат, ахлоқ-одоб, гўзал хулқу фазилатлар хусусида ҳам жуда кўп ҳадиси шарифлар келтирилганки, бу даражадаги ҳадислар ҳеч бир муаллиф асарида учратилмайди, десак муболаға бўлмаса керак.

Таркибий жиҳатдан асар қуйидаги бобларга бўлинади: таҳорат, салот (намоз), закот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, эмизиш, талок, савдо-сотик, козилик аҳкомлари, товон тўлаш, меъёр, сайд, қурбонлик, назр-нузур, иймон, сийратлар, жиҳод, кийим-кечак (либос), таомлар, ичимликлар (ал-ашриба), хайр-эҳсон ва саховат, табобат, фарзлар, васиятномалар, хайрихоҳлик ва тақдир, хуружу фитналар, башоратлар, шаҳодатлар, зоҳидлар, жаннат сифатлари, жаҳаннам сифатлари, илм, изн сўраш ва одоб масалалари, Қуръон фазилатлари, кироат, тафсир, дуолар, манокиблар (фазилатлар), иллатлар.

Боблар асарда сарлавҳа тарзида, бўлимларга бўлинган ҳолда тузилган бўлиб, муайян бобга доир келтирилган ҳадислар ушбу бўлим мазмунини тўла-тўқис ифодалайди. Ушбу бобга доир масала бўйича муаллиф бир, кўпинча эса, бир канча ҳадисларни келтиради, сўнг бу масала юзасидан бошқа уламою факихларнинг фикрларини ҳам батартиб келтиради. Унда кейин, ривоят қилинган ҳадиснинг саҳих, ҳасан, заиф ёки ғариблиги даражасига ўз муносабатини билдиради. Шундан сўнг, ҳадиснинг ровийлари, санадлари ва санад ўз ичига олган иллатлари хусусида ҳам ўз фикрини баён қилади. Шунингдек, мазкур ҳадиснинг бошқа йўллар билан қилинган ривоятлари, шу масала хусусида бошқа муносиб ҳадис бўлса, улар ҳақида ҳам зикр этиб ўтади.

Имом ат-Термизийнинг ҳадис илмидаги жуда катта хизматлари, уни ҳар томонлама такомиллаштиришда ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказишдаги буюк фаолиятини кўп таниқли олимлар юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири Абдурахмон Ибн Муҳаммад ал-Идрисий: «Ат-Термизий ҳадис илмида иктидо қилинадиган имомлардан биридир», – деб ёзса, Такиуддин Ибн Таймия: «Абу Исо





ат-Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни саҳих, ҳасан, заифга тақсим қилган буюк олимдир», – деб гувоҳлик беради.

Ҳофиз ибн Ражаб ўзининг «Шарҳ ила-л-Жомий» номли китобида: «Билгилки, имом ат-Термизий биринчилардан бўлиб ўз китобларида ҳадисни саҳих, ҳасан ва ғарийбга бўлганлар», – деб алломанинг ҳадис илми соҳасидаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. Ат-Термизий асарининг барчага – кенг оммага фойдаси ҳақида ал-Ҳофиз Абул Фазл Муҳаммад ибн Тохир ал-Муқаддасий (ваф. 507/1113 й.): «Мен учун имом ат-Термизийнинг «Ал-Жомий» таснифи имом ал-Бухорий ва имом Муслим ибн ал-Ҳажжож асарларидан кўра ҳам фойдалироқдир. Чунончи, ал-Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўпинча фақат ўқимишли, зиёли кишиларгина фойдаланади. Аммо Абу Исо ат-Термизийнинг асаридан эса ҳар бир истаган киши бемалол фойдалана олади», – деб ёзган эди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш зарурки, имом ат-Термизийнинг ушбу асарида ҳадис илмининг турли масалалари каби ровийлар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу жиҳатдан асар муаллифнинг бошқа асарларидан тубдан ажралиб туради ва бу ҳол унинг катта илмий ва амалий аҳамиятга молик асар эканлигини тасдиқлайди.

Имом ат-Термизий ўз асарида худди имом Муслим ибн ал-Ҳажжождек иснодлар санъатига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уларни бир ўринга мухтасар ҳолда жамлаган, ҳадисларни ҳар хил турларга ажратиб, улардан иллатлиларини алоҳида шарҳлаб баён қилган. Шунга биноан, комил ишонч билан айтиш мумкинки, унинг китоби ҳадис илмининг кўпдан-кўп фойдали масалаларини ўзида камраган муҳим асардир. Асарнинг афзал жиҳатлари ҳақида аллома ал-Ҳофиз Абу Жаъфар ибн аз-Зубайр: «Ҳадисий илмларнинг турли соҳаларида имом ат-Термизийнинг беназир хизматлари бор», – деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, ҳадисларнинг ҳар хил турларга ажратилгани ва уларнинг ҳар бирининг рутбаси (даражаси) баён қилинганлиги боисидан ҳам имом ат-Термизийнинг «Ал-Жомий» асари саҳих ҳадислар учун ҳам, ҳасан ҳадислар учун ҳам, шунингдек, иллатли ҳадислар ва улар билан боғлиқ масалалар учун ҳам муҳим бир манба вазифасини ўтайдики, бу масалалар бошқа асарларда қузатилмайди. Имом ат-Термизий асарининг бошқа асарлардан ажратиб турган яна бир жиҳати – асарда муаллиф ўз мақсадини – бу ровийлар ҳақидами, ҳадисларнинг даражаси хусусидами, ҳадислардаги иллатларни баён қилишдами, фикхий боблардаги маънолардами – билдиришда очик-ойдин ва тушунарли ҳолда ифода қилади. У ўз китобида фақат энг тўғри (асахху) ҳадислар билан чегараланиб қолмайди. У саҳих ва энг тўғри (асахху), ҳасан, заиф, солим (соғлом), иллатли ҳадисларни ҳам зикр қилади. Имом ат-Термизий асарининг ана шундай афзал ва фойдали томонлари хусусида ал-Ҳоким ан-Найсобурий «Ал-Мадҳал ило маърифат китоб ал-иклийл», ал-Муқаддасий «Шурут ал-айммат ас-ситта» каби асарларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Ҳадис илмининг истилоҳларини яратишда ҳам имом ат-Термизийнинг ҳиссаси каттадир. Ҳадис илмига доир истилоҳларни ўрганишда асосий манба ҳисобланган «Улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмлари») китобларида учрайдиган барча истилоҳлар имом ат-Термизийнинг «Ал-Жомий» асарида кенг қўламда келтирилган. Бинобарин, имом ат-Термизий асари бу соҳада ҳам муҳим амалий қўлланма вазифасини ўтайдики, айни ҳилдаги кўп асарлар хусусида бу фикрни айта олмаيمиз. Ат-Термизийга эргашиб, унинг асаридан таъсирланиб, унинг услубига тақлид қилиб асар яратган му-





аллифлардан имом ад-Дорукутнийни (ваф. 995) кўрсатиш мумкин. У ўзининг улкан асари «Ас-Сунан»ни яратишда айнан ат-Термизий йўлидан юриб, ҳадисларни турли тоифаларга ажратиб, уларни саҳиҳ, ҳасан ва заиф даражаларига тақсимлаб келтирди. Шунингдек, имом Абдулазим ал-Муъизрий (ваф. 1258) ҳам «Ат-Тарғийб ва-т-тарғийб»да имом ат-Термизий услубидан фойдаланиб, ҳар бир ҳадис ҳақида алоҳида фикр юритди.

Имом ат-Термизий ўзининг «Китоб ал-Илал» асарида ҳадис илмининг турли масалаларига доир қимматли баҳсларни жамлаганки, ундан олдин биронта ҳам олим бундай ишларни амалга оширмаган.

Ҳадис илмининг ривождаги улкан ҳиссаси учун имом ат-Термизий ва унинг муҳим асарлари олиму уламолар томонидан юксак баҳолашиб келди. Жумладан, аллома ал-Идрисий: «У илм ал-ҳадисда иктидо қилинадиган олимлардан бири бўлиб, «Ал-Жомий», «Тарихлар», «Ал-Илал» каби буюк асарлар тасниф этди. Ҳифзда (ёдлашда) у ҳақида масаллар келтирадилар», – деса, муаррих Ибн ал-Асир у ҳақда: «Ҳадис илмида иктидо қилинадиган буюк олимлардан бири, у энг буюк ҳофизлардан ҳам саналади», – деб ёзган. Имом ат-Термизий ўз устози ва сафдоши имом ал-Бухорий суҳбатига бўлганда, у ат-Термизийга: «Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан кўпроқ», – деб унинг билими ва ақл-идрокига юксак баҳо берган.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, имом ат-Термизий ҳадис илмининг равнакига муносиб ҳисса кўшган буюк аллома сифатида улуғланган. Шу билан бирга, унинг фаолиятига бир қадар таъна билан қараган олимлар ҳам бўлган. Уни саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар даражаси (рутбаси)ни аниқлашда бироз кўнгли бўш, илтифотли бўлган, бу шундан иборатки, баъзи бир саҳиҳ ёки ҳасан ҳадислар ушбу даражага лойиқ бўлмаса ҳам, уларни саҳиҳ ва ҳасан деб қабул қилган, дейишади. Мана шундай таъна билдирганлардан бири тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий бўлиб, у ўз асари «Мизон ал-ътидол»да шу эътирозини билдирган. Лекин имом ат-Термизий ижодини чуқур ўрганган қатор тадқиқотчилар аз-Заҳабий эътирозлари ақсар ҳолда асоссиз эканлигини илмий, асосли хулосалар билан исботлаганлар. Айни вақтда имом ат-Термизийнинг ўзи ҳам ушбу асарини ёзиб тугатгач, ўз даврининг етук олимлари ҳукмига ҳавола этган ва улар муҳокамасидан ўтказган. Бу ҳақда аллома шундай ҳикоя қилади: «Ушбу асаримни тасниф этгач, Ҳижоз уламоларига тақдим қилдим, улар маъқулладилар, кейин Ироқ уламоларига кўрсатдим, улар ҳам маъқулладилар, кейин Хуросон уламоларига ҳам асаримни кўрсатганимда, улар ҳам маъқул топдилар».

Абу Исо ат-Термизийнинг бошқа бир муҳим асари «Аш-Шамоил ан-набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») деб аталади. Бу асар, юқорида айтилганидек, баъзи манбаларда «Аш-Шамоил фи шамоил ан-набий саллолоху алайҳи ва саллам», «Аш-Шамоил Муҳаммадия» номлари билан ҳам келтирилган. Асар Пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига онд тўрт юзу саккиз ҳадис шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ушбу мавзу, яъни Пайғамбар (с.а.в.)нинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин ат-Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва қиммати шундаки, муаллиф имкони борича Пайғамбар (с.а.в.) фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равиш-






да тўплаб. **мантисан** ичид **бир ҳолатда тартибга келтирган** ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб **шаклида тасниф қилган**. «Аш-Шамоил ан-набавия» азалдан исломшунос олимлар ва таъкидчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва хошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдурауф ал-Муноввий ал-Мисрийнинг (ваф. 1003 х.) «Шарху-ш-Шамоил», Али ибн Султон ал-Харавий ал-Қорийнинг (ваф. 119 х.) «Жамъу-л-васоил фи шархи-ш-Шамоил», Сулаймон ибн Умар ибн Мансур ал-Жумалнинг «Ал-Мавоҳиб ал-Мухаммадия би шарх аш-Шамоил ат-Термизия» (бу асарнинг бир қўлёзмаси Қохирадаги ал-Азҳар кутубхонасида 144 (ҳадис илми) – рақамн остида сақланмоқда), Муҳаммад ибн Жасус ал-Моликийнинг (ваф. 1182 х.) «Ал-Фавоид ал-жалийла ал-бахийа ала «Аш-Шамоил ал-Мухаммадия»» (бу асар 1927 йилда нашр қилинган) ва ниҳоят, ал-Азҳарнинг собик шайхи Нbroҳим ал-Божурийнинг (ваф. 1277 х.), «Ал-Мавоҳиб ал-Ладуния ала аш-Шамоил ат-Термизия» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, асарнинг тили оддий ва раво бўлиб, услуби ғоятда соддалиги билан ҳам кўпчилик асарлардан ажралиб туради. Муҳим тарихий манба сифатида «Аш-Шамоил ан-набавия» форс ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. 1248 ҳижрий йили Ҳисомиддин ан-Накшбандия томонидан туркий тилга қилинган таржимаси араб тилини билмайдиган туркий халқлар учун ғоятда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ат-Термизийнинг ушбу асарига шарҳ ёзган шайх Нbroҳим ал-Божурий: «Имом ат-Термизийнинг «Аш-Шамоил ан-набавия» китоблари ўз бобда яққо ягона асардир. Тартиби ва ўз ичига олган мавзулари жиҳатидан ягона бўлиб, нодир китоблар жумласидан ҳисобланур. Унинг овозаси Мағрибу Машрикка бориб етди», дея таъкидлайди. Машҳур олим Али Ибн Султон ал-Харавий ал-Қорий ўзининг «Жамъу-л-васоил фи шарх аш-Шамоил» номли шарҳида ат-Термизийнинг ушбу асари хусусида шундай деб ёзади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фазилатлари, ахлоклари ҳақида тасниф этилган мусаннафотларнинг энг чиройли ва яхшиси бу имом ат-Термизийнинг Пайғамбар сийратлари ҳақидаги муқамал ва мухтасар китобидир. Бу китобни мутолаа қилувчи, жаноби Пайғамбарни кўргандай ва ул зотнинг хар бобдаги маҳосини шарифларидан баҳраманд бўлганга ўхшайди». Олдинроқ эслатиб ўтганимиздек, асарнинг Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тарозий томонидан она тилимига қилинган мухтасар таржимаси 1990 йили имом ат-Термизийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкентда қайтадан нашр қилиндики, бу ҳол буюк муҳаддиснинг қимматли асарини ўрганишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

«Аш-Шамоил ан-набавия»нинг тузилиши ва гарқиби ҳақида гапирадиган бўлсак, бу мухтасар асар элдик олти бобга бўлиниб, у «Бобун жоа фи халки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам», яъни «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жисми қаримлари ҳақида ривоят қилинган ҳадиси шарифлар боби» кабилардан ташкил топган. Умуман олганда, мазмун-моҳиятига кўра асарни икки асосий қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмга мансуб ҳадислар Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суврат (ташқи киёф)ларига бағишланган. Буларга кўра Пайғамбаримиз новча ҳам, пакана ҳам бўлмай, балки ўрга бўйли, яриндор, қўллари бўлали, гўштдор ва доимо тук билан қопланган, сафлари бўлик, қирғийбурун, пешоналари кенг, кўзлари катта-катта бир зот бўлганлар.





Асарнинг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сийрати – ички дунёси ва ахлоқий фазилатларини баён қилади. Бу ҳадислар билан танишар эканмиз, Муҳаммад (с.а.в.) ахлоқий жиҳатлардан намунавий, мукаммал бир сиймо эканлигини, муомалада у зотнинг қатталару кичиклар, аёллару эркаклар, бойлару камбағаллар билан ўзини бир хил даражада тутишларини, рўзғор ва онла юмушларида ўз аёлларига астойдил қумаклашиб ёрдам беришларини, башарти бирор гуноҳ қилиб қўйган киши узр сўраса, унинг гуноҳларини кечирганларини, барча одамлар – қатта-кичик билан ўта ىлтифотли муомалада ва ғоят ширинсухан бўлганларини, йўлда учраган барча кишиларга биринчи бўлиб салом бериб, самимий ҳол-аҳвол сўрашларини билиб оламиз.

Асарда бекаму қўст келтирилган Пайғамбаримиз (с.а.в.)га мансуб юксак инсоний фазилатлар, у зотнинг гўзал хулқи муборақлари, ҳар қандай таҳсинга сазовор сифату сийратлари ҳақида тўла ва мукаммал маълумотга эга бўламизки, шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси замонамиз аҳлининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамиятга моликлиги бу бебаҳо асарнинг бутунги қунда ҳам нақадар қатта қимматга эгаллигини кўрсатади.

«Аш-Шамонл ан-набавия»нинг XVI асрга оид бир ажойиб қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда. 1980 йилда мазкур идора буюртмаси билан «Аш-Шамонл ан-набавия»нинг ушбу қўлёзмаси офсет тарикасида нашр этилган бўлиб, ундаги кескача сўзбоши собиқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси хайъатининг раиси, марҳум муфтий Зиёвуддинхон Ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари томонидан ёзилган. Бундан ташқари, «Аш-Шамонл ан-набавия»нинг айрим қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда.

Имомат-Термизийнинг бизгача етиб келган «Ал-Илал фи-л-ҳадис («Ҳадислардаги иллатлар ёки нуқсонлар») номли муҳим асари ҳам бўлиб, у, асосан, икки мустақил асардан ташкил топган. Улардан бири «Ал-Илал ал-қабир» ёки «Ал-Муфрад» номи билан аталиб, баъзи олимларнинг фикрича, ат-Термизийнинг бу асари бизгача етиб келмаган. Гарчанд аксар таджикотчилар ҳам шундай фикрда бўлсалар-да, имом ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир махсус рисола ёзган олим Нуриддин Агар (ушбу рисоланинг Байрутда 1988 йилда чоп этилган иккинчи нашрида) Туркиянинг қимматли қўлёзмаларга бой кутубхоналаридан бирида ат-Термизийнинг «Ал-Илал ал-қабир» асарининг ягона қўлёзмасини кўргани ва ундан фотонусха олиб ўз гаджикотининг ушбу қайта нашрида фойдалангани ҳақида ёзади. Унинг айтишича, ат-Термизий «Ал-Илал ал-қабир»ни таълиф этган пайтда уни бобларга бўлмаган ҳолда ёзган. Аммо кейинчалик бу ажойиб китоб олим Абу ал-Валид ал-Қозий томонидан тартибга келтирилиб, бобларга ажратилган ва китоб охиридаги мустақил бир боб ҳадислар риҷол (ровий)лари ҳақида фикр-мулоҳазаларни ўз ичига қамраган.

«Ал-Илал»нинг иккинчиси «Ал-Илал ас-сабир» деб аталиб, у муаллифнинг бош асари «Ал-Жомий ас-саҳих»га бевоқиф алоқадор бўлганлиги сабабли хотима тарикасида ушбу асарнинг охирида келтирилган. Умуман олганда, арабча «илал» сўзи «иллат»нинг кўплиги бўлиб, ўзбекча касал, бетоб, хаста, нокис, иллатли, оғиш каби маъноларни англатади. Аввалги мақолаларда таъкидлаганимиздек, ҳадис илмида илал масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳа ҳадисларда ҳар хил сабаблар-





га кўра ровийлар томонидан содир этилган заифлик, ноаниклик, ғалат, хато, сахву янглишларни тадқиқ қилишдек нозик ва ўта масъулиятли вазифа билан шуғулланади. Кўпгина муҳаддисларнинг ҳадисларга бу жиҳатдан ҳам катта эътибор бериб асарлар яратгани бу илмнинг ислом таълимотида ғоятда фойдали ва муҳим аҳамият касб этганидан далолатдир.

Имом ат-Термизийнинг ўзи «илал» масаласи хусусида: «Бу (илал) масалада узок вақт фикр-мулоҳаза юритдим, бунинг боиси шундаки, биздан шу хусусда сўралганда, олдин ўз нуктан назаримизни очик-ойдин айтмадик. Сабаби – биринчидан, биздан аввал илал масаласи хусусида сўралган бир канча уламолар ҳам ўз фикрларини билдирмаганлар, иккинчидан, баъзи муҳаддислар ўрталарида ҳадисла сика бўлган ровийларнинг хато, янглиш ва ваҳмларини айтиш ғийбат бўлади, деган уламолар ҳам бор эдилар. Сўнг одамлар жамият манфаатларини ўйлаб, бир канча машхур муҳаддислар, хусусан, имом ал-Бухорий ила бир неча йиллик мулоқот бўлганидан кейин ҳамда мазкур фикрга алоқадор ривоятларни эшитгандан кейин илал масаласини ошкора қилишга жазм қилдим. На Ироқда, на Хуросонда илал, тарих ва иснодлар соҳасида имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан билимдонроқ кишини кўрмадим», – дейдилар.


Иллатли ҳадислар хусусида имом ал-Бухорийнинг устози Али ибн Абдуллох ал-Мадийний, имом Аҳмад ибн Ҳанбал, имом ал-Бухорий, имом Муслим, имом ат-Термизий, Абу Ҳотам ва бошқалар асарлар ёзганлар. Мана шу буюк муҳаддислар учун ҳам имом ат-Термизийнинг илал тўғрисидаги асарлари ҳадисларнинг сиқаси (тўғрилиги, аниқлиги)ни текширишда муҳим аҳамият касб этган.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

МУҲАММАД ИБН МУСО ХОРАЗМИЙ (783–850)

Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад Хоразмий VIII асрнинг охириги чораги ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Бу даврда Ўрта Осиё ерлари араб халифалиги таркибига кирар эди. VIII аср охирилари ва IX аср бошларига келиб халифаликка қарам бўлган халқлар маданий ҳаётида уйғониш даври бошланди. У ислом маданияти шаклида юзага келди. Аслида бу маданият қадимги халқлар – хоразмийлар, суғдийлар, сурёнийлар, эронийлар, юнонлар ва бошқаларнинг маданий меросларига асосланган маданият эди. Табiiий фанларнинг жадал ривожланиши бу даврга хос хусусиятлардан бири эди. Бу даврда математика ниҳоятда ривожланиб, алгебра мустақил фан сифатида унинг таркибидан ажралиб чиқади, астрономия соҳасида қадимги юнон ва ҳинд анъаналарига тақлид қилишдан мустақил астрономик асарлар – зижлар ёзишга ўтилади, энг биринчи астрономик обсерваториялар – расадхоналар қурилади. Бу даврдаги муҳим илмий ишлардан яна шуниси диққатга сазовордирки, Ернинг айланаси ўлчанади ҳамда география ва картографияга онд биринчи махсус асарлар ёзилади.





Ривожланиб келаётган феодал тузум такозо килган ижтимоий-иктисодий талаблар бу тараккиёт жараёнининг асосий омилларида бири бўлди. Курилиш, савдо, хунармандчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларни янада тараккий эттириш учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурияти туғилди. Ўша даврнинг илғор олимлари бу фанларнинг амалий аҳамияти хақида аниқ тасаввурга эга. Ана шундай кишилардан бири бўлган Мухаммад Хоразмий алгебрага оид рисоласининг мукаддимасида бундай деб ёзган эди:

«... Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Ал-жабр ва-л-мукобала хисоби хақида қисқача китоб»ни таълиф қилдим, чунки мерос таксим қилишда, васиятнома тузишда, мол таксимлашда ва, шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказишда, (амалий) геометрияда ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир»¹.

Ўрта Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида табиий фанларнинг ривожланишида қадимги юнонлар табиий-илмий ва фалсафий меросининг ўзлаштирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу илмий меросга ижодий ёндашиб, уни илмий талқин қилишда, ривожлантиришда халифаликдаги кўн халқлар иштирок этдилар. Улар бу жараёнда ўз илмий анъаналарига таяндилар ва кўп ҳолларда бу анъаналарини бойитдилар ҳам. Математика, астрономия ва география фанларини ривожлантиришда ўрта осийлик олимлар асосий роль ўйнадилар. Мухаммад Хоразмий ана шу олимларнинг пешкадами ва йўлбошчиси эди.

Хоразмий дунё фанига ғоят катта ҳисса қўшди. У алгебра фанининг асосини бўлди. «Алгебра» сўзи эса унинг «Ал-Китоб ул-мухтасар фи хисоби-л-жабр ва-л-мукобала» номи рисоласидан олинган. Унинг арифметика рисоласи ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланадиган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси ва шу системадаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди. Олимнинг «Хоразмий» номи эса «алгоритм» шаклида фанда абадий ўрнашиб қолди. Унинг географик асари эса араб тилида ўнлаб географик асарлар яратилишига сабаб бўлди.

Хоразмийнинг «Зижи» Европада ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам астрономиянинг ривожланиш йўлларини кўрсатиб берди. Лекин афсуски, фаннинг бир неча тармоқларига асос солган «ўз даврининг энг буюк математиғи ва агар барча шарт-шароитлар назарга олинса, ҳамма даврларнинг ҳам энг буюқларидан бири» (Ж. Сартон) бўлган бундай сиймонинг хаёти хақида маълумотлар деярли сақланмаган.

Ибн Надимнинг (IX аср) ва Ибн Қифтийнинг (XIII аср) хабар беришнча, Хоразмий халифа Маъмун (813–833) даврида «Хизонат ул-хикма» халифа Ҳорун Рашид даврида ташкил этилган. Кейинчалик, Маъмун давридан бошлаб у «Байт ул-хикма», яъни «Донишмандлик уйи» деб номланган.

Табарийнинг (829–928) хабар беришнча, Хоразмий 847 йили халифа Восикнинг кўмилиш маросимида ҳозир бўлган. Шу санадан сўнг Хоразмий номи ҳеч бир манбада эслатилмайди. Шунга асосан ҳозирги тадқиқотчилар Хоразмий мазкур санадан кейин узок яшамаган, деган хулосага келдилар. Хоразмий бошқа ўрта осийлик олимлар билан биргаликда халифа Маъмуннинг Марвдаги ноиб бўлган пайтда, 809–813 йиллар орасида, унинг саройига жалб қилинган. Агар Хоразмий тахминан 70 ёшида

¹ Мухаммад ибн Мусо Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, «Фан», 1983, 78-бет.





вафот этган дейилса ва Маъмуннинг саройига у етук олим бўлиб шаклланган пайтида, яъни 25–30 ёшлар пайтида келган дейилса, у холда унинг туғилган йили 780 ва 785 йиллар орасига тўғри келади. Шунинг учун 783 йил Хоразмийнинг туғилган йили деб қабул қилинди.

Олимнинг тўлиқ исми ҳақидаги масала ҳам узил-кесил хал қилинган эмас. Хусусан, унинг куняси (ўгли бўйича аталиши) шу масала жумласидандир. Олимнинг Страсбург (Франция) университети кутубхонасида сақланадиган «Китоб сурат ул-арз» асари қўлёмаси ҳамда Рампур (Ҳиндистон)да сақланаётган «Яҳудийларнинг календари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола» деган асари қўлёмасида унинг куняси «Абул Жаъфар» (Жаъфарнинг отаси) дейилган. Олимлардан айримлари (К. Наллино, Г. Мжик, В.В. Бартольд) Абу Жаъфар кунясини, айримлари (К. Брокелман, Ф. Сезгин) эса Абу Абдуллох кунясини қабул қилганлар. Лекин XX аср бошларида яшаган ва Туркиядаги кўп кутубхоналарда сақланадиган турли қўлёзмаларни ўрганган турк фан тарихчиси Солих Закийнинг 1911 йилда нашр этилган «Осори бокия» номли асарида айтишича, Хоразмийни ундан бир неча аср кейин яшаган Шарк библиографлари IX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган уч оғани Аҳмад, Муҳаммад ва Ҳасан ибн Мусоларнинг каттаси Муҳаммад ибн Мусо билан адаштириб, Абу Жаъфар дейишган. Бу олимнинг тўлиқ исми Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо бўлиб, у ҳам Хоразмий қаби алгебрага онд асар ёзган. Демак, олимнинг Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий дейилиши тўғрирок бўлади.

Табарий Хоразмийнинг исмига яна Мажусий ва Қутруббулий деган атамаларни ҳам қўшади. Буларнинг биринчиси олим Хоразмнинг асли маҳаллий аҳолисидан, яъни оташпарастлар (арабча – «мажус» – оташпараст дегани) оиласидан, балки шу оташпарастлик динининг коҳинлари оиласидан келиб чиққанлигини, шу билан бирга олимнинг ўзи ёки отаси мажусий бўлиб, улар исломни кейин қабул қилганлигини кўрсатади. Хоразмда мажусийлар исломдан кейин ҳам узок муддат ўз диний урф-одатларини сақлаб келган. Бу ҳақда Беруний ўзининг «Осори бокия» асарида гувоҳлик беради. Келтирилган исмларнинг иккинчиси, Хоразмий мўйсафидлик йилларини Бағдод яқинида Дажла бўйидаги Қутруббул даҳасида ўтказганлигини кўрсатади. Одатда араблар бирор киши характерли хусусиятлари, хунарлари, севимли одатлари ёки яшаш жойларига қараб унга бир неча хил исм – «нисбалар» берадилар. Хоразмийнинг Қутруббулий исми ҳам шу тарика пайдо бўлган.

Олимнинг ватани Хоразм жуда қадимги маданиятга эга бўлган ўлкадир. Хоразмнинг қадимги кишлок хўжалиги суғорма дехқончиликка асосланар эди. Бу, ўз навбатида, астрономия ва хронологиянинг, булар эса ривожланган ҳисоблаш усулларининг мавжуд бўлишпни тақозо қилар эди. Ҳақиқатан ҳам, Берунийнинг гувоҳлик беришича, қадимги Хоразмда астрономия жуда ривожланган бўлиб, хоразмликлар осмон «сирлари»ни арабларга қараганда анча яхши билганлар. Беруний хоразмликларнинг календарлари ҳақида ҳам мукаммал маълумот келтиради. Хоразмда Қўйқирилган қалъа харобаларини казиш пайтида у ердан бурчак ўлчагич астрономик асбобининг қисмлари топилган. Булар қадимги Хоразмда исломдан бир неча аср аввал ҳам расадхоналар бўлганлиги ва у ерда муттасил астрономик кузатишлар олиб борилганлигидан гувоҳлик беради.

Хоразмий ўз ватанида қаерда, қачон ва қимдан таълим олганлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Олимнинг бизгача етиб келган асарларини таҳлил





килиш шуни кўрсатадики, у юнон, хинд ва эрон астрономияси ва математикасини яхши билган. У билимлар асосларини, айниқса, астрономия ва математикадан таълимни ўз ватани Хоразмда исмлари бизга номаълум бўлган мураббийлардан олганлиги шубҳасиздир.

Халифа Маъмун даврида Бағдодда Ўрта Осиё ва Хуросондан келган бир гуруҳ йирик олимлар ижод этган. Улар орасида Хоразмий билан бир каторда Марвдан Яҳё ибн Мансур, Фарғоний, Ҳабаш Ҳосиб Марвазий, Холид ибн Абдумалик Марваррудий, Форобдан Абул Аббос Жавҳарий ва бошқа олимлар бор эди. Албатта, бу тасодифий эмас эди. Маълумки, Маъмун 809 йилдан Марвада дастлаб халифанинг ноибиди, сўнг 813 йилдан бошлаб халифа бўлади ва 819 йили Бағдодга кўчади. Маъмун Марвада бўлганида Хоразмийни, ўрта осийлик ва хуросонлик бошқа олимларни саройига жалб қилган ва 819 йили Бағдодга кўчганда ўзи билан уларни ҳам олиб кетган.


Бағдодда Маъмун «Байт ул-ҳикма» фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириб, унга йирик давлат муассасаси тусини беради. У ерда аввалига таржимонлик фаолияти кенг кўламда ривожланади. «Байт ул-ҳикма»га Византиядан, Хиндистондан кўплаб китоблар келтирилади. Маъмун даврида «Байт ул-ҳикма»нинг фаолияти доираси бирмунча кенгайди, янги барпо қилинган иккита йирик расадхона ҳам унга қарашли бўлади. Бу расадхоналарнинг бири 828 йилга яқин Бағдоднинг Шаммосия маҳалласида барпо қилинади; иккинчиси эса, Дамашк яқинидаги Қасиюн тоғида 831 йилга яқин барпо этилади. Иккала расадхонанинг ҳам фаолиятини Ўрта Осиё ва Хуросондан келган олимлар бошқаради, уларнинг илмий фаолиятини Хоразмий шахсан ўзи кузатиб боради.

Хоразмий даврида «Байт ул-ҳикма»да ишлаган йирик таржимонлар орасида Ҳажжож ибн Юсуф ибн Матар, Абу Закарийё Юҳанно ибн Битрик, Хувайн ибн Ишок ва Қусто ибн Луко Баъалбаккийлар бор эди.

Хоразмий билан бирга Бағдодга келган ўрта осийлик олимлар орасида, аввало, машҳур астроном Аҳмад ибн Касир Фарғонийнинг номини эслаштириш лозим (вафоти 861 йил). Марвлик Яҳё ибн Абу Мансур Бағдоднинг Шаммосия маҳалласидаги расадхонанинг асосчиси ва раҳбари бўлди. Расадхонадаги ишлар ҳақида у «Байт ул-ҳикма»нинг мудирини Хоразмийга ҳисобот бериб турарди. Яҳё 831 йили вафот этганидан сўнг Хоразмий бу расадхонани ҳам бошқаради у ердаги кузатишларда фаол қатнашади. Яҳёнинг қаламига мансуб асарлардан «Зиж ул-мумтаҳан», яъни «Синалган зиж» номли астрономик асар маълум. Дамашк яқинида Қасиюн тоғидаги расадхонани Холид ибн Абдумалик Марваррудий бошқаради. У ҳам ўз «Зиж»ини тузади. Холид Ер меридианининг узунлигини ўлчаш ишларига бошчилик қилади.

Марвлик машҳур астроном ва математик Ҳабаш Ҳосиб («Ҳисобчи Ҳабаш») лақабли Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий ҳам Бағдодда Хоразмий билан ҳамкорликда ишлаган. У иккита зиж тузган бўлиб, булар ўрта аср астрономлари томонидан кенг фойдаланилган. Улардан Беруний ҳам ўз асарларида фойдаланган. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, у тангенс ва катангенс, косеканкс функцияларини киритиб, уларнинг жадвалларини ҳам келтирган.

Албатта, Хоразмий билан Бағдодда, кейинчалик «Маъмун академияси» деб танилган «Байт ул-ҳикма»да ижод этган олимларнинг ҳаммасини ҳам ўрта осийлик ва хуросонлик дейиш хато бўларди. У ерда Сурия, Ироқ, Эрондан ва халифаликнинг бошқа ерларидан келган олимлар ҳам ишлаган. Бироқ, улар орасида ўрта осийликлар



салмокли ўринни эгаллардилар. Хоразмий ана шундай илмий мухитда яшаб ижод этди.

Хоразмий каламига мансуб асарларнинг умумий сони 20 дан ортик бўлиб, буларнинг ярмидан ортиғи бизгача етиб келмаган, номлари ҳам ноаник. Улардан факат куйидаги 10 та асари яхши маълум: 1) «Ал-жабр ва-л-мукобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» – алгебрага оид асар; 2) «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» (ёки «Қўшиш ва айириш ҳақида китоб») – арифметикага оид асар; 3) «Китоб сурат ул-арз» – географияга оид асар; 4) «Зиж» – астрономияга оид асар; 5) «Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб»; 6) «Астурлоб яшаш ҳақида китоб»; 7) «Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида»; 8) «Китоб ур-рухома»; 9) «Китоб ут-таърих»; 10) «Яҳудийларнинг календари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола». Бу асарларнинг тўрттаси (1, 3, 7, 10) араб тилида, биттаси (5) Фарғонийнинг асари таркибида, иккитаси (2,4) – лотинча таржимада сақланган ва қолган учтаси (6, 8, 9) ҳали топилган эмас. Шу асарларнинг аввалги тўрттаси ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Хоразмий арифметикага оид рисоласи қачон ёзилгани номаълум. Бирок, унда олим алгебрага оид рисоласини эслайди. Демак, бундан Хоразмий арифметикага оид рисола аниқ алгебрага оид рисоладан кейин ёзгани маълум бўлади. Бу рисола XII асрда Испанияда лотин тилига таржима қилинган. Таржиманинг XIV асрда кўчирилган ягона қўлёзмаси Кембриж университети кутубхонасида сақланади. Рисола «Диксит Аморизм», яъни «Хоразмий айтди» ибораси билан бошланади. Бундан кейин, Хоразмий тўққизта ҳинд рақамининг сонларни ифодалашдаги афзалликлари ва улар ёрдамида ҳар қандай сонни ҳам қисқа қилиб ва осонлик билан ёзиш мумкинлигини айтади. Асарнинг лотинча қўлёзмасида ҳинд рақамлари кўпинча ёзилмай, уларнинг ўрни бўш қолдирилган ёки ахён-ахёнда 1, 2, 3, 5 сонларига мос келадиган ҳинд рақамлари ёзилган. Кўпинча эса ҳинд рақамлари ўша даврда Европада кенг тарқалган рим рақамлари билан алмаштирилган.

Хоразмий рим рақамлари асосида ўнлик позицион системада сонларнинг ёзилишини батафсил баён қилади. У сонларнинг бундай ёзилишидаги қулайликлар, айниқса, ноль ишлатилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Кейин Хоразмий арифметик амалларни баён қилишга ўтади. Бунда Хоразмий сонларнинг мартабаларини, яъни разрядларини эътиборга олишни ҳамда нолни ёзишни унутмасликни уқтиради, акс ҳолда, натижа хато чиқади, дейди у.

Хоразмий қадимги миср математикасига хос бўлган икки бараварлаш ва иккига бўлишни ҳам алоҳида арифметик амал сифатида кўрсатади. Кейин у кўпайтириш ва бўлиш амалларини баён этади. Масалан, 46468 сонини 328 сонига бўлишдан чиққан натижани Хоразмий:

143


136

324

шаклида ёзади ва бу соннинг қаср қисмини «324 қисмдан 136 қисм», деб ўқийди. Қасрли сонларнинг ўрта асрларда бундай ёзилиши бизнинг 143 (136 қаср остида 324) кўринишдаги ёзишимизга тенг эди. Шундан сўнг Хоразмий қаср сонлар устида амалларнинг баёнига ўтади.

Хоразмий арифметикага оид рисоласининг Кембриж университети кутубхонасида сақланган лотинча қўлёзманинг матнини 1857 йили Б. Бонкомпани нашр





этган. Мазкур кўлёманинг фоторепродукциясини тарихчи А.П. Юшкевич ҳам нашр этган¹. Ундан ташқари А.П. Юшкевич ўз монографиясида ҳам Хоразмий рисоласига алохида параграф бағишлаган². Б.А. Розенфелдлар рисоласининг русча таржимасини нашр этган³. Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилеи муносабати билан 1983 йили бу асар қайта нашр этилди. Ўша йили асарнинг камина бажарган ўзбекча таржимаси ҳам нашр этилди⁴.

Хоразмийнинг арифметик рисоласи XII асрдаёқ Испанияда севилиялик Иоанн томонидан қайта ишланган. Кейинчалик то янги давргача Европа олимлари Хоразмий рисоласини қайта-қайта ишлаганлар ва у асосида дарсликлар ёзганлар. Бу қайта ишланган нусхалар ва дарсликларнинг номида «Алгоритм китоби» деган ибора бўлган.

Ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси билан ёнма-ён унинг рақиби сифатида араб алифбесига асосланган абжад ҳисоби ҳукм суриб келган эди. Бирок, Хоразмий арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг Оврўпада, қолаверса бутун дунёда тарқалишида буюк аҳамият касб этди. Оврўпага ҳинд рақамлари араблар орқали ўтганлиги учун улар «араб рақамлари» деб аталади ва ҳозир ҳам шундай деб аталиб келмоқда. Оврўпаликлар узок вақтгача ҳинд рақамларига асосланган ҳисоб тизимини «алгоритм» (ёки «алгоритм» деганда ҳар қандай регуляр ҳисоблаш жараёни тушуниладиган бўлди. Бу ибора билан Хоразмийнинг номи фанга кириб, абадий қолди.

Юқорида айтганимиздек, Хоразмийнинг алгебрага оид рисоласи арифметикага оид рисоласидан аввал ёзилган. Бу рисоланинг тўлиқ номи «Ал-Китоб ул-мухтасар фи ҳисоби-л-жабр ва-л-муқобала», яъни «Ал-Жабр ва-л-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб». Рисоланинг номидаги «ал-жабр» ва «ва-л-муқобала» сўзлари «тўлдириш» ва «рўпара қўйиш» ўрта аср алгебрасининг иккита асосий амалини англатади. «Алжабр» сўзи лотинча транскрипцияда – «алгебра», Хоразмий асос солган янги фаннинг номи бўлиб қолди. Хоразмийнинг алгебрага оид рисоласи уч қисмдан иборат: 1) алгебрага оид қисм, бунинг охирида кичик бир бўлим – савдо муомаласи, ҳақидаги боб келтирилади; 2) геометрик қисм, алгебрага оид усул қўлланиб ўлчаш ҳақида; 3) васиятлар ҳақидаги қисм; Хоразмий уни алохида ном билан «Васиятлар китоби» деб атаган. Хоразмий ўз рисоласида ҳеч қандай белги келтирмайди ва мазмунни бутунлай сўз билан баён этади ва шакллар келтиради.

Асарнинг бошида Хоразмий ҳамду санодан сўнг, уни ёзишдан мақсади нима эканлигини айтади. Олимнинг бу сўзларида рисолада у ўз олдига қўйган комплекс масалалар аке эътирилган. Шу билан бирга Хоразмий халифаликда кун тартибида турган эҳтиёжлари, ислом ва шариат талабларига кўра юзага келадиган масалалар, меъморчилик ва ирригация билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишни ҳам кўзда тутганлигини билдиради. Умуман олганда, Хоразмий алгебраси – бу сонли квадрат ва чизикли тенгламаларни ечиш ҳақидаги фандир.

Хоразмийнинг айтганича, алгебрада уч хил сон билан иш қўрилади: илдиз (жизр) ёки нарса (шай), квадрат (мол) ва оддий сон ёки дирҳам (пул бирлиги). Яна унинг


¹ А.П. Юшкевич. Арифметический трактат Мухаммеда бен Муса Хорезми. Труды института истории естествознания и техники, АН СССР, вып. I. – М.: 1964.

² А.П. Юшкевич. История математики в средние века. М., 1961.

³ Мухаммед Хоразми. Математические трактаты. Ташкент, 1964.

⁴ Мухаммад ибн Мусо Хоразмий. Тавланган асарлар. Тошкент «Фан», 1983.





айтишича, илдиз ўзини ўзига кўпайтириладиган миқдордир, квадрат эса илдизни ўзига кўпайтиришда ҳосил бўлган катталиқдир. Хоразмий иш кўрадиган тенгламалар мана шу уч миқдор орасидаги муносабатлардир. У аввал рисола кўриладиган олти чизикли ва квадрат тенгламанинг классификациясини келтиради. Бундан кейин аниқ мисоллар билан бошқа ҳар қандай тенгламалар рисола моҳиятидаги асосий атамалар – алжабр ва-л-муқобала амаллари ёрдамида олти кононик кўринишга келтирилади.

Нормал ҳолда тенгламаларнинг барча ҳадлари кўшилаётган кўринишда бўлиш ва уларнинг айрилаётганлари бўлмаслиги керак. Бу олти кононик кўринишлар куйидагилардир:

$$cx^2 = vx - \text{квадратлар илдизларига тенг.}$$

$$cx^2 = a - \text{квадратлар сонга тенг.}$$

$$vx = a - \text{илдизлар сонга тенг.}$$

$$cx^2 + vx = a - \text{квадратлар ва илдизлар сонга тенг.}$$

$$cx(\text{квадрат}) + a = vx - \text{квадратлар ва сон илдизларига тенг.}$$

$$vx + a = cx^2 - \text{илдизлар ва сон квадратларга тенг.}$$

Хоразмий рисоласи номидаги алжабр ва алмуқобала операциялари унинг тўртинчи – олтинчи кўринишлардаги тенгламаларни ечишда қўлланилади. Юқорида айтилганидек, ҳар қандай чизикли ёки квадрат тенглама олти кононик кўринишнинг бирига келтирилиши керак. Мабодо тенгламада айриладиган ҳам бўлса алжабр, яъни тўлдириш операцияси ёрдамида тенгламанинг икки тарафига айрилаётган сонга тенг сон қўшилади. Кейин алмуқобала, яъни рўпара қўйиш операцияси ёрдамида барча ўхшаш ҳадлар биттага келтирилади. Бундан ташқари юқори даража коэффицентини бирга келтириш керак, чунки тенгламаларни ечиш қоидаси шу ҳол учун айтилган.

Буни масала шартини Хоразмийнинг бешинчи масаласи мисолида кўрсатиб бўлади:

$$x^2 + (10 - x)^2 = 58$$

$$\text{Ёки } 2x + 100 - 20x = 58$$

Бу тенглама билан алжабр амали бажарилиб,

$$2x^2 + 100 = 58 - 20x$$

кўринишга келтирилади, кейин 2 га бўлиб ва ўхшаш ҳадларни келтириб, нормал кўринишда ҳадлар «рўпара қўйилади», яъни:

$$x^2 + 21 = 10x$$

сўнгра тенглама махсус алгебраик усуллар билан ечилади ва у геометрик усул билан текширилади.

Хоразмий асос солган алгебра фанини ундан кейинги Шарқ олимлари муваффақиятли ривожлантирдилар.

Хоразмийнинг алгебраик рисоласи бошқа асарларидан фаркли ўларок, учта қўлёзмаси сақланган. Улар Кобулда, Мадинада ва Оксфорд университетининг Бодлеян кутубхонасида сақланади.

Рисола 1145 йили Сеговия (Испания)да Роберт Честер томонидан лотин тилига таржима қилинган. Асарнинг арабча қўлёзмалари ва лотинча таржималари XIX ва XX аср олимлари томонидан чуқур ўрганилган. Русча таржимасини 1964 йили Ю.Х. Копелевич ва Б.А. Розенфелд нашр этган. Ушбу сатрлар муаллифи томонидан





Хоразмийнинг алгебраик рисоласи унинг арифметикаси билан ўзбек тилида олимнинг мазкур «Танланган асарлари» таркибида нашр этилган.

Хоразмийнинг энг йирик астрономик асари унинг «Зиж»идир. Олим бу асарини 830 йил атрофида ёзган. Бунга қуйидаги далилни келтириш мумкин. Хоразмий халифа Маъмун билан бирга Бағдодга келганида 773–775 йиллар Иброҳим Фазорий хиндчадан арабчага таржима қилган ва арабчасига «ас-Синдхинд ул-қабир», яъни «Қатга синдхинд» деб маълум бўлган астрономик асар тарқалган эди. Халифа Хоразмийга шу асарни қайта ишлашни буюради. Хоразмий қайта ишлаган нусха «Кичик Синдхинд», «Зиж ас-Синдхинд» ва қисқача «Зиж» номлари билан маълум бўлади. Шу билан бирга бу «Зиж»га Хоразмий 828 йилда Бағдоднинг Шаммосия маҳалласида барпо қилинган расадхонада олиб борган кузатишлар натижаларини ҳам киритади. Демак, Хоразмий ўз «Зиж»ини 830 йил атрофида ёзгани маълум бўлади.

Хоразмийнинг «Зиж»и 37 боб, 116 жадвалдан иборат. Асарнинг аввалги беш боби хронологияга бағишланган бўлиб «тўфон», «Искандар», «сафар» ва христиан эраларидаги саналарни хижрий эрага кўчириш қодалари келтирилади. 6-бобдан айлана 12 буржга, бурж – 30 даражага, даража – 60 дақиқкага, дақиқа – 60 сонияга ва ҳоказо майда бўлақларга бўлиниши баён этилади.

7–22-боблар Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари масаласига бағишланган. Бу бобларда Хоразмий қадимги ва илк ўрта аср хинд астрономик маълумотлардан, Эрон ва юнон маълумотларидан моҳирона фойдаланган ҳолда Птолемейнинг геоцентрик системасига асосланиб, планеталар ҳаракатини баён этган.

23-боб тригонометрияга бағишланган, унда Хоразмий «текис» ва «аксланган синус» тушунчаларини киритади ва бу функциялар жадвалларини келтиради.

«Зиж»нинг 25–27-боблари математик географияга бағишланган. Бу ерда географик пунктларнинг узунлик ва кенгликларини аниқлаш қодалари келтирилади ва бу координаталарнинг ўзгариши Қуёшнинг йиллик ва кеча-кундузлик ҳаракатида эклиптик ва экваториал координаталарнинг ўзгариши билан боғлиқлиги кўрсатилади.

28-бобда, Хоразмий яна тригонометрик масалаларига мурожаат қилади ва тангенс, котангенс тушунчаларини киритади ҳамда уларга мос жадвалларни келтиради. 29-бобда, планеталар ҳаракатининг тезлиги аниқланади. 30-бобда, Хоразмий Қуёш ва Ой кўринма қулчаларининг ўлчамини аниқлайди. 31–32-боблар, 36–37-боблар мунажжимлик масалаларига бағишланган. 33–35-боблар Қуёш ва Ой тутилиши ва параллакс (ёритгичнинг кўриниш фарқи) масалаларига бағишланган.

Хоразмий «Зиж»и халифаликдаги дастлабки астрономик асарлардан эди. Асар ёзилиши билан дарров олимларнинг диққатини ўзига жалб этди. Унга Хоразмийнинг замондошларидан Фарғоний, Ҳошимий ва бошқалар юксак баҳо беришган. Абу Райхон Беруний бу «Зиж»ни шарҳлашга урта асарини бағишлаган. Фан тарихида испаниялик араб астрономи Маслама Мажритий томонидан 1007 йили кўчирилган нусха муҳим роль ўйнайди. Бу нусхани 1126 йили Аделард Бат Испанияда лотинчага таржима қилади. Хоразмий «Зиж»и ҳозир мана шу лотинча таржимада мавжуд. Шу таржиманинг тўрт қўлёзма нусхаси асосида 1914 йили Х. Зутер «Зиж»нинг лотинча танқидий матнини нашр этган. Шу нашр асосида О. Нейгубауер 1962 йили унинг инглизча таржимасини нашр этган. Мана шу икки нашр асосида «Зиж»нинг тўла русча ва қисман ўзбекча таржималари нашрга тайёрланади.





Хоразмий «Зиж»ининг Европа фанига таъсири Х. Зутер, К.А. Наллино ва И.Ю. Крачковскийлар томонидан яхши ўрганилган. Тадкикотчилар яқдиллик билан таъкидлашича, Хоразмийнинг бу асари унинг арифметик ва алгебраик рисоалари каби бундай асарларга эҳтиёж туғилган пайтда юзага келди ва бу асари билан олим астрономик асарлар ёзилиш услубини стандартлаштирди, бу стандарт эса то Улуғбек «Зиж»игача ўз кучини сақлади.

Хоразмий ўз «Зиж»ида бошланғич меридиан сифатида, хинд анъанасига кўра, Арин (ҳозирги Ҳиндистондаги Ужайн) шаҳридан ўтган меридианни танлаган, Европада XIII асрда Рожер Бекон ва Буюк Алберт ҳам Арин меридиани ғоясининг тарафдорлари бўлганлар. Арин ғоясига кўра Айялик Петр (Франциядан) 1410 йили ўзининг «Ер тасвири» номли асарини ёзади. Бу асарнинг 1487 йили чоп этилган бир нусхасидан Христофор Колумб фойдаланган. Колумбнинг ўзига тегишли нусха хошиясига ёзган эслатмаларига кўра, Арин ғояси унда Ернинг ноксимон эканлигини ва Ернинг Аринга диаметрал карама-карши тарафида Аринга ўхшаш жой бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилган.

Шундай қилиб, Хоразмийнинг «Зиж»и география соҳасидаги буюк кашфиётларга ҳам алоқадор бўлди.

Хоразмий географик асарининг ёзилган йили аниқ маълум эмас. Академик В.В. Бартольд бу асар 836 ва 847 йиллар орасида ёзилганлигини аниқлаган¹.

Асар 1037 йили кўчирилган ягона арабча нусхасида етиб келган бўлиб, бу нусха Страсбург университети кутубхонасида сақланади.


Асарнинг арабча номи «Китоб сурат-ул арз истаҳражу Муҳаммад ибн Муса Ҳуаразм мин китоб «Жуғрофия» аллази аллафаҳу Батлимиюс Қалавзий», яъни «Сурат ул-арз» китоби, уни Муҳаммад Хоразмий Клавдий Птолемей ёзган «География» китобидан чиқариб олган» деб аталган. Лекин «Птолемей ёзган «География» китобидан чиқариб олган» деган жумла нусха кўчирувчилар томонидан қўшилган бўлиши эҳтимол. Чунки Хоразмийнинг асари аслида оригинал бўлиб, у Птолемей «География»сидан чиқариб олинган эмас.

Китобда шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, ороллар ва дарёлардаги 2402 та географик пунктнинг координатлари келтирилади. Шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, ороллар ва бошқа объектлар иқлимлар бўйича тақсимланган. Иқлим сўзи аслида юнон клима – «оғиш» сўзидан келиб чиққан бўлиб, уни фанга Гиппарх (эраמידан олдинги II аср) киритган. Гиппарх Ернинг одамлар яшайдиган қисминини 12 та иқлимга ажратган. Ундан сўнг Птолемей иқлимларнинг сонини 8 тага камайтиради, лекин ўз «География»сида у иқлимлар назариясига тўла риоя қилмайди, чунки географик пунктларни ҳудудлар ва эпархиялар бўйича тақсимлайди.

Географияни иқлимлар назариясига тўла риоя қилган ҳолда биринчи марта Хоразмий баён қилади. У ернинг маъмур, яъни инсонлар яшайдиган обод қисминини етти иқлимга ажратади. Хоразмий Птолемейдан фаркли ўларок, ҳудудлар, мамлакатлар ва улардаги географик пунктларни тавсифламайди, балки 1-иқлимдан то 7-иқлимгача жойлашган пунктларни тавсиф этади. Хоразмийда иқлимларнинг шимолий чегаралари ҳам Птолемейдагидан фарқ қилади.

¹ В.В. Бартольд. Введение к изданию Худуду-л-алам. Сочинение: т. XIII. М., 1973, с.504-545.





Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта асрлардаги энг биринчи географик асар эди. Шунинг учун унинг иклимлар назарияси кейинги даврларда географиянинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Хусусан, унинг иклимлар назарияси Ернинг маъмур қисмини иклим минтақалари бўйича ўрганишни осонлаштирди.

Хоразмий ҳам Птолемей каби узунликларни Канар оролларида бошлаб ҳисоблайди. Хоразмий экватордан жанубда 8 шахар, 1-иклимда 64 шахар, 2-иклимда 54 шахар, 3-иклимда 59 шахар, 4-иклимда 146 шахар, 5-иклимда 79 шахар, 6-иклимда 63 шахар, 7-иклимда 25 шахар ва 7-иклимдан шимолда 40 шахарнинг координаталарини келтиради.

Рисоланинг иккинчи бобида иклимлардаги тоғлар тавсифланади. Тоғларнинг боши ва охирининг координаталари келтирилади. Хоразмий Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳамда Кавказ ва Ўрта Осиёдаги тоғларни ҳам у ерлардаги шахарлар каби батафсил баён қилади. Бунга қараганда олим у ерларнинг географияси билан шахсан таниш бўлган кўринади.

Рисоланинг учинчи бобида Хоразмий денгизларни тавсифлайди.

Асарнинг тўртинчи бобида ороллarning кирғок чизиқлари ва улардаги пунктлар тавсифланади. Бешинчи бобда эса мамлакатлар тавсифланади.

Нихоят асарнинг олтинчи бобида дарёлар ва булоқлар тавсифланади. Хоразмийнинг географик рисоласини таҳлил қилиш у оригинал асар эканлигини кўрсатади. Унда Птолемей «География»сидан олинган мавзулар ниҳоятда кам. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Хоразмийда Ўртаер денгизининг узунлиги Птолемейда келтирилганидан қисқартирилган ва бу билан ҳақиқатга анча яқинлаштирилган.

Хоразмийнинг «Китоб сурат ул-арз» асари кўп олимлар томонидан ўрганилган. Лекин асар шу пайтгача тўла равишда бирорта ҳозирги замон тилига таржима қилинмаган. Олимнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан бизда бу асарнинг ўзбекча таржимаси Хоразмийнинг «Танланган асарлари» таркибида чоп этилди.


Хоразмийнинг юқорида кўриб ўтилган асосий асарлариёқ у фаннинг қатор тармоқлари асосчиси бўлганлигини кўрсатади. Унинг ғоялари математика ва астрономиянинг оёққа туриши ва ривожланишига сабаб бўлди. Ҳозирги даврда унинг хизматлари жаҳон афкор оммаси томонидан эътироф этилди.

Ашроф АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ **(973–1048)**

Абу Райҳон Беруний – ўрта асрнинг буюк комусий олими. У бир вақтнинг ўзида астроном, астролог, математик, геолог, географ, ўлкашунос, биолог, медик, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, файласуф, социолог, мантикшунос, илоҳиётчи ва шоир бўлган. Ўз даврида унинг «шуғулланган соҳасини санашдан кўра, шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқ» эди дейишади. Беруний астрономияга, астрологияга, геодезияга, минералогияга, фармакогнозияга, географияга, астрологияга, топономикага, диншуносликка, тарихга оид махсус асарлар ёзган.






Абу Райхон Мухаммад ибн Аҳмад Беруний исмидаги «Абу Райхон» қисми Райхоннинг отаси, «Мухаммад» мутафаккирнинг ўз исми, «ибн Аҳмад» Аҳмаднинг ўғли эканлигини англатади. Беруний эса унинг нисбасидир.

Беруний 362 йилнинг 3 зу-л-ҳижжаси/973 йил 9 сентябрида Хоразмнинг қадимий пойтахти хисобланган Кот (Кат) шаҳрида туғилган. Айрим манбаларда Берунийни Кот шаҳрининг ташқарисида туғилган, шу сабабли уни «Беруний», яъни «ташқарилик» деган таҳаллус билан аташган дейишади. Абу Саъд Абдулкарим а-Самъоний (ваф. 1165) «Насаблар китоби» номли асарида шундай деб ёзади: «Беруний деган нисба Хоразм (яъни унинг пойтахти Кот шаҳри)нинг ташқари қисмига оиддир. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай одамни «фалончи беруний» дейдилар. Мунажжим Абу Райхон шундай нисба билан машҳурдир». Кот шаҳри X асрда хоразмшоҳлар – африғийлар сулоласининг пойтахти, Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо марказларидан бири эди. Бу даврда Хоразм билан Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Эрон, Кавказ ва Европа давлатлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар анча ривожланганди. Хоразмликлар асосан мўйна, қорамол, балиқ ва ҳунармандчилик буюмлари билан савдо қилишган. Хитойдан чинни ва ипак буюмлар, Ҳиндистондан зираворлар харид қилишган. Европалик, рум ва суриялик савдогарлар турли-туман ҳунармандчилик, заргарлик буюмларини келтиришган. Хоразмда ҳунармандчиликнинг қулоччилик, шишасозлик, заргарлик, тўқувчилик, қандакорлик ва ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Қадимдан Хоразмда математика, астрономия, геодезия, математик география фанлари тараққий этиб келган. Тарихчилар келтирган маълумотларга қараганда, бу илмларга кизиккан кишилар дунёнинг узок-узок бурчакларидан Хоразмга келишган. Кот шаҳрида хитойлик, суриёнлик, румлик, юнонистонлик ва ҳатто андалусиялик (испаниялик) кишиларни ҳам учратиш мумкин эди. Улар нафақат илм ўрганиш учун, балки ўз илмларини ёйиш учун ҳам келишарди. Бу ҳолат Хоразмда илм эгаллашга шароит кенг бўлганлигидан далолат беради. Беруний ана шундай муҳитда аклини таниди. У ёшлигидан илмга меҳр қўйган эди. Беруний ўзининг ёшлиги ҳақида хотирлаб: «Мен бир Юнонистондан келиб қолган олимдан турли хил ўсимликларнинг юнончада қандай аталишини сўраб, бир дафтарчамга батафсил ёзиб борар эдим ва уларни ёдлаб олардим», – дейди. Кот шаҳри бир неча бор истилочилар томонидан қайта-қайта вайрон қилинган ва ҳар сафар янгидан тикланганда бошқа номлар билан аталган. Яқин тарихда ва 1957 йилгача Шаббоз (Шайх Аббос Вали) деб атаб келинган ва ўша йил унга Беруний номи берилган. Беруний шаҳри ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Берунийнинг оила аъзолари, ота-боболари ва насл-насаби ҳақида маълумотлар сақланмаган. Берунийнинг ўзининг ёзишича, онаси ўтин териш билан тирикчилик қилган. Бу маълумот Берунийнинг муҳтожликда қун кечирувчи оилада вояга етганлигидан далолат беради.

Таъқидланганидек, X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср Хоразмда илм-маърифат ниҳоятда ривожланган бир давр эди. Бир томондан Хоразмда «Авесто» ғоялари ва зардуштийлик дини билан боғланган қадимий илмлар раванқ топган бўлса, Қадимги Юнонистондан келган фалсафий таълимотлар, Эрондан келган мажусийлик, кохинлик анъаналари, исавийлик, мусавийлик, Кушонлар даврида тарқалган буддавийлик ва ниҳоят, ислом дини ва маданияти халқнинг маънавий дунёсига таъсир қилган эди. Айниқса, араб олимларининг таълимотлари, Қуръони қарим ва ҳадисларга асослан-





ган ғоялар кенг тарқалганди. Шундай бир синтетик маданиятлар ривожланган шароитда халқнинг илғор зиёлилари турли тилларни эгаллашга интилишган. Беруний ҳам кадимги хоразм тилидан ташқари, араб, сўғдий, форс, юнон, суриёний ва кадимий яхудий тилларини пухта билган ва шу тилларда ёзилган адабиётларни ўқий олган. Кейинчалик Махмуд Ғазнавий билан Ҳиндистонга борганида санскрит тилини ҳам ўрганиб олган. Беруний яшаган даврда Куръонни ёд олиш одати кенг ёйилганди. Бу одат кишиларнинг хотирасини чиниктирган ва турли тилларни ўрганишга рағбатни кучайтирган. Бундан ташқари, хоразмликларнинг хотирага зўр беришларининг сабабини Беруний шундай изоҳлайди: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни халок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (xabар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг қотибларини халок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини қуйдирганлиги сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эхтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар».


IX–X асрларда сомонийлар салтанати вужудга келиб, фан ва маданият яна юксала бошлайди. Туркий халқларнинг Шаркий ҳудудларида мустақил давлатчилик анъаналарини тиклаб олган қорахонийлар 995–997 йиллари сомонийлар давлатига қарши юриш қилади. Қот шаҳри Урганч амири Маъмун I (995–997) томонидан босиб олинади ва африғийлар сулоласи барҳам топади. Қорахонийлар аста-секин бутун Мовароуннахрни эгаллайди. Улар араб ҳукмдорлари билан келишиб, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни бутундай ўзларига қаратиб олади. 997–1017 йилларда ҳокимият Маъмун биринчининг ўғли Маъмун иккинчи қўлига ўтади. У пойтахтни Урганчга қўчиради ва анча маърифатпарвар инсон бўлганлиги сабабли илм-фан тараккиётига раҳнамолик қилади. Урганчда «Маъмун академияси» ташкил этилади. Кўп мамлакатлардан илм-фан билан шуғулланувчи олимлар бу ерга олиб келиниб, уларга яхши шароитлар яратилади. Беруний шу олимларнинг етакчиларидан бири эди. Унинг атрофида яхши илмий жамоа тўпланган. Бу даврда юртимизда илм-маърифат, фан ва маданият яна юксала бошлаган эди. Афсуски, 1017–1018 йиллар Хоразмда яна нотинчлик даври бошланди. Бир томондан Мавороуннахрда қорахонийлар ҳукмронлиги, иккинчи томондан Хуросон ва Афғонистонда ўрнатилган Махмуд Ғазнавий ҳукмронлиги (998–1030) ўртасидаги низолар Хоразмда шаклланган маърифат ўчоғининг барбод бўлишига сабаб бўлди.

Беруний умрининг охиригача ғазнавийлар қўлида хизмат қилади. XIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур ҳаким ва хаттот Ғазанфар ат-Табризийнинг ёзишича, Абу Райҳон Беруний 440 ҳижрий йил ражаб ойининг 3 қуни/1048 йилнинг 13 декабрида Ғазна шаҳрида вафот этган.

Бу олим Берунийнинг сўнгги асари «Сайдана»ни қўчирган. Берунийнинг таржимаи ҳолини ёзган тарихчи олим Абу Абдуллох Шаҳобиддин Ёқуб (Ёқут) ибн Абдуллох ар-Румий Ҳамавий (1179–1229) Беруний вафот этганида, анча кексайиб, саксондан ошиб қолганлигини таъкидлаб, унинг вафот санасини 443/1051–1052 йил этиб қўрсатади.

Беруний ёшлигида устози, машҳур олим Абу Наср ибн Ирок Мансур ибн Алидан (ваф. 1036) таълим олиб, илм сирларини ўрганган. Беруний бу устозини қўпгина асарларида ҳурмат билан тилга олади. Ибн Ирокнинг ҳам Берунийга меҳри кучли






бўлган. У астрономия, геометрия ва математикага оид 12 та асарини шогирди Абу Райхон Берунийга бағишлаб ёзган ва бу улуғ шогирдини кўп асарларида хурмат билан тилга олган. Ибн Ирок Берунийни Евклид геометрияси ва Птолемейнинг астрономик таълимоти билан таништирган. У шогирдининг ниҳоятда истеъдодли эканини таъкидлаб, Беруний ёшлигидан мустақил астрономик кузатиш ишлари олиб борганини (994–995), бунинг учун махсус астрономик асбоб ҳам ихтиро қилганини ёзиб қолдирган.

995–997 йиллари Кот Маъмун I томонидан босиб олингандан кейин африғийлар сулоласи тугатилди. Шу даврда тахтдан туширилган амир хизматида бўлган Берунийнинг ҳаёти ҳам хавф остида қолади ва у 22 ёшида Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. У дастлаб Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган Журжон шаҳрига бориб, у ерда мухожирликда яшайди. Сўнгра Эроннинг Рай шаҳрида истикомат қилади ва у ерда ниҳоятда фақирликда кун кечиради. Ҳатто илмий мунозараларда ҳам пулдор олимлар унинг мухтожлиги устидан масҳара қилиб қулишарди. Бу ҳақда Беруний шундай эслайди: «Рай шаҳрида бир олим астрономия соҳасида мен билан баҳсга киришди ва гарчи у илмда мендан анча паст турса-да, мендан ўзини юқори олиб, ҳатто каминани ҳақорат ҳам қилди. Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мактовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, ҳолос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан кийинчиликка учраб, паришонҳол эдим».

Беруний Рай шаҳрида исфаҳонлик бир савдогар дўстининг уйида меҳмон бўлиб яшаган. Ўрта Осиёда вазият мўътадиллаша бошлагач, олим Райдан яна Журжонга қайтиб келади ва бу жойда иккинчи устози – табиб, астроном ва файласуф Абу Саҳл Исо бин Яхъё ал-Масихий ал-Журжоний (ваф. 1010) билан танишади, ундан таълим олади.

928–1012 йиллар Хоразм ва Каспий денгизи олди вилоятларига зиёрийлар сулоласининг машҳур вакили Қобус ибн Вашмгир ҳукмронлик қилган. Бу ҳукмдор Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилган, аммо Беруний бу лавозимни рад этиб, илм билан шуғулланишга жазм этади. 1000 йил Беруний жаҳон фани тарихида қимматбаҳо манба ҳисобланган «Осор ал-бокия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини ёзади ва мазкур асарни «Шамс ал-маолий» («Олий мартабалар қуёши») лақаби билан машҳур бўлган ҳукмдор Қобус ибн Вашмгир (ваф. 1012) га бағишлайди. Қобус ибн Вашмгир ҳукмдорлар орасида илм-маърифатга берилган, адолатпарвар инсон бўлган. Берунийнинг ёзишича, уни Яратган «халққа адолатли, Тангрининг дини ва халқига ёрдамчи, мусулмонлар ҳарамларини қўриқловчи, улар мулкларини талон-торождардан асровчи йўлбошчи қилиб, бандаларини ўзидан миннатдор этди». Шуниси борки, бу ҳукмдор шиа мазҳабининг тарафдори бўлган. Беруний унинг саройида яшаган даврларида ўзини шиа мазҳабига ён босгандай қилиб кўрсатса-да, динда тўла мўътадилликни ёқлаган ва барча мазҳабларга нисбатан бағрикенглик билан қараш тарафдори бўлган. 1005 йили Беруний ўз юрти – Хоразмга қайтади. 1010 йили Абу-л-Аббос Маъмун II ибн Маъмун (ваф. 1017) Берунийни Хоразмнинг янги пойтахти Урганчга олиб келишга фармон беради. У Берунийни устоз сифатида хурмат қилади. Беруний ҳам «Хоразмнинг машҳур кўчилари» деган асариде Абу-л-Аббос Маъмун II нинг яхши сифатларини тавсифлаб ўтган. Маъмун I нинг ўғли Маъмун II аббосийлар халифалигининг 3-авлоди эди. У ўзининг бобоси Ҳорун





ар-Рашид изидан бориб илм-фан тараккиётига хомийлик килади. Хоразмда илмий академия ташкил этади. Хоразм Маъмун академиясида Абу Сахл ал-Масихий, Абу Наср Ибн Ирок, табиб Абу-л-Ҳасан Ҳаммор, машхур тарихчи Ибн Мискавайх (ваф. 1030), Ибн Сино ва Беруний сингари замонасининг таникли олимлари тўпланган эди. Беруний Маъмун II саройида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган ва ўз мавкеидан фойдаланиб, кимматбаҳо тошлар, камёб металллар устида кузатишлар олиб бориб, «Китоб ал-жамохир фи маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами») номли минералогия соҳасига бағишланган йирик асар ёзади.

Маъмун саройида Беруний 7 йил ишлайди. Замонасининг етук олими Абу Али ибн Сино (980–1037) билан илмий ҳамкорлик килади, мунозаралар олиб боради. Берунийнинг Ибн Сино билан физик қонуниятларга оид ёзишмаларининг бир қисми сақланиб қолган. 1017 йили Хоразмга Маҳмуд Ғазнавий хужум килади. Маҳмуднинг келишидан хабардор бўлган Маъмун II сарой аъёнлари ва олимларни тўплаб, уларга, агар хоҳласа, Маҳмуд Ғазнавий саройида хизмат қилишни давом эттириши, хоҳламаса, вақт борида Урганчдан кетиши лозимлигини уқтиради. Кўичилик амалдорлар ва баъзи олимлар, улар орасида Ибн Сино ҳам, саройдан кетишга қарор қилдилар. Бу вазиятдан фойдаланган муҳолиф кучлар 1017 йили Маъмунга суикасд уюштиришади. Маъмун ўлимидан сўнг Беруний ҳам саройдаги бошка олимлар қаторида Маҳмуд Ғазнавийнинг асири сифатида Ғазна шаҳрига олиб кетилади. Бу Беруний учун жуда таҳликали ҳол эди. Маҳмуд Ғазнавий фармонида кўра, Беруний билан Абдуссамад Аввал қатл этилиши лозим эди, чунки улар Маъмун II нинг садокатли амалдорлари қаторига кирар эдилар. Маҳмуднинг вазири Хўжа Ҳасаннинг орага тушиши туфайли Беруний омон қолади. 1017 йилдан то 1030 йилгача Беруний Ғазнавий қўл остида таҳликали ҳаёт кечиради. Маҳмуд доимо ўзининг барча юришларида, жумладан, Ҳиндистонни забт этишида мунажжим сифатида Берунийни бирга олиб юрган. У Берунийни бир неча бор ўлимга ҳукм қилади, зиндонга ташлайди, ҳуллас, Беруний Маҳмуднинг кош-қовоғига қараб яшашга мажбур эди. Маҳмуд саройида ҳам Беруний ўзининг илмий изланишларни тўхтатмаган, Ғазнавийнинг Ҳиндистонга юриши даврида тўплаган маълумотлари асосида йирик «Ҳиндистон» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш») номли асарини ёзган. 1030 йилда Маҳмуд вафот этгач, унинг васиятига кўра, кичик ўғли Муҳаммад тахтга ўтиради. Аммо бир неча ойдан кейин Маҳмуднинг катта ўғли Масъуд (1030–1041) укасини тахтдан ағдариб, ҳокимиятни ундан тортиб олади. Масъуд даврида Берунийнинг аҳволи яхшиланади, чунки Масъуд Берунийга хайрихоҳ бўлиб, ундан кўп нарсаларни ўрганган эди. Беруний Масъудга араб тилини ўрганишига, астрономия асосларини эгаллашига кўмаклашган. Масъуд эса Берунийнинг ҳурматини жойига қўйиб, унинг илм билан шуғулланишига яхши шарт-шароитлар яратиб, ҳар доим инъом ва ҳадялар билан тақдирлаб турган. Масъуднинг хомийлигидан миннатдор бўлган Беруний унга бағишлаб «Масъуд қонуни» деган асар ёзган. Шу асарнинг сўзбошисида Масъуд ҳақида «у... илмга хизмат қилишим учун очик юз билан имконият берди, чунки у менга зийнат либосини кийгизиб иноят кўрсатди», – деб ёзади Беруний. Бу асар астрономия ва математика илмларига оид мукамал қўлланма сифатида ўша даврда шу соҳаларга оид илгарилари яратилган барча асарларнинг энг аълоси эди.






Берунийнинг шогирдлари хакида куйидаги маълумотлар бор. Аввало, Абу-л-Аббос Маъмун II ибн Маъмун ўзини Берунийга якин тутиб, ундан сабоқлар олган ва ўзини Берунийнинг шогирдидан деб хисоблаган. Шунингдек, Кобус ибн Вашмгир саройида ҳам Берунийдан сабоқ олган шогирдлари бўлган, ammo уларнинг номлари сакланиб қолмаган. Махмуд Ғазнавий ҳам баъзан Берунийга устозим деб мурожаат қилган. Унинг катта ўғли Масъуд ҳам Берунийни энг улуғ устозим деб билган ва унга ҳомийлик кўрсатган. Беруний билан Ибн Сино бир-бирига устоз-шогирд бўлишган. Уларнинг ўзаро ёзишмаларидаги саволлардан 18 таси бизгача етиб келган. Бу ёзишмаларда икки забардаст олимнинг бир-бирига бўлган эътиқодининг нақадар кучлилиги сезилиб туради.

1035–1036 йиллари Беруний ўзи ёзган асарлари рўйхатини тузган ва мазкур рўйхатда 113 та асарнинг номини келтиради. Бу асарлардан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 3 таси минералогияга, 4 таси картографияга ва бошқа фанларга оид эди. Агар олимнинг ундан кейин яшаган 13 йил ичида ёзган 50 дан зиёд асарларини ҳам қўшадиган бўлсак, уларнинг умумий сони 160 дан ошади. Айрим манбаларда Беруний 200 дан зиёд асар ёзгани хакидаги маълумотлар ҳам учрайди. Беруний ёзган ҳар бир асар ўзига хос энциклопедия эди. Масалан, унинг дастлабки асарларидан «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Ал-осор ал-бокия ан ал-курун ал-холния») асари Қадимги Хоразмда ўтган халқларнинг, қадимги яхудийлар, насронийлар, мажусийлар ва мусулмонларнинг урф-одатлари, анъаналари, байрамлари, календарлари, динлари, пайғамбарлари, муқаддас китоблари хакидаги барча маълумотларни ўзида тўплаган яхлит энциклопедия бўлиб, у Европада «Хронология» номи билан машҳурдир. Бу асарни олим 27 ёшида, яъни 1000 йили араб тилида ёзиб тугаллаган. Уни Кобус ибн Вашмгирга бағишлаган. Бу асарнинг биринчи нашрини немис олими, берунийшунос Эдуард Захау 1876–1877 йилларда Лейпцигда босиб чиқаради. 1879 йили эса унинг инглизча таржимасини эълон қилади. 1950 йили шарқшунос олим А. Расулов мазкур асарнинг бир қисмини ўзбекчага таржима қилади. 1957 йили асар арабшунос олим М.А. Салье томонидан рус тилига таржима қилинади ва нашр этилади. 1968 йили А. Расулов томонидан бу асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси «Фан» нашриётида босилиб чиқади. Берунийнинг «Китобу-л-мақолат ва-л-арз ва-д-диёнот» («Мақодалар, эътиқодлар ва динлар хакида китоб»), «Китоб фи ахбори Хоразм» («Хоразм хабарлари хакида китоб»), «Китоб тарихи айём ас-султон Махмуд ва ахбори абиҳи» («Султон Махмуд даври тарихи ва отаси хакидаги хабарлар китоби») каби китоблари ҳали топилмади. Уларни жаҳон кутубхоналари ва шахсий китоб хазиналаридан ахтаришни давом эттириш лозим. Эслатганимиздек, Беруний Журжон ҳукмдори Вашмгир саройида яшаб юрган даврида қимматбаҳо тошлар ва минераллар хакида «Минералогия» асарини ёзган. Бу асарда муаллиф 300 дан зиёд минераллар ва уларнинг физик (қаттиқлиги, солиштирма оғирлиги, ранги, қирраларининг тузилиши ва бошқалар), химиявий (таркибида қандай моддалар борлиги, сув ва оловга чидамлилиги) хусусиятларини тушунтириб берган. Берунийнинг «Минералогия» асарини 1963 йил СССР Фанлар академияси нашриётида москвалик шарқшунос А.М. Белиницкий рус тилида нашрдан чиқарди.

1025 йил 18 ноябрда Беруний «Геодезия» («Таҳдид ниҳоёт ал-амокин ли тасҳих масофот ал-масокин») («Турар жойлар (орасидаги) масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш») асарини ёзиб тугатган. «Геодезия»да матема-





тик география асослари муфассал баён қилинади. У 1966 йил Тошкентда Истанбул нашридан рус тилига таржима қилиниб чоп этилди.

«Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар» асари эса 1029 йил Ғазнада ёзилган бўлиб, унда астрологияга оид асосий тушунчалар содда қилиб изоҳлаб берилгандир. Уни европача қилиб «Астрология» деб атасак бўлади. Бу асарни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти ва Москва шарқшуносларидан А. Аҳмедов, Б.А. Розенфельд, М.М. Рожанская, А. Абдурахмонов ва Н.Д. Сергеева ҳамкорликда рус тилига таржима қилишиб, «Книга вразумения начаткам науки о звездах» деган ном билан 1975 йил «Фан» нашриётида нашр этишди. У даврда астрология тушунчасини қўллаш китобнинг нашр этилишига халакит берар эди. Шу сабабли китоб номи ғалатирок бўлиб қолган.


Мутафаккирнинг «Ҳиндистон» («Таҳқиқ мо лил хинд мин маъқула макбула фил-ақл ав марзула») («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш») деб номланган асари 1030 йил ёзиб тугатилган. Бу китобда Ҳиндистон халқлари тарихининг турли соҳалари (аниқ фанлар, адабиёт, фалсафа, элшунослик (этнография), география, демография, қонунлари ва урф-одатлари, дини, диний ривоятлари, хинд ёзувининг турлари, эътиқод усуллари) ҳақида батафсил маълумотлар берилгандир. Шунингдек, Беруний бу асарида санскрит тилидаги манбалардан ҳам кенг фойдаланган. Бу тил бизгача етиб келмаган. Беруний эса бундан минг йил илгари бу тилни махсус ўрганган. Китобнинг арабча матни биринчи бор 1887 йил, инглизча таржимаси эса 1888 йил Лондонда Э. Заҳау томонидан нашр этилади. Арабча матн 1858 йил Ҳайдарободда ҳам нашрдан чиқарилган. Бу китоб 1963 йил рус тилида, 1965 йил эса ўзбек тилида чоп этилган.

«Масъуд қонуни» («Ал-Қонун ал-Масъудий») номли асар 1030 йилда ёзилади. Унда математик астрономиянинг асосий қоидалари, ёритгичларнинг координатлари, уларнинг ҳаракатлиниш тартибларини ҳисоблаб чиқариш йўллари батафсил тушунтирилган. Бу китобда баён этилган таълимотларнинг аксариятини Беруний Қуръон оятлари билан солиштирган. Бу унинг Қуръонни мукамал билганлигидан далолат беради. Шунингдек, мазкур китобда Беруний тузган юлдузлар жадвали – Беруний жижи ҳам илова қилинган бўлиб, мазкур жадвалда 1029 та юлдузнинг координатлари ва юлдуз катталиклари Птолемей ва араб астрономи ас-Сўфи жадвалларига асосланиб берилган. Бу асар биринчи бор бир қанча араб қўлёзмалари асосида Ҳайдарободда нашр қилинади. Рус тилида Москвада 1962 йилда босиб чиқарилган. Ўзбекистонда эса 1973 йил рус ва ўзбек тилларида 2 китобдан иборат қилиб «Фан» нашриётида эълон қилинди.

Беруний «Ҳиндистон» асарида Ернинг ҳаракатлиниши ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, бу асарни ёзишдан илгари Ернинг ҳаракатлиниши тўғрисида «Мифтоҳу илми-л-хайъа» («Астрономия қалити») деган асарида чуқурроқ тўхталганлигини баён этган. Мазкур рисоласида Ер шари ҳаракатлинишининг хусусиятларини батафсил тушунтириб берган. Лекин бу асар бизгача етиб келмаган.

Беруний умрининг охирида, яъни 1045–1048 йилларда «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб» («Китаб ас-сайдана фи-т-тибб») асарини ёзган. Бу асар тарихга «Сайдана» («Фармакогнозия») номи билан кирган бўлиб, унинг тўлиқ қўлёзмаси 20-асрнинг 20–30 йилларида Туркияда топилган. Бу асарда Шарқда, хусусан, Туркистонда ўсадиган барча доривор ўсимликлар ва уларнинг фармакологик хусусиятлари ҳақида





маълумотлар берилган. Мазкур асарни таникли шарқшунос олим У.И. Каримов рус тилига таржима қилиб, 1974 йил «Фан» нашриётида босмадан чиқарган.

Бундан ташқари, Берунийнинг адабиётшунослик, динлар тарихи, калом таълимоти, ҳадисларга оид мақолалари, бадий йўналишдаги асарлари – ҳикоялари, ривоятлари ва шеърлари ҳам бўлган. Уларни қидириб топиш, тўплаш, нашр этиш манбашунослар, тарихчилар, шарқшунослар зиммасидаги хайрли ва табаррук вазифалардан биридир.

Абу Райҳон Беруний жаҳон цивилизацияси тараккиётига ўзининг йирик илмий кашфиётлари билан салмоқли ҳисса қўшган буюк олим ҳисобланади. Ҳозирги замон фанларининг барчасида Берунийнинг илмий кашфиётларидан у ёки бу тарзда фойдаланишади. Беруний ўз кашфиётлари билан ҳисса қўшмаган фан соҳаси кам бўлса керак.

У биринчи бўлиб Ер шари глобусини ясаган. Бу ихтиродан барча географлар, ҳар бир зиёли бугунги кунда ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Берунийнинг йирик ҳиссаси, жумладан, астрономия соҳасига қўшилган. У гарчи оламнинг тузилишига Птолемейнинг геоцентрик (яъни оламнинг марказида Ер туради, деб ҳисоблайдиган) системадан туриб ёндашса ҳам, бу масалага оригинал тарзда, яъни Ер шарини ҳаракатланувчи система деб ёндашади. Бундай қараш ўша даврларда Ерни ҳаракатсиз деб ҳисобловчи ҳукмрон қарашларга зид келадиган илмий жасорат эди. Беруний «Ҳиндистон» асарида шундай деб ёзади. «Ернинг айланиш ҳаракати астрономия фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмайди, балки ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текис давом этаверади». Бу ғояда инерциал системалар ҳақидаги фикр мужассамлашгандир. Бундай фикрга Галилео Галилей(1564–1642) Берунийдан 600 йил кейин келган.

Беруний «Истаган хил астроябияни тайёрлашнинг турли усуллари ҳақида» деб номланган асарида Абу Саъид ас-Сижзийнинг астроябияси хусусида тўхталиб: «Унинг негизи осмон ҳаракатланишига эмас, балки Ернинг ҳаракатланишига асосланганлиги учун мен уни жуда ҳам ажойиб кашфиёт деб ҳисоблайман», – деб ёзади. Беруний ўзининг геоцентризмга бўлган шубҳаларини «Геодезия» асарида ҳам очик баён этган. Берунийнинг бу йўналишдаги фикрлари гелиоцентризмнинг вужудга келишига йўл очди ва поляк астрономи Николай Коперник (1473–1543) Берунийдан 500 йил кейин оламнинг гелиоцентрик системасини ўртага ташлади.


Беруний турли хил астрономик кузатиш асбобларини ҳам ясаган. Улардаги кузатиш принциплари бугунги кунгача ўз қийматини йўқотмаган.

Беруний осмон ёритгичларининг ҳаракатланиш траекториялари доира шаклида эмас, балки эллипис шаклида эканлиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб илгари сурган ва уни ҳисоблаш усулларини кашф этган. Бу усуллар Европада янги даврга келиб И. Кеплер томонидан ниҳоясига етказилди.

Беруний Журжонда юрган пайтларида Қуёшни кузатишга ҳам жиддий эътибор қаратади, астрономияда биринчи бўлиб Қуёш тожининг хусусиятларини тўғри талкин қилиб берди ва Қуёшни кузатишга жуда берилиб кетганлигидан бир қанча вақт қўзлари ёруғликни сезмай қолганлигини ўз хотираларида ёзиб қолдирган.

Беруний ёритгичлардан келаётган нурлар нафақат ёруғлик тўлкини, балки заррачалардан иборат эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Ёруғлик бир вақтнинг ўзида ҳам тўлқин, ҳам заррача табиатига эгадир деган ғоя XX асрдагина ўз исботини топди.





руний математика фани ривожига ҳам жуда катта хисса қўшган олимлардан. У биринчи бўлиб тригонометрияни алоҳида мустақил фан сифатида таҳлил этди.

«Масъуд конуни» асарида ясси ва сферик тригонометрияни баён қилиб, тригонометрик функцияларнинг чизикли ва квадрат интерполитив коидасини яратди.

Беруний география, геодезия, геология фанларига ҳам сезиларли улуш қўшган. «Геодезия» ва «Минералогия» номли асарлари бевосита юкорида айтилган фанларга оиддир.

Мутафаккир «Ҳиндистон» асарида Ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқликнинг нисбати тўғрисида тўхталиб, шундай ёзган: «Ернинг чораги маъмурадир. Маъмуруни ғарб ва шарқ томондан Мухит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу Мухит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган оролардан икки ёқдан (ғарб ва шарқдан) ажратиб туради...» Бу фикрни «Масъуд конуни»да ҳам таъкидлайди. Хуллас, Беруний математик ҳисоб-китоб асосида Колумбдан қарийб 450 йил илгари хозирги Америка қитъаси бўлиши мумкинлигини башорат қилганди.

Беруний Атлантика ва Тинч океанларининг жанубий қисми бир-бири билан туташганлигини исботлаган, Ер шарининг жанубий томонида муз қоплаган қуруқлик бўлиши керак, деб фараз қилган.

У географик кенгликни ҳисоблашда қўллаган усул XVI асрда Тихо де-Браге томонидан кашф этилган, деб келинади, ваҳоланки, бу усулни Беруний ундан 6 аср илгари ишлатган.

Жинсларнинг геологик келиб чиқиши, қуруқликнинг денгизларга, денгизларнинг қуруқликка айланиш назарияларини ҳам Беруний ишлаб чиққан. Жисмларнинг Ер марказига қараб тортилиш қучи ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб Беруний илгари сурган.

Беруний минералогия ва иқлимшунослик фанларига ҳам жиддий хисса қўшган. Минералларнинг таркибий тузилиши, кристалланиш ҳодисаси, ёруғлик нури таъсирида кристалларнинг товланиши табиати ҳақидаги ғояларни ҳам Беруний ишлаб чиққан.

Беруний дунёларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги ҳақидаги фалсафий ғояни илгари сурганди. Бу ғоя 600 йилдан сўнг Жордано Бруно (1548–1600) томонидан айтилди ва у шу ғоя туфайли инквизициянинг гулханида ёндирилди.


Беруний ижтимоий ҳодисалар, жамият тараққиётида ижтимоий муҳитнинг ўрни, одамлар табиатига, кўринишига географик иқлимнинг таъсири, меҳнат қуроқларининг жамият тараққиётидаги ўрни, кишиларнинг моддий эҳтиёжлари, мулк ва мерос масалаларини биринчи бор социологик таҳлил қилган.

Ўрни келганда Беруний ҳаётидан бир қатор ибратли воқеаларга эътиборингизни жалб қиламиз.

Беруний ёшлигидан синчков, масалаларга рационал ёндашувчи киши бўлган. Ҳукмдорларга ҳам, уларнинг кўнгли учун, ёлғон гапирмаган. Маҳмуд Ғазнавийни кўп ножоиз ишлардан қатъият билан қайтарган. Беруний ростгўйлиги туфайли кўпинча ҳоким ва амалдорларнинг ғазабига учраб ноҳақ жазонанган. Маҳмуд Ғазнавий бир неча марта Берунийни ўлимга ҳукм қилган. Шунга оид бир ибратли ҳодисани берунийшунос олимлар ёзиб қолдиришган:

Кунлардан бирида Маҳмуд Берунийни синамоқчи бўлиб, унга савол берибди:





– Эй, мунажжим! Айтгинчи, Куръони каримда башоратчилик кораланган, лекин, айрим мунажжимлар Куёш ва Ой тутилишини олдиндан башорат қиламан, деб даъво қилишади, Сен ҳам шу фикрдамисан?

– Мен масалага мантиқан ёндашиш тарафдориман. Шундай ходисалар борки, уларнинг ҳаракатланишини ўлчаб, агар унга ташки куч халакит бермаса, фалон нарса, фалон вақтда, фалон жойда бўлади, деб башорат қилиш мумкин. Шундай ходисалар борки, уларнинг ҳолати биз биладиган таъсирлардан яширинган бўлади, уларнинг сабабини билмаганимиз учун башорат қилиб бўлмайди. Куръони каримда ана шундай ходисаларни назарда тутиб, сохта башоратчилик, фолбинлик кораланган. Ёлғончилардан бизни худонинг ўзи асрасин. Осмон ёритгичларининг ҳаракатланиши бир текисда ўзгаришсиз боради ва муайян қонуниятларга бўйсунди. Шу сабабли уларни олдиндан айтиб бериш мумкин. Фалакиёт илмига таяниб, Куёш ва Ой тутилишини олдиндан башорат қилиш мумкин.

Махмуд бу фикрни эшитгач, ғазаби қайнайди ва атайлаб Берунийни мулзам қилиш ниятида яна савол беради:

– Эй «башоратчи», сен ҳозир мен шу бинонинг қайси эшигидан чиқишимни ўз илминга таяниб топгин-чи?

Махмуд шу пайт 12 та эшиги бор айлана шаклидаги бинода мажлис кураётган эди. Беруний Махмуднинг важоҳатини яхши англаб етди ва бир қоғозга бир қанча сўзни ёзиб, уни Махмудга узатди. Махмуд қоғозни ўзи ўтирган ўриндик тагига беки-тиб қўйди. Махмуд шунда Берунийга истехзоли қараб, хизматқорига буюрди:

– Зудлик билан бу ерга дурадгорни чакириб кел, менинг рўпарамдаги девордан 13-эшикни очсин!

Дурадгор келиб 13-эшикни ўрнатди. Махмуд шу эшикдан чиқиб кетди. Бироз вақтдан сўнг, ҳаммалари шу жойга яна тўплангач, Махмуд Беруний ёзган қоғозни бе-китилган жойдан олди. Мажлисда гувоҳ бўлганлардан бири қоғозни ўқиди. Қоғозга шундай сўзлар битилган эди: «Хукмдор! Сиз бу бинодаги 12 та эшикнинг бирор-тасидан чикмайсиз. Рўпарангиздан 13-эшикни очтириб, ўша эшикдан ташқарига чиқасиз». Мажлис аҳли бу ҳолатдан ниҳоятда хайратга тушишди. Махмуднинг эса ғазабдан юзлари кизариб кетди ва амр қилди:

– Бу шаккок олимни зиндонга ташланглар!

Хукм ижро этилди...

Беруний умр бўйи илм-маърифат эгаллаш йўлида тинимсиз меҳнат қилган. Ҳатто умрининг сўнгги дакикаларида ҳам унда илмга интилиш туйғуси сўнмаган. Ёқут Ҳамавий Берунийнинг яқин кишиларидан бири бўлган қози Валволижий тилидан қуйидаги воқеани келтиради: «Мен Абу Райҳон хузурига у оғир нафас олаётган, хириллаб жон бераётган вақтда кирдим. У мендан «Меросларни нотўғри бўлиш ҳақида айтганларингни такрорлаб бер». – деди. Мен унга раҳм қилиб: «Шундай аҳволда-я!» – дедим. У эса: «Эй, фалончи, мен учун бу масалани билиб дунёдан ўтиб кетиш, уни билмай ўтиб кетишдан афзалроқ эмасми?» – деди. Мен уни (масалаларни) такрорлаб беришга мажбур бўлдим. У буни ёдда сақлади. Кейин менга бу ҳақда ўйлаганларини айтиб берди, шундан сўнг мен чиқиб кетдим. Кўчага чиқишим билан унинг уйдан йиғи овози эшитилди».

Беруний адолатли ва мурувватли бўлишни ёклаган. Бу борада олимнинг ўзи шундай хикояни келтиради: Халифа Умар ибн Абдулазизнинг ўғли Абдуллох минг





дирҳамга бир қимматбаҳо тошни сотиб олганини эшитиб қолиб, ўғлига хат ёзибди: «Менга етиб келган хабарларга қараганда, бир узук олибсан. Сенга насихатим шу, дарҳол ўшани сотиб, унинг қийматига мингта очнинг қорнини тўйгаз. Ўзингга бўлса, қумушдан узук қилдир, унинг кўзи ҳам ўзидан бўлсин».

Абдуллоҳ отаси айтгандай қилибди.

Бир киши Берунийдан илтимос қилиб, «Менга фойда келтирадиган бирор нарса-ни ўргатиб қўйинг», – дебди.

Беруний унга ал-Қиндийнинг «Ишоратлар китоби»дан ўткир нарсалардан тайёр-ланадиган бир дори тарқибини ёзиб берибди. Бу дори сувга томизилиб, ҳосил бўлган сувга қаламни ботириб, ақик тошга чизилса, тошдаги ёзув оқ бўлиб кўрунаркан. Буни ўрганиб олган бояги мардум «Муҳаммад», «Али» ва бошқа исмларни тошга ёзиб, «Бу фалон жойдан топилган табиий ёзув», деб даъво қиладиган ва содда одамларнинг пу-лини шиладиган бўлибди. Беруний эса ўзининг бу дарсидан пушаймон бўлиб, бошқа бундай кишиларга қимё илмининг сирларини ошқор қилмайдиган бўлибди ва «Илм-ни нафси учун ишлатадиганларга ўргатиш – унинг жиноятига шерик бўлишдир» – деб Аллоҳга тавба қилган экан.

Инглиз шарқшуноси Ж. Сартоннинг «Беруний – IX асрнинг Леонардо да Вин-чисидир» – деган фикрига жавобан академик С. Толстов шундай ёзади: «Берунийни Леонардо да Винчи билан таққослаб, уни IX аср Леонардо да Винчиси дейишди. Бу нотўғри қиёслаш. Ахир Птолемейни «II аср Берунийси» дейишмайди-ку! Аслида, Леонардо да Винчини «XVI аср Берунийси» десак, мантикли бўлар эди».

Европалик берунийшунослар Берунийнинг бир ўзи бутун бошли илмий-тадқиқот институтлари ҳам бажара олмайдиган ишларни уддалаган, деб қайд қилишган.

Абу Райҳон Беруний мероси мустақилликдан илгари ҳам ўрганилган эди, аммо у даврларда Берунийнинг табиий-илмий меросигина материалистик дунёқараш нуктаи назаридан тадқиқ этилган. Мустақиллик давридагина Беруний меросига кенг қамровли ёндашувга йўл очилди. Унинг Қуръони қарим ва ҳадиси шарифга муно-сабати, диний мазҳаблар тадқиқи бугунги кунда олим ва уламоларимиз томонидан кенг микёсда ўрганилмоқда. Ҳозирги пайтда Берунийнинг номаълум асарларини излаб топиш давом эттириляпти. Беруний раҳбарлик қилган Хоразмдаги «Маъ-мун академияси»нинг 1000 йиллиги халқаро микёсда нишонланди ва бу тадбир-ларда олимнинг хизмати юқори даражада қайд этилди. Берунийнинг жаҳон фани таракқиётига қўшган ҳиссасини таъкидловчи асарлар ёзилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Берунийнинг Ғазнадаги қабрини Ўзбекистон Республикасидан юбо-рилган махсус экспедиция аъзолари зиёрат қилишди ва таъмирлаш ишларини олиб боришди. Мустақиллик даврида Беруний асарларининг кўпчилигига маълум бўлма-ган қирраларини очиб берувчи оммабоп нашрларни чиқариш йўлга қўйилмоқда ва бу аллома номини абадийлаштириш борасидаги хайрли ишлардандир.

Бахтиёр Тўраев,
фалсафа фанлари доктори,
профессор





АБД ИБН ҲУМАЙД АЛ-КАШШИЙ (786–863)

IX–XII асрлар ислом тарихида энг ривожланган давр бўлиб, бу вақтда тафсир, ҳадис, фикх, калом, мантик ва бошқа фанлар юксак даражада раванк топди. Бу даврларда илм-фан ва ислом цивилизацияси ғоятда тараккий қилгани туфайли ҳам бу асрлар ислом тарихида олтин давр деб эътироф этилган.

Айни шу асрларда мазкур илмлар бўйича самарали фаолият кўрсатган кўплаб ватандошларимиз – бухорийлар, самаркандийлар, термизийлар, хоразмийлар, насафийлар, кешийлар, шошийлар ва фарғонийлар етишиб чиқишган. Мустақиллик йилларида улардан талайларининг ҳаёти, қолдирган бой илмий-маънавий мерослари бир қадар ўрганилган бўлса-да, лекин ҳаёти ва асарлари ҳозирча ўрганилмаганлари ҳам оз эмас.

Шундай алломаларимиздан бири уч буюк муҳаддис – имом Бухорий, имом Термизий ва имом Муслим ибн Ҳажжонинг устози, «ҳофизи-л-ҳадис», «сохибу-л-муснади-л-кабийр» ва «сохибу-т-тафсиру-л-кабийр» номлари билан машҳур бўлган муҳаддис Абд ибн Ҳумайд ибн Наср ал-Кашший (Кеший) бўлиб, унинг тўлик исми Абдулхамид ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Ҳофиз ал-Кешийдир. Манбалар бу улуғ муҳаддиснинг Кешда 170/786 йилда таваллуд топганидан далолат берса, баъзи манбаларда унинг 170 ҳижрий йилдан кейинроқ туғилганлиги ҳам келтирилган.

Ул зоти шариф улуғ муҳаддис, муфассир, факих ва тилшунос бўлиб, ал-Имом, ал-Ҳофиз, ал-Ҳужжат, ал-Жаввол каби юксак сифатлар билан таърифланган. Абд ибн Ҳумайд Кашший баъзи тарихий асарларда Кеший, Кесий, Лайсий, Каъбий каби нисбалар билан ҳам келтирилган. Бунга асосий сабаблар тарихий асарларда келтирилган манбаларнинг ҳар хиллиги ва алломанинг ҳаёти тўлик ўрганилмаганлигидир.

Абд ибн Ҳумайд Кашший ҳадисларнинг саҳихлиги ва санадининг ишончилигига жиддий эътибор қаратган Мовароуннаҳрдан чиққан муҳаддисларнинг энг аввалгиларидандир.

Муҳаддис бошланғич таълимни Мовароуннаҳрда Бухоро, Самарканд, Кеш олимларидан олган. Шамсуддин Заҳабийнинг «Тарих ал-ислом» асарида келтирилишича, Абд ибн Ҳумайд Кашший икки юздан ортик шаҳарга илм талабида сафар қилган ва қайси жойга борса, шу жойнинг энг улуғлари билан суҳбатда бўлиб, улардан таълим олган ва ҳадисларни исноди билан жамлаган.

Ўша давр муҳаддисларининг ҳадисларни жамлаш йўлидаги сафарлари кўпдан-кўп давлатларда бўлганлигига сабаб, бу даврда Расулulloҳ (с.а.в.)дан кейин икки юз йилга яқин вақт ўтган, саҳобалар, тобиъийларнинг аксарияти диний таълимотни ёйиш мақсадида дунёнинг турли жойларига тарқалиб кетгандилар. Улар қайси жойга борсалар, шу ерда Қуръон, ҳадис илмларини халққа етказганлар. Бу ҳолатлар, табиийки, муҳаддисларни ҳадис жамлаш борасидаги сафарининг асосий сабабларидан бири бўлган. Абд ибн Ҳумайд Кашший ҳам Бағдод, Басра, Куфа, Шом, Найсобур, Макка, Мадина ва кўплаб илм-фан, маданият ривожланган шаҳарларда сафарларда бўлиб, ҳадис илми алломаларидан таълим олиш билан бир вақтда шогирдлар чиқариб, уларга ҳадис ва тафсир илмидан сабоқ ҳам берган.

Муҳаддиснинг устозлари ва у қиши ҳадис келтирган муҳаддислар жуда ҳам кўп бўлиб, қуйида улардан баъзиларини санаб ўтишни лозим топдик: Абу Довуд Тайло-





сий, Назр ибн Шомил Марвазий, Яхё ибн Одам, Язид ибн Хорун, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Абу Волид Тойлосий, Абу Али Ҳанафий, Абдурахмон ибн Абдуллох Даштакий, Умар ибн Юнус ал-Ямомий, Ал-Вокидий ва бошка кўплаб муҳаддис, ровий ва муфассирлар. Улар ҳақида Абд ибн Ҳумайд Кашший ўзининг «Тафсир ал-кабийр» ва «Муснад ал-кабийр» асарларида маълумотлар берган ва улардан ривоят қилган ҳадисларни ўз муснадига киритган. Унинг устози бўлмиш Абу Волид Тойлосийдан олти машҳур муҳаддиснинг бири имом Абу Довуд ҳам ҳадис ривоят қилган.

Муҳаддис ҳақида имом Бухорий «Аълум ан-нубувват» китобида шундай деган: «Абд ибн Ҳумайд, у Абдулҳамид Абу Муҳаммад бўлиб, Муслим ибн Ҳажжожнинг улуғ шайхларидандир».

Шу ўринда яна бир мисол: «Тарих ал-ислом» асарида келтирилишича, «Ўша даврда замона алломалари, муҳаддислар тез-тез тўпланиб, илмий мажлис қилиб турар, у доимо мунозара ва музокара тариқасида ўтказиларди. Хуросоннинг Нишопур шаҳрида ўтказилган шундай илмий мажлислардан бирига ўша даврнинг машҳур муҳаддисларидан Муҳаммад ибн Яхёнинг ўғли Яхё ибн Муҳаммад ва Муслим ибн ал-Ҳажжож иштирок этишгани келишган.

Ўша вақтда бундай мажлислар савол-жавоблар, музокара ва баҳслар билан ўтарди. Яхё ибн Муҳаммад бир масала хусусида гапираётганида Довуд ибн Алий деган киши уни тўхтатиб: «Сен, ёш бола. жим ўтир!», деди. Бу ҳолат гувоҳи бўлиб турган имом Муслим унга ёрдам бера олмади. Яхё уйига бориб, отаси Муҳаммад ибн Яхёга бўлган воқеани айтиб берди. Отаси ундан, мажлисда кимлар бор эди деб сўраганида: «Муслим бор эди, лекин менга ёрдам бермади», – деди. Шунда Муҳаммад ибн Яхё: «Мен Муслимга нима айтган бўлсам, қайтариб олдим», – деб ундан ранжиганини билдирди. Бу сўз имом Муслимга етказилганда, Муҳаммад ибн Яхёдан нима ўрганиб жамлаган бўлса, ҳаммасини замбилга солиб унга қайтариб юборди ва «Сендан мутлақо ҳадис ривоят қилмайман», – деди. Ушбу воқеадан сўнг имом Муслим Абд ибн Ҳумайд Кашшийга шогирд тушиб, ундан таълим олди ҳамда ҳадислар ривоят қила бошлади».


Имом Муслимдек буюк олимнинг Абд ибн Ҳумайд Кашшийга шогирд тушиши унинг ўша давр муҳаддис ва уламолари ичида илмий салоҳиятининг нақадар кенглиги, келтирган ҳужжатларининг саҳихлиги, қувваи хофизасининг ўткирлиги, ҳадисларнинг исноди билан келтиришда тенги йўқ муҳаддис эканлигига тўла асос бўла олади.

Шамсуддин аз-Заҳабийнинг «Сийар аълум ан-нубало» асарида имом Бухорий, имом Термизий ва имом Муслим Абд ибн Ҳумайд Кашшийдан ҳадис ривоят қилиб, у кишига шогирд бўлганликлари келтирилган.

Абд ибн Ҳумайд Кашшийнинг ўғли Муҳаммад ибн Абд ҳам отасидан ҳадис ривоят қилиб, ўз даврининг етук аллома ва ровийлари каторида саналганлиги манбаларда ёзилган.

Кешлик буюк муҳаддисдан ҳадис ривоят қилиб, у кишига шогирд бўлганлар сафи жуда кенг бўлиб, улардан Иброҳим ибн Ҳазм ибн Фаҳр ал-Лаҳмий Шоший, Абу Маъоз Уъбодий ибн Идрис ибн Бухош Кеший, Саҳл ибн Шазовий ал-Бухорий, Бакр ибн Мирзабон, Шурайх ибн Абу Абдуллох Насафий аз-Зохид, Муҳаммад ибн Абд ибн Омир ас-Самарқандий, Иброҳим ибн Хузайм ибн Қамир аш-Шоший, Абу Саййид Ҳотам ибн Ҳасан Шоший, Салмон ибн Исроил ибн Жобир Хужандий, Абу Саъидшоҳ





ибн Жаъфар ибн Ҳабиб Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Мансур Кеший, Муҳаммад ибн Мусо ибн Ҳузайл ал-Насафий, Маҳмуд ибн Анбар ибн Наъим ал-Аздий ан-Насафий ва булардан бошқа кўплаб мовароуннахрлик муҳаддислар, муфас-сирлар, факихлар ва бошқа уломаларни келтириш мумкин.

Абд ибн Ҳумайд Кашшийнинг охириги шогирдларидан Иброҳим ибн Хузайм ибн Қамар аш-Шоший деб келтирилган.

Абд ибн Ҳумайд Кашший Мовароуннахрдан етишиб чиккан энг аввалги ди-ний олимлардан бўлиб, у ҳадис, тафсир, араб тили грамматикасига ва ханафийлик фикҳига оид асарлар тасниф этганлиги билан алоҳида ўринга эга. «Китоб ал-ансоб»да Абд ибн Ҳумайд Кашшийнинг араб тили грамматикасига оид «Китоб ала-л-хуруф ва-л-муъжам», «Ат-Тасарруф» ва «Китоб фаъалту ва афаълту» асарлари борлиги ёзил-ган. Улар мовароуннахрлик уломаларнинг шу йўналишдаги илк яратилган асарлари сирасига киритилган.

Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» номли библиографик асарида Абд ибн Ху-майд Кашшийнинг «Тафсир Абд ибн Ҳумайд», «Сулосиёт Абд ибн Ҳумайд Кашший» ва «Муснад Абд ибн Ҳумайд» номли асарлари борлиги ҳақида маълумот берилган.

Абд ибн Ҳумайд Кашший машҳур факих бўлиб, ханафий мазҳабининг Мовароуннахрда кенг тарқалишига ҳам катта ҳисса қўшганлиги манбаларда келти-рилади. Алломанинг асарлари кўп бўлиб, улардан ҳозиргача қуйидагилари ҳақида маълумотлар аниқланган: «Муснад Абд ибн Ҳумайд», «Тафсир Абд ибн Ҳумайд», «Сулосиёт Абд ибн Ҳумайд Кашший», «Китоб ала-л-хуруф ва-л-муъжам», «Ат-Тасарруф» ва «Китоб фаъалту ва афаълту».

Муҳаддиснинг «Муснад» асаридан сайланмалари бизгача етиб келган ва бу асар Қоҳирада «Мактабат ас-сунна» матбаасида муҳаккиқлар Субҳил Бадрий ас-Сомароний ва Маҳмуд Муҳаммад Халил ас-Саъидийлар томонидан тадқиқ этилиб, 1988 йилда «Ал-Мунтахаб мин Муснад Абд ибн Ҳумайд» («Абд ибн Ҳумайднинг Муснадидан сайланмалар») номи билан нашр қилинган.

Абд ибн Ҳумайд Кашшийнинг «Муснад» асарида келтирилган ҳадислар исноди-нинг ишончлиги ва ҳадис ровийлари силсиласининг саҳиҳлиги жиҳатидан жуда ҳам ноёб асардир. «Муснад»да ҳадисларнинг ёзилиш услуби, санаднинг келтирилиши ва ҳадисларнинг жамланиши ҳам аниқ ва равондир.

Асар тарихда «Муснад Абд ибн Ҳумайд» номи билан машҳур бўлиб, унинг но-ёблиги ва ишонарли жиҳати шундаки, у ислом оламида Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан кейинги энг улуғ сиймолар Абу Бакр Сиддик (р.а.), Умар ибн Хаттоб (р.а.), Усмон ибн Аффон (р.а.) ва Али ибн Абу Толиб (р.а.) гувоҳликлари билан бошланиб, «Мус-над» асарида келтирилган ҳадислар исноди мазкур зотларнинг ҳар биридан ривоят қилинганлиги алоҳида тасниф этилган. Масалан, энг аввал Абу Бакр Сиддик (р.а.) дан етгита ҳадис, Умар ибн Хаттоб (р.а.)дан ўттиз саккиз ҳадис, Усмон ибн Аффон (р.а.)дан ўн тўккиз ҳадис ва Али ибн Абу Толиб (р.а.)дан ўттиз уч ҳадис келтирилган ва ҳар бир саҳобанинг мартабасига қараб «Муснад» тартибга солинган.

«Муснади Абд ибн Ҳумайд»да жами 57 та машҳур саҳобалардан ҳадислар кел-тирилиб, у ҳар бири алоҳида исноди билан берилган умумий 1599 ҳадисни ўз ичига олган машҳур асардир.

Асарнинг ниҳоятда ноёб ва саҳиҳлигига яна шуни далил қилишимиз мумкинки, ислом тарихида машҳур бўлган асарлардан «Ал-Дурру-л-мансур» номли ўн жилдли





тафсир китобида 2205 ўринда, имом Шавконийнинг 24 жилдли «Фатху-л-кодийр» номли тафсир китобида 698 ўринда, Абу Жаъфар Табарийнинг «Тафсиру Табарий» асарида 45 ўринда Абд ибн Ҳумайд Кашшийнинг «Муснад» ва «Тафсир» асарида келтирилган хадислардан фойдаланилган.

Имом Муслимнинг «Ас-Саҳих» асарида 138 та хадис, имом Термизийнинг «Сунани Термизий» асарида 152 та хадис Абд ибн Ҳумайд Кашшийдан келтирилганлиги ҳам «Муснад» асарини хадис тўпламлари ичида машхурлигидан далолат беради.

Абд ибн Ҳумайд Кашший муҳаддис, факих бўлиши билан бирга, муфассир ҳам бўлган. Алломанинг яна бир муҳим асари «Тафсир Абд ибн Ҳумайд» муҳаккик Муҳлиф ибн Банихи ал-Урф томонидан ўрганилиб, 2004 йилда «Дор ибн Ҳазм» матбаасида «Қитъатун мин тафсир ал-имом Абд ибн Ҳумайд» («Имом Абд ибн Ҳумайднинг тафсиридан бир бўлим») номи билан бир жилдда нашр этилган.

Асарда Оли-Имрон ва Нисо сураларининг тафсири, муаллиф ҳақида маълумотлар, китобнинг аҳамияти ва унда келтирилган маълумотларнинг саҳихлиги ва мўътабарлиги баён қилинган.

Абд ибн Ҳумайд Кашший ёзган асарларидан «Муснад Абд ибн Ҳумайд» ва «Тафсир Абд ибн Ҳумайд»дан сайланмалар сақланиб, бизгача етиб келган.

Абд ибн Ҳумайд Кашшийнинг вафоти 249/863 йилда содир бўлганлиги манбаларда айtilган ва бу ҳақда барча тарихий маълумотлар бир-бирига мувофик келади. Лекин муҳаддиснинг қайси шаҳарда вафот этгани ҳақидаги мавжуд маълумотларда ихтилофлар бор:


1. Абд ибн Ҳумайд Кашший 249/863 йилда Дамашқда вафот этгани «Сияр аълом ан-нубало»да келтирилган, лекин китоб муаллифи Абд ибн Ҳумайднинг умуман Дамашққа кирмаганлиги ва у шаҳарда унинг устозлари ҳам бўлмаганлигини эътироф этади.

2. «Муъжам» номли тарихий китоб муаллифи Ибн Кониъ Абд ибн Ҳумайд Кашший 249 /863 йилда Кешда вафот этганини қайд қилган.

3. Машхур муаррих Шамсуддин Заҳабий: «Абд ибн Ҳумайд Кашший 249/863 йилда вафот этган. Ким уни Дамашқда вафот этган деб айтса, хато айтибди ва бу каби хабар ёлғондир, чунки Абд ибн Ҳумайдни ҳеч ким Дамашқда кўрмаган ва у шаҳарга бормаган», деб таъкидлаган.

4. Шамсуддин Заҳабийнинг «Тарих ал-Ислому» асарида Абд ибн Ҳумайд Кашший 249/863 йилда Самарқандда вафот этган дейилган. Бу хабарнинг саҳихлигига «Тарихи Бухоро» асари соҳиби, мовароуннаҳрлик муҳаддислардан Ийсо ибн Мусо Абу Аҳмад Бухорий Гунжор (ваф. 412/1022) томонидан келтирилган ушбу тарихий воқеа асос қилиб олинади. Гунжор ўзининг «Тарихи Бухоро» асарида шундай ёзган: «Бизга Аҳмад ибн Абу Ҳомид ал-Баҳолий, Ҳафс ибн Бурхош Кашшийдан хабар бердики, бу киши Абд ибн Ҳумайддан хадис ривоят қилган ва унинг охириги шогирдларидан бири бўлган. Яхё ибн Абдулғафур (Қодир) деган шайхимиз бор эди. Бир куни у киши қаттиқ бетоб бўлиб қолди. У кишининг зиёратига соҳиби «Муснад» Абд ибн Ҳумайд Кашший келдилар. Иккаласи ўртасида кучли илохий муҳаббат, Аллох йўлида биродарлик бор эди. Абд ибн Ҳумайд Кашший Яхё ибн Абдулғафурни зиёрат қилди ва унинг ҳаққига дуо қилиб йиғлаб юборди ва Аллохга илтижо қилиб: «Эй, Аллоҳим! Ўзинг мени бу солиҳ бандангдан ортда қолдирмагин», деди. Шу куни





Яхё ибн Абдулғафур вафот этди. Эртаси куни эрталаб Абд ибн Хумайд Кашший ҳам тўсатдан хасталикка учрамай вафот топди. Шу тарика, икки шайхнинг жаноза намози бир кунда ўкилиб, бир кунда дафн этилди». Ушбу хабарни Ибн Бурхош ўзининг «Санад» китобида ҳам келтирган.

«Ан-Нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва-л-Қоҳира» ва «Миръоту-л-жинон ва ибрат ал-яқзон фи маърифати хаводиси-з-замон» китобларида ҳам Абд ибн Хумайд Кашшийнинг 249/863 йилда вафот топганлиги келтирилган бўлиб, қайси жойдалиги ҳақида аниқ маълумот кўрсатилмаган. Мазкур тарихий манбалардан келиб чиқиб, Абд ибн Хумайд Кашшийнинг вафоти 249/863 йилда содир бўлганлиги аниқ бўлади.

Кешлик буюк муҳаддиснинг қаерда вафот этгани ҳақида турли хабарлар мавжудлиги туфайли ҳозирча аниқ бир фикр айтиш қийин. Манбаларнинг саҳиҳлиги, келтирилган тарихий воқеаларнинг ҳаққонийлиги ва Абд ибн Хумайд Кашшийнинг вафоти билан боғлиқ хабарни унинг шогирди Ҳафс ибн Бурхош Кеший томонидан ривоят қилинганлигига асосланиб, Шамсуддин Заҳабийнинг «Тарих ал-ислом» асарида келтирилган хабар, яъни Абд ибн Хумайд Кашший 249/863 йилда Самарқандда вафот этганлигини ҳақиқатга яқинроқ, деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Шукрулла УМАРОВ


АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ (820–932)

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн-Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, унинг таржимаи холига оид маълумотлар ўрта аср араб муаллифларидан Тожуддин ас-Субкий, ал-Хатиб ал-Бағдодий, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ас-Сулламий ва бошқаларнинг асарларида, шунингдек, унинг ўз каламига мансуб «Бадъу шаъни Абу Абдуллох» («Абу Абдуллох ишининг бошланиши») номли автобиографик рисоласида келтирилган.

Унинг мазкур шаклдаги тўлиқ исми аллома томонидан ёзилган «Наводир ул-усул фи маърифат ахбор ар-расул» («Расулulloх хабарлари ҳақидаги нодир усуллар»), «Илм ал-авлиё» («Валийлар (ёки авлиёлар) илми»), «Хатм ал-авлиё» («Авлиёлар муҳри») ва «Назоир ал-Қуръон» («Қуръон ибратлари») каби асарларнинг номлари ёинки муқаддима қисмларида ҳам айнан шу тарзда келтирилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуд топган сана хусусида ҳам ёзма манбалар ва адабиётларда турли саналар учрайди. Одатда, ўрта асрларга оид ёзма манбаларда аксар ҳолларда муаллифнинг фақат вафот этган йили кўрсатилиб, таваллуд санаси келтирилмайди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва унинг таълимотини чуқур ўрганган мисрлик таникли олим Абдулфаттох Абдуллох Барақа ал-Ҳаким ат-Термизий 205/820 йилда Термиз шаҳрида таваллуд топиб, узок умр кўриб 320/932 йилда 112 ёшида вафот этгани ҳақида ёзади. Мана шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу йўналишда келажакда олиб бориладиган чуқур илмий тадқиқотлар аллома ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуди ва вафоти саналарини янада аниқлаштириш имконини беради. Унинг макбараси Термиз шаҳрининг яқинида – Амударё бўйида жойлашган.

Термиз шаҳри ҳақидаги қимматли маълумотларни араб географлари ал-Мақдисий («Аҳсан ут-такосим фи маърифат ал-ақолийм»), ал-Истаҳрий («Ал-






Масолик ва-л-мамолик), ал-Балазурий («Футух ал-булдон») ва бошка катор муаллифларнинг асарларида учратамиз. Мазкур манбаларда таъкидланишича, ал-Ҳаким ат-Термизий туғилган Термиз шаҳри ҳам IX асрда Мовароуннахрнинг энг йирик ва обод шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлиб, шаҳарда диний ва дунёвий илмлар ва маданият юксак даражада тараққий қилган. Илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, исломий илмлар бўйича Термиз шаҳридан етишиб чикқан кўплаб алломалар ат-Термизий нисбаси билан бутун дунёда машҳур бўлганлар.

Жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган термизлик буюк сиймолардан бири ал-Ҳаким ат-Термизийдир. Афсуски, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар учратмадик. Унинг ота-онаси ҳақидаги баъзи хабарлардан маълум бўлишича, отаси Али ибн ал-Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машҳур бўлган. Араб тарихчиси ал-Ҳатиб ал-Бағдодий ўзининг машҳур «Тариху Бағдод» («Бағдод тарихи») номли асарида ёзишича, у мусулмон оламининг энг йирик марказларидан саналган Бағдод шаҳрида бўлиб, ўша даврнинг машҳур олиму уламолари билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича кизгин баҳс ва мунозараларда иштирок этган. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг автобиографик рисоласи «Бадъу шаъни Абу Абдуллох» ва «Ар-Радд аъло-л-муаттила» каби асарларида ёзишича, унинг онаси ва бобоси ҳам ўз даврида ҳадис илмининг егук билимдонларидан бўлишган. Бу маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ал-Ҳаким ат-Термизий илм-маърифат юксак кадрланадиган, зиёли бир хонадонда дунёга келиб, мана шу илмий-маънавий муҳитда ўсиб улғайган. Охир оқибатда, мазкур омиллар таъсирида унинг маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб камолга етган. Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий камолотида унинг отаси Али ибн ал-Ҳасаннинг хизматлари бениҳоя катта аҳамиятга моликдир. Чунончи, у ўз фарзанди учун нафақат меҳрибон ва ғамхўр ота, балки унга нисбатан талабчан мураббий ва маърифатли устоз макомида ҳам бўлган. Бу хусусда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз китобларидан бирида шундай хикоя қилади:

«Аллох таоло мени устозим-волидимдан жудо қилганда мен саккиз ёшда эдим. Унинг сазй-ҳаракатлари боис мен илм олишга шундай берилиб кетгандимки, китоб мутолаа қилиш мен учун асосий машғулот бўлиб қолган эди. Ваҳоланки, менинг тенгқурларим ўйин-кулги ва вақтихушлик билан банд бўлардилар. Волидимнинг ижтиҳодлари туфайли мен шу ёшимда «Илм ал-осор» (ҳадис илми) ва «Илм ар-рай» (ҳанафий мазҳаби фикҳи) билимларини тўлик эгаллаб олган эдим...»

Отаси вафотидан кейин ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шаҳридаги егук олимлардан исломий фанлардан, асосан тафсири, ҳадис ва фикҳ илмларидан сабоқ олади. Унинг термизлик муҳаддислар Абу Муҳаммад Солих ибн Муҳаммад ибн Наср ат-Термизий, Солих ибн Абдуллох ат-Термизийдан ҳадис илмини ўргангани ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Шундан сўнг, аллома Фаридулдин ал-Атторнинг ёзишича, ёши йигирма еттига етганда ал-Ҳаким ат-Термизий икки ўртоғи билан ўша пайтда бутун Шарқда илму маърифатнинг энг йирик марказларидан бири саналган Бағдодга бориб илм олишни ният қилганда бирдан онаси бетоб бўлиб қолади ва унга: «Эй, ўғлим! Мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам, менга сендан бўлак бошпанох бўлиб ёрдам берадиган бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлигим факат сен билан боғлиқ бўлса, сен мени кимга ташлаб кетмокчисан?» – деб илтижо қилади. Воли-





дасининг бу сўзлари ал-Ҳаким ат-Термизийга қаттиқ таъсир қилиб, у илм талабидаги ушбу сафаридан воз кечади. Унинг икки ўртоғи эса ўз сафарларига отланиб йўлга тушадилар. Сўнгра, ушбу воқеадан кейин талай вақт ўтгач, ал-Ҳаким ат-Термизий Бағдодга боролмаганлиги учун гоятда афсусланиб, макбаралардан бирининг ёнида йиғлаб, хафа бўлиб турганида, унинг ёнида юзидан нур ёғилиб турган бир шайх пайдо бўлиб, ундан йиғлашининг сабабини сўрайди. Ал-Ҳаким унга юз берган воқеани бирма-бир айтиб беради. Шунда шайх: «Истасанг, мен сенга ҳар куни турли илмлардан сабоқ бериб, сени ўқитаман», – дейди. Ал-Ҳаким унинг бу сўзига дарҳол рози бўлади. Бу ҳол бир неча йил давом этади. Сўнгра у билса, бу зот Хизр алайҳиссалом эканлар. Унинг бу саодатли марҳаматга эришиши волидаи мушфикасининг дуоси барокотидан бўлган эди... Бу воқеа бошқа манбаларда бироз бошқачароқ тарзда ҳам ҳикоя қилинади.


Бу ҳикоя ҳақиқатми ёки ривоятми, қандай бўлмасин, унинг оиласи ҳақида муайян даражада тасаввур беради. Чунончи, ушбу ҳикоядан маълум бўлишича, у ота-онасининг яққою ягона фарзанди бўлган, онасининг илтижосига қараганда, уларнинг оиласида ал-Ҳакимдан бошқа унга қарайдиган кимса бўлмаган. У ўз онасига меҳрибон, уни боқувчисиз ташлаб кетишга журъат қилмаган – оилапарвар инсон бўлиб, илм олишга иштиёқи канчалик кучли бўлса-да, ўз волидасининг сўзига кулоқ солиб, унинг дуосини олгани боис, охир-оқибатда, илм олишда ҳам ўз матлабига эришади. Шунингдек, манбаларда унинг оилавий аҳволи, рафикаси солиҳа, такводор, покиза аёл бўлгани ҳақида, уларнинг олтита фарзандни тарбиялаб вояга етказганлари ва шунингдек, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўз фарзандлари билан муносабатлари ҳақида ҳам баъзи маълумотлар келтирилган.

Юқорида баён қилинганлардан аён бўлаётирки, аллома ал-Ҳаким ат-Термизий узок умри давомида бир қанча босқични босиб ўтган. Бинобарин, ёзма манбаларга, биринчи навбатда, унинг автобиографик тусдаги «Бадъу шаани Аби Абдуллох» номли асарига таянган ҳолда унинг ҳаётини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич – ал-Ҳакимнинг саккиз ёшгача бўлган болалик даври. Афсуски, биз унинг мана шу даврдаги ҳаёти ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз, лекин тахмин қилиш мумкинки, унинг болалик йиллари кўпчилик тенгқурлариники каби одатдаги ҳар хил ўйинлару кўнгилочар машғулотлардангина иборат бўлмаган, чунки, тасаввур қилиш мумкинки, агар шу алфозда кечганда (бу ўйинқароликлар) унинг яқин келажақда илму ирфон билан жиддий шуғулланиши учун имкон бермаган бўларди. У бир лаҳзада улардан воз кечиб, ўз устозларининг жиддий сабоқларига маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаган бўларди. Шу боис, комил ишонч билан айтиш мумкинки, у болалиқдан илму маърифатнинг чигал сўқмоқларини енгиб ўтишга, бўлғуси мураккаб имтиҳонларга ўзини ҳар томонлама тайёрлай бошлаганди.

Иккинчи босқич ал-Ҳаким ат-Термизийнинг саккиз ёшидан то йигирма етти ёшгача бўлган умрини қамраб олади. Бу даврда унинг бир шайх устози бўлиб, у ал-Ҳакимни турли илмларни чуқур эгаллашга ундади, бу ишда астойдил раҳнамолик қилиб, унга ўз иноятини кўрсатди. Гарчанд, ушбу шайх (устоз) ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, у шогирдини ёшлигидан бошлаб бутун куч-қувватию имкониятини фақат илм йўлига, хусусан, илм ал-асор (ҳадис) ва илм ар-рай (ханафий мазҳаби фикҳи) каби илмларни чуқур эгаллашга йўллаб, бўлғуси олим тақдирида бурилиш ясайди. Бу вазифа осон эмасди, албатта. Бу илмлар билан шуғулланишни ал-Ҳаким





ат-Термизий ҳатто Маккага – Байтуллоҳ ал-Ҳарамга ҳаж ибодатини адо этиш учун бораётганида Ироқда тўхтаб ўтганида ҳам давом эттирди. Бу пайтда унинг ёши йигирма еттига яқинлашиб қолган эди. Айтиш керакки, айнан шу сафарлар давомида турли олимлардан олган таълим-тарбияси унинг илмий фаолиятида сезиларли из қолдирган. Манбаларда кўрсатилишича, ўз ҳаётининг мана шу босқичида ал-Ҳаким ат-Термизий ҳадис ва фикр илмларига алоҳида эътибор берган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаётининг учинчи босқичи Қуръони каримни ёд олиш ва уни чуқур ўрганиш билан бевосита боғланган. Бу пайтда у Маккаи муқаррамага етиб борган, айтилганидек, ёши йигирма еттига яқинлашиб қолган эди. У Аллоҳнинг каломини ёд олишга алоҳида иштиёқ билан киришади, кечани кундузга улаб уни ёд олади, бу машғулотдан унинг қалби халовату завқ-шавққа тўлади. У энди раббоний руҳдаги асарларга ғоятда берилиб, улардаги ибратли мавъизалар, охират ишларига доир маълумотлар, тариқатга бошловчи пири муршидларнинг ҳикоятларини алоҳида кизикиш билан ўрганди. Шу омиллар таъсирида у ақлий йўналишдан (иттижох) батамом руҳий йўналишга таважжуҳ қилди. Мана шу фикр-мулоҳазаларни жамлаб, бу босқични ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаётида бурилиш даври (фитрат ат-таҳаввул) деб атасак, айна ҳақиқат бўлур эди. Бинобарин, шу даврда у, Қуръон илмига ва шу каби ибодатларга батамом берилиб кетди. Лекин шу билан бирга, бу даврда у муайян бир усул ёинки бирон-бир хос тариқатга эга эмасди. Унинг ўз таъбири билан айтганда, токи унинг қўлига ал-Антокийнинг китоби тушгунга қадар шу йўсунда ҳаёт кечирган, кейин эса ал-Антокийнинг фикрларидан таъсирланиб, ўз нафсининг риёзат (риёзат ан-нафс) чекишига йўл қўйган. Мана шу пайтдан эътиборан унинг ҳаётида узок ва машаққатли бошқа бир давр бошланадики, бунда у ўзини ҳеч бир аямасдан риёзат чекишга, хилма-хил имтихону синовларга мубтало қилди. У узлат ва хилватни, одамлардан ўзини четга олиб яшашни ихтиёр этди.


Мана шу жараёнлар оқибатида ўз тариқатини яратдики, натижада, кечалари унинг атрофида кўплаб издошлари ва маслакдошлари тўпланишиб, баҳсу мунозаралар уюштирар, дуо ва тазаррулар билан ўз шуурларини изҳор қилардилар. Афтидан, мана шу баҳсу мунозаралар пайтида ўзининг чуқур мазмунга эга бўлган сўфийлик тажрибалари ҳақидаги ошқора баёнотлари туфайли диний масалаларнинг баъзи жиҳатлари, хусусан, илм ар-раъй ёки илм ал-осор, ҳатто тасаввуф илмларига доир фикрлари билан ўз замонидаги қатор олимларнинг қахру ғазабини кўзгаб, уларнинг шиддатли ҳужумларига дучор бўлди. Натижада, ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақида гап-сўзлар кўпайиб, уни ҳавойи гапларга берилишда ва бидъатда айблай бошладилар. Ал-Ҳаким ат-Термизийга нисбатан қилинган тухматларни умумлаштириб, қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ҳадис ривоятчилари томонидан билдирилган тухматлар. Уларнинг назарида, у ҳадисшунос олим ҳам эмас, унинг ривоятчилари тоифасига ҳам кирмайди. У ўзининг яроксиз китобларини мавзу (сохта) ҳадислар билан тўлдириб, уларни ривоят ҳам қилинмайдиган, эшитилмайдиган ҳам хабарлар билан қалаштириб ташлаган.

2. Фақиҳлар томонидан билдирилган тухматларда гўёки у илм аш-шарийъа (шариат илми)га кўпчилик жамоат қабул қилмайдиган заиф ва бўлмағур фикрларни қиритганлиги айтилган.

3. Мутасаввифлар томонидан билдирилган тухматларда ҳам у ҳақиқатга ҳилоф ишларда айбланиб, бу ҳаракатлари билан у фақиҳларнинг қондасидан чиққан ва ҳар





кандай дашном ва таъналарга сазовор киши сифатида тасвирланган. Хуллас, айбловчиларнинг ҳаракатлари шу даражага бориб етдики, улар Балх ҳокимига хабар юбориб, ал-Ҳаким ат-Термизийни Аллоҳга муҳаббат ҳақида гапиради, одамлар ўртасида фиску фасод таркатади, уларни бидъатга етаклайди. нубувватликни даъво қилади, деб айбладилар. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўзи «Бадъу шаани Абу Абдуллоҳ» номи автобиографик асарида уларнинг бу тухматлари ҳақида зикр қилган.

Мана шу пайтдан эътиборан ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаётида бешинчи босқич бошланади – бунда у хилват ва узлатдан чиқиб, одамлар сари юзланади. Натижада, унинг фазлу фазилати тўла намоён бўлиб, алломанинг номи тилларда зикр қилина бошлайди, унинг атрофида тўпланадиган халқнинг сони кундан-кунга оша бориб, ҳовлисига сиғмай кетади, йўлақлару масжид ҳам одамларга тўлади. Ана шундан кейингина барча у ҳақдаги миш-мишлар ноҳақ тухматлар ва ёлғон-яшиқ бўхтонлардан бошқа нарса эмаслигини тушуниб етдилар ва унга нисбатан хурмату эҳтиромларини намоён қилдилар.

Айтиш керакки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг нафақат шогирдлари ва издошлари ҳақида маълумотлар кам, унинг ҳаёти ва илмий-иждоий фаолияти тўғрисида ҳам тарихий асарлар ва био-библиографик комусларда афсусланарли даражада оз маълумотлар келтирилган. Шу боисдан бўлса керак, XV асрда яшаб ўтган машҳур араб тарихчиси, юзлаб қимматли асарларнинг муаллифи Ибн Ҳажар ал-Аскалоний ҳам чуқур ўқинч билан: «Бу аллома (ал-Ҳаким ат-Термизий)нинг тўлик таржимаи ҳолидан вокиф бўлиш менга насиб этмади-да, Аллоҳ ўзи мадақор». – деб ёзган эди.

Шундай экан, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёт йўллари ҳақида ўзи ёзиб қолдирган маълумотлар фавқулодда аҳамият касб этади. Ҳар ҳолда, алломанинг асарлари орқали, унчалик мукамал, тўлик бўлмаса-да, унинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросининг тадрижий камолоти ҳақида етарли тасаввурга эга бўламиз. Албатта, аллома ўз асарларида ҳаётининг босқичлари тўғрисида, масалан, саналари аниқ кўрсатилган ҳолда маълумот бермаган, илм йўлида хориж юртларга қилган сафарлари, яратган асарлари, ўзи асос солган мазҳаб ёки мактаб ҳақида ҳам аниқ маълумотлар кўп эмас. Лекин бошқа баъзи манбалардан унинг Нишопурга рихлат қилгани ва унда ҳадисдан сабоқ бергани, Нишопур олимларидан Яхъя ибн Мансур ал-Козий ундан ҳадислар ривоят қилганлиги; Термиздан чиқариб юборилгани ва Балхда бир неча йил яшагани ҳақида ҳам хабарлар бор. Манбаларга таяниб, яна айтиш мумкинки, ал-Ҳаким ат-Термизий фаолиятининг кейинги икки босқичи илмий-иждоий нуктаи назардан ғоятда самарали ва баракали бўлган. Чунончи, айнан шу даврда унинг фаолиятида кенг омма билан мулоқот, унинг атрофида кўп сонли шогирдлари ва издошларининг тўпланиши ва энг муҳими, узок йиллар давомида шаклланган қарашлари, фикр-мулоҳазалари ва ҳаётий тажрибаларини тўплаб, ўзининг ўлмас асарларини яратдики, бу асарлар буюк бир маънавий мерос сифатида ислом маданияти, айниқса, тасаввуф илми таракқиётига салмоқли хисса бўлиб қўшилди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қаламига мансуб асарлар ҳақида ёзган муаллифлар, унинг асарлари қанчалиги ҳақида турли рақамларни келтиришган. Баъзиларнинг фикрларига кўра, бу асарлар сони тўрт юзтага яқин бўлса, яна бошқалар ал-Ҳаким ат-Термизий саксонга ёнги қиркка асар яратгани ҳақида ёзганлар. Жумладан, мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, ал-Ҳаким ат-Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтинмишга яқини бизгача етиб келган. Энг асосийси – ал-





Ҳаким ат-Термизийнинг бизгача етиб келган асарлари аллома илмий меросининг муҳим қисмини ташкил қилади. Мана шу асарларидан, энг аввало, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларига бағишланган «Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул» («Расулulloҳ хабарларини билишда нодир усуллар») номли асарини тилга олиш керак. Бу асар «Салват ал-орифийн ва бўстон ал-муваххадийн» («Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони») номи билан ҳам аталади. Ушбу асар 1294/1876 йилда Қўстантийнияда чоп этилган. Аллома танлаб олган 291 ҳадисдан иборат ушбу китобда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз мазҳабий қарашларини муфассал ҳолда шарҳлаган. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонасида сақланади.

Алломанинг кейинги йилларда нашр этилган асарларидан тасаввуфга оид икки асарини кўрсатиш мумкин. Улардан бири «Китоб ҳақийкат ал-одамиййа» («Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб») ва иккинчиси «Адаб ун-нафс» («Нафс одоби») номли асардир.


Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг аксар қисми қўлёзма ҳолда жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги китоб ҳазиналарида сақланади. Уларни бир қадар шартли равишда беш гуруҳга (мажмуага) бўлиш мумкин. Алломанинг асарлари кўпроқ Париж, Коҳира, Дамашк, Искандария, Истанбул ва Лондон каби шаҳарлардаги қўлёзмалар жамғармаларида сақланади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бой ва ранг-баранг мазмундаги меросига зоҳиран назар ташлашнинг ўзиёқ унинг илмий-маънавий уммони ғоятда чексизлиги, тафаккур оламининг кенг қамровли ва бениҳоя теранлигидан далолат беради. Айни вақтда масаланинг мураккаблиги шундаки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўзини ҳам, унинг асарларини ҳам аллома яшаган даврдаги бирон-бир илмий фаолият билан боғлиқ ҳолда ёки киёсий тадқиқ қилиш орқали баҳолай олмаёмиз. Бинобарин, унинг хилма-хил мавзуларда ёзилган асарларининг умумий йўналишини ҳам, уларга асос бўлган манбаларни аниқлашда ҳам муайян қийинчиликлар туғилиши табиийдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг таълиф этилиш йиллари ҳақида ҳам айнан шу муаммога дуч келамиз. Чунончи, муаллиф ҳам, унинг ҳақида ёзган олимлар ҳам аллома асарларининг ёзилган йилларини кўрсатмаганлар. Шу билан бирга, алломанинг ижодини таҳлил қилиб ўрганиш жараёнида бу борада ҳам баъзи тахминларни қилиш мумкин. Жумладан, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг дастлабки асари унинг «Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул» асари бўлса керак. Мавзуларининг хилма-хиллиги, кўтарилган масалалар адабини кўплиги, ҳажмининг улканлигига қарамадан, ушбу асарида муаллиф бошқа бирорта асарини тилга ҳам олмаган, бирортасига ишорат ҳам қилмаган. Бинобарин, муаллиф аксар асарларида «Наводир ал-усул...»га ишорат қилганки, демак, ўша асарлар ундан кейин ёзилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидан аллома умрининг охирида ёзилган таснифлари жумласига «Китоб ал-акйос ва-л-муғтарийн» ва «Китоб ул-фурук» кабиларни киритиш мумкин. Чунончи, ушбу асарларда муаллифнинг бошқа бир қанча асарлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари мазмун-моҳиятига кўра уларни бир қанча гуруҳга бўлиш мумкин. Бир туркум асарлари аллома томонидан илм толибларига ўқилган маърузалар, матнлар шаклида бўлса, бошқа бир туркум рисоаларини аллома турли-туман муносабатларга бағишлаб ёки ундан савол тарзида сўралган маса-





лаларга жавоб, ўзига билдирилган эътирозларга раддия ёхуд бирон мураккаб, чигал масаланинг баёни ёинки дўсту биродарларига йўлланган мактублар ташкил қилган. Шу боисдан ҳам, бу туркумга қирган рисоалар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бутун умри давомидаги илмий-ижодий фаолиятининг ўсиши билан тадрижий равишда, босқичма-босқич такомиллашиб борган дейиш мумкин. Асарлар мазмуни ва хусусиятларига қараб уларни аллома яшаган даврдаги илм-фаннинг бирор соҳасига мансуб этиш ҳам қийин. Бинобарин, унинг асарларини тўлиғича на тасаввуфий, на хадис илмлари ва на фалсафий асарлар ёки бўлмаса, калом ёки фикҳ илмлари жумласига ҳам мансуб этиб бўлмайди. Мана шу ўринда аллома ал-Ҳаким ат-Термизий илмий фаолиятини баҳолашда ўта нозик бир қирра очилаётганга ўхшайди. Гап шундаки, алломанинг илмий-ижодий фаолиятини ўрганган қатор тадқиқотчилар ҳам таъкидлаганларидек, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлар таълиф ва тасниф этишда ўз даврида мавжуд бўлган йўлдан юрмади, балки у ўз диний қарашлари ва тасаввурларидан келиб чиқиб, ўзига хос бўлган алоҳида йўлни танлади. Ал-Ҳаким ат-Термизий танлаган бу йўл (баъзи араб олимлари бу йўлни ҳатто «мазҳаб» деб ҳам ёзганлар) ўша даврда узок ўлкаларгача бориб тарқалган. Ўша пайтлар диннинг асл моҳиятини бузиб, залолатга ботган тоифалар кўпайган бир давр бўлганини инобатга олсак, буюк аллома ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илму урфон йўли ислом динининг ҳақиқий, асл моҳиятини тўғри талқин қиладиган ва жамият учун ғоятда муҳим ва фойдали йўл бўлгани янада равшанлашади.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор


АБУ АБДУЛЛОҲ ХОРАЗМИЙ (ваф. 997 й.)

Хоразмлик буюк аллома Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф Хоразмийдир. У ҳақидаги маълумотлар жуда кам бўлиб, ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтганлиги, яъни ўша ерларда туғилиб вояга етгани, билим олгани ва кўпгина илм соҳаларида катта муваффақиятларга эришганигина маълум. У Нишопурда сомонийлар подшоҳи Нух II нинг вазирини Абул Ҳасан Утбийнинг кўл остида (977–982) қотиб бўлиб ишлаган вақтида катта шухратга эришди ва шу боис у «ал-Қотиб ал-Хоразмий» номи билан ҳам машҳур бўлди. Ўз хизмат вазифаси туфайли у тез-тез Бухорога бориб турган ва у ерда сомонийларнинг бой кутубхонасидан фойдаланган ҳамда ўз даврининг кўпгина олимлари билан танишиб мулоқотда бўлган. Абу Абдуллоҳ Хоразмий 997 йилда вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий ўзининг араб тилида битилган йирик асари «Мафотих ал-улум» (Илмлар қалитлари)да илмлар таснифи масалаларини батафсил баён қилади.

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг илмлар таснифидаги асосий хизмати диний илмларни дунёвий илмлардан ажратиб кўрсатган бўлиб, бу борада у Абу Наср Форобий





(873–950) йўлини давом эттирган, аммо ундан фаркли ўларок ўз таснифига тиб, кимё ва тарих илмларини ҳам киритган.

Алломанинг бу асари ўз ахамияти жихатидан ва ўрта асрлардаги илмлар ривожланиши тарихига доир нодир манба сифатида давримизнинг кўпгина олимларининг диққат эътиборини ўзига жалб этди. Биринчи бўлиб бу манбани ўрганган голландиялик шарқшунос Ван Флотен унинг 1163 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси асосида аниқланган матнини 1895 йилда нашр қилган.

Ван Флотендан сўнг «Мафотих ал-улум» ҳақидаги маълумотларни К. Брокельман фундаментал асарининг «Энциклопедиялар» бобида учратамиз. Немис олими Абу Абдуллох Хоразмий асарининг иккала қисмига киритилган илмларнинг номларини зикр этиб, асарнинг ўзини эса ўша даврдаги кўпгина илмлар ҳақида қисқа ва аниқ маълумотларни ўз ичига олган энциклопедия, деб таърифлайди.

Бу асарга биринчилар қаторида эътиборини қаратган олимлардан машхур шарқшунос, математика тарихи бўйича кўплаб асарлар муаллифи Э. Видеманни зикр этиш лозим. Унинг баҳосига кўра, «Абу Абдуллох Хоразмий «биринчи мусулмон энциклопедиясини тузувчиларидан» бири бўлган». Э. Видеман, асосан, «Мафотих ал-улум»нинг иккинчи қисмига қирувчи аниқ ва табиий илмлар: арифметика, астрономия, хандаса, механика, мусика, оғирлик ва узунлик ўлчовлари, кимёни тадқиқ этган, таржима қилган ва улар билан ўқувчиларни таништирган.

Фан тарихи бўйича қатор ишлари, жумладан, «Фан тарихига кириш» номли йирик асари, шунингдек, ўрта аср Шарқининг Европа илмига таъсирининг муаллифи Г. Сартон ҳам «Мафотих ал-улум»ни ўша давр «мусулмон» илмлари ва маданиятини ўрганиш бўйича асосий манбалардан бири сифатида таърифлаб, муаллифнинг ўзини эса X асрнинг иккинчи ярмидаги энциклопедист олимлардан деб эътироф этади. 1927 йилда Г. Сартон ушбу асарнинг инглиз тилига таржимаси жуда зарур эканлиги ҳақида ёзган. Бироқ таникли олимлар томонидан билдирилган бу тарздаги қимматли фикрларга қарамасдан, ушбу асар ҳозирги кунга қадар ғарб тилларига тўлиқ таржима қилинмаган.

Шарқ кимёси, тиббиёти ва бошқа табиий илмлар тадқиқотчиси Ю. Руска «Мафотих ал-улум»ни X аср кимёсига оид муҳим манба, деб зикр этади.

«Мафотих ал-улум» ҳақидаги қисқача маълумотлар «Мавзуъат ал-улум» асарининг кириш қисмида, Э. Брауннинг «Форс адабиёти тарихи», Карра де Вонинг беш жилдлик «Ислом мутафаккирлари», «Ислом энциклопедияси»да, «Деххудо» маълумотномасида, «Афғонистон тарихи» китоби ва Таха Боқирда ҳам мавжуд.

Абу Абдуллох Хоразмийнинг асари ҳақида тўлиқроқ, аммо умумий тарздаги маълумотни машхур шарқшунос К. Босворт келтиради. «Мафотих ал-улум» тўлиғича 1969 йилда форс тилига Х. Хадюджамом томонидан таржима қилинган ва таржимоннинг кириш сўзи ва шарҳлари билан нашр этилган.

Ўрта асрларда фаолият кўрсатган олимларнинг жаҳон илмига қўшган ҳиссасининг йирик тадқиқотчиси Ф. Сезгин «Мафотих ал-улум»ни энциклопедик тарздаги маълумотларга эга бўлган ҳамда ўн беш илмни ўз ичига қамраб олган манба сифатида баҳолаб, айниқса таъбабат бўлими, гарчи унда жарроҳлик ва гигиена ҳақидаги маълумотлар бўлмаса ҳам, фавқулотда юксак ахамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлайди. Ф. Сезгин ўрта аср кимёси ҳақида сўз юритганида яна бир бор Абу Абдуллох Хоразмий асарини зикр этади.





«Мафотих ал-улум»даги баъзи бўлим ва боблар ғарб тилларига, хусусан, тибб бўлими Э. Зейдал томонидан немис тилига, мусика бўлими – Э. Видеман ва В. Мюллер томонидан, аини шу бўлим инглиз тилига Г. Фармер томонидан таржима қилинган.

Биринчи кнемдаги охирги – тарих бўлимнинг олтинчи ва еттинчи бобларининг таржимаси М. Унвала мақоласида берилган. В. Хинц 1955 йилда ушбу асарни X асрдаги ўлчовлар ва уларнинг намуналари ҳақидаги таълимотни ўз ичига олган манба сифатида тадқиқ этган ва мазкур маълумотларни немис тилига таржима қилган.

Бирок мазкур тадқиқотларни асарнинг хусусияти ва асл моҳиятини тўлиқ очишга ҳамда унга тўғри баҳо беришга етарли деб бўлмайди. Аини шу камчиликларнинг аксарият қисми Абу Абдуллох Хоразмий ижоди ва унинг «Мафотих ал-улум» асарини тадқиқ этган кейинги давр олимлари томонидан бартараф этилди, деб айтиш мумкин.

Хусусан, академик И. Крачковский ўз тадқиқотларида бу асар 976 ва 991 йиллар орасида яратилгани ҳақидаги тахминни илгари суради ва Абу Абдуллох Хоразмий асарига баҳо бериб, уни «илм ва маданият тарихи»га онд маълумотларга эга муҳим манбалардан бири деб таърифлайди. Академик В. Бартольд бу асарга сомонийлар давридаги сугориш шохобчалари тартиби, давлат бошқаруви ва иш юргизиш бўйича нодир манба сифатида ёндашган.

Абу Абдуллох Хоразмийнинг илмлар таснифига ёндашувининг баъзи қирралари ўзбекистонлик олимлар М. Хайруллаев, У. Каримов ва Г. Матвиевская томонидан муайян даражада ёритилган. Буюк аллома ва унинг асари ҳақидаги маълумотлар У. Каримов, Х. Ҳасанов, А. Шарипов тадқиқотларида ҳам баён этилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг узок ўтмишда самарали фаолият кўрсатган буюк алломаларимиз меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа»¹га айлангани барча олимларни бу тадқиқотлар олиб боришга ундайди.

Мустақиллик йилларида Абу Абдуллох Хоразмий меросини чуқурроқ ўрганишга эътибор кучайди ва бу йўналишда қатор тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу мақола муаллифи тадқиқотларида Абу Абдуллох Хоразмий, унинг ҳаёти ва ижоди ҳамда «Мафотих ал-улум» асарининг ўрта аср илмларининг тарихи, хусусан, илмлар таснифидаги ўрни батафсил ёритилган ҳамда биринчи бор асарнинг беш бўлимнинг ўзбек ва рус тилларига таржимаси амалга оширилди.

Зикр этилганлардан келиб чиқиб, Абу Абдуллох Хоразмийнинг асари, биринчидан, Шарқда илмлар ривожланиши, илмларни муайян тизимга солиш ва тасниф қилиш босқичларини ўзида акс эттиргани боис маданият тарихини ўрганишда бебаҳо манба эканлиги, иккинчидан, хоразмлик аллома ўздан олдин ўтган ўтмишдошлари, хусусан, Элдада олимларининг эришган муваффақиятларини нафақат ўзлаштириб олгани ва баён қилгани, балки илмий тафаккур, жумладан, илмлар таснифи ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшгани, учинчидан, олимнинг илмлар таснифида масала қўйилишини аниқ ва тўлиқ баён этиши, қадимий Шарқ олимлари асос солган дунёвий ва табиий илмларни алоҳида ажратган ҳолда тадқиқ қилиши ва

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва таракқиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 137-б.



тўртинчидан, унинг X асрда ишлаб чиққан илмлар таснифи Шарқ ва Ғарбда илмий тафаккурнинг кейинги ривожига сезиларли таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаш керак.

Хулоса қилиб айтганда Абу Абдуллох Хоразмийнинг бебаҳо мероси умуминсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутиши ва унинг ажралмас бўғини эканлиги билан эътиборга лойиқдир.

Роик БОҲОДИРОВ,
фалсафа фанлари доктори

АБУ-Л-ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ (911–985)

Алломаларимиз яратган бой илмий, диний-маърифий мерос таркибида тафсирилар, айниқса, ханафия мазҳаби уламолари томонидан ёзилган илмий тафсириларнинг аҳамияти бекиёс. Бу борада Мовароуннаҳр муфассириларининг тафсир илмида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар каторида Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг илмий меросини ўрганиш ҳозирги кунимиздаги муҳим вазифалардан саналади.

«Имом ал-ҳуда», «Ал-Фақиҳ» номлари, «Абу-л-Лайс» куняси билан машҳур бўлган Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий 298/911 йили Самарқандда тугилган ва 375/985 йилда шу ерда вафот этган. Олим ҳаёти давомида тафсир, фикх, усул (дин асослари), ақида, зухд бўйича самарали фаолият олиб бориб, кўплаб асарлар яратган.


Тарожум асарларининг орасида энг қадимгиларидан бўлмиш «Ал-Ансоб» асарини яратган Абдулқарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (506/1113–562/1167) аллома ҳақида биринчи бўлиб маълумот берган муаррих саналади. У, бошқа кўпчилик тарожум асарларидан фаркли равишда, алломанинг яшаган жойини зикр этиб ўтади: «Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тузий Абу Ҳанифа мазҳабидаги фақиҳлардан бўлган. Баҳс-мунозараларда машҳур бўлган. Самарқандда яшаган ва шу ерда вафот этган. Устози Абу Иброҳим ат-Термизий бўлиб, ундан ривоят қилади. Шогирди – Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Саъийд ас-Самарқандий ан-Навоий». Самъоний алломани Туз кишлоғига нисбат беради.

Абу-л-Лайс ўз замонаси олимларидан таҳсил олиб, ислом илмларида юксак мартабага эришган. Унинг баҳс-мунозараларда ўзига хос ўрни алоҳида таъкидланиши бунга мисол бўла олади.

Абу-л-Лайснинг лақабларидан бири «ал-Фақиҳ» бўлиб, куняси билан бу лақаби кўшилиб, «фақиҳ Абу-л-Лайс» деб айтилар эди. Олим шу ном билан тарихда танилди. Аллома фикх илмида ҳам юксак мартабага эришган бўлиб, ўз замонасида унга тенг келадиган олим топилмас эди, унинг «ал-Фақиҳ» деб аталиши ҳам шунга далолатдир.

Ривоятларга қараганда, Абу-л-Лайснинг ўзи ҳам «ал-Фақиҳ» лақабини яхши кўрар экан. Бир кун унинг тушига Пайғамбаримиз (с.а.в.) кириб, фақиҳ деб атаган эканлар. Абу-л-Лайснинг иккинчи лақаби «Имом ал-ҳуда» бўлиб, бу лақаб билан мутақаллим Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам аталган.





Олимни зохид деб ҳам атаганлар. Маълумки, зохид деганда, мансаб, амалдан йироқ, хаётини илм-фанга, ибодатга бахшида этувчи кишилар тушунилган.

Абу-л-Лайснинг отаси Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тузий ўз замонасининг фақиҳ уламоларидан бўлгани манбаларда зикр этилган. Самъоний у ҳақда кимматли маълумот бериб, шундай дейди: «Унинг отаси Варсанин деган кишлоқда яшаган, сўнг ундан 3 фарсах узоқдаги Самарканд кишлоқларидан бири Туз кишлоғига кўчиб ўтган. Муҳаммад ибн Иброҳим Аббос ибн ал-Фазл ибн Яхё ан-Надабий, Муҳаммад ибн Ғолиб ас-Самарқандий ва Аҳмад ибн Бакр ас-Самарқандий каби олимлардан дарс олган. Ундан Абу Жаъфар ибн ал-Маккий ан-Навоий ривоят қилган».

Абу-л-Лайс маърифатли оилада таваллуд топган. Ундаги илмга нисбатан кизикишни дастлаб отаси уйғотган. Умуман олганда, Абу-л-Лайс авлодлари ҳам илм аҳлларидан бўлган. Жумладан, Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий (ваф. 1142)нинг «Китобу-л-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимлари ҳақида қандлек (ширин) китоб»)да Абу-л-Лайснинг набираси Абу Саъид Балхий номи муҳаддислар қаторида зикр этилгани ҳам бежиз эмас.

Абу-л-Лайс 24 устозидан ҳадислар. Куръон шарҳига оид ривоятлар, фатволар ривоят қилган. Олимнинг барча устозлари ҳанафий мазҳаби уламолари бўлиб, улардан кўпчилигининг силсиласи Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасанга бориб такалади. Бу устозларнинг баъзилари ҳақидаги маълумотлар тарожум асарларида зикр этилган. Асарларда номлари энг кўп учрайдиганлари Муҳаммад ибн Фазл, Халил ибн Аҳмад, Абу Жаъфар ал-Ҳиндувонийлардир. Улар ўз замонасининг етук олимлари бўлиб, Абу-л-Лайсга устозлик қилганлар.

Унинг устозлари, асосан, X асрда ислом илмлари ривож топган марказлар – Балх, Самарқанд, Бухоро аҳлларидан бўлиб, ҳанафий мазҳабининг етук олимларидан ҳисобланган. Шунингдек, устозлари тафсир, ҳадис, фикх соҳалари бўйича фаолият олиб борганлар. Абу-л-Лайснинг ана шундай етук олимлардан илм олганлиги унинг илмий-маънавий меросига сезиларли таъсир кўрсатган.


Алломанинг шогирдларидан баъзилари унинг асарларини ривоят қилганлар. Улар орасида Лукмон ибн Ҳаким ал-Фарғоний, Наиму-л-Хатиб Абу Моликларни зикр этиб ўтиш мумкин.

Абу-л-Лайс қатта илмий мерос қолдирган. Унинг бизнинг давримизгача етиб келган асарлари алломанинг ижоди серкирра эканлигини тасдиқлайди. Бу асарлар тафсир, фикх, ҳадис, зуҳд бўйича бўлиб, ислом илмларининг ҳамма соҳасини камраб олади ва бутун ислом оламида кенг тарқалган.

Умуман, унинг илмий фаолияти мазмун-моҳиятига кўра 4 асосий йўналиш бўйича кечган: 1. Илмий, ўзи олган билимни нақл этиши. 2. Имонга, ибодатга, ахлоқ-одобга чақириши. 3. Фирқа ва оқимлар ҳақида, уларнинг ақидавий, фикхий қарашларига муносабати. 4. Мужтаҳидларнинг фикхий ҳукмларини жамлаши ва ўз фикхий қарашларини ифода этиши.

Олимнинг ўттизга яқин асари ҳозиргача етиб келган. Унинг фикх, тафсир, мавъиза бўйича асарлари машҳур бўлиб, ҳозирги давримизга қадар нашр этиб келинмоқда. Фикхга оид «Ан-Навозил», «Хизонат ал-фикх», «Ал-Муқаддима фи-с-салот» асарларида олим илк ҳанафий фикҳини акс эттирган бўлиб, улар ўз даврига оид муҳим манбаларга айланган. Дидактик асарларидан «Танбих ал-Ғофилин», «Бўстон ал-орифин» асарлари кўп асрлардан буён қайта-қайта нашр этилмоқда. Олимнинг тафсири ҳам





аҳамиятли бўлиб, у ўз даврида илк бора фақат мўтабар манбалар – Куръон, ҳадис, саҳобий ва тобиъий сўзлари, шунингдек, ўзидан олдинги муфассирлар сўзлари орқали Куръонни шархлаган.

Абу-л-Лайс асарлари мазмун-моҳиятининг кенглиги унинг серкирра билим соҳиби эканини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, унинг ҳадис, фикҳ, тафсирга оид асарлари кейинги даврлар учун ҳам муҳим манба вазифасини ўтади. Унинг ҳадис тўплами мавжуд эмас. Лекин у ҳадислардан кенг фойдаланиб, кўплаб дидактик асарлар яратган. Шунингдек, китобларида ҳадисларнинг санадлари билан зикр этилиши унинг бу соҳа бўйича ҳам етук олим эканини тасдиқлайди.

Алломининг асарларидан 19 таси фикҳ, 14 таси дидактик, 2 таси тафсир, 3 таси ақида соҳаларига бағишланган. Унинг асарларини ўрганиш ва тадқиқ этиш келгусида янги тадқиқотлар учун ҳам мавзу бўлиши аниқ.

Абу-л-Лайс тафсири нодир маълумотларни жамлаган дастлабки маъсур тафсирлардан саналади. Асар илмий аҳамиятининг юқорилиги сабабли кўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 2824 ракамли тафсирнинг тўлик нусхаси ҳамда 3294/IX раками остида 3 варақдан иборат бўлган парчаси мавжуд. Умумий ҳисобда тафсирнинг 77 нусхаси ҳозирги давримизгача етиб келган.

Абу-л-Лайснинг тафсири ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун, аввало, Мовароуннаҳрда тафсир илмининг ривожланиш тарихига бироз тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Илк ислом даврида тафсир илми ўзига хос жиҳатлар билан ажралиб турди. У ҳам бўлса, Куръонга оид шарҳларда Муҳаммад (с.а.в.)нинг тушунтириш беришлари билангина кифояланилди. Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан сўнг саҳобийлар Куръонни шарҳлашдаги манбаларга суянган ҳолда яна қўшимча равишда ўз ижтиҳодларини ҳам баён этганлар. Саҳобийлар бу даврда Куръонни шарҳлашда тўрт асосий манбага суянганлар. Улар: Куръон, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари, саҳобийларнинг ижтиҳодлари ва яҳудий ҳамда насронийларнинг қадимги пайғамбарлар ҳақидаги китоблари.

Саҳобий ва тобиъийлар даврларида тафсир китоб шаклига келтирилмади. Тобиъийлардан кейин тафсирнинг китоб шаклига келтириш даврининг бошланиши умавийлар ҳукмронлигининг (661/749) охири – аббосийлар халифалигининг (749/1258) бошланишига тўғри келади. Бу даврда тафсир ҳадислар таркибида ривоят қилиб берилди. Тўлик тафсир асарларининг ёзилиши эса X асрга тааллуқлидир.

Мовароуннаҳр тафсир илми тарихи бу ерга ҳадис илмининг кириб келиши билан боғлиқдир. Тахмин қилиш мумкинки, ҳадис илми ривожлангандан сўнг тафсирга доир маълумотлар ҳам унинг таркибида ривоят тарзида ҳадис маркази бўлмиш Самарқандда тарқалган. Шунинг учун бўлса керак, ҳар турли ривоятлар кенг тарқалган Самарқандда ривоятларни жамлаб, тафсирга доирларини саралаб чиқиш биринчи бўлиб амалга оширилган.

Бу даврдаги тафсир илми тарихи жуда кам ўрганилганлиги манбаларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Мазкур даврга мансуб баъзи олимлар ҳақида биографик манбаларда «тафсир асарини ёзган» дейилса-да, уларнинг тафсирдаги услублари ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилмаган.

VIII асрда тобиъийлардан таълим олган муҳаддис ва муфассирлар Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Марвазий (118/736–181/798) ва Аҳмад ибн Ҳафс Абу Ҳафс ал-Қабир



ал-Бухорий (150/768-216/832) Мовароуннаҳрда ханафия мазхабини таркатганлар. Уларнинг тафсир асарлари бизгача етиб келмаган. Лекин уларнинг ўз фаолиятларида хадислар орасида тафсирга оид ривоятларни келтириш услубларидан кейинги даврларда мазкур илм соҳасида фойдаланилди.

Улардан кейинги даврда муфассирлар сифатида зикр этилган имом ад-Доримий (798-869), имом ал-Бухорий (810–870) ва ал-Ҳаким ат-Термизий (820–932)ларнинг тафсир борасидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-сахих» хадис тўпламида тафсирга оид боблар келтирилиб, уларда баъзи бир сураларнинг шарҳлари Муҳаммад (с.а.в.)дан ривоят килинган ҳолда баён этилган.

Таъкидланганидек, IX асрда тафсир илми бошқа мусулмон мамлакатларидаги каби Мовароуннаҳрда ҳам, асосан, ривоятга асосланган тарзда бўлиб, унинг хадис таркибидан алоҳида ажралиб чиқиб, муस्ताкил илмга айланишининг бошланиш даври бўлди. Бу даврда имом ал-Бухорийнинг бошқа муҳаддислардан фаркли равишда саҳобий ва тобиийларнинг шарҳларини келтириши унинг ўзига хос хусусиятини кўрсатади.

X асрда Мовароуннаҳрда тафсир илми тараққий этди. Илгари хадислар таркибида бир боб сифатида зикр этиб борилган Қуръонга шарҳлар замон талабларига тўлиқ жавоб бермай қўйди. Мовароуннаҳр муфассирларининг, шунингдек, бошқа ўлкалар олимларининг ҳам тафсир асарларининг кириш қисмида араб тилини билмаган, оятнинг нозил бўлиш сабаблари, хадисларни билмаган кишиларнинг Қуръон оятларини фақат ўз фикрларидан келиб чиқиб шарҳлашлари мумкин эмаслиги уқтирилишига кўра, оятларнинг бузиб шарҳланиши авж олиб, ҳар бир фикр эгасининг шарҳларни ўз томонига оғдиришга мойиллиги кўпайган кўринади. Абу-л-Лайснинг «хеч ким араб тилини, оятнинг нозил бўлиш сабабларини билмай тафсир қилиши мумкин эмас», деган фикри бу даврда ханафий мазхаби олимларининг тафсир қилишга ўта эҳтиёткорона ёндашганлигини кўрсатади. Умуман, бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида тафсирларнинг ёзилиши, асосан, икки сабабга кўра амалга ошди:

1. Мовароуннаҳрда турли оқимларнинг Қуръоннинг ҳар хил жойларидан ўз ақидаларига мос келувчи оятларни далиллашлари натижасида Қуръонни бошидан охиригача шарҳлаш зарурати.


2. Қуръон тафсирига оид хадислар, саҳобийлар ривоятлари, шарҳларни бир жойда жамлаш.

Қуръонни тўлиқ шарҳлаш даврига мансуб бизгача етиб келган илк манбалар сифатида ат-Табарий, Имом ал-Мотуридий ва Абу-л-Лайс ас-Самаркандийни зикр этиб ўтиш ўринлидир.

Мовароуннаҳрда тафсир Абу-л-Лайс даврига қадар, асосан, 65 ривоят тарзида бўлган бўлса, унинг даврдан хадисдан алоҳида ажралиб, алоҳида тафсир асарлари ёзилиши бошланган. Қуръоннинг тўлиқ шарҳига бағишланган тафсирлар орасида Абу-л-Лайснинг шарҳи Мовароуннаҳрда яратилган илк асар ҳисобланади. Демак, Абу-л-Лайс Мовароуннаҳр тафсиршунослигида алоҳида аҳамият касб этиб, ўз услубига эга бўлди.

Кейинги даврларда тафсир, мўътабар манбаларга асосланиш чегарасидан чиқиб кетмаган ҳолда, ривоят қилувчилар силсилаларини қискартириб яратила бошланди. Муфассирлар ўзларидан илгари ўтган олимларнинг сўзларини айтган кишиларнинг





исмларини зикр этмасдан келтирдилар. Шу тарика, тафсирларга турли ривоятлар кириб, саҳиҳ ривоятларнинг иллатли ривоятлар билан аралашиб ҳоллари юзага келди.

Абу-л-Лайс Самарқандийнинг тафсири ва Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китоб таъвилот аҳли ас-сунна» асари Мовароуннаҳрда ёзилган тўлик китоб ҳолатидаги илк тафсир асарларидан саналади.

Абу-л-Лайсдан кейинги даврда Куръонни шархлашда раъй-ижтиҳодни ишлатиш кенг тус ола бошлади. Бу даврда нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа ўлкаларда ҳам раъйга асосланиб тафсир асарлари ёзила бошланган эди.

Абу-л-Лайснинг тафсири Куръон тартибига биноан тартиблаштирилган, унда шархланаётган оят доимо зикр этиб борилади. Тафсирда 114 суранинг ҳаммасига шарх берилган. Абу-л-Лайс оятларни тафсир қилиш давомида бошқа баъзи муфассирлар каби унинг таркибига кичик мавзулар қўйиб, кейин ўша мавзунинг ёритишга киришмайди, балки тафсири давомида кисса ёки фикхий ҳукмларни тўғридан-тўғри шарҳи давомида узлуксиз айтиб боради. У сураларнинг бошида, аввало, суранинг Макка ёки Мадинада нозил бўлганини зикр этади. Шархлашда, энг аввало, машҳур саҳобий ва тобиъий муфассирлари сўзларидан келтиради, шархлаётган оятларнинг нозил бўлиш сабабини кўрсатади. Шунингдек, кироат илми олимлари агар шархланаётган оятни турлича ўқиган бўлсалар, уларни зикр этиб, ўқилишига кўра маъноларининг ўзгаришларини айтиб ўтади. Агар кироат заиф бўлса, уларни зикр этиб, заифлигини кўрсатади. Тафсирида луғат илми олимларининг сўзнинг маъноси ҳақидаги фикрларини келтиради. Тафсир мазмунини янада мукаммаллаштириш мақсадида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларидан кенг фойдаланади.

Абу-л-Лайснинг тафсири ўша даврдаги маъсур тафсир асарлари орасида ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Ушбу тафсирда оятларни шархлашда келтирилган кўплаб ривоятлар унинг маъсур тафсирлар орасида энг бой маълумотга эга асар эканини кўрсатади.

Муаллиф оятнинг шарҳини «яъни», «маъноси», «тафсири», баъзан «таъвилоти» каби иборалар билан бошлайди. Сўнг, оятнинг нозил бўлиш сабаби бўлса, уни «мана шу воқеадан кейин мазкур оят нозил бўлди» ёки «бу оятнинг нозил бўлиш сабаби қуйидагича» деб оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоятлардан бир ёки бир нечтасини зикр этади. Асарда араб шеърларидан ҳам фойдаланилган. Куръон сўзларини шархлашда араб тили сўз бойлигидан кенг фойдаланиб, мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилинган. Муаллиф тафсирда савол-жавоб усулидан ҳам фойдаланади, асар давомида ақидавий, фикхий қарашларини ҳам билдириб бориши диққатга сазовордир.

Абу-л-Лайс тафсири кўпчилик муфассирлар асарлари орасида яна шу жиҳати билан алоҳида ажралиб турадики, унда аниқ манбаларга асосланилган, кироат турларига эътибор қаратилган, араб тилидаги сўзларнинг маънолари тушунтирилган. Мазкур тафсирдаги ўзига ҳос хусусиятлардан яна бири бу Куръонни қаримнинг тарбиявий жиҳатини ёритишга алоҳида аҳамият қаратилганидир.

Бунга мисол тариқасида қуйидаги оятлар шарҳини кўриб ўтиш мумкин:

«Юсуф» сурасида бировнинг яхшилигини билишнинг вожиблигига далил келтирилган: *الضَّالِّمِينَ لَا يَفْلِحُ إِنَّهُ مَثْوَايَ أَحْسَنَ رَبِّي إِنَّهُ اللَّهُ مَعَاذَ قَالٍ*





«(Юсуф унга) деди: Аллоҳдан (гуноҳ қилиш ва хиёнат қилишдан) паноҳ сўрайман, «(Мени сотиб олган) хўжайиним мени (икром билан) яхшилаб жойлаштирган. (Аллоҳнинг азобидан зинокор) золимлар қутулолмайдилар». Яъни, хўжайинимнинг хотини билан бундай иш қилмайман. Ушбу оятда бировнинг яхшилигини билиш вожиблигига далил намоён бўлди. Чунки Юсуф Зулайҳодан икки нарса сабабидан қайтди. Бири маъсият ва зулм, иккинчиси эрининг унга қилган яхшилиги».

Динда фиркаларга бўлинмаслик ҳақида кўплаб оятлар мавжуд. Улардан бирининг шарҳида олим шу ҳақда тўхталади. «Динларини (фиркаларга) бўлиб, (турли) гуруҳларга айланганлар (учун) бирор нарсада (Сиз масъул) эмассиз. Уларнинг иши Аллоҳга (хавола). Сўнгра (У) уларни қилиб юрган амалларидан огоҳ қилур» ояти тафсирида шундай дейди: «Бу оятда мўминларга мўминлар сўзининг бир бўлиши кераклиги ва динда фиркаларга бўлинмасликлари, имкониятларича бидъатчи бўлмасликлари тарғиб этилади».

Кишиларнинг ўзаро муносабатлари, меҳмон-мезбонликдаги одоб-ахлоқ ҳақидаги «Эй, имон келтирганлар, Пайғамбарнинг уйларига фақат сизларни бирор таомга чақиришса, қиринглар. (Ўшанда ҳам) эришишга кўз тутиб турмангиз, балки чақирилганингизда қирингиз ва таомдан сўнг гапга берилиб кетмай тарқалингиз! Зеро, бу Пайғамбарга озор берур, у эса сизлардан нйманар. Аллоҳ ҳақ(гап)дан тортинмас» ояти шарҳида Абу-л-Лайс одобга доир масалани кўрсатиб беради: «Оятда киши бирор жойда меҳмон бўлса, мезбонга ўз оғирлигини туширмаслиги кераклиги ҳамда одоб ва тарбияни сақлашни гапирилмоқда».

Кишиларнинг ўзларидан илгари ўтганларга ҳурмат билан карашинга оятдан мисол келтиради: «Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: «Эй, Раббимиз, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари имон билан ўтганларни мағфират қилгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй, Раббимиз, албатта, Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан!». Ушбу оят шарҳида ҳам аллома оятдан олинадиган фойдаларни баён этади: «Оятда қимки, саҳобийларга истиғфор айтса, уларга гина қилмаса, у мусулмонлардан ва унга саҳобийлар ажрлари каби ажр бордир. Қимки, уларни сўкса, уларга истиғфор айтмаса ва уларга гина қилса, мусулмонлардан эмасдир. Чунки Аллоҳ муҳожир, ансорлар, улардан кейин келадиган имон келтирганлар имон эгаси эканлигини айтди. Уларни биринчилар сифатида зикр этиб, уларни дуо этди. Шунингдек, оятда мўминларнинг ўзларидан олдинги ўтган имонлиларга истиғфор айтишларининг вожиблигига далил бор. Мўминлар ўзларидан олдинги ўтган ота-боболари ва устозларига истиғфор айтишлари лозимдир».

Абу-л-Лайс ас-Самарқандий бошқа муфассирлар каби, асосан, Куръон, ҳадис, саҳобий ва тобиъийлар сўзларига таянади. Шу каби, тафсирининг шеърлар, қиссалар, араб тилшунослари сўзлари билан бойитилиши аллома асарининг қадрини янада оширади. Куръон илмларидан қироат, носих-мансух, оятнинг нозил бўлиш сабаблари, муҳкам ва муташобих қабл билимларнинг ақс этиши Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг тафсир соҳасида ўзига хос услубидан далолат бериши билан бирга, юртимиздаги дастлабки тафсир асари сифатида қимматлидир.

Аллома илмий меросида ислом дини эзулик, гўзал ахлоқ дини сифатида талқин этилиши ҳозирги кунимизда ҳам ўрганиб, ибрат олишда ниҳоятда аҳамиятлидир.

Абдурашид АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди



АБУ АЛИ ИБН СИНО (980–1037)



Европада Авиценна (Avicenna) номи билан машхур бўлган Абу Али ибн Сино комусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли барчаси билан шуғулланган. Унинг дунёнинг жуда кўп қўлёзма хазиналарида сақланиб келаётган фалсафа, табобат, физика, химия, математика, геология, минералогия, астрономия, ботаника, дин тарихи, мусика, шеърят, филология ва бошқа фанларга оид асарлари алломанинг буюк истеъдод соҳибни ва йирик комусий олим сифатида шухрат қозонганининг ёрқин тимсолидир.

Илмий адабиётларда Ибн Сино қаламига мансуб 450 дан ортик асар қайд этилади. Аммо бизнинг замонамизга уларнинг ярми ёки сал кўпроғи етиб келган, холос. Олимнинг сақланиб қолган асарлари ўз мазмунига кўра қуйидагича тақсимланади: 242 та асардан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантикка, 26 таси психологияга, 23 таси тиббиёт илмига, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган.

Буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолининг бошланғич қисмини ўзи ёзиб қолдирган. Муаллифнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятининг сўнгги йиллари ҳақида олимнинг илтимосига биноан унинг содик шогирди Журжоний баён этган.

Ибн Сино 980 йили Бухоро яқинидаги қишлоқда туғилиб, ёшлиги Афшонада ўтади. Сўнг унинг ота-онаси Бухорога кўчиб келади ва у Бухорода мавжуд бўлган илмий муҳит таъсирида кўп фанлар билан кизиқиб шуғулланади. У ёшлигиданок ноёб истеъдод ва кучли хотира эгаси бўлиб, атрофдагиларни хайратга солади. Унинг ёшлиги ва ўспиринлик йиллари Бухорода сомонийларнинг ҳукмронлик даврига тўғри келади. Бўлажак олим саройнинг бой кутубхонасидаги китоблардан фойдаланади, шаҳардаги китоб бозоридан ноёб қўлёзмаларни сотиб олиб билимини оштиради. Унинг ёзишча, кунларнинг бирида у бозорда Абу Наср Форобийнинг юнон файласуфи Аристотель қаламига мансуб «Метафизика» асари ҳақидаги рисоласини учратиб қолади ва уни тезда ўқиб чиқади ҳамда аввалги асарларни мутолаа қилиш жараёнида пайдо бўлган жуда кўп саволларига жавоб топади.

999 йилда сомонийлар ҳукумати кулаб, шаҳарни қорахонийлар босиб олади. Ибн Сино бу даврда барча илмларни эгаллаган ва ҳатто рисолалар ёза бошлаган эди.

XI аср бошларида Ибн Сино Хоразм (Урганч)га кўчиб келади ва шох Маъмун саройидаги олимлар билан танишади. Бу ерда Ибн Ирок, Абу Райхон Беруний, Абул Хайр Хаммор, Масихий каби йирик олимлар даврасида ижод қилиб, бир неча рисолалар яратади. Сўнг жанубдан Маҳмуд Ғазнавий давлатининг хуружи орта бориши туфайли Эронга томон йўл олади. Эроннинг Гургон, Рай, Исфахон каби қатор шаҳарларида сарсон-саргардонликда умр кечириб, 1037 йили 57 ёшида Ҳамадонда касалликдан вафот этади.

Ибн Сино юнон, араб, форс олимларининг китобларини, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Бакр Розий, Аҳмад Фарғоний каби ватандошларининг асарларини ўрганиб, уларга ижодий ёндашди. Унинг китоблари ва ёзишмалари қадимги юнон илми вакиллари Аристотель, Платон, Евклид, Фалес, Гераклит, Сукрот, Пифагор,





Гален, Гиппократ каби олимлар асарларидан яхши хабардор эканини кўрсатади. Ушбу илм хазинасига таяниб, ўзининг фалсафа, табот ва табиат илмларига бағишланган «Китоб аш-Шифо» (Шифо китоби), «ал-Қонун фи-т-тибб» (Тибб конунлари), «Китоб ан-нажот» (Нажот китоби), «Донишнома» (Билимлар китоби) каби йирик асарларини яратди.

Кўп киррали қобилият соҳиби Ибн Сино, айниқса, фалсафа ва табот соҳаларида ўчмас из қолдирди. Унинг бой ижодий меросида фалсафий асарлар асосий ўринни эгаллайди. Ибн Сино фалсафий асарларининг энг йириги «аш-Шифо»дир. У тўрт қисм ва 22 жилддан иборат бўлиб, унда мантик, метафизика, физика, математикага онд масалалар талқин этилади.

Ибн Синонинг фалсафага онд йирик асарларидан яна бири «Китоб ал-ишорат ва-т-танбиҳат» (Кўрсатмалар ва насиҳатлар)дир. Алломанинг «ан-Нажот» ва «Донишнома» (форс тилида) деб номланган асарлари эса, «аш-Шифо» китобининг мухтасар баёни ҳисобланади. У ўз илмий асарларини, асосан, ўша давр илм-фани ва маданиятининг тили ҳисобланган араб тилида яратганлигини айтиш жоиздир.

Ибн Сино жаҳонга машҳур табиб сифатида танилган. Олимнинг шоҳ асари – «Тибб конунлари» унга исми кўрилмаган шуҳрат келтирди. Ўз мазмунига кўра бу асар тиббий билимларнинг нодир мажмуаси – қомуси ҳисобланади. Таркибий жиҳатдан у беш мустақил асардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири тиббиёт илмининг маълум соҳасини изчил, ҳар тарафлама ёритиб беради.

Биринчи китобда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети, вазифалари, бўлим ва усуллари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари, соғлиқни муҳофаза қилиш йўллари, инсон анатомияси каби назарий маълумотлар баён этилади.

«Қонун»нинг оддий дориларга бағишланган иккинчи китобида, асосан, ўсимликлардан тайёрланувчи 760 га дорининг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар келтирилади.

Учинчи китобда инсоннинг айрим аъзолари, жумладан, бош миёна, асаб, кўз, кулок, бурун, томоқ, қорин касалликлари батафсил таҳлил қилинади.

Асарнинг тўртинчи китоби инсон организмнинг умумий касалликларига бағишланган. Унда иситмалар, жарроҳлик масалалари, суяк синиши, жароҳатланиш, уларни даволаш усуллари ва юқумли касалликлар тавсифланади.

Нихоят, «Қонун»нинг бешинчи китобида мураккаб дориларнинг инсон танасига таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён қилинган.

XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган «Тибб конунлари» саккиз аср давомида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб мамлакатларида табот соҳасидаги асосий қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда. У Европада тиббиёт ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ибн Сино математика, астрономия, физика, химия, минералогия, геология, ботаника, филология, шеърят ва бошқа соҳаларда ҳам самарали қалам тебратди. Унинг мазкур соҳалардаги кўплаб ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Ибн Сино илмий меросини ўрганиш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Ҳозиргача дунё миқёсида унинг асарлари қатор тилларга таржима этилди ва кўплаб илмий асарлар, тадқиқотлар яратилди. Жумладан, унинг йирик асари «Тибб





конунлари» олимнинг ватани Ўзбекистонда биринчи мартаба араб тилидан рус ва ўзбек тилларига таржима этилди ва илмий изоҳлар билан нашр этилди.

Истиклол йилларида Ибн Синонинг хаёти ва илмий фаолиятини чуқур ўрганиш ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш борасида эътиборга молик кўп ишлар амалга оширилди.

Ибн Синонинг бетакрор илмий мероси атокли ватандошимизнинг инсоният тарихидаги энг буюк комусий олимлардан бири экани исботидир.

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
тарих фанлари доктори

АҲМАД ФАРҒОНИЙ

Мовароуннаҳр, жумладан, Фарғона араб халифалиги таркибига кирганидан сўнг бу ерларда халкнинг ижтимоий-иқтисодий хаётида бирор муддат турғунлик юз беради. Бу ерда қушонлар давридаёқ бошланган феодаллашиш жараёни араб фатҳи даврида бироз тўхтаб қолади. Бу даврда халифаликнинг марказий қисмлари – Ироқ, Сурия ва Мисрда феодал муносабатлар жадал ривожланади. VII аср бошида араб жамияти хали ижтимоий тузумнинг қабила-уруғчилик босқичида турган бўлса, марказлашган ягона халифалик шаклланиши билан халифаликнинг илғор вилоятларининг хўжалик, иқтисодий ва маданий ютуқларини ўзлаштириш натижасида у феодал муносабатларга тўлақонли равишда киришади. Шунга кўра VIII аср ўрталарида халифаликнинг марказий вилоятларида феодализм Мовароуннаҳрдагига нисбатан анча юқори поғонага кўтарилган эди. Лекин халифаликнинг ягона иқтисодий доирасига кириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиши, халифаликнинг бошқа вилоятлари билан фаол савдо муносабатлари олиб бориш натижасида VIII аср охириларида шаҳарлар ривожланиб ва ишлаб чиқариш кучлари тараккий топиб, Марказий Осиё ҳудудида ҳам, халифаликнинг бошқа ерларидаги қаби, тараккий этган феодализм босқичи бошланади. Марказий Осиёнинг бошқа ерларидаги қаби, Фарғонада ҳам фан ва маданият янги тарихий шароитда тараккий этади.

Шундай қилиб, IX асрда бутун халифаликда фан ва маданиятнинг қудратли ривожланиши юз беради. Марказий Осиё халқлари ҳам бу жараёнда халифаликнинг бошқа халқлари қаби фаол иштирок этадилар. Бу пайт халифалик таркибига кирган халқлар «ислом маданияти» деб аталадиган, лекин аслида турли халқлар маданиятларининг ўзаро сингиши натижасида юзага келган ягона маданий ҳаракатнинг қатнашчилари бўлиб қолдилар. Илм-фан соҳасида ҳам жонли ҳамкорлик ўрнатилади. Халифаликда фан ва маданият соҳасида қудратли тўлқин, кўп жиҳатдан, ўша даврда бой илмий иборалар билан суғорилган араб тили ягона халқаро тилга айлангани туфайли, юз берди. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний «Сайдана»сида қуйидагича сермазмун сўзларни айтган: «Араблар тилига бутун дунё мамлакатларининг илмлари ағдарилган: улар безалиб, қалбларга ёқадиغان бўлди, улардан тилнинг кўрки орғиб, томирларга ёйилди». Турли халқлар вакиллари ўз илмий асарларини араб тилида ёзганлар. Марказий Осиёлик барча олимлар каторида Фарғоний ҳам асарларини шу тилда ёзган. Юнон, санскрит, форс (пахлавий), сурёний тилларида ёзилган илмий асарлар араб тилига






таржима килинарди. Бу эса келиб чикишига кўра турли халқларга мансуб бўлган олимларга турли замонлардаги турли халқларнинг илмий меросларидан бахраманд бўлиш имконини берди. Натижада турли-туман маҳаллий ва миллий таркибдаги ислом илм ва маданияти юзага келди. Улар орасида Марказий Осиёнинг, жумладан, Фарғонанинг ҳам улуши бор эди, чунки бу худуднинг олимлари халифаликда фаннинг шаклланиши ва ривожланишига катта хисса қўшгандилар.

Кўп йиллик узвий илмий ва маданий ҳамкорлик халифаликнинг турли минтакалари халқларига турлича таъсир ўтказди. Агар халифаликнинг Ироқ, Сурия, Миср ва Мағриб мамлакатлари каби марказий ва ғарбий ерларида маданий ва миллий ассимиляция юз бериб, натижада бу мамлакатларнинг аҳолиси араблашган бўлса, Марказий Осиё, Эрон ва Кавказ халқлари бу ассимиляцияга берилмадилар. Аксинча, улар бошқа халқлар билан араб тилида мулоқот ва ҳамкорлик қилиб, дунё маданияти хазинасига бебаҳо хисса қўшдилар ва шу билан бирга, миллий ўзликларини саклаб қолиб, ўз маданиятларини ҳам бойитдилар. Бу эса кейинчалик уларга ўз миллий илмий мактабларини ривожлантиришга ва илмий изланишнинг янги истикболи ва йўналишларини ихтиро қилишга имкон берди.

Шу ҳолатни ҳам назарда тутиш керакки, халифаликда ислом динининг ҳукмронлиги Арабистон ярим оролида ҳам, ундан ташқарида ҳам кўчманчиларнинг ўтrockлашувига ва мамлакатда шаҳарлашув кучайишига объектив равишда имкон яратди. Немис шарқшуноси Г.Э. фон Грюнебаум таъкидлаганидек, ислом кўчманчилар орасида зухур қилган бўлса ҳам, ўтrockликни рағбатлантирди, чунки, одатда, мусулмон жамоаси ўз хизматчиларига эга бўлган масжидларга бирикарди, жамоа эса ўз ҳукукий масалаларига эришиши, булар эса ўз қонуниятларига ва бу қонуниятларни амалга оширувчиларга эга бўлиши керак эди ва ҳоказо. Араблар Сурия, Эрон, Миср, Суғд, Хоразм, Фарғона ва қадимги маданиятга эга бўлган бошқа мамлакатларга кириб бориш билан уларда мавжуд бўлган шаҳар турмуш тарзига хос хусусият ва муассасаларни, маданият унсурларини ўзлаштирдилар. Шуниси ажабланарлики, кейинчалик бу янги фотиҳлар барча ўзлаштирган нарсаларини қадимдан арабларники бўлган, деб кўрсатдилар. Инглиз шарқшуноси У. Монтгомери Уотт: «Яқин Шарқнинг қадимги маданияти мусулмон маданиятига айланганида ҳеч қандай ажабланарли нарса йўқ», – деб ёзган эди. Халифаликнинг маркази ва чеккаларидаги Дамашк, Бағдод, Басра, Қоҳира, Рай, Исфохон, Нишопур, Гурганч, Кот, Марв, Бухоро, Самарқанд, Балх, Хўжанд, Ахсикат ва бошқа кудратли фан ҳамда маданият ўчоқларида нисбатан жуда қисқа муддат ичида шаҳар маданиятининг ривожланганлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари тарихида IX аср махсус ўрин тутди. У турли фанларнинг, айниқса, тиббиёт, математика ва астрономиянинг жўшқин ривожланган асри бўлди. Тўққизта ҳинд рақами ва сифр (ноль) белгисига асосланган ўнлик ҳисоблаш тизими ихтиро қилиниб, кенг омма орасида сингдирилиши халқлар маданиятида ҳақиқий инқилобий бурилиш ясади. Шу илмий янгиликларни қиритишда Муҳаммад Хоразмийнинг хизмати жуда катта бўлди. Ўша асрнинг ўзида илм-фаннинг ривожланиши натижасида математика фани ичида дифференциацияланиш юз бериб, алгебрага мустақил фан сифатида асос солинади. Астрономия фанидан тригонометрия ажралиб чиқади ва асосий тригонометрик функциялар аниқланади. Ўша давр учун яхши жиҳозланган илк расадхоналар пайдо бўлади; натижада хали-





фалик олимлари бировларнинг ютуқларини ўзлаштириш ўрнига энг янги жихозлар билан кузатишларга асосланган ўз астрономик ва тригонометрик жадвалларини тузишга ўтадилар.

Худди шу асрнинг ўзида ижтимоий фанлар, айниқса, калом (теология), тарихна-вислик, тилшунослик ва шунга ўхшаш фанлар соҳасида улкан одимлар ташланади. Бу соҳада Фарғонийнинг ватандоши, ислом дунёсининг фахри бўлмиш Имом Бухорий (810–870 йиллар) номини эслашнинг ўзи кифоя.

Халифаликда таржимонлик фаолияти ҳам кенг кўламда ривожланади. VIII асрнинг 70–80-йилларидан бошлаб қарийб 100 йил давомида Эвклид, Архимед, Аристотель, Аполлоний, Гиппократ, Гален, Менелай, Феодосий, Герон, Птолемей, Веттий Валенс, Диофант, Александр Афродизий, Теон Алискандарий ва бошқа юнон олимларининг асосий асарлари ҳамда қатор хиндча, форсча илмий асарлар таржима қилинди.

VIII аср охири ва IX асрда халифаликда юз берган улкан илмий ва маданий тараккиётни фақат халифаларнинг фанга кизикишлари билан боғлаш хато бўлар эди. Бундай ўсишнинг замини халифаликнинг иктисодий талаблари ва ғоявий-назарий асосининг ўзида мавжуд эди. Халифаликнинг асосий ғоявий базаси ислом идеологияси бўлиб, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда баён қилинган. Аввалида ислом яхлит бўлган эса-да, тез орада унда турли тарикат, оқим ва сулуқлар пайдо бўлди. Яхлит исломдан ажралган илк оқим шиъа йўналиши бўлди. Даставвал, у сиёсий оқим бўлиб, халифаликдаги ҳукмрон доираларнинг ҳокимиятга ворислик бўйича юзага келган келишмовчиликларининг ғоявий ифодаси эди. Шиъа қатор масалаларда ўзини Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннасига зид кўярди. Халифалик тарихининг иккинчи асрида исломнинг сунний йўналиши тўрт мазҳабга бўлинади. Бу мазҳаблар ўз асосчиларининг номлари билан «ханафия», «моликия», «шофия» ва «ханбалия» деб аталади. Шиъа ҳукмрон сулолага нисбатан карама-қаршиликда тургани учун унга Ирок ва Ҳижознинг хорижийлари, Эрон ва кўшни ерларнинг халқ оммаси кўшилади. Тез орада шиъа ўзининг ортодоксал суннадан фарқ қиладиган назарий асосини ҳам яратади.

Исломдаги ғоявий оқимлар кўп қиррали ва ранг-баранг эди. Халифаларнинг ўзлари ҳам ислом ақидаларига турлича ёндашганлари маълум. Умавий халифалар давридаёқ исломда янги ғоявий оқим – муътазилия (яъни ажралганлар) юзага келади. Бу эса илк ислом илоҳиётидаги янги бир оқим эди. Гап шундаки, ислом тарихидаги илк даврларда у улкан ҳудудларда тарқалиб, бу ерлардаги ғоявий асослари ва анъаналари қадимдан ишлаб чиқилиб, такомиллашган динлар – мусовийлик, исовийлик ва зардуштийлик томонидан ғоявий қаршиликка учрайди. Ислом янги дин бўлгани учун дастлаб фақат Қуръон ва ҳадисларга асосланиб, бу динлар билан муваффақиятли кураш олиб боролмади. Шу боис исломнинг ўз рақиблари билан кураши жараёнида муътазилия юзага келди.

Муътазилиянинг асосий ажралиб турадиган тарафи унинг билимнинг асосий ўлчови ва мезони деб ақлга, тафаккурга таяниши эди. Халифалик тарихида VIII аср ўрталари шароитида бу муҳим эди, чунки муътазилия дунёвий фанлар билан шуғулланишни, юнон илмий ва фалсафий меросини ўрганишни рағбатлантирарди. Муътазилийлар Аристотель таълимотидан кўп нарсани ўзлаштирадилар. Бу билан улар араб фанида ҳақиқий фалсафий тафаккурни бошлаб берувчилар бўлдилар. Муътазилия инсон иродаси эркинлиги ғоясини олға суриб, инсонни тафаккур эркинли-





гига, хурффикрликка ундар эдилар. Муътазилийлар антик давр фани ва фалсафасини тарғиб қилиб, уларга хос бўлган кўп илғор ғояларни ҳам илгари сурардилар. Бу билан улар аксарият ҳолларда анъанавий ислом доирасидан четга чиқардилар ҳам. Шунинг учун умавий халифалар даврида муътазилийлар каттик таъкиб остига олинадилар ва улар яширинишга мажбур бўладилар.

Муътазилийлар ҳаракатидан Аббосийлар усталик билан фойдаланадилар. Улар аслида шу ҳаракат тўлкинида ҳокимият тепасига келадилар. Шунинг учун илк Аббосийлар муътазилийларга бағрикенглик билан қарайдилар. Халифа Маъмун даврида эса 827 йилдан муътазилия халифаликнинг расмий тан олинган идеологияси бўлиб қолади. Ҳокимият тепасига Мутаваккил (847–861) келганидан кейингина муътазилийлар таъкиб қилина бошладилар. Айни ана шу қарийб бир аср давомида юнон, сурён, форс, санскрит тилларидан араб тилига асосий таржималар бажарилди. Шундай қилиб, муътазилия идеологияси қадимги давр олимлари асарларини таржима қилишга, илм-фаннинг ривожланишига имкон берди. IX аср ўртасидан муътазилия ман этилган бўлса ҳам, халқ оммаси тафаккуридаги ижодий жараёни тўхтатиб бўлмас эди. Энди «ислом душманларининг ҳеч қандай таъкиби илмий ва фалсафий тафаккурни бўғолмасди». Лекин ислом такводорлари халқ оммасига таъсирини сақлаш учун муътазилийларнинг баъзи усулларини қабул қилишга мажбур бўладилар. Шу аснода улар IX–X асрлар оралиғида ислом илоҳиёти – каломни яратдилар.

Фарғоний даври бўлмиш VIII аср охири ва IX асрни ҳамда унинг атроф мухитини тавсифлаш билан бирга ўша даврнинг қуйидаги хусусиятига аҳамият бериш лозим. Бу даврда феодализм катта одимлар билан борганлиги учун объектив шароит ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштиришни ва шу билан боғлиқ равишда ишлаб чиқаришни катта шаҳарларда тўплашни тақозо қиларди. Феодализмдан аввалги илк даврларда шаҳар фақат ҳарбий-маъмурий вазифани ўтаган бўлиб, уларнинг нуфуси бир неча минг кишидан иборат бўлган бўлса, ривожланган феодализм даврида янги шаҳарлар пайдо бўлади, эскилари эса мисли кўрилмаган даражада катталашиб кетади. Ҳақиқатан ҳам Аббосийлар даврида Мансура, Бағдод, Самарра, Рофика ва Византия чегараларида бир неча шаҳарлар барпо қилинади. 772 йили Куфа ва Басра биринчи марта шаҳар деворлари билан ўралади. Мовароуннаҳрда шаҳарлар бундан ҳам ривожланади. Арманистон, Эрон ва айникса, Марказий Осиёда IX–X асрларда шаҳарларнинг сони ҳам, катталиги ҳам ортиб боради. Шаҳарлар иктисодий ва маданий марказларга айланади.

Ишлаб чиқариш кучларининг ва шаҳар хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ўсишини фундаментал ва татбиқий фанлар соҳасидаги тадқиқотларни йўлга қўймасдан ва ташкил қилмасдан таъминлаб бўлмас эди. Илмий тадқиқотларни ташкил қилишга объектив талаб пайдо бўлди. Ҳарбий юришлар даврида, халифалар фақат «ер ва сув тўплаш» билан машғул бўлган пайтларида бундай талаб ҳали йўқ эди. Халифалар Мансур (754–775) ва Ҳорун ар-Рашид (786–809) даврида аҳвол тубдан ўзгарди. Аслида ана шу халифалар даврида халифаликда маърифат даври бошланади. Илк Аббосий халифалар даврида, аслида Балх зардуштийлари оиласидан келиб чиққан Бармакий вазирлар маърифатпарвар бўлганликлари катта аҳамият касб этди. Бармакий вазирлар юнон, сурён, санскрит тилларидан араб тилига таржимани рағбатлантирдилар. Илмий ишларнинг ташкил қилувчиси ва раҳбари халифа Маъмун (813–833) эди, у





халифалик олимларини «Байт ул-хикма» – «Донишмандлар уйи»га бирлаштирди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, агар илмга астойдил берилган ва буюк Беруний айтганидек, унга «илм ўз зоти билан матлубдир, хақиқатан ҳам у барча нарсадан лаззатли. Илмдан бошқа кандай нарсада манфаат зоҳиррок ва кандайда фойда кўпрок бўлади, фақат илм билангина ҳам дин, ҳам дунё учун хайрли ишларни қилиш ва уларга зарар келтиришдан сақланиш мумкин. Агар илм бўлмаганида биз жалб қилаётган нарса ёмонлик эмаслигига ва четланаётган нарса яхшилик эмаслигига ишонч бўлмас эди», деб қарайдиган фидойилар бўлмаганида, ҳеч кандай халифа ёки вазир илмни ташкил қилолмасди. Шунинг учун халифалар даврида илмларнинг хақиқий ташкилотчилари ва раҳбарлари йирик ва серкирра олимлар эди; улар фаннинг ҳар соҳасидан чуқур билимли бўлиб, ходимларни танлаш ва жойлаштириш уларга боғлиқ эди. Санад ибн Али, Ҳабаш Ҳосиб, Холид Марваррудий, Яхё ибн Абу Мансур, Муҳаммад Хоразмий каби олимлар шулар жумласидан эди. Халифалар Восик ва Мутаваккил даврида шундай шарафли вазифа Аҳмад Фарғонийга насиб бўлди. Биз халифа Маъмун саройида кўплаб Хуросон ва Мовароуннахрлик олимлар кандай қилиб тўпланиб қолгани ҳақида фақат тахмин қилишимиз мумкин. Лекин Фарғонийнинг Муҳаммад Хоразмий, Ҳабаш Ҳосиб, Холид Марваррудий каби ҳамкасблари Марвадаёқ Маъмун хомийлигида Хуросон, Мовароуннахр ва қўшни ерлардан олимларни тўплаб, ўз ташкилотчиликларини намойиш қилганликлари шубҳасиздир.


Шундай қилиб, халифаликда VIII аср охири ва IX асрда фан ҳамда маданият соҳасидаги улкан кўтарилиш, асосан, халқ оммаси онги ва тафаккуридаги юксак ўзгаришлар туфайли юз берган эди.

Фарғоний яшаган давр – ижтимоий-сиёсий ҳаётда суронли воқеалар, фан ва маданиятда улкан кўтарилиш даври эди.

Энди, олимнинг ўзига келсак, Фарғоний номи тарихда маълум бўлишига қарамай, у ҳақида маълумот деярли сақланмаган. Унинг ҳаёти ҳақида фақат бир сана – 861 йил эслатилади: Фарғоний ўша йили халифа Мутаваккилнинг фармони билан Қоҳирада Нил дарёсидаги Равзо оролида микёс – сув сатҳини ўлчовчи асбоб ясади. Биз бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз. Ўрта асрлар био-библиографлари Ибн Надим, Ибн Қифтий ва Абул Фараж бар Эбрей у ҳақида фақат мазкур санани келтириб, олти асарининг номини эслайдилар. Манбаларда олимнинг тўлик номи бир хил қайд қилинади: Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир Фарғоний. Бу тўлик исмнинг аввалги қисми Абул Аббос олимнинг фарзанди бўйича қунаси бўлиб, «Аббоснинг отаси» эканлигини билдиради. Аҳмад ўзининг исми, ибн Муҳаммад – қунаси, яъни отаси бўйича исми, «Муҳаммаднинг ўғли» эканлигини билдиради; ибн Касир – бобоси бўйича исми, яъни отасининг отаси Касир эканлигини билдиради. Бу исм арабча бўлганидан Фарғонийнинг бобоси исломни қабул қилгани маълум бўлади.

Бу воқеа VIII аср ўрталарида юз берган, деб тахмин қилиш мумкин. Ниҳоят, исмнинг охириги қисми – Фарғоний олимнинг нисбаси, яъни туғилган жойи бўйича исмидир. Кўпчилик мусулмон олимларида бундай нисбалар бир нечта бўлиб, улар шахснинг келиб чиқиш насаби ва яшаган жойларини ҳам билдирган. Масалан, машҳур математик ва астроном, Фарғонийнинг замондоши ва ватандоши Муҳаммад Хоразмийнинг Мажусий, Қатрабулий деган нисбалари ҳам бўлган. Бу нисбалар унинг аслида хоразмлик, мажусий-ўтпарастлар оиласидан эканлигини ва Бағдоднинг





Қатрабул маҳалласида яшаганлигини билдиради. Фарғонийда эса нисба факат битта бўлгани учун унинг аслида фарғоналик бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди.


Фарғоний ҳақида биографик маълумотлар сақланмаганлиги учун у қачон ва қаерда туғилганлиги, қаерда таълим олганлиги ҳақида фақат тахмин қилишимиз мумкин. Фарғоний ҳақидаги энг сўнги маълум сана 861 йил бўлгани учун шу санадан сўнг у кўп яшамаган кўринади. Унинг вафоти 865 йил атрофида дейиш мумкин. У 809–819 йиллар оралиғида Марвда Абдуллох Маъмун саройида бошқа қатор олимлар билан бирга тўнланганлиги маълум. Бу ўн йилнинг қайси палласида Фарғоний Марвга Маъмун саройига келгани ҳақида эса қуйидаги мулоҳазани юритиш мумкин. Маъмун Марвда турган ўн йиллик муддат ичида 813 йил охиридан то 819 йил ўртасигача ўтган оралик осуда ўтган. Демак, Фарғоний шу ораликда етук олим бўлиб кўзга кўрингандирки, Маъмун уни Марвга, ўз саройига таклиф қилган. Марв ўша даврларда халифаликнинг шарқий ерлардаги ноблигининг маркази эди. Маъмун бу шаҳарда Хуросон, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Хоразм ерларидан олимларни тўплайди. Улар кейинчалик Бағдоддаги «Байтул ҳикма»нинг, яъни «Маъмун академияси»нинг ўзагини ташкил қилди.

Маъмун даврида Марвда юзага келган илмий муҳитни таҳлил қилган ҳолда халифаликда илмларнинг манбаи ҳақида тўхталмиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, халифаликда илмларнинг шаклланишига унинг таркибига кирган барча халқлар ўз ҳиссасини қўшган. Лекин ўша даврдаги кўплаб олимларнинг ижодини ўрганиш халифаликда илмларнинг шаклланишида сурён, форс (пахлавий), ҳинд ва юнон илмий манбаларининг ҳиссаси қатта бўлганини кўрсатади.

Халифаликнинг шарқий ерлардаги ноблигининг маркази сифатида Марвнинг танланиши тасодифий бўлмаган кўринади. Марв Марказий Осиё цивилизациясининг энг қадимги марказларидан ҳисобланади. Исломигача бу шаҳар сосонийлар Эронининг йирик ҳарбий-маъмурий истеҳкоми эди. Фарғоний даврида Марв халифаликнинг йирик маданий марказига айланди. Унда бир неча кутубхона бўлиб, уларнинг бирида энг сўнги Сосоний шаҳаншоҳ Иаздигард III келтирган китоблар ҳам сақланарди. Фарғоний давридаги Марв маданий муҳитининг шаклланишида исломгача бу ерда бўлган сурёнийлар колонияси маълум даражада аҳамият қасб этган кўринади. Эдессадаги академия тарқатиб юборилганидан сўнг Византия ортодоксал черковининг таъкибидан қочиб келган Феодор Марвий ва Ишодод Марвий шу ерда фаолият олиб борган эди. Марвдаги сурёний олимлар халифаликнинг илк асрларида ҳам ўз мавқени йўқотмаган кўринади, чунки IX асрдаги машҳур табиб-олим ва таржимон Абул Ҳасан Али ибн Раббон Табарий (808 йилда туғилган) асли марвлик сурёний эди.

Марв юнон-сурён ва форс олимларининг таъсирида бўлган ягона маданий ўчоқ эмас эди. Йирик сурён илмий мактаби Нисибинда ҳам бўлган. VI асрда Суриядаги Нисибин мактаби ва Афина академияси ёпиб қўйилади, шундан сўнг, бу илмий мактабларнинг олимлари – мажусийлар ёки христиан-сектантларни шарққа қўчиб, Эрон, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр ва ҳатто Хитой шаҳарларида жойлашадилар. Эрондаги йирик илмий марказлардан бири Гундишопур бўлиб, у ерда бир гуруҳ сурён ва форс олимлари фаолият олиб борарди. Сурён – эроний илмий-таржимонлик марказлари халифаликнинг дастлабки ўн йилликларида ҳам фаолият олиб борган. Бу илмий марказларда таржимачиликдан ташқари фалсафа, мантик, география, метеорология,





табобат ва кимё соҳасида ҳам ишлар олиб борилган. Антик давр олимларининг асарлари арабчага таржима қилинишидан аввал сурёнчага таржима қилинган. Шуниси маълумки, Птолемей «Алмажистий»си ва Теон Аликсандрийнинг (IV аср) унга шарҳи аввал сурёнчага, сўнг сурёнчадан арабчага таржима қилинган. Птолемейнинг «Тетрабиблос»и («Тўрт китоби») Иброҳим ибн ас-Салт томонидан арабчага сурёнчадан таржима қилинган эди. Унинг «География»си ҳам аввал сурёнчага ағдарилган эди.

Эронда исломгача эришилган илмий ютуқлар ҳам халифалик даврида фаннинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Исломгача бўлган Эрон илмий меросидан фақат айрим намуналаргина сақланиб қолган. Айрим юнон асарларининг паҳлавийга таржимаси борлиги маълум. Баъзи хабарларга кўра, Птолемей «Алмажистий»сининг арабча таржимасини Раббон Табарий паҳлавийчадан бажарганлиги маълум. Исломгача Эрон фанига хинд асарларининг ҳам таъсири сезиларли бўлган. Бунини сосонийлар давридаги «Зиж уш-шоҳ» (ёки «Зиж Шаҳриёр», паҳлавийча «Зики Шатроаяр»дан) мисолида кўриш мумкин. Бу зижнинг илк нусхаси 450 йил атрофида ёзилган бўлиб, ўша даврда тахтда ўтирган сосоний шаҳаншоҳ Яздигард II (438–457 йиллар)га бағишланган. Сўнгра у 556 йили Хусрав Ануширвон (531–579 йиллар) даврида қайта таҳрир қилинган ва хиндларга, юнонларга хос маълумотларни ўз ичига олган мукаддимани киритиш билан кенгайтирилган. Бу асарнинг энг сўнгги таҳрири шаҳаншоҳ Яздигард III ибн Шаҳриёр даврида бажарилиб, «Зики Шаҳрияр», яъни «Шаҳриёр зиж» деб аталган. Э.С. Кеннеди бу зижда келтирилган баъзи параметрлар хинд сиддханталаридан хусусан, Брахмагуптанинг «Брахмаспхута-сиддханта»си ва «Суря-сиддханта»дан олинганлигини кўрсатган. «Зиж уш-Шоҳ» бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Унинг баъзи парчалари Беруний асарларида келтирилади. Уларга кўра, «Зиж уш-Шоҳ»нинг асл нусхасида хиндлардан ва, балки, бобилликлардан ҳам олинган кўн жадваллар бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бу асарни тузувчилар «зик» (ёки «зих») деб жадвал тарзидаги асарни тушунганлар, чунки паҳлавий тилида «зик» сўзи «тўр шаклида», «катак» маъноларини англатган (ўзбек тилидаги «зич» сўзи ҳам шу маънога яқин). Кейинчалик бу сўз арабийлашган «зиж» шаклида юнонча «καρον» сўзининг синоними бўлган ва жадвалли астрономик асарни англатган.

Шуни ҳам айтиш керакки, халифаликда астрономиянинг ривожланишига арабларнинг исломгача бўлган даврдаги астрономик қарашлари ҳам маълум даражада таъсир ўтказди. Бу қарашлар қисман Қуръонда ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари арабларнинг Бобил билан қадимги алоқалари уларнинг астрономик қарашларига таъсир этган. Масалан, улар баъзи сайёраларнинг (жумладан, Зухра, Уторид), буржларнинг номларини (Жавзо, Сунбула, Мезон ва х.к.) бобилликлардан олганлар. Бундан ташқари, осмон сферасининг арабча номи – «фалак» бобилликлардаги «ruḥukku» сўзининг транскрипцияси ҳисобланади. Халифалик даврида халифаларда табобатга қизиқиш ҳам уйғонади. Аммо халифаликнинг шарқида, Эрондаги сурён колонияларида аниқ фанлар соҳасидаги изланишлар ислом қарор топганидан сўнг ҳам давом эттирилган. Беруний эслатган терига ёзилган бир эски зиж бу ҳақда гувоҳлик беради. У бу зижни Ғазнада Али ибн Муҳаммад Вишгардийнинг кўлида кўрган. Бу зиж Диоклетган йиллари бўйича тузилган бўлиб, бу эра 284 йили бошланган ва унда 709–719 йиллар орасидаги кузатишлар эслатилган. Бу кузатишлар эса зижнинг охи-





рида унинг муаллифи томонидан эмас, балки эгаларидан бирининг кўли билан ёзиб кўйилган эди. Беруний бу зижнинг асосий қисмидаги бирор санани ёки унинг ёзилган йилини эслатмайди. Албатта, бу зиж халифаликдаги энг қадимги зижлардан деб қаралмоғи керак ва унинг ёзилиш вақти ҳам VII асрдан кеч эмас. Беруний бу зиж қайси тилда ёзилганини ҳам айтмайди. Демак, бу зиж VII асрда тузилган бўлиб, Дюклетиян йилларига асосланган бўлса, у ё сурён тилида, ёки пахлавий тилида ёзилган.

Араб тилида ёзилган энг илк астрономик асарлар ҳам халифаликнинг шаркида пайдо бўлди. VIII аср ўрталарида Синдда араб тилида «Зиж ул-Арканд» юзага келади. Берунийнинг айтишича, у Браҳмагуптанинг «Кҳандакҳадяка»сининг таржимаси ёки шарҳи бўлган. Бу таржима айттарлик аниқ бўлмаган кўринади, чунки у бу асарни янгидан араб тилига таржима қилади. Қандаҳорда ёзилган яна иккита астрономик асар: «Зиж ул-жомий» ва «Зиж ул-Хазур» маълум. Уларнинг келиб чиқиши ҳам Браҳмагуптанинг «Кҳандакҳадяка»сига бориб такалади. Беруний хабар берган «Зиж ул-Харкан»да ҳисоблар Яздигард эрасининг 110 йили, яъни 742 йил учун бажарилган. Халифаликда илмий ва таржимонлик фаолияти пойтахт Дамашқдан халифа Мансур томонидан 762 йили қурилган янги шаҳар – Бағдодга кўчирилганидан кейин ҳақиқатан кенг кўламда олиб борилади. Албатта, Мансур Бағдодга аввал Дамашқда, сўнг вақтинча пойтахт бўлган Анборда ўз хизматида бўлган олим табиблар ва астрономларни ўзи билан бирга олиб келган. Чунки Беруний Маъмун билан Марвдан келган олимларни «марвликлар» (маровиза) деб улардан ажратади.

Бағдодда астрономия соҳасидаги тадқиқотларга асосий тўртки бўлган воқеа бу ерга 773 йили Ҳиндистондан Канка (ёки Кабка) деган бир олимнинг келиши бўлди. У ўзи билан ҳинд китобларини, жумладан, Браҳмагуптанинг «Брахмаспхута-сиддҳанта»сини олиб келган.


Халифа Иброҳим ибн Ҳабиб Фазорийга бу асарни араб тилига таржима қилишни буюради. Ўша асар мазкур ҳинд астрономи Браҳмагуптанинг «Брахмаспхута-сиддҳанта» асари эди. Фазорий бу асарни таржима қилиш асносида, уни қисқартиради ва қайта ишлайди. Бу таржима «Ас-Синдҳинд» ёки «Қатта синдҳинд» номи билан илмий муомалага қиради. Бу зиж араблар орасида қатта шуҳрат қозонади ва то халифа Маъмун (813–833 йиллар) давригача олимлар ундан фойдаланадилар.

Худди ўша даврнинг ўзида бошқа араб мутаржимини Яъқуб ибн Торик (ваф. 796) юқоридан эслатилган «Зиж ул-Арканд»ни қайта ишлаб, жадвалларини қисқартириб, «Ал-Арканд» номли зиж тузади. Бу зиж ўқувчиларга «Ас-Синдҳинд» каби маъқул келмаса ҳам, у араб халифалигида ҳиндлар астрономик аъёнасининг ёйилишида маълум роль ўйнайди.

Яъқуб ибн Торик ҳиндлардан олинган маълумотларга таяниб, «Осмон сфераларининг тузилиши ҳақида» номли яна бир астрономик асар ёзади. Кейинчалик бу асардан Беруний ҳам фойдаланади.

Халифа Ҳорун Рашид (786–809 йиллар) даврида таржимонлик фаолияти биринчи марта маъмурий асосга эга бўлади: машҳур «Байт ул-хикма» таъсис этилади. Ибн Қифтийнинг бир хабарига кўра, Ҳорун Рашиднинг вазири Яҳё ибн Халид ибн Бармак (738–805 йиллар) бир гуруҳ таржимонларга Птолемей «Алмажистий»сини арабча баён қилишни буюради. Лекин у таржимонларнинг ишидан қаноат ҳосил қилмайди. Сўнгра у ўша пайтда «Байт ул-хикма»ни бошқариб турган икки олим – Абу Ҳасан





ва Салмонга мазкур ишни янгидан юклайди. Улар мутаржимларнинг янги гуруҳини ташкил қиладилар ва ишни кўнғилдагидек бажарадилар.

Ўша пайтда сурён ёш олими Абу Закарнё Яхё ибн Мосавайх (777–857 йиллар) ўз фаолиятини бошлайди. Халифа Хорун Рашид унга Румга юришда Анкара ва Амориядан келтирилган табобатга онд юнонча китобларни таржима қилишни буюради. Хажжож ибн Юсуф ибн Матар Кўфий (VIII–IX асрлар) ҳам ўз фаолиятини ўша кезларда бошлайди. Лекин унинг фаолиятининг унумли палласи Хоруннинг ўғли Маъмуннинг даврига тўғри келади.

Маъмун Марвдан 819 йили Бағдодга кўчади: унинг халифалиги то вафоти – 833 йилгача давом этади. У ўзи билан Бағдодга Марвдаги барча олимларни олиб келади. Улар орасида Яхё ибн Абу Мансур, Холид ибн Абдулмалик Марваррудий, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Абут Таййиб Санад ибн Али, Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Ахмад ибн Абдуллох Хабаши Ҳосиб, Абдулхамид ибн Турк Хутталлий каби астроном ва математиклар бор эди.

Бағдодга келганларидан сўнг марвлик олимлар у ерда «маровиза», яъни «марвликлар» атамасини олдилар. Бағдодга келиши билан Маъмун «Байт ул-хикма» олимларининг ижодий ва интеллектуал қувватига асосланган ҳолда кенг кўламдаги илмий-ташқиллий фаолиятни бошлаб юборди. «Байт ул-хикма»нинг Амин даврида бироз сусайган фаолияти «марвликлар» келиши билан яна кудратли шиддат олди. Ўша даврдаги Бағдодда ишлаган олимлар орасида «марвликлар»нинг салмоғи устун бўлганлиги аниқ.

Бағдодга Маъмун билан бирга Марвдан келган олимлар ислом илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Тарихий ҳужжатларга кўра, улар «Байт ул-хикма»да бошқарувчилик вазифаларида бўлганлар. Халифалар уларнинг маслаҳатларига муҳтож эдилар, кўпчилик уларнинг сўзларига кулок соларди. Фарғонийнинг ўзи ҳам «Байт ул-хикма»да салмоқли ўринни эгалларди, «Байт ул-хикма» расадхоналарида асосан мовароуннахрлик олимлар бошчилик қиларди.

Бағдод олимлари кўпроқ фаннинг астрономия ва математика соҳалари билан шуғулланардилар. «Байт ул-хикма»нинг Бағдод ва Дамашқда иккита расадхонаси бор эди. Халифаликдаги энг биринчи расадхона 828 йили Бағдоднинг Шаммосия дарвозаси олдида барпо қилинган. Расадхона қурилиши ва унинг асбоб-ускуналарини ясаш Абу Таййиб Санад ибн Алига – халифа Маъмун кўлида имон келтирган Марказий Осиёлик яхудийга топширилади. Яна халифанинг амри билан Шаммосиядаги астрономик кузатишга мутасадди этиб Яхё ибн Абу Мансур (830 йилда вафот этган) тайинланади. Маъмун унга Гиппарх ва Птолемейларнинг кузатиш натижаларини қайта аниқлашни буюради. Беруний «Геодезия»сида келтирган маълумотларига кўра, Яхёнинг бу кузатишлари 828–830 йилларда бажарилган. Беруний бу кузатиш натижалари ҳақида «Геодезия»да бундай хабар келтиради: «Птолемейдан кейин то амиралмўминин Маъмуннинг замониғача бўлган бирорга кузатиш [ҳақида] бизга хабар этиб келмаган. У Яхё ибн Абу Мансурга бу ҳисобларни янгилашни буюрди ва у бунини Шаммосияда амалга оширди. Маълумки, у энг катта оғишни тўлиқ айлананинг икки минг тўрт юздан бир юз эллик етти бўлагига тенг топган, – бу эса $23^{\circ}33'$ бўлади, – ва шунга кўра ўз зижидаги жадвалларини асослаган. Бу ҳақда Хоразмий шу [юкоридагидек] ҳикоя қилади ва бу маълумотларни ўз кўзи билан кўрганларига нисбат беради, чунки у бу ўлчашларни [шахсан] ўзи кузатган».





Бу иктибосда эслатилган зиж – Яхёнинг «Зиж ул-Маъмунийи-л-мумтахан» (яъни «Имтихон килинган (текширилган) зиж») асарни бўлиб, унинг Шаммосиядаги кузатишлари натижасида тузилган. Унинг номидаги «текширилган» сўзи Яхё бу асарни ўз ўтмишдошларидан ўзлаштириб олмаганини, балки шахсий кузатишлари натижасида текширганлигини англатади. Бу зижнинг икки тахрири мавжуд бўлган. Улардан бири ҳозир Мадридда Эскуриал (ар. 927) кутубхонасида сақланади.

Яхё ўзининг Шаммосиядаги кузатишларини келаси 829 йили ҳам давом эттиради ва бу гал Куёшнинг энг катта оғишини $23^{\circ}35'$ га тенг деб топади. Бирок Шаммосиядаги кузатишларнинг пировард натижаси Маъмунни каноатлантирмайди ва уни «арзитайдиган деб тониб, ... сўнгра Халид ибн Абдулмалик Марваррудийга Дамашқда ўлчаш ишларини бажаришга буйрук берди».


Биз юкоридан биламизки, Халид ҳам Марвдан келган Марказий Осиёлик олим. Бағдоддаги ўлчашлар натижаси халифани каноатлантирмаганининг сабаби шуки, Шаммосия расадхонаси текис ерда жойлашган эди. Кузатишлар аниқроқ бўлиши учун эса одатда расадхонани баландликда барпо қилинади. Дамашқдаги кузатиш учун қулай жой танланади – Қасиюн тоғида олиб борилади. Бунинг учун Халид Қасиюн тоғидаги Дайр Муррон монастирининг деворига квадрант ўрнатади ва тўла бир йил давомида ўша ерда кузатиш олиб боради. Бу кузатишлар натижасида Халид энг катта оғишни 832 йил учун $23^{\circ}33'57''$ деб топади. Бу эса ўз даври учун анча аниқликдаги миқдор эди.

Шундай қилиб, биз кўрамизки, Бағдодда ишлаган Марказий Осиёлик олимлар эклиптика текислигининг осмон экваторига оғиш бурчагини ўз даври учун катта аниқлик билан топдилар. Халиднинг иштироки билан Ер меридиани бир даражасининг узунлиги Мосул яқинидаги Синжор сахросида ўлчаниб, 56 араб милига, яъни қарийб 113 км.га тенг деб топилади, бу ҳам ўз даври учун катта аниқлик эди. Бу ўлчашларда Яхё ибн Аксом, Аббос Жавҳарий ва Аҳмад Фарғонийлар иштирок этади.

Лекин Фарғоний даврида яшаган олимларнинг энг буюғи Хоразмий эди, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Ибн Надим «Фихрист»ида ва Табарий «Тарихи»да келтирилган маълумотларга кўра, олимнинг тўлик исми Абу Жаъфар (ёки Абу Абдуллох) Мухаммад ибн Мусо Хоразмий Мажусий Қатрабулий бўлган. Исмнинг энг аввалги қисми – кунясининг икки хил бўлишига сабаб шуки, баъзи манбаларда уни Абу Жаъфар дейилса, бошқа манбаларда Абу Абдуллох дейилган. Олимнинг хақиқий исми Мухаммад, отасининг исми Мусо, асли Хоразмдан бўлгани учун Хоразмий бўлган. Баъзи тахминларга кўра, унинг отаси оташпараст зардуштий коҳин – муғ бўлиб, исломни кейин қабул қилган. Шунинг учун олимнинг тўлик арабийлаштирилган исмига Мажусий (муғ – мағос – мажус) нисбаси қўшилган. Исмнинг охиридаги Қатрабулий нисбасига келсак, Хоразмий халифа саройига яқин кишилардан бўлгани учун Бағдод яқинидаги зодагонлар яшайдиган Қатрабул даҳасида яшагани сабабли берилган. Олимнинг туғилган ва ўлган йиллари ҳам аниқ маълум эмас. Лекин баъзи ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида унинг туғилган йилини 783 ва вафот йилини 850 йил деб олишган.

Биз юкоридан Хоразмий бошқа олимлар билан бирга Маъмуннинг Марвдаги саройига 813–819 йиллар орасида келганини айтган эдик. Демак, саройга келишидан аввал у кўзга кўринган олим бўлиб танилган. Шу сабабли Маъмун уни ўз саройига





таклиф қилган. Бундан яна бир нарса кўринади – у ўз ватани Хоразмда маҳаллий анъанага таяниб илм олган ва олим бўлиб шаклланган. Хоразмда VIII аср охири ва IX аср бошидаги илмий анъана ва муҳит ҳақида биз фақат тахмин қилишимиз мумкин. Лекин шуниси шубҳасизки, Хуросонда ҳам, Хоразм ва Мовароуннаҳрда ҳам исломгача маҳаллий илмий анъана бўлган ва у ислом даврида ҳам сақланган. Ана ўша анъананинг мавжудлиги IX аср бошидаёқ Хоразмий, Жавҳарий, Фарғоний, Марвазий ва бошқаларнинг йирик олим бўлиб шаклланишига имкон берган. У олимлар Бағдодга келишлари билан юнон илмий асарларини ўрганиб, ўзларининг илмий дунёкарашларини янада кенгайтириш имконига эга бўлганлар. Хоразмий улар орасида бирлаштирувчи ва бошқарувчи родини ўйнади. У «Байт ул-хикма»нинг мудирини бўлиб, бу муассасанинг йўналишини ва илмий ишларини режалаштириб турди. Хоразмий ўз фаолиятида, энг аввало, ўзи билан бирга Марвдан келган Марказий Осиёлик олимлар – Фарғоналик Аҳмад ибн Касир Фарғоний, марвлик Ҳабаш Ҳосиб ва Яҳё Абу ибн Мансур ҳамда Марвнинг маъмурий доирасидаги Марварруддан бўлган Холид ибн Абдулмалик Марваррудийларга таянди. Шунинг учун бўлса керак, Бағдоднинг илмий марказ сифатида шуҳрати тез орада оламга тарқалди. «Байт ул-хикма»нинг IX аср биринчи ярмида Марказий Осиёлик олимлар фаолияти натижасида тўплаган илмий потенциали кейинги аср охиригача етди.

Хоразмий илмий меросининг умумий сони энг сўнгги тадқиқотларга кўра йнгирмага яқинлиги аниқланди.


Юқорида биз Фарғоний давридаги илмларнинг асосий манбаларини, Марв ва Бағдодда унинг атрофидаги илмий муҳитни ифодалаган олимлар ҳақида тўхталиб ўтдик.

Олимнинг нисбасини Фарғоний бўлса ҳам, унинг асли туғилган ери аниқ маълум эмас. Лекин Фарғоний Марвдан Маъмун билан бошқа олимлар қаторида Бағдодга келгани, Шаммосия ва Дайр Муррондаги астрономик кузатишларда фаол қатнашгани, Мосул яқинида Синжор саҳросидаги Ер меридиани бир даражасининг узунлигини ўлчашда иштирок этгани ва Фустот (ҳозирги Қоҳира) худудида Нилдаги Равзо (Рўда) оролида микёсни барпо қилгани маълум.

Олимнинг тўлиқ исмидаги Фарғоний нисбаси унинг туғилган ери ҳақида аниқ маълумот бермайди. Гап шундаки, у даврларда арабларга хос бир одат билан кўпинча мамлакат ё ўлканинг бош шаҳрини ҳам, аслида шаҳарнинг ўз номи бўлса-да, мамлакат номи билан аталган. Масалан, Хоразмнинг қадимги пойтахти Котни 995 йилгача Хоразм ҳам дейилган. Лекин мазкур йилдан бошлаб пойтахт Хоразмнинг ғарбий шаҳри Гурганчга қўчган ва бу шаҳарни ҳам мазкур йилдан бошлаб Хоразм дейишларига эришган. Худди шунингдек, арабларда Суря Шом деб ҳам аталади. Лекин улар худди шу ном билан пойтахт Дамашкни ҳам атайдилар. Ёки Қохириани олайлик, араблар уни ҳам мамлакат номи билан Миср деявердилар.

Фарғонийнинг нисбаси билан ҳам шундай бўлгани аниқ. VIII аср охири ва IX аср бошларида Фарғонанинг пойтахти Ахсикат (ёки Аҳси) эди ва бу шаҳарни ҳам водийнинг номи билан Фарғона дейиларди. Ахсикатда араб ноибни турар эди, шунинг учун араблар уни пойтахт хисоблардилар. Ахсикат Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, қалъа, шаҳристон ва работи бўлган. Қалъада сарой ва камокхона, шаҳристонда жоме масжид ва бозор бўлган, бозорлар работта ҳам бўлган.






Шахристонинг беш дарвозаси бўлиб, улардан тўрттасининг ўрни ҳозиргача сақланган: булар Мардқуш, Косон, Жоме масжиди ва Рихон дарвозалари деб аталган. Шаҳар серсеув бўлган, ховузлари ҳам кўп бўлган. Айниқса, шаҳристонда ариқлар кўп бўлиб, улар ховузларга келиб тушган. Ховузлар туби ва лабига кир коришма билан ғишт терилган. Шаҳар иморатларининг кўп қисми шаҳристонда бўлиб, улар пахсадан ишланган. Шаҳар айланаси 3 фарсах (тахминан 18 км) ҳисобланган. Мақдисийнинг айтишича, шаҳар Фаластиндаги Рамла шаҳридан бир ярим баробар катта бўлган; бу шаҳарнинг эни бир мил (2 км), бўйи бундан бироз узун бўлган. Шаҳар атрофида яна икки фарсах (12 км) масофада боғ-роғ бўлган. Дарёнинг сўл қирғоғида шаҳарликларнинг ўтлоқлари ва ундан ҳам нарида бир марҳала (қарийб 30 км) масофада қумлоқлар бўлган. Шаҳардан шу жануб тарафида Қўқандга олиб боровчи йўл (узунлиги 7 фарсах – қарийб 42 км) бўлган. Қўқанд йўли тўғри Ахсикат дарвозасигача етган, ундан ўтгач, Сирдарёдан кечилган. Шу хабарга кўра, Ахсикат рабодининг бир қисми Сирдарёнинг сўл соҳилида бўлган, деб ҳисобланган. Ахсикат катта-кичик шаҳар ва кенглар орқали ўтувчи йўллар билан Ўш, Хўжанд, VII аср охири ва IX аср бошигача Фарғона ихшидларининг пойтахти бўлмиш Косон ва Кубо билан боғланган. Ахсикатнинг харобалари ҳозир Наманган вилоятининг Поп туманида Сирдарёнинг ўнг соҳилидадир.

Фарғоний Марвга кетишидан аввал Ахсикатда араб ноибига яқин бўлгани эҳтимол, ақс ҳолда Маъмурнинг таъсир доирасига тушиши амри маҳол эди. Лекин аслида у ахсикатлик эмас, Кубо (Қува)лик бўлганлиги эҳтимолга яқин. У Фарғонанинг бошқа шаҳарларига нисбатан анча обод эди: ҳатто баъзилар Кубони Фарғонанинг иккинчи шаҳри деб ҳисоблаганлар. Сувга сероблиги ва боғлари кўплиги жиҳатидан у Ахсикатдан устун бўлган. Мақдисийнинг айтишича, Кубо катталиги ва бойлиги жиҳатидан ҳам Ахсикатдан устун бўлган. Шаҳар марказида майдон бўлиб, жоме масжиди бозорлар орасида бўлган. Шаҳар қалъа, шаҳристон ва рабобга бўлинган. Жоме масжиди қалъада бўлган; бозорлар, сарой ва камокхона рабобта жойлашган. Шаҳар Қувасой бўйида жойлашган. Шаҳар водийнинг анча шарқида жойлашгани учун Ўшга яқин ва унгача масофаси 7 фарсах (42 км) бўлган. Кубонинг харобалари Шаҳристон номи билан ҳозирги Қува шаҳрининг чеккасида сақланган; бу ўша ўрта асрлардаги шаҳар шаҳристони бўлса керак.

Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан шаҳарда кенг қўламда археологик казишмалар олиб борилди. Аввалги казишмаларда IX–X асрларга хос нафис шиша ва сопол идишлар, хайкалчалар топилган эди. Эндиги казишмалар натижасида VIII аср бошларига тааллуқли нодир танга пуллар топилди. Диаметри 1,2–2 см бўлган икки юздан ортиқ бу тангалар тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Шаҳристондаги казишмаларда топилган тангаларнинг умумий сони 400 дан ортиқ бўлиб, улар Турк ҳоконлиги, Араб халифалиги, сомонийлар ва қорахонийлар даврига тааллуқлидир. Улар ичида, айниқса, Турк ҳоконлиги даврида зарб этилган тангалар тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотган. Умуман Қува Шаҳристонда топилган маданий ёдгорликлар, хусусан, Кубо ва умуман, Фарғона аҳолиси юксак дидли ва маданиятли халқ бўлганидан далолат беради. Турли даврларга тааллуқли танга пулларнинг кўплиги эса ўша даврларда Фарғонада пулнинг аҳамияти катта бўлганлиги ва пул-товар муносабатлари анча юқори бўлганлигидан далолат беради.





Бу эса Фарғона тарихини ва умуман Марказий Осиё тарихини анъанавий усул билан эмас, балки бутунлай бошқача караш билан янгидан кўриб чиқиш кераклигини билдиради.

Юксак маданиятли шаҳарлар – Қубо ёки Ахсикатдан келиб чиккан Фарғоний кадимги анъаналарга асосланган билим ва маълумотни ўз ватанида олганига шубҳаланмаса бўлади. Ана шу чуқур билимлари туфайли Маъмун уни ўз хузурига таклиф қилган.

Фарғоний ишгирик этган астрономик кузатишлар ва ўлчашларга келсак, турк фан тарихчиси Ойдин Сайилининг таъкидлашича, Аҳмад Фарғоний халифа Маъмун давридаги буюк астрономлардан бўлган ва у Шаммосия, Қасиюн расадхоналаридаги кузатишларда иштирок этган. Юкорида айтганимиздек, Шаммосиядаги кузатишлар 828 йилдан бошланади.

Демак, ана шу сана Фарғонийнинг Бағдодда ўтган ҳаётидан муҳим бир сана деб қаралмоғи керак, чунки Шаммосиядаги кузатишларда Яхё ибн Абу Мансур, Санад ибн Али ва Муҳаммад Хоразмийлар билан бирга унинг ҳам хиссаси бўлган. Биз юкорида Санад ибн Али халифа Маъмун кўлида имон келтирган яҳудийлигини айтган эдик. Лекин Санад исломни қачон қабул қилгани ҳақида маълумот йўқ. Шундай бўлса ҳам у Шаммосияда яҳудийларнинг ибодатхонаси – канисани 828 йилдан бироз олдин қургани маълум. Агар шу воқеани ҳақиқат дейилса, у ҳолда унинг имон келтириши ҳам ўша 828 йил арафасида ёки айнан ўзида бўлган, чунки Санад ибн Али шу йили ўзи барпо этган канисадан ибодатхона сифатида эмас, балки расадхона сифатида фойдаланади. Бундай қилиши эса фақат яҳудийликдан қайтганидан кейингина мумкин бўларди. Шундай қилиб, Фарғоний ҳам Шаммосиядаги кузатишларда 828 йилдан бошлаб иштирок этади. Айни маҳалда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу астрономик кузатишлар Шаммосияда турғун (стационар) расадхона барпо этилганидан сўнг бошланган астрономик кузатишлар жумласидандир. Лекин Маъмун Марвдан ўз атрофидаги олимлар билан бирга 819 йили Бағдодга келганидан то 828 йилгача бирор кузатиш ё ўлчаш ишлари олиб борилмаганми, бу тўққиз йиллик ораликда олимлар нима билан шуғулланган, деган қонуний савол туғилади. Шуни ҳам айтиш керакки, у вақтда олиб борилган илмий ишлар ҳақида тўла тавсиф ҳеч бир манбада келтирилмаган. Орада ўтган қарийб 1200 йиллик вақт ичида кўп қўлёзма манбалар йўқолган. Баъзи хабарлардагина бирор воқеа ҳақида жуда оз маълумот берилади. Маъмун вақтидаги ўлчашлар ва астрономик кузатишлар шулар тоифасидандир. У кузатишлар ҳақида баъзи хабарлар бизга Абу Райҳон Беруний асарларида ёки кузатишлар давридан бир-икки аср кейин яшаган бошқа бирор олим (масалан, Х асрдаги Ибн Юнус) асарида етиб келган. Баъзан бундай олимлар берган хабарлар бири-бирига мос келмайди ёки хатто зид келади. Шунинг учун биз у хабарларни диққат билан тафаккур мезонига солиб кўришимиз керак бўлади.

Одатда Маъмун давридаги кузатиш ёки ўлчаш ишлари ҳақида гап борганда бир ёки икки олимнинг номи эслатилган бўлса ҳам, шубҳасизки, бу ишларда халифа атрофидаги олимларнинг барчаси иштирок этган. Чунки бундай ишларда кўпинча халифанинг ўзи ҳам иштирок этарди. Бинобарин, бундай ҳолларда бутун сарой мулозимлари, айниқса, кузатиш, ўлчаш ишларига Фарғоний каби бевосита алоқадор шахслар, албатта, мажбурий тарзда қатнашарди. Сарой муаррихлари ҳар гал барча олимлар номларини эслатиб ўтирмай, балки у ерда мутасаддилик қилган ёки қорча-





лон бўлган кишиларнинг номларинигина кайд этган. Шунини эътиборга олиб, агар у ёки бу кузатишга Яхё ибн Абу Мансур ёки Санад ибн Али ёхуд Халид ибн Абдулмалик мутасаддилик қилди, дейилганда, бу ишда улар катори Ҳабаш Ҳосиб, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ва кўплаб бошқа олимлар ҳам иштирок этган, деб тушунишимиз керак.

Атоқли рус шарқшуноси И.Ю. Крачковский манбаларни синчковлик билан таҳлил қилиб чиқарган хулосага кўра, Фарғоний иштирокида Синжор саҳросида Ер меридиани бир даражаси узунлигини ўлчаш ишлари 827 йилга яқин олиб борилган. Лекин бу ҳақда хабар берган Беруний ва Ибн Юнус аниқ санани кўрсатмаганлар. Бу ерда бизга бир нарса аниқки, бу ўлчаш ишлари Шаммосиядаги расадхона барпо этилишидан, яъни 828 йилдан аввал бошланган. Шунинг учун у ишлар 827 йилдан биров аввал олиб борилган бўлиши ҳам эҳтимол.

Халифа Маъмун давридаги кузатишларнинг аксариятида унинг шахсан ўзи иштирок этган ва у кўп илмий ишларнинг бош ташаббускори бўлган. Маъмун халифа бўлиш билан бирга илмга чанқок ва синчков тадқиқотчи бўлган. Шунинг учун ҳам у илмий ишларда доим ташаббус кўрсатган. У ниҳоятда илмпарвар ва маърифатпарвар шахс бўлган. Акс ҳолда у ўз атрофига олимларни тўпламаган ва уларнинг ижодига шароит яратмаган бўларди. Маъмун халифа сифатида бир қўлида қилич ушлашга мажбур бўлган бўлса, олим ва маърифатпарвар сифатида иккинчи қўлида китоб ушлаган. Аслида Маъмун ўрта асрлардаги энг биринчи олим ҳокимлардан эди.

Маъмун даврида ва ундан биров аввал олиб борилган таржима ишлари ҳақида юқорида айтилган эди. Демак, таржима ишлари 819 йилдан кейин кенг кўламда бошланган, дейиш мумкин. Беруний айтишича, «Маъмуннинг ўлчашлари у юнонларнинг китобларида бир даражанинг хиссаси беш юз стадия эканлигини ўқиб олганидан кейин бўлган... У таржимонларда бу ўлчамнинг миқдори ва уни аниқлаш ҳақида қониқарли хабар топмади. Ўшанда ... Маъмун шу ўлчаш ишларини бажариш учун асбоблар ясаш ва жой танлашни буюрган». Бу иқтибосга кўра, халифа Маъмуннинг ўлчаш ва кузатиш ишларига киришиши «маъмуний» таржималардан кейин бўлган. Демак, Синжор саҳросидаги ўлчаш ишлари вақти 820–827 йиллар оралиғига тўғри келади. Фарғонийнинг бу ўлчаш ишларида қатнашганига шубҳа йўқ, чунки бу ҳақда Беруний келтирган далиллар бор. У келтирган хабарга кўра, мазкур саҳрода Ирок шимолидаги Мосул шаҳридан ғарброкда текис ер танланган. «У ернинг текислиги ҳаммани қаноатлантирди. Сўнгра ўша ерга асбобларни ўрнатдилар ва унда бир жойни танлаб, у ерда Қуёшнинг тушки баландлигини ўлчадилар. Кейин улар икки гуруҳга бўлиниб, Халид [ибн Абдулмалик] ер ўлчовчи ва хунарандлардан иборат бир тоифа билан бирга шимолий қутб йўналишида кетди. Али ибн Исо Астурлобий ва Аҳмад ибн Бухтурий Зарроълар бир тудга билан жанубий қутб йўналишида кетдилар. Ҳар бир тоифа олимлар Қуёшнинг тушдаги баландлиги оғиш туфайли ўзгаришидан ташқари яна бир даражагача ўзгарганини топгунларича ўлчайвердилар. Улар йўл-йўлакай масофани ҳам ўлчаб, унга ўқ ўрнатиб кетаверган эдилар. Орқага қайтганларида йўлни иккинчи марта ўлчадилар. Иккала тоифа аввал ажралишган жойларига яна йиғилдилар ва Ер [айланаси] бир даражасининг [миллардаги] хиссаси эллик олти миля эканлигини топдилар». Бу иқтибосда фақат иккала гуруҳда бошчилик қилган шахсларнинг номлари эслатилган. Беруний «тоифа», «тудга» деб олимлар икки гуруҳини назарда тутаётир. Уларнинг бирида Фарғоний бўлгани шубҳасиз. То-





пилган натижа – бир даражанинг узунлиги – эллик олти миля ҳам ўша гуруҳлардан бири топган натижа деб қаралмоғи керак. Бу миля араб мили бўлиб, бир араб мили 1995 м га тенг. Демак, бу ҳолда $1995 \times 56 = 111720$ м ёки 111,72 км бўлади. Бу эса ҳозирги ўлчамларда Ер меридиани бир даражаси учун қабул қилинган 111,135 км дан фақат 0,545 км ортик бўлиб, ўша давр учун катта аниқлик эди.

Берунийнинг хабарига кўра, юқорида келтирилган натижа ҳақида хабарни Ҳабаш Ҳосиб Холид ибн Абдулмалик Яҳё ибн Аксам Ғозийга айтаётганида эшитган ва эшитганича ёзиб олган. Демак, Ҳабашнинг ўзи у ўлчашларда иштирок этмаган. Аммо Фарғонийга келсак, унинг мазкур ўлчашларда иштирок этгани ҳақида Беруний бундай дейди: «Фарғонийдан ҳикоя қилиб айтадиларки, ўша мазкур миллардан кейин яна учдан икки мил келади». Бу хабарда Фарғоний аввалги иктибосдаги натижадан фарқли натижани бевосита иштирок этган ва кўрган шахс сифатида таъкидлаб айтаяпти. Бу галги натижа 113,05 кмни ташкил қилади. Бу натижа аввалгидан бироз ортик бўлса-да, у ҳам ўз даври учун анча аниқ эди. Берунийнинг айтишича, бир ўлчамдаги бу икки хил натижанинг ҳосил бўлиши, аслида, иккала гуруҳнинг ҳар бири топган натижалардир.

Беруний Ҳабаш Ҳосиб ва Фарғоний хабарларига кўра милларнинг даражалардаги ҳиссаларини алоҳида жадвалга жойлаштирган. Демак, у шу жадвални Фарғоний асарларининг биридан олган.

Ашраф АХМЕДОВ,
тарих фанлари доктори

АБУ НАСР ФОРОБИЙ (873–950)

Ўрта асрлар Марказий Осиё халқлари фалсафий фикрининг ривожланишида Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий (873–950) етакчи ўрин тутади.


Форобий ўздан кейин бой мерос қолдирган. Мавжуд маълумотларга қараганда, у 160 дан ортик асар ёзган. Лекин уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Шунга қарамасдан, етиб келган рисолалари мазмунининг ўзиёқ унинг буюк олим эканлигидан далолат беради.

Форобийнинг илмий меросини ўрганиш XX асрнинг биринчи ярмидан бошланган. Бир қанча европалик, рус, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари олимлари Форобийнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилдилар.

Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимиз олимларининг Форобий илмий меросини тадқиқ этиши жуда самарали бўлди. М. Хайруллаев, О. Файзуллаев, Р. Носиров, М. Қодиров, Ҳ. Алиқулов, М. Болтаев, Р. Баҳодиров, М. Усмонов, А. Зоҳидий, М. Жақбаров, Д. Файзиходжаеваларнинг тадқиқотлари Форобий фалсафасидаги гносеология масалаларини ёритишга катта ёрдам беради.

Абу Наср Форобий Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғида туғилди ва дастлабки билимини Шош, Самарқанд ва Бухорода олди. Сўнгра Форобий ўз билимини давом эттириш учун Бағдодга борди. Форобий узок йиллар Бағдодда яшаб ижод қилди. У ўз даврининг йирик олими ва буюк файласуфи бўлиб етишди. Умрининг сўнгги йилларини Ҳалаб ва Дамашқда ўтказиб, шу ерда вафот этди.





Абу Наср Форобий Марказий Осиёдан чиккан буюк фан арбобларидан бири саналади. Ўрта аср фан ва маданиятига улкан хисса қўшган бу олим илм-маърифатнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва ўзидан салмоқли мерос қолдирган. Форобий риёзиёт ва фалакиёт, таъобат ва мусика, мантик ва фалсафа, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида калам тебратган, бу соҳаларнинг ҳар бирида ажойиб асарлар яратган.

Тарихчиларнинг ёзишича, Форобий доимо ўз шогирдлари даврасида бўлар эди. Дамашкнинг ўзида Форобийдан таълим олувчилар сони ўн мингга етган, дейишади. Форобий мантик соҳасида улкан ишларни амалга оширган. Араб олими Ибн Қифтийнинг (1172–1248) маълумотига кўра «Форобий ўз асарларида мантиқдан фойдаланиш учун тушунарли иборалар, нозик ишоралар қўлади, ҳатто, мантиқда шарҳлаш, ўргатиш ва таҳлил қилишдаги Киндий ва бошқа олимлар йўл қўйган нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди. Ана шу жиҳатлари сабабли Форобий асари бу фан соҳасида гоят етук, ниҳоятда нодир саналадиган бўлди».

Форобий яратган асарларни уларнинг характериға қараб икки гуруҳға ажратиш мумкин: а) қадимги юнон табиатшунос олимлари ва файласуфлари илмий меросини ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлашға оид асарлар. Булардан Аристотелнинг «Категориялар», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Поэтика», «Риторика», «Софистика» ва шу каби асарларига ёзилган шарҳларни келтириш мумкин; б) Ўрта аср фанининг табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий масалаларига оид рисоалар. Булардан: «Ихсо ал-улум», «Ҳикмат асослари», «Аристотель «Мантик»нинг талқинлари», «Қатта мусика китоби», «ас-Сиёса ал-мадания», «Мантикка кириш», «Вакуум ҳақида», «Фозил одамлар шаҳри» ва шулар кабилардир.


Форобий фалсафий қарашларининг асосини дунёнинг тузилиши ҳақидаги пантеистик таълимот ташкил қилади. Бу таълимотға кўра, бутун мавжудот – борлик эманация асосида ягона бошланғичдан босқичма-босқич вужудға келган.

Форобий Шарқда биринчи бўлиб Арасту изидан борган араб файласуфи Абу Юсуф Исҳоқ Киндий қарашларига қарши ўларок, дин ва фалсафани ҳақиқатға етишишнинг икки мустақил усули, деб ҳисоблади. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтди. Форобийнинг назарида диний ҳақиқатлар фалсафий мисоллардан иборат эди. Бошқача ибора билан айтганда, дин ва фалсафа ягона бирликнинг икки хил жиҳатларидир. Фалсафа далилий ҳукмларнинг қоидаларига таянади, дин эса ўша ҳукмлар ва қоидаларнинг хитобий шаклидир. Унинг бундай қарашидан шу нарса аён бўладики, фалсафа диндан олдин вужудға келган. Аммо Форобий бунинг асл моҳияти қандайлигини тушунтирмайди, балки фалсафа динға нисбатан замон нуқтаи назаридан олдинроқ пайдо бўлганини қайд этади. Форобий «дин фалсафанинг мисолларидир» деганда пайғамбар халқ тилида сўзлашадиган қилиб юборилишини алоҳида қайд этиб ўтади. Чунки омма далилий ҳукмларни тушунмаганлиги сабабли далилий ҳақиқатларни хитобий шаклда баён этишдан ўзға имконият йўқ.

Форобийнинг фикриға кўра авомнинг диний қарашлари унинг фалсафий ҳулосаларига доим ҳам мос тушавермайди ва бунинг зарурияти ҳам йўқ. Шунинг учун ўз фикрларини бевосита авомға мослаштирмаган эди. У авом мени тушунади, деб ҳам ўйламаган ва аксинча, бундан хавотир ҳам олганки, унингча авомнинг фалсафаға аралашини фалсафани бузадди.

Форобий инсон, унинг билиши, илм-фан ва ақл ҳақида ҳам ўзининг фалсафий қарашларини илгари суради. Гарчи у инсонни «ақлли жонивор» деса ҳам, ақлли ин-





сон ҳақида шундай ёзади: «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладикки, улар фазилатли, ўткир мулохазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъдодга эга, (улар) ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил, дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли, деб бўлмайдик, уларни айёр, алдоқчи, деган номлар билан атамоқ лозим».

Форобий инсоннинг борликни била олишини кайд килиб, инсоннинг билиши, унинг рухий қобилиятларини инсон мияси бошқаради, барча рухий «қувватлар», жумладан, билиш қобилияти ҳам унга боғлиқ, дейди. У ўзининг «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида инсоннинг табиатни билиши чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, акциденция (араз) лардан, яъни сифатлардан субстанцияни – моҳият (жавҳар)ни билишга қараб боришини, илмнинг борган сари ортиб, чуқурлашиб боришини айтади.

Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл муаммосини чуқур таҳлил килиб, бу ҳақида ақл, бир томондан, рухий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир, яъни таълим-тарбиянинг натижаси, дейди. Унинг фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган рухий куч билан боғлиқ қобилият, инсонни хайвондан ажратувчи асосий омилдир.

Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. У ўрта асрларда биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Форобийнинг бу таълимоти унинг «Фозил шахар аҳолисининг қарашлари», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. У «Фозил шахар аҳолисининг қарашлари» рисоласида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсонлар кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада, инсон жамоаси вужудга келди».

Форобий шахарни ижтимоий уюштиришнинг етук шакли, инсоният камолотга эришувининг муҳим воситаси ҳисоблайди. У инсонларни ўзаро ҳамкорликка, халқларни ўзаро дўстликка, тинчликка чақириб, дунёда ягона инсонлар жамиятини тузишни орзу қилади. Форобий инсон кадр-қимматини камситувчи жамиятни қоралаб, инсон кадр-қимматини улугловчи жамиятни орзу қилади. У ўзининг «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» асарларида: «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади», – деб ёзади. Форобий давлатни ҳар томонлама етук киши, етук ҳислатларга эга бўлган, халқ томонидан сайланган кишилар бошқариши лозимлигини айтади. Давлатни етук кишилар бошқарсагина фозил жамият, фозил шахар, фозил мамлакат қарор топади. Фозил жамият, фозил давлат шундай бўладикки, бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси касб-хунар, илм-фанни эгаллаш билан шуғулланади. Бундай давлатда одамлар чин маъносини билан озод ва эркин бўладилар. «Улар орасида турли хил яхши одатлар, шавқли-завқли ашулалар пайдо бўлади». Бундай жамоатни бошқарувчи киши ёки кишилар гуруҳи ўзларида олтин хил ҳислатга эга бўлиши зарур. Булар: аввало адолат-



ли бўлиши, иккинчидан, доно бўлиши, учинчидан, қонунларга қатъий риоя қилиши ва тўртинчиси – янги қонунлар ярата олиши, бешинчиси – келгусини олдиндан кўра билиши, ва ниҳоят, олтинчиси – бошқаларга ғамхўр ва меҳрибон бўлиши керак.

Умуман олганда, Форобийнинг фозил жамоа, фозил давлат, фозил раҳбар ҳақидаги таълимоти унинг қомил инсон ҳақидаги қарашлари билан узвий боғланиб кетади. Мутафаккирнинг қарашинча, фозил жамоадагина қомил инсон ҳислатлари қамол топади. Унинг бу таълимоти инсонни маънавий озод этишга, унинг имкониятларини, қобилият ва истеъдодларини очишга, юзага чиқаришга хизмат қилиб, илғор ижтимоий тафаккур таракқиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Форобий ўз фалсафий қарашларида инсонийликни улуғлайди. У бу ҳақда шундай ёзади: «Одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо – инсонийликдир, шу туфайли одамлар одамзод туркумига онд бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим».

Форобий фалсафани яратишга шундай бир вақтда қиришганки, шарият ва дин барча фаолиятларнинг моҳияти ва йўналишини белгилаб турган. Шунинг учун файласуф дин ва фалсафа орасидаги муносабатларни аниқ белгилаб олиши керак эди.

Диндорлик арқони ва шаръий масалалар талқинини фалсафа дейиш Форобийга ҳам агар бор бўлса (албатта, бунинг аломатлари бўлган) бордир. Аммо унинг ўз фалсафий мушоҳадаларида Қуръон оятлари, ҳадислар ва бошқа исломий манбаларга таяниши унинг тақлидчи олим эмаслигини исботлайди. Аммо унинг ва маслақдошларининг бутун сўй-ҳаракатлари фалсафа – диннинг моҳиятидир, деб тақдим этишга қаратилган эди.

Форобийнинг улуғ хизмати фақат унинг фалсафани чуқур англаб етганида ва янги ғоялар, фикрлар берганида эмас, балки дин ва фалсафа орасидаги муносабатларни қатъий аниқ ифодалагани ҳамда бу икки соҳанинг инсонлар онгида бирга яшаши мумкинлигини уйғунлаштириб исботлаб берганлигидадир. Мана шу фавқулодда фазилат туфайли у ислом оламида фалсафа асосчиси деган унвонга муносиб бўла олди.

Форобий фалсафий қарашларига яқун ясаб шуни қайд этиш лозимки, унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари ўзидан кейинги мутафаккирлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино қарашларининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади.

«Иккинчи муаллим»нинг буюқлиги унинг фавқулодда жидду жаҳд кўрсатиб, муқаммал тафаккур тизимини яратиши ва ўзидан кейингиларга фақат унинг ғояларини шарҳлаш қолгани билан изоҳланади. Форобий «фалсафа» истилоҳини фан ва билимларнинг турли соҳаларида қўлагани ва амалда ислом фалсафасини яратгани учун ҳам Шарқ мутафаккирлари орасида Аристотелдан кейин «иккинчи муаллим» деган юксак номга сазовор бўлди.

Рамзиддин ИСОҚЖОНОВ



АБУ БАҚР НАРШАХИЙ (899–959)



Абу Бақр Наршахий – Марказий Осиё тарихнавислигининг илк қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш «Тарихи Бухоро» деб шуҳрат топган нодир асарнинг муаллифидир. У ўз асарини 943–944 йилларда араб тилида ёзган ва уни шу йилларда тахтга ўтирган Сомонийлар давлати ҳукмдори Амири Ҳамид, яъни Абу Муҳаммад Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943–954)га бағишлаган. «Бухоро тарихи»нинг ўзида ҳам бошқа тарихий манбаларда ҳам, муаллифнинг ҳаёти ва фаолиятига доир бирор кенгрок маълумот учрамайди. Фақат XIII аср муаллифи Самъонийнинг «Китоб ал-ансоб» асарида унинг тўла исми Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик эканлиги ва у Бухоро ахлидан (Наршах кишлоғидан) бўлиб, 286/899 йили таваллуд топгани ва 348/959 йили вафот этганлиги эслатилади.


Афсуски, «Бухоро тарихи»нинг араб тилида ёзилган асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Бизга насиб бўлгани бу форс тилига таржима қилиниб, қарийб уч аср давомида бир неча бор таҳрир, қисқартиш ва қўшимчаларни бошидан кечирган нусхадир.

Асарнинг сўзбошисида айтилишича, 1129 йили асли ҳозирги Кува шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий Наршахийнинг китобини дўстларининг илтимосига биноан араб тилидан форсийга таржима қилган ва бунда у асарнинг баъзи жойларини қисқартирган, аммо шу билан бирга, айрим қўшимчаларни ҳам киритган. Шундан ярим аср ўтгач, мазкур форсий таржима яна қайтадан таҳрирга учраган; 1178–1179 йиллар давомида Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар асарни иккинчи марта қисқартириб баён этган. Аммо асарни ўқир эканмиз, бунда мазкур 1178 йилдан кейинги то 1220 йилгача бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳам қисқа-қисқа маълумотларни учратамиз. Бу хол шуни кўрсатадики, Муҳаммад ибн Зуфарнинг қисқартиришидан (яъни 1178 йилдан) кейин ҳам бир неча номаълум кишилар ана шу форсий таржимани таҳрир қилганлар. Улар асарни яна қисқартирганлар дейишга асос бўлмаса-да, лекин қўшимчалар киритганликларни воқеалар мазмунидан кўриниб турибди.

«Бухоро тарихи»нинг қўлимиздаги барча нусхалари ана шу 1220 йилгача давом эттирилган матнни ўз ичига олади. Асарнинг араб тилидаги асли бизгача етиб келмаганидек, форсий таржима ҳам кейинги таҳрирчилар орқалигина мавжуддир. Чунончи, таржимон Абу Наср Аҳмад асардаги баъзи жойларни қисқартириб билан бирга, унга катта тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни киритган. Бунда у ўзидан олдинги ишончли манбалардан фойдаланган. Улардан бири IX аср муаллифи Абу-л-Ҳасан Абдуллаҳ ибн Муҳаммад Нишопурийнинг «Ҳазонн ал-улум» номли асаридир. Бундан ташқари, таржимон Абу Исҳоқ Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулийнинг «Ахбори Муканна» асаридан, Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» асаридан қўшимчалар келтирилган.

Таржимон Абу Наср Аҳмад ва ундан кейинги таҳрирчи, қайта ишловчилар ҳам «Тарихи Бухоро» матнига анчагина ўзгартиришлар киритган бўлсалар ҳам, аммо Наршахий номини муаллиф сифатида саклаб қолганлар. Масалан, асарда учрайдиган «бу китобнинг мусаннифи айтади» (Техрон нашри, 1939 й., 4-бет) деган таъкидлар буни яққол исботлайди. Лекин шунга қарамай, Наршахий ўз асарини тамомлаган





944 йилдан кейинги то 1220 йилгача бўлган воқеалар муаллифлари деб биз мазкур таржимон ва тахрирчиларни танимогимиз лозим.

Наршахийнинг ўзи, аслида, асарга қандай ном берганлиги маълум эмас. Шунинг учун у қўлёзма нусхаларда ва тарихий адабиётларда «Тарихи Наршахий», «Таҳқиқ ал-вилоят», «Ахбори Бухоро», «Тарихи Бухоро» номлари билан юритилади. Лекин улардан энг аниқроғи ва илмий адабиётда кўпроқ ишлатиладигани «Тарихи Бухоро»дир.


Наршахийнинг бу китобида асосан Бухоро воҳасининг обод бўлиши, овчилик, балиқчилик ва дехқончиликнинг касб этилиши, Нумижкат, Пойканд, Афшона, Варахша, Ромитон, Вардона каби қадимий қишлоқларнинг барпо бўлишидан тортиб, то Бухоро шаҳрининг қад кўтаришигача бўлган муҳим тарихий воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади. Китобда Марказий Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, ислом динининг тарқалиши, оташпарастлик ва у билан боғлиқ маданий ҳаётнинг инкирози, Муқанна – «ок кийимлилар» ҳаракати, сомониёлар давридаги давлат идораси, маданий қурилмалар борасида турли-туман қизиқарли маълумотлар келтирилган; Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига, айниқса, пул муносабатларига, хирож йиғиш тизимига оид маълумотлар бор. Наршахий «Бухоро тарихи»да ер-сув муносабатлари ҳақида сўзлар экан, қадимги заминдорларни «деҳқонлар», яъни «қишлоқ ҳокимлари», зироатчиларни «кашоварзлар», яъни «ер ҳайдовчи»лар, йирик ер эгаларига қарам қишлоқ аҳолисини «қадиварлар» номлари билан атайдди. VIII–X асрларда Бухорода ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, ҳар бир қишлоқ ўз маҳсулоти билан шуҳрат топган. Масалан, Зандана қишлоғида тўкиладиган ипак ва ип матолар «занданийча» номи билан бутун Шарққа машҳур бўлган. Бухоро шаҳрининг ўзида «Байт ат-тироз» номи тўқимачилик қорхонаси бўлиб, унинг маҳсулотлари Форс, Кермон, Ҳиндистон, Ироқ, Шом, Миср ва Рум каби ўлкаларга олиб борилган. Бухоро савдогарлари ниҳоятда бой табақа бўлиб, Наршахий уларни «қашқашон» деб атайдди. Савдо муносабатлари кенг ёйилганлиги сабабли Бухоро шаҳрига «Мадина ат-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деб лақаб берилган.

Китобда Бухоро воҳасини суғорувчи анҳорлар, обод қишлоқлар, работлар ва қўшқлар ҳақида маълумотлар бор. Бутун воҳа VIII–XII асрларда Кармана, Шопурком, Харқонат ул-Улё, Харқонруд, Овхитфар, Сомжон, Байқонруд, Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Қайфур, Руди Зар каби суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланган. Биргина Пойканд шаҳри атрофида мингдан ортиқ работ бўлган.

Бухоро воҳасини ташқи ҳужумлардан муҳофаа этиш мақсадида унинг барча дехқончилик музофотлари бир неча юз фарсахга чўзилган муҳофаа девори билан ўраб олинган. Бу девор 782–831 йиллар мобайнида қуриб битказилган ва у «Кампирак» номи билан машҳур бўлган.

Асарда Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Ўрта асрларда Бухоро арқининг «Дари Регистон» ва «Дари Ғўриён» номи икки дарвозаси бўлган. Унинг ичида «подшоҳлар, амирларнинг турар жойлари бўлиб, подшоҳлик девонлари ва подшоҳлар турадиган қаср қадимдан шу ерда жойлашган». 850 йилда Бухоро шаҳри янгидан девор билан ўраб олинган. Унинг еттита дарвозаси бўлган. Бухоро қадим замонларда, Нумижкат, Бумискат, Фоҳира, Мадина ат-суфрия, яъни «Мис шаҳар» номлари билан аталган.





Хулоса шуки, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китоби биргина Бухоро тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун кимматли тарихий асардир. Шу боис, Марказий Осиё халқларининг VII–XII асрлардаги тарихига бағишланган илмий тадқиқотларда Наршахий маълумотлари ва унинг ҳаммуаллифи, таржимони ва муҳаррири Абу Наср Аҳмад Кубовийнинг кўшимчалари XIX асрданок кенг фойдаланиб келинмоқда, асарнинг нусхалари дунё қўлёзмалар хазиначарида кўплаб учрайди. Биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида мазкур асарнинг 20 дан ортик нусхаси мавжуд. Асарнинг форсий матни бир неча бор – 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода (Когон), 1939 йили Мударрис Ризаний томонидан Техронда нашр қилинган. «Бухоро тарихи»нинг Н. Ликошин бажарган рус тилига таржимаси 1897 йили Тошкентда, Р. Фрайнинг илмий изоҳлар билан бойитилган инглизча таржимаси 1954 йили Кембрижда, Насруллох Тарозийнинг араб тилига илмий изоҳли таржимаси Мисрда чоп этилди. Бир неча қўлёзма ва нашрлар матни солиштирилиб, тафовутлар қайд этилган илмий изоҳли ўзбек тилидаги таржимаси 1966 йили А. Расулов ва А. Ўринбоевлар томонидан (тарихий шахсларга изоҳлар Д. Юсупованики) «Фан» нашриётида нашр қилинди. «Тарихи Бухоро»нинг матнини ва маълумотларини бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиб, ундаги маълумотларни манбашунослик ва матншунослик фани нуктаи назаридан таҳлил этиш ишлари хали давом этмоқда.


Асомиддин ЎРИНБОЕВ,
тарих фанлари доктори

ИМОМ АЛ-МОТУРИДИЙ (870–944)

Маълумки, юртимиздан азалдан кўплаб буюк алломалар етишиб чикканлар. Айниқса, ўрта асрларда (IX–XII) ўз кашфиётлари ва таълимотлари билан жумлаи жаҳонни лол қолдирган юзлаб улуғ алломалар самарали фаолият кўрсатганлар. Мана шундай машҳур сиймолар силсиласида калом илмининг асосчиларидан бири имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳаёт фалсафасини қарангки, айнан 870 йилда буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони имом ал-Бухорий ҳазратлари вафот топган йили азим Самарқанднинг Мотурид деган маҳалласида илоҳиёт илмининг бўлғуси ёрқин юлдузларидан бири имом Абу Мансур ал-Мотуридий дунёга келади. Имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий мероси, айниқса, ёшлик йиллари ҳақидаги муфассал бўлмаган мухтасар маълумотлар, асосан, ўрта аср муаллифлари ал-Хатиб ал-Бағдодий, Абдукарим Сааъд ас-Самъоний, Абу-л-Фидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубуға, Муҳитдин ал-Қураший, ал-Кафавий, Абу-л-Муъин ан-Насафий, Тошкўпризода ва Ҳожи Халифанинг асарларида келтирилган.

Алломанинг тўлик исми Муҳаммад ибн Махмуд Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлиб, Самарқанднинг Мотурид (баъзи манбаларда Мотурит) деб аталадиган маҳалласида туғилган. Унинг туғилган йили ҳақида ҳам манбаларда жуда





кам маълумотлар келтирилган бўлиб, аксар ҳолларда 236/870 йил қайд қилинган. Аллома 333/944 йилда вафот этиб, Самарқанднинг машҳур Чоқардиша қабристонига дафн этилгани аниқ кўрсатилган.

У дастлабки маълумотни отаси Муҳаммад ибн Махмуддан, сўнгра ўша даврда бошланғич мактаб ҳажмида билим берувчи Қуттобда олади. Ундан кейин Самарқанддаги Работи ғозиён масжиди қошидаги мадрасада таълим олганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Имом ал-Мотуридийнинг илоҳиёт илмларида ўз даврининг етук алломаси бўлиб етишишида устозларининг ҳиссаси катта бўлган. Унинг устозлари жумласидан ўз даврининг таниқли олимларидан Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳусайн ал-Ийодий, Абу Бақр Аҳмад ал-Жузжоний, Нусайр ибн Яхя ал-Балхий, Муҳаммад ибн Мукотил ар-Розийларни (у Рай шахрининг қозиси бўлган) кўрсатиш мумкин.


Имом ал-Мотуридийнинг шогирдлари ва издошлари кўп бўлиб, улардан Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил, Абу-л-Ҳасан Али ибн Саййид ар-Рустағфоний, Абу Муҳаммад Абу-л-Карим ибн Мусо ар-Паздавний, Абу-л-Лайс ас-Самарқандий, Абу-л-Ҳасан ал-Паздавний, Абу-л-Ўнср ал-Паздавний, Абу-л-Муъин ан-Насафий, Ас-Сафар ал-Бухорий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Ас-Сабуний ал-Бухорий, Умар ал-Ҳанафийларни зикр этиш мумкин.

Мотуридия таълимотининг тараккий этишига ҳиссаларини қўшган имом ал-Мотуридий шогирдларининг энг таниқлиларидан бири Абу-л-Муъин ан-Насафий бўлиб, у ўз асарларида, айниқса, «Табсират ал-адилла» («Далиллар тилга кирганда») номли таснифида имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти ҳақида кўп муҳим маълумотларни келтиради.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида ёзган тарихчилар унинг табаррук номини хилма-хил юксак ва шарафли лақаблар билан беэаб зикр қилганларки, эҳтимол, бутун мусулмон оламидан чиққан алломалардан бирортасига ҳам шу тарздаги фазилатли лақаблар насиб этмаган бўлса керак. Таниқли муаррих ал-Кафавий ва бошқа катор муаллифларнинг ёзишларича, имом ал-Мотуридий ўз замонасидаёқ «Қудват аҳл ас-сунна ва-л-ихтидо» («Суннат ва ҳидоят аҳлига нброт зот»), «Рофиъ аълом ал ас-сунна ва-л-жамоа» («Аҳли сунна ва-л-жамоанинг байроғини баланд кўтарувчиси»), «Қолий азалий ал-фитна ва-л-бидъат» («Хурофот ва бидъатга ботган уйдирмаларни илдири билан кўпоровчиси»), «Имом ал-мутакаллимийн» («Барча мутакаллимларнинг имоми»), «Мусахҳих акоид ал-муслимийн» («Барча мусулмонлар ақидаларининг тузатувчиси»), аш-Шайх ал-Имом каби юксак лақабларга сазовор бўлган аллома сифатида тан олинган. Бу зотнинг беназир салоҳиятини эътироф этган буюк мутафаккир Алишер Навоий хазратлари ҳам ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» номли машҳур асарига: «Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонининг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламоси аларни «Султон ал-муиззин» дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари била ораста эрмишлар», деб лутф қилган эдилар.

Бу ўринда таниқли тарихчи ат-Тамимийнинг ул зоти шариф ҳақида ёзганларига ҳам эътибор қилинг: «Имом ал-Мотуридий ўз замонасининг энг буюк алломаларидан бири сифатида тан олиниб, барча унинг илмию маърифатига иктидо қилиб, унинг таълимоти зиёсини кўзларига тўтиё сифатида суртганлар. Шу боис имом ал-Мотуридий нафақат унга хайрихоҳ кишилар, балки рақиблари наздида ҳам «Имом аҳл ас-сунна ва-л-жамоа», «Имом ал-ҳудо» («Рушди ҳидоятга бошловчи имом») де-





ган энг олий унвонга сазовор бўлиб, калом илмида ўзига хос бир мўъжиза сифатида доврўғи тилларда дoston бўлган».

Кези келганда айтиш керакки, сунний оқимида калом илмининг яна бир йирик намояндаси имом ал-Ашъарийдир ва унинг таълимоти ал-ашъария номи билан машхур. Бу иккала йирик аллома, бир даврда яшаган бўлсалар-да, адабиётларда улар бир-бирларини яқиндан билмаган деган фикр мавжуд. Уларнинг таълимотида сезиларли фарқлар ҳам бор. Чунончи, Мотуридий ўз таълимотини ханафия мазхабига асосланиб яратган бўлса, ал-Ашъарий шофийия мазхабига асосланган. Лекин иккала алломанинг ҳам асосий мақсади ягона, унга эришиш йўллари ҳам деярли муштарак бўлган. Имом ал-Мотуридий илгари сурган ақида ақл ва накл асосига, аникроғи, улар ўртасида қурилган.


Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом ва фикх илмлари соҳасидаги қарашлари унинг икки – «Китоб ат-Тавхийд» ва «Китоб таъвийлот аҳл ас-сунна» номли асарларида баён этилган. Бу борадаги муҳим маълумотлар алломанинг вафотидан кейин мотуридия таълимотига бағишланиб яратилган қатор асарларда ҳам ўз аксини топган.

Имом ал-Мотуридий яшаган давр – IX асрнинг иккинчи, X асрнинг биринчи ярми – том маънода исломий илмлар ва ислом маърифатининг турли соҳалари, жумладан, калом илми ҳам гуллаб-яшнаган, айтиш мумкинки, ушбу илмнинг олтин асри бўлган эди. Замон такозоси билан айни шу даврга келиб илм-фанда ҳурфикрлик алоҳида аҳамият касб этади. Олиму уламолар ўз қарашларидан келиб чиқиб, диний эътиқод ва унинг усуллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода қила бошлайдилар. Бу ҳол, ўз навбатида, турли-туман гуруҳлар ва фирқалар, уларнинг гарафдорларига ўз ақидаларини ошқора изҳор қилиш имкониятини ҳам яратади. Айнан шу асрларда Мовароуннаҳрда турли-туман диний гуруҳлар ва фирқалар пайдо бўлади. Улардан кенг тарқалганларидан бири муътазила оқими эди. Аслида, муътазила оқими калом илмидаги дастлабки йирик йўналиш сифатида VIII–IX асрларда араб халифалигининг диний-сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган. Ундан кейин пайдо бўлган қатор оқимлар – жаҳмийлар, қарамийлар, муржиълар ва бошқа тоифалар иймон-эътиқод ва билиш назариясидаги хато қарашларга эга эдилар. Бинобарин, имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ақлий далил ва исботларга таянган ҳолда ислом дини ақидасининг софлигини ҳимоя қилиш ва хидоят йўлидан адашган мазкур оқимларга қарши қураш алоҳида аҳамият касб этган.

Имом ал-Мотуридийнинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етиб қолади. Улардан фикх илми ва унинг усулига бағишланганлари қуйидагилардир: «Китоб ал-жадал» («Диалектика ҳақида китоб»), «Китоб моаҳаз аш-шарийа» («Шариат асослари манбан»).

Шу билан биргаликда, калом илмининг турли масалалари ва тўғри йўлдан адашган ҳар хил оқимларга раддиялар билдиришга бағишланган асарлар имом ал-Мотуридий ижодининг асосини ташкил қилади. Улардан «Китоб ат-тавхийд», «Китоб ал-мақолот», «Китоб радд аъло-л-қаромита», «Китоб баён ваҳм ал-муътазила», «Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Бохилий», «Китоб радд авонл ал-адиллат ли-л-Қаъбий», «Китоб ваъид ал-фуссоқ ли-л-Қаъбий», «Китоб радд таҳзийб ал-жадал ли-л-Қаъбий», «Китоб радд ал-имомат ли-баъз равофиз» қабиларни кўрсатиш мумкин. Ушбу асарлардан «Китоб ат-тавхийд» калом илмига оид энг





дастлабки асар ҳисобланиб, унда муътазила ва бошқа оқимларнинг нотўғри нуктан назарлари танкид остига олинган.

Имом ал-Мотуридийнинг бошқа бир йирик асари «Таъвилот аҳли ас-сунна» ёки «Таъвилот ал-Қуръон» деб аталади. Мазкур асарнинг илмий ва амалий аҳамияти жуда катта бўлиб, у аҳли сунна уламолари томонидан Қуръони каримни шарҳлаш (таъвил) бўйича қилинган дастлабки жиддий уриниш бўлиб, бу шарҳ, ақл ва нақл нуктан назаридан амалга оширилганлиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, Қуръони карим имом ал-Мотуридийнинг калом илмига онд таълимотлари нуктан назаридан туриб тафсир қилинган.

Юқорида баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, имом ал-Мотуридийнинг бизгача етиб келган икки йирик асари – «Китоб ат-тавҳид» ва «Таъвилот аҳли ас-сунна» буюк аллома меросида алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур асарларда ислом динининг фалсафасини ташкил этувчи калом илмининг турли масалаларида ибратли фикрлар илгари сурилган, ҳақиқатдан алашган фиркалар илмий нуктан назардан танкид қилинган.


Имом ал-Мотуридий фикрича, инсонларнинг ёмон хулқли ишлари, гуноҳлари Аллоҳ таолонинг иродаси билан (чунки Аллоҳ шу ишларни тақдир қилган), лекин унинг розилигисиз амалга оширилади. Аллоҳ таоло инсонларга ўз эркини қўлига берган ҳолда яратган, яъни унинг ҳаракатлари азалдан тақдир этиб қўйилган бўлсада, инсоннинг баъзи ишларга соҳиб ихтиёрлигини ҳам бергандир. Бу ишларни имом ал-Мотуридий «афъоли ихтиёрий, яъни инсонда ирода эркинлиги мавжуд» деб атайдди. Имом ал-Мотуридий ҳазратларининг бундан ўн бир аср мукаддам айтган бу ажойиб фикри бугунги кунда ҳам ғоятда долзарб бўлиб, инсон ақл-заковати ва тафаккурининг имкониятлари чексиз, унинг ўз хатти-ҳаракатлари учун эса жавобгар эканлигига ишоратдир. Аллома фаолиятида, юқорида айтилганидек, муборак ислом динимизнинг ҳаётбахш мазмун-моҳиятини равшан талқин қилиш, турли бидъат ва хурофотларга ботган гуруҳ ва тоифаларга қарши кураш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуктан назардан ҳам имом ал-Мотуридий илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам ғоятда долзарб бўлиб, нафақат илмий, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга.

Имом ал-Мотуридийнинг ўзига хос таълимотини ўрганиш учун олимларимиз олдидан катта имкониятлар мавжуд. Чунончи, алломанинг асосий асарлари қўлёзмалари ва уларга ёзилган баъзи шарҳлар нафақат Миср, Туркия, Ҳиндистон, Англия каби мамлакатларда, балки республикамиздаги қўлёзмалар хазинасида ҳам сақланади. Мавриди келганда зўр мамнуният билан айтиш керакки, имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва меросини илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиб, кенг халқ оmmasига етказишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга молик ҳужжат бўлди.

Алломанинг жасорати

Буюк мутакаллим имом ал-Мотуридий яшаган даврда, ундан олдин ислом назариясини ташкил қилган калом илми, унга муносабат қандай бўлгани ҳақидаги масалалар кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта. Шу боис қуйида ана шу мавзу ҳуеусида фикр юритамиз.





Имом ал-Мотуридийнинг залолатнинг ҳар қандай кўринишларидан йирик, му- сулмонлар орасида соғлом исломий тафаккурни тарғиб қилиш борасидаги саъй- ҳаракатлари ҳамда унинг барҳаёт таълимотлари мазмун-моҳиятини тўлиқ идрок қилиш учун аллома яшаган даврдаги мавжуд диний-маънавий муҳитни яхши тасав- вур қилиш керак, зеро, ўша даврда ислом дунёсининг қатор ўлкаларида диний мутаас- сиблар ва бузғунчи гуруҳларнинг хатти-ҳаракатларидан азият чекиб, иймон-эътикод масаласидаги нотўғри талқинлар ва чалқашликлардан мусулмонлар жиддий муаммо- ларга дуч келган эдилар. VIII асрдан эътиборан ислом динида пайдо бўла бошлаган турли тоифа ва гуруҳларнинг сони имом ал-Мотуридий яшаган IX асрнинг охири ва X асрнинг биринчи ярмига келиб янада кўпайди, бу ҳол иймон-эътикод масалаларида қатта ихтилофлар ва парокандаликнинг ғоятда кучайишига олиб келди. Мана шун- дай гуруҳлардан бири муътазилийлар бўлиб, улар ақидавий масалаларни шарҳлашда ҳам, ўз ғоявий ракибларига қарши курашда ҳам тор, бир томонлама фикрларга, фақат ақлга таяниб иш тутдилар. Муътазилийлар ўзларининг бу маслақларига ҳаддан ортик ёпишиб олиб, ҳатто жамиятда юзага келган масалалар бўйича муқаддас манбаларда очик-ойдин келтирилган кўрсатмаларни ҳам ўз фикр-мулоҳазаларига мослаштириб талқин қила бошладилар. Муътазилийларнинг намояндаларидан баъзилари шу дара- жага бориб етдики, айрим саҳобалар ва тобиъийлар томонидан айтилган ҳадислар, бордию уларнинг усулларига тўғри келмаса, бундай ҳадисларни нотўғри, дейишдан ҳам тап тортмадилар. Айрим олимларнинг қайд қилишларича, муътазилийларнинг фикрига кўра, ҳақ ва ботилни ажратадиган яққаю ягона мезон ақлга таяниш бўлиб қолган. Иймон-эътикоднинг айрим масалаларида ҳам муътазилийлар нотўғри йўл тутдилар. Бу фикримизнинг исботи учун атиги бир масалани, айтайлик, гуноҳи азим- ни содир қилган мусулмонга муносабат масаласини олиб кўрайлик.

Маълумки, исломий бир тоифа вакиллари бўлмиш хаворижлар, гуноҳи қабира- ни содир қилган мусулмон кишини мусулмончиликдан чиқиб, кофир бўлади, деган бўлсалар, бошқа бир тоифа – муржиъалар эса бундай киши, агар қалбида Аллоҳ бўлса, мусулмон бўлиб қолаверадими-ю, аммо қилган қилмишига яраша жазосини ола- ди, деган ғояни илгари сурганлар. Айни шу масалада муътазилийлар хаворижлар ва муржиъалар қарашларидан фарқли ўларок, ўрталик (тавассут) нуқтаи назарини қўллаб-қувватладилар. Бунинг маъноси шуки, гуноҳи азимни содир қилган киши мусулмон ҳам эмас, кофир ҳам бўлмай, балки икковининг ўртаси – аросатда (араб- ча манзила байна-л-манзилатайн) қолиб, гарчанд гуноҳқор қалбида иймонни тасдиқ қилиб, тилида иқрор бўлса ва солиҳ ишларни кўп қилган бўлса-да, жаҳаннам олови- да азоб чекиши ҳукмини чиқарганлар.

Муътазилийларнинг гарчанд ниятлари пок, мақсадлари ҳолис бўлгани билан улар ақл билан нақл ўртасида ёки бошқача айтганда, дин билан фалсафа ўртасидаги мўътадил уйғунликка эриша олмаганлар. Аксинча, улар аксар масалаларда фақат ақлга таяниб иш тутиб, юнон фалсафасига ёпишиб олдилар. Ҳатто Куръони карим оятларини идрок этишда бошқаларнинг (ғайридинларнинг) қарашларига эргашиб, айрим ҳолларда нафақат Куръон оятларига ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига, балки оддий соғлом фикрга хилоф бўлган ғояларни илгари сурдилар, муқаддас ман- балардан фалсафага оид асарларни афзал кўриб, охир-оқибатда, бу асарларни ўз ақидаларининг ишончли манбаи сифатида қабул қилдилар. Қалом илмига оид бошқа қатор масалаларда ҳам муътазилийлар шу тарзда бир томонлама йўл тутдилар.






Муътазилийлардан аввал ўтган (салаф) уламолар – факихлар ва мухаддисларга келсак, улар ҳам акидавий масалаларнинг нозик жихатлари хусусида чуқур баҳсу мунозаралар юритишни рад қилгандилар. Уларнинг фикрича, гўё иймон-этикод масалаларида бахслашиб, мунозара юритиш динни тафрика ва ажратишга олиб келармиш.

Ислом дини сунний йўналишидаги учта мазҳабнинг асосчилари бўлмиш имом Молик ибн Анас, имом аш-Шофиъий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбаллар, манбаларда ёзилишича, калом илмини умуман тан олмай, бу илм билан шуғулланган олимлар-мутакаллимларни, имкон кадрича бадном қилган эканлар. Ҳатто имом Молик: «Бизнинг юртимиздаги мусулмонлар динда калом илмини рад қилганлар», «аҳл ал-калом аҳл ал-бидъатдир», дея гапнинг пўсткалласини айтиб кўяқолган. Имом аш-Шофиъий эса: «Одамлар агар калом илмида канчалик кўп ҳавойи гаплар борлигини билганларида эди, ундан гўё даҳшатли шердан кўркиб кочгандек тиракайлаб кочардилар», деб бу илмга ўз муносабатини билдирган.

Бизнинг диёримизда кенг тарқалган ханафий мазҳабининг асосчиси имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг калом илмига муносабати ҳақида гап кетганда, манбаларда бир-бирига зид икки хил фикр келтирилади. Улардан бирига кўра, имом Абу Ҳанифа калом илми билан бир қадар шуғулланган ва бу соҳага оид масалаларни шарҳлаб, баъзи рисоалар ҳам тасниф этган. Шунингдек, ёзма манбаларда келтирилишича, у Басрага келган пайтида бу шаҳарда куртак отган эetikодда ҳидоят йўлидан адашган турли фирка ва гуруҳларга қарши кескин кураш ҳам олиб борган. Мана шу далиллар Абу Ҳанифа ҳазратларини сунний калом илмининг дастлабки намояндаларидан бири, дейишимизга етарли асос бўлади. Аммо иккинчи фикрга кўра, имом Абу Ҳанифа жаноблари калом илмидан батамом узок бир олим сифатида гавдаланади. Аслини олганда ҳам, Абу Ҳанифа ҳазратлари фикх (ислом қонуншунослиги) илмининг беназир алломаси сифатида жумлан жаҳонга донғи кетган. Балки шунинг таъсириданми, у калом илми билан астойдил шуғулланмаган. Бу ҳақда у: «Қанча билимга ва салоҳиятга эга бўлганларига қарамай, саҳобаю киромлар ва тобиъийлар калом илми билан жиддий равишда шуғулланмаганлар ва бошқаларни ҳам бу йўлдан қайтарганлар. Улар бу илмдан фақат шарнат аҳкомлари ва фикхий масалаларни билишда ва одамларга таълим беришдагина фойдаланганлар, холос», деган. Таникли тарихчи Тошкўпризода ўзининг «Мифтоф ас-саодат» («Саодат қалити») номли асариде ёзишича, Абу Ҳанифа ҳазратлари ҳатто ўғли Ҳаммода илм ал-калом билан шуғулланишни ман қилган эканлар.

Мана шундай мураккаб шароитда калом илмининг йирик намояндаси сифатида имом ал-Мотуридий етишиб чиқиб, вужудга келган қалтис вазиятни тузатиш масалалари билан шуғулланди. Мусулмонлар ўртасида турли-туман нифоқу ихтилофлар содир бўлиб, улар ўзаро келишмаган ҳар хил гуруҳларга бўлиниб, бирликларига путур етган, танг бир диний-маънавий вазият вужудга келган эди. Ана шундай оғир найтда имом ал-Мотуридий ҳазратлари эътирозга ўрин қолдирмайдиган аклий ва наклий далилларга таяниб, ислом аҳли акидасини соғлом фикрга, рушди ҳидоятга ва дини исломнинг асл мазмун-моҳиятига мос келадиган мустақил йўлга бошлади. Ўзининг улуғвор, ҳаётбахш таълимотлари билан миллионлаб мусулмон аҳли акидасини бир-бирига зид бўлган бузғунчи, фосиқ ғоялардан саклаб қолди. Шу бонсдан бўлса керак, буюк ватандошимиз акидавий масалалардаги беназир хизматлари учун, эҳтимол,





жахоннинг биронта ҳам алломасига насиб этмаган «Муслмонлар акидасининг тузатувчиси» («Мусаххих акоид ал-муслимийн»), «Хурофот ва бидъатга асосланган уйдирмаларни илдизи билан кўпорувчи» («Қолиъ азолийн ал-фитна ва-л-бидъат») деган ўта шарафли лақабларга сазовор бўлган алломадир. Аслида, имом ал-Мотуридий таянган асосий манба бу Қуръони каримнинг чуқур маъноли ёрқин оятларидир.

Аллома турли хил акидавий масалаларни мана шу кенг камровли қуръоний аҳкомларни ақлий далиллар билан уйғунлаштирган ҳолда талкин қилади, зарур ҳолларда ўз ғоявий муҳолифларига кескин ва асосли раддиялар билан жавоб қайтаради. Ўша замонларда муслмонлар ўртасидаги катта ихтилоф иймон ва амал масаласида келиб чиққан эди. Айнан шу масалада шиалар, хаворижлар, муътазилийлар, муржиъа, қарромийлар ва бошқа тоифалар ўртасида бир-бирига зид фикрлар пайдо бўлди. Чунончи, салаф (аввал ўтган) олиму уламолар амални иймон тушунчасига киритган, бундан мақсад аҳли исломни гўзал ахлоқ ва фазилатли ишларга ундаб, уларни ҳар қандай номарғуб ва қабих ишлардан муҳофаза қилиб асраш эди. Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбарлик макоми билан юборилишидан ҳам кўзда тутилган мақсад ва яккаю ягона муддао инсоният жамиятини акидавий ва ҳаётий масалалардаги ҳар қандай иллатлардан тоза-покиза ҳолда саклаш эди. Шунингдек, Расулulloх ҳазратлари бани башарнинг қалбларини дилларини ҳар қандай бузғунчи, фосид акидалар ва ярамас фикрлардан покиза тутишга даъват қилдилар, савоб, ҳосиятли ва барокатли ишларга қорладилар. Иймон, ислом нуктаи назаридан қаралганда, ҳар томонлама афзал ҳаёт учун узлуксиз тараққиёт йўлида, инсон ва жамият бахту саодати йўлида заррача беғамлик ва танбалликка йўл қўймасдан қилинган тинимсиз меҳнатдир. Амал қилинмаган иймонни, ислом назарида, мевасиз дарахт, руҳсиз жисм билан тенглаштириш мумкин. Бу фикрлар шундай азалий ҳақиқатки, исломнинг асл руҳини тушунган бирор кимса уни инкор эта олмайди. Инсоннинг иймони ҳақида яна бир қанча фикрлар борки, улардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Улардан бири шуки, мўмин кишининг иймони қанча қучли бўлмасин, у ҳар доим ҳам гуноҳлардан батамом холис бўлиш даражасига етишга қодир эмас, чунончи, баъзан ундан шахвоний хирслар устун келади, баъзан эса жаҳли чиқиб дарғазаб бўлганда ўзини тута олмайди, баъзида ортиқча эҳтиросларга берилиш ҳам инсон оёғини тойдиради. Шулар сабаб бўлиб, гуноҳ ишларни қилиб қўйганини ўзи сезмай ҳам қолади. Ахир «беайб Парвардигор» деган азалий ҳикмат ҳам бежизга айтилмаган-да! Бинобарин, мана шу бир лаҳзада мўмин киши иймондан чиқиб қуфрга қиради, дейиш дурустми? Мантиқан тўғрими? Бутун умри давомида намоз ўқиб рўза тутгани, ҳаж ва шариатнинг бошқа арконларини бардавом адо этганию қилган инъом-эхсонлари, амалга оширган хайрли ва эзгу ишларининг ҳаммаси беиз бўлиб ўчиб кетадими? Мана шу боисдан ҳам саҳобаю тобиъийлар гуноҳи азимни содир қилган мўминни кофир деб эълон қилмаганлар ва унинг тақдирини Аллоҳ таолонинг иродаю хоҳишига ташлаганлар. Хорижийлар эса бу масалада ҳар қандай мантиқдан чиқиб кетиб, нафақат гуноҳи азимни, балки гуноҳи сағийрни (кичик гуноҳ) содир қилган мўминни ҳам кофир деб эълон қилганлар. Ўша даврда мавжуд бўлган бошқа тоифалар – жаҳмийлар, қарромийлар, муътазилийлар ҳам бу масалада ўзига хос қарашларга эга эдилар.

Имом Абу Ҳанифа ҳазратлари ҳам бу мавзунини ҳар томонлама чуқур ўрганганлар. Натижада, шу ҳулосага келганларки, гуноҳи азимни содир қилган мўмин осий (гуноҳкор) мўминдир ва бу осийлиги эвазига, албатта, у тегишли жазосини ола-





ди. Иймон-эътикоди ва килган эзгу, хайрли ишлари учун унинг афв этилиши ҳам мантикан тўғри бўлади. Унинг қисматию тақдири Аллох таолонинг ҳукмига ҳавола бўлиб, Аллох хоҳласа, гуноҳига яраша уни азоблайди, хоҳласа, уни афв этиб, гуноҳидан мағфират тутади. Муътадил фикрловчи олиму уламолар бу ҳолни обдон ўрганиб, салафларнинг ақидасига мувофиқлиги учун ҳам тўғри деб ҳисобладилар. Абу Ҳанифанинг фикрларини кўллаб-қувватловчи бу хулосаларни асослаш учун имом ал-Мотуридий хилма-хил ақлий ва нақлий далиллар келтирди. Уларга кўра, ҳақиқий, чинакам иймон калб билан тасдиқ бўлиши лозим. Бундай тасдиқсиз на маърифат, на нутқнинг бўлиши мумкин, шаръий аҳкомларни ижро қилиш учун иқрор бўлиши шарт бўлгани каби иймоннинг комил бўлиши учун амал ҳам шартдир, деган ғояни илгари сурди аллома. Шунга биноан, гуноҳи азимни содир қилган мўмин иймондан ҳам чиқмайди, кофир ҳам ҳисобланмайди. Ёинки муътазилийлар ҳисоблаганларидек, иймон ва куфр ўртасидаги аросатда ҳам бўлмайди.

Шунингдек, имом ал-Мотуридий мусулмони комил ҳақида ҳам ўз фикрларини билдириб, мусулмони комил киши иймон-эътикодли бўлиб, бардавом солих ишлар билан шуғулланса, ҳар хил ёмон ишлардан ўзини тийиб, шариаат ҳалол билган нарсани ҳалол, шариаат ҳаром ҳисоблаган нарсани ҳаром деб билган, ўзини батамом рабби ихтиёрига топширган киши бўлиши кераклигини талқин қилган. Айни шу тарздаги фикрларни калом илмининг буюк алломаларидан бири – ашъария мактабининг асосчиси имом ал-Ашъарий ҳам илгари сурган.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан аён бўлаётирки, имом ал-Мотуридий бир томонлама фикр юритиб, залолат йўлларига кириб кетган турли гуруҳларни, ҳато қарашларни қиёсий равишда чуқур ўрганиб, улардан мантикий, адолатли хулосаларни чиқарди ва ўзига ҳос мактабга асос солди, ўзининг тўғри, илмий қарашларини суннийлар ақидасига сингдирди. Имом ал-Мотуридийнинг ўлмас таълимоти дастлаб Мовароуннаҳрда, сўнгра Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа қўшни юртларда ҳам кенг кўламда тарқалди. Миллионлаб мусулмонлар калбига муборак ислом динининг ҳаётбахш ғояларини сингдиришда буюк ватандошимиз имом ал-Мотуридий ҳазратлари ва у асос солган мотуридия мактабига мансуб алломаларнинг хизматлари бениҳоя каттадир.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг таълимоти ҳақида

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ёзган тарихчилар, афсуски, ўз асарларида унинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотларни келтирганлар. Алломанинг ҳаёти ҳақида ҳозирча юқорида баён этилган маълумотларгагина эгамиз. Айни вақтда унинг таълимоти ҳақида кейинги асрларда яшаган олиму уламолар томонидан кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилганлигини катта мамнуният билан қайд этиш лозим.

Буюк ватандошимиз, энг аввало, калом илми соҳасида том маънода тарихий ишлар қилган бўлиб, ўзига ҳос мактаб яратган ва бу мактаб унинг табаррук номи билан мотуридия мактаби (йўналиши) деб аталади.

Калом илмига таъриф берадиган бўлсак, бу илм диний ақидалар ва уларниинг усулларини ақлий далиллар ва исботлар асосида талқин қилиб, улардаги ҳар қандай






шубхали, бир томонлама карашларга барҳам берадиган илм ҳисобланади. Калом илми билан шуғулланадиган олимлар эса мутакаллимлар дейилади.

Аввал кайд этганимиздек, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган даврда исломий илмлар ва ғоялар гуркираб тараққий қилган бўлиб, бу илм таркибий қисмларидан бирини ташкил қиладиган калом илми ҳам ўз тараққиёт босқичининг айни гуллаган даврига кирган эди. Айни вақтда барча илмлар қатори исломий илмларда ҳам хурфиқрлилик кенг ёйилиб, ўз нуқтаи назари ва қарашларини далил ва исботларга таяниб эмин-эркин ифода қилиш тенденцияси кучаяди. Бу ҳол, ўз навбатида, жаҳмийлар, қаромитлар, рофизийлар, муржийлар, қарромийлар ва бошқа ҳидоят йўлидан адашган оқим ва гуруҳларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келганди. Айниқса, бундан анча олдин пайдо бўлиб, кўпчилик ўлкалар каби Мовароуннаҳрни ҳам қамраб олган муътазила оқимининг ҳато қарашлари жамият аъзолари ўртасида хилма-хил зиддиятлар ва ихтилофларга сабаб бўларди.

Мана шундай шароитда аҳли сунна ва-л-жамоа (суннийлар) таълимотининг ғоялари ажойиб ютуқларга эришди. Тўққизинчи асрнинг охирида сунний йўналишдаги имом Абу Мансур ал-Мотуридий Самарқандда, имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий Бағдодда ва имом Абу Жаъфар ат-Таҳовий Мисрда муътазила оқими тарафдорларининг асосий қуроли бўлиб келган ақл-идроққа асосланган ҳолда аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилиб чиқдилар. Улар ўз нуқтаи назар ва қарашларини асослаш учун, энг аввало, ақлий далил ва исботларга таяниб, улкан ютуқларга эришдилар. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий шу жараёнда, яъни сунний оқимидаги ханафия мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари таълимотининг нафакат толмас давомчиси, балки сунний йўналишдаги калом илмининг асосчиси сифатида шуҳрат қозонган. У, агар таъбир жоиз бўлса, ақл-идроқ воситасида аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасининг ғалабасига эришган буюк алломадир. Мавриди келганда айтиш керакки, имом ал-Мотуридийгача калом илми фақат нақл (ривоят, ахборот)га таяниб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Имом ал-Мотуридий илгари сурган калом илмини кузатар эканмиз, у, асосан, иккита асосий манбага: ақл ва нақлга таяниб иш тутганини, агар фикримизни аниқроқ айтадиган бўлсак, у ўз назариясини мана шу икки манба ўрталигида (тавассут) яратганини кўрамиз. Бинобарин, муборак ислом динимиз таълимотида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлиш ғояси илгари сурилган. Бу ўринда Куръони қаримнинг «Бақара» сураси 143-оятдаги «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), Сизларни ўрта (адолатли) бир миллат қилдик», деган ибораларни келтириш ўринлидир. Халқ ўртасида кенг тарқалган «хайру-л-умур авсотуҳо» («ҳар бир ишнинг ўртачаси яхши») деган Пайгамбаримиз (с.а.в.)га мансуб азалий ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмидаги бу ғоялари, таъкидлаганимиздек, унинг бизгача етиб келган икки йирик асаридан – «Китоб ат-тавҳид» ва «Таъвилот аҳли ас-сунна»да батафсил баён қилинган. Юқорида номлари келтирилган икки асаридан ташқари, имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ўша даврда фаолият кўрсатиб, диннинг асл мазмун-моҳиятини нотўғри талқин қилиб, эътиқод, билиш (маърифат) масалаларида чалқаш ва ҳато қарашларга эга бўлган турли оқим ва гуруҳларга қарши раддиялар билдириш асосий ўринни эгаллайди. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридий ўз рақиблири билан мунозара қилиб, уларга раддия берганда, ҳар доим исломий одоб-ахлоққа оғишмай





риоя қилган ҳолда ғоятда андиша ва камтаринлик билан, айни вақтда ўз нуктаи назарини собиткадамлик ва катъият билан изчил ҳимоя қилган тарзда олиб борган.

Тавассут (ўртасида бўлиш) ғояларини амалга ошириш учун ақл аҳкомларини ҳам, нақл-ривоятларини ҳам мукаммал билиш талаб қилинган. Имом ал-Мотуридий мана шу талабларга тўлиқ жавоб берган, ақл ва нақлга асосланган ўз карашларини доимо адолат юзасидан баён қилган, ўзи илгари сурган ғояларга мана шу мезондан ёндашиб, фикрий (ғоявий) мустақилликка ҳам алоҳида эътибор берган, бирор-бир тоифа ёки оқимга оғиб кетиш ёки оз бўлса-да, мутаассиблик изҳор қилиш каби иллатлардан узоқ бўлган.

Билиш назарияси калом илми билан шуғулланган олимларнинг ҳар доим ҳам диққат-эътиборида бўлган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала билан илмий асосда жиддий шуғулланган камдан-кам олимлардан бири Абу Мансур ал-Мотуридийдир. Унинг қаламига мансуб иккала йирик асар – «Китоб ат-тавҳид» ва «Таъвилот аҳли ас-сунна» ҳам дастлабки қисмлариданок билиш назариясига бағишланган. Айниқса, буюк алломанинг «Китоб ат-тавҳид» асари калом илмидаги билиш назариясига бағишланган энг дастлабки манба бўлиб, олим ушбу масалани ғоятда нафис услубда ифода этади. Имом ал-Мотуридий таълимотига кўра, билишнинг учта асосий манбаи бор: ҳиссий (сезги) аъзолар воситасида, нақл-ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида. Имом ал-Мотуридийнинг билиш назариясида ақл-идрокнинг алоҳида ўрни бор.

Алломанинг маънавий мероси билан танишар эканмиз, унда ҳаётний масалалар ҳам мукаммал суратда ўз аксини топганини кўрамиз. Жумладан, инсон ўз ҳаёти давомида турли хил имтиҳонлар ва синовларга дуч келиши табиий эканлиги, айни вақтда, инсон ўз ақл-заковати ва ҳидоят йўлига амал қилиши орқали ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш имкониятига эга эканлиги ҳам таъкидланган.


Имом ал-Мотуридийнинг ижодида, айниқса, унинг билиш назариясига онд таълимоти муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Аллоҳнинг зоту сифатлари, унинг қаломни Қуръони каримни чуқур идрок этиш, оламнинг яратилиши, Аллоҳ ва инсон ўртасидаги муносабатлар, инсон фаолиятини белгиловчи омиллар каби масалалар тўғрисидаги ўзига хос таълимоти аниқ далиллар ва исботларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Имом ал-Мотуридий фаолиятида муборак ислом динининг ҳаётбахш ғоялари софлиги учун фидойиллик, эътиқодий масалаларни бир томонлама ва хато талқин қилишга, залолатга ботган ҳар хил тоифалар ва оқимларга қарши кураш, Қуръони карим ва ҳадиси шарифга таянган ҳолда асосли раддиялар бериш салмоқли ўринни эгаллайди. Шу бонсдан, алломанинг ўлмас таълимоти бугунги кун учун ҳам катта амалий аҳамият касб этиб, ҳидоят йўлидан адашган баъзи бузғунчи гуруҳларни фош этишда асқатиши шубҳасиздир.

Имом ал-Мотуридий таълимотига доир муҳим манба

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, асосан, ўз она юрти Самарқандда кечди. Ўрта асрларда яшаб ўтган кўплаб алломалардан фарқли ўларок, имом ал-Мотуридий хорижий юртларга сафар қилмаган. Эҳтимол, шу боис унинг





таълимоти, хусусан, калом илми соҳасидаги таълимоти ҳам аллома яшаган даврда бошқа ўлкаларга кенг кўламда тарқалмади. Муқояса учун айтадиган бўлсак, калом илмининг йирик дарғаларидан яна бири – ашъария мактабининг асосчиси имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий Бағдодда яшаб фаолият кўрсатганлиги туфайли унинг номи ҳам, таълимоти ҳам олим яшаган даврдан эътиборан Шарқда яхши маълум бўлган.

Ҳатто библиографик тарздаги асарларда ҳам имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва унинг илмий мероси ҳақида жуда кам маълумотларни учратиш мумкин.

Мисол тариқасида айтишимиз мумкинки, ислом фалсафаси ва диний ақидалар тарихи бўйича таникли араб олими Абу-л-Фатҳ Муҳаммад аш-Шахрастоний (1076–1153) ўзининг «Ал-Милал ва-н-нихал» («Динлар ва тоифалар») номли йирик асарида, ҳатто мотуридия мактаби ҳақида эслатиб ҳам ўтмаган.

Абу Мансур ал-Мотуридийга замондош бошқа олимлар ҳам, унинг таълимоти аҳамият жиҳатидан ал-Ашъарийнинг таълимотидан кам бўлмаса-да, афсуски, унга деярли эътибор бермаганлар. Шу боис ҳам, мотуридия дастлаб ҳудудий жиҳатдан фақат Мовароуннаҳрда, асосан, Самарқандда тарқалган.

Имом ал-Мотуридий таълимотининг дунё микёсида, айниқса, мусулмон оламида кенг кўламда тарқалишида унинг шогирдлари ва издошларининг хиссаси катта бўлди. Аллома таълимотининг бутун мазмун-моҳиятини муфассал шарҳлаб, унинг том маънода муҳим бир таълимот сифатида эътироф этилишида улкан хизмат кўрсатган олимлардан бири, шубҳасиз, Абу-л-Муъин ан-Насафийдир (1027–1114). Ўз устози Абу Мансур ал-Мотуридий вафотидан саксон йил кейин дунёга келган ан-Насафий ўзининг «Табсират ал-адилла», «Баҳр ал-калом» ва «Китоб ат-тамҳийд ли-кавоъид ат-тавҳийд» номли асарларида имом ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимотини ҳар томонлама асослаган ҳолда баён қилиб, илмий далилларга таянган ҳолда унинг бутун моҳиятини муфассал равишда шарҳлади.

Ушбу қисмда ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» («Далиллар тилга кирганда») номли муҳим асари ҳақида бир қадар кенгрок маълумот берамиз.

Илмий адабиётларда қисқача «Табсират ал-адилла» номи билан машҳур бўлган бу асар тўлиғича «Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъло тарийқат ал-имом Аби Мансур ал-Мотуридий» («Дин усулларини имом Абу Мансур ал-Мотуридий тариқатига биноан далиллар билан шарҳлаш») деб аталади. Асар номидан ҳам кўриниб турганидек, унинг бутун мазмун-моҳияти имом Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотини далилларга таянган ҳолда шарҳлашга бағишланган.

Маълумки, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмига бағишланган асосий асарларидан бири «Китоб ат-тавҳид» («Якка худолик ҳақида китоб») бўлиб, бу асар 1970 йилда Байрутда араб олими Фатхуллох Хулайф томонидан замонавий тарзда нашр этилган. Ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асари имом ал-Мотуридийнинг «Ат-Тавҳид» асарида кейин мотуридия таълимоти бўйича яратилган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Калом илмининг баъзи масалаларини батафсил ёритилгани ва услубининг оддийлиги жиҳатидан «Табсират ал-адилла» баъзи олимлар томонидан, ҳатто «Китоб ат-тавҳид»га қараганда ҳам юқори баҳоланган. Бинобарин, комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ушбу асарида бошқа бирорта ҳам асарда имом ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимоти шунчалик даражада мукаммал ўз талқинини топмаган. Шу бонсдан



бўлса керак, илм аҳли ўртасида Абу-л-Муъин ан-Насафий оддийгина «Соҳиб ат-Табсира» («Ат-Табсира»нинг муаллифи») лақаби билан ҳам машҳур бўлган.

Ан-Насафий яшаган ўн биринчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн иккинчи асрнинг бошларида калом илми ўзининг юксак чўкисига кўтарилди. Шу боисдан ҳам, «Ат-Табсира»да калом илмида мустақил мактаб яратган имом ал-Мотуридий ва имом ал-Ашъарийнинг бу илм соҳасидаги назариялари билан бир каторда бошқа кўплаб мутакаллимларнинг фикр-мулоҳазалари, уларнинг хилма-хил қарашлари ҳам атроф-лича таҳлил қилиниб, илмий жиҳатдан тегишли баҳосини олган. Айниқса, асарда ан-Насафий яшаган даврда ҳам қисман мавжуд бўлган муътазила оқимининг вакиллари билан кескин баҳсу мунозаралар, уларнинг хато қарашларига далиллар билан исботланган раддиялар келтирилади. Шунингдек, асарда ўша пайтда ислом динида кенг тарқалган турли-туман фиркалар ва тоифалар ҳамда ғайриисломий гуруҳларга ҳам кескин жавоблар баён қилинади. Энг муҳими, муаллиф калом илми соҳасидаги бу йирик асарда мотуридия, ашъария ва муътазила оқимлари ўртасидаги асосий фарқларни далилларга таянган ҳолда алоҳида ажратиб кўрсатади.

Ҳажм жиҳатидан ғоятда катта (асар минг саҳифадан ортик) бўлган бу қимматли манба араб тилини ўрганиш бўйича Француз илмий институти томонидан Суриянинг пойтахти Дамашқда икки жилдда (биринчи жилди 1990 йилда, иккинчи жилди 1993 йилда) нашр этилган. Энг аввало, ушбу нашрни ўта синчковлик билан амалга оширган тадқиқотчи Клауди Саломанинг улкан хизматини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунончи, тадқиқотчи асарнинг ўз тасарруфида бўлган тўртта қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиб, улардаги кўплан-кўп фарқларни алоҳида кўрсатган, бир сўз билан айтганда, том маънода, бениҳоя машаққатли ишни бажарган. Қўлёзмаларнинг биринчиси Мисрнинг Искандария шаҳридаги кутубхонада мавжуд бўлиб (779 Б рақамли), у 209 саҳифадан иборат. Насх хатида ёзилган ушбу қўлёзма 659/1269 санада Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исмли хаттот томонидан Бухорода кўчирилган бўлиб, китоб муқаддимасида ёзилишича, «Ат-Табсира»нинг энг қадимий қўлёзма нусхаси ҳисобланади.

Иккинчи қўлёзма ҳам Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб-ал-мисриййа»да сақланиб, у 490 варақдан иборат ва йирик насх хатида кўчирилган. Афсуски, ушбу қўлёзма кўчирилган йил ҳам, уни кўчирган хаттотнинг исми шарифи ҳам кўрсатилмаган. Афтидан, бу қўлёзма юқорида зикр қилганимиз биринчи қўлёзмадан кўчирилган, чунки иккала қўлёзмада айнан бир хилдаги хато ва нуксонлар кўзга ташланади.

Нашр учун фойдаланилган учинчи нусха эса Қоҳирадаги машҳур ал-Азхар университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадир. У 1106 (301) рақами остида бўлиб, 383 саҳифадан иборат. Насх хатида ёзилган ушбу қўлёзма 1129/1717 санада кўчирилганлиги ҳақида унинг охириги саҳифасида қайд этилган.

Қўлёзманинг биринчи саҳифасида ушбу китобни «Иброҳим Чалабий ал-Борудий ал-Азхар университетининг толиби илмларига вақф тариқасида васият қилганлиги» кўрсатилган. Тадқиқотчи ўз ишида «Дор ал-кутуб ал-мисриййа»да «10 м Тавҳийд» рақамда сақланадиган яна бир қўлёзмадан ҳам фойдаланган. 395 варақдан иборат 1136/1724 санада насх хатида ёзилган ушбу қўлёзманинг кўчирувчиси Абду-л-Фаттоҳ Жод ал-Мавло Абу-л-Фатҳ ад-Далижийдир. Қўлёзманинг охириги варағида «мазкур нусха асли билан муқобала қилиниб, тузатилди» жумласи ёзилган.



Хулоса килиб айтганда, «Табсират ал-адилла»нинг ушбу биринчи нашри илмий нуктаи назардан қимматли бир тадқиқот ҳисобланиб, уни ҳар томонлама тадқиқ этиб, ўзбек тилига таржима қилиш буюк аллома Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридия таълимотини чуқур ўрганишга хизмат қилиши шубҳасиздир.



Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ (1123–1197)

Ўрта Осиёлик фақиҳларнинг ҳар бири ўз илмий услуби ва яшаган даври шароитига қараб ислом ҳуқуқи, айниқса, ханафий мазҳаби ривожига йўлида унутилмас хизматлар қилиб, авлодларга барҳаёт асарлар қолдирганлар. Улар орасида имом Марғиноний ёзган қимматли ҳуқуқий асар – «Ал-Ҳидоя» ўз ихчамлиги, мукамаллиги, ханафия мазҳабини бошқа суннийлик мазҳаблари билан қиёсий услубда ўрганиб, ҳар томонлама чуқур ёритгани қатта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

«Ал-Ҳидоя» XIII асрдан буён ханафийлик бўйича энг муҳим ва мўътабар қўлланма сифатида барча мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва исломий олий ўқув юртиларида ўқитиб келинмоқда. Унинг матни ва қисқартмалари устидан машҳур фақиҳлар томонидан 60 дан ортиқ шарҳ ва хошиялар ёзилиб, ушбу мазҳабнинг тарқалиши йўлида таъсирчан манба сифатида хизмат қилиб келгани ҳаммага маълум.

Шунингдек, «Ал-Ҳидоя»нинг форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилиниб, фарб олимлари учун ҳам мазҳабимизни ўрганувчиларга ҳам аҳамиятли манба сифатида қўлланилаётгани бизни қувонтиради.

Имом Бурҳониддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бақр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний 1123 йилда Марғинон шаҳрининг Риштон туманида туғилиб, 1197 йилда Самарқандда оламдан ўтган.


Марғиноний ўз оиласи тарбиясида ўсиб, энг машҳур ва иқтидорли олимлардан дарс олиб, юксак истеъдоди ва изчил фаолияти тўғрисида ханафия мазҳаби бўйича буюк фақиҳ ва мужтаҳид даражасига кўтарилди ва шайху-л-ислом лақабига сазовор бўлди.

Фикҳ илмининг аҳамиятини чуқур тушунган Бурҳониддин ал-Марғиноний ўз фарзандларини ҳам ушбу соҳада тарбиялаб камолга етказди. Унинг авлодлари ва шогирдларидан қуйидагилар машҳур:

1. Ўғли: Имодудин ибн Бурҳониддин ал-Марғиноний етук фақиҳ ва шеърый истеъдод эгаси бўлган.

2. Умар Низомуддин ибн Бурҳониддин ал-Фарғоний. «Ислом энциклопедияси» ва «Кашфу-з-зунун»да кўрсатилишича, «Ал-Фавоид» ва «Жавоҳиру-л-фикҳ» номли китоблар унинг қаламига мансубдир. Иккинчи китобнинг бир қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг нодир қўлёзмалар фондида Р. 9533 рақами остида сақланмоқда. Муаллиф уни «Мухтасару-т-Таҳовий», «Мухтасару-л-Жассос», «Хизонату-л-фикҳ» ва бошқа бир қатор ханафия мазҳабининг муҳим манбаларидан тўплаб олиб, «Ҳидоя» асари асосида тартибга солган.





3. Мухаммад Абулфатх Жалолуддин ал-Фарғоний. Ал-Марғинонийнинг невараси Абулфатх Зайнуддин Абдурахим ибн Имоуддин ал-Фарғоний Самарқандда яшаб, илмий ишлар билан шуғулланган. Манбаларда ёзилишича, у 1253 йилда Самарқанд шаҳрида суд маҳкамаларига доир «Ал-Фусулу-л-имадия» номли асар ёзган.

Бурхониддин ал-Марғиноний ёшлигиданок тинимсиз илм ўрганди ва ўз даврининг ханафия мазхаби бўйича буюк фақиҳи (хуқуқшуноси) даражасига кўтарилди. Унинг фикх илми бўйича бундай юксак даражага кўтарилишига куйидаги омиллар сабаб бўлди.


Биринчидан, у олий истеъдод, ўткир тафаккур эгаси ва илму фан шайдоси эди. Фанга кизиқиш уни узок сафарларга чорлаб, ўша даврнинг асосий фанларини ўзлаштириши учун имкон яратиб берди. Авваламбор, фикх илмини ўз отасидан, ундан кейин имом Баҳоуддин Али ибн Мухаммад ибн Исмоил ал-Асбижобийдан (ваф. 535) ўрганди (Асбижоб – ҳозирги Сайрам). Унинг машхур устозлари Абдулазиз Марғиноний, «Қозихон фатовоси»нинг муаллифи Фахруддин Абулмафохир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий (1196), «Ал-Ақоиду-н-насафия» китоби ва фикх илми бўйича юзга яқин асарлар муаллифи Нажмуддин Абухафс Мухаммад ибн Аҳмад ан-Насафий (1143), Ас-Садру-ш-шаҳид Ҳисомуддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза (1140) ва Ас-Сарахсийнинг шогирди бўлмиш Абу Амр Усмон ибн али Ал-Байқандий эди. Марғиноний Абу Исо ат-Термизийнинг «Ал-Жомийъ» асаридаги ҳадисларни ал-Қурашида зикр этилган иснодлар билан (иснод – ҳадисларнинг бировга нисбат берилиши) Абу Мухаммад Саид ибн Асаддан ва ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийдан ўқиб эшитган. Турли манбаларга биноан, у ўз устозларидан анча юқори даражаларга кўтарилган эди.

Иккинчидан, у яшаган давр Шарқ уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш IX–XII асрларга. яъни Ўрта Осиёда жамият тараққиёти учун хуқуқшунослик илмига катта зарурат туғилган бир даврга тўғри келди. Фикх илми бўйича у ёзган асарлар, айниқса, «Ҳидоя» китоби ўша давр хуқуқий муаммоларини ечиб беришга қаратилган эди.

Учинчидан, Марғинонийнинг имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит асос солган ханафия мазхаби, яъни хуқуқий мактабига мансублиги ҳам унинг ўсиб камолот чўккисига кўтарилиши учун катта омил бўлди. Негаки, Абу Ҳанифа шариятнинг учта асосий манбаи (Қуръон, сунна, ижмо)дан кейин, тўртинчи рационал (ақлий) манба, яъни киёсга бошқа мазхабларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратгани билан ажралиб туради. Шунингдек, халқ ичида ёйилиб, уларнинг ҳаётига сингиб кетган урф-одатлар ханафий мазхабида хуқуқий муаммоларни ҳал қилишда кўшимча манба сифатида кенгрок қўламда қўлланилади.

Мазкур омиллар, айниқса, ханафия мазхабининг раъй (шахсий фикр) ва киёсга таянгани Бурхониддин Марғинонийга ўз малакасини ошириб, ислом хуқуқи фалсафасининг туб моҳиятини англаб олиш ва бу чексиз соҳада эркинлик билан фикр юритиш учун муносиб шароит яратиб берди. Манбаларда айтилишича, ал-Марғиноний ўша даврда расм бўлганидек, ўз ўқиганларини дафтарларда қайд этиб борган экан. Лекин улар бизларга етиб келмаган. Буюк аллома умрининг охирларида Самарқандда яшаб, ижод этиб, 593/1196–97 йили ўша ерда дунёдан ўтган. Шомий «Раъд ул-мухтор»да ёзилишича, улуғ фақиҳ Самарқанддаги 400 га яқин Мухаммад отли фақиҳлар дафн





этилган Муҳаммадийлар қабристони – «Турбату-л-Муҳаммадийийн» ёнида дафн этилган экан.

Бир қанча текширувчилар томонидан ал-Марғиноний вафоти Самарқандда юз берганлиги кўрсатилган бўлса, турк олими Шамсуддин Сомий «Қомусу-л-аълум»да бу ҳақда қуйидагича маълумот берган: «Чингиз хуруж қилган чоғларда у (Марғиноний) Бухорода дарс ўтиш билан шуғулланар экан. Бухоро аҳолиси фақиҳни ушбу жаҳонгир билан сулҳ шартномасини тузиш учун ўз томонларидан вакил қилиб юборди. Лекин шартнома айрим кишилар томонидан бузилгани сабабли Чингиз шаҳарга ўт қўйиб, аҳолини қатл этиши жараёнида «Ҳидоя» муаллифи ҳам ҳаётдан кўз юмган экан». Биз бундай маълумотни бирон-бир бошқа манбада учратганимиз йўқ.


Котиб Чалабий, Абулҳасанот Муҳаммад Абдулхай Лакнавий, «Ҳидоя»нинг айрим шарҳловчилари, шунингдек, «Ислом энциклопедияси» маълумотларига кўра, қуйидаги асарлар Бурҳониддин Марғиноний қаламига мансуб бўлиб, текширишлар орқали уларнинг қўлёзмалари борлиги аниқланган:

1. «Нашру-л-мазҳаб». 2. «Китобу таносуки-л-хос» («Маносику-л-ҳаж»). 3. «Китоб фи-л-фароиз» (мерос бўйича). 4. «Ат-Тажнийсу ва-л-мазийд» (Иккита фатво мажмуаси). 5. «Мухтарот ун-навозил» («Мажму ун-навозил»). 6. «Мазийдун фи фуруъи-л-ҳанафийя». 7. Имом аш-Шайбонийнинг муҳим асари бўлмиш «Ал-Жоми ул-қабийр»нинг шарҳи. 8. «Бидоят ул-мубтадий». 9. «Кифоят ул-мунтаҳий» («Бидоя»учун ёзилган катта шарҳ). 10. Имом Марғинонийнинг шоҳ асари бўлмиш «Ҳидоя» («Бидоят ул-мубтадий» учун ўзи ёзган ўртача шарҳ).

Муаллиф «Бидоят ул-мубтадий»ни Абу-л-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурийнинг «Ал-Мухтасар» (илм аҳли орасида «Ал-Қудурий» деб шуҳрат қозонган) китоби ва Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг «Ал-Жомиъ ус-сағийр» асарига асосланиб, қисқартирилган фикҳ китоби сифатида ёзиб, ундаги масалаларни тартибга солишда табарруқ бўлсин деб, аш-Шайбоний услубидан фойдаланган. У «Бидоят ул-мубтадий» муқаддимасида бундай деб ёзган эди: «Ёшлиқ чоғларимда фикҳ илмининг барча турларини ўз ичига қамраб олган ҳажми кичик, режаси кенг бир китоб бўлса, деб ўйлаб юрар эдим. Иттифокан, йўлларни босиб ўтиш (сафар) жараёнида, ал-Қудурий қаламига мансуб «Ал-Мухтасар»ни энг гўзал, мўъжаз (қиска) ажойиб китоб деб топдим. Яна, замоннинг барча буюқ олимлари, катта-кичикни «Ал-Жомиъ ус-сағийр» китобини ўрганишга қорлаганликларининг гувоҳи бўлдим. Ўшанда ҳар иккала асарни бирлаштиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйиб, зарурат сезилмаган чоғда улар чегарасидан чиқмасликка қарор қилдим ва уни «Бидоят ул-мубтадий» («Бошловчининг бошланғич китоби») деб атадим. Агар бу асарни шарҳлашга эришсам, уни «Кифоят ул-мунтаҳий» деб атагумдир».

Муаллиф «Бидоят ул-мубтадий» муқаддимасида айтган уни шарҳлаш ниятини амалга ошириш мақсадида, асарнинг ниҳоят қисқалигини назарда тутган ҳолда, унинг устидан катта шарҳ ёзиб, «Кифоят ул-мунтаҳий» («Яқунловчиларни қониктирувчи китоб») деб атади. Лекин муаллиф бу билан ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмасди, негаки, кўп жилдли катта ҳажмли шарҳни ўқиб, унинг ичидан керакли масалаларни топиб олиш, шундай катта китобни кўтариб олиб юриш илм толиблари учун қийинчилик туғдирарди. Шунга кўра, муаллиф, ўз нияти ва дўстларининг маслаҳатига биноан, «Бидоят ул-мубтадий»ни қайтадан ўртача андозада шарҳлашга киришади. 573 йил зу-л-қаъда ойининг чоршанба куни бошланган ушбу асарни ёзиш





муаллиф учун осон кечмади. Олим Шайх Акмалуддиннинг ёзишича, ривоятларга кўра, бу ишга унинг 13 йиллик ҳаёти сарф бўлган. Муаллиф янги асарни яратиш учун бутун куч ва истеъдодини ишга солди. Абдулхай Лакнавий манбаларга таяниб ёзишича, у 13 йил (асарни ёзиш муддати) давомида рўза тутарди. Унга овқат олиб келган ходимни жўнатиб, таомни шогирдларидан бири ёки бошқа бирон кишига едириб, бўш идишни колдирарди. Ходим таомни устознинг ўзи егандир, деб ўйлаб идишни олиб кетарди. Шу тарзда, у бошқаларга билдирмасдан рўза тутаверади. Чунки рўза инсонга рухий куч бағишлайди ва фикрни жамлашга ёрдам беради.

Нега 4 жилддан иборат иккинчи шарҳни ёзиш, кўп жилдли шарҳ мавжуд бўла туриб, бунча оғир кечди? Нега уни битказиш учун 13 йиллик катта меҳнат сарфланди? Бизнинг фикримизча, унинг сабаблари қуйидагилардан иборат эди.

Биринчидан, имом Муҳаммад аш-Шайбоний ва ал-Қудурий асарларидан қискартириб олиниб, «Бидоят ул-мубтадий»га киритилган асосий ҳуқуқий масалаларга тегишли минглаб фаръий (жузъий) масалалар мавжуд эди. Улар орасида халқнинг амалий ҳаётига боғлиқ, давлат ва жамият олдидан кўндаланг туриб, ўз ечимини топмаган жуда кўп муаммолар бор эди. Шу нуқтаи назардан, ўша даврнинг ўзгарувчан шароитини синчиклаб ўрганиш, биринчи ўринда турадиган муаммоларни иккинчи даражали муаммолардан ажратиб олиб, уларни ечиш йўлларини белгилаб бериш муаллифдан катта диққат-эътибор, оғир меҳнат, ҳар томонлама текшириш ва чуқур кузатишларни талаб қиларди.

Иккинчидан, Бурҳониддин Марғиноний фикр илми босиб ўтган олти даврнинг (Пайғамбар, саҳобалар, тобиъийлар, мужтахидлар, мухаррижлар ва муқаллид (таклид этувчи)лар даврларининг) бешинчи босқичи бўлмиш мухаррижлар (улардан илгари ўтган мужтахидлар ва буюк ҳуқуқшунос олимлар асарларига мурожаат қилиш орқали, янги топилган мураккаб ҳуқуқий муаммоларнинг ечиш йўлларини топувчилар) даврида яшагани учун, тўғридан-тўғри мустақил фикр юритиб, эркин ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас эди. Чунки IX–X аср бошларида бундан нари ҳеч ким ислом ҳуқуқи бўйича мустақил ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас, деган фикр шаклланган эди. Ҳуқуқшунослик бўйича келгуси барча фаолиятлар, буюк олимлар томонидан белгилаб берилган асосий қонун-қоидаларни изохлаш, тафсир этиш соҳасида бўлиши керак, деган қараш мавжуд эди. Лекин Муҳаммад Абдулхай Лакнавий машҳур асари «Ал-Фавоид ал-баҳия»да ханафий мазҳаби олимларини олти гуруҳга бўлиб, «Ҳидоя» муаллифи ва ал-Қудурийни «Асҳаб ут-таржийх», яъни баъзи ривоятларни баъзиларига таржийх бериш (устун қўйиш) салоҳиятига эга бўлган олимлар қаторида зикр этган.

Мазкур шароитда Марғиноний олдидан турли муаллифлар томонидан турли асрларда ёзилган кўп сонли фатволар (ҳуқуқий мажмуалар) тоғдек бўлиб уюлиб турарди. Уларда минглаб масалалар, айрим муайян муаммолар бўйича ўнлаб мулоҳазалар, ҳатто бир-бирига қарама-қарши назариялар мавжуд эди. Муаллиф назарда тутган ҳуқуқий масалани ёритиш учун, биринчидан, шариатнинг асосий манбалари, ундан кейин Абу Ҳанифа, имом Молик, имом Шофийий, имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг асарлари, аш-Шайбонийнинг «Зоҳир ур-ривоя» деб аталган китоби, Абу Юсуфнинг «Китоб ул-хирож», «Адаб ул-қозий», «Абу Ҳанифа ва Ибн Аби Лайло орасидаги ихтилофлар», «Авзоъий ва Анас ибн Моликнинг айрим ҳуқуқий масалалар бўйича билдирган фикрларига ёзилган раддия» китоблари, имом Зуфар, Шайхулислам Ибн





Таймия, Ибн ул-Жавзия асарлари, шунингдек, улардан кейин ислом ҳукуки турли сохаларида, турли мазҳаблар бўйича жуда кўп асарлар ёзган йирик фикх илми мутахассис олимлари қолдирган сон-саноксиз китоблар ва тўпламларни ўқиб чиқиб, уларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни бир-бири билан солиштириб, энг тўғри, энг маъқул ва ҳаётга мос келадиган хулосаларни чиқариши керак эди. Унинг ўзи «Ҳидоя» муқаддимасида бу ҳақда: «... сўнгра Тангри тавфики ёрдамида, танланган ривоятлар билан кучли ақлий далилларни уйғунлаштириб, ҳар бир бобда ортиқча сўзларни тарк этиб, кўп ёзишдан ўзимни тийган ҳолда, «Ҳидоя» деб аталган бошқа бир шарҳни ёзишга киришдим», – деб айтади.

Албатта, энг ҳаётий ва зарурий ривоятларни танлаб олиб, уларнинг тўғрилигини нақлий далиллар билан исботлаб, мустаҳкамлаш, мумтоз асарларнинг матн ва мазмунига чуқур кириб бориб, уларнинг ҳукукий асосларини белгилаб олиш катта меҳнат ва изчил ишлашни талаб қиларди.

«Ҳидоя» муаллифи ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ёритмоқчи бўлганда саҳобалар, мазҳаблар асосчилари, буюк фақиҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабилалар номларини зикр этади. Абдулхай Лакнавий ўз муқаддимасида «Ҳидоя»нинг биринчи қисмида зикр этилган саҳобалар ва тобиъин исмлари 50 дан кўпроқ, тоифа ва уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. У Марғинович асарида келтирилган 90 дан ортиқ буюк фақиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан, машҳур саҳобалар ва муҳаддислар исмларини ва уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади. Шунга кўра, «Ҳидоя» муаллифининг иши қанчалик оғир ва кенг қамровли бўлганини тушуниш қийин эмас.

Бурҳониддин Марғинович «Ҳидоя» китобини ёзишда ўзига хос услуб яратди. Унинг ҳар бир ибораси ниҳоят қисқа ва мухтасар, фикхий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг ҳар бири бир умумий қоида шаклида берилди. Унинг иборалари мўъжаз, яъни қисқа ва сермазмун, сўзлари таркиби пухта, нуксонсиз бўлиб, сунъийликдан узок. У кўп зарурат сезмаса, синоним (мутародиф) сўзлардан фойдаланмайди. Ҳашв ва завоидни (қерак бўлмаган ортиқча сўзларни) ишлатмайди. Унинг ёзиш услуби «Саҳли мумтаниъ» (осон, содда, лекин унингдек қилиб ёзиш мумкин эмас) даражасига етади.

Муаллиф «Ҳидоя»ни ёзишда ўзига хос бўлган қисқа сўзлар, истилоҳлар (атамалар) ва ихчам ибораларни ишлатади. Ушбу иборалар «Ҳидоя» юзасидан ёзилган кўп шарҳ ва хошиялар муаллифлари томонидан белгилаб берилган. Мазкур манбаларга асосланиб, Ҳожи Халифа (Қотиб Чалабий), Шайх Абдулҳак Деҳлавий ва Абдулхай Лакнавий ўз асарларида уларни изоҳлаб ўтганлар. Улардан айримлари қуйидагилардан иборат:


«Фи диёрини» («Бизнинг диёримизда») деганда, Мовароуннаҳр шаҳарларини назарда тутди.

«Қола машоихуно» («Бизнинг шайхларимиз (яъни устозларимиз) дебдурлар») деганда, Мовароуннаҳр (Бухоро, Самарқанд) олимларини назарда тутди.

«Фикх» сўзи билан эса, ақлий далилни ифодалади. Масалан, «Ва-л-фикху фийҳи», яъни «ушбу масала ҳақида ақлий далил қуйидагидек...»

Абу Суъуднинг ёзишича, «Ҳидоя» муаллифи ўз фикрини билдирмоқчи бўлганда «Қола ал-абду-з-заиф афо анху» («Бу ожиз банд – Худо уни кечирсин – бундай дей-





ди») иборасини ишлатган. Лекин унинг вафотидан кейин айрим шогирдлари ушбу жумлани «Кола розияллоху анху» («Худо ундан рози бўлсин, бундай дейдилар») ибораси билан алмаштирганлар.

Муаллиф ўзини худбинликдан саклаш мақсадида «Мен» сўзини ўз фикрини билдиришда ишлатмаган.

Унинг одатларидан бири шуки, назарида маъқул кўринган мазҳаб далилини асар охирида келтиради. Қозизода Румий лақаби билан машҳур бўлган Зайниддин Шайх Муҳаммад Афанди «Нагонж ул-афкор» китобида ёзишича, муаллиф турли мавзулар учун далил келтириш жараёнида энг кучли далилни ҳаммасидан охирида келтиради. Бундан унинг мақсади, охириги сўзин илгари зикр этилган матлаблар учун далил сифатида қўлланшидир.


Муаллиф илгари зикр этилган оятга «Бимо талавна» («Тиловат қилганимизга биноан»), ҳадисга «Бимо ровайно» («Ривоят қилганимизга биноан») ва илгари келтирилган ақлий, мантикий далилга «Бимо закарно» («Зикр этганимизга биноан») деган иборалари билан ишора қилади. Шунингдек, у «Насс», яъни оят ё ҳадис матнида келган иллат ёки сабабни текшириладиган масалани исботлаш учун мантикий далил қилиб ишлатади. У, кўпинча, ақлий далилни, нақлий далил (оят, ҳадис)дан кейин келтиради. Туғилиши мумкин бўлган савол ё эътирозга эса, «Фаин қийла казо қула казо» («агар бундай дейилса, бундай деб жавоб берамиз») ибораси билан жавоб қайтаради. У, кўпинча, авваломбор, Абу Ҳанифанинг буюк шогирдлари Абу Юсуф ва аш-Шайбонийнинг назарини, сўнгра далилини келтиради, ундан кейин Абу Ҳанифанинг назарини зикр этиб, унинг далилини шундай изоҳлаб ўтадики, ҳар иккала учун жавоб бўлади. Муаллифнинг ёзиш услуби, у ишлатган ўзига хос иборалар ва атамаларни яхши билиб олиш, «Ҳидоя»ни ўқиб, ундан фойдаланишда катта ёрдам беради.

«Ҳидоя» китобининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда «Илм ул-хилоф» орқали белгилаб берилган қондалар кенг қўламда назарда тутилади. Чунки Марғиноний ушбу фан соҳасида ҳам катта олим ва мутахассис ҳисобланган.

«Илм ул-хилоф» фанига биринчи бўлиб асос солган аллома Убайдулло ад-Дабусий эди. Бурхониддин Марғиноний «Ҳидоя»да ҳукукий муаммоларни ечиш жараёнида 3 та асосий мазҳаб (ханафия, моликия, шофиъия)гагина эмас, балки зоҳирия ва авзобия мазҳабларига доир фикру мулоҳазаларни ҳам ўрни келганда текшириб ўтади ва ҳар бири ҳақида ўз нуктаи назарини билдиради. Ханбалия мазҳаби билан бўлган ихтилофларни ёритмайди, чунки айтиб ўтилган мазҳаблар томонидан кўп йиллар давомида ханбалия мазҳаби тарафдорлари фақиҳлар эмас, балки муҳаддислар сифатида қабул қилинган эди. Ушбу нуктаи назардан «Ҳидоя» «Илм ул-хилоф»ни кенг қўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади. Айни ҳолда, уни охириги даврда янги бир фан сифатида юзага келган «киёсий ҳуқуқ»нинг ўзига хос бир шакли, деб эътироф этиш мумкин.

Марғиноний фикхий нуктаи назардан, ҳукукий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг машруъ (раво, қонуний) ёки номашруъ (нораво, ғайриқонуний) эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуктаи назардан «Ҳидоя»ни ислом ҳуқуқи фалсафаси ва кейинги даврларда кенг ривожланган «ҳуқуқ фалсафаси» фанининг манбаларидан бири, деб қабул қилсак, тўғри хулоса чиқарган бўламиз.





Шундай килиб, Бурхониддин Марғиновичий ёзган гўрт жилдли «Ал-Ҳидоя» китоби суннийлик окимида ханафия мазҳаби бўйича жуда муҳим ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида 55 дан ортиқ китоб, юзлаб бобу фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, ислом ҳуқуқининг бошқа барча соҳаларини қамраб олади. Бурхониддин Марғиновичий мерос ҳуқуқини ўз китобига киритмаганининг сабаби шундаки, имом Аъзам Абу Ҳанифа мерос муаммоларини бир мустақил фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни «ал-Фароиз» деб атаган.

«Ҳидоя»нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га, иккинчи жилди оила ҳуқуқи, қул саклаш муаммолари, ҳудуд жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), халқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вақф ҳуқуқи каби масалаларга, учинчи жилди муомалот турлари (фуқаролик ҳуқуқи) суд, суд жараёни, тўртинчи жилди эса, экинчилик ва ер муаммолари, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўп мавзуларга бағишланган.

Бурхониддин Марғиновичийнинг шох асари «Ал-Ҳидоя» энг мўътабар ҳуқуқий кўлланма сифатида саккиз асрдан буён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳинд ярим ороли, Туркия ва кўпгина Араб мамлакатлари учун энг дақиқ ва ишонарли манбалардан бири вазифасини ўтаб келмоқда.

«Ҳидоя» Миср Араб Республикасидаги энг қадимий дорулфунун «Ал-Азхар», Афғонистон Ислам дорулфунун, Ҳиндистон Алигарх университети, «Девбанд» дору-л-улуми, бошқа ислом мамлакатлари олий ўқув юртарининг таълимий нисоблари (ўқув дастурлари)га киритилган. Бу улуг китоб қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун асосий манбалардан бири сифатида кўлланиб келинмоқда. Афғонистон ва Ҳинд ярим оролида Қанз ва ал-Қудурий китобларидан кейин «Ал-Ҳидоя»ни етук устоздан ўқиб тамомламаган толиб, ҳақиқий фикҳ олими ҳисобланмайди.

«Ҳидоя» Шарқий Ҳиндистон ширкати тасарруфидаги Бенгалия вилоят маҳкамалари учун 1190/1776 йил Ғулом Яхёҳон томонидан форс тилига таржима қилинади. Ушбу таржима 1221/1807 йил Қалқутта шаҳрида чоп этилган. Таажжуб жойи шундаки, «Ал-Ҳидоя» биринчи марта араб ёки форс тилида эмас, балки Чарльс Хамелтон таржимаси асосида инглиз тилида 1791 йил Лондонда нашр этилган. Ушбу 4 жилдли таржима жуда қиммат ва ноёб бўлгани учун 1870 йил С.Г. Гарийнинг назорати остида янгидан яхлит ҳолида бир жилдда чоп этилган. Охириги марта инглизча таржимаси 1982 йил Лоҳўрда босмадан чиққан.

Н.И. Гродеков «Ҳидоя»ни инглизча таржимасидан рус тилига ўттирган ва мазкур таржима 1893 йилда Тошкентда нашрдан чиққан.

Олмониялик олим доктор Экарт Шнейвак тўплаган маълумотларга кўра, «Ҳидоя»нинг машҳур нашрлари куйидагилардан иборат: арабча асл матни 1234/1818 йилда Қалқуттада, сўнгра Бомбей, Лакнов, Кавнпоор, Дехлида чоп этилган. Қоҳирада XIX асрда ва 1888 йилда Қозон шаҳрида босилган. Унинг биринчи танқидий матни 1326/1908 йилда Қоҳира шаҳрида нашр этилган ва энг янги интиқодий матни ҳам 1980 йилда Қоҳирада босмадан чиқарилган.

«Ҳидоя»нинг русча таржимаси нусхалари қамайиб, йўқолиш даражасига етган эди. Шу сабабли, асарнинг биринчи жилди 1994 йили профессор Акмал Саидов томонидан нашрга тайёрланиб «Ўзбекистон» нашриётида қатта адабда чоп этилиши муҳим ва хайрли иш бўлди. Асарнинг бошқа жилдлари нашри ҳам назарда тутилган.



«Ҳидоя» араб тилидан ўзбек тилига таникли олим Салоҳиддин Мухитдинов раҳбарлигида бир гуруҳ ёш олимлар томонидан таржима қилиниб, унинг биринчи жилди проф. А.Х. Саидовнинг катта илмий сўзбошиси билан 2000 йилда «Адолат» нашриётида босмадан чиқарилди. Китобнинг бошқа жилдлари ҳам нашрга тайёрланмоқда.

«Ҳидоя» фақат ислом ҳуқуқшунослари учун эмас, балки Ғарб ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам жуда эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. 1958 йили Мажид Ҳаддурий ва Ҳеберт Ж. Лебис томонидан нашр этилган «Исломда ҳуқуқ» номли китобнинг муҳим ва нозик жойларида «Ҳидоя»дан фойдаланилган. Китоб муаллифлари фикрича: «Бурҳониддин Марғинович ёзган «Ҳидоя» бошқа барча китобларга нисбатан кўпроқ ва яхшироқ ханафия мазҳаби ҳуқуқшунослигининг кенгайиб, ривожланиш йўлини, тарихини баён қилган. Ушбу китобни ўқиган киши шуни билиб олиши мумкинки, муаллиф жуда кўп ўринларда, ўз мустақил фикру ақидасини илгари суриш ва такомиллаштиришга уринган. Китобни ёзишдан ҳам унинг асосий мақсади шу бўлган».

Доктор Забиҳулло Сафо: «Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя» китоби ханафий фақиҳлари орасида катта аҳамият ва эътибор касб этиб, унинг устидан кўп шарҳлар ёзилган», – деб таъкидлайди.


«Ҳидоя» китоби ўзининг амалий ва назарий аҳамиятига кўра ҳар доим буюк фақиҳлар ва ислом шариати йирик вакилларининг диққат марказида бўлиб келган. Ҳар бир олим унга нисбатан ўз фикру назарини билдиришга уринади. Жумладан, «Ҳидоя» муаллифининг ўғли Шайху-л-ислом Имом Имомуддин отаси ҳақида ««Ҳидоя» китоби уни ўзлаштирган кишини ҳидоят йўлига бошлаб, кўзи ожизларнинг кўзини ёритади. Эй, ақл эгаси! Уни ўқиб ўзлаштиргин, уни ўзлаштирган киши энг олий ғояларга эришган бўлади» мазмунидаги шеърни ёзган. Аллома ал-Ҳаддод эса, унинг устидан ёзган хошиясида ушбу сўзларни битган экан: «Қуръон китоби қандай қилиб ўзидан илгариги динларни мансух (бекор) қилган бўлса, «Ал-Ҳидоя» китоби ҳам ўзидан илгари шариат бўйича ёзилган барча асарларни эътиборсиз қолдирди».

«Ҳидоя»асари устидан кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб бориб, унга муқаддима ва хошиялар ёзган Абу-л-Ҳасанот Мухаммад Абдулхай Лакнавий «Ҳидоя» муаллифини қуйидаги иборалар билан танитади: «Имом ал-Марғинович фақиҳ, Қуръон хофиси, муҳаддис, муфассир, барча илму фанни ўрганиб ўзлаштирган иқтидорли устод, ўткир назар билан текширувчи ва диққат билан иш юритувчи зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, усулий (фикх усуллари илмини чуқур билувчи), илму адабда мисли кўрилмаган адиб ва шоир, илм ул-хилоф ва мазҳаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бир зот эди».

Сўнгра Лакнавий «Ҳидоя» китоби ҳақида қуйидагидек фикр билдиради: «Мен «Ал-Ҳидоя» китобини, унинг шарҳлари ва «Мухторот ун-навозил»ни ўқиб чиқдим. Марғинович ёзган асарлар, айниқса, «Ал-Ҳидоя» макбул ва ишонарлидир, негаки, бугунга қадар ҳам, барча фозил кишилар ва ҳуқуқшунослар учун фойдаланиш манбаи бўлиб келмоқда».

Юқорида зикр этилган фикрлар ва бошқа кўп тадқиқотчилар томонидан билдирилган ижобий баҳолар «Ал-Ҳидоя» китобининг қанчалик илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги борасида қониқарли далилдир.





Шофиёия мазхабининг баъзи бир намояндалари «Ал-Ҳидоя» муаллифини, айрим эътиборга эга бўлмаган ҳадислардан фойдаланган, деб танқид қилганлар. Лекин тадқиқотчилар, жумладан, Муҳаммад Абдулхай ал-Лакнавий: «Бундай ёндашувларга Марғинонийнинг юксак макоми ва буюк олимлигидан хабарсизлик сабаб бўлган», – деб таъкидлаган. Шайх Мухйиддин Абдулкодир (ваф. 775 х.) ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Мисрий, «Ал-Ҳидоя» китобида келтирилган ҳадисларни таҳрир қилиб, яъни ҳадислар матни тўғри эканлиги ва ровийларининг ишонарли эканлигини исботлаб бериб, уни «ал-Иноя би-маърифати аҳодийси-л-Ҳидоя» деб атаган. Шунингдек, шайх Алоуддин «Ал-Кифоя фи маърифати аҳодиси-л-Ҳидоя» номли китобида, шайх Жамолуддин Абдулло ибн Юсуф Зайлаъий «Насбурраъя ли аҳодийси-л-Ҳидоя» номли китобида мазкур ҳадисларнинг саҳиҳлигини кўрсатиб берганлар. Охириги асарни ибн Ҳажар Аскалоний қискартириб, «Ал-Дироя фи мунтахаби аҳодиси-л-Ҳидоя» деб атаган.

«Ҳидоя» ҳам шакл ва тузилиш нуқтаи назаридан, ҳам ички мазмун жиҳатидан ханафия мактаби таълимотининг ёрқин намунаси бўлгани учун, кейинги даврларда кўп фикхий асарлар унга ўхшатиб, унинг услубидан фойдаланиш асосида ёзилган.

Ҳиндистонлик олим Азиз Аҳмад «Ҳиндистонда ислом тафаккури тарихи» номли асарида таъкидлашча, ханафия фикхи Ҳиндистон бўйича, Ғиёсуддин Туғлуқ даврида, ҳадисларга асосланган ҳукмларга нисбатан устун турган, ўлкани идора қилиш қонунлари Қуръонга ва Ҳиндистоннинг собиқ султонлари русумларига таянган ҳолда, бутунлай ханафий мазхаби таъсири остида бўлиб, унинг ўғли ва ўринбосари Муҳаммад ибн Туғлуқ «Ҳидоя» китоби ҳақида комил маълумотга эга бўлган.

Шунингдек, муаллиф берган маълумотларга кўра, ушбу даврда яратилган икки катта ҳуқуқий асар, яъни «Фикхи Ферузшоҳий» ҳамда Тоторхон ташвиқоти ва нафақаси билан Олим ибн-Ало томонидан ёзилган катта ҳажмли «Фатовойи Тоторхония» асарлари Феруз Туғлуқ ҳокимияти даври (1351–1388)да таълиф этилиб, уни ёзишда «Ал-Ҳидоя» услубидан фойдаланилган эди. Муаллиф сўзига кўшимча қилиб айтиш мумкинки, Ҳиндистонда ундан кейин ёзилган ҳуқуқий асарлар, жумладан, «Фатовойи Иброҳимшоҳий» ва йирик ҳуқуқий манба ҳисобланмиш бобурийлар давлатининг 4-жилдли ҳуқуқий кодекси – «Фатовойи Оламгирий»да ҳам «Ҳидоя» таъсирини тўғридан-тўғри кўриш мумкин.

Ҳиндистондан ташқари «Ал-Фатовои ал-Ҳиндия» номи билан шуҳрат қозонган «Фатовойи Оламгирий» бобурийлар сулоласининг иктидорли императори Аврангзеб Оламгир буйруғига биноан бир гуруҳ салоҳиятли фақиҳлар томонидан ёзилиб, унинг шахсий назорати остида тугатилган. 4 жилд, 3500 бетли ҳажмга эга бўлган ушбу Кодекс, Низомуддин Бурхонпўрий (Шайх Низом) раҳбарлигида 24 кишидан иборат олимлар гуруҳи томонидан тайёрланиб, суд ишларини бажариш ва давлатни бошқариш учун асосий қонун ўрнида ишлатилган. «Фатовойи Оламгирий» урду тилига таржима қилиниб, 1889 йили Лакнауда нашр этилган. Шунингдек, бу муҳим фатово 2000 йил Бейрутда «Дор ул-кутуби-л-илмия» томонидан «Ал-Фатово ал-Ҳиндия» номи билан 6 жилдда нашр этилди. Ушбу кодекс қўлёзмаларидан Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида бир неча нусха мавжуд.

Айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, «Ҳидоя» бугунги кунга қадар ислом ҳуқуқшунослиги бўйича барча соҳаларда ўз таъсирини ўтказиб келган ва



факихларнинг кўпчилиги, уларнинг мазхабларидан катъи назар, асарга катта эътибор билан караганлар. Шу сабабли, унга бағишлаб жуда кўп шархлар ёзилиб, баъзан эса асар қискартирилиб, қисқартмаси устидан ҳам кўп шархлар ёзилган. Биринчи бўлиб Тож уш-шариъа Махмуд ибн Садру-ш-шариъа Биринчи «Ҳидоя»ни ўз невараси – бухоролик Иккинчи Садру-ш-шариъа Убайдулло ибн Масъуд учун қисқартирган. Қисқартмасини «Викоят ур-ривоя фи масоили-л-Ҳидоя» деб атаб, унинг мукадиммасида «Ал-Ҳидоя» ҳақида қуйидаги фикрни билдирган: «Ал-Ҳидоя» фахрланишга арзигулик бир нафис ва олий асар, тўлқинланувчи бир уммон, юксак ўринли, қимматли, ўз аниқ далиллари ва бурхонлари билан катта аҳамиятга эга, чексиз яхши томонлари ва порлоқ жумлалари билан ҳаммага файзу барака манбан бўлиб келган бир китобдир».

Агар биз «Ал-Ҳидоя»нинг қисқартмаси «Ал-Викоя» ва унинг қисқартмаси бўлмиш «Мухтасар ул-викоя» устидан ёзилган кўп сонли шархларни ҳам назарда тутадиган бўлсак, унда «Ал-Ҳидоя» ва унинг қисқартirilган матнлари устидан ёзилган шархлар сони 50 дан ошади. Аммо атамалар, номлар, жойлар, айрим эътирозлар ва саволларга ойдинлик киритиш ва жавоб бериш мақсадида ёзилган хошиялар, таълиқлар ва матн иборалари остида берилган изохлар ҳақида ҳам сўз юритмоқчи бўлсак, алоҳида тадқиқот олиб бориш зарурати туғилади.

Қуръони каримдан кейин ислом ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири бўлмиш сунна соҳасида тўпланган Имом Бухорийнинг «Ал-Жомъ ас-саҳиҳ» китоби устидан, Броккелман «Араб адабиёти тарихи»да ёзишича, 43 шарх ёзилган. Аҳлварднинг ёзишича, факатгина Берлиндаги қўлёзмалар рўйхатида унинг 60 та шарҳи киритилган. Шунга биноан айтиш мумкинки, ал-Бухорий асаридан кейин ал-Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя»си энг кўп шарҳга эга бўлган асардир. Бу эса «Ҳидоя»нинг қанчалик буюк илмий-амалий ва ҳаётий аҳамиятга молик эканининг инкор этиб бўлмайдиган далиллариандир.

Энди эътиборингизни Бурҳониддин Марғинонийнинг шогирдларидан бири бўлмиш Бурҳону-л-ислом аз-Зарнужий, ўзининг «Таълим ул-муталлим» номи китобида, ундан ривоят қилган бир китъа шеър ва бир қисқа сўз таржимасига жалб этамиз:

«Буюк имом, устоз, «Ал-Ҳидоя» муаллифи менга қуйидаги шеърларини ўқиган эдилар:

Обрў ва эътиборсиз олимдан катта фасод келиб чиқади.

Ундан ҳам катгарок фасод манбан обидлик ва зоҳидлик даъвосини қилган кишидур.

Ўз динлари бўйича уларга эргашган дунё ахли буюк фитналарга дучор бўлгусидурлар.

Шунингдек, устоз менга бундай деган эдилар: «Ҳеч қачон илм ўрганиш ишида узилиш юз бермаслиги керак, негаки, бу катта йўқотишга олиб боради. Мен илм ўрганиш жараёнида ҳеч қачон узилишга йўл қўймаганим сабабли барча сафдошларимдан ўзиб ўтдим».

Абдулҳаким Шаръий ЖЎЗЖОНИЙ,
юридик фанлари доктори



АБУ БАКР ҚАФФОЛ ШОШИЙ (904–976)



Ислом оламида имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом ал-Мотуридий каби «имом» даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида имом Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шоший ҳам алохида ўрин эгаллайди. Замондошлари «Ҳазрати Имом» деб улуғлаган бу зотнинг тўлик исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алохида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодалайдиган «ал-Қабир» сўзини қўшиб ёзадилар. Аллома мохир ҳунарманд бўлиб, кулфсозликда шухрат қозонганлиги боис «ал-Қаффол», яъни кулфчи, кулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллусига айланиб кетган. Бу ҳақда машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний ўзининг «Ал-Ансоб» («Насабнома») асарида шундай ёзади: «ал-Қаффол – кулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший Шош аҳлидан бўлиб, кулфсозликда шухрат қозонган. У ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қаффол аш-Шошийнинг номи Мағрибу Машрикқа ёйилган».

Шамсуддин аз-Заҳабий эса уни нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон олими сифатида ҳам эътироф этади: «Аллома, луғат, усул, фикҳ имоми, Хуросон олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил аш-Шоший аш-Шофиъий «Катта Қаффол» номи билан машҳур бўлган. У зот Мовароуннаҳрда ўз даврининг имоми бўлиб, бир неча китоблар мусаннифи бўлган».

Шайх Мухйиддин ан-Нававийнинг айтишича, агар Қаффол Шоший деб зикр қилинса, бундан мақсад ана ўша биз таниган буюк имом Абу Бакр Қаффол аш-Шоший тушунилади. Агар Қаффол Марвазий деб айтилса, унда бу зотдан кейин яшаб, фаолият кўрсатган «Кичик Қаффол» тушунилади. Шоший («Катта Қаффол») атамаси тафсир, ҳадис, усул, калом илмларида такрор-такрор зикр этилади. Аммо Марвазий («Кичик Қаффол») сўзи эса фикҳга тааллуқли асарлардагина учрайди.

Тожуддин ас-Субкий эса ватандошимизни куйидагича таърифлайди: «У замонасининг улуғ имомларидан бири, бир канча илмларда улкан қобилият ва очикқўл эгаси бўлган буюк инсондир. Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шоший тафсир, ҳадис, калом, усул, фуруъ, луғат ва шеърят илмларида ҳамда зуҳд ва таквода имом(пешво)лардан бири бўлган. У кўплаб илмлارни муҳофаза қилган. ўзи келтирган нарсаларни таҳқиқ этиб, уларни гўзал тасарруф қилувчилардан бири эди».

Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шошийнинг ислом оламидаги обрў-эътибори ва мавқеи, илмий салоҳияти ҳақида ўрта аср араб муаллифлари ўз асарларида алохида таъкидлаб ўтишган. Жумладан, Ибн Халликон ўзининг «Вафоёт ал-аъён» китобида: «Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шоший ўз замонасининг имоми бўлган. У фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик фанлари ва шеър битиш бўйича Мовароуннаҳрдаги шофиъий мазҳабига мансуб олимлар орасида тенги йўқ эди. У Хуросон, Ирок, Ҳижоз, Шом ва Суғур (Шимолий Сурия) сафарида бўлган, унинг донғи бу ўлкаларда ҳам кенг тарқалган», деб қайд этган.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний ўзининг «Ал-Ансоб» («Насабнома») асарида Тошкентни шундай таърифлайди: «Сайхун дарёси ортидаги, турклар





билан чегарадош шахар бўлиб, у «Шош» деб аталади. Бу ердан кўплаб имомлар етишиб чиккан». Самъоний шошлик имомлар тўғрисида маълумотлар келтириб, жумладан, Қафқол Шоший хақида шундай ёзди: «Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафқол Шоший бўлиб, тафсири, хадиси, фикхи, тилшунослик илмлари бўйича замонасида унга тенг келадиган олим йўқ эди... Қафқол Шоший тўғрисида шундай нақл мавжуд бўлган:

«Бу Абу Бакр – кулфсоз факих.

Фикх билан кийин кулфлар (масалалар)ни очувчидир».

Маълумки, Қафқол аш-Шоший 291/904 йилда Шошда туғилиб, дастлабки билимини ўз юртида, кейинчалик, Мовароуннаҳрдаги мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезиб, бу ерларда ўзидан сал олдинроқ ўтган ва бебаҳо диний-илмий мерос қолдирган имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий каби йирик олимлар асарлари билан танишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) хадисларини эшитади ва ўрганади.

Шунингдек, Абу Бакр Қафқол аш-Шоший Хуросонга бориб, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма, Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Саррож, Умар ибн Муҳаммад ибн Бухайр ас-Самарқандийдан, Ироқда буюк муфасссир Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Мусо ибн Абдулхамид ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағовий, ибн Абу Довуд, ибн Соғиддан, Куфада эса Абдуллоҳ ибн Зайдон, Али ибн Аббос ал-Мукониъийдан, Шомда Абулхамиймдан, Жазира (Арабистон ярим ороли)да эса Абу Аруба ал-Харроний каби катта олимлардан дарс олган ва бошқа табақалардан хадислар эшитган.


Шамсуддин аз-Заҳабий «Сийар аълом ан-нубало» («Олийжаноб алломалар сийратлари») асарида келтиришнча, «Ҳоким айтади: Мовароуннаҳрда усул илми ва хадис талаби ила энг кўп сафар қилган олим Қафқол аш-Шоший эди».

Ўз навбатида, Қафқол аш-Шошийдан ҳам баъзи олимлар хадислар эшитишган ва ўрганишган. «Тадвин фи ахбори Қазвин» («Қазвин хабарлари хақида битиклар») номли китобда бу хусусда маълумотлар берилган. 350/962 йилдан кейин Қафқол аш-Шоший Қазвин шаҳрига келади. Бу ерда Абу Мансур ал-Қаттон ва шунга ўхшаш олимлар Қафқол аш-Шошийнинг мажлисларида ҳозир бўлишиб, ундан хадислар ва баъзи маълумотларни ёзиб олишган.

Турли манбаларда Қафқол аш-Шошийдан ривоят қилинган хадислар мавжуд: «Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил Қафқол Шошийдан, ундан Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб Шоший, ундан Юнус ибн Иброҳим Аданий, ундан Абдулхамид ибн Солиҳ, ундан Солиҳ ибн Абдулжаббор ал-Ҳазрабий, ундан Муҳаммад ибн Абдурахмон Байламоний, бу зот оталаридан, оталари эса Ибн Умардан, Ибн Умар Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилишган. Расулulloҳ (с.а.в.): «Шеърни ўрганишлар, чунки унда хикмат ва масаллар бордир», деб марҳамат қилган».

Шунингдек, Абулаъло Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим ал-Муборакфурий (1283–1353) «Тухфат ал-Аҳвзий» («Аҳвзий тухфаси») асарида Абу Бакр Қафқол аш-Шошийдан куйидаги хабарни ривоят қилган: «Қозин Ҳусайн ва Абу Саъид Мутаваллий: «Баъзи кишиларнинг хайрлашаётганда салом бериш одати бор. Бу саломнинг жавоби мустаҳаб бўлган. Лекин вожиб эмас. Чунки учрашганда ҳам, хайрлашганда ҳам салом берилади. Абу Бакр Қафқол аш-Шоший бу фикрни инкор этиб, шундай





деган: «Хайрлашаётганда салом бериш учрашгандаги каби суннатдир. Хайрлашганда саломга алик олиш учрашгандаги каби вожибдир». Бу сахиҳдир, тўғридир».

Қафғол аш-Шоший шеърлар битганлиги тўғрисида ҳам манбаларда маълумотлар бор. Бу борада Тожуддин Субкийнинг «Табакот аш-шофиъия ал-кубро» асарида ал-Қафғол аш-Шошийнинг шеърларидан ҳам парчалар келтирилган:

Бисотим кенг очикдур меҳмонларимга,
Таомим ҳалолдур, келгил ёнимга.
Армуғон этамиз неки қўлда бор.
Сирка ва кўкат бор, бок дастурхонимга.
Кўнгли кенг одамлар бўлғуси мамнун,
Бахилга мутлако беғараздурман.


Араб тилининг балоғатида битилган ушбу шеърӣ мисраларнинг мазмун-моҳиятини филология фанлари доктори А. Ирисов шундай таржима қилган: «Кимки уйимга меҳмон бўлиб келадиган бўлса, дастурхоним доимо унинг учун ёзилган бўлади. Кимки менинг дастурхонимдан бирор нарса еса, (билсинки) ундаги барча нозу неъмат пешона терим билан топилган, (яъни) ҳалол бўлади. Биз бор-будимизни меҳмон олдига қўямиз. Бордию (қўйишга) нарса тополмасак, у ҳолда сабзавот билан сирка қўямиз. Шунда беғараз, кўнгли очик одам бўлса, у бунга рози бўлиб қўнади; бордию бахил бўлса, у ҳолда уни мен тузата олмайман».

Тожуддин Субкийнинг «Табакот аш-шофиъия ал-кубро» асарида Византия императори билан Араб халифаси ўртасидаги дипломатик ёзишмалар ҳақидаги тарихий маълумотлар ҳам берилган. Бу ҳақда Хожа Аҳрорнинг шогирди Шайх Абу Аҳмад Муҳаммад Қозий Шоший каламига мансуб «Силсилат ал-орифин» («Орифлар силсиласи») китобида батафсил ёзилган.

Таъкидланганидек, Қафғол Шоший ислом дунёсининг турли ўлкаларига илм-маърифат излаб сафар қилган. Ўз навбатида, у тез-тез хажга – Маккага борган ва қайтаётганида Бағдодда бирмунча вақт истикомат қилиб, ўз билимларини янада ошириш мақсадида у ердаги йирик олимлар билан илмий мулоқотлар олиб борган. Бир гал Қафғол аш-Шоший Бағдодда тўхтаганида ноҳуш воқеа устидан чиқиб қолади. Бу эса ҳижрий сананинг тўртинчи асрига тўғри келиб, Византия императорининг кўмондони Тағфур аббосийлар халифалигига тегишли Шомнинг Шимолий қисми ва Антокияни босиб олиб, халифалик пойтахтига ҳам хавф солган эди.

Шарқшунос олим Баҳриддин Манноновнинг ёзишича, ўз вақтида, яъни IV асрда Рум империясининг иккига бўлиниб кетиши оқибатида унинг шарқий қисмида қарор топган мустақил Византия империяси X асрга келиб, ўз сарҳадларини қайта тиклаш йўлида катта муваффақиятларга эришади ва унинг таъсир доираси нафақат Болкон ярим ороли ҳамда Шарқий Европанинг маълум қисми, балки Қора денгиз қирғоқлари, Кавказнинг ғарбий қисми, Кичик Осиёнинг шарқигача бўлган жойларда ҳам мустаҳкамланади. Шундай бир шароитда Константинополь Араб халифалиги тасарруфига ўтган сарҳадларни қайтадан забт этиш, иложи борича уни маҳв қилиш режаларини амалга оширишга киришади. Шу мақсадда олиб борилган жангларда Византия қўшинлари бир неча бор ғалабага эришадилар... Ана шундай бир тарихий вазиятда Византия империясининг Бағдод халифалиги, умуман, исломга қарши





хуружлари ҳар тарафлама авж олиб кетади. Шу жараённинг кўринишларидан бири сифатида Тағфур томонидан Бағдод халифасига юборилган ва бизгача етиб келган шеърӣ мактуб – ультиматум вужудга келган.

Ўша даврда Византия ва Араб халифалигида шеърӣятга кизикиш юксак даражада бўлган. Давлатлар ўзаро алоқаларидаги дипломатик ёзишмалар шеърлар ва касидаларда ўз аксини топган. Византия императори Араб халифалигига дўк-пўписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар гўё унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Бағдод халифаси эгаллаб турган ўлкаларни тинчлик билан, яхшиликча уларга қайтариб беришни талаб қилади. Византия ҳукмдорлари мактубнинг баландпарвоз чиқиши учун уни араб тилида шеър билан битадилар.

«Ҳошимийлар хонадонидан бўлмиш ҳукмрон халифага» дея ағалган шеърӣ мактубда «Биз шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашк ўлкаси эса ота-боболаримиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз. Мисрни ҳам қиличимиз тиғи билан эгаллаймиз. Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуросон, Қуддус, Шарқу Ғарб ҳаммасини эгаллаймиз», деган мазмундаги дўк-пўписалар билан халифа ва унинг саркардаларига дағдаға солади, уларни айёрлик билан кўрkitмоқчи ва ниҳоят, ўлкаларни осонликча қўлга киритмоқчи бўлади. Худди мана шу воқеалар бўлган кезде Қафғол аш-Шоший Бағдод шаҳрида эди. У халифаликда иқтидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина қонуншунос, забардаст шоир сифатида танилган эди.

Ўша вақтда Бағдодда кўзга кўринган олим ва шоирлар кўп бўлса ҳам, ҳеч ким Тағфурнинг бу таҳдид хатига жавоб ёзишга ботина олмайди. Халифа таҳдид хатига жавоб ёзишни Имом Қафғол Шошийга топширади.


Шубҳасиз, Тағфур таҳдид хати орқали мусулмонларнинг ўша вақтдаги маънавий савиясини билмоқчи бўлган. Имом Қафғол Шошийнинг шеърӣ мактуби эса унга муносиб жавоб бўлиб, сезиларли зарба бўлиб тушган. Ҳатто Византия адиблари, қохинлари ҳам: «Мусулмонларнинг шундай шоирлари борлигини билмас эканмиз», деб тан олишлари жуда эътиборлидир. Баъзи ривоятларда, айни шу касида эвазига Имом Шоший Ҳазрати Усмон мусхафини олган, деб айтилади.

Россиялик шарқшунос проф. С. Прозоровнинг ҳам таъкидлашича, Византия императори Никифор Фоки (963–969) номидан мусулмонларга юборилган ҳақоратли шеърӣ мактубга жавобан Қафғол Шошийнинг касидаси юксак даражада ёзилгани византиялик адиблар томонидан эътироф этилган.

Мухими, ўша пайтда Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда қанчадан-қанча машҳур ва забардаст шоирлар бўлишига қарамадан, Халифа Мутиълиллох (946–974) томонидан Византия ҳукмдорига раддия ёзишдек ўта муҳим вазифанинг Қафғол Шошийга топширилиши унинг қанчалик зўр истеъдод соҳиби, айни пайтда, қучли дипломат эканлигини кўрсатади.

Қафғол Шоший машҳур олим ва тарихчи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (ваф. 923), Абу Бакр ибн Хузайма (ваф. 933), Абу Бакр Муҳаммад ал-Боғандий, Абу Зайд ал-Марвазий ва бошқалардан фикҳ илмини ўрганган.

Йирик тарихчи Абу Саъд Самъоний Абу Бакр Қафғол Шоший илм талабнда Хуросон, Ирок, Ҳижоз, Шом, Суғур (Шимолий Сурия)га сафар қилганлигини таъкидлаб, унинг устозлари сифатида Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма, Абулаббос Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Саррож, Абулқосим Абдуллох ибн Муҳаммад



ал-Бағавий, Абу Аруба ал-Хусайн ибн Моъшар ас-Сулламий, Абулжаҳм Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Тилаб ал-Машғаройларни кўрсатади.


Қафғол Шошийнинг шогирдларига асли журжонлик, болалигидан Бухорода, кейин Нишопурда яшаб, ҳадис тўплаган, Бухоро ва унинг теварагида ҳадис аҳдларига раҳнамолик қилган, турли шаҳарларда козилик лавозимида фаолият олиб борган, ўзининг «Шуаъб ал-имон» («Имоннинг таркибий қисмлари») асарида устози Қафғолни «ўз асрининг олимлари ичида ундан билимдонроғини учратмадим», деб таърифлаган Абу Абдуллоҳ ал-Ҳалимий (339/950–430/1012), кўпгина асарлари қаторида ҳадис илмининг пешволаридан бўлмиш Абу Довуд (202/817–275/888) нинг «Муснад»ига шарҳ битган машхур муҳаддис Абу Сулаймон ал-Бустий (ваф. 388/998), «Нишопур воқеалари» муаллифи Абу Абдуллоҳ ал-Ҳоким ан-Нисобурий (ваф. 405/1014), «Ахли тасаввуф сийрати» муаллифи Абу Абдурахмон ас-Суламий (ваф. 412/1021), Ибн Мандах, факихлардан Абу Абдурахмон ал-Ибрисамий, Абу Исҳоқ аш-Шоший, Носир ибн ал-Хусайн ал-Марвазий, Абу Наср Умар ибн Қатодани мисол қилиб келтириш мумкин. Абу Бакр ал-Қафғол аш-Шоший дунё кезиб, бир неча олимлардан нафақат таълим олган, балки ўзи ҳам илм ўргатган. Шунинг учун шошлик аллома қомусий илмлар билимдони сифатида шуҳрат қозонган.

Алломанинг илмий меросига тўхталадиган бўлсак, тадқиқотлар давомида унинг қаламига мансуб 9 та асари мавжуд эканлиги аниқланди. Шундан иккитаси шарҳ бўлиб, биттаси Имом Шофиъийнинг машхур «Ар-Рисола» асарига ёзилган. Иккинчиси Абулаббос Аҳмад ибн Ёқуб ибн ал-Қос ат-Табарий (ваф. 335)нинг «Ат-Талхис фи-л-фуруъ» («Фуруъдаги қисқартма») асарига ёзган шарҳидир. Шошлик алломанинг асарлари тўғрисида ўрта аср араб манбаларида алоҳида қайд этилган. Жумладан, «Имом Абу Бакр ал-Қафғол аш-Шошийнинг кўплаб асарлари мавжудки, ҳеч бир киши ҳали шунча асарларни тасниф этмаган, – деб ёзади Шайх Исҳоқ аш-Шерозий. – Қафғол аш-Шоший факихлар ичида биринчи бўлиб «Ал-Жадал ал-ҳасан» («Яхши баҳс-мунозара») бўйича асар ёзган. Шунингдек, унинг «Китоб фи усул ал-фикх» («Фикх асослари бўйича китоб»), «Шарҳ ар-рисола» («Рисола шарҳи») асарлари бор».

Маълумки, фикх илмини ривожлантиришда Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофиъий (767–820)нинг хизматлари катта. Унинг «Ар-Рисола», «Ал-Умм» асарлари ислом оламида машхурдир.

Ҳожи Халифанинг таъкидлашича, Имом Шофиъийнинг «Рисола аш-Шофиъий фи-л-фикҳи ало мазҳабиҳи» («Ўз мазҳаби фикҳи ҳақида Шофиъий рисоласи») асари машхур бўлиб, уни Имом Шофиъийдан бир жамоа кишилар ривоят қилишган ва бу асарни шарҳлашда ўзаро баҳслашишган. Бу асарни Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аш-Шайбоний ан-Нисобурий (ваф. 388), Абулвалид Ҳассон ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Умавий (ваф. 349) ҳамда Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафғол ал-Қабир аш-Шоший (ваф. 365) ва бошқалар шарҳлаган.

Шунингдек, шофиъия олимларидан Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ёқуб ибн ал-Қос ат-Табарий аш-Шофиъий (ваф. 335) қаламига мансуб «Ат-Талхис фи-л-фуруъ» («Фуруъдаги қисқартма») асар мавжуд. Бу китоб ҳажми кичиклиги ва вазни энгиллигига қарамай, усул ва фуруъларни жамлаган муҳим асардир. Унинг бир қанча шарҳлари бўлиб, улар орасида Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафғол аш-Шоший шарҳи ҳам бор.



Имом ан-Нававийнинг хабар беришича, Қаффол Шошийнинг бир неча асарлари мавжуд. У биринчи бўлиб жадал (бахс-мунозара) бўйича «Ал-Жадал ал-ҳасан» («Яхши бахс-мунозара») деган асар ёзган.

Имом ан-Нававий ҳам «Қаффол аш-Шоший жадал илми бўйича биринчи китоб таълиф этган зотдир. Шайх Абу Исҳоқ ўз «Табакот»ида зикр қилишича, бирон-бир киши Қаффол Шошийдек кўп китоб тасниф этган эмас. Бундан ташқари, у «Усул ал-фикх» китоби ва Имом Шофиъийнинг «Рисола»сига шарҳ ёзган», деб таъкидлаган.

Абу Бакр Қаффол Шошийнинг яна бир асари «Адаб ал-қози» («Қозининг одоби») деб номланади. Ҳожи Халифанинг таъкидлашича, худди шу номда Абулаббос Аҳмад ибн ал-Қос ат-Табарий (ваф. 335), Абу Саъид Ҳасан ибн Аҳмад ал-Истаҳрий (ваф. 328)лар ҳам китоб тасниф этишган. Лекин улар орасида Қаффол Шошийнинг китоби машҳур бўлиб кетган.

Ҳожи Халифанинг хабар беришича, Абу Бакр Қаффол Шоший «Вузӯи қозий» («Қозининг таҳорати») деган номда асар ҳам ёзган.

Тарихчи Абу Саъд Абдулқарим ас-Самъонийнинг зикр қилишича, Қаффол Шоший «Далоил ан-нубувват» («Пайғамбарлик далиллари»), «Маҳосин аш-шариа» («Шариат гўзалликлари») китобларини ҳам таълиф этган. Имом ан-Нававий эса: «Мен Қаффол Шошийнинг юракдан ёзилган «Далоил ан-нубувват» китоби ва «Маҳосин аш-шариа» катта китобини кўрганман», дейди.

Ҳожи Халифанинг хабар беришича, «Маҳосин аш-шариа фи фуруъ аш-шофиъия» («Шофиъия фуруъларида шариат гўзалликлари») асари муаллифи ал-Қаффол аш-Шоший деб танилган Имом Абу Бакр Муҳаммад Алидир. Ушбу асар ажойиб масалаларни ўз ичига олган. Лекин китобнинг адади жуда кам. Унинг бир нусхаси Қоҳирадаги «Фозилия» мадрасасига 3 жилдда вақф қилинган. Асар *المجد العرش ذو الحيد الغنى لله الحمد* деган мисралар билан бошланган. Қаффол аш-Шошийнинг унда зикр қилишича, китобни шариат далиллари ҳақида сўраганлар учун ёзган.

Абдулқарим ибн Муҳаммад ар-Рофиъий ал-Қазвиний эса бу борада куйидаги маълумотларни келтирган: «Абу Бакр Қаффол аш-Шоший буюк имомлардан ва шофиъий мазҳаби олимларидан эди. Бу зот тафсир, ҳадис, усул ва фикх илмларида пешқадам эди ва кўплаб асарлар ёзган. У кишининг «Маҳосин аш-шариа» китоблари бўлиб, унда Расулulloх (с.а.в.) мўъжизаларини бадийий услубда жамлаган. Ушбу китобда 1000 дан ошиқ ҳадислар бор».

Шунингдек, узок йиллар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси) кутубхонасида фаолият олиб борган марҳум олим Нодирхон Маҳдум Алоуддин ўғли «баъзи муаллифлар «Усули Шоший» китобини Қаффол Шошийнинг асари деб ҳисоблайдилар, аммо биз бу асар диний арбоб, Қаффол Шоший мақбарасига дафн этилган Низомуддин Шоший асари деб ҳисоблаймиз. Асарда муаллифнинг номи йўқлиги ҳозирги замон олимларини нотўғри фикрга олиб келган бўлса керак», – деб ёзган.

Абу Бакр Қаффол аш-Шошийнинг шахсияти ва илмий салоҳияти нафақат ўрта аср Шарқ муаллифлари, балки Ғарб олимлари томонидан ҳам эътироф этилади. Айниқса, немис шарқшуноси К. Броккельман ва йирик рус олими В. Бартольдлар Қаффол Шоший илмий фаолиятига юксак баҳо беришган. Унинг араб адабиётида тутган ўрни ҳақида баён қилинган.



Хулоса килиб айтганда, Қаффол Шоший комусий олим сифатида ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни чуқур билганлиги туфайли илм-фаннинг катор соҳалари ривожда муҳим ўрин тутган.

«Жавомий ал-калим» асари ҳақида

Абу Бакр Қаффол аш-Шоший илмий меросида «Жавомий ал-калим» («Ҳикматли иборалар тўплами») асари етакчи ўринни эгаллайди. «Жавомий ал-калим» китоби Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший қаламига мансуб бўлиб, унда Имом ал-Бухорий шарҳи мажмуаларидаги Расулulloх (с.а.в.) калималаридан тўпланган. Ушбу асар қўлёзмасининг фотонусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади. Марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари 1970 йили Дамашк шаҳридаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланадиган «Жавомий ал-калим» асарининг қўлёзмаси (32 саҳифадан иборат) фотонусхасини олиб келган.


Қаффол аш-Шоший «Жавомий ал-калим» асарининг хусусиятини қўлёзмада куйидагича таърифлайди: «Бу китобимда Расулulloх (с.а.в.) ҳадислари ичида эшитганларимдан мингта сўз (калима) тўладим. Уларнинг тузилиши мураккабликдан холи, маънолари чигалликдан йироқ, пайғамбар ҳидояти билан қўллаб-қувватланган ва тарбияланганлиги сабабли фасихларнинг фасоҳатидан ва балоғат аҳлининг балоғатидан устундир. Мен уларни ўзлаштириш ва эслаб қолишни осонлаштириш мақсадида бири иккинчисининг кетидан келадиган, иснодлари олиб ташланган, сўзларнинг яқинлигига қўра бобларга бўлинган ҳолда келтирдим».

«Жавомий ал-калим» асарида Қаффол аш-Шоший ҳадисларни куйидаги ҳолатда келтирган:

Амаллар ниятларга боғлиқдир.
Маслаҳатгўй омонатдордир.
Карам соҳиби бўлиш такводир.
Қуръон дардларга даводир.
Дуо ибодатдир.
Аввал салом, кейин калом.
Яхши савол илмнинг ярמידир.
Жамоат билан бўлиш раҳматдир.
Фирқаланиш айни азобдир.

الأعمال بالنيات
المستشار مؤتمن
الكرم التقوى
القرآن هو الدواء
الدعاء هو العبادة
السلام قبل الكلام
حسن السؤال نصف العلم
الجماعة رحمة
الفرقة عذاب

Кўриниб турибдики, Қаффол аш-Шоший тўплаган ҳадислар киска, лўнда ҳамда маъноларга бойдир. Муҳими, ҳар қандай ўқувчи учун тушунарли шаклда берилган. Айни пайтда «Жавомий ал-калим» маърифий ва дидактик аҳамиятга эгаллиги билан бошқа ҳадис тўплamlари ичида ажралиб туради. Шунингдек, Қаффол Шоший асарида берилган ҳадисларда ислом дини аҳкомларидан ташқари одоб-ахлоқ, илм-маърифат, таълим-тарбияга доир ҳикматли иборалар кайд этилган. Ундан халқимиз орасида кенг тарқалган матал, мақоллар, нодир ва кимматли афоризмлар ҳам ўрин



олган. Бу эса хадисларнинг кенг халк оммаси учун равон ва тушунарли бўлиши, таркалишида муҳим аҳамият касб этган.

Саҳих хадис тўпламлари ничдан ҳикматли ибораларни саралаб олиш Қафқол Шошнйдан катта меҳнат ва машаққатни талаб этган. Эътироф этиш керакки, ислом илмлари бўйича етук аллома ўзининг улкан илмий салоҳиятини намоён этиб, «Жавомий а-л-калим» асарини яратишга муваффақ бўлган. Фикримизнинг исботи сифатида ушбу хадислардан баъзиларининг ровий ва иснодларига мурожаат қилайлик:

«Амаллар ниятларга боғлиқдир». Бизга хабарни Абдуллох ибн Зубайр ал-Ҳамидий Суфъндан берган. Унга Яҳё ибн Саъид ал-Ансорий Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Таймийдан хабар берган. У Алкама ибн Ваккос ал-Лайсий Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) минбарда туриб шундай деганларини эшитганлигини айтган. Умар ибн ал-Хаттоб минбардан туриб, Расулulloх (с.а.в.): «Албатта, барча амаллар ниятга боғлиқдир. Ҳар бир киши ўз ниятига етгусидир. Бирор киши Аллох таоло ва Унинг Расули (пайғамбари) учун хижрат қилса, Аллох ва унинг Расули учун хижрат қилганлик савобини топади. Ҳар ким дунё учун хижрат қилса, дунёга, аёл учун хижрат қилса, аёлга етишгусидир. Бас, нимани ният қилиб хижрат қилса, ўшанга етишгусидир», – деганларини айтди».

Ушбу хадис саҳих бўлиб, уни имом ал-Бухорий Моликдан келтирган. Бундан ташқари, бу хадис бир неча хадис тўпламларида ҳам мавжуд. Қафқол аш-Шоший ушбу хадисдан бор-йўғи иккита қалмани ажратиб олган ва у омма орасида машҳур бўлиб кетган.

«Маслаҳатгўй омонатдордир». Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн ат-Тажийий Абу Саъид Аҳмад ибн Донуко ал-Жамолдан, у Иброҳим ибн Маҳдийдан, у Ҳасан ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад ал-Балхийдан, у Исмонл ибн Муслимдан, у Ҳасандан, у эса Самура ибн Жундубдан Расулulloх (с.а.в.): «Маслаҳат берувчи хиёнатчи эмас, балки омонатдордир (ишончга лойиқдир), зеро, у хоҳласа, маслаҳат беради, хоҳласа, сукут саклайди. Агар маслаҳат берса, ўзи ўша аҳволда нима қилса, ўшани маслаҳат беради», – дедилар.

Яна бир ривоятда хадиснинг давомида шундай дейилган: «Шунинг учун (маслаҳат берувчи бировнинг сирини саклашга ишончли бўлганлиги учун) у истаса, маслаҳат беради (омонатни сир туттишга кўзи етса), хоҳласа сукут саклайди (омонатни сир туттишга кўзи етмаса)».


Мажлислар омонат биландир (уларда айтилган сўзларнинг сир сакланишига боғлиқ).

Бошқа бир хадисда: «Бир одам бир сўзни айтиб бўлганидан сўнг (хадисираб) у ёк-бу ёкка қараб қўйса, демак, унинг сўзи (эшитувчи учун) омонатдир (сирдир)», – дейилган.

Ислом дини таълимотига кўра, бир одамнинг бошқа бир одамга ишониб бериб қўйган пули, моли ва бошқа нарсалари омонат бўлганидек, унинг бошқалар эшитмаслигини назарда тутиб айтган гапи ҳам омонат, яъни сир ҳисобланади. Омонат сўзга хиёнат қилиб, бировнинг сирини фош қилиш ҳам молу дунёга хиёнат қилингани каби қораланади.

Абу Муслим Иброҳим ибн Абдуллох ибн Муслим Абу Осимдан, у Ибн Журайждан, у Абдулқаримдан, у Усмон ибн Аффоннинг хизматкоридан, у Абдуллох ибн





Маъкилдан, у Абдуллох ибн Масъуддан ривоят қилишларича, Расулulloх (с.а.в.): «Пушаймонлик (надомат чекиш) тавбадир», – дедилар.

«Бемаза гап жафо келтиради». Бу ҳадис аслида куйидагича: Муҳаммад ибн Солих ибн Зурайх Исмоил ибн Мусо ал-Физорийдан, у Ҳушаймдан, у Мансурдан, у Ҳасандан, у Абу Букрадан хабар беришларича, Расулulloх (с.а.в.) дедилар: «Бемаза гап жафо келтиради, жафо эса дўзахга олиб боради. Ҳаё имондандир, имон эса жаннатга киритади».

Ўзбек халқи орасида «Олтин олма, дуо ол» деган нақл мавжуд. Қафқол аш-Шоший ўзининг «Жавомий ал-калим» асарида «Дуо ибодатдир» деган ҳадисни келтиради. Ушбу ҳадис деярли барча муҳаддисларнинг тўпламларида учрайди. Бу ўринда «Жавомий ал-калим»да берилган 1000 дан ортиқ ҳадисларни шархлашнинг имкони йўқ, албатта. Муҳими, Қафқол аш-Шошийнинг ушбу асари ҳадис илмида катта аҳамиятга эга. Чунки унда берилган ҳадислар кенг халқ оммаси ўрганиши учун жуда раво ва қулай ёзилган.


Қафқол аш-Шоший «Жавомий ал-калим» асарининг муқаддимасида «ҳадис иснодларига бир китоб бағишладимки, уларни билиш учун ўша китобга мурожаат қилинади» деб ёзади. Демак, муаллифнинг ҳадис илмига оид «Жавомий ал-калим»дан бошқа яна бир асари мавжуд эканлиги маълум бўлмоқда. Унда олим ўзи тўплаган саҳих ҳадисларнинг ровий ва иснодларини тўлиқ келтирган.

«Жавомий ал-калим» том маънода мўътабар асарлар сирасига қиради. Зеро, унда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳикматлари, ҳадислари ўз ифодасини топган. «Жавомий ал-калим», яъни «Ҳикматли иборалар тўплами» номидан ҳам маълумки, ундан дини, миллатидан қатъи назар ҳар бир инсон учун қундалиқ турмуш ва ижтимоий ҳаётда зарур бўлган одоб-ахлоқ мезонлари, бебаҳо кўрсатмалар ўрин олган.

Хулоса қилиб айтганда, Қафқол Шоший ҳаёти давомида мусулмон дунёси бўйлаб сафар қилган, энг машҳур олимларга шогирд тушиб, улардан илм ўрганган. Машҳур уламолар билан суҳбатлашган Қафқол Шоший диний илмлардан ташқари дунёвий билимларни ҳам чуқур ўрганган. Шунинг учун ҳам, халқ уни Ҳазрати Имом – Ҳастимом деб улуғлаган.

Марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари «Имом ал-Қафқол ўлкамизда диний билимларнинг, араб тилининг тарқалишида, мусулмон қонунчилигининг асосий қонун-қоидаларини кўрсата билишда муҳим ўрин тутадиган», – деб эътироф этганлар. Тафсир, ҳадис, фикх ва адабиётга доир кўплаб манбаларда Имом Қафқол Шошийнинг асарларидан иқтибослар келтирилган. Бу илмий эътирофлар эса унинг ислом илмлари бобида етук аллома эканлигини кўрсатади. Тошкентнинг халқ орасида «Ҳастимом» (Ҳазрати Имом) деб аталадиган, истиклол туфайли обод масканга айланган табаррук гўшаси ул зотга нисбатан чуқур эҳтиром намунаси.

Неъматулла МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди




АБУ-Л-АББОС АЛ-МУСТАҒФИРИЙ АН-НАСАФИЙ (961–1041)

Юртимизнинг қадимий ўлкаларидан бири Қашқадарё воҳасидир. Воҳанинг кўхна шаҳарлари бўлмиш Насаф, Кеш, Касби, Фазли, Ғузор каби жойлардан кўп олимлар, мутафаккиру донишмандлар етишиб чиккан. Айникса, воҳанинг бош шаҳри Насафдан кўплаб алломалар – ан-насафийлар чикиб, жумлаи жаҳонга донг таратганлар. Куйида Насафдан чиккан йирик олимлардан бири Жаъфар ибн Мухаммад Абу-л-Аббос ал-Мустағфирий ан-Насафий ҳақида маълумот берамиз.

Ал-Мустағфирий милодий 961 йилда Насафда таваллуд топган ва 1041 йилда шу шаҳарда вафот этган. У дастлабки билимни ўз она шаҳри Насафда олиб, сўнгра узок йиллар давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарлариға борган, жумладан, Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқандда яшаб, кўпгина таникли олимлардан сабоқ олган. Илм йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси ўларок, ал-Мустағфирий ўз даврининг машҳур фикх олими, муҳаддиси, тарихчиси ва филологи сифатида танилган. У ханафия мазҳаби бўйича таникли факих бўлиб етишиб, жуда кўп ҳадисларни тўплаган ва уларни ёд билган. Қатор муаррихлар ал-Мустағфирий яшаган давр (X аср охири – XI асрнинг биринчи ярми)да Мовароуннаҳрда унга тенг келадиган олим бўлмаган, деб алломанинг илмий салоҳиятини юқори баҳолаганлар. У йигирма етти ёшидан бошлаб Насаф шаҳридаги жоме масжидида маърузалар қилган. Умрининг охирларида эса Насаф шаҳрининг бош имом-хатиби лавозимида фаолият кўрсатган. У ҳақда маълумот берган тарихнависларнинг аксарияти ал-Мустағфирийни «соҳиб ат-тасанийф ал-қасира» (кўплан-кўп асарларнинг муаллифи) деб таърифлаган бўлсалар-да, биз ҳозирча аллома қаламига мансуб ўнга яқин асарларни номма-ном аниқлашга муяссар бўлдик. Унинг муҳим асарларидан бири «Тарихи Насаф ва-л-Қашш» («Насаф ва Кеш тарихи»)дир. Икки йирик жилддан иборат бўлган бу тарихий асар ўрта асрларда Насаф, Кеш ва Мовароуннаҳрнинг шаҳарларида яшаб фаолият кўрсатган кўплаб олимлар ва бошқа донишмандларга бағишланган. Муаллиф ушбу асарида олимлар ва арбобларни саксон тоифага бўлиб таърифлаган. Афсуски, ҳозирги маълумотларга кўра, ал-Мустағфирийнинг бу қимматли тарихий асари бизгача етиб келмаган ҳисобланади. Лекин ал-Мустағфирийдан кейин яшаган бир қанча олимлар унинг бу асаридаги маълумотлардан ўз ижодларида самарали фойдаланганлар. Жумладан, бу китоб муаллифидан бир аср кейин яшаган насафлик бошқа бир йирик олим Нажмиддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг (1068–1142) «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимлари ҳақида қанддек (ширин) китоб») номли машҳур асари учун асосий манбалардан бўлиб хизмат қилган. «Тарихи Насаф ва-л-Қашш»дан унумли фойдаланган олимлардан яна бири Абу Саъд Абдул Карим ас-Самъоний (1113–1167) бўлиб, у ўзининг «Ал-Ансоб» номли улкан асарида келтирилган элликка яқин мовароуннаҳрлик олимларнинг таржимаи ҳолларини бевосита мазкур асардан олган. Олимнинг қимматли асарларидан яна бири «Тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихи») бўлиб, минг афсуски, ушбу муҳим асар ҳам бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Илмий изланишларимиз натижасида шу нарсага амин бўлдикки, ал-Мустағфирий яшаган даврда ислом динининг турли масалаларини теран идрок этиб, илмий асосда





тўғри талкин килиш алоҳида аҳамият касб этган. Шу боисдан ҳам, кенг халк оммаси орасида ҳақиқий исломий тафаккурни шакллантиришда илм аҳллариининг жамият-даги ўрни бекиёс бўлган. Шу ақидадан келиб чиқиб, аллома ал-Мустағфирий ҳам ислом динининг турли мавзуларига оид бир қанча асарлар яратган. Шулар жумласидан, унинг «Китоб фазоил ал-Қуръон» («Қуръоннинг фазилатлари ҳақида китоб») асари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу мавзуга тааллуқли дастлабки асарлардан бири сифатида ҳам ғоятда кадрланади. Шунингдек, олимнинг жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг намунавий, ибратли ҳаёт йўллари, у зотнинг кимматли таълимотлари ва кўрсатган мўъжизаларига бағишланган «Далоил ан-нубувва» («Пайғамбарлик аломатлари»), «Китоб ал-хутаб ан-набавийя» («Пайғамбарнинг хутбалари ҳақида китоб»), «Китоб ад-даъвот» («Даъватлар китоби»), «Китоб аш-шамойил» («Пайғамбарнинг шакл-шамоиллари ҳақида китоб») каби асарлари ҳам машҳурдир.

Булардан ташқари, манбаларда аллома қаламига мансуб асарлардан «Китоб ал-маномат» («Тушлар ҳақида китоб»), «Китоб маърифат ас-саҳоба» («Саҳобаларни билиш ҳақидаги китоб») ва соф адабиётшуносликка оид бўлган «Китоб аш-шеър ва-ш-шуаро» («Шеър ва шоирлар ҳақида китоб») каби асарлар ҳам зикр қилинади. Бу асарлардан айримлари бизнинг давримизгача етиб келган бўлса-да, кўплари ҳақида йўқолиб кетган, деган фикрлар мавжуд. Лекин донишманд халқимизда «ноумид шайтон» деган бир ҳикмат бор. Шунга кўра, кўп буюк аждодларимиз каби аллома ал-Мустағфирий яратган асарларнинг қўлёзма нусхалари хорижий (айниқса, Миср, Сурия, Туркия, Эрон, Англия, Германия каби) мамлакатлар илмий хазиналари ва кутубхоналарида сақланиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга, анча-мунча қўлёзма асарлар юртдошларимизнинг қўлларида сақланаётган бўлиб, улар тегишли илмий муассасалар томонидан тўпланиб, илмий асосда чуқур ўрганилиб, кенг халқ оммасига етказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу тарздаги муҳим ва хайрли ишлар натижасида Абу-л-Аббос ал-Мустағфирий каби кўплаб беназир алломаларимизнинг ҳаёти ва улар қолдирган бой илмий-маънавий мерос ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўламиз. деган умиддамиз.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АБУ БАКР КАЛОБОДИЙ **(ваф. 990 ёки 995 й.)**

Ўрта асрларнинг йирик алломаларидан ҳисобланган таниқли муҳаддис ва факих, мутақаллим ва файласуф, муфассир ва тасаввуфшунос олим, «Тож ул-ислом» (Ислом тожи) ва «Дарбони Бухоро» (Бухоро дарвозабони) лақаблари билан машҳур бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб ал-Калободий ал-Бухорий ал-Ҳанафий Бухоро шаҳри яқинидаги Калобод маҳалласида дунёга келган. Бир қанча манбаларда ҳамда муаллиф асарларининг турли қўлёзма нусхаларида унинг исми жузъий деталлар билан фаркланиб туради. Барча манбаларда унинг куняси «Абу Бакр» шаклида келтирилади, аммо «Тож ул-ислом», «Сўфий» (мутасаввиф





сифатида), «Хофиз» (мухаддис сифатида), «Ориф», «Мухаддис», «Шайх», «Имом», «Зоҳид» каби турли хил нисбалар ва унвонлар билан тилга олинади.

Калобод маҳалласи ундан етиштиб чиққан ва ислом оламида донг таратган буюк олимлар билан машҳур бўлиб, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Калободий, Абул Қосим Убайдуллоҳ Калободий, Абу Саҳл Абдулқарим ибн Абдурахмон Калободийлар шулар жумласидандирлар.

Калобод – аслида Гулобод номининг арабчалашган кўриниши бўлиб, араб алифбосида «г» товушини ифодалайдиган харф бўлмаганлиги сабабли бу ном Калобод шаклида ёзилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги замон ўзбек шарқшунослари Калободийни Гулободий деб ҳам эслатишади. Шундай бўлса-да, асрлар давомида ушбу алломанинг номи Калободий кўринишида ёзиб келинганлигини инобатга олган ҳолда, ҳозирги замон жаҳон шарқшунослигида ушбу олимнинг номи шу шаклда келтиришади. Айтиб ўтиш лозимки, Калободийнинг номи бугунги замонга оид бўлган айрим арабча ва форсча манбаларда Калобозий шаклида ҳам учрайди.

Бошланғич таълимни ўзи туғилиб ўсган жойида олган бўлғуси олим кейинчалик ўша замонда кенг тарқалган диний ва дунёвий илмларни ўрганишга киришади. Фихх ва ҳадис илмлари бўйича саксон тўрт олимнинг асарларини ўқиб чиққан Калободий ўз даврининг машҳур уламоларидан ушбу илмларни пухта ўрганади. Шунингдек, Абу Хафс ал-Қабир ал-Бухорий калом илмида, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Форсий ҳамда Мансур Ҳалложнинг шогирдларидан бўлган Абулқосим Форис ибн Исо Бағдодийлар эса тасаввуф илмида Калободийнинг устозлари бўлишган.


Абу Бакр Калободий маълум муддат давомида козилик лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Аммо Калободийнинг асосий фаолияти ўзи ўрганган илм соҳаларида, хусусан, ҳадис, фихх ва тасаввуф борасида тадқиқотлар олиб бориш ва фундаментал асарлар ёзиш билан боғлиқ бўлган. Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Калободий тасаввуф тарихи ва таълимотини чуқур ўрганган бўлса-да, ўзи бевосита сўфийлик йўлига қирмаган, балки тасаввуфга тадқиқотчи нуқтан назаридан ёндашиб, биринчилардан бўлиб тасаввуф назариясига асос солган.

Калободий илмий фаолиятининг ўзи билан шуғулланиб қолмасдан, кўплаб шогирдлар ҳам етиштирган. Унинг тасаввуфга оид асарига шарҳ ёзган Мустамлий Бухорийдан ташқари Абу Наср Аҳмад ибн Али Моятмарғий (X аср) ва Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Исфаконий (X аср) каби олимлар ҳам Абу Бакр Калободийнинг энг машҳур шогирдларидан ҳисобланишади.

Абу Бакр Калободий 990 ёки 995 йили вафот этган ва Бухоро шаҳрининг «Шўристон» қабристонинда Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (1048–1140) халифаларидан бўлган Хожа Абдуллоҳ Баракий қабри ёнида дафн этилган.

Юз мингдан кўпроқ ҳадисни ёддан билган Абу Бакр Калободий биринчи навбатда забардаст ҳадисшунос сифатида таникли бўлган. Унинг аксарияти бизнинг даври-мизгача етиб келмаган асарларининг катта қисмини ҳам айнан ҳадисга оид асарлар ташкил этади. Жумладан, турли манбаларда унинг «Арбаъин фи-л-ҳадис» («Қирк ҳадис») ва «Амоли фи-л-ҳадис» («Ҳадис ҳақида қайдлар») каби асарлар ёзгани, шунингдек, Имом Бухорийнинг «Жомеъ ус-саҳих» («Саҳих ҳадислар тўплами») китоби-га шарҳ битгани эслатиб ўтилган. Бирок унинг бизгача етиб келган ва «Маъоний ул-аҳбор» («Ҳадисларнинг маънолари») номи билан ҳам шуҳрат топган ҳадисга оид «Баҳр ул-фавоид» («Фойдалар денгизи») номи асари унинг бу борадаги энг йирик





асарларидан хисобланади. Ушбу китоб беш юз тўксон икки ҳадисни ўз ичига олади. Бошқа бир манбада келтирилишича, «Маъоний ул-ахбор»да бир-бирига ўхшаш ёки бир-бирига зид келадиган турли хабарлар ва ҳадислар орасидан тадқиқ, таққослаш ва мувофиқлаштириш орқали танлаб олинган икки юз йигирма икки ҳадис келтирилган.

Абу Бакр Калободийнинг ҳадис илмидаги шуҳрати шу даражада бўлганки, ҳадис илмининг йирик вакилларида бўлган Ибн Ҳажар Аскалоний (1372–1449) «Фатх ул-Борий» («Яратувчи томонидан очиб берилган маънолар») ҳамда Абдурауф Миновий «Файз ул-кадийр» («Қодир зотдан таралган файз») асарларида Калободий тўплаган ҳадисларга таянишган.

Суннийликнинг ханафий мазҳабиغا эътикод қилувчи йирик факих олим бўлган Калободийнинг фикҳга оид «Муъаддил ус-салот» («Намоз қондалари»), «Ал-ашфоъ ва-л-автор» («Жуфт ва ток намозлар») ва «Фасл ул-хитоб» («Ҳақни ботилдан ажратувчи») каби асарлар ёзганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар қолган. Бундан ташқари, унинг Қуръон тафсирига оид асар ҳам яратганлиги тўғрисида тахминлар мавжуд.

Булардан ташқари калом илмида ҳам етук олим бўлган Калободийнинг бу борадаги асарлари ушбу соҳа вакиллари учун манба бўлиб хизмат қилган. Жумладан, Ибн Таймия (1263–1328) ўз асарларида Калободий томонидан ўртага ташланган каломий ҳулосалардан фойдаланган.

Абу Бакр Калободий илмий фаолиятининг яна бир муҳим қирраси тасаввуф тадқиқотлари билан боғлиқдир. Калободийнинг сўфийлик тўғрисидаги энг қадимги ва илк асарлардан бири бўлган «Ат-таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўлини таништириш») номи асари унга оламшумул шуҳрат келтирди. Гарчи Абу Бакр Калободий ўз даврининг турли илм соҳаларида тадқиқотлар олиб бориб, қимматли асарлар яратган бўлса-да, айнан мана шу асар ушбу алломани илк тасаввуф назариётчиларидан бири сифатида дунёга танитди. Калободийнинг ўзи томонидан ушбу китобга шарҳ сифатида ёзилган «Хусн ат-тасаввуф» («Тасаввуфни энг яхши тарзда кўрсатиб бериш»), шунингдек, бизгача етиб келмаган «Шараф ул-фақри ва аҳлиҳи» («Фақрнинг ва фақр аҳлининг улуғлиги») асарлари ҳам тасаввуф тадқиқотларига бағишланган.

Эътикод масалаларида турли ғоявий ихтилоф ва қурашлар майдонига айланиб бораётган Мовароуннаҳр IX аср ўрталарига келиб ўзига хос қучли ғоявий иммунитетга эга бўлди. Яъни бу даврда ислом динининг ханафий мазҳаби фикҳига асосланган ва аҳли суннат вал-жамоатни мўътазилия ва қарматия каби оқимлардан ҳимоя қилишга қаратилган ашъария ва мотуридия калом мактаблари юзага келди.

Қуръон, ҳадис, фикҳ, калом, фалсафа, тарих илмларини пухта ўзлаштиришдан ташқари тасаввуф тарихи ва таълимотидан ҳам яхши хабардор бўлган Абу Бакр Калободий илмий-назарий жиҳатдан мустаҳкам асосланган Бухоро тасаввуфшунослик мактаби дастури – назарий асосини яратиш ва шу орқали тасаввуф таълимотини ханафий фикҳи ва мотуридия илоҳиёти асосида ислоҳ этишдек масъулиятли ва ўта муҳим вазифани бажаришга киришди. Унинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари натижасида тасаввуф назариясига оид фундаментал асар бўлмиш «Ат-таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўлини таништириш») асари юзага келди. Ушбу асарнинг номини қисқача қилиб «Ат-Таъарруф» кўринишида эслатиш одат тусига кирган.



Калободий етмиш беш бобдан иборат бўлган бу асарда суннийлар томонидан қабул қилинган ислом тасаввуфининг асл моҳияти ва ҳақиқий манзарасини тасвирлаб беришга киришиб, тасаввуф таълимоти ислом динининг моҳияти ҳисобланган ишк йўли эканини исботлаб беришга муваффақ бўлди. Шунингдек, бу олим тасаввуф таълимотига нисбатан билдирилган салбий фикр-мулоҳаза, тухмат ва игволарнинг асоссиз эканини исботлаб, бу таълимотни ислом дини таркибидаги мустақил йўналиш сифатида тавсифлаб берди, тасаввуф аҳли мавкеида туриб, аҳли суннат вал-жамоатга муҳолиф бўлган мазҳаб ва фиркаларга раддия бериш мумкинлигини кўрсатди. Шу тарика Калободий фикҳий жихатдан ҳанафийлик, ақидавий жихатдан суннийликка асосланган Мовароуннаҳр тасаввуфшунослик мактабига асос солди.

Асосий мақсади суннийлик йўналишидаги тасаввуфни ҳимоя қилиш ва унинг ислом шаръига мос қилишини исботлашдан иборат бўлган «Ат-Таъарруф» асарида тасаввуф таърифи ва моҳияти, тасаввуф тарихи, тасаввуф адабиёти, тасаввуф тушунчалари ва атамалари изоҳи ҳамда тасаввуф мақомлари ва ҳоллари шарҳи билан биргаликда фикҳий ва каломий масалалар ҳам ўртага ташланган. Шу тарика асар биратўла тасаввуф тарихи, адабиёти, терминологияси ва назарияси ҳамда ислом ҳукуқи ва теологиясига онд асар сифатида шаклланган.


«Ат-Таъарруф» асари нафақат тасаввуфни таништириш ва унинг назарий асосларини ривожлантиришда, балки, умуман, унинг асл ҳолатида сақланиб қолишида ҳам катта ўрин тутган. Шу сабабли ҳам ушбу асарни сўфийларнинг кейинги авлодлари юқори баҳолашган. Хусусан, шайх Яхё ас-Сухравардий (в. 1191) «Агар Калободийнинг «Ат-Таъарруф» асари бўлмаганида эди, биз тасаввуф нима эканлигини билмаган бўлардик», деган эди.

Калободийнинг «Ат-Таъарруф» асари тасаввуф таракқиётининг «олтин асри»да ушбу таълимот тўғрисида яратилган, назарий ва амалий билимларни ўзида умумлаштирган энг биринчи тизимли концептуал асардир. Калободий «Ат-Таъарруф» китобида шариат ва тарикат ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштиришга эришди. У тасаввуф таълимотини аҳли суннат вал-жамоат ақоиди асосида ислоҳ этиш масаласини ўртага ташлади, фикҳий масалаларда ҳанафий мазҳабига асосланди, сохта сўфийларни фош этиш орқали бу соҳада илмий-танқидий ёндашиш усулини жорий этди.

Абу Бакр Калободий ўз тадқиқотларида ўзига хос илмий услубдан фойдаланган. Олим асарида оят, ҳадис, саҳоба, тобеин, машхур шайхларнинг сўз, амаллари ва сўфий шоирларнинг насихатомуз шеърларидан иборатли намуналардан фойдаланган. Калободий ушбу услубни муайян таълимотлар – ҳанафийлик ва тасаввуф манфаатларини ёқлаш ва асослаш мақсадида қўллаган илк назариётчи олим бўлиб чиқади. Унинг ушбу услуби кейинги даврларда Хожа Абдуллоҳ Ансорий (1005–1088), Мустамлий Бухорий, Ибн ал-Арабий (1165–1240), Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (1058–1111), Муҳаммад Порсо, Абдурахмон Жомий (1414–1492) ва Аҳмад Сирхиндий (1564–1624) каби тасаввуф назариётчилари томонидан янада ривожлантирилди.

«Ат-Таъарруф» нинг қўлёзма нусхаларидан бири Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази ҳазинасида 3154-V тартиб рақами остида сақланмоқда. Қўлёзма колофонига маълумотга қараганда, у 415/1025 йили кўчирилган, аммо котибнинг номи кўрсатилмаган. Калободийнинг 990 ёки 995 йилда вафот этганлиги эътиборга олин-






са, мазкур кўлэзма муаллиф вафотидан кейин 35 ёки 40 йил ўтгач кўчирилган бўлиб чиқади. Бу эса кўлэзма қадимий ва мўътабар эканлигидан далолат беради. Кўлэзма таълик ва настаълик хатларида аралаш кўчирилган.

Абу Бакр Калободийнинг «Ат-Таъарруф» асари тасаввуфшунослик борасидаги илк назарий манбалардан бири сифатида ўзидан кейинги давр тасаввуф тадқиқотларига катта таъсир ўтказди. Ушбу асарга араб ва форс тилларида кўплаб шарҳлар битилган бўлиб, уларнинг энг биринчиси ва энг муҳими Калободийнинг ватандоши ва шогирди бўлмиш Мустамлий Бухорийнинг (в. 1043) форс-тожик тилида ёзган ҳажм жиҳатидан анчагина йирик «Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўлини таништириш» учун ат-Таъарруф асарига шарҳ) асаридир. Мустамлийнинг «Нур ул-муридин ва фазихат ул-муддаъин» («Муридлар учун нур ва даъвогарлар учун кўркув») номи билан ҳам машҳур бўлган ушбу шарҳи Калободий асарининг янада кўпроқ ва кенгрок шуҳрат қозонишида катта ўрин тутди. Чунки айнан ана шу илк шарҳдан сўнг Калободий китобини араб ва форс тилларида шарҳлаш ёки ундан манба сифатида фойдаланиш анъанаси юзага келди. Мустамлийдан сўнг «Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» асарига ёзилган шарҳлар жумласига номаълум муаллифнинг «Хулосайи шарҳи таъарруф» («Тасаввуф йўлини таништириш» асари шарҳининг қисқартирилган шакли»), Хожа Абдуллоҳ Ансорий ал-Ҳиравийнинг (1005–1088) «Шарҳ ат-таъарруф» («Тасаввуф йўлини таништириш» асари шарҳи»), Қози Алоуддин Али ибн Исмоил Табризий Қунавийнинг (в. 1328/1329) «Ҳусн ат-тасарруф фи шарҳ ат-таъарруф» («Тасаввуф йўлини таништириш» асари шарҳида энг яхши қадам»), Неъматуллоҳ ал-Ардабийнинг «Румуз ул-орифин ва кунуз ул-ошикин» («Орифлар сирлари ва ошиқлар хазиналари»), Баҳоуддин Накшбанднинг шогирдларидан бири Хожа Муҳаммад Порсонинг (1348–1420) «Фасл ул-хитоб» («Ҳақни ботилдан ажратувчи») ҳамда Мулла Муҳаммад Олим аш-Шошийнинг «Шарҳи таъарруф» («Тасаввуф йўлини таништириш» асари шарҳи») асарлари киради.

Абу Бакр Калободийнинг «Ат-Таъарруф» китоби биринчи марта Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг 1903 йили Истанбулда нашр этилган «Ихё улум ад-дин» китобининг хошиясида мазкур китоб билан бирга чоп этилган. Шундан сўнг «Ат-Таъарруф» асари 1934 йили Қоҳирада, ушбу асарнинг инглиз тилига қилинган таржимаси эса «Тасаввуф доктринаси» номи билан 1935 йили Лондонда таникли инглиз шарқшуноси А.Ж. Арберри (1905–1969) томонидан нашр этилди. Бундан ташқари, ушбу асар 1960 йили Қоҳирада таникли мисрлик олимлар Абдулҳалим Маҳмуд ва Тоҳа Абдулбоқийлар томонидан ҳам нашр этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. 1993 йилда эса араб тадқиқотчиси Аҳмад Шамсиддин Байрутда «Ат-Таъарруф» китобининг танкидий матнини босмадан чиқарди. Асар шундан кейин ҳам бир неча марта нашр этилган бўлиб, унинг энг сўнгги нашри 2001 йили Байрутда амалга оширилган.

Абу Бакр Калободийнинг илмий мероси Ғарб ва Шарқ мамлакатлари шарқшунослари томонидан яхши ўрганилган. Европалик олимлардан Артур Арберри, П. Нвия ва Аннамарие Шиммель, америкалик шарқшунослардан А.Д. Кныш ўз тадқиқотларида бу олим ва унинг илмий мероси тўғрисида тўхталиб ўтишган. Россияда Калободий тўғрисидаги маълумотлар 1991 йилда Москвадан нашр этил-



ган «Ислам» ва «Ислам на территории бывшей Российской империи» энциклопедик луғатларида келтирилган.

Абу Бакр Калободий ва унинг асарлари тўғрисида энг кўп тадқиқотлар Туркияда амалга оширилган. Жумладан, туркиялик олимлар Билал Саклан, Фикрет Карапинар ва В. Гўкташлар Калободийнинг «Ат-Таъарруф» асари бўйича жиддий тадқиқотларни амалга оширишган. Хусусан, В. Гўкташнинг «Ҳижрий IV асрадаги Бухорода тасаввуф: Калободий ибрати» номли китоби бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Эрон олимларидан Абул Ҳасан Зарринкуб ҳамда тожикistonлик шарқшунослардан К. Олимов ҳам Калободий ижодини маълум даражада ўрганишган.

Абу Бакр Калободийнинг илмий мероси, жумладан, унинг «Ат-Таъарруф» асари борасида Ўзбекистонда ҳам бир талай тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Н. Комиловнинг «Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи», Садриддин Салимовнинг «Уч авлиё», Абдулғафур Бухорийнинг «Тарикатга йўлланма» китоблари, Б.Ш. Каримовнинг «Амъак Бухорийнинг ижтимоий қарашлари» мавзудаги номзодлик диссертацияси ҳамда Н. Комилов, У. Уватов, М. Болтаев, Л. Асророва, Ж. Холмўминов ва Мавлуда Отакул кизи мақолаларида ҳам Калободий ва унинг илмий мероси тадқиқ қилинган. Шунингдек, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» ва «Ислом» энциклопедиясида ҳам Абу Бакр Калободий ҳаёти ва илмий мероси хусусида қисқача маълумот берилган. Ўзбек шарқшуноси Б. Намозов эса биринчилардан бўлиб Абу Бакр Калободий илмий меросини диссертацион тадқиқот доирасида ўрганиб чиқиб, бу борада илмий рисола ҳамда мақолалар чоп этган. Ушбу рисолада биринчи марта олимнинг ҳаёт йўли, маънавий мероси ва фалсафий қарашлари таҳлил этилган. 2002 йили Отакул Мавлонкул ўғли ва Мавлуда Отакул кизи томонидан Калободийнинг «Ат-Таъарруф би мазхабит тасаввуф» («Тасаввуф йўли билан таништириш») асари «Тасаввуф сарчашмаси» номи билан арабчадан ўзбек тилига ўгирилди.


Абу Бакр Калободийнинг «Ат-Таъарруф» асари тасаввуф тарихи ва таълимоти, ислом фалсафаси ҳамда юртимиздаги илм-фан ва фалсафий фикр тараккиёти тарихини ўрганиш нуктаи назаридан қатта аҳамиятга эгадир.

Комилжон РАҲИМОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
хузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази
қатта илмий ходими-изланувчи

АБУ-Л-ҲАСАН АР-РУСТУҒФОНИЙ (ваф. 961)

Истиклолимизнинг ҳаётбахш нурлари халқимиз тафаккур оламини кенгайтириб, унинг онги-шуурида том маънода ажойиб ўзгаришларни содир этмоқда. Бу ғоятда қувончли жараён, айниқса, ўзлимизни теран англаш, бой ва кўхна тарихимиз, бетакрор маънавий кадриятимиз, жаҳон тамаддуни равнақида салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросларини чуқур би-лишга кизиқишнинг ошишида намоён бўлаётганлиги ҳар қандай таҳсинга сазовор. Ушбу фикримизни Тошкент ислом университетига Самарқанд вилоятининг Ишти-






хон туманидан келган бир хат мисолида ҳам исботлаш мумкин. Хат муаллифи Сулаймон Саидов, жумладан, шундай ёзади: «Бизнинг Бойлота жоме масжиди Самарқанд вилояти Иштихон тумани Азамат жамоа уюшмасида жойлашган. Масжид ёнидаги мозорда буюк аллома имом Абу-л-Ҳасан ар-Рустуғфоний ётибди». Шундан сўнг, хат муаллифи республикамизда кейинги вақтда чоп этилган китобларнинг бирида Абу-л-Ҳасан Рустуғфоний имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг шогирди дейилган бўлса, иккинчи бир китобда эса имом ал-Мотуридий Рустуғфонийнинг шогирди дейилган, деб таъкидлаб: «Бизнинг масжид намозхонлари бу иккихилликни кўриб «ажабо» дейишади. Бизга тугилган йили маълум эмас. Шу ҳақда аниқ ва тўлиқ маълумот берсангизлар, илтимос», – деб ўз хатини тугатган.

Хатда кўтарилган масала муайян даражада илмий-амалий аҳамиятга молик эканини назарда тутиб, шунингдек, аллома ар-Рустуғфоний ҳақидаги маълумотлар кенг жамоатчилигимиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди, деган ниятда ушбу хатга жавобан, ёзма манбаларга асосланган ҳолда мулоҳазаларимизни баён этишни лозим топдик.

Энг аввало, шунини таъкидлаш керакки, Имом Абу-л-Ҳасан ар-Рустуғфоний (баъзи муаллифлар ёзганидек ар-Растунфоний эмас!) ҳақидаги маълумотлар, гарчанд мукамал бўлмаса-да, ўрта аср араб муаррихларининг асарларида келтирилган. Мисол тариқасида ас-Самъоний («Китоб ал-Ансоб»), Ибн ал-Асир («Ал-Лубоб фи таҳзийб ал-ансоб»), Ибн Қутлубуғо («Тож ат-тарожум»), Муҳиддин ал-Кураший («Ал-Жавохир ал-музиййа фи табакот ал-ханафиййа»), Абдулхай ал-Лакнавий («Ал-Фавоид ал-баҳиййа фи тарожум ал-ханафиййа»), Абу-л-Муъин ан-Насафий («Табсират ал-адилла») кабиларни кўрсатиш мумкин. Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг баъзи асарларида ҳам Абу-л-Ҳасан ар-Рустуғфоний ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз. Улардан, энг аввало, олмон олими Ульрих Рудольфнинг «Ал-Мотуридий ва Самарқандда суннийлик илоҳияти», тадқиқотчи Комилхон Каттаевнинг «Самарқанднинг буюк алломалари» каби асарларини айтишимиз керак.

Афсуски, ҳозирча бизга маълум ёзма манбаларнинг бирортасида ҳам ар-Рустуғфоний туғилган сана кўрсатилмаган, вафот этган йили ҳақида эса 350/961 йил аниқ қайд этилган. Шунингдек, манбаларда Абу-л-Ҳасан ар-Рустуғфоний туғилган жой ҳақида ёзган муаллифлар Рустуғфонни Самарқанднинг кишлоқларидан бири деб кўрсатганлар ва Абу-л-Ҳасан Али ибн Саъийд ар-Рустуғфоний айнан мана шу кишлоқда таваллуд топгани ҳақида ёзганлар. Манбаларда унинг ота-онаси ва ҳаёт йўлларига доир бошқа маълумотларни учратмадик. Айни вақтда ар-Рустуғфоний ҳақида маълумот берган муаррихлар уни Самарқанднинг йирик машойихларидан, ўз даврининг етук олимларидан бири сифатида эътироф этадилар. Дарвоқе, унинг каламига мансуб «Иршод ал-мухтадий» («Ҳидоятга бошловчи қўлланма») номли тасниф ақидавий масалаларга бағишланган асарлардан бўлгани боис, имом ар-Рустуғфоний ўз замондоши, буюк мутакаллим имом Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган калом илми билан жиддий шуғулланганидан далолат беради. Бунга қўшимча равишда шунини айтиш мумкинки, имом ар-Рустуғфоний вафотидан қарийб юз йил ўтгач, фаолият кўрсатган таникли олим Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳам ўзининг калом илмига оид «Табсират ал-адилла» («Далиллар тилга кирганда») номли йирик асарининг қатор ўринларида имом ар-Рустуғфонийнинг бу асаридан иқтибослар






келтирган. Унинг каламига мансуб бошқа бир асар «Китоб фи-л-хилоф» («Ихтилофлар ҳақидаги китоб») номи билан аталиб, қатор муаррихларнинг ёзишларича, унда ақидавий масалалардаги ихтилофлар ҳақида фикр юритилади. Бинобарин, тахмин қилиш мумкинки, ар-Рустуғфонийнинг бу асари IX–X асрларда турли исломий тоифалар ва гуруҳлар ўртасида кенг тарқалган ақидавий ихтилофларга бағишланган. Имом ар-Рустуғфонийнинг бошқа бир асари «Китоб аз-завоид ва-л-фавоид» («Кўшимча ва фойдалар (нарсалар) ҳақида китоб») номи билан аталади. Араб тарихчиси Абдулҳай ал-Лакнавийнинг ёзишича, бу асар турли илмлар таснифига бағишланган. Шуларга таяниб, ишонч билан айтиш мумкинки, имом ар-Рустуғфоний ўрта асрларда турли илмлар тараккий қилган юртимизда илмлар таснифи буйича махсус асар яратган дастлабки олимлардан бири бўлган.

Имом ар-Рустуғфоний билан имом Абу Мансур ал-Мотуридий ўртасидаги муносабатга келсак, айтиш мумкинки, имом ар-Рустуғфоний буюк мутақаллим имом ал-Мотуридийнинг фавкуллодда истеъдодли шогирдларидан ҳисобланиб, ўз даврининг етук олими даражасига эришган, у хатто фикхий (ислом қонуншунослиги) масалаларда мустақил фикр юритадиган мужтахид мақомига етишган. Унинг билан устози Абу Мансур ал-Мотуридий ўртасида фикхий масалаларда кизгин баҳсу мунозаралар бўлиб тургани тўғрисида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Жумладан, араб тарихчиси Муҳиддин ал-Қураший ўзининг «Ал-Жавоҳир ал-музыййа фи табоқот ал-ханафиййа» номи асарида ижтиҳод масаласида улар ўртасида ҳар хил қарашлар мавжуд бўлгани ҳақида ёзган.

Иштихондан келган мактубга жавоб тайёрлаш жараёнида юртимизнинг қадимий гўшаларидан бири бўлган бу шаҳарнинг бошқа олиму уламолари ҳақида ҳам баъзи маълумотларга дуч келдикки, фикримизча, улар мухтарам юртдошларимиз учун ҳам муайян аҳамиятга эга. Машҳур араб тарихчиси Ибн ал-Асир ўзининг «Ал-Лубоб фи таҳзиб ал-ансоб» номи асарида Самарқанднинг аъмолларидан бири бўлган Иштихонда Растағфор деган кишлоқ борлиги ва бу кишлоқдан Довуд ибн Амру ар-Растағфорий ал-Иштихоний деган таникли ҳадисшунос олим чикқанлиги, у Аҳмад ибн Ҳошим ал-Иштихонийдан ҳадислар ривоят қилгани, ўз навбатида, ар-Растағфорийдан Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ҳамдувайх ал-Иштихоний деган олим ҳадислар ривоят қилгани ҳақида хабар қилади. Насафлик таникли олим Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд алломалари ҳақида (қанддек) ширин китоб») номи асарида аввал Насафда қозилик лавозимида бўлган Абу Саъид Абдурахмон ибн Саад ибн Абу Ваққос аз-Зухрий ан-Найсобурий ал-Болувийнинг кейин Иштихонда бир неча йил қозил бўлгани ва 985 йилда шу шаҳарда вафот этгани ҳамда унинг жасади, васиятига қўра, Хартангга олиб келиниб, буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870)нинг қабри ёнида дафн этилгани ҳақидаги маълумотни келтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Аллоҳнинг назари тушган хосиятли юртимизнинг турли гўшаларидан кўплаб буюк алломалар, зукко мутафаккирлар етишиб чиқиб, ўзларининг ўлмас таълимотларини яратганлар. Мустақиллигимиз берган улкан имкониятлардан фойдаланиб уларнинг ҳаётлари, бой илмий-маънавий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш олиму уламоларимиз олдидаги долзарб ва-





зифалардан бўлиб қолаверади. Бинобарин, келажакдаги жиддий илмий изланишлар кўплаб алломаларимиз катори иштихонлик олим Абу-л-Ҳасан ар-Рустуғфонийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш имконини беради, деб ўйлаймиз.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ (768–832)

Абу Ҳанифа асос солган ханафийлик мазҳаби VIII аср ўрталарида, унинг ҳаётлик чоғиданок таркала бошлаб, ушбу асрнинг охирларида бошқа ўлкалар, жумладан, Мовароуннаҳрга ҳам етиб келган эди. Турли шаҳарлардаги ханафий марказларининг шаклланишига Ирок ва Хуросон мактаблари салмокли таъсир кўрсатди. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 805 й.)нинг шогирди Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий (768–832) Бухоро мактабига асос солди.


Тўлиқ исми Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забуркон ибн Абдуллоҳ ибн Бухорий. Дастлабки илмларни ўз юртида эгаллайди, сўнгра Бағдодга бориб, у ерда Абу Ҳанифа асҳобининг кўпларини учратган, улардан Муҳаммад ибн Ҳасаннинг бир неча йил илмий мажлисларида бўлган, унинг «Мабсут» китобини кўчирган. У Имом Муҳаммаддан кейин энг кучли, энг ишончли, энг такводор факих ҳисобланган. Бунга далил сифатида қуйидаги ривоятни келтириш мумкин: Абу Ҳафс билан бирга Имом Муҳаммаддан таҳсил олган Абу Сулаймон Жузжонийнинг таъкидлашича: «Устозим Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан: «Агар сиз вафот этсангиз илми кимдан олайлик?», дея сўрадим. Шунда устозим: «Ҳеч ким мендан илми Абу Ҳафс Бухорийчалик ололмаган», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмуний (872–952) Абу Ҳафс ҳақида қуйидаги ривоятни келтиради: «Афлах ибн Муҳаммад Абу Юсуфнинг мажлисида бўлган, ундан «Амолий»ни ёзиб олган, Аҳмад ибн Ҳафс эса Афлах билан мажлисда Абу Юсуфнинг ҳузурига боришдан олдин бирга бўлган. Аҳмад ибн Ҳафс Абу Юсуфни умри охирлаган бир даврда учратди. Кейин Имом Муҳаммадга бориб, унинг китобларини эшитди ва унинг ҳузурини фикхни ўрганди». Демак, Абу Ҳафс Абу Ҳанифанинг мумтоз шогирдлари саналган Муҳаммад ва оз муддат бўлса-да, Абу Юсуфнинг ҳам мажлисида бўлган. Шамсиддин Заҳабийнинг хабар беришича, Вакиъ ибн Жарроҳ, Абу Усомалар ҳам унинг устозлари бўлганлар.

Айтиш жоизки, Мовароуннаҳрда фикхнинг ривожланишида Абу Юсуфдан кўра Имом Муҳаммаднинг қарашлари кўпроқ таъсир кўрсатган. Илм олиб ўз юртига қайтган Аҳмад ибн Ҳафс шу тарика ханафий мазҳаби таълимотини биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга олиб келган шахс сифатида танилди. Шунинг учун Ёкутий: «Бухоро факихлар академияси ва фозиллар маконидир. Бухородан кўра илм аҳлига ҳурмати кучлироқ шаҳар аҳлини кўрмаганман», дея эътироф этади.

Абу Ҳафс Кабир нафақат фикх соҳасида самарали ижод қилган, балки у ҳадис ва калом илмларининг ҳам етук билимдони саналади. VIII–X асрларда Мовароуннаҳр,





Хуросон. Ирок ва бошқа минтақалардан етишиб чиккан ханафий мухаддислари ва факихларининг фаолиятлари хақида Абдуллох Субазмуний ўзининг «Кашф ал-осор» асарида кимматли маълумотлар келтирган. Жумладан, асарда Абу Ҳафс Кабир ва унинг авлодлари Бухородан чиккан илк ханафий мухаддислари каторида зикр этилган. У Асад ибн Амр, Абу Яҳё Химоний, Яҳё ибн Закарнё ибн Абу Зоида, Исо ибн Юнус, Муҳаммад ибн Робиа, Абу Муовия, Ибн Муборак, Абдуллох ибн Нумайр, Амр ибн Муҳаммад, Ибн Мунир Варрок, Ҳушайм ибн Башир, Салм ибн Солимлардан ривоят қилган.

Манбаларда XI асргача факихлар орасида илохнётга доир масалалар ҳам муҳокама этилганлиги, жумладан, Бухорода Абу Ҳафс Бухорий, Самарқандда «Недия» ва «Жузжония» каби диний-маърифий йўналишдаги мадрасалар фаолият юритгани тўғрисида маълумотлар бор.

Абу Ҳафс Кабир Муҳаммад ибн Ҳасандан қилган ривоятда: «Барча нарсалар яхши ва ёмон тарзда тақдир қилингандир. Аҳли суннанинг барча факихлари шунга иттифок қилишган. Қадар борасида тортишманглар. Муҳаммад (а.с.) саҳобалари хақида фақат яхши гапиринглар. Йўл топиш мақсадида юлдузларга қарашда зарар йўқ», деган. Олим шу мазмундаги ривоятлар ҳамда ўз қарашларини шогирдларига уқирган. Демак, Абу Ҳафс ислом илохнётида мўътадил йўлни танлаб, турли адашган ақидавий оқимларга қарши раддиялар берган. Фикримиз далили сифатида факихнинг ҳозирги кунга қадар топилмаган, аммо номи кўплаб асарларда учрайдиган «Китоб ат-тахриж» номли асаридан Лутфуллох Насафий «Тасмия шарҳи» бобидан келтирган иктибоси, унинг ақидага доир фатволари, шунингдек, ўғли Абу Ҳафс Сағирнинг қалом илмига атаб ёзган асарларини келтириш мумкин.

Шаркшунос А.Б. Холидов ва бир неча таджикотчилар Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда араб халифалигида илк бора мадрасалар барпо этилганини зикр этиб, биринчи мадраса Бухородаги «Форжак» мадрасаси деган фикрни олға сурадилар. Абу Бакр Муҳаммад Наршахий ўзининг «Тарихи Бухоро» асарида 937 йили Бухорода содир бўлган ёнғиндан Форжак мадрасаси ҳам зарар кўрганлигини қайд этиб ўтади. Кейинчалик мадраса қайта тикланади. Мўғуллар даврида яшаган ва машҳур «Жавомеъ ал-хикоя» асарининг муаллифи Ибн Авфий (XIII аср) мазкур мадрасада мударрис Масъуд Имомзода қўли остида таълим олгани ушбу мадрасанинг мўғуллар даврида ҳам фаолият юритганлигини кўрсатади.

Абу Ҳафс Бухорода илмий ва диний билимлар ривожига катта хисса қўшган мадрасага асос солган. Бу ўз замонасида машҳур мадрасалардан саналиб, ҳозирги «Пойн Калон» мавзесида жойлашган. Наршахийнинг маълумотига кўра, Абу Ҳафс Кабир бомдод намозидан кейин талабаларга дарс берган. Олим кўплаб шогирдларни тарбиялаб, камолга етказди: Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс (Абу Ҳафс Сағир), Абу Жаъфар Ризвон ибн Салим Бадокорий, Абул Ҳасан Мукотил ибн Саид Байдарий, Муҳаммад ибн Ҳотам Субизуғукий, Абу Заҳҳок Фазл ибн Ҳассон Сутиканий, Ҳорис ибн Абул Вафо Бухорий, Довуд Шарғий, Абу Саид Сулаймон ибн Довуд Шарғий.

Абу Солих Тоййиб ибн Мукотил Ҳуноматий, Абу Ҳасан ибн Толиб Фишатийлар ундан ривоят қилишган. Абдулкарим Самъоний «ал-Ансоб» номли асарида келтиришча, Абу Ҳафснинг шогирдлари Харожир деган кишлокда кўп бўлган. У туфайли Бухоро шаҳри ханафийликнинг муҳим марказларидан бирига айланди.





Абу Ҳафс Кабир доим шогирдларига шундай насихат қилар эди: «Қуръонни кўп ўқинглар. Чунки Қуръон муҳаф ва қалблардан тез кетади».

Тарихчи А. Вамбери ўзининг «Тарихи Бухоро» ва Садатий «Тарих ад-дувал» номли асарларида Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва талабаларнинг орзу қилган мадрасаси бўлганини таъкидлашган.

Мазкур мадраса фаолиятини ақс эттирувчи манбалар камчиликни ташкил этади. Шундай бўлса-да, манбаларда Абу Ҳафс Кабир мадрасасида мударрислик қилган бир қатор йирик факхлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, Муҳаммад ибн Аҳмад Шохивайх Форисий ҳам мазкур мадрасада мударрислик қилган. Ҳоким Абу Абдуллоҳнинг зикр қилишича, у 971 йилда Нишопурда вафот этади. Муҳаммад ибн Аҳмад Форисий ўз юртида фикҳ ва ҳисоб илмини ўрганиб, бир муддат Нишопурда яшайди. Кейинчалик Бухорога келиб, маълум муддат Абу Ҳафс Кабир мадрасасида мударрислик қилади.

Бухорода фаолият олиб борган «садрушшарна»лар ва уларнинг оила аъзолари фикҳ илмини ўз замоналарининг машҳур олимларидан олганлар. Фикҳ илмини ўрганишда силсилалари Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Кабирга етиб боради.

Абу Ҳафс Кабирнинг шухрати Бухорога, қолаверса, ислом оламига тарқалди. Олимлар унинг илму фазлини юқори баҳолаб, уни «муаллими ислом», яъни «ислом динининг муаллими», унинг шарофати билан Бухорони «куббатул ислом», яъни «ислом динининг гумбази» ва у киши яшайдиган маҳалла дарвозасини «Ҳақроҳ», яъни «Ҳақ йўл» деб атаганлар. Ҳатто, араб диёри олимлари бирор масаланинг жавобини топишда кийналиб қолсалар, Бухорога Абу Ҳафс Кабирнинг олдига бир кишини юбориб, ўша масаланинг ечимини билиб олишар эди. Наршахийнинг айтишича, ҳожилар қарвони келаётганида, қарвондан бир киши Абу Ҳафснинг ёнига келиб, ундан масала сўраганда, Абу Ҳафс хайратланиб: «Ўзингку Ироқдан келяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?», деса у: «Бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдим, лекин улар қоникарли жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога бориб, бу масалани Абу Ҳафсдан ёки унинг фарзандидан сўрагин, улар сенга бу масаланинг жавобини аниқ айтишади, дедилар». – деб жавоб беради.

Бу даврда Араб халифалиги ҳудудида турли халқлар яшар эдилар. Ўз-ўзидан маълумки, уларни бир хил қонун-ўлчовда сақлаш, яъни ҳамма жойда ягона қонун жорий қилиш мумкин эмас эди. Турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳадислар тўқиб олар эдилар. Маълумки, ислом ҳукуки нафақат соф ҳукукий меъёрлар мажмуидан иборат, балки у диний расм-русмлар, ахлоқий мезонларни ҳам қамраб олади. Абу Ҳафс Кабир мана шундай талабларга риоя қилиб, ўзи яшаган жамият ҳаётидаги барча диний ва дунёвий масалаларни давр талабларига жавоб берадиган, маҳаллий шаронтни ҳисобга олган ҳолда умумий шарият нормаларини ишлаб чиқди. Абу Ҳанифанинг фикҳ ва шариятга оид қонунонослик таълимотларини маҳаллий урф-одатларга мослаштириш ғояларини илгари сурди. Абу Ҳафс Кабир амир бўладими, оддий фуқаро бўладими, қандай муаммо билан келса, хал қилиб берар эди. Олди-сотди ёки ибодат масалаларини ҳам жуда аниқлик билан ечарди. Шу боис одамлар олимни «Ҳожатбарор имом» деб ҳурмат қилганлар. Ҳозирги кунга қадар Бухоро аҳолиси Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳини «Имоми Ҳожатбарор» зиёратгоҳи дея ардоқлаб келади.





Абу Ҳафс Кабир юкори мансаб эгалари олдиди ҳам ўз нуфузига эга бўлган. Зандавистийнинг «Равзат ал-уламо» номли асариди келтирилишича, султон Абу Ҳафс Кабир Бухорийга салла тортик қилган. Салла муҳим илтифот қилинган кийимлардан бўлиб, амирлар уни ўзлари танлаган ва яқин кишиларига совға қилганлар.

Абу Ҳафс берган фатволар ва унинг асаридан олинган иқтибослар кейинги давр уламоларининг фикхий асарларида кенг истифода этилади. Жумладан, Абу Наср Аҳмад ибн Умар (ваф. 1190 й.)нинг «Фатовойи Аттобия», Фаридиддин Дехлавий (ваф. 1385 й.)нинг «Фатовойи Татархония», Алоуддин Бухорийнинг «Ҳайрат ал-фукаҳо», Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг «Салоти Масъудий», Бурхониддин Маҳмуд (1156–1219 й.)нинг «Мухит ал-Бурхоний», Абу Бакр ибн Масъуд Косоний (ваф. 1191 й.)нинг «Бадонъ ас-санонъ фи тартиб аш-шаронъ», Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб (ваф. 1707 й.)нинг буйруғи билан Шайх Низомиддин Балхий (XVII–XVIII) бошчилигида йигирма уч нафар факих томонидан ёзилган «Фатовойи Оламгирия» каби жуда кўплаб асарларда учрайди.

Баъзи асарларда олим ҳақидаги маълумотларга алоҳида боблар ажратилган. Масалан, Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ал-муттақин» асариди «Ҳикояти Хожа Абу Ҳафс Кабир Бухорий» ёки «Баёноти Хожа Абу Ҳафс Кабир» сарлавҳаси остида боб мавжуд.

Сўфи Оллоёр Абу Ҳафс Кабир асарларидан фойдаланиб, «Фарзандларга насихат» бобида яхши хулқ, одоб, яхши инсоний фазилатлар, ҳақ-ҳуқуқини таниш, ота-она, қариндош, ёр-биродарларга ёрдам қўлини чўзиш, улар ҳурматини қозониш, меҳнатни улуғлаш каби отанинг насихатларини баён этган. Аҳмад ибн Маҳмуднинг «Мозороти Бухоро» (Тарихи Муллозода) номли асариди ҳам олим ҳақида алоҳида бўлим ажратилган.

XIX–XX асрларда яшаб ижод этган Мухлис Намангонийнинг Абу Ҳафс Кабирга атаб ёзган муҳаммасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки муҳаммасда муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, шоир ушбу маълумотларни тарихий манбалар асосида ёзганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Айрим адабиётларда олимнинг асари деб бошқа муаллифнинг асари нисбат берилганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, 2007 йилда нашр этилган Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ал-муттақин» номли асарининг илова қисмида Абу Ҳафс Кабирнинг «Китоб ал-аҳво ва-л-ихтилоф» номли китоби ҳам бўлган, дейлади. Ислом энциклопедияси ва Ўзбекистон Миллий Энциклопедияларида Абу Ҳафс Кабир «ал-Аҳво ва-л-ихтилоф» (Ҳавойи гаплар ва келишмовчиликлар), «ар-Радд ала-л-лафзия» (Юзак қаровчиларга раддия) китобларининг муаллифидир, деган жумлаларни учратиш мумкин. Маҳмуд ибн Сулаймон Қафавийнинг (1519–1582) «Қатонб аълом ал-ахёр мин фукаҳо мазҳаб ан-Нўъмон ал-мухтор», Умар Ризо Каҳҳоланинг «Мўъжам ал-муаллифин», Султон Муҳаммад ибн Қаландаршоҳнинг «Рисолайи Султоний» номли асарларида ва яна бир қанча табакот жанридаги китобларда бу асарларнинг муаллифи Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс деб келтирилади. Абдулқарим Самъоний бу китоблар билан бир қаторда Абу Ҳафс Сағирнинг «Китоб ал-имон» номли асари борлиги ҳақида эслатиб ўтади. Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда мазкур асарлар Абу Ҳафс Кабир асарлари эмаслиги, агар шундай бўлганда кейинги давр уламолари томонидан ёзилган фикхий манба-



лардаги кўплаб учрайдиган иктибосларда бу асар номлари ҳам тилга олинган бўлар эди, деган хулосага келамиз.

Тадқиқот жараёнида Абу Ҳафс Кабир Бухорий каламига мансуб «Китоб а-тахриж», «Фавоид», «Фатово» ҳамда «Масоил» каби асарлари борлиги аниқланди. Шунингдек, у «Наводир ас-солат»ни ривоят қилганлиги манбаларда қайд этилган.

832 йилда вафот этган Абу Ҳафс Кабир Бухородаги Дарвозан нав каршисидаги тепаликда дафн этилган. Муҳаммад Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» номли асарида келтиришича: «Марҳум Хожа Абу Ҳафснинг саройи, кишилар у жойни қанчалик тузатиб турганликларига қарамай, бу қунгача сакланиб қолган эмас, лекин ундан айрим нишонларгина боқийдир, савма'а – ибодат қилинадиган жой ҳам у уйда ўз ўрнида турибди. ... Қабри Дарвозайи навда, дуо қабул бўладиган жой деган ном билан машҳур. У тепаликни Хожа имом Абу Ҳафс тепалиги дейдилар... У жойни «Ҳахрох дарвозаси» дейилишига сабаб шуки, одамлар ўша ерда, марҳум Абу Ҳафс ҳузурига келиб фатво олар эдилар ва бу фатвони ҳақ деб билар эдилар. Шу жиҳатдан улар Ҳахрохни «ҳақ» деб атаганлар». Академик В.В. Бартольд унинг макбараси устида «Мовароуннаҳр уламоларининг устози» деган ёзув бўлганини қайд этади.

2009 йилда Ҳазрати Имом макбарасида кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилди. XVI асрда қурилган хонақоҳ, ҳовуз, минора ва меҳмонхона батамом қайта таъмирланди.

Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг ҳаёт йўллари ва илмий фаолияти чуқур ўрганиладиган мавзулардан бири бўлиб, у ҳақда кўплаб тадқиқотлар олиб бориш мумкин.


Лобар АСРОРОВА,
Тошкент ислом университети
мустақил тадқиқотчиси

АБУ БАҚР САРАХСИЙ (XI аср)

Инсон учун илму маърифатдан бўлак нажот йўқ, бўлмагай ҳам. Бу – асрлар оша аждодларимиз шиор қилиб келган буюк ғоя. Шу сабаб ҳам ҳар бир қаричидан илму маърифат чашмалари сизиб чиққан она заминимиз «алломалар юрти» деб танилган. Ушбу диёрда вояга етган, унинг ирфоний сарчашмаларидан қонган, ҳаётининг асосий қисмини илмга бағишлаб, доимо меҳнатда, изланишда бўлган, бизга улкан мерос қолдирган ана шундай аждодларимиздан бири буюк фақиҳ Абу Бақр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Сарахсийдир. Ушбу буюк зотнинг нафақат бизнинг минтақамиз, балки бутун мусулмон дунёси тарихида ўзига хос ўрни бўлганки, уни ардоқлаб «шамсул-аймма» – «алломалар қуёши», деб атаганлар.

Мутакаллим ва фақиҳ олим, баъзи манбаларга кўра қозилик фаолияти билан ҳам шуғулланган ва халқ ичида ўзининг одиллиги, ўткир зехни, парҳезкорлиги, матонати ила ҳурмат қозонган Абу Бақр Сарахсий 1009 йилда Мовароуннаҳр ҳудудидаги Сарахс шаҳарчасида таваллуд топди. Аввал ўз ўлкасидаги кўзга кўринган олимлардан таҳсил олган Ибн Абу Саҳл вояга етгач ўша даврда нафақат минтақа, балки бутун ислом оламида шуҳрат топган, «қуббатул-ислом» дея таърифланган илму маърифат шаҳри Бухорои шарифга йўл олди.





Ушбу шахри азимга етиб келган Сарахсий ўз даврининг етук алломаларидан илм ола бошлади. У Абдулазиз Ҳалвоний, Абул Хусайн Сўғдий, Абу Бакр Воситий каби олимларнинг маърифат нуридан самарали озикланди. Ўзининг эсдаликларида ёзишча, Сарахсийнинг ҳаётида машхур мужтахидлардан ҳисобланган устози Абдулазиз Ҳалвоний айникса катта из қолдирган.


Тарихий манбаларда зикр этилишича, аллома яшаган даврда Қорахонийлар давлати ҳукмдорлари илм аҳлига чуқур ҳурмат кўрсатиб, олиму алломаларни, хусусан, фикҳ илми билимдонларини иззат-икром қилган эканлар. Табиийки, буюк факих Абу Бакр Сарахсий ҳам алоҳида эҳтиромга сазовор бўлган. Бухородаги таҳсилни яқунлагач, у мамлакатнинг шарқий қисми – Фарғонага келиб шу ерда илм тарқатиш билан шуғулланади. Ўзининг нодир асарларини ҳам айнан шу ерда ёза бошлайди.

Бизгача етиб келган маълумотлар Сарахсийнинг фикҳ, усул, калом илмлари бобида сермахсул ижод қилганидан далолат беради. Унинг асарларидан «Шарх ал-Жомеъ ал-кабир», «Ашрот ассаъа», «ал-Фавоид ал-фикҳия» кабиларни зикр этиш мумкин. Булардан ташқари Сарахсий Абу Жаъфар Таҳовийнинг «Мухтасар» ва Муҳаммад ибн Ҳасаннинг «ал-Қасб» асарларига шарҳ битгани хақида ҳам маълумотлар бор. Шу билан бирга унинг энг кўзга кўринган, ўзига хослиги билан бошқа факихларнинг ижод махсулларидан ажралиб турадиган ҳамда муаллифнинг бутун мусулмон оламида шухрат топишига сабаб бўлган «ал-Усул», «ал-Мабсут» ва «Шарҳ ас-сияр ал-кабир» асарларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Тарихда Мовароуннаҳр ҳудудида усул – мусулмон қонуншунослигига оид кўплаб манбалар яратилган. Сарахсийнинг «ал-Усул»и ҳам шулар жумласидандир. Асарнинг муқаддимасида берилган маълумотга кўра, у 1086 йилнинг шаввол ойида, шанба кuni ёзила бошланган. Ушбу китобида Сарахсий Муҳаммад ибн Ҳасаннинг усулга оид қоидаларини ўрганган, тадқиқ қилган ҳамда баъзи ҳолларда маҳаллий урф-одат нормаларини ҳам уларнинг таркибига киритган. Ушбу китоб мусулмон оламида мовароуннаҳрлик яна бир олим Али ибн Муҳаммад Баздавийнинг «Усул»и билан бир қаторда жуда катта аҳамият касб этган. Усулга оид бирор масалада «икки шайх иттифок қилганлар» – дейилганда Сарахсий ҳамда Баздавийлар назарда тутилган. Ушбу асар ханафийлик қонуншунослигининг юзага келиши ва мустаҳкамланиш даврини акс эттиради. Унда илгариги уламоларнинг фикрларини келтириш ва уларга изох бериш билан чекланмай, замондош ханафий уламолари илгари сурган янги ижтиҳодий фикрлар ҳам таҳлил этилган. Сарахсий аввал муайян масалани келтириб, бу борада олимлар билдирган фикрларни зикр қилади. Мунозара қилиш мумкин бўлган ўринларда ўзи ҳам баҳсга киришади. Тўғри деб ҳисоблаган фикрга устунлик беради. Нагижада ушбу китоб ўз услуби жиҳатидан ханафийлик қонуншунослигининг мўътабар манбаларидан бирига айланган.

Сарахсийнинг фикҳ соҳаларига бағишланган «ал-Мабсут» асари унинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан энг салмоқли китобидир дейиш мумкин. Аслини олганда ислом тарихида ушбу ном билан бир нечта асарлар битилган. Жумладан, Абу-л-Лайс Самарқандий, Абдулазиз Ҳалвоний, Алоуддин Исбижобий, Абу Жаъфар Тусий каби олимларнинг фикҳга оид «ал-Мабсут» номли асар ёзганлари маълум. Шундай бўлсада, фикҳ тарихида «ал-Мабсут» дейилганда, аввало Сарахсийнинг асари назарда тутилган. Албатта, бу ҳолат ушбу асарнинг нафақат ханафийлик фикҳи, балки барча мазҳаблар уламолари ўртасида ҳам катта шухрат топганидан далолат беради. Шу са-





бабли бўлса керак, аллома «Сохиб ул-Мабсут» номи билан ҳам машхур бўлган. Ушбу китоб хакида Иброҳим ибн Али Тарсусий (ваф. 1357 й.) «Сарахсийнинг «Мабсут»и шундай бир китобки, унга зид бўлган бошқа фикхий коидага амал қилинмайди, унгагина ишонилади, унинг асосидагина фатво чиқарилиб, унга асосан таъвил қилинади», деб ёзган. То XIX асргача ушбу асар ханафийлик фуруъининг асосий манбаи бўлиб келган. Шу сабабли ҳам унинг қўлёзмалари жуда кенг тарқалган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказининг нодир манбалар фондида «ал-Мабсут» асарининг турли асрларда қотиблар томонидан кўчирилган саккизта қўлёзма нусхаси сақланмоқда.

Ўрта асрларнинг машхур олимларидан бўлган Ибн Қутлубуғонинг ёзишича, ўз душманларининг адовати ва бўхтонлари сабабли Абу Бакр Сарахсий маълум муддат тутқунликда яшашга мажбур бўлган экан. Аммо бу ҳолат ҳам уни ўзининг суюкли машғулотида – китоб ёзиб, илм нурини таратишдан тўхтата олмади. Манбаларда айтилишича, аллома ўзи ўрганган фикхга оид билимларини оғзаки имло қилиб турган, шогирдлари эса унинг сўзларини қоғозга туширганлар. Шу тақлид фикх илмига оид бўлган ислом дунёсидаги мўтабар асарлар дунё юзини кўрган. Албатта, бу ҳолат буюк аждодимизнинг илмга бўлган чексиз меҳридан, маърифат сарчашмаларини кейинги авлодга етказиш йўлидаги буюк саботидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, аллома «Шарҳ ас-Сияр ал-кабир» асарининг «Боб аш-шурут»гача бўлган қисмини ҳам тутқунликда – ўта оғир шароитларда таълиф этган. Тез орада унинг нодир истеъдод соҳиби экани, давлатлараро муносабатларга оид ўта қимматли асар битаётгани хақидаги хабар қорахонийлар ҳукмдори Амир Ҳасан қулогига етиб, у алломани озод этишни, аксинча бу буюк хизмати учун уни мукофотлашни амр қилган.

Ушбу асар ханафийлик фикхи асосчиларидан бўлган ва ислом халқаро ҳуқуқининг шаклланишида катта роль ўйнаган олим Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг «ас-Сияр ал-кабир» асари шарҳидан иборат. Аммо шундай бўлса-да, унинг бизгача етиб келган ҳолатида матн шарҳи ва асл қисмини ажратиш жуда мушкул. Умуман олганда, мазҳабга оид асарларга шарҳлар битиш жараёнида олимларнинг шарҳланаётган асарни кенгайтириш, зарур ўринларда ўз фикр ва мулоҳазаларини қўшиш ҳолатлари кўп учрайди. Шундан келиб чиқиб, Сарахсий ҳам «ас-Сияр ал-кабир»нинг мазмунини кенгайтиргани ва ундаги фикхий қоидаларни янада бойитганини тахмин қилиш мумкин. Ушбу асар 1825 йил Европада нашр қилингандан кейин Ғарб олимлари ҳам ислом халқаро ҳуқуқи масалаларига қизиқа бошлаганлар ва Абу Бакр Сарахсийнинг илмий мақомини эътироф этганлар. 1917 йилда Сарахсийнинг бу асари тўрт жилдда Ҳиндистоннинг Ҳайдоробод шаҳрида ҳам нашр этилди. Бу нашр ханафий мазҳаби асосчиларининг халқаро ҳуқуқ масалаларига оид фикр ва ғояларини Ғарб дунёсига яна бир марта танитди ва олимларнинг диққатини ислом халқаро ҳуқуқи назарияларига тортди. Сарахсий оврупалик олимлар томонидан бундай кадрланиб эъзозланиши жуда ўринли эди, чунки Гроцийдан беш аср муқаддам халқаро ҳуқуқнинг барча соҳалари (хусусий ва умумий халқаро ҳуқуқ)га тегишли жуда кўп масалалар, айниқса, тинчлик шартномаларини тузишда рию қилиниши зарур бўлган меъёрлар, асирлар билан инсонийлик асосида муомала қилиш хақидаги нормалар, элчилар алмашинувини тартибга солувчи қоидалар, инсонпарварлик ҳуқуқи тамойилларига ҳамоҳанг бўлган таълимотлар Сарахсийнинг китобида муфассал ёритиб берилганини кўрамай.



Илмий мероснинг барҳаётлигини таъминловчи воситалардан бири китоблар таълиф этиш бўлса, яна бири устоз-шогирдлик анъанасидир. Аллома ҳам фикх бобида чуқур илмий фаолият олиб бориш баробарида, ўзидан кейин катор шогирд-издошлар колдиришга эришган. Эътиборлиси, Сарахсийнинг устоз сифатида бошқа уламоларникидан ажралиб турадиган ва кўп ҳолатда ҳамманинг ҳам иродаси дош беролмайдиган ўз коидалари бор эди. У шогирдларидан, аввало, покиза қалбли бўлишни, модомики олим бўлишни мақсад қилган экан, илм олиш жараёнида бошқа бирор нарса билан шуғулланмасликни, илмда қандай мартабага эришмасинлар инсонлар билан мудом чиройли муомала қилишни талаб қиларди. Шунинг учун бўлса керак, унинг шогирдлари устозининг ишини давом эттирдилар.

Ўз даврининг етук факихлари бўлиб етишган Абу Бакр Ҳасирий, Абу Умар Пойкандий, Абу Ҳафс Зандаромаший Марғинович, Абдулазиз Ўзгандий каби алломалар Сарахсийнинг яқин шогирдлари бўлганлар. Бурҳонул аимма Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳасирий, Рукнуддин Масъудлар ҳам фикх илми-ни Сарахсийдан ўрганган эдилар. Улар ўз устозларининг илму маърифатини кейинги даврга етишида астойдил хизмат қилганлар. Алал оқибат бу табаррук заминдан «Соҳиб ул-Ҳидоя» Бурҳониддин Марғинович, «Фатово» асари билан машҳур бўлган Фаҳриддин Қозихон каби навбатдаги алломалар силсиласи дунё юзини кўрди. Сарахсий эса ўзининг илм йўлидаги тинимсиз изланишлари, метин иродаси, саботматонати, шогирдлар етиштиришдаги беназир услуби, оқилона ёндашуви сабабли Мовароуннахр уламолари ичида «шамсул-аимма», яъни «алломалар қуёши» деган буюк ном билан атала бошлади.

Абдумалик ТҶИЧИЕВ

АЛОУДДИН КОСОНИЙ (ваф. 1191)


Тўлик исми Алоу-д-дин Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Косоний бўлиб, Малик ал-уламо лакаби билан машҳур бўлган ханафий фақиҳидир. Табакот ва сийрат китобларида Косонийнинг туғилган йили ва ёшлик даврлари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Косон – Мовароуннахрдаги Шош вилоятининг орқасида, Фарғона водийси минтақаси – Сайхун (Сирдарё)нинг шимолий қисмида жойлашган шаҳарлардан бири.

Мана шу шаҳарда туғилганлиги сабабли ҳам унга Косоний нисбаси берилган. Айрим манбаларда унга «Қошоний» нисбаси берилган бўлса ҳам, бироқ аввалги нисба ўз исботини топгани манбаларда қайд этилади. Айрим манбаларда, хусусан, немис олими Ҳаффенинг тадқиқотида ҳам иккинчисининг нотўғри қўлланилгани айтиб ўтилган.

Алоуддин Косонийнинг илмий савияси юқорилигидан ёки ёзган асарининг мукамаллигидан бўлса керак, замонасининг олимлари унга Малик ал-уламо (олимлар подшоҳи) номини берганлар. Косоний Бухоро шаҳрига келиб, у ерда устози Имом Алоуддин Муҳаммад ибн Аби Аҳмад ас-Самарқандийнинг (ваф. 539/1191) қўлида таҳсил кўрган. Косоний мазкур устозининг қаламига мансуб «Тухфату-л-фуқоҳо», «Шарх Тавилот фи тафсир ал-Қурони ал-аъзим» асарларини ва шунингдек, усул ва





фуруъга оид китобларни мутолаа қилган. Шунинг учун ҳам, Косоний усул ва фуруъ илмида етук олим бўлиб етишади. Бундан ташқари, у устозидан ва замонасининг буюк олимларидан ҳадис тинглаган. Косоний устози Алоуддин Самарқандийнинг (ваф. 539/1191) «Тухфату-л-фуқаҳо» номли асарига шарҳ ва ўзининг шох асари «Бадои»ни ёзади ва уни устозига тақдим қилади. Бундан устози жуда хурсанд ва мамнун бўлади. Бунинг муқобилида устози Самарқандий, ораларида турк ҳукмдорлари ҳам бўлган бир қанча бообрў кишиларнинг совчилигида олима ва фақиҳа бўлган кизи Фотимани Косонийга никоҳлаб беради. Ана шу никоҳнинг маҳри сифатида Косонийнинг «Ас-Санои» асарини қабул қилади. Шу сабабли ҳам, «устозининг туҳфасини шарҳлаб, кизига уйланди» деган гап халқ ўртасида машҳур бўлиб кетган. Оила қурилгандан сўнг фикх, ҳадис ва ҳуснихатда моҳир бўлган ҳазрати Фотима, умр йўлдоши Абу Бакр Косоний ҳамда отаси ва ҳар иккисининг ҳам устози Алоуддин Самарқандийлар биргаликда фатво бера бошладилар.

Манбаларда зикр қилинишича, илм йўлида турли кентларга сафар қилган Косоний бир дафъа турмуш ўртоғи билан Рум диёрига (Усмонли турк халифалиги) сафарга чиқади. У ерда уни салжукий ҳукмдор Масъуд (ваф. 572/1176) жуда эҳтиром билан қарши олади. У Кўнияди бир муддат истиқомат қилиб, турли илмий баҳсу мунозараларда иштирок этади ва у ерда талабаларга дарс беради. Мана шундай баҳс-мунозараларнинг бирида Шаъроний нисбали бир олим билан мужтаҳидларнинг ижтиҳодларини исобатли (аниқ исботли) ёки исобатсизлиги хусусида баҳслашиб қолади. Шаъроний, Абу Ҳанифадан ҳар бир мужтаҳид ўзининг қилган ижтиҳоди ҳақида исобатли эканини ривоят қилиб, ушбу фикрни олға суради. Бу фикрга қарши Косоний Абу Ҳанифадан ҳар бир мужтаҳид қилган ижтиҳодига исобатли бўлгани каби исобатсиз бўлиши ҳам мумкинлиги ва фақат биттасининг ижтиҳоди исобатли бўлишини ривоят қилади. Косоний ҳамсуҳбатининг илгари сурган бу фикри муътазиллийлар фикри эканлигини айтади. Натижада, икки олим ўртасида мунозара бошланиб, табиатан жаҳлдор бўлган Косоний ғазабланиб, кўлидаги камчиси билан Шаъронийни уришга уринади. Шаъроний бу ҳақда султонга шикоят қилади. Султон ўзининг ҳузурда қилинаётган бу хатти-ҳаракатдан жажли чиқиб, Косонийни Кўниядан узоклаштиришга буюради. Лекин вазир Косоний муътабар олим экани, уни мамлакатдан чиқариб юбориш нотўғри бўлишини, балки уни Ҳалабга элчи қилиб юбориш мақбуллигини маслаҳат беради. Ана шу маслаҳатга қўра, Алоуддин Косоний Ҳалаб ҳукмдори Нуриддин аз-Зангийнинг ҳузурига элчи қилиб юборилади. Бу воқеа тахминан ҳижрий 541(543)/1146(1148) йилларда содир бўлгани манбаларда қайд қилинади.

Нуриддин аз-Зангий одил ҳукмдор бўлиши билан бирга, мамлакатда осойишталик ва хотиржамликни таъминлайди, қалъа ва унинг деворларини, йўлларни таъмир қилдиради. Шунингдек, зовия ва касалхоналар қурдиради. Бундан ташқари, мусулмончиликнинг суннийлик йўналишини қувватлаб, мадрасалар барпо эттиради, у мадрасаларга бошқа жойлардан олимларни таклиф қилиб, дарс бердиради. Косонийнинг Ҳалабда яшаган даври ҳокимиятни Зангийлар ва Айюбийлар бошқарган давр бўлиб, мамлакатда илмий муҳит барқарор ривож топган эди. Шиаларга қарши суннийликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қурилган мадрасаларда берилган таълим ва ўтказилган илмий баҳслар бу муассасаларни ягона институт ҳолатига келтиради. Косоний Ҳалабда яшаган даврида мана шу мадрасаларда дарс берган.





Косоний киска вақт ичида катта шухрат қозонади ва у ердаги факихларнинг талаблари билан Нуриддин томонидан қурдирилган Ҳалавийя мадрасасига бош мударрис қилиб тайинланади ва бу факихлар томонидан яхши қабул қилинади. Бундан аввал бу ерда ар-Розий ас-Сарахсий бош мударрис бўлиб, олимлар унинг тили бироз чучук бўлгани сабабли, ибораларда талаффуз хатолари борлигидан кўнгиллари гўлмаг эди. Косонийнинг ушбу мақомга сазовор бўлиши Сарахсий ҳаётлик вақтида содир бўлган. Косонийнинг у ерда ҳурмати ошиб кетганидан унинг йўқлигида ҳам аллома учун жойнамозини солиб қўйишар ва у келганида то туриб кетмагунча атрофида ўтиришар эди. Косоний юксак савиядаги сунний олим бўлгани туфайли Шомда муътазилла ва аҳл ал-бидъатларга қарши аёвсиз мафқуравий кураш олиб борган. Илмий баҳсларда «сизнинг қарашингиз муътазиланинг фикридир» деб ҳамсуҳбати фикрининг асл мазмун-моҳиятини ҳаққоний очиб ташлаш билан у ердагиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Аввал ҳам бир марта Шомга келган бу ханафий факихи ўзи билан баҳс қилмоқчи бўлган шофиъий факихларга: «Менинг олдимга ихтилофсиз бўлган масалаларни олиб келинг, улар ҳақида гаплашамиз», – дейди. Шунга кўра, олимлар ихтилофсиз бўлган муаммолар масаласини ўртага ташлаганларида, у бу мавзуларга онд фикрларини билдиради. Аллома ҳар бир масала бўйича фикр-мулоҳазаларини вазминлик билан баён қилар ва буларнинг ҳар бирини ихтилофсиз масала эмаслигини далиллар билан исботлаб берарди. Бундан ташқари, Шом олимлари, асосан, шофиъий мазҳабига мансуб бўлганликлари сабабли, улар билан ҳам узок давом этувчи илмий баҳслар ўтказар ва уларнинг ҳар бир саволига ханафий факихларининг фикрларига асосланиб жавоб қайтарар ва пиروвардида уларни илмий мужодалада мағлуб этарди.

Косоний ҳаётининг охиригача Ҳалавия мадрасасида мударрислик қилади. Ал-Қураший эса Косоний Ҳалавияда Ифтихор ад-дин ал-Ҳошимийдан кейин дарс берини бошлаганини ёзади. Ҳалавияда дарс берган муддат ичида унинг дарсига жуда кўп толиб илмлар иштирок қилганлар ва ҳаммалари дарсни чиройли қабул қилиб, унумли фойдаланганлар.

Биз Алоуддин Косонийнинг асарларини, хусусан, машҳур «Бидон» асарини ўрганар эканмиз, унда мазҳаб ичидаги қарашларга нисбатан қилган таржиҳлари ва бу таржиҳларда асосланган мезонларни эътиборга олганимизда, унинг асхоб ат-таржиҳ табақасидан эканлигини айтишимиз мумкин.

Косоний, 587 ҳижрий ражаб ойининг 10-куни (1191 йил 3 август)да Ҳалаб шаҳрида вафот қилган. У шаҳарнинг ташқарисидаги Мақоми Иброҳим Ҳалил деган жойга, яъни турмуш ўртоғининг ёнига дафн қилинган. Бу зотнинг қабри зиёратгоҳ ҳолатига келтирилган ва бу ерда қилинган дуолар ижобат бўлишига одамлар астойдил ишонишади.

Косонийнинг турмуш ўртоғи Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандий Самарқанд шаҳрида туғилган бўлиб, унинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. Фикҳ илми бўйича илк бор машҳур ханафий факихи, отаси Алоуддин ас-Самарқандийдан (ваф. 539/1144) таҳсил кўрган. Айни вақтда, отасининг ханафий фикҳига онд «Тухфат ал-фуқаҳо» асарини тўлик ёд олган. Бундан ташқари, замонасида долзарб бўлган билим ва санъатларни пухта эгаллаб, фикҳ, ҳадис олимаси ва ҳуснихат бўйича машҳур уста бўлган.





Кейинчалик, хозирги Суриянинг Халаб шаҳрига келиб, шу ерда умрининг охиригача яшаб колган эр-хотин Косоний ва Фотима ўша вақтда у ерларнинг ҳукмдори бўлган Нуриддин аз-Занги томонидан катта эътибор ва илтифотлар кўрган. Фотимага катта ҳурмат билан караган Нуриддин аз-Занги айрим муҳим ишларда у билан маслаҳатлашар ва турли фикхий масалаларда унинг фикрини олар эди. Ҳанафий фикх намояндalarидан бирига айланган Фотима, айрим чоғларда Косонийнинг фикхий хатоларини тўғрилаб, камчиликларини кўрсатиб бергани, Косоний ҳам унинг фикрларини қабул қилгани манбаларда қайд қилинади. Шунингдек, хусниҳат соҳасида моҳир бўлган Фотима онлавий хайъатдан чиқадиган фатволарни ўз кўли билан ёзар, отаси билан эри бунга гувоҳлик сифатида ўз муҳрларини босар эдилар.

Алоуддин ал-Косоний ва Фотима бинти Мухаммадлар Мовароуннаҳрга қайтишни хоҳлаганларида, Халаб ҳукмдори Нуриддин Маҳмуд ибн Занги (ваф. 541–569/1146–1174) уларга Халабда қолишларини илтимос қилиб нома жўнатади. Умр йўлдошининг раъйини қайтармаслигини билиб, номани Фотиманинг номига юборадди. Бахтга қарши номани олиб келувчи эркак киши бўлганлиги сабабли Фотима уни қабул қилмайди. Элчи қайтиб кетади. Фотиманинг таквосидан ҳайратланган ҳукмдор энди аёл кишини элчи қилиб юборадди. Шундан сўнг, Фотима унинг илтимосини қабул қилади ва умрининг охиригача умр йўлдоши билан ўша ерда яшаб қолади.

Манбаларда зикр қилинишича, Косоний турмуш ўртоғи Фотимани жуда яхши кўрган ва беҳад ҳурмат қилган. Фотиманинг вафотидан сўнг то ўзининг вафотига қадар ҳар жума кунни унинг қабрини зиёрат қилишни тарқ қилмаган. Фотима биринчи бўлиб ўзининг тилла буюмларини сотиб, Халабда фикх олимларига бир ой давомида ифтор қилиб бериб, ўзига хос хайрли анъанани йўлга қўйган ва бундай ишга қўл урган илк аёл сифатида тарихда қолган. Шундан буён хозиргача ушбу анъана халабликларда одатга айланиб қолган.

Халаб шаҳрида вафот қилган Фотима шу шаҳардаги «Эр-хотин қабри» деган ном билан машҳур бўлган қабристонга дафн қилинган.

Алоуддин Косоний ва Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандийдан Маҳмуд исмли бир ўғил фарзанд қолган. Аюбийлар ҳукмдорларидан Султон аз-Зонр Ғозий уни ўз қарамоғига олиб камолотга етказган.

Аллоганинг манбаларда зикр қилинган энг эътиборли устози Алоуддин ас-Самарқандийдир (ваф. 539/1143). Бундан ташқари, Садр ал-Ислому Абу ал-Юср ал-Паздавий (ваф. 493/1100), Маймун ал-Мақхулий (ваф. 508/1114) ва Мажд ал-Аимма ас-Сарҳакий (ваф. 518) каби олимлардан дарс олгани манбаларда зикр қилинади.

Косоний асарларида устози ас-Самарқандий ҳақида алоҳида тўхталиб, ифтихор билан: «Устозим, зоҳид, буюк имом, шайх Алоуддин аҳл ас-сунна раиси Мухаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий», – деб зикр қилиши орқали устози билан ўзининг ўртасидаги муносабатнинг юқори савияда эканлигига далолат қилмоқда.

Машҳур «Ал-Муқаддима ал-Ғазнавийя» номли асарнинг муаллифи Аҳмад ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий билан ўғли Маҳмуд, манбаларда зикр қилинган асосий шогирдларидандир. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Мухаммад ибн Маҳмуд ибн Саъид ал-Ғазнавий бўлиб, 593 хижрийда Халабда вафот қилган. У «Равза ихтилоф ал-уламо», «Муқаддима фи-л-фикх», «Китоб фи-ал-усул ал-фикх», «Китоб равза ал-мутақаллимин» ва «Китоб ал-мунтако мин равза-л-мутақаллимин» номли асарлар тасниф қилган.





Косонийнинг энг эътиборли асари, албатта, ислом фикҳига оид ёзилган асаридир. Манбаларда унга нисбат берилган бошқа асарлар номлари мавжуд бўлса-да, улар бизгача етиб келмагани айтилади. Броккелман Қуръон тафсирига оид «Китоб ат-таъвил» номидаги бир асарни унга нисбат берган бўлса ҳам, аслида, у Абдураззок ибн Аҳмад ал-Кашонийга оид бўлган «Таъвилот ал-Қуръон» асаридир. Айни вақтда «Китоб ат-таъвилот» номли тафсир китобининг ягона нусхаси мавжуд эканлиги манбаларда қайд этилган.

Бундан ташқари, манбаларда ислом илоҳиётига оид «Ас-Султонун-л-мубин фи усул ад-дин» номли яна бир асар ҳам унга нисбат берилди.

Абдулхай Лакнавий (ваф. 1304/1886) эса Косонийнинг «Ал-китоб ал-жалил» номли асари бўлгани хақида ҳам айтиб ўтади.

Музаффар КОМИЛОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент

АБУ МУКОТИЛ САМАРҚАНДИЙ **(ваф. 823 й.)**

Абу Мукотил Самарқандий Мовароуннаҳр минтақасида ҳанафий ақидасининг тарқалишида асосий роль ўйнаган олимлардан ҳисобланади.

Х асрда Самарқандда «Дор ал-Жузжония» мактаби Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашларининг кенг тарқалишида муҳим аҳамият касб этган илмий марказ ҳисобланган. Х асрнинг ўрталаригача аҳли раъй йўналишида, ундан сўнг асҳоб ал-ҳадис йўналишида фаолият кўрсатган ушбу марказда Абу Мансур Мотуридий, Ҳаким Самарқандий каби машҳур олимлар етишиб чиккан ва мингга яқин талабаларга сабоқ берган.


Ушбу мактаб тарихига назар ташласак, уни тахминан IX асрда Абу Мукотил Самарқандий барпо этган. Кейинроқ Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайх Жузжоний томонидан ривожлантирилган.

Абу Мукотил Ҳафс Самарқандий (ваф. 823 й.) мовароуннаҳрлик уламолар орасида бевосита Абу Ҳанифанинг ўзидан таҳсил олган ягона олим ҳисобланган. У Куфада Абу Ҳанифадан фикҳ, ақида илмларини ўрганган ва Самарқандга қайтгач, устозининг ғояларини тарқатган. Абу Мукотил Абу Ҳанифанинг ақоид илмига оид «ал-Олим ва-л-мутааллим» асарини ундан ривоят қилган ҳамда Самарқандда ушбу рисолага асосланган ҳолда ҳанафий ақидасидан сабоқ берган. «ал-Олим ва-л-мутааллим» асари 1972 йили Суриянинг Ҳалаб шаҳрида тадқиқотчи Абдулвахҳоб ал-Ҳиндий томонидан нашр қилинган.

Абу Мукотил Самарқандийнинг кейинчалик бутун ислом оламида аҳли сунна ва-л-жамоа ақидаси сифатида эътироф этилган мотуридия таълимоти асосчиси Абу Мансур Мотуридийни ҳанафий ақидасидан хабардор қилишда ўрни катта бўлган. Мотуридий дастлабки ақидавий билимларини айнан Абу Мукотилдан «ал-Олим ва-л-мутааллим» асари орқали ўзлаштирган.

Муҳаммад Кардарийнинг «Маноқиб Аби Ҳанифа» асарида таъкидланишича, Маъмун Хуросонда эканлигида ақидавий бир муҳим масала бўйича қизғин баҳс-





мунозара келиб чиккан. Шунда халифа кўзга кўринган хуросонлик барча олимларни тўплашга буйрук берган. Лекин ушбу масалани хуросонлик биронта олим ечиб бера олмаган. Йиғилганлар ушбу масалага факатгина Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ёки унинг шогирди Абу Мукотил Самарқандий жавоб бера олиши мумкинлигини айтишган. Шундан сўнг бу масалани Абу Мукотил ечиб бериши таъкидланган. Афсуски, манбаларда бу кандай масала экани хакида зикр этилмаган. Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг «Лисон ал-мийзон» номли асарида баён қилишича, ушбу воқеадан сўнг Абу Мукотилнинг Хуросон минтақасида ҳам шуҳрати ошиб кетган.

Кўплаб манбаларда ёзилишича, уламолар мана шу тарихий воқеани далил келтириб ханафия таълимотининг Самарқандга кириб келиши бевосита айнан Абу Мукотил Самарқандий орқали содир бўлганига ишора қилганлар.

Аксарият замонавий тадқиқотчилар Абу Ҳанифанинг ақидавий фикрларини Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалишида Абу Мутиъ Балхийни асосий сабабчи қилиб таъкидлаганлар. Бунда улар Абу Мутиъ Балхийнинг Абу Ҳанифадан ривоят қилган «ал-Фихх ал-абсат» рисоласини далил сифатида келтирганлар. Баъзи тарихий манбаларда таъкидланишича ҳам, Балхда ханафия ақидасининг тарқалишида ушбу асар муҳим аҳамият касб этган. «Ал-Фихх ал-абсат» асарининг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда «имон» мавзусига оид фикр юритилганда, имоннинг шартлари енгил тарзда баён қилиб берилган. Аслида эса, Абу Мутиъ Балхий Абу Ҳанифанинг «ал-Олим ва-л-мутааллим» асарини Абу Мукотил Самарқандийдан ривоят қилиб, Абу Ҳанифанинг ақидавий мавзуларда берган жавобларини «ал-Фихх ал-абсат» асарида жамлаган. Шу нуқтаи назардан Абу Мукотил Самарқандийни Мовароуннаҳр ўлкасида ханафия таълимотининг тарқалишида мислсиз меҳнат қилган олимларнинг биринчи каторига қўйиш мақсадга мувофиқдир.


Саидмухтор ОКИЛОВ,
тарих фанлари номзоди

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ (1075–1144)

Хоразм воҳаси азалдан жаҳон илм-фани ва маданияти равнакига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар юрти сифатида машҳур бўлиб келган. Айниқса, ўрта асрларда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали фаолият кўрсатган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Мискавайх, Абу Наср ал-Ирок, Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Хайр ибн ал-Хаммор, Абу-л-Фатҳ ал-Мутарризий каби хоразмлик алломаларнинг довриги бутун Мағрибу Машрикка тарқалган. Хоразм заминида таваллуд топиб фаолият кўрсатган ана шундай буюк алломалардан бири Маҳмуд аз-Замахшарийдир.

Унинг тўлик исми Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад бўлиб, хижрий 467 сана, ражаб ойининг йигирма еттинчисида чоршанба куни (1075 йилнинг 19 март)да Хоразмнинг йирик кишлокларидан бири – Замахшарда таваллуд топган ва шу боисдан ҳам аз-Замахшарий нисбасини олган. У Маккаи мукаррамада яшаган пайтида исқандариялик шогирди Шихобуддин Аҳмад ибн ал-Ҳусний ал-Моликийга





йўллаган мактубида ўзи хақида: «Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг катта бир кишлоғи – Замахшарга мансубман. Замахшар – туғилган юртимдир», – деб ёзган. Аз-Замахшарийдек буюк зотнинг киндик кони тўкилган Замахшар кишлоғи, алломанинг юрти бўлганлиги туфайли ҳам, кейинчалик жумлан жаҳонга донғи кетган кишлокка айланди.

Аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолияти хақидаги маълумотлар, асосан, ўрта аср араб манбаларида, қисман олимнинг асарларида келтирилган. Бу тарздаги маълумотларни Ибн Халликон, Ибн ал-Анбарий, Ёқут ал-Ҳамавий, Муҳаммад ал-Йофиъий, Ибн ал-Жавзий, Жалолиддин ас-Суютий, Ибн ал-Қифтий ва бошқа араб муаллифларининг асарларида учратамиз. Мана шу муаллифлар келтирган далилларга таяниб айтиш мумкинки, аз-Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат бўлмаса-да, ўз даврининг саводли, такводор, диёнатли кишиси бўлган. Аксар вақтини Қуръони карим тиловатию тоат-ибодат билан ўтказган ва Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. У хулқ-атвори яхши, ширинсухан ва ғоят меҳр-мурувватли киши сифатида эл орасида катта обрўга эга бўлган. Онаси ҳам такводор ва фозила, маърифатли аёллардан ҳисобланган. Аз-Замахшарий дастлабки билимни она юрти Замахшарда ўз ота-онасидан олди.


Ёшлик чоғларидан илм-ирфонга интилган аз-Замахшарий билим-тажрибасини ошириш мақсадида ислом дунёсининг йирик илмий ва маданий марказларидан бири бўлган Бухоройи шарифга йўл олган. Аммо илм толиби йўлда юз берган бахтсиз ходиса (отдан йиқилиб, оёғи каттик лат егани, бунинг устига қаҳратон совук бўлгани) туфайли бир оёғини кестиришга мажбур бўлади ва бутун умри давомида ёғоч оёқда юради. Лекин бу ногиронлик унинг билим олишига тўсқинлик қила олмайди.

У ёшлигидан илм-фаннинг турли соҳаларини, айниқса, араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини мукамал эгаллайди. Айни вақтда ўша даврда илм аҳллари орасида ғоятда зарур ва муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб, уни обдон эгаллайди ва бу билан ўз онлавий турмуш шаронти, тирикчилигини ҳам бир қадар яхшилайдди. Жисмоний ногиронлигига қарамасдан, аз-Замахшарийнинг катта иштиёқ ва собитқадамлик билан билим олиш йўлида кўрсатган бу жасорати ва фидойилиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир ва катта бир ибратдир.

Аз-Замахшарий ҳаёти билан танишар эканмиз, унинг илм талабида қатор хорижий мамлакатларга сафар қилганлигини ҳам кўраемиз. Дарҳақиқат, у Хуросон, Шом, Ирок, Ҳижозда бўлганлиги ёзма манбаларда қайд этилган. Мана шу юртларда бўлганида аз-Замахшарий ўша даврнинг кўп машҳур олимларидан сабоқ олди, улар билан илмий, ижодий мунозараларда иштирок қилди, самарали ҳамкорлик ришталарини боғлади.

Алломанинг Шарқнинг турли шаҳарларида жуда кўплаб шогирдлари бўлган. Айниқса, Маккан муқаррамада беш йилдан ортиқ яшаган пайтлари олим учун ғоятда серунум бўлди, десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Чунончи, Маккаи муқаррама бепоён мусулмон оламининг турли бурчақларидан келган зиёратчилар учун нафакат муқаддас бир саждагоҳ, балки етук олимлар, илм соҳиблари тўпланадиган катта илмий марказ, ижодий маскан вазифасини ҳам ўтаган. Илм толиблари, муқаддас шаҳарда яшаган аз-Замахшарийдек алломалардан ҳар қадамда фойдаланардилар. Маълумки, бирон-бир алломага насиб этмаган юксак мақом – Жоруллоҳ («Аллоҳнинг қўшниси»)






деган лакабга фақат буюк ватандошимиз аз-Замахшарий мушарраф бўлган. Араб олими аш-Шайх Муҳаммад Абу Захро Маккада яшаган даврида аз-Замахшарий аксар вақтини Байтуллоҳ ал-ҳарамда ўтказиб, ҳар доим унинг атрофини адаб илмининг толиблари, шеърят ихлосмандлари, мавъизаю хикматли иборалар шайдолари ўраб олиб, ундан сабоқ олганликларини алоҳида таъкидлаган.

Мана шу мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, унинг устозларию шогирдлари турли элатлар ва миллатларга мансуб илм аҳллари бўлган, илм йўлида аз-Замахшарий том маънода ҳақиқий байналмилаллик фазилатларини намоеън қилган. Чунончи, унга бевосита шогирд бўлиб олимдан тўғридан-тўғри сабоқ олган шогирдлари она юрти Замахшарда, Хоразмда, Табаристонда, Абивардда, Самарқандда, Бағдодда, Дамашқда, Ҳалабда бўлиб қолмай, балки унинг етук асарлари орқали ундан сабоқ олиб, ўзини ғойибона аз-Замахшарийнинг шогирдиман, дегувчилар мусулмон дунёсининг турли бурчакларида кўплаб топиларди.

Аз-Замахшарий Қуръони карим нозил бўлган араб тилини ёшлигидан катта ҳавас ва иштиёқ билан ўрганди, арабларнинг ҳаёти ва уларнинг урф-одатларини, турли лаҳжаларини узок давр тинимсиз тадқиқ этди. Алломанинг араб тилига нисбатан меҳри ва ихлоси алоҳида бўлган. Шу боисдан ҳам, бу тилнинг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир канча муҳим асарларни шу ногирон донишманд яратган. Унинг жумлаи жаҳонга донғи кетган «Муқаддамат ал-адаб», «Ал-Муфассал», «Асос ал-балоға» каби йирик таълифлари мана шу йўналишда ёзилган асарлардир. Арабларнинг: «Агар хоразмлик шу кўса, чўлок аз-Замахшарий бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар!» – деб лўнда қилиб алломага берган юксак баҳосига ҳеч бир изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Араб тилини, унинг беҳад катта имкониятларини теран англаган аллома барча асарларини араб тилида яратган. Бу тилни муқаммал ўзлаштириб олиши, албатта, катта меҳнат ва тинимсиз изланишлар самарасидир. Аллома бир оёғи чўлоқлигига қарамадан, саёҳату сафарларга ўч бўлганлигини юкорида қайд қилган эдик. Дарҳақиқат, илм олишдек олийжаноб мақсад донишмандни узок ўлкаларга чорлаганди. «Менинг сочларимни оқартирган нарса бу муттасил китоб мутолаа қилиш ва тинимсиз саёҳатлардир», – деб алломанинг ўзи ҳам эътироф этган. Чиндан ҳам бу ҳол кўплаб инсонларни хайратга солган. Машҳур шарқшунос олим, академик И.Ю. Крачковскийнинг: «Ёғоч оёқда юрганлигига қарамадан, Маҳмуд аз-Замахшарий ҳазратлари ўта ҳаракатчанлиги билан ажралиб турган», – деб ёзиши ҳам бежиз эмас.

Аллома аз-Замахшарий ўз умрининг аксар қисмини хорижий юртларда, мусофирчиликда ўтказган бўлса-да, ўз она кишлоғи Замахшар, она ватани Хоразмни жуда каттик севган, ҳақиқий ватанпарварлик ҳиссиётларини намоеън қилган ҳолда юртига бағишлаб мадҳиялар яратган. «Хоразм заминида шунчалик кўп неъмату фазилатлар мавжудки, дунёнинг бошқа бирор мамлакатида ҳам буларга ўхшашларини асло кўрмадим», – дея, киндик қони тўқилган юрти Хоразмни алоҳида ифтихор ва ғурур билан таърифлайди. Шу билан бирга, аллома жами беш йилдан ортиқ вақт яшаган муқаддас шаҳар Маккаи мукаррамани ҳам ўзининг иккинчи ватани ўрнида кўради. Чунки Макка аҳли, айниқса, унинг амири Абу-л-Хусайн Али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос ал-Хусайний аз-Замахшарийни катта иззат-икром ва алоҳида ҳурмат билан кутиб олиб, олимнинг самарали илмий, ижодий ва мударрислик фаолияти учун бар-




ча шарт-шароитларни яратади. Ҳаттоки амирнинг буйруғи билан Каъбатуллохнинг яқинидаги Боб ал-Ажйод маҳалласида олим учун махсус бир уй ҳам куриб берилади. Макка амири Ибн Ваҳҳос билан аз-Замахшарий ўртасидаги дўстлик ва биродарлик иплари тобора мустаҳкамланиб, ҳатто аз-Замахшарий ушбу дўстона алоқаларига атаб бир касида ҳам битади ва амирнинг ўзига кўрсатган катта илтифотини миннатдорлик туйғуси билан тараннум этади. Макка амири Ибн Ваҳҳос ҳам етук олим ва иктидорли шоир бўлгани учун улар бир-бирларининг ижодларидан ўзаро унумли фойдаланадилар. Аз-Замахшарийдаги буюк даҳо, улкан илм ва юксак инсоний фазилатларнинг шоҳиди бўлган Ибн Ваҳҳос унга алоҳида меҳр билан муносабатда бўлади. Президентимиз Ислоҳ Каримов Хива шахрининг 2500 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантананда сўзлаган нутқи ва кейинроқ, халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузасида ҳам Макка амири Ибн Ваҳҳоснинг аллома аз-Замахшарий ҳақидаги: «Дунёдаги барча кишлоқлар жам бўлиб Хоразмнинг биргина ЗАМАХШАР кишлоғига фидо бўлса, арзийди. Чунки бу кишлок минг йилларда бир марта туғилиши мумкин бўлган аз-Замахшарийдек буюк алломани дунёга келтирган», – деган самимий эътирофи ва юксак баҳосини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Маълумки, биринчи марта аз-Замахшарий Маккада икки йилдан ортик яшагандан кейин ўз юрти Хоразмга қайтади. Орадан бир мунча вақт ўтгач, у Маккадан қайтганига пушаймон бўлиб, каттик изтиробга тушади. Ўзининг ушбу махзун ҳолатини олим бир қанча касидаларида баён қилади. «Ўз умрининг анча қисмини Маккада ўтказдинг, яна Маккага кетаман дейишининг боиси нима»? – деб сўраганларида, олим: «Қалб хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагина ҳис қилиш мумкин», – деб жавоб қилади. Шундан кейин аз-Замахшарий иккинчи марта Маккага бориш мақсадида яна сафарга чиқади. Сафари давомида Суриянинг пойтахти Дамашқда бирмунча муддат яшагандан кейин яна йўлга чиқиб, Маккага етиб боради ва уч йил мобайнида бу муқаддас шаҳарда яшайди. Макка амири Ибн Ваҳҳос бу сафар ҳам аз-Замахшарийни катта илтифот билан қарши олиб, унга иззат-икром кўрсатади. Уч йил Маккада яшагандан кейин аз-Замахшарий ўз ватани Хоразмни қўмсайди ва Маккадан чиқиб Бағдодга келади. Ўша даврда илм-фан ва маданиятнинг маркази бўлган Бағдодда у кўп олимлар билан мулоқотда бўлади ва улар билан илмнинг турли соҳалари бўйича баҳс ва мунозараларда қатнашади. Сўнгра Хоразмга қайтиб келиб, бир неча йил яшагандан кейин 538/1144 йили арафа кечаси Журжония (ҳозирги Кўхна Урганч)да вафот этади. Шундан деярли икки юз йил кейин, яъни 1333 йили Хоразмни зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304–1377) ўзининг «Ар-Рихла» («Саёҳатнома») номли асарида Хоразм (Кўхна Урганч)нинг ташқарисида аз-Замахшарийнинг қуббали макбарасини кўрганлиги ҳақида ёзади.

Буюк мутафаккир аз-Замахшарий бизга бой ва улкан илмий-маънавий мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, одоб-ахлоқ, мантик, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикх ва илм ал-кироатга оид олтиншга яқин асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Аз-Замахшарий ижодининг кенг қўламчилиги ва унинг илм-фан оламида тутган юксак макомини билиш мақсадида алломанинг замондошлари ва кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар у ҳақда айтган фикр-мулоҳазалардан айримларини келтирамиз. Машҳур араб тарихчиси Ибн ал-Кифтий у ҳақда бундай деган: «Аллоҳ раҳмат қилғур аз-Замахшарий илму-л-адаб,






наҳв-сарф ва луғатшунослик бобида бошқаларга намуна бўладиган беназир аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис, наҳв-сарф ва бошқа соҳалар бўйича бир канча асарлари бор. У ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамлилар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир». Атокли олим Ибн Халликон: «Аз-Замахшарий ҳазратлари тафсир, ҳадис, наҳв-сарф, луғат ва илму-л-баён бўйича буюк алломadır. Ҳеч бир муболағасиз, мазкур илмларда у ўз даврининг яғонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди», – деб ёзади. Аз-Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган таникли Миср тарихчиси Ибн Тагриберди аллома тўғрисида: «Шайх, буюк аллома, ўз даврининг яғонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган», – деб қайд қилган.

Тилшунослик ва грамматиканинг турли масалаларига оид асарлар аз-Замахшарий ижодида салмокли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал фи-н-наҳв» номли асарини у Маккада яшаган пайтида бир ярим йил давомида ёзган. «Ал-Муфассал» араб тили наҳву сарфини мукамал ўрганишда энг муҳим манбалардан бири сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шуҳрат топган ва ғоятда кадрланган. Кўпчилик олимлар ўз илмий киммати жиҳатидан аз-Замахшарийнинг бу асари таникли араб тилшуноси Сибавайхнинг (ваф. 796) араб грамматикасига оид машҳур китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Ўша даврнинг ўзидаёқ араблар орасида аз-Замахшарийнинг бу асари катта эътибор қозонган ва араб тилини ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалган. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо, кимда-ким аз-Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул ва бош-оёқ сарупо совға қилишни эълон қилган. Бир канча кишилар асарни ёд олиб, мукофотга сазовор ҳам бўлганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Бу мисол аз-Замахшарий асарининг ўша даврда ҳам қанчалик юксак баҳоланганлигини кўрсатади. Бу муҳим асар Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан кенг тадқиқ қилинган ва бир неча марта нашр ҳам этилган. Асарнинг бир канча қўлёзма нусхалари Тошкентда, ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланади. «Ал-Муфассал»нинг ихчамлаштирилиб, мухтасар холга келтирилган нусхаси «Ал-Унмузаж» («Намуна») номи билан аталади. Грамматикага оид асарларидан яна бири «Шарҳ абйат китоб Сибавайх» – юқорида зикр этганимиз Сибавайхнинг китобига ёзилган мукамал шарҳдир.

Аз-Замахшарийнинг Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга (1127–1156) бағишлаб ёзилган «Мукаддат ал-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эга. Асар беш катта қисмга бўлинган бўлиб, отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида батафсил фикр юритади. Бу муҳим асарнинг йиғма илмий-танқидий матни филология фанлари доктори, профессор Зоҳиджон Исломов томонидан 2002 йилда «Тошкент ислом университети» нашриётида чоп этилган. Муҳим манба сифатида бу асар 1706 йилда усмонли турк тилига, сўнгра француз-немис тилларига таржима қилинган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча мартаба нашр қилинган. Асарнинг чиғатой тилига қилинган таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун муҳим манба ҳисобланади. Бу ҳақда машҳур ёзувчи Садриддин Айний ҳам 1921 йили «Меҳнатқашлар товуши» газетасидаги мақоласида: «Аз-Замахшарийнинг «Мукаддат ал-адаб» асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг ҳазинаси билан баробардир», – деб таъкидлаган эди.





Аз-Замахшарийнинг араб луғатшунослигига бағишланган асарларидан, энг аввало, «Асос ал-балогат» («Балогат (фасохат) асослари») асарини айтиш зарур. Араб тилининг фасохати, фикрни чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, луғат бойлигидан ўринли ва ғоятда мохирлик билан фойдаланиш ва буларнинг ҳаммасини амалда татбиқ этиш каби масалалар бу асарда мукаммал равишда ўз ифодасини топган. Бу кимматли асар ҳам араб мамлакатларида бир неча бор нашр этилган ва кўлэзма нусхалари Шаркнинг кўп шаҳарларидаги кўлэзма хазиналарида сақланади. Алломанинг «Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб» («Ваъзлар ва хутбалар баёнида олтин шодалар») номли асари насихатомуз мақолалар ва ибратли хикоятлардан ташкил топган кимматли китобдир. Асар биринчи марта 1835 йили немис олими Фон Хомер томонидан немис тилига таржима қилиниб, арабча матни билан нашр этилган. Бундан эллик йилча ўтгач, француз тилига ҳам таржима қилиниб, 1886 йили Парижда чоп этилган. 1873 йили эса усмонли турк тилига ағдарилган таржимаси Истанбулда нашрдан чиқарилган.


Аз-Замахшарийнинг «Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахйор» («Эзгулар бахори ва яхшилар изхори») асарида адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид хикоятлар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. 97 бобдан иборат бу асарнинг нодир бир кўлэзма нусхаси Тошкентда, ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги шаркшунослик институтида сақланади. Бундан ташқари, Лейден, Берлин кутубхоналарида ҳам асарнинг кўлэзмалари мавжуд.

Қомусий билимлар соҳиби бўлган аллома аз-Замахшарий жуғрофияга оид ҳам асар яратган бўлиб, у «Китоб ал-жибол ва-л-амкина ва-л-мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») номи билан аталади. Олим бу асарини Маккада бўлган пайтида ўз дўсти, Макка амири Ибн Ваҳҳосдан олган аниқ ва муфассал маълумотлар ва ўз шахсий мушоҳадаларига таяниб ёзган. Арабистон ярим оролининг жуғрофиясига оид кимматли маълумотларни камраган бу асар Европада биринчи марта 1856 йилда Лейденда таникли олим Жойнболлнинг шоғирди шаркшунос Сальвер де Граве томонидан лотинча таржимаси билан нашр қилинган. Асар бир неча марта чоп этилган. Бу манбада келтирилган кимматли маълумотлардан машҳур араб олими Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар комуси») номли асарида кўп ўринларда фойдаланган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларига бағишланган асарини аз-Замахшарий «Ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар») деб атаган. Машҳур тарихчи Ибн Ҳажар ал-Аскалоний: «Аз-Замахшарийнинг «Ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» китоби ғоятда ихчам бўлгани билан мазмунан кенг камровлилиги ва нақллари тўғрилиги билан ажралиб турадиган яхлит бир асардир», – деб ёзади. Бу асар бир неча марта нашр ҳам этилган (Ҳайдаробод, Бағдод, Қоҳира).

Аз-Замахшарий ижодида муҳим ўрин эгаллаб, илм-фан оламида кенг танилган «Ал-Кашшоф» асари Қуръони каримга бағишланган машҳур тафсирдир. Бу тафсир аз-Замахшарий Маккада турган пайтида уч йил (1132–1134) давомида ёзилган. Аз-Замахшарий бу тафсирини ёзишдан олдин Қуръони каримга бағишлаб яратилган кўплаб тафсирларни кунт билан ўрганган ва улардан унумли фойдаланган. Гарчанд бу тафсир муайян даражада муътазилия оқими нуктаи назаридан ёзилган бўлса-да, лекин илохий Китобга бағишланган тафсирлар ўртасида ўз ўрнига эга. Айниқса, унда





Куръони каримнинг филологик нуктаи назардан таҳлилига катта эътибор берилган. Қимматли манба сифатида «Ал-Кашшоф»нинг кўплаб қўлёзма нусхалари дунёнинг турли шаҳарларида мавжудлиги, асарга ёзилган шарҳ ва хошияларнинг кўплиги билан ҳам белгиланади.

Юқорида айтилган фикрлардан яққол кўриниб турибдики, кўҳна Хоразм заминиди таваллуд топган буюк аллома аз-Замахшарий ҳазратлари биз авлодларга бекиёс бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Аллома бутун умрини ва жўшқин фаолиятини илм-фан йўлига бахшида этган, фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб асарлар яратган. Шу билан бирга, Хоразм ўлкасида ва ўзи зиёрат қилган Шарқнинг турли шаҳарларидан бўлган кўпдан-кўп шоғирдларига жуда катта эътибор билан қараб, уларни камол топтиришга ўз ҳиссасини қўшган. Ўз даврининг кўплаб машҳур олимлари билан дўстона муносабатда бўлиб, улар билан илм-фан тараққиёти йўлида самарали ҳамкорлик қилган.


Аз-Замахшарийнинг чуқур билими, буюк даҳоси ва илм-фаннинг турли соҳаларига оид қимматли, ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқда унга бетакрор шухрат келтирган. Алломани чуқур ҳурмат ва алоҳида меҳр билан «Устоз ад-дуня» («Бутун дунёнинг устози»), «Устоз ал-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри арабларнинг устози»), «Жоруллоҳ» («Аллоҳнинг қўшнисини»), «Фахру Хваразм» («Хоразм фаҳри») каби бирорта ҳам алломага насиб этмаган ўта шарафли лақаблар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар ва адиблар даврасида у донмо пешволардан бири бўлган, қизгин илмий баҳс ва мунозараларда унинг фикр-мулоҳазаси, албатта, инобатга олинган. Мана шу зайддаги бекиёс улкан обрў-эътибор ва буюк даҳога хос фазилатлар эҳтимол унга ўз асарларидан бирида: «Инний фи Хваразм Каъбат ал-адаб» («Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир Каъбадекдурман»), – деб ёзишига асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, аз-Замахшарийнинг бой илмий-маънавий ва адабий мероси Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам азалдан кадрланган ва илмий асосда муайян даражада ўрганилган, унинг қатор асарлари бир неча Ғарб тилларига таржима ҳам қилинган. Бинобарин, қомил ишонч билан айтиш мумкинки, хоразмлик буюк аллома аз-Замахшарий ҳазратларининг бебаҳо илмий-адабий мероси дунё микёсида ҳазрати Инсоннинг маънавий камолотига хизмат қиладиган ноёб дурдоналардир.

Мавриди келганда айтиш керакки, мустикаллик йилларида аз-Замахшарийнинг ҳаёт йўллари ва бетакрор илмий меросини ўрганиш соҳасида самарали ишлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мухтарам Президентимиз Ислон Каримов имзо чеккан қарорига кўра, 1995 йилда аз-Замахшарий ҳазратлари таваллудининг 920 йиллигининг мамлакатимизда кенг нишонланиши, айниқса, алоҳида аҳамият касб этди. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, аз-Замахшарий асарларини мукаммал, ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўзбек тилига таржима қилиш, улуғ мутафаккир қаламига мансуб бой илмий-маънавий меросни кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий бойлигига айлантиришдек шарафли ва хайрли иш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор





АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН АҲМАД ШОШИЙ (1038–1114)

Мовароуннахр фикҳ мактаби буюк намояндалари ёзган нодир асарлар туфайли ўз тараккиётига кўтарилган ислом конуншунослиги халкимиз маънавий-ҳуқуқий меросининг узвий қисми сифатида асрлар давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим омил бўлиб келган.

Жумладан, бу соҳада шошлик факиҳлар ҳам қимматли асарлар яратишган. Фикҳ илми ривожиди, шубҳасиз, буюк имом Абу Бакр Қафқол Шошийнинг хиссаси каттадир.

Ўрта асрларда «Фахр ал-ислом» («Ислом фаҳри») сифатида шуҳрат қозонган Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мустазҳирий аш-Шоший ўз даврида Бағдоддаги фуқаҳоларнинг раиси бўлган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший Бағдодга бориб, машҳур факиҳ Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Наср ибн ас-Саббоғдан фикҳни ўрганиб, таникли имом даражасига етди.

Таникли исломшунос Ризоуддин Фаҳриддин ўзининг «Имом Ғаззолий» асарида «Абу Бакр Шоший Абу Исҳоқ Шерозий, Абулқосим Кушайрий, Ҳаририй (соҳиби мақомот), Абу Исҳоқ Воҳидий, Абулмаҳосин Рўений, Хатиб Табризий, Хатиб Бағдодий, Қози Байзовий каби зўр олимлар замонида яшаган эди», – деб ёзади.

Маълумки, салжукийларнинг буюк вазири Низом ал-Мулк ислом оламидаги бир қанча йирик шаҳарлар каби Бағдодда ҳам «Низомия» мадрасасини қурдирган. Ушбу мадраса ўз даврида академия даражасида бўлган. Чунки ўша кезларда бу мадраса энг мухташам ва йирик ҳисобланар, бу ерга араб мамлакатлари марказларидангина эмас, балки Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қатор шаҳарлардан ҳам талабалар келиб таълим олар эди. Мадраса икки қаватли бўлиб, бу ерда бир йўла тўрт юз талаба дарсга қатнашар, мантик, калом, луғат илми, сарфу нахв (грамматика), одоб каби фанлар ўқитилган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида таълим олган ва кейинчалик, унинг мударриси этиб тайинланган. У бу ерда кўп таникли олим ва алломалар билан мулоқотда бўлган. Йирик файласуф Абу Ҳомид Ғаззолий (1059–1111), Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 1083), Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший бир вақтда мана шу «Низомия»да дарс берганлар.

Ўрта асрларда (IX–XII) илм-фан ва маданият марказларидан бири Бағдодга «Шоший» нисбасидаги бир қатор олимлар – машҳур муҳаддис Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Қулайб Шоший, Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Закариё аш-Шоший, ал-Ҳасан ибн Соҳиб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид аш-Шоший, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший ва бошқалар ташриф буюрган. Бу ерда улар нафақат илм ўрганишган, балки мударрис, аллома, факиҳ, имом сифатида машҳур бўлишган. Қуйида биз Шош воҳасида туғилиб, Бағдодда «қатта имом» даражасига эришиб, маълум муддат фуқаҳолар раиси бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ҳақида сўз юритамиз.

Имом, аллома, ўз асрининг фақиҳи Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший улуг (қатта) имом, ислом фаҳри сифатида шуҳрат қозонган. Тожуддин Субкийнинг ёзишича, «у такводор, ибодатгўй бўлиб, номи эл-юрт орасида машҳур бўлган». Абу





Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший 429/1038 йил муҳаррам ойида Шош яқинидаги Маёфорикин кишлоғида туғилган. Ота-боболари ҳам Шош ўлкасидан эди. У дастлаб фикҳ илмидан Маёфорикинда Муҳаммад ибн Баён ал-Казрувнийдан, Маёфорикин қозиси Абу Мансур ат-Тусий Шайх Абу Муҳаммад ал-Жувайнийдан таълим олади.

Устози ва шайхи ал-Казрувний вафотидан олдин Абу Бакр аш-Шоший Ирокка сафар қилиб, Бағдодга боради. Тез орада ўша замоннинг пешкадам олими Шайх Абу Исҳоқ Шерозий билан учрашиб, ундан дарс олади. Шунингдек, Абу Наср ибн ас-Саббоғдан фикҳни жидду жаҳд ила ўрганиб, таникли имом даражасига етади.

Абу Бакр аш-Шоший Бағдодда Муҳаммад ибн Баён ал-Казрувний, Қосим ибн Аҳмад ал-Ҳаёт, Абу Бакр ал-Хатиб, Абу Исҳоқ аш-Шерозий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Муслим, Абу ал-Ғаноим ибн ал-Маъмун, Абу Яъло ибн ал-Фарролардан ҳамда Маккада Хияж ибн Муҳаммад ал-Хиттинийдан ҳадис илмини ўрганган. Ундан Абу ал-Муаммар ал-Азжий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Яздий, Абу Бакр ан-Накур, Абу Тохир ас-Салафий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Абу Бакр аш-Шоший устозлари наздида ҳам катта обрў қозонади. Шу сабаб бўлса керак, у мадрасани тугатгач, Бағдодда мударрислик фаолияти билан шуғулланади. Айтилганидек, ўша пайтларда Бағдодда «Низомия» мадрасаси қурилган бўлиб, Шоший шу мадрасага мударрис қилиб тайинланади.


Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийдан Бағдодда шайх, имом, катта факих, қози Абулмуфаззал Яҳё ибн Али ибн Абдулазиз ибн Али ибн ал-Ҳусайн ал-Қураший ад-Димашкий (ваф. 534) фикҳ илмини ўрганган ва ундан ҳадислар эшитган. Шунингдек, шошлик факихдан шайх, имом, муфтий Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Абулбако ал-Муборак ал-Бағдодий, имом, муҳаддис, хофиз, муфтий, шайхулислам Абу Тохир Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Исфажонийлар фикҳ илмидан таълим олган. Ўз даврининг закийларидан бири – аллома, муфтий Абулаббос Аҳмад ибн Салама ибн Убайдулло ибн ар-Рутобий (хижрий 527 йил ражаб ойида Бағдодда вафот этган) Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший билан ҳамроҳ тутуниб, унинг хизматида бўлган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший Абу Исҳоқ Шерозий билан Нишопурга бориб, илмий мунозараларда катнашиб, ўзини танитган. Яна Бағдодга қайтиб, устози Абу Исҳоқ Шерозий вафотидан (476/1083) кейин шофийий мазхабидаги фуқоҳоларнинг раиси бўлган.

Устози Абу Исҳоқ Шерозий вафот этгач, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший унинг ўрнига мударрис этиб тайинланади. Манбаларда кўрсатилишига кўра, у дастлаб дарсга киргач, устоз ўтирадиган жойга ўтириб, араб шоири Абу Таммом (788–846) шеърларидан ушбу мазмундаги байтларни ёздирибди: «Жойлар бўш қолганида ҳеч ким мени катта қилиб сайламаса ҳам, ўзим катта бўлиб қолибман. Аммо катталардан яқка ўзим қолганим менинг учун оғир мусибат бўлди». У бу байтни қайта-қайта ўқиб, шогирдларига ўқитиб, «Улар кетиб, курсига ўтириш навбати менга келдими?», – деб ўзини туюлмайд кўзига ёш олибди.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший йирик факих бўлиб, бу соҳага оид бир қанча асарлар таълиф этган. Ҳожи Халифа ўзининг «Қашф аз-зунун» асарида «Ҳилят ал-уламо фи мазоҳиб ал-фуқоҳо» («Факихлар мазхабида олимлар зийнати») асари муаллифи Шайх имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Қафқол аш-Шоший (ваф. 507) ал-Мустазҳирий деб танилган, – деб ёзади. Тошкент олимлари бўйича





маълумотлар тўплаган шарқшунос А. Носиров «Кашф аз-зунун»даги ушбу фикрга таяниб, «Мустазхирий Қаффол Шошийнинг авлодларидан эканлиги маълум бўлади», – деб кайд этган. Шуниндек, Ёқут ал-Ҳамавий «Муъжам ал-булдон» асарида «Тарғиб фи-л-фуруъ» («Фуруъга кизикиш уйғотиш») китоби муаллифи Фахр ал-Ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қаффол Шоший бўлиб, хижрий 507 йилда вафот этганлигини таъкидлаган. Лекин кўп манбаларда у «Фахр ал-ислом», «Мустазхирий», «Шайх», «Имом» номлари остида зикр этилади. Аммо уларнинг бирортасида Қаффол Шошийнинг авлодларига тегишли эканлиги айтилмаган.

Шундай қилиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийнинг йирик асари «Ҳилйат ал-уламо» бўлиб, уни аббосий халифалардан ал-Мустазхир Биллохга (ваф. 512/1118) бағишлаб ёзган. У хажман катта китоб бўлиб, уни Аббосий халифа Мустазхир маъқуллаган. Шунинг учун бу китоб «Мустазхирий» деб ҳам номланади. Ана шу китоби туфайли Абу Бакр Шоший «Мустазхирий» деган ном таратган ва тарихий манбаларда унинг тахаллуси ёнида бир унвон сифатида ёзиб келинади.

Ҳожи Халифанинг хабар беришича, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ўша даврда ҳар бир масалада имомлар ўртасида воқе бўлган ихтилофларни зикр қилган. Сўнгра «Ал-Муътамадъ» («Ишончли»)ни ёзган. Ушбу асарнинг тўлиқ номи «Ал-Муътамадъ фи фуруъи аш-шофиъия» («Шофиъия фуруълари бўйича ишончли асар») бўлиб, у «Ҳилйат ал-уламо» китобидек шарҳсиз ёзилган.


Маълумки, фикх – ислом ҳуқуқшунослигини ривожлантиришда имом аш-Шофиъийнинг (ваф. 820) хизмати катта. У ўзининг «Ар-Рисола» асарида фикхнинг асосий тушунча ва белгиларини биринчи марта аниқ таърифлаб бериб, «усул ал-фикх» илмига асос солган. Юридик фанлари доктори, проф. А. Сандовнинг эътирофи эътиборинча, «ислом қонуншунослигининг мустақил фан сифатида шаклланишида суннийлик ҳуқуқ мазҳабларидан бирининг асосчиси Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон Шофиъий Ҳошимий Қураший бенихоя катта ҳисса қўшган».

Шофиъиянинг кейинги асрларда ном чиқарган издошлари каторига Абу Исҳоқ Иброҳим аш-Шерозий (ваф. 1083) қиради. Айнан унга атаб вазир Низом ал-Мулк Бағдодда «Низомия» мактаби (мадраса)ни қуриб берган. Файласуф ва факих Абу Ҳомид ал-Ғаззолий (ваф. 1111) ва комусий олим Жалолуддин ас-Суйутий ҳам унинг издошларидандир.

Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шоший ал-Факих аш-Шофиъийнинг «Ал-Умдату фи фуруъи аш-шофиъия» («Шофиъия фуруъларининг асоси») асарини таълиф этган. У ўзининг бу асарини халифа ал-Мустазхир ўғли талаби билан ёзиб, унда дин асосларини қисқача тасниф қилган. Ушбу китобга кўп олимлар эътибор беришган. Китобга Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Бағдодий (ваф. 741), Тожуддин Умар ибн Али ал-Фокихоний ал-Моликий (ваф. 731), Ибн ал-Мулаккин деб танилган Умар ибн Али (ваф. 804), Ибн Дақик ал-Ийд деб танилган шайх Тақиюддин Муҳаммад ибн Али (ваф. 702), Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуддон ал-Бармовий (ваф. 831) ва бошқалар шарҳлар ёзишган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийнинг йирик асарларидан яна бири «Аш-Шофий» («Шифо берувчи»)дир. Бу асари ҳам фикх (қонуншунослик)га бағишланган бўлиб, араб олими Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний (791–878)нинг «Ал-Мухтасар» («Қиска») деган асарига ёзилган шарҳдир. Манбаларда кўрсатилишича, бу шарҳ йнгирма жилдан иборат. Шоший бунга беш йил давомида ёзиб тугатган.





Бирок Ибн Халликон Абу Бакр Шошийнинг бу китобини бошка асарга ёзилган шарх сифатида кўрсатади: «Аш-Шомил фи фуруъи аш-шофиъия» («Шофиъия фуруълари бўйича кенг камровли китоб») асари муаллифи Ибн ас-Саббоғ деб танилган Абу Наср Абдуссайд ибн Муҳаммад аш-Шофиъийдир. Бу асар шофиъия мазхабидаги энг яхши ва тўғри китобдир. Унинг шархлари ва изоҳлари мавжуд бўлиб, жумладан, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бағдодий аш-Шоший (ваф. 507) 20 жилдли ёзган шарҳини «Аш-Шофий» деб номлаган.

Аксарият манбаларда Абу Бакр Шошийнинг «Аш-Шофий» асари шофиъия мазхабидаги машхур беш китобдан бири «Мухтасар ал-Музаний фи фуруъи аш-Шофиъия» («Шофиъия фуруълари бўйича ал-Музаний мухтасари») асарига ёзилган шарх эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Жумладан, имом ан-Нававий «Ат-Тахзиб» асарида зикр қилишича, Шайх Имом Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний аш-Шофиъий шофиъия мазхабида биринчи асар ёзган кишидир. Ибн Сурайжнинг айтишича, «Ал-Музаний мухтасари» дунёга бокира киздек чиқди. Бошқалар ўз асарларини худди шу китобдек тартиблаган. Бу китобга кўплаб олимлар шархлар ёзишган. Хусусан, имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шоший «Аш-Шофий» номли шарх ёзган. Ундан ташқари, унинг «Аш-Шофиъия шохобчасининг устуни», «Талокка оид масала» каби асарлари бўлган.

Шундай қилиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ўз даврида илм-маърифат ва исломнинг маданий марказларидан бири Бағдодда, юкорида айтганимиздек, Абу Исҳоқ Шерозий, Абулкосим Қушайрий, Ҳаририй (сохиби макомот), Абу Исҳоқ Воҳидий, Абулмаҳосин Рўёний, Хатиб Табризий, Хатиб Бағдодий, Қози Байзовий каби йирик олимлар замонда яшаган эди. Мустазҳирий номи билан танилган юртдошимиз Абулаббос Аҳмад, Абулмазаффар Самъоний, Наср Мукаддасий, Рўёний, Хатиб Табризий, Имом Ғаззолий каби улуғ олимлар билан ҳам замондош бўлган.

Ўша даврда Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Наср Сабоъ, Абулкосим Дабусий, Имом Ғаззолий, Фахр ал-ислом Шоший (Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад), Сухравардий, Камолиддин Анборий ва бошқалар сабоқ беришган. Мустазҳирий «Низомия»да араб тили, калом, мантик, адабиёт, сарф-наҳв, кироат, луғат, тафсирдан дарс берар эди.

Шоший ўз даврида араб адабиёти ва, хусусан, шеъриятини жуда яхши билган кишилардан эди, у Қуръон, ҳадис қонун-қоида ва йўл-йўриқларини мукамал билган. Тилшунослик, хусусан, араб адабиёти ва грамматикасининг нозик томонларигача эгаллаган. Шунинг учун бўлса керак, унинг синтаксисга оид асари ўрта аср ва ундан кейинги даврларда ҳам кўп мўътабар китобларда тилга олинади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший 507/1114 йил шаввол ойининг 15-куни шанба сахарда вафот этган. У «Боб ал-Аброз» (Боб ал-Шероз) макбарасига дафн этилган, унинг қабри устози Абу Исҳоқ Шерозий қабри ёнида. Фахр ал-ислом Шоший ўзидан кейин ўз мазхабида имом бўлган икки фарзанди Аҳмад ва Абдуллоҳни қолдирган.

Тожддин Субкий унинг ўғиллари тўғрисида қуйидаги маълумотларни ёзган: Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Умар Абулмазаффар Фахр ал-Ислом Абу Бакр Шошийнинг ўғли бўлиб, у фикҳни отасидан ўрганган. У Абдуллоҳ ибн Толхадан ҳадислар эшитган. Ундан Абу Бакр ибн Комил ва Ҳофиз ибн Асоқир-





лар ҳадис ривоят қилишган. Абу Бакр Шошийнинг ўғли Аҳмад 529 йили ражаб ойининг 10-куни жумада Бағдодда вафот этган.

Абу Бакр Шошийнинг кейинги фарзанди Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад 481/1088 йилда туғилган. Фикх илмини ўз отасидан ўрганган. У мазҳаб ва хилоф (бахс-мунозара)да мохир бўлиб, кишиларга ваъз ўқирди. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Хусайн ибн Аҳмад ибн Толха ан-Нийолий ва бошқалардан ҳадислар эшитган. У шоир ҳам бўлган.

Ўша даврда яхшигина фикхшунос бўлиб танилган Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ал-Хусайн аш-Шоший катта имом, фахр ал-ислом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийнинг укасидир. У фикхни Шайх Абу Исҳоқ Шерозийдан ўрганган. Абулхусайн ибн ал-Мухтадий ва бошқалардан ҳадис эшитган. Олим 550/1155 йилда вафот этган.

Кўриниб турибдики, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ўзининг илмий-маънавий мероси билан фикх илми ривожига бекиёс хисса қўшган. Айниқса, Бағдоддек илмий-маданий марказда фақиҳларга бош бўлиб, раислик қилганлиги унинг юксак билим ва истеъдод соҳиби бўлганидан яққол далолатдир. Афсуски, унинг асарлари ҳозирги кунда мамлакатимиз китоб хазиналарида мавжуд эмас.

Хорижий мамлакатларга илмий экспедициялар уюштириб, аждодларимиз қўлёзмалари ва асарларига оид маълумотларни жамлаш, тадқиқ этиш давр талабидир. Айни пайтда, шошлик фақиҳнинг ҳаёти, фаолияти бўйича изланишлар олиб бориш ўрта асрлар Тошкент илм-фани ва маданияти тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.


Неъматулла МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди

АБУ-Л-МУЪИН АН-НАСАФИЙ (1027–1114)

Калом илмининг буюк алломаси имом Абу Мансур ал-Мотуридий (870–944) томонидан яратилган ал-мотуридия мактабининг йирик намояндalarидан бири Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг Мовароуннаҳрда ханафия мазҳабининг қарор топишида бекиёс хизматлари бор. Абу-л-Муъин ан-Насафий нафакат калом илмининг алломаси, балки ўз даврининг фақиҳи ва усулиётчи олими сифатида ҳам шуҳрат қозонган сиймолардан биридир. Шу боисдан ҳам, «Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» номли асарда бошқа бир насафлик олим Нажмиддин Умар ан-Насафий у ҳақда: «Шарку Ғарбнинг олиму уламолари Абу-л-Муъин ан-Насафий илмининг денгизидан баҳра топиб, ул таратғон зиё нурларини кўзларига тўтиё килиб суртгонлар», – дея унинг илмий салоҳиятига юксак баҳо берган.

Аввалги мақолаларда таъкидланганидек, калом илми ақидавий масалаларни ақлий ва нақлий далилларга таяниб талқин қиладиган ва улардаги ҳар қандай иштибоҳларга барҳам берадиган илмдир. Бу илмнинг тараккиёт босқичларида имом Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ас-Собит ал-Куфий (699–767) сафдошларининг алоҳида хизматлари бор. Мовароуннаҳрда улар яратган мактаблар аҳли ас-сунна ва-л-жамоат мактаби номи билан машҳур бўлиб, унинг йирик вакили имом Абу Мансур ал-Мотуридий номига мансуб этилиб, мотуридия мактаби (ал-мадрасат





ал-мотуридийа) деб аталган эди. Айни шу мактаб билан бир даврда Ироқда имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий (873–935) асос солган ал-ашъария мактаби (ал-мадрасат ал-ашъариййа) кенг тарқалган эди. Бу иккала мактаб таълимотлари орасидаги фарқлар жузъий бўлиб, улар лафзий ёки бўлмаса, маъновий (мазмуний) тусга эгадир. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, дастлабки исломий мутафаккирлар ва калом илмининг алломалари – мутакаллимлар калом илмига бир неча хил таъриф берган бўлсалар-да, барчалари бир масалада, яъни диний-ақоидий масалалар хусусида фикр юритганларида, ақлий назарга таянганликларига кўра, ҳамфикр, ҳаммаслак бўлганлар. Бирок калом илмининг алломалари бу ишларни ақл ва назар кўзи билан қабул қилишда икки тоифага ажралганлар. Биринчи тоифа диний масалаларни ақл йўли билан ҳал қилиш, яъни уларни шарҳлаш, уларнинг тафсилотларини ҳар томонлама очиш йўли билан чуқур ўрганиш ғоясини илгари сурган. Бу йўналиш, асосан, илк мутакаллимларнинг йўли бўлиб, даврий жихатдан биринчи ва иккинчи ҳижрий (милодий еттинчи ва саккизинчи) асрларга тўғри келади. Бу даврда самарали фаолият кўрсатган олимлардан имом Абу Ҳанифани кўрсатиш мумкин. Чунончи, у ўзининг «Ал-Фикх ал-акбар» («Буюк фикх») номли асарида фикх илмининг асослари билан бир қаторда ақидавий масалалар бўйича ҳам қимматли маълумотлар келтирган. Иккинчи тоифанинг йўли диний-ақидавий масалаларни ақлий далиллар ва исботларга таянган ҳолда ҳимоя қилишга уринишдир. Бу йўналиш даврий жихатдан нисбатан кейинроқ пайдо бўлди. Бу йўналишнинг вужудга келишига ислом динига ёт бўлган турли-туман фалсафий фикрлар ва қарашларни ўзида мужассам қилган асарларнинг араб тилига таржима қилиниши катта таъсир кўрсатди. Калом илмининг (ислом фалсафаси) биринчи йўналиши бўйича фаолият кўрсатган олимлардан Саъдадин ат-Тафтазоний, Тошкўприйзода, шайх имом Муҳаммад Абдо қабилар бўлса, иккинчи йўналиш намояндalари сифатида Абу Наср ал-Форобий, имом ал-Ғаззолий ва Ибн Халдун каби машҳур алломаларни айтиш мумкин.

Калом илми (илм ал-калом)нинг тарихига назар солсак, азалдан бу илмининг турли номлар билан аталганини кўрамиз. Масалан: ал-фикх ал-акбар (улуғ фикх), усул ад-дин (дин асослари), илм ат-тавҳид ва-с-сифат (Аллоҳнинг ягоналиги ва сифатлари ҳақидаги илм), ҳатто муътазилийлар бу илмни «баҳс фи-л-адл ва-т-тавҳид» (адолат ва Аллоҳнинг ягоналиги ҳақида баҳс), баъзи кейинги даврларда ўтган олимлар томонидан илм ат-тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги ҳақидаги илм) деган ном билан ҳам аталган. Юқорида зикр этилганидек, бу илмининг илм ал-калом номи билан аталиши жуда барвақт пайдо бўлган. Чунки бу тарздаги номлашни имом Абу Ҳанифада учратамиз. Эътиборга молик томони шундаки, фикх илми бўйича буюк аллома сифатида танилган имом Абу Ҳанифа фикҳдан олдин калом илми билан шуғуллангани ҳам яхши маълум. Юқорида зикр қилинган калом илмининг ҳар хил номлар билан аталиши ҳам унинг бир қанча таракқиёт босқичларидан ўтганлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам, одатда, тадқиқотчилар калом илмининг ривожланиш даврини уч босқичга бўлиб шарҳлаганлар:

- биринчи босқич Расулulloҳ давридан эътиборан то ҳижрий биринчи юз йилликнинг охиригача;
- иккинчи босқич ҳижрий иккинчи юз йилликдан учинчи ҳижрий асрнинг охиригача;



– учинчи боскич хижрий учинчи асрдан то бешинчи аср охиригача бўлган даврни камрайди.

Ханафия мазхаби ислом динининг сунний йўналишдаги тўрт мазхабининг бири бўлиб, унинг асосчиси, юкорида кайд килганимиздек, имом Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн ас-Собит ал-Куфийдир. Сунний йўналишдаги уч мазхаб – шофиъий, моликий ва ханбалий мазхабларининг асосчилари бўлмиш имом аш-Шофиъий (767–820), имом Молик ибн Анас (712–795), имом Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855) каби Абу Ҳанифа ҳам исломий ақидаларни соф ҳолда сақлаш йўлида дин душманларига қарши курашда улкан хизматлар кўрсатган.

Диёримиздан чиккан буюк мутакаллимлардан бири Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ҳаёти ва унинг илмий-маънавий мероси, хусусан, калом илмига оид таълимотларини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Чунончи, ан-Насафий хижрий учинчи асрнинг охири ва тўртинчи асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда аҳли сунна ва-л-жамоат мазхабининг қарор топиши ва уни ҳаётга татбиқ этишга катта ҳисса қўшганлардан бири эди. Имом ан-Насафий ўз даврининг таникли алломаларидан бири бўлиб, у мутакаллим, факих ва усулиётчи олим сифатида шуҳрат қозонган эди. Унинг асарлари илм аҳли томонидан юксак баҳолашиб, ҳатто «Кашф аз-зунун» номли машҳур китобнинг муаллифи Ҳожи Халифа ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асари хусусида тўхталиб: «Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг «Ал-Ақонд» асарининг матни гўё бунга («Табсира»)га нисбатан бир фикрист кабидур», – деб ёзган эди.


Алломанинг ҳаёти

Имом Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида ёзган муаллифларнинг аксарияти унинг тўлик исмини Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муътаמיד ибн Муҳаммад Макҳул ан-Насафий деб келтирганлар. Бундан бироз фарк билан ёзилган шакллари ҳам учрайди. Унинг қуныси барча манбаларда Абу-л-Муъин деб зикр қилинади. Аммо ан-Насафийнинг лақабларига келсак, ёзма манбаларда кўрсатилишича, у бир қанча лақаблар билан аталган, жумладан, имом фозил, сайфул-ҳак (ҳақиқат қиличи), жомъ ал-усул, ал-имом аз-зоҳид, ал-факих ал-ҳанафий, ал-олим ал-бориъ (юксак билимдон олим) каби лақабларни олган. Абу-л-Муъин ан-Насафий илму ирфонда етук, зиёли бир оилада улғайган, унинг аждождаридан кўплари, айниқса, фикх илми соҳасидаги улкан салоҳиятлари билан эл-юрт орасида танилган эдилар. Катта бобоси, ўз даврининг таникли олими Макҳул Абул Фазл ан-Насафий – ан-насафийлар сулоласининг сардори-бошловчиси ҳисобланиб, унинг оиласидагилар фикх илмининг ханафия мазхаби асосчиси имом Абу Ҳанифа таълимотларига таяниб амал қилганлар. Шунингдек, у фикх илми соҳасида имом Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг сафдоши Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан ривоят қиларди.

Унинг ан-Насафий нисбаси билан аталиши хусусида эса барча тарихнавислар яқдиллик билан бир хил ёзганлар. Шу билан бирга, баъзи манбаларда ан-Насафийнинг бир қанча муддат Самарқандда яшаганлиги ва сўнгра узок йиллар Бухорода муқим истикомат қилганлиги ҳақида ҳам хабарлар келтирилган.

Абу-л-Муъин ан-Насафий таваллуд топган сана ҳақида ёзган тарихнавислардан бири, араб олими Хайриддин аз-Зириклий ўзининг «ал-Аълом» ва Умар Ризо Каҳҳола





«Муъжам ал-муаллифийн» номли асарларида унинг 418/1027 йилда Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилганлигини зикр этганлар. Унинг вафоти ҳақида эса аксар манбаларда 508/1114 сана берилади. Шунга кўра, аллома Абу-л-Муъин ан-Насафий узок умр кўриб, 87 ёшида вафот этган. Унинг қабри Қарши шаҳри яқинидаги Қовчин қишлоғида жойлашган.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг устозлари


Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг устозлари ҳақида манбаларда аниқ бир маълумот учратмадик. Фақат Абу Мукотил ас-Самарқандийнинг (ваф. 208/823) «Китоб ал-олим ва-л-мутааллим» («Устоз ва шогирд китоби») номли асарида келтирилишича, ан-Насафий ўз асарларига келтирилган ҳадисларни отаси Муҳаммадан ривоят қилганлиги кайд этилади. Бу маълумотнинг аҳамиятли томони шундаки, Абу-л-Муъиннинг отаси Муҳаммад ибн Муътаид ўз фарзандига устозлик қилиш даражасига етишган илмий салоҳиятга эга киши бўлган экан. Ёзма манбаларда ханафий мазҳабининг бошқа фақиҳлари мисоли унинг илмий иқтидори ҳақида бошқа бирор хабар келтирилмаган. Шунга қарамадан, ан-насафийлар хонадони соҳибларининг илмий нуфузи, айниқса, ханафий фикҳи илми соҳасида элу юрт орасида яхши маълум эди. Абу-л-Муъиннинг тўртинчи (катта) бобоси Абу Муъин Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий бир қатор асарларнинг муаллифи сифатида танилган олим бўлиб, у Яхья ибн Муоз (у 258/871 санада Нишопурда вафот этган), шунингдек, ал-қарромия мактабининг асосчиси Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Қарромнинг шогирдларидан эди. Ўз даврида у термизлик буюк муҳаддис Абу Исо ат-Термизий, шунингдек, Муҳаммад ибн Аййуб ар-Розий, Абдуллох ибн Аҳмад ибн Ҳанбал каби ўша даврнинг машҳур олимларидан ҳадислардан сабоқ олган эди. У, шунингдек, Абу Сулаймон аз-Жузжонийга ҳам шогирд бўлган, ундан эса ўғли Абу-л-Муъин Муҳаммад ибн Макхул ҳадислар ривоят қилган эди. У ханафий мазҳабининг тўртинчи табақа фақиҳларидан бири эди. Унинг қаламига мансуб «Фикҳда аш-шуаъ» номли китоби бўлиб, унда Абу Ҳанифанинг қимқи рукуъда бошини кўтарган пайтда икки кўлини кўтарса, намози бузилади деган фикрини зикр қилади. Шунингдек, унинг «Ал-Луълуъийят» деган асари мавъизаларга, Аллохнинг фазли субҳонига алоқадор «Ал-Лубоб» номли, жамоат ҳаётига доир «Китоб фи-т-тасаввуф» ҳамда илоҳият масаласига оид «Радд аъло аҳл ал-бидаъ ва-л-аҳва» номли асарлари мавжуд. Макхул ан-Насафий 318/930 йилда вафот этган бўлса-да, Абу-л-Муъиннинг учинчи бобоси Абу-л-Муъин Муҳаммад ибн Макхул отаси Макхулдан ривоятлар қилган.

Шундай қилиб, юқорида билдирилган фикрлардан маълум бўлаётирки, унинг оила аъзоларининг ҳаммалари илму ирфонда машҳур бўлган ва ўз фарзандларининг ҳам илмли бўлишига алоҳида эътибор билан қараганлар. Бинобарин, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ота-боболари унинг учун устоз ҳисобланадилар.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг шогирдлари

1. Нажмиддин Умар ан-Насафий. У имом, фозил усулиётчи, мутакаллим, муфассир, муҳаддис, фақиҳ, ҳофиз, жаҳвий (грамматик) сифатида ўз даврининг етук олими саналган. У ўз замонининг жуда кўплаб таникли олимларидан сабоқ олган






бўлиб, ўзининг «Таъдод шуйух Умар» («Умар (ан-Насафий) устозларининг адади») номли асарида уларни номма-ном келтирган. Нажмиддин Умар ан-Насафий юздан ортик асар яратган бўлиб, у илм-фаннинг турли сохаларида, хусусан, тафсир, ҳадис, луғат, адабиёт, калом, тарих сохаларида донг таратган муаллифлардан эди. Унинг асарларидан «Ал-Ақоид ан-Насафиййа», «Тарих Бухоро», «Ал-канд фи зикри уламои Самарқанд», «Мажмаъ ал-улум», «Ан-Нажох фи шарҳ ахбар ас-Сихоҳ» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Нажмиддин Умар ан-Насафий «Муфтий ас-саклайн» («Одамлар ва девлар муфтийси») деган лакаб олган эди. У 1068 йилда Насафда туғилган бўлиб, 1142 йилда Самарқандда вафот этган.

2. Алоуддин ас-Самарқандий. Мухаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад Абу Бакр Алоуддин ас-Самарқандий – «Тухфат ал-фуқаҳо» («Фақиҳларга тухфа») номли машҳур асарнинг муаллифи. У фикҳ илмидан Абу-л-Муъин Маймун ал-Макхулий ва Садр ал-ислом Абул Йаср ал-Паздавийдан таълим олган. Ундан кизи – фикҳ бўйича етук аллома Фотима фикҳдан сабоқ олган. Унинг «Ал-Лубоб фи-л-усул ал-фикҳ» деган асари ҳам бор. Тахминан, 1180 йилда вафот этган.

3. Абу Бакр ал-Косоний. Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Алоуддин аш-Шоший ал-Ҳанафий. У Ҳалаб шаҳрида яшаб Малик ал-уламо ал-Косоний лакаби билан машҳур эди. У турли илмларни «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг муаллифи Алоуддин Мухаммад ас-Самарқандийдан олиб, ўз асарларини, хусусан, «Ат-Тухфат фи-л-фикҳ» ва илм ал-усулга бағишланган бошқа асарларини унга ўқиб берган эди. У, шунингдек, Абу-л-Муъин Маймун ал-Макхулий ва Мажд ал-Аиммати ас-Сарахсийдан турли илмлар бўйича таълим олган эди. Ундан ўғли Махмуд, шунингдек, «Ал-Муқаддима ал-Ғазнавиййа» асарининг муаллифи Аҳмад ибн Махмуд ал-Ғазнавий фикҳ илмидан сабоқ олишган. У ўз устози Алоуддин ас-Самарқандийнинг «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг шарҳи хусусида «Бадоеъ ас-саноиъ фи тартийб аш-шароиъ» деган китоб ҳам ёзган. Яна унинг қаламига мансуб «Ас-Султон ал-мубийн фи усул ад-дийн» деган асари ҳам бор. У хижрий 578 йил ражаб ойининг ўнинчисида якшанба куни пешиндан кейин (1182) Ҳалабда вафот этди ва шаҳар ташқарисидаги Иброҳим ал-Халил мақомининг ичкарасига, хотини Фотиманинг қабри ёнига дафн этилди.

4. Абу-л-Музаффар ат-Талақоний. Унинг тўлик исми Исмоил ибн Адий ибн ал-Фазл ибн Убайдуллоҳ Абу-л-Музаффар ат-Талақоний ал-Варий бўлиб, ҳанафий фақиҳларидан биридир. У ўз даврининг муфтийси, етук фозил фақиҳларидан саналарди. Бурҳон ан-Насафий номи билан машҳур бўлган Мухаммад ибн Мухаммад Абул Фазоил ва бошқалардан фикҳ илмини эгаллаган. Бухорода бир талай устозлардан ҳадис эшитган. Улардан бири Абу-л-Муъин Маймун ибн Мухаммад ибн Мухаммад ибн ал-Муътамид ал-Макхулий ан-Насафийдир. Балхда Абу Жаъфар Мухаммад ибн ал-Хусайн ас-Самъоний ва Абу Бакр ибн Абдурахмон ибн ал-Қусайр ал-Ҳатийбдан ҳадис илмидан таълим олган. Ас-Самъоний ўзининг машҳур «Ал-Ансоб» асарида: «У менга барча томонидан эшитиладиган (масмуъотиҳи) асарлари хусусида ижозат берган эди. У Хуросоннинг турли томонларига кўп сафарлар қилган. Мовароуннахрга ҳам бориб, у ерда фикҳ илмидан сабоқ олган. Унинг вафоти, бизнинг фикримизча, 540 1145 йиллар ҳудудида бўлган. Унинг ҳақида ал-хофиз Абу Али ал-Вазийр ад-Димашқий ва ал-хофиз Абул Ҳажжож ал-Андалусий муҳим маълумотлар қолдирган», – деб ёзган.






5. Аҳмад ал-Паздавий. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Абдул Карим ибн Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Мужоҳид ибн Абу-л-Йуср. У яна Садр ал-Аиммати Абу-л-Маолий ал-Паздавий, ан-Насафий ал-Паздавий, ал-Қозий ас-садр номи билан ҳам танилган эди. Ал-Имом аз-Зоҳид ибн ал-Имом Муҳаммад ал-Паздавий номлари билан танилган бўлиб, у Бухоро ахлидан эди. У хижрий 481 ёки 482 йилда Бухорода туғилган бўлиб, Мовароуннаҳрнинг етук фақиҳи, Абу Ҳанифа мазҳабидан юрувчи тарикатнинг соҳиби Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Абдулкарим ал-Паздавий акасининг ўғли эди.

У фикҳ илмини отасидан ўрганиб, бу илмда ўз даврининг билимдон олими даражасига етди. Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафийдан ҳадислар эшитган ва бошқа бир қанча улуғ олимлардан ҳам сабоқ олган, у ўз билими ва фавқуллодда салоҳияти билан бошқалардан тамоман ажралиб турарди. Аҳмад ал-Паздавий бир қанча муддат Бухорода қози лавозимида ҳам самарали фаолият кўрсатган.

Аҳмад ал-Паздавий гўзал хулқ-атвори билан ҳам эл орасида танилган эди. Ҳаж ибодатини адо этишга кетаётиб, Марв шаҳрида тўхтаганда, бу шаҳарда яшовчи таникли олим ас-Самъоний ундан сабоқ олган эди. Шунингдек, Бағдодда ҳадислардан дарс берганди. У Ҳаж сафаридан қайтаётиб, хижрий 541 йилнинг жумоду-л-увло ойида (1146 йил)да Сарахсда вафот этди, кейин унинг жасади Бухорога келтирилиб, дафн қилинди. Аҳмад ал-Паздавий фазилатли имом, ақл-идрок билан иш юритувчи муфтий сифатида танилган, гўзал сийратли, ахлоқи мукамал, ҳадис ва бошқа илмларнинг етук билимдони эди.

6. Абу-л-Ҳасан ал-Балхий. Унинг тўлиқ исми Али ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Абу Жаъфар Абу-л-Ҳасан ал-Балхий ал-Жаъфарий бўлиб, ал-Бурхон ал-Балхий номи билан машҳур, зоҳид ва обид инсон эди. Қатор манбаларда кўрсатилишича, Абу-л-Ҳасан ал-Балхий ислом мамлакатларида илму ирфонни тарқатган олимлардан бири ҳисобланади. Ўзи эса фикҳ илмини Бухорода имом Абдулазиз ибн Умар ибн Моза ва ўша даврнинг бошқа таникли фақиҳларидан эгаллаб, бу илм соҳасидаги етук олим даражасига эришди. Ҳадис илмини ҳам Мовароуннаҳрда айнан шу устози – Ибн Моза ва Абу-л-Муъин ан-Насафийдан ўрганди. Кейинчалик, Маккаи мукаррамада бўлганида Вазийн ал-Андарийдан ҳам ҳадислардан сабоқ олди ва бошқа бир гуруҳ олимлардан фикҳ илми соҳасидаги билимларини такомиллаштирди. Шундан кейин, 510/1516 йилда Дамашққа келди ва бу шаҳардаги ал-мадрасат ас-содирийида ўрнашиб, унда фаолият кўрсатади. Айни шу вақтда унинг билан ушбу мадрасанинг мударрисларидан бўлган Али ибн Маккий ал-Қосоний ўртасида ақидавий масалалардаги ихтилофлар хусусида кизгин мунозаралар ҳам бўлиб ўтган эди. Дамашқда бўлган пайтида Абу-л-Ҳасан ал-Балхийнинг обрў-эътибори баланд бўлиб, ҳатто у бир қанча илмий мажлисларга ҳам бошчилик қилган эди. Бирок унинг бу ютуқлари, охир-оқибатда, юқорида зикр этилган ал-Қосонийнинг ҳасадини келтирди, шунингдек, ханбалия мазҳабида бўлган бир тоифа олимлар ҳам унинг фикрларига бир томонлама, мутаассиблик билан қарадилар, чунки аллома уларнинг қарашларидаги англашилмовчиликларни очиб ташлаган эди. Натижада, ал-Балхий Дамашқда истиқомат қилишдан воз кечиб, Маккаи мукаррамага бориб, Байтуллоҳ ал-ҳарамнинг ёнида (мужовир бўлиб) яшай бошлади. Шундан бир қанча вақт ўтгач, Абу-л-Ҳасан ал-Балхий таникли фақиҳ Саад ибн Али ибн Абдуллоҳ билан учрашиб қолади ва у Абу-л-Ҳасан ал-Балхийни Бағдодга боришга кўндиради ва кейин икковлари Дамашққа





йўл оладилар. Ал-Балхий Дамашқда хурсандчилик билан кутиб олиниб, шаҳардаги ал-мадрасат ас-содирийида ўрнашиб, унда мударрислик билан машғул бўлади. Тез орада унинг дўстлари кўпайиб, шаҳарнинг хосу авом аҳолиси ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Шаҳарда унинг бошчилигида илмий анжуманлар (мажлис ал-имло – устознинг айтиб турганини тингловчилар ёзардилар) уюштирилиб, бу йиғинларга жуда катта жамоат йиғилар эди. Кейин унга Ҳалаб шаҳри аҳлига фикҳ илмидан сабоқ бериш ва шаҳарда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) суннاتини ёйиш учун Ҳалабга бориш лозим бўлди. Унинг бу йўналишдаги фаолиятдан шаҳар аҳли катта манфаат кўрди ва улар ўртасида мавжуд бўлган бидъатга барҳам берилди. Шундан кейин, у чексиз мактовлару миннатдорчиликка сазовор бўлган ҳолатда Дамашқка кайтди. У омма орасида муттасил равишда амри маъруф ва нахий анил-мункар билан шугулланар эди. Бирок, кейинчалик, унинг бу даражада жамоатчиликнинг юксак эхтиромига сазовор бўлиши Дамашқ шаҳар ҳокимини бир қадар ташвишга туширди-ю, натижада, Абу-л-Ҳасан ал-Балхийга шаҳардан чиқиб кетиши ҳақида хабар етказилди. Шунга биноан, у Дамашқдан чиқиб, Басрага борди ва бир канча муддат шу шаҳарда яшадди. Шаҳар волийси унинг Басрага кадам ранжида қилганлиги учун катта иззат-иқром кўрсатиб, алоҳида эхтиромини билдирди. Сўнгра уни яна Дамашқка кайтариб жўнатди.

Абу-л-Ҳасан ал-Балхий шундай инсон эдики, агар бирор масалада омади юришмай қолса, дарҳол намоз ўқиб, ибодатга бериларди. У таҳорат олиб, эшикни ичидан беркитиб, намоз ўқиш билан машғул бўларди. У иймон-эътиқоди қомил, эзгулик ишларга мойил, илму маърифат тарқатишга ўзини бутунлай бахшида этган саховатли бир инсон эди. У ўз дўстларига меҳри бениҳоя ва ғоятда эътиборли, илм аҳлларига нисбатан ҳурмат-эхтироми чексиз эди. Ҳатто аввалига унчалик эл назарига тушмаган бир гуруҳ маърифат аҳли унинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, баракотидан истифода этгач, элу юрт эътиборини қозонган кишиларга айланган эдилар. Абу-л-Ҳасан ал-Балхий 548 / 1153 йилда вафот этган эди.

7. Абу-л-Фатҳ ал-Ҳилмий. Унинг тўлик исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Абу-л-Фатҳ ал-Ҳилмий бўлиб, 470 / 1078 йилда таваллуд топган. У Бухорода яшаган пайтида фикҳдан сабоқ олиб, қози Абу-л-Йўср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Паздавний, Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий ва Саййид Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад Абу-л-Ҳасандан ҳадислар эшитиб, улардан ҳадислар ҳам ёзиб олган эди. Таниқли олим Абу Саад ас-Самъоний «Ал-Ансоб» номли асарининг «Зайл» қисмида у ҳақида шундай деб ёзган: «Абу-л-Фатҳ ал-Ҳилмий солиҳ, беозор ва ўта хотиржам юрадиган киши бўлиб, баъзи пайтларда қозининг ўрнига қозилик вазифасини ҳам бажарар эди. Ҳаж ибодатини адо этиш учун Маккага бораётиб, у 517 / 1123 йилда Бағдодда ҳам тўхтаб, шаҳардаги бир канча таниқли олимлардан ҳадислар ҳам эшитган эди. Кейинчалик мен уни Балхда учратгандим. Шунда у менга улкан бир китобни кўрсатган эдики, унда машхур алломалардан эшитган ҳадислардан ўз қўли билан ёзганлари жамланган эди».

Абу-л-Фатҳ ал-Ҳилмий ҳижрий 547 йил сафар ойининг йиғирма биринчиси, чоршанба куни (1157) да вафот этган.

8. Абдурашид ал-Валволижий. Унинг тўлик исми Абдурашид ибн Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Абд ар-Розик ибн Абдуллоҳ ал-Валволижий ал-Қозий Заҳриддин Абу-л-Фатҳ бўлиб, у ханафия мазҳабининг етук фақиҳларидан бири эди. У ҳижрий






467 (1075) сананинг жумоду-л-увло ойида Валволиж (Балх Тохаристонининг бир шаҳарчаси) деган шаҳарчада таваллуд топган. Сўнгра у Балхга бориб, бир муддат Али ал-Бурхон деган олимдан фикх илмини ўрганган, шундан кейин, Самарқандга келиб. Абу Муҳаммад ал-Қаставоний билан учрашиб, ундан ва шаҳардаги бошқа кўплаб олимлардан ҳадислар ёзиб олган. Шундан сўнг Кешга бориб, у ерда бир муддат яшади, кейин яна Самарқандга қайтиб келди. Абу-л-Музаффар Абдурахим ибн ас-Самъоний: «Мен Абдурашид ал-Валволижий билан учрашиб, ундан ҳадислар эшитган эдим. У етук олим, факих, фозил, мазхаби саҳих, гўзал сийратли инсон эди», – деб ёзган. У Абу-л-Қосим ал-Халилийдан буюк муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг «Аш-Шамоил Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» асарини эшитган эди. Самарқандда ундан бу асар бўйича машхур тарихчи ас-Самъоний таълим олган эди. Абдурашид ал-Валволижий 540/1145 йилда вафот этган. Унинг фикх илмига оид «Ал-Амолий» номли асари ҳам бор. Шунингдек, унга ҳадисларни ўзида мужассам қилган «Ал-Валволижиййа» номи билан машхур бўлган бир асар ҳам мансуб қилинади, лекин баъзи олимлар бу асар Абдурашид ал-Валволижийники бўлмай, бошқа муаллифга тегишли деб ёзганлар.

9. Маҳмуд ас-Соғаржий. Унинг тўлик исми Маҳмуд ибн Аҳмад ибн ал-Фараж ибн Абдулазиз ас-Соғаржий ас-Сафадий Абул Муҳомид бўлиб, у фозил имом, турли илмларнинг билимдони, фикх ва ҳадис илмлари бўйича етук олим сифатида танилган эди. Маҳмуд ас-Соғаржий 480/1087 йилда Самарқандда таваллуд топган. Унинг одати шундай бўлганки, ҳар пайшанба куни эрталаб, барвақт ҳадис илмидан имло мажлиси ўтказган. Ундан ҳадис ёзиб олган таникли олимлардан бири аллома ас-Самъоний эди. Шунингдек, ас-Самъоний Маҳмуд ас-Соғаржийдан Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг «Танбех ал-ғофилийн» асаридан ҳам дарс олган эди. У бу асарни ал-Хатийб ан-Нухийдан, у эса ал-Язийддан ривоят қилган эди. У 560/1165 йилда вафот этган.

10. Али ибн ал-Хусайн ас-Сақалқандий. Унинг тўлик исми Али ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Балхий ас-Сақалқандий бўлиб, у Дамашқда яшаган, Бухорода имом Абдулазиз ибн Умар ибн Мозадан фикх илмини ўрганган, Дамашқда эса Абу-л-Муъин ал-Макхулий ан-Насафийдан ҳадислар ривоят қилган. Унинг мужодала илмида ўзига хос эътиборга молик қарашлари бўлиб, бутун умри давомида илму ирфонни тарқатиш билан шуғулланган. У фазилатли факих, зоҳид киши бўлган, 547/1152 йилда Ҳалабда вафот этган.

Юқорида зикри ўтган олимлар, албатта, Абу-л-Муъин ан-Насафий шогирдларининг ҳаммаси бўлмай, балки бир қисмидир. Лекин мана шу шогирдларининг номлари ҳам, уларнинг илм-фаннинг турли соҳаларида қанчалик юксак даражага эришганликлари ҳам уларнинг устози Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳазратлари ўз даврининг машхур алломаларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Шу боисдан бўлса керак, алломанинг таникли шогирдларидан бири Нажмиддин Умар ан-Насафий, эслатганимиздек, ўзининг «Ал-қанд фи зикри уламон Самарқанд» («Самарқанд олимлари зикрида қанддек (ширин) китоб») номли асарида ўз устози Абу-л-Муъин ан-Насафий ҳақида «Шарқ ва Ғарб олимлари унинг билими денғизлари қаъридан турли илмларни олиб, уларнинг нурларини кўзларига тўтиё қилиб суртгонлар», – деб ёзган эди.





Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг асарлари

Унинг илмий-маънавий мероси ҳақида ёзган олимлар ан-Насафийнинг ўнга яқин асарлар яратганини кўрсатганлар. Ушбу асарлар ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин:

1. Абу-л-Муъин ан-Насафий ўзининг калом илмига бағишланган бош асари «Табсират ал-адилла»да зикр қилишича, унинг «Қасийд ал-кавоид фи илм ал-ақоид» номли асари бўлган. Бу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Истанбул университети кутубхонасида 268-рақам остида сақланади.

2. Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» номли асарида ёзишича, у ўзининг «Ал-Ифсод ли ҳадъ ал-илҳод» деб атаган асарида ботиний тоифасига мансуб кишиларнинг хато қарашларига раддиялар келтирган.

3. Муаллифнинг қаламига мансуб «Ийзоҳ ал-манҳажжати фи кавн ал-акли ҳужжатан» деб аталган асари борлиги ҳақида у ўзининг «Табсират ал-адилла» ва «Ат-Тамҳийд ли кавоид ат-тавҳийд» номли асарларида зикр қилган. Шунингдек, ан-Насафийнинг шу номдаги асари борлиги ҳақида бошқа манбаларда, хусусан, ал-Бағдодийнинг «Ийзоҳ ал-макнун» ва «Ҳадият ал-орифийн» каби асарларида ҳам зикр этилган, лекин муаллифнинг ушбу асари бизгача етиб келмаган ҳисобланади.

4. Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Маноҳиж ал-аиммати фи-л-фуруъ» номли асари ҳақида ал-Кафавийнинг «Катоиб аълом ал-ахйор», Абдулхай ал-Лакнавийнинг «Ал-Фавоид ал-бахиййа фи тарожум ал-ханафиййа», ал-Бағдодийнинг «Ийзоҳ ал-макнун», «Ҳадият ал-орифийн», Хайриддин аз-Зириклийнинг «Ал-Аълом» ва Умар Ризо Кахҳоланинг «Муъжам ал-муаллифийн» номли асарларида зикр қилинган. Истанбулдаги «Лолалий» кутубхонасида мазкур асарнинг (тавҳийд 1147 рақами остида) бир қўлёзма нусхаси сақланади, бироқ у «Маноҳиж ал-иктидо би-л-аиммат ал-мухтадийн» номи билан қайд этилган.

5. Юкорида зикр қилинган асарларда ва бошқа баъзи бир тадқиқотларда кўрсатилишича, Абу-л-Муъин ан-Насафий «Шарҳ ал-Жомийъ ал-кабир ли-ш-Шайбоний фи фуруъ ал-ханафиййа» номли шарҳ ҳам битган.

Таникли олим Ҳожи Халифа ўзининг машҳур «Қашф аз-зунун» номли асарида «Мураттиб аш-шайх» номли асар Абу-л-Муъин ан-Насафийга мансублигини қайд этиб ўтган. Бу асарда муаллиф аллома Хусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Мозанинг (у 506/1142 санада вафот этган) «Жомийъ ас-садр» номли асарини шарҳлаган. Бу асар ханафиййа таълимотининг фуруъ қисмига бағишланган. Яна шуни айтиш керакки, олим Хайриддин аз-Зириклий ва бошқа қатор муаллифлар «Китоб ал-олим ва-л-мутааллим («Устоз ва шогирд китоби»)» номли асарни ҳам хато равишда Абу-л-Муъин ан-Насафийга мансуб этиб кўрсатган, ваҳоланки, бу асар тўққизинчи асрда яшаб ўтган олим Абу Муқотил ас-Самарқандийнинг қаламига мансубдир. Шунингдек, манбаларда бу масалада яна бир хатоликка йўл қўйилган. Гап шундаки, баъзи муаллифлар «Китоб ал-уъмда фи усул ад-дийн» номли асар Абу-л-Муъин ан-Насафийники деб нотўғри кўрсатганлар. Аслида, бу асар Абдуллоҳ ан-Насафий исмли насафлик бошқа бир олим томонидан ёзилган. Абдуллоҳ ан-Насафий қахрамонимиз Абу-л-Муъин ан-Насафийдан икки аср кейин яшаган бўлиб, у 720/1320 санада вафот этган. Мавриди келганда айтиш керакки, «Китоб ал-уъмда»нинг икки қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб ал-Мисриййа»да сақланиб, улардан биринчиси 711





(Акоид Таймур), иккинчиси эса 37830 (Б Акоид) раками остида сакланади. Кимки бу китобга киритилган мавзуларни диққат билан кўздан кечирса, уларда Абу-л-Муъин ан-Насафий асарларининг бевосита таъсири бўлганлигини осонгина англайди. Шу билан бир қаторда, Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий-маънавий меросининг муҳим таркибий қисми бўлган, асосан, калом илмига бағишланган учта йирик асари мавжуд бўлиб, улар ҳақида батафсил маълумот бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

«Табсират ал-адилла»

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг қисқача «Табсират ал-адилла» номи билан кенг кўламда маълум бўлган бу асари тўлиғича «Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тарикат Аби Мансур ал-Мотуридий» («Дин усулларини (асосларини) Абу Мансур ал-Мотуридий услуби асосида далиллар билан шарҳлаш») деб аталади. Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ушбу асари қатта илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлиб, алломанинг энг йирик китоби ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, Абу-л-Муъин ан-Насафий «Соҳиб ат-Табсира» номи билан ҳам шухрат қозонган. Бу асарда калом илмининг турли масалалари атрофлича чуқур шарҳланиб, улардаги муаммоли-мунозарали фикрлар ушбу илмининг буюк алломаси Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотига асосланган ҳолда ислоҳ қилинади. Мавриди келганда яна бир бор таъкидламоқ керакки, имом Абу Мансур ал-Мотуридий (870–944) Мовароуннаҳрда аҳли сунна ва-л-жамоанинг улкан намояндаси сифатида бу минтақада ал-мотуридия мактабига асос солган ва шу боис ҳам, бу мактаб бевосита унинг номи билан аталади. Деярли шу даврда Ироқда имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий (873–935) ҳам айнан шу йўналишда ашъария мактабининг асосчиси сифатида танилган бўлса, Мисрда кенг тарқалган таҳовия мактабига эса имом Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Жаъфар ат-Таҳовий (852–933) асос солган эди. Бу учала мактабнинг ҳам асосий йўналиши умумий бўлиб, бу аҳли сунна ва-л-жамоанинг йўналишидир. Шу билан бир қаторда, ҳар бир мактабнинг ўзига хос жиҳатлари, айрича фикр-мулоҳазалари ва оғишмай устозлари йўлидан юрадиган кўплаб шогирдлари ва тарафдорлари бор эди. Бунга кўшимча бу учала мактабнинг жуғрофий жиҳатдан турли минтакаларда (Мовароуннаҳр, Ироқ, Миср) қарор топишлари улар қарашларида лафзий ёки маъновий-мазмуний тусдаги жузъий тафовутлар бўлишини такозо қиларди. Бинобарин, айна шу масалалар бу учала мактабнинг ягона бир мактаб бўлиб бирлашишига йўл қўймасди, гарчанд туб моҳияти жиҳатдан улар учаласи ҳам, юқорида зикр қилганимиздек, ягона йўналишда бўлганлар. Мавжуд жузъий тафовут ва фарқлар лафзий (ифодавий) ёки бўлмаса, маъновий (мазмуний) характерга эга. Шу боис, айтиш керакки, Абу-л-Муъин ан-Насафий ушбу асарида янги бир таълимотни илгари сурмаган, балки ханафия йўналишидаги ўз устозларига содик шогирд сифатида улар йўлидан бориб, аҳли сунна ва-л-жамоанинг мотуридия мактабига ўз садоқатини изҳор қилади. Бир томондан, у ўзининг ушбу китоби орқали ўз устозлари қарашларини янада улуғлаган бўлса, иккинчи томондан эса, улар рақибларининг хато фикрларига кескин раддиялар билдирган. Бу хусусда муаллиф ўз асарининг хутбасида ҳам алоҳида таъкидлаган.

«Табсират ал-адилла» асарида баҳс юритилган мавзуларга келсак, муаллиф муқаддимадан кейин илм ва маърифат ҳақида баҳс очиб, уларга аниқ таърифлар беради. Шундан кейин, иймон ал-муқаллид (тақлид қилувчининг имони) хусуси-





да ўз карашларини баён қилади. Оламнинг яратилиши исботи орқали Аллохнинг мавжудлиги исботи ҳақидаги масалалага тўхталлади. Бу масалани атрофлича ёритиш учун китобда олам қандай яратилгани, унинг яратувчиси қимлиги каби масалалар ўз ифодасини топган. Аллохнинг ягоналиги ва ғайридинлар вакилларининг асоссиз фикрларига раддиялар билдириш каби масалалар ҳам бу асарда атрофлича ёритилган. Муаллифнинг салбий ва ижобий сифатлар ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга моликдир. Ан-Нубувват (пайғамбарлик) ҳақидаги масала, инсонларнинг феъллари (харакатлари) хусусида ва инсоннинг хатти-харакатлари билан боғлиқ ишлар – унинг туғилиши, ажали етиши, ризки-рўзи каби масалаларга ҳам қатта ўрин берилган. Асарнинг алоҳида боблари ирода, казо ва қадар, ҳидоят ва залолат каби масалаларга бағишланган. Муаллиф тақдир хусусидаги муътазиллийларнинг ногўғри карашларига асосли далилларга таянган ҳолда кескин жавоблар билдирган. Шундан кейин, асарда қабр азоби, исмлар ва аҳкомлар, ваъад ва ваъид, шафоат ва иймон каби эътиқодий масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Китоб охирида имомлик ҳақида бир нечта бўлимлар келтирилган.

Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарини илмий асосда махсус ўрганган араб тадқиқотчиси Муҳаммад ал-Анвар Қохирадаги ал-Азҳар университетининг усул ад-дийн факультетида докторлик илмий даражасини олиш учун ушбу асар бўйича диссертация ёқлаган. «Табсират ал-адилла»нинг ғоятда муҳим асар эканлиги ҳақида «Қашф аз-зунун» номли машҳур асариди Ҳожи Халифа: «Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг бу асари ғоятда муҳим китоб бўлиб, қимки унга диққат назари билан қараса, Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг «Ал-Ақоид» асарининг матни унга нисбатан бир фихрист мисолида эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилади», – деб, бу асарга ғоятда юксак баҳо берган.

Асар, номидан ҳам кўриниб турганидек, бутун мазмун-моҳияти билан имом Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотини далилларга таянган ҳолда шарҳлашга бағишланган.

Маълумки, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмига бағишланган асосий асарларидан бири «Китоб ат-Тавҳийд» («Якка ҳудолик ҳақида китоб») бўлиб, бу асар 1970 йилда Байрутда араб олими Фатхуллох Ҳулайф томонидан нашр этилган. Ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асари имом ал-Мотуридийнинг мазкур асаридан кейин мотуридия таълимоти бўйича яратилган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Калом илмининг баъзи масалалари батафсил ёритилгани ва ўз услубининг оддийлиги жиҳатидан «Табсират ал-адилла» баъзи олимлар томонидан, ҳатто «Китоб ат-Тавҳийд»га қараганда ҳам юқори баҳоланган. Бинобарин, қомил ишонч билан айтишимиз мумкинки, Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ушбу асаридан бошқа бирорта ҳам асарда имом ал-Мотуридийнинг калом илми соҳасидаги таълимоти бунчалик муқам-мал ифодасини топмаган.

Ан-Насафий яшаган ўн биринчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн иккинчи асрнинг бошларида калом илми ўзининг юксак чўққисига қўтарилган эди. Шу боисдан ҳам «Ат-Табсира»да калом илмида мустақил мактаб яратган имом ал-Мотуридий ва имом ал-Ашъарийнинг бу илм соҳасидаги назариялари билан бир қаторда бошқа кўплаб мутақаллимларнинг фикр-мулоҳазалари, уларнинг хилма-хил карашлари атрофлича таҳлил қилиниб, илмий жиҳатдан тегишли баҳосини олган. Айниса, асарда ан-Насафий яшаган даврда ҳам қисман мавжуд бўлган муътазила оқимининг вакиллари





билан кескин бахсу мунозаралар, уларнинг хато қарашларига далиллар билан исботланган раддиялар келтирилади. Шунингдек, асарда ўша пайтда ислом динида кенг тарқалган турли-туман фирқалар ва тоифалар ҳамда ғайриисломий гуруҳларга ҳам кескин жавоблар берилди. Энг муҳими, муаллиф қалом илми соҳасидаги бу йирик асарида мотуридия, ашъария ва муътазилия оқимлари ўртасидаги асосий фарқларни далилларга таянган ҳолда алоҳида ажратиб кўрсатади.

Бу асарнинг қимматли томонларидан яна бири шундаки, унда ўша даврда Мовароуннаҳрда фаолият кўрсатган катор олимлар ҳақида муҳим маълумотлар ўз аксини топган. Жумладан, ан-Насафийнинг устози имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақидаги маълумотлардан шуни қайд қилиш керакки, аллома 944 йилда вафот этганда унинг шогирдларидан бири, ўша пайтда Самарқандда бош кози лавозимини эгаллаб турган аш-Шайх Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий (ваф. 953) имом ал-Мотуридий қабри устига «Бу қабр ўз ақл-заковати ва тафаккури билан кўплаб илмларнинг юксак чўккисини забт этган, уларнинг дунё бўйлаб тарқалишида бутун куч-қуввати ва салоҳиятини аямай сарфлаган, дину диёнат соҳасидаги асарлари унга мислсиз шону шавкат келтирган, умри бўйи инсонларга илмнинг лаззатли мевасини улашган алломанинг қабридир» деган битикни ёзишларини амр қилган экан. Бундан ташқари, ушбу асарда ўша даврдаги таникли олимлардан Абу Наср ал-Ийодий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Саад ар-Рустағфоний, Абу Муҳаммад Абдулқарим ибн Мусо ал-Паздавий қабри алломалар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Ҳажм жиҳатидан ғоятда катта (икки жилддан ташкил топган бу асар минг саҳифадан ортиқ) бўлган бу қимматли манбаанинг бошқа жиҳатлари тўғрисида мазкур тўпламдаги имом ал-Мотуридий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолада батафсил маълумотни ўқидингиз.

«Баҳр ал-қалом»

Таснифий ҳамда комусий асарларни варақлар экансиз, ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ас-Самарқандий, ан-Насафий, аш-Шоший (ат-Тошқандий), ал-Фарғоний ва бошқа катта-кичик шаҳару қишлоқларимизга мансуб таҳаллусли олимларнинг номларини кўп учратасиз. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан бунчалик кўп илм аҳиллари етишиб чикмаган бўлса керак. Айниқса, ўрта (IX–XII) асрларда ўлкамизда том маънода ҳақиқий маданий юксалиш юз бериб, илму ирфон жуда юксак поғоналарга кўтарилган. Айни шу даврларда юртимизда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича оламшумул аҳамиятга молик асарлар яратган буюк алломалар ижод қилганлар. Мустақиллигимиз келтирган буюк неъматлар бонс, биз энди мана шу алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини илмий нуктаи назардан холисона ўрганиб, улар маънавий меросларидан баҳраманд бўла бошладик.

1998 йили ҳам икки буюк алломамиз – имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги дунё микёсида кенг нишонланди. Шу муносабат билан кўплаб ташкилий, маърифий тадбирлар амалга оширилди. Буюк алломаларимизнинг мероси, шахсиятлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш, асарлари қўлёзмаларидан фотонусхалар, микрофильмлар олиш, ижодларини ўрганувчи хорижий олимлару тадқиқотчилар билан мулоқотда бўлиб, илмий ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида, республика таваллуд саналарни нишонлаш ташкилий кўмитасининг





қарорига биноан, бир гуруҳ олимлар Туркия, Сурия, Иордания ва Миср каби мамлакатларда илмий сафарда бўлди. Уч ҳафталик бу сафаримиз давомида имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний даврига, улар ҳаёти, илмий меросига оид юзга яқин номдаги турли-туман рисоалар, китоблар, буюк алломаларимизнинг айрим қўлёзма асарларидан микрофильмлар олиб қайтдик. Айни чоғда диёримиздан чиккан бошқа олимлар ҳақидаги маълумотларни тўплашни ҳам эътибордан четда қолдирмадик. Масалага шу нуктаи назардан қараганда, суриялик таникли олим доктор Валийуддин Муҳаммад Солих ал-Фарфур жаноблари билан мулоқотимиз ғоятда фойдали бўлганди. Доктор Солих ал-Фарфур, асосан, ўрта асрларда яшаган мовароуннаҳрлик олимларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганар экан. Сухбат чоғида бундан атиги бир неча ой муқаддам калом илмининг йирик намояндаси, насафлик машҳур олим Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Баҳр ал-калом» («Калом (илми)да денгиз») номли асарининг танкидий нашрини тайёрлаб чоп эттирганини айтиб, ушбу китобдан илмий сафар аъзоларига ҳадя қилди.

Ислом дини фалсафасининг таркибий қисмини ташкил қилган калом илмининг дарғаларидан бири бўлмиш ватандошимиз Абу-л-Муъин ан-Насафий мероси ҳақида биз ҳозиргача ҳеч қандай маълумотга эга эмасдик. Шу боис доктор Солих ал-Фарфур тадқиқотига таянган ҳолда, Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг «Баҳр ал-калом» асари ҳақида баъзи маълумотларни қайд этиб ўтишни лозим топдик.

Калом илмининг бир қанча йўналишлари бўлиб, улардан ал-ашъария ва ал-мотуридия қабилари ғоятда кенг тарқалган. Ан-Насафий ал-ашъария мактабининг асосчиси бағдодлик олим Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий, ал-мотуридия мактабининг асосчиси самарқандлик таникли олим Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотидан сабоқ олган, асосан, ал-мотуридия мактабига мансуб имом ал-Ғаззолийнинг маслағига амал қилган олимлардан ҳисобланади. Ўз навбатида, ал-Ийжий (ваф. 1355), Саъдуддин ат-Тафтазоний (ваф. 1390) ва бошқа кўплаб таникли олимлар ан-Насафий таълимотига таянган ҳолда фаолият кўрсатиб, калом илмида йирик олим даражасига кўтарилганлар.

Ан-Насафийнинг илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Ал-Уъмда фи усул ал-фикҳ.

Баҳр ал-калом фи илм ал-калом.

Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом.

Ат-Тамхийд ли-қавонъд ат-тавхийд фи илм ал-калом.

Ал-Оълим ва-л-мутааллим.

Иъзоҳ ал-маҳажатий ли-ковн ал-акл хужжатан.


Шарҳ ал-Жомий ал-қабир ли-ш-Шайбоний фи фуруъ.

Маноҳиж ал-аиммати фи-л-фуруъ.

Муътақидот (Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг бу асаридан бир қўлёзма сақланади (инв. № 40008|2). Араб тилида ёзилган ушбу асар 52 варақдан иборат).

Алломанинг «Баҳр ал-калом» асари алоҳида аҳамиятлидир. Шу ўринда асардаги айрим маълумотлар ҳақида фикр юритамиз. «Баҳр ал-калом»нинг олтинчи бобидаги биринчи фасл (бўлим)-тўрт банддан иборат бўлиб, улардан биринчиси «Ал-Имомат»





(Имомликка оид) деб аталган. Мана шу бандда келтирилган Пайғамбар (с.а.в.)нинг икки ҳадиси катта илмий аҳамиятга эга.

Биринчиси: «Иктаду би-л-лазийна мин баъдий Абу Бакр ва Умар» (бу ҳадисларни имом ат-Термизий, имом ибн Можа, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа бир қанча муҳаддислар ўз асарларида ривоят қилганлар). «Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга иктидо қилинлар», – деган бўлишига қарамай, халифалик устида икки кун баҳс бўлган.

Иккинчи ҳадис: «Мендан кейин халифалик ўттиз йил, ундан кейин амирилик, подшоҳлик ва ҳоказолар бўлади», – деган фикрлари нақадар ростлиги, далилланганини алоҳида қайд қилиш зарур. Чиндан ҳам бу муддат (яъни, ўттиз йил) қорёрлар пайтида тугаган. Ҳозирги вақтда «халифалик»ни орзу қилиб юрган баъзи кимсалар учун ҳам Пайғамбаримизнинг бу ҳадислари асосли жавобдир. Бу китоб калом илми бўйича ал-мотуридия мактабининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Чунончи, бу асар аш-шайх Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган исломий ақиданинг энг бош манбаларидан саналади. Айниқса, ислом динида турли-туман оқимлар ва таълимотлар яратилаётган ҳозирги пайтда мазкур асарнинг илмий ва амалий аҳамияти бекиёс қаттадир.

Абу-л-Муъин ан-Насафий ўз китобини яратишда қуйидаги асосий манбалардан фойдаланган:

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Ат-Тавҳийд» китоби.

Имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийнинг «Ал-Ламъа» китоби.

Имом Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарийнинг «Мақолот ал-исломийийн» асари.

Имом Ал-Ҳарамайн, имом Абу ал-Маолий Абдулмалик ал-Жувайнийнинг «Ал-Иршод» номли асари.

«Баҳр ал-калом фи илм ал-калом» асари аллома ижодининг гултожи ҳисобланади. У ислом дини фалсафасини ташкил қилган калом илми бўйича энг қимматли манбалардандир. Асарни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва ўзбек тилига таржима қилиш олимларимиз олдида турган вазифалардан бири. «Баҳр ал-калом»нинг бир қанча қўлёзма ва китобий нашрларининг мавжудлиги ҳам унинг муҳим манбалардан бири эканлигидан далолат беради. Унинг қимматли қўлёзмаларидан бири Дубайдаги Жумъа ал-Можид номли маданият ва мерос марказида (766-рақамдаги бу қўлёзма 1167 хижрий йилда кўчирилган), иккинчиси Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида (4970-рақам остида), учинчиси Бағдоддаги «Мактабат ал-авқофда»да (4365-рақамда), тўртинчиси Қохирадаги машҳур «Дорул-кутуб»нинг (113-рақамида) қўлёзмалар бўлимида сақланади. Ушбу қўлёзманинг 950 хижрий йилда оддий хат билан кўчирилган бошқа бир нусхаси Искандариянинг (Миср) «Мактабат ал-баладийя» номли кутубхонасида сақланмоқда.

«Китоб ат-тамҳийд ли-қавоъид ат-тавҳийд»

Калом илмининг йирик йўналишларидан бири бўлган ал-ашъария таълимотининг кенг кўламда тарқалишида аллома ал-Боқиллоний, муътазилиянинг тарқалишида кози Абдулжабборнинг хизматлари катта бўлгани каби имом Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунё бўйлаб ёйилишида аллома Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг ҳиссаси бекиёсдир. Айниқса, унинг каламига ман-





суб «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» («Тавҳид коидалари шарҳи бўйича кўлланма китоб») асари бу борада алоҳида аҳамиятга эга. 1986 йилда Қоҳирада араб тадқиқотчиси Ҳабибуллоҳ Ҳасан ал-Аҳмад томонидан нашр этилган бу асар икки катта қисмдан иборат бўлиб, ўз навбатида, бу қисмлар ҳам кўплаб боб ва фасл (бўлим)-лардан ташкил топган. Масалан, биринчи қисмнинг дастлабки бобларида имом Абу-л-Муъин ан-Насафий яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар келтирилади. Буларда ан-Насафий яшаб ўтган даврдаги сиёсий, ижтимоий, айниқса, илмий-маданий ҳаёт ўз аксини топган. Шундан кейин, имом ан-Насафий туғилган йили, унинг устозлари ва ўндан ортик шогирдлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Асарнинг иккинчи қисмида ан-Насафийнинг «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» асарининг тўлиқ матни келтирилиб, илмий равишда ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилган. Дастлаб мазкур асарнинг муаллифи Абу-л-Муъин ан-Насафий эканлиги ишончли далиллар билан исботланади, асарнинг кўлэмалари ҳақида гапирилиб, жаҳоннинг турли кўлэма хазиналарида, асосан, Миср ва Туркия кутубхоналарида унинг етти қўлэма нусхалари мавжудлиги таъкидланади. Муаллиф ушбу асарига ёзган муқаддимасида бу асарини ўша давр ҳокимларидан бирининг аҳл ас-сунна ва-л-жамоанинг ақидаси ҳақида бир китоб битиш хусусидаги илтимосига кўра ёзганлигини баён қилади. Шундан кейин, асарнинг мазмуни ва маъноси таҳлил этилиб, жумладан, муаллиф билиш (маърифат) назариясининг йўл-йўриқларини баён қилиб, уларни уч хил тоифага ажратади:


- сезги аъзолари (бешта);
- ҳақиқий, ишончли ахборотлар;
- ақл-идрок.

Муаллиф иймон-эътиқод, имомлик (имомат) ва халифалик ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Ушбу бобда билдирган қарашларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу-л-Муъин ан-Насафий калом илми, айниқса, унинг асосчиларидан бири Абу Мансур ал-Мотуридий ғояларини ҳимоя қилиб, унинг кенг кўламда тарқалишига муносиб ҳисса қўшган дастлабки алломалардан бири бўлган.

Тадқиқотнинг иккинчи қисмида ҳам «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» асарининг мазмун-моҳияти ҳақида хулосалар чиқарилган. Унда асар бобма-боб келтирилиб, оламнинг тузилиши, Аллоҳнинг зоту сифатлари, инсонда ирода эркинлигининг мавжудлиги, қабр азоби каби турли-туман ақидавий масалалар ҳақида муаллифнинг фикрлари келтирилган. Имом ан-Насафийнинг ҳидоят йўлидан адашган баъзи исломий фирка ва гуруҳларга (масалан: жабария, хаворижлар, муътазилия) берган асосли раддиялари ҳам асарда ўз ифодасини топган.

Юқорида баён қилинганларни хулосалаб айтиш мумкинки, аллома Абу-л-Муъин ан-Насафий, бир томондан, ўз маънавий устози, буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган ал-мотуридия таълимотини дунё бўйлаб тарқалишида бекиёс хизмат кўрсатган бўлса, иккинчи томондан ўзининг «Табсират ал-адилла», «Баҳр ал-калом», «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» каби муҳим асарлари билан калом илмининг кейинги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Чунончи, бу бебаҳо асарларда ҳар қандай даврда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам учрайдиган ҳидоят йўлидан адашган турли фирка ва гуруҳларга қарши, шунингдек, динда муҳим ўрин эгаллайдиган ақидавий масалаларни талқин қилишда муқаддас манбалар – Қуръони қарим ва жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак ҳадисларига таянган





холда иш тутиш лозимлиги сингари илғор гоёлар илгари сурилган. Бинобарин, бундан қарийб ўн аср муқаддам яшаган буюк ватандошимиз Абу-л-Муъин ан-Насафий қолдирган бой илмий-маънавий мерос нафақат ўз замони учун, балки ҳозирги даврда ҳам амалий аҳамиятга эга таълимот сифатида ҳар томонлама чуқур ўрганишга лойик.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АБУ-Л-БАРАКОТ АН-НАСАФИЙ (1232–1310)


XIII асрда яшаб ижод этган бу алломанинг тўлик исми Ҳофиз Ад-дин Абу-л-Баракот Абдуллох ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий бўлиб, Муҳаммад Шафик Гирболнинг «Ал-Мавсуат ал-арабийя ал-муассара» асарида унинг таваллуди милодий 1232 йил деб кўрсатилган.

Алломанинг ижоди сермахсул бўлса ҳам, ҳаёти ҳақидаги маълумотлар манбаларда кам учрайди. Шунга қарамай, Абдулхай ал-Лакнавийнинг «Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-Ҳанафийя» (Байрут, 1998), Мулла Котиб Чалабийнинг «Кашф аз-зунун» («Олам» нашриёти, 1993), Абу Муҳаммад Абдулкодир ибн Муҳаммад ал-Қурашийнинг «Ал-Жавоҳир ал-музйя фи табакот ал-ҳанафийя» (Қоҳира, 1989), Муҳаммад Хусайн аз-Заҳабийнинг «Ат-Тафсир ва-л-муфассирун» (Қоҳира, 1995), Амир Абдулазизнинг «Дирасат фи улум ал-Қуръон» (Байрут, 1983), Шамс ад-дин Муҳаммад ибн Али ад-Довудийнинг «Табакот ал-муфассирин» (Байрут, 2002) ва Абу-л-Баракотнинг ўзи томонидан ёзилган асарлардан унинг шахси ва қарашлари тўғрисида муайян маълумот олиш мумкин.

Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг етук олим бўлиб етишишида устозларининг меҳнати катта бўлган. Ана шундай устозларидан бири таникли олим Абу-л-Важд Шамс ал-Аимма Муҳаммад ал-Қардарийдир. У бўлажак олимга тафсир, фикх ва калом каби шариат илмларини пухта ўргатади. Ал-Қардарий ҳам ўз вақтида «Хидоя» соҳиби Бурҳониддин ал-Марғиноний ва «Ҳафова Қозихон» асарининг муаллифи Фаҳр ад-дин Қозихон каби буюк устозлардан таълим олган. Маълумотларга қараганда, дастлабки фикҳ илмини ёйган зот Абу Зайд ад-Дабусий бўлса, ундан кейин бу илмни қайта жонлантирган зот Шамс ал-Аимма ал-Қардарий деб эътироф этилади. Шу сабаб бўлса керак, Мовароуннаҳр диёрида юзлаб фикҳ олимлари етишиб чиқади. Аллома ал-Қардарий 1244 йил 18 июнда, хижрий сана билан 642 йил, муҳаррам ойининг тўққизинчиси, жума куни вафот этган.

Бундан ташқари, ан-Насафийнинг Ҳамид ад-дин аз-Зарир Али ибн Муҳаммад ибн Али ар-Ромиший ва Бадр ад-дин Ҳавоҳирзода Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулқарим сингари устозлари ҳам бўлган.

Шундай машҳур устозлар илмидан баҳраманд бўлган Абу-л-Баракот «Ҳофиз ад-дин», яъни «динни ҳимоя қилувчи» деган шарафли номга сазовор бўлган. Бу номга алломалардан икки кишигина сазовор бўлган бўлиб, булардан иккинчиси Ҳофиз ад-дин Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қабир ал-Бухорийдир. Бу икки олим ҳам етук устоз ал-Қардарийдан таълим олганлар.



Хофиз ад-диннинг шарият илмлари – тафсир, фикх ва калом соҳасида яратган катор асарлари ҳозирга қадар олим ва талабалар орасида мўътабар манбалар сифатида қадрланиб ўқилмоқда, тадқиқотчилар томонидан ўрганиб келинмоқда. Жумладан, унинг ислом ҳуқуқи соҳасидаги «Канз ад-дақоик» («Нозик масалалар ҳазинаси»), «Ал-Вофи» («Тўлик») ва унинг шарҳи «Ал-Кофи» («Кифоя қилувчи») каби асарларини санаб ўтиш мумкин. Уламолар «Канз ад-дақоик» асарини ислом ҳуқуқи бўйича «Ҳидоя»дан кейинги ўринга қўядилар.

«Канз ад-дақоик» китобида фикхий масалалар кенг ёритилган бўлиб, унда Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, имом Муҳаммад, имом Зуфар ва имом аш-Шофийий каби мужтаҳид олимларнинг фикрлари, ривоятлари келтирилган, ибодат (намоз, рўза, закот, ҳаж), муомалот, жазолар ва шу каби масалалар баён этилган. Асарнинг форс тилидаги нусхаси ҳам бўлиб, у Насруллоҳ ибн Муҳаммад ал-Кермоний томонидан ўтирилган. Урду тилидаги таржимаси эса Ахлуллоҳ ибн Шайх Абдурахим томонидан амалга оширилган. Бундан ташқари, асар бир неча бор қўлда қайта қўчирилган ва нашр этилган.

«Канз ад-дақоик» мўътабар китоблардан бўлгани боис ҳам унга ўндан зиёд шарҳлар ёзилган. Жумладан, имом Фаҳруддин Усмон ибн Али аз-Зайлайининг «Табйин ал-ҳақоик лимо фикҳи ма интазаъа мин ад-Дақоик» («Ал-Дақоикдан олинган масалалар ҳақиқатини ёритиш»), Зайн ал-Обидин ибн Нажм ал-Мисрийининг (вафоти 970/1562–1563) «ал-Бар ар-роик фи шарҳ Канз ад-дақоик» («Канз ад-дақоикнинг шарҳида тиник денгиз») шарҳлари анча машҳурдир.


Абу-л-Баракотнинг ислом ҳуқуқшунослигига оид яна бир мўътабар асари «Ал-Вофи» («Тўлик»)дир. Бу асар шунчалик қадрланадики, ҳатто баъзи олимлар уни Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»си каторида қўрадилар. Мазкур фикрни Котиб Чалабийнинг «Кашф аз-зунун» («Гумонларни ечиш») асарида ҳам ўқиш мумкин. Унда айтилишича, Абу-л-Баракот «Ҳидоя»га шарҳ ёзмоқчи бўлади, лекин ўша замоннинг буюк олимларидан Тож аш-Шарийа уни бу фикридан қайтаради. Сўнгра, Абу-л-Баракот фикҳга оид «Ал-Вофи» ва унинг шарҳи «Ал-Кофи» асарларини ёзади. Бу билан у гўё «Ҳидоя» китобини тасниф этиб, унга шарҳ битгандай бўлади. Мазкур асар бошқа машҳур китоблар катори катта обрўга эга бўлади.

Олимнинг «Ал-Манор» («Машъал») номли асари усул ал-фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги асослари) ва унинг қонун-қоидалари ҳақида битилган бўлиб, унда Қуръон ва ҳадис асосида ҳукм олиш, ижмо ва қиёс қўллаш услублари каби масалалар баён этилган. У олимлар томонидан усул ал-фикҳ соҳасидаги қиска, лекин жуда фойдали асарлардан, деб тан олинган. Шу сабаб, бу асарга ёзилган шарҳлар асосида юртимиздаги диний таълим муассасаларида дарс берилади.

Абу-л-Баракот ан-Насафий «Ал-Манор» асарини ҳамду сано билан бошлаб, шарият асослари (усул аш-шариа)ни тўртга – Қуръон, сунна, ижмо ва қиёсга бўлади, қолган масалалар эса шу тўрт манба асосида ижтиҳод қилинишини таъкидлайди.

Манбаларда айтилишича, усул ал-фикҳни биринчи бўлиб ёзма шаклда китоб ҳолига келтирган зот шофийийлик мазҳабининг асосчиси имом аш-Шофийийдир. Сўнгра бошқа мазҳабларда ҳам мазкур соҳада бир катор асарлар яратилган. Абу-л-Баракотнинг «Ал-Манор»и ҳам шу соҳадаги катта асарлардан ҳисоблангани боис, унга қўплаб шарҳлар битилган. Ан-Насафийнинг ўзи ҳам ушбу асарни шарҳлаган ва унга «Кашф ал-асрор» («Сирларни очиш») деб ном қўйган. Олимнинг издошла-





ридан Кофи ал-Аххисорий уни тахрир килиб, муъжаз бир китоб шаклига келтирган. Бундай шархлар каторига, Ахмад ибн Абу Саид ал-Ханафийнинг «Нур ал-анвор фи шарх ал-Манор» («Ал-Манорнинг шархида ёруғ нур»), Саъд ад-дин Абу-л-Фодоил ад-Дехлавийнинг (ваф. 1486–1487) «Ифода ал-анвор фи изои усул ал-Манор» («Ал-Манор услубларини таркатишда нурлар фойдаси»), шайх Шижо ад-дин Ҳибатуллох ибн Ахмад ат-Туркистонийнинг (ваф. 1332–1333) «Табассурот ал-асрор фи шарх ал-Манор» («Ал-Манорнинг шархи сирларни кўра олиш»), Қивом ад-дин Муҳаммад ибн Муҳаммад ат-Туркистонийнинг (ваф. 1348–1349) «Жоми ал-асрор» («Сирларни йигувчи») каби асарларини кўшиш мумкин.

Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг саналганлардан ташкари куйидаги асарлари ҳам мавжуд:

«Ал-Мусаффо фи шарх ал-манзума ан-Насафийа» («Ан-Насафий назмининг шархи аниқланган») – илми каломга оид;

«Ал-Мустасфо фи шарх ал-фикх ан-нофи», («Фойдали фикх шархи танланган») – ислом ҳуқуқшунослигига оид;

«Умдат ал-ақоид» («Ақидалар асоси») – калом илмига оид.

Олимнинг жуда кўп асарлари ва унга ёзилган шархлар ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Ҳофиз ад-дин ан-Насафийнинг «Умдат ал-ақоид» асари мухтасар ҳолда ёзилган бўлиб, илми каломга оид муҳим масалаларни ўзида камраган. Ўз даврида унга бошқа олимлар томонидан ўнлаб шархлар битилган. Булар каторида Жамол ад-дин Маҳмуд ибн Ахмад ал-Кавнавийнинг (ваф. 770/1368–1369) «Аз-Зубда» («Қаймоқ») ва XIV асрда яшаган олим Амад ал-Акшаҳарий ал-Ханафийнинг «Ал-Инқод» («Халос этиш») каби асарларини айтиб ўтиш мумкин.

Абу-л-Баракот ан-Насафий 710/1310 йилда Бағдодга келган ва шу йили раби ал-аввал ойининг жума куни кечаси Бағдодда вафот этган ҳамда Исфохон яқинидаги Изаж (Хузистон ва Исфохон оралиғида) шаҳрида дафн қилинган.

Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илми бўйича аҳли илм орасида «Тафсир ан-Насафий» номи билан машҳур бўлган ва ханафий мазҳабига мувофиқ битилган «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» («Қуръон маънолари ва таъвил ҳақиқатлари») китоби бошқа асарлар орасида энг қимматлиларидан бири десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Чунки бошқа тафсир китоблари орасида катта шухрат қозонган «Тафсир ан-Насафий» тафсири дунё бўйича энг кенг тарқалган ханафий мазҳабига биноан ёзилган, ундаги оятлар айнан мотуридия таълимотига биноан баён этилиб, ўша даврнинг илм марказлари Бухоро ва Самарқанднинг олимлари фикрлари билан бойитилгандир. Тафсирда имом ал-Мотуридий сўзлари ва «Таъвилот аҳл ас-сунна» тафсиридан фойдаланилади. Шу билан бирга, фикҳий оятлар шарҳида «индана» – «бизнинг наздимизда» ёки «бизнинг мазҳабимизда» каби иборалар кўп учрайди.

Тафсирнинг яна бир муҳим жиҳати бу – оятларнинг филологик таҳлили усталик билан амалга оширилгани, Қуръоннинг балоғат ва фасохати моҳирона очиб берилгандир. Бу учун ан-Насафий наҳв илмининг етук олимлари имом Сибавайх, имом Фарроларнинг фикрларидан кенг фойдаланган ва бир неча жойларида далил сифатида келтирган. Бундан ташкари, ўқувчи оятларни ҳар томонлама тушуниши учун 7 хил қироатдан истифода қилинган. Юқоридагилар сабаб бўлса керак, у илм аҳли





орасида кўп мутолаа қилинади. Ҳатто, Қуръон маъноларини ўзбек тилига ўгириб, «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» китобини тузган Абдулазиз Мансур ҳам ушбу асардан унумли фойдаланган.

Аслида «тафсир» (кўплиги тафосир) сўзи луғатда «изохлаш», «баён этиш», «равшанлаштириш», «ёритиш» каби маъноларни ифодалайди. Олимлар унга турлича таърифлар берганлар. Уларда айтилишича, тафсир «Аллоҳнинг каломини тушунтирувчи ёки Қуръон лафзлари ва маъноларини очиб берувчи илм» ва «Аллоҳ таоло Қуръон оятларидан ирода қилган мақсадларни инсон нуктан назаридан ўрганадиган фан»дир.

Тафсирлар Қуръони каримни англаш борасида мусулмонлар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ўз навбатида, турли оқим ва йўналиш вакиллари ҳам одамларни ўзларига осонгина оғдириш мақсадида тафсирлардан усталик билан фойдаланганлар. Улар оятларнинг шарҳларини ўз рай ва қарашларига мослаштирар ҳамда фикрларини исботлаш учун Қуръонни нотўғри талқин қилишдан ҳам тап тортмас эдилар. Айниқса, тафсирлар Аббосийлар давридаги халифалик учун қурашларда ғоявий қуроқ сифатида ҳам ишлатилган.


Замонлар оша шунчалик кўп тафсирлар ёзилдики, бу, бир томондан, турли мазҳаб ва нотўғри оқимларнинг ўз эътиқодларидан келиб чиқиб Қуръонни шарҳлашлари сабабидан бўлса, иккинчи томондан, илм-фан таракқиёти ҳам тафсирлар сонининг ошишига олиб келган эди. Чунки диний билимлар билан бирга фалсафа, грамматика, синтаксис, балоғат, фасоҳат каби дунёвий илмларнинг ривожланиши тафсирларда ҳам ўз аксини топди.

Мовароуннаҳр уламолари, асосан, ханафий мазҳаби издошлари бўлгани боис, улар ёзган тафсирлар ушбу мазҳабга тўла мос келади. Бундай тафсирлар қаторида, жумладан, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Таъвилот ал ас-сунна», Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъкил аллома ан-Насафийнинг (ваф. 907–908) «Ат-Тафсир», Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Амад ас-Самарқандийнинг (ваф. 1002-03) «Тафсир ал-Қуръон ал-карим», Хужжат ал-Афодил Али ибн Муҳаммад ал-Хоразмийнинг (ваф. 1164–1165) «Ат-Тафсир», Абу-л-Аббос Жафар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафийнинг (ваф. 1041) «Фазоил ал-Қуръон» («Қуръон фазилатлари») каби асарлари ва шу билан бир қаторда, Абу Ризо Муҳаммад ибн Али ан-Насафий (ваф. 1123–24), Абу-л-Фодоил Муҳаммад ал-Ҳанафий Бурҳон ан-Насафий (ваф. 1288–87), Абу Саъд Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Амодий (ваф. 1574–75) каби тафсир билан машғул бўлган бир қанча олимларни санаб ўтиш мумкин.

«Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» асари бир неча асрлардан бери мадрасаларда тафсир фанидан «Тафсир ал-Байзовий», «Тафсир ал-Жалолайн», «Тафсир Ибн Касир» китоблари қаторида дарслик сифатида ўқитилиб келинади. Бу дарсликлар орасида айнан ханафий мазҳабига оиди биз сўз юритаётган «Тафсир ан-Насафий» бўлиб, қолганлари шофиъий мазҳабидаги тафсирлардан саналади. Шу сабаб Қуръони каримни ханафий мазҳаби асосида ўрганмоқчи бўлганлар кўплаб маълумотларни мазкур тафсирдан олишлари мумкин. Ушбу асар охириги бор 1999 йилда Байрутнинг «Дор ибн Касир» матбаасида нашр этилган.

Абу-л-Баракот ўз тафсирининг ёзилиш сабаби ҳақида китобнинг муқаддима қисмида шундай дейди: «Мендан яқинларим Қуръонни таъвил қилувчи, турли хил қироатлар ва ҳаракат услублари кўрсатилган, аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасига





мувофик, адашганлар ва бидъат ахли этикодидан холи, малол келтирадиган даражада узун ҳамда тушунарсиз даражада киска бўлмаган тафсир ёзишимни сўрар эдилар. Дастлаб иккиландим. Ниҳоят, Аллоҳнинг тавфик ва инояти ила тафсир ёзишга киришдим ҳамда оз фурсат ичида уни ёзиб тамомладим. Китобимни «Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил» деб номладим. Аллоҳ барча ишларни энгиллаштирувчи, хоҳлаган нарсани қилишга қодир ва дуони тез ижобат қилувчи Зотдир».

Араб олими Муҳаммад аз-Заҳабий ўзининг «Ат-Тафсир ва-л-муфассирун» китобида таъкидлаганидек, «Тафсир ан-Насафий»нинг ёзилиш услуби муфассир олим Қози ал-Байзовийнинг «Анвар ат-танзил ва асрор ат-таъвил» («Қуръон нурлари ва таъвил сирлари») ва хоразмлик буюк ватандошимиз Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф» («Кашф қилувчи») тафсирларига ўхшашдир. Лекин ал-Байзовий шофиий ва аз-Замахшарий муътазилий мазҳабида бўлгани учун ақидавий ва фикхий оятларнинг шарҳида ушбу учала тафсир орасида катта фарк бор.

Абу-л-Баракот тафсирининг кўп жойларида машҳур муфассир саҳоба Ибн Аббоснинг ривоятларига таянади. Кейинги ўринларда эса, ўз навбатида, машҳур муфассир саҳобалар ва тобиийлардан Ибн Масъуд, Анас ибн Молик, Ҳасан, Убай ибн Каъб Мужоҳид кабиларнинг ривоятларидан фойдаланади. Жумладан, Қуръони каримнинг: «Сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг» (Бақара, 21) оятидаги «ибодат» сўзини Ибн Аббос қуйидагича шарҳлайди: «Қуръони каримда келган ҳар бир ибодат Аллоҳни яқка санаш (тавҳид)дир».

Анас ибн Молик (р.а.) шундай дейди: «Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқиган одам бизнинг орамизда улуғимизга айланар эди».

«Тафсир ан-Насафий»ни ўқиган одам унда илмий ва мантикий асосларни, нотўғри ва бузғунчи фикрларнинг кескин танқидга учраганини, илм ва яхшилик каби фазилатларнинг улуғланганини кўриши мумкин.

Қуръони каримда илмни улуғловчи «Роббим, илмимни зиёда эт», – деб айт», «Биладиганлар билан билмайдиганлар баробар бўлурми?» каби оятлар шулар жумласидандир.


Ан-Насафий илмга тегишли оятни шарҳлаб, шундай дейди: «Илм, агар у руҳонийлар ёки роҳибнинг охираат ҳақида эгаллаган илми бўлса ҳам, инсонни тўғри йўлга бошловчи воситалардан биридир. Чунки мазкур оятда: «Одамлар ичидан «Биз насронийлармиз», – деювчиларни мусулмонларга яқинроқ дўст эканини кўрасиз. Бунга сабаб улар орасида руҳоний ва роҳибларнинг борлиги ва уларнинг қибрга берилмаслигидир», – дейилган».

Бу билан ан-Насафий, илм ким томонидан эгалланган бўлишига қарамай, унинг улуғлиги ва афзаллигини ҳамда илм руҳонийларнинг Қуръонда ижобий зикр қилинишига сабаб бўлганини исботламоқчи бўлади.

Абу-л-Баракот оятларни шарҳлаш баробарида ўз даврининг турли оқим ва фирка вакилларига ҳам қарши раддиялар келтирган. Жумладан, у: «Жаннат яратилган ва у ҳозирда мавжуд», – дейди. Чунки Аллоҳ таоло Одам билан Ҳаввога: «Сен ва сенинг аёлинг жаннатда яшанглар», – деб айтган. Аллома, шу тариқа, жаннатнинг ўша пайтда ҳам бўлган ва ҳозирда ҳам мавжудлигини таъкидлаб, муътазилийларга қарши хужжат келтиради.

Бундан ташқари, Абу-л-Баракот жаҳмийларга ҳам раддия бериб, жаннат ҳақидаги оятнинг тафсирида шундай дейди: «Жаҳмийлар жаннатни ва унинг аҳлини фаний





бўлувчи дейдилар. Лекин Аллоҳ таоло: «Жаннатга кирганлар у ерда абадий қолади», – деган. Демак, жаннат аҳли жаннатда абадий қоладилар ва жаннат ҳам йўқ бўлиб кетмайди».

Бақара сурасининг 25-оятда эса, Аллоҳ таоло: «Имон келтирганлар ва солиҳ амал қилганларга тағларидан анхорлар оқиб турувчи жаннатлар бор деб башорат беринг», – дейди.

Мазкур оятни Абу-л-Баракот амални имоннинг бир қисми деб санагувчиларга қарши далил сифатида келтириб, шундай дейди: «Аллоҳ таоло ушбу оятда «имон келтирганлар» билан «амал қилганлар» сўзларини «ва» боғловчиси орқали ажратмоқда. Араб тили қондасига кўра, боғловчилар билан ажратилган сўзлар бошқа-бошқа бўлади. Бундан солиҳ амаллар ва имон бир-биридан бошқа нарсалар экан, деган хулоса келиб чиқади. Лекин фақат имон келтириб, солиҳ амал қилмаса ҳам жаннатга кирса бўлар экан-да, деган фикр туғилмаслиги керак. Чунки Аллоҳ таоло жаннатга кириш учун солиҳ амал бўлишини шарт қилиб қўйган».

Мотуридий таълимотида амал имоннинг бир қисми бўлмай, ундан мустаснодир. Абу-л-Баракот шу тарзда китобнинг бошқа жойларида ҳам мотуридия таълимотини қўллаб-қувватлаган.

Раҳбарларга итоат этиш ҳақидаги Нисо сурасининг 59-оятда Аллоҳ таоло шундай дейди: «Эй, имон келтирганлар, Аллоҳга итоат қилинглар, Пайғамбарга ва ўзларингиздан бўлган бошлиқларга итоат қилинглар». Абу-л-Баракот ушбу оятга таяниб, динда ҳам, дунёвий ишларда ҳам ўша соҳа раҳбарларига бўйсунуш лозимлигини таъкидлайди ва оятдаги «бошлиқлар» сўзини «олим» деб шарҳлаш билан бир қаторда «раҳбар» ҳам деб шарҳ этади. Аслида, кишининг имони муқаммал бўлса, уни итоатга, бошбошдоқлик қилмасликка чорлайди.

Муфассир олим имом ал-Байзовий ҳам ушбу оятни ан-Насафий сингари тафсир қилади ва «муқаллид (диний масалаларда таклид қилувчи) ўзи таклид қилаётган мужтаҳидига хилоф қилмаслиги керак» жумлаларини қўшимча қилади.

Юқоридаги икки муфассирнинг далилларида кўришиб турибдики, инсон ўзининг раҳбари, хоҳ у подшо бўлсин ёки олим, яъни мазҳаббоши бўлсин, унга итоат этиши, унинг айтганларига хилоф иш қилмаслиги даркор экан. Шу тарзда, ан-Насафий ўз даврининг етук олимлари ичида қатта шуҳрат қозонади. Абдулхай ал-Лакнавий таъбири билан айтганда, «Абу-л-Баракот ан-Насафий ўз даврининг беназир алломаси сифатида фикҳ ва усул илмларида ғоятда сарбаланд, ҳадис ва унинг маъноларини тушунишда барчадан устун бўлган». Ибн Ҳажар ал-Аскалоний эса уни «Алломаи дунё» деган ғоятда шарафли ном билан тилга олган.

Абу-л-Ҳафс, Абу-л-Муъин, Абу-л-Баракот ан-Насафий каби алломаларнинг илму ирфонларини кенг ўрганиб, уни оммага, ёшларга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Юртбошимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, «Биргина Насаф шаҳридан чиқиб, «Насафий» таҳаллуси билан шуҳрат қозонган ўндан ортик олимларнинг номи ҳаммага яхши маълум. Ислоҳ оламани ўзининг бебаҳо илмий мероси билан бойитган ва юртимизнинг шон-шуҳратини жаҳонга таратган қўплаб азиз-авлиёлар, олиму уламолар фақат кашқадарёликларнинг эмас, балки бутун ўзбек халқининг фаҳри ва ғуруридир».

Давронбек МАКСУДОВ,
тарих фанлари номзоди



АБУ ҲАФС УМАР ИБН МУҲАММАД БУЖАЙРИЙ (838–923)



Тарихдан малумки, IX–XII асрлар ислом оламида илм-фаннинг ниҳоят даражада ривожланган даври бўлганлиги боис бу асрларни илм-фан ривожининг олтин даври деб эътироф этилган. Шу жумладан, бу даврда ҳадис илмининг ривожига ўзининг беназир хиссасини кўшган юртдошларимиздан Ҳайсам ибн Қулайб, Иброҳим ибн Маъкил, Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Абдурахмон, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо сингари кўплаб муҳаддис алломалар етишиб чиққанлар ва Шоший, Насафий, Доримий, Бухорий. Термизий каби нисбалар билан машҳур бўлишган. Шулар қатори IX–X асрларда Бужайрий таҳаллуси билан танилган бир канча алломаларнинг самарали ижод қилганлигини манбалардан кўплаб учратиш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқорида айтилган ва шунга ўхшаш нисбалар кишлок ёки шаҳарга берилиб, аксарият ўринларда алломанинг туғилган ёки яшаган жойига далолат қилиш учун келтирилган. Аммо, Бужайрий таҳаллуси бирор жой ёки касбга эмас, балки Бужайр исмли шахснинг номига нисбатан айтилган. Шундай нисба билан танилган машҳур алломалардан, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратлари билан замондош бўлган ва у зотдан ҳадислар тинглаган «ҳофиз», «такводор муҳаддис», «имом ул-кабир» номларига сазовор бўлган муҳаддис Умар ибн Муҳаммад Бужайрий бўлиб, у зотнинг тўлик исми Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадоний Самарқандий Бужайрийдир.

Манбаларда келтирилишича, Бужайр муҳаддис Абу Ҳафснинг бобоси Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадонийнинг исми бўлган. Бужайр ибн Ҳозимнинг фарзанду набиралари ҳам ўз замонасининг машҳур муҳаддис ровийларидан бўлиб, уларга ҳам айнан шу зотнинг исми нисбат қилиб берилган ва бу силсила тарих саҳифаларида «Бужайрий» нисбаси билан ўрин олган. Мисрлик тадқиқотчи олим Абдуллох Абдулхамид Саад томонидан тузилган «Ўрта Осиё олимлари комуси»да «Бужайр»га «кичкина коринчаси бўлган бобо» маъноси берилган. «Бужайр» «Бажрун» сўзидан олинган бўлиб, «кичик корин» маъносини ҳам билдиради.


Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммадни баъзи манбаларда Суғдий, Хушуфағоний, Самарқандий нисбалари билан келтирилган бўлса, баъзиларида «Бужайрий» ва «Бухайрий» деб ҳам зикр этилган. Бирок Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммадни аксар уламолар ўз асарларида Абу Ҳафс Бужайрий нисбаси билан ёд этган. Уламолар орасида эса айнан шу таҳаллус билан машҳур бўлган.

Муҳаддис Абу Ҳафс Бужайрий 223/838 йил Самарқанд суғдидаги кишлоклардан бири – Хушуфағонда зиёли оиласида таваллуд топган.

Абу Абдуллох Ёкут Ҳамавий «Муъжам ул-булдон» («Шаҳарлар комуси») асарида келтиришича: «Хушуфағон Мовароуннаҳрнинг Суғд диёридаги Иштихон ва Кушония ўртасидаги ўзида кўп яхшиликларни мужассам этган кишлоклардан биридир. Ундан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ибн Ҳозим Бужайрий Хушуфағоний ва яна бу зотнинг набираси, яъни ўғли Абулҳасан Муҳаммаднинг Абу Аббос Аҳмад (в. 372/982) исмли фарзанди ҳамда бир канча уламолар етишиб чиққан».

«Хушуфағон» кишлоғининг тарихи қадимий суғдлар даврига бориб тақалади. Рус шарқшунос олимаси О.И. Смирнованинг «Страны и народы Востока» номи тўпламда чоп қилинган «Места домусульманских культов в Средней Азии»





маколасида: «Хушуфагон» суғдча «Хшу» – «олти», «Фаган» – «ибодатхона» яъни «Олти ибодатхона» маъносини билдирган. Бу кишлоқ XII асргача Хушуфагон деб, XIII асргача арабча «Рос ул-Қантаро» (Кўприк боши) деб, XIII асрдан XVI асргача эса форсча «Сарипул» (Кўприк боши) деб ҳам аталган деб келтирган.

«Муъжам ул-булдон»да келтирилишича эса Хушуфагон кишлоғи «Рос ул-Қантора» деб аталгандан кейин бу ердан Қанторий нисбати билан Абу Мансур Жаъфар ибн Содик Ибн Жунайд Қанторий (в.315/927) каби уламолар ҳам етишиб чиккан. Ушбу маълумот О.И. Смирнованинг маколасидаги келтирилган маълумотдан фарк қилиб, Хушуфагон XI–XIII асрларда эмас балки, X асрда ҳам «Рос ул-Қантаро» деб аталганлигини кўрсатиб турибди.

Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг «Ал-Ансоб» («Насаблар») номли асарида келтиришича, бир куни Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Суғдий Хушуфагонда ҳовлисидаги катта дарахтнинг остида дўстлар даврасида суҳбат қуриб ўтирган эди.

Абу Ҳафс дўстлариға: «Сизлар дунёнинг энг кўркам ва энг хушманзара жойида ўтирибсизлар», – деди.

– «Нима учун?» – дейишди.

– «Чунки дунёда Самарқанднинг Суғди каби кўркам, хушманзара, баҳаво жой топиламайди. Суғдда эса Хушуфагонга тенг келадиган жой йўқ. Хушуфагонда эса менинг бу боғимдан кўра обод жой, боғимда эса бу дарахтнинг соясиға тенг келадиган серсоя ва салкин жойнинг ўзи йўқ», – деди.

Юкорида келтирилган далилларға таянган ҳолда Хушуфагон кишлоғининг тарихи VII–VIII асрларға, балким, унданда аввалги асрларға бориб такалган десак ҳам адашмаган бўламиз. Чунки, бу ерда олтига ибодат – хонани бўлишлиги, ўз даврида Хушуфагон бир кишлоқ бўлганлигиға эмас, балки катта шаҳарлардан ҳисобланганлигиға далолат қилиб турибди.

Албатта, ўша даврда Хушуфагоннинг сўлим ва хушманзара табиати бошқа халқларнинг эътиборини ўзига тортиб, бу жойларда ибодатхоналарнинг барпо бўлишиға ва халқининг маданиятнинг раванак топишиға ҳамда Ғарб билан Шарқни боғловчи буюқ ипак йўлини шу ердан ўтишиға сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Абу Ҳафс Бужайрийнинг болалик ва ёшлик даври Хушуфагонда ўтган. Шу боис аллома дастлабки таълимни отаси Муҳаммад ибн Бужайрдан олган.

Ўз навбатида Муҳаммад ибн Бужайр ҳам Хушуфагон ахлидан бўлиб, ўз даврининг олими, машҳур муҳаддисларидан ҳисобланган ва шу даврнинг таникли ҳадис ровийларидан таҳсил олган ҳамда улардан ҳадислар ривоят қилган. Муҳаммад ибн Бужайр 268 /882 йил шаъбон ойида вафот этган.

Кейинчалик, Абу Ҳафс Бужайрийнинг илмға бўлган шижоати ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ворид бўлган ҳадисларни эшитиш, ўрганишға бўлган кизикиши ўша даврда илм-фан ривожланган Хуросон, Басра, Куфа, Шом, Миср, Ҳижоз каби бир канча шаҳар ва мамлакатларға етаклайди.

Абу Ҳафс Бужайрий таҳсили илм йўлидаги барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтиб, Абу Махмуд Муҳаммад ибн Муовия, Абдуллох ибн Абдурахмон Дориний Самарқандий, Исо ибн Ҳаммод Зуғба Мисрий, Ишок ибн Шохин Воситий, Абу Соиб Силм ибн Жаннода Куфий, Абд ибн Ҳумайд Кеший ва Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий каби кўплаб машҳур муҳаддис олимлардан таҳсил олган ва ҳадис эшитган ҳамда уларни ўзига устоз деб билган.





Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ» тўпламига ёзилган мўътабар шарҳлардан ҳисобланмиш Ибн Ҳажар Аскалонийнинг «Фатх ул-борий» асарида шундай келтирилади: «Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр Бужайрийдан ривоят қилинади: «Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийни: «Ал-Жоми ус-саҳиҳ» китобимни Масжид ул-Ҳарамда тасниф қилдим. Бу китобга киритилган ҳар бир ҳадисни Аллоҳ таолодан яхшиликни сўраб икки ракаат намоз ўқиб, унинг саҳиҳлигига аниқ ишонч ҳосил қилганимдан кейин киритдим», – деб айтаётганини эшитдим».

Ушбу ривоятда Абу Ҳафс Бужайрийни ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратлари билан бир даврда яшаб, у зот билан ҳамсуҳбат бўлганлиги ва у зотдан таълим олганлиги яққол кўриниб турибди.


Бундан ташқари, Абу Ҳафс Бужайрий ўша даврда илм-фан ва маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган Дамашкга ҳам бориб, у ернинг бир қанча таникли олимларидан таълим олган. Бу ҳақида Имом ул-олам, хофиз Ибн Асокир номи билан машҳур бўлган тарихчи олим Абулқосим Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шофийнинг «Тарих ул-мадинати Дамашк ва зикри фазлиҳа ва тасмияти мин хиллиҳа мина-л-амасил» («Дамашк шаҳрининг тарихи ва унинг фазилати, ундаги жойларнинг номланишига мисоллар») асарида шундай келтиради: «Хофиз Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ибн Ҳозим ибн Рошид Ҳамадоний Бужайрий Самарқандий таҳсили илм қилиш ниятида Дамашкка бориб, у ернинг машҳур муҳаддисларидан ҳисобланмиш Аҳмад ибн Абдулвоҳид ибн Уъбуд, Абу Омир Мусо ибн Омир Марий, Ҳишом ибн Холид, Муҳаммад ибн Ҳошим Баълабаккий, Сулаймон Ҳамсий. Аюб ибн Али ибн Ҳайсам Каноний каби бир қанча олимлардан таълим олган ва ҳадислар эшитган».

Ўз навбатида, Абу Ҳафс Бужайрий таълим олиш билан бирга кўплаб шогирдлар ҳам етиштирган. У зотдан Бухоро, Самарқанд ва Шош воҳаларига мансуб бўлган бир қанча алломалар таҳсил олган ва ҳадислар ривоят қилган.

Жумладан, Муҳаммад ибн Собир Бухорий, Абу Назр Муҳаммад ибн Бақр Дехкон Самарқандий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Имрон Шоший, Муътамар ибн Жибрил Карминий, Аъюн ибн Жаъфар Самарқандий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али Муаддаб Шоший ва Исо ибн Мусо Кашоний каби ўз замонасининг машҳур муҳаддислари у зотдан ҳадислар тинглаган ва ривоят қилганлар.

Бундан ташқари Ибн Асокирнинг юқорида номи келтирилган «Дамашк шаҳрининг тарихи» асарида келтирилишича, Абу Ҳафс Бужайрийдан унинг ўғли Абулҳасан Муҳаммад ибн Умар, Имом Абу Бақр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафқол Шоший, Абу Яҳё Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ишок ибн Ҳозим Самарқандий, Муҳаммад ибн Ҳотам Кашоний, Абулфазл Аҳмад ибн Исмоил ибн Яҳё ибн Ҳозим Аздий Самарқандий, Али ибн Биндор Сайрафий каби кўплаб уламолар ҳам у зотдан таҳсил олган ва ҳадислар ривоят қилган.

Шошлик алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш бўйича улкан ишларни амалга оширган таникли олим Неъматулло Муҳаммедов ўзининг «Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси» китобида шундай келтиради: «Абу Бақр Қафқол Шоший Хуросонга бориб, Муҳаммад ибн Ишок ибн Хузайма, Муҳаммад ибн Ишок Саррож, Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр Самарқандий каби катта олимлардан дарс олган ва бошқа табақалардан ҳадислар эшитган». Ушбу маълумотлар Абу Ҳафс



Бужайрий, ўз навбатига, фикх, ҳадис, усул ва тилшунослик илмлари бўйича тенги йўк олим деб эътироф этилган Имом Абу Бакр Қафғол Шоший каби бир канча алломаларга ҳам устозлик қилганлигини кўрсатиб турибди.

Дамашқлик олим Хайридин ибн Махмуд ибн Муҳаммад Зириклий «Ал-Аълум» асарида таникли олим Заҳабийнинг: «Абу Ҳафс Бужайрий замонасининг тенги йўк алломаси бўлиб, мен у зотдан олтмиш мингдан ортик ҳадис эшитганман», – деган сўзини келтириб ўтган.

Абу Ҳафс Бужайрий илм-фан сахнасига етук алломаларни етказиб бериш билан кифояланиб қолмасдан, ўзининг бой илмий ижоди билан ҳам юксак ҳисса қўшган. Муҳаддиснинг «Саҳих» ҳадислар тўплами, «Тафсир» ва яна ундан бошқа бир канча асарлари бўлган. Афсуски, алломанинг ижод маҳсули бўлган адабиётларнинг ҳаммаси бизгача етиб келмаган. Бирок, манбаларда келтирилишича ҳозирги кунда муҳаддиснинг асарларидан бири «Саҳих» ҳадислар тўплами хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Абу Ҳафс Бужайрий ва унинг «Саҳих» ҳадислар тўпламини қўлёзма нусхаси ҳақида Хайридин Зириклий «Ал-Аълум» асарида: «Мовароуннаҳрлик муҳаддис, хофиз Абу Ҳафс Бужайрий «Саҳих» ва «Тафсир» асарлар муаллифи бўлиб, у Самарқанд кишлоқларининг бирига мансубдир. Ҳозир бу жой «Раъс ул-қантара» («Тўғонбоши») деб аталади. Аллома илм олиш ва ҳадислар тинглаш ҳамда ёзиб олиш мақсадида Хуросон, Басра, Куфа, Шом, Миср ва Ҳижоз каби бир канча давлат ва шаҳарларга сафар қилган. У зотнинг қаламига мансуб «Ал-Жоми ул-муснад» асарининг қўлёзма нусхаси ҳозирги кунда Дамашқдаги Зоҳирия кутубхонасида сақланмоқда», – деб келтиради.


Абу Ҳафс Бужайрийнинг «Ас-Саҳих» ҳадислар тўплами муҳим манба сифатида истифода этилган. Бу асар ўз даврида ҳадис илми соҳасида илми толиблар томонидан дарслик сифатида қўлланилган. Самъонийнинг «Ал-Ансоб» номли асарида келтирилган далиллар фикримизнинг исботидир: «Насаф яқинидаги кишлоқлардан бири бўлмиш Батхудонлик фозил, солих, сийрати чиройли, такводор шайх Абу Али Ҳасан ибн Абдуллоҳ Батхудоний Насафда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Балдийдан Имом Абу Ҳафс Бужайрийнинг «Ал-Жоми ус-саҳих» асарини бир неча жузларини эшитган ва ёзиб олган».

Абу Саъд Абдулкарим Самъоний Имом Бужайрийнинг «Ал-Жоми ус-саҳих» асарини «улуғ китоб» деб зикр қилган ҳамда унинг тақидлашича, Бужайрийнинг «Ал-Жоми ус-саҳих» асарида Андалусиянинг фатҳ қилиниши ҳақида ажойиб қисса ҳам келтирилган.

Муҳаддис Абу Ҳафс Бужайрий ўз «Саҳих» ҳадислар тўпламида келтирган ҳадис ва хабарларни бир канча муҳаддисларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин: Бадридин Аюний Ҳанафийнинг (855 1451) «Умдат ул-корий шарҳу Саҳих ил-Бухорий» асарида келтирилишича, Абу Ҳафс Бужайрий ўзининг «Саҳих» ҳадислар тўпламида Анас (р.а.)нинг санади билан «Саҳарлик қилинлар, чунки унда барақа бордир» ҳадисини ривоят қилган. Мазкур ҳадисни Имом Абу Довуд ва Имом Насойлар Имом Бужайрий йўналишида Ойша (р.а.) санади билан ривоят қилган.

Муҳаддис Абу Ҳафс Бужайрийнинг «Китоб ус-сафина» («Кема китоби») номли асари ҳам бўлиб, бу асар бизгача етиб келмаган. Ушбу асар ҳақида Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад ўзининг «Ўрта Осиё олимлари комуси»да шундай келтирила-





ди: «Абу Ҳафс Бужайрийдан унинг Аҳмад исмли набираси «ал-Жоми ус-сахих» («Ишончли тўплам») ва «Китоб ус-сафина» («Кема китоби») каби асарларини тинглаган. Ушбу китобларни эса Абу Ҳафснинг ўзи тасниф этган».

Шуниингдек, Абу Ҳафс Бужайрий санади билан ривоят қилинган ҳадисларни бир канча ҳадис тўпламларида ҳам келтирилган. Жумладан, Муҳаммад ибн Ҳаббон Тамирий (в.354/965) қаламига мансуб «Саҳиҳи ибн Ҳаббон» тўпламида муаллиф шундай ривоят қилади: «Бизга Умар ибн Муҳаммад Бужайрий ва Ишок ибн Иброҳим хабар берди: Бизга Муҳаммад ибн Мусанно ҳадис айтди: Бизга Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ансорий ҳадис айтди: Менга отам (Абдуллоҳ) Самомадан ҳадис айтди: Менга Анас ибн Молик ҳадис айтди: «Абу Бакр Сиддик халифа бўлганда уни (Анасни) Яманга юбораётганда бу мактубни берди. Мактубда: «Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳнинг буйруғига биноан мусулмонлар зиммасига фарз қилган садақа – бу закотдир. Мусулмонларнинг қайси биридан закотнинг тартибига кўра бирор нарса (закотни адо қилиш) сўралинса, бас, уни берсин, ундан зиёди талаб қилинса бермасин», – деб ёзилган эди».

Муҳаддис Абу Ҳафс Бужайрий ўзининг улкан илмий, ижодий фаолияти билан ҳадис, тафсир ва бошқа соҳалар ривожига катта ҳисса қўшган алломалардан саналади.

Муҳаддис Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Бужайрий Самарқандий ўзидан кейинги авлодларга бебаҳо илмий меросни қолдириб 311/ 923 йил 88/85 ёшида вафот этган.

Йўлдошхон ИСАЕВ


АБУ САЪИД ҲАЙСАМ ИБН КУЛАЙБ ШОШИЙ (ваф. 947)

Ислому умумданиятимиз илдиэларидан бири десак, муболага бўлмайди. Айнан шу муқаддас заминда туғилган имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом ал-Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний каби кўплаб алломаларимиз ислом таълимоти ва назарияси ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Тарихий манбалар ва адабиётлардан яхши маълумки, IX–XII асрлар ўрта Осиё минтақасидаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фикҳ каби исломий илмлар соҳасида кўплаб таникли олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар «Шоший» нисбаси билан дунёга танилганлар. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш Шош воҳаси тарихини ўрганиш билан бир қаторда, бу олимларнинг ислом илмлари ривожига тутган ўринларини аниқлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Имом аш-Шоший номи билан танилган юртдошимиз Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ҳадис илмига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. Унинг номи жуда кўп араб манбаларида ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилади.





Унинг тўлик исми – Абу Саъид ал-Хайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (баъзи манбаларда Шурайх деб келтирилган) ибн Маъкил аш-Шоший ал-Бинкасий ат-Туркий ал-Маъкилий ал-Адиб бўлиб, туғилган йили хақида манбаларда аник кўрсатилмаган. Аммо муҳаддиснинг вафот этган йили кўп манбаларда 335/947 деб аник кўрсатилган.

Маълумки, хижрий учинчи (милодий IX) асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳадис илми ўзининг энг юксак чўккисига кўтарилган. Ушбу давр барча манбаларда ҳадис илмининг олтин даври сифатида эътироф этилади.

Хайсам ибн Кулайб Шоший айнан мана шу олтин даврда фаолият кўрсатди. Манбаларда келтирилишича, Абу Саъид ал-Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарканд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда бўлиб, таникли муҳаддислардан сабоқ олган. У ўз илмини янада бойитиш ниятида узок хорижий юртларга ҳам сафар қилган. Жумладан, Балх шаҳрида Закариё ибн Яхё ибн Асад ал-Марвазий, Исо ибн Аҳмад ал-Аскалоний, Бағдодда Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Яхё ибн Жаъфар аз-Забаркон ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганган.

Машҳур араб тарихчиси Шамсуддин аз-Захабийнинг таъкидлашича, Хайсам ибн Кулайб Шоший ўз замондошлари Исо ибн ал-Аскалоний, буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Закариё ибн ал-Марвазий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн ал-Мунодий, Ҳамдон ибн Али ал-Варроқ, Аҳмад ибн Мулоъиб, Муҳаммад ибн Исо ал-Мадоъиний, Абу ал-Бухтарий, ибн Шоқир, Али ибн Саҳл, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Қассор, Яхё Абу Толиб, Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Соғаний ва бошқалардан ҳадис эшитган, ўрганган.


Хайсам ибн Кулайб Шошийнинг илм бобида етукликка етишишида онладаги маърифий муҳит муҳим аҳамият касб этган. Маълумки, муҳаддис яшаб ўтган аср ҳадис илми шаклланишидаги олтин давр бўлиши билан бир қаторда, айни шу даврда олти буюк муҳаддис, шунингдек, Абу Ҳотам ар-Розий, Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Солих Жазра, Абу Яъло ал-Мавсалий, Ибн ал-Жаруд ва бошқа муҳаддислар пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларини тўплаб, уни муҳофаза қилишда ўзларининг кучларини аямадилар.

Имом аш-Шоший илм олишни илк болалик чоғлариданок бошлаган. Бирор нарсани истеъфода этиш ниятида у киши олимларнинг турли мавзудаги илмий мажлисларида катнашарди. Шунингдек, Исо ибн Аҳмад ал-Аскалонийдан ҳадис илмини ўрганиб, кун сайин уни бойитиб борарди. Ал-Аскалоний имом ал-Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший вафотидан 67 йил олдин, 268 йили вафот этади. Кулайб аш-Шоший устозидан сўнг ҳадис илми билан шуғулланишда давом этди. У буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва бошқа кўплаб муҳаддислардан ҳам сабоқ олган. Тарих фанлари доктори У. Уватов ёзганидек, «имом аш-Шошийнинг устозлари жуда кўп бўлиб, эллиқдан ортик машҳур олиму машойихлардан ҳадис ўргангани хақида аник маълумотлар бор. Унинг энг машҳур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, маккалик Абу-л-Ҳасан ал-Бағовийларни кўрсатиш мумкин». Шу ўринда, Хайсам ибн Кулайб Шоший устозларидан энг машҳурларини алоҳида эслаб ўтишни лозим деб топдик:

Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Қасор ал-Абасий ал-Куфий (ваф. 279 /892).

Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Муоъз Абу Муслим ал-Кажий ал-Басрий (ваф. 292 /905).





Ахмад ибн Хозим ибн Абу Фарза Абу Амр ал-Куфий (ваф.276 /890).

Ахмад ибн Зуҳайр Абу Ҳайсама ибн Ҳарб Абу Бакр ан-Насоий ал-Бағдодий (ваф. 279/892).

Ахмад ибн Али ибн ал-Фазл Абу Жаъфар ал-Хаззоз ал-Мукрий (ваф.286 /899).

Ахмад ибн Мулоиб ибн Ҳайон Абу ал-Фазл ал-Бағдодий (ваф.275 /889).

Ал-Хорис ибн Муҳаммад ибн Абу Асома Дохир Абу Муҳаммад ат-Тамимий ал-Бағдодий (ваф.282 /897).

Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Абу Исо ат-Термизий (ваф.279 /892).

Муҳаммад ибн Юнус ибн Мусо ибн Сулаймон ал-Кадимий ал-Басрий (ваф. 286/899).

Яхё ибн Абу Толиб Жаъфар ибн аз-Забарконий (ваф.275 /889).


Йирик тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг «Сийар аълом ан-нубало» («Олижаноб алломаларнинг сийратлари») асарида: «Ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший мовароуннаҳрлик таникли ва ишончли муҳаддис, сайёҳ (у жуда кўп шаҳарларни кезган – Н.М.), хофиз (ўша даврда йигирма минг ҳадис ёдлаган киши «хофиз» номи ила улуғланган – Н.М.), адиб бўлган», – деб гувоҳлик беради.

Машҳур библиограф Ёқут ал-Ҳамавийнинг ҳам хабар беришича, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший имом, хофиз, сайёҳ, муҳаддис ва адиб бўлган. Адаб илмидан Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Муслим ибн Кутайбадан Бағдодда тахсил олган. Баъзи манбаларда аш-Шошийнинг адиб деб таърифланишидан у адабиётга оид асарлар ҳам яратган бўлиши керак. Келажакда унинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бу масалага аниқлик киритади, деб ўйлаймиз.

Муҳаммад ибн Тохир ибн ал-Қайсароний «Тазкират ал-хуффоуз» («Ҳофизлар тазкираси») асарида шундай ёзган: «Аш-Шоший – ал-Ҳофиз ишончли муҳаддис – Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайх ибн Маъкилий аш-Шоший Мовароуннаҳр муҳаддиси бўлиб, «Муснади кабир» асарининг муаллифидир».

Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ишончли муҳаддис бўлганлиги ва унинг «Ал-Муснад» («Муснад ал-кабир») асари тўғрисида олимнинг номи зикр этилган деярли барча манбаларда эътироф этилган. Жумладан, биз фойдаланган манбаларда Ҳайсам ибн Кулайб Шоший «Имом, хофиз, ишончли муҳаддис ва «Муснад ал-кабир» муаллифи» сифатида ёзилган. Шамсуддин аз-Заҳабий ўзининг кўп асарларида Ҳайсам ибн Кулайб Шошийни зикр этган. Шунингдек, «Табакот ал-муҳаддисин» («Муҳаддислар табақалари») асарида қуйидагича ёзган: «Ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший хофиз бўлиб, «Муснад» асари муаллифи(сохиби)дир». Юқоридаги фикрлар Ҳайсам ибн Кулайбнинг Мовароуннаҳр муҳаддиси Имом Шоший сифатида бутун дунёга машҳур бўлганини кўрсатади. Ўрта аср араб муаллифлари унинг номини «Имом аш-Шоший» дея эҳтиром билан тилга олиб, уни ҳадис илмининг буюк алломаларидан бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Имом аш-Шоший кўп шогирдлар етиштирган. Улар орасида Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаконий, Абулқосим Али ибн Ахмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Хузозий, Абу Наср ал-Бухорий ал-Қалабозий, Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ас-Самарқандий каби таникли олимлар борлиги қатор манбаларда қайд этилган. Шунингдек, собиқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари диний бошқармаси раиси, марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон



хазратларининг таъкидлашича, шошлик буюк аллома Абу Бакр Қаффол Шоший ҳам Хайсам ибн Кулайб Шошийнинг шогирдларидан бўлган.

Имом аш-Шоший илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, чунки унинг кўп шогирдлари мана шу шаҳарларда яшаганлар. Хусусан, Хайсам ибн Кулайб Шошийдан аллома, шофиъиянинг шайхи Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Басир, имом, хофиз, сайёҳ, муҳаддис Абу Абдуллоҳ ибн Манда, имом, хофиз Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Рустам ал-Бухорий ал-Қалабозий, Абулфазл Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ал-Қоғазий, Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ас-Самарқандий ҳадис илмини ўрганишган ва ундан ҳадислар ривоят қилишган.

Шамсуддин аз-Заҳабий имом аш-Шошийни 335/947 йилда Самарқандда вафот этган деб хато кўрсатган. Аслида, имом аш-Шоший умрининг охириги йилларида Бухорода истикомат қилиб, кейин Шошга қайтиб келган ва 335/947 йили шу шаҳарда вафот этганлиги қатор ишончли манбаларда қайд қилинган.

«Муснад» асари хақида


Имом аш-Шошийнинг «Ал-Муснад» («Ал-Муснад ал-қабир») номи асари ҳадис илмига бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашк шаҳридаги «Аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашкдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мактабат ал-Асад» номи кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма 558/1163 йилда ҳаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган. Ушбу қимматли асар Дубай шаҳридаги «Марказ ад-даъват ва-л-иршод» аъзоси, йирик ҳадисшунос олим, доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилдда Мадинаи мунавварада нашр этилган. Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ томонидан ҳар тарафлама муқаммал илмий асосга таяниб бажарилган ушбу нашр, шубҳасиз, бундан минг йиллар муқаддам буюк ватандошимиз Имом аш-Шоший ҳазратлари яратган улкан илмий-маънавий меросни ўрганишда катта аҳамиятга моликдир. Доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳ Имом Абу Саъид Хайсам ибн Кулайб Шошийнинг «Ал-Муснад» асарини тадқиқ этиш натижасида ушбу китоб айнан Хайсам ибн Кулайб Шоший қаламига мансуб эканлигини қуйидагича асослаб берган:

1. Бу китобда мавжуд ҳар бир ҳадиснинг исноди ал-Хайсам ибн Кулайбнинг шайх(устоз)ларидан бошланиши, яъни Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Ҳотам ар-Розий, Исо ибн Аҳмад ал-Балхий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шоқир ва бошқалар.

2. Китобдаги ҳадислар иснодида Абу Саъид ал-Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший шогирдларининг бўлиши, масалан, Абулқосим Али ибн Аҳмад ал-Хузобий ва Абулқосим Аҳмад ибн Абу Мансур ал-Халилий.

Шунингдек, доктор Маҳфуз ар-Раҳмон Зайнуллоҳнинг таъкидлашича, бу асар асли 15 жилддан иборат бўлиб, биз фойдаланаётган «Ал-Муснад» китоби 7-жилддан бошланган. Лекин бешинчи, олтинчи жилдларнинг охириги саҳифалари топилган. Ундаги ҳадисларнинг ҳаммаси Али (р.а.)га тегишлидир. Асарнинг қолган топилган қисмларини ўқиб бўлмайдиган даражага етиб қолганлиги учун уларни таҳрир қилиш мушкул.





Ислом оламида ҳадис илмига доир «Саҳих», «Муснад» ва бошқа турдаги кўплаб асарлар ёзилган. Уларни ёзишда муаллифлар турли услубларни қўллашган. Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ҳам «Муснад» асарини ёзишда ўзига хос йўлни тутди. Муаллиф ҳадисни тўғри ёки тўқималигига қараб эмас, балки саҳобаларга қараб жойлаштирган. Бунда аввал жаннат башорати қилинган 10 та саҳобанинг ҳадисларини таълиф этган. Ўз навбатида, ҳар бир саҳобанинг ҳадисини алоҳида-алоҳида қилиб келтирган.

Мазкур китобнинг мавзуси унинг «Ал-Муснад» номидан маълум бўлиб, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший уни саҳоба муснадлири бўйича тартиблаган ва ҳар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни жамлаган. «Ал-Муснад» китобида ҳадислар куйидаги услубда берилган:

- аввал тўрт (чаҳорёр) халифанинг муснадлири, кейин жаннат башорати келган ўнта саҳоба ҳамда бошқа саҳобаларнинг ҳадисларини алифбо тартибида келтирган;
- муаллиф, баъзи ҳолларда, саҳобанинг қисқача таржимаи ҳолини айтиб ўтади. Баъзида эса унинг фақат исми, қуныси ва нисбаси билан чекланади;
- саҳобаларнинг иснодларини улардан ривоят қилинган тартибга қўра жойлаштирган;
- ҳадисларни ривоят қилишда уларнинг иснодлари, матнлари тўғрисида сўз юритилмаган. Айрим ҳолларда ҳадиснинг исноди, матни тўғрисида тўхталиб ўтилган;
- муаллиф ҳадисларни саҳих ёки ҳасанга ажратмай, уларни аралаш ҳолда берган. Барча ҳадисларни аниқ баён этган;

– айрим ҳадисларнинг исноди бир хил бўлса, ҳадис матнини келтириб, «мислаҳу» ёки «наҳваху», яъни «унга ўхшаш», «унга тегишли» каби сўзларни келтириш билан чекланган.

Мухими, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший «Муснади Шоший» асарида ҳадисларни аниқ баён этган. Расулulloҳ (с.а.в.): «Мусулмонни сўкиш фосиклик, ўлдириш эса кофирликдир», – дедилар. Демак, бирор кишини ҳақорат ва мазах қилиш, айниқса, сўкиш фосиклик аломати экани ушбу ҳадисдан яққол кўриниб турибди. Айнан шу мазмундаги ҳадисларни асардан келтириш мумкин. Жумладан, 602-ҳадисда шундай ёзилган: «Аҳмад ибн Хозим, Авн ибн Солим, Абу Бакр ан-Накшалий, ал-Аъмашдан, у Шакиқдан, Шакиқ Абдуллоҳдан, Абдурахмон Сафога юзланиб: «Эй, тил! Яхши нарсаларни айт, мукофот оласан. Пушаймон қилишингдан олдин жим тур, тинч бўласан». Шакиқ деди: «Бу сен эшитган нарсамми?!» У деди: «Расулulloҳ (с.а.в.)дан одам болаларининг аксар гуноҳи тилидан бўлади», – деганларини эшитганман».

Умуман олганда, имом Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший қаламига мансуб «Ал-Муснад» китобида инсонларни одоб-ахлоқ, меҳр-окибат, ҳалоллик, поклик, адолат, имон-эътиқодга даъват этувчи ҳадислар билан бир қаторда кишиларни қотиллик, разолат, фитна-фасод, зулм каби иллатлардан қайтарувчи ҳадислар ҳам кенг ифодасини топган.

Неъматулла МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди





МАҲМУД ИБН ЗАЙД АЛ-ЛОМИШИЙ (1049–1128)

Таъкидланганидек, ўрта асрларда диёримиздан кўплаб буюк муфассирлар, муҳаддислар, мутакаллим факихлар етишиб чикиб, оламшумул аҳамиятга молик бой илмий-маънавий мерослари билан донг таратганларки, бу калбимизни ғурур-ифтихорга тўлдирди. Истиклолимиз шарофати билан уларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга ошириляпти. Лекин ҳали бу жаҳҳада кўп ишлар қилиниши керак. Бу ҳайрли ва муҳим соҳанинг диққатга сазовор яна бир томони шундаки, бизнинг буюк аждодларимиз яратиб кетган меросни ўрганишга хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш катта. Бу фикримизга далил сифатида гўзал Фарғонанинг Ломиш қишлоғидан чиққан йирик олим Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломиший ҳақидаги тадқиқотни кўрсатиш мумкин.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Ломиш қишлоғидан бир қанча олимлар – ал-Ломишийлар етишиб чиққан бўлиб, икки нафари, айниқса, алоҳида шуҳрат қозongan. Уларнинг бири Абу ас-Сана Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломиший бўлиб, у ханафий мазҳаби бўйича йирик мутакаллим ва факих сифатида танилган. Иккинчиси эса, ҳадисшунос олим ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абулқосим Имоуддин ал-Ломиший деб аталиб, у 441 1049 йилда Ломиш қишлоғида туғилган ва 522 1128 йилнинг рамазон ойида Самарқандда вафот этган. Икковлари ҳам ал-Ломиший иебаси билан аталгани ва давр жиҳатдан деярли бир асрда яшаб, фаолият кўрсатганлари бонес, баъзи олимлар ўз асарларида уларни бир-бири билан чалкаштириб, хато маълумотларга ҳам йўл кўйганлар.

Биз ушбу мақолада ҳаёти ва асарлари ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломиший, айтилганидек, Фарғонанинг Ломиш қишлоғида туғилган. Афсуски, ёзма манбаларда у ҳақда ғоят кам маълумотлар берилган, ҳатто унинг таваллуд ва вафот этган йиллари ҳақида ҳам аниқ сана кўрсатилмай, олимнинг хижрий бешинчи (милодий ўн биринчи) асрнинг охирлари ва олтинчи (ўн иккинчи) асрнинг бошларида яшаб ўтганиги қайд этилган. Гарчанд олимнинг ҳаётига доир маълумотлар (ҳозирча) шу даражада кам бўлса-да, лекин унинг каламига мансуб икки муҳим асари ҳақида муфассалроқ баён қилиш имкониятига эгамиз. Гап шундаки, бундан бир неча йиллар муқаддам Франциянинг пойтахти Париждаги илмий тадқиқотлар миллий марказининг бўлим мудри доктор Абдулмажид Туркий ўз илмий қизиқишлари юзасидан Истанбулдаги нодир ёзма ёдгорликлар сақланадиган Сулаймония кутубхонасидаги қўлёзмалар билан танишиш пайтида тасодифан имом ал-Ломишийнинг икки кита асарининг иккитадан қўлёзмасига дуч келади. Бу қўлёзмалардан бири имом ал-Ломишийнинг илоҳият масалаларига бағишланган «Китоб ат-тамҳийд ли-кавоъид ат-тавҳийд» («Тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги) қондаларига доир қўлланма китоб») деб аталиб, унинг титул varaғида муаллиф ҳақида «ал-имом ал-аллома шайху-л-ислом ал-Ломиший» деб ёзилган. Қўлёзмаларини иккинчиси эса фикх (ислом қонушунослиги) асослари ҳақидаги «Китоб фи усул ал-фикх» номли асар эди. Доктор Абдулмажид Туркий томонидан Истанбул кутубхонасидан имом ал-Ломиший каламига мансуб бу икки қўлёзманинг топилиши том маънода тарихий бир кашфиёт эди. Чунки бу асарлар яратилгандан буён ўтган саккиз аср мобайнида на мутакаллимларнинг асарларида, на Шарқ олимларининг таржиман ҳоллари келтирилган





библиографик тарздаги асарларда бу манбалар бирор марта эслатилган. Шунингдек, замонавий тадқиқотчилардан биронтаси ҳам у ҳақда ҳеч бир маълумот келтирмаган. Кутилмаганда, имом ал-Ломинийнинг калом ва фикх илмларига бағишланган икки қимматли асарини кашф қилган доктор Абдулмажид Туркий ушбу қўлёзмалар устида кенг қўламда илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, уларнинг танқидий наشرини тайёрлади. Натижада, 1995 йилнинг ўзидаёқ «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» ҳам, «Китоб фи усул ал-фикх» ҳам бирин-кетин Ливаннинг пойтахти Байрутдаги «Дор ал-ғарб ал-исломий» матбаасида чоп этилди.

Маълумки, ислом динидаги ақидавий масалаларни ёритиш ҳар қандай даврда ҳам олиму уламоларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мовароуннаҳр диёрида ақида масалаларига бағишланган дастлабки асарлардан бири мотуридия таълимотининг асосчиси имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг (870–944) «Ат-Тавхийд», «Таъвийлот аҳл ас-сунна» каби мусаннафолари эди. Ундан кейин ҳам бу йўналишда қатор олимлар самарали фаолият кўрсатганлар. Шулардан бири, аввалги мақолаларимизда эслатганимиз – имом ал-Мотуридийнинг маънавий шоғирди, ал-мотуридия ақидасининг бутун дунёда кенг қўламда тарқалишида миселсиз хизмат кўрсатган буюк мутақаллим Абу-л-Муъин ан-Насафий (1027–1114) бўлиб, у ўзининг «Табсират ал-адилла фи усул ад-дийн аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий», «Баҳр ал-калом», «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» каби асарларида калом илмининг долзарб масалаларини кенг ёритган эди. Имом ал-Ломиний ҳам ўз асарларида айнан шу олимларга ва шунингдек, мовароуннаҳрлик бошқа таниқли олимларга таяниб фикр юритади. Доктор Абдулмажид Туркийнинг ёзишича, Абу-л-Муъин ан-Насафий, эҳтимол, ал-Ломинийнинг устозларидан бири бўлган. У бу фикрига далил сифатида ал-Ломинийнинг «Усул ал-фикх» асарида Абу-л-Муъин ан-Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарида айнан кўчирган баъзи ўринларини қиёсий келтиради. Имом ал-Ломинийнинг «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» асари аҳли сунна ва-л-жамоат ақидасининг қонун-қондаларини ғоятда оммабоп ва енгил услубда шарҳлаб тушунтирадиган ўта муҳим қўлланмадир. Кенгрок маънода айтиладиган бўлса, у илоҳиёт илмига оид долзарб масалалардан баҳс юритадиган қимматли асарлардан бири ҳисобланади.

Мавриди келганда, Абу-л-Муъин ан-Насафий ва имом ал-Ломиний муносабатларига бир қадар гўхғалиш лозим кўринади. Доктор Абдулмажид Туркий ан-Насафийнинг ал-Ломинийга устозлиги ҳақида узи-л-кеси-л ёзмаса-да, ал-Ломиний ўз асарида Насафийни устоз (шайх) деб зикр қилади ва унинг асарида бевосита иқтибослар келтиради. Таажжубланарли ҳомони шундаки, ал-Ломиний ан-Насафийнинг фақат йирик асари «Табсират ал-адилла»дан фойдаланган, ваҳоланки, ан-Насафий ҳам илоҳиёт масалаларига оид «Китоб ат-тамхийд ли-кавоъид ат-тавхийд» номли асар ёзган, лекин ал-Ломиний бу асардан фойдаланиш у ёқда гурени, балки уни зикр ҳам қилмаган. «Баҳр ал-калом» асари ҳақида ҳам айнан шу фикрнинг айниши мумкин. Бу ҳақдаги арзирли маълумотлар келгусидаги изланишлар натижасида аниқланади, деган умиддамиз. Ал-Ломиний ўз асарида уша даврда мавжуд бўлган гурин-гуман диний тоифалар ва гуруҳлар – марқонлар, мужассамалар, дайсонийлар, қарромийлар ва бошқаларга таъриф беради ва уларнинг қарашларига ўз муносабатини баён қилади.





Юкорида келтирилганлардан аён бўлмоқдаки, узок ўтмишда яшаб фаолият кўрсатган буюк аждодларимиз илм-фаннинг турли соҳалари каби калом ва фикх илмлари бобида ҳам кимматли асарлар ёзиб қолдирганлар. Уларни илмий асосда чуқур ўрганиб, кенг халқ оmmasига етказиш олимларимиз олдида турган шарафли вазифалардан ҳисобланади.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЛ-ҲАКИМ АС-САМАРҚАНДИЙ (ваф. 953)

Шайху-л-ислом ал-Ҳаким ас-Самарқандий номи билан машҳур бўлган олимнинг тўлиқ исми Абу-л-Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий бўлиб, у ўз замонасининг машҳур ҳадисшуноси, фикхшуноси, мутақиллими ва воизи сифатида бутун мусулмон оламида танилган эди. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган араб тилидаги манбаларда олимнинг таваллуд йили ҳақида ҳеч қандай сана кўрсатилмаган. Аммо унинг вафоти ҳақида барча ёзма манбаларда 953 милодий йили қайд этилиб, Самарқанднинг машҳур Чоқардиза қабристонида дафн этилганлиги таъкидланади.

Ал-Ҳаким ас-Самарқандий илм-фан тараккий қилган даврда, унинг кайнок ўчоқларидан бўлмиш Самарқандда таваллуд топади. Ёзма манбаларда кўрсатилишича, ёшлигидан илм-маърифатга қатта кизиқиш билан интилган ал-Ҳаким, ўз замонидаёқ қатта шухрат қозонган буюк алломалар Абу-л-Ҳасан Али ар-Рустуғфоний, Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Бакр ал-Варроқ, Муҳаммад ибн Хузайм ал-Қаллос, Абу Наср ал-Ййодий, Абдуллоҳ ибн Саҳл ар-Розийлардан сабоқлар олади. У мазкур олимлардан тафсир, ҳадис, айникса, фикх ва калом илмларидан чуқур таълим олган ва йирик олим даражасига етишган.

Таникли олмон тадқиқотчиси Ульрих Рудольф ўзининг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» номли китобида аллома ҳақида кўп маълумотлар келтиради. Унинг ёзишича, ўша давр ҳукмдорларидан Исмоил ибн Аҳмад (892–907 йилларда ҳукмронлик қилган) Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннаҳрнинг шаҳарларидан олимларни қорлаб, уларни ақидавий масалаларни тўғри талкин қиладиган мукаммал, ягона қоидалар мажмуасини яратишга даъват этган. Бу том маънода фойдали маънавий, маърифий дастурсимон мажмуани тасниф этишдан кўзланган мақсад – минтақада илдиз отишга улгуриб, муборак ислом дини мазмун-моҳиятини бузиб талкин қиладиган турли оқим ва тоифаларни бартараф қилиш эди. Амалда эса бу бир пайтнинг ўзида ханафий таълимоти ҳам уламолар, ҳам ҳокимларнинг икки ёқлама нуфузига таянгани учуноқ қатта аҳамият касб этиши қафолатланган қатъий қоидалар мажмуига ҳам эга бўлмоқ лозим, деган гап эди. Шунга кўра, йиғилган олимлар томонидан бундай қоидалар мажмуасини яратиш зиммасига юклатилган шахс ҳам шунга муносиб равишда умумхалқ томонидан тан олинган нуфузли олим бўлмоғи лозимлиги табиий талаб эди. Бу ўта шарафли ва айни вақтда қатта масъулиятли вазифа ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг зиммасига юкланди. Чунки у кўпгина






диний масалаларнинг чуқур билимдони, бидъатга қарши муросасиз курашчи сифатида катта ҳурматга сазовор, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган таниқли олим бўлиб, буни унинг фикх соҳасида эгаллаб турган лавозими ҳам тасдиқларди. Зеро, у ўзининг она шаҳри Самарқандда узок йиллар бош кози лавозимида фаолият кўрсатган.

Ал-Ҳаким ас-Самарқандийга юклатилган вазифа фикх ёки тасаввуф соҳаларидан кўра, мохият-эътибори билан, кўпроқ илоҳиёт масалаларига тегишли эди. У ханафий таълимотининг асосий хусусиятларини акс эттирган ҳамда барча учун бирдек тушунарли, оммабоп бўлган қоидалар мажмуасини яратмоғи лозим эди. Унинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларининг махсули сифатида юзага келган асар, кейинроқ, қисқача «Китоб ас-савод ал-аъзам» номи билан машҳур бўлиб, тўлиғича «Радд аъло асхоб ал-ахво ал-мусаммо китоб ас-савод ал-аъзам аъло мазҳаб ал-имом Абу Ҳанифа» деб аталади. Олимнинг мазкур асари унга юклатилган талабларга тўла жавоб берган кўринади. Чунки бу кимматли асар ўша асрнинг ўзидаёқ форс тилига ўгирилиб, кенг кўламда ўқиладиган ҳамда дарслик сифатида фойдаланиладиган кимматли манбалардан бирига айланган. Шунингдек, унинг дастлабки арабча матни усмонли турклар даврида китобат этилган бўлиб, булардан ташқари, унинг Қоҳира (1837), Истанбул (1870, 1886, 1894) нашрлари ҳам мавжуд. Ҳозирги замон турк тилига қилинган таржимаси Ойини Афанди Булғорий томонидан 1842 йилда Булоқда нашр этилган. Асар 1887 йилда Қозонда ҳам нашр этилиб, 1881 йилда татар тилига қилинган таржимаси ҳам чоп қилинган. Шунингдек, «Ас-Савод ал-аъзам» А. Ҳабибий томонидан форсчага ҳам таржима қилиниб, 1969 йилда Техронда нашрдан чиққан. Бундан қарийб 30 йил муқаддам эса тадқиқотчи Ф.О.А. Умар томонидан Эдинбургда докторлик диссертацияси сифатида тадқиқ этилиб, инглиз тилига ҳам таржима қилинган.

Юқорида қайд этилганидек, ал-Ҳаким ас-Самарқандий яшаган даврларда мусулмон оламининг турли томонларида, жумладан, Мовароуннаҳр ўлкасида ҳам турли хил оқим ва фиркалар пайдо бўлади. Улар ислом динини бузиб талқин қилиб, нотўғри ақидалар тарқатишар, бунинг натижасида, кўп мусулмонлар хидоят йўлидан оғиб, ҳақиқий исломий ақидалардан узоклашиб қолган эдилар. Адашган ва бошқаларни ҳам залолат йўлига бошлаган турли фирка ва оқимларнинг нотўғри, зарарли қарашларига қарши буюк имом Абу Мансур ал-Мотуридий билан биргаликда у зотнинг сафдоши ва шогирди ал-Ҳаким ас-Самарқандий ғоявий кураш бошлаб, тарқала бошлаган бузук мафқураларга кескин зарба берадилар.

Ас-Самарқандийнинг энг асосий асари, шубҳасиз, «Ас-Савод ал-аъзам» бўлиб, у IX–X асрларнинг туташ давридаги Мовароуннаҳр ханафийларининг илоҳият масалаларига оид қарашларини акс эттиради. Асар илоҳиётнинг айрим асосий масалалари билан чекланиб қолмайди. Имоннинг таърифи, гуноҳкорнинг ҳолати, тақдир ёки нариги дунё ҳисоб-китоби каби кўриб чиқилиши одатий бўлган масалалардан ташқари, олим яна кўп мавзуларга тўхталади. Аллоҳ ва унинг сифатлари, шунингдек, Қуръон яратувчисининг қудрати, Қуръоннинг манбалари, эсхатология ва такво, авлиёларни ҳурмат қилиш ва зоҳидлик, Пайғамбар саҳобаларига иззат, жамоалар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва, хатто, фикх илмининг ўзига хос муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, ушбу асарда диний муҳолифлардан иқтибослар олинган ҳолларни ҳам учратамиз. Бирок бу ўринларда муайян файласуфларнинг айрим аниқ ғоялари



равшан ифодаланмайди, балки улар ниҳоятда умумий кўринишда тақдим этилади. Муаллиф ўз таълимотини муҳимроқ билиб, уни батафсил баён этади. Бу ўринда ўқувчи бир муаммога дуч келиши шубҳасиз. Гап шундаки, ал-Ҳаким бир-бирига ёндош мавзуларни алоҳида гуруҳларга ажратиб, яъни муайян давомийликда кетма-кет жойлаштирилган фаслларга бирлаштириб таҳлил этишдан, чамаси, онгли равишда воз кечган. Ўқувчининг диққатини кўпроқ жалб қилиш мақсадида бўлса керак, бир мавзудан иккинчисига сакраш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, нймон тўғрисидаги мақоладан кейин жамоа тўғрисидаги иккита мақола, ундан кейин эса яна нймон тўғрисидаги бир мақола келтирилади. Шунинг учун, алоҳида саволлар туркуми ҳақидаги тасаввуримиз мутолаа жараёнида аста-секин шакллана боради ва охирига келиб баъзи ўринларда қўшилмаган оҳанслар касб этади. Бир қарашда, китоб фаслларини мавзулар бўйича туркумлаш унинг мазмунини англашнинг осонлаштиради. Бирок бундай ёндашув рисоладан олинган таассуротни сезиларли даражада белгилловчи ўзига хос жиҳатларнинг йўқолишига олиб келган бўлур эди. Нима бўлганда ҳам, олимнинг вазифаси ўша даврда Мовароуннаҳрдаги жами мусулмонлар учун батафсил ва ҳаммабон қўланма яратиш эди. Баъзи манбаларда кўрсатилишича, ал-Ҳаким ас-Самарқандий илмий-маънавий меросида «Ас-Савол ала-азам» билан бир қаторда «Ал-Ўлтикод» номли китоби ҳам бўлиб, бу асар ҳам ҳозирги вақтгача бу гул дунё олиму улаомларининг диққат марказида бўлиб келимоқда.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АБУ ЗАЙД ДАБУСИЙ (978–1039)

Абу Ханифанинг мумтоз шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан Прок йўналиши бўйича фикх илмини ўрганган факих Абу Ҳафс Кабийр (768/832) IX асрда ўз ватанига қайтгач, Бухорони фикх илми марказига айлантирди ва кўп сонли шогирдлар тарбиялаб, камолга етказди.

Фикх илмини Муҳаммад ибн Ҳасанининг салоҳиятли шогирди, машхур факих ва муҳаддис Абу Сулаймон Жўзжонийдан ўзлаштирган Абу Бакр Жўзжоний ва унинг шогирди Абу Мансур Мотуридний каби бир гуруҳ буюк факих ва мутақаллимлар X асрда Самарқанд шаҳрини Мовароуннаҳрда ханафий мазҳаби ривожининг иккинчи марказига айлантирдилар. Фикх илми, айниқса, ханафий мазҳаби ушбу икки марказдан Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларига тарқалиб, шаръий илмларнинг асосий соҳаларида юзлаб иқтидорли олимларнинг етишиб чикишига сабаб бўлди. Агар Форобий, Беруний ва Ибн Синолар назарий ва амалий фанларни юқоқ чўққиларга кўтариб, Ғарб ўлкаларига ушбу фанлардан кен қўламда фойдаланиш учун шарон яратиб берган бўлсалар, Шамсу-л-аннума Сараҳсий халқаро ҳуқук мавзуда бундан ўн икки аср муқаддам ёзилган Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг халқаро ҳуқук бўйича йирик асари «Ас-Сияру-л-кабийр»ни шарҳлаб, дунёга танитди. Имом Абу Мансур Мотуридний пелом оламида аҳли суннага мансуб иккинчи қалом мактабига асос солиб, ханафий мазҳабининг пойдеворини мустаҳкамлади. Имом Бурхониддин Марғиноний XII асргача пелом ҳуқуқшунослиги соҳасида тўнланган



илмий ютуқларни мужассам этган ноёб илмий асари «Ал-Ҳидоя»ни яратди. Ушбу даврнинг исломий илмлар тамаддунига муносиб ҳисса қўшган йирик фақиҳларидан яна бири Абу Зайд Дабусий эди.

Дабусийнинг илмий мақоми ва асарлари

Йирик ҳуқуқшунос олим Абу Зайд Убайдулло ибн Умар ибн Исо ал-Қозий ад-Дабусий Бухоронинг етти машҳур қозиси (қуззоти сабъа)дан бири, ҳанафий мазҳабининг салоҳиятли вакили ва раиси эди. У Бухоро ва Самарқанд оралиғида жойлашган Дабусия қишлоғида туғилиб вояга етган ва 63 йиллик сермахсул ҳаётидан кейин 430 1039 йил Бухорода ҳаётдан қўз юмиб, имом Абу Бакр Тархон макбараси яқинида дафи этилган. Абу Зайд Дабусийни маҳсуе ўрганаётган талқикотчи З. Нажмиддиновнинг аниқлашича, у 367 978 йилда туғилган.

Дабусий фикх илмини икки буюк фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорий ва Абу Бакр Жассосининг шогирди бўлмиш Абу Жаъфар ибн Абдулло Уструшаний (Аструшаний)дан ўрганиб фикх, усул, ҳилоф, жадал ва тасаввуф илмлари бўйича иккидорли олим даражасига кўтарилди. Унинг илмий салоҳияти ва генезис несеъдоди барча олимлар томонидан эътироф этилган. «Вафаъту-л-аъён», «Тоҷу-л-тароҷим», «Ал-Жавоҳиру-л-музия» ва «Ал-Фавоиду-л-бахия» китобларида зикр этилишича, у ҳар доним Бухоро, Самарқанд шаҳарларида машҳур ва танқисли олимлар билан мунозара олиб борган.

Абу Зайд Дабусий ҳанафий мазҳабни бўйича қимматли асарлар муаллифи бўлиб, бундан саккиз ярим аср муқаддам «илму-л-ҳилоф» (ҳилоф илми) - ислом ҳуқуқи бўйича қиссий ҳуқуқшунослик фанига асос солган олим эди. У ўзган китоблар қуйидагилардан иборат:

«Таъсиесу-н-назар» («Қарашларни асослаш»);

«Таквиму-л-адилла» («Далилларни баҳолаш»);

«Китобу-л-асрор фи-л-усул ва-л-фуруъ» («Фикх илми асослари ва тармоқлари сирлари ҳақида китоб»);

«Ал-Амаду-л-аксо» («Энг олис мақсад»);

«Хизонату-л-худо» («Ҳидоят хазинаси»);

«Шарҳ ал-Жомийъ ал-қабийй» («Жомийъу-л-қабирнинг шарҳи»);

«Ал-Анвор фи усули-л-фикх» («Фикх асосларини очувчи нурлар»);


«Ан-Нузум фи-л-фатово» («Фатволардаги тартиб-қоидалар»);

«Тажнису-д-Дабусий» («Дабусийнинг тартиб ва таснифи»);

«Ат-Таълика» («Ҳошния»).

Қўрастиб ўтилган ўнга асардан тўрттасининг қўлёзма нусхалари турли қутуб-хоналарда мавжуд бўлиб, улардан баъзилари қисман, биринчи ва иккинчиси муқам-мал ҳолда нашр этилган. Кейинги олти китоб манбаларда зикр этилган бўлса ҳам, бизгача етиб келмаган, деб ҳисобланади.

Дабусий мазҳаб соҳасида ижтиҳод ва таҳриж (ҳукмларни манбадан чиқариб олиш) салоҳиятига эга бўлган хурфиқр олим эди. У Ўрта Осиё фақиҳлари орасида ўзига ҳос илмий услуби ва фалсафий тафаккури билан ажралиб турган ва шухрат қозонган. Дабусий фикх илми, ҳанафий мазҳабни такомилли ва бошқа фанлар ривожига қатта ҳисса қўшди ва юқеак илмий аҳамиятга молик асарлари билан ўз номини



абадиятга муҳраб қолдирди. Унинг фанга қўшган хиссасини усулу-л-фикх, хилоф илми, фуруъу-л-фикх ва тасаввуф соҳаларида кўриш мумкин.

Маълумки, усул илми шариат ҳукмларини унинг манбалари (Қуръон, сунна, ижмо ва киёс)дан истинбот қилиш (чиқариб олиш) учун методология вазифасини бажаради. «Ҳуқуқ терминологияси» китобида таъкидланганидек, ҳозирги давр ҳуқуқшунослик фанларида «ҳуқуқий муаммоларни ечиш бўйича ҳуқуқ илмининг умумий муқаддимаси» деб аталган фандан методик фан сифатида фойдаланилади. Ушбу фан оғир ва мураккаб бўлса ҳам, муаммоларни амалиёт ва суд жараёнидаги воқеликларга таянган услуб асосида ўрганади.

Абу Зайд Дабусий асарлари усул илми ривожида бурилиш ясади, десак муболага бўлмас. У кўп муаллифлардан фаркли равишда хилоф илмига усул илмининг муҳим бир шубҳаси деб қаради. Ўз асарларида, айниқса, «Таквиму-л-адилла» китобида киёс методининг имкониятларини, унга тегишли барча муҳим ва мураккаб атамалар, қонун-қоидаларни изоҳлаб берди. Ибн Халдун бу олимнинг хизматларини шундай таърифлаган эди: «Ханафий имомларидан Абу Зайд Дабусий киёс бўйича барчадан кўра кенг қўламли асарлар ёзди, киёсга тегишли бўлган барча баҳс-мунозараларга яқун ясади. Шу йўсинда усулу-л-фикх илми муқаммал даражасига кўтарилиб, унга тегишли масалалар ўз ечимини топди, қоидалари тартибга келтирилди». Ибн Халдуннинг эътирофича, ханафий йўналишида салаф (аввалги) имомлар орасида энг яхши асар ёзган Абу Зайд Дабусий ва халафлар (кейинги давр олимлари) орасида эса Сайфу-л-ислом Баздавий бўлган. Абу Зайд Дабусийнинг муҳим асарларини куйида қисқача таърифлаб ўтамыз.


1. «Таквиму-л-адилла». Дабусийнинг усул ва хилоф илмларига тегишли тўртта муҳим асари бор. Улар «Таквиму-л-адилла фи усули-л-фикх», «Таъсису-н-назар», «Китобу-л-асрор фи-л-усул ва-л-фуруъ» ва «Ат-Таълиқа»дан иборат. Бу китоблар орасида «Таквиму-л-адилла»нинг ўрни ўзига хос. Асар 2001 йили Шайх Халил Муҳйиддин ал-Малис тадқиқ ва тасҳиҳи билан Байрутдаги «Дору-л-кутуби-л-илмия» муассасаси томонидан чиройли шаклда чоп этилган. Ҳажми – 472 бет.

Китобнинг сўзбошисида Халил ал-Малис бундай ёзади: «Шофийий олимларидан Имом Самъоний (1113-1167) ушбу китобдан унумли фойдаланиб, «Қавотиъу-л-адилла» («Қаъгий далиллар») номли асарини ёзган. Олим Дабусий изидан бориб, унга бағишланган, «Ижтиҳод фасллари» деб аталган мустақил бобда бундай деган: «Қози Абу Зайд Дабусий усулу-л-фикх бўйича ёзган «Таквиму-л-адилла» номли китобига ҳозирги даврда фақиҳлар учун зарур бўлган ва бошқа усул китобларида топилмайдиган фасллари киритган».

Китобнинг иккинчи жилдида (368-408 бетлар) у Дабусий сўзларини давом эттирган. Бундай ёндашув муаллиф фикрлари қай даражада чуқур мазмунли ва оҳорли эканлигининг далилидир.

Ал-Малиснинг таъкидлашича, ушбу китоб қўлёзма нусхаларидан бирининг хошиясида Қози Дабусий вафоти муносабати билан Абу Али Ибн Сино томонидан ёзилган марсия берилган. Таржимаси: «Агар бутун қонот кўксини йиртиб, қўллари билан юзига уриб, қон йиғлаб мотам тутган кишидек тасаввур қилинса ҳам, Қози Абу Зайдга муносиб аза тутиш ҳаққи адо қилинмаган бўларди». Араб тилида ёзилган мазкур рубонийда Абу Али ибн Сино Абу Зайд Дабусий вафотидан қанча таъсирланиб,





дарду аламга ботганлиги ва унинг илмий мақомига бўлган муносабати сезилиб туради. Уни жаҳон микёсида кадр кимматга эга бўлган аллома сифатида ҳурмат қилиб, вафотини жаҳон микёсида юз берган катта йўқотиш ва фожиа деб тасвирлайди. Ушбу кичик, аммо сермазмун марсиядан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, Дабусий Маъмун академияси тараккиёт босқичи бўлмиш даврда яшаганлиги сабабли Абу Али ибн Сино билан яқиндан мулоқотда бўлган, улар бир-бирларини яхши таниган ва ўзаро илмий алоқа қилиб турганлар. Шу асосда Дабусий академиянинг бошқа олимлари билан ҳам илмий муносабатда бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.


Машхур ҳуқуқшунос олим ва тадқиқотчи М. Ҳамидулло «Таквиму-л-адилла» китоби ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: «Усул илмига бағишланган ушбу китоб бугунга қадар ўқиган асарларим ичида энг яхшисидир. Унда Дабусий киёсий ҳуқуқшунослик соҳасидаги ўз маҳоратини тўлиқ намоён этган. Шу йўсинда киёсий ҳуқуққа тегишли бир асар ёзган». Броккельман фикрича, ушбу китоб услуб нуктаи назаридан тавҳид илмига оид асарларга ўхшаб кетади. Ундаги оригинал томонлардан бири шундаки, усулу-л-фикх бўйича далил (манба)ларга тегишли баҳсларни жуда кўп фаръий мисоллар билан фавқулодда мукаммал шаклда текшириб ўрганган.

Дабусий жасоратли, ўз илмий салоҳиятига ишонган факих сифатида ўрни келганда имом Жассос каби йирик факихлар ва баъзан Муҳаммад ибн Ҳасан каби имомлар қарашлари бўйича ҳам ўз фикру мулоҳазаларини билдиради ва уларни етарли даражада далиллайди. Ушбу китобни имом Фахру-л-ислом Али ибн Муҳаммад Баздавий Ҳанафий шарҳлаган. Бу шарҳнинг мукаммал экани ханафий олимлари томонидан эътироф этилган. Китоб Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳусайн томонидан мухтасар ҳолга келтирилган.

2. «Ал-Амаду-л-аксо» («Олис мақсад») ва «Хизонату-л-худо» («Ҳидоят хазинаси»). Дабусий «Таквиму-л-адилла» муқаддимасида ушбу икки китобни эслатиб ўтиб: «Мен «Ал-Амаду-л-аксо» ва «Хизонату-л-худо» китобларида таъкидлаганимдек, рух нури аслий (асосий) ва ақл нури эса фаръий (яъни жузъий ва иккинчи ўринли) дир», – деб ёзади. Ҳар иккала китоб сулук илми, яъни ирфон ва тасаввуф таълимотига бағишланган бўлиб, турли ҳикматлар ва ўғитларни ўз ичига олган. «Ал-Амаду-л-аксо» 11 китоб (катта боблар)дан таркиб топган.

3. «Китобу-л-асрор фи-л-усул ва-л-фуруъ». Ушбу китоб усул, фуруъ ва хилоф илмлари бўйича ёзилган мўътабар асарлардан ҳисобланади. М. Ҳамидулло «Усулу-л-фикх тарихи»да таъкидлаганидек, бу китоб Андалусия (Испания) худудларигача тарқалган. Андалусиялик йирик мутафаккир ва тасаввуф олими Ибн ал-Арабий Бағдод шаҳрига келиб, Дабусийнинг асарларидан нусха кўчирган ва Мағриб (Шимолий Африка) мамлакатларига олиб бориб тарқатган. Араб файласуфи Ибн Рушд ўз ҳуқуқий асарларида Дабусийдан илҳомланганини шу билан изоҳлаш мумкин.

4. «Таъсису-н-назар». Бу китоб биринчи марта Мустафо ибн Муҳаммад Қаббоний Дамашкий ва Муҳаммад Амин Хонжий Ҳалабий маблағи билан Мисрнинг «Ал-Матбаату-л-адабия»сида 87 бетда чоп этилган. Нашр санаси маълум эмас. Муқаддимада Қаббоний муаллиф ва унинг асарини қисқача таништириб ўтади. Китобнинг охирида ханафий мазҳаби бўйича 39 та фикхий коидани ўз ичига олган ва Абу Ҳафс Умар Насафий томонидан мисоллар билан тўлдирилиб изоҳланган Абу-л-Ҳасан Кархийнинг «Рисола»си илова қилинган. Ушбу кичик китоб Шайху-л-ислом Абу Зайд Дабусийни илму-л-хилоф асосчиси сифатида жаҳонга танитган.



М. Ҳамидуллонинг таъкидлашича, «Таъсису-н-назар» мустакил бир фан сифатида ҳуқуқнинг бир бўлагини ташкил этган ва хилофиёт (илму-л-хилоф) деб аталган киёсий қонуншунослик (ҳуқуқшунослик) фанини ўрганишда муҳим бир манбадир.

Муаллиф китобда бир масалани ўртага ташлаб, турли фақиҳларнинг фикрларига асосланган ҳолда уни ечиш йўллари санаб ўтади. Шу йўсинда, манбадаги бир содда ихтилоф турли мактаблар орасида юзлаб бир-биридан фарқли нуктаи назарлар юзага келишига асосий сабаб бўлганини кўрсатади. Муаллиф китобда исмлари зикр этилган имомлар орасида фикхий масалалар юзасидан келиб чиққан ихтилофларни 84 асл (умумий қоида)га кўра тартибга солади ва ҳар бир қоидани амалий масалалар билан ёритади. У ихтилофли масалаларни саккиз қисмга бўлиб ўрганади.

Дабусий ўз асарлари билан ҳам Машрик ҳам Мағриб мусулмон олимлари асарларига чуқур таъсир ўтказган аллома эди. Тадқиқотчилар ҳулосасига кўра, ханафий мазҳабининг буюқ фақиҳи Ибн Нужаймга Дабусийнинг таъсири, айниқса, катта бўлган. Бу таъсир Ибн Нужаймнинг «Ал-Ашбоҳ ва-н-назоир» номли қимматли китоби орқали XIX асрда усмонийлар давлатида амалга оширилган ислохотлар натижаси бўлмиш «Мажаллаи аҳкоми адлия», хусусан, мажалланинг муқаддимасида берилган 99 та модда (фикхий қоида)да ўз ифодасини топди.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюқ мутафаккир аллома, йирик фақиҳ, мута-саввиф, усул, жадал ва адабиёт фанлари билимдони Қози Убайдулло Абу Зайд Дабусий бундан ўн ярим аср муқаддам «илму-л-хилоф», бугунги таъбир билан айтганда, «киёсий ҳуқуқшунослик» фанига асос солиб, ислом дунёсининг, шарқу ғарб олимларининг эътиборига сазовор бўлди. Агар «киёсий ҳуқуқшунослик» XX аср охирига келиб фан сифатида ривожлангани назарда тутилса, улуғ ватандошимиз бундан ўн ярим аср олдин исломдаги ҳуқуқий мактаблар соҳасида ушбу фанга асос солиб, ислом ҳуқуқи қонунларини тизимлаштирганининг аҳамияти нечоғли экани аён бўлади.

Шунингдек, яна бир улуғ ватандошимиз Имом Баздавий ислом оламида фикх илмининг муҳим тармоғи «жадал» (мунозара) илмига асос солгани ва Амидий Самарқандий ушбу фаннинг иккинчи йўналишини яратгани ажодларимизнинг бекиёс заковатидан далолат беради. Улар қолдирган меросни чуқур ўрганиш, илмий назариялари моҳиятидан ҳалқимизни, энг аввало, ёш авлодни хабардор этиш ҳуқуқшуносларимиз олдида турган муҳим вазифалардандир.

Абдулҳаким Шаръий ЖЎЗЖОНИЙ,
юридик фанлар доктори

АБУ ҲАФС УМАР АН-НАСАФИЙ (1068–1142)

Комусий олим Абу Ҳафс ан-Насафий ўрта асрларда илмнинг турли соҳаларида фаолият олиб борган мутафаккирдир. У ёзган асарларнинг умумий сони 100 дан ортиқ. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Ал-Ақоид» асари ислом оламида машҳур эканидан Европада унга қизиқиш анча эрта пайдо бўлди. XIX аср биринчи ярмида тадқиқотчилардан В. Куретон мазкур асарга бағишлаб «Суннийлар диний таълим-тининг устуни» номли тадқиқотини ёзди. Шундан сўнг бу сермахсул олимнинг ижо-






дига кизикиш сусайди. Ўтган давр ичида исломга бағишланган комуслар ва вақтли матбуотда Абу Ҳафс ҳаёти ва илмий ижоди ҳақида умумий характерга эга бўлган кичик мақолачалар чоп этиб турилди, холос. Ан-Насафийнинг бир қисм асарлари мусулмон матбуотида нашр этилди. Уларда ноширлар Абу Ҳафснинг ҳаёти ва ижоди ҳақида умумий маълумотлар бериш билан чеклангандилар. Ҳозирги кунгача буюк ватандошимиз ҳақида махсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

Олимнинг тўлиқ исми манбаларда Нажму-д-дин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон ан-Насафий сумма ас-Самарқандий ал-Ҳофиз ал-Факих аз-Зоҳид ал-Ҳанафий тарзида келтирилади. Аммо баъзан Насафнинг қадимий номи Нахшабга нисбат берилиб, муаллифнинг исм-нисбаси ан-Насафий ўрнига ан-Нахшабий шаклида ҳам учрайди. Асли насафлик бўлиб, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказгани учун унга «ан-Насафий сумма ас-Самарқандий» («насафлик», сўнгра «самарқандлик») исми-нисбалари ишлатилган. Мутафаккир илм оламида, асосан, Абу Ҳафс ан-Насафий номи билан машҳурдир.

Абу Ҳафс ан-Насафий ҳақида 20 дан ортиқ манбада хабар берилади. Ан-Насафийнинг ҳаёти ҳақида илк маълумотни унинг кичик замондоши Абу Саъд Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ал-Марвазий (ваф. 1167) беради. Масалан, Абу Саъд ас-Самъоний ўзининг «Китоб ал-ансоб» асарида Абу Ҳафснинг номини 27 марта зикр этган. Кейинги муаллифлар эса, асосан, ас-Самъоний маълумотларини ўз асарларида такрорлайдилар ва баъзан унга янги тафсилотларни қўшимча қиладилар. Бу тафсилотлар Абу Ҳафс ан-Насафий асарларидан олинган бўлиб, аксарият ҳолларда, муаллифнинг илмий олами, кизикишлари ҳақидаги маълумотлардир. Шофиъий мазҳабига мансуб бўлган Абу Саъд ас-Самъоний ханафий олим ан-Насафийнинг фозил уламолардан бўлганини таъкидлаш билан бирга, унинг ҳадис илми соҳасидаги баъзи фикрларини танқид қилади. У Абу Ҳафсни тириклигида учратмаган бўлса-да, унинг барча асарларига ёзма равишда ижозат олганлигини фахр билан зикр этади. Ас-Самъоний ўзининг Абу Ҳафс ҳақидаги фикрини унга шундай баҳо бериш билан яқунлайди: «У ҳадисни яхши кўрадиганлардан эди, аммо уларни «тушуниш» бахтига муяссар бўлмади» («фа лам йурзак фаҳмаҳу»).

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг туғилган йили хусусида бироз ноаниқлик бор, чунки у манбаларда аниқ зикр этилган эмас. Бу сана тадқиқотларда «Абу Ҳафс ан-Насафий хижрий 461 ёки 462 йилда таваллуд топган бўлса керак» тарзида келтирилган бўлиб, бу тарих милодий 1068–1070 йилларга тўғри келади. Аммо баъзи адабиётларда бу рақамнинг 1068 тарзида берилиши тахминий аҳамиятга эгадир.

Насаф шаҳри Абу Ҳафс яшаган даврда илм-маърифат жиҳатидан Мовароуннаҳрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар – Самарқанд ва Бухородан кейинги ўринда турар эди. Биз кўриб чиқаётган даврда Насафдан кўплаб олим ва муҳаддислар етишиб чикқанлар. Масалан, «Китоб ал-қанд» ва «Китоб ал-ансоб» каби манбалардаги маълумотларга кўра, VIII–XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, 400 нафардан ортиғининг ҳаёт ва фаолияти Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга, Усрушана, Дабусийа, Кушонийа



ва бошка маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар. Келтирилган рақамлар Насаф шаҳрининг Мовароуннаҳр микёсидаги илмий-маданий аҳамиятини тўла тасдиқлайди.

Абу Ҳафс ан-Насафий илк таҳсилни она юрти Насафда олди. Олим ҳадис бўйича энг биринчи устози сифатида Абу-л-Аббос ал-Мустағфирийнинг невараси хофиз Абу Ражо Кутайба ибн Муҳаммад ал-Усмоний ан-Насафийни (ваф. 1081) зикр этади. Абу Ражо Насафдаги «Боб максура» номли жойдаги жоме масжидида ҳадис имло қилганида, ёш илм толиби Абу Ҳафс умрида биринчи маротаба ҳадисларни хатга тушира бошлади.

Абу Ҳафснинг илк устозларидан яна бири – адиб, фақиҳ Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Касбавий (ваф. 1092) эди. У Абу Ҳафсга Насафда адаб илмидан таҳсил берди. «Китоб ал-қанд» ва «Мунтахаб»нинг мавжуд қисмида олим жами 26 та насафлик устозлари таржимаи ҳолини келтиради. Аммо улардан 18 таси Самарқандга кирган ёки ушбу шаҳарда Абу Ҳафсга ҳадис айтган. Демак, Абу Ҳафс ва унинг устозларининг Самарқанд муҳити билан алоқалари чамбарчас бўлган, бўлғуси олим бошланғич таҳсилни Насафда олиб, билим олишни Самарқандда давом эттирган. Абу Ҳафснинг устозлари орасидан куйидаги таникли муҳаддисларни алоҳида зикр этиш лозим: Абу Али ал-Ҳасан ибн Абд ал-Малик ан-Насафий, ал-имом ал-фодил Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Моймаргий ан-Насафий (XI аср), ал-Мустағфирийдан ҳадис эшитган Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий (ваф. 1089). Улар орасида ан-Нухий сулоласи вакиллари алоҳида ажратиб кўрсатмоқ лозим.

Абу Ҳафс ан-Насафий ёшлик йилларини Насафда ўтказиб, XII аср бошларида Самарқандга йўл олди ва умрининг асосий, ижодий қисмини Самарқандда ўтказди. У фақат бир марта, яъни 1113–1114 йили Ҳаж амалини бажариш мақсадида Бағдод орқали Маккага сафар қилди. Аммо унинг сафари узок давом этмай, кейинги йили ўз юртига қайтди. «Китоб ал-қанд» асари муаллифи сафар давомида Бағдодда Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Йунус ал-Кудаймий ва Сарахсда Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Соъиғий каби уламолардан ҳадис эшитганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Абу Ҳафс ан-Насафий Самарқандда ўз таҳсилини давом эттирди. Бу шаҳардаги «Дор ал-жузжонийа» номли илм даргоҳи олимнинг илм соҳаларида юкори чўккиларни эгаллашида катта аҳамиятга эга бўлди. Абу Ҳафс ан-Насафийга Бухоро мактабининг ҳам таъсири кучли эди. Муаллиф Бухорога бориб, у ерда аш-шайх ал-имом ар-раис Саъид ибн Муҳаммад ал-Хоразмий каби мударрис шайхлардан фикҳ илмидан таҳсил олган.

Турли илм соҳаларида тажриба орттирган Абу Ҳафс ўзи илм толибларига Самарқанд масжид ва мадрасаларида дарс берди.

Абу Ҳафс ан-Насафий ўзидан бой илмий мерос қолдирди. Манбаларда бу аллома асарларининг умумий сони юздан ортик дейилади. Абу Ҳафс ханафий фикҳи соҳасида сермаҳсул ижод қилди. Унинг бу соҳада яратган саккизта асарининг номи келтирилади. Улардан «Китоб ад-доир фи-л-фикҳ», «Машориъ аш-шориъ», «Ал-Масоил фи-л-фуруъ» ёки «Ал-Масоил фи-л-масоил»нинг номларигина бизга маълум, холос. Бизгача етиб келганлари «Ал-Манзума ан-Насафийа фи-л-хилофийот», «Тил-



бат ат-талаба», «Шарх ал-усул ли-л-Кархий», «Фатово шайх ал-ислом ас-Суғдий» асарларидир.

Абу Ҳафс ан-Насафий калом илмида имом ал-Мотуридий анъаналарини давом эттирди. Масалан, Абу Али ал-Ҳасан ибн Абд ал-Малик ал-Мотуридий, саҳоба Абу Аййуб Холид ал-Ансорий авлоди бўлмиш Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳасан ал-Мотуридий каби олимлар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг устозлари эдилар. Абу Ҳафс ан-Насафий ўзининг бобокалон устози имом ал-Мотуридий таълимотини ихчам, қисқа шаклга келтириб, мотуридия таълимотини кенг ёйишга хизмат қилди. У яратган «Ақоид ан-Насафий» асари ислом оламида кенг тарқалиб, унга кўплаб шарх ва хошиялар ёзилган. Олим илоҳиётга оид биргина шу асарни ёзган бўлса-да, унинг илоҳиётчи сифатида шухрат қозонишига сабаб мазкур асар жуда қисқа ҳолда ислом ақидасини назарий асослаб берганлигидир.

Ан-Насафий тафсир соҳасининг ҳам билимдони бўлган. У ёзган «Ат-Тайсир фи (илм) ат-тафсир» (Қуръонга ёзилган 4 жилдли тафсир) асари ҳам ана шундан далолат беради.

Унинг асарларида учрайдиган кўплаб шеърлар олимнинг назм соҳасида ҳам юксак қобилиятга эга бўлганини кўрсатади. Олим ўзининг «Китоб ал-қанд» асарида келтирган ҳадисларининг кўпчилигини ўз тили билан шеърӣ услубда ҳам шарҳлаб ўтади.

Манбаларнинг хабар беришича, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг жами юзга яқин асарларининг кўпларига шарҳлар битилган. Улардан бизгача етиб келганларининг сони ўндан ошади. Бу асарлар, шубҳасиз, Абу Ҳафс серқирра ижодининг турли йўналишларини келажакда муфассал ўрганишга етарли асос бўлиб хизмат қила олади.

Абу Ҳафс ан-Насафий ҳижрий 537 йил 12 ёки 13 /1142 йил 3 ёки 4 октябрь куни Самарқандда вафот этди ва шу ердаги Чоқардиза қабристонига, Имом ал-худо Абу Мансур ал-Мотуридий ёнига дафн этилди.

Абу Ҳафс ан-Насафийдан «Ал-Мажд» лақаби билан машҳур 1113–1114 йили таваллуд топган Аҳмад исмли ўғил қолган бўлиб, Абу Саъд ас-Самъоний унинг ўғли – Абу-л-Лайс Аҳмад ибн Умарни ҳушсурат, дўстлари билан борди-қелдини узмайдиган, факих, фозил, воъиз, қомил кишилардан эди, деб тавсифлайди. Ас-Самъоний 1154–1155 йили Самарқандга борганида Абу-л-Лайс билан учрашиб, илмий мулоқотда бўлган. Унинг айтишича, улар бир-бирларини тез-тез зиёрат қилишар. ал-Мажд ундан баъзи китобларни олиб турар эди. Ал-Мажд ан-Насафий 1156–1157 йили Ҳаж сафарига отланди. У 1157–1158 йили Бағдоддан ўз ватанига қайтаётган вақтда, йўлда Бистом шаҳридан ўтганларида, исмоилийлардан бўлган бир гуруҳ аҳл ал-килоълар (қалъа аҳллари) гуруҳи қарвон йўлини тўсдилар. Улар қарвондаги Ҳижоздан келаятган 70 дан ортиқ киши ва жуда кўп уламоларни қириб ташладилар. Улар орасида ал-Мажд ан-Насафий ҳам бор эди. У Бистом ноҳиясидаги бир қишлоқда дафн этилди.

Абу Ҳафс ан-Насафий умри давомида ислом илмларининг турли соҳаларида ижод қилиб, чуқур из қолдирган қомусий олимлардан эди. Унинг ҳадис илмини талқин этишида, албатта, илмнинг бошқа соҳаларида (ханафия фикхи, мотуридия каломи, тафсирчилик, адаб ва шеърӣят) тугган позициялари қатта аҳамият қасб қилади.



Абу Ҳафс ан-Насафийнинг ҳадис илмига қўшган хиссаси

Дарҳақиқат, Абу Ҳафс ан-Насафий ўз даври ҳадис илмининг етук билимдонларидан эди. У Мовароуннаҳрнинг етакчи муҳаддислари билан мулоқотда бўлиб, улардан дарс олди. Ан-Насафий, ўзининг гувоҳлик беришича, 550 шайхдан ҳадис ривоят қилган. У шайхларни «Тийъод аш-шуйух ли-Умар мустатриф ало-л-хуруф мустатир» («Алифбо тартибида берилган Умарнинг устозлари саноғи») асарида бирма-бир санаб ўтган. Афсуски, кўп муаллифлар томонидан накл этилган бу асар бизгача етиб келмаган. Аммо ҳадис соҳасида ан-Насафийнинг шох асарни маълумотларига асосланиб, унинг устозлари орасидан уч муҳаддисни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Абу Али ал-Ҳасан ибн Абд ал-Малик ибн Али ибн Мусо ибн Исрофил ан-Насафий (XI–XII асрлар);

Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн аш-Шабиб аш-Шабибий ад-Дизакий (ваф. 1117–1118);

Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Аҳмад ан-Нофила (ваф. 1109–1110).

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг мазкур устозларидан биринчиси ал-Ҳасан ибн Абд ал-Малик ан-Насафийнинг номи «Китоб ал-қанд»да жуда кўп маротаба (135 жойда) зикр этилади. Абу Ҳафс ан-Насафий бу устозидан Абу-л-Аббос ал-Мустағфирийнинг анъаналарини ривоят қилган. Ал-Мустағфирий улум ал-ҳадис соҳасидаги йирик мутаҳассислардан бўлиб, бевосита илм ал-жарх ва-т-таъдил билан шуғулланган. Унинг бу соҳада олиб борган тадқиқотлари натижалари, авваламбор, «Таърих Насаф»да жамланган. Бу асарни Абу Саъд ас-Самъоний «икки жилдди қатта китоб», деб тавсифлайди. Демак, Абу Ҳафс ал-Мустағфирий анъаналарини бир киши воситасида накл этади.

Иккинчи устози Умар ибн Аҳмад аш-Шабибий ад-Дизакий Умар ибн Аҳмад ал-Форисий (ваф. 1062–1063) орқали иккинчи бир ёзма манба – Абу Саъд Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг (ваф. 1015) китобини Абу Ҳафс ан-Насафийга узатган. Мазкур Абу Саъд ал-Идрисий тарихий-биографик жанрга оид икки асарнинг муаллифидир: 1) «Таърих Астробод»; 2) «Китоб ал-қамол фи маърифат ар-рижол би-Самарқанд» («Самарқанд [муҳаддис] кишиларини билиш бўйича мукамал китоб»). Иккинчи асарнинг мухтасар шакли ҳам мавжудлигига «Китоб ал-қанд» ишора бериб ўтган. «Китоб ал-қамол» бошқа муаллифлар катори Абу Ҳафс ан-Насафийга асосий ёзма манба бўлиб хизмат қилган.

Учинчи устози Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Аҳмад ан-Нофила ас-Самарқандийдан (ваф. 1109–1110) Абу Ҳафс «Китоб ал-қанд»да жуда кўп маълумотларни (45 маротаба) ривоят қилган. Аммо Абу Ҳафс машҳур муҳаддис хофиз Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдуллох ан-Нажжорнинг невараси бўлмиш бу устози ҳақида унинг вафот этган йилидан бошқа тўлиқроқ маълумотни бермаган.

Абу Ҳафс юзлаб устозлардан ҳадис ривоят қилганлигидан маълум бўладикки, олим ёшлигидан бошлаб бу илм билан шуғулланишга жиддий муносабатда бўлган. Унинг устозлари орасида, асосан, Насаф ва Самарқанддан чиққан ҳамда бу шахарларга келган олимларни учратиш мумкин.

Абу Ҳафс ан-Насафийга нисбат берилган «ал-Ҳофиз» нисбаси унинг ҳадис илми соҳасида маълум мавқега эга бўлганидан дарак беради. Маълумки, хофиз даражаси-





га эришган муҳаддислар 20 минг ва ундан ортик ҳадисларни матну иснодлари билан тўлиқ ёд билганлар.

Олимнинг ҳадис илмида пешқадам бўлганлигини унинг бу соҳада ёзган асарлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, ан-Насафий Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-сахих» асарини шарҳлаб, ўзининг «Ан-Нажох фи шарх ахбор китоб ас-Сихох» («Саҳих китобидаги хабарларни шарҳлаш бўйича эришилган ютук») номли асарини ёзди.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сакланаётган «Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» номли катта ҳажмдаги комусий нодир қўлёзма асарининг бир қисми ҳам ҳадис илми ҳамда ваъз-насиҳатларга бағишланган. Бу қўлёзма 1364 йили бошқа нусхадан кўчирилган. Асл нусха эса, ўз навбатида, 1138 йили Абу Ҳафс ан-Насафийнинг бевосита имло дарслари давомида ёзиб олинган. Бу мажмуада 57 асар ўрин олган бўлиб, уларнинг бир қисмини Абу Ҳафснинг ўзи таълиф этган. Бошқа қисми эса турли муаллифларнинг асарларидир. Аввалги икки асар калом илмига, учинчи асар фиркалар тавсифига, 4–7 – ахлок, 8–11 – Қуръоний илмлар, 12 – усул ал-фикх, 13–19 – ханафия фикҳи (120 саҳифали катта қисм), 28–29 – ҳужжат тузиш намуналари, қолган асарлар филология, математика, табиёт соҳаларига бағишланган. Ҳадис илми учун, айниқса, 20–24-асарлар алоҳида аҳамиятга моликдир. 20-асар «Китоб ат-таворих ва-л-ансоб» бевосита муҳаддислар таваллуд ва вафот тарихлари, исми-насабларини тартибга солишга бағишланган. 21-асар эса саҳобалар исмларини алифбо тартибида баён этади (В. 181 б–196 б). 22-асар «Ал-Ҳулафо ар-рошидун»дан кейин ўтган халифалар тарихига бағишланган (В. 196 б–197 б). 23-асар уламоларнинг таржиман ҳоллари таҳлиliga бағишланган (В. 197 б–198 а). 24-асарда («Ас-Сабъийот ас-самъийот») эса 360 та саҳих ҳадислар жамланган (В. 198 а–214 б).


Бундан ташқари, олим ҳадис илмининг турли жанрларига бағишланган «Татвил ал-асфор ли-тахсил ал-ахбор» («Хабарлар талабидаги узок сафарлар») асарининг ҳам муаллифидир.

Абу Ҳафс 1113–1114 йили Ҳаж сафарига борган чоғида ҳам, йўлда Бағдодга кириб, у ердаги шайхлардан ҳадис эшитди. Абу Ҳафс Бағдоддалиги чоғида Амир Хумор-Тегин ибн Абдуллох мадрасасида ҳадис имло қилди. У ерда Абу-л-Қосим ибн Байондан ҳадислар ёзиб олди. Бағдодлик муҳаддис олим Ибн ан-Нажжор Абу Ҳафс жамлаб таълиф этган «Татвил ал-асфор ли-тахсил ал-ахбор» номли асарини ривоят қилганини айтади. Ушбу асарда Абу Ҳафс ўзининг барча устозлари хақида хабар берган. Аммо Абу Ҳафс ан-Насафийнинг Бағдод, Макка ва Мадинага қилган сафари узокка чўзилмади. У тез орада ўз она юртига қайтди.

Абу Ҳафс шогирдлари орасида аксарият ҳолларда насафлик муҳаддисларни учратамиз. Улар қаторида Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Али ан-Насафий (XII аср), Абу-л-Қосим Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий (XII аср), Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ан-Насафийларни (XII аср) зикр этиш мумкин. Аммо ан-Насафийнинг шогирдлари орасида самарқандлик ёки ўзга минтакалардан чиққан Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий, бухоролик Абу Наср Аҳмад ибн Абд ар-Раҳмон ар-Риғдамуний, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нурбаштий каби муҳаддислар ҳам бор эди. Ан-Нурбаштий Абу Ҳафсдан Бағдоддаги «Хумор-Тегин» мадрасасида ҳадис эшитган.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг ўғли Абу-л-Лайс Аҳмад ибн Умар ҳам унинг ишнини давом эттирган шогирдларидандир. Абу-л-Лайс ҳам отаси каби турли илм





сохаларининг, хусусан, ҳадис илмининг билимдони эди. Талабчан муҳаддис олим Абу Саъд ас-Самъоний у билан узоқ вақт мулоқотда бўлганини ва илмий ҳамкорлик олиб борганини зикр этади.

Абу Саъд ас-Самъоний ўз устозлари ҳақида маълумот берган «Мунтахаб муъжам шуйух ас-Самъоний» («Ас-Самъоний устозлари комусининг сайланмаси») номли асарда ан-Насафийнинг ҳадис илмидаги салоҳиятига шундай баҳо беради:

«Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ... ан-Насафий ас-Самарқандий ал-Ҳофиз Насаф ахлидан бўлиб, Самарқандда яшади. У мазҳаб ва адаб илмининг билимдони бўлган имом, факих, фозил кишилардан эди. Фикх ва ҳадис бўйича асарлар ёзган. Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (ваф. 804–805) «Ал-Жомий ас-сағир» («Кичик тўплам») асарини назмга солиб, шеърӣ тарзда берди. Устоз жамлаш ва тасниф қилиш бўйича кўп пешкадамлардан эди. У Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий, Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-Паздавий, Абу Али ал-Ҳасан ибн Абд ал-Малик ан-Насафий ва бошқа кўнлаб кишилардан ҳадис эшитган. Мен у кишини тириклик чоғида Самарқандда топмаган бўлсам-да, Абу Ҳафсдан ёзма равишда барча эшитганлари (масмуъот) ва тўплamlари учун ижоза олганман. Бир жамоа кишилар ундан менга ҳадис ривоят қилганлар».

Абу Саъд ас-Самъонийнинг берган таърифидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Абу Ҳафс ан-Насафий ўз даврида Самарқанднинг энг машҳур муҳаддисларидан бўлган. Ҳадис бўйича жуда кўп устозларга эга бўлган ва бу фан доирасида кўп асарларни тасниф этган. Олим фақат ўзи ёзган асар ва тўплamlар билан чегараланмай, ўша даврда машҳур бўлган уламоларнинг асарларини шогирдларига имло этган. Илм толиблари осон тушунишлари учун уларни шарҳлаб, эса саклаб қолишлари учун шеърӣ тарзда берган.


Абу Саъд ас-Самъоний Абу Ҳафснинг ҳадис соҳасидаги салоҳиятига юқори баҳо бериш билан бир қаторда унинг заиф тарафларини танқид қилиб ўтади. Бу танқид ўша давр Самарқандда фаоллият олиб борган муҳаддисларнинг аксариятига ҳам тааллуқлидир. Чунки Мовароуннаҳр ханафий уламолари ҳадис илми соҳасида ўз қарашларига эга бўлганлар. Шофиъий-ашъарий олим Абу Саъд ас-Самъоний Самарқанд муҳаддисларига Хуросон мактаби талаблари билан ёндашади. У мазкур шаҳарда шаклланган ва неча асрлардан бери давом этиб келаётган анъаналарни инкор этган ҳолда, конкрет воқеликни идеал мезонлар билан баҳолашга ҳаракат қилади. Бу ерда ас-Самъонийнинг ан-Насафийга берган баҳосини шахсий даражада эмас, балки Хуросон мактабининг Самарқанд муҳитига берган умумий баҳоси сифатида қараш адолатли бўлади.

«Китоб ал-қанд» асари

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари XX аср бошларига қалар йўқолган асарлар қаторида саналиб келар эди. Унинг кашф этилиши, умуман, Ватанимиз тарихини, хусусан, Самарқанд ҳадис илми тарихини ёритишда қатта янгилик бўлди.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарининг нодир қўлёзмаси 1967 йилда Истанбулнинг «Сулаймония Кутубхонаси»да кашф этилди. У мазкур кутубхонанинг «Турхан Ваъде» фондида 70-рақам остида сакланган. 1991-йили уни Назар





Муҳаммад ал-Форйобий чоп этди. Бу билан у кенг китобхонлар оммасини мазкур асар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

1999 йилда ливанлик тадқиқотчи Йусуф ал-Ҳоди «Китоб ал-қанд» асарининг яна бир танкидий матнини яратди. Ношир бу ишни амалга оширишда икки қўлёзма – Истанбул ва Парижнинг Миллий кутубхоналарида араб тилидаги қўлёзмалар фондида 6284 рақами остида сақланаётган нусхаларидан фойдаланди.

2001 йилда «Китоб ал-қанд» Усмонхон Темурхон ўгли ва Бахтиёр Набихон ўгли томонидан ўзбек тилига қискартирилган ҳолда таржима қилиниб, оммабоп тарзда нашр этилди. Натижада, ўзбек тилида ўқий оладиган кенг китобхонлар оммаси бу китоб билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

«Китоб ал-қанд» ҳадис илмининг илм ар-рижол соҳасига тегишли тарихий-биографик жанрда яратилган асардир.

Муслмон жамияти ҳаётида юз берган ўзгаришлар табакот жанридаги асарларнинг таркиб ва тузилишига таъсир кўрсатди.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарида уламоларнинг исмлари ўзига хос тарзда алифбо тартибида жойлаштирилган. Унда исмлар бош ҳарфига кўра гуруҳларга жамланиб, гуруҳлар алифбо бўйича тартибланган. Масалан, Холид, Халаф ва х.к. каби исмлардан сўнг Довуд, Заквон исмлари келади. Аммо гуруҳлар ичидаги бир хил ҳарф билан бошланувчи исмлар ўзаро алифбо тартибида эмас, балки шахсларнинг ислом тарихида эгаллаган мавқеи даражаларига кўра, яшаб ўтган даври бўйича ёки мазкур шахсларга номдош бўлишига кўра тартибга солинган. Масалан, араб алифбосига кўра Қутайба ибн Муслим (704–715) номи Қусам ибн ал-Аббос (ваф. 675 йилдан кейин) номидан олдин келиши керак эди, аммо асарда аксинча, Қутайбанинг таржимаи холи Қусамдан кейин келади. Бундан ташқари, Али исмли уламоларнинг номлари, илк халифаларнинг тарихига кўра, Умар ва Усмон исмли шахслардан кейин жойлаштирилган ва х.к. Асарда тартиб исмлар бўйича бўлса-да, номдан аввал олимнинг лақаб ва кунyasi берилган. Масалан, аш-Шайх ал-Имом Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Хусайн биографияси... Бу эса алифбо тартиби бўйича бирор номни кидириб топмоқчи бўлган киши учун муайян кийинчилик туғдиради.

«Китоб ал-қанд»да нафақат Самарқанд шахрига алоқадор уламолар, балки Сўғд вилоятидаги кишлоклар, кичик шаҳарлар, жумладан, Насафга тегишли бўлган уламолар ҳам ўрин олганлар. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс ан-Насафий «Самарқанд» номи остида ўша даврдаги «Сўғди Самарқанд»ни назарда тутган. Асарнинг бу йўналишда ёзилишига маълум даражада унинг манбалари ҳам таъсир этди. «Китоб ал-қанд» фи марифат уламо Самарқанд» номли асари ўзининг манбаларига кўра шартли равишда икки қисмдан иборат: 1) ёзма манбалардан кўчирилган таржимаи ҳоллар (Абу Сад ал-Идрисийнинг «Китоб ал-камол», Абу-л-Аббос ал-Мустафийнинг «Тарих Насаф», ас-Салломийнинг «Тарих ас-Салломий», Абдуллох ибн Али ал-Бохилийнинг «Китоб ал-Бохилий» сингари 60 дан зиёд асарлардан); 2) муаллиф XI–XII асрларда яшаган, Самарқанд маънавий муҳити билан боғлиқ юзлаб муҳаддислар ҳақида маълумот беради. Шулардан Абу Ҳафс ан-Насафий «Китоб ал-қанд»нинг бизгача етиб келган қисмидаги маълумотларга кўра, 100 га яқин муҳаддис билан бевосита мулоқотда бўлган.

Ҳар бир номдан кейин уламоларнинг мазкур минтақадан чиққан эканлигини билдириш учун унинг «ас-Самарқандий» нисбаси берилади. Агар номи зикр этилаёт-





ган олим самаркандлик, кешлик ёки насафлик бўлмаса, унинг қайси жиҳатдан бу шаҳарлар билан алоқадорлиги ҳақида кўшимча маълумот келтирилади. Шундан сўнг мазкур олим ҳақида мавжуд бўлган кискагина асосий маълумотлар берилади: туғилган ва вафот этган саналари, у кимдан ҳадис ривоят қилгани ва ундан кимлар ҳадис ривоят қилганлиги санаб ўтилади. Шундан сўнг у ривоят қилган бир ёки бир неча ҳадис матни исноди билан берилади. Тарихда машҳур бўлган баъзи шахслар ҳақида жуда батафсил тўхталиб, у ҳақда иложи борича кенгрок маълумот келтирилади. Ундан кейин эса у ривоят қилган бир эмас, бир неча ҳадис матни ва ҳадис иснодлари санаб ўтилади. Ана шундай шахслардан мисол тарикасида Қусам ибн ал-Аббос, Қутайба ибн Муслим, Абу Муслим каби тарихий шахсларнинг таржимаи ҳолларини зикр этиш мумкин.

«Китоб ал-қанд» асарининг қимматли томонларидан бири шундаки, у бир қатор бизгача етиб келмаган манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни беради. Масалан, Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Сад Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг (ваф. 1015) «Китоб ал-қамол фи маърифат ар-рижол мин уламо Самарқанд» («Самарқанд уламоларидан ҳадис ровийларини билиш бўйича мукамал китоб») асаридир. Бу Самарқанд уламолари ҳақида ёзилган бебаҳо манба бизгача етиб келмаган бўлса-да, ундаги маълумотлар кейинги давр муаллифларининг асарларида, хусусан, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарида сақланиб қолган. Абу Ҳафс ўз асарида бу манбадан 421 жойда фойдаланган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ал-Идрисий асарининг асосий қисми «Китоб ал-қанд»да сақланиб қолган. Яна шуни тахмин қилиш мумкинки, ан-Насафий ўз китобига ал-Идрисийнинг асарини тўлиқ киритиб, уни янада тўлдирганидан сўнг, бирламчи манбага эҳтиёж қолмай унинг нусхалари йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Жафар ибн Муҳаммад ал-Мустафрийнинг (ваф. 1041) Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Чунки бу асар ҳам бизгача етиб келмаган ҳисобланиб, Абу Ҳафс ан-Насафий «Китоб ал-қанд» асарида 169 жойда ал-Мустафрийдан ривоят қилади.

«Китоб ал-қанд» асари бошқа манбаларни ўзида сақлаб қолиши билан бирга бошқа манбалар ҳам мазкур асарнинг йўқолган қисмларини ўзларида мужассам қилган. Масалан, Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий (ваф. 1071) «Тарих Бағдод» китобини таълиф этишда Абу Сад ал-Идрисийдан ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Муаддиб орқали 38 ўринда иқтибос келтирган. Абу Ҳафс ан-Насафий ҳам айнан ал-Идрисийнинг асаридан фойдаланган. Шунинг учун «Тарих Бағдод»да мавжуд бўлган Самарқанд уламоларига тегишли маълумотлар «Китоб ал-қанд»да ҳам мавжуд бўлган. Демак, ан-Насафий асарининг йўқолган қисмларини тиклашда ал-Бағдодийнинг китобидан ҳам фойдаланса бўлади.

Бундан ташқари, «Китоб ал-ансоб» асарининг муаллифи Абу Сад Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (ваф. 1167) Абу Ҳафс ан-Насафийни ўз устозлари қаторида санаб, унинг «Китоб ал-қанд» асаридан жуда кўп жойда фойдаланган. Ас-Самъоний ўз асарида 27 жойда Абу Ҳафс ан-Насафий номини тилга олиб, у ҳақда маълумотлар беради.

Мазкур асарда келтирилган 950 дан ортиқ ҳадис Самарқанд маънавий ҳаёти турли жабхаларидаги мухитни – илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, қонунчилик, қадриятлар



сохаларини акс эттиради. «Китоб ал-қанд» асари VIII–XII асрлардаги Мовароуннахр, хусусан, Самарқанд маънавий муҳитини, жумладан, ҳадис илми тараккиётини ўзида акс эттирган муҳим ва кимматбаҳо манбадир.

Дурбек РАҲИМЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди


АБУ МУТИЪ МАКХУЛ АН-НАСАФИЙ (ваф. 930)

Муқаддас ислом динининг софлиги, унинг юксак инсоний фазилатларга эга маънавий баркамол инсонларни тарбиялашдек асл мазмун-моҳиятини теран англаб тўғри талкин қилишда юртимиздан чиккан олиму уламоларнинг улкан хизматлари жумлаи жаҳон аҳлига яхши маълум. Шу билан бирга, ислом дини тарихининг дастлабки даврларидан эътиборан пайдо бўлиб, жамиятда носоғлом ва беқарор вазиятни вужудга келтирган турли бузғунчи диний оким ва гуруҳларга қарши курашда ҳам кўплаб улуғ ватандошларимиз салмоқли ҳисса қўшганлар. Шу ҳаётий муҳим йўналишда самарали фаолият кўрсатган буюк сиймолардан бири насафлик олим Макхул ан-Насафийдир.

Олимнинг тўлик исми Абу Мутиъ Макхул ал-Фазл ан-Насафий бўлиб, унинг таваллуд санаси ҳақида ҳозирча манбаларда бирор маълумот учратмадик. Аммо вафот этган йили ҳақида барча адабиёт ва ёзма асарларда 318/930 сана кўрсатилган. Макхул ан-Насафий юксак илму маърифати билан танилиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сулолалардан бирининг асосчиси сифатида ҳам машҳурдир.

Жумладан, унинг ўғли Муҳаммад ибн Макхул гарчанд илм-фан соҳасида отаси даражасига етмаган бўлса-да, ханафий мазҳаби олимлари ўртасида юқори мақомга эга бўлган. Шу бонс ҳам ханафий олимларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган «Ал-Жавоҳир ал-музйяа фи табақот ал-ханафийяа» («Ханафийлар табақасига мансуб олимлар ҳақида ёркин жавоҳирлар») номли беш жилдлик комусий асарнинг муаллифи Ибн Абу-л-Йофиъий у ҳақда айрим эътиборга молик хабарларни келтирган. Унинг набираси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Макхул ан-Насафий ҳам таникли фақиҳ бўлиб, у 943 йилда Насафда туғилган. Олим бир неча йил Бухорода фаолият кўрсатган ва 989 йилда шу шаҳарда вафот этгач, жасади Насафга келтирилиб дафн қилинган. Макхул ан-Насафийнинг жияни Абу-л-Маъолий ал-Мўътамад ан-Насафий ал-Макхулий X асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ўз даврида илму ирфон йўлида хизмат қилган олимлардан ҳисобланган. Лекин бу олимлар сулоласидан уч авлод ўтгач, етишиб чиккан улуғ мутақаллим Абу-л-Муъин ан-Насафий (1027–1114) эришган юксак мақомга улардан бирорталари ҳам етишмаган. У буюк мутақаллим Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридия калом мактабини янада ривожлантириб, унинг Шарқ мамлакатларига кенг қўламда тарқалишига салмоқли ҳисса қўшганини аввалги мақолаларда зикр этиб ўтдик.

Макхул ан-Насафий ўз даврининг етук фақиҳ мутақаллим ва мутасаввиф олими сифатида танилган. Унинг қаламига мансуб асарлар ҳақида ёзган тадқиқотчилар олимнинг қуйидаги асарларини зикр қиладилар: «Китоб фи-т-тасаввуф» («Тасаввуф ҳақида китоб»), «Китоб ал-луълиъйат фи-л-мавоъиз» («Мавъизалар бўйича



жавохирлар»). Бу китоб мавъизалар хусусидаги дастлабки асарлардан ҳисобланиб, кенг халқ оммаси учун фойдали бўлган одоб-ахлоқ, панд-насихатлардан ташкил топган ва таркибий жihatдан 135 боб шаклида таълиф этилган. Турк олими Фуод Сезгин «Китоб фи фазли Субҳон Аллоҳ» номли асарни ҳам унга тегишли деб ҳисоблайди. Макхул ан-Насафийнинг яна бир асари «Аш-Шуъо» («Ёғду») деб номланган. Бу асарнинг кўлэзма нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, унда ислом динининг арконлари, хусусан, намоз ўқиш тартибларига оид масалалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу асар ҳақидаги ниҳоятда қисқача маълумот Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» номли асарида зикр этилган.

Шубҳасиз, Макхул ан-Насафийнинг ҳам илмий, ҳам амалий нуктаи назардан энг қимматли асари «Китоб ар-радд аъло аҳл ал-бидъат ва-л-ахво» («Бидъат аҳли ва хавоийларга раддия китоби») дейиш мумкин. Маълумки, ўрта асрларда ўзларининг ботил ғояларини тарғиб қилган турли-туман диний гуруҳлар ва оқимлар фаолият кўрсатиб, ислом динига қатта зарар етказган. Немис шарқшуноси Ульрих Рудольфнинг ёзишича, «Китоб ар-радд» Х асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда ёзилган ва бу ўзига хос нодир асардан ўша даврда пайдо бўлиб фаолият кўрсатган кўплаб диний оқимлар ва фиркалар ҳақида аниқ ва муқаммал маълумотларни олиш мумкин.

Муаллиф ўз асарида мазкур оқимларни олти гуруҳга ажратиб келтирган: қадария, жаҳмия, рофизия, ҳарурия, жабария, муржиъа. Ўз навбатида, ҳар бир гуруҳ 12 тоифага ажратилган бўлиб, асарда жами 72 гуруҳ ва фиркалар ҳақида алоҳида-алоҳида маълумотлар келтирилади. Мазкур оқимларга нисбатан ҳанафий мазҳаби нуктаи назаридан туриб ёзилган ушбу асар, айни вақтда, ислом динидаги турли-туман оқимлар тарихи тўғрисидаги дастлабки асарлардан саналиб, улар ҳақида муқаммал маълумот берувчи қимматли манбадир. Шу билан бирга, асарда зикр этилган оқимларнинг асосий хусусиятларини қиёсий тадқиқ этиш учун ҳам етарли даражада баён этилгани асар аҳамиятини янада оширади. Бу асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, «Китоб ар-радд»да баён қилинган айрим гуруҳлар ундан кейин ёзилган асарларда умуман тилга олинмаган. Масалан, қадария оқимининг аҳмадия деб аталган гуруҳи ҳақида шундай фикр айтиш мумкин.

Макхул ан-Насафийнинг бу қимматли асарининг ягона, айтиш мумкинки, ноёб кўлэзма нусхаси Оксфорддаги Бодлиян кутубхонасида (271-рақам остида) сақланади. Кўлэзма 145 варақдан иборат бўлиб, у 1143 йили, яъни муаллиф вафотидан 213 йил ўтгач, номаълум хаттот томонидан кўчирилган. Бу нодир кўлэзма устида илмий тадқиқотлар олиб борган француз олимаси Мария Бернанд уни нашр қилишга муваффақ бўлди. Бу қимматли нашр 1980 йилда Қоҳирада чоп этиладиган «Ал-Ҳовлиййат ал-исломалужиййа» номли журналнинг 16-жилдида эълон қилинган. Француз олимаси асарни танқидий нашрга тайёрлаш билан бирга унга ўн икки саҳифадан иборат кириш сўз ҳам битган бўлиб, унда бу манбанинг тили, услуби ва мазмун-моҳияти ҳақида талай маълумотларни келтирган. Олиманинг машаққатли изланишлари натижаси ўларок амалга оширилган бу танқидий нашр туфайли кенг китобхонлар оммаси, айниқса, тадқиқотчилар Макхул ан-Насафийнинг ушбу қимматли асари ҳақида етарли даражада тасаввурга эга бўладилар.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор



ФАХР АЛ-ИСЛОМ АЛ-ПАЗДАВИЙ (1010–1089)




Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг: «Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб колардик», – деган мазмун-моҳияти ғоятда пурмаъно таъкидлари хусусида мулоҳаза юритган ҳар бир кишининг кўз ўнгида табарруқ юртимиздан чиқиб, буюқ илмий-маънавий мерос қолдирган юзлаб, эҳтимол, минглаб алломаларимиз намоён бўлиши шубҳасиздир. Илм-фаннинг қайси соҳасини олманг, донғи оламга таралган кўплаб алломаларни кўрасиз. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати туфайли бой илмий-маънавий меросимизни ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш учун кенг имкониятлар очилди. Бу йўналишда салмоқли ишлар қилинди ва қилинмоқда, айни вақтда ҳали олдимиздаги ишлар жуда кўп.

Юртимизда ислом динининг ҳанафий мазҳаби кенг тарқалиши, мана шу мазҳабнинг халқ орасида тўғри талқин қилиниши, ундан қандайдир ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринган гуруҳларга қарши курашиш масалаларига кўп фикшунос олимларимиз алоҳида аҳамият берганлар, айни масалаларга бағишланган қимматли асарлар ёзганлар. Ўлкамиздан чиққан мана шундай фикшунос олимлардан бири касбилик аллома Фаҳр ал-ислом ал-Паздавийдир.

Бу алломанинг тўлик исми Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулқарим ибн Мусо ибн Йисо ибн Мужоҳид ал-Паздавий бўлиб, у ҳақдаги маълумотлар араб олимлари Шамсиддин аз-Заҳабийнинг «Сияр аълом ан-нубало», Абу Саъд ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб», ибн ал-Асирнинг «Ал-Лубоб», ибн Халдуннинг «Ал-Муқаддима», Ал-Қурашийнинг «Ал-Жавоҳир ал-музийя фи табакот ал-ҳанафийя», ал-Лакнавийнинг «Ал-Фавоид ал-бахийя», Ҳожи Халифанинг «Қашф аз-зунун» ва бошқа катор манбаларда келтирилган.

Фаҳр ал-ислом ал-Паздавий 400/1010 йилда ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Қасби тумани ҳудудидаги Пазда (Кўхна Фазли) кўрғонида таваллуд топган. Ўз даврида Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарлари каби Насаф (Қарши) ва Паздани ҳам зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий (1178–1229) ўзининг «Мўъжам ал-булдон» («Мамлакатлар комуси») номли йирик асарида: «Пазда Насафдан олти фарсах узокликдаги мустаҳкам бир қалъа (кўрғон) бўлиб, ундан етишиб чиққан буюқ алломалардан бири Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Паздавийдир», – деб ёзган. У фикҳ соҳасидаги дастлабки билимни ўз отасидан олган, сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган йирик шаҳарлардан бири Насафда ўз билимини оширган. Ҳар ҳолда, Фаҳр ал-ислом ал-Паздавий илмий-маърифий муҳитда вояга етганлигига муайян асослар бор, чунки унинг бобоси Абдулқарим ал-Паздавий ва укаси Аҳмад ибн Муҳаммад Абу-л-Йуср ал-Паздавий ҳам ўз даврининг таникли олимларидан бўлган ва садр ал-ислом деган шарафли лақаб билан аталган. Мана шу илмий-маънавий муҳитда ўсган ал-Паздавий замонасининг машҳур олимларидан бири бўлиб етишган, айниқса, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги масалалари бўйича ўз даврининг имоми деган лақабга муяссар бўлган. Таникли араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабий (1274–1347) «Сияр ал-аълом ан-нубало» («Олийжаноб алломалар сийратлари») номли қимматли асарида: «Фаҳр ал-ислом ал-Паздавий – Имоми



Аъзам Абу Ҳанифа мазхабида ўз тариқатига эга бўлган аллома), – деб ёзган бўлса, тарихчи Абу Саад ас-Самъоний (1113–1167) «Фахр ал-ислом ал-Паздавий ханафия мазхабининг Мовароуннаҳрдаги шайхи бўлган», – дея таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, бу аллома юртимизда амал қилинган ханафия мазхабини мукамал ва беғубор ҳолда муҳофаза этиш борасидаги бекиёс хизматлари боис барчанинг алоҳида ҳурмат-эътиборини қозониб, ҳатто камдан-кам олимларга насиб этадиган Фахр ал-ислом (Исломнинг фаҳри) деган юксак шарафли лақабга ҳам сазовор бўлган. У узок йиллар Самарқанд мадрасаларида мударрислик ҳам қилиб, сўнгра Кеш (Шаҳрисабз)да яшаган ва 1089 йилда шу ерда вафот қилган. Манбаларда ёзилишича, вафотидан кейин жасади Самарқандга келтирилиб, шу жойда дафн этилган.

Фахр ал-ислом ал-Паздавийнинг қаламига мансуб асарлар исломий илмларнинг турли масалаларига бағишланган бўлса-да, унинг меросида фикҳий асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, ханафия мазхабининг турли масалаларига оид ўн бир жилдлик «Ал-Мабсут», шу мазҳаб асосчиси имом Абу Ҳанифанинг «Ал-Фикҳ ал-акбар» номли асарига ёзган шарҳи, Қуръони карим тафсирига бағишланган «Қашф ал-астор» номли 120 қисмли асари, (бу тафсирининг ҳар бир қисми улкан китобдан иборат бўлган), «Шарҳ ал-Жомий ал-кабир ли Шайбоний», «Шарҳ ал-Жомий ас-сагир ли Шайбоний», буюк муҳаддис имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-сахих» асарига ёзган шарҳи, фикҳ илмига оид «Ғанаъ ал-фуқаҳо», «Сийрат ал-мазҳаб фи сифат ал-адаб», «Рисола фи кироат ал-мусаллий», «Китоб ал-муяссар фи-л-калом», «Заллат ал-корий», «Усул ал-Паздавий», «Ал-Амолий» каби ларни кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, ал-Паздавийнинг илмий-маънавий меросида «Усул ал-Паздавий» асари алоҳида ўрин эгаллаб, у тўлиғича «Канз ал-вусул ила маърифат ал-усул» номи билан аталади. Асарда фикҳий масалалар батафсил ҳолатда шарҳланганлиги боис ўз даврида бу асар жуда кўпчилик факихлар томонидан дастурий бир қўлланма сифатида юксак баҳоланган. Ал-Паздавийдан кейин фаолият кўрсатган кўп олимлар унга таяниб асарлар ҳам яратганлар. Мисол тариқасида ал-Паздавийдан саккиз йил кейин вафот қилган машҳур олим Шамс ул-аимма ас-Сарахсийнинг «Усул ал-фикҳ» асарини кўрсатиш мумкин. Фикҳ илмида мислсиз аҳамиятга молик бўлган бу асарга бағишланиб кўплаб шарҳлар ҳам битилган. Улардан Солим ибн Аҳмад ас-Санадий, Ҳусайн ибн Али ас-Самъоний, Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бобиртий, Садру-ш-шариъа ал-Маҳбубий, Бадриддин Муҳаммад ибн Шамсиддин, Амир Котиб ибн Амир Умар ал-Форобий, ал-Жавонфурий, Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорий каби олимлар ёзган шарҳлар машҳурдир. Ушбу шарҳлардан, шубҳасиз, Алоуддин ал-Бухорийнинг «Қашфу-л-асрор» номли шарҳи энг қимматлиси ҳисобланади. Шу боис ҳам, мазкур шарҳ кейинги йилларда Байрутда тўрт йирик жилда икки марта (1994, 1997) нашр этилди. Мухим манба сифатида ал-Паздавий асарининг қўлёзмалари жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланади. Олмон шарқшуноси Карл Броккелман «Канзу-л-вусул»нинг қўлёзма нусхалари Берлин, Лондон, Париж, Дехли, Санкт-Петербург, Пешовар, Коҳира, Тунис, Истанбул каби шаҳарларда сақланиши ҳақида маълумотлар келтиради.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор




АБДУЛЛОҲ АС-СУБАЗМУНИЙ (872–952)



Ҳижрий учинчи ва тўртинчи аср муҳаддислари билан бир даврда яшаб фаолият олиб борган ҳадис билимдонларидан яна бири факих Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмунийдир. Унинг тўлик исми Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳорис ибн ал-Халил ал-Устоз ал-Имом ал-Ҳофиз ал-Факих ас-Субазмуний ал-Ҳорисий ал-Калобозийдир. Бу факих ҳақида кўплаб китобларда маълумот учрайди, унинг исми-шарифи борасида ихтилоф йўқ.

Абдуллоҳ ас-Субазмуний Бухородан ярим фарсах (1,5 км.) узокликдаги Субазмун кишлоғида таваллуд топган. Нажмиддин Умар ан-Насафий ўзининг «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарида 258/872 йили рабиъ ал-охир чоршанба куни таваллуд топганлиги ҳақида ёзган. Субазмуний нисбаси алломанинг туғилган жойига нисбатан ишлатилган. Субазмун номи манбаларда турлича учрайди. Ёкут Ҳамавийнинг «Муъжам ал-булдон» ва Ибн Қутлубгонинг «Тож ат-тарожим» асарларида Субазйун, аз-Зириклий «Аълум» асарида Сабазмун деб берган. Лекин биз алломага яқин асрда яшаган. Бухоро ва унинг атрофидаги кишлок ва шаҳарлар билан яқиндан таниш бўлган ҳамда ўша жойларга кўплаб саёхатлар уюштирган юртдошимиз Абд ал-Карим ас-Самъонийнинг (ваф. 1167) «Ал-Ансоб» асарига таянган ҳолда Субазмун деб бердик. Бу кишлокнинг номи XIV ва XVI аср вақф ҳужжатларида Сапидмун ва Сафидмун дейилган. Калобоз эса Бухоро шаҳри юқори қисмидаги қатга даҳа бўлиб, факих шу ерда яшаб ижод қилганлиги учун шунга нисбат қилиб берилган. Факих 340/952 йили шаввол ойининг 5-куни жумада вафот этди. Унинг туғилган ва вафот этган йилларида ихтилофлар йўқ. Унинг қабри ўзи туғилиб ўсган кишлок Субазмундадир. Тарихдан аёнки, ўша даврда ҳадисларни авлоддан-авлодга, отадан-болага узатиб ривоят қилиш анъанага айланган. Бунда ҳадис уламолари бошланғич билимни устоз сифатида ўз боболари ёки оталаридан олар эдилар. Абу Муҳаммад ас-Субазмунийнинг асарида отаси ва амакисининг исмлари ривоятлар иснодида жуда кўп учраганлиги унинг ҳадис билимдонлари оиласида ўсиб улғайганидан далолат беради. У Абу Ҳафсларнинг билвосита шогирдларидан ва сарой факихларидан бўлган.

Абдуллоҳ ас-Субазмуний ханафий факихи, муҳаддиси, шу билан биргаликда тилшунос бўлган. У Исмоил ибн Аҳмад ас-Самъонийнинг «Дор ас-султон» саройида факих бўлган ва саройдаги турли масалалар бўйича ҳукм чиқарган. У кўпгина ҳадисларни ёддан биладиган обрўли шайх бўлганлиги боис, эл орасида қатта ҳурмат-эътибор қозонган. Сарой аҳли бу кишидан кўп маслаҳат олар эди. Олган маслаҳатларида бирор марта хато учрамаганлиги учун унга «Устоз» лақабини берганлар ва факих шу ном билан танилган. Шарқшунос олим А. Мўминов докторлик диссертациясида ас-Субазмунийни Сомонийларга дарс берганлиги учун «Устоз» лақабини олган, деб айтади. Биз фойдаланаётган манбаларнинг барчасида ҳам шу лақаб қайд этиб ўтилган. Демак, кейинги олимлар ҳам бу борада ихтилофга борманганлар. Маълумки, ҳадис илми вужудга келган даврдан бошлаб муҳаддислар ҳадис илми талабида ўзга юртларга сафар қила бошладилар. Ана шу даврдан бошлаб муҳаддислар илмий ҳаётини фақат биргина шаҳар ёки мамлакат микёсида чегаралаш мумкин бўлмай қолди. Ас-Субазмуний ҳам ислом оламининг турли мамлакатларида сафарда бўлган, она юртидан то Мисргача бўлган кентларни босиб ўтган. Факих



Хуросон, Ирок ва Ҳижоз шаҳарларига кўплаб саёҳат қилганлигидан «Ал-Жаввол» (саёҳатчи) лақабини олган, ҳадис ва адабиётдан дарс ҳам берган.

Кейинги давр олимлари бу муҳаддис борасида турли қарама-қарши фикрлар ҳам айтишган. Жумладан, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳоким ан-Найсобурий (ваф. 405 х.): «Ишончли кишилар у киши ҳақида сукут сақлашган ва ҳадис борасида ажойиботларга эга эди», – деган бўлса, Хатиб ал-Бағдодий (в. 463 х.): «Унга эҳтиёж сезилмайди», – дейди. Хатиб Бағдодийнинг китобига қўшимчалар киритиб шарҳ ёзган доктор Халдун ал-Аҳдаб ҳам «Завоид тарих Бағдод» китобида ас-Субазмунийдан ривоят қилиб келтирилган ҳадисни мавзу (тўқима) ҳадислар қаторига қўшган ва ас-Субазмунийни ишончсиз муҳаддислар қаторига киритган. Ҳамза ас-Саҳмий Абу Заръа Аҳмад ибн ал-Ҳусайндан ас-Субазмуний ҳақида сўраганда, у «Зайф» дея таърифлаган дейилади.

Бу борада шу нарса ни албатта эътиборга олиш керакки, устоз ас-Субазмунийни «зайф» деб баҳолаган олимларнинг деярли барчаси ханафий мазҳабида бўлмаган ва шу билан ханафий мазҳабини қоралашга уринганлар. Шундай экан, унинг етук олим, юксак салоҳиятга эга шахс бўлганига шубҳа йўқ. Муҳаддис Валийуллоҳ ад-Дехлавий «Ал-Интибоҳ мин асҳоб ал-вужух» рисоласида: «Шамс ал-Аимма ал-Ҳилвоний олдинги олимлардан бўлиб, таржих аҳли (хукмларни ҳеч кимга таянмасдан чиқарувчи киши) эди, шунингдек, Абу Али ан-Насафий, Абу Бақр Муҳаммад ибн ал-Фадл ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмунийларнинг барчалари «асҳоб ал-вужух» (эътиборли кишилар) бўлиб, ханафий фақиҳлари доимо уларга қайтиб иш кўрадилар», – деган. Ханафий мазҳабида олимлар етти табақага ажратилган бўлса, ас-Субазмуний уларнинг тўртинчи гуруҳига мансуб бўлади. Бу гуруҳ олимлари мукаллимлардан иборат таҳриж эгаларидир. Улар аслида ижтиҳод қилишга қодир эмаслар, лекин усулга таяниб ҳукм чиқарадилар. Мужмал қавлни икки кўринишда тушунтира оладилар, муҳам ҳукмнинг икки томонини кўра биладилар. Ўзларидан олдин ўтган мужтаҳид ва уларнинг соҳибларининг қарашларини ўз райлари билан тушунтира оладилар, «Ҳидоя» китоби муаллифи эса бешинчи табақага қиради. Демак, ас-Субазмуний мустақил фикрлайдиган ва ҳукм чиқарадиган олим бўлган.


Шуни афсус билан айтиш лозимки, Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар жуда оз. Биз учратган табакот жанридаги асарларнинг барчасида Устоз ҳақидаги маълумотлар бор-йўғи бир-бир ярим саҳифадан ошмайди. Бу эса ас-Субазмунийнинг фикри, дунёқароши, сафарлари ва бошқа олимлар билан бўлган баҳс ва мунозаралари ҳақида тўлиқ хулоса чиқариш учун етарли ҳисобланмайди.

Муҳаддис деярли саксон беш йиллик умри давомида ислом илмларининг турли соҳаларида, айниқса, фикҳда ижод қилиб, чуқур из қолдирган. Биз олим шахсига, асосан, Бухородаги ҳадис илми билимдони сифатида ёндашамиз. Унинг ҳадис илмини талкин этишида, албатта, илмнинг бошқа соҳаларида (ханафия фикҳи, мотуридия каломи, тафсирчилик, адаб ва шеърят) тутган позицияси катта аҳамият касб этади.

Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг устозлари ва шогирдлари

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмунийнинг бир қатор устоз ва шогирдлари бўлган. Ас-Субазмуний машҳур «Қашф ал-осор» асариде жуда кўп ровийлардан ри-





воятлар қилган бўлиб, у ровийлар юртимиздан бошлаб Мисргача бўлган масофада яшаб ижод қилганлар. Улар орасида Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг кўплаб устозлари ва замондошлари бор. Улар ислом оламида ҳурмат билан тилга олинадиган алломалар бўлиб, ислом илмларининг ҳар бир соҳасида, жумладан, ҳадис, фикх, усул ал-фикх, калом ва бошқа илмларда фаолият олиб борганлар. Устоз нафакат ҳанафий олимлардан, балки бошқа мазҳаб олимларидан ҳам илм олган. Умуман олганда, ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асаридаги ривоятлар орқали уч юз йигирма битта устози зикр қилиб ўтилган.

Ас-Субазмуний Абу Касир Сайф ибн Ҳафс аз-Зоҳид аз-Зоминий ас-Самарқандий (ваф. 297/909), Абу Абд ар-Роҳман Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Хужр ибн ал-Фадл ибн Тоҳмон аш-Шайбоний ал-Бухорий (ваф. 307/919), Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ибн Ҳаммод ибн Абд ар-Роҳман ас-Сикижқасий ал-Бухорий (ваф. 315/927), Абу Солих Халаф ибн Омир ибн Саъид ал-Ҳамадоний ал-Бухорий (ваф. 282/895), Абу Саъид Халаф ибн Сулаймон ибн Абдуллоҳ ибн Абд ар-Роҳман ал-Дириздахий ан-Насафий (ваф. 300/912) каби олимлардан ҳадислар ривоят қилган.

Ас-Субазмунийдан Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фадл ал-Каморий (301/913–381/991), Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Рустам ибн Жакра ибн Мофтам ибн Жанинам ал-Калобозий ал-Ҳофиз (ваф. 398/1008), Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Ҳамдон ибн Муҳаммад ибн Нух ал-Муҳаллабий ал-Хатиб (ваф. 395/1005) каби муҳаддис ва факихлар дарс олганлар. Шогирдлари орасида Ибн Фадл Мовароуннаҳрда фикх илмини кенг тарқатишга катта ҳисса қўшган.


Ас-Субазмунийнинг отаси тўғрисида маълумотлар учратмадик. Унинг асарида отаси Муҳаммад ибн Яъқубдан ва амакиси Жибриил ибн Яъқубдан ҳам ривоятлар келтирган. Лекин отаси ва амакиси ҳақида ўзининг асаридан бошқа манбаларда бирорта ҳам маълумот учратмадик.

«Кашф ал-осор»да отаси ва амакисидан ривоятлар келтиргани уларни ҳам ҳадис билимдонларидан, шу билан бирга, ҳанафий мазҳаби намояндлари, айни вақтда Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг биринчи устозлари эди, дейишимизга асос бўлади. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг устозлари ва шогирдлари ҳақида ас-Самъонийнинг «Ал-Ансоб», ал-Қурашийнинг «Ал-Жавахир ал-музийя», ал-Лакнавийнинг «Фавоид ал-бахийя» ва бошқа асарлардан маълумот топиш мумкин. Паздавийлар, Бурхониддин ал-Марғиноний ва бошқа кўплаб факихларнинг исноди ас-Субазмунийга бориб такалади.

Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг асарлари

Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Шазарот аз-заҳаб» китобида бир неча асар яратгани ҳақида зикр этилган бўлса-да, ҳозиргача фақат бир асари ҳақида маълумотга эгамиз. У ҳам бўлса «Кашф ал-осор фи манокиб Абу Ҳанифа» («Абу Ҳанифа асарининг кашф қилиниши») асаридир. Бу асарда тўрт мингдан зиёд ривоятлар бўлиб, уларнинг аксариятини ҳадислар ташкил қилади. Бундан ташқари, асарда Абу Ҳанифанинг манокиви ва фатволари ҳамда саҳобийларнинг сўзлари, тобиъийларнинг фатволари ва Абу Ҳанифанинг шогирдлари бўлган Муҳаммад аш-Шайбоний, Абу Юсуф каби шогирдларининг ҳам фатво ва манокиблари учрайди.





«Кашф ал-осор» асари муснад услубида ёзилган бўлиб, ровийлар шаҳарларга нисбатан бўлиб келтирилган. Асар Абу Ҳанифани кўрган ва ундан ривоят келтирган ровийлар ҳақидаги маълумотлар асосида тузилган. Асарда Бухоро, Самарканд, Насаф, Шош ва бошқа қадимий шаҳарлардан чиққан ровийлар ривоятлари ҳам келтирилган. Унда юртимиздан чиққан ровийларнинг бир юз ўттиздан ортиғи ҳақидаги маълумотларни топиш мумкинки, уларнинг аксарияти ҳақида тарих китобларида ҳеч бир маълумотлар йўқ эди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ас-Субазмуний Мовароуннаҳрда фикҳ илмини шакллантиришда муҳим ўрин тутган алломадир.

Дониёр МУРОДОВ,
тарих фанлари номзоди

АБУЛ МУАЙЯД МАККИЙ ХОРАЗМИЙ (1091–1172)

XI–XII асрларда Хоразм Марказий Осиёдаги илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлган. Шу даврда Ўзбекистоннинг мазкур ўлкасида кўплаб буюк олимлар фаолият юритганлар. Улар қаторида ҳозирги кунга қадар қўнчиликка маълум бўлмаган буюк олим Абул Муайяд Маккий Хоразмий алоҳида ўрин тутди.

Абул Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад ибн Исҳоқ Маккий Хоразмий зиёли оиласида дунёга келиб, ўз даври илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган, фикҳ, тилшунослик, араб тили илмлари бўйича кўзга кўринган олимдир. Манбаларда олим даражасининг юқорилиғи тан олинди. «садрул-аимма» (имомлар садри, имоми), «Садруддин» (диннинг садри, имоми) номи берилган. Аксарият муаллифларнинг қайд этишлари-ча, «Хоразм хатиби» лақабини олган бу олимнинг ҳаёти 1091–1172 йилларга тўғри келади.

Олимга «Маккий» нисбаси берилишига сабаб, унинг Маккага қўп маротаба сафар қилгани бўлиши ҳам мумкин. Ўрта асрларда бундай номнинг учраши оддий ҳолат эди. Буни Абу Саъд ас-Самъонийнинг «ал-Ансоб» (Нисбалар) асарида Исмоил ибн Муслим исмли кишининг кўн маротаба Макка шаҳрига ҳаж ва тижорат мақсадида катнагани сабабли унга «Маккий» номи берилганини зикр этишида ҳам кўришимиз мумкин. Аммо унинг акаси шамсул-аимма Абул Фараж Муҳаммад ибн Аҳмад ҳам Маккий нисбасига эга бўлганидан бошқа хулосани чиқариш мумкин: Хоразмда ҳам Маккаи муқаррамага тақлидан номланган ёки унга ўхшаш номдаги жой бўлган бўлиши мумкин.

Абул Муайяд Маккий Хоразмий фаолияти XI–XII асрларда Хоразмда ҳукмрон сулола бўлган Ануштегин ва унинг ўғиллари томонидан барпо этилган Хоразмшоҳлар давлати даврига тўғри келади: тахминан 1077 йилдан бошланган Ануштегинийлар сулоласининг илк вакилларида Ануштегин Гарчан (тах. 1077–1097), Қутбуддин Муҳаммад (1097–1127), Алоуддин Отсиз (1127–1156), Эл-Арслон (1156–1172), Ануштегин Алоуддин Текиш (1172 й.) ҳамда Султоншоҳ ибн Эл-Арслон (1172–1193).





Абул Муайяд Хоразмий яшаган даврда ислом дини ва ханафийликнинг Хоразмда ва унинг ташқарисида, яъни атрофдаги туркий халқлар орасида кенг ёйилишида Хоразмшоҳлар, айниқса, Абул Музаффар Отсизнинг саъй-ҳаракатлари ва роли катта бўлди. Келтирилган далиллар XI–XII асрларда Хоразмдаги илмий муҳитнинг ривожланишига аввалдан замин мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Буюк ипак йўли устида жойлашган, йирик тамаддун ўчоқларидан бири, Маъмун академияси ватани – Хоразм қадимдан илмий-маърифий ва маданий марказлардан бири эди. Шу боис ҳам Абул Муайяд Хоразмий каби илм аҳллари ўзларининг ҳар томонлама билимларини ошириш ва муҳим диний-ижтимоий масалаларни ҳал қилишга хизмат қилувчи асарларини ёзишга муваффақ бўлдилар. Хоразм Мовароуннаҳрда ислом дини, хусусан, ханафийликнинг тарқалиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этган марказлардан бўлган. Бунга унда мавжуд мустаҳкам илмий замин асос бўлди.

Абул Муайяд Хоразмий ўз даврида пайдо бўлган диний-ижтимоий масалаларни муътадиллик ва бағрикенглик асосида ечиб беришга катта ҳисса қўшган олим. У мусулмон дунёсининг турли илм марказларида уламолар суҳбатига бўлиб, исломнинг I–II асрларида яшаб, турли фиркалар орасида келиб чиққан низоларни ечишга етарли диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллаган ҳамда ихтилофларни ўзининг мантикий жавоблари билан ҳал қила олган олим Абу Ҳанифа ҳаёти ва илмий меросини тиклаш ишини амалга оширди.

Хоразмий таълим билан бирга юксак тарбия кўрган инсон сифатида намоён бўлади. Унинг «Манокиб Аби Ҳанифа» (Абу Ҳанифа манокиблари) асари юртимиз маънавияти тарихини ёритувчи муҳим манбалардан биридир. Унинг ҳозирги кунда Истанбулдаги Сулаймония кутубхонаси қўлёзмалар фондида 1631-рақам остида сақланадиган, 192 варақдан иборат қўлёзмаси нисбатан тўлиқ сақланган нусха ҳисобланади ва манокиб жанридаги асарлар ўртасида ханафийлик бўйича манба сифатидаги ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эга.


Абул Муайяд Маккий Хоразмий «Манокиб Аби Ҳанифа» асарида ханафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа сиймоси кирраларини ҳар томонлама ёритишга интиланган. Хусусан, муаллиф олимнинг фикр илмига кириб келиши ва унинг босқичма-босқич олиб борган ишларини келтирган. Асарда Абу Ҳанифа сиймоси, олимнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти ишончли ривоятлар ёрдамида, ислом илмлари тараккиётига қўшган ҳиссаси ёритилган, бу мазҳабнинг исломни янги қабул қилган халқлар ўртасидаги мавқеи, ханафий мазҳаби тарқалган минтакалардаги хилма-хил маданиятларнинг ўзаро муносабати ҳамда турли ижтимоий табақалар орасидаги ихтилофлар каби тарихий жараёнларнинг ҳолати кўрсатиб берилган.

Абул Муайяд Маккий Хоразмий ушбу асари билан Мовароуннаҳрда маҳаллий анъаналарни ўзига сингдирган, турли дин ҳамда миллат вакилларига нисбатан бағрикенглик билан ёндашган ханафийлик мазҳабининг барқарор ўрнашувига катта ҳисса қўшган.

Абул Муайяд Маккий Хоразмийнинг «Манокиб Аби Ҳанифа» асари ханафий мазҳабининг йирик намоёндалари ва ханафийлик бўйича ёзилган 20 дан ортиқ асар ҳақида маълумотларга эга ва шубҳасиз, ханафийлик бўйича нодир манба ҳисобланади.

Хоразмий «Манокиб Аби Ҳанифа» асарида 50 га яқин унга ривоят айтган устозларининг номларини санаб ўтади. Улар орасида илмий фаолияти ва асарлари билан танилган қуйидаги олимларни алоҳида зикр этиб ўтиш лозим:





Шамсул-аймма Абул Фараж Муҳаммад ибн Аҳмад Маккий (Хоразмийнинг акаси – XI–XII асрлар);

Абул Қосим Махмуд ибн Умар Замахшарий (1075–1144);

Абдулҳамид ибн Микоил ибн Аҳмад Бароткиний (XI–XII асрлар);

Абул Фазл Абдурахмон ибн Муҳаммад Кирмоний (XI–XII асрлар);

Абдулҳамид ибн Аҳмад (XI–XII асрлар) ва бошқалар.

Абул Муайяд Хоразмийнинг таҳсил олишига энг аввало отаси Аҳмад ибн Исҳоқ ва акаси шамсул-аймма Абул Фараж Муҳаммад ибн Аҳмад Маккий Хоразмий сабабчи бўлган. Абул Муайяд, энг аввало ўз она юрти Хоразмда ислом оламида кўзга кўринган бир қатор хоразмлик шайхлардан таълим олган. Улар орасида «ал-Кашшоф ан ҳақоик ат-танзил ва уюн ал-ақовил фи вужух ат-таъвил» (Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш) номли тафсирнинг муаллифи, «Жоруллоҳ» (Аллоҳнинг қўшниси), «Устоз ад-дунё» (Бутун дунёнинг устози) шарафли лақабларини олган Абул Қосим Махмуд ибн Умар Замахшарийни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу серқирра олим қўлида Хоразмийнинг таҳсил олиши, унинг мазкур илмлар бўйича пухта малакага эга бўлганини кўрсатади. Абул Муайяд Хоразмий устози Замахшарийни юксак кадрлаб, «у – аллома ва Хоразмнинг фаҳри» дея зикр этади.

Абул Муайяд Хоразмий унга берган билим ва маълумотлари учун самимий миннатдорчилигини билдирган устозлари сирасида Насафдан чиқиб, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказган ва Мовароуннаҳрда ханафий-мотуридий мазҳабининг ривож топишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олим – Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) номини ҳам зикр этган.

Хоразмий Абу Ҳафс Насафийдан ислом илмлари – тафсир, ҳадис, фикх, калом, адаб ва назм соҳалари бўйича кўп билим олган. Ушбу йўналишларга оид қатор илмий асарлар ёзган Хоразмийнинг бадиий билимини «Маноқиб» асарида лозим топган жойларини шеърӣ тарзда бергани ва бу йўл билан ўз асарининг бадиий жиҳатдан бой ва кизиқарли бўлишига эришганида кўриш мумкин.

Хоразмийнинг ислом оламидаги йирик илм марказлари – Бағдод, Куфа, Ҳижоз, Ҳамдон, Журжонда бўлиб, у ердаги кўпгина олимлардан бевосита ривоятлар эшитгани диққатга сазовор.

Абул Муайяд Хоразмий Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, Ҳижозга сафарлари асносида ўз замонасининг кўплаб олим ва ровийларидан бевосита ёки билвосита, яъни мактуб ва рисоалар орқали илм олиш, ҳадис ва ривоятлар эшитиш, хабарлар алмашиш билан бирга кўплаб олимларнинг асарларидан ҳам унумли фойдаланган. Масалан, Хоразмий «Маноқиб» асарида Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 1071 й.) «Тарихи Бағдод» (Бағдод тарихи) асаридан унумли фойдаланган.

Абул Муайяд Хоразмий ўз юртида фикх, адаб, тилшунослик илмлари бўйича бир қатор шоғирларга устозлик қилган. Улар орасида фикх, тилшунослик, араб тили илмлари бўйича кўзга кўринган олим Носир ибн Абул Макорим Абдусаййид ибн Али Мутарризийни зикр этиш лозим. Мутарризийнинг «ал-Мисбоҳ» асари одамлар орасида қўлдан-қўлга ўтиб юрувчи «хаммага макбул ва фойдали китоб» сифатида таърифланади. «Ал-Муғроб» эса факих уламоларнинг ҳар қунги ишлатадиган қўлланмасига айланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абул Муайяд Хоразмий ўз даврида замонасининг кўзга кўринган олимларидан таҳсил олди, билимларини ўз асарида тўла акс эттиришга, келгуси авлодга қолдиришга ҳаракат қилди. Ўша даврда чиккан гурли диний-ижтимоий



ихтилофларни мўътадил йўл билан ечишга бўлган уринишини ханафий мазҳаби тамойилларини тиклаш билан амалга оширди. Бу ишни мазҳаббоши олим Имом Аъзам Абу Ҳанифа сиймосини халқ кўзида дунёвий ва диний илмларни яхши билган ибратли инсон қилиб гавдалантириш билан амалга оширди.

Розия МАТИБАЕВА,
тарих фанлари номзоди

АБУ ШАКУР СОЛИМИЙ КЕШИЙ (XI аср)

Абу Мансур Мотуридийдан кейин мотуридия таълимотининг ислом оламида кенг тарқалишига улкан ҳисса қўшган Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиккан олимлардан бири кешлик Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллох Саид ибн Шуайб Кеший Ҳанафий Солимий Макшифийдир.

Абу Шакур Солимийнинг ҳаёти, туғилган санаси, устоз ва шогирдлари ҳамда «ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид» асари ҳақида биографик манбаларда маълумотлар кам учрайди. Жумладан, «Кашф аз-зунун» китоби муаллифи Ҳожи Халифа Абу Шакур Солимийнинг мазкур асари бор дейиш билан кифояланган. Алломанинг Кеший нисбаси туғилиб ўсган жойи қадимги Кеш шаҳри билан боғлиқ бўлиб, баъзи араб тилидаги манбаларда «Кашший» ёки «Кассий» деб ҳам келган. «Ҳанафий» нисбаси эса, ханафий мазҳаби эътиқотида бўлгани туфайли берилган.

Ушбу мавзуда илмий изланишлар олиб борган турк тадқиқотчиси Умар Туркменининг айтишича, аллома қабиласига кўра «Солимий» нисбасини олган. Шунингдек, Абу Мансур Мотуридий «Имом ал-ҳуда» (тўғри йўл раҳнамоси) унвонига сазовор бўлгани каби Абу Шакур Солимий «Мухтадий (тўғри йўлда юрувчи)» номи билан танилган. У зотга «Макшифий» нисбаси нима сабабдан берилгани ҳақида биографик манбаларда ёки замонавий тадқиқотларда ҳозирча бирор маълумот учрамайди.

Абу Шакур Солимий юртимизнинг қадимий Кеш воҳасида XI асрнинг биринчи ярмида туғилган. Олимнинг «ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид» асарида шайхул-ислом, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамза Хатиб Самарқандийдан кўпгина китобларни таҳсил олгани зикр қилинган. Бу эса у зотнинг таваллуди XI асрнинг биринчи ярмида бўлганини ва Самарқанд шаҳрида таълим олганини кўрсатади. Алломанинг яшаган замони Шарқда илм-фан ва маданиятнинг энг юқори чўққига етган даврига тўғри келади. Мана шу вақтдан бошлаб мотуридия таълимоти алоҳида ном билан бутун ислом оламига тарқала бошлади. Шу вақтга қадар «мотуридия» атамаси ишлатилмас эди. Абу Шакур Солимий каби буюк алломаларнинг хизматлари туфайли «мотуридия» номи бутун ислом оламига тарқалди.

Абу Шакур Солимийнинг асосий устози шайхул-ислом, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамза Хатиб Самарқандий ўша даврнинг Самарқандаги етук уламоларидан бири бўлган. Нажмиддин Умар Насафийнинг таъкидлашича, ўша пайтда унинг ҳовлиси талабалар учун мадраса вазифасини ўтаган. Талабалар у ерда кироат ва ҳадис каби фанлардан таълим олганлар.

Абу Бакр Муҳаммад Самарқандий ҳам ўз навбатида ханафий уламоларнинг пешвоси шамсул-аимма Абу Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солих Ҳалвоний Бухорийнинг (ваф. 1056 й.) шогирди бўлган.





Алломанинг Абу Бакр Муҳаммад Самарқандийдан бошқа устозлари хақида манбаларда ва замонавий тадқиқотларда бирор маълумот учрамайди. Унинг ўзи «ат-Тамҳид» асарида Хуросоннинг Марв ва Нуржон каби шаҳарларига сафар қилганини ва у ерларда шиа фирқаси вакиллари ва мажусийлар билан илмий баҳс-мунозаралар олиб борганини қайд этган.

Абу Шакур Солимий «ат-Тамҳид» асарида калом илмига оид муҳим масалаларни баён қилган ҳамда ақлий ва нақлий далиллар асосида баҳс юритган. Ушбу китоб ўша вақтда ва кейинги асрларда аҳли сунна ва-л-жамоа ақоидини баён қилувчи муҳим манбалардан бири бўлиб келган.

Абу Шакур Солимий «ат-Тамҳид» асарининг ёзилиш сабабини куйидагича баён қилган: «Баъзи дўстларим мендан ибора ва ишораси тушунарли маърифат ва тавҳид асослари хақида тамҳид (қўлланма) ёзиб беришимни сўрашди. Ақл эгалари тўғри йўлни топишида ушбу асаримнинг фойдали бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб, сўнг ушбу китобни ёзиб, уни «ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид» (Тавҳид баёни хақида қўлланма) деб номладим». Ҳақиқатда, муаллифнинг ўзи айтганидек, мазкур асар ниҳоятда енгил услубда ёзилган бўлиб, араб тилидан бошланғич маълумоти бор киши ҳам ундан эркин фойдаланади. Бу эса ўқувчиларга мотуридия таълимотини янада мукамал ва чуқур ўрганиш имкониятини беради.

«Ат-Тамҳид» асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари бизгача етиб келган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида ҳам «ат-Тамҳид» китобининг 2638, 8736, 4604, 8160 рақамли қўлёзма нусхалари сақланади. Ҳамид Сулаймонов номидаги фондда эса «ат-Тамҳид» асарининг 2418-рақам остида қўлёзма нусхаси сақланади, лекин унда асарнинг фақат I бобига тегишли аввалги тўртта фаслгина мавжуд.


Европа шарқшуносларидан К. Броккельман берган маълумотга кўра, «ат-Тамҳид» асарининг қўлёзма нусхалари Туркиянинг «Ашир», «Селим Оға», «Шехид» ва «Сулаймония» кутубхоналарида турли хаттотлар томонидан кўчирилган учта қўлёзма нусхаси 524, 525 ва 2167-рақамлари остида сақланмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида эса «ат-Тамҳид» асарининг 27-Е, 105-Е, 140-Е, 313-Е, 560-Е рақамлари остида сақланувчи бешта тошбосма нусхаси мавжуд. Буларнинг барчаси 1908 йилда Қози Мулло Муҳаммад Исо Хожа Мусавий Ризовий томонидан таҳрир қилиниб, Мулла Авлиё томонидан Самарқанд шаҳридаги «Демуров» босмахонасида нашр этирилган. Бундан ташқари, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 14315-рақам остида сақланаётган битта тошбосма нусхаси 1891 йил Дехли шаҳрида «Форукий» босмахонасида чоп этилган.

«Ат-Тамҳид» асаридан кўплаб ханафий мазҳаби уламолари эътиқодий масалаларни ёритишда фойдаланганлар. Жумладан, кўплаб китобларга шарҳ ёзган машхур ханафий олим Нуриддин ибн Султон Муҳаммад Али Корий «Шарҳ ал-фикх ал-акбар» номли асарида «Гуноҳи кабира мўминни имондан чиқармайди» мавзuidaги эътиқодий масалаларни Абу Шакур Солимийнинг мазкур китобидан иқтибос келтирилган ҳолда ёритиб берган.

Турк тадқиқотчиси Умар Туркменнинг айтишича, Баёзий Зода «ал-Усул ал-мунифа ли-л-Имоми Аби Ҳанифа» (Имом Абу Ҳанифанинг эътиқодий қарашлари) асарида Имом Абу Ҳанифанинг эътиқодий қарашларини изоҳлашда Абу Шакур Солимийнинг «ат-Тамҳид» асаридан фойдаланган.





Бир канча замонавий тадқиқотчи олимлар «ат-Тамҳид» асарининг мотуридия таълимотида тутган ўрни ҳақида ўз фикрларини билдиришган. Жумладан, Европа шарқшуносларидан Клауде Жиллод бундай ёзади: «Юқорида кўриб ўтганимиздек, Мовароуннаҳрда XI асрнинг иккинчи ярмига қадар калом илмига оид мукаммал асарлар мавжуд эмас эди. Айнан шу даврга келиб Абу Шақур Солимий калом илмига бағишланган мукаммал асари «ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид»ни ёзди. Бу асар мотуридия таълимотини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшди».

Бундан ташқари, шарқшунос олим А. Мўминов Абу Шақур Солимийнинг яшаган даврини XI асрнинг иккинчи ярмига тўғри келганини айтади. Шу билан бирга «ат-Тамҳид» асари ўша даврда, асосан, ўқув қўлланма сифатида истифода этилганини таъкидлаб, ўзининг докторлик диссертациясида Абу Шақур Солимий ва унинг «ат-Тамҳид» асари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтади.

Абу Шақур Солимий «ат-Тамҳид» асаридаги эътиқодий мавзуларни «Ақл», «Ҳис қилинадиган ва маълум нарсалар», «Яратувчининг исботи», «Аллоҳ таолонинг сифатлари», «Аллоҳ таолонинг исмлари», «Расулulloҳ (с.а.в.)га ваҳийнинг исботи», «Имон маърифати», «Имоннинг шартлари», «Дин ва шариатлар», «Таклиф ва тоқат», «Халифалик ва амирлик» ва «Аҳли сунна ва-л-жамоа тўғрисида ва бидъат аҳлига раддия» деб номланувчи ўн иккита бобга тақсимлаб баён қилган. Ҳар бир боб мавзусининг кенг камровли ёки қисқа эканига қараб, учтадан йигирма биттагача фаслдан ташкил топган.

Муаллиф эътиқодий мавзуларни мантиқан узвий боғлиқлик асосида баён этган. Жумладан, ислом динига мансуб фиркалар ақлга турлича баҳо берганлари боис эътиқодий масалаларда ўзаро ихтилоф қилганлар. Шу эътибордан ақл тўғрисидаги бобни биринчи зикр этган.

Асарнинг «Аҳли сунна ва-л-жамоа тўғрисида ва бидъат аҳлига раддия» деб номланувчи 12-бобида аҳли сунна ва-л-жамоанинг таърифи, унинг вакиллари, адашган фиркалар, бошқа динлар эътиқодининг тарихи ва асосий қарашлари баён қилинган.

Аллома ўз асарида мотуридийларнинг қарашларини баён қилиш билан бирга, мавзуга доир бошқа фиркаларнинг ҳам эътиқодий қарашларини келтириб ўтган. Ҳар бирининг бу борадаги далил ва ҳужжатларини баён қилиб, таҳлил қилган ҳамда уларга аҳли сунна ва-л-жамоа номидан раддиялар берган. Қолаверса, турли фирка вакиллари билан фақатгина назарий баҳс юритиш билан чекланиб қолмасдан, улар билан бевосита муайян бир эътиқодий мавзуларда олиб борган мунозараларини асарда ёритиб берган. Бундан ташқари, Имом Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Молик ибн Анас ва Муҳаммад ибн Фазл каби уламоларнинг сўзлари ва турли фирка вакиллари билан олиб борган мунозараларини ҳам зикр қилган.

Абу Шақур Солимийнинг «ат-Тамҳид» асари қўлёзма ва тошбосма нусхалари ислом оламининг турли ҳудудларида, хусусан, ханафий мазҳаби ёйилган минтақаларда кенг тарқалиши унинг мотуридия таълимоти эътиқодини баён этишда нақадар аҳамиятли эканидан дарак беради. Бу эса ўз навбатида Абу Шақур Солимий мотуридия таълимоти ривожига жуда катта ҳисса қўшганидан далолатдир.

Соатмурод ПРИМОВ,
тарих фанлари номзоди



БУРХОНИДДИН МАҲМУД БУХОРИЙ (1156–1219)

Бурхониддин Махмуд Бухорийнинг маънавий мероси хақида кўплаб манбаларда хабар берилса-да, унинг шахсияти ва Шарқда Оли Моза номи билан шухрат қозонган оиласига доир маълумотлар деярли кам ўрганилган. Бурхониддин Махмуд Бухорий гарчи ҳаёти давомида Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод этган бўлса-да, алломанинг шоҳ асари бўлмиш «ал-Мухит» (Уммон ёки Қўрғон) асарида келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, у 1156 йили ҳозирги Марғилон шаҳрида таваллуд топган. Бурхониддин Махмуд Бухорий ханафийлик мазҳабига доир фикхий асарларда Бурхониддин, бурхон ул-ислом, садр ул-ислом, садруддин, бурхон аш-шариа каби ном ва унвонлар билан зикр қилинади. Бу унвонлар албатта асар муаллифининг юқори илмий салоҳият соҳиби бўлганлигини кўрсатади.

Бурхониддин Махмуд Бухорийнинг бобоси Бурхонул Кабир Сарахсада, сўнгра Ўзгандда шамсул-аймма Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн Фазл ибн Ҳасан Заранжарийдан (ваф. XII) фикх илмини ўрганган.

Шунингдек, Бурхониддин Махмуд Бухорийнинг вояга етиши, фикх илми соҳасида машҳур бўлишида унинг Бухоро ва Самарқандда Оли Моза ёки Садрлар номи билан машҳур бўлган оиласи ҳам муҳим роль ўйнади.

Бурхониддин Махмуд Бухорийнинг оиласи Бухорога кўчиб келгунига қадар «Оли Моза», «Бани Умар ибн Марвон» номлари билан танилган. Бундан кўринадики, сулола насл тарафидан бешинчи халифа деб эътироф этилган умавий Умар ибн Абдулазиз ибн Марвонга (ваф. 719 й.) бориб такалиши хақидаги фаразлар ҳам мавжуд.

Бурхониддин Махмуд Бухорийнинг факих сифатида танилишида унинг Самарқанддаги фаолияти муҳимдир. Бухорода Оли Моза оиласи билан маҳаллий олимлар ва сўнгги Қорахонийларнинг хони ҳисобланган Қилич Арслонхон Усмон (1202–1212 йй.) ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви оиланинг Самарқандга келиб ўрнашишига сабаб бўлган.

Манбалар унинг асарлари, асосан, Самарқандда битилгани, унинг шоҳ асари бўлмиш «ал-Мухит» асарининг илк нусхалари ҳам айнан шу шаҳар хаттотлари томонидан кўчирилганлигини тасдиқлайди. Масалан, хаттот Абулфатҳ Абдулқоҳир ибн Абу Бакр ибн Али Марғиноний 1262–1265 йилларда Самарқанддаги Амирия мадрасасида «ал-Мухит»ни китоб шаклига келтирган.

Бурхониддин Махмуд Бухорийнинг устозлари, асосан, ўз оиласидан чиққан факихлардир. Аллома асосий билимни ўз отаси Садр Саиддан олган.

Тарихчи Тамимий алломанинг отаси Садр Саиднинг кўзга кўринган шогирдларидан ўз ўғли Махмуд ва машҳур «ал-Ҳидоя» асарининг муаллифи Бурхониддин Марғиноний исмини келтиради.

Бурхониддин Махмуд Бухорий «ал-Мухит» асарида ўзига замондош бўлган қуйидаги мовароуннаҳрлик ханафий олимларни санаб ўтади. Улар амакиваччаси Муҳаммад ибн Ҳусомуддин Садр Шаҳид («Садр ул-жаҳон» номи билан машҳур бўлган; ваф. 1170 й.), «Фатово ал-Қозихон» асари муаллифи Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий Фарғоний («Фаҳруддин Қозихон» номи билан машҳур, ваф. 1196 й.), Абу Ҳафс Ақилий (ваф. 1200 й.), Имом Бурхониддин Марғиноний (ваф. 1197 й.), Юсуф





ибн Ахмад Нажмуддин Хоразмий (ваф. 1237 й.). Абу Бакр ибн Алоуддин Косоний (ваф. 1191 й.), Ахмад ибн Саид Ҳасийрий (ваф. 1298 й.), «Фатово аз-захирия» асари муаллифи Захируддин Кабир Али ибн Абдулазиз Маргиноний (ваф. 1222 й.) дир.

Бурхониддин Маҳмуд Бухорий 1219 йили 63 ёшида Бухоро ҳимояси учун мўғуллар билан бўлган жангда шаҳид бўлади. Унинг шогирдлари кўп бўлишига қарамай, табакотларда факатгина ўз ўғли Тохир ибн Маҳмуднинг номи зикр этилади, холос.

Оли Бурхон ёхуд Оли Моза оиласининг асосчиси ва Бухоронинг илк садри, Садрул Кабир ибн Моза (ваф. 1123 й.) дир. Ундан сўнг унинг ўғли Ҳусомуддин Садр Шаҳид (1090–1141) садрлик мансабига ўтирди ва Қатавон урушида шаҳид бўлди.

Табакот манбаларда Бурхониддин Маҳмуд Бухорийнинг (ваф. 1124 й.) бобоси «Абу-с-Судур», «садр ул-кабир», «бурхон ул-кабир», «бурхон ул-аимма», «садр ул-моза» каби номлар билан зикр этилади. Кафавий: «У форслардан эди, шунинг учун форсча гапирар эди. Фатволарни ҳам форс ва араб тилларида чиқарар эди», деб ёзди. Бирок манбаларда Бурхонул Кабир яратган илмий мерос ва унинг шахсиятига оид маълумотлар кам учрайди. Унинг Муҳаммад Шайбоний яратган «ал-Жомеъ ас-сағир» асарига ёзган шарҳи ҳақида маълумот бор бўлса-да, бу шарҳ бизгача етиб келмаган. Бурхонул Кабир Султон Санжарнинг опасига уйланганлиги манбаларда қайд қилинган.

Бухорода «Садр» ва «Қози ал-кузот» мансабига 1101 йилда илк бор Бурхониддин Маҳмуд Бухорийнинг бобоси Бурхонул Кабир тайинланган. Оли Моза оиласининг Бухородаги маданият, фан ва таълим ҳамда фикҳ илми ривожигаги хизматини уларнинг «Сиккат ад-дехкон» маҳалласида «Хизонат ал-кутуб» кутубхонасини ташкил этишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу кутубхонани бойитишда Бурхонул Кабир, Садр Шаҳид ва унинг укаси Садр Саиднинг хизмати катта бўлган. Кўплаб бухоролик фақиҳлар ўз асарларини ушбу кутубхонадаги манбалардан фойдаланган ҳолда ёзганлар.


Тарихчилар томонидан Оли Моза оиласининг Бухородаги ҳукмронлик фаолияти турлича баҳоланади. Мазкур оила Бухорога кириб келгунга қадар шаҳарда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил Саффор (ваф. 1139 й.) асос солган оила ҳукмрон эди. Бошқарувнинг Марвдан келган бошқа сулола кўлига ўтиши Бухорода маҳаллий уламоларнинг етакчи жамоаси сифатида танилган Саффорийларнинг узок муддатга қадар Оли Моза оиласига муҳолиф бўлишларига олиб келди.

Маҳмуд Торобий 1238 йилда «Садр» унвонини Оли Моза оиласидан олиб, Ахмад ибн Убайдуллоҳ ибн Иброҳим Маҳбубийнинг ўғли Шамсуддин Маҳмуд ибн Ахмад Маҳбубийга (ваф. 1232 й.) берди. Шу тариқа Оли Моза оиласининг Бухорода диний-сиёсий ҳукмрон табақа сифатидаги фаолияти якун топди.

Бурхониддин Маҳмуд Бухорийнинг шох асари бўлмиш «ал-Мухит» бир неча марта нашрга тайёрланган. «Ал-Мухит» асарининг илк йирик нашрини Ахмад Иззу Иноя (Қоҳира, 2003) ҳар бири ўртача 500–550 бетдан иборат бўлган ўн жилдлик китоб ҳолида амалга оширган. «Ал-Мухит»нинг иккинчи йирик нашри муаллифи Абдулқарим Сами Жундий бўлиб, у асарни тўққиз жилдда (ҳар бир жилди ўртача 500–550 бетни ташкил қилади) нашрга тайёрлаган.

Маълумки, мўғуллар истилосидан сўнг ислом илмларининг ривожини Усмонийлар давлатида қузатишди ва Истанбул шаҳри ислом илмлари марказига айланган.





рилди. Мазкур ҳудудда ханафийлик мазҳабининг изчил ривожланиб боришида мовароуннаҳрлик фақиҳлар томонидан таълиф этилган қатор асарларнинг аҳамияти катта бўлди. Жумладан, бугунги кунга келиб «ал-Мухит» асарининг биргина Туркиядаги Боязид, Сулаймония, Кўпрулу кутубхоналарининг ўзида 66 та қўлёзма нусхалари борлиги фикримизга далил бўлади. Ушбу қўлёзмалар турли ҳажмда бўлиб, турли даврларда ҳагтоғлар томонидан кўчириб борилган.

Қоҳирадаги «ал-Азхар», «Дор ал-кутуб ал-Мисрия» ва Искандария миллий кутубхоналарида асарнинг турли ҳажмдаги 27 та нусхаси сақланаётганлиги аниқланган.

«Ал-Мухит» асарининг Тошкентдаги Шарк қўлёзмалари марказида сақланаётган 10 та қўлёзма нусхаси мавжуд:

2861-рақам остида сақланаётган насталик ёзувида кўчирилган нусха (жами 1241 варак);

5982-рақам остида сақланаётган, Бухорода насталик ёзувида кўчирилган нусха (жами 955 варак);

9532-рақам остида сақланаётган, 985/1578 йили Бухорода насталик ёзувида кўчирилган нусха (жами 727 варак);

3161-рақам остида сақланаётган, ёзилган жойи номаълум бўлган насталик ёзувида кўчирилган нусха (жами 543 варак);

7814-рақам остида сақланаётган, суле ёзувида кўчирилган нусха (жами 180 варак);

8781-рақам остида сақланаётган, нах ёзувида кўчирилган нусха (жами 340 варак бўлиб, у асарнинг учинчи жилди ҳисобланади);

5835-рақам остида сақланаётган, 1221/1807 йилда Бухорода Мирзо Муҳаммад томонидан насталик ёзувида кўчирилган нусха (жами 675 варак);

3167-рақам остида сақланаётган, суле ёзувида кўчирилган нусха, (жами 314 варак);

3102-рақам остида сақланаётган, 663/1265 йилда Абул Фатх Абдулқодир ибн Кабир ибн Али Марғиноний томонидан суле ёзувида кўчирилган нусха (жами 196 варак);

5945-рақам остида сақланаётган, 989/1582 йилда Муҳаммад Али Наклибек томонидан Бухорода нимнах ёзувида кўчирилган нусха (жами 924 варак).

Оли Моза сулоласининг Мовароуннаҳр ханафийлик илми ривожидида тутган юксак ўрнини биргина Бурҳониддин Маҳмуд Бухорийнинг қолдирган илмий мероси билан ҳам исбот этиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, XX аср бошларигача ёзилган ханафий мазҳабиданги фикхий асарларнинг барчасида Оли Моза фақиҳлари асарлари ва фаволяридан кенг фойдаланилган. Мустиқиллик йилларида ашломанинг илмий мероси тадқиқотларга жалб этилди.

Илҳом БЕКМИРЗАЕВ,
тарих фанлари номзоди



ЛУТФУЛЛОХ НАСАФИЙ (ваф. 1349 й.)



XIII асрнинг охири XIV аср бошларида Мовароуннахрдан етишиб чиккан факихлар орасида насафликлар салмоқли ўрин эгаллайди. Бу даврларда, асосан, фикхий илмлар ривожини кўзга ташланади. Насафшунос турк олими Т. Яшилюртнинг кайид килишича, турк олимлари тафсир, ҳадис ва адаб илмларини эгаллаш учун Сурия, Ироқ, Миср каби давлатларга борган бўлсалар, фикх, калом ва фалсафа каби ақлий билимларни эгаллаш учун Насаф, Самарқанд, Бухорога келганлар. Гарчи бу даврда мўғуллар истилоси туфайли Мовароуннахрда ижтимоий-иқтисодий, илмий-маданий соҳаларда таназзул юзага келган бўлса-да, Чингатай хонларидан Кебекхон (ваф. 1326 й.) даврига келиб, савдо, қурилиш, илм-фан бирмунча раванк тона бошлади. Давр илмий жараёнида ақида, тафсир, калом, ҳадис ва фикх илмларига эътибор аввалгидек жонлана бошлагани кузатилади. Унда Абу Бакр Али Насафий (1319 йил ҳаёт бўлган), Абул Баракот Насафий (ваф. 1310 й.), Абдулмақорим Алоудлава Аҳмад ибн Муҳаммад (ваф. 1334 й.), Амир Маҳмуд ибн Ямин (ваф. 1344 й.), Маҳмуд ибн Садруш-шариъа (ваф. 1346 й.), Хожа Салмон Соважий (ваф. 1368 й.), аллома Саъдулдин Умар (ваф. 1322 й.), Амир Саййид Али (ваф. 1384 й.), Хожа Жалолиддин Туроншоҳ (ваф. 1385 й.), Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий (ваф. 1389 й.), Жалолиддин Аҳмад ибн Юсуф Тубоний (ваф. 1391 й.) каби олимлар каторида Лутфуллох Насафий Фозил Кайдоний ҳам ўзининг муайян ҳиссасини қўша олди.

Лутфуллох Насафий Фозил Кайдоний Насафда таваллуд топган. Бизгача етиб келган манбаларда Лутфуллох Насафийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган маълумотлар кўп эмас. Биобиблиографик манбаларда ҳам Насафий ҳақида қисқа ва бир-бирини доим такрорлаб келган маълумотлар берилди. Насафлик олимларнинг кўзга кўринган вакилларида бири бўлган Лутфуллох Насафий илмий мероси мамлакатимиз ва хорижда етарли даражада ўранилмаган. Унинг бизгача «Фикхи Кайдоний» номи ягона асари етиб келган.

Муаллифнинг асардаги асосий мақсадларидан бири, халқ орасидаги мавжуд ижтимоий, маданий ва рухий анъаналарнинг мўғуллар даврида ҳам узлуксиз давом этишини таъминлашдан иборат бўлган. Лутфуллох Насафий ўз ўрнида мўғуллар даврида сўниб бораётган фикх илмини қайта жонлантира олган. Чунки ўша пайтда Мовароуннахр ҳудудида Насафийнинг «Фикхи Кайдоний» асари каби ибодат масалаларини тўлиқ камраб олган эътиборли асарлар жуда кам ёзилган. Асар матнида зикр этилган масалалар ислом манбаҳуноселигининг фақат ибодат соҳасига ондиги билан характерли. Унда ибодатга онд масалаларнинг энг пазик жиҳатларигача кириб борилган. Муаллиф кенг дунёқарани, масалаларни ёритишда ханафийликка риоя қилиши ва ибодатга онд амал турларини талабага ёдлаб оладиган даражада содда, раван услубда маҳорат билан тушунтира олиши каби маҳоратларини ўз асарида намоён эта олган.

Манбаларда Лутфуллох Насафийнинг вафот этган йили кўрсатилган бўлса-да, унинг таваллуд санаси учрамайди. Қўлёзмаларда муаллифга «Насафий» ва «Кайдоний» деб исба берилиши унинг айнан ўша мавзедан эканига ишора қилади.

Лутфуллох Насафийнинг болалик ва ўсмирлик даврини батафсил ёритувчи маълумотлар сақланиб қолмаган. Манбаларда алломанинг илм нестоб сафар қилгани ёки





мўғуллар хуружи сабаб ўзга юртларга кетиши ҳақида ҳам маълумотлар учрамайди. Шундай бўлса-да, уни зиёли оиладан чиққан, ўз даврининг пешкадам факихларидан таълим олган, шариат илмларини мукаммал эгаллаган, дейишга асосимиз бор. Чунки Насаф ҳам ўзига қўшни шаҳарлар каби минтаканинг илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган. У ерда машхур уламо ва шайхлар фаолият кўрсатган.

«Фикхи Кайдоний» асари қарийб олти аср, яъни ўтган асримизнинг ўттизинчи йилларигача Ўрта Осиё мадрасаларида ўқитилди ва ислом фикҳининг асосий кўлланмаларидан бири сифатида эътироф этилди. Асарнинг кўплаб таржима, таълиқа, шарҳ ва хошиялари Мовароуннаҳр шаҳарларига кенг тарқалди. Бу каби омиллар муаллиф асарининг муҳим аҳамиятга эга эканига ишора қилади. Фикҳий мавзуда ёзилган ушбу асарнинг юзлаб кўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли кўлёзма фондларида сақланади.

Лутфуллох Насафий асарни ёзишда ўзидан аввал яратилган ибодатга оид асарларга таянган. Чунки ибодат масалалари диний илмлар ичида энг нозик ва мазҳаб қоидаларини тўлиқ талаб қилувчи илмлар сирасига қиради. Ўз ўрнида бу каби жиҳатлар уни ёритувчилар учун жуда катта масъулият юклайди. Насафий мана шу масъулиятни теран англаган ҳолда, ўз ишини бошлаган. Бу билан у ақида, ҳадис, фикҳ ва бошқа илмлардан етарлича хабардор эканини исботлай олган. Шу боисдан асар матнини бошқа ибодат масалалари ёритилган асарларга таққосланса, уларда ўзаро ўхшашлик жиҳатлари кузатилади. Маълумки, мазҳаблар юзага келиши билан фикҳий истилоҳлар ҳам муомалага кирди. Жумладан, фарз, вожиб, суннат, мандуб, мустаҳаб, макбул, марғуб, мубох, харом, макрух, шарт, иллат, рукн каби амал турлари мазҳаблар орасига ёйилиб, улар турли номларда қабул қилинди. Ҳар бир фикҳий атама мазҳаб асосчилари доирасида муайян даражада очиб берилди. Шунингдек, рукн ва шарт, иллат ва сабаб, фосид ва ботил орасидаги фарқлар ҳам мазҳаблараро ўз таърифларига эга бўлди. Бу каби истилоҳлар мазҳабга кўра баъзи фарқли ўринларга эга. Масалан, фарз билан вожиб ханафийларда бошқа-бошқа саналса, суннийликнинг қолган мазҳабларида вожибни қабул қилмасдан фарз билан қифоя этилади. Энди асарда келтирилган саккиз турли амал ҳақида қисқа маълумот бериб ўтамиз:


Фарз – шариат истилоҳида ҳеч қандай шубҳасиз, қатъий далил билан собит бўлган ҳукм. Уни бажариш билан киши савоб топади, тарк этиш билан жазога лойиқ бўлади. Фарзнинг икки, яъни «фарзи айн» ва «фарзи қифоя» турлари мавжуд.

Вожиб – амал қилиш ҳукмига кўра, фарзга яқин туради. Шариат истилоҳида эса, гумонли далил билан қарор топган ҳукмга айтилади. Луғатда «лозим», «керак», «зарур», «шарт» деган маъноларни англатади.

Суннат – луғавий маъноси – «одат, йўл, тажриба, қонун ва ҳаракат тарзи» каби маъноларни, шаръий истилоҳда эса, Муҳаммад (а.с.)нинг доимий қилган одатлари ва айтган ибратли сўзлари, ҳадислар тушунилади. Аҳли сунна ва-л-жамоа мужтаҳид уламолари суннатни далил сифатида қабул этиб, уни Қуръондан кейин турувчи далил деб иттифок қилганлар. Ҳадиснинг саҳих, ҳасан, машхур, мутавотир ва заиф каби турлари мавжуд.

Мустаҳаб – «яхши кўрмоқ, ёқтирмоқ» маъноларида бўлиб, шариат истилоҳида Пайғамбар (а.с.)нинг баъзан қилиб, баъзида тарк этган амалларидир. Уни бажариш билан киши савобга эга бўлади, тарк қилса гуноҳкор бўлмайди.





Мубоҳ – «раво, жоиз» маъноларида ишлатилади. Бу амални бажариш-бажармаслик банданинг ўзига ҳавола бўлган ихтиёрий амал. Киши уни хоҳласа бажаради, хоҳламаса йўқ. Мубоҳ «ибоҳа», яъни инсон ихтиёрида бўлган ишлар жумласига кириб, «ибоҳаи шаръий» – шариат томонидан берилган ихтиёр, деб аталади.

Ҳаром – луғавий маъноси «ман қилинган», «тақиқланган» деганидир. Шариат ҳукми бўйича, уни қилишдан қатъий қайтарилган. Ҳаромнинг ҳукми шуки, агар киши Аллоҳ таолодан кўркиб уни қилмаса, савоб топади, агар қилса, жазога мустаҳик бўлади.

Макруҳ – сўзига «нохуш» ёки «ёмон қўрилган нарса» дея таъриф берилган. Макруҳ амалини ким Аллоҳдан кўркиб қилмаса, савоб топади. Уни қилган кишига азоб ҳавфи бўлиши мумкин.


Муфсид – унга «бузувчи» маъноси берилган. Агар бирор шаръий амал (масалан, намоз) қасддан бузилса, азобга мустаҳик бўлади. Агар саҳван, яъни адашиб бузса, гуноҳ бўлмайди.

«Фикҳи Кайдоний»да юқорида санаб ўтилган тарзда саккиз турли амалга қисқача таъриф берилади. Кейин мазкур амалларнинг ҳар бирига алоҳида шарҳ берилади. Барча амаллар алоҳида бобларга ажратилиб, кенг ёритилади. «Фикҳи Кайдоний» факат намоз масалаларини ўз ичига олган бўлиб, ундаги ҳар бир амал кенг ва бирмабир ёритилган. Зеро, мавзу торайган сари, унинг ичига чуқурроқ кириш имконияти кўпаяди.

Муаллифнинг ибодат масалаларини ёритиш услуби ва қўйилган вазифаларни тушунтириши илмий жиҳатдан асослидир. Асарда амал турларининг таърифлари кенг камраб олинса-да, улар қисқа услубда тушунарли тарзда очиб берилади. Муаллиф асарни таълиф этишда қуйидаги ўзига хос услублардан фойдаланган:

- фикҳий масалаларни мухтасар шаклда ёритишга эътибор қаратган;
- асардаги жумлаларни аниқ ва лўнда ифодалаган;
- ибодат билан боғлиқ саккиз хилдаги амал турлари саналиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф берган;
- саккиз турдаги амаллар икки гуруҳга, «буюрилган» ва «буюрилмаган» амалларга ажратилган;
- аввал буюрилган амал турлари келтирилиб, уларнинг беш тури, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб ва мубоҳлар ҳақида маълумот берилган;
- буюрилмаган амаллар – ҳаром, макруҳ ва муфсидларнинг умумий сони саккизтага етказилган;
- намоздаги амаллар муайян бобларга ажратилиб, матнда уларнинг ҳар бири алоҳида баён этилган;
- амал турлари «хос» ва «омм» жиҳатдан икки турга ажратилган. Унга кўра, вожиб, суннат, мустаҳаб, макруҳ ва мубоҳлардан ташкил топган беш гуруҳ хос ва умумий турларга бўлинган;
- фарз қатъий буюрилган амал турлари эътиборидан факат «дохилий» ва «хорижий» (ички ва ташки) гуруҳларга ажратилган;
- қайтарилган амал турларидан саналган ҳаром ва муфсидлар «омм», яъни барча учун умумийлиги кўрсатилган;
- масала баёнида ўқувчининг осон тушуниб, уни ёдлаб олиши кўзланган.





Фикхнй матнлар тахлили бу соҳага онд асарларнинг деярли барчаси ўзига хос услубда ёзилганини кўрсатди. Уларда матн киска, лўнда ва ёдлаш учун қулай бўлишига эътибор қаратилган. Асар матни анъанага мувофик «басмала» билан бошланган. Ҳар бир ишни «Биёмиллаҳир роҳманир роҳим» калимаси билан бошлаш Муҳаммад (а.с.)нинг «Аллоҳнинг иси билан бошланмаган ҳар-бир иш кесикдир» мазмундаги ҳадислари билан ҳужжатланган. «Биёмиллоҳ»нинг фазилати ҳақида ва уни шарҳлаб, турли даврларда қўлаб асарлар ёзилган. Илмий тилда уни «Тасмния» ёки «Басмала» деб айтилади. Асарнинг кириш қисмида ҳамд, наът ва саловатлар берилган.

Асосий матн ﴿عَلَّمَ﴾ – «Билгинки» сўзи билан бошланади. Ҳар қандай асарнинг биринчи жумласи ниҳоятда аҳамиятлидир. Асарнинг таъкид маъносидagi сўз билан бошлангани ундаги мавзуларни ёдда олиб қолиш зарурлигига ишора қилувчи бир восита бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол фикхнй ва грамматик асарларда кенг учрайди. Унинг бу каби кўриниши кейинчалик баъдий ва шеърнй услубларда ҳам намоён бўла бошлади.

«Фикҳи Қайдоний»нинг Мовароуннаҳр мадрасаларида қўлланма сифатида ўқитилгани асарга қўлаб шарҳлар ёзилганига сабаб бўлган. Бу шарҳларнинг аксари Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари қаламига тегишли бўлиб, асосан, «Шарҳи Фикҳи Қайдоний» номи билан кенг тарқалган. Жумладан, Саъиддин Тафтазоний, Қози Ихтиёр, Мавлоно Фасиҳиддин ибн Абдулқарим Низомий Ҳиравий, Шаменддин Муҳаммад Кўхистоний, Муҳаммад Амн ибн Абдуллоҳ Мўминободий, Иброҳим ибн Мирдарвеш Бухорий, Немонл Носиҳ, Иброҳим ибн Ҳусайн ибн Аҳмад ибн Пири Маккий Пиризода, Азиз Маҳмуд ибн Фазлуллоҳ ибн Маҳмуд Худоний Ускударий, Шайх Немонл Ҳакки ибн Мустафо Жалватий, Нуриддин Али ибн Султон Муҳаммад Корий каби олимлар «Фикҳи Қайдоний»га турли ҳажмда шарҳ ёзганлар.

Асарнинг қўлёзма ва тошбоёма нусхаларини қатор Шарк қўлёзма фондларида жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарк қўлёзмалари марказида учратиш мумкин. Ушбу марказ қўлёзма ва тошбоёма асар матнлари хошиясига битилган нусхалар билан салмоқли ўрин тутади. Мана шундай ҳолатлар «Фикҳи Қайдоний» матни ва шарҳларида ҳам кўзга ташланади. Асарнинг изохли нусхалари, асосан, хошия ва жадвал ташқарисига кўчирилган.

Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фикҳи Қайдоний» асари қўп жихатлари билан ҳанафий фикҳига мансуб Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя», Тождин Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг «Мухтасар ал-Викоя», Абу-л-Лаїе Самарқандийнинг «Муқаддимат ас-салот», Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг «Салоти Масъудий», Ибн Камолшошоннинг «Шурут ас-салот» каби фикхнй асарларига матн жихатидан яқин туради.

Ибодат ва муомалот масалаларининг бир-биридан оз бўлса-да, фарқли жихатлари бўлиб, бир ўлкада муайян бир мазҳабнинг шаклланишига олиб келган. Шунга қўра, Марв, Нишонур, Самарқанд, Бухоро, Балх, Насаф, Қайрувон, Қургуба шаҳарларида қатор илм марказлари юзга келиди. Уларда мазҳаббошимиз Имом Аъзам Абу Ҳанифа (ваф. 767 й.)нинг фикхнй услублари, яъни Қуръони қарим, ҳадис, саҳобалар сўзлари, киёе, истехсон, ижмоъ ва урф қабиларга таяниб ҳукмлар чиқарилиди. У зотнинг аксар шоғирлари Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларидан бўлиб, ҳанафийлик ижтиҳодини кенг тарқатганлар. Шу сабаб, ўлкамиздан етишиб чиққан фақиҳларга эҳтиёж ва



эхтиром доимо кучли бўлган. Мовароуннаҳр факихлари нафакат умуминсоний кадриятлар, балки маҳаллий урф-одатларни ҳам эътибордан четда қолдирмаганлар. Ўлкадаги мавжуд фикх мактаблари ўзига хос тарзда шаклланиб, уларда шариат анъаналарининг нозик ва дақик томонлари мунозарали курашлар остида таҳлил этилган. Бу айниқса фикхий масалаларда яққол намоён бўлган.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтишимиз мумкинки, ханафий олимлари нафакат ижтимоий масалалар, балки ибодат масалалари орқали ҳам жамиятни бирлик, яшиллик ва эзгуликка қорлаганлар. Уларнинг фикхий қарашлари таълиф этган асарларида ўз аксини топган. Шу муносабат билан Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фикҳи Қайдоний» асари фикхий илмлар ичидаги энг катта қисмини ташкил этган намоз ва унинг қондаларига йўналтирилган мавзуларни камраб олган. Маълумки, Куръон, ҳадис ҳамда тафсири китобларида ибодат ва унга тааллуқли масалалар ҳақида кўп зикр қилинган ва бунга алоҳида эътибор қаратилган. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда, фақат ибодат масалаларини тўлиқ камраб олган «Фикҳи Қайдоний» каби катта фикхий масалалар тўплами мустақил ҳолда ҳам яратилган. «Фикҳи Қайдоний» ёзилган даврдан бошлаб, то XIX асрнинг иккинчи ярмигача таълим тизимида фикх илми, ҳусусан, ибодат масалалари бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлиб келган. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси «Тошкент ислом университети» нашриёт-мағбаа бирлашмаси боёмахонасида 2009 ва 2010 йиллари чоп этилган.

Неъматилла НАСРУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди

НАЖМИДДИН КУБРО (1145–1221)


XII–XIII асрлар тасаввуф оламининг буюк вакилларида бири Нажмиддин Кубро Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакий 1145 йили Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилган.

«Абулжанноб» куняси, «Нажмиддин», «Томмат ул-кубро» ва «Валиятарош шайх» номлари билан шуҳрат қозongan. У ориф ва сўфий сифатида фақатгина тасаввуф таълимоти билан чекланиб қолмай, мутафаккир сифатида машаққатли сафарлар қилиб, ўз замонасининг мавжуд илмларини ўзлаштирган.

Нажмиддин Кубро ёшлигидан илм-фанга қизиқиб, уни эгаллаш мақсадида кўп ўлкаларни кезди, жумладан, Миерга борди. У жойда машҳур сўфий шайх Рўзбехон Ваззон Миерий билан танишиб, унга шогирд бўлади ва унинг назари остида онгир синов босқичларини ўтади.

Ёш Аҳмад ибн Умар ўз иродаси, истеъдоди ва қатъийлиги билан шайхнинг диққатини ўзига тортиб, унинг ишонч ва хурматига сазовор бўлади ва кўп ўтмай унинг қизига уйланади, бир мулат Миерда яшайди. Шундан кейин Нажмиддин Кубро илмининг ошириш мақсадида Табриз шаҳрига боради ва у ерда мутакаллим Абу Мансур Ҳафддан калом илмининг, шайх Бобо Фараж Табризий, Аммор Ясир, Немонд Қасрий каби мутасаввифлардан тасаввуфга онд зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллайди. Нажмиддин Кубро Немонд Қасрийнинг қўлидан хирка қилиб, ўзининг биринчи шайхи Рўзбехон Миерий ёнига қайтиб келади.





Шайх Рўзбехон Нажмиддин Кубро тасаввуф асосларини тўлик англаб олганини кўриб, уни она юрти Хоразмга бориб, тасаввуф таълимотини таркатиш билан шуғулланишга тавсия беради. Кубро ўз юртига қайтиб келади ва хонакоҳ таъсис этади, бу даргоҳ манбаларда «Тарика аз-захабия», яъни «Олтин тарикат» номи билан ҳам зикр этилган. Мутасаввиф олим кубровия тарикатига асос солди ва тарикатига оид ирфоний таълимотларни талкин эта бошлади.


Кўп ўтмай, янги тарикат асосчиси Нажмиддин Кубро теварагида кўплаб шогирд ва муридлар йиғилиб, янги сулукка кадам қўйдилар. Улардан XII–XIII асрларда бир қатор машхур сўфийлар камолга етишиб, мурид ва валий сифатида танилдилар.

Али Акбар Деххудонинг машхур «Луғатнома» асарида келтирилишича, Нажмиддин Кубро ғоят зийраклиги ва улкан ақл-заковати туфайли ҳар қандай муаммоли масала сўралганда ҳал қилиб бериб, баҳс-мунозара қилган киши устидан ғолиб чиқар эдилар, шу боис у кишини «Томматул-кубро» («Улугларнинг етуги») деб атаганлар. Шамсиддин Сомийнинг ёзишича, вақт ўтиши билан «Томма» сўзи сўзлашув жараёнида тарк этилиб, «Кубро» сўзи унинг лақаби, Нажмиддин Кубронинг ажралмас қисмига айланган. Ул зотнинг тасаввуф оламига бутунлай қирганлиги ва дунёвий икир-чикирлардан узок турганлиги сабабли «Абулжанноб» куняси билан аталган. Нажмиддин Кубро умрлари давомида ўн икки кишини ўзига муридликка қабул қилиб, уларнинг барчасини шайх даражасига етказганликлари боис ҳурмат билан «Валиятарош» деб аталганлар.

Нажмиддин Кубронинг Хоразмдаги сўнгги ҳаёти ўта оғир, шиддатли ва мураккаб шароитда кечади. Бу даврда турли ички ва ташқи омиллар туфайли мўғулларнинг Туркистонга қилаётган ҳамлалари кучайиб, Чингизхон лашкарлари Мовароуннаҳр шаҳарларини беаёв шиддат билан босиб олишга киришган эди. 1221 йилнинг июль ойида Чингизхон лашкарбошиларидан Хулагухон ўзининг ёш ўғли ва кўпсонли лашқари билан Урганч қалъасини ўраб олади. Манбаларда келтирилишича, Чингизхон шайх Нажмиддин Кубронинг халқ орасидаги обрў-эътибори ва машхурлигини инобатга олиб, шаҳарга ҳужум қилишдан олдин унга «Мен Хоразмни қатли ом қилмокчиман, шунинг учун Сиздек улуғвор шахс шаҳарни тарк этиб, ундан чиқиб кетишингизни сўрайман» деган мазмундаги мактуб билан чопар юборади. Нажмиддин Кубро мактуб билан танишади ва унга жавобан «Мен етмиш олти йил умрим давомида хоразмликлар билан турмушнинг аччик-чучугини бирга тотганман. Энди улар бошига бало-казо ёғилаётган пайтда қочсам муруввагдан бўлмайди» деган хабарни етказди. Урганч шаҳри камал ичида қолиб, аҳоли ниҳоятда оғир шароитда азоб чекаётган бир аснода мункиллаб қолган, етмишдан ошган Нажмиддин Кубро халқ орасидан лашкар тўплаб, қўлига қурол олиб қалъани бир неча кун давомида душман ҳамлаларидан сақлаб туради. У мўғул босқинчиларига қарши ўз муридлари билан шиддатли жангга кириб шаҳид бўлади. Ушбу воқеа 10-жумодул аввал, 1221 милодий йилнинг июль ойида содир бўлган эди.

Нажмиддин Кубронинг қабри борасида манбаларда турли маълумотлар келтирилади. Доктор М. Муин унинг мазори мавжуд эмас, деган маълумотни берса, ўрта аср араб сайёҳи Ибн Батутта ўзининг машхур саёҳатномасида «Хоразмдан чиқаришда бир зовия бор. У энг буюк авлиёлардан бири бўлмиш Нажмиддин Кубро қабри узра бунёд этилган. Бу ерда зиёратчилар учун таом тайёрланади. Хоразмнинг





обрўли кишиларидан бўлмиш мударрис Сайфиддин ибн Асаба зовияда шайхлик килади» мазмунидаги маълумотни ёзади.

Нажмиддин Кубро араб тилида катор илмий асарлар ёзган. «Шарх ас-сунна вал-масолиҳ» (Суннат ва эзгуликлар шархи), «ал-Усул ал-ашара» (Ўнта асосий коида), «ар-Рисола фи-с-сулук» (Сулук ҳақида рисола), «Рисола ат-турук» (Худога эришиш йўллари ҳақида рисола), «Таволиъ ат-танвир» (Ёғду манбалари), «Фавотих ал-жамол» (Гўзаллик бошланишлари), «Хоиф ал-хоим ан лавмат ал-лоим» (Маломат қилувчининг маломатидан кўрккан ошиқ), «Хидоят ат-толибин» (Изланувчиларга тўғри йўл кўрсатиш), «Одоб ал-муридин» (Муридлар одоби), «Сакинат ас-солиҳин» (Солиҳ кишиларнинг виқор ва ороми), «Вусул ила Аллоҳ» (Аллоҳга эришиши), «Минҳож ас-солиқин» (Солиқларнинг йўл-йўриқлари), «Истилоҳ ас-суфия» (Тасаввуф истилоҳлари), «Одоб ас-сулук» (Сулук одоби ҳақида) каби нодир асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, манбаларда Нажмиддин Кубронинг 12 жилдлик йирик тафсир ёзгани таъкидланади.

Нажмиддин Кубронинг кўп йиллар давомидаги тинимсиз фаолияти, турли фанлар соҳасида эришган муваффақиятлари, унинг қўлга киритган тажрибалари натижа-си сифатида кубровия тарикати юзага келди. Нажмиддин Кубро «Рисолат ат-турук» асарида ўз тарикатининг 10 та асосий коидасини изоҳлаб бериб, бошқа йўлларга нисбатан унинг юксаклиги ва ҳақиқатга яқинлигини таъкидлайди ва «Тангрига бориш йўллари халойиқ нафаси сонига тенгдир. Биз шархламоқчи бўлган йўлимиз йўлларнинг энг аниғи, энг яқини ва энг тўғрисиқидир», деб ёзади. Шундан кейин муаллиф мавжуд йўлларни учта асосийга ажратади. Уларнинг ҳар бирини унга хос бўлган хусусиятлари билан изоҳлаб ўтади ва учинчи йўл ҳақида қуйидаги маълумотни беради:


«Йўлларнинг учинчиси Аллоҳга қараб юрувчилар ва у томонга учувчилар йўли бўлиб, ҳақиқатан жазбага берилганлар йўлиқидир. Ушбу йўлнинг бошида (Ҳаққа) эришганлар сони бошқа йўлларнинг охирига бориб эришганлар сонидан кўпроққидир».

Кубровия тарикати таълимотига кўра, ушбу йўлни танлаган инсон ўз ихтиёри билан ҳавас ва истакларидан воз кечиши ҳамда Ҳақни исташ мақсадида маълум риёзатли йўлларни босиб ўтиши зарур. Бунинг учун эса ҳар бир киши ўн асосга таянмоғи керак:

- Тавба.
- Зухд фи-д-дунё.
- Таваккал.
- Қаноат.
- Узлат.
- Мулозамат аз-зикр (Узлуксиз зикр).
- Таважжух.
- Сабр.
- Муроқабат (Тафаккурга ғарк бўлиш).
- Ризо.

Бу ўнта асосга таянган кишининг номи ўлмайди, барҳаёт яшайди.

Нажмиддин Кубро шаҳид бўлгандан сўнг, унинг таълимотини шогирдлари давом эттирдилар. Улар Марказий Осиё кубровия мактабини вужудга келтирдилар.



Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий томонидан Бухоро якинидаги Соктарий кишлоғида ташкил этилган ана шундай хонакоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталар эди. Бу ердаги кубровия жамияти XVIII асрнинг охирларигача фаолият юритган ва унинг аъзолари Нажмиддин Кубро гояларини Хитойнинг ғарбий чегараларигача ёйганлар. Кубронинг Саъдиддин Ҳамавий номли шогирди, у 1252 йилда вафот этган. Хуросоннинг Баҳрабод деб аталган масканида хонакоҳ барпо қилиб, унинг атрофида тўғарак ташкил этган.

Мутасаввиф олим, мутафаккир Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг ривожи, айниқса, кубровия тариқатининг юзага келиши ва бутун мусулмон Шарқига кенг тарқалишида бекиёс хизмат кўрсатган.

Мустақиллик йилларида Нажмиддин Кубронинг хаёти, унинг илмий-маънавий меросини ўрганиш борасида хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, алломанинг мавжуд асарлари ўрганилди, унга бағишланган киссалар аниқланди ва Нажмиддин Куброга бағишланган катта ҳажмли тўплам чоп этилди.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ (1322–1390)


Мовароуннаҳр илм ўчоғи сифатида танилиб, у ердан кўплаб муфассир, муҳаддис, мутақаллим олимлар етишиб чиққан. Ана шундай олимлардан бири Амир Темурнинг салтанатида фаолият олиб борган Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъдуддин Тафтазоний бўлиб, у 1322 йилда Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон ҳудуди) шаҳридаги Тафтазон кишлоғида таваллуд топган. Олим ёшлигиданок илм олишга катта қизиқиш билан қараб, ўз даврининг илм марказлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Сараҳс каби шаҳарларда таникли олимлардан таҳсил олиб, турли илмий мунозараларда иштирок этган.

Саъдуддин Тафтазоний биринчи Қуръони каримни ёд олиб, хаттотликни ўргангани ва фаннинг турли соҳаларини ўзлаштиришга киришади. Олим ўз даврининг тенгсиз олимлари Аздудин Абдурахмон Бақрий Шибанқарий Ийжий (ваф. 1355 й.), Зиёвуддин Абдуллоҳ ибн Саъдуллоҳ Қазвиний (ваф. 1378 й.), Қутбуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Розий, Тахтоний (ваф. 1364 й.), Насимуддин Найсобурий (ваф. 1399 й.), Аҳмад ибн Абдулваҳҳоб Қўсий (ал-Қусай, ваф. 803 й.) қабилардан таълим олган.

Саъдуддин Тафтазоний ислом оламида донғи кетган кўплаб шогирдларни етиштириб чиқарган.

Абдулқодир Тамимий ўзининг «ат-Табақот» асарида келтиришича, кунлардан бир кун Амир Темур ўз тасарруфига қарашли узок бир шаҳарга муҳим топширик билан чопарини жўнатиб, унга: «Агар сафар пайтида отинг ҳориб қолса, йўлингда учраган одамнинг, ҳаттоки у ўғлим Шохруҳ бўлса ҳам, отига алмаштириб, тўхтамасдан йўл юриб, зудлик билан бу хабарни ўша манзилига етказ», – деб тайинлайди.





Чопар Амир Темур буюрган шаҳар томонга равона бўлди. Бир неча кун йўл юргач, йўлда аллома Саъдуддин Тафтазонийга дуч келади. Олим йўл четида отларини ўтлатиб, ўзи чодирда дам олаётган эди. Шу пайт Амир Темур чопари хориган отини унинг отларидан бирига алмаштирмоқчи бўлади. Шунда Саъдуддин Тафтазоний чодирдан чиқиб, отини чопардан қайтариб олади ва жажли чиқиб, уни роса калтаклайди.

Чопар ўзига топширилган вазифани адо этиб, Амир Темур хузурига қайтгач, саркардага сафар пайтида юз берган воқеани бирма-бир сўзлаб беради. Бу хабардан Амир Темур каттик ғазабга келади-да, сўнг бироз тафтидан тушиб: «Агар унинг (Саъдуддин Тафтазоний) ўрнида ўз фарзандим бўлганида ҳам бу иши учун албатта катл эттирардим. Лекин ҳали менинг қиличим етмаган жойларга асарлари-ю китоблари тарқалиб, доврўғи дoston бўлиб кетган алломаи замонни қандай қилиб катл қиламан», деб мутафаккирга нисбатан ўзининг чексиз хурматини билдирган.

Хондамир ўзининг «Ҳабиб ас-сияр» номли асарида ёзишича, Амир Темур Саъдуддин Тафтазонийнинг катта илмий салоҳияти ва юксак инсоний фазилатларидан яхши хабардор бўлганлиги учун 1380 йилда (бу вақтда олим Хоразмда фаолият кўрсатган) уни ўз давлатининг пойтахти Самарқандга таклиф қилади.

Олим тафсир, фикҳ, калом, наҳв, балоғат ва мантик каби фанларни пухта ўзлаштириб, шу соҳаларда кўплаб китоблар тасниф қилган. Саъдуддин Тафтазоний ислом оламида энг ёш олимлар сирасига қиради. Зеро, у ўн олти ёшидаёқ «Шарҳ ат-тасриф ал-иззий» номли асарни ёзиб тугатган. Маълумотларга қараганда, унинг илмий-маънавий меросига оид асарларнинг сони ўттизтани ташкил қилади. Улардан машхурлари:

1. «Талхйис ал-Кашшоф». У Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Кашшоф» тафсирига ёзилган хошиядир.

2. «Кашф ал-асрор ва иддат ал-аброр фи тафсир ал-Қуръон».

Ҳадис илмига оид:

«Арбаъун фи-л-ҳадис».

«Рисолат ал-икроҳ».

Фикҳ илмига оид:

«Фатово ал-ҳанафия».

«Шарҳ фароиз ас-Сижовандий».

«Ал-Мифтах фи фуруъ ал-фикҳ аш-Шофъий».

«Ихтисору шарҳ талхис ал-жомеъ ал-қабир».

Усулу-л-фикҳ илмига оид:

«Талвих фи кашф ҳақоик ат-танкиҳ».

«Шарҳ ал-мухтасар ала китоб мунтаҳо ас-суал ва-л-амал фи илмай ал-усул ва-л-жадал».

«Ниъам ас-савобиғ фи шарҳ ал-қалим ан-навобиғ».

Наҳв илми (араб тили грамматикаси)га оид:

«Шарҳ ат-тасриф ал-Иззий».

«Иршод ал-Ҳодий».

Саъдийнинг «Бўстон» номи билан машхур девонининг туркий тилдаги насрий таржимаси.

Балоғат илмига оид:





«Шарх ал-мутававал». «Дамашкнинг воизи» номи билан машхур бўлган Шайх Жалолоддин ибн Абдурахмон Қазвиний Шофеъийнинг «Талхис ал-мифтоҳ фи-л-маъоний ва-л-баён» асарига ёзилган шарх.

«Мухтасар ал-маъоний». Бу шарх «Талхис ал-мифтах» асарининг машхур номи бўлиб, у яна «Мухтасар шарх Талхис ал-мифтах» исми билан ҳам маълумдир.

«Шарх китоб ал-Мифтоҳ». Ушбу асар аллома Сирожиддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Саккокийнинг «Китоб ал-мифтах» рисоласига ёзилган шархдир.

«Шарх ал-қисму ас-солис мин ал-мифтах».

Мантик илмига оид:

«Тахзиб ал-мантик ва-л-калом».

«Шарх ар-рисола аш-шамсия».

Калом илмига оид:

«Ал-мақосид фи илм ал-калом» (Шарх ал-мақосид) ёки «Шарх аш-шарх».

«Шарх ал-ақоид ан-Насафия».

«Ар-Радд ала Зиндика ибн Арабий» кабилардир.

Кўриниб турибдики, Саъдуддин Тафтазоний илм-фаннинг деярли барча соҳаларига оид кимматли асарлар ёзиб қолдирган. Уларнинг ҳар бири неча-неча илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилади. Олимнинг энг машхур асари «Шарх ал-ақоид ан-Насафия» бўлиб, унга Аҳмад ибн Мусо Хиёлийнинг (ваф. 1456 й.) «Ҳошият Хиёлий», Муслихуддин Мустафо Қасталоний, Қасталийнинг (ваф. 1495 й.) «Ҳошияту Қасталий» ва Рамазон ибн Абдулмуҳсин Баҳшатиёнинг (ваф. 1571 й.) «Ҳошият Баҳшатий» асарлари каби элликлдан ортик хошия ва таълиқотлар ёзилган.

Тошкент ислом университети қошидаги Манбалар хазинасида Тафтазоний каламига мансуб «Шарх ал-ақоид ан-Насафий»нинг турли нусхалари 14, 98, 116, 158, 172 рақамлари остида сақланиб келинмоқда.

Олимнинг вафоти ақсарият китобларда 1390 йил деб келтирилган бўлса-да, баъзи манбаларда турли хил саналар кўрсатилган. Жумладан, Абдулхай Лакнавийнинг «Фавоид ал-бахия» асарида олимнинг вафоти 1389 йил деб кўрсатилса, Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр» асарида 1394 йил, деб кўрсатилган. Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун», Суютийнинг «Буғят ал-вуъот» асарларида Саъдуддин Тафтазоний вафот этган сана 1389 йил тарзида келтирилган. Журжоний эса Саъдуддин Тафтазоний 1391 йил, мухаррам ойининг 22-санасида вафот этган деб келтиради. Хондамир қайд қилган санага кўра, Саъдуддин Тафтазоний Амир Темурнинг 1387 йил Шерозга қилган юришидан олдин вафот этган бўлади. Аслида эса, Саъдуддин Тафтазоний Шероз юришидан кейин Самарқандга қайтиб келган.

Саъдуддин Тафтазонийнинг ижоди серкирра бўлиб, у ўзидан кейин бой илмий мерос қолдирган олимлар сирасига қиради. Зеро, аллома ёзган асарлар тафсир, ҳадис, калом ва тарих илмлари ривожига улкан ҳисса қўшган.

Абдулатиф АЛЛОКУЛОВ



МУҲАММАД КАРДАРИЙ БАЗЗОЗИЙ (1329–1413)



Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад Кардарий Баззозий Хоразмий ҳанафий мазҳабининг йирик фақиҳ олимларидан бўлиб, у зот 1329–1413 йилларда яшаган. Олимнинг исмидаги Кардарий сўзи, унинг туғилиб, вафот этган жойи Кардар шахрига нисбатан айтилган.


Кардар – Хоразм воҳасининг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, у жойлашган ҳудуд ҳақида олимлар турли фикрларни билдирганлар. Аксарият тадқиқотларда Кардарнинг қадимги Хоразмдаги «Айвон-қалъа» ўрнида бўлгани кайд этилган. Бу мавзе ҳозирда Ўзбекистон ҳудудидаги Чимбой шахрига тўғри келади. Тарихий маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, Кардарнинг шаҳар сифатида шаклланишида милоннинг III асрига келиб, Кардар каналининг мазкур ҳудудга етиб келиши асосий омил бўлган. Шунингдек, мазкур канал яқинидаги «Бараткин» кишлоғи аҳолисини ҳам кардарликлар деб номлаганлар. Масалан, Абдусаттор Кардарий ҳам бараткинлик бўлган. Шаҳарнинг канал яқинида жойлашиши деҳқончилик, балиқчилик ва чорвачилик соҳаларининг ривож топганини англатса, унинг Буюк Ипак йўли ҳамда Хоразм воҳаси таркибида экани эса Кардар шахри тараккиётининг давомийлигини англатади. Кардар маданияти икки босқичга бўлинади: биринчи босқич VI–VIII асрларга тўғри келиб, Қуюк-қалъа, Гурганч ва Тўк-қалъанинг қуйи қисмини ўз ичига камраб олади. Иккинчи босқич эса, IX–XI асрлар билан боғлиқ бўлиб, Тўк-қалъанинг юқори қисми ва Ҳайвон-қалъани ўз ичига олади.

Ғарб адабиётлари ҳамда араб тилидаги китобларда Кардар сўзи – «Курдар» шаклида берилади. Кардарлик олимлар тасниф этган кўлёмаларда эса, унинг «Кардар» деб юритилиши кузатилади. Айти Кардар шакли кўпчилик томонидан қабул қилинган. Бизнингча, Курдар шакли араб тилидаги «в» («вов») ҳарфининг иккинчи ҳарф ўрнига қўшиб ёзилиши натижасида келиб чиққан. Бу жой номи ҳақида Ғарб олимлари ҳам, асосан, араб тилидаги манбалардан фойдаланганлар.

Олимнинг «Баззозий» (Баззоз (араб.) – газлама сотувчи, газламачи маъноларини англатади) деб аталишига караганда, газлама тижорати билан шуғулланган. Олим илк таҳсилини отаси Носируддин Кардарийдан олиб, кейинчалик ўз илмини бошқа устозларидан янада такомиллаштирган. Отасининг тўлик исми: Муҳаммад ибн Шихоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад Носируддин Кардарий. У фуруъ, усул, мантиқ илmlарини яхши билган ва шу илmlардан сабоқ берган. Баззозий фикх илмини «ал-Кифоя фи шарҳ ал-Ҳидоя» асарининг муаллифи Саййид Жалолиддин Кирмонийдан ўрганган.

Муҳаммад Кардарий илм талабида Самарқанд, Бухоро, Болгария, Қрим, Туркия ва Макка шаҳарларига сафар қилган. Муҳаммад Кардарий бир нечта асарлар ёзган. Улардан энг машҳури «ал-Жомеъ ал-важиз» (Мухтасар тўплам) асари бўлиб, мазкур асар халқ орасида «ал-Фатово ал-Баззозия» (Баззозий фатволари) номи билан машҳур. Ушбу асарда фикхий масалаларни ечишда раъй, қиёс, истихсондан фойдаланиш ва уларни қўллаш услублари ўз ифодасини топган. Муҳаммад Кардарийнинг «ал-Жомеъ ал-важиз» асари машрик диёрларига 1516–1517 йилларда Туркия орқали тарқалган.





Мазкур асарнинг кўлёзма, тошбосма нусхалари Тошкент ислом университети, Абу Райхон Беруний номидаги Шарк кўлёмалари маркази, Мичиган университети кутубхонаси, Яман, Рим кўлёмалар фонди, Искандария, Сулаймония, Боязид, Оксфорд университети, Кувайт кутубхоналарида сақланмоқда.

«Ал-Жомеъ ал-важиз» асарида ислом ҳукуки тарихи, темурийлар тарихига оид кимматли маълумотлар берилиши билан бирга, қатор долзарб масалалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Асарда Абу-л-Лайс Самарқандий, Сараҳсий, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Хуросоний, Имом Насафий каби факиҳлар билан бирга Имом Шофеъий фикрларининг келтирилиши унда киёсий ҳуқуқшунослик масалалари ҳам кенг ва ба-тафсил ёритилганлигини кўрсатади.

Асар 51 та боб ва 284 фасллардан иборат бўлиб, бобларни соҳаларга қуйидагича таснифлаш мумкин:

Ижтимоий соҳа – 32 та боб (62%).

Иктисодий соҳа – 11 та боб (22%).

Ҳуқуқий соҳа – 8 та боб (16%).

Асар «Китоб ат-тахора» («Таҳорат китоби») билан бошланиб, «Китоб ал-Фароиз» («Мерос китоби») билан якунланади. Асарда ижтимоий соҳага оид «Таҳорат» бобининг биринчи боб ўрнида келтирилиши муаллиф покликни инсоният турмуш тарзининг бирламчи қисми сифатида эътироф этишини кўрсатади.

Иктисодий соҳада 11 та бобнинг ёзилиши, хусусан, савдо-сотик, ижара, сармоя, ширкат каби бобларнинг асардан ўрин олиши салтанат иктисодиётининг кенг тармоқда ривожланганини кўрсатади.


Асарнинг 62% ижтимоий, 22% иктисодий, 16% ҳуқуқий соҳаларга оид мавзуларда ёзилганлигидан келиб чиқиб шунни айтиш мумкинки, муаллиф яшаган даврда Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган темурийлар салтанати давлат бошқаруви тизимида ижтимоий, иктисодий ҳамда ҳуқуқий соҳалар етакчи омил ҳисобланган ва бир-бирини тўлдирган ҳолда тараққий этган.

«Ал-Жомеъ ал-важиз» асарида нассе билан бирга ханафий мазҳабидаги буюк факиҳларнинг сара фатволари жамланган бўлиб, мазкур фатволар долзарб ва ишончлилиги билан ўз даврининг муҳим манбаларидан ҳисобланган бўлса, асарда келтирилган муҳим масалалар, тарихий вазиятлар бугунги кун учун аҳамиятлидир. Шунингдек, асарда илм, инсон қалби, ижтимоий ҳимоя, инсон ҳаёти хавфсизлиги, ижтимоий адолат, ақидавий ва бугунги кунимизгача долзарб бўлиб келган бошқа масалалар келтирилган.

Бундан ташқари Баззозийнинг «Маноқиб ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа», «Муҳтасар фи баён таърифат ал-аҳком», «Адаб ал-қозий» каби асарлари ислом дунёси бўйлаб тарқалган. Унинг «Маноқиб ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа» асари халқ орасида «Маноқиб Кардарий» номи билан машҳур. Асарнинг тўлик номланиши «Маноқиб ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа» бўлиб, бу асар Абу Ҳанифа ҳақидаги манбалардан иборат жуда машҳур ва мақбул китоблардан ҳисобланади. Кўпгина муаллифлар ўзларининг китобларида, жумладан, етук араб олими имом Абу Заҳро ушбу асарда келтирилган Абу Ҳанифа ҳақидаги маълумотлардан фойдаланганлар.

Китоб муқаддима ва ўн бир бобдан ташкил топган. Муқаддимада саҳобий ва тобеъийлар ҳақида, биринчи бобда эса Абу Ҳанифа, иккинчи бобда Имом Абу Юсуф, учинчи бобда Имом Муҳаммад, тўртинчи бобда Абдуллоҳ ибн Муборак, бешинчи





бобда Имом Зуфар, олтинчи бобда Довуд Тоий, еттинчи бобда Вакиъ ибн Жаррох, саккизинчи бобда Ҳафс ибн Ғиёс, тўккизинчи бобда Яхё ибн Закариё, ўнинчи бобда Ҳасад ибн Зиёд, ўн биринчи бобда Абу Ҳанифанинг бошка шогирдлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу асар Туркия ва бошка ерларда жуда машхур бўлган. Асарнинг тошбосма нусхаси 1903 йили Ҳайдаробод шаҳридаги «Доират ал-Маориф» нашриётида чоп этилган.

Мухаммад Кардарийнинг шогирдлари кўп бўлган. Муҳиддин Мухаммад ибн Сулаймон Кофижий, Аҳмад ибн Фазл Хожитархоний, Аҳмад ибн Мухаммад ибн Арабшоҳ, Аҳмад ибн Абдуллоҳ, Шарафуддин ибн Камоллар шулар жумласидандир. Мухаммад Кардарийнинг шогирдлари ханафий мазҳаби бўйича етук фақиҳлар бўлиб етишиб, шу мазҳаб ривожига юксак ҳисса қўшдилар.

Мухаммад Кардарий «ал-Кофий», «ал-Ҳидоя», «Мухтасар ал-Қудурий», «ал-Муфассал» каби фикхий асарлардан дарс берган. Бу эса, Мухаммад Кардарийнинг ислом ҳуқуқшунослигидаги аниқ ҳуқуқий-меъёрий ва иккинчи даражали масалаларга оид ёзилган манбаларни фарқлай олганлигини кўрсатади.


Темурийлар давлати тараккиёти натижасида вужудга келган ҳар томонлама қулай шароит олимларнинг кенг қўламда ижод этишларига имконият яратган. Буюк олим, фақиҳ Мухаммад Кардарий Баззозий Хоразмий ҳам мавжуд имкониятдан фойдаланиб сермаҳсул ижод этди. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти мустақиллик йилларида ўрганила бошланди, бу мавзуда илмий мақолалар Ўзбекистон ва хориждаги илмий журналларда чоп этилди. Унинг «ал-Жомеъ ал-важиз» асари юзасидан докторлик диссертацияси бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, олим яшаб, ижод этган Кардар шаҳри ҳақидаги тадқиқот янгиликлари кенг омма эътиборига ҳавола этилди.

Ҳусан ЖўРАЕВ

АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ (1103–1179)

Аллоҳнинг назари тушган юртимизнинг бутун Мағрибу Машрикка донғи кетган Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз ва бошка қадимий шаҳарлари каби қўплаб катта-кичик кенту қасабаларидан ҳам илм-фан ва маданият тараккиётида муҳим ўрин тутган, жаҳоншумул аҳамиятга молик таълимотлар яратган алломалар етишиб чиққан. Мана шундай шаҳарларимиздан бири Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна Ғиждувондир. Ғиждувон шаҳри азалдан илму ирфон ва тижоратнинг йирик марказларидан бири сифатида шуҳрат қозонган. Бу ҳосиятли шаҳарда таваллуд топган олимлар ал-Ғиждувоний нисбаси билан жумлаи жаҳонга танилганлар. Тарихдан яхши маълумки, илм-фан ва маданиятнинг йирик ҳомийси, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ҳазратлари ўз фаолияти даврида учта мадраса қурдирган. Ушбу мадрасалардан иккитаси Шаркнинг йирик шаҳарларидан бўлмиш Самарқанд ва Бухорода бунёд этилган бўлса, учинчи мадраса 1433 йилда, яъни бундан роппа-роса 583 йил олдин Ғиждувонда қурилгани бу шаҳарнинг юкори илмий салоҳияти ўрта асрлардаёқ олиму уламолар ва ҳокимларнинг диққат марказида турганини кўрсатади. Бинобарин, ҳеч





бир тасодиф эмаски, айнан шу Ғиждувон шахридан тасаввуф илмининг ёркин намояндаларидан бири, Хожাগон тариқатининг йирик етакчиси Абдулхолик Ғиждувоний хазратлари етишиб чиккан.


Таъкидлаш ўринлики, Шарк халқларининг маънавий-рухий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган тасаввуф илми ривожда ҳам бизнинг буюк ватандошларимиз бекиёс хизматлар кўрсатган. Жумладан, термизлик буюк мутафаккир ал-Ҳаким ат-Термизий асос солган ҳакимия, туркистонлик машҳур шайх Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ яссавия, ватан озодлиги йўлида толмас курашчи Нажмиддин Кубро номи билан ата-ладиган кубровия таълимотлари каби назарий ва амалий асосларини Абдулхолик Ғиждувоний кўйиб, унинг маънавий шогирди Баҳоуддин Нақшбанд номи билан аталган нақшбандия тариқатлари нафақат Ўрта Осиёда, балки кўпчилик Шарк мамлакатларида тарқаб, ҳозирги пайтгача таъсир доирасини саклаб келаётганини айтиш лозим.

Абдулхолик Ғиждувоний 1103 йилда Ғиждувонда маърифатли бир онлада таваллуд топган. Унинг отаси Абдулжамил ўта ўқимишли, зоҳирий ва ботиний илмларнинг билимдони сифатида танилган бўлиб, Ғиждувондаги масжидларнинг бирида имомлик ҳам қилган, шу боис, у халқ орасида имом Абдулжамил номи билан машҳур бўлган. Абдулхолик дастлабки билимни отасидан ва ўз даврининг етук олими имом Садруддиндан олади. 1125 йилдан, яъни 22 ёшидан бошлаб унинг ҳаёти тақдир тақозоси билан Бухорога келган машҳур шайх, Хожাগон тариқатининг асосчиси Хожа Юсуф Абу Яъқуб ибн Аййуб ал-Ҳамадоний (1058–1140) билан боғлиқ бўлади. У ўз устози Юсуф ал-Ҳамадонийнинг кўплаб суҳбатларидан баҳра олиб, ундан Хожাগон тариқатининг асосларини мукамал эгаллайди.

Хожাগон (Нақшбандия) тариқати ўн бир коидадан ташкил топган бўлиб, уларни Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний, Абдулхолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ишлаб чикканлар. Жумладан, шайх Юсуф ал-Ҳамадоний асос солиб, ҳар бир солиқ (тариқат аъзоси, мурид) амал қилиши лозим бўлган тўрт коида қуйидагилардир: хуш дар дам (ҳар бир нафасни хушёр ҳолда олиш), назар бар кадам (ўйлаб кадам ташлаш), сафар дар ватан (қалбдан ватан узра сафар қилиш) ва хилват дар анжуман (кўпчилик ичидан ўзини хилватдаги каби тутиш). Сўнгра Абдулхолик Ғиждувоний бу тўрт коидага қуйидаги тўртта коидани қўшади: Ёдқард (Аллоҳ номини ёдда такрорлаш), бозгашт (дилида яна Аллоҳга қайтиш), нигоҳдошт (солиқ калимаи шаҳодатни айтганда хотирни жам қилиш, ҳаёлни бўлмаслик) ва ёддошт (солиқ ҳар доим Аллоҳни ёдда тутиб оғох бўлиши).

Шайх Абдулхолик Ғиждувонийдан икки аср кейин фаолият кўрсатган Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) ўз тариқатига ўзининг маънавий-рухий устозлари Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний ва Абдулхолик Ғиждувоний таълимотларини асос қилиб олиб, уларга қуйидаги учта коидани қўшади: Вуқуфи замоний (замондан воқиф бўлиш) – бунинг маъноси шуки, солиқ ўз ҳаёти давомида қилган яхшилик ва ёмонликларини сарҳисоб қилиб бормоғи лозим; вуқуфи ададий (бундан зикрда ададга (санокқа) амал қилишлик, яъни зикр айтувчи зикрни бир нафасда неча марта айтишлиги кўзда тутилади); вуқуфи қалбий – кўпчилик олимларнинг фикрича, бу коида икки хил маънога эга. Биринчиси, зикр қилувчининг дили доимо Аллоҳдан воқиф ва оғох бўлмоғи лозим. Иккинчи маъноси эса, хазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи айтганидек, вуқуфи қалбий – дилнинг доимо Аллоҳ Таоло томонига тайёр бўлиб туришидан иборат. Шундай қилиб, Хожাগон (нақшбандия) тариқатининг асосий коидаларини Хожа





Юсуф ал-Ҳамадоний, Абдулхолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Накшбанд ҳазратлари яратганлар.

Буюк мутасаввиף Хожа Абдулхолик Ғиждувоний биз авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган. Унинг ҳаётбахш таълимотидан минг-минглаб шогирдлар баҳраманд бўлиши билан бир каторда, аллома бир қанча қимматли рисолалар ҳам яратган. Улардан «Васиятнома» (бу асар «Одоби тарикат» («Тарикат одоблари»)) деб ҳам аталади), «Рисолаи соҳибиййа» («Дўстлик рисоласи»), «Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Ғиждувоний» («Хожа Абдулхолик Ғиждувонийнинг айтганларидан») китобларини келтириш мумкин. Бу асарларнинг бир нечта қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланади.

Абдулхолик Ғиждувоний асосчиларидан бўлган нақшбандия таълимотининг туб замирида юксак одоб-ахлоқ қоидалари, инсоннинг маънавий-руҳий камолоти баёни ётади. Бу таълимот бутун мазмун-моҳияти билан жамиятда маънавий поклик муҳитининг қарор топишига хизмат қилган. Хожаи Жаҳон деган буюк номга сазовор бўлган Абдулхолик Ғиждувоний ўз таълимотини яратишда азалдан аҳли сунна ва-л-жамоанинг ақидавий ва амалий дастури ҳисобланган Қуръони қарим оятлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатларига таянди. У бутун фаолияти давомида муборак ислом динининг поклиги учун курашган, бидъат ва хурофотнинг ҳар қандай кўринишларини қоралаган. Баъзи манбаларда таъкидланишича, унинг даврида Мовароуннаҳрда бирорта ҳам бидъатчи қолмаган экан. Аллома халқни маърифатга, илму ирфонга қорлаган, айниқса, ҳадис ва фикҳ илмларини чуқур эгаллашга даъват қилган. У ҳалол меҳнат, пешона тери билан ҳаёт кечиришни, камтарликни, ҳаромдан қочишни, сўз билан амал бирлигини жамият аъзолари ўртасида кенг қўламда тарғиб қилган. Унинг таълимотида том маънода ҳазрати Инсонга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, муттасил равишда илму ирфонни эгаллаш каби юксак ҳаётий қоидалар ақс топган. Хожагон тарикатининг «даст ба қору, дил ба ёр» (қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин), деган асосий ва ғоят ҳаётий шиорининг асосчиси ҳам Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ҳазратлари бўлган.


Буюк мутасаввифининг асарлари ва амалий фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати эътиборга моликдир. Бу шундан иборатки, унинг таълимотида дунёвийлик ва динийлик (илохийлик) ғоялари баробар ҳолда илгари сурилади. Алломанинг эътиқодий ва инсоний жасорати ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Эҳтимол, мана шу жиҳатлари сабабидан ҳам, унинг ҳаётбахш ғоялари асрлар оша нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-маънавий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллаб келмоқда.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АБУ-Л-ФАТҲ АЛ-МУТАРРИЗИЙ (1144–1213)

Ўз замонасининг буюк алломаси даражасига етишган аз-Замахшарий ҳазратларининг бой илмий-маънавий мероси таъсирида ундан кейин Хоразмда қўплаб етук олиму уламолар етишиб чиккан. Мана шундай йирик олимлардан бири Абу-






л-Фатх ал-Мутарризийдир. Унинг ҳаёти ва асарлари ҳақидаги маълумотлар, асосан, ўрта асрларда фаолият кўрсатган араб муаллифларининг, жумладан, Ёқут ал-Ҳамавий, Зайниддин Қосим ибн Қутлубуғо, ибн ал-Қифтий, ибн Халликон, ал-Кафавий, Абдулхай ал-Лакнавий, Ҳожи Халифа кабиларнинг асарларида келтирилган. Мана шу манбаларга таяниб айтиш мумкинки, Абу-л-Фатх ал-Мутарризийнинг тўлиқ исми Бурхониддин Носир ибн Абул Макорим Абдуссаййид ибн Али Абу-л-Фатх ал-Мутарризийдир.

Абу-л-Фатх ал-Мутарризий 1144 йилда (айнан шу йили аллома аз-Замахшарий вафот қилган) Хоразмнинг Журжонийа (ҳозирги Кўхна Урганч) шаҳрида туғилади. Шу боисдан ва шунингдек, ўзининг буюк ватандоши каби юксак салоҳиятли, илм-фаннинг турли соҳаларидан мукаммал билимга эга бўлганлиги туфайли ҳам кейинчалик «халифат аз-Замахшарий» (аз-Замахшарийнинг халифаси, ўринбосари) деган ўта шарафли лақаб билан ҳам машҳур бўлган. Иккинчи томондан Абу-л-Фатх ал-Мутарризий ҳам аллома аз-Замахшарий каби муътазилия эътиқодига берилган бўлиб, унинг бу эътиқодга оид ишларини давом эттириб, бошқаларни ҳам унга даъват қилган. Ҳатто у ўз даврида бу оқимнинг кенг ёйилишида маълум даражада етакчи ўринни эгаллаган. Шунга кўра, уни «раас ал-муътазила» (муътазилийларнинг пешвоси, сардори) номи билан ҳам атаганлар. Ўрни келганда айтиш керакки, улар эътиқодда муътазилия оқимида бўлсалар-да, мазҳабда имом Аъзам асос солган ханафия мазҳабида бўлганлар. Шу боисдан ҳам Абу-л-Фатх ал-Мутарризий ҳақида ўзининг «Муъжам ал-удабо» («Адиблар комуси») номи асарида (VII жилд, 220-бет) кимматли маълумотларни келтирган машҳур олим Ёқут ал-Ҳамавий (у Абу-л-Фатхдан атиғи ўн беш йил кейин – 1229 йилда вафот этган) унинг диний эътиқоди ҳақида: «Абу-л-Фатх ал-Мутарризий, гарчанд муътазилия пешвоси бўлса-да, Абу Ҳанифа мазҳабига мансуб эди», – деб ёзган.

Ал-Мутарризий маърифатли, зиёли бир оилада туғилган. Унинг отаси Абдуссаййид ўз даврининг ўқимишли, билимдон кишиларида бири бўлган. Бинобарин, Абу-л-Фатх дастлабки таълимни ўз отасидан олган. Кейинчалик, ўша пайтда Хоразмда фаолият кўрсатган бир канча таникли олимлардан турли илмлар бўйича сабоқ олган. Бу олимларнинг деярли ҳаммаси аз-Замахшарийнинг шогирдлари эдилар. Мана шу олимлардан фикх, ҳадис, тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик каби илмлардан мукаммал сабоқ олади ва ўз даврининг етук олими даражасига эришади. Манбаларда ёзилишича, Абу-л-Фатх ал-Мутарризий 1204 йилда, яъни олтмиш ёшида Ҳаж ибодатини адо этиш учун Маккаи мукаррама томон сафарга чиқади ва шу йили Бағдодда тўхтаб, бу шаҳардаги факихлар ва адиблар билан кизгин баҳс ва мунозараларда иштирок этади. У 1213 йилда Хоразмда вафот этади.

Абу-л-Фатх ал-Мутарризий фикхшунослик, араб тили ва грамматикаси, адабиётшунослик, луғатшунослик илмларига оид ўнга яқин асар яратган. Улардан араб муаллифи ал-Ҳаририйнинг макоматларига ёзган «Ал-Ийзоҳ» номи шарҳи, луғатшуносликка оид асари – «Ал-Икноъ фи-л-луға», нахви-сарфга оид «Ал-Мукаддима фи-н-нахви», «Ал-Мисбоҳ фи-н-нахви», ибн Саккийтнинг «Ислоҳ ал-мантик» номи асарига бағишланган мухтасар асари «Мухтасар «Ислоҳ ал-мантик» ли ибн ас-Саккийт», шунингдек, луғатшуносликка бағишланган машҳур асари «Ал-Муғриб» («Ғаройиб китоб») номи асарларини кўрсатиш мумкин. Шубҳасиз, Абу-л-Фатх ал-Мутарризийнинг луғатшуносликка оид «Ал-Муғриб» асари ислом






конунчилиги – фикхнинг ханафия мазҳабида кўлланиладиган истилоҳларининг изоҳли луғати сифатида ғоятда кимматлидир. Шу боисдан ҳам араб олими ибн Халликон Абу-л-Фатх ал-Мутарризийнинг бу асари хақида: «Абу Мансур ал-Азҳарийнинг луғати шофеъий мазҳаби учун қанчалик ардокли бўлса, ал-Мутарризийнинг бу асари ханафийлар орасида шунчалик қадрлидир», – деб алоҳида таъкидлаган. Муаллиф томонидан асарга ёзилган қисқача сўзбошидан маълум бўлишича, у аввал бу асарини «Ал-Муғриб» («Қоидали ўқиш ва ёзиш») деб атаган, сўнгра асарда изоҳлари келтири-лаётган сўз ва ибораларни алифбо тартибида келтириб, асарига бошқача, яъни «Ал-Муғриб фи тартиб ал-муъриб» («Қоидали ўқиш ва ёзишнинг тартиби хақида ғаройиб китоб») деб атаган. Асар, юкорида кайд этганимиздек, қисқача «Ал-Муғриб» деб аталиб, тез орада машҳур асарлардан бири сифатида тан олинган ва хатто, кўпгина ўрта аср манбаларида муаллиф ал-Мутарризийнинг номи тўлиқ кўрсатилмасдан, қисқача «Соҳиб ал-Муғриб» (Ал-Муғрибнинг соҳиби, муаллифи) деб келтирилган ва бу барча томондан қабул қилинган. Фикхшунослик соҳасида муҳим манба сифатида бу асар бир неча марта нашр ҳам этилган. Жумладан, 1910 йилда Ҳайдарободда (икки жилдда) ва 1982 йилда Суриянинг пойтахти Дамашқда Махмуд ал-Фохурий ва Абдул Ҳамид Мухтор томонидан нашр этилган. Фикримизча, бу кимматли манбанинг кўлёма нусхалари дунёнинг кўп шаҳарларида сақланади. Энг диққатга сазовор томони шундаки, ҳозирги маълумотларга кўра асарнинг энг қадимий ва мўътабар уч кўлёма нусхаси (426, 3267 ва 9761 рақамлари остида) Тошкентда, Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг кўлёмалар хазинасида сақланмоқда. Бу асарларни чуқур ўрганиш орқали бундан саккиз аср муқаддам биз авлодларга эътиборга молик маънавий мерос қолдирган аллома Абу-л-Фатх ал-Мутарризийнинг ҳаёти ва асарларини кенг халқ оmmasига етказиш мумкин.

Иргаш ДАМИНОВ

ҚОСИМ ИБН АЛ-ҲУСАЙН (1160–1221)

Фаластинлик олима хинд Ҳусайн Тохонинг Бағдодда чоп қилинган «Ал-Адаб ал-арабий фи иклими Хваразм» («Хоразм ўлкасида араб адабиёти») деган илмий асари ўрта Осиёни араблар босиб олганидан то хоразмшоҳларнинг инкирозга юз тутишигача (1231 йил) бўлган даврда Хоразмда яшаб ижод этган кўпгина олим, адиб ва шоирларга оид маълумотларга бой. Мазкур тадқиқотни ўрганиш жараёнида XII асрнинг иккинчи ярми – XIII асрнинг бошларида яшаб ўтган хоразмлик шоир ва адиб ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн хақидаги мулоҳазалар диққатимизни тортди. Фикримизча, ҳозирги замон адабиётшунослигида ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн тўғрисида ҳеч ким ёзган эмас. Қолбуки, тарихий манбаларда шоир ҳаётига доир талай маълумотлар, унинг ижодидан намуналар келтирилган. Адибнинг тўлиқ номи Абу Муҳаммад ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ибн Амад ал-Хоразмий бўлиб, садр ал-фазоил (фазилатли кишилар пешвоси) лақаби билан машҳур эди. У ҳижрий 555 (баъзи манбаларда ғалат – 505 йил деб ҳам кўрсатилган) йилда Хоразмда туғилган. Ал-Қосимнинг болалик йиллари хақида аниқ маълумотлар йўқ. У ўз даврининг етук олими, насру назм билимдони





Абдулфат Носир ибн Абдусаид ал-Матразийдан фикх ва араб тилини ўрганган. Ал-Қосим илмини ошириш мақсадида Бухорога борганлиги ҳам маълум. Зотан, Бухоро ўрта асрларда бутун Шарқда донғи кетган илмий ва маданий марказлардан бири ҳисобланган.


Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн яшаб ижод қилган йиллар Хоразмда хоразмшоҳлар ҳукм юритган даврга (1097–1231 йиллар) тўғри келади. Тарихдан маълумки, бу пайтда хоразмшоҳлар, айниқса, ўз ҳокимликларининг охириги ўн йилликларида кўп ўлкаларни эгаллаб, катта салтанат тузган эдилар. Натижада, мамлакат иқтисодида, савдо-сотиғи ва кишлок ҳўжалигида, айниқса, маданият соҳасида катта юқсалиш юз берганди. Ҳукмдорларнинг илм-фан аҳлига, шоиру адибларга кўрсатган эътибори шарофати билан Хоразм ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида, жумладан, Самарканд ва Бухорода ҳам илм-фан, маданият ғоят тараккий қилган. Йирик маданий марказлар ўртасидаги илмий-маданий алоқалар ривожланган, илмий мунозара ва баҳслар одат тусига кирган. Ўша пайтда илм толибларининг шаҳарма-шаҳар юришлари табиий бир ҳол бўлганди. Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг илму тажриба талабида Бухорога борганлиги фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хоразмшоҳлар даврида авом халқ учун ҳам илм-маърифат ўчоқлари мавжуд бўлган. Масалан, Бухоронинг Дехкон даҳасида фақир-бечоралар учун нодир кўлёмалар сакланадиган кутубхона – «Дор ал-фуқаро» («Қашшоқлар уйи») фаолият кўрсатганини айтиш мумкин. Хуллас, аввал Хоразмда, сўнгра Бухорода ўз даврининг таникли олимларидан таълим олган Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн етук шоир ва адиб бўлиб етишади. Машҳур араб географи ва сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий (1179–1229) дунёнинг кўп мамлакатларида, жумладан, Хоразмда ҳам бўлган. У ўзининг «Мўъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси») номи йирик асарида 1219 йили Хоразмни зиёрат қилганида ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн уйида меҳмон бўлганини ёзади. Ёқут ал-Ҳамавий шундай дейди: «Мен унинг хонадонига кадам қўйганимда бутун вужудимни титроқ тутди, у менга жуда ҳам улуғвор, ғоятда хуштаъб, истараси иссиқ, фасоҳатли бир инсон сифатида намоён бўлдики, у билан суҳбатда қалбим шодликка тўлиб, назму насрим унинг васфида ожиз бўлиб қолди».

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн девон тартиб берган, бироқ, афсуски, у бизга тўла етиб келмаган. Шоирнинг девони мўғуллар истилоси даврида йўқ бўлиб кетган, деб гумон қилинади. Шу боисдан ҳам, Ёқут ал-Ҳамавийнинг юқорида зикр этилган асарида Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ижодидан келтирилган ва турли мавзуларга бағишланган назмий парчалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Даставвал шуни айтиш керакки, Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн ўша пайтда оммавий тус олган таомилга кўра араб тилини муқаммал билгани учун ҳам ўз асарларини араб тилида ёзган. Шоир ўрта аср араб мумтоз адабиётига хос бўлган шакл ва жанрлар (жумладан, мадҳия, фаҳрия, ғазал ва хоказолар)да барақали ижод қилган. Дарвоқе, Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг ўзи ҳам бу ҳақда Ёқут ал-Ҳамавийга: «Мен шеърларимда аниқ бир амалдор (ҳоким, подшоҳ, амир ва шу қабилар)ни мадҳ қилмайман. Мен мадҳ этган шахслар ҳаётда бор бўлмаган (хаёлий) кишилардир», – деб айтган.

Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг шеърлари мазмун ва шакл жиҳатидан қадимий араб шоирларига хос хусусиятлари, масалан, бир қадар муболағадорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, шоир шеърларида араб бадавийлари ҳаёти чуқур акс эт-





ган. Гарчанд унинг бадавийларга ҳеч бир боғлиқлиги ва араблар орасида яшаганлиги ҳақида бирор маълумот бўлмаса-да, ижодида бадавийлар мавзуи кенг кўламда ифодаланган. Бу эса адибнинг қадимий араб шоирлари, адибларининг асарларини кунт билан ўргангани, бадавийлар ҳаётидан яхши хабардор бўлганини кўрсатади.

Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн етук шоир бўлиш билан бирга, илм-фаннинг бошқа соҳаларида ҳам баракали ижод қилган. Жумладан, адибнинг тил ва адабиёт, фикх ва ҳадисга оид асарлари, шарҳлари ҳам талайгина. У ўткир саводли ва маърифатли бўлиб, фикх, ҳадис, назм ва наср, айникса, тафсир (шарх) бобида кенг кўламда қалам тебратган. Ёқут ал-Ҳамавий «Мўъжам ал-удабо»да ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг куйидаги асарлари бўлганини қайд этади: Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Ал-Муфассал» асарига ёзилган уч жилдли «Шарх ал-Муфассал ли-з-Замахшарий», «Ас-Сабиқа» («Ёмби» – аз-Замахшарийнинг мазкур асарига ёзилган шарх), «Ат-Тажмир» («Бирлаштириш») – бу ҳам аз-Замахшарийнинг «Ал-Муфассал» асарига ёзилган шарх, Абу Аъло ал-Мааррийнинг «Сакт аз-занд» асарига бағишлаб ёзилган шарх, «Ат-Тавдюр» («Тушунтириш») – ал-Ҳаририйнинг «Макоматлари»га бағишланган шарх, «Лаҳжат аш-шариъа» («Шариат тили») – фикх лексикасига бағишланган шарх, «Китоб ас-сир фи-л-иъраб» («Флекция сирлари ҳақида китоб»), «Китоб шарх ал-абнийя» («Грамматик шакллар ўзгармаслигини шарҳловчи китоб»), «Китоб аз-завойа ва-л-абайя» («Пучмоқлар ва маҳфий нарсалар ҳақида китоб») – бу китоб грамматикага бағишланган, «Китоб ужала ас-сафар фи-ш-шеър» («Шеърятга шошилиш сафар»), «Китоб бадоиъ ал-милх» («Нодир фасоҳатли иборалар китоби»), Абу Наср ал-Утбийнинг «Тарих ал-Йаминий» асарига бағишланган шарх ва бошқалар.

Ўз даврининг етук шоири ва адиби даражасига етган ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн фақирона ҳаёт кечирган кўринади. Бу ҳолни адибнинг машҳур араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий билан суҳбатидан ҳам англаш мумкин. Араб сайёҳи шундай ёзади: «Умримда бир мартагина менга мурувват қилган кишини биламан, холос, – деди Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн менга. – У ҳам бўлса, Бухорода бўлганимда юз берган эди. У Бухорога илм олиш, Қуръон кироатини ўрганиш ниятида келган эди».

Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн Бухорода илм пешволаридан ҳисобланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний сингари бир қанча машҳур кишилар ва адиблар суҳбатидан бўлади. Улар Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг шеърятдаги маҳоратини кўриб етмиш динор ҳаля қилишади, яна қатга ваъдалар беришади. «Агар муҳтож бўлмаганимда шу пулни олмас эдим», – дея шикоят қилади шоир. Сўнгра Хоразмнинг илғор кишиларидан бири, подшоҳга яқин бўлган аш-Шихаб ал-Хуфий қандайдир бир мансаб ва динор бадалига унинг ёнида шолча устида шеър ўқиб ўтирадиган хизматга чорлаганда бу таклифни қабул қилмаганини Ёқут ал-Ҳамавийга айтган. Яна Ёқут ёзади: «Мен унинг маиший турмуши ва қандай қилиб тирикчилик ўтказётганини сўраганимда, у: «Отамдан мерос қолган бир қадар мол-дунё мен учун кифоя, шу мулк ўзгаларга муҳтожликдан мени қутқазади», – деб жавоб берди». Ал-Қосим ибн ал-Ҳусайннинг ҳаёти фожиали тугаб, у 1221 йили мўғул босқинчилари томонидан қатл қилинади.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор





РАШИДУДДИН АЛ-ВАТВОТ (1114–1191)

X асрнинг охирлари ва XI асрдан бошлаб Хоразмнинг шуҳрати бутун мағрибу машрикка ёйилди. Чунки Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд аз-Замахшарий ва бошқа кўпгина илм-фан ва маданиятнинг йирик намояндлари ҳаёти ва ижоди ушбу даврга тўғри келади ва Хоразм замини билан узвий боғлиқдир. Ўзларининг ўлмас асарлари билан жаҳон фани ва маданиятига салмокли хисса қўшган ушбу алломаларнинг оламшумул фаолиятлари ва бошқа қатор ижобий омиллар Хоразмнинг қўшни Шарқ халқлари билан илмий ва маданий алоқаларининг ривожига, ғоявий ҳамкорлигига катта таъсир кўрсатади. Бу ўзаро ҳамкорликдан Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари маданиятининг бир-бирига ўзаро таъсир этиб бойитгани ва бу ҳолдан ҳар қайсисининг ҳам ўзаро манфаатдор бўлганини кузатиш мумкин.


Ёзма манбаларда келтирилган фактларга кўра, мана шу даврда Хоразмда етишган кўпгина олимлар, адиблар ва шоирлар қатор Шарқ мамлакатларида фидокорона фаолият кўрсатишган. Шу билан бирга, ўша пайтда Шарқдаги йирик илмий ва маданий марказлардан бири ҳисобланган Хоразмда ҳам маҳаллий олимлар билан бир қаторда хорижий Шарқ халқларининг вакиллари самарали ижод қилганлар. Бу илмий-маданий алоқалар ва ҳамкорлик тарихи ҳозирча олимларимиз томонидан атрофлича ўрганилган, деб бўлмайди.

Хоразмнинг қўшни Шарқ халқлари билан илмий ва маданий алоқалари, шу соҳага муайян хисса қўшган машҳур шахслар ҳақидаги маълумотлар ёзма (айниқса, араб ва форс тилларида ёзилган) манбаларда кўплаб келтирилган. Мана шу тарихий манбаларни ҳар томонлама ўрганиш Ўрта Осиё билан қўшни Шарқ халқлари ўртасида қадимдан давом этиб келаётган илмий-маданий алоқаларни тўлиқ тасаввур қилишимизда муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан биз эндиги диққат-этиборимизни XII асрда Хоразмда яшаб ижод қилган, асли балхлик машҳур шоир ва адиб Рашидуддин ал-Ватвотнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилишга қаратдик.

Бу сиймонинг тўлиқ исми Рашидуддин Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий бўлиб, у Рашидуддин ал-Ватвот номи билан машҳурдир.

Рашидуддин ал-Ватвот 1114 йилда Балхда туғилгани адабиётларда кўрсатилган бўлса-да, мазкур сана масаласида айрим фарқлар мавжуд: баъзи муаллифлар уни 1087, бошқалари 1094 йилда туғилган, деб ҳам ёзишади. Ўша пайтда Балх Хуросоннинг энг йирик иктисодий, илмий ва маданий марказларидан бири бўлиб, бу борада у Нишопур, Ҳирот ва Марв каби Шарқнинг йирик шаҳарлари билан беллашарди. Шаҳарнинг турли бурчакларида мадрасалар, жоме масжидлар ва кутубхоналар кўп бўлиб, уларда ўз даврининг илғор ва билимдон кишилари диний ва дунёвий фанлар, маданиятни тарғиб қилардилар. Рашидуддин ал-Ватвотнинг болалик йиллари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Лекин ўша пайтда Балхда қарор топган маданий муҳитни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, у ёшлик йилларида Балхнинг машҳур мадрасаларида таҳсил кўрган. Жумладан, унинг Балхда катта нуфузга эга бўлган Низомия мадрасасида таълим олганлиги маълум. Ушбу мадрасада Рашидуддин ал-Ватвотга устозлик қилган имом Абу Саид ал-Ҳиравий унинг ҳаётида ва ижодий фаолиятида чуқур из қолдирган шахслардан ҳисобланади. Рашидуддин ал-Ватвот ал-Ҳиравий





билан бутун умри давомида боғлик бўлгани ва унинг билимини юкори баҳолагани хакида манбаларда зикр этилади.

Балхда, Низомия мадрасасида тахсилни тугатганидан сўнг Рашидуддин ал-Ватвот Хоразмга келади. Унинг бу ерга келган йили аник кўрсатилмаса-да, баъзи тахминлар мавжуд. Бу ташриф 1150–1152 йилларга тўғри келади. Чунки айрим манбаларда Рашидуддин ал-Ватвотнинг кўхна воҳада қарийб 30 йил яшаганлиги қайд қилинган. Яна бир далил шуки, у Хоразмга 30–35 ёшларга тўлгандан кейин келган бўлиши керак. Бунинг боиси, у бу юртга келгач, дарҳол хоразмшоҳ Отсизнинг саройига хизматга олинди ва Отсизнинг энг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди. Бу юкори мартабага Рашидуддин ал-Ватвот ўз юрти Балхда чуқур билим олиб, маълум ҳаётий ва ижодий тажрибага эга бўлгани, араб ва форс тилларини мукаммал эгаллагани, котиблик санъатининг сиру асрорларини яхши ўзлаштиргани сабабли эришган.

Албатта, ўша даврдаги таомилга кўра, аксарият йирик шоир, адиб ва котибларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳукмдорлар саройи билан боғлик бўлган. Шу хусусдан ҳам Рашидуддин ал-Ватвот Хоразмда яшаган пайтида қарийб ўттиз йил давомида хоразмшоҳлар (аввал Отсиз, сўнг унинг ўғли Ийл Арслон ва ундан кейин эса унинг ўғли Алоуддин Текиш) саройида котибу-л-иншо (бош котиб) лавозимини эгаллаган. Бундай обрў-эътиборга унинг чуқур билимли бўлгани, ҳукмдорлар орасидаги ёзишма ва мактубларда қўлланиладиган насрий сажъ услубини обдон ўзлаштиргани сабаб бўлган. Ёкут ал-Ҳамавий Рашидуддин ал-Ватвотни таърифлаб: «У ўз замонасининг энг нодир ва ажиб кишиларидан, ўз даврининг ғаройиб шахсларидан бўлиб, наср ва назм бобида ўз асрининг энг фозили эди», – деб ёзади.

Рашидуддин ал-Ватвотнинг машҳур асари «Мактублар» бўлиб, у ўша даврда Хоразмдаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётга доир маълумотларни, жумладан, Рашидуддин ал-Ватвот кофирлар (ахл-ал-куфр) деб атаган турк кўчманчи кабилаларининг Хоразмга қилган муттасил ҳужумлари тўғрисида, бу ўлкадаги сиёсий вазият хақида, Хоразмнинг ўзига хос иклими – киши қаҳратон совук, ёзи жазирама иссиқ бўлиши, мадрасалар ва бошка илм даргоҳларида уюштириладиган илмий мунозаралар ва ижодий сабоқлар хақидаги маълумотларни жамлаган муҳим аҳамиятга эга манбадир.


Хуллас, Хоразм заминида узок вақт яшаб, баракали ижод қилган шоир ва адиб Рашидуддин ал-Ватвотнинг адабий меросини чуқур ўрганиш, шубҳасиз, ўрта асрларда ҳар томонлама тараққий қилган қадимий ўлка – Хоразм тарихини тўларок ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЛОУДДИН АС-САМАРҚАНДИЙ (ваф. 1144)

Мовароуннаҳр фикх мактабининг йирик алломаси, ақоид, тафсир, усул ал-фикх, фуруъ ал-фикх ва калом илмлари соҳиби, ўз даврининг етук фақиҳи Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. 539/1144–1145) ҳаёти хақидаги маълумотлар бизгача жуда ҳам оз этиб келган. Ҳеч қайси манбада унинг бирор-бир мансаб соҳиби бўлганлиги ёки





Қорахонийлар салтанатида тутган ўрни ҳақида хабар берилмаган. Мавжуд манбаларда у ҳақда келтирилган маълумотлар ҳам олимнинг таржимаи холидан кўра унинг қолдирган илмий мероси – асарлари ҳақидаги хабарлар, муаллифнинг ҳаёти ҳақидаги қисқача маълумотлар ва унинг шаънига айтилган мадҳдангина иборат.

Алоуддин ас-Самарқандий ҳақида биринчилардан бўлиб унинг шогирди Алоуддин ал-Косоний (ваф. 1191) «Бадои» асари муқаддимасида ва яна бир шогирди ас-Самъоний (ваф. 1167) «Китоб ал-ансоб» асарида маълумот берган.

Юқоридаги манбалардан ташқари табакот жанридаги ханафийлик мазҳабига онд адабиётларда қисқа-қисқа хабарлар келтириш билан чекланилган. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги бири иккинчисидан нақл қилиш билан қифояланган, холос. Улардан қуйидаги тартиб билан мисол келтириш мумкин: Ибн Абул Вафо (ваф. 775/1373), Ибн Қутлубуғо (ваф. 879/1474), Тошкўпризода (ваф. 968/1560), ал-Қафавий (ваф. 990/1582), Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657) ва Мухаммад Абд ал-Ҳайй ал-Лакнавий (ваф. 1304 /1886).

Ушбу манбалар билан танишиш асносида ас-Самарқандийнинг туғилган йили ҳақида бирор-бир маълумот учрамади. Унинг вафот этган санаси ҳақида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Масалан, Карл Броккелман ўзининг китобида икки хил сана: 538/1143–1144 ва 540/1145–1146 йилларни кўрсатган. Ҳожи Халифанинг асарида 553/1158 йил келтирилади. Ибн ал-Барр «Жомий байон...» асарида Алоуддин ас-Самарқандийнинг талабаси бўлмиш ас-Самъоний томонидан берилган 539/1144–1145 санани келтиради. Манбалардаги маълумотларга кўра, аллома Бухоро шаҳрида вафот этган.

Оксфорд университети профессори В. Маделунг олиб борган тадқиқот натижасига кўра, ас-Самарқандий Онадўли шаҳрига бир неча марта сафар қилган. Бир муддат ўтгач, унинг умр йўлдоши ҳам борган ва бироз вақт ўша ерда бирга яшаган. Шунингдек, Ҳалабда Нуриддин Зангий билан ҳам учрашган. Сўнгра Бухорога қайтиб келиб, таълим бериш билан шуғулланган ва шу ерда вафот этган. В. Маделунг яна бир қизиқ маълумотни келтирган: «Рум подшоҳлари (Kings of al-Rum) олима-фақиҳа бўлган кизи Фотиманинг қўлини сўрайдилар, лекин у ўзининг етук шогирди бўлмиш Алоуддин ал-Косонийни афзал деб билиб, унга турмушга берган экан».


Жуда ҳам чекланган мазкур маълумотлар асосида фақатгина қуйидагича қисқич бир хулоса қилиш мумкин. Аллома ўсиб, вояга етган муҳит тадқиқот жараёнида биз ўрганган манбаларда кенг ёритилмаган. Сабаби, унинг асарлари машҳур бўлса-да, муаллифининг таржимаи холи чуқур тадқиқ этиб ўрганилмаган.

Устозлари

Ханафий фикҳининг Мовароуннаҳрда ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлар қаторида турувчи бу фақиҳнинг устозлари, асосан, ханафийликдаги йирик олимлардан иборат бўлиб, унинг илм борасидаги устозларининг силсила занжири Абу Ҳанифага (ваф. 767) урта восита орқали боғланади.

Манбаларга кўра, Алоуддин ас-Самарқандий, асосан, икки устоздан – илк устози, Самарқандда «Қози ал-қузот» бўлган Абу-л-Йуср ал-Паздавий (ваф. 493/1099) ва иккинчи устози мотуридия таълимотининг етук олимларидан Абу-л-Муъин ан-Насафий ал-Макхулийдан (ваф. 508 /1114) таълим олган.






Абу-л-Йуср Паздавий томонидан Алоуддин ас-Самаркандий ўзидан олдинги силсилага кўра, икки занжир билан Абу Сулаймон ал-Жузжоний (ваф. 200/815 йилдан сўнг) орқали имом (Абу Ханифа)га боғланади (силсилага каранг). Абу-л-Муъин ан-Насафий томонидан силсила Абу Бакр ал-Жузжоний орқали Абу Сулаймон ал-Жузжоний билан бирлашади ва у орқали Абу Ханифага боғланади (силсилага каранг). Силсилага кўра, асосий боғланиш тугунлари Балх фақиҳлари Абу Сулаймон ал-Жузжоний ва унинг шогирди самарқандлик Абу Бакр ал-Жузжонийларда бирлашган. Силсиладаги олимларнинг аксарияти Балхдан эканлиги шуни кўрсатмоқдаки, ханафий таълимоти, кўпроқ, Балх воситаси ила Мовароуннаҳрга (аниқроғи, Самарқандга) кириб келган. Чунки бунинг тасдиғи сифатида шуни айтиш мумкинки, Хуросон ва Хоразмда ғайриханафий мазҳаб ва оқимларнинг таъсири кучли эди.

Алоуддин ас-Самаркандий ўз асарларида ушбу силсиладаги устозларига кўплаб маротаба мурожаат қилганлиги (масалан, Тухфа, Таъвилот, Минзон), унинг ўз устозлари анъаналарига нафакат нисбат томонидан, балки илмий услуб жиҳатидан ҳам содик бўлганидан дарак беради.

Ас-Самарқандийнинг устозлари силсиласи:





Шогирдлари

Алоуддин ас-Самарқандий таълим бериш соҳасида ҳам юксак маҳоратга эга бўлган. У кўплаб етук шогирдлар тарбиялаган. У, аввало, ўз кизи Фотимани ёшлик чоғларидан бошлаб илмга ўргата бошлаган, кироат, араб нахви (грамматикаси) каби илмлардан, кейинчалик эса, фикҳдан дарс берган. Фотима отасидан фикҳ илмини ўрганиб, буюк факих-олима даражасига етишган.

Қорахонийлар даврининг энг буюк факихларидан бири ал-Косоний Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад (ваф. 587/1191) бўлиб, Алоуддин ас-Самарқандий унинг ҳам устози, ҳам кайнотасидир.

Ал-Косонийнинг «Шарнат тартибида ажойиб санъатлар» номли маълум услуб асосида илмий таълиф этилган ханафий фикҳига онд асари мавжуд. Бу асар, юқорида айтиб ўтилганидек, устози Алоуддин ас-Самарқандийнинг «Тухфат ал-фуқаҳо» асарига ёзилган шарҳдир. Абу Бакр ал-Косонийнинг бу асари 1327–1328 йй. Кохирада I–VII жилдли холида чоп этилган. Нафақат ислом оламида, балки ғарб олимлари орасида ҳам жуда машҳур бўлган бу фикҳий асар хозиргача ўз мавқеини йўқотмаган. Ғарб олими В. Маделунгнинг ёзишича, бу асар «a master-piece of a quality which was never reached subsequently in Hanafi legal literature» (Ханафий фикҳий асарлари орасида кейинчалик ҳам унинг даражасига ҳеч ким, ҳеч қайси асар ета олмаган маҳорат намунасидир).


Ал-Косоний, шунингдек, теология соҳасида «Ас-Султон ал-мубин фи усул ад-дин» номли асар ҳам ёзган. Манбаларда унинг Куръонни қаримга тафсири ҳам ёзгани ҳақида хабар берилса-да, бу асар бизнинг давримизгача етиб келган ёки келмагани тўғрисида маълумот мавжуд эмас.

Алоуддин ас-Самарқандийнинг талабаларидан яна бири, илм аҳли орасида эътиборли бўлган Зиёуддин Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Наср ибн Абд ал-Азиз ал-Банданижий ал-Навсўхийдир.

Муҳаммад ал-Банданижий қорахонийлар даврида Мовароуннаҳр илм соҳибларининг энг буюқларидан, «Ал-Ҳидоя» асари муаллифи Бурхониддин Абу-л-Ҳасан ибн Абу Бакр ибн Абду-л-Жалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний ар-Ришдонийга (ваф. 593/1197) фикҳ ва ҳадис илмларидан сабоқ берган устоздир. 545/1150–1151 йили Марвда Бурхониддин ал-Марғиноний ундан «Саҳиҳ Муслим» асарини нақл этишга «ижоза» (дарс бериш ҳуқуқи) олгани ҳақида Лакнавий хабар беради. Тадқиқотга кўра, ал-Банданижий ал-Марғинонийга устоз эканлиги, Лакнавийнинг «Банданиж Фарғона шаҳарларидан биридир», деб келтирган маълумоти тўғри ва асосли деган фикрга олиб келади.


Муҳаммад ал-Банданижий Алоуддин ас-Самарқандийдан фикҳ ва усули фикҳ илми соҳасида таҳсил олган. Вафоти ҳақида аниқ бир маълумот йўқ, бироқ, тадқиқот натижаларига асосланиб, юқорида келтирилган 545/1150–1151 йилдан кейин дейиш мумкин.

Абу Саъд Абдул Қарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ал-Марвазий (1112–1167) Марвда тугилган. Ўрта Осиёга келиб туриб қолган арабларнинг самъон қабиласидандир. Самъоний ўз даврининг кўзга кўринган этнографи, географ ва тарихчиси бўлган. У бир неча илмий асарларнинг муаллифидир. «Кашф аз-зунун»нинг муаллифи Ҳожи Халифа (Қотиб Чалабий) кўрсатишича, Самъоний «Муъжам ал-



машойих», «Амоли», «Тирозу-л-мазхаб фи одоби-т-талаб», «Тухфат ал-мусофир ва-л-маносик», «Ал-Муъжам ал-кабир», «Духул ал-хаммом» ва «Китоб ал-ансоб» номли асарлар ёзиб қолдирган. Булар орасида унинг «Китоб ал-ансоб» ёки «Ансоби Самъоний» номли Шарқ мамлакатлари географияси ва халқлари этнографиясига оид асари жуда қимматлидир. Ушбу асар Самарқандда 1156 йилда тасниф қилинган. «Китоб ал-ансоб» саккиз жилддан иборат бўлиб, унинг нодир қўлёзма нусхалари Британия музейида, Истанбулдаги «Кўпрулу» кутубхонасида сақланмоқда. Самъоний ўзининг бу илмий асарини ёзишдан аввал Мовароуннахр, Хуросон, Ирок, Шом, Ҳижоз ва бошқа ўлкалар, шаҳарларга саёҳат қилган, халқ орасида юриб қимматли маълумотлар тўплаган. У бу асарида ўзининг устози Алоуддин ас-Самарқандий ҳақида шундай дейди: «Бухорога ўрнашиб қолган бўлиб, фатво, мунозара, усул ва калом соҳаларида устун бир олим эди. Менга «ижоза» бергандир». «Китоб ал-ансоб» сўнги даврларда яшаган олимлар диққатини ўзига тортган ва натижада бу нодир асар 1219 йили Ибн Асир томонидан 3 жилдди ҳолида «Ал-Лубоб» номи билан, «Ал-Лубоб» эса 1469 йили Суютий томонидан «Лубб ал-лубоб фи таҳрир ал-ансоб» номи билан янада қискартирилган ҳолда қайтадан ишлаб чиқилган. «Лубб ал-лубоб»нинг араб тилидаги бир нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам (инв. 1805) сақланмоқда.

Алоуддин ас-Самарқандийнинг шоғирлари силсиласи:





Алоуддин ас-Самарқандийнинг Марказий Осиё илм-фани ривожланишида тутган ўрни


Тарихий манбалар Алоуддин ас-Самарқандий яшаган даврда Мовароуннаҳрда сиёсий ғалаёнлар, маданий тушкунлик ҳукм сурар эди. деб гувоҳлик берса-да, аммо илмий тараккиёт бир қадар ўз ўрнига эга эди. Буни диний ва дунёвий илмларнинг қай даражада ривожланганлигидан ҳам кузатиш мумкин. XI–XII асрларда Мовароуннаҳр Шарқнинг илм-фан ривожланган йирик ўлкаларидан бирига айланган эди. Шу даврга келиб Мовароуннаҳрда диний илмлар юқори даражада ўрганила бошланди. Дунёвий илмлар ўрганилиб, ривожланган бўлса-да, аммо диний илмларга, айникса, эътибор катта эди. Бунинг сабаби, эҳтимол, бу пайтдаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида ўзаро зиддиятларнинг кучайиб кетганлиги бўлиши мумкин. Чунки бу вақтда шиалар ва хаворижлар, муътазиллийлар ва мотуридийлар, шофиийлар ва ханафийлар ўртасида келишмовчиликлар авж олган эди. Бу муаммоларни ҳал этиш эса, асосан, факихлар зиммасига тушарди. Муаммоларни кучли далиллар, ҳужжатлар билан бартараф этиш зарурияти келиб чиқарди. Шунга кўра, Мовароуннаҳрда факихлар фаолияти кучайди. Бу даврда яшаб ижод этган Мовароуннаҳр ханафий факихларидан ад-Дабусий Абу Зайд (ваф. 430/1063), ал-Халвоний (ваф. 456/1063), Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсий (400–481/1009–1090), ал-Паздавий (ваф. 482/1089), ас-Садр аш-Шаҳид Умар (ваф. 536/1141), ан-Насафий Умар (ваф. 537/1142), Ибн Моза Маҳмуд (ваф. 570/1174), ал-Аттобий Аҳмад (ваф. 586/1190), ал-Косоний Абу Бакр ибн Масъуд (ваф. 587/1191), Қозихон (ваф. 592/1196) ва ал-Марғиноний (ваф. 593/1197) каби машҳур факихларнинг номларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Номлари зикр этилган бу факихлар фикхнинг фуруъ ва усул соҳаларида самарали ижод қилдилар. Мавжуд муаммоларни имкон қадар ҳал этишда жонбозлик кўрсатдилар. Шу ўринда Мовароуннаҳр фикх мактабининг йирик вакилларида Шамсу-л-ислом Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. 539/1144) ҳам алоҳида ўринга эгадир. Алоуддин ас-Самарқандий қолдирган асарлардан кўриниб турибдики, бу факих замонасининг диний соҳадаги мавжуд илмларининг барчасини мукамал эгаллаган.

Унинг тафсир соҳасидаги иши кўриладиган бўлса, муфассирлик даражасига етиш учун олим энг аввал араб тилини мукамал билмоғи, балоғат, мантик, ислом дини тарихи, ҳадислар ва ҳадисшунослик, қуръоншунослик, оятларнинг нозил бўлиш сабабини ўрганиши ва ҳоказо илмларни эгаллаган бўлиши шартлиги нуктаи назаридан Алоуддин ас-Самарқандийнинг илмий мақоми даражасини билиш мумкин.

Алоуддин ас-Самарқандий ёзган тафсир қалом илми асосида эканлиги ва бу ислом ақидасининг буюк алломаси Абу Мансур ал-Мотуридий тафсирининг шарҳилиги унинг қалом, ислом ақиди борасида ҳам етук олимлигидан далолат беради. Бу асарнинг айни зарур вақтда – Мовароуннаҳрда турли ақидавий ихтилофлар кучайган бир пайтда ёзилгани олимнинг энг долзарб ва муаммоли масалаларни ҳал этишда ҳозиржавоб аллома бўлганини кўрсатиб турибди.

Алоуддин ас-Самарқандийнинг ҳадис соҳасидаги илмий изланишларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Чунки факих ўз асарларини ёзиш чоғида кўплаб ҳадислардан асос тариқасида фойданишга ҳаракат қилган ва бу, албатта, унинг илмий тафаккур доирасининг кенглиги, маълум масала ёки муаммони атрофлича муҳокама этиб, ҳал қилиб бера олиш қобилиятидан дарак беради.





Бу буюк олимнинг фикх соҳасидаги фаолияти эса жуда юксакдир. Унинг ҳам фуруъ ва ҳам усул илми борасида етук олим бўлганлиги у колдирган асарларда яққол сезилиб турибди. Алломанинг фикхга оид бу асарлари ҳам юқоридаги каби айни керак вақтда ёзилган. У фикхий муаммоларни ва мавзуларни тартибга солиш, шаръий далиллар билан қувватлаш услубининг асосчиларидан эди дейилса, хато бўлмайди. Бунни Алоуддин ас-Самарқандий колдирган илмий меросдан кўриш мумкин. Мазкур илмий мерос ўзининг кўп тармокли эканлиги билан ҳам диққатни жалб этади.

Алоуддин ас-Самарқандий илмий фаолиятининг эътиборли жиҳатларидан яна бири шундаки, у ўз мактабини ярата олди. У тарбиялаган шогирдлар фикх илми, хусусан, Мовароуннаҳр фикх мактабининг ривожланишида етакчи ўринларни эгалладилар. Қизи Фотиманинг, гарчи ундан бирор ёзма асар колганлиги ҳақида маълумот бўлмаса-да, унинг илмга бўлган иштиёқи, илмий фаолияти, «буюк фақиҳа» даражасига етишиш каби сифатлари бу аёлга катта шуҳрат келтирган. Бу эса Мовароуннаҳрда аёлларга исломнинг муносабати, аёлларнинг эса илмга бўлган муносабатлари ўрта асрларда қандай бўлгани ҳақида қимматли маълумотлар олиш имконини беради. Алоуддин ас-Самарқандийнинг шогирди ва куёви бўлмиш Алоуддин ал-Қосонийнинг илмий фаолияти ва илмий мероси, унинг «Бадъои» асари ҳозирги вақтгача ислом оламида мўътабар манба бўлиб хизмат қилаётгани, шогирдлари ас-Самъоний, ал-Банданийжий ва унинг шогирди, ханафия фикҳининг энг эътиборли манбаларидан бўлмиш «Ал-Ҳидоя» муаллифи Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг илмий фаолияти, колдирган бой илмий мерослари ҳозиргача таджикотчилар томонидан ўрганиб келинмоқда.

Юқорида келтирилганидек, Алоуддин ас-Самарқандий турли йўналишларда илмий асарлар ёзди. Ўз илмий услубини ярата олди. Шу жиҳатдан у Мовароуннаҳр фикх мактабида ўзининг муносиб ўрнини топа билди.

Музаффар КОМИЛОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент

САДРУ-Ш-ШАРИЪА ИККИНЧИ – УБАЙДУЛЛО ИБН МАСЪУД (ваф. 1346)

Бухоро шаҳри ўз олимлари, адиблари, қолаверса, бутун моддий ва маънавий маданияти билан дунёнинг энг буюк, машҳур шаҳарлари қаторидан ўрин эгаллаб келган. Шу ўлкада туғилиб, шуҳрат қозонган буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, йирик табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино, улуғ сўфий ва катта тариқат пешвоси Баҳоуддин Накшбанд ва бошқа ўнлаб илму санъат арбоблари фаолияти бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бухоролик ўнлаб атоқли фақиҳлар (ҳуқуқшунос олимлар) орасида, Садр уш-шариаалар оиласи ўзига хос мавқега эга бўлиб, ислом ҳуқуқшунослигида мумтоз ўрин тутган ханафий мазҳабининг йирик намояндалари сифатида хизмат қилдилар ва улар Марғинонийнинг шоҳ асари «Ал-Ҳидоя»га катта диққат-эътибор қаратдилар. Замонасининг машҳур ҳуқуқшунос олими бўлган Садр уш-шариъа Аҳмад ибн Жамолуддин Убайдулло ал-Маҳбубий ал-Бухорий XIII асрда яшаб ижод этган ва





мухм фикхий асарлар, жумладан, «Ал-Ҳидоя» устидан ёзилган шархлардан бирининг муаллифи сифатида танилган. Унинг ўгли Тож уш-шариъа лақаби билан шуҳрат қозонган Маҳмуд ибн Садр уш-шариъа ҳам ўз отаси сингари ажойиб ҳуқуқшунос олим бўлиб, ханафийлар фикхи соҳасида ўзидан унутилмас илмий асарлар қолдирди. Тож уш-шариъа, ўз невараси (Садр уш-шариъа ас-Соний) (иккинчи ёки кичик Садр уш-шариъа)ни ислом ҳуқуқи бўйича яхши тарбиялаб, фикхий масалаларни унинг миясига сингдириш мақсадида Бурҳониддин Марғинонийнинг шох асари бўлмиш «Ал-Ҳидоя»нинг энг асосий масалаларини қискартириб олиб, бир китобда ижодий шаклда жамлаб, уни «Викоят ур-ривоя фи масоили-л-Ҳидоя» («Ҳидоя масалаларида ривоятларни саклаш») деб атади.

Асар «Ал-Ҳидоя»нинг энг яхши ва қулай қискартмаси сифатида қатта эътибор қозониб, асарлар давомида ўқилиб, шархланиб келган ва уни изоҳлаш учун хошиялар ёзилган.


Тож уш-шариъанинг невараси кичик ёки иккинчи Садр уш-шариъа лақаби билан машҳур бўлиб келган Убайдулло ибн Масъуд бу оиланинг фаҳри ва ханафийлар фикҳининг порлок юлдузи ҳисобланади. У бобоси Тож уш-шариъа тарбиясида қамол топиб, Шарҳ ҳикмати (фалсафаси), қалом илми ва табиатга оид фанларни ўзлаштириб, фикҳ илмида қатта аллома сифатида танилди ва ханафий мазҳабининг атоқли ва сермахсул олимларидан бири бўлиб ижод қилди.

У аждодларидан қолган илмий асарларни жамлаб, нафис ёдгорликларни тўплаш билан шуғулланиб келди ва бобоси ёзган «Викоят ур-ривоя»ни араб тилида шарҳлаб, уни «Шарҳ ул-виқоя» деб атади. Бу китоб энг яхши ва тўлиқ шарҳ ҳисобланади.

Шундан кейин баъзи ўқувчиларнинг «Викоят ур-ривоя» китобини ўзлаштириб олишга қурбн етмаётганлигини сезиб, ундаги энг зарурий масалаларни танлаб олиб, уни «Ан-Нуқоя» («Қисқача баён») ёки «Мухтасар ул-виқоя» деб атади. Асарнинг муқаддимасида муаллиф шундай деб ёзади: «Бобом Маҳмуд ибн Садр уш-шариъа менинг фикҳ илминини яхши ўрганишим учун «Викоят ур-ривоя фи масоили-л-Ҳидоя» китобини тузди. Бу китобдек сўзлари мўъжаз, мазмуни аниқ ва тўла иккинчи бир китобни замон аҳли кўрган эмас. Мен баъзи бир толиблар ҳиммати бу китобни ўрганиб ўзлаштиришга қодир эмаслигини сезиб, зарурий масалаларни танлаб олиб, ушбу «Мухтасар» («Қискартирилган китоб»)ни чиқардим. Ҳар ким «Ал-Ҳидоя»да келтирилган масалаларни ўрганиб, ўз хотирасида сақламоқчи бўлса, «Викоя» китобини (бобом таълиф этган китобни) ўрганиб олишга урингай. Шошилиб турган, вақти оз бўлган киши мен таълиф этган бу «Мухтасар» («Мухтасар ул-виқоя»)ни ўрганишга таважжух қилгай». Шунингдек, Садр уш-шариъа иккинчи усул ул-фикҳ бўйича «Ат-Танкийх» («Сўзни покизалаш, бир хос мавзуга тааллуқли ҳукмни умумийлаштириш») номли асар ёзди, сўнгра уни бир чиройли шаклда шарҳлаб «Ат-Тавзийх» деб атади. Ушбу китоб усул илми бўйича шофиъий ва ханафий йўналишларини бирлаштириб ёзилган муҳим асар бўлиб, йирик олимлар томонидан шарҳланган.

«Ал-Муқаддимот ул-арбаъа» («Тўртта муқаддима»), «Таъдийл ул-улум ва-ш-шурут...» номли асарлари ҳам қатта эътибор ва шуҳрат қасб этиб келган. Хайриддин аз-Зириклий берган маълумотга кўра, «Маоний» («Адабиётга оид фанлар») соҳасида «Ал-Вишоҳ» («Бўйинга тақиладиган безак») номли китоб ҳам унинг қаламига мансубдир.





Садр уш-шариъа ва унинг барча аждодлари илму фан арбоблари сифатида кўп хурмат ва иззат кўриб яшаганлар. Ҳиндистонлик машхур олим Абдулхай Лакнавийнинг ёзишича, Саййид Аҳмад-ат-Таховийнинг шогирди ал-Мавло Абдулмуъин ад-Димётий «Таолийк ул-анвор ало дурри-л-мухтор» («Дурр ул-мухтор китоби-га ёркин хошиялар») номли асарида унинг насабини Пайғамбаримизнинг машхур саҳобаларидан бири бўлмиш Ибода ибн ас-Сомитга боғлайди. У, жумладан, бундай деб ёзади: «Устозимиз Саййид Муртазо Ҳусайн силсиласида кўрдимки, Садр уш-шариъанинг насабини қуйидагидек зикр этган: Убайдулло ибн Масъуд ибн Тож уш-шариъа Махмуд ибн буюк Садр уш-шариъа Аҳмад ибн Жамолуддин Абдулмакорим Убайдулло ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махбуб ибн ал-Валид ибн Убодат ибн ас-Сомит ал-Ансорий ал-Махбубий. Шунингдек, устозимиз: «Унинг насабини Бухоро тарихида кўрганман», – дедилар».

Садр уш-шариъалар ва уларнинг оила аъзолари фикх илмини ўз замоналарининг энг буюк олимларидан олганлар. Уларнинг фикх илмини ўрганиш силсиласи бухоролик атоқли факих Абу Абдулло ибн Абийҳафс Кибийга етиб боради.

Абдулхай Лакнавий «Мухтасар ул-виқоя» муаллифи Садр уш-шариъа иккинчиси «Барча томонидан қабул қилинган имом, шариат қонунларининг соқчиси, аслий ва фаръий (жузъий) муаммолар устои ва қискартирувчиси, ақлий ва нақлий (шаръий) фанлар олими, факих (ҳуқуқшунос), фикх усулларининг билимдони, мантикий, муҳаддис (ҳадисшунос), муфассир, тилшунос, адиб, мутакаллим, буюк кадр манзилат ва юксак мақом эгаси, илму адаб билан тўлиб тошган, мажду азаматни ота-боболаридан мерос қилиб олган зот эди», – деб танитади.

Садр уш-шариъа иккинчи 747/1346 йил ҳаётдан кўз юмди. Унинг қабри ота-боболарининг абадий макони – Бухоронинг Шеръобод деган жойидадир.

Садр уш-шариъа Ўрта Осиёда ислом ҳуқуқининг яловдори ҳисобланади. Унинг «Мухтасар ул-виқоя» асари кўп асрлар давомида ислом ҳуқуқини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди ва ҳозирда ҳам ўз эътиборини йўқотган эмас. Бу китоб Ҳанафий мазҳабида ал-Марғиноний яратган ҳуқуқшунослик йўналишининг асосий манбаи бўлмиш «Ал-Ҳидоя» асаридаги таълимотни кенг кўламда талқин этишда ва бу йўналишнинг ривожини йўлида улкан ҳисса қўшиб келди.

Китобнинг шуҳрат ва эътиборига асосий сабаб шу бўлса керакки, муаллиф «Ал-Ҳидоя» ва унинг қисқартмаси «Ал-Виқоя»даги жуда кўп масалалар ичида энг асосий ва энг ҳаётийларини танлаб олиб, мўъжаз шаклда ўз китобига киритган, уларни жуда содда ва тушунарли ифодалашга муваффақ бўлган.

Ҳисоблаб кўрганда, ҳажм нуктаи назаридан «Мухтасар ул-виқоя» «Ал-Ҳидоя»нинг ўн бирдан бир (11:1) қисмига тўғри келади. Лекин ҳажмига қарамадан, уни диққат билан ўқиган малакали киши, ислом ҳуқуқининг асосий масалаларини ўзлаштириб олишга эришади. Шу сабабли, машхур ҳуқуқшунос олимлар томонидан араб, турк ва форс тилларида унга бағишлаб кўп шарҳлар ва хошиялар ёзилган ҳамда узок муддат давомида исломий дорулфунунлар дастурларига киритилган.

«Кашф уз-зунун» муаллифи Ҳожи Халифа «Мухтасар»нинг араб тилида шарҳловчиларидан қуйидагиларни зикр этади:

1. Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шаманий.
2. Ибн ал-Айнӣ ал-Ҳанафий.





3. Абдулвоҳид ибн Муҳаммад.
4. Алоуддин Али ибн Муҳаммад.
5. Ибн Қутлубғо ал-Ҳанафий.
6. Маҳмуд ибн Илёс-ар-Румий.
7. Шамсуддин Муҳаммад ал-Қўхистоний.
8. Али Алкорий.
9. Абул-Макорим ибн Абдилло ибн Муҳаммад.
10. Нуриддин Абдуррахмон ибн Аҳмад ал-Жомий.

Ушбу китоб турк ҳуқуқшунос олимлари томонидан ҳам кизиқиш билан кутиб олинган. Масалан, XV асрда Шамсуддин Аҳмад ибн Ҳамза турк тилида бу китобга бағишлаб бир ажойиб хошия ёзган ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кирмоний матнини турк тилига назм қилган ва шунингдек, кози Юсуф ибн Давлат ўғли мазкур хошияни туркча назм этган.

Самарқандлик олим Жалолуддин Маҳмуд ибн Аби Бакр Самарқандий Гўрмирий бу асарни форс тилига таржима қилган ва шарҳлаган, бу борада Мавлоно Фаҳруддин Илёс ёзган шарҳдан фойдаланган.

«Мухтасар ул-викоя» ўзбек тилида тошкентлик фикшшунос олим Максудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан «Мажма ул-Максуд» номи билан катта ҳажмда шарҳу таржима қилиниб, XX асрнинг ўн еттинчи йилларигача «Мажма ул-Максуд» ё «Мухтасар ул-викоя туркий» номи билан икки марта икки жилдда (1100 бет) нашр этилган. Ушбу китобнинг кирилл алифбосида Маҳмуд Ҳасаний тайёрлаган биринчи жилди 1999 йилда «Адолат» нашриёти томонидан чиройли шаклда босмадан чиқарилди. Муаллиф уни ўз мухлисларининг илтимос ва талабларини назарда тутиб, она тили – ўзбек тилига шарҳу таржима қилган. У китоб муқаддимасида ва унинг нашри муносабати билан ёзган ўзбекча, арабча шарҳларида бу ҳақда ҳар томонлама маълумот беради.

Максудхўжа ўз шарҳида 50 дан ортиқ фикхий манбалардан фойдаланиб, муҳим ва керакли бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳар томонлама очиқ беради.

Фикримизча, бу асар Абу Ҳанифа мазҳаби бўйича ўзбек тилида ёзилган энг катта ҳуқуқий манба ҳисобланади. Ҳозирги мустақиллик шароитида Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанлари ва қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун ундан кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

«Мухтасар ул-викоя»нинг арабча матни Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф, Абдулбоқий Имомжон ва Абдулбосит Қамбар томонидан нашрга тайёрланиб, 1991 йили «Мовароуннаҳр» нашриёти томонидан Тошкент шаҳрида нашр этилган.

Садру-ш-шариъа иккинчи Убайдулло ибн Масъуд «Мухтасар»дан ташқари, Абу Ҳанифа мазҳабининг асосларига таяниб, «Усул ул-фикх» («Фикх илмининг асослари»), «Фуруъ ул-фикх» («Фикх илмининг тармоқлари») соҳасида ҳам турли асарларга шарҳлар ёзгани учун унинг борасида маълумот берган тадқиқотчилар «факихун ханафийун» («ханафий фикхининг олими ё ханафий мазҳабидаги ҳуқуқшунос олим») иборасини унинг исми билан ёзиб келганлар.

Шундай қилиб, буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг шоҳ асари «Ал-Ҳидоя»нинг мағзини ўз ичига олганлиги учун асрлар давомида «Кичик Ҳидоя» сифатида қўлланиб келинган «Мухтасар ул-викоя» турли тилларда ёзилган шарҳлар ва таржималари билан Абу Ҳанифа мазҳаби асосида юзага келган Мовароуннаҳр



хукукшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшди ва ханафийлар мазҳабининг йирик намояндаси бўлмиш Садру-ш-шариъа иккинчи Убайдулло ибн Масъуд номини абадийлаштириш учун катта омил бўлиб хизмат килди.

Абдулҳаким Шаръий ЖЎЗЖОНИЙ,
юридик фанлар доктори


ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ (1363–1447)

XV аср нақшбандия тариқатининг йирик вакили Яъқуб ибн Усмон ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Ғазнавий Чархий тахминан 1363 йил Ғазна шаҳри яқинидаги Чарх кишлоғида таваллуд топган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг «Бобурнома» асарида унинг Чархдан эканини қайд этган. Яъқуб Чархийнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар манбаларда кам учрайди. У бошланғич таълимини Чархда, сўнгра Ғазнада олгандан кейин 1380 йил Ҳиротдан Бухорога келиб, машхур сўфий Сайфиддин Бохарзий макбараси ёнидаги хужрага тушади. Бу ҳақида унинг ўзи «Тафсир» асарида шундай ҳикоя қилади: «Бу факируллох турур, Бухоронинг балдасинга келиб, Фатҳобод отлиғ манзилда шайх Сайфуддин ал-Бохарзий раҳматуллохи алайх мазорининг муқобаласинда бир хужрада қарор тутуб анда бўлур эрдим». Бухорода у мадрасада таҳсил олади ва Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) билан учрашиб, унга шогирд тушади. Бу воқеаларнинг тафсилоти унинг «Рисолаи унсия» ҳамда Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида баён қилинган. Баҳоуддин Нақшбанд унга зикр қондаларидан таълим бергач, биров муддат ўтиб уни ўз муриди ва куёви Алоуддин Аттор (ваф. 1400 й.) хузурига жўнатиб, Чархийнинг маънавий камолотини топширади. Бу хусусда Абдурахмон Жомий (1414–1492) ўзининг «Нафаҳот ал-унс» асарида маълумот беради.

«Рашаҳот»да айтилишича, Яъқуб Чархий йигитлик чоғларида Ҳирот ва Миср ўлкаларида анъанавий илмларни ўзлаштириш билан бир қаторда, сўфий алломалар билан ҳам ҳамсухбат бўлиб, улардан тасаввуф сирларини ўрганadi. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин Чархий Бадахшонда яшайди, унинг устози Алоуддин Аттор эса Чағониёнга боради. Маълум муддатдан сўнг Аттор Чархийни Чағониёнга таклиф қилади: «Ҳазрат (Баҳоуддин)нинг васиятлари шундоғ эрдиким, ҳамроҳ бўлсак холо маслаҳат не турур?». Чархий устозининг бу таклифидан сўнг Чағониёнга боради ва ўзининг қайд этишича: «Ва мен алар хидматиға келиб, то алар ҳаётда эрдилар, алар хидматида бўлдум». Алоуддин Атторнинг вафотидан кейин Ҳалғату (ҳозирги Душанбе яқинидаги) кишлоғида умрининг охиригача яшаб, шу ерда тахминан 1447 йил вафот этган. Ҳозирда Бухоронинг Қоракўл тумани Янгибозор кўрғони яқинидаги Каппаки кишлоғида Мавлоно Яъқуб Чархий кадамжоси мавжуд. Яъқуб Чархий яшаган чайла-каппа шарафига бу кишлокқа Каппаки деб ном берилган.

Алломанинг оилавий аҳволи билан боғлиқ баъзи маълумотларни унинг асарлари орқали билишимиз мумкин. Жумладан, «Тафсир» асарида ўз отасини бир неча ўринда тилга олар экан, унинг ўғит ва рубойларидан намуналар келтиради. Бундан кўринадики, отаси ҳам ўз даврининг зиёли олим кишиларидан бўлган. Мазкур асарда у 17 яшар ўғлининг вафоти ҳақида ҳам ёзади. Бошқа бир асари «Рисола дар илми





фароиш» (Мерос илмига бағишланган рисола) мукаддимасида ушбу рисолаи ўгли Маждуддин Мухаммадга бағишлагани ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтади. Накшбандия силсиласидан ўрин олган Мухаммад Зоҳид (ваф. 1529 й.) Яъқуб Чархийга набира, яъни кизининг ўгли бўлса, шу силсиладаги Дарвеш Мухаммад Имканагий (ваф. 1562 й.) эса киз неварасининг ўгли, яъни эвараси хисобланади.

Мавлоно Яъқуб Чархийнинг накшбандия тариқати таракқиётидаги ўрнини белгилашда асарлари баробарида унинг шогирдларининг ўрнини ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, энг кўзга кўринган шогирдларидан Хожа Аҳрор Валийнинг (1404–1490) тариқат ривожига учун кўшган улкан хиссаси бекиёсдир. Хожа Аҳрор Валий ўз устози Яъқуб Чархийни доимо эхтиром билан тилга олади.

Яъқуб Чархий ўз даврининг етук олимларидан бўлган. У устози вафотидан сўнг накшбандия тариқатининг ривожига улкан хисса кўшган мутасаввиф олимдир. У тасаввуф, одоб-ахлоқ, фикҳ, Куръон тафсирига онд мавзуларда форс-тожик тилида 10 дан зиёд асар ёзган. Булар «Рисолаи кудсия» (Кудсий калималар ҳақида рисола), «Рисолаи абдолия» (Абдоллар ҳақида рисола), «Шарҳи асмаиллах» (Аллоҳ исмлирининг шарҳи), «Рисолаи унсия» (Дўстлик ҳақида рисола), «Рисола дар манокиб ва аконд» (Манокиб ва аконд ҳақида рисола), «Силсилаи накшбандия» (Накшбандия тариқати силсиласи), «Тарикаи хатми аҳзоб» (Куръон туркумларини хатм қилиш усули), «ал-Аҳодис ал-арбаъун» (Кирк ҳадис), «Тафсири Чархий» асарларидир.

Унинг «Рисолаи найия» асари Жалолиддин Румийнинг маснавийларига шарҳ тарзида ёзилган бўлса, «Жамолия хаврония» асари машҳур сўфий Абу Санд Абулхайрининг (ваф. 1049 й.) рубоий ва байтлари шарҳидан иборат. Мавлоно Чархий ўз асарларида машҳур сўфий шоирларнинг шеърларидан унумли фойдаланган. Жумладан, форсий шеърятда тасаввуфий руҳдаги ғазаллар ижод этган, «Фаҳрул-орифин» номи билан машҳур Абдул Мажид Санойи Ғазнавий (ваф. 1150 й.), «Пири Ҳирот» номи билан шухрат қозонган сўфий шоир Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1088 й.), ҳожагон-накшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хожайн Азизон Али Ромитанийнинг (ваф. 1321 й.) форс тилидаги шеърларидан, «Султон ал-ошиқин» ва «Ориф биллаҳ» номлари билан машҳур Ибн Форизнинг (1181–1234) араб тилидаги шеърларидан парчалар келтирган. Унинг «Шарҳи «Нисоб ас-сибён» асари болаларга форс тилида араб тилини ўргатишга мўлжалланган ва Мовароуннаҳр мадрасаларида дарслик сифатида қўлланиб келинган, назмда битилган Абу Наср Фарохийнинг (ваф. 1242 й.) «Нисоб ас-сибён» луғатига шарҳ сифатида яратилган.

Алломининг илмий мероси ичида кенг тарқалгани унинг «Рисолаи унсия» асари бўлиб, у «Рисола дар сийрати мустафавия ва тарикаи мустақийма» (Мустафога ҳос ҳулқ-атвор ва тўғри йўл ҳақида рисола), «Рисола дар тасаввуф» (Тасаввуф ҳақида рисола), «Рисола дар калмоти Ҳазрати шохи Накшбанд» (Ҳазрати шох Накшбанднинг сўзлари ҳақида рисола), «Тарикатномаи накшбандия» (Накшбандия тарикатномаси), «Рисола фи баёни силсилаи ат-тарикаи ан-накшбандия» (Накшбандия тариқати силсиласи баёни ҳақида рисола) каби номлар билан аталиб келинган. Асар номларидан ҳам кўриниб турганидек, унда накшбандия тариқатининг одоб ва усуллари, ҳазрат Баҳоуддин Накшбанднинг ҳикматли сўзлари ҳамда у зотнинг ўз оғизларидан эшитилган силсилалари ўрин олган.

Аллома ижодига мансуб яна бир машҳур асар «Тафсири Чархий» – накшбандийлик анъаналарини назм билан уйғун ҳолда мужассамлаштирган, ислом дунёсида ўзига



хос эътибор қозонган тафсирдир. Шу боис асар XVI асрда Ҳамадоний Ҳожи исмли олим томонидан туркий тилга ҳам моҳирона таржима қилинган. Мазкур асарнинг ҳозирда ягона деб ҳисобланадиган нодир қўлёзма нусхаси 7180 рақами остида Шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланади. Асарнинг XVII–XVIII асрларда бошқа бир таржимон Мир Муҳаммад Фозил Тошкандий томонидан чиғатой туркийси ҳамда XVII асрда Аҳмад ибн Абдуллоҳ (ваф. 1687 й.) томонидан усмонли туркчасига ўгирилиши унинг туркий халқлар орасида ҳам шухрат қозонганидан дарак беради.

Асарда нақшбандия тариқати таълимотига хос жиҳатлар, тариқат шайхларининг ҳикматлари, фаолиятларидан иборатли намуналар, ҳикоятлар келтирилади. «Ҳожамиз» деб Баҳоуддин Нақшбанд, шунингдек, Алоуддин Ағтор, Абдуҳолик Ғиждувоний, Ҳожа Муҳаммад Порсоларнинг тариқат тартиботига оид сўзлари ҳам асарда кўп учрайди.

Муаллифнинг тафсирдаги услубига хос хусусият шундан иборатки, у ўрни-ўрнида ўз шахсий ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисалар, тарихий маълумотларни мавзуга уйғун равишда келтириб борган. Муаллиф ўз қараш ва талқинларини камтарлик билан «қамини айтаман» ёки «мен фақирнинг кўнглимга келгани шуки» каби иборалар остида баён этади. Ўз фикри баёнидан сўнг «валлоҳу таоло аълам» (Аллоҳ билгувчи) ёки «эхтимолни бор» деган жумлани қўшиб кетишни унутмайди.

Нақшбандия тариқати негизини ташкил этган «Дил ба ёру даст ба қор», яъни «инсон қалби муттасил Аллоҳ ёди билан, инсон қўли, амалиёти эса ижтимоий фойдали меҳнат, қасб-ҳунар билан банд бўлмоғи» шiori оятлар талқини жараёнида ҳам ўз ифодасини топган. Муаллиф инсоннинг ўз билак кучи, меҳнати билан ҳалол ризқ-рўз топиб кун кечиретишини ғазотга баробар эканини таъкидлаган.


Алломаннинг асарларида жавонмардлик, саҳийликка ғарғиб этилиб, бунинг зидди бўлган баҳиллик, тамағирлик каби салбий иллатлар қораланади. Муаллиф саҳийликни имондан кейинги юқори поғонага олиб чиқса, қуфрдан кейин баҳилликдек ёмон нарса йўқлигини таъкидлайди. Кишининг ҳаётлик чоғида қилган оз миқдордаги хайр-эҳсонни унинг вафоти ордидан қилинадиган катта миқдордаги сарф-харажатлардан афзаллигини уқтиради. Ҳар бир инсон хайру эҳсонни ўз қўли билан қилишига ундаб, қуйидаги байтни келтиради:

Қилсанг ўз қўлуниг била бир пул қарам,
Яхшироқдур-қим, сўнгиндин юз дирам.

У ўз асарлари орқали меҳнат қилишга қорлар экан, ўз меҳнати билан топишган бойлиги ҳалол бўлиши, бировларнинг елкасига юк бўлмаслик, ўзни хор-паст тутиб тиланчилик билан машғул бўлмаслик каби ғояларни илгари сурган.

Умуман олганда, Яъқуб Чархий ўз устози Баҳоуддин Нақшбанднинг «Ҳам хитоб билан, ҳам китоб билан бизнинг йўлимизни тарғиб қилгин», – деган кўрсатмасига тўлиқ амал қилди. Бу соҳага бағишлаб асарлар ижод қилди, кўплаб шоғирдлар етиштирди. Мустақилликдан кейин нақшбандия тариқатининг буюк сиймоси, мутасаввиф олим, муфассир ва шоир Мавлоно Яъқуб Чархийнинг ҳаёти ва ижоди тадқиқот доирасига тортिला бошланди. Унинг ҳаёт йўли ва ижоди бўйича «Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожига тутган ўрни» мавзусида номзодлик диссертацияси ёқланди (М. Раззоқова, 2001 й.), «Мавлоно Яъқуб Чархий» номли монография (М. Раззоқова, 2013 й.) нашр этилди, алломанинг илмий фаолият-





ти ҳақида рисолалар чоп этилмоқда, асарлари бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бирок алломанинг илмий мероси ҳали ҳамон тўлиқ ўрганилмаган, унинг юртимиз кўлэзма фондларида сақланаётган асарлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Гулноза САИДОВА

МУСТАМЛИЙ БУХОРИЙ (вафоти 1043 й.)


Ўз даврининг диний ва дунёвий билимлари ҳамда тасаввуф илмининг билим-дони бўлган серкирра олим ва йирик мутафаккир, буюк имом ва зоҳид Хожа Абу Иброҳим Исмоил бин Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Мустамлий ал-Бухорий тахминан X асрнинг иккинчи ярмида Бухоро шаҳрида туғилиб, вояга етган. Шарқ уйғониш даврининг Абу Райҳон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино (980–1037), Хожа Абдуллоҳ Ансорий (1006–1088), Шайх Абусанд Абулхайр (957–1049), Абулқосим Фирдавсий (940–1010) каби улуғ мутафаккирлари билан замондош бўлган Мустамлий Бухорий ўз даврининг Қуръон, гафсир, ҳадис, фикх, калом, тасаввуф, фалсафа, тарих, тил ва адабиёт каби диний ва дунёвий билимларини чуқур ўрганган. Бундан ташқари, Мустамлий Бухорийнинг асарларидан унинг математика, астрономия, тиббиёт, кимё ва минералогия каби фанлардан ҳам хабари бўлганлиги маълум бўлади. Марказий Осиёда илм-фан ва маданият гуллаб-яшнаган бу давр Мустамлий Бухорийнинг ижодий камолоти ҳамда буюк олим ва мутафаккир бўлиб етишишида катта роль ўйнаганлиги шубҳасиз.

«Мустамлий» сўзи араб тилида «ёзувчи», «котиб», «тушунтирувчи», «шарҳловчи» маъноларини билдириб, ўрта асрларда дарс берувчи устознинг ёрдамчиси, ўқувчиларнинг саволларига жавоб берувчи ҳамда талабаларнинг хатоларини тузатувчи кишини «мустамлий» деб аташган. Шунингдек, бу ном улуғ шахслар ва уламоларнинг айтганларини ёзиб борувчи ва уларни бошқаларга ёздирувчи кишиларга нисбатан ҳам қўлланилган. Мустамлий Бухорий ушбу нисбани ўзига «ёзувчи» ёки «шарҳловчи» маъносига олган бўлиши мумкин.

Бухоролик таникли муҳаддислардан бўлган Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Нақбуний ва Қози Абу Санд Халил ибн Аҳмад ас-Сижзийлар Мустамлий Бухорийнинг ҳадис илмидаги устозлари бўлишган. Бошқа бир машҳур ҳадисшунос олим Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сонғ эса унга ўша даврда Бухорода машҳур бўлган «Муснад ус-сирож ал-қадар» («Тақдир чироғи») ҳадислар тўпламидан дарс берган. Тасаввуф илмини эса Мустамлий Бухорий ўша даврнинг буюк алломаларидан бўлган «Ат-Таъаруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўлини таништириш») асари муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб ал-Калободий ал-Бухорий ал-Ҳанафий ҳузурда ўрганган. Бундан ташқари, Мустамлий Бухорий кексалик чоғларида тасаввуф илми соҳасида Омул (Чоржўй) шайхларидан ҳам таълим олган.

Устозлар ҳузурдаги таълим ва узок йиллик ўқиб-ўрганишлар натижасида Мустамлий Бухорий тафсир, ҳадис, фикх, калом, тасаввуф ва фалсафа соҳаларида йирик олим бўлиб етишди.





Мустамлий Бухорийнинг айнан ҳадис илмига бағишланган бирор асар ёзганлиги маълум бўлмаса-да, ўз асарларида бу борада орттирган билимларидан кенг фойдаланган. Шунингдек, у ҳадис илмининг етук билимдони сифатида ушбу илмни ўрганувчиларга таълим берган. Жумладан, машҳур муҳаддис Абу Али Муҳаммад ибн Али ал-Хужодий (1026 йил туғилган) Мустамлий Бухорий ҳузуринда ҳадис илмини ўрганган.

Мустамлий Бухорий чуқур эгаллаган илм соҳаларидан яна бири фикҳ бўлиб, унинг бу борадаги билимлари ҳам у ёзган асарларда акс этган. Мустамлий Бухорийнинг фикҳ илмида тутган ўрни борасида шуни эслатиб ўтиш мумкинки, X–XII асрларда Бухоро шаҳрида яшаб, фаолият кўрсатган ва фикҳ илми ривожига муносиб ҳисса қўшган етти машҳур факих бутун ислом оламида «Қуззоти сабъа» («Етти кози») номи билан танилган бўлиб, Мустамлий Бухорий ана шу етти буюк зотнинг бири бўлган. Ушбу буюк «еттилик»ка Мустамлий Бухорийдан ташқари қуйидагилар кирган: Абу Зайд Убайдуллоҳ Умар ибн Исо ад-Дабусий (в. 1038), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шаъбий (XI аср), Имом Завзави (XII аср), Имом Фахриддин Қозихон (в. 1195), Имом Бадиуддин (XIII аср), Зоҳириддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Бухорий (в. 1222).


Мустамлий Бухорий ўзининг тафсир ва тасаввуф илмларида орттирган билимлари ҳамда бу борадаги ўз қарашларини ушбу соҳаларга бағишланган алоҳида асарларида кўрсатиб берган.

Мустамлий Бухорий 1043 йилнинг 26 июнь душанба куни пешиндан кейин ўзининг туғилиб ўсган шаҳрида оламдан ўтган ва ушбу шаҳардаги Буғробек тепалиги номи билан машҳур бўлган қабристонда дафн этилган. 1930–1940 йилларда қабристон ва унга туташ қадимий қалъа девори бузиб ташланиб, унинг ўрнига мактаб ва Кооператив техникуми қурилган эди. 2005 йили ушбу жойда рамзий «Беҳиштиён» макбараси ва даҳма барпо этилди. Бу жойда дафн этилган буюк шахсларнинг номлари рўйхати улар тўғрисидаги қисқача маълумотлар билан биргаликда металл тахта юзасига ўйиб ёзилиб, ушбу макбара деворига илиб қўйилди.

Мустамлий Бухорий ўзидан иккита асар қолдирган бўлиб, улардан бири Қуръоннинг форсча тафсиридир. Бизнинг давримизгача етиб келмаган бу тафсир ўзининг аниқлиги ва мукамаллиги билан машҳур бўлган. Жумладан, XII асрда Хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган шоир ва адабиётшунос Рашидиддин Ватвот (1087–1177) Қуръон тафсирига бағишланган бир асарни танқид қилар экан, ўз фикрининг тўғрилигига далил сифатида Мустамлий Бухорий томонидан ёзилган форсча тафсирдан мисол келтирган. Рашидуддин ал-Ватвот Мустамлий Бухорий тўғрисида шундай деб ёзган: «Бу имом фазилат ва тўғрилик намунаси, оқиллик ва донишмандлик тимсоли бўлиб, унинг қаламига мансуб тафсир китобининг ўта тўғрилиги ва мукамаллиги тўғрисида барча бир хил фикрга эга».

Мустамлий Бухорийнинг бизнинг давримизгача етиб келган «Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўлини таништириш» асарига шарҳ») китоби унинг шох асари бўлиб, илмда «Нур ул-муридин ва фазихат ул-муддаъин» («Муридлар учун нур ва даъвогарлар учун кўркув») номи билан ҳам машҳур бўлган. Бундан ташқари, ушбу асар «Нур ул-муридини шарҳи таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўлини таништириш» асари шарҳи орқали муридларга бағишланган нур») ҳамда «Қашф ул-маҳжуб шарҳ ат-тасаввуф» («Тасаввуф шарҳида яширин нар-





саларни очиб бериш») номлари билан ҳам маълум. Мустамлий Бухорийнинг бу асари унинг тасаввуф илмидаги устози Абу Бакр Калободийнинг «Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ахл ат-тасаввуф» номи хажман кичик бўлган китобига шарҳ сифатида ёзилган бўлса-да, нафақат ўзининг тўрт жилддан иборат бўлган улкан ҳажми билан, балки унда ўртага ташланган ва талқин этилган мавзулар жиҳатидан ҳам шарҳланувчи китобдан ажралиб турадиган бутунлай мустақил бир асар сифатида танилди. Тасаввуф назарияси билан биргаликда фикх, калом, фалсафа ва тарих фанларини ҳам чуқур ўрганган Мустамлий Бухорий ўзининг ушбу фундаментал асарида ўз устозининг тасаввуф назарияси соҳасида бошлаган ишини давом эттириб, уни каломий ва фалсафий асосларда ривожлантиришга муваффақ бўлди.

Мустамлий Бухорийнинг қискача қилиб «Шарҳ ат-Таъарруф» деб номланадиган «Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» асари қадимийлиги жиҳатидан нафақат тасаввуф тўғрисида ёзилган илк фореча асар, балки бутун дунёда форс тилида ёзилган кўлёма асарлар ичида иккинчи кўлёма матн ҳамдир. У тасаввуфга оид бошқа машҳур асарлар, жумладан, Абулҳасан Хужвирийнинг (в. 1072) «Кашф ул-махжуб» ҳамда Абдуллоҳ Ансорийнинг (1006–1089) «Табакот ус-суфия» асарларидан ҳам олдинроқ ёзилган ва улар учун асосий манбалардан бири сифатида хизмат қилган. Бу асар кейинги даврларда Имом Ғаззолийнинг «Ихё улум ад-дин» асари билан бир каторда сўфийларнинг энг мўътабар китобларидан бири сифатида тилга олинади.

«Шарҳ ат-Таъарруф» биринчи навбатда Абу Бакр Калободийнинг араб тилида ёзилган ва тасаввуф тарихи ва назариясига бағишланган «Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ахл ат-тасаввуф» асарининг фореча изохли таржимасидир. Мустамлий Бухорий ўзининг ушбу асарида Калободий шарҳида келтирилган гапларни форс тилига аниқ ва раво таржима қилиш билан биргаликда, ўзининг Куръон, тафсир, ҳадис, фикх, калом, тасаввуф, фалсафа, тарих, тил ва адабиёт соҳаларидаги билимларини ишга солган ҳолда, ушбу гапларда баён этилган мавзулар ва масалаларга турли мисоллар келтириб, улар борасида батафсил ва мукаммал изохлар берган. Ана шу мисоллар ва изохларда Мустамлий Бухорийнинг ўзигагина тегишли бўлган тасаввуфий, каломий ва фалсафий қарашлар яққол акс этган. Шунингдек, Мустамлий Бухорий Калободийга қўшимча равишда кўплаб шахсларнинг тасаввуф борасидаги фикрлари, кўплаб пайғамбарлар қиссалари ҳамда Калободий томонидан эслатилмаган Иброҳим ибн Адҳам, Мансур Ҳаллож, ал-Ҳаким ат-Термизий каби йирик тасаввуф намояндалари тўғрисидаги маълумотларни ҳам келтирган. Бундан ташқари, ўз қарашларини эркинроқ тарзда баён этган Мустамлий Бухорийнинг асарида Калободийдан фарқли равишда, масалаларни кўпинча калом нуктан назаридан туриб муҳокама қилиш, фикх, калом, тасаввуф ва фалсафани бир-бири билан омукталаштиришга интилиш кузатилади. Буларнинг барчаси «Шарҳ ат-Таъарруф» асарининг нафақат ҳажм, балки мазмун жиҳатидан ҳам «Ат-Таъарруф» асаридан алоҳида мустақил асар эканлигини таъминлаган.

Мустамлий Бухорийнинг «Шарҳ ат-Таъарруф» асари биринчи навбатда тасаввуфнинг келиб чиқиш тарихи ҳамда тасаввуф таълимотининг назарий асослари ва амалий жиҳатларига бағишланган фундаментал асар сифатида аҳамиятлидир. «Шарҳ ат-Таъарруф» нафақат Марказий Осиё, балки бутун ислом оламида тасаввуф назариясига оид асарларнинг энг биринчиларидандир. Шунингдек, ушбу асар форс тилида, қолаверса, Марказий Осиёда пайғамбарлар ва авлиёлар тўғрисида яратилган





илк ағнографик асар бўлиб, Мустамлий Бухорий асос солган бу аъна кейинчалик Абдуллоҳ Ансорий, Абулхасан Ҳужвирий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар томонидан давом эттирилди. Бундан ташқари, ушбу шарҳда берилган тасаввуф тушунчалари ва атамалари изоҳи тасаввуф терминологиясининг шаклланишида бекиёс ўрин тутди.

«Шарҳ ат-Таъарруф» фақатгина тасаввуфга оид манба эмас. Нафақат хажм, балки мавзу жиҳатидан ҳам йирик бўлган бу асарда тасаввуфдан ташқари ислом тарихи, тафсир, ҳадис, фикх, ақонд, калом, фалсафа ва мантикка оид масалалар ҳам ёритилган. Жумладан, «Шарҳ ат-Таъарруф»да келтирилган ислом тарихига оид маълумотлар уни тарихий манба сифатида таништирса, асар муаллифи томонидан келтирилган Куръон ояглари тафсири ва таъвили, ҳадислар шарҳи ҳамда унинг фикхий масалалар борасидаги ҳулосалари ушбу асарнинг тафсир, ҳадис ва фикх илмларига оид манба сифатидаги қимматини кўрсатади. Бундан ташқари, асарда ақонд ва каломга оид баҳсларнинг ўртага ташланганлиги, фалсафа ва мантикка оид тушунча ва категориялардан фойдаланилганлиги ҳамда унда келтирилган Мустамлий Бухорийнинг фалсафий мулоҳазалари ва ҳулосалари нафақат «Шарҳ ат-Таъарруф»нинг ақонд, калом, фалсафа ва мантикка оид муҳим манба эканлигидан, балки асар муаллифининг ҳам стук файласуф ва мутафаккир бўлганлигидан далолат беради.


Бугунги кунда Покистон, Туркия ва Эрондаги қўлёзмалар фондларида «Шарҳ ат-Таъарруф» асарининг еттита қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Шулардан энг қадимгиси 473/1080 йили кўчирилган ва Покистон миллий музейида сақланаётган нусхадир.

«Шарҳ ат-Таъарруф»нинг нусхалари Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида ушбу асарнинг ўнта қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар, асосан, XIX асрда кўчирилган.

«Шарҳ ат-Таъарруф» китоби Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда бир неча марта ба чоп этилган. Ушбу асарнинг Мовароуннаҳр нашри ҳалигача топилмаган бўлсада, Ҳиндистонда чоп этилган нашрининг кўплаб намуналари мавжуд. Шулардан бири «Шарҳ ат-Таъарруф» китобининг 1912 йили бугунги Покистоннинг Лакхнав шаҳрида чоп этилган нусхасидир. Шунингдек, мазкур асар шу пайтгача Эронда ҳам икки марта нашрдан чиққан. Мустамлий Бухорийнинг «Шарҳ ат-Таъарруф» асарининг илмий-танқидий нашри илк марта 1967 йили йирик манбашунос олим Ҳасан Манучеҳр томонидан муҳим изоҳлар ва ҳаволалар билан бирга Техронда амалга оширилди. Ушбу асарнинг муқаммал илмий-танқидий нашри эса 1984–1987 йиллари Муҳаммад Равшан томонидан иловалар билан биргаликда беш жилдада чоп этилган. Бундан ташқари, эронлик тадқиқотчи Аҳмад Али Ражоний томонидан «Шарҳ ат-Таъарруф»нинг қисқартирилган варианты ҳам тайёрланган бўлиб, у 1964 йили «Хулосайн Шарҳи Таъарруф» («Шарҳ ат-Таъарруф»нинг қисқартирилган шакли) номи остида Техронда босмадан чиқди. Ушбу китоб 2007 йилда қайта нашр этилди.

Шу чоккача Мустамлий Бухорийнинг илмий мероси борасида Европа, Россия, Эрон, Миср, Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистон олимлари томонидан бир мунча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Фарб тадқиқотчиларидан М. Венсвейлер, Г. Лазард, Р. Никольсон, М. Дэви, Ф. Майер, Б. Ралтке ва бошқаларнинг умумий тадқиқотлари, шунингдек, «Islamic studies» комусида Мустамлий Бухорий ва





унинг асари тўғрисида турли даражадаги маълумотлар берилган. Мустамлий Бухорийнинг илмий мероси Эронда бошқа мамлакатларга нисбатан кенгрок ўрганилган бўлиб, эронлик тадқиқотчилардан М. Минавий, А. Самий, Б. Муваҳхад, М. Шарият, М. Дехбоший, Н. Назарий, Н. Масъуд, Ф. Миноий бу борада жиддий илмий мақолалар эълон қилганлар. Мустамлий Бухорий араб мамлакатлари олимлари эътиборидан ҳам четда қолмаган. Араб олими Али Ҳасан Абдулқодир ўз тадқиқотида Мустамлийни буюк илоҳиётшунос деб атаган бўлса, мисрлик шарқшунос Абдуллох Абдулхамид Саад «Ўрта Осиё олимлари комуси»да Мустамлий тўғрисида ҳам қисқача маълумот келтирган. Афғонистон ва Тожикистон олимлари Мустамлий Бухорийнинг «Шарх ат-Таъарруф» асарининг илк форсий манбалардан бири сифатидаги аҳамиятига эътибор беришган. Россиялик шарқшунослардан О.Ф. Акимушкин, С. Прозоров, И. Насыров ва бошқаларнинг тадқиқотларида, шунингдек, Москвада чоп этилган «Ислом» ва «Ислом собик Россия империяси ҳудудида» энциклопедик лугатларида Мустамлий Бухорий ва унинг илмий мероси тўғрисида эслатиб ўтилган.

Мустамлий Бухорий ва унинг илмий мероси Ўзбекистонда ҳам маълум даражада ўрганилган. Жумладан, ўзбекистонлик шарқшунослардан Н. Комилов, Л. Асророва, Б. Намозов, С. Салим Бухорий, А. Раззоқ Бухорий ва З. Исҳоқова тадқиқотлари, шунингдек, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ва «Ислом» энциклопедиясидан Мустамлий Бухорий ва унинг илмий мероси тўғрисида қисқача маълумотлар ўрин олган бўлса, Ж. Холмўминов Мустамлий Бухорий ва унинг асарини фалсафий нуқтан назаридан тадқиқ қилишни бошлаб берди.

«Шарх ат-Таъарруф» Мустамлий Бухорийнинг илмий салоҳияти ҳамда унинг фикҳий, ақидавий, каломий, фалсафий ва тасаввуфий қарашларини ўзида мужассам этган асар сифатида Ўрта Осиё ва бутун ислом оламида тасаввуфий ва фалсафий фикр тараккиётида қатта ўрин тугди.

Комилжон РАҲИМОВ,


Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги
Шарқ кўлэзмалари маркази қатта илмий ходими-изланувчи

МАЖДУДДИН МУҲАММАД ИБН МАҲМУД ИБН ҲУСАЙН УСТРУШАНИЙ

Юксак илмий салоҳияти билан ўз замонасида донг таратган факих Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб, фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. Олим Уструшанада туғилиб, кейин онласи билан Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда иждодий фаолият олиб боради. Уструшанийнинг ҳаётлик даври Самарқанд фикҳ мактаби ривожининг сўнгги даври ва мўғуллар истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади. Имом Уструшанийнинг илмий мероси бу даврга тегишли мушқул масалаларга ойдинлик киритиш имконини беради.

Аллома ҳақида бизгача етиб келган барча манбаларда унинг шаънига қисқача тавсиф-мадҳдан сўнг, асосан, унинг асарларни борасида сўз юритилади.





Ханафийлик мазхабига оид табакот туркумидаги манбаларда ҳам Муҳаммад ибн Махмуд Уструшаний хакида жуда киска, баъзида хатто такрор фикрлар келтирилди. Хусусан, Абдулкодир ибн Абулвафо Кураший (ваф. 775/1373 й.), Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657 й.), Муҳаммад Абдулхай Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) ва Хайриддин Зириклий каби биографлар асарларида келтирилган маълумотлар фикримизнинг исботи бўла олади.

Муҳаммад ибн Махмуд Уструшаний ва унинг асарлари хакида ўзбек исломшunosлигида илк бор маълумот берган олим А.К. Мўминов хисобланади.

Уструшаний ҳаёти ва ижодий мероси хакидаги маълумот етарли эмаслиги муайян кийинчиликлар туғдириб турган бир пайтда олимнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалардан унинг ханузгача ҳеч бир табакот жанрига оид асарларда қайд этилмай, замона илмий жамоатчилиги эътиборидан четда қолиб келаётган «ал-Асьила ва-л-ажвиба» («Саволлар ва уларга жавоблар») асари мавжудлиги аниқланди. Бу асар бизга аллома ҳаёти хакида тамомила янги маълумотларни берди. Натижада аллома хакидаги айрим маълумотлар бир томондан ойдинлашса, иккинчи томондан, янада чигаллашди. Гап шундаки, мавжуд манба ва тадқиқотларда Уструшаний 632/1234–35 йилда вафот этган, деб қайд этилиб, туғилган йили эса зикр қилинмайди. Аммо олимнинг ўзи «ал-Асьила ва-л-ажвиба» асарининг хотима қисмида «... Лекин кунлар 60 ёшли оксок кампир сингари ўз ёпинчигига ўралиб, мендан юз ўгириб кетди. ... Китобни тамомлаш тонги хижрий 637 сананинг зулкаъда ойининг олтинчи куни пешиндан олдинрок ёришди», – деб муҳим маълумот беради. Агар шу инobatга олинса, олим хижрий 637/1240 йилда хали ҳаёт, ёши эса 60 да бўлиб чиқади. Демак, Уструшанийнинг бошқа мавжуд манбаларда кўрсатилган 632/1234–35 йилдаги вафоти нотўғри бўлиб чиқади. Агарда олим ушбу асарини 637/1240 йил 28 майда 60 ёшида тугатган бўлса, демак, унинг туғилган санасини 577/1180 йил атрофида деб белгиласак, хато бўлмайди. Яъни, асар ёзиб тугатилган санадан 60 ёшни чегириб ташланса, олимнинг туғилган йили аниқлашади. Аммо олимнинг вафот этган санаси ҳозиргача номаълумлигича қолмоқда. Биз юқоридаги маълумотларга таяниб, Уструшаний тахминан 637/1240 йилдан сўнг вафот этган, деб белгилаб қўйишимиз мумкин.

Уструшанийнинг илмий дунёкараши шаклланишида оилавий муҳитнинг аҳамияти салмоқли бўлди. Уни бир неча авлод факихлар сулоласининг давомчиси бўлган, дейишга ҳақлимиз. Зеро, кўпгина манбалар унинг бобоси Маждуддин Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний ўқимишли ва зиёли оилада тарбия топгани хакида гувоҳлик беради. Аллома XII асрда Уструшанада яшаб, фикх илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Отаси Махмуд ўз замонасида «Жалолуддин» («Дин улўғлиги») деган шарафли унвонга сазовор бўлади. Амакиси Бурҳониддин Аҳмад ибн Мажиддин Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний ҳам факих бўлиб, «Китоб ул-фатово» номли фикхий асар таълиф этган. Муҳаммад ибн Махмуд Уструшаний ўзининг амакиси хакида «Китоб ул-фусул» ва «ал-Асьила ва-л-ажвиба» асарларида маълумотлар келтиради. Муаллиф унинг фикрларидан ўз асарларида кенг фойдаланган.

Шунингдек, онасининг бобоси «Шамс ул-аимма» («Имомлар куёши») шарафли унвонига, тоғаси Муҳаммад ибн Аҳмад эса «Шамс уд-дин» («Дин куёши») лақабига эга бўлганлари хакида манбаларда маълумотлар мавжуд. Олиб борилган изланишлар



Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг ўзи муфтий бўлгани ва ўз замонасининг мужтахид олимларидан ҳисобланганини кўрсатади.

Юқорида Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшаний етук факих олим бўлиб шаклланишида оилавий мухитнинг аҳамияти катта бўлгани зикр этилди. Зеро, унинг илк устози ҳам ўз отаси факих Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний бўлган. Мавжуд манбаларда алломанинг номи «Соҳиб ул-фусул»нинг отаси ёки Бурхониддин Марғинонийнинг шогирди сифатида зикр этилиши, боз устига, унинг шаънига қисқача мадҳ битиш одобга айлангани, унинг илм аҳли орасида катта обрў-этибор ва хурматга сазовор бўлганидан дарак беради. Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшанийнинг «ал-Фавоид» номли фикхий асари маълум.

Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшаний ҳақидаги муҳим маълумотни Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф уз-зунун» асарида шундай келтиради: «Шайх имом ул-ажалил-муттакий Жалол ул-милла ва дин Маҳмуд Носириддин Муҳаммад ибн Юсуф Ҳусайний Самарқандий (ваф. 1161 й.)нинг «Мултакот фи-л-фатово» асарини 1207 йилда Уструшанада тажнис қилиб, (яъни тартибга солиб қисмга ажратмок) 1219 йилда Самарқандда имло қилган». Бу маълумотлардан кўришиб турибдики, Уструшанийлар оиласи 1207 – 1219 йиллар орасида Уструшанадан Самарқандга кўчиб ўтган.


Муҳаммад ибн Маҳмуд «Жомиу аҳкоми-с-сиғор» асарининг хотимасида отаси ва бобоси ҳақида шундай ёзади: «Отам Шайхул имом ул-муттакий Жалол ул-милла ва-д-дин муфти ул-умма Маҳмуд ибн шайх ул-имоми-л-ажали-л-қабир мажид ул-милла ва-д-дин Ҳусайн ибн Аҳмад, отамнинг умрини узок қилсин ва отасини раҳмат қилсин.... ва китобни 1228 йилнинг 9 июль куни кечаси тугатдим». Юқоридаги маълумотга таяниб, Уструшанийнинг бобоси Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний 1228 йилдан олдин вафот этган, отаси Маҳмуд эса 1228 йилда ҳаёт бўлиб, у 1228 йилдан кейин Самарқандда оламдан ўтган, дейишимиз мумкин.

Уструшаний шаклланган илмий мухит, асосан, ханафий мазҳаби олимлари таъсирида бўлган. Кўпчилик биобиблиографик асарларда Уструшанийнинг икки устози зикр этилади, холос. Бунга сабаб, балки олимга кўпроқ таҳсил берган устозини зикр этиш билан кифояланиш бўлса керак. Унинг асарларида ўз давридаги кўплаб олимларнинг сўзлари, ривоятлари келтирилган.

Манбалар Бурхониддин Марғиноний Маҳмуд ва унинг ўғли Муҳаммад Уструшанийларнинг устози бўлганини тасдиқлайди. Марғинонийнинг Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит асос солган ханафий мазҳаби, яъни ҳуқуқий мактабига мансублиги ҳам унинг ўсиб, камолот чўққисига кўтарилиши учун катта омил бўлди. Негаки, Абу Ҳанифа шариятнинг учта асосий манбаи (Қуръон, Сунна, Ижмо)дан кейин, тўртинчи манба бўлмиш қиёсга бошқа мазҳабларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратгани билан ажралиб туради. Шунингдек, халқ ичида ёйилиб, уларнинг ҳаётига сингиб кетган урф-одатлар ханафий мазҳабида ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда қўшимча манба сифатида кенгрок кўламда қўлланилади.

Манбаларда қайд қилинишича, Марғиноний ўша даврда расм бўлганидек, ўз ўқиганларини дафтарларда қайд этиб борган экан. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Буюк аллома умрининг охирларида Самарқандда яшаб, ижод этиб, 593/1196 йили ўша ерда дунёдан ўтган. Шомийнинг «Дурр ул-мухтор» асарида ёзишича, улуғ факих Самарқанддаги 400 га яқин Муҳаммад отли факихлар дафн этилган Муҳаммадийлар қабристони «Турбат ул-Муҳаммадийин» ёнида дафн этилган экан.





Ўз замонасининг мужтахид олимлари каторида тилга олинган Носириддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Юсуф Ҳусайний Самарқандий Уструшанийнинг устозларидан бири ҳисобланади. У «ал-Фикх ун-нофиъ», «ал-Жомий фи-л-фатово», икки жилдлик «Масобиҳ ус-субул», «Аймон ун-навазил», «Китоб ул-ахсоф», «Маал ул-фатово», «ал-Мултакат фи-л-фатово» каби фикхга оид қатор асарлар тасниф қилган. Олим 556/1161 йилда Самарқандда қатл этилган. Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний Носируддин Самарқандийни ўзининг гоъвий устозларидан бири ҳисоблаган ва унинг асарларидан унумли фойдаланган.

Ўз замонасининг етук алломаларидан бири Захириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Бухорий (ваф. 619/1222) ҳам Уструшанийнинг устозларидан бири бўлган. Унинг «ал-Фатово аз-захирия» ва «ал-Фавоиду-з-захирия» номли фикхий асарлари маълум.

Кўриниб турибдики, Уструшаний XII–XIII асрларда фикх илми Марказий Осиёда ривож палласига кирган бир даврда тарбия топган ва унинг дунёқараши, қолаверса, илмий тафаккури шу муҳит таъсирида шаклланган.

Ўз навбатида Уструшаний кўплаб шогирдлар ҳам тарбиялаб етиштирган. Шулардан бири факих, муҳаддис ва муфассир Ҳусомуддин Муҳаммад ибн Усман ибн Муҳаммад Алиободий Самарқандийдир. Бу алломанинг «Комил ул-фатаво», «Матоли ул-маоний» ва «Манба ул-маоний» каби фикхий асарлари бор.

Уструшаний – буюк факих

Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшанийнинг илмий-маънавий меросини, асосан, «Китоб ул-фусул», «Жомий аҳкоми-с-сиғор», «Қуррат ул-айнайн фи ислоҳи-д-дорайн», «ал-Фатово», «ал-Қуруд ва-д-дуюн» ва «ал-Асъила ва-л-ажвиба» каби асарлари ташкил этади.

Манбаларда қайд этилишича, «Китоб ул-фусул» ёки «Фусул Уструшаний» асари алломанинг биринчи таълиф қилган асарлари сирасига қиради. Бу хусусида муаллифнинг ўзи шундай ёзади: «Асаримни «Китоб ул-фусул» деб номладим. Уни ёзишга мени ундаган нарса илму-фақлимни ортиб кетгани эмас, балки уни ўзим учун латиф бир манба сифатида тайёрладим». Уструшанийгача қозилар учун тааллуқли масалалар юзлаб фикхий асарларда тарқок ҳолда келтирилган бўлиб, олим ушбу масалаларни тартибга солиб, бир китобга жамлаган ва уни «ал-Фусул» деб атаган.

Қозилик ишларига тааллуқли ҳанафийлик мазҳаби асосидаги илк қўлланма факих Абу Юсуф (ваф. 182/798 й.)нинг «Адаб ул-қози» асаридир. Асар алломанинг шогирди Бишр ибн Валид Марисий (ваф. 238/853) томонидан окка кўчирилган. Кейинчалик Абу Али Ҳасан ибн Зиёд Луълуий Қуфий (ваф. 204/820), Аҳмад ибн Умар ибн Муҳайр Абу Бакр Хассоф Шайбоний (ваф. 261/875), Абу Жаъфар Аҳмад ибн Ишок Анбарий Наҳавий (ваф. 317/929)лар ҳам айнан ушбу йўналишда асарлар ёзганлар. Шунингдек, ҳанафий мазҳаби асосида яратилган «ал-Удда», «ан-Навозил», «аз-Захира», «ал-Вокиот», «ал-Мунтақо», «ал-Фатово ас-суғро», «Фатово Қозихон», «Мажмуъа-н-навозил», «ас-Сияр ул-қабир», «ал-Муҳит», «ал-Мултакот», «ал-Ҳидоя», «ал-Фатово ал-Баззозия» ва бошқа кўплаб фикхий асарларда ҳам қозилик масалаларига тўхталиб ўтилган.

Юқорида таъкидланганидек, Уструшанийнинг фикх илмидаги асосий хизматлари шундан иборат бўлдики, аллома ўз замонасигача ёзилган назарий асарлардаги кел-





тирилган фикхий масалаларни амалий ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилган. Одатда қозихоналарга ибодатга тааллуқли масалаларни сўраш учун эмас, балки кўпроқ оилавий, молиявий масалалар ҳамда ҳақ-ҳуқуқлар ҳимоясига доир масалаларда даъво билан мурожаат қилганлар. Халқ томонидан сўралган ушбу масалалар юқорида Уструшаний таърифлаган асарларда гаркок ҳолда берилган эди. Бир марта сўралган саволга жавоб бериш учун қозиб ёки муфтий ўнлаб, ҳаттоки юзлаб фикхий асарларни кўриб чиқиши керак бўлган. Муаллиф шундай қийинчиликларни бартараф қилиш мақсадида, ўзидан олдинги ҳанафий мазҳаби фақиҳларининг деярли барча фикхий асарларидаги қозиликка доир масалаларни бир жойга жамлаб, бундай масалаларнинг мазмунига қараб ўз асарини ўттиз фаслга бўлган.

Асарнинг муқаддима қисмида Аллоҳга ҳамду сано ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)га салават айтилгандан сўнг муаллиф ўзи ҳақида шундай дейди: «Ўзимни мураккаб масалаларни мутолаа қилишга ва дақиқ (нозик) далилларни мушоҳада этишга ўргатиб, тасниф этилган ажойиб китоблардан баҳраманд бўлишга ва аҳком соҳасида таълиф этилган ҳалол ва ҳаром нималиги баён қилинган асарлардан тўғри йўл излаб топишга ҳимматимни жалб қилдим».

Юқорида таъкидланганидек, Уструшаний ўзидан илгари яшаб ўтган фуқаҳоларнинг асарларини атрофлича ўрганиб чиқиб, бу уламолар ҳақида: «Ислом дини асосларини ҳимоя этувчи шундай уламолар тартибга солиб ёзганларки, Аллоҳ таоло уларга илм денгизлари ва тўлқинларидан оғоҳ бўлишдек неъматлар билан уларни муқаррам қилган ва илмнинг муаттар шабадаси хидларидан уларни насибадор этган», деб таъриф беради.

Уструшаний ёшлик йилларида ўзигача ижод қилиб ўтган ҳанафий мазҳаби уламоларининг деярли барча фикхий асарларини мутолаа қилганлиги ҳақида шундай ёзди: «... умримнинг навқиронлик йилларини мазкур уламоларнинг мумтоз тўпламлари ва дурдона мавзуларини кўриб чиқишга сарф этдим».

Ўзидан олдинги уламоларнинг фикхий асарларида фатволар турли соҳага бағишланган бўлиб, бу фатво чиқарувчи қозиб ва муфтийларга катта қийинчиликлар туғдирар эди. Ушбу фикхий асарлар ҳақида аллома шундай дейди: «Уларнинг бу соҳада чуқур ва чиройли иш қилиб, латиф ва нафис из қолдирганларини кўриб, бу ҳазинадан бир ҳамён олиш ва бу илм денгизидан бир дона гавҳарни ўзлаштириб, улардан мазкур илмлар йўлига бошловчи усуллар, улар юрган изларга етакловчи фаслларни бир китобга жамлаб қўйишга азму қарор этдим. Уларнинг асарларидан қозилик ва даъвогарликка доир масалаларни танлаб, фатво китобларидан шу мавзуга доир фатволарни ҳам уларга қўшдим». Уструшаний ўзидан олдинги ёзилган фикхий асарлардан фойдаланиб, қозилик ва даъвогарликка яъни бир мақсадга йўналтирилган фатволарни бир жойга жамлашга азму қарор қилади. Уструшаний таъбири билан айтганда: «Мақсадим – шу майдонда бир қўчат қолдириш ва подага бир кўзичокни қўшиб қўйиш эди. Зеро, улар ҳаётда кўп учрайдиган масалалар бўлиб, уларга бағишлаб ёзилган усул ва амалиёт асарлари кўпдир». Илм-маърифат оламида ўз ўрнини топиш ва фикхий асарлар қаторига ўзининг ҳам бир асарини қўшиб қўйишни мақсад қилади. Шунингдек, асарда никоҳ, талок, ва муомала (савдо-сотик) масалалари ҳам келтирилган. Муаллиф ушбу масалаларга шундай изох беради: «булар манший ҳаётда кўп учрайдиган ва қозиларга кўп мурожаат қилинадиган масалалардир».





Алломининг «Китоб ул-фусул» асари хакида шундай хулосага келиш мумкин, бу асар замонасидаги козиларнинг ишини ислох қилиш, енгиллаштириб бориш ва уларга илмий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида юздан ортик машхур мужтахид ва фуқаҳоларнинг асарларидан фойдаланган ҳолда кози ва муфтийларга амалий қўлланма сифатида тайёрланган. Уструшаний ўз замонасида фатво чиқариш ҳуқуқига эга бўлган олимлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган эди.

Мўғуллар истилоси даврида яшаб ўтган муаллиф асарнинг муқаддима қисмида ўз замонаси хакида шундай ҳикоя қилади: «Биз шундай замонда яшамоқдамизки, илм диёрининг эгаси ўлган, илмий мажлисхоналар ишдан тўхтаган, ислом аҳлининг дилларини бу фожиа қуйдирган ёқаларини бу мусибат чок айлаган, сочларини тўзитган, кўкракларига уриб, нафаслари бўғилган, юзларини юлиб қолганлар». Асар 625/1228 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, бу сана мўғул истилочилари Самарқандни босиб олганларининг саккизинчи йилига тўғри келади. Мўғуллар босқини оқибатида Мовароуннахр аҳолиси жуда катта моддий ва маънавий талафотлар кўрган, халқ катта мусибатга учраган, масжид ва мадрасалар ёқилган, кўпчилик уламолар ўз ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлганлар. Шу сабаблардан муаллиф юқоридаги изтиробли фикрларни билдирмоқда.

Мазкур асарда қўрилган масалаларни шартли равишда тўққизта қисмга ажратиш мумкин:

Шахсий ҳуқуқлар. Қасам ичиш одоблари, бир гувоҳ ва қасамга биноан ҳукм чиқариш, ҳужжат келтирган бўлишига қарамай даъвогар ва гувоҳларга қасам ичириш, қасамдаги хато ва унутиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш;

Жавобгарлик. Ўзи йўқ кишининг устидан ҳукм чиқариш ва жинойий иш кўзғаш, оилавий ажрим масалаларида даъвогар ёки жавобгарнинг иштирокисиз иш кўриш, қозининг ўзида бор маълумотга қараб иш кўриши, мажбурланган кишига тегишли ҳукмлар ва имкониятлар, ҳаром ишларга зўрлаш, жавобгар қочиб кетган пайтда унинг устидан иш кўриш, ўзи йўқ кишининг устидан қозихонага арз қилиш, бедарак шахснинг устидан чиқарилган ҳукм бекор бўлиш ҳолатлари, озод қилган кишининг ҳимоясида қолиш, шартнома асосида озод бўлиш;

Фуқаролик мулкӣ ҳуқуқлар. Баъзи ҳақдор кишиларнинг даъво ва хусуматларининг баёни, икки киши бир жойни ҳар бири ўзига тегишли экани борасида даъволашиши, судда ўзаро норозилик ҳолатлари, ер ва уни чегаралаш, даъво қилиш ва гувоҳлик бериш масалалари, вояга етмаган норасийдага ёки вақф мулкига тегишли ерни зўравонларча эгаллик қилган деб ҳисобланган кишига бериладиган жазо, қозиларнинг иш юритишлари, қарама-қаршилиқлар, қўчмас мулк бўйича қўрилган масалалар, меросни тақсимлаш, ер қолдирган меросдаги маҳр бўйича ҳукмий далиллар, битим тузишда харидорга бериладиган танлов ҳуқуқи масалалари, шартномаларда ноўрин шартларни киритиш, чиқарилган ҳукмлардаги эътирозга сабаб бўлган жумлалар ва улардаги камчиликлар, мулкнинг икки кишига тегишли бўлиши хақидаги масалалар, бегона одамнинг мулк даъво қилишнинг зикри хақидаги масалалар;

Ворислик мерос ҳуқуқи. Даъвогар бўлишга салоҳиятли ва салоҳиятсиз кишилар, даъвогарнинг вояга етмаган бола билан даъволашганда қозидан васий тайинлашини талаб қилиши, вояга етмаган бола даъво судида ва ўзи учун бирон-бир васий тайин этилишида иштирок этиши, даъвогар бир ақлсиз киши устидан даъво қилиши, мутавалли бирон-бир вақф мулкни, ушбу мулк бир шахснинг мулки эканини асоссиз эъ-





тироф этиши, ижарага олинган молни аслида меники деб, даъво қилиш, вафот этганлиги сабабли ворисликниш исботи ҳақидаги масалалар, ота, васий, кози, мутавалли ва маъмурларнинг мерос таксимидаги тасарруфлари (бошқарувлари) масалалари;

Никоҳ, онла ҳукуки. Никоҳ, маҳр, нафақа тайинлаш, уй жиҳозлари устидан даъво қилиш, нафақадан ожизлик сабабли эр-хотинни ажратиш даъвоси, хуль (аёл кишининг ўз эрдан мол эвазига талок талаб қилиш) масалалари;

Фуқаролик процессуал ҳуқук. Ўз ҳуқуқини бошқага ўтказиш, низолашувчи томонлар ўртасида низони ҳал қилиш учун қозихонага юборилган ҳукмий далиллар, ярашув асосида низони ҳал қилиш, кози томонидан жавобгар шахс истикомат қилиб турган ёки сафарда бўлиб турган шахар қозихонасига юбориладиган расмий ҳужжатлар, даъвода ва гувоҳлик беришда имо-нишора қилиш, меросхўрлар ва қарзнинг турлари, қарз берувчи ва олувчининг ҳақ-ҳуқуқларига доир масалалар;

Фуқаролик ҳуқуқи. Даъволарнинг бир-бирига зид келиб қолиши ва ҳалакит берадиган сабаблар, гувоҳликда хилма-хиллик масалалари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, одамлар орасида тарқалган гаплар асосида иш кўриш ва ҳукм чиқариш, таққиланган тасарруфлар, ижарага олинган нарсаларни сотиб юбориш ва гаров қўйиш масалалари;

Бошқарув. Қозини ишдан озод қилиш, вакил, маъмур, элчи, васий ва мутавалли каби кишиларга доир масалалар, «дор ул-ислом» (муслмон мамлақати) қандай қилиб «дор ул-ҳарб» (куфр мамлақати)га айланиб қолишга доир масалалар, боғийлар ва уларнинг амалдор тайинлашлари, ижтиҳодга доир масалалар;

Ер ҳуқуқи. Вақф мулкни меники деб даъво қилиш ва унга гувоҳ келтириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтилган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бу асар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зеро, алломанинг «Китаб ул-фусул» асари фикҳ ва фатво илмлари бўйича манбалар хазинасини бойитувчи ноёб маънавий мерос ҳам бўлиб қолади.

«Жомну аҳками-с-сиғор» («Вояга етмаган болаларга тааллуқли шаръий ҳукмлар мажмуаси»). Муаллиф бу асарини 625 1228 йил 9 июль кунини ёзиб тугатган. «Жомну аҳками-с-сиғор» асари болаларнинг ҳуқуқлари хусусида ёзилган фикҳий асарларнинг энг йириги ва энг аҳамиятлисидир. Унда фикҳга оид юзга яқин китобларда тарқок ҳолда берилган ва болаларга тааллуқли бир минг икки юздан ортиқ шаръий фатволар жамланган. Бу асар дунёга келиши учун Уструшаний ханафий мазҳабининг ўз давригача яшаб, ижод этган кўпгина фақиҳларнинг деярли барча асарларидан унумли фойдаланган. Шу жиҳатлари билан бу асар ҳозирги замон исломшунос ва ислом ҳуқуқи тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим манба ҳисобланади.

Муслмон оламида болалар ҳақ-ҳуқуқларига бағишлаб ёзилган яна бир муъжаз фикҳий асар бўлиб, у имом Шамсиддин Муҳаммад ибн Абн Бақр ибн Қаййим Жавзийя (691/1292–751/1351)нинг «Тухфат ул-мавдуд бн аҳкоми-л-мавлуд» асаридир. Бу асар 17 бобдан иборат бўлиб, унда фарзанд сўрашнинг мустаҳаблиги, қизлардан ғазабланишнинг макруҳлиги, фарзанд хушхабарини етказиш, чақалок қулоғига азон ва икомат айтиш, чақалокнинг танглайини кўтариш, ақиқа ва унинг ҳукмлари ва у ҳақидаги ихтилофлар, чақалок сочини олиш ва соч оғирлигича садақа бериш, исм қўйиш вақти ва мажбурийлиги, болани хатна қилиш ва унинг ҳукмлари, қулоқ тешиш ҳукми, норасидаларнинг овқат ейиш одоблари, эмизикли гўдакнинг сўлагига





доир ҳукмлар, фарзандларни ўпиш, уларга одоб ва илм бериш, фарзандларни тарбиялашдаги фойдали масалаларни ўз ичига олган мухтасар асардир.

Уструшанийнинг «Жомиу аҳками-с-сиғор» асари 1289 фатволдан иборат бўлиб, биз уларни шартли равишда, ибодат, ахлокий, ижтимоий, иктисодий, ва ҳуқуқий қисмларга ажратдик.

1. Ибодат қисми асарда олтита масалани ўз ичига олади. Улар куйидагилар: пок-ланиш, намоз, закот, рўза, ҳаж, жонлик сўйиш ва қурбонлик. Бу қисм 92 та саволдан иборат бўлиб, асарнинг 7,13 фоизини ташкил этади.

2. Ахлоқий қисм асарда ўнта масалани ўз ичига олади. Улар куйидагилар: Эр-хотин никоҳининг қуфр сабабли бузилиши, лаънатлашиши, касам ичиш, жиҳод, дин-дан қайтиш, қочган қулнинг ҳаққи, сулҳ, гувоҳликка доир, қозининг бурч ва вази-фалари, болани уриш ва унга буйруқ бериш. Бу қисм 120 та саволдан иборат бўлиб, асарнинг 9,31 фоизини ташкил қилади.

3. Ижтимоий қисм асарда йигирмата масалани ўз ичига олади. Улар куйидагилар: норасидаларнинг берган хабарлари, никоҳ, маҳр, яқин қариндошлар, эмиқдош бўлиш орқали никоҳнинг ҳаром бўлиши, болани боқиб олиш, талок, аёл томонидан талокни талаб қилиш, талокдан кейин насабни аниқлаш, идда, балоғат ёшининг чегараси, насабни даъво қилиш, қориндаги ҳомила, васийларнинг тартибий ўринлари, мерос, нафақа, эмизиш, қон олиш, йирингни ёриш ва хатна қилиш, йўқолган бола. Бу қисм 516 та саволдан иборат бўлиб, асарнинг 40,3 фоизини ташкил қилади.

4. Иктисодий ва молиявий қисм асарда ўн бешта масалани ўз ичига олади. Улар куйидагилар: омонат қўйиш, совға-салом, савдо-сотик, ижара, улушни бўлиш, қўшма тижорат ва деҳқончилик, ҳуқуқи чекланган қул, даъвони рад қилиш, вақф, васийлар, вақиллик, қафиллик, ҳавола, омонат. Бу қисм 346 та саволдан иборат бўлиб, асарнинг 26,84 фоизини ташкил қилади.

5. Ҳуқуқий қисм – ўн тўртта масалани ўз ичига олади. Улар куйидагилар: қулни озод қилиш, жазо ҳадлари, ўғрилиқ, макруҳ нарсаларга доир масалалар, талон-торож қилиш, гаровга қўйиш, даъво қилиш, иқрор қилиш, мажбурлаш, жинойтлар, бошқа кишини жинойт қилишга буюриш, изн берилган қул, даъво ҳужжатлари, ҳуқуқларни чегаралаш масалаларидан иборат. Бу қисм 215 та саволдан иборат бўлиб, асарнинг 16,68 фоизини ташкил қилади.

«Жомиу аҳками-с-сиғор» ислом ҳуқуқшунослигига оид қимматли манба бўлганлиги боис, унинг қўлёзма нусхалари дунёнинг турли мамлакатларига кенг тарқалган. Ушбу асар илк марта 1982 йил Ироқда профессор Абду-л-Ҳамид Абду-л-Халик Байзалий томонидан нашр қилинган. Нашрни амалга оширишда 5 нусха-дан АҚШнинг Принстон университети кутубхонасида № 1704, Бағдоднинг «Ироқ миллий музейи» кутубхонасида № 1/9626 ва Бағдоднинг марказий вақфлар кутубхо-насида № 3741/1 ва № 7460/1 рақамлар остидаги сақланаётган нусхалардан ҳамда Ироқнинг Мосул шаҳридаги «Аҳмадия» марказий вақф кутубхонасида № 9/7 рақам остида сақланаётган қўлёзмадан фойдаланган. Ушбу асарнинг икки жилдга бўлинган иккинчи нашри Миср пойтахти Қоҳирада профессор Абу Мусъаб Бадрий ҳамда «ал-Азхар» университети ўқитувчиси Махмуд Абду-р-Раҳмон Абду-л-Мунъим томони-дан тайёрланган. Унда тадқиқотчилар асарнинг биринчи нашридан ва унга қўшимча ҳолда Мисрнинг «Дору-л-кутуб» кутубхонасида 901 рақамли қўлёзма ва 9334 рақам остида сақланаётган микрофильмдан ҳам фойдаланганлар.





«Жомну аҳками-с-сигор»нинг ўн битта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан чет эл кутубхоналарининг фондларида сақланувчи олти нусхаси илмий жамоатчиликка яхши маълум. Аммо Тошкентдаги 5 нусхаси илмий жамоатчиликка номаълум бўлиб келмоқда. Бу нусхалар эса жуда кагта илмий аҳамиятга эгадир.

Мисрлик тадқиқотчилар изох бермаган алломалар ва фикхий асарлар ҳақидаги маълумотлар биобиблиографик китобларда батафсил баён этилган. Шунингдек, мисрлик тадқиқотчилар асарни 65 та масалага бўлиб тадқиқ этишган.


«Жомну аҳками-с-сигор» асарининг Миср наشري ҳақида хулоса қилиб айтиш мумкинки, асар жуда кўплаб хато ва камчиликлар билан нашр қилинган. Шу боис Маждуддин Уструшанийнинг «Жомну аҳками-с-сигор» асарини янги, тўлдирилган ва илмий тасдиқланган нашрини амалга ошириш долзарб масалалардан бирига айланган. Шу боис асарнинг учинчи тузатилган ва тўлдирилган нашрини Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусхалари ва Миср нашрини жалб этган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳаммуаллифлигида чоп қилинди.

Тадқиқот даврида «Жомну аҳками-с-сигор» асарининг тузатилган ва тўлдирилган матни 44 та масалага бўлинган янги танкидий матн сифатида тайёрланди. Унда юқорида зикр этилган хато ва камчиликлар инobatга олинди. Матн билан бирга Маждуддин Уструшаний илмий мероси ва фаолиятига доир янги маълумотлар Тошкент қўлёзма нусхалари асосида илмий муомалага киритилди. Шунингдек, ўрта аср араб манбалари асосида Уструшана минтақасининг тарихий-географик жойлашуви, унинг шаҳар ва кишлоклари, у ердан етишиб чиккан 90 та олим ҳақида маълумотлар берилди. Бундан ташқари 9 та фикраст тузилди.

Манбаларда Алломанинг «Фатово» деб номланган яна бир фикхий асари номи кайд этилади. Муаллиф мазкур асари хусусида ўзининг «Жомну аҳками-с-сигор» асарининг хотима қисмида шундай таъриф беради: «биринчи асаримни «Китаб-ал-фусул» деб номладим. ...иккинчисини «Жомну аҳками-с-сигор» ... ва учинчисини «Фатово» деб номлайман, деган умиддаман». Туркиялик олим Холит Унал ўзининг «Mâverâünnehin fakihlerinden el-usrîşenî» номли мақоласида Сулаймония кутубхонасида сақланаётган «Фатово» асарининг (1a ва 135a) бетларини бошқа бир номда сақланаётган Уструшанийнинг «Китоб ул-қараҳия» китобига солиштирганда, икки номдаги қўлёзма айнан бир асар эканини аниқлади. Холит Уналнинг хусусий кутубхонасидаги «Китаб ул-Қараҳия» (Фатово) нусхасига кўра 40 фасл (ундан ташқари икки бўлимига «Китоб ул-ғасб») холида тартибланган муфассал ҳалоллар, ҳаромлар китобидан иборат. Айниқса, кундалик ҳаётда учрайдиган масалаларнинг фикхий ҳукмлари содда ва тушунарли бир услубда қисқа жумлалар билан ёритилган. Мавзулар кўпроқ ҳадиси шарифлар, мужтахид ва мутасаввифларнинг сўзлари билан изохланган.

Асар қирк фаслдан иборат бўлиб, унда дин, маърифат, одоб, макруҳ ва ҳаром бўлган илмлар, фатво чиқармоқ ва сўрамоқ, бир мазҳабдан бошқасига ўтиш, Аллоҳни улуғламоқ, Уни «қўл» ва бошқа нарсалар билан сифатлангирмаслик, Қуръон ёзиш ва ўқиганга ҳурмат кўрсатмоқ, амру маъруф, нахий мункарлар; киши боласини ва хотинини одобга чақиритиш, хотиннинг қариндошлари зиёратидан ва илм ўрганишини тақиқлашнинг ноҳақлиги, ота-она ҳақлари, зулм қилганга ҳалоллик исташнинг вожиблиги, қарздорнинг зиммасида бўлган қарзнинг охиратда қимга тегишли бўлиши,





тавба билан орадан тушадиган ва тушмайдиган гуноҳлар, салом бермок ва алиқ олмок, бошқасининг уйига кирар экан изн сўрамок, касал зиёрати, шифо топиши сихат-саломат бўлиши учун дуо килиш, даволаш, инсоннинг хулқ одоби, уйкуда туш, хизматида ҳайвондан фойдаланмок, куш ва бошқа ҳайвонларни боқиш, шахмат ва бошқа ўйинлар ўйнамок, чайқовчилик, олиб сотилиши, ўйиннинг ман этилганлиги, уйланишни овоза килиш учун дўмбира чалдиришнинг мубоҳ бўлиши, мусобака, макруҳ ва ҳаром емок-ичмок ва кийинмок, уйланиш, боланинг хуш хабари ва ақиқаси, хотиннинг эри ва эрининг хотини устидаги ҳақлари, ўқувчиларга имтиҳондаги ҳолатига кўра фарқли баҳо кўйишнинг жоиз бўлиши, зилзиладан қочиш, ўлимни хоҳлаш каби жиҳатлар баён этилган.

Алломанинг «Ал-Қуруд ва-д-дуюн» (Қарз турлари) номли асарининг мавжудлиги муаллифнинг «ал-Асъила ва-л-ажвиба» китобида қайд этилган. Лекин бу асар бизгача етиб келмаган.


Манбаларда «Қуррат ул-айнайн фи ислаҳи-д-дорайн» алломанинг асари деб кўрсатилган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси маълум. У Миср миллий кутубхонасида I/340-рақам остида сақланади. Лекин аллома ўзининг бошқа асарларида бу китоб ҳақида ҳеч қандай маълумот қолдирмаган.

Алломанинг яна бир асари «Ал-Асъила ва-л-ажвиба» («Саволлар ва жавоблар») деб номланган. Асарда ҳаётда кам учрайдиغان ҳанафий мазҳабидаги 940 та фатво жамланган. Ал-Асъила ва-л-ажвиба асари XIII асрнинг биринчи ярмида яратилган.

Фикҳга оид савол-жавоб тариқасида тузилган мазкур асари ҳуқуқшунослик соҳаси ва жамиятда юзага келган саволларнинг жавоби бўлиб, ўша даврда илмий тил хисобланган араб ҳамда форс тилларида ёзилган. Асардаги арабий ва форсий жумлаларнинг жуда тўғри тузилганига кўра, Мовароуннаҳр шаҳарларида XII–XIII асрларда араб ва форс тилларида яхши таълим берилганига далолат беради.

Ҳижрий 637/1240 йилда тамомланган фикҳга оид «Ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарида XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт, халқларнинг урф-одатига оид қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Мусанниф бу асарида XIII асргача ижод қилиб ўтган ҳанафий уламо ва фуқоҳолардан турли мавзуларда сўралган фикҳий саволларга берган жавобларини, асосан, араб, баъзан форс тилларида нақл қилади. Сўралган масалалар таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж каби ибодатга доир ҳамда никоҳ, талок, қасам, жиноят ва жазо, тижорат, ҳалол-ҳаром каби ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий мавзулардаги саволларга ҳанафий мазҳаби нуктаи назаридан берилган фатволар мажмуидир. Улар ислом оламида шуҳрат топган юздан ортиқ фуқоҳо ва мужтаҳидларнинг берган фатволаридан иборатдир. Фатволар етмишдан ортиқ энг машҳур фикҳий асарлардан саралаб олиниб, нақл қилинган. Демак, бу асар ёзилишига ўша даврдаги диний, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги ечимга зарурати бор саволларнинг йиғилиб қолганини сабаб дейиш мумкин.

«Ал-Асъила ва-л-ажвиба» асари 637/1240 йил 28 майда ёзиб тамомланган. Фикҳга оид мазкур асарида XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт, халқларнинг урф-одатига оид қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Фуру ул-фикҳга оид савол-жавоб тариқасида тузилган мазкур асарнинг 65% ни араб тилидаги ва 35% ни форс тилидаги фатволар ташкил қилади.



«Ал-Асьила ва-л-ажвиба» асарига ўхшаш «савол-жавоб» тарикасида тузилган асарлар ҳанафий мазҳабн тарихида маълум. Масалан, Муҳаммад ибн Саммоа ибн Абдуллох ибн Ҳилол (102/720–192/808 й.), Ҳишом ибн Убайдуллох Мозил (ваф. 201/817 й.), Иброҳим ибн Рустам Абу Бакр Марвазий (ваф. 211/827 й.), Бишр ибн Валид Киндий (ваф. 238/862)нинг «ан-Наводир» асарлари, Абу-л-Ҳасан Али ибн Саид Рустуғфаний (ваф. 345/957)нинг «аз-Завонд ала-л-фавонд фи анвон-л-улум ва-л-фатово», Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самаркандий (301/913–375/985)нинг «ан-Навозил», Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар Ношифий (ваф. 446/1055)нинг «Хизонат ул-вокиот» Ҳусайн ибн Али Абу-л-Қосим Имодуддин Ломиший (ваф. 522/1128)нинг «ал-Вокиот», Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Аниш Ҳушайрий Бухорий (ваф. 500/1106)нинг «ал-Ҳовий фи-л-фатово», Аҳмад ибн Мусо ибн Исо ибн Маъмун Аҳмад ибн Мусо Каший (ваф. 550/1155)нинг «Мажмуа-н-навозил ва-л-хаводий ва-л-вокиот» ва Имодуддин Абу-л-Ҳасан Маҳмуд ибн Аҳмад Форобий (ваф. 609/1212)нинг «ал-Асьилаг ул-ломиа ва-л-ажвибат ул-жомиа» асарлари шулар жумласидандир.

«Ал-Асьила ва-л-ажвиба» асарининг ЎзР ФА ШИда сақланаётган учта қўлёзма нусхаси мавжуд.

1) 3109 I ракам остида. Қўлёзмининг умумий ҳажми 222 варак бўлиб, шаркона услубда муковаланган, картон мукова устига жигарранг қоғоз ёпиштирилган. Қоғоз ўлчами 26×16 см. Матн ўлчами 21×11. Ҳар варакда 25 сатр бор. Қоғози сариқ ранг, калин шарк қоғози. Ёзуви – насх. Вараклар шаркона услубда ракамланган. Пойгирлар мавжуд. Нусха Фарид ибн Маҳмуд ибн Муҳаммадшоҳ ибн Ҳасан Жарзувони томонидан 785/1383 йилда кўчирилган. Қўлёзма вақф қилинган. Қўлёзмининг ҳар бир varaғига қўйилган муҳр бундан далолат беради.

Мазкур йиғма қўлёзма китобда икки асар жамланган:

а) Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг «ал-Асьила ва-л-ажвиба» асари. Асар 16-70а варакларда жойлашган.

б) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакрнинг «Хизонат ул-фатово» асари. Асар 71б-221б варакларда жойлашган.

2) 6341 III ракам остида. Йиғма қўлёзмада учта асар жамланган бўлиб, умумий ҳажми 296 варак. Қўлёзма шаркона услубда муковаланган бўлиб, картон мукова устига яшил қоғоз ёпиштирилган. Муковада шамс ва лола медальонлари бор. Қоғоз ўлчами 29×15 см. Матн ўлчами 22×11 см. Ҳар бир варак 27 сатрдан иборат. Қоғози сариқ рангли, калин шарк қоғози. Хати – насх. Вараклар шаркона услубда ракамланган. Пойгирлар мавжуд. Кўчирувчиси номаълум. Қўлёзма 1211/1796 йилда Муҳаммад Азиз ибн Худаёр томонидан вақф қилинган. Қўлёзмининг ҳар тўрт varaғига битта қўйилган муҳр бундан далолат беради.


Мазкур йиғма қўлёзма таркибида қуйидаги асарлар мавжуд:

а) Абу-л-Лайс ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самаркандий (301/913–375/985)нинг «Бустон ул-орифин» асари. Асар 16-77а варакларда жойлашган.

б) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакрнинг «Хизонат ул-фатово» асари. Асар 80а-229б варакларда жойлашган.

в) Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг «ал-Асьила ва-л-ажвиба» асари. Асар 230а-296б варакларда жойлашган. Нуксонли нусха: охири йўқ.





3) 2533/III ракам остида. Мазкур йиғма қўлёзмада бешта асар жамланган. Қўлёзмининг умумий ҳажми 258 варак. Қўлёзма шарқона услубда муковаланган, картон мукова устига тўк яшил ранг қоғоз ёпиштирилган. Муковада ромб шаклидаги битта катта ва иккита кичкина медальонлар бор. Қоғози оқ ранг, калин Хитой қоғози. Қоғоз ўлчами 20×12 см. матн ўлчами 15,3×7,3 см. Ҳар бир варакда 19 сатр бор. Қўлёзма Жалолуддин номли шахс томонидан вақф қилинган. Бу ҳақда қўлёзмадаги ҳар бир асар бошида қўйилган муҳр далолат беради. Қўлёзма 1230/1815 йил 27 сентябрда Абдуллох Балхний номли хаттот томонидан кўчириб тугатилган.

Мазкур йиғма қўлёзма таркибида қуйидаги асарлар мавжуд:

а) Муҳаммад Чалабий Баракий Румийнинг «Рисолат арқони-ас-салот» асари. Асар 1а-19б варакларда жойлашган.

б) Абдуллохлик Гиждувонийнинг «Манокиб хвожа Юсуф Ҳамадоний» асари. Асар 20а-36б варакларда жойлашган.

в) Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асари. Асар 38б-158б варакларда жойлашган. Бу китоб маълум кодикологик хусусиятларга эга: Сиеҳи қора, «сўради», «жавоб берди», «деди» ва баъзи бир сўзлар устига қизил чизик тортилган. Масалалар номи ҳам қизил сиеҳ билан ёзилган.

г) «Мунтахаб катонб аъломи-л-ахёр мин фуқаҳон мазҳаби-н-Нуъмони-л-мухтор» асари. Бу асар Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий (ваф. 990/1582–83)нинг «Катонб аъломи-л-ахёр мин фуқаҳон мазҳаби-н-Нуъмони-л-мухтор» асарида олиниб, (мунтахаб) сайланма асарга айлантирилган. «Мунтахаб катонб аъломи-л-ахёр мин фуқаҳон мазҳаби-н-Нуъмони-л-мухтор» асарининг муаллифи кўчирувчи бўлиши эҳтимол. Асар 160а-199а варакларда жойлашган.

д) «Мунтахаб табакоти-л-ханафия» асари. Бу асар Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо Қураший (ваф. 775/1373)нинг «Табакат ул-ханафия» асарида (мунтахаб) олиниб, сайланма асарга айлантирилган. «Мунтахаб табакоти-л-ханафия» асарининг муаллифи номаълум. Асар 201а-258б варакларда жойлашган.

Уструшанийнинг туғилиб ўсган ватани Уструшана минтақаси қадимдан илмий-маърифий ва маданий марказлардан бири бўлган ва Мовароуннаҳрда ханафийликнинг тарқалиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Зиёли оилада дунёга келган аллома, фикр илми ривожига улкан ҳисса қўшган устози Бурҳониддин Марғиноний ишени давом эттирган.

Уструшанийнинг асарлари ўлкамиз ҳуқуқий тизимига оид қимматбаҳо илмий мерос бўлиб, уларда юртимиздан чиққан ва ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган юзлаб олимлар ва улар қолдирган фатволар ҳақида батафсил маълумотлар мужассам этилган. Олимнинг асарларида ўзигача ёзилган фикрий асарлардан иқтибос келтириш йўли билан ундаги замонавий муаммоларни ечиш фақат диний ақидалар асосида эмас, балки мантикий далиллар билан ёндашиш услуби кўрсатиб берилган.

Уструшаний асарларида бизгача етиб келмаган манбалардаги бебаҳо маълумотлар сақлаб қолингани унинг қимматини янада оширади.

Муслим АТАЕВ,
тарих фанлари номзоди





ШАҲОБУДДИН УМАР СУХРАВАРДИЙ (1144–1234)

Алломанинг тўлик исми Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Шаҳобуддин Сухравардий бўлиб, бу ном алломанинг Шимоли-Шаркий Эроннинг Жабал ўлкасидаги Сухравард шаҳрида туғилганига ишора қилади. Машҳур тарихчи олим Шамсу-д-Дин Заҳабий ўзининг «Китоб ул-муштабах фи асмон-р-рижол» номли асарида бу ҳақда фикр юритиб: «Занжон Озарбайжоннинг бир вилоятидир», – дейди. Сухравард ўз даврининг илм-фан ва маданият ривож топган йирик шаҳарларидан бири бўлганлиги билан ажралиб туради.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, тасаввуф тарихида Сухравард шаҳрида таваллуд топган икки аллома буюк сўфийлар сифатида ўзининг муносиб изини қолдирган. Улардан бири ҳаёти ва фаолияти баён қилинаётган буюк мутасаввиф олим, сўфий шайхларидан ҳамда бутун ислом оламида ханузгача нуфузини йўқотмаган суҳравардия тарикатининг асосчиси Шаҳобуддин Умар Сухравардий бўлиб, у умрининг кўп қисмини Бағдод шаҳрида ўтказган. Республикамизнинг кўзга кўринган таникли олимларидан Носир Муҳаммад Умар Сухравардийнинг келиб чикиши ҳақида шундай дейди: «Салжукийларнинг Кўня султонлигида ҳам маданият тараққий этган. Кичик Осийёнинг исломлашиш жараёни кучайиб, тасаввуфнинг мавлавийлик, бектошия каби тарикатлари шаклланган. Жалолиддин Румий (1207–1273), Юнус Эмро (1240–1320), Хожа Бектош Валий (1248–1328), Садриддин Кўнёвий, Шайх Сухравардий сингари машҳур мутасаввифлар етишиб чиккан. Куня (Иконий), Сивас, Қайсария, Никея шаҳарлари йирик марказлар ҳисобланган». Бундан аён бўлаётирки. Умар Сухравардий, шубҳасиз, ўз замонасининг кўзга кўринган сиймоларидан бири бўлган. Унинг «Тасаввуфий таълимот ва тарбиянинг устози» («Шайх ут-таълим ва-т-тарбия») лақаби билан аталганлиги ҳамда Бағдодда халифа Носир ли-Дин Аллоҳ ҳузурдаги самарали илмий-амалий ва снёсий фаолияти туфайли «Барча устозларнинг устози» («Шайх уш-шууюх») каби ўта шарафли унвонга лозим топилганидан ҳам алломанинг нақадар салоҳиятга эга бўлганлигини билса бўлади.

Сухравард шаҳри номини дунёга танитган иккинчи йирик файласуф Шаҳобуддин Яхё Сухравардий (ваф. 1191)дир. Бу аллома ишрок (нур) фалсафаси асосчиси ҳисобланади ва шу сабаб ёзма манбаларда, аксар ҳолларда, Шайх ул-ишрок номи билан аталган. Бу ҳар икки буюк олимнинг исми ҳам Шаҳобуддин бўлганлиги туфайли айрим муаллифларда уларни чалкаштириб юбориш ҳоллари учрайди.

Шаҳобуддин Сухравардийнинг таржиман холи келтирилган манбаларда мутасаввифнинг 539/1144 йил Сухравард – Эроннинг Жабал ўлкасида таваллуд топиб, 632/1234 йил муҳаррам ойида Бағдодда вафот этганлиги кўрсатилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, алломанинг вафот этган жойи хусусида айрим ихтилофлар мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, айрим манбаларда шайхнинг Бағдодда вафот топиб, шу ердаги «Вардия» қабристонида дафн этилгани ҳақида гапирилса, таникли рус шарқшуноси В.В. Бартольд, Амир Темур даврида фаолият юритган, буюк фотиҳнинг машҳур тарихнависларидан бири бўлган йирик олим Фасиҳ Ҳавофий қабилар унинг қабри айнан Юртимизда – Қашқадарё вилоятининг Ғузур туманида жойлашган Мири Жанда қабристонида эканига ишора қиладилар. Шу ўринда асли исми Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Ҳаво-





фий – Ҳофизи Аbru (ваф. 1431) бўлган олим ҳақида икки оғиз сўз: У Амир Темур даврининг забардаст тарихнависларидан бири ҳисобланади. У «Мажмуъаи Ҳофизи Аbru», «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» («Бойсунғур Мирзонинг сараланган тарихи») каби бир неча асарлар муаллифидир. Олимнинг «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» асарида оламнинг яралишидан то 1426 йилгача бўлган тарихий воқеалар ёритилган. Ҳофизи Аbru ўз даври тарихий воқеаларини шохид сифатида таҳлил этади ва унинг маълумотлари ҳам миллий давлатчилик тарихимизни ўрганишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш жоиз.


Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» номли китоби муболаға, мактов ва субъектив ҳиссиётлардан холи асар ҳисобланади ва Амир Темур давридаги тарихий воқеаларга аникликлар киритишда катта аҳамият касб этади.

Буюк соҳибкирон Амир Темур хазратлари машҳур «Рости-русти» – «Куч адолатдадир» иборасини 1357 йилда Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг кичик ўғли Шайх Зайниддиндан олганлиги, шунингдек, Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол суҳравардияга бефарқ бўлмаганлиги эътиборга олинса, масала бир қадар ойдинлашади. Тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида бу ҳақда шундай дейди: «Амир Тарағайнинг бутун эътибори мусулмончиликни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган эди. Давлати худуди доим уламою фузало ҳожатларининг адо этилиш қибласи ва олий мажлиси солиҳлару фуқаро аҳлининг йиғингоҳи бўлди. У, хиркаси жиҳатдан қаромат насабли, ҳудожўй шайх ул-ислом Шаҳобуддин Сухравардийга, Аллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас қилсин, бориб этувчи шайх Шамсиддин Кулолга сидқидилдан ихлос қилар эди ва унинг муборак қабрига тез-тез бориб турарди». Бундан ташқари, «Рости-русти» атамаси аввалбошда мўғуллар империясига қарши қурашиш шiori сифатида қабул қилинган. Зеро, Умар Сухравардий шогирдлари ва ўғилларини айни шу мақсадда ислом минтақасининг турли ҳудудларига сафарбар этган эди. Шу қабиларни эътиборга олган ҳолда қомил ишонч билан айтиш мумкинки, Шайх Шаҳобуддин Сухравардий абадий кўним топган жой Ҳузур (ҳозирги Ғузур) шаҳридаги Мири Жанда қабристонидир.

Кези келганда айтиш жоизки, аллома ҳаётининг асосий қисми Бағдод шаҳрида ўтган. У умрининг охириларида кўзи ожиз бўлиб қолса-да, шунга қарамай, илмий фаолиятини тўхтатмаган. Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг вафоти ҳақида маълумот келтирилган ёзма манбаларнинг барчаси унинг 1144 йил туғилиб, улуг – тўксон ёшда хижрий 632 (милодий 1234 – 1235) йил вафот этганлигида иттифок қиладилар.

Шаҳобуддин Сухравардий – ўрта асрларда фаолият юритган буюк сўфий, факих, қатор исломий илмлар соҳиби, тил ва ҳол илмини юксак даражада эгаллаган моҳир имом, усулчи олим. У жамоатга ваъзлар ўқиган, амакиси ўз замонасида кўзга кўринган сўфий, факих, муҳаддис Шайх Зиёу-д-Дин Абу-н-Нажиб Сухравардий (1097–1168) ва машҳур муҳаддис Абу Заръадан ҳадислар ривоят қилган. Илм олиш билан бир қаторда, бошқа кўплаб алломалар сингари бирор касб этагидан тутиш мақсадида тижорат ишлари билан ҳам шуғулланади. Доимий равишда одамларга ваъз айтиш билан машғул бўлган. Сухравардий номи билан ижод қилган машҳур алломаларнинг дастлабкиси Абу-н-Нажиб Сухравардий (1097–1168) Шайх Шаҳобуддин Абу Ҳафс Умар Сухравардийга устозлик қилган ҳамда ислом динининг суннийлик йўналишига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашган.






Сухравардий буюк сўфий шайхлик даражасидаги бир неча жиҳатлари билан фалсафа тарихчилари диққат эътиборидадир. У юнон фалсафаси, тўғрироғи, «файласуфларнинг юнонлашуви»га қарши «Фаласифа» («Фалсафалар») рисоласини ёзди (бу асар Муиниддин Яздий томонидан 1373 йил форс тилига ўгирилган). Авваламбор, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллиф рисолада ўз соғлом эътиқодий қарашларини изчил баён этади.

Сухравардийнинг бошқа «Авориф ул-маъориф» («Маърифат тухфалари») номи асари ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Мухим асар сифатида рисола XIII–XVI асрларда форс, турк каби катор тилларга таржима қилиниб, унга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Дунёнинг турли мамлакатларида асар нусхалари ҳисобланган бир қанча қўлёзма китобларнинг мавжудлигига қарамадан, афсуски, ҳалигача унинг танқидий нашри амалга оширилмаган.

Сухравардий илк сабоқни ўз амакисидан олган бўлса, кейинчалик, таълимни амакисидан бир вақтлар сабоқ берган Осённинг энг машҳур олий даргоҳларидан «Низомия» мадрасасида давом эттирди. Мазкур олийгоҳ 1067 йил турк салжукий ҳукмдорлар қўллаб-қувватлагани туфайли буюк вазир Низом ул-Мулкнинг раҳнамолигида таъсис этилган эди. Ўқитиш учун керакли маблағнинг барчаси салжукий ҳукмдорлар ҳисобидан бўлган. Улар талабаларнинг ётиши, таълим олиши, овқатланиши ҳамда голиблар ва мударрисларнинг маҳсуе қийим-бошларига етарли маблағ ажратганлар. Мадраса бутун Осёда илм, фан ва маданият ривожига улкан аҳамият қасб этди. Шаркнинг турли мамлакатларидан, жумладан, Ўрта Осёдан ҳам танқидли олимлар бу ерга таклиф қилиниб, қалом, тарих, мантик, тилшунослик, адабиётшунослик, фалакиёт, математика, фикх, ҳадис, тафсир ва бошқа фанлардан маърузалар ўқир эдилар. Маърузачилар, аксар ҳолларда, салжукий ҳукмдорлар томонидан танланар эди. Мадраса ташкил этилган вақтдан у ерда Хатиб Табризий каби замонасининг етук олимлари сабоқ беришган. Мазкур ўқув даргоҳида Абду-л-Манокиб Занжоний, Маҳмуд Занжоний, Аминаддин Варави, Абу-л-Фаз Ардаблили каби кўплаб алломалар таҳсил олганлар. Шулар қатори Сухравардий ҳам у ерни тамомлагач, тезда ўзида барқ уриб ривожланаётган фалсафий мушоҳадасининг кенглиги билан бутун Шарк илм аҳлига танилди.

Шаҳобуддин Умар Сухравардий, буюк сўфий шайхларидан бири бўлишига қарамадан, охират учун бу дунёдан воз кечувчи зоҳид эмас эди. Ўша даврда машҳур олимлар ҳукмдорларнинг сиёсий ва маданий соҳадаги фаолиятларига жалб этилганлар. Бу ҳол Сухравардийни ҳам четлаб ўтмади, аммо у саройда фаолият олиб борган бўлишига қарамадан, у ернинг хос олимларидан фарқли равишда саройнинг сиёсий муҳитида фаол иштирок эта бошлади. Сухравардий буюк дипломат ва ҳуқуқшунос сифатида кенг танила бошлади. Илмий салоҳиятининг юқорилиги бонс, амир унга кўплаб улуғвор номалар битганлиги манбалардан маълум. Ҳатто халифа уни Бағдод шайхларининг раҳнамоси этиб тайинлаган. Кейинчалик, Халифа Носир ли-Диниллох (1180–1225) саройида маслаҳатчи даражасига кўтарилди ҳамда ўта долзарб, масъулиятли дипломатик фаолият билан ҳам шуғулланди. Шу билан бирга, ўзининг шайхлик вазифаларини ҳам унутмади. Халифа номидан Сурия, Миср, айюбийлар пойтахти Ҳалабда дипломатик музокаралар олиб борар экан, бир вақтнинг ўзида, бу мамлакатлардаги алломалар билан кизгин баҳс-мунозараларга киришди. Унинг Ҳалаб шаҳрига қилган ташрифи ҳақида замондошларидан бири: «Сухравардий Ма-





лик Зоҳир саройида шундай нутк сўзлади. Бу нутк замонавийлик жиҳати билан ҳам, таъсирчанлик жиҳати билан ҳам шу даражада юксак эдики, ўтирганларнинг юраги унга бўйсуниб, кўзларига ёш келди». – деб ёзади.

1217–1218 йилларда Умар Сухравардий хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад билан дипломатик музокаралар олиб борди. Бир йилдан сўнг эса ўз миссиясини салжукий хукмдор Кўн Алоуддин Кайкубод I саройида давом эттирди. Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг бир вақтнинг ўзида ҳам сўфийлик тарикатида пир, устоз, ҳам сиёсий арбоб ва воиз сифатидаги обрўи, шухратининг юқорилигидан ҳамда унга бўлган алоҳида ихлосининг рамзи сифатида халифа алломага бағишлаб махсус работ курдирди. У ҳашамдорлиги ва маҳобати билан кўпроқ шох саройини эслатар эди. Работда бой кутубхона, ҳаммомлар, хизмат хоналари мавжуд бўлиб, ёнида халифанинг оиласи билан дам олишига мўлжалланган боғ ҳам барпо этилган эди. У бу ерда бир вақтнинг ўзида дам олиши, ишлаши, маърузалар килиши, баҳс-мунозаралар ташкил этиши мумкин эдики, унинг ташкил қилган маърузаларига бутун мамлакатдан кўпдан-кўп тингловчилар оқиб келар эди. Сухравардий ўзининг воизлик иқтидори, чуқур фалсафий мушоҳадаси билан бошқалардан яққол ажралиб турар эди. Жуда қисқа вақт ичида унинг мажлислари машҳур бўлиб кетди.

Халифа Носир ҳукмронлиги даврида ҳунармандлар ва амалдорлар тарикати бўлган футувват амал қилар эди. Футувватга кириш махсус либос кийиш маросими билан амалга оширилган. Халифа юборган вакилларга бу либосни одатда буюк муршид Шаҳобуддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий кийдирганлиги маълум.

Таникли инглиз олими Ж.С. Тримнгам Умар Сухравардий хақида шундай ёзади: «У буюк шайх-устоз эди ва у Ирбилга Бағдод ҳокимиятининг вакили сифатида келди ва диний масалаларни ҳал этиш учун мажлис ташкил қилди, аммо у билан учрашиш менга насиб этмади. Бу менинг жуда ёш бўлганим сабабли бўлса керак. У тез-тез бошқа юртларга бориб зиёрат ибодатларини амалга оширар, баъзан Каъбатуллоҳга яқин ерда яшар эди. Кўплаб замондош сўфий шайхлар у билан хат ёзишиб турар, унга муаммоли, мушкул масалалар ечимида ёрдам сўраб мурожаат қилар ҳамда унинг маслаҳатларини фатво ўрнида қабул қилар эдилар».

Шаҳобуддин Сухравардий кўплаб издошларига эга эди. Улар орасида унинг ўғли Имомиддин Муҳаммад (ваф. 1257), Шероз шайхи Нажибуддин Бузгуш (ваф. 1279) ва бошқалар биродарлигини кўрсатиш мумкин. Буюк форс шоири Саъдий Шерозий (1208–1292) «Бўстон» асарига Сухравардийни устози деб атаган.

Умар Сухравардий 35 ёшидаёқ Бағдодда «шайхлар шайхи» даражасига кўтарилган таникли уламо бўлган. У Ирок мамлакатининг элчиси сифатида Ирок, Хоразм, Эрон, Салжукийлар ўртасидаги урушларга барҳам берган. Умар Сухравардий Ирокнинг Хоразмдаги элчиси бўлиб турган вақтида ҳам бу икки давлат ўртасида қутилаётган уруш оловини ўчиришга муваффақ бўлган буюк дипломат сифатида ўзини кўрсата билди.

У ўз силсиласини Зиёвуддин Абу-н-Нажиб Сухравардийдан бошлаб, Аҳмад Ғаззолий (ваф. 1126) ва Жунайид Бағдодий (ваф. 910) орқали халифа Али ибн Абу Толибга (ваф. 661) боғлаган.

Алломанинг кичик ўғли Шайх Зайниддин (1164–1259) диний ва жамоат арбоби сифатида Тошкентга келганлиги ёзма манбалардан маълум. У Тошкент шаҳрининг равақ топиши йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга оширган. Шайх Зайниддин





абადий кўним топган Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон макбараси (ҳозирги Тошкент шаҳридаги Кўкча даҳасида жойлашган) ҳам Тошкент шаҳрида бўлиб, ҳозирда халкимизнинг азиз қадамжоларидан бири сифатида кадрланиб келмоқда.


Сухравардий етук дипломат сифатида ҳам шуҳрат қозонган. У халифа номидан турк-салжукийлари ва Миср султонлари билан элчи сифатида музокаралар олиб борган. Элчи лавозимида узок муддат Мовароуннаҳрдаги хоразмшоҳ саройида фаолият олиб борган. Ўша даврда мамлакат устига шарқдан қора булут яқинлашар эди. Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар йўлида учраган ерларни вайрон қилиб келар эди. Уларга қарши туриш учун суҳравардиянинг содик издошлари ва шоғирдлари ўша замондаги ислом ҳудудлари бўйлаб тарқатиб юборилди. Шайхнинг ўғли Муҳаммад ибн Умар Сухравардий (тўртинчи Сухравардий) отаси асос солган таълимот давомчиси сифатида фаолият олиб бориб, «Зад ул-мусофир» («Сафарга чиққанларга тилаклар») номли китобини ёзганлиги ҳақидаги маълумот Анри Карбен тадқиқотларида учрайди. Бундан ташқари, форс сўфийларидан Изиддин Маҳмуд Кошоний (ваф. 1335) форс тилида «Мисбоҳ ул-ҳидоя» («Ҳидоят чироғи») номли муҳим асарини ёзган. Буюк Бағдод устози ва мутафаккирининг кичик ўғли Шаҳобуддин Сухравардий шу тариқа отаси таълимотини ёйиш мақсадида Тошкент шаҳрига келиб қолади. Алломанинг Зайниддин исми ўглининг таваллуд санасини олимлар 1214 йил эканлигини таъкидлайдилар.

Отаси изнига қулоқ тутиб йўлга чиққан Шайх Зайниддиннинг туяси Тошкент шаҳри яқинидаги Қухи Орифон қишлоғида қутилмаганда тўхтайтиди. Бу ҳолни илоҳий белги деб қабул қилган сўфий шу жойни макон тутайди. Бу ер ҳозирда Кўкча номи билан машҳур. Унинг ташрифи мўғулларнинг босқинидан бир неча йил ўтиб, яъни XIII асрнинг ўттинчи йилларида содир бўлди. Ўша даврлар аждодларимиз учун ниҳоятда оғир дамлар эди. Барча шаҳарлар вайрон этилган, юз минглаб одамлар қириб юборилган, жамиятда бошбошдоклик ҳукмрон эди. Бундан ташқари, оммавий очарчилик, турли касалликлар халқнинг тинқасини қуритган бўлиб, халқ руҳий кўмакка муҳтож эди. Халқни тинчлантириш, имон-этикодини мустаҳкамлаш гоятда зарур эди. Шу ўринда шайх Зайниддиннинг иқтидори иш берди.

Аввалдан мавжуд бўлган икки қаватли ер ости ертўлага жойлашиб, шу ерда вақтининг кўп қисмини ибодат, фикрлаш билан машғул бўлди. У узок – 95 йил умр кўрди. Шу сабабли шарафли бобо номига сазовор бўлди ва халқ орасида ижобий хотира қолдирди.

Ҳозиргача Зайниддин бобони Тошкентнинг тўртта асосий ҳомийларидан бири сифатида эъзозлашади. У ҳақда кўпдан-кўп ибратли афсоналар тўқилган, унинг ер ости чиллаҳонаси устида эса макбара бунёд этилган. Ушбу макбара ҳозирда ўрта асрларнинг ноёб дурдонаси сифатида халкимизнинг табарруқ қадамжоларидан бири сифатида эъзозланади. Тарихчи олимларнинг ва археологларнинг тадқиқотлари бу макбара қурилишининг бошланиши Амир Темур даврига бориб тақалишини кўрсатди. Аммо бинонинг девор ва гумбази нисбатан кейинги давр – шайбонийлар ҳукм сурган XVI асрга тааллуқли. Кўп сонли таъмирлар макбара тузилишини сезиларли ўзгартирган. Сирланган гулдор сопол безаклар йўқолиб кетган бўлса-да, аммо ноёб нақшинкор ёзувлар билан безатилган ёғоч эшик ва ташки қуёш нуруни тўсувчи панжара сақланиб қолган. Илмий тадқиқотлар натижасида яқинда ўта муҳим факт аниқланди: Зайниддин бобо яшаган қирқ кунлик рўзага мўлжалланган икки қаватли





ер ости чиллахона макбарадан анча вақт олдин қурилганлиги аён бўлди. Унинг остидан XI асрга тегишли Кухи Орифонга тааллуқли қатлам топилди. Демак, чиллахона ҳам XII асрдан аввал қурилган. Олимларни ҳайрон қолдирган нарса устки ва остки қаватни бирлаштирувчи чизик географик меридиан бўйлаб ўтганлиги бўлди.

Шайхнинг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири авлодларининг ҳозирда юртимизда давом этаётганлигидир. Бундан ташқари, ёзма манбаларда Шаҳобуддин Умар Суҳравардийнинг Имомиддин Муҳаммад (ваф. 1257) номли ўғли бўлганлиги ҳам қайд этилади.

Умар Суҳравардий суннийлик ақоидчиси бўлиб, мўътадил қарашларни тарғиб қилган ҳамда Бағдоднинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Суҳравардия, кейинчалик, Ҳиндистонда ҳам кенг миқёсда тарқалиб, у ердаги чиштилик тариқати билан бир қаторда энг таъсирли тариқатга айланган ҳамда кўламининг кенглиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, дастлабки даврларда бу мамлакатга келиб қолган кам сонли мусулмонларни бирлаштиришда муҳим, айтиш жоиз бўлса, ҳал қилувчи роль ўйнаган. Суҳравардия Шарқ мамлакатларида оммалашиб, ҳар хил даврдаги алломалар унга ўз ҳурматларини билдиришган. Хусусан, Шайх Саъдий «Бўстон» номи асаридан Умар Суҳравардийни ўзининг устози деб атаган, сўз мулкнинг султони Мир Алишер Навоий ҳам у ҳақда илиқ фикрларни келтирган. Шуниси эътиборга моликки, Амир Темур ҳазратларининг пири Шайх Шамсиддин Кулол ҳам суҳравардия тариқатига мансуб эди.

Суҳравардия XVI–XVII асрга келиб шаттария, баҳоия, жалолия, жамолия, маҳмудия ва давлатшоҳия каби бир неча мустақил оқимларга бўлиниб кетди.


Умар Суҳравардийнинг аббосий халифа Носир ли-Дин Аллох (1180–1225)нинг ақидавий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Ғарб олими Анри Карбен фикрига кўра, халифа футувват ғоясини қўллаб-қувватлаган эди. Футувват ҳақидаги асарлар бир неча асрлар давомида дунё юзини кўрди. Бунга суҳравардия ғояларини талқин этувчи «Футувватномае Нажмиддин Зарқуб Табризий» (1313) асарини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Халифа Носир (1180–1225) шайх шарафига Марзабония чиллахонасини қурдирди. У ерга бутун ислом оламидан шогирдлар оқими келар эди. Шу ерда буюқ форс шоири Саъдий Шерозий ҳам таълим олган. Халифа Шаҳобуддин Суҳравардийни Бағдод сўфийлари раиси деб тан олди ва уни Рум салжуқийлари, Миср ва Сурия айюбийлари ва хоразмшоҳлар саройига элчи қилиб юборди.

Шаҳобуддин Умар Суҳравардий Абу Муҳаммад Рузбихон Бакли Шерозий (ваф. 1209), Исмоил Қасрий (ваф. 1193) ва Аммар Бидлисий (ваф. 1200) каби ўз замонасининг етук сўфийларига устозлик қилган. Шунингдек, унинг шогирдлари кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро устозлари саналади. Нуру-д-Дин Басир Тошкент кишлокларидан ҳисобланган Нужкентда туғилган ва у ҳам «суҳравардия» шайхларидан Зайниддин Кухи-Орифоний муридларидан эди. Манбалар унинг туғма кўр бўлганига ишора қилади.

Нуру-д-Диннинг таъкидлашича, илоҳий ҳислатлари эвазига кўзининг нури қайтган. Ёшлигида онаси билан Самарқандга келиб, Наводон булоғи бўйидан макон топади. У илмий салоҳиятининг юксаклиги билан «Ўн тўртинчи қутб» маъносини аңлатувчи «Қутби Чаҳор даҳум» номига мушарраф бўлади. Нуру-д-Дин Басир 1249 йилда вафот этиб, Самарқандда дафн этилади. XIV асрда унинг обрўси шу қадар





буюк эдики, сўфий қабри зиёратига келган шайх ул-ислом ҳам оёқ кийимини ечиб, инёда юрган.

Амир Темур хукмронлиги даврида шайх Басирнинг устози шайх Зайну-д-Дин Кухи-Орифон (Зайниддин Бобо)нинг Тошкентдаги мазори макбарага айлантирилади. Кейинроқ, бу иншоот қайта қурилиб, бизнинг давримизгача етиб келган ва ҳозирги кунда Кўкча қабристонини деб юритилади. Сухравардиянинг XIV асрдаги йирик, обрўли шайхларидан яна бири шайх Бурҳону-д-Дин Соғаржий ҳисобланган.


Машхур араб тарихчиси Ибн Баттута 1327 йил Исфахонда суҳравардияни ўрганишга берилиб, 1333 йилдан 8 йил Ҳиндистонда 1325–1351 йиллар оралиғида хукмронлик қилган султон Муҳаммад Туғлуқ саройида яшайди. У шу ерда Бурҳону-д-Дин Соғаржий билан танишади. Бу даврда суҳравардия Дехли салтанатига ўз гаъсир доирасининг юксак даражасига эришган эди. Султон Туғлуқ суҳравардия хонақоҳига совға сифатида Дехлидаги юзта кишлукни тортиқ қилган. Сухравардиянинг Мўлтон вилоятидаги хонақоҳи аъзоларининг кўплиги билан аслзодалар саройини эслатар эди. 1345–1346 йилларда Ибн Баттута Бурҳону-д-Дин Соғаржий билан Монгол Хони Тўғон Темурнинг Хитой хукмдори пойтахти Пекинда учрашади. Бу даврга келиб Пекинда шайх Соғаржий «Садри жаҳон» («Бутун оламнинг юраги») деб тан олинган эди. У Хитойда вафот этади. Соғаржий ўғлига вафотидан сўнг жасадини Самарқандга келтириб, Нуру-д-Дин Басир мазори ёнида, унинг оёғи остига дафн этишини васият қилади. Шайх Абу Саид Соғаржий отасининг васиятини нафакат адо этди, балки ўзи ҳам Самарқандда қолди. У Самарқанд шайх ул-исломи Абду-л-Маликнинг кизига уйланиб, Амир Темур саройидаги йирик диний шахслардан бирига айланди. Кейинчалик, айнан Абу Саид Соғаржийнинг маслаҳати билан Темур шайх Басир қабри зиёратига бориб, у ерда макбара бунёд этишга фармон берган эди. У ҳозирда Рухобод номи билан машхурдир. Буларнинг барчаси халқнинг, давлат сиёсий раҳбарлари, хукмдорлар ва хуеусан, соҳибқирон Амир Темурнинг Умар Сухравардийнинг илмий фаолиятига бўлган эзгу хурматини ифодалайди.

Умар Сухравардий ўзи асос солган тарикатнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳамда унинг бутун ислом оламида тарқалишини таъминлаш мақсадида бир қанча асарлар таълиф этган. Аллома ҳақида маълумот келтирилган манбаларда унинг каламига мансуб қуйидаги асарлар мавжудлиги зикр этилади:

«Авориф ул-маъориф фи баёни тариқи-л-қавм» («Уммат йўлини баён қилишда маърифат тухфалари»). Мазкур асар, юқорида таъкидлаганимиздек, алломанинг энг муҳим асари ҳисобланиб, таркибий жиҳатдан 63 бобдан иборат. У тасаввуф ғносеологияси, одоб-ахлоқи, психология амалиётига бағишланган. Унда дунёвий илм билан илоҳий илмнинг узвий боғланиши ишончли далиллар асосида исботлаб берилган. Асарда «дунёвий илм гўёки сут, илоҳий илмлар эса унинг қаймоғи» сифатида таърифланган. Бу билан муаллиф материяга қараганда руҳ юқорирок мавқега эга демокчи. Бу китоб қисқача «Авориф ул-маъориф» («Маърифат тухфалари») номи билан ҳам юритилади. Асар араб, форс, немис, инглиз тилларида илгарилари ҳам, XX асрда ҳам кўп мартаба нашр этилган.

Шунингдек, ёзма манбаларда «Акидату арбоби-т-тақи» («Такводорлар акидаси»), «Баҳжат ул-Ғавси-л-Ғилоний» («Ал-Ғавси-л-Ғилоний манокибда олийжаноб кишиларнинг қувончи»), «Буғят ул-баён фи тафсири-л-Қуръон ва маносик» («Қуръон тафсири ва амаллар баёнидан кўзланган мақсад»), «Ажвиба ан асълати уламои





Хуросон» («Хуросон уламоларининг саволларига жавоблар»), «Рисолат ул-фақр фи муҳолафати-н-нафс ва-л-қаҳр» («Фақирликнинг нафсга қаршилиги ва уни бўйсундириш рисоласи»), «Хавосу авроди-с-Сухравардий» («Сухравардий дуоларининг хусусиятлари»), «Аълом ул-худо» («Хидоят белгилари») асарлари ҳам унинг каламига мансуб эканлиги таъкидланади.

Тўлиғича юнон фалсафасини, жумладан, Аристотель перипатетизмини танқид қилишга бағишланган «Қашф ул-фадойнхи-л-юнонийя ва рашф ун-насонх ан имония» асари.

Ёзма манбаларда унинг «Адаб ул-муридин» («Шогирдлар одоби») номли асари ҳам бўлганлиги қайд этилади.

Шаҳобуддин Умар Сухравардий гарчи Бағдодда вафот этган дейилса-да, ватанимизда – Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани ҳудудида ҳам унинг халқимиз томонидан юксак қадрланганига зиёратгоҳи мавжуд. У жой ҳозирда Мири Жанда номи билан машҳур. Танikli тарихчи олим Поён Равшанов ўзининг «Қашқадарё тарихи» номли китобида бу ҳақда сўз юритар экан. В.Д. Кочневнинг «Работы в Каршинском оазисе» номли асарига таянган ҳолда, жумладан, шундай дейди: «Ғузор намозгоҳи Ғузордарёнинг сўл қирғоғида, қўрғондан 300–400 метр жануби-ғарб тарафда жойлашган эди. Қўрғоннинг Эскибоғ дарвозаси масжидга рўбарў бўлган. Шу дарвозадан чиқувчи йўл тўғри Эскибоғга элтган. Намозгоҳнинг шимоли-шарқида Амир Жонд қабристонига тугашиб кетади. Айтилишича, бу зоҳиднинг ҳақиқий исми шарифи Шаҳобуддин Умар бўлиб, 600 йил бурун яшаган экан. Шаҳобуддин Умар Бағдодда туғилган бўлиб, унинг пири Абдулқодир Қайлоний экан. Ниҳоят, Шаҳобуддин Умар Ғузорга келиб қолади ва шу қабристонга дафн этилади».


Шу ўринда археолог-тангашунос Кочнев хусусида тўхталсак. Борис Дмитриевич Кочнев (1940–2002) Ўрта Осиёнинг ўрта аср даври археология ва нумизматикаси соҳаси бўйича йирик мутахассис олим, умрининг охирида ўзининг «Нумизматическая история Караханидского каганата (991–1209)» номли асарини тугатишга улгурди.

Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилган тадқиқот ва қазиш ишларида иштирок этади. Асосан, қорахонийлар даври нумизматикаси билан шуғулланади. 180 дан ортиқ илмий-оммабоп тезис-маърузалар, шунингдек, 200 дан ортиқ рисолалар унга тегишлидир. 1994 йил Француз Фанлар академияси уни нуфוזли Друэн номидаги мукофатга муносиб кўради.

Бизнинг назаримизда, П. Равшанов алломанинг туғилган жойини кўрсатишда адашган. Аксар ёзма манбалар унинг Эрон ва Озарбайжон чегараси ҳудудида жойлашган Занжон вилоятида таваллуд топганлигига иттифок этганлиги хусусида юқорида айтилган эди. Бундан ташқари, муаллиф қабристон номини «Мир Жонд» тарзида келтириб ҳам, бироз хатоликка йўл қўйган. Чунки Шаҳобуддин Сухравардий соҳиб хирка бўлганлиги боис, у дафн этилган қабристон, аллома номига боғлиқ ҳолатда, Мири Жанда, яъни «Буюк хирка» эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

«Жанда» сўзи хирканинг халқ орасида ишлатиладиган номи бўлиб, араб тилида ямок, қуроқ маъноларини билдиради. У жунли матодан тикилган устки кийимдир. Жандани, асосан, сўфийлар кийган. Хирка пирдан шогирдга ўтган. Шунинг учун узок вақт кийилган ва шунинг сабабидан, кўпинча, эскирган, қуроқ ва ямок бўлган. Шайх Шаҳобуддин Сухравардий ҳам пирдан жанда қабул қилиб олиб, ўз навбатида, пирлик даражасига етишганлиги боис соҳиб жанда ҳисобланган.





Халкимиз орасида буюк сўфий кийган жанданинг алломанинг илмий, дипломатик сафарлари билан боғлиқ сабабларга кўра бу ерга келиб қолганлиги ҳамда узок вақт, яъни яқин-яқинларга қадар шу масжидда сақланганлиги боис «Мири Жанда» жоме масжиди номини олганлиги ҳақида бир қатор ривоятлар юради.

Шундай бўлса-да, Мири Жанда масжиди узок йиллар мобайнида халкимизнинг табаррук қадамжоларидан бири сифатида мусулмонлар эҳтиромида бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай қолмоқда. Юртимиз узра мустақиллик шамоли кеза бошлагач, бошқа шаҳар ва вилоятларимиздаги сингари Қашқадарё вилоятида ҳам қадимий обидаларни таъмирлаш, тиклаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Ғузур тумани халқи, хусусан, маҳалла оксоқоллари ва диний арбобларининг ташаббуси билан 2009 йилда Мири Жанда жоме масжиди ҳудудида жойлашган Шаҳобуддин Умар Сухравардий макбараси ва зиёратгоҳ атрофининг бутунлай қайта таъмирланиши ҳам юқоридаги каби хайрли, савобли ишларнинг узвий давоми бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.

Иргаш ДАМИНОВ

МУҲАММАД ИБН АБДУЛҲАМИД УСМАНДИЙ САМАРҚАНДИЙ (488/1095–552/1157)

Ер юзининг сайкали бўлмиш кўҳна ва хамиша навқирон Самарқанд турли илмлар соҳасида кўплаб алломаларни етиштириб бергани тарихдан маълум. Шубҳасиз, ўз даврининг йирик намояндаси, факих, мутақаллим ва мутафаккир олим Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандийдир.

Олимнинг тўлиқ исми Абу-л-Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Усмандий Самарқандий бўлиб, у 488/1095 йилда Самарқандда таваллуд топган. Баъзи манбаларда эса Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза Усмандий, Самарқанд аҳлидан бўлиб «Оламнинг устун» сифати билан машҳурдир, деб келтирилади.

Ёзма манбаларда аллома тугилиб ўсган жой номи, яъни «Асманд» ёки «Усманд» эканлиги ҳақида кўплаб ихтилофлар бўлганлиги келтирилган. Баъзи олимларнинг таъкидлашича, бу жой, аслида, Асманд номи билан юритилиб, алломанинг нисбати ҳам, шунга мувофиқ, Асмандий бўлган, бошқа туркум муаллифлар наздида эса кишлокнинг ҳақиқий номи Усманд бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, айрим ёзма манбаларда бу кишлокнинг номи батамом бошқача – Саманд шаклида ҳам келтирилади.

Фикримизча, аллома туғилган кишлок номи Усманд бўлган. Ҳозирда Жиззах вилояти ҳудудидаги Баҳмал туман (1994 йилдан) марказининг Усман номи билан юритилиши масалага бир қадар ойдинлик киритади. Бизнингча, «Усманд» вақт ўтиши билан товуш ўзгариши натижасида «Усман»га айланган. Буни вилоят марказидан 70 км узокликда жойлашган шу номли шаҳарча ҳамда туман марказида, Қўрғонтепа пойида «Ўсман ота» зиёратгоҳининг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, баҳмаллик ёзувчи Саййид Азим тарихчи олимлар Олимжон Жўраев ва Жалолиддин Жўраев фикрига таяниб, Ўсман ота қабрини ўсманлик машҳур факих, ўз даврида





шариат конунларининг йирик билимдони ҳисобланган Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид Ўсмандий Самарқандий номи билан боғлайди.

Алломанинг отаси Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар Усмандий Самарқанднинг етук олимларидан саналиб, сўзга чечанлиги ва мохир ваъзхонлиги билан ҳам халқ орасида танилган эди.

Ёзма манбаларда Алоуддиннинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотлар келтирилган. Фақат унинг 64 йил умр кўриб, 552/1157 йилда Бухорода вафот этганлиги кайд этилади, холос.

Аксар тарихчи олимларнинг асарларида алломанинг илм талабида кўплаб мамлакатларга сафар қилганлиги ҳақида ҳам кайд этилади. Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг таъкидлашича, Муҳаммад Абдулкарим Шаҳристоний аллома билан Марвда бир неча бор учрашган. Бундан ташқари, Усмандийнинг Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий, Абу-л-Муъин Нашвоний, Алоуддин Самарқандий ва Нуриддин Аҳмад ибн Маҳмуд Собуний каби мотуридия мазҳабининг йирик намоёндалари билан ҳамаср бўлиб яшаганлиги ҳақида келтирилади.

Таникли араб олими Кураший ўзининг «Ал-Жавоҳир ул-музия фи табакоти-л-ханафия» («Ханафий уламолар таржимаи ҳолларидаги ёркин жавҳарлар») асарида келтиришича, аллома 552/1157 йилда Бағдодга Шамс ибн Ҳисом ибн Бурхон билан биргаликда муборак ҳаж ибодатини адо этиб қайтган.

Манбаларда келтирилишича, у фикх илмини устози Ашраф ибн Муҳаммад Алавийдан олган.


Имом Ашраф Алавий фикх бўйича таълимни отаси Абу Ваззох Муҳаммаддан, у эса отаси Абу Шужудан олган ҳамда ундан ҳадис ривоят қилган. Самъоний «Аз-Зайл» асарида зикр қилишича, у ҳақда Марв қозиси Қози Муҳаммад ибн Утба Сойиғий ривоят қилган.

Имом Ашраф Алавийнинг отаси Самарқанддаги Қусам ибн Аббос (р.а.) мадрасасида дарс олган. Ҳижозга сафар қилиб Бағдодга хожи бўлиб келган ва Самарқандга қайтиб умрининг охиригача дарс бериш ва илмни ёйиш билан шуғулланган. 491/1098 йилнинг шаввол ойида 54 ёшида вафот қилган ва Самарқанддаги машҳур «Чоқардиза» қабристонига дафн этилган.

Ўсмандий ҳадис борасидаги илмларини «Ас-Садр уш-шаҳид» лақаби билан машҳур бўлган Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийдан ўрганган. Аллома устозининг «Шаҳид» деб номланишига сабаб, 536/1141 йил Султон Санжар ва қорахитой Гўрхон орасида рўй берган «Қатавон» жангида қатнашиб, унда Султон Санжар мағлубияти туфайли душман қорахитой Гўрхон қўлидан вафот топади. Шу сабабли, у шаҳидлик мартабасига эришади. Ушбу жангга уламолардан бир жамоаси ўлдирилган бўлиб, аксар олимлар томонидан уларга «шаҳид» даражаси берилган. Ҳисом уш-шаҳид, Садр уш-шаҳид, Саффор уш-шаҳид қабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Усмандий қатор исломий илмларда, айникса, фикх, ҳадис ва калом, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган маҳсус соҳа ҳисобланган илм ул-хилоф бўйича етук олим ҳисобланган. У мазкур соҳалардаги илм аҳллари орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими, бе-назир иктидори ва фавқулудда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам, у илм аҳли орасида «Ал-Ало ул-олам» («Оламнинг устун»), «Ал-Ало» («Устун»),





«Ал-Ало ус-Самаркандий», «Ало-уд-дин» («Диннинг устуни») каби юксак лакаблар билан машхур бўлган.

Манбаларга таяниб, унинг айрим шогирдлари исми шарифларини келтирамиз. Тарихда «Жамол ул-Ислому» лакаби билан машхур Абу-л-Музаффар Асъад Каробисий уларнинг пешкадамларидан хисобланади. Кураший «Ал-Жавохир ул-музния», шунингдек, Ибн Кутлубуғо «Тож ут-тарожим фи табакоти-л-ханафия» («Ханафий уламолари табакалари бўйича таржимаи ҳолларнинг тожи») асарида келтиришича, унинг тўлик исми Асъад ибн Муҳаммад ибн Хусайн Каробисий бўлиб, «Ал-Фурук фи-л-масоили-л-фиракия» («Фиркалар ҳақидаги масалалар ўртасидаги фарқлар») асарининг муаллифидир.

Фикх илмини Алоуддин Усмандий Самаркандийдан ҳамда Саййид Ашраф ва унинг отаси Аби-л-Ваззоҳдан ва унинг отаси Саййид Аби Шужудан олган. 570/1175 йилда вафот этган. Унинг «Ал-Фурук» асари 1982 йилда Қувайтда чоп этилган. Бу нодир асарнинг биринчи жилдида Умар Насафийнинг «Манзума»сига шарҳ ёзган «Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Ҳанафий» Каробисийнинг устозларидан бири бўлган, деб келтирилган.

Бундан ташқари, илм оламида яхши маълум бўлган «Ал-Ансоб» («Насабнома») асарининг муаллифи машхур Абдулқарим Самъоний (1113–1167) мазкур асарида: «Ўғлим Абу-л-Музаффар (ваф. 1217) ундан (яъни Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий)дан ҳадис эшитган», – деб келтиради.

Шунингдек, машхур «Ҳидоя» асарининг муаллифи буюк факих Бурхониддин Марғинонийнинг (1123–1197) ўғли Шайх ул-Ислому Низомиддин Умар ибн Шайх ул-Ислому Бурхониддин Али ибн Абу Бакр Марғиноний ҳам алломанинг шогирдларидан бўлганлиги ҳақида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

Алоуддин Муҳаммад Усмандий биз авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, уларнинг ҳаммаси араб тилида ёзилган. Қуйида алломадан бизгача етиб келган бой илмий-маънавий мерос намуналари ҳақида қисқача тўхталамиз:


«Ҳаср ул-масоил ва қаср ул-далоил» («Муайян масалалар ва қисқа далиллар»). Бу асар Нажмиддин Умар Насафийнинг «Ал-Манзума фи илми-л-хилоф» номли китобига ёзилган шарҳ бўлиб, Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида унинг учта қўлёзма нусхаси сақланади. Алломанинг ушбу асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Имом Суғдий, Абу-л-Мафохир Муҳаммад ибн Маҳмуд Судайсий томонидан ёзилган шарҳлар шулар жумласидандир.

Усмандий «Тарикат ул-хилоф фи-л-фикх байна-л-анмати-л-аслоф» («Ўтган алломалар ўртасида фикх илмидаги ихтилоф йўллари») асарида фикх илмида фаолият кўрсатган кўплаб олимларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазаларидаги ихтилофларни баён қилган. Ушбу қимматли асар мисрлик олим Муҳаммад Закий Абду-л-Барр томонидан тадқиқ этилиб, 1990 йилда Қоҳирадаги «Дор ут-турос» матбаасида нашр этилган.

«Базл ун-назар фи-л-усул» («Фикх асосларига чуқур назар»). Аҳамиятлиси, ушбу асар ҳам Миср олими Муҳаммад Закий Абду-л-Барр томонидан илмий тадқиқ этилиб, 1992 йилда, аввалги асар сингарини, Қоҳира шаҳридаги «Дор ут-турос» матбаасида чоп этилган.

Алломанинг «Таълика фи-л-фикх» («Фикх илмида изох») номли асари фикх илмининг фуруъ (тармоқлари) масалаларига бағишланган. Қатор муаллифларнинг ёзишича, у бир неча жилддан иборат йирик асардир.





«Ал-Амолий фи-т-тафсир» («Тафсир илмида имло килинган масалалар»), ёзма манбаларнинг далолат килишича, Куръони каримга бағишланган тафсир хисобланади.

Аллома каламига мансуб «Лубоб ул-калом» («Калом илмининг жавҳари») асарининг ҳам икки қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Улардан бири Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Қора Чалабийзода бўлимидаги бир неча қўлёзма асарлар жамланган мажмуага (рақами 347) киритилган. Бу асарнинг энг қадимий нусхаси бўлиб, ундаги кўп ҳарфлар араб тилига хос бўлган нукталарсиз настаълик хатида ёзилган. Нусхани кўчирган хаттотнинг исми Али ибн Нажмиддин бўлиб, қўлёзманинг охириги варағидаги ёзувга кўра бу нусха 702/1303 йилда муаллиф вафотидан кейин қарийб бир ярим аср ўтгач кўчирилган. Асар Истанбулдаги ислом тадқиқотлар маркази доктори Муҳаммад Саид Узурварли томонидан илмий асосда чуқур ўрганилиб, 2005 йилда «Исам яйинлари» нашриёти томонидан нашр этилган.

Асарнинг иккинчи қўлёзма нусхаси Сулаймония кутубхонасидаги Шаҳид Али Пошо бўлимида 1704 рақами остида сақланади. Бу нусха Юсуф ибн Байрамбек ибн Исмоил ибн Исо деган хаттот томонидан 814/1314 йилда чиройли настаълик хатида кўчирилган. Шубҳасиз, «Лубоб ул-калом» Усмандийнинг қимматли асари хисобланади.


Асар муқаддимасида муаллифнинг «Ҳидоятан ли-л-мубтадий фи ташихи-л-эътикод» деб ёзишидан аён бўладики, у бу асарини эътиқодни соғломлаштириш, тузатиш йўлида дастлабки қадам ташлайдиганларни ҳидоят йўлига бошлаш мақсадида ёзганлигини таъкидлайди. Шу боисдан ҳам, у бу асарини ёзишда ханафия мазҳаби олимлари, айниқса, мотуридия эътиқодига қатъий равишда амал қилган.

«Лубоб ул-калом»нинг мазмуни ҳақида айтиш керакки, кўплаб бўлимлардан ташкил топган бу асарда, энг аввало, илм ва унинг турлари, илмнинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни, ундан тўғри фойдаланилса, у яхшилик, эзгулик ва тараққиётга олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдиради. Ақидавий масалаларни ўрганадиган калом илми ҳақида ёзиб, муаллиф уни барча илмлар ичида энг афзали деб кўрсатади. Ҳақиқий илм ва тўғри маълумотларга эга бўлиш, оламни билиш учун инсоннинг бешта сезги аъзолари, ишончли хабарлар берувчи манбалар (Куръони карим ва ҳадиси шарифлар) ҳамда инсоннинг ақл-идроқи ва салоҳияти муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлайди.

Асарда ақида масаласида залолатга кетган гуруҳлар, жумладан, қадарийлар, муътазилийлар, жабарийлар ва бошқаларнинг асоссиз, ботил фикрларини танқид остига олади. Аллоҳнинг сифатлари, нубувват, Куръоннинг мўъжизалиги, бандаларнинг амаллари ва имонга оид бошқа масалалар ҳам асарда ўз аксини топган. Муаллиф ёзишича, аҳли сунна вал жамоа нуктаи назаридан ислом ва имон бир нарса, имон зиёда ҳам бўлмайди, қамаймайди ҳам, лекин камолига етишда унинг маълум чега-раси бўлади. Шунингдек, асарда охирагга оид қабр азоби, Сирот кўприги, қабр савол-жавоби, шафоат ва яна, калом илмида ҳозирги кунда ўз фаоллигини йўқотмаган имомат масалалари ҳам аҳли сунна нуктаи назаридан талкин килинган.

Мухтасар қилиб айтилса, муаллиф ўз ғоялари ва фикрларини асарларида баён қилишда Куръони карим ва ҳадиси шарифларга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, мутақаддим ўтган улуғ олимларнинг асарларидан ҳам унумли фойдаланган.





Бундан ташкари, алломанинг фикҳ бўйича «Мухталаф ур-ривоя» («Ривоятларнинг хилма-хиллиги»), «Ал-Муътариз ва-л-мухталиф» («Кўндаланг ва хилма-хил») ҳамда усули-д-дин бўйича «Ал-Ҳидоя фи-л-калом (фи усули-л-эътикод)» («Калом илмидаги тўғри йўл») номли асарлар муаллифи эканлиги ҳақида манбаларда қайд этилган.

Мисрнинг «Дор ул-кутуби-л-мисрия» номли кутубхонасидаги Ҳанафий фикҳи бўлимида 1815-рақамли қўлёзманинг 41789-рақам остида сақланаётган микрофильм нусхасида «Мухталаф ур-ривоя» Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасанга тегишли» деб ёзилган. Асарнинг дастлабки бетлари йўқ. Яна бир бошқа нусхаси эса Мисрнинг «Мустафо Фозил» кутубхонасидаги Ҳанафий фикҳи бўлимида 119-рақамли қўлёзманинг 8356-рақамли микрофильми сақланмоқда.

Умуман олганда, Алоуддин Муҳаммад Усмандийнинг ҳаёти ва у қолдирган бой илмий-маънавий меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш юртимиздан чиққан олимларнинг ислом маданияти ва фалсафаси, айниқса, исломий илмлар ривожига қўшган улкан ҳиссаларини аниқлашдек муҳим ва олийжаноб ишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Отабек МУҲАММАДИЕВ

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ (1442–1505)

Буюк мутафаккир, илоҳиётчи олим, адиб ва ўз даврида вонзлик санъатининг йирик намояндаси бўлган Ҳусайн Воиз Кошифий 1442–1505 йилларда яшаб ўтган.

Унинг тўлиқ исми Ҳусайн ибн Али Байҳақий Сабзаворий бўлиб, Камолиддин эса, унинг лақабидир. Ёшлигидан вонзлик, яъни, нотиклик билан шуғулланганлиги сабаб Воиз Кошифий таҳаллуси билан ҳам машҳур бўлган. Бу борада Алишер Навоий: «Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий таҳаллус қилур, сабзаворликдур», – деб ёзган.


Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаёти ҳақида маълумотлар кам бўлса-да, лекин унинг маънавий мероси ҳақида қўлаб манбаларда хабар берилган. Маълумотларга кўра, у Байҳақ вилояти Сабзавор қишлоғида таваллуд топган. Лекин бутун ҳаёти давомида Ҳиротда яшаб ижод қилган.

Манбаларда келтирилишича, йирик илмий-маданий марказлардан бири ҳисобланган Байҳақ вилоятидаги Сабзавор қишлоғи, Машҳаддан 300 км ғарбда жойлашган. Унинг қадимий номи Хусравжид, кейинчалик Сабзавор деб аталган. Ҳусайн Воиз Кошифий ўзи яшаган даврнинг мураккаб тарихий-ижтимоий ҳолатига нисбатан ўз шахсий муносабатини асарларида ифода этган. Унинг асарлари орқали Ҳирот илмий марказининг XV–XVI асрлар тарихини ўрганиш мумкин.

Кошифий илмий фаолиятининг асосий қисми XV асрнинг 70-йилларидан то умрининг охиригача бўлган вақтга тўғри келади. Бу вақтда Хуросонда теурийзодалардан Абулқосим Бобур, Абу Саид Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзолар ҳукмронлик қилганлар.

Теурийзодаларнинг тожу тахт учун курашган энг таҳликали ва мураккаб даврида яшагани ва бу жараёнларда ўзи ҳам бевосита ва билвосита иштирок этгани боис Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг асарларида диний-ижтимоий низоларни





мўътадиллик ва бағрикенглик асосида ҳал қилишга катта эътибор қаратган. Бунда унга буюк олим, ўз даврининг етуқ мутафаккири, шоир Алишер Навоий катта ёрдам беради ва бевосита раҳнамолик қилади.

Кошифийнинг ўзига хос яна бир жиҳати у жуда кучли ва таъсирли нотик эди. Манбаларда Алишер Навоий ўзи ёзган мадҳия ёки марсияларини фақат унга ўқитибгина кўнгли таскин топгани ҳақида маълумотлар учрайди. Чунончи, Жомий вафотига Навоий ёзган куйидаги марсия бунга яққол исбот бўла олади. «Ул жумладин хуруф роқими бу марсия билан тарихни айтиб, йили оши тортарда султони Соҳибқирон (Хусайн Байқаро) олий мажлисларида ўтқарди ва ҳукм бўлдиқим, мавлоно Хусайн Воиз минбар устида ўқиди...». Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Воиз Кошифийнинг нафақат илми, балки унинг одобу ахлоқи ҳам юксак даражада бўлгани учун Алишер Навоий ва Хусайн Байқаролар уни хурмат ва эҳтиром қилиб, ўз мажлисларида унинг ваъз-насихатларини тинглаганлар. Бу борада Мир Саид Шариф Роқим: «Мавлоно Камолиддин Хусайн Али Воиз Кошифий баланд овозда яхши ваъз қилгани учун олимлар ва фозиллар ўзларининг хос мажлисларида уни таклиф қилишар эди». – деб ёзади.


XVI асрнинг машҳур тарихчиларидан бири Хондамир ўз замондоши Кошифий ҳақида бир неча асарларида юксак эътибор ва эҳтиром билан тилга олиб ўтиб шундай муҳим маълумотларни беради: «Мавлоно Камолиддин Хусайн Воиз турли хил маъқул илмлар ва турлича нақл этилган фанлардан тамом фойда олган ва баҳраманддур...».

Кошифий ўзи ўрганган илму маърифатига таянган ҳолда кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Маълумотларда келтирилишича, Кошифий фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, сиёсат, дин тарихи, воизлик, шеър санъати каби фанларга оид 40 дан ортик асар таълиф қилган. Жумладан, «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолаи Ҳотамия», «Анвори Сухайлий», «Ахлоқи Карим», «Жавохирнома», «Тафсири Хусайний», «Футувватномаи Султоний» каби асарлар шулар жумласидандир.

Хусайн Воиз Кошифийнинг энг машҳур асари «Ахлоқи Мухсиний» бўлиб, олим бу асарни 1495 йилда ёзиб тугатган. Асар Султон Хусайн Мирзонинг ўғли, темирӣ шахзода, Марв ҳукмдори Абулмуҳсин Мирзога бағишланган. Шу сабабли, китобнинг номи асл мазмуни «Яхши хулқлар»дан ташқари «Мухсинийнинг ахлоқи» маъносини ҳам англатади.

Бу асар 40 бобдан иборат бўлиб, бошланғич бобларда ибодат, дуо, ихлос ва бошқа тушунча, атамалар баёни, кейингиларида эса, подшоҳ ва юксак мартабали давлат арбобларининг вазифалари, ахлоқ-одоби, мулозимлари билан муносабати жуда кўплаб тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотлар асосида ёритилган. Китобда ахлоққа оид бошқа машҳур асарларга иқтибос ва ҳаволалар кўплаб учрайди. Шунинг учун, Кошифий ўзини мусанниф, яъни «асар тузувчиси», деб атаган.

Китобда мусанниф аввал ахлоққа оид бирор сўз ва тушунчани изоҳлаб, кейин унга ўқувчи амал қилиши учун нақлий ва ақлий далиллар келтиради. Нақлий далил деганда, Қуръон оятлари, ҳадислар ҳамда хабарларда келтирилган ривоятлар тушунилади. Ақлий далил эса бирор ахлоқий қоидага амал қилишнинг мантикий асосланган хулосаларини англатади. Бунда олим асарда ўз фикр-мулоҳазаларини Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий ва бошқа мутафаккирлар асарларидан иқтибос келтирган ҳолда асослаган.



Асардаги тарихий киссалар камрови давр жихатидан жуда катта бўлиб, уларда қадимги юнон донишмандлари, эрон, турк ҳукмдорлари, араб халифалари ва бошқаларнинг ибратли сўзлари ва ишлари тўғрисида хикоя қилинади.

Шу билан бир қаторда, мазкур асарда келтирилган айрим лавҳалар бошқа асарларда, хусусан, бой ва камбағал кўшни воқеаси Саййид Қосимий дostonида, ҳаё тўғрисидаги «Ануширвон ва малика» киссаси Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonида учрайди. Бирок Кошифий бу воқеаларни ўз асарида айнан қайтармасдан, янги талқинда, содда ва халқчил тилда баён қилгани эътиборга сазовордир.

«Ахлоки Мухсиний» китоби Шарқда жуда машҳур асарлардан бири ҳисобланган. Ҳиндистоннинг Канпур, Бомбей ва бошқа шаҳарларида кўп марта тошбосма усулда чоп қилинган. Унинг XVI–XX асрларда Шарқнинг турли шаҳарларида қўчирилган 50 дан зиёд ноёб қўлёзмалари ҳозирда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланмоқда.

Истиклол шарофати туфайли халқимизнинг маданий ва маънавий меросини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис, аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш, ноёб ва нодир асарлар қўлёзмаларини ўрганиш ва нашр этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, «Ахлоки Мухсиний» 1858 йили Мухаммад Ризо Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, тошбосма усулда босилган. Мазкур тошбосма нашр матнини Маҳмуд Ҳасанов ва Асадали Ҳакимжонов аввал кирилл алифбосига таъдил қилганлар. 2010 йилда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази билан ҳамкорликда асарнинг янги нашри чоп этилди. Бунда М. Ҳасанов асар мукаддимасини янгидан таржима қилди ҳамда аввалги таржима таъдили матнини бугунги китобхон тушуниши учун қайта ишлаб чиқди. Ўзбекча таржимадаги тушуниш кийин бўлган баъзи сўзларга изох берилган. Шунингдек, асар ичидаги шеърлар, ўз даври бадиъияти сақлаб қолиш мақсадида, таржима қилинмай берилиб, айрим ҳоллардагина мазмуни келтирилган.


Кошифий «Ахлоки Мухсиний» асарида Хуросон ва Мовароуннаҳрда маҳаллий анъаналарни ўзига сингдирган, турли дин ҳамда миллат вакилларига нисбатан бағрикенглик билан ёндашган. Шу жихатдан асар комил инсоннинг энг юксак ахлоқ-одоби тараннум этилган нодир манба ҳисобланади. Ота-боболаримиздан бизга мерос қолган диний кадрятлар ўз баҳосини олаётган жамиятимизда Кошифийнинг асарлари ўсиб келаётган баркамол авлодни тарбиялаш, мустаҳкам оила барпо этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Аҳмадхон АЛИМОВ

ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД (1318–1389)

Ўзбекистон қадим-қадимдан улуғ алломалар, валий инсонларни тарбиялаб вояга етказган юрт. Бу табаррук заминда исломий илмларнинг барча тури ривожланиб, дунёга машҳур тадқиқотлар яратилган, ўзига хос мавқега эга илмий мактаблар шакл-





ланган. Жумладан, инсон калбини поклаш, уни рухий-маънавий жихатдан юксалтиришни максад килган тасаввуф таълимоти ҳам юртимизда кенг тараккий этди. Дунёга машхур уч буюк тарикат – яссавия, кубравия, накшбандия тарикатларининг Марказий Осиёда пайдо бўлгани ҳам бунинг ёркин далилидир. Тарикатлар исломий ғояларни таркатиш, Худога бўлган мухаббат оркали такво ва тавхидни чуқуррок англаш, уни гўзал ахлоқ нормасига айлантириш, нопок ишлар, ёмон ахлоқ ва баднафсликка карши курашиш билан шуғулланиб келганлар. Айниқса, накшбандия тарикати бу борада эл орасида алохида обрў-эътиборга сазовор бўлиб, унинг таъсири Марказий Осиёдан ташқарида ҳам сезилиб турган. Туркия, Кавказ, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Осиё ўлкаларида унинг тарафдорлари кўпайган, улар ҳозир ҳам бор. Бунинг боиси, биринчи навбатда, тарикат асосчиси Баҳоуддин Накшбанд хазратларининг шахсияти, у яратган таълимотнинг ҳаётийлиги ва инсонпарварлигидир.

Исмлари ва насаблари


Хожа Баҳоуддин Накшбанд хазратларининг тўлик исмлари – Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий. Баъзи манбаларда боболарининг исми ҳам Муҳаммад деб келтирилади. Ўша даврда ёзилган мўътабар манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг насаблари хақида бирор-бир маълумот учрамайди. Кейинги даврда ёзилган манбаларда Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг пайғамбар (с.а.в.) авлодларидан эканликлари қуйидаги шажара асосида зикр этилган:

Баҳоуддин Накшбанд ибн Саййид Муҳаммад Бухорий ибн Саййид Жалолиддин ибн Саййид Бурхониддин ибн Саййид Абдуллох ибн Саййид Зайнулобидин ибн Саййид Қосим ибн Саййид Шаъбон ибн Саййид Бурхониддин ибн (Саййид Қилич ибн) Саййид Махмуд б. Саййид Булок (ёки Ишок, Илок) ибн Саййид Токи Сўфий Хилватий ибн Саййид Фахриддин (ёки Муҳйиддин) ибн Саййид Али Акбар ибн Имом Ҳасан Аскарый ибн Имом Али Токи ибн Имом Муҳаммад Токи ибн Мусо Риза ибн Имом Мусо Козим ибн Имом Жаъфар Содиқ. Баҳоуддин Накшбанднинг насаблари она тарафидан хазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб такалади.

Хожа Баҳоуддин бухоролик бўлганлари учун ул зотга Бухорий нисбаси, ёшликларида оталари билан бирга кимхобга накш солиш ҳунари билан машғул бўлганлари учун Накшбанд лақаби билан машхур бўлганлар. Ўша даврда матоларга накш ишлаган, накш солинган қўйлақлар ёки накшли гиламлар тўкиган кишиларга накшбанд дейилган. Баҳоуддин – «Диннинг нури» бу зотга берилган фахрли унвон. Баъзан, «Баҳоу-л-Ҳаққи ва-л-миллати ва-д-дин» – Ҳақ таоло, миллат ва диннинг нури» тарзида ҳам тўлалигича келтирилади. Накшбанд хазратга бу лақабнинг берилиши тўғрисида қуйидаги ривоятни келтиради:

«Баҳоуддин Накшбанднинг отаси савдогар эди. Унинг ҳузурда хизматкор болалар турли хил хуналар билан машғул бўлишар эди. Ўша болалардан бири гилам тўкиётган эди. Шунда 10 ёшда бўлган Хожа Баҳоуддин гилам тўкиётган бола ёнига борди. Ҳалиги бола яна бошка ишлар билан ҳам машғул бўлгани учун унинг ўрнига Баҳоуддин Накшбанд ўтиради-да, гилам тўкийдиган усқунани бир икки ҳаракат эттиради. Ўз-ўзидан ишлашни бошлаган усқуна билан бир соатда бир ойлик ишни бажаради ва натижада гўзал накшли гиламлар юзага келади. Бу ҳолатни кўрган ҳалиги хизматчи бола Баҳоуддин отасига рўй берган воқеани айтиб беради. Шун-





да ота ўғли Баҳоуддинга: «Хожа Баҳоуддин! Сен накшбанд (накш боғловчи) бўлибсан», – дея илтифот этади».

Кейинчалик Хожа Баҳоуддин Накшбанд хожагон тарикатнинг давоми сифатида таъсис ва такмил этган тарикатга «Накшбандия» деб айтилган. Бирок, тарикатнинг «накшбандия» номи билан юритилиши ул зотнинг вафотидан тахминан бир асрдан сўнг урф бўлган. «Накшбандия» истилоҳини илк марта қўллаган киши – Абдурахмон Жомий. Халқ орасида ул зот «Шоҳи Накшбанд» («Накшбандларнинг шоҳи»), «Хожан Бузург» («Буюк шайх») ва «Баҳоуддин Балогардон» («Аллоҳнинг изни билан балони даф этадиган Баҳоуддин») каби лакаблар билан машхур бўлганлар.

Туғилиш, ёшлик ва муридлик даври


Хожа Баҳоуддин Накшбанд Бухоронинг бир чакирим шимолидаги Қасри Ҳиндувон кишлоғида дунёга келдилар. Кейинчалик Қасри Орифон номини олган бу кишлоқ бугун Бухоронинг Когон туманида жойлашган. Ул зоти мухтарам ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойида (1318 йил март ойида) туғилганлар. Ҳижрий 791 (1389) йилда 71 ёшда шу кишлоқда вафот этганлар.

Шайх Муҳаммад Бобойи Самосий баъзи муридлари билан Қасри Ҳиндувондан ўтаркан: «Бу тупроқдан бир йигитнинг хиди келаяпти. Яқинда Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлади», – дебдилар. Баҳоуддин Накшбанд хали энди 3 кунлик чакалок экан, Шайх Самосийнинг Қасри Ҳиндувонга келганини эшитган бобоси ёш Баҳоуддинни кўксига бир ҳадя қўйиб Шайх Самосийнинг ҳузурига келтиради. Чакалокни қўрган Самосий бобо: «Бу бизнинг ўғлимиздир, уни фарзандликка қабул қилдик» дейди ва муриди Амир Кулолга: «Сизга аввал бир неча марта бу тупроқдан бир йигит хиди келаяпти деган эдим. Бу ерга келаятиб бу хиднинг ифори янада ортди, у йигит туғилса керак деб айтгандим. Ўша мен айтган йигит мана шу. Унинг ўз асрининг мушиди комили бўлишига умид боғлайман» дейди-да, Баҳоуддин Накшбанднинг руҳий-маънавий, ирфоний-тасаввуфий тарбиясини Саййид Амир Кулолга топширади.

Ҳазрат Накшбанднинг волидаи мухтарамаларининг накл этишларича, Хожа Баҳоуддин эндигина 4 ёшларида экан, оналарига: «Сигиримиз пешонасида хилол (янги ой) шаклидаги белги билан бузук туғади», – дебдилар ва каромат қилганларидек, бир неча ойдан сўнг айтганларидек бир бузук туғилибди.

Хожа Баҳоуддин 18 ёшга тўлганларида боболари ул зотни уйлантирмоқчи бўлади. Фотиха тўйида Шайх Муҳаммад Самосийнинг ҳозир бўлишини истаган боболари Баҳоуддин Накшбандни Самос кишлоғига жўнатади. Ҳазрат у ерда бир кеча тунаб, Бобойи Самосий билан бирга Қасри Орифонга келишади. Боболари Самосий ҳазратларига Баҳоуддин Накшбанднинг тўйдан гап бошлаши билан Самосий: «Хайрлидир, охирига етказиш керак», – дейди. Боболари тўйнинг тез ва оддийроқ бўлишини истасалар-да, оталари шинамрок тўй қилиш учун уйланишни бироз кечиктиришни истайдди. Бобойи Самосийнинг: «Вақт ғаниматдир, хайрли ишни ортга қолдириш яхши эмас» дейишига қарамай оталари буни эътиборга олмадилар ва тўйни бироз ортга сурдилар. Бирок, бир оздан сўнг иктисодий аҳволнинг ёмонлашгани сабаб чиройли тўй қилишнинг имкони бўлмади. Кўп ўтмай, Муҳаммад Бобойи Самосий вафот этадилар. Шундан сўнг боболари Баҳоуддин Накшбандни Самарқандга олиб келади ва у ердаги тасаввуф арбобларининг суҳбатида бўлиб, улардан илоҳий





файз олади. Бухорога олиб келиб тўй қилади. Бу даврда Хожа Али Ромитанийнинг кулоҳи (мато, кийгиз ёки теридан қилинган қалпоқ) Баҳоуддин Накшбандга етиб келади. Кулоҳни эса Хожа Баҳоуддинга Самосийнинг ўзлари вафотларидан озгина олдин, шахсан ўзлари берган бўлган. Тўйдан кейин Амир Кулол Баҳоуддиннинг олдига келиб: «Бобойи Самосий хазратлари: «Ўғлим Баҳоуддиндан маънавий тарбия ва шафқатни қизғанма, йўкса, сендан рози эмасман», – деганди. Васиятни бажо келтирмасам одам бўлмайман!» деди ва ишора этиб Баҳоуддиннинг унга интисоб этишини истади.

Ривоят қилинишича, Хожа Баҳоуддин ёшлигида отаси билан наққошлик қилган даврда бир туш кўради. Бу тушда яссавий шайхларидан Ҳаким ота (ёки Саййид ота) ўзини бир шайхга ҳавола этади. Хожа Баҳоуддин уйғонгач, тушида кўрган шайхнинг сиймоси ёдида сакланади ва тушини бобоси (ота томондан)га айтиб беради. Шунда боболари: «Ўғлим! Сенга туркий шайхлардан насиба тегади», – дейди. Хожа Баҳоуддин Накшбанд бир куни Бухоро бозорида бўлганларида Халил ота билан рўбарў келадилар. Бироқ суҳбат қуриш имкони бўлмайди. Хожа Баҳоуддин Халил отани уйига қадар кузатиб бордилар, сўнгра ўз уйларига қайтадилар. Тунда бир хабарчи келиб: «Шайх Халил ота сизни чакираяпти», – дейди. Ич-ичидан севинган Хожа баъзи ҳадялар олиб Халил отанинг уйига кетадилар ва шайх билан суҳбат қуриш шарафига муяссар бўладилар. Суҳбат асносида Хожа Баҳоуддин кўрган тушларини айтиб бермокчи эдиларки, Халил ота: «Сенинг кўнглингдаги нарса бизга аёндыр, айтишга ҳожат йўқ», – деди. Шундан сўнг Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг Халил отага боғлиқлиги ва муҳаббати янада ортди. Суҳбатини давом эттира бошлади.

Олти йилдан сўнг Дарвеш Халил Мовароуннаҳрга ҳукмдорлик мансабига ўтиради ва Султон Халил номи билан танилади. Хожа Баҳоуддин ҳам устозининг ёнидан айрилмади ва унинг хизматида бўлди. Баъзи манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг Султон Халил салтанатида 6 йил хизмат қилганлиги қайд этилади. Баъзиларида эса 12 йил. Умуман олганда, Накшбанд хазратлари Халил отага 6 йил подшоҳликдан олдин, 6 йил подшоҳликдан сўнг хизмат этганликлари, устознинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлари манбаларда зикр этилади. Бир оздан сўнг урушда Султон Халилнинг душмани жангда уни енгади ва салтанатини кулатади. Бу ходиса сабабли кўнгли дунёвий ишлардан узоклашган Хожа Баҳоуддин Накшбанд Бухоронинг Ревартун кишлоғига келиб, бу ерда бироз зоҳидона ҳаёт кечира бошлайди.

Баҳоуддин Накшбанднинг бу сўфий подшоҳ билан 12 йил бирга бўлганини ҳисобга олсак 735–747 (1335–1346–47) йиллари, яъни 17–29 ёшлик даврларида бу шахснинг хизматида ва суҳбатида бўлганлар. Накшбанд хазратлари ўзлари айтганларидек, «18 ёшлари атрофида» уйланганлар, тўйларига яқин Дарвиш Халил билан танишиб суҳбатларида иштирок эта бошлаган бўлишлари мумкин. Саййид Амир Кулолнинг ўша даврда унга эргашиш таклифини Накшбанд хазратлари қабул этмаганлиги аёнлашади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Султон Халил воқеасидан сўнг Баҳоуддин Накшбанд Бухоронинг Ревартун кишлоғига қайтганлар. Бу ерда хазрат зоҳидона оддий ҳаёт кечира бошлайдилар. Бир куни кечаси Амир Кулолнинг хонақоҳларига бордилар. Бироқ суҳбатларини олишга мушарраф бўлмайдилар. Ҳаво совук, қор ёққан бўлади. Саййид Амир Кулол бомдод намозини адо этишга чиққанларида, хонақоҳ эшиги остида қорлар остида қолган Баҳоуддин Накшбандга йўликадилар. Бу ҳолатни





кўрган Саййид Амир Кулолнинг муҳаббатлари жўш уриб, ул зотни хонакоҳ ичига олиб кирадилар ва шу билан умрларининг охиригача Саййид Амир Кулол бу кишини тарбиялайдилар.

Илоҳий истеъдод соҳиби бўлган бу зот аввал Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, сўнгра Саййид Амир Кулол қўлида тарбияланиб, тарикат одоби, тасаввуф таълимоти-ни эгалладилар. Шу билан бирга, Халил ота ва Қусам Шайх суҳбатларида бўлдилар. Аммо ул зотнинг ўз эътирофларига кўра, бутун қалблари билан Хожан Бузург – Хожа Абдухолик Ғиждувоний рухониятига боғланган эканлар. Яъни Бобо Самосий Баҳоуддинни «кабул назари» билан кашф этган бўлса, Амир Кулол тарикат одобини ўрнатган. Аммо рухоният жихатдан Баҳоуддиннинг пири муршидлари Абдухолик Ғиждувонийдир. Чунки Баҳоуддин Накшбанд ўзларини хожাগон тарикатининг давомчиси деб ҳисоблаб, ушбу тарикат ғояларини ривожлантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Баҳоуддин Накшбанд – валий инсон, улуғ рухоний мураббий, кўпдан-кўп поки-за ҳислатли одамларни тарбиялаган, янги силсилани вужудга келтирган зот. Шунга қарамай, ниҳоятда камтарона ҳаёт кечирган, такво, ҳалоллик, ҳақгўйлик, адолат-пешалиқда намуна бўлганлар. Ўзларига тегишли ерда дехқончилик қилиб, баъзан ота касб – кимхобга нақш солиб, лукман ҳалол билан рўзғор ўтказган. «Битта сиги-римиз бор эди, деб эслайди у киши – ўзим боқардим ва ўзим соғар эдим».


Баҳоуддин Накшбанд назру ниёз қабул қилмаганлар, аксинча, ўз рўзғорларидан ортиб қолса, бошқа муҳтожларга берганлар. Қасри Орифон ўзига хос хонакоҳга айла-ниб, Баҳоуддин Накшбанд шу ерда мурид тарбиялаш билан шуғулланганлар. У киши атрофига қалби тоза, илоҳий илмларни пухта эгаллаган, маърифат нурига ташна одамлар йиғилган бўлиб, илоҳий ҳақиқатларни кашф этиш учун суҳбатлашардилар.

Накшбандия тарикатининг асосий тарбия усули – суҳбат. Суҳбатнинг фойдаси кўп, дейди Баҳоуддин Накшбанд, чунки суҳбат орқали инсон қалбига кириб бориш мумкин. Бошқа тарикатлардаги чилла ўтириш, зикри жаҳрияни Баҳоуддин ҳазратлари хуш кўрмаганлар. Чунки чилла ўтириш, хилватнишинлик – одамлардан узоклашиш, ўзини кўз-кўз қилиш ва васвасага берилишдир. Суҳбат нақшбандиянинг бош шио-ри – «хилват дар анжуман» (одамлар ичра хилватда бўлиш)га мос эди. Зеро ҳунар би-лан, касб билан шуғулланиб ёки бирор иш билан банд бўлиб ҳам, Аллоҳ ёддини дилда сақлаш, бандалиқни бир нафас унутмаслик, ҳаммавақт, ҳамма ерда, истаган шароит-да ўзини огоҳ деб билиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаш улуғ фазилатдир.

«Дил – ба ёр-у, даст – ба қор» шиори ҳам айнан шунга тақозо этар эди. Аллоҳ қалбнингда бўлсин, қўлинг ишда. Яъни: дунёни ҳам, охиратни ҳам, унутма. Худди шу маънода хожাগон тарикатининг бошқа қондалари, чунончи: «сафар дар ватан», «хуш лар дам», «назар дар қадам» каби қудсий талаблар ботинни поклаш, ботинан Аллоҳни севиш ва шарнат йўлидан чекланмасликни чуқурроқ англаш, мустаҳкамлашга ёрдам бериб келган.

Баҳоуддин Накшбанд ҳазратлари биринчи навбатда амалий ишлар билан шуғулланган мураббий шайх бўлган. Аммо ул зотнинг хожাগон тарикати қондаларини назарий жихатдан бойитган фикр-мулоҳазалари ҳам кўп. Бу ҳақда манбаларда маълумотлар анча. Айрим талқикотчилар «Ҳаётнома», «Далил ул-ошиқин», «Аврод» ном-ли асарларни у кишига нисбатан берадилар. Бироқ бу асарлар унчалик тарқалмаган,





шекилли. Чунки Накшбанд хазратларига нисбатан бериладиган сўзлар аксар манокиб ва тақираларда учрайди.

Агар бу сўзларни жамлаб ўргансак, накшбандия тарикатига оид куйидаги қондалар келиб чиқади:

Пайғамбар (с.а.в.) суннати, шариат аҳкомларидан четга чикмаслик. Шу маънода зикри жаҳрия эмас, зикри хуфияни ихтиёр этиш («Мо ин кор намекунем, аммо инкор намекунем»).

Тарбияда ботинни поклаш ва руҳоний камолотга асосий эътиборни қаратиш. Шу маънода хилватнишинлик, узлатни тарк этиб, жамият ичида бўлиб, Аллоҳни дилда сақлаш, зикрни қалб билан адо этишга эришиш.

Шундан келиб чиқиб, орифона суҳбатлар, мурукаба, истиғрок (ғарк бўлиш) каби усуллардан кенг фойдаланиш. Муридларнинг ихлосини синаб кўриш.

Сўфий ўз-ўзини назорат қилиб бориши, қириб-чиқаётган нафаси, фаолияти, умри нимага сарфланаётганини ҳисоблаб, ўзини огоҳлик билан ростлаб бориши даркор. Ботинга сафар қилиш орқали нафсни тарбиялаш, инсонийлик ҳислатларини кўпайтириб боришга эришиш.

Фақрлик ва тавозени ўз ахлоқ қондасига айлантириш. Фақрлик – гадолик ёки ўта кашшоқлик эмас, балки молу давлатга эга бўлса ҳам, ўзини Худо талабгори, бу дунёда ҳеч нарсага эга эмас деб билиш. Хокисорликнинг намунасини кўрсатиш. Фақирликнинг биринчи шарты нафсни бадном этиш ва ҳар лаҳзада «табиий вужудни қафолатлаб туриш»дир. Фақрлик, шу маънода ҳам ахлоқий сифат, ҳам мартаба ва мақомдир. Фақр мақомига етиш учун «жисм фано шуъласига яширинган» (Алишер Навоий) бўлиши, қалб Аллоҳ ишки ва жазбаси билан тўлиб-тошиши лозим. Киши хуш хулқи, нажиб сифатлари билан фазлу камолот ва кашфу қаромат соҳибига айланади. Сўфий мол-мулки бор-йўқлигига қарамай, Аллоҳ наздида фақир ва ҳақирдир. Ҳам шу боис буюқдир, азиздир, севимлидир.

Шу ақидадан келиб чиқиб, накшбандийлар тахтда ўтириб ҳам, мансаб-амал эгаси бўлиб ҳам дарвеш бўлиш мумкин, дейдилар. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро Жомий ва Навоий назарида «ҳам шох, ҳам дарвеш», яъни қалбан дарвеш одамдир.

Ҳазрати Баҳоуддин Накшбанднинг қарашларини ифодаловчи ҳикматли сўзларидан яна баъзи мисоллар келтирамиз.

«Ўз нафсларингизни ёмонлаб, таҳқир этиб туринг, чунки қимқи Ҳақ субҳонаху ва таоло инояти бирла ўз нафсини ёмон деб таниган бўлса, бу амал унинг учун осондир».

Иймон – қалбни Аллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб, Ҳаққа боғлашдир.

«Анжуманда хилват – «зоҳир юзидан халқ билан ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаху таоло билан бўлмоқдир».

«Бандалик хожалик била тўғри келмас, биз қул ва хизматкор тутмадик».

«Элнинг юқини енгиллаштиринг, элга юк бўлманг».

Баҳоуддин Накшбанд тарикати осойишта ва чин маънодаги маърифий тарикатдир. Тафаккур ва тахайюл меваларидан баҳрамандлик, бадиий ижод намуналаридан фойдаланишга кенг йўл берилган. Бехудлик, шатҳиялар айтиш, қавмни таҳликага солиш, авом англамайдиган ҳаракатлар қилиш манъ қилинган.



Накшбанд ҳазратлари мулойим-табиат, раҳмдил одам бўлганлар ва шундай одамларни яхши кўрганлар. У зотнинг ўғитларидан: «Дилозордан Худо безор, барча мўминларга, ҳатто кофирларга ҳам раҳмдил бўлинг, чумолига ҳам озор берманг». Пирлари ҳазрати Амир Кулолнинг мана бу сўзини такрорлаб юардилар:

Маёзор мўру маёзор қас. Раҳи растакори ҳамин асту бас.
(Чумолига ҳам. одамга ҳам озор берма, нажот йўли шудир.)

Баҳоуддин Накшбанд таълимоти катта ижтимоий таъсирга эга эди. «Худо олдида барча баробар, шоху гадо деб ажратиш бўлмас», – дер эдилар. Бу:

а) турли ижтимоий табакалар;

б) турли миллат ва қавмларни бирлаштиришга қаратилган бўлиб, ажримачилик ва снэсий тўкнашувларнинг олдини олишга ёрдам берган.

Накшбанд бутун умр илм нстаб, илм ўрганнш, жажлдан узок туришни насихат қилдилар.


У кишининг муридлари ҳаммаси муайян касб эгаси бўлган, касб билан ҳалол лукма топиб ейиш талаб қилинган. Камтаринлик улуғланиб, турли кийимлар кийиб ўзини кўз-кўз қилиш, сўфийман деб идлао қилиш, керилиш катта нуқсон деб қаралган.

Мана шу жиҳатлари билан ҳам накшбандия таълимоти обрў-эътибор қозонган. Бутун ҳаракат-фаолият, ўғит-насихатлар, тоат-ибодат ҳам инсонийлик жавҳарларини кашф этишга қаратилган. Инсонийлик жавҳари эса илоҳий ахлоқ ва исломий имон мустаҳкамлигини таъминлаш орқали қўлга киритилади.

Муқаддас ҳаж зиёратлари

Ҳожа Баҳоуддин Накшбанднинг шайхлик даврларидаги муҳим воқеалардан бири ҳажга боришларидир. Ул зот 2 марта ҳажга борганлар. Илк ҳаж борганлари хижрий 771/мелодий 1370 йилда муридлари билан бирга бориб, Марв, Сараҳс, Майхон каби шаҳарларда тўхтаб ўтганлар. Майхон шаҳрига келганларида таникли шайх-шоир Абу Санд Абул Хайрнинг авлодидан бўлган Ҳожа Муайяднинг уйида меҳмон бўладилар. Маккада бўлганларида кенжа ўғиллари вафот этади. Ҳаждан қайтишда Бағдоддан ўтиб Мозандоронга келадилар. У ерда таникли уламо Сайфиддин Абҳарий билан кўришадилар, сўнгра Мозандорондан Марвга келадилар. Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд бир муддат шу ерда истикомат этадилар. Ҳожа Баҳоуддин Марвда бўлганларида Бухородан бир хабарчи келиб, ул зотни Мавлоно Ориф Деггароний йўқлаётганларининг хабарини беради. Ул зот Деггарон кишлоғига Мавлоно Орифнинг хузурларига келадилар. Ўлим тўшағида ётган шайх иршод вазифа (мажбурият)сини Ҳожа Муҳаммад Порсога хавола этганини айтиб вафот этади. Унинг вафотидан кейин Накшбанд ҳазратлари яна Марвга равона бўладилар. Яна бир муддат у ерда қолиб, сўнгра Бухорога келадилар. Бухорога қайтган кунлари шайхлари Саййид Амир Кулол хижрий 772/мелодий 1370 йилда вафот этадилар. Саййид Амир Кулол вафот этишларидан олдин муридларига Ҳожа Баҳоуддин Накшбандга эргашншларини васият қилади. Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд ўшанда 52 (хижрий таквим билан 54) ёшда эдилар. Оталари ҳали ҳам ҳаёт бўлиб, Бухорода яшарди.






Хожа Баҳоуддин Накшбанд иккинчи марта ҳажга борганлари вафотларига яқин санада (790/1388 ёки бундан олдин) содир бўлган. Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ёнларида бўлади. Марвга етганларида Хожа Порсонни бошқа муридлари билан бирга Бовард (Абивард) йўли билан Нишопурга юбордилар. Ўзлари эса Хиротга бориб Зайниддин Абу Бақр Таёбодий (ваф. 791/1388–89) билан кўришадилар ва у шайх билан 3 кун суҳбатлашиш шарафига муяссар бўладилар. Сўнг ҳаж зиёратларига давом этиб, Нишопурда Бухородан бирга чиккан муридларига кўшиладилар. Бағдодга етиб келганларида у ердан туяни кира килиб Маккаини мукаррамага етиб келадилар. Ҳажни адо этгач, қайтишда Бағдодга келганларида Шайх Нуриддин Абдурахмон бошлиқ тасаввуф мажлисида иштирок этадилар. Бағдодда бўлганларида яна «кодирия» тарикатининг асосчиси султон ул-авлиё Шайх Абдулқодир Жийлонийнинг қабрини зиёрат этадилар. У ердан Марвга келиб бу ерда бироз истикомат этадилар, сўнгра Бухорога қайтиб ва умрларининг охирига қадар шу ерда Қасри Орифонда умргузаронлик қиладилар. Ҳаж зиёратидан қайтган Хожа Баҳоуддин Накшбанд касал бўладилар ва вафотларининг яқинлигини билиб, муридларига ўзларидан кейин маънавий ўринбосар сифатида Хожа Муҳаммад Порсонни қолдиришларини таъкидлайдилар.

Оилалари

Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг оталарининг исми – Муҳаммад. Оналарининг исмлари қадимий манбаларда қайд этилмаган бўлсада баъзи янги асарларда, эхтимол, оғзаки урф-одатга таяниб – Орифа бўлганлиги айтилади. Баҳоуддин Накшбанднинг оталари кейинчалик Амир Баёнқулихон ҳарбий хизматида фаолият олиб борган. Бирок, қандай вазифада бўлганлари тўғрисида маълумот йўқ. Хожа Баҳоуддин Накшбанд шайхлик даврида муриди Амир Хусайнни Термиз томонидаги бу армиянинг ҳарбий қисмига жўнатиб, отасини Бухорога таклиф этган. Дастлаб бу таклифни қабул қилмаган оталари бир қанча можародан сўнг Бухорога келишга рози бўлган. Бундан Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг шайхлик даврида оналари билан оталари ҳаёт эканлиги аёнлашади. Хожа Баҳоуддин Накшбанд биринчи марта ҳажга 771/1370 йилда оталари билан борганлари тўғрисида маълумот бор. Ҳаждан Бухорога қайтганларида оналарининг қабрларини зиёрат этадилар. Хожа Баҳоуддин Накшбанд бемор оталарига: «Суратан сиз менинг отамсиз, аммо, маънан мен сизнинг отангизман. Сиз мени шаклан тарбияладингиз, мен сизни маънан тарбиялайман» деганларидан оталари қариллик чоғида ҳазрат Накшбандга эргашган, деган тахмин юзага келади. Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг ота-оналарининг вафот саналари маълум эмас. Оналарининг қабрлари Бухоронинг Қасри Орифон кишлоғида, Баҳоуддин Накшбанд ёдгорлик мажмуаси ҳудудида.

Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг қомил инсон бўлиб етишишларида Самосийнинг муридлари бўлган боболарининг хизматлари қатта. Шунингдек, манбаларда, Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг солиҳа бир бувиси бўлганлиги қайд этилган. Бирок батафсил маълумот ҳеч қаерда учрамайди. 18 ёшларида уйланган ҳазратнинг аёллари тўғрисида ҳам шундай. Ҳазрат Накшбанд қул ва жория сакламаганлиги тўғрисида манбаларда зикр этилган бўлса-да, бироқ хизматларини табаррукан килиб юрган бир жориялари бўлганлиги зикр этилган.





Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг 4 киз ва 1 ўғиллари бўлган. Бир кизларни ёшлигида вафот этган. Қолган 3 кизлари қуйидагилар:

1. Биби Хотуни Калон. Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг энг катта кизлари бўлиб, Алоуддин Атторнинг ўғли Ҳасан Атторга турмушга чиққан. Бу турмушдан Юсуф Аттор ва Муҳаммад Аттор исмли икки ўғил бола ва 4 киз дунёга келган. «Рашаҳат» китоби муаллифи Фаҳруддин Али Сафий янглишиб Накшбанд ҳазратларининг кизлари билан Алоуддин Атторнинг турмуш курганини айтган, бу хато кейинги баъзи муаллифларда тузатилган бўлса-да, баъзи китобларда кўзга ташланади.

2. Биби Робия Хотун. Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг ўртанча кизлари. Аллома Мавлоно Фазлulloҳ Найнстонийга турмушга чиққан.

3. Биби Сарвар Хотун. Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг кенжа кизлари. Отасининг вафотидан кейин Абул Ҳайр Туркистонийга турмушга чиққан. Бу турмушдан Хожа Баҳоуддин Набира, Хожа Амир Али ва Хожа Мирак дунёга келади.

Хожа Амир Алининг ҳам 3 ўғли бўлган: Хожа Мир Муҳаммад, Шайх Зайниддин ва Хожа Баҳоуддин. Хожа Мир Муҳаммаднинг ҳам 3 ўғли бўлган: Хожа Мирак, Мирзо Оёк ва Низомиддин Аҳмад.


Юқорида кайд этилганидек, Хожа Баҳоуддин Накшбанд биринчи марта хажга борганларида Бухорода бир ўғиллари вафот этади. Булардан 3 кизлари ҳаёт қолиб наслини давом эттирган. Аммо вафот этган ўғли ва кизининг аслида айни бир бола бўлиб манбаларда жинси адаштириб ёзилган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳасанхожа Нисорий Бухорийнинг (ваф. 1005/1596 й.)нинг «Музакири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») китобида Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг зурриётларидан бўлган баъзиларининг номлари келтирилган. Низомиддин Мир Муҳаммад Накшбандий, Саййид Ҳодий Накшбандий, Саййид Иброҳим, Хожа Ҳасан Накшбандий шулар жумласидандир. Бадахшонийнинг «Жомеъ ус-салосил» китобида Хожа Ҳасан Мазорий ҳам Баҳоуддин Накшбанднинг наслидан эканлиги кайд этилган. Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг зурриётларидан бир қисми ўзлари билан бирга Қасри Орифонда дафн этилган. Қолганлари Кобул ва Дехлида онла қуришиб ўша ерларда вафот этганлар.

Вафотлари

Хожа Баҳоуддин Накшбанд умрларининг охирида ўлимни кўп ёдга ола бошлаганлар. Хасталиклари авж олгач бир қарвонсаройга борадилар. Хасталигининг охиригача қарвонсаройнинг кичик бир хонасида қоладилар. Ёнларида фақат сараланган муридлари бор эди. Хожа Баҳоуддин Накшбанд кишлоқларига нисбатан холироқ бўлгани учун бу ерни афзал кўрган бўлишлари мумкин. Ётоқларидан ёнларидаги муридларига алоҳида илтифот кўргазар эдилар. Кейин Алоуддин Ғиждувонийга: «Дастурхон келтир, овқат е!» – дедилар ва бу сўзни бир неча марта такрорладилар. Ёнларидаги баъзи муридларни эса Накшбанд ҳазратлари ўзларидан кейин иршод ижозатини кимга беришлари қизиқтираётган эди. Вазиятни тушунган Хожа Баҳоуддин Накшбанд ижозат бериш ишининг ўз ихтиёрларида эмаслигини айтадилар. Бошқа бир ривоятга кўра: «Бу масаладаги сўзимиз, Макка йўлида айтганимиз. Агар ким бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога қарасин», – дейдилар. Ётоқларида узундан-узун дуо қиладилар. Алоуддин Аттор эса ҳазратнинг бошларида «Ёсин» сура-сини қироат этар эди. Сура ярмига етганда Хожа Баҳоуддин Накшбанд бу дунёдан





кўз юмдилар. Фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилганлари хижрий 791 йилнинг 3-рабну-л-аввали (мелодий 1389 йилнинг 1 марти)да душанба куни кечаси эди. Ул зот хижрий-камарий йил ҳисоби билан 73 ёшни тўлдириб 74 га кирган эдилар. Мелодий тақвим ҳисобида 71 ёшни тўлдирганлар.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд баъзи муридларига Қасри Орифондаги боғларига ишора этиб: «Бизнинг кабримиз мана шу ер бўлади», – деб васият этганлар. Муридлар вафотларидан кейин ҳазратни айтган боғларига дафн этдилар. Жанозаларида Румийнинг:

Муфлисонема омада дар кўйи ту,
Шайъан лиллоҳ аз жамоли рўйи ту, –

байти ўқилади. Бунинг маъноси: «Сизнинг ҳузурингизга келган муфлис-сўфийларингиз, Худонинг розилиги учун жамолингиздан бир марҳамат тилаймиз».

Қабрларининг атрофида вақт ўтиши билан масжид, мадраса, хонакоҳ, мусофирхона каби иморатлар қурилиб, натижада қатта бир мажмуа ҳолига келган. XVI асрда Токи Миёна, Диловар ва Салом дарвозалари қурилган. Токи Миёнадан Салом дарвозасигача бўлган ҳудудда «Даҳмаи Шоҳон» («Шоҳлар хилхонаси») ўрин олган. Унда Абдулазизхон (1540–1549), Абдуллоҳхон (1583–1598), Имомқулихон (1611–1642), Субҳонқулихон (1682–1702) ва Нодир Девонбеги (XVII аср) каби Бухоро ҳукмдорларининг оилавий даҳмалари мавжуд. Мажмуада, шунингдек, шайбоний Абдулазизхон 951/1544 йилда қурдирган хонакоҳ, Амир Музаффархон ва Абдулҳаким Қушбеги томонидан бино қилинган масжидлар, қорихона, мусофирхона каби тарихий-меъморий обидалар жойлашган.

Тасаввуфий қарашлари

XII асрда диний билимлар ва шарият уламоларининг маркази ҳисобланган Бухоройи шарифда Абдулҳолик Ғиждувоний асос солган хожагон тариқати ўша давр ва минтақанинг маданиятига уйғун тарзда шаклланди.

Абдулҳолик Ғиждувоний ўз тариқатида жаҳрий зикр, самоъ ва хилватга кенг ўрин бермай, янгича услуб кўллайди. Суннатга эътибор бериб, бидъату хурофотлардан йироқлашишга аҳамият беради. Ўз муридига: «Фикх ва ҳадис илмини ўрган, жоҳил сўфийлардан йироқ бўл, молинг фикх китоблари бўлсин, сени мактасалар гурурланма, маломат қилсалар ранжима, инсонлардан ҳеч нарса тама қилма, ғуғувват аҳлидан бўл ва Ҳақ таоло сенга нима берса халққа эҳсон қил!», дея насиҳат қилиши унинг эътиқодида Хуросон маломатийлик тушунчаси ва Мовароуннаҳр диний муҳити жамулжам бўлганлигини кўрсатади. Бу синтез кейинчалик хожагон тариқатининг бош хусусияти сифатида давом этди ва тахминан икки асрдан сўнг нақшбандия тариқатига мерос бўлиб ўтди. Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг тасаввуфий дунёқарашини уч асосий тамойилга ажратиб ўрганиш мумкин: исломий қоидаларга асосланиш; аҳли сунна вал жамоа эътиқодига риоя; маломатийлик тушунчасига боғлиқлик.

Исломий қоидаларга боғлиқлик. Нақшбандия таълимотининг асосий хусусиятларидан бири – амри маъруф ва наҳй мункарга қаттиқ риоя қилиш, дин уламоларига ҳурмат кўрсатиб, бидъат амаллардан сақланишдир. Шу жиҳатдан бўлса керак,





накшбандия тарикати турли бидъатлардан, ботинийлик ва хуруфийлик каби ботил таълимотлар таъсиридан ўзини мухофаза эта олган. Хусайн Вассоф (ваф. 1929 й.) бу ҳолатни ўз китобида бундай ифодалайди: «Бу олий тарикатда бидъат ишлар йўқлиги ва уларнинг маслакларига (шариатга нисбатан) эътиборсизлик дохил этмаганидан умумисломий жамоатчилик наздида (бу тарикат) хакикий маънода эътироф этилган ва тез орада кенг тарқалган. Бу тарқалишда таъсирли омил ислом уламосининг (хожагон-накшбандияга) рағбат кўрсатишидир». Хусайн Вассофнинг XX аср бошида берган бу баҳоси накшбандиянинг барча даврлардаги мавқеига дахлдордир.

Абдулҳолик Ғиждувоний фанойи нафс мартабасига ўнг кўлда Куръони каримни, чап кўлда ҳадиси шарифни ушлаган ҳолда, уларнинг нури билан юрган кишигина эриша олади дейди. Муридига: «Фикҳ ва ҳадис илмини ўрган, жохил сўфийлардан узок юр!», дея насихат қилиши унинг диний ҳукмларга нечоғли эътибор берганлигини кўрсатади. Хожагон машойихининг: «Хожалар (дин олимлари) бизнинг саййидларимиз» дея уламои киромга ҳурмат бажо келтирганлиги маълум. Хожа Али Ромитанийнинг мажлисида олимлардан бири уни мактаб: «Сиз мағзсиз, биз эса пўстлок», дебди. Шунда Хожа Али Ромитаний: «Мағз пўстлокнинг химоясидадир», деган экан. Унинг бу сўзини изоҳлаган Муҳаммад Арзангий ёнғок пўстлоғи (пўчоғи)нинг шариатга, мағзининг эса тарикатга ўхшашини, пўстлоксиз мағз чириб кетишини баён этади. Яъни, мағз пўстлокка муҳтож бўлганидек, тарикат аҳли ҳам шариат олимларига муҳтождир.


Дўст ва муридларига диний амрларга ва илмга суянишни тавсия этган Саййид Амир Кулолнинг: «Бирор киши сизлардан мазҳабга доир савол сўраса-ю, жавоб беролмасангиз, бундан ҳам хунукрок иш бўлмайди. Бу ҳолат сизнинг ғафлатда эканлигингизни билдиради... Олимларга яқинлашинг, чунки улар умматнинг машъалидилар», – дегани ривоят қилинади. Саййид Амир Кулолнинг ўғли Саййид Амир Ҳамза Абу Ҳафс Умар Насафийнинг (XII аср) сўзларидан баҳс юритаркан, ботил йўлдаги сўфийлардан қочиб, диний фармонларга боғлиқ равишда яшашни тавсия этади.

Баҳоуддин Накшбанд кўпроқ ҳадис илмидан таҳсил олиб, илмга ва илм аҳлига катга аҳамият берарди. Шу хусусияти боис Бухоро мадрасаларидаги кўплаб мударрис ва талабалар унга мурид бўлишиб, суҳбатларига катнай бошлаганларида баъзи олимлар мадрасалар бўшаб қолишдан андишаланганлар. Шунда Баҳоуддин Накшбанд олимларга: «Тарикатимизни сизга тушунтирайлик, агар шариатга ва суннатга тўғри келса йўлимизда давом этаверамиз, агар тўғри келмаса воз кечамиз», – деган экан. У ҳалол ва ҳаром масаласида жуда эҳтиёткор бўлар, шубҳали таомлар емас, муридларига ҳам едирмас эди.

«Биз Аллоҳнинг лутфи билан (маънан) нимага эришган бўлсак, Куръони карим оятлари ва ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларига амал қилганлигимиздандир. Бу амалдан бирон натижага эришмоқ учун такво қилиб, шариат қоидаларига азимат билан риоя қилмоқ, аҳли сунна вал жамоа эътиқодига амал қилмоқ ҳамда бидъатлардан қочмоқ керак», – дейди Баҳоуддин Накшбанд.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор фано ва бако мартабаларига факат ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га, шариатга ва аҳли сунна вал жамоа йўлига эргашиш билангина эришмоқ мумкинлигини айтади. У факирларнинг ҳаққидан кўрқиб, вақф молни ейишдан ўзини саклар эди. Ҳалол озука тасаввуф йўлида камолотга эришиш учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидларди. Пайғамбар (с.а.в.)га эргашиш, олимларга ҳурмат





кўрсатиш лозимлигини айтаркан, илми тирикчилик ва мансаб учун восита қилиб олган олимлардан узоқлашиш лозим дейди. У Саййид Қосим Табризийнинг баъзи муридлари диний амалларга риоя қилмаганлиги учун унга интисоб этиш фикридан воз кечган экан.

Хожагон-накшбандия машойихлари дунёкарашида амри маъруф ва наҳй мункарларга шунчаки итоатлар билан эмас, балки азимат (такво) билан амал қилиш мавзуси муҳим ўрин тутади. Баҳоуддин Накшбанднинг тушида Абдулхолик Ғиждувоний: «Доимо оёқни шариат ва истикомат сажжодасига қўйиш, азимат ва суннат билан риоя этиш, рухсат ва бидъатдан йироқ туриш лозим», – дея тавсия қилгани учун Хожа Баҳоуддин азимат билан ҳаракат қилмоқ ниятида жаҳрий зикрни тарк этиб, хафий зикрни бошлаганлар. Ҳатто ривоят қилинишча, совук киш бўлишига қарамай, диний фатвога кўра таяммум қилиш ўрнига, такво йўлини танлаб, Бухоронинг Ревартун кишлоғидан Қасри Орифонга қадар бориб, катта қийинчиликлар билан сув топиб ғул қилган эканлар.

Саййид Амир Қуллонинг: «Рухсатлардан узоқлашинг, кучингиз етгани қадар азимат билан амал қилинг. Рухсат билан амал қилиш заиф инсонларнинг ишидир», дегани ривоят қилинади. Баҳоуддин Накшбанднинг улуг шогирди Хожа Муҳаммад Порсо эса: «Аҳлуллоҳнинг усули фарқлидир. Баъзилари рухсат билан амал қилади, бундан мақсадлари халқнинг манфаатидир. Баъзилари эса азимат билан амал қилади, уларнинг ҳам мақсадлари халқнинг фойдасидир. Аммо азимат билан амал қилиш халқ учун фойдалироқ ва таҳликадан янада узоқдир», деган экан. Пайғамбар (с.а.в.) таҳажжуд намозини гўрт, олти, саккиз ва ўн икки ракат каби фарқли микдорларда адо этилганлиги нақл этилса-да, хожагон ва илк давр накшбандийлари ўн икки ракат қилишни ихтиёр этганлиги азимат билан амал қилишга бир далилдир.

Аҳли суннатга боғлиқлик. Аҳли сунна вал жамоа ақидасига эътиқод қилинган Бухоро диёрида дунёга келиб, кенг тарқалган хожагон-накшбандия тариқати Қуръон ва суннатга таянгани учун бу хусусиятни доимо муҳофаза этиб келган. Машойихлар силсиласининг бошқа кўплаб тариқатлари каби ҳазрат Али (к.в.)га эмас, балки ҳазрат Абу Бакр Сиддик (р.а.)га бориб тақалиши ҳам хожагоннинг суннийликка берган аҳамиятнинг ёркин далилидир.

Абдурахмон Жомий ҳам «Нафаҳот ул-унс» асарида хожагон ва накшбандий шайхларини тилга оларкан, уларнинг аҳли сунна вал жамоа мазҳабига мансублигини махсус таъкидлаган.

Тасаввуф йўлида илгарилаш учун аҳли сунна эътиқодига риоя қилиш лозимлиги, чунки аҳли сунна фирқаи ножия (нажот топган гуруҳ) эканлигини қайд этган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор: «Агар хожагон-накшбандия тариқати дарвешларининг эътиқодини сўрасалар, улар аҳли сунна вал жамоа эътиқодидалар, деб айт», дейди. Аҳрория шўъбасидан Шаҳобиддин Ғованд Маҳмуд (ваф. 950/1543 йилдан кейин) ҳам: «Шайхларимизнинг усули ҳазрат Пайғамбар суннатига ва аҳли сунна вал жамоа мазҳабига эргашмоқдир», деган экан.

Маломат тушунчаси асосларига боғлиқлик. IX асрда Нишопурда Ҳамдун Қассор (ваф. 271/884 й.) асос солган маломатийлик мактабининг бош асослари даврлар ўтиши мобайнида бошқа тариқатларга ҳам таъсир қилган. Булар орасида энг кўп таъсирланган тариқат хожагон-накшбандия тариқатидир. Хожан Жаҳоннинг «Васият-





лар» китоби назардан ўтказилганда, Хуросон сўфийларининг маломатий карашлари излари очик-ойдин кўринади.

Луғатларда ёзиллишича, «маломат» сўзи «маломат килиш, коралаш, айблаш» каби маъноларни билдиради. Яъни, маломатийликда инсон ўз тоат-ибодатларини нокис билиб, нафсини маломат килиши, шу билан бир каторда бошқаларнинг ҳам уни маломат килишидан кўркмаслиги асосий конда ҳисобланади. Куръони каримнинг «Аллохнинг (тоати) йўлида жидду жаҳд килувчи, маломатчининг маломатидан кўркмайдиган бўлурлар» (Монда, 54) ояти каримаси ушбу кондага мисол бўла олади. Лекин маломат тушунчаси шу билангина кифояланмайди. Халкнинг маломатига қолиш учун маломатийлар қилган яхши ишларини кўрсатмаслиги, ёмон ишларни эса яширмаслиги лозим. Уларда «инсонларнинг узоклашишларига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни намоён қилиш керак» деган фикр илгари сурилади. Маломатийлар халкнинг эътибори, илтифоти туфайли юзага келадиган кибр ва уждан сакланмок учун бундай ишларни ўзлари учун жонз деб билганлар. Лекин кейинги асрларга келиб, баъзи каландарий машраб сўфийлар бу ишда хаддан ошиб, халкнинг маломатига сазовор бўлиш учун соч, сокол, мўйлов ва қошларини тарошлаб (чаҳорзарб уриш), одамда нафрат кўзгайдиган турфа хил кийимлар кийишгача боришган. Абдурахмон Жомий ўз даврида маломатийларга ўхшаганларни икки гуруҳга ажратиб, ҳақиқийларини каландарий, сохталарини эса ошқора гуноҳ килувчи зиндик дея ифодалайди.

Маломат тушунчасининг муҳим асосларидан бири сўфийнинг ўз маънавий холини яшириши, шуҳрат ва риёдан қочишидир. Шу мақсадда улар халқ орасида ориф бир сўфий сифатида юргандан кўра эл катори оддий бир инсон бўлиб юришни ихтиёр этадилар. Риёдан сакланиш учун кароматларини сир тутадилар. Самоъ мажлисларида важдга келиб, рақсга тушишдан, баланд овоз билан (жаҳрий) зикр қилишдан, тарикатга мансублигини кўрсатадиган маҳсус кийим кийишдан, хатто тақя – хонақоҳ барпо этмоқдан сакланадилар. Тарикат маросимларига аҳамият бермайдилар, ҳашаматли макбаралар қурмайдилар, ўзлари учун ҳам қурдирмайдилар. Футувват нашъасида эса фидокор ва жўмарддирлар. Қўл меҳнати билан кун кечиршига аҳамият берадилар. Бу хусусиятларни хожагон-нақшбандия тарикати вакилларида ҳам кўриш мумкин.


Х асрда пайдо бўлган маломат тушунчаси XII–XIII асрларда бир-бирдан фаркли икки йўналишда шаклланди. Булардан бири каландарий машраб тарикатлардан ҳайдария ва жавлокия бўлса, иккинчиси, диний кондаларга маҳкам амал қилувчи ва маломатий карашларни илгари сурган нақшбандия тарикатидир.

Маломатийларнинг тасаввуфий карашлари билан Абдулхолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг фикр-қарашлари қиёсланганда маломатийлик тушунчаси хожагон-нақшбандия таълимотига нечоғли таъсир кўрсатгани янада равшанлашади.

Нақшбандия тарикатига мансуб белгилар қуйидагилар:

а) маломат қилувчининг маломатидан кўркмаслик. Абдуллох Ансорий (ваф. 481/1089 й.) маломатийликни «Ҳақ таоло йўлида халкнинг коралашларидан кўркмаслик» дея таърифлайди. Абдулхолик Ғиждувоний муридига тавсияларида: «Халкнинг сени макташи билан ёмонлаши сенинг назарингда бир хил бўлсин ҳамда халкнинг маломатидан ранжима» дейди. Балавлат онла фарзанди Алоуддин Аттор акаларининг тўскинлик қилишларига қарамасдан, бозорда олма сотаверади. Бошқа





бир ривоятга кўра эса Аттот Бахоуддин Накшбандга мурид бўлишни истаганида Накшбанд ҳазратлари ҳўкиз ишкамбасининг ичини ташқарига ўгириб, бошига қўйиб келишни буюрганида Аттот бозордагиларнинг маломатларига эътибор бермай, устозининг амрини бажо келтирган.

б) эл катори бир инсон каби юриш, тарикат белгисини билдирувчи махсус кийим киймаслик ва шуҳратдан сакланиш. Маломатийлардан Абу Ҳафс Ҳаддод (ваф. 264/878) кўчада эл катори оддий кийиниб юрар, уйга келганида сўфийлик хиркасини киярди. Абу Абдурахмон Суламий (ваф. 412/1021) халк қандай кийинса, шундай кийинишни маломатийларнинг асосий қондалари орасида тилга олади. Маломатийлар ўз маънавий аҳволини яшириш учун сўфиёна хирка ва тож ўрнига савдогар ё уламо-лар кийимини кийишни ихтиёр этганлар.

Хожагон ва накшбандиянинг илк даврларига назар солинганда, махсус бир андоза ва рангда хирка ё тож кийишнинг мавжуд бўлмаганлиги кўринади. Бу нарса ҳеч вақт тарикатнинг бош қондаси бўлмаган. Боз устига кўплаб накшбандия машойихи уламо каби оддий салла ўраганлар. Ҳусайн Вассоф ҳам бу хусусни қуйидаги жумласида махсус таъкидлайди: «Накшбандия тарикати солиқларида бошқа тарикатларда бўлганидек махсус бир либос йўқ. (Уларда) ҳар ким маслагига кўра кийинади. Накшбандия машойихи эса, асосан, уламо киёфасида юрадилар...».


Хожагон даврига мансуб ва тахминан XIV асрнинг ўрталарида Муҳаммад Аъяд Бухорий томонидан қаламга олинган «Маслак ул-орифин» асарида муридларнинг маънавий даражаларига кўра фарқли рангларда хирка кийганликлари баён этилса-да, бу анъана накшбандийларнинг эмас, кўпроқ кубравийлар каби бошқа тарикатларда намоёндыр. Мазкур асарда бу маълумотлар бошқа тарикатлардаги ҳолатни тушунтириш ниятида қайд этилган бўлиши мумкин. Зеро, хожагон улуғлари: «Бизга кўра хирка эмас, хирфа (маслак, касб-хунар) муҳимдыр» деганлар.

в) хилват. Маломатийликнинг энг муҳим асосларидан бири шуҳратдан қочишдыр. Бахоуддин Накшбанд ва накшбандия тарикати вакиллари «хилватда шуҳрат бор, шуҳратда офат» фикри билан хилватга қўп аҳамият бермаганлар ва «халк орасида Ҳақ билан бўлиш» дея таърифланган «хилват дар анжуман» қондасини қабул қилганлар. Абдулҳолик Гиждувоний «хилват эшигини ёп, суҳбат эшигини оч», Бахоуддин Накшбанд эса «Йўлимиз суҳбат йўлидыр, хилватда шуҳрат, шуҳратда офат бор» деганлар.

Ривоят қилинишича, Саййид Амир Кулолнинг ўғли ва халифаси Саййид Амир Ҳамзадан бир шайх: «Тарикатингизда нима учун хилватда ўтиришга кам эътибор берилади?» дея сўраганида, Амир Ҳамза: «Хилватда ҳам суҳбат қуриш учун бир рафик керак», – дея жавоб берган экан. Бу шайх Амир Ҳамзага хилватда рафик бўла олишини айтганида, Амир Ҳамза: «Сизнинг хилватингиз қандай?», – дея сўради. Шайх: «Бир кўза сув ва қирк дона майиз билан қирк кунни ўтказамиз», – дейди. Амир Ҳамза: «Бизнинг хилватимиз эса бир таҳорат билан хилватга кириш, ҳар кун бир қўй ейиш ва қирк кун ўша таҳорат билан намоз ўқишдыр», – дейди. Хожа Накшбанд Амир Ҳусайннинг саволига жавобан тарикатида хилват ва самоънинг ўрнига «Хилват дар анжуман» қондаси борлигини айтган.

Жамият орасида танҳо бўлиш деган маънони билдирувчи «Хилват дар анжуман» атамаси сўфийнинг бир чеккада ўтирмасдан, халк орасида бўлиши, лекин жисман одамлар орасида бўлса ҳам, ботинан улардан узоқда, Аллоҳ билан бирга бўлишни





бидиради. Зоҳирда халқ билан, ҳақиқатда эса Ҳақ билан, «Даст – ба қор-у дил, ба Ёр» – кўл ишда, кўнғил Ёрда, «тан дар бозору дил ба Ёр» – тан бозорда, қалб Ёрда қаби шиорлар худди шу мазмунда кўлланилган. «Хилват дар анжуман» коидаси: «Эртаю кеч У зотни поқлайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан, намозни барқамол адо этишдан ва зақот беришдан чалғита олмас» (Нур, 37) оятига кўра қабул қилинган. Баҳоуддин Накшбанд ҳажга борганида Мино бозорида бир ўсмирнинг беш минг динорлик савдо қилаётганини, лекин қалбининг бир лаҳза бўлса ҳам Аллоҳдан гофил бўлмаганини мушоҳада этиб, у ҳақда фахр билан сўзлаган экан.

Абдулҳолик Ғиждувонийнинг муридларидан Авлиё Кабир «Хилват дар анжуман»ни изоҳларкан, шундай дегани нақл этилади: «Доимий зикр қилган одам зикрдан ҳосил бўлган вазду истиғроқ билан шундай бир мартабага етадики, зикр қалбини қуршаб олганидан зокир бозорга кирса ҳам ҳеч қандай овозни эшитмайди». Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳам зикрга берилган солиқларнинг беш-олти кун шундай ҳолни ҳис қилганликларини, халқнинг шовқинини зикр садоларидек эшитганларини баён этади. Маҳдуми Аъзам Аҳмад Косоний фикрича, «Хилват дар анжуман»нинг ботиний маъноси қасратда ваҳдатни (кўпчилик орасида бирликни) мушоҳада этмоқдир. «Бандам менга нафл ибодатлар билан яқинлашади, оқибатда уни севаман. Уни севгач, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, гапирадиган тили ва ушлайдиган кўлига айланаман. Мен билан эшитади, мен орқали кўради...» мазмунидаги қудсий ҳадисда «Хилват дар анжуман» коидаси илгари сурилган. Шу жиҳати билан бу коида ўрта даражали сўфийларнинг эмас, тасаввуфий тарбияси ниҳоясига етганларнинг мақомидир. Халқ орасида Ҳақ билан бирга бўлиш, яъни сўфийнинг дунёвий иш билан машғуллигига қарамай, эл қатори бир инсон сифатида яшаши, шу орқали маънавий ҳолини атрофидагилардан махфий тутишини билдирувчи бу коида маломатийлик тушунчасига бориб такалади.

г) маънавий ҳолни яшириш, риё бўлмаслиги учун қароматни изҳор этмаслик. Маломатийлар риё ва шуҳратдан қочганлари боис қароматни сир тутишга алоҳида аҳамият берганлар. Хожагон мактаби аъзолари ҳам қашфу қароматни яширишга эътибор берганликлари манбаларда ривоят қилинади. Баҳоуддин Накшбанднинг айнан шу ҳолатни ифодалашга қаратилган қуйидаги байти унинг суҳбатларида ўқилган экан:


Аз дарун шав ошно ваз берун бегонаваш.
Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Таржимаси:

Ичда доим ошно бўл, ташда тут бегонадек,
Бу қаби зебо равиш кам топилур дунёда ҳам.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг шоғирдларидан Исмоил Ширвоний ўзининг олимлик жиҳатини намоён этиб, тасаввуфий тарафини махфий тутишга ҳаракат қилгани учун Хожа Аҳрорнинг эвараси Муҳаммад Қосим томонидан: «Тарикати маломатиянинг паҳлавонларидандир» дея мадҳ этилган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ўғли





Мухаммад Яхёнинг муридларидан Ҳофиз Мухаммад Самаркандий Истанбулга ташриф буюрганида Мухйи Гулшанийга: «Хожагон тариқати маломатий машраб бўлгани боис зовия (хонақоҳ)га шайх бўлишга интилма, балки ҳар қору ҳолда ўз ҳолингни яширин тут, халкнинг маломатидан алам чекма!», – дея насиҳат қилган.

д) раксу самоъ ва жаҳрий зикрдан қочмоқлик. Маънавий ҳолларини изҳор айлашдан сакланган маломатийлар кўпинча самоъ (мусика тинглаш), ракс (важдга келиб солланиш) ва баланд овоз билан зикр қилишдан узок бўлишни ихтиёр этганлар. Бир маломатийдан: «Нима учун самоъ мажлисларини тарк этасизлар?» дея сўраганларида: «Самоъ йиғинларини ва унинг жоизлигини инкор этмаймиз, балки сир тутганимиз ҳолларнинг ошқор бўлишидан кўркиб, самоъ мажлисини тарк этамиз», – дея жавоб берган экан. Бу жумла Баҳоуддин Накшбанднинг: «Ин қора намекунем, инкор ҳам намекунем», яъни «Самоъни инкор этмаймиз, унда қатнашмаймиз ҳам» каломига ўхшайди. Зеро, Гиждувоний қоидаларини айнан қабул қилган Хожа Накшбанд самоъ қилмаган ва муридларини ҳам самоъ мажлисида ўтиришдан қайтарган. Суламий ўз рисоласида маломатийларнинг самоъ вақтида солланмаслиги ва наъра тортмаслигини баён этади.

Абдулҳолик Гиждувоний муридига: «Самоъ мажлисларида кўп ўтирма, зеро нифок ҳосил бўлиб, самоънинг ортиғи дилни ўлдиради. Лекин самоъни инкор этма, самоъ қилувчилар кўп. Самоъ фақат қалби тирик ва нафси ўлик кишигагина жоиз. Бундай ҳолга эришмаган кимсага самоъ ҳалол ва мубоҳ эмас», – деган.

Хожагон ва накшбандийлар ҳам, асосан, махфий зикрга риоя қилиб келганлар. Зеро, Абдулҳолик Гиждувоний Хизр алайҳиссаломнинг тавсияси билан ҳовузда, сув остида зикри хафийни бошлаб берган.

Хожагон тариқатида Хожа Маҳмуд Анжирфағнавийдан кейин хафий зикр билан бир қаторда жаҳрий зикр қилинган бўлса-да, бу даврда мусика ва самоъга ортикча эътибор берилмаган. XV асрдан кейин жаҳрий зикр қилувчи накшбандийлар самоъни ҳам ижро этганлар.

Абдулҳолик Гиждувоний мадраса ва уламолар билан тўлган Бухорои шарифда улар билан зиддиятга киришмасдан ўз тариқатини жорий этиш мақсадида хафий зикр усулини танлаган бўлиши мумкин. Ундан кейин халифалари ҳам ушбу усулга риоя қилганлар, аммо шогирди Хожа Ориф Ревгарийнинг талабаси Маҳмуд Анжирфағнавий жаҳрий зикр қилишни афзал кўрган ва то Баҳоуддин Накшбандга қадар жаҳрий зикр усулига риоя қилиб келинган. Рухлар оламида улуғ устози Абдулҳолик Гиждувонийдан хафий зикр қилишга буюрилган Баҳоуддин Накшбанд тариқатни яна махфий зикр усулига қайтарган.

е) хизмат аҳли, фидокор ва жўмард бўлмоқ. Накшбандия тариқати фидокорлик ва хизматга алоҳида аҳамият беради. Накшбандийлар халққа хизмат қилишади, лекин ўзларига хизмат қилинишини истамайдилар. Ҳамдун Қассор: «Яратилмишнинг яратилмишдан ёрдам сўраши зиндондаги кишининг зиндондаги кимсадан ёрдам сўраши демақдир», – дейди. Накшбандия вакиллари ҳам халққа хизмат қилишга алоҳида аҳамият беришар, лекин ўзлари учун илтифот кўрсатилишини хохламас эдилар. Бу ҳақда Абдулҳолик Гиждувонийнинг: «Инсонлардан бирон нарса тама қилма!» ва «Жавонмард, сахий бўл. Аллоҳ таоло сенга инъом этган неъматлардан халққа эҳсон қил!» каби тавсиялари намуна бўла олади. Шунингдек, «Раशाҳот» муаллифининг отаси, накшбандийлардан Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний»





номли махсус асар ёзганлиги хожагон таълимотида футувват нашъасига нечоғли эътибор берилишининг катъий бир далилидир.

Абдулхалик Гиждувоний васиятларида: «Машойихга баданинг билан жисмонан хизмат кил!», – дейди. Баҳоуддин Накшбанд ҳам устози Амир Кулол хонакоҳида елкасида ўтин ташиган. Хожа Али Ромитанийнинг «Дўстимнинг келишига восита бўлган бу хайвондир» дея дўстидан олдин унинг уловини едириб-ичирганлиги накл этилади. Баҳоуддин Накшбанднинг уйига зиёратчи ё меҳмон келса, иззат-икром кўрсатарди. Бир сафар бетоб бўлиб қолганида, Бухородан муридлари келишган. Беморлигига қарамай, меҳмонларни табассум билан кутиб олган, ҳатто меҳмонлар учун муридлари билан бозордан кўй олиб келишадганида ҳазрат Накшбанд кўйини елкасида кўтариб келган экан. Бу ривоятлар нақибандия тарикати вакилларининг халққа хизмат қилишга кўрсатган аҳамиятларидан далолат беради.


ё) ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилиш. «Бир мўъминнинг ҳалол меҳнат қилмаслиги тиланчиликда илгарилаши демакдир», – деган Ҳамдун Қассор бир кун Абдуллоҳ Ҳажжомга: «Менимча, сенинг «Абдуллоҳ Ҳажжом» (ҳажжом – қон олувчи Абдуллоҳ) дея чакирилишининг, «ориф» ёки «зоҳид Абдуллоҳ» дея чакирилишинингдан афзалроқдир», – дейди. Накшбандийлар меҳнат қилиб кун кечирришга ва топганларини факирларга икром қилишга аҳамият берадилар.

Хожагон-нақшбандия шайхлари ишсиз инсонларни муридликка қабул қилмаганлар, ўзлари албатта бирор касб-хунар билан машғул бўлганлар. Али Ромитаний тўқимачи. Муҳаммад Бобо Самосий боғбон, Амир Кулол кулол, Баҳоуддин Накшбанд наққош – тўқимачи ва чорвадор, Амир Кулолнинг ўғли Амир Ҳамза овчи, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор чорвадор ва савдогар бўлишган. Баҳоуддин Накшбанд таваққул ҳоли ҳалол меҳнат қилиш билан бирга бўлмоғи лозим деган эди. Баҳоуддин Накшбанднинг увайсий пири Ҳаким Термизий (ваф. 320-932 й.) ҳам меҳнат билан кун кечирришга аҳамият берган мутасаввифлардан бўлиб, бу мавзуда ҳатто «Баён ул-қасб» номли асар битган экан.

Муҳаммад Порсо маломатийларни англаш хожагонни тушунишда муҳим ўрин тутажани билдирган. Порсо хожагон сулуки Боязид Бистомий, Салмони Форсий ва Абу Бакр Сиддик воситасида ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.)га туташини, бу уч зотнинг ҳам маломат аҳлининг буюқларидан бўлганлигини ифодалайди. Унинг «Фасл ул-хитоб» китобида маломат аҳлининг ахволига доир баён этилган хусуслар айна вақтда хожагон шайхларининг ҳолларидир. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг муридларидан Абдуллоҳ Илоҳий (ваф. 896/1491 й.) бундай дейди: «Маломатийлар тоифасининг макоми жами мақомотдан баланддир... Суннати муаккада ва фарзларни чўзмайдилар. Ортикча амаллардан кўп умид қилмайдилар, балки Ҳақ таолонинг фазлидан умидворлар». Бу ердаги маломатийлик таърифи билан Баҳоуддин Накшбанднинг: «Биз Аллоҳнинг лутфига боғланганлармиз» ва «Бизни лутф эшигидан киргаздилар. Вазиғамиз фарз, вожиб ва суннати муаккадаларни адо этмоқдир» каби сўзлари бирига мувофиқдир. Абдуллоҳ Илоҳий солиқнинг сифатларидан сўз юритаркан, мурид маломатий сифатли ва қаландарий сийратли бўлмоғи лозимлиги, ҳақиқий нақшбандийлик диний асосларни эътиборга олмайдиган бидъат ва залолат йўлидан ҳоли ва мусаффо эканлигини ёзади.

Мусулмон дунёсининг турли диёрларида юзага келган ҳар бир тасаввуф мактаби ўша мамлакатнинг диний, ижтимоий ва маданий ҳаётига мос равишда шаклланди.





ган. Бухоройи шарифда барпо этилган хожагон ва нақшбандия тарикатлари ҳам ўша даврда илм ва маърифат маркази ҳисобланган бу ўлканинг маданий турмуш тарзига уйғун тарзда шаклланди.

Абдулҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд маломатийлик тушунчасидан кучли таъсирланганлар, лекин улар бу тушунчани исломий қонун-қондаларга боғлиқ ҳолда татбиқ этганлар. Мовароуннаҳрда пайдо бўлган хожагон-нақшбандия тарикати эса маломатия дунёкарашини исломий асосларга маҳкам риоя қилган ҳолда амалиётда татбиқ этган.

Шунингдек, Абдулҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд тарикатларида исломиятни Қуръон ва Суннага мувофиқ жорий қилганликлари учун бу тарикат олий тарикат деб номланган. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига содиқ қолганликлари сабабли нақшбандия давомчилари, сунний давлат раҳбарлари билан яхши ва дўстона муносабатларда бўлганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг давомчилари

Баҳоуддин Нақшбанд кўпгина мурид етиштирганлар. Булардан қанчаси ҳақиқий етук давомчи (халифа) бўлгани аниқ бўлмаса-да, ул зот ўзларидан ишончли 4 шогирд қолдирганлар. Булар: Алоуддин Аттор (ваф.802/1400), Муҳаммад Порсо (1348–1420), Ёқуб Чархий (ваф.851/1447), Алоуддин Ғиждувоний (ваф.852/1448).

Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кейин Алоуддин Аттор халққа маънавий иршодни бошлаган. Кўпчилик унга тобе бўлган. Тарикатда асосий оқимларга бўлиниш Аттордан кейин содир бўлган. Алоуддин Аттор билан бошланган алоия тарикати, унинг вафотидан кейин ўгли Ҳасан Аттор ва шогирди Низомиддин Хомуш билан икки алоҳида йўлдан давом этаркан, Баҳоуддин Нақшбанддан ижозатни олган Муҳаммад Порсо, Ёқуб Чархий ва Алоуддин Ғиждувоний турли жойларда ирфоний-тасаввуфий тарбия билан шуғулланишган.

Булардан Алоуддин Ғиждувоний (ваф. 852/1448) ва Муҳаммад Порсо билан бошланган оқимлар унчалик оммавий ва самарали бўлмаган. Тарикат, асосан, икки бошқа оқимдан, яъни, Атторнинг халифалари (Алоия) ва Ёқуб Чархий билан давом этган. Чархий қадим манбаларда ифода этилгани каби Нақшбанд ҳазратларининг яқин шогирди бўлиши билан бирга узок йиллар Алоуддин Атторнинг суҳбатида бўлгани учун кейинроқ ёзилган асарларда Атторнинг халифаси бўлгани ва тасаввуфий таълимини унда тамомлагани шаклидаги қараш бор. Шу сабабли у Атторнинг халифаси сифатида қабул этилган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг манбаларда зикр этилган бошқа таниқли баъзи муридлари қуйидагилар: Мавлоно Муҳаммад Фағонзий, Хожа Мусофир Хоразмий, Сайфиддин Манорий, Сайфиддин Хошан Бухорий, Сирожиддин Қуллол Пирмастий, Хусрав Карминий, Абдуллох Хўжандий, Шайх Шоди Ғадиватий, Дарвеш Некрўз, Амир Маҳмуд Қасри Муғоний ва Амир Ҳусайн.

Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари орасида тарикатнинг амалий жиҳатдан кўп ҳам ҳисса кўшмаган бўлса-да, бироқ ёзган асарлари сабаб тасаввуф тарихида, айниқса, нақшбандийликда энг катта назарий жиҳатдан катта ҳисса кўшган шахс – Хожа Муҳаммад Порсо.





Истиқлол ва нақшбандия

1992 йил 28 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги Қарори қабул қилинди. Бу амалда мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин азиз-авлиёларимиз таваллуд тўйларини ўтказишга бағишланган илк дадил кадам эди.

1993 йилнинг 17 сентябрида Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро микёсда кенг нишонланди.

Ўтган ана шу 18 йил мобайнида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти, мероси ва нақшбандия таълимотини ўрганиш мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Мамлакатимизда ўзига хос нақшбандшунослик шаклланди ва ривожланиб бормоқда.

2003 йилнинг 27 ноябрида кейинчалик нақшбандия деб номланиб кетган хожাগон тарикатининг асосчиси Хожа Абдулҳолик Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги асосий тантаналари айнан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида ўтказилди. Бу анжуманга мухтарам Президентимиз Ислоҳ Қаримов ташриф буюриб, тарихий нутқ сўзлади.

Шунингдек, мазкур сана муносабати билан Хожа Абдулҳолик Гиждувоний ётган манзил обод қилинди, макбара ва унинг ёнида янги масжид қад ростлади. У ердаги Мирзо Улуғбек мадрасаси таъмирланди, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида қатта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, мажмуа ҳозирги мукамал ҳолга келтирилди. Жумладан, янги «Ислоҳ» дарвозаси қурилди. Унинг ўнг ва чап ёнларида эр-қаклар ва аёллар учун замонавий таҳоратхона ўрин олган. Ўз тарихий ўрнида қайта тикланган айвон қад ростлади. Боғу роғлар барпо этилди.

2004 йил 27 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

2008 йилдан эътиборан ана шу марказ муассислигида «Нақшбандия» илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнали нашр этиб келиняпти.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида, яъни 2010 йилнинг 30 август куни «Бухоро маданий маркази» мажмуида қад ростлаган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументининг очилиши маросими бўлиб ўтди. Бу тантанали тадбирда мухтарам Президентимиз Ислоҳ Қаримов иштирок этди. Ана шу монумент пештоқида «Дил – ба ёр-у, даст – ба қор» сўзлари бўртқик ҳарфлар билан қатта-қатта қилиб битиб қўйилди.


Бугун Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси мамлакатимиздаги энг муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланди. Буни айни муқаддас маконга юртимизнинг минтақа ва ҳудудларидан, дунёнинг турли бурчақларидан одамлар ташриф буюраётгани ҳам исботлаб турибди.

Комилжон РАҲИМОВ,

Тошкент давлат шарқшунослик институти
хузуридаги Шарқ қўлёмалари маркази
қатта илмий ходими-изланувчи



АЛИШЕР НАВОИЙ (1441–1501)



*Агар Алишер Навоийни авлиё десак –
у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир
десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,
шоир десак – шоирларнинг султонидир.*

Ислом Каримов

У зотнинг асл исми Низомиддин ибн Гиёсиддин Муҳаммад (Гиёсиддин Кичкина деб ҳам аталган) бўлиб, Навоий унинг туркий назмдаги тахаллусидир. У форсий шеърларини Фоний тахаллуси билан ёзган. Навоий билан замондош бўлганлар у ҳақида кўпинча «Низомиддин Мир Алишер» деб ёзадилар. «Низомиддин» – дин, диёнат низоми дегани бўлиб, донишманд мансаб эгаларига бериладиган сифат, «мир» – амир демакдир. Алишернинг бобоси Соҳибкирон Амир Темурнинг ўгли Умаршайх билан эмикдош (кўкалдош) бўлган.

Алишер Навоий – улуг ўзбек шоири ва мутафаккири. Жаҳон адабиёти микёсида олиб каралганда ҳам, у буюк соҳиби каламлардан бири ҳисобланади. Унинг ижоди нафақат ўзбек, балки бутун туркий сўз санъатининг юксак чўккиси ҳам.

Навоий яратган ўлмас асарлари билан ўзбек адабий тилини мисли кўрилмаган бир баланд поғонага олиб чиқди. Ўзбек адабиёти эса ана шу буюк мерос туфайли жаҳоннинг буюк адабиётларидан бирига айланди. Шунга кўра, Алишер Навоий ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси, деймиз. Ҳозирги адабий тилимиз ҳам, адабиётимиз ҳам бевосита ана шу Навоий бошлаган ва олға сурган йўлдан юряпти.

Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 февралда Амир Темурнинг ўгли Шохрух Мирзо шохлиги даврида Хуросон давлатининг пойтахти – ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Ҳирот шаҳрининг Боғи Давлатхона мавзеида туғилди.

Унинг отаси Гиёсиддин Муҳаммад (уни Гиёсиддин Кичкина ҳам дер эдилар) теурийлар саройининг амалдорларидан, салтанатнинг содик мулозимларидан, хонадоннинг ишончли кишиларидан эди. Онаси ҳам ана шу теурийлар хонадонининг хизматидаги аёллардан бири бўлиб, амирзода Шайх Абусаид Чангнинг кизи бўлган, исми маълум эмас.

Навоийнинг ўзи бу ҳақда:


Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизини, –

деб ёзган эди. Навоийлар оиласи билан теурийлар хонадони ўртасида илгари замонлардан кўкалдошлик, яъни сут эмишганлик бўлган.

Алишер туғилган пайтда Хуросонда Амир Темурнинг ўгли, Мирзо Улуғбекнинг отаси – Шохрух Мирзо ҳукмронлик қилар эди.

Гиёсиддин Кичкина оиласида илму маърифат, хусусан, адабиётга кучли меҳр устувор бўлган. Алишерлар хонадониди тез-тез маърифий суҳбатлар уюштирилар, шеърхонликлар ҳам бўлиб турарди. Алишернинг тоғалари – Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар шоир эдилар. Ғарибий мусика илмини ҳам пухта би-





лар, яхши созанда ҳам эди. Бу икки тоғанинг ҳам туркий шеърга майллари кучлироқ бўлган.

Ана шундай муҳитда ўсган Алишер уч-тўрт ёшларида шеър ёдлай бошлайди. У ёдлаган илк байт Амир Қосим Анворнинг:

Риндему ошикему жаҳонсўзу жома чок,

Бо давлати ғами т узи фикри жаҳон чи бок, –

деган мисралари эди. Ҳазалнинг матлаъси бўлмиш бу сағрлар: «Риндмиз, яъни хур фикрлилармиз, ошиқлармиз, жаҳонга ўт қўйганмизу тўнимизни йиртганмиз, эй ёр, яъни эй Аллоҳ, сенинг ғаминг давлати билан фикримиз банд экан, жаҳонни ўйлаб нима қиламиз», – деган мазмунни ифодалайди.

Навоний кейинчалик илк ёдлагани матлаъ муаллифи – Амир Қосим Анворни «Мажолис ун-нафонс» номли, шоирлар ҳақидаги тазкирасининг бошига киритди.

Навоний XV асрда яшади. Алишер туғилган пайтда Хуросонда Амир Темурнинг ўғли, Мирзо Улуғбекнинг отаси – Шохрух Мирзо ҳукмронлик қилар эди. Бу аср Шарқ, хусусан, ўзбек маданиятининг энг камол топган даври эди. Темурийлар ҳукмронлиги замони Шарқ уйғонишининг юксак даражада ривожланган палласи бўлган. Уйғониш даври намояндалари каби, Навоний ҳам серқирра фаолият соҳибни эди.

Алишер тўрт-беш ёшларидан мактабга борди. У олти ёшга тўлганида – 1447 йили Хуросон подшоси – Шохрух Мирзо вафот этди. Хиротда темурийларнинг тож-тахт учун кураши авж олиб кетди. Шаҳар аҳли бу нотинчликлардан қочиб, атроф шаҳар ва қишлоқларга қўча бошлади. Бундайлар орасида Ғиёсиддин Кичкинанинг оиласи ҳам бор эди. Алишерлар оиласи Ироқнинг Тафт шаҳрига келиб яшай бошлади. Тафтда Алишер машҳур тарихчи, Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги улкан «Зафарнома» китобини ёзган Шарафиддин Али Язлий билан учрашди. Бу тасодифий учрашув чоғида буюк олим ёш Алишернинг зийраклигига, ақлу фаросатига қойил қолди. Ана шу суҳбат юз берганда Алишер олти ёшга энди тўлган бўлса ҳам, «Қуръон»нинг «Таборақ» сурасигача ўқиган эди. «Таборақ» – «Мулқ» сурасининг иккинчи номи. Биласизки, Қуръони қарим жами ўттиз жуз, яъни порадан иборат. Таборақ сураси билан эса йигирма тўққизинчи жуз бошланади. Демак, Алишер олти ёшида ўттиз пора Қуръоннинг йигирма саккиз порасини ўқиб туширган.

Илмга чанқок Алишер Ироқда ҳам таҳсилни давом эттирди.


1452 йилга келиб Хуросонда бир қадар гинчлик-осойишталик ўрнатилди. Адолатпарвар Абдулқосим Бобур Хирот тахтига ўтирди. Алишернинг оиласи яна она шаҳар – Хиротга қўчиб келди. Ғиёсиддин Кичкина шох саройига хизматга кирди. Кўп ўтмай, Абдулқосим Бобур уни Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб юборди.

Аммо ҳаёт ёш Алишернинг олдига бошқа бир оғир мусибатни тайёрлаб қўйган эди. 1453 йили Ғиёсиддин Кичкина вафот этди.

Отадан бевакт етим қолган ўн икки яшар Алишер Абдулқосим Бобур саройига хизматга кирди.

Алишер отаси вафотига қадар мактабда кунт билан ўқир, Қуръон ва ҳадис ўрганишдан ташқари, болалар саводини мустаҳкамлаш учун Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг (1184–1292) «Ғулистон» ва «Бўстон» китоблари ҳам ўқитилар эди. Алишернинг ишқи эса сўфий шоир – Фаридиддин Атторнинг (1225 йилга яқин шахид бўлган) «Мантик ут-тайр» достонига тушди. У бу достонни шу қадар берилиб ўқир эдики, боладаги бундай хилватнишинлигу одамовилиқдан ташвишга тушган ота-она-





си «Мантик ут-тайр»ни ундан олиб кўйди. Аммо бу фойдасиз эди. Чунки ёш Алишер бу дostonни ёдлаб улгурганди.

Темурийзодалардан бўлган Хусайн Бойкаро ҳам Алишер билан бирга Абдулкосим Бобур саройида хизмат килар эди.

1456 йилга келиб Абдулкосим Бобур пойтахтни Хиротдан Машхадга кўчирди. Алишер билан Хусайн ҳам у билан бирга Машхадга борди.

Бирок кўп ўтмай, яъни 1457 йили Абдулкосим Бобур вафот этади. Хусайн Бойкаро Марвга жўнаб, тахт учун кураш бошлаб юборди. Алишер эса Машхадда қолиб, тахсилини давом эттирди.

Ўсмирлик ёшига келиб Алишер ҳам форсий, ҳам туркий тилда ажойиб шеърлар битиб, эл орасида анча танила бошлаганди. Хусусан, ҳали Машхадга келмасдан бурунрок туркий ва форсийда ўз даврининг малик ул-камоли, яъни сўз устаси бўлган Мавлоно Лутфийнинг ёш Алишер ижодига берган баҳоси шоирнинг обрўйини кўтариб юборган эди. Навоийга замондош тарихчи Ғиёсиддин Хондамирнинг хикоя килишнча, бир кун ёш Алишер Лутфийга янги ёзган ғазалларидан ўкиб беради.

Оразин ёпкоч кўзумдин сочилул хар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлул юлдуз, ниҳон бўлгач Куёш. –

матлаи билан бошланадиган ғазали Мавлоно Лутфийга шу қадар маъқул тушдики, у беихтиёр «Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтиمنى шу ғазалга алмаштирардим», – деб юборди.


Лутфийни лол қолдирган бу ғазал матлаида: «Қачонки ёр юзини ёпса, кўзимдан хар доим ёш сочилади, бу худди Куёш ботганидан кейин юлдузлар пайдо бўлишига ўхшайди», – деган маъно ифодаланган. Ёрнинг кўзини юмишини – Куёшнинг ботишига, шундан кейин ошиқ, яъни лирик қахрамон кўзларидан оқадиган ёшларни осмондаги юлдузлар пайдо бўлишига ўхшатиш – ғўзал бадий тасвир сифатида ниҳоятда оҳорий. «Мулланинг «биёмилло»сидан маълум», – деганларидек, Лутфий ўн беш-ўн олти яшар ёш Алишернинг ана шу биргина ғазалида ҳам буюклик белгиларини кўра олган эди.

Абдулкосим Бобур вафотидан кейин Навоий учун хаётнинг мураккаб, бирок мустақил курашлар даври бошланди. Машхадда илм тахсили билан машғул бўлди. У ерда ҳам кўп дўстлар орттирди. Шеърлари, билимдонлиги билан машхур бўла борди.

Ёш Алишернинг Машхаддаги машхур кишилардан бири – Шайх Камол Турбатий билан танишувига ҳам айнан Навоийнинг шеъри, илмда зукколиги сабаб бўлди.

Камол Турбатий машхур шайх бўлиб, хофиз ғазалларига боғлаган зариф мухаммаслари эл орасида шуҳрат тутган эди. Ёш Навоий хуросонлик бу улуғ зот билан танишиш орзуида юрганди. Камол Турбатий ҳам Навоий ҳақида эшитган, лекин бу икки сохиби қалам ўзаро кўришмагандилар. Шундай кунларнинг бирида Курбон хайити бўлди. Дунёнинг турли бурчақларидан кишилар Машхадга келиб, пайғамбаримиз – Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васалламнинг куёвлари, тўртинчи халифа – Имом Ҳазрати Алнинг макбарасини тавоф қилишди. Бу ердаги одатга кўра, шу кунни зиёратчилар, мусофирлар, яъни бошқа юртлардан келиб яшаётганлар хужраларига кириб, уларнинг холидан хабар олар эди. Ана шундай зиёратчилар тўдаси Алишер яшайдиган хужрага ҳам келди. Навоий шу кунни бетоб ётган эди. Деворда байтлар





ёзилганди. Зиёратчилар уларни ўқиб, бир байт устида баҳс бошлаб юборишди. Улар ичида бир улуғроқ киши бор эди. У баҳсда бошқаларни енгди. Шунда тўшакда касал ётган Алишер ўша енгилганлар тарафини олиб, бир фикр билдирди. Енгилганлар халиги кексароқ кишига: «Мана, бу бемор йигит ҳам бир нима демокчи», – деб айтишди. Отахон бемор бошига келиб, ундан баҳс қилинаётган байт маъносини сўради. Алишер мантикли тарзда жавоб берди. Аммо бу жавоб устознинг боя айтган фикрига тескари эди. Шунда шайх ўз муридлари олдида аввалги фикридан қайтиб, Навоийнинг талқинига қўшилди. Кейин бемор йигитнинг кимлигини сўради. У Алишер Навоий хақида эшитган, у билан танишиш орзуида юрган эди. Шу тариқа бу икки зот ўртасида дўстлик ришталари маҳкам боғланди.

Мусофир Навоий ҳужрасига зиёратга келган шайх – Камол Турбатий эди.

Навоий Машҳадда саккиз йил яшади. Бу унинг айни илм ўрганган даври эди. Алишер учун мусофирликнинг бу йиллари чинакам таҳсилу мутолаалар даври бўлди.

1464 йили шоир яна она шаҳри – Ҳиротга қайтди.

Ҳирот ҳамон темурийлар салтанатининг йирик маданий марказларидан бири эди. Олиму фозиллар кўп эди. Навоий она шаҳрида обрў қозониб, ижод қилишга умид боғлади. Бирок 1459 йили ҳокимиятни эгаллаган Абусаид ўз пойтахтини Самарқанддан Ҳиротга кўчирган, ўзи билан бирга келган аъёнлари ҳамон Ҳирот аҳлини талаш билан машғул эди. Абусаид кўп котилликлар қилди. Хусусан, 1461 йили Алишернинг тоғаси – Мир Саид Қобулийни туттириб, қатл эттирган эди. Кейинроқ унинг яна бир тоғаси – Муҳаммад Али Ғарибий ҳам Абусаид жосуслари тарафидан ўлдирилди. Бу ака-ука тахт учун қурашаётган Ҳусайн Бойқаронинг суянган кишиларидан, маслаҳатчиларидан эди. Биринчидан, Навоий бу котилликлари учун Абусаиддан зимдан норози, иккинчидан, Абусаид ҳам шоирни душманига тегишли киши сифатида хуш кўрмасди. Абусаид Бадахшон шоҳи – шоир Лаълийни, унинг ўғлини ҳам қатл қилдирган эди. Лаълий билан Навоий ўртасида ҳам дўстона муносабатлар мавжуд бўлган.

Навоий Ҳиротда илму маърифат аҳли билан тигиз алоқалар ўрнатди. Унинг устози ва пири бўлмиш Абдурахмон Жомий билан танишуви ҳам шу йилларда амалга ошди. Бирок подшоҳнинг унга рўйхуш бермагани охир оқибат тагин Хуросонни тарк этишга мажбур қилди.


1466 йили Навоий Самарқандга келди. Бунга асосий сабаб шоир ва шоҳ ўртасидаги нохуш муносабатлар эканини Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»да айтган: «Билмон, не жарима била Султон Абусанд Мирзо Ҳиридин ихрож қилди», – деган қайди ҳам тасдиқлайди. Лекин бу расмий сургун эмас эди.

Навоийнинг устози – Саййид Ҳасан Ардашерга йўлланган шеърини мактубида ўз юртини тарк этишга мажбур бўлгани сабаблари кўрсатилгандек:

Ғаме этти чархи жафо пешадин,
Ҳамул анжуми хожир андишадин, –
Ки бўлмок Ваган ичра душвор эди,

Кўнгулга жало дафъи озор эди.
Сафар тушти оллимға беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр?





Демак, кўриниб турибдики, Навоий Ҳиротни тарк этишга мажбур бўлган.

Самарканд ўша даврда ҳам Шаркнинг йирик илму маърифат марказларидан бири эди. Алишернинг бу ердаги ҳаёти муттасил таҳсил даври бўлди. У замонасининг машхур олими Фазлуллоҳ Абуллайс хонакохидан хужра олиб, шу олим кўлида ўқиди. Абуллайс йирик фикхшунос, яъни ислом қонуншуноси эди.

Бу даврда Самаркандда муаммошунослик илми устози Мавлоно Улоий Шоший, Мирзо Улуғбек мадрасасининг мударриси Хожа Хурд, Мирзо Улуғбек билан бирга таълим олган Мавлоно Муҳаммад Олим, машхур хаттот Мавлоно Сойилий, мусика устози Дарвеш Аҳмад Самаркандий, шунингдек, Мирзобек, Юсуфшоҳ Сафойи каби шоирлар ижод қилар эди. Навоий ана шундай юксак илмий-адабий жараёнга кўшилди. Илми адаб сирларини ўрганиш билан жуда жиддий шуғулланди. Шу кезлариёқ ўзида шундай кучли адабий иқтидор сездики, эслатганимиз – Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида ана шу йигирма беш ёшлик пайтлариёқ: «Мен каби нодир истеъдодни хали дунё кўрган эмас, мен шеър битиш бобида Низомий Ганжавий даражасидаман», – дейди.

Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро кодире.

Шу маснавийсида, ҳатто, Фирдавсий «Шоҳнома»дек буюк асарни ўттиз йилда битган бўлса, мен шундай улуғ асарни ўттиз ойдаёқ ёза оламан ҳам, дейди. Бунга асос бор эди. Чунки шоир агар маҳсус, янги маъноли бир сўзни бир бор ишлатиб, унга икки-учтадан маъно юклатиладиган ийҳом санъати билан ифодалаш шарт қилиб қўйилганда ҳам, ҳар куни юз байтни худди халво егандек осон бита олиш қудратини сезади ўзида:


Агар хосса маъни гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти халвом эрур.

Бу сўзларни Навоий буюк «Хамса»сини ёзишдан қарийб йигирма йиллар бурун айтган эди. Икки йилда, бевосита ишлаган вақтинигина ҳисобга олганда, олти ойда «Хамса»ни яқунлаб, шоир олдиндан башорат қилган бу сўзларини кейинчалик амалда исботлади ҳам.

Ўша даврларда ҳақиқий шоир бўлиш учун илгари яшаб ўтган қаламкашлардан 20 минг, замондошлар ижодидан 10 минг байт шеърни ёддан билиш талаб қилинган. Шеър ёд олиш эса кишида шеър битиш салоҳиятини кучайтириши аниқ. Навоий эса худди шу йигитлик замонида талаб қилинган – 30 минг эмас, балки, ундан қарийб икки баробар кўп, яъни 50 мингдан ортиқ байт ёд олганини кейинчалик «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида маҳсус таъкидлаб ўтади: «Йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпроқ шеърда сеҳрсоз ва назмда фусун пардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин адабиётидан эллик мингдан ортуқ ёд тутубмен ва алар завқ ва хушҳоллигининг ўзумни овутупмен».

Маълум бўладики, Навоий Самаркандда таълим олган кезлариёқ ўзида Низомийдагидек куч ҳис этган ва туркий тилда «Хамса» ёзиш ниятида бўлган. Туркий адабиётнинг буюк эпопеяси бўлмиш – «Хамса»нинг тарҳи Самаркандда ёзила бошланган эди, дейиш мумкин.





Шундай сохиби иктидор йигитнинг Самарканд аҳли орасида танилмаслиги мумкин эмас эди. Шаҳар ҳукмдорларидан асли хуросонлик бўлган Аҳмад Ҳожибек ҳам Алишербекдек истеъдодли талабадан хабар топиб, уни ўз хомийлигига олди. Уни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлади.

Навоний Самаркандда таълим олган пайтларда бу ерда нақшбандия тарикатининг Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги энг йирик пешвоси – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг мавқеи ниҳоятда баланд эди. Тарихий маълумотларга кўра, худди шу Навоний Самаркандга келган 1466 йили Абдурахмон Жомий Хиротдан махсусан Хожа Аҳрор билан учрашиш учун Самаркандга келиб кетади.

Алишер ана шундай маънавий-маърифий марказда 1469 йилнинг бошларигача яшади.

Навоний Самаркандда яшаб, Мовароуннаҳр ҳаётини яқиндан ўрганди, она халқининг асосий қисми истикомат қиладиган бу юртга чексиз меҳр қўйди. У бу меҳрни кейинчалик «Ҳамса»нинг охириг қисми – «Сади Искандарий»да Искандарнинг Мовароуннаҳр, жумладан, Самаркандни забт этишини тасвирлаш баҳонасида ўта самимий мисраларда баён этди.

Хуллас, Самарканд даври Навоний ҳаётида муҳим из қолдирди.

Алишер Навоний – улўғ ўзбек шоири ва мутафаккири. Жаҳон адабиёти миқёсида олиб қаралганда ҳам, у буюк сохиби каламлардан бири ҳисобланади. Унинг ижоди нафақат ўзбек, балки бутун туркий сўз санъатининг юксак чўккиси ҳам.

Навоний яратган ўлмас асарлари билан ўзбек адабий тилини мисли қўрилмаган бир баланд поғонага олиб чиқди. Ўзбек адабиёти эса ана шу буюк мерос туфайли жаҳоннинг буюк адабиётларидан бирига айланди. Шунга кўра, Алишер Навоний ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси, деймиз. Ҳозирги адабий тилимиз ҳам, адабиётимиз ҳам беvosита ана шу Навоний бошлаган ва олға сурган йўлдан юряпти.

Навоний XV асрда яшади. Бу аср Шарқ, хусусан, ўзбек маданиятининг энг камол топган даври эди. Темурийлар ҳукмронлиги замони Шарқ уйғонишининг юксак даражада ривожланган палласи бўлган. Уйғониш даври намоянадалари каби, Навоний ҳам серкирра фаолият сохиби эди.

Шоир ўз асарларида инсонни икки оламнинг сарвари, Аллоҳнинг дунёни яратишдан кўзлаган олий мақсади янглиғ қаламга олди. Шундай эканми, демак, инсон умрини эзгуликларга интилиб ўтказиши керак. Аллоҳнинг ундан кутгани – шу. Демак, шундай ғояларни тараннум этган буюк калб эгасининг ўз ҳаётида ҳам мазкур ақидаларга мос ишлар қилиши табиий эди. Адолатли ва донишманд бир давлат арбоби сифатида Навоний ўз даврининг йирик шахсига айланди. XV аср форсий-туркий маданиятлар равнақида унинг улкан ўрни бор. Навоний Хуросон давлатининг маънавий хомийси эди. Фан ва маданиятнинг турли соҳалари вакиллари ана шу буюк раҳнамо атрофида уюшганди. Заҳириддин Бобур таърифи билан айтганда «Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллиғи бор эди, химмати ва ғарази (нияти) ул эдиким, ул ишни камолга тегургай». Илму адаб ва ҳунар аҳлининг ўзини имкони қадар юксак даражаларда камолга етқаришда Навонийнинг ҳам ҳиссаси бекиёс бўлган. Беvosита Навоний маблағи ҳисобига қурилган меъморий ёдгорликларнинг ўзи 400 га яқинлашарди.

Алишер Навоний инсониятнинг неча асрларда бир дунёга келадиган буюк зотларидан бири эди.





Вазирликдан истеъфо берган шоир ижодий ишлар билан бирга хайрли йўлдаги фаолиятини ҳам изчил давом эттирди. Хирот маданий-адабий ҳаётини энди Навоийсиз, унинг раҳнамолигисиз тасаввур қилиб бўлмас эди.

1481 йили Навоий ўзига тегишли мол-мулки, қурдирган иморатлари, мадрасаю масжиду хонакоҳларини бирров сарҳисоб қилиб, уларни вақфга ўтказди. Вақф – мавжуд мадраса, масжид ё хонакоҳ мол-мулкни бирон-бир фойда кўришни ўйламай, ўша масжид, мадраса, хонакоҳ ихтиёрига расман ўтказиб бериш дегани. Навоийнинг ана шу «Вақфия» асарида қайси иморатлар қандай тартибга кўра вақф қилингани батафсил баён этилади. Ана шу мадрасаю масжиду хонакоҳларга тегишли ерлар, бу ерларда хизмат қилувчи, таълим олувчилар маошларигача белгилаб кўрсатилади. Ҳатто, мадраса мударрислари илмий-таълимий салоҳиятига қараб тоифаларга ажратилади, бу худди ҳозирги доцент ва профессор илмий унвонларини эслатади.

Шоир бу асарида ўзининг бутун мол-мулкдан бир одамнинг яшаши учун керакли оз қисминигина ўзида қолдириб, қолганларини давлат ишларига, хайрия йўлига сарфлаганини билдириб ўтади.

Шу асарда Навоий қизғин ижод фаолияти билан шуғулланиш, ғарро (ажойиб) қасидалар, рангин (хилма-хил) ғазаллар, матбуъ (мақбул) маснавийлар (достонлар), маснуъ санъаткорона иншолар, хуллас, ажойиб назмий ва насрий китоблар битиш орзуида эканини Ҳусайн Бойқарога қарата баён этади. Шохдан шунга илтифот кўрсатишини сўраган бўлади.

Тилсиз адабиёт, адабиётсиз тил ривожини тасаввур қилиш қийин. Ҳар қандай халқ учун бу иккисидан кўра миллийроқ, бундан-да азизроқ бойлик йўқ. Бирок тилнинг ҳам, адабиётнинг ҳам чинакамига камол топиши учун ҳокимият шу тил ва адабиётнинг эгаси ҳисобланган халқнинг ўз қўлида бўлиши, бу соҳалар тараккиётдан ҳаммадан бурун ҳукмрон сиёсат манфаатдор бўлиши керак.

Алишер Навоий турк, яъни ўзбек халқи жаҳон саҳнасига чиққан, Амир Темур асос солган йирик давлатда фан ва маданият ривож топган, миллат ўзининг юксак тараккиёт поғонасига кўтарилган бир даврда яшади. Ўшанда ўзбеклар дунёнинг тараккиётдаги энг олди халқларидан бири эди. Темурий ҳукмдорлар ўз тилларида юксак сўз санъати яратилишидан манфаатдор эди. Улардан кўпчилигининг ўзи шоир ҳам эди. Навоий туркий шеърятнинг қамолини ҳам бевосита Амир Темурга, унинг ўғли – Шохрух Мирзога боғлаши бежиз эмас эди: «Чун мулкдин баъзи ақолим ва кишварда сорт (яъни форс – С.О.) салотини мустақил бўлдилар, ул муносабат била форсигўй шуаро зухур қилдилар. Қасидада Хоконий ва Анварий ва Камол Исмоил ва Захир ва Салмондек ва маснавийда уетози фан Фирдавсий ва нодири замон Шайх Низомий ва жодуи хинд Мир Хусравдек ва ғазалда мухтарии вақт Шайх Муслиҳиддин Саъдий ва яғонаи аср Хожа Ҳофиз Шерозийдек... То мулк араб ва сорт салотинидин турк хоконлариға интиқол топди. Ҳулоғухон замонидин султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шохрух султоннинг замонининг охириғача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул хазратнинг авлоду аҳфодидин ҳам хуштабъ салотине зухурға келди: шуаро Сакқокний ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийлар».



«Мухокамат ул-луғатайн» асаридан келтирилган бу парчада туркий шеърятнинг ана шу теурийлар давридаги вакиллари бир-бир саналади. Навоий ана шу туркигуй сохиби каламлар йўлини давом эттириб, аксар асарларини она тилида битди. У ўзининг дунёга машхур форсигуй шоирларнинг ҳеч биридан кам бўлмаган даражада иктидори борлигини исботладигина эмас, туркий тилда ҳам шу қадар баланд даражалардаги бадий асарлар битиш мумкинлигини амалда кўрсатди.

XII аср форсигуй шоири озарбайжонлик Низомий Ганжавий (1141–1209) беш дoston яратиб, ҳамсачилик анъанасини бошлаб берди. Шу тарика «Хамса» ёзиш шоирликнинг энг юксак мезони бўлиб қолди. Кўп шеър усталари Низомийнинг «Панж ганж» («Беш бойлик») эпопеясига, унинг айрим дostonларига жавоб айтишга уриниб, ўз кучларини синаб кўришди. Бирок Навоийгача бўлган даврда ҳиндистонлик ўзбек шоири Хусрав Дехлавийгина «Хамса» яратиб, шуҳрат тутди. Ашраф ҳам «Хамса» яратган эди, бирок унинг бу борадаги уриниши Хусрав Дехлавий даражасига кўтарила олмади. Навоий «Хамса» ёзиш режасини пишитиб юрган йиллари Абдурахмон Жомий ҳам Низомий «Хамса»сига жавоб ёзишга жадал киришган, шоир «Ҳафт авранг»нинг саҳифалари пешма-пеш қоғозга тушаётган эди.

Навоий «Хамса» учун тайёргарликлари ниҳоясига етгач, бу фикрини устози ва пири – Абдурахмон Жомийга айтди. У бешликни она тили – туркийда битиш ниятида эканини билдирди. Жомий шогирди ва муридининг бу қутлуғ ниятини қўллаб-қувватлаб, унга оқ фотиҳа берди.

Навоий «Хамса»ни мисли кўрилмаган бир киска фурсатда ёзиб тугаллади. 1483 йили бошланган иш 1485 йили ниҳоясига етказилди.

Биринчи дoston – «Ҳайрат ул-аброр»ни 1483 йили битди.

Иккинчи дoston – «Фарход ва Ширин» 1484 йил бошида ниҳоясига этди.

Учинчи дoston – «Лайли ва Мажнун» 1484 йилнинг биринчи ярмида қоғозга тушди.

Тўртинчи дoston – «Сабъайн сайёр» 1484 йил ўрталарида тугатилди.

Бешинчи дoston – «Садди Искандарий»га 1485 йил бошида нукта қўйилди.

«Хамса» фақат Навоий ижоди ёки биргина ўзбек адабиётининг чўккисигина эмас. У Шарқ адабиёти, шунингдек, жаҳон сўз санъатининг ҳам энг буюк бадий обидаларидан бири ҳисобланади. «Хамса» яратилиши билан ўзбек адабиёти жаҳоннинг юксак поғоналарга кўтарилган адабиётларидан бирига айланди.

«Хамса»ни тугаллаб, Навоий уни Хусайн Бойқарога тақдим этганида шоҳ шоирни отга миндириб, бир неча қадам ўзи пиёда отни етаклади. Бу нодир воқеа теурий Ҳукмдорнинг миллий адабиёт кадрини нақадар юксак баҳолай олганидан далолат беради.

Навоий «Хамса»нинг сўнгги дostonи – «Садди Искандарий»нинг яқунловчи бобида Низомий ўз «Панж ганж»ини ўн беш йилда ёзиб, уни яна ўн беш йил ислоҳ қилгани, яъни қайта ишлаганини, шу тарика ўттиз йил барча ишларни йиғиштириб, одамлардан ўзини четга олиб меҳнат қилганини ёзади. Ҳиндистонлик Хусрав Дехлавий ҳам «Хамса»сини ёзиш учун ўттиз йил бўлмаса ҳам, унинг ярмича, ҳеч бўлмаганда, учдан бирича, яъни камида ўн йил захмат чекканини айтади. Улар бу бешликларини ёзаётганда тамоми ташвишлардан холи тарзда ижод қилди, дейди Навоий.



Лекин мен, деб давом этади шоир, бир лаҳза бўлсин халк ғаму ташвишидан ажралмаган ҳолда калам тебратдим. Шунда ҳам икки йилда «Хамса»ни тугатдим. Агар факат ёзилган пайтларининг ўзигина ҳисобга олинса, олти ойдан ошмайди. Бунинг устига, мен «Хамса»ни форсийда эмас, туркийда битдим, дея фахрланади шоир:



Ўзунг тинмайин халк ғавғосидин,
Қулоғинг халойик алолосидин.
Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин каму беш ўтиб икки йил.
Чекиб хома бу нома итмомиға,
Етургайсен оғозин анжомиға, –
Ки акли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа,
Йиғиштурса бўлмас бори олти ой, –
Ки бўлдунг бу раъноға суратнамой.
Тузалди бу назминг басе сарсари,
Яна турки алфоз анга бир сари...

«Хамса»нинг яратилиши Навоий обрўйига обрўй, шуҳратига шуҳрат қўшди. Унинг элу юрт орасидаги эътибори ниҳоятда ошиб кетди.

«Шуни қувонч билан айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг бой ва серкирра ижоди факат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам салмокли ўринга эга. Навоий лирик, эпик ва фалсафий асарлари билан XV аср адабиётида чуқур из қолдирди. Улуғ шоирнинг асарлари ҳаётлик давридаёқ Хитойдан тортиб Кичик Осиёгача етиб борди ва ҳозирда бутун дунё халқлари ҳам севиб ўқишмоқда. «Хамса» достони Навоий ижодининг дурдонаси саналади. Яна унинг «Тарихи мулуки Ажам», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Рисолаи муаммо», «Мажолис ун-нафоис», «Муншаот», «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Насоим ул-муҳаббат», «Девони Фоний», «Лисон ут-тайр», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Назм ул-жавохир», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож ул-муслимин», «Арбаин» каби бебаҳо асарлари мавжуд.

Навоий ижодига назар ташласангиз, шеърятнинг 16 хил жанрида ижод қилганлигини илғаб оласиз: ғазал, рубоий, туюк, фард, китъа, муҳаммас, мусалдас, мусаллам ва ҳоказо. Бу каби жанрларда ҳеч бир шоир Навоийдек ижод қилганлигини учрата олмайсиз.

Улуғ бобомиз шеър ёзишда факатгина ўзбек тили имкониятлари билан чегараланиб қолмаган, бошқа тиллардан ҳам унумли фойдаланган. Ўткир Ҳошимов бу борада қуйидагиларни қайд этади:

«Олимлар ҳисоблаб чиқишган. Пушкин ўз асарларида 21 минг 197 та бетакрор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес 18 мингтага яқин. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660 та бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз факат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган».

Далиллардан кўриниб турибдики, Навоийнинг сўз захираси ниҳоятда улкан экан.





Ҳазрат ишлатган сўз ўйинлари кўлами ҳам бекиёсдир. Негаки, Навоий шеърни шунчаки бирор нарсани баён қилиш эмас, балки мўъжиза кўрсатиш дея ҳисоблайди. Ул зот ёзади-ки:

Бўлмаса эъжоз макомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломиди назм.

Навоий ўз асарларида ва Хуросоннинг вазири аъзами сифатидаги фаолиятида инсонни ана шундай тушунишни, кадрлашни, химоя этишни ва савоб ишларга даъват қилишни муқаддас вазифа деб билди.

Инсонни тавсифлашда Навоий бирёклама муболағага йўл қўймайди, у одамнинг ожиз томонлари борлигини ҳам тан олади. Аммо, агар инсон ўз фазилатларини химоя қила ва саклай олса, унинг ҳаёт учун курашида фазилатлари устун чиқишига чуқур ишонч изҳор этади:

Бордир инсон зотида онча шараф, –
Ким, ямон ахлоқин этса бартараф.

Навоий нафакат шоир, таржимон, тилшунос олим, балки давлат арбоби сифатида ҳам тарихда катта из қолдирган. Ана шунинг учун ҳам унинг кўп рубоийлари, ғазаллари, дostonлари халқни қай йўсинда бахтли-саодатли қилмок мумкин, саволига жавоб тариқасида ёзилгандир. Алишер Навоий дунёни тушуниб ўтди. Шу боис, алғов-далғов замонларда ботинан хотиржам яшади. Зотан, Нозим Ҳикмат таъбири билан айтганда, «тушунмак – буюк хотиржамлик», деганидир.


Ўзбек халқининг учта бахти бор. Биринчи бахти мустақиллик, иккинчи бахти ер ости ва ер усти бойликлари бўлса, учинчи бахти Навоийдир» .

Ҳирот ҳукмдори Абусаид 1469 йил бошларида Ғарбий Эрон учун олиб борилаётган жанглارнинг бирида ўлдирилди. Темурийзодалар ўртасида яна тахт учун қизғин курашлар авж олди. Бу курашларда неча йиллардан буён тахт орзусида юрган Султон Ҳусайн Мирзонинг қўли баланд келди. 1469 йил бошида у Ҳирот тахтини эгаллади.

Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий бирга мактабда ўқиган, Абдулқосим Бобур саройида биргаликда хизмат қилган кадрдон дўст эди. Улар бир-бири билан: «Қачонки бахт бизга қулиб бокса, дўстлигимизга содик қолиб, ўзаро ҳамкор бўламыз», – дея аҳду паймон қилган эдилар. Ана шу ваъдага мувофиқ, Ҳусайн Бойқаро Самарқандга – дўсти Алишер Навоийга махсус мактуб йўллаб, уни Ҳиротга – сарой хизматига даъват этди. Навоий тезлик билан она шаҳри Ҳиротга етиб келди. 1469 йилнинг апрелига тўғри келган рамазон ҳайити муносабати билан дўсти Ҳусайнни муборакбод этар экан, Навоий унга тахтни эгаллаши билан қутлаб битган «Ҳилолия» – касидасини ҳам тақдим этди. «Ҳилолия» ана шу тарихий воқеа муносабати билан битилган асар.

Султон Ҳусайн Навоийни муҳрдорлик лавозимига тайинлади. Муҳрдорлик муҳим лавозим эди. Давлатнинг барча ҳужжатлари муҳрдор орқали расмийлаштирилди. То Навоий имзо қўйиб, муҳр босмагунича ҳеч бир ҳужжат қонуний қучга қирмас эди. Шоир шу вазифада туриб Хуросон давлатини мустаҳкамлаш, мамлакатни адолатли бошқариш, элу юрт манфаатлари йўлида хайрли ишларни амалга ошириш,





илм-фан, касбу қор ва ҳунарларни ривожлантиришда подшоҳга яқиндан ёрдам берди. Шу тариқа халқ орасида Навоийнинг обрўи тобора орта борди.

Бирок шоир ижод ўтида ёнарди. Давлат хизмати унинг эркин калам тебратишига фурсат қолдирмас эди. Шунинг учун кўп ўтмай, Навоий муҳрдорлик вазифасидан истеъфо берди. Ўрнига форсий ва туркий тилларда ижод қилган зуллисонайн шоир Амир Шайхим Суҳайлий тайинланди.

Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг иштирокисиз давлат ишларини кўнгилдагидек олиб бориши мушкул эди. Давлат бундай донишманд, оқил, одил шахсга, халқ орасида улкан обрў-эътиборга эга зотга жуда муҳтож эди. Шунинг учун 1472 йили Султон Ҳусайн Мирзо, Навоийнинг норозилигига ҳам қарамай, уни амир, яъни вазир қилиб тайинлади ва унга амири қабир унвонини берди. Бу унвон унинг умри охиригача сақланиб қолди. Амир Музаффар Барлосгина Навойдан юқори муҳр босиш ҳуқуқига эга эди, ҳолос.

Шу тариқа Навоий эл хизматига маҳкам бел боғлади. Кейинчалик унинг ўзи «Ҳайрат ул-аброр»да:

Ким бор эди бошимга кўп меҳнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим, –


дея шу даврлардаги кизғин ижтимоий-сиёсий фаолиятини эслаган эди.

Ҳусайн Бойқаро мамлакатни мустақкамлаш, ободончиликлар қилиш, илму маърифат, санъат ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга жиддий аҳамият берар, бу ишларда Навоийга суянар, у билан бамаслаҳат иш юритар эди. Бу даврда Хуросонда маданият ва маънавият мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Ҳирот ўша замондаги дунёнинг юксак тараққий этган маданий марказларидан бирига айланди.

Навоийнинг ўзи ҳам шахсий даромадлари ҳисобига кўплаб иморатлар, халқ хизматидаги бинолар қурди. Хуросоннинг турли шаҳарлари, хусусан, Ҳиротда шоир бунёд эттирган осори атиқалар сони 300 дан ошиб, 400 га яқинлашади. Улар орасида мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, табибхоналар, макбаралар, кўприклар, тўғонлар, ҳаммомлар бор. Ҳиротдаги «Низомия», «Ихлосия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» табибхонаси, Марв, яъни ҳозирги Туркменистоннинг Мари шаҳридаги «Хусравия» мадрасаси Навоий қурдирган энг машҳур меъморий ёдгорликлар ҳисобланади.

Шоир ижодий режалар билан тўлиб-тошган, туркий тилда ўлмас асарлар яратиш дарди билан ёнар эди. У айнан куч-қудратга тўлган ўттиз беш ёшида, яъни 1476 йили вазирлик лавозимидан ҳам истеъфо берди. Бирок у мансабдан воз кечган бўлса ҳам, Султон Ҳусайн Бойқаро саройининг энг нуфузли кишиларидан бири бўлиб қолаверди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шунинг учун Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан муносабатлари ҳақида «еги эмас эди, балки, мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммақтаб экандурлар», – деб ёзади. Мусоҳиб суҳбатдош деган маънони ифодалайди. Навоий подшоҳнинг маслаҳатгўй ҳамфикрларидан эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан кейин 1507 йили Ҳиротга борганда шаҳарнинг эътиборли жойларини зиёрат қилгани ҳақида сўзлаб, «Бобурнома»да, жумладан, шундай ёзади: «...Алишербекнинг ўлтурур уйлариқим, «Унсия» дерлар, макбара ва масжиди жомийниким, «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва



хонақоҳиниким, «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва дору-ш-шифосиниким, «Сафоня» ва «Шифоня» дерлар, борини андак фурсатга сайр килдим».

Илм, адабиёт, санъат ва хунар аҳли Навоийни ўзларининг чинакам ҳомийлари деб билар эди. Кўплари ёзган асарларини ана шу улуғ амирга бағишлар эди. Гиёсиддин Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида шундай китоблардан 40 га яқинини санаб ўтади. Албатта, бунинг замирида муаллифнинг буюк амир ва улуғ шоирга ҳурмати ётади. Бирок шуни ҳам унутмаслик керакки, ана шу асарларнинг ярмидан кўпи бевосита Навоийнинг илтимоси, моддий ва маънавий ҳомийлигида битилар эди. Масалан, ҳазрат Абдурахмон Жомий авлиёлар ҳақидаги тазкираси – «Нафаҳот ул-унс ва мин хазорат ул-қудс»ни 1475/1476 йили бевосита шоғирди Навоийнинг илтимоси билан яратган. Ёки ўз даврининг йирик адабиёт назариётчиси Атоуллох Хусайнийнинг 1493 йили битилган аруз ва бадий санъатлар ҳақидаги «Бадойиъ ус-санойиъ» асари ҳам Навоийнинг жиддий талаби ва рағбати билан қоғозга тушган. Улуғ амир ана шу олимга илм билан бамайлихотир шуғулланиши учун Ҳиротнинг энг баҳаво ерида жойлашган ўзига тегишли бир яхши ҳовлини тақдим этади. Шунингдек, тарихчи Мирхондга етти жилдлик «Равзат ус-сафо» асарини битишига имконият туғдириш учун Навоий тарихчи Мирхондга «Халосия» хонақоҳидаги катта кутубхонага эга ўз хонасини ажратиб ёзув шароитларини ҳозирлатиб беради.

Тахминан 1472–1476 йиллар орасида Навоий ўзининг биринчи девони – «Бадойиъ ул-бидоя»ни тузган эди. Бу девонга бевосита Хусайн Бойқаро илтимоси билан гартиб берилди. Шоир девонга махсус «Дебоча» ёзиб, ўзининг шеърятга, хусусан, ғазалга карашини, ижодий қатъиятларини баён этди. «Дебоча» Навоийнинг туркий шеърятга ўта юксак мезонлар билан ёндашадиган соҳиби калам сифатида бўй кўрсата бошлаганидан далолат қилади.

1476/77 йили, яъни 35 ёшларида Навоий Жомийга расман мурид тушди.

Астробод даври. Ҳаёт буюқларга ҳеч қачон осон кечган эмас. Навоийнинг халқ орасидаги обрў-эътибори ҳам, унинг шох олдидаги мавқеи ҳам айрим кимсаларни хурсанд қилмас эди. Шоирнинг ашаддий душманларидан бири Мажиддин Мухаммад эди. Хусайн Бойқаро тахтни эгаллаганидан кейин уни парвоначи лавозимига тайинлади. Мудом адолатга зид ишларни амалга оширгани, халқдан зўрлик билан тўпланган маблағларни бемаъни айш-ишратларга сарфлаш пайдан бўлгани учун улуғ мутафаккир Хусайн Бойқарога тушунтириб, Мажиддинни лавозимидан четлаттирган эди. Бу улар ўртасидаги келишмовчиликни янада кучайтириб юборди.

Хусайн Бойқаро хазиnasiда молиявий танқислик бўлиб қолган бир маҳалда Мажиддин яна йўлини қилиб, шохнинг пинжига кириб олди. У Султон Хусайнга: «Ҳуқуқ беринг, мен оз фурсатда халқдан йиғиб келай ўша маблағни», – деди. Шундай қилди ҳам. Шу баҳона у шохнинг ишончини қозониб, яна вазирлик лавозимини эгаллаш ҳаракатига тушди. Бу мақсадига етиши учун эса Навоийни, қандай қилиб бўлмасин, Ҳиротдан узоклаштириш зарур эди. Бунинг ҳам йўли топилди: – Султон Хусайн Мирзо Навоийни Хуросон давлатининг ғарбий чегараларида жойлашган узоқ Астрободга ҳоким қилиб таъйинлади.

1487 йилнинг боши. Навоий қирк олтига тўлиб, қирк еттига чиққан. Хондамирнинг далолат беришича, бу пайтда шоирнинг кўнгли «тарикат (яъни тасаввуф) сулукига муҳаббати ортиклигидан» шохнинг Астрободга ҳоким бўлиш ҳақидаги тақлифига дастлаб розилик бермади. Лекин ҳокон ундан ўтиниб сўраганидан кейин,





ноилож, кўнди. Ўзига маъкул мулозимларини олиб, Астрободга кетди. Бу ер бағоят кўкаламзор, жуда обод, ипакчилик кучли ривожланганидан савдо-сотик учун қулай бир ўлка эди. Стратегик жиҳатдан Астрободнинг хавфсизлиги кўп тарафдан мамлакат осойишталиги учун муҳим эди. 1487 йил кишида Хусайн Бойқаро Навоийни узоқ Астрободга ҳоким қилиб жўнатди. Академик Иззат Султоннинг манбалар асосида аниқлаб айтишича, Астрободда Навоийга ажратилган катта экин майдонлари ҳам бўлган.

Навоийнинг бу ёкка ҳоким бўлиб келиши дипломатик жиҳатдан ҳам жуда зарур ҳаракат бўлган. Атроф давлатларнинг раҳбарлари шоирнинг ҳаққи-ҳурмати Хуросон давлати билан муносабатларини яхшилаш бошлади.

Халқ шоирни иззат-иқром билан кутиб олди. Вилоятда адолатсизликларга барҳам беришга киришилди, зулмқор амалдорлар ишдан четлатилди, ободончилик ишлари йўлга қўйилди. Навоий бу ерда ўз асарларидаги юксак гоёларига содик қолиб, бошқа ҳукмдорларга ўрнак бўларли даражада оқилона иш юритди.

Аммо пойтахтдан – она шаҳардан узоқда яшаш, бунинг устига, ҳокимликдек масъулиятли вазифани удалаш шоирнинг ижодий режаларига мос келмас эди. Шунинг учун Навоий 1488 йили ўз ўрнига Амир Бурҳониддинни қолдириб, ҳокимликни топшириш нияти билан Ҳиротга келди. Бирок Султон Хусайн унинг бу илтимосини рад этиб, ўзини яна қайтариб юборди.

Шоир яна Астрободга келишга мажбур бўлди.


Орадан бир неча ой ўтиб, у жияни Ҳайдар Сабухийни Ҳиротга жўнатди. Зиёфатлардан бирида у Султон Хусайнга Астрободда шохнинг яқин кишилари ошпазга Навоийга заҳар ичириш ҳақида буйруқ берганини, бундан хабар топган шоир каттик ранжигани, ҳатто, исён қўтариш ниятида эканини шипшитди. Шох зудлик билан дўстига мактуб ёзиб, бу борада ундан гумон қилмасликни, бу суиқасддан хабари йўқлигини билдирди. Навоий эса ўз навбатида жияни Ҳайдар Сабухийнинг гапларидан мутлақо хабарсиз эканини маълум қилди.

Шу воқеадан кейин Султон Хусайн Навоийнинг Ҳиротга қайтишига кўнди. Шоир ҳукмдордан бундан-буён давлат ишларидан батамом фориғ бўлишни илтимос қилди. Бирок расмий амал бермаган бўлса ҳам, шох уни «муқарраби ҳазрати султоний», яъни «ҳазрати султоннинг энг яқини» деган унвон билан сийлади. Бу саройда Навоийга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлар, шоирнинг душманларини янада ғазаблантирар эди. Чунки бу унвоннинг имтиёзи шу даражада эдики, унинг соҳиби бир масала юзасидан шохга етти мартабагача қайта-қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эди.

Навоий ҳаётининг сўнгги 15 йили ниҳоятда кизгин ижод даври бўлди. Меросининг каттагина қисмини айнан шу 45 ёшдан кейин яратди. Биринчидан, шоир давлат ва жамият ишларидан бир қадар фориғ бўлди. Иккинчидан, агар унинг асарлари яратилиши кетма-кетлигига назар ташлайдиган бўлсак, муаллиф шошилиб, улгуриб қолишга интилиб ишлагани маълум бўлади. Буни у «Лисон ут-тайр»да очик айтган ҳам. Яъни: «Ёш олтмишга қадам қўйяпти. ният қилганим шу дostonни ҳозир ёзма-сам, битилмай қолиб кетадими, деб кўркаман». – кабилида фикр юритади:

Мунчаким назм ичра қилдим иштиғол,
Хотиримдин чикмас эрди бу хаёл.





...Лек сўз душвор эрди, мен нотавон,
Бормас эрди хомага илким равон.
Окибат, кўрдумки, умр айлар шитоб.
Ўлсам-у, колса дейилмай бу китоб.

1488 йили Балхда ҳоким бўлиб турган Навоийнинг туғишган укаси Дарвеш Али шохга қарши исён кўтарди. Исёнга асос бўлган асл сабаб эса Мажиддин ва унинг яқинларининг шоирга ноўрин муносабатлари эди. Дарвеш Али Мажиддинни саройдан четлатиш талаби билан чиққан эди. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро кўшинлари билан бирга Балхга бориб, укасининг исёнини бостирди.


1490 йили Мажиддин вазирликдан четлатилди. Ўрнига таъинланган аввалги вазир Низомулмулк ҳам мунофиқ бир киши эди. Саройда муҳит ёмонлашган, Ҳусайн Бойқаронинг аввалги мавқеи тушиб кетган, ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган бўлиб қолган, айш-ишратга майли эса кучайгандан-кучайган эди. Шаҳзодалар ўртасида ҳам ота ҳокимиятини бўлиб олиш тараддуллари бошланган эди.

Навойдан кейин Султон Ҳусайн Астрободга катта ўғли Бадруззамонни ҳоким қилиб таъинлаган эди. Дарвиш Али билан сулх тузганидан кейин у Бадруззамонни Балхга ҳоким қилиб ўтказди. Бадруззамон Астрободга ёш ўғли Мўмин Мирзонни қолдириб келди. Шунга қарамай, Султон Ҳусайн Астрободга Ҳадичабегимдан туғилган ўғли Музаффар Ҳусайнни ҳоким қилиб тайинлади. Бу эса шох билан Бадруззамон ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб юборди. Бадруззамон Мўмин Мирзога Астрободга Музаффар Ҳусайнни киритмаслик тўғрисида буйруқ юборди. Шу тарика ота-ўғил жангга киришди. Бу жангда ўғил енгилди. Музаффар Ҳусайн Астрободда Мўмин Мирзони қўлга олиб, Ихтиёрдин қалъасига қамади. Зиёфатда маст ҳолатидан фойдаланиб, вазир Низомулмулк билан Ҳадичабегим шохга Мўмин Мирзони қатл этиш ҳақидаги фармонга имзо чектириб олишди. Ҳукм ўша кечасиёқ ижро этилди.

Мўмин Мирзонинг қатл этилиши темурийлар салтанатига путур кетганидан далолат эди. Хондамирнинг «Равзат ус-сафо»да берган маълумотига қараганда, Навоий бу воқеани қарийб уч аср илгари юз берган шунга ўхшаш бир қотилликка ўхшатади: «Муҳаммад Мўмин Мирзо воқеаси шайх Мажиддин Бағдодий қатли қабидурки, ўша замонда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ирокнинг барча вилоятлари Чингизхон Турондан Эронга лашқар тортиши натижасида қатли ом бўлиб вайрон этилган эди. Бу ҳодисанинг (яъни Мўмин Мирзонинг ўлдирилишининг) шумлигидан халқ ва мамлакатнинг ҳароб бўлишига сабаб бўладиган катта бир фитна кўзгалади».

Тарихдан маълумки, Мажиддин Бағдодий хоразмлик авлиё – Шайх Нажмиддин Кубронинг энг машҳур муридларидан бири эди. Ўша давр ҳукмдори Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бир тухмат билан маст ҳолида Мажиддин Бағдодийни ўлдириш ҳақидаги фармонга муҳр босиб юборади. Ўзига келгач, Бағдодийнинг хун ҳақи деб унинг пири Нажмиддин Куброга бир товоқ жавохир жўнатади. Шайх Нажмиддин Кубро у жавохирларни шохга қайтариб, уни олиб келган кишига: «Мажиддиннинг хун баҳоси мен билан Хоразмшоҳнинг боши бўлади», – деб юборади. Чиндан ҳам, кўп ўтмай чингизийлар Хоразмни забт этди. Башорат тўғри чиқиб, бу босқинда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам, Нажмиддин Кубронинг ўзи ҳам шаҳид бўлди.





Мўмин Мирзонинг ўлими Хуросон давлатининг заволи сари ташланган кадам бўлганини Навоий бу тарихларни яхши билган зот сифатида сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас эди. Унинг мазкур сўзлари амалда темурийлар Хусайн Бойкаро вафотидан кейин кўп ўтмай, шайбонийлар тарафидан батамом енгилишини олдиндан башорат қилиш эди...

Мўмин Мирзо қатл этилганда Навоий Машҳадда эди. Қотилликдан уч кун ўтгандан кейин Ҳиротга келган шоир бу мудҳиш хабарни эшитиб, оғир изтиробга тушди.

«Хамса»дан кейин шоир «Зубдат ул-таворих» (у «Таърихи мулуки Ажам» ва «Таърихи анбиё ва ҳукамо» деган икки қисмдан иборат) асарини ёзди.

1488/89 йили Навоийнинг устози Саййид Ҳасан Ардашер вафот этди. Бу пайтда ҳам шоир Ҳиротдан йироқда эди. Орадан икки йил ўтганидан кейин, яъни 1490 йили у «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарини битиб, бу ажойиб инсоннинг фазилатларини бағоят меҳр билан баён этди.

Шу йили «Рисолаи муфрадот дар фанни муаммо» («Муаммо соҳасининг айрим жиҳатлари ҳақида рисола») ёзилди. Мумтоз шеърятимизнинг муҳим жанрларидан бири бўлмиш муаммо тўғрисидаги бу қўлланмадан кейинги асрларда кўп фойдаланилди.

Навоий умри бўйи ўзидан олдинги даврлар ва замонаси шоирлари ижодини изчил ўрганди. Ўзигача бўлган барча форсий ва туркий қалам соҳиблари асарлари билан тўлиқ танишди. Бу борада у мисоли бир тирик қомус эди. Ўз даври китобхонлари ва келажак авлод учун у ўзи билган шоирлар ҳақида бир тазкира тартиб беришни орзу қилар эди.

1491 йили ана шу орзу амалга ошди. «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») тазкираси битилди. Асар саккиз «мажлис», яъни бобдан иборат. Биринчи мажлисда Навоий ўзи кичик пайтида тирик бўлган, бироқ ўзаро учрашиш бахти насиб этмагани шоирларни, иккинчи мажлисда эса болалик ё йигитлик пайтида кўришган, лекин тазкира битилаётган маҳалга қадар ҳаётдан кўз юмган ижодкорларни киритди. Учинчи мажлис – замонасининг машҳур шоирлари хусусида. Тўртинчи мажлисда ўзлари шоир бўлмасалар ҳам, баъзан-баъзан ажойиб шеърлар яратиб турадиган фозиллар борасида сўз юритилади. Бешинчи мажлис – Хуросоннинг баъзи амирзодаларидан шеърга машғуллари тўғрисида. Олтинчи мажлисда Хуросондан ташқаридаги фозил зотлардан шеър битувчилари борасида маълумот берилади. Еттинчи мажлисда темурийзодалардан шеърга машғуллари ёки шеърни ўрнида ишлатганлари хусусида сўз боради. Саккизинчи мажлис эса маҳсус Хусайн Бойкаро, яъни Хусайиний ижоди таҳлилига бағишланган.

«Мажолис ун-нафонс» – ўзбек тилида яратилган илк тазкира экани билан ҳам қадрли. Қолаверса, бу асарнинг туркий шеърят тарихини ўрганиш форсий адабиётни тадқиқ этиш. XV аср иккинчи ярми форсий-туркий адабий муҳитни тасаввур қилиш учун ҳам алоҳида аҳамияти бор. Унда муаллифнинг ўта нозик адабий-табiiй қарашлари ўз аксини топган.

«Мажолис ун-нафонс» кетидан, яъни 1492 йили Навоий адабиётшуносликка, аниқроғи, адабиёт назариясига оид яна бир асари – «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») рисоласини яратди. Унда туркий аруз қонун-қоидалари ифодаланади.





1492 йили Навоийнинг бошига яна бир оғир мусибат тушди. Милодий ҳисобда ўша йили 8 ноябрда пири ва устози Абдурахмон Жомий вафот этди. Бу худдики бир даврда бир шаҳарда кад кўтарган жаҳон адабиёти икки буюк тоғидан бири қулаган-дек эди...

Навоий пири ва устози учун соҳиб азo, бўлди. Таъзияга келганлар, Жомийнинг онласи аъзолари катори, Навоийдан ҳам кўнгили сўрар эди.

Жомийнинг йил ошида замонасининг машҳур вонзи – Хусайн Вонз Кошифий Навоийнинг пири ва устозига бағишлаб форсийда битган машҳур марсиясини Султон Хусайн ҳузурда кироат билан ўқиб бериб турди. Ана шу йил оши маъракасини ўтказганидан кейин Навоий Жомий ҳақидаги «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш хайрат») асарини битди.

Шу 1493 йили Навоий яна бир суянган тоғи, мураббийи, дўсти, замонасининг улуғ фозилларидан бири – Пахлавон Муҳаммаддан айрилди. «Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад» асари ана шу улуғ зот хотирасини абадийлаштириш мақсадида коғозга тушди.


Шоир ўзи битган ҳар бир сатрнинг кадрига етадиган ижодкор эди. Ўша даврда расм бўлганидек, Навоий ҳам ўзининг Хусайн Бойқарога, шахзодаларга, устозлари, биродарлари, кадрдонларига йўллаган мактублари матнларини жамлаб. «Муншаот» («Мактублар») асарини тартиб берди. Бобур Навоийнинг ана шу асари ҳақида гапириб, бу борада унинг Жомий аънарасига суянганини айтади: «... Иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга таклид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун хатким, биттибтур, йнғиштурубтур».

1495/96 йили Навоий Жомий унинг илтимоси билан битган «Нафоҳат ул-унс ва мин хазарот ул-кудс» тазкирасини туркийга таржима қилди. Таржимада айрим кескартиришлар ва кўп тўлдиришлар амалга оширилди. Бу асарга «Насойим ул-муҳаббат ва мин шамойим ул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шаббодалари») деб ном берди. Сўфийлар ҳақидаги бу тазкира XV аср иккинчи ярмигача ўтган талай шайх ва авлиёлар ҳақида маълумот берувчи жуда бой манба ҳисобланади.

Тиббиёт фани ҳам инсон руҳини тадқиқ қилади. Ана шу тиббий руҳшуносликда туйғулар оқими деган бир тушунча бор. Бу шундан иборатки, кишининг болалигида кечган фикр-ўйлари, тасаввурлари, орзу-интилишлари, замонлар ўтиб, қайтадан авжланиши, инсон яна ўша кўп йиллар илгариги ниятларини амалга ошириш тараддудига тушиб қолиши мумкин. Алишер Навоийнинг умри сўнгида – эллик саккиз-еллик тўққиз ёшларида, яъни 1498/99 йили «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») дostonини битиши ҳам худди ана шундай туйғулар оқимининг самараси эди. Чунки ёш Алишер, биласизки, мактабда улуғ авлиё шоир Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» дostonини тўлик ёд олган эди. Умр адоғида эса унинг таъсиридаги «Лисон ут-тайр» коғозга тушди.

Шоир бу дostonида қушлар тимсоллари воситасида инсоннинг Оллоҳ васлига интилиши жараёнини акс эттирди. Бу асар тасаввуфий жиҳатдан ҳақиқат, яъни Оллоҳ сирларини мажоз, яъни тимсоллар воситасида тасвирлашга бағишланган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи кейин «Муҳокамат ул-луғатайн»да шундай ёзади: «Чун «Лисон ут-тайр» илхоми била тараннум тузубмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асrorин мажоз суратида кўргузубмен».





Адабиётнинг асосий тасвир манбаи – одам. Одам эса олам билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, унинг бир парчаси янглиғ ҳаёт кечиради. Одам билан одам, одам билан олам ўргасидаги муносабатлар ва бунда инсоннинг барча ақлий-ҳиссий кечинмалари адабиётда ақс этади. Шунинг учун ҳар қандай бадний асарда икки нарса – объект ва субъект мавжуд. Объект қаламга олинган борлиқ, воқеа – ҳодиса, яъни ҳаёт. Субъект эса ана шу воқеъликка инсон, яъни муаллифнинг муносабати. Асарда объект билан субъектнинг ўзаро нисбатига кўра адабиёт турларга бўлинади.

Объект бирламчи-ю, субъект иккиламчи, яъни воқеа биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган асарлар эпик турга, объект иккиламчи бўлиб, субъектнинг нуқтан назари биринчи даражали бўлган асарлар лирик турга қиради. Драматик асарда эса воқеликнинг ўзигина тўғридан-тўғри намоён бўлади.

Ислом шарқи адабиётларида қадимдан лирика қучли тараккий этган эди. Хусусан, форсий тилда ўз жозибаси билан бутун олам қалам аҳлини маҳв этган бой лирик шеърят пайдо бўлди. Абу Абдулло Рудакий, Хусрав Дехлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Абдурахмон Жомий каби буюқ шоирлар етишиб чиқди. Туркий тилда ижод этган Хоразмий, Атоий, Саккокний, Лутфий каби шоирлар Навоий давригача бўлган ўзбек лирикасининг устозлари эди.

Ўз олдига форсий шеърятнинг энг юқсак намуналарига тенг асарлар битишдек буюқ вазифа қўйиб ижод қилган Алишер Навоий ўзбек лирикасини тамоман янги бир поғонага олиб чиқди. У болалик чоғларида умрининг охиригача лирик асарлар ижод қилди. Шоирнинг лирик мероси икки тилда яратилган шеърларидан ташкил топган. У форсийда битилган шеърларини «Девони Фоний»га, туркийда ёзилган шеърларини эса «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») деган тўрт мустақил девондан иборат мажмуага жамлади. «Ҳазойин ул-маоний»ни тартиб бериш 1491/92 йили бошланган эди. Бу кенг кўламли ва жиддий иш 1498–1499 йилларгача давом эттирилди.

«Ҳазойин ул-маоний» фақат ўзбек шеърятини эмас, умуман, туркий адабиёт, қолаверса, бутун Шарқ сўз санъатининг улкан ёдгорлиги ҳисобланади. Жаҳон адабиёти хазинасида ҳам бу қадар йирик лирик мерос яратган шоирлар у қадар кўп эмас.

Ҳарчи у икки тилда ҳам маҳорат билан шеърлар битган бўлса ҳам, туркийда у ўзининг бор шеърини қудратини намоён этди. «Ҳазойин ул-маоний» Навоий умум меросининг салмоқли қисмини ташкил этади.

Улуғ зотнинг мухлислари унинг асарларини бир китобга жамлаб, «Куллиёт» ҳам тузишди. Навоий ана шу «Куллиёт» учун бир қириш тарзида «Муножотнома» насрий асарини ёзди.

Тахминан 1498/99 йили «Муншаот» тартиб берилди. Унга Навоий ўзининг турли замондошларига ёзган мактубларини киритди.

Навоий буюқ асарлари билан туркий тил ҳам жаҳондаги буюқ адабиёт яратишга лойиқ бир забон эканини исботлади. Аммо энди бу фикрнинг назарий исботига эҳтиёж бор эди. 1499 йили ёзилган «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») рисоласи шу мақсадда қоғозга тушди.

Бу илмий тадқиқотда шоир форсий тилда тузган девони – «Девони Фоний»ни ҳам тилга олади. Шундан маълум бўладики, шоир бу тўпламини 90-йилларнинг ўрталарида тартиб берган.





1499/1500 йили диний руҳдаги «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлар чироғи») асари битилди. Унинг ёзилишига уч сабаб бор эди.

Биринчиси шуки, Султон Ҳусайннинг яқин кишиларидан қайсидири шоҳга Навоий ҳақида бир кизик гап айтиб қолади: «У кўп ажойиб бинолар қуриб, талай мусофирларга макон ясади-ю, лекин назми билан кўп уйни бузди-да». Бундай дейишга сабаб шу эдики, шоир ошиқлар тимсолларини яратиб, хаммани ишк кўйига солди-ю, ислому дин уйига кўп зарар еткарди. Бу гапдан хабар топган шоир калбида бир ислом шартлари ҳақида рисола ёзиб, дин уйини биткарай, деган фикр туғилади. Лекин бунга ҳеч фурсат топа олмай юради.

Иккинчи сабаб шу эдики, бир куни Самарқанддан бир киши Ҳиротга келиб, суҳбат орасида раҳматли Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор бир пайтлар Навоий ҳақида айтган омонат гапни эслатади. «Кўп яхши асарлар ёзди, лекин диний мавзуда бир асар битиш ҳам ундан лозим эди», – деган эканлар ўшанда Хожа Аҳрор. Бу гапдан кейин шоир кўнглида ана шу улуғ пир руҳини шод этиб, шарият талқинига бағишланган бир китоб битиш орзуси яна жўш уради.

Учинчи сабаб шундан иборатки, Навоий ҳузурда бир қобилиятли ёш йигит фарзандидек бўлиб, ундан таълим-тарбия топар эди. Шоир кўнглида, диний мавзуларда ёрдами тегсин, дея унга атаб бу китобни ёзиш фикри туғилади.

Навоий умрининг сўнгида ахлокий-панднома руҳидаги насрий «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарини ёзди. 1500 йили битилган бу китоб Навоийнинг энг йирик асари ҳисобланади. «Маҳбуб ул-қулуб» – миллий-исломий ахлоқнинг ажойиб намунаси, муаллиф бадий насрининг энг гўзал намуналаридан бири. Унда мутафаккирнинг узок йиллик ҳаётий ҳулосалари ўта таъсирчан тилда баён этилади.

Асар уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисми яна ички фаслларга бўлинган. Биринчи қисмда турли касб-кор эгалари, табақалар умумий хусусиятлари кўрсатиб ўтилади. Иккинчи қисм эса муаллифнинг яхши хулқлар, сифатлар, хусусиятлар саналаш, тушунтириш, қаноат, сабр, одоб, ишк борасидаги қарашлари баёнига бағишланган. Учинчи қисмда турли ахлокий масалаларга онд айрим нуктаи назарлар танбехлар ва шеърӣ парчалар воситасида илгари сурилади.

1500 йилнинг ёзида Астроболда Ҳусайн Бойқаронинг Хадичабеғимдан туғилган ўғли – Муҳаммад Ҳусайн отасига қарши бош кўтаради. Шоҳ ўғлига қарши қўшин тортади. Йилнинг декабрига бориб ота-ўғил ўртасида сулҳ тузилади. Султон Ҳусайн Мирзонинг Ҳиротга қайтаётгани ҳақида хабар келади. Бундан огоҳ бўлган Алишер Навоий бир куни эрта тонгда Мавлоно Али Бурхонийни ёнига чақириб, бир ўзбекча ғазалини оққа кўчиришни айтади. Бу:

Не кўзум ёрой ул оразни манзур айламак,
Не тилим ҳадди онинг отини мазкур айламак, –

мавласи билан бошланадиган ғазал эди. Матн оққа кўчирилгач, шоир уни бир чопар билан Ҳусайн Бойқарога юборади.

Ҳиротга келаётган шоҳ эътиборига йўлланган бу ғазал Навоийнинг умри сўнгида битган энг охириги ғазали эди...





Замона удумига кўра, Навоий ҳам бир гуруҳ давлат арбоблари ва пойтахтнинг кўзга кўринган кишилари сафида шохни кутиб олишга пешвоз чиқиши керак эди. 1501 йилнинг 1 январи куни Алишер Навоий ҳам уни кутиб олишга чиқди. Подшоҳ пешвоз чиққанларга яқинлашган маҳалда шоирнинг ахволи оғирлашди. Унинг бошини Султон Ҳусайннинг кучоғига қўйишди. Навоий шу тарика ҳушини йўқотди. Табибларнинг бир қисми унда сакта касали хуруж қилгани, тезроқ ундан кон олиш кераклигини айтди. Бошқалар уни Ҳиротга олиб бориб, табиблар маслаҳатидан сўнггина кон олиш лозим, деган фикрга келди. Шоирни шаҳарга қайтардилар, томирларидан кон чикмади. Табиблар кеч қолган эди.

Шу тарика Навоий 1501 йилнинг 3 январь куни Ҳиротда вафот этди.

Захириддин Муҳаммад Бобур ёзганидек, бир ғазалида у ўз ўлимини олдиндан башорат қилгандек эди: «Султон Ҳусайн Мирзо Астробод черикидин ёнғонда (қайтаётганида Навоий – С.О.) истикболга келди, Мирзо била кўрушуб кўпкунча бир ҳолате бўлди, кўполмади (туролмади – С.О.), кўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласи-ўк (эртасигаёк – С.О.) Тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби хол:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зохир эмас,
Табиблар бу балоға неч ора қилғайлар».

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, жаҳон адабиётининг буюк намояндаси Алишер Навоий вафот этган куни бутун Хуросон мотам либосини кийди. Кўмиш маросимига Ҳирот аҳли қатнашди, чор атрофдан минг-минг одам йиғилди. Уни ўзи қурдирган жоме масжиди ғумбази остига дафн этишди. Шоирлар бу санага бағишлаб таърихлар битди. Талай марсиялар ёзилди.

Султон Ҳусайн Мирзо соҳиби азо мақомда турди. У етти кун Алишернинг ҳонадонидан мотам тутди. Еттинчи куни Султон Ҳусайн ва унинг хотини Хадичабегим катта маросим ўтказди, бу маракага тумонат одам йиғилди. Султон Ҳусайн ва Хадичабегим мотам кийимларини ечишди, таъзияга келган кишиларга ипак чопон ва шоҳилардан тикилган сарполар кийдирилди.


Алишер Навоийнинг жисмигина бу дунёни тарк этди. Бирок у яратган ўлмас асарлар туганмас маънавий мулк сифатида абадий қолди. Ўзбек халқи бу бой мерос билан ҳақли равишда дунёдаги буюк адабиёт яратган миллатлар қаторидан жой олди. Биз бу улуғ бобоқалонимиз билан чин дилдан фахрланамиз, уни миллатимизнинг маънавий пири янглиғ билиб, эъзозлаймиз.

Истиклол Алишер Навоийга муносабатни тубдан ўзгартириб юборди.

Аслида бу муносабат истиклол арафасидаёк бошланган эди.

Ўзи ўша 1991 йил халқимиз ва республикамиз учун бошидан хайрли келган. Хали собиқ Иттифок таркибида турган бир республикада илгарилари бирон-бир йил алоҳида ном билан юритилганини ҳеч эслайсизми? Йўқ. 1991 йилни эса Ўзбекистон Президенти аввалбошдан улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан «Алишер Навоий йили» деб эълон қилган эди.

Ўшангача Навоийни улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси, шеърят мулкининг султони деган таърифлар билан шарафлаб келар эдик. Бу зоти шарифга республика раҳбарининг бундай алоҳида эътибори ша-



рофати билан навоийшунос олимлар йиллар давомида айтолмаган Шамс ул-миллат (миллат Куёши), маънавий пиримиз деган ҳақли таърифларни матбуотда очик ишлата бошлади.

Мустакилликнинг биринчи ойн охирларида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Илмий анжуманлар, учрашувлар, сайллар, концертлар бўлди. Ўзбекистон миллий боғига шоир номи берилди. Энг баланд тепаликда унинг хайкали қад ростлади. Очилиш маросимида Мустакил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов халқ вакиллари олдида ёрқин нутқ сўзлади. Назаримда, бу унинг истиклолга эришганимиздан кейинги илк бор бевосита халқ билан учрашуви эди.

Энг муҳим янгиликлардан бири шу бўлдики, миллий боғда ош тортилди, шоир пок руҳига дуоини фотиҳалар қилинди.

Буни кечаги кунга солиштириб бўлмас эди. Дазмолланган костюм-шим, ок кўйлак, таҳи бузилмаган галстук тақиб юрадиган кўп-кўп кишилар сиёсат бирдан бундай миллийлашганини ханг-манг бўлиб қарши олаётганини уларнинг ўзини тутишидан билиб олиш кийин эмас эди.

1991 йили Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Тил ва адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди.

Навоий йилида Навоийнинг ўлмас руҳи бизни қўллаб, истиклолга эришдик, десак ҳам муболаға бўлмас.

Навоийга муносабат истиклол даври маънавий сиёсатининг ўзагида турибди, десак, муболаға бўлмас.

Президент Ислоҳ Каримов 2000 йилнинг январиди иккинчи чақирик Олий Мажлис биринчи сессиясида Алишер Навоий ижодининг миллий маънавиятимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида алоҳида фикр билдирди. Бу мулоҳазалар Навоийни ёшларга кўпроқ аңлатиш учун ниҳоятда зарур.

«... Жойларга борганда янги мактаблардаги синфларни кўрсатишади. Шунда адабиёт синфини ҳам кўрсатишди. Шу адабиёт синфида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш методикаси акс этган экан.

Шунда мен бир савол берганимда, кўнгилдагидек жавоб ололмадим.

Нима учун Навоийни яхши билмаймиз? Ўзбекистонда ўзини ўзбек деган, нафакат ўзбек, ўзбек тилини биладиган маҳаллий миллат вакили бўлган одам Навоийни севиши, севишгина эмас, уни юрак тўрида сақлаб ардоқлаши лозим.

Оғир кунларда, айтайлик. Навоий меросига суяниш, ундан мадад топиш ҳаммамиз учун керак.

Мен: «Нима учун Навоий шеърларини мактабларда ўргатишда тегишли имконият етишмаяпти?» – деб сўрадим. Жавоб чикмади.

Навоий асарларини ўқиб тушунадиган болаларни тарбиялашда нега оксаямиз?

... Мана шу масала, шу муаммони ечишда менга ёрдам берсангизлар, сизлардан бундан ҳам кўра кўпроқ миннатдор бўлар эдим.

Мен қаерда Алишер Навоий шеърларини биладиган одамни кўрсам, хавасим келди.

Шу нуқтан назардан қараганда, шоир шеърларини эшитганда одам завқланиб кегади-ю, лекин ўзининг заңфлигини тушунадик. Алишер Навоий у ёқда турсин, у кишидан олдин ўтган аждодларимизни ҳам ўқиб, тушунини а ожизмиз.





Гапим тўғрими?

Яъни биз бормиз, улуғ, бекиёс, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган мерос бор-у, шу мерос ёнимизда ётибди-ю, шу меросдан бахраманд бўлиш қўлимиздан келмайди».

Бу қимматли фикрлар амалда олимларимизнинг Навоийга муносабатини янада теранлаштиради, ҳаммамизни, хусусан, ёшларимизни бу улуғ шоир бой меросидан бахрамандликка даъват этади.

2001 йили халқимиз ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 йиллик муборак тўйини нишонлади. Асосий тантаналар шоир номи билан аталган шаҳарда бўлиб ўтди.

Навоий шаҳрида 103 гектарлик янги ажойиб боғ барпо этилди. У ерда шоирнинг мухташам хайкали тикланди. Унинг саҳнида амфитеатр қурилди. Бу маскан ажойиб байрамлар, маънавий-маърифий анжуманлар ўтказиладиган майдонга айлантирилди.

Алишер Навоий қурдирган кўплаб масжид, мадраса, хонакоҳ, работ, кўприк, беморхона, ҳовуз ва ҳаммомлар, барпо этган боғ-роғлар унинг замонаси буюк бунёдкорларидан бири бўлганини кўрсатади. Навоий шаҳрида бу боғнинг бунёд этилиши, ана шу тантаналар муносабати билан, умуман, шаҳарда амалга оширилган улкан ободончилик ва таъмирлаш ишларида халқ худди ўша замонлардагидек ҳашарга чиқди ва шу тариқа ўз меҳнати билан амалда улуғ Навоийга чексиз хурматини ифодалади.


Боғнинг тантанали очилиши маросимида мухтарам Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлади. Навоий ҳазрат инсоннинг инсондай яшашини орзу қилгани ва шуни умр бўйи тарғиб этганини айтиб: «Биз ҳам шуни истаймиз. Бу йўлда қўлимиздан келган барча ишни қилишга тайёрмиз. Одам дунёга келиб, бахтли яшаши, яйраб-яшнаши, ўз меҳнатидан завқланиши, инсондай дам олиши, боғ-роғлардан баҳра топиши керак», – деди.

Халққа хизмат шоир ҳаёти ва ижодининг бош гоёси эди. Президентимиз таъкидлаганидек: «Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида халқ, эл, улус, юрт, раият деган сўзларнинг меҳр, мурувват, оқибат, саховат, садокат сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз».

Навоий мероси қўлами

Алишер Навоийдан буюк мерос боқий қолди. Айрим мутахассислар унинг асарлари сонини 30 та кўрсатишган. Бу мантикка зид ҳисоб-китоб. Агар гап унинг бир муковада жамланган китоблари ҳақида бораётган бўлса, эҳтимол шундай дейиш мумкиндир. Чунки шоирнинг 8 (мухлислари тузган 1 туркий, ўзи тузган 6 туркий ва 1 форсий) девони, таржима йўли билан яратилган 2 шеърый тўплами («Арбаъин», «Назм ул-жавоҳир»), жами 6 достони («Хамса» дostonлари ва «Лисон ут-тайр»), 2 тазкираси «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-мухаббат...»), 3 манокйби («Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад»), тил ва адабиёт назарияси билан боғлиқ 3 рисоласи («Муфрадот», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн»), яна 3 насрий-бадий ва илмий-тарихий асари («Маҳбуб ул-қулуб», «Вақфия», «Муншаот») мавжуд. Шуларни номма-ном санасак, 30 га яқинлашади.





Лекин, ахир, бор-йўғи икки сагрдангина иборат фард ҳам бир яхлит асар-ку. «Хазойин ул-маоний» мавжуд тўрт девонининг хар бирида нақд 650 тадан, жами 2 минг 600 та ғазал бор-ку. «Девони Фоний»да жами 452 ғазал мавжуд. «Хазойин ул-маоний»га кирмай қолган ғазалларини ҳисобга олмаганда ҳам, ғазалларининг умумий сони 3 минг 52 тани ташкил этипти-ку.

Шоирнинг ўзи «Лисон ут-тайр»да мероси 100 минг байт атрофида бўлишини айтиб ўтган:

Назму насрим котиби тахминшунос
Ёзса, юз минг байт этар эрди киёс.

Шоир мероси ҳақида гап кетар экан, қуйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Бошқа шоир ва ёзувчиларимизга караганда, Навоийнинг ўзи меросини тартибга солиб, китобат қилдириб, келажак авлодларга қолдириб кетган. Чунки умрининг охирида ёзилган «Муҳокамат ул-луғатайн»да ўзи санаган асарларидан бизгача етиб келмагани йўқ.

Буюк мутафаккирнинг бутун мероси 1987–2003 йиллар мобайнида «Фан» нашриётида 20 жилд сифатида тўлик чоп этилди.

Мутафаккир ҳаётининг муҳим саналари

1. 1441 йил 9 февралда (ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-куни, товук йили) Хуросон давлатининг пойтахти Ҳирот шаҳрининг Боғи давлатхона мавзеида Темуррийлар салтанатининг таникли амирларидан Ғиёсиддин Кичкина оиласида туғилди.

2. 1447 йили Амир Темурнинг ўғли – Хуросон подшоси Шоҳрух Мирзо вафотидан кейин тахт учун курашлар авж олиб кетиб, Алишерлар оиласи ҳам шаҳарни тарк этишга мажбур бўлди. Ғиёсиддин Кичкина оиласи Ироқ сари йўл олди. Ироқ сари сафарда Тафт кишлоғига қўниб ўтди. Ёш Алишер машхур тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашиш бахтига мушарраф бўлди.

3. 1452 йили тахтни эгаллаган Абдулқосим Бобур ҳукмронлигидаги бир қадар осойишталик Алишерлар оиласининг Ҳиротга қайтишига имкон яратди.

4. Абдулқосим Бобур саройи хизматида қирган Ғиёсиддин Кичкина бир муддатдан кейин Сабзавор ҳокими этиб тайинланди. Алишер ҳам оиласи билан Сабзаворга кўчган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

5. Тахминан 1453 йили Ғиёсиддин Кичкина вафот этди. Алишер Абдулқосим Бобур саройи хизматида кирди.

6. Абдулқосим Бобур 1456 йили пойтахтни Ҳиротдан Машҳадга қўчирди. Алишер ҳам, Ҳусайн Бойқаро ҳам у билан бирга Машҳадга кўчди.


7. 1457 йил баҳорида Абдулқосим Бобур вафот этди. Ҳусайн Бойқаро тахт учун курашга киришиб кетди. Алишер Машҳад мадрасаларида таълим олишга шўнғиди. Бир муддат Навоий ҳам Султон Ҳусайн ёнига – Марвга келди.

8. 1464 йили Алишер Ҳиротга қайтди.

9. Тахминан 1464 /65 йили Алишер Абдурахмон Жомий билан учрашди.

Шу йиллари Абусаид Мирзо пойтахтни Самарқанддан Ҳиротга қўчирди. Абусаид Мирзо 1461 йили Алишернинг тоғаси Султон Ҳусайн Бойқаронинг маслаҳатчиларидан бири бўлган Мир Саид Кобулийни туттириб, қатл эттирган эди. Кейинчалик у яна бир тоғаси – Мухаммад Али Ғарибийни ҳам, Навоийнинг дўсти,





Бадахшон ҳукмдори шоир Лаълийни ҳам ўлдиртирди. Орадаги ана шу нохуш муносабатлар туфайли, табиийки, Абусаид Навоийни ёктирмади. Шоир Ҳиротни тарк этишга мажбур бўлди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича: «Билман, не жарима била Султон Абусаид Мирзо (Навоийни – С.О.) Ҳиридин ихрож килди (четлаштирди – С.О.)».

10. 1465/66 йили Навоий мухлислари унинг шеърларини тўплаб, девон тартиб беришди. «Илк девон» деб юритилаётган бу тўплам Навоийнинг ихтиёрисиз тузилган.

11. 1466 йили Алишер тахсил учун Самарқандга келди. Хожа Фазлуллоҳ Абдулайс хонақохидан хужра олди. Асли хуросонлик бўлган Самарқанд ҳукмдорларидан Аҳмад Ҳожибек ёш Алишерга ҳам моддий, ҳам маънавий ҳомийлик килди. Шоир бу ерда ҳар тарафлама илм ўрганди. Адабий билимларни ҳам пухта эгаллади. Ўзи тан олганидек, 50 000 байт мисра ёд биларди.

12. 1468 йили Ғарбий Эрон учун юришлари чоғида Озарбайжонда Абусаид Мирзо ўлдирилди.

13. 1469 йилнинг бошида Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо Ҳирот тахтини эгаллади. Зудлик билан Султон Ҳусайн махсус мактуб йўллаб, Навоийни Ҳиротга чакирди. Шоир Самарқанддан яна она шаҳри – Ҳиротга қайтди. Шу йилнинг апрель ойида Рамазон ҳайити муносабати билан Ҳусайн Бойқаронинг тахтни эгаллашини муборакбод этиб, «Ҳилолия» касидасини битди. Султон Ҳусайн Навоийни муҳрдор қилиб таъйинлади. Кўп ўтмай бадийий ижод билан шуғулланиш илнжида Навоий бу лавозимдан истеъфога чиқди. Ўрнига Амир Шайхим Суҳайлий тайинланди.

14. 1472 йили Ҳусайн Бойқаро, Навоийнинг норозилигига ҳам карамай, уни амир, яъни вазир қилиб тайинлаб унга амири кабир унвонини берди. Амир Музаффар барлосгина Навоийдан юқорига муҳр босиши мумкин эди. Амири кабир унвони унда умрининг охиригача сақланиб қолди.

15. Ана шу муҳрдорлик, амирлик лавозимларида ишлаган кезлари ва ундан кейин ҳам, яъни то умрининг охиригача Навоий кўп ободончилик ишларини амалга оширди. Хуросоннинг турли шаҳарлари, хусусан, Ҳиротда бу улуғ зот курдирган иморатлар 300 дан ошиб, 400 га яқинлашди. Улардан энг машҳурлари: «Низомия» (Ҳиротда) ва «Хусравия» (Марвда) мадрасалари, «Ихлосия», «Халосия» хонақохлари, «Шифоия» деган табиблар уйи. Булардан ташқари, яна 10 дан ортиқ хонақоҳ ва 20 дан зиёд масжид бино килдирди.


16. 1476 йили Навоий вазирлик мансабидан истеъфога чиқди.

17. 1476–1477 йиллар орасида Навоий Жомийга қўл бериб, расман унга мурид тушди.

18. 1470 йил бошларида Навоий биринчи девони «Бадоеъ ул-бидоя»ни («Бадийлик ибтидоси»ни) тузди (шоир «Мукаммал асарлар тўплами»нинг 2-жилдида, негадир, 1472 – 1476 йиллар орасида деб берилган).

19. 1476–1483 йиллар орасида «Наводир ун-нихоя» («Беҳад нодирликлар») девонини тузди. (шоир «Мукаммал асарлар тўплами»нинг 2-жилдида, негадир, 1486 йили деб берилган). Мантиқан бу икки девоннинг «Хамса»дан олдин тартиб берилгани тўғрироқ бўлса керак.

20. 1481/82 йили ана шу маблағларини қандай сарфлаш қоидалари битилган «Вақфия» асарини ёзди.



21. 1483–1485 йиллар орасида «Хамса» битилди. «Хайрат ул-аброр» – 1483, «Фарход ва Ширин» – 1484 йил бошида, «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Сабъайи сайёр» – 1484 йил ўрталарида, «Садди Искандарий» – 1485 йил бошида тугалланди.

22. 1486 йили Саййид Ҳасан Ардашер вафот этди. Бу маҳалда Навоий Ҳиротдан узоқда бўлган эди.

23. 1487 йил кишида Ҳусайн Бойқаро Навоийни узок Астрободга ҳоким қилиб жўнатди. Стратегик жиҳатдан Астробод Хуросон давлатининг гарбий чегарасидаги энг муҳим жабҳа эди. Кўкаламзор, обод, ипакчилик ривожланган, савдо-сотик учун энг қулай ер ҳисобланарди.

24. 1488 йили Навоий ўз ўрнига Амир Бурхониддинни қолдириб, ҳокимликни топшириш нияти билан Ҳиротга келди. Бирок Султон Ҳусайн уни қайтариб юборди. Бир неча ойдан кейин, барибир, Навоий Ҳиротга қайтди. Махсус давлат хизмати топширилмаган бўлса ҳам, Султон Ҳусайн унга муқарраби хазрати султоний, яъни хазрат султоннинг энг яқин кишиси деган унвон берди. Навоий ўрнига Бадиуззамон Мирзо Астрободга ҳоким қилиб юборилди.

25. Шу 1488 йили шоирнинг укаси Дарвеш Али Балхда исён кўтариб, Мажиддинни саройдан четлатишни талаб қилди. Навоий Султон Ҳусайн қўшини билан бориб, исённи бостирди.

26. 1490 йили Мажиддин лавозимидан бўшатилади. Ўрнига Низомулмулк тайинланди. Золимликда бу ҳам ундан қолишмас эди.

27. Шу 1490 йили Дарвеш Али билан сулҳ тузган Ҳусайн Бойқаро Бадиуззамонни Балхга ҳоким қилиб чақирди. У ўғли Мўмин Мирзони Астрободда қолдириб, Балхга келди. Отаси Астрободда Ҳадичабегимнинг ўғли – Музаффар Ҳусайнни ҳоким қилиб тайинлаганидан кейин эса ота-ўғил муносабатлари жуда кескинлашди. Бадиуззамон Мирзо ўғлига Астрободга Музаффар Ҳусайнни киритмаслик тўғрисида буйруқ юборди. Султон Ҳусайн ва Бадиуззамон Мирзо қўшинлари ўртасида кураш бошланди. Бу ота-ўғил жангида ўғил енгилди. Музаффар Ҳусайн Мўмин Мирзони қўлга олиб, Ихтиёрдин қалъасига қамади. Низомулмулк билан Ҳадичабегим тил бириктириб, маст ҳолдаги Ҳусайн Бойқарога Мўмин Мирзони қатл этиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олди. Ўша кечасиёқ ҳукм ижро этилди.

28. Шу 1490 йили «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» рисоласи битилди.

29. Шу 1490 йили яна «Рисолайи муфрадотдар фанни муаммо» рисоласи ҳам яратилди. Ундан ўз даврида дарслик сифатида фойдаланилган.

30. «Хамса»дан кейин «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»гача, яъни 1486–1490 йиллар орасида «Зубдат ут-таворих» («Таърихи мулуки Ажам» ва «Таърихи анбиё ва ҳукамо») ёзилди.

31. 1491 йили «Мажолис ун-нафоис» ёзилди.

32. 1492 йили «Мезон ул-авзон» битилди.

33. 1491/92 йилдан «Хазойин ул-маоний»ни тузиш иши бошланди. Бу улкан иш 1498/99 йилгача давом эттирилди.

34. 1492 йили Абдурахмон Жомий вафот этди. Навоий соҳиби азо бўлди.

35. 1493 йили мураббийи, дўсти, кадрдони Паҳлавон Муҳаммад вафот этди.

36. 1494 йили Навоий устози ва пири Абдурахмон Жомий хотирасини абадийлаштириб, «Хамсат ул-мутаҳаййирин» рисоласини битди.





37. 1495 йили Паҳлавон Муҳаммад хақида «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асари битилди.

38. Шу 1495 йили шоир мактубларини тўплаб, «Муншаот»ни тузди.

39. 1495/96 йили Навоий «Насойим ул-муҳаббат мин шамоийим ул-футувват» тазкираси таржимасини амалга оширди.

40. 1498/99 йили «Лисон ут-тайр» достони ёзилди.

41. 1499 йили «Муҳокамат ул-луғатайн» рисоласи қоғозга тушди.

42. 1499/1500 йили «Сирож ул-муслимин» ҳамда шоир куллиётига муқаддима сифатидаги «Муножот» асари ёзилди.

43. 1499 йили битилган «Муҳокамат ул-луғатайн»да таърифи келтирилгани ҳисобга олинса, ана шу 90-йилларнинг боши ё ўрталарида Навоий форсий девони – «Девони фоний»ни тартиб берган.

44. 1500 йили «Маҳбуб ул-қулуб» ёзилди. Форсий касналари «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») ва «Ситтайн зарурия» («Олти зарурат») номлари остида жамланди.

45. Энг сўнгги асари – «Айламак» радифли ғазали. У ўғли – Музаффар Ҳусайн билан жангни сулҳ билан яқунлаб, Астрободдан қайтаётган Ҳусайн Бойкарога чопар орқали жўнатилди.

46. 1501 йилнинг 1 январида Навоий Ҳусайн Бойкарони кутиб олувчилар қатори унга пешвоз чиқди. Мулозимлари ёрдамида бошини шох кучоғига қўйгани ҳоли аҳволи ёмонлашди. 3 январь куни вафот этди. Бутун Хуросон мамлақати халқи улуғ шоир ва мутафаккир учун мотам тутди.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди

МИР САЙИД ШАРИФ ЖУРЖОНИЙ (1339–1413)

Соҳибқирон Амир Темури томонидан Самарқанднинг шон-шухратини ошириш ва уни жаҳон илмий марказларидан бирига айлантириш ниятида ўз пойтахтига тўплаган олимларидан бири Мир Сайид Шариф Журжонийдир. У 1387 йили Шероз фатҳ этилганидан кейин, у ердаги машҳур кишилар қаторида Самарқандга жўнатилган. Журжоний деярли 20 йил давомида Самарқандда баракали ижод қилиб, факат Темури вафотидан кейингина Шерозга қайтиб, 1413 йили ўша ерда вафот этди.

Илмий адабиётларга Мир Сайид Шариф номи билан кирган Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳусайний Журжоний 1339 йилда Эроннинг Гургон (арабча – Журжон) вилояти Маркази бўлган Астробод шаҳри яқинидаги Тоғу кишлоғида туғилди.

Журжоний ёшлиқ йилларидан Шарқда мавжуд бўлган фанларнинг барча турлари билан шуғулланди. Ислоҳ фалсафаси ва калом, мантик, тил масалаларидан ташқари табиатшуносликка доир соҳаларни кунт билан ўрганиб, улар хақида катта илмий асарлар ёзиб қолдирди.

1365 йили Журжоний Ҳиротга машҳур файласуф Қутбиддин Муҳаммад Розий Тахтонийдан таълим олиш учун боради. Аммо Тахтоний ўзининг қариб қолганлигини айтиб, Мисрдаги шогирди Муборакшоҳ олдига боришни маслаҳат беради. Лекин Журжоний 1368 йилгача Ҳиротда қолади. Сўнгра турк файласуфи Муҳаммад





Оксаройдан таълим олиш учун Корамон шаҳрига жўнайди. Муҳаммад Оксаройнинг шуҳрати ва унинг асарлари Журжоний эътиборини жалб этган бўлиб, у машҳур файласуф ва мантиқшунос бўлиб етишган Оксаройнинг шогирди Муҳаммад Мулло Фанорий билан учрашиб, дўст тутинади ва биргаликда 1370 йилда Мисрга жўнашади. Журжоний Қохирада 4 йил давомида машҳур мантиқшунос Муборакшоҳ ва Акмалиддин Бобартийлар маърузаларини тинглаб, ўз савиясини оширгач. 1374 йилда Истанбулда илмий изланишларини давом эттиради. У ердан Ватанига қайтиб, 1387 йилгача Шероз мадрасаларида дарс беради. Сўнг Самарқандда мадрасаларда дарс бериш билан бирга Амир Темур саройидаги илмий бахсларда фаол иштирок этади. Бу ерда у илму фаннинг барча соҳаларига бағишланган бир катор рисолалар, ўтмиш мутафаккирларининг асарларига шарҳлар ёзади.

Журжоний 50 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, улар фаннинг деярли барча соҳаларини камраб олган эди. Аммо Мирзо Улуғбекка бевосита таъсир этгани, шубҳасиз унинг XII–XIII асрларда Хоразмда яшаб ўтган Махмуд Чағминийнинг астрономияга оид асарларига ёзган «Шархе мулаххаси-л-хая» («Астрономияга оид сайланмага шарҳ») ва Насриддин Тусий асарига бағишланган «Шархе тазкират ул-Насирийят» («Астрономия ҳақида эслатмага шарҳ») асарларидир.


Журжоний билиш назарияси ва мантикка доир «Ат-Таърифот» («Таърифлар»), «Усули мантиқия» («Мантиқ усули») ва илмий баҳс фанига бағишланган «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола») каби араб тилида ёзилган асарларнинг муаллифи ҳамдир. Бундан ташқари Журжонийнинг форс тилида ёзилган мантикка оид бир неча асарлари ҳам бизгача етиб келган. Булардан «Суғро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Кубро» («Катта далил бўла оладиган ҳукм»), «Авсат дар мантик» («Мантикда ўрта хулоса») ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг «Шархе фаронзе Сароҷия» («Мерос бўлиш мажбуриятларининг Сароҷий таърифига шарҳ») асари ҳуқуқшунослик масалаларига бағишланган бўлиб, фақиҳ Сажовандий асарларига жавоб тарикасида ёзилган.

Журжоний XIV аср файласуфи Эзидин Абдурахмон Ижий (1300–1356)нинг «Мавокиф фи илми-л-калом» («Калом илмидаги манзиллар») асарига ёзган «Шархе мавокиф фи илми-л-калом» шарҳи унинг замондошлари ва ундан кейинги авлод олимлари учун фалсафа ва мантик бўйича ўзига хос қомус мақомига эга бўлди.

Шарҳлардан ташқари Журжоний жуда кўп фалсафий асарларга хошиялар ёзган. Унинг Абу Али ибн Синонинг «Ишорат» («Кўрсатмалар») асарига ёзган шарҳи, Насриддин Тусийнинг «Тажвид» («Абстракция») асарига шарҳ ёзган шайх Шамсуддин Махмуд Исфохоний (1294–1349)га жавоб тарикасида ёзилган хошияси диққатга сазовордир.

Журжоний дунёкараши, ундан олдин ўтган салафларинидек, ўрта асрлардаги бутун фалсафий масалаларни, чунончи, борлик ҳақидаги таълимот, коинот жумбоқлари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва рухий муносабатлар, билиш муаммолари, мантикий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алоқалари ва бошқаларни ўз ичига олади. У коинот, инсон ва ақли камраб олувчи дунёнинг умумий манзарасини яратишга ҳаракат қилди. Журжоний ақидасига хос бўлган нарса борлик манзарасини босқичма-босқич тартибда тушунтиришдан иборат эди. Беш бобдан иборат «Ойнае гитинамо» («Дунёни ақс эттирувчи кўзгу») рисоласининг биринчи бобини «вожиб ул-вужуд» ва «мумкин ул-вужуд» мавжуд





эканлигини асослашга бағишлайди. Журжоний унга шундай таъриф беради: «Йўк бўлиши мумкин бўлмаган, бор бўлиши эса зарур бўлган нарса вожиб ул-вужуд деб аталади. Масалан, Холикнинг ўзлиги каби тушунча. Борлиғи ҳам, йўклиги ҳам зарур бўлмаган нарса эса мумкин ул-вужуд деб аталади»¹.

Журжоний фикрича, вожиб ул-вужуд худо бўлиб, мумкин ул-вужуд моддий оламдир. У борликнинг биринчи сабаби сифатида вожиб ул-вужудни, яъни худонинг борлигини тан олади. Унингча, мумкин ул-вужуд ўзининг бор бўлиши учун қандайдир тарзда бўлса ҳам, бирор-бир сабабга эҳтиёж сезади. У бирор-бир нарса туфайли, яъни биринчи сабаб моҳиятига кўра, мумкин ул-вужуд даражасига кўтарилади.

Журжоний фикрича, ҳамма жисмлар бир-бирига бўлган ўзаро муносабатда сабаб-окибат нисбатида бўладилар. «Дунёни акс эттирувчи кўзгу» рисоласида у шундай ёзади: «Бор бўлишга имкони бор нарса икки таркибий қисмдан – субстанция ва акциденциядан, яъни туб моҳият ва тасодифий ҳолдан ёки ходисадан ташкил топади. Агар мавжуд бўлишга имкони бўлган нарса ўз мавжудлиги учун жойга эҳтиёж сезмаса, унда уни туб моҳият деб, агарда унга эҳтиёж сезса, ходиса деб аталади. Туб моҳият беш хил бўлиши мумкин. Агарда бирор-бир туб моҳият, бошқа жойда бирор нарса ўрнида қарор топган бўлса, у жойлашган ўша жой модда деб, ҳолат эса – шакл деб аталади. Агар у ўз ичига ҳолат ва жойни олган бўлса, у жисм деб номланади. Агар туб моҳият бу айтилган уч нарсани ўз ичига олмаса, у айирувчи субстанция деб аталади. Агарда шу айирувчи туб моҳият жисмга эга бўлса, у ҳолда унинг ўзгарувчи қисми рух деб аталади. Бу жисмлардаги ўзгармайдиган нарса ақл деб аталади. Агарда ушбу ақл бевосита вожиб ул-вужуддан келиб чиққан бўлса, у бошланғич онг ёки умумий ақл, деб аталади»².

Журжоний табиатдаги ҳеч бир ходиса сабабсиз келиб чиқмайди, деб таъкидлайди. Ҳамма мавжуд ашёлардаги бутун ҳаракат ва ўзгаришлар фақат макон ва замондагина рўй беради. Журжоний дунёқарашига ҳос хусусият, унинг бутун борликни бир-бирига қонуний равишда боғланган бўлақчалардан иборат ягона тана сифатида таърифлашидир. Унинг фикрича, моддий дунёни ташкил этган нарсалар асосида тўрт унсур, яъни олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади. Уч унсурдан иборат бошқа жисмлар, яъни металллар, ўсимликлар ва ҳайвонлар эса, юқорида айтилган тўрт унсурнинг бир-бирлари билан қоринишининг ҳосиласи сифатида келиб чиққандир. Тўрт унсур донмо ҳаракатда эканлигидан ўзгарувчан бўлиб, бири иккинчисига айланиб қолиши мумкин. Ҳаво сувга, сув тупроққа ва ҳоказо.

Журжоний фалсафасида моддийлик ғояларигина эмас, балки диалектик ёндашув ҳам мавжуд. Унинг фикрича, моддийликдан холи бўлган бўш жой йўк. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Самовий гумбаз буюк доирадир. У барча жисмларни камраб олган бўлиб, моддий дунёни чегаралаб туради. Аммо у бўшлиқ эмас, чунки уни моддадан ташқарида бўлган тушунча ёки бирор ўлчов билан тушунтириб бўлмайди. Бундан ташқари бир-бири билан ўзаро ёпишиб, айни вақтда бошқа жисм билан ҳам боғланиб турган нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир атрофдаги дунё, ўзи турган нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирининг кетидан юқоридагидек тартибда жойлашиши лозим, чунки бўшлиқнинг бўлиши мумкин эмас. Мана шундай жисмлар,

¹ ЎЗР ФА Беруний номидаги шарқшунослик институти. Қўлёзмалар фонди: «Оннайе гитинамо». 2984-рақамли қўлёзма. 1-саҳифа (форс тилида).

² Ўша жойда.





унсурлар, самовий доиралар, бутун сайёралар ва моддий бўлакчаларнинг таркибий мажмуаси олам, деб аталади»¹.

Мир Саййид Шариф Журжоний мантик илмига салмоқли хисса қўшди. У Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари мантикий меросининг барча оқимларини таҳлил этиб, уларни янада ривожлантирди.

XV–XVI асрлар давомида мантик илмини ўрганиш ва ўқитиш ишлари XIII асрда ёзилган дареликларга XIV асрда ёзилган шархлар, айниқса, машҳур мантикшунос Тахтоний (1290–1365), унинг шогирди Ибн Муборакшоҳ (1310–1375), Самарқандда ижод қилган унинг икки издоши – Тафтазоний (1322–1392), Журжоний томонидан ёзилган шарх ва хошнйлар асосида олиб борилди. Бу даврда араб тилига нисбатан форс тилида кўпроқ асарлар ёзилди. Моҳият жиҳатдан мантик илмининг фалсафа ва илоҳиёт соҳасидаги тадқиқотларда ишлатилиш жараёни кўпайди. Журжоний ўз ижодида мантикни фалсафадан ажратмаган ҳолда, уни кўпроқ ҳуқуқ ва тил соҳаларида қўлланилишини таъминлади. Унинг баракали ижоди туфайли шу даврдан бошлаб, ислом мадрасаларида мантикни ўқитиш ҳуқуқ ва тил фанлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Натижада мантик илмига ислом ақидаларига хос бўлган «бегона таълимот» деб ғараз билан қараш, аста-секин барҳам топа бошлади.

Журжонийнинг таъкидлашича, назарий билимлар ҳаётий тажрибада ҳосил қилинган бошланғич билимлар ва улар тўғрисида фикрлаш йўли билан шаклланади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса деб атайтиди ва унинг уч турини кўрсатиб ўтади. Булар: киёс (силлогизм), истекро (индукция – бўлақдан бутунга томон ҳукм юритиш) ва ҳадс (аналогия – ўхшатиш). Булардан киёс хулосанинг бош тури ҳисобланиб, назарий билимлар ҳосил қилишнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чиқади.

Иstekро (индукция) тушунчаси остида Журжоний шундай хулосани назарда тутадик, унда дастлабки хусусий шартлар асосида умумий натижа чиқарилади. У икки хил истекронни, яъни тўла ва тўла бўлмаган истекрони кўрсатиб ўтади.

Тўла истекрода (тўла индукцияда) ҳар бир бўлақдаги бирор-бир сифат мавжудлигига асосланиб, ана шундай сифат хусусияти умумий бутунликда ҳам бор эканлигига ишонч ҳосил қилинади.

Тўла бўлмаган истекро шундай хулосадирки, умумий бутун бўлган нарсанинг баъзи бир қисмларида мавжуд бўлган бирор-бир хусусиятдан келиб чиқиб, шундай хусусият бутунда ҳам мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилинади.

Журжоний тўла бўлмаган индукция фақат тахминий мулоҳазагагина олиб келади, деб ўйлайди ва унинг таъкидлашича, биз оловнинг айрим хусусий ҳолатларини кузатсак, ҳар қандай олов иссиқлик чиқаради, деган айрим хусусиятга эга бўлган билимдан, яъни дедуктив (бутундан бўлаққа ўтадиган) ҳолатга ўтадиган хулоса келиб чиқиши мумкин². Шу билан бирга унинг таъкидлашича, индуктив йўл билан ҳосил қилинган билимлар ҳаммавақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Чунки, инсон тажрибаси ҳеч вақт тўла муқамалликни бермайди.

Журжонийнинг индуктив ва дедуктив хулосалар ҳақидаги фикри Арасту ва унинг Шарқдаги издошлари фикрини эслатади. Аммо бу фикрга ноёб хулосалар қўшилиб, такомиллаштирилган.

¹ Журжоний. Шарҳе мулаххас ал-хайа ал-Чағминий. ЎзР ФА Беруний номидаги шарқшунослик институтидаги 2655-рақамли кўлёзма, 225-саҳифа (араб тилида).

² Қаран: *Мир Саййид Шариф Журжоний*. Ат-Таърифот. – Истанбул: Дору-л-табаоте Омера, 1818 й. – 11-б.





Журжонийнинг илмий фаолияти туфайли мантик Темурийлар даврида инсон билимларининг барчасига қўлланиладиган коида ва мезон қонунига айланди. У ҳар бир юритилаётган ҳукмнинг тўғрилигини тортувчи фанларнинг тошу тарозиси сифатида намоён бўлди. Натижада тез орада вужудга келган Улуғбек расадхонасининг илмий тадқиқотларида кенг қўлланилди.

Журжоний Улуғбекни мадрасада бевосита ўқитибгина қолмай, унинг Академияси вужудга келишига ҳам қатта ҳисса қўшди. Чунки, унинг шоғирдлари бу илмий марказнинг негизини ташкил этар эдилар. Шунинг учун ҳам унинг илмий меросини тўлалигича ўрганиш мустақил Республикамиз маънавиятига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир.

Журжонийнинг мантикий меросини ўрганиш фарзандларимиз учун ҳам муҳим амалий аҳамиятга эгадир, чунки, тўғри фикрлаш коидаларини эгаллаш – ақл-идрокни ҳар тарафлама мустаҳкамлайди.

Ортимизда эркин ва фаровон ҳаёт, кучли ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу мақсад замирида инсон ва унинг манфаатлари мужассам бўлиб, унинг самардорлиги халқимиз маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш, жамиятимиз онгу тафаккуридаги юксалиш билан узвий боғлиқ.

Истиклол миллий ва диний кадрятларимиз тикланишига кенг имкониятлар яратди. Дин миллий маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қилувчи мезонлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу диний ва дунёвий илмлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтириб бериш, динлар ҳақидаги мантикий асосланган билимларни шакллантириш ва дунёвийлик тушунчасини чуқурлаштириб боришни такозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «... дунёвий ва диний кадрятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб бериш осон бўлмайди»¹.

Миллий истиқлол мафқурасининг фалсафий-тарихий асосларини қадимги Шарқ ва Юнон, ўрта асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ, шунингдек, кейинги даврлар ижтимоий-фалсафий ғоялари ташкил этади. Ислоҳ фалсафаси миллий тафаккурнинг муҳим таркибий қисми бўлиши билан бирга ажодларимизнинг бебаҳо мероси ҳамдир. Бугунги кунда ажодларимиз маънавий меросини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ундан жамиятимизнинг моддий-маънавий юксалиши йўлида оқилона фойдаланишимиз лозим.

Бой тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига улкан ҳисса қўшган олим-фузалолар дунёқарашининг ўзагини диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги ташкил этиб, уларнинг илмий мероси, фалсафий қарашларини ўрганиш миллий мафқурамиз асосларини теран англашга хизмат қилади.

Фалсафа тарихи инсон дунёқарашининг шаклланишида ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёслигини кўрсатади. «Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал қамолотга эришувида қатта таъсир қучига эга»².

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 96-б.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюқ келажакка ишончдир // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 504-б.





Фалсафий адабиётда фалсафа тарихи турли-туман илмий ва мафкуравий талкинлар ва хилма-хил даврлаштириш ҳолатларида берилган. Энг кўп даражада тарқалгани европамарказлаштириш ёндашуви бўлиб, дунё тарихий-фалсафий жараёнининг хилма-хиллигини асоссиз равишда торайтиради. Шу билан бир қаторда фалсафа тарихи ривожини босқичларини у ёки бу ижтимоий тараққиёт босқичларига кескин равишда боғлашга уриниш ҳам ўзини оқламайди, негаки, турли минтақалар босиб ўтган босқичлар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Масалан, Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Римда асосий иқтисодий ишлаб чиқариш воситаси бўлган қулдорлик, бу жамиятлар тараққиётида қулдорлик босқичини (форматциясини) шакллантирган бўлса, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун бундай бўлмаган. Кейинги айтилган минтақанинг кўп даврларида қулдорлик, у ёки бу даражада XIX асрнинг иккинчи ярмигача ва ҳатто шу асрнинг охиригача сақланган бўлса ҳам, аммо у ҳеч қачон уларнинг иқтисодий асоси бўлиб хизмат қилмаган.

Шундай ҳолат билан боғлиқ равишда турли минтақалардаги фалсафа ривожининг босқичлари ўз тафовутларига эга бўладилар. Барча минтақалар учун умумий босқич фалсафа олди сифатида афсонавий тафаккурнинг бузилиши даври доирасида майдонга чиққан фалсафий саволлар ва жавобларнинг туғилиши даври бўлди. Бирламчи шаклланган фалсафий тизимлар қадимги фалсафа босқичини ташкил этадилар. Фалсафа тараққиётининг кейинги босқичи Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам шаклланган ва ривожланган феодал муносабатлар билан боғлиқдир. Европада бу давр «ўрта аср фалсафаси» ёки «феодализм даври фалсафаси» деган ном олди. Европа фалсафасининг даврлаштириш учун асосли бўлган «ўрта аср фалсафаси» истилоҳи, Шарқ фалсафаси хусусияти учун баҳслидир, негаки, Шарқнинг кўпчилиги мамлакатлари XX асрнинг биринчи ярмигача, баъзилари эса кейинчалик ҳам феодал муносабатлар босқичида эдилар. Шунинг учун бу ерда «феодализм даври фалсафаси» истилоҳини қўллаш ўринлидир.


Ғарбий Европа фалсафаси ривожининг кейинги босқичлари Уйғониш даври, Янги ва Энг Янги замон деган номлар билан атала бошланди. Баъзида бу босқичларнинг даврларга бўлиниши қуйидаги тарзда берилади: Уйғониш даври фалсафаси, Янги замон фалсафаси, Маърифатпарварлик фалсафаси, Мумтоз немис фалсафаси, Ҳозирги замон фалсафаси.

Шарқ фалсафасига нисбатан ҳам Янги ва Энг янги замон тушунчасини қўллаш мумкин. Бирок у ёки бу босқичларнинг хусусиятларига асосланган даврлаштириш кўпроқ мазмун ва мавзуга яқиндан алоқадордир. Масалан, XX асрдаги Марказий Осиё мамлакатлари фалсафа тарихи ҳақида гапирганда, биз Маърифатпарварлик, Шўролар ва шўролар давридан кейинги босқичлар ҳақида сўз юритишимиз мумкин.

Тарихий-фалсафий жараёнларнинг Ғарбда ва Шарқда даврларга бўлиш қоидалари билан бир қаторда, фалсафада ғарбий ва шарқий анъаналарнинг ўзаро муносабатларини таъкидлаш муҳимдир.

Фалсафадаги ғарбий ва шарқий анъаналар ҳақида сўз юритиб, кўпгина фалсафа тарихчилари уларнинг XIX асрнинг иккинчи чорагигача нисбатан мустакил равишда ривожланганликларини қайд этадилар. Кўп жиҳатдан бу Ҳиндистон, Хитой ва Узок Шарқ минтақаси мамлакатлари учун ҳосдир. Яқин ва Ўрта Шарқда эса, ғарбий ва шарқий анъаналарнинг ўзаро таъсири бу минтақада муҳим хусусиятларга эга бўлди.





IX–XI асрлардаги араб тилидаги фалсафанинг шаклланиши бевосита қадимги давр ва эллинистик фалсафанинг, энг аввало, Афлотун ва Арастунинг асарлари таъсирида юз берди. Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Мискавейх, Ибн Туфайл, Ибн Рушд ва бошқалар томонидан йўналиш берилган араб тилидаги фалсафа араб ёки Шарқ арастучилиги (перипатетизм) номини олди. Ўз навбатида, бу йўналиш Европадаги ўрта аср фалсафаси ривожига катта таъсир кўрсатди, жумладан, расмий католикчилик ва ўрта аср схоластикасига муҳолифатда бўлган «лотинча аверроизм» (Ибн Рушд исмининг лотинчалаштирилгани – Аверроес) фалсафий оқимини вужудга келишига сабаб бўлди.

XIII асрда Ғарбий Европада унинг вакиллари бўлган Париж университетининг профессори Сигер Брабантский (1240–1282) ва унинг издошлари «черков оталари» бўлган Анселм Кентерберийский ва Аквиналик Фома файласуфлар ва илоҳиётчилар ўртасида бўлган машҳур баҳсларда Арасту мероси бўйича уларга қарши турдилар. XIV асрдан бошлаб Янги асргача лотинча аверроизм Италияда (Падуан университети) ва Францияда кенг ёйилди. Араб тилида яратилган фалсафа юнон фалсафаси ва табиатшунослигини Европа заминига қайтаришда, ўрта аср схоластикаси зулмига қарши курашда ва фалсафага христиан-католик черкови томонидан берилган «илоҳиёт хизматкори» мақомидан озод қилишда муҳим ўрин тутди.

Фалсафанинг қадимги Шарқда ҳам, қадимги Ғарбда ҳам муайян давраларда пайдо бўлиш ҳодисаси тасодифий эмас. Унга эҳтиёж ибтидоий жамоа тузумининг таназзули ва жамиятни янги тараккиёт босқичига ўтиши муносабати билан боғлиқ равишда пайдо бўлди. Бу босқич учун цивилизация, давлат, синфий шаклланиш, аклий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши ва бошқа шу каби инсоният тақдири учун тарихий бўлган институтлар ва жамиятнинг яшаш шакллари бўлган ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ҳосилдир.


Эрамаздан олдинги III–II минг йилликлардаги илк синфий жамиятларда пайдо бўлган, яъни бронза асридаги диний-афсонавий мажмуалар учун хос бўлган фалсафани тўла маънодаги фалсафа, деб айтиб бўлмайди. Улар уруғчиликка асосланган жамиятдаги ижтимоий онгнинг кўп белгиларини сақлаган бўлиб, вақтинчалик ўтиш даврига ҳосилдир. Шунинг учун уларга нисбатан мулоимрок бўлган «фалсафа олди» истилоҳини қўллаш лозим¹.

Диний-афсонавий тасаввурлар фалсафанинг маънавий манбаларидан биридирлар. Улар фалсафадан олдин дунёқарашнинг кўпроқ илк шакллари сифатида вужудга келган эдилар. Афсоналар ўз жойини фалсафага бўшатганлигига қарамадан улар орасида ворислик мавжуд. Бу, энг аввало, дунёқарашга алоқадор бўлган мазмуннинг ўзини борлиги билан белгиланади.

Шарқнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларида биз кейинчалик фалсафа муаммоларига кирган дунёқарашнинг асосий масалаларини қўйилганлигини кўраемиз. Мисол учун, биринчи дунёқарашнинг манбалари хақидаги масалани олайлик. «Ригведа»да (эр. олдинги II минг йилликнинг иккинчи ярмига тааллуқли бўлган қадимги ҳинд адабий ёдгорлиги) коинот мадҳи деб аталган шеър мавжуд бўлиб, унда бу масала рўй-рост ўртага қўйилган: «Бу дунё нимадан пайдо бўлган, уни қимдир яратганми ёки йўқми? Бу саволга ҳатто худоларнинг ўзлари ҳам жавоб бера олмайдилар, негаки,

¹ Қаранг: Чанъшев А.Н. Начало философии (Фалсафа ибтидоси). – М., 1982. – С. 49.





уларнинг ўзлари дунё яратилгандан кейин пайдо бўлганлар. Ҳамма нарса биринчи фикр уруғи бўлган хохишдан бошланган»¹.

Худди шундай оҳангларни биз қадимги Хитой афсоналарида ҳам мушоҳада қиламиз. Баъзи афсоналарда бирламчи дунё вужудга келгунча туман ва қоронгулик билан тўлган тубсиз чуқур (хаос) коинот кучлари бўлган ян ва ин воситасида тартибга келтирилади. бошқаларда эса дунё ғайритабиий умумий инсон бўлган Пан-Гудан пайдо бўлганлиги айтилади. Айни шу афсонада Хитой фалсафаси учун муҳим бўлган, шахсиятга эга бўлмаган дунёвий қонун бўлмиш «дао» ҳақидаги тасаввур шаклланди.

Якин Шарқда вужудга келган афсонада ҳам дунёнинг тубсиз чуқурдан яратилганлиги ғояси ривожлантирилган. Икки дарё оралиғида (Байналнаҳрайн – ҳозирги Ироқ) яратилган худолар ҳақидаги дoston «Энума Элиш»да афсонавий замон ҳақида гапириладики, «унда худолардан ҳеч бири ҳали пайдо бўлган эмас, исмлар ҳали ҳеч нарсага қўйилмаган, тақдир хануз тайин этилмаган»² эди.

Диний-афсонавий тасаввурлар билан бир қаторда бошқа бир маънавий замин: тажрибавий билимлар ва илм-фан қуртаклари (риёзиёт, илми нуҷум, табобат, ер ишлари ҳақидаги билимлар, металлургия, жуғрофия) бу босқич доирасида шаклланаётган таҳлилий тафаккур эди.

Афсонавий қарашлардан фарқли ўларок, фалсафий дунёқараш субъектив ва объектив нарсани фарқлашдан бошланади. Бундан ташқари, афсона фақатгина ижтимоий онг шакли бўлмасдан, балки яшаш тарзи шакли бўлгани ҳолда фалсафа ақлий билим шакли сифатида майдонга чиқади. Фалсафий тафаккур воқеликка бевосита амалий муносабатдан узоқлашиб, қундалик билимлар уфқидан кўтарилиб, қундалик ҳаётга фарқ бўлиш ҳолатидан чиқади ва бу билан назарий йўналган дунёқарашга айланади.

Фалсафий тафаккур шаклланишининг муҳим омили ажабланиш ва шубҳаланиш бўлди. Қадимги дунё файласуфи Афлотун ёзганидек, «хайрон бўлишни тотиб кўриш... фақат файласуфгагина ҳосилдир. У эса фалсафанинг бошланишидир»³.

Афсонавий тасаввурлар ва ривоятларнинг мустаҳкам ҳақли эканлигига шубҳа уруғини биз Шарқнинг энг қадимги фалсафа олди босқичидаёқ топамиз. «Ригведа»нинг коинот ҳақидаги мадҳиясининг энг охирида, номаълум муаллиф «юқори осмонда бўлган зот» ҳақиқатан ҳам нимадан нима келиб чиққанлигини, яъни «бу дунёни билади», деб қайд этганидан кейин, ногаҳон исёнқорона савол беради: «Агар билмасачи?»⁴.

Қадимги Хитойнинг «Ашулалар китоби»да («Шитцзин») осмон жазосининг адолатлилиги ҳақидаги анъанавий тасаввур шак-шубҳа остига олинади: «Майли, кимки ёмонлик қилган бўлса, ёмонлиги учун жавобгар бўлсин. Аммо кимки, ҳеч қандай гуноҳи бўлмаса – нима учун улар фалокат гирдобиди қоладилар?»⁵.

¹ Древнеиндийская философия (начальный период) : Қадимги ҳинд фалсафаси (бошланғич давр). – М., 1963. – С. 35.

² Чанышев А.Н. Начало философии (Фалсафа ибтидоси). – М., 1982. – С. 49.

³ Платон. Сочинения в 3-х томах (Афлотун. Асарлар. 3-жилдлик). – М., 1970. Т. 2. – С. 243.

⁴ Древнеиндийская философия (начальный период). – М., 1963. – С. 356.

⁵ Древнекитайская философия (Қадимги хитой фалсафаси). В 2-х томах. Т. 1. – М., 1972. – С. 85.





Қадимги Мисрнинг адабий ёдгорлиги бўлган «Арфа чалувчининг кўшиғи»да муаллиф нариги дунёнинг борлигига шубҳа билдиради: «Улар билан нима бўлганлигини сўзлаб бериш, уларнинг қандай яшаётганликлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш учун у ердан ҳеч ким келмайди»¹.

Ажабланиш ва шубҳа – фикр юритиш манбаидир. XX асрнинг энг йирик физиги М. Планк ёзган эди: «... Кимки, жуда ҳам узоқлашиб, энди ҳеч нимадан ажабланмайдиган бўлиб қолган бўлса, бу билан у факат шунни кўрсатадими, асосли фикр юритишни эсдан чиқариб қўйган»².

Узокни олдиндан кўра билиш, уни таҳлил ва тахмин қилиш – фалсафанинг муҳим вазифасидир. Фалсафа тасодифий ҳодисалар, жузъий ҳолатларни эмас, балки уларнинг тубидаги, ортидаги муҳим, барқарор, доимо такрорланиб турадиган муносабатлар – қонуниятларни ўрганади, ўтмишни, мавжуд вазиятни таҳлил қилади ва истиқболнинг илмий тахминини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «... кўриниб турибдики, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради.

Юксак тараккиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, биз иктисодий ўнгланиш, иктисодий тикланиш, иктисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз»³.

Яқин Шарк, Хуросон ва Ўрта Осиё аҳолисини қадимги юнон мутафаккирларни асарлари билан таништириш Искандария олимлари ва Сурия христианлари орқали амалга оширилди. Оғир меҳнат бўлган икки томонлама таржима жараёни, яъни юнон тилидан Сурия тилига, ундан араб тилига қилинган ишлар аввалбошда кўпроқ таъбабатга, табиий-илмий асарларга қаратилган эди. Аммо тез орада китобхон зиёлилар ва таржимонларнинг кизикиши фалсафий адабиётларни ҳам қамраб олди. Бу қонуний жараён эди. Чунки, Шарк халифалиги деб аталган Бағдод ва унга тобе бўлган мусулмонлашиш жараёни бошланган ўлкаларда савдо-сотик ва ҳунармандчилик гурқираб ўсиб, улар асосида математика, механика, оптика, кимё, астрономия, жуғрофия, таъбабат ва бошқа назарий ва амалий фанларга эҳтиёж катта эди.


Маърифатли доиралар диққат марказида Арасту фалсафаси турар эди. Бирок, уни мусулмон дунёсида ўзлаштириш шундай хусусиятга эга эдики, унинг асарлари билан танишиш кейинги давр арастучилари ва янги афлотунча шарҳчилар воситасида, масалан, Александр Афродизий, Фемистий, Порфирий ва бошқалар ижодининг самараси орқали амалга оширилган эди. Бир қанча уйдирма асарлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, улардан энг муҳими «Арасту илоҳиёти» деб аталган асар эди. Ушбу асар аслида Плотиннинг «Энеадлар» асарининг бир нечта бобларидан иборат эди. Ана шундай «янги афлотунчиликка айлантирилган» арастучилик мусулмон Шарки

¹ Философская энциклопедия. Древнеегипетская религия и мифология (Қадимги Миср дини ва асотир тафаккури). В 5-ти томах. Т. 2. – М., 1962. – С. 73.

² Макс Планк и философия. Пер. с нем. – М., 1963. – С. 115.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 68-б.





арастучилари томонидан ишлаб чиқилган таълимотга асос бўлди. Бу таълимот араб ва форс тилларида кўп сонли манбаларда мавжуд. Агар IX–XI асрлар давомида бу таълимот Шарк мутафаккирлари томонидан холис ўрганилган бўлса, XII асрдан XIX асргача фақат бир томонлама, яъни диний жиҳатларигина ўрганилиб, дунёвий фанларга бағишланган қисмлари эътибордан четда қолди. Бу ечилмаган муаммо бўлиб, тил биладиган шарқшунослар олдида турган долзарб вазибалардандир.

Мухаммаджон ҚОДИРОВ,
фалсафа фанлари номзоди

ШАЙХ ХОВАНД ТАХУР (XIV аср)


Тошкент қадимдан илм-фан, маданият маркази сифатида ном қозонган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳудудда ўрта асрларда турли фан соҳалари бўйича фаолият юритган юздан ортиқ алломалар номи аниқланган. Жумладан, «Ҳазрати Имом» деб улуғланган Абу Бақр Қафқол Шоший (904–976), ишончли муҳаддис сифатида танилган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (ваф. 947) ҳамда «Фахр ул-Исломи» «Имом Кабир» номларига сазовор Абу Бақр Мухаммад ибн Аҳмад Шоший (1038–1114)лар ана шу ҳудуд тарихи зарваракларидан муқим ўрин олган буюк олимлардандир. Давр жиҳатидан юқорида номлари зикр этилган олимлардан кейинроқ яшаган алломалардан яна бири – Тошкентнинг энг катта даҳаларидан бири унинг номи билан аталадиган, мақбараси қадимдан катта зиёратгоҳга айланган, Буюк Шайх XIV асрда яшаб ўтган нуфузли дин пешвоси Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди Шайх Хованд Тахурдир. Тошкент шаҳри тарихи ҳақида сўралганида ёки унинг алломалари саналганида ул зотни ёд этиш, унинг ватанимиз илм-фани, маданияти учун қўшган қамтарона ҳиссасини хотирлаш савобли амаллардан саналади.

Асрлар оша халқимиз учун муқаддас қадамжо бўлиб қелган Шайх Хованд Тахур мақбараси ва ул зотнинг ҳаёти, илмий фаолияти кишилар қалбида бу зотга нисбатан чуқур қизиқиш ҳиссини уйғотган.

* * *

Шайх Хованд Тахурнинг дунёга қелишлари ва номланишлари ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятлардан бирини XVII асрда яшаб ўтган олим Шайх ас-Сиддиқий (ваф. 1087/1676) «Ламаҳот мин нафаҳоти-л-қудс» китобида шундай қелтиради: «Шайх Зайниддин Кўйинорифон Тошқандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг мазоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта, ниятига етгусидир». Шунга биноан Шайх Умар Боғистоний умр йўлдошлари билан шайх Зайниддиннинг мазорларига зиёратга қелиб, қабрлари олдида Аллоҳ, таолодан фарзанд сўраганлар. Вақт-соати қелиб, Аллоҳ таоло уларга бир фарзанди қомил ато этади. Шайх Умар фарзандларини Шайх Зайниддин мазорларига олиб борадилар. У ерда қабутарлар қақалокни кўриб «ат-тахур, ат-тахур» деб сайрай бошлашади. Шайх Умар буни туғилган ўғлига башорат деб қилади ва қақалокка «Тахур» дея исм қўяди.





Бу воқеани рус шарқшуноси А. Семенов 1914 ва 1916 йиллари ёзган мақолаларида ҳам қайд этади. Шайх Умар чакалокни Зайниддин макбарасига олиб келганда, бу ерда юрган бир тўда каптарлар ҳавога кўтарилади ва уларнинг учиши, овозидан «тахур» сўзи кулоқка чалинади. Шайх Умар ўғлига қўйган Хованд исми ёнига Тахурни ҳам қўшади. Хованд сўзи «худованд» сўзининг кискартмаси бўлиб, художўй деган маънони англатади.

Шайх Хованд Тахур ҳаёти ва фаолиятига тегишли айрим маълумотлар ЎЗР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Махмуд Ҳасаний ҳамда филология фанлари доктори Зоҳиджон Исломов, тарих фанлари номзоди Давронбек Максудовлар нашрга тайёрлаган рисодаларда ўзининг аксини топган.

Юқорида айтилганидек, Шайх Умар Боғистоний хонадонининг тарбияси ёшлигиданок Хованд Тахурга ижобий таъсир этади. Мадрасада ўқиб савод чиқарадилар, қиблаҳоқларидан зоҳирий ва ботиний илм сирларини ўрганадилар.

Демак, Шайх Хованд Тахур жуда эътиқодли, такволи оилада дунёга келганлар. Оналари томонидан боболари бўлмиш мавлоно Тожиддин Дарғамий ҳақида «Рашахот айнил-хаёт»да шундай дейилади: «Мавлоно Тожиддин Дарғамий ўз замонасининг ақибларидин бўлиб, зоҳирий ва ботиний билимларнинг олими, такво, рухий олам аҳволини билиш ва зоҳирий қароматлари бирла машҳур эрдилар».

Шайх Хованд Тахур исмидаги калималар: «Хованд – «ходим»; Тахур – «ниҳоятда пок» дегани бўлиб, «ниҳоятда покиза ходим» ёки «ниҳоятда покиза ҳазрат» маъноларини англатади. Манбаларда Шайх Хованд Тахур ҳақида маълумотлар оз бўлиб, туғилган йиллари ҳам номаълум. Лекин вафот этган йиллари манбаларда 761/1360 йил деб берилган. Шунга биноан, умрларини шартли равишда 70–75 йил деб олинса, туғилган йилларини милодий 1280–1290 йиллар ораси деб тахмин қилиш мумкин.


«Рашахот айнил-хаёт» («Хаёт булоқларида оққан томчилар») номли тарихий асарда ёзилишича, Шайх Хованд Тахур илоҳиёт ва тарих илмининг йирик намояндаларидан бири бўлган. Шайх Хованд Тахур илоҳиёт ва тариқат илмининг илк сабоқларини ўз падари бузрукворларидан олганлар. Илмларни чуқур ўрганишлари натижасида ул зот ўзининг илмий етуклик даражасидан қароматгўй алломалар орасида юксак мавқега эга бўлганлар.

Шайх Умар Боғистоний ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. Шайх сўзи истилоҳ сифатида шарият ва тариқат илмларини мукамал билган кишига нисбатан ишлатилади. Шайх Умар Боғистонийнинг шайх деган номга Мушарраф бўлишининг ўзи унинг илму маърифатда юксак поғонада бўлганини кўрсатади.

Шайх Умар Боғистонийнинг туғилган йили номаълум, вафоти эса 691/1291 йилда юз берган.

Ҳожа Аҳрор Валийнинг муридларидан бири Фаҳруддин Али Сафийнинг «Рашахот» китобида ёзилишича, Шайх Умар Боғистонийнинг насаби ўн олти восита орқали Абдуллоҳ ибн Умар ибн Ҳаттобга бориб этади. Авлиёликдаги шажараси эса, Шайх Ҳасан Булғорий орқали Расулulloҳга бориб тақалади.

Шайх Умар Боғистоний камтарона ҳаёт кечириши билан одамларга ибрат эди. У дехқончилик ва боғдорчилик ишлари билан шуғулланган ва ўз касби қоридан ҳалол тирикчилик қилган. У катта мулла ёки катта сўфий бўлишни ўзига шараф



деб билмаган ва шуҳрат ортидан қувмаган: оддий, бироқ ҳақиқий инсон бўлишга интиланганки, биз буни ўғли Шайх Хованд Тоҳурга қилган насиҳатидан кўрамиз. «Рашаҳот» муаллифининг ёзишича, Хожа Аҳрори Валий аждоди ҳисобланган Шайх Умар Боғистоний ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг ўз ўғли Шайх Хованд Тоҳурга айтган қуйидаги сўзларини келтиради: «Тахур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма – мусулмон бўл».

Шайх Умарнинг бирор-бир асар ёки китоб битганлари ҳақида маълумот йўқ. Лекин у зотнинг ҳикматли сўзлари ёзма ва оғзаки ҳолда сақланиб қолган.

Айтиладики, «Бир киши ғарикат сирларини ўрганиш учун олис ердан Шайх Умарнинг олдларига келади. Шайх Умар у кишидан сўрайдилар:

– Сен яшайдиган жойда масжид борми?

Айтади:

– Бор.

Яна сўрайдилар:

– Ислоҳ аҳкомларини биласанми?

Айтади:

– Биламан.

Шунда Шайх Умар айтадилар:

– Ундай бўлса, бу ерга келиб нима қилардинг? Ибодат аҳкоми маълум бўлса, ибодат жойи маълум бўлса, қайтиб бор-да, ўша ишинг билан шуғулланавер».

Қуйидаги сўзлари ҳам мавжуд:

«Биз муриднинг кўнглини бошқа нарсалардан бўшатиб, уни аҳадият (Аллоҳ) томонига қаратамиз. Буларнинг ҳаммасини Аллоҳ қилади, биз сабабчимиз, ҳолос».


Шайх Хованд Тоҳурнинг Довуд исмли ўғиллари бўлиб, ул зот ҳам оталаридан катта сабоқ олиб, етук қаромат соҳиби бўлиб етишганлар. Бу кишининг қабрлари Боғистон кишлоғидадир.

Ўтмишда шайхлар ва сўфийлар ҳаётини баён қилувчи манокиб ва мақомот китоблари ёзилган. Бироқ Шайх Умар Боғистоний ва Шайх Хованд Тоҳур ҳақида бундай асарлар ёзилгани ҳозирча маълум эмас. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг кўлөзмалар хазинасида 8190 рақами остида бир кўлөзма сақланмоқда. Унга «Таржи-маи ҳоли ҳазрати Шайх Хованд Тоҳур» («Ҳазрати Шайх Хованд Тоҳурнинг таржи-маи ҳоли») деган шартли ном қўйилган. Бу кўлөзма Муҳаммаджон Ўразаев номли киши томонидан ёзилган бўлиб, унда ҳаммаси бўлиб, 23 сатр бор, ҳолос. Унда Шайх Хованд Тоҳурнинг Муҳаммад Порсо билан учрашуви ҳақида сўз кетади. Бу маълумот эса ҳақиқатга тўғри келмайди, Шайх Хованд Тоҳур 756/1355 йилда вафот қилган бўлиб, Порсо эса 1345 йили туғилган ва 1420 йилда ўлган, Муҳаммад Порсо Шайх Хованднинг ўғли Хожа Довуд билан суҳбатдош бўлган.

Шайх Хованд Тоҳур ўз отасидан фаркли ўларок асарлар ёзиб қолдиришга ҳаракат қилган. Рисолалар ва шеърлар ёзган. Бу ҳақида Али Сафий «Рашаҳот»да Хожа Аҳрор Валий тилидан хабар беради. Унинг ёзишича, Хожа Аҳрор Валий деган экан: «Шайх Хованд Тоҳурнинг сўфийлар тариқати ҳақида рисоалари бор. Рисолаларидан бирида тавҳид ҳақида баён қилганлар». Бундан чиқадики, Шайх Хованд бир эмас, бир неча рисоалар муаллифи бўлган.

Хожа Аҳрор Валий Шайх Хованднинг тасаввуф ҳақидаги кўплаб фикрларини баён қилган бўлса-да, «Рашаҳот» муаллифи Али Сафий улардан баъзиларининггина





ёзиб олган экан. Жумладан, Шайх Хованд бир рисоласида баъзи истилохларнинг шариатда ва тариқатда қандай тушунилишини баён қилади. «Тавҳид сўзи шариятда Аллоҳни яққа ва ёлғиз деб тушуниш бўлса, – деб ёзган экан Шайх Хованд Тахур, – тариқатда эса дилни Худодан ўзга нарсалардан жудо қилишдир». Али Сафийнинг ёзишича, Шайх Хованд Тахурнинг «ашори маъориф шиор», яъни маърифатни баён қилувчи шеърлари кўп бўлган! «Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий), – деб ёзди Али Сафий, гоҳ-гоҳ суҳбат асносида уларнинг (яъни Шайх Хованднинг) шеърларидан ўқиб берар эдилар». Али Сафий Шайх Хованд Тахурнинг баъзи байтларини Хожа Аҳрори Валий тилидан ёзиб олиб, «Рашахот»да келтиради. Бу байтлар ўша давр аънасига кўра форс тилида ёзилган. Улардан бири куйидагичадир:

Нигохбони ду чашм аст чашми дилдори,
 Нигаҳдор назар аз руҳи дигар ёри.
 Ҳало, мабод, ки чашмаш ба чашми ту нигарад,
 Даруни, чашми ту бинад хаёли ағёри.

Мазмуни:

Дилдорнинг кўзи сенинг икки кўзингни кузатувчидир.
 Кўзингни ўзга дилдор юзига қарашдан сакла.
 Ёринг – сенинг кўзингга қараган пайтда,
 Кўзингнинг ичида ўзга ёрнинг хаёлини кўрмасин.


Шайх Хованд Тахур ўз ҳаёти билан инсонларга ибрат намунаси бўлган ва қатор асарлар ҳам яратган. «Рисола дар масойили шарият ва тариқат» («Шарият ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола»), «Рисолаи дах шарт» («Ўнта шарт ҳақида рисола»), «Рисола дар арқони ислом» («Ислом арқонлари ҳақида рисола»), «Рисола дар одоби тариқат» («Тариқат одоби ҳақида рисола») каби асарлар унинг қаламига мансуб нодир манбалар ҳисобланади. Уларда ислом арқонлари, инсоннинг покланиши ва қамолга етиши, шарият ва тариқатнинг ўзаро муносабатлари бир сўз билан айтганда Тангрининг энг улуғ мавжудоти «ҳазрати инсон»нинг қомил инсон даражасига етказиш масалалари баён қилинган. Бу масалалар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини асло йўқотган эмас.

Шайхонтоҳур меъморий ансамбли

XIX асрда Шайхонтоҳур Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасидан бири бўлган Шайхонтоҳур жанубдан Бешёғоч, Ғарбдан Кўкча, шимолдан Себзор билан чегараланган. Бу тўртгала даҳа ҳам мингбошилар ёрдамида бошқарилган. XIX аср ўрталарида Шайхонтоҳурда учта дарвоза (Кўймас, Кўкон, Қашғар) 48 та маҳалла, 70 та масжид, 3 та мадраса бўлганлиги энциклопедик китобларда айтилган.

Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси Тошкентнинг энг эътиборли тарихий обидаларидан ҳисобланган. Унинг таркибига шаҳарнинг қадимий ёдгорлик бинолари кирган. Мажмуа Шайхонтоҳур туманида, икки асосий кўча – Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий кўчалари орасида жойлашган. Археологик тадқиқотларга





караганда. IX–XII асрларда бу ерда аҳоли ниҳоятда кам яшаган. Бундан ташқари, Ёдгорлик шаҳар кўрғони ичида бўлмай, ташқарисида жойлашган.

Ёдгорлик мажмуаси қарийб 600 йилдан бери мавжуд бўлиб, унда макбаралар, чиллахона, зиёратхона, шунингдек, савдо расталари, масжид ва мадрасалар бўлган. Қадимда бу ерда турли диний маросимлар, «Рамазон» ойига онд тадбирлар ўтказилган. Бундан ташқари ҳафтанинг ҳар пайшанбасида – туни билан сўфийлар «жаҳрий» зикр қилганлар. Зиёратчиларнинг кети узилмаган. Баҳорда эса, ҳар жума кунлари бедана ва қаклик уриштиришлар бўлиб турган. Мажмуадаги қабристонга диний пешволар, олимлар, шайхлар, ҳокимлар ва бойлар дафн қилинарди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, XVI асрга келиб Шайх Хованд Таҳур ёдгорлик мажмуаси Тошкентнинг энг эътиборли марказига айланди. XVI асрнинг иккинчи ярмидан эса, унинг ўрнини Қафқол Шоший ёдгорлик мажмуаси эгаллади ва халқ тадбир ҳамда маросимлари ўша жойда ўтказила бошланди.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида Шайх Хованд Таҳур мажмуаси яна ўзининг олдинги мавқеини тиклаб, турли диний маросимлар ўтказиладиган жойга айланди. Мажмуада чойхоналар, ошхоналар, новвойхона, савдо расталари, деҳқон бозори бўлиб, турли сайиллар ўтказилар эли.

Ёдгорлик мажмуасига кирувчи кўлаб бинолар XX асрнинг ўрталаригача сақланиб келинган, лекин кейинроқ бу биноларнинг аксарияти бузиб ташланган ва уларнинг ўрнига бошқа, янги иншоотлар барпо қилинган.

* * *

XV асрнинг иккинчи ярмида Хожа Аҳрор (Убайдуллоҳ) Валий Шайх Хованд Таҳур қабрлари устига ҳашаматли макбара қурдирадилар. Дарвоқе, Хожа Аҳрор Валийнинг оналари Хожа Довуднинг кизлари эди. Хожа Довуд эса Шайхнинг ўғиллари бўлганлигини айтиб ўтдик.

Замонлар ўтиши билан мазкур макбарага путур етган ва бизгача етиб келмаган. Ҳозирги макбара эса эски макбаранинг тарихи ва лойиҳаси асосида XIX асрда қайта қуриб тикланган.

Макбара ўзининг кўриниши ва ҳажми жиҳатидан кичик ҳамда камтарона безакка эга. У икки бўлимдан иборат бўлиб, усти гумбаз билан копланган.

Шайх Хованд Таҳур макбараси ёнида яна бир макбара мавжуддир. Бу – Юнусхон (1416–1487 йиллар) макбарасидир. Бу макбара кўриниши ва услуби жиҳатидан нафақат туманда, балки Тошкент ҳудудида Темурийлар даврига онд бўлган энг қадимий ва қамёб обида бўлган. Макбара Юнусхон шарафига унинг кичик ўғли Султон Аҳмад Алигахон томонидан 1487–1502 йиллар мобайнида қурдирилган.

Юнусхон 1487 йилда фалаж касали билан вафот этади. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Шайхонтоҳур майдони яна муқаддас ва гавжум зиёратгоҳга айланади. Бинобарин, унинг фармойиши ва истаги билан Шайхонтоҳур майдони шаҳарликларнинг энг муқаддас зиёратгоҳи, ҳайит байрами ва сайилларда турли-туман ўйин-қулғи ва кўнгилочар томошалар ўтказиладиган сайлгоҳга айланди.

Мазкур зиёратгоҳ, ҳудудида бир неча масжидлар жойлашган бўлиб, қабристонга қираверишда «Занжирлик» масжиди ҳамда Юнусхон макбарасининг ғарбида «Хотин» масжиди бўлган.





Бундан ташқари, 1908–1910 йиллар мобайнида наманганлик Хожимат эшон номи киши томонидан Шайх Хованд Тахур макбараси ёнига «Аврат» масжиди қурдирилган. Шу зиёратхоналарга киришда атрофи баланд ва азамат дарахтлар билан ўралган «Лангар» номи катта ҳовуз ҳам бўлган. Шайх Хованд Тахур ҳудудида бир неча юз йиллик азамат чинорлар бўлган, улар остида шийпонлар, чойхоналар, ҳар хил ширинлик ва турли-туман матолар билан савдо қиладиган дўконлар, ошхоналар ҳамда томошабинлар учун махсус қурилган болахоналар ҳам бўлган. Бинобарин, бу ерда анъанавий сайллар, байрамлар ўтказилиб, миноралар устида карнай, сурнай ва ноғоралар чалиниб турар эди. Бу билан бир қаторда миллий ўйинлар – дор, чодирхаёл (қўғирчоқ театри) ва масҳарабоз, кизикчилар ўз санъат ва маҳоратларини намойиш этар эдилар. 1917 йилда бу муборак зиёратгоҳга ҳам қизил инқилобнинг суронли тўфонлари етиб келди ва бу ерда жойлашган «Эшонқул додхоҳ» мадрасаси ёнида намойишлар бўлиб, митинглар ўтказилди. Шу ўринда айтиш керакки, «Эшонқул додхоҳ» мадрасаси Тошкент ҳокимининг лашкарбошиси – Бекларбегининг ўғли томонидан қурдирилган ва унинг номи билан аталган. Ушбу билим юртининг қурилиши XIX асрнинг 40-йилларида бошланган, лекин ўша пайтда охирига етказилмаган. У кейинчалик 34 ҳужрали қилиб, қуриб битказилди.

Мазкур «Эшонқул додхоҳ» мадрасаси 1884 йилдан бошлаб рус-тузем мактабига айлантирилди. Табаррук зиёратгоҳ 1924 йилдан бошлаб ёпиб қўйилди. «Чиллахона» ва бошқа иншоотлар бузиб ташланди.

«Эшонқул додхоҳ» мадрасаси биносига Иккинчи жаҳон уруши йилларида Москва ва Ленинграддан киностудия кўчиб келди. 1964 йили мазкур мадраса бутунлай бузиб ташланди. 1967 йили кутубхона вазифасини бажариб турган «Хотин» масжиди ҳам бузиб ташланди. Шайхонтоҳур зиёратгоҳига ҳозирги Алишер Навоий кўчаси томонидан дарвоза орқали қирилган эди. Мазкур дарвоза 1892 йили тошкентлик уста Абдурахим томонидан қурилган бўлиб, баланд пештоқи ўзига хос гумбазли, кўркам ва салобатли тарзда пишиқ ғиштдан қурилган эди. Дарвозанинг икки тавакали ёғоч эшигида Шарк ўймакорлик санъатининг сўнгги ютуқлари мужассамлашган эди, дарвозанинг ошиқ-мошиқлари қўл билан ишланган бўлиб, дастгоҳлари мисдан ясалгани туфайли ялтираб турарди. Бирок, Алишер Навоий кўчасини кенгайтиришда (1948 йил) мазкур дарвозахона кўчанинг ўртасига тушиб қолгани учун бузиб ташланди, дарвоза эса музейга топширилди.

Мажмуага кириш йўли Тошкўча (ҳозирги Навоий) кўчаси орқали бўлган. Энига 7 метри – шаҳарнинг ушбу марказий кўчаси икки томони фонуслар билан ёритилган. У 1893 йилгача «Тошкўча», 1893 йилдан 1938 йилгача «Шайх Хованд Тахур» (Шайхонтоҳур) номлари билан аталган. 1938 йилдан бошлаб, «Навоий» дея номланган. Дастлаб, кўчадан конка (от тортиб юрадиган трамвай), кейинчалик – 1912 йилдан трамвай юрган.

Дарвозанинг юкорисига айлана зинапоярлар орқали чиқилган. Бу салобатли дарвозанинг улкан ёғоч эшиги бўлиб, бу эшик Қўкон хони Худоёрхонга тегишли биноларнинг биридан олиб келинган. XIX асрнинг ўрталарида мазкур эшикни тайёрлаган уста Махмудхўжа Худоёрхон саройида ҳамда Қўкондаги «Қозиён» мадрасасида ҳам худди шундай ёғоч дарвозаларни ишлаган.





Мажмуадаги кабрuston

Мажмуадаги кабрuston Тошкентнинг энг кадимий кабрustonларидан хисобланган. Бу ерда пишик ғиштдан ишланган кабрлар кўп эди. Дафн этилганлар орасида Кўкон хони Худоёрхоннинг ўғли Ўрмонбек ҳамда лашкарбошиси Алимқул ҳам бўлган. Алимқул 1865 йили 9 май куни рус кўшинлари билан бўлган жангда қахрамонларча ҳалок бўлган ва охириги васиятига кўра шу ерга дафн қилинган.

Кабрuston ўртароғида Шайбонийхоннинг 1518 йилда вафот этган хотини – Жамол хоним ва козок хони Рустам Баходирхоннинг (1712 йилда ваф. эт.) мармардан ишланган макбаралари бўлган.

Дарвозадан ўтилгандан сўнг, унча баланд бўлмаган деворли, «Ғишт йўл»дан юрилган. Бу йўлнинг Ғарб томонида 300 йиллик сарв дарахтлари бўлган. Афсоналарга караганда, Искандар Зулкарнайн ерости подшолигидан чиқиб, худди шу ерга ҳаёт сувидан бир неча томчи томизган, натижада ушбу дарахтлар ўсиб чиққан экан.

Ушбу дарахтларга онд бир ривоятни Д. Эварнитский Кодир Қалдирбой деган бир кирғиздан ёзиб олади. Ривоятга кўра: «Искандар Зулкарнайн сафар қилиб, узок бир тоғли ўлкага боради. Ўша тоғларда «ҳаёт булоғи» оқар, ким бу сувдан ичса, ер юзида абадий яшар экан. Искандар шу булок сувидан икки мешни тўлдириб олади. Йўлда у каттик касалликка мубтало бўлади. Шу вақтнинг ўзида унинг кўшинига ёввойи қарғалар тўдаси ҳужум қилади ва мешларни тешиб ташлайди. Натижада сувнинг ҳаммаси тўкилиб кетади. Бошқа ҳеч қандай дори-дармон таъсир этмагач, Искандар Зулкарнайн шу ерда вафот этади».

Кабрuston ўртасида яна бир, учинчи дарвоза ҳам бўлиб, унинг ёнидан шарк томонга йўлак буриларди. Бурилишдаги «чиллахона»да чилла ўтирувчилар қирк кун чилла тутганлар. Бу чиллахона Хожа Аҳрор Валий томонидан XV асрда қурилган. Чиллахона ёнида «зиёратхона» бўлган.

Шайх Хованд Таҳур макбараси


Йўлакнинг тугаш қисмида, шарк томонда Шайх Хованд Таҳурнинг икки хонадан иборат макбараси мавжуд. Биринчи хонада Шайх Хованд Таҳурнинг кабрлари жойлашган. Бу кабр усти шўролар инкилобига қадар кабрпўшлар билан ёниб қўйилар эди. Кабрнинг олд томонида сарв дарахти бўлиб, ҳозирги кунда у қуриб қолган.

Ушбу дарахт ёнида бошқа дарахтлар ҳам бўлиб, бу ҳақда шундай оғзаки ривоят бор: «Бир куни Зангибобо ҳазратлари Шайх Хованд Таҳур ҳузурларига келадилар. Тўсатдан, ўша дарахтлардан бирини Зангибобонинг эшағи ғажиб кўяди. Буни кўрган Шайх Хованд Таҳур бўлган воқеани Зангибобога айтганда, Зангибобо шундай дейди: «Ушбу ғажилган дарахтдан бошқа ҳамма дарахтлар йўқ бўлиб кетади, фақат ғажилганигина сақланиб қолади. Шайх Хованд Таҳур вафот этганларида васиятларига биноан шу ерга дафн қилинганлар. Бу ривоятнинг нечоғли тўғри-нотўғрилиги бизга қоронғу, бироқ ҳозир ҳам кабр тепасида биттагина сарв дарахти қолганлиги маълум.

Занги бобо 1258 вафот этади дейилган китобларда?

Шайх Хованд Таҳур макбараси XV асрда Хожа Аҳрор Валий томонидан қурилган. Макбара ёмон ҳолга келиб бузилгач, XVI асрга келиб олдинги пойдевор устига қайта





мақбара курилади. Олдинги мақбаранинг мавжудлиги хақида манбаларда маълумот берилади, холос.

Ривоятларга қараганда, Шайх Хованд Тахурнинг кулохлари бўлиб, уни кийган киши бош оғриғидан шифо топар ва хомиладор аёлнинг туғиши осон бўлар экан.

Иккинчи, яъни хилхонада ўзларини Шайх Хованд Тахур авлодидан ҳисоблаган Юнусхўжа ва унинг ўғли Султонхўжаларнинг қабрлари мавжуд бўлиб, иккала хона устида ҳам гумбаз бор.

Ушбу ота-ўғил ҳокимларнинг тарихи куйидагича: XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент тўрт ҳоким қўлида бошқарилар эди. 1784 йилга келиб Юнусхўжа Тошкентни бирлаштиради. Кейинчалик у кўплаб жойларни ўз тасарруфига бўйсундиради. Жумладан, Ангрен водийсини, Сайрам шаҳригача бўлган ерларни эгаллайди. Шу тарзда у Марказий Осиёда қатта ҳудудли давлатга асос сола бошлайди. Бу даврда ташқи савдо алоқалари ривожланади, айниқса, Россия билан савдо алоқалари йўлга қўйилади.

Фарғона водийсида ташкил тоиған Қўқон хонлиги Юнусхўжа даврида Тошкентни бир неча бор эгаллаб олишга ҳаракат қилади. 1814 йил Юнусхўжанинг ўғли Султонхўжа даврида Тошкент Қўқон хонлиги томонидан тўлалигича забт этилади.

Мақбара 1910–1912 йиллари наманганлик Ҳожимат эшон маблағи эвазига қайта таъмирланган, гумбази темир билан копланган.

Умуман олганда, XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида Шайхонтохур шаҳарнинг энг гавжум, обод ва жозибали жойларидан бири эди. Бу ерда йиғирмадан ортик ноёб меъморчилик ёдгорликлари: мақбаралар, масжидлар, мадрасалар, савдосотик дўконлари, минора, чойхоналар, шийпонлар, ошхоналар ва бошқа бинолар фаолият кўрсатган. Ўз даврида бу ер асрий чинорлари билан ҳам довруг таркатган. Ҳар жума намозидан сўнг, Наврўз ва ҳайит кунларида бу ерда халқ сайиллари ўтказилган. Шўро даврига қадар бу ер тошкентликларнинг жуда файзли, диний, маданий, илмий маркази бўлган.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент

ХОЖА АҲРОР (1404–1490)

Мутафаккирнинг тўлик исми-шарифи Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шоший Боғистоний Самарқандийдир. Яъни, у зотнинг ўз исми – Убайдуллоҳ, отасининг исми – Маҳмуд, боболарининг исми – Шаҳобиддин бўлиб, нисбатлари Шошнинг Боғистон кишлоғида туғилиб Самарқандда яшаганлиги учун «Шоший Боғистоний Самарқандий» деб юритилади.

Хожа Аҳрор Валий 1404 йилда Шош воҳаси (ҳозирги Тошкентнинг Бўстонлик тумани)нинг Боғистон кишлоғида таваллуд топган.

У Накшбандий тарикатининг йирик ва машҳур намояндаси ва давомчиси, пиру муршид, давлат ва дин арбоби, мутафаккир аллома, XV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ва сёсий, маданий ва маърифий тараққиётида





мухим ўрин тутган шахс бўлиб, теурийзодаларнинг ўзаро урушларини бир неча бор олдини олган, халкпарвар инсон бўлган.

Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Маҳдуми Аъзам, Захириддин Муҳаммад Бобур, Султон Абу Саид, Султон Аҳмад каби ўз замонасининг етук алломаю султонлари Хожа Аҳроп Валийни ўзларига маънавий пиру муршид деб билганлар.

Шунингдек, Хожа Аҳроп Валий катта мулк сохиби бўлган. «Рашахот» асарининг муаллифи Фаридиддин Алнинг ёзишича, Тошкент вилоятидан то Амударё сохилларигача бўлган бепоён экин майдонлари Хожа Аҳроп Валийга карашли бўлган. Жумладан, турли шаҳарларда хазратнинг хунармандчилик устахоналари ҳам мавжуд бўлган. Бундан ташқари хазратнинг савдо моллари Мовароуннаҳрдан тортиб то Ҳиндистону Хуросонгача бўлган музофот бозорларида сотилган. Ҳазрат Хожа Аҳроп Валий дехкончилигу тижоратларидан келадиган даромадларни фуқароларга солинадиган соликларни тўлашга, илм-маърифатни ривожлантиришга сарфлаганлар.


Ушбу ўринда «шариат», «тарикат» ва «тасаввуф – сўфий» сўзларининг маъноларига ойдинлик киритиб олсак. «Шариат» арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси «кенг йўл» деганидир. «Тарикат» сўзи ҳам арабча сўз бўлиб, «тор йўл» деган маънони англатади. «Тасаввуф – сўфий» сўзлари эса «софлаш, поклаш» деган маъноларни англатиб, том маънода инсон ўз руҳини поклаб, ўз калбини Аллоҳ таолога боғлаш тушунилади.

Хожа Аҳропнинг отаси Хожа Маҳмуд хакидаги маълумотларни учратмадик, аммо у кишининг боболари Хожа Шаҳобиддин тасаввуф соҳасида ўзига хос мартабага эга бўлган. Хожа Аҳроп Валийнинг ота томонидан шажараси уч ё тўрт авлод орқали Хожа Номийга бориб боғланади. Хожа Номий асли Бағдодлик бўлиб, зоҳир ва ботин илмларнинг донишманди, замонасининг кўзга кўринган алломаларидан бири эди. Ҳазрати Имом номи билан машҳур бўлган, ўз замонасида тарикатнинг йирик намояндаси, пиру муршид шошлик аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффоли Шошийнинг муриди бўлган ва хазратнинг хизматига ўзини баҳшида этиб Шош – Тошкентга келиб шу жойда турғун яшаб қолади. Хожа Аҳроп Валийнинг оналари эса машҳур Шайх Хованд Тахурнинг ўғиллари Шайх Довуднинг кизидир.

Хожа Аҳроп Валий ёшлигидан онасидан етим қолади. Ёш Убайдуллоҳ Хожа Аҳроп Валийнинг болалик ва ўсмирлик даври асосан Тошкентда ўтган. Бошланғич билимни ҳам Тошкент мадрасаларида олган, у болаликданок муборак кадамжоларини зиёрат қилишга ва улуғ алломалар суҳбатидан баҳра олишга иштиёкманд бўлган ва илм олишда у кўпроқ тасаввуф илмига кизиккан. Манбаларда келтирилишича Хожа Аҳроп Валий жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом, елкалари кенг, баланд бўйли, паҳлавон келбатли, ташки кўриниши ва хулқи чиройли, дилкаш, суҳбати мазмунли, камгап, бошлаган ишини охирига етказадиган, сабрли ва метин иродали бўлган.

Хожа Аҳроп Валий бир ёшга тўлганларида соҳибкирон Амир Темур вафот этади. Шундан сўнг Самарқанд тахтига Халил Мирзо, Мирзо Улуғбек, Абдуллатиф, Мирзо Абдуллоҳ, Султон Абу Саид, Султон Аҳмадлар навбати билан эгалик қиладилар. Шунингдек, Хуросонда эса Шохрух Мирзо, Абулқосим Бобур, султон Абу Саид ва Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилишган. Хожа Аҳроп Валийнинг ҳаёт йўли турли сиёсий ихтилофлар, хоссатан теурийларнинг бир-бирлари билан хокимият учун кураш авж олган бир даврга тўғри келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўз





навбатида темурийлар сулоласи вакиллари ҳам Хожа Аҳрор Валийга бенихоя хурмат назари билан карашганлар. Айниқса, Мирзо Абу Саид Кўрагоний ва унинг авлодлари Хожа Аҳрор Валийга алоҳида хурмат ва ихлос билан муомала қилишганлар.

Хожа Аҳрор Валийнинг ёшлик йиллари Шошда ўтганлигини айтиб ўтган эдик. Хожа Аҳрор Валийнинг адабиёт ва тарихга ҳамда тасаввуф илмига жуда қизиқиши баланд бўлган. Ўша замоннинг таомилига кўра мактабда «Чор китоб», «Ҳафтияк», «Қуръон» ва ҳадислар ҳамда тасаввуф илмига оид асарлар ўқитилган. Бу ҳақда унинг ўзи кейинроқ шундай хотирлаган: «Ёшлик давримда азизлар суҳбатида кўп бўлар эдим. Менга уларнинг ҳар биридан ўзига хос кайфиятлар зохир бўлар эди. То бир тариқатни белгилаб олгунча кўп машаққатлар чекилди. Бунинг сабабларини кейинчалик англадим; бу билан азизлар тариқати – йўлини танлаш осон эмаслигини, мақсад сари – тўғри йўлни (тариқатни) топиш йўлида интиломқ лозимлигини назарда тутган эканлар. Биз ҳам шундай қилдик ва нимага эришган бўлсак, ана шунинг натижасида эришдик».

Хожа Аҳрор Валий Тошкентда дафн этилган кўпгина азиз авлиёлар, жумладан, Абу Бакр Қафқол Шоший, шайх Зайниддин ҳазратлари, Шайх Хованд Таҳурларнинг қабрларини зиёрат қилар, уларнинг илмий фаолияти ва тариқат йўлларини яқиндан, чуқур ўрганар эди. «Кичик ёшимда менда кўркиш-вахима хиссиёти кучли эди. Бир ўзим ташқарига чиколмасдим. Бир кун кечаси қорним чидаб бўлмас даражада оғриди, ихтиёрсиз равишда ташқарига чиқдим. Шунда Абу Бакр Қафқолнинг нурли макбарасини зиёрат қилиш фикри пайдо бўлди. У ерга бордим. Шундан сўнг шайх Хованд Таҳур мазорини зиёрат қилиш иштиёқи пайдо бўлди. У ерга ҳам бордим... Ана шу вақтларда менда кўркиш-вахима аломатлари сезилмади. Шундан сўнг Тошкентнинг бир-биридан узоқ бўлган мазоротларини бир кечада айланиб чиқадиган бўлдим¹».


Шу билан унинг тасаввуф соҳасидаги билим доираси, фикр ва амалиётлари кенгайиб, сайқал топиб борар эди. «Ёшлигимда ҳазрат шайх Абу Бакр Қафқол Шошийнинг нурли мазоротларига борганимда тушимда ҳазрати Исони кўрдим. Ҳазрати Исо айтдилар: Ғам ема, биз сенинг тарбиянгни ўз зиммамизга олганмиз. Бу тушимнинг таъбирини айримлардан сўраганимда, улар: Сенинг тушингни сен саломатсоғлом бўлгайсен, деб таъбир қилурмиз, деб айтдилар. Мен бу таъбирдан рози эмасдим. Уларга шундай дедим: – Сизнинг таъбирингиз менга маъқул эмас. Мен уни бошқача таъбир қиламан; ҳазрати Исо уйғотиш ва тирилтириш мазҳаридирлар. Қайси бир авлиёда уйғотиш-тирилтириш сифатлари учраса, уларни исавий машраб дебдурлар. Ҳазрати Исо менинг тарбиямни ўз ихтиёрларига олган эканлар, демак, менда ўлик қалбларни уйғотиш-тирилтириш сифати намоён бўлгай. Тез орада айтганларим икки марта тасдиғини топгач, кўпгина одамлар ундан баҳраманд бўлдилар», – деб унинг ўзи бу ҳолни хотирлайди². Бундан маълум бўладики, Хожа Аҳрор нафсга берилиш туфайли ўлган қалбларни тирилтирувчи мақомдаги шайх бўлган эканлар.

Хожа Аҳрор Валийнинг аждодлари айтиб ўтганимиздек ўқимишли, маърифатпарвар бўлишганлар. Улардан бири Хожа Аҳрор Валийнинг тоғаси Хожа Иброҳимдир. У XIV аср охирларида ва XV асрнинг бошларида Самарқанддаги Эгу Темур мадрасаси-

¹ *Ботир Валихўжаев*. Хожа Аҳрори Вали. 44-б. Зарафшон. Самарқанд, 1993 й.

² *Ботир Валихўжаев*. Хожа Аҳрори Вали. 45-б. Зарафшон. Самарқанд, 1993 й.





да турли фанлардан таҳсил олган ва шу ерда муқим бўлиб истиқомат қилиб қолган. Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқандга келишига ҳам айнан мана шу тоғаси сабабчи бўлган. Хожа Иброҳим жияни Хожа Аҳрорни тахминан 24 ёшларида, 1427 йилларда Самарқандга олиб боради. Бу ҳақда Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари ҳам шундай ёзиб қолдирган: «Тоғам ўқишимни давом эттиришимни жуда ҳам истар эдилар. Шу мақсадда мени Шошдан Самарқандга олиб келдилар»¹. Бу йилларда Самарқандда Мирзо Улуғбек подшоҳлиги даври бўлиб, илм-фанга эътибор жуда кучайган. Самарқанд эса илмий марказлардан бири эди. Ўша замоннинг машҳур алломалари Мирзо Улуғбек, Али Қушчи. Амир Саййид Қосим Анвор, Қозизода Румий, Саккокий, Бисотий, Саъдиддин Қошғарий каби етук шоиру мутафаккир алломалар илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият юритаётган эдилар. Бу алломалар Самарқандда мавжуд мадрасаларда дарс берар, толиби илмлар билан доимий мулоқотда эдилар. Шунингдек, Самарқанд ҳукмдори Мирзо Улуғбек ташаббуси билан Самарқандда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда эдики, бунинг сабабидан жуда кўплаб моҳир усталар, хунарманду қосиблар, моҳир мусаввиру наққошлар бу жойда тўпланишган эдилар.

Хожа Убайдуллоҳ Самарқандда бошлаб, тасаввуфга оид илк таҳсилни шайх, мавлоно Саъдиддин Қошғарийдан олади. Саъдиддин Қошғарий нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган етук намояндalarидан бўлиб, бу вақтда Самарқандда эди. Хожа Аҳрор Валий ундан нақшбандия тариқатига доир кўплаб билимларни олади. Ўзига мавҳум бўлган кўп масалаларни ўрганади. Хожа Аҳрор Валий Саъдиддин Қошғарий тиф касалига йўлиқиб бетоб бўлиб қолганларида ҳам унинг хизматида бўлиб эътиборини қозонади. Мавлоно дарддан қориг бўлганларидан кейин Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари бетобланиб ётиб қолади. Қасаллик узок давом этади. Шунинг учун Хожа Аҳрор Валий жисмонан заифлашиб, мадрасада ўқишини давом эттира олмайди. Унинг тоғаси Хожа Иброҳим ижозатидан сўнг мадрасадаги ўқишини ташлайди. Бу ҳақда Хожа Аҳрор Валийнинг ўзларидан шундай ривоят қилинган: «Бизнинг мадрасадан олган таълимимиз «Масобих (Мишкат ул-масобих)» китобининг бир варағини ўқишдан нарига ўтган эмас»². Шунинг учун бўлса керак унинг муҳолифлари уни мадрасани тугатмаганини қиноя қилишиб, уни ортидан «қишлоқи шайх» деб аташар эди. Хожа Аҳрор Валийнинг мадрасадаги илмий фаолияти тугаган бўлса-да, у мустақил равишда ўз илмини муттасил ошириб борар, кўп мутолаа қилар ҳамда етук алломалар суҳбатида иштирок этишни қанда қилмас эди. Хожа Аҳрор Валий ўша замонда Самарқанддаги етук алломалар ҳисобланган Хожа Низомиддин Хомўш, Саъдиддин Қошғарийларнинг суҳбатида³ иштирок этар ва ўз билим доирасини кенгайтиришда муттасил иш олиб борар эди. Аммо бу баҳс ва мунозарали илмий суҳбатлар унинг ўткир зеҳни ва илмга чанқокчилигини қондира олмас эди. Замонасининг етук тариқат намояндаси Ҳиротлик Саййид Қосим Анвор иккинчи марта Самарқандга келганда унинг ҳузурига бориб, суҳбатидан баҳраманд бўлади. Ёш Хожа Аҳрор Валий ҳам Саййид Қосим Анворда яхши таассурот қолдиради. Шу

¹ *Ботир Валихўжаев*. Хожа Аҳрори Вали. Зарафшон. Самарқанд, 1993 й.

² *Ботир Валихўжаев*. Хожа Аҳрори Вали. 50-б. Зарафшон. Самарқанд, 1993 й.

³ *Суҳбат* – Пир ва шоғирд ўртасидаги илмий мулоқот бўлиб, унда шарият ва тариқатга оид илмий масалалар баҳс ва мунозаралардан сўнг ёритилади.





сабабли бўлса керак Саййид Қосим Анвор ўз дўстлари билан бўлган суҳбатларда ёш Хожа Аҳрор Валийни мактар, унинг шаънига таҳсину яхши сўзларни айтар эди.

Бу ҳақда мавлоно Фатхуллох Табризий шундай ҳикоя қилади: Саййид Қосим Анвор Самарқанддалигида унинг ҳузурига кўп борар эдим, тасаввуф ва унинг турли масалалари ҳақидаги суҳбатларидан баҳраманд бўлар эдим. Бир куни Саййид Қосим Анвор ҳузурда эканлигимда Ҳазрати Хожа (Аҳрор) кириб келдилар. Шу вақтда Саййид Қосим Анвор илҳоми жўшиб кетди. Ҳар гал Хожа Аҳрор ташриф буюрганда шундай бўлар ва Саййид Қосим Анвор турли масалаларга оид кизик ҳикояларни илҳом билан айтар эдилар. Бошқа вақтда бундай бўлмас эди. Бир куни Хожа Аҳрор кетганидан сўнг Саййид Қосим Анвор менга мурожаат қилиб, шундай дедилар: агар сен саодатга эришмоқни истасанг, бу туркистонлик йигит (Хожа Аҳрор) этагини маҳкам тутгил. Чунки у замоннинг аъжуби бўлиб, ундан кўпгина хайрли ишлар содир бўлгусидир. Тез орада жаҳон унинг валийлик нури билан ёришади, ўлган кўнгилларни ўзининг суҳбатлари шарофати ила тирилтиргувсидир. Саййид Қосим Анворнинг бу сўзларидан сўнг мен (Фатхуллох Табризий) ҳазрат Хожа (Аҳрор) Султон Абу Саид замонида Тошкентдан Самарқандга келганларида ҳамиша уларнинг хизматида бўлар эдим. 71–72 ёшдаги Қосим Анвор томонидан 24 яшар Хожа Убайдуллоҳга нисбатан билдирилган бу эътироф ниҳоятда диққатга сазовордир¹.


Орадан бир муддат ўтиб Саййид Қосим Анвор ва Саъиддин Қошғарийлар Ҳиротга қайтиб кетади.

Хожа Аҳрор Валий Самарқанддаги уламолар суҳбатидан етарли илмни таҳсил олганидан сўнг Ҳиротга қараб йўл олади. У Ҳирот сафарида Бухорода ҳам қисқа муддат бўлиб, у ерда шайх Сирождин ҳамда бобоси Шайх Хованд Тахурнинг ихлосмандлари мавлоно Ҳамидиддин ва Алоуддин Ғиждувонийларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлади. Хожа Алоуддин Ғиждувоний Хожа Аҳрор Валийда жуда кўп фазилатлар мужассамлигини эътироф этиб, унга «етук шахс» деб баҳо берган. Улардан тасаввуф ва илмга доир кўрсатма ва иршодлар олганидан кейин Ҳиротга кетади. Ҳирот сафари чоғида у Баҳовуддин Накшбандий ҳазратларининг шогирди Хоразмлик улуғ ёшли Хожа Мусофир билан учрашади. Ундан Накшбандий ҳазратларига доир тарихий маълумотларни ҳамда у зотнинг тарикатига оид сир-асрорларни ўрганади. У Ҳиротда тасаввуф ва унинг намояндалари билан учрашишга алоҳида эътибор қаратиб, Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофий ҳамда Саййид Қосим Анвор ва Саъиддин Қошғарийлар суҳбатида бўлиб, улардан шариат ва тасаввуфга доир илмларни таҳсил олади. Хожа Аҳрор Валий кейинчалик Ҳиротда Шайх Баҳовуддин Накшбандий тарикатининг буюк давомчиси ва машхур намояндаси Мавлоно Шайх Яъқуб Чархий² зиёратида бўлиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлади. Хожа Аҳрор Валий Ҳисор тоғининг этагида умргузаронлик қилаётган бу шайх билан бўлган дастлабки суҳбатидаёқ қаршисида улуғ пиру муршид авлиё инсон турганлигини англаб етади ва Яъқуб Чархийга шогирд тушиб, унинг мулозаматига бел боғлайди. Ўтган яқин йиллар ичида устоз шогирдларидан бирортасига оқ фотиҳа берган эмас эди. Яъқуб Чархий ва Хожа Убайдуллох Аҳрор Валий ўртасидаги устоз

¹ *Ботир Валихўжаев. Хожа Аҳрори Вали. 57–58-б. Зарафшон. Самарқанд, 1993 й.*

² Шайх Яъқуб Чархий (в.1447 м.й.) Баҳоуддин Накшбандий ҳазратларининг хос шогирдларидан бўлиб, унинг тарикатга оид «Рисолаи унсия» асари мавжуд.





ва шогирдлик уч йил давом этади. Бу вақт мобайнида Хожа Аҳрор Валий тарикат ва шариат илмининг нозик масалаларини ҳам мукаммал эгаллайди. Ниҳоят Яъқуб Чархий шогирдлари орасидан Хожа Аҳрор Валийга оқ фотиҳа беради.

Бу вақтда Ҳиротда темурийзода Шоҳрух Мирзо султонлик килар эди.

Хожа Аҳрор Валий Ҳиротдаги беш йиллик илм йўлидаги сафаридан сўнг, тасаввуфдаги пиру муршиди Мавлоно Яъқуб Чархийнинг ижозати билан Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Жиззах орқали она шаҳри Шош – Тошкентга қайтади. У Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг илм ва маънавият тараккий этган шаҳарларидаги пиру устозлардан шариат ва тасаввуф илмини мукаммал эгаллаб бўлган эди. Хожа Аҳрор Валий Тошкентда бир муддат деҳқончилик билан шуғулланади ҳамда Тошкентдаги азиз авлиёларнинг муборак қабрларини мутгасил зиёрат қилиб, уларнинг мақбаралари устида соатлаб Қуръон тиловат қилар, уларнинг руҳини шод этиб, маънавий мадад олар эди. Шу билан бирга, Хожа Аҳрор Валий Тошкентда ўзига замондош бўлган накшбандия тарикатининг йирик намояндalари Мавлоно Низомиддин Хомуш ва Мавлоно Исмоиллар билан ҳам доимий ҳамсухбат бўлган. Хожа Аҳрор Валий Тошкентда бўлган вақтда обрўси мутгасил ошиб бораверади. Табиий ҳолки, бу айрим кишиларга ёкмайди. Натижада Тошкентда унга ихлос қўйган кишилар билан бир қаторда унга муҳолиф бўлганлар ҳам пайдо бўлади. Бундай муҳолифликка барҳам бериш мақсадида у Тошкентдан Фаркатга¹ қўчиб ўтади.

1449 йил Самарқанд шоҳи Мирзо Улуғбек ўгли Абдуллатиф томонидан ўлдирилади. Орадан кўп ўтмай (тахминан беш ойдан кейин), иадаркуш Абдуллатиф ҳам ўлдирилиб, Самарқанд тахтини Мирзо Улуғбекнинг куёви Абдуллоҳ Мирзо эгаллайди. Шундан сўнг Хожа Аҳрор Валий Самарқандга келиб, Абдуллоҳ Мирзо билан учрашмоқчи бўлади. Аммо Абдуллоҳ Мирзо уни ҳузурига киритмайди. Шундан сўнг Хожа Аҳрор Валий Тошкентга қайтиб кетади. Орадан бир муддат ўтиб Хожа Аҳрор Валий ўша замонда Тошкентда ҳукмронлик қилаётган Султон Абу Саид Мирзо эътиборига тушади. Султон Абу Саид Хожа Аҳрор Валийнинг ноёб қобилият соҳиби, Аллоҳнинг назари тушган авлиё эканлигини пайқаб, уни ўзига пиру муршид² сифатида қабул қилади ва бевосита унинг раҳнамолиги остида салтанатни бошқаради.


1451–1452 йилларда Абу Саид Мирзо Хожа Аҳрор Валийнинг кўрсатмасига биноан Самарқандга юриш қилиб, уни ўз тасарруфига киритади. Бу юришда Хожа Аҳрор Валий ҳам Абу Саид Мирзога руҳий хомий – раҳнамо сифатида иштирок этади. Хожа Аҳрор Валийнинг қароматлари сабабли Абу Саиднинг кам сонли қўшини Абдуллоҳ Мирзонинг кўп сонли қўшини устидан ғалаба қозонади. Султон Абу Саид шайхнинг қаромати сабаб унга бўлган ихлоси янада кучаяди, ҳатто ҳокимиятни бошқаришда ҳазратнинг фикрларига суянар ва салтанат ишларини унинг розилигисиз амалга оширмас эди.

Ҳазрат Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида шундай хикоя қилинади: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Султон Абу Саид ҳузурига келиб, Самарқанд ва Бухоро учун тамга солиғини бекор қилишини илтимос қилдилар. Подшоҳ илтимосни қабул қилиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг жуда катта маблағини ташкил этувчи ва подшоҳлик хазинасига тушувчи тамга солиғини бекор қилдилар».

¹ *Фаркат* – Тошкент яқинидаги қадимий шаҳар.

² *Пиру муршид* – тўғри йўлга бошловчи қомил инсон.





Хожа Аҳрор Валий Самарқандда тасаввуф коидалари ва шартларини тўла-тўқис қабул қилиб, аста-секинлик билан баҳсу мунозараларда ўзини теран тафаккур, ўткир ақл эгаси эканлигини, шариат ва тариқат илмида бошқалардан устунлигини намоён қила бошлайди. Унинг обрўси Ислому уламолари орасида, нафақат Ўрта Осиёда, ҳатто Хуросону Ироқда ҳам сезиларли нуфузга эга бўла бошлайди.

Хожа Аҳрор Валийга мутлақ боғланиб қолган Абу Саид Мирзо уни 1452 йилда Самарқандга бутунлай кўчиртириб олиб келади. Шундан сўнг Хожа Аҳрор Валий умрининг охиригача Самарқандда муқим бўлиб қолади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий тасаввуф коидаларини мукамал эгаллаб, нақшбандия тариқатини ўз ҳаётига тўла-тўқис татбиқ этади. У баҳсу мунозараларда, илмий суҳбатларда ўзини теран фикр эгаси эканлигини намоён қила бошлайди. У нафақат Ўрта Осиёда ҳатто Хуросону Ҳиндистонда ҳам, Ироқу Ажамда ҳам машҳур бўлиб, Хожа Аҳрор Валийнинг тасаввуф таълимоти бутун шарқ ўлкаларида кенг тарқалади. Шунингдек, Хожа Аҳрор Валийнинг шарқда оддий фуқародан тортиб илм аҳли-ю, сарой аъёнлари орасида сиёсий мавқеъи ҳам ошиб бораверади. Унинг таъсир доираси шарқда оддий фуқаро эшигидан тортиб султону шоҳлар саройигача бир хил эди. Айниқса, Султон Абу Саид ва унинг ўғли Султон Аҳмаднинг Самарқандда ҳукмронлик қилган даврида унинг сиёсий мавқеъи юқори бўлган. Хожа Аҳрор Валийнинг сиёсий таъсири Хуросон ҳукмдори Султон Абу Қосим Мирзо (Шоҳрух Мирзонинг невараси)га ҳам сезиларли даражада бўлган. Хожа Аҳрор Валий номи ўша замонларда ёзилган тарихий ҳужжатларда «олий мақом соҳиби, дин ва давлат шарафи, илоҳий сирлар орифи (билимдони), фуқаро ва шоҳларнинг пушти паноҳи, султон ул-орифийн, каъбаи мақсуд», деб қайд этилган.

Хожа Аҳрор Валийнинг дин ва давлат арбоби сифатида амалга оширган ишлари шундан иборатки, у узок йиллар мобайнида Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдорларига ўз таъсирини ўтказиб, ўзаро уруш ва нифокларни бартараф этади. Хуросону Мовароуннаҳрда узок муддатли тинчлик-осоишталик қарор топади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у салтанатдаги ақл бовар қилмас даражадаги мавқеъидан фойдаланиб, ўз таъсир доирасидаги ерларда адолат ўрнатди. У ҳаётда шайхларнинг янги ўрнини белгилаб берган Валийдир. Бу ҳақда ундан шундай ҳикоя қилинади: «Биз шайхлар оддий халқнинг аҳволи тўғрисида амирлар ва подшоҳларга мурожаат қилмагаймиз. Биз буни қилиш зарур деб ҳисоблаймиз». Дарҳақиқат, Хожа Аҳрор Валий Фарғона, Тошкент, Самарқандда тинчлик ўрнатди, ҳолбуки, у сиёсат майдонига келган вақтда темурийзодалар ўртасида ўзаро уруш ва низолар авжига чиққан маҳал эди. У: «Ҳозирги ғалаёнлар ва тўполонлар даврида Аллоҳ мени мусулмонларнинг ҳимоя қилувчиси қилиб танлади», – деб эълон қилди.

Хожа Аҳрор Валий ўзининг тинимсиз меҳнати, ижодий фаолияти ва халқпарварлиги билан «Аҳрория» тариқатига асос солди. Унинг тариқатини бошқа тариқатлардан афзаллик томони шунда эдики, эл хизматини қилиб, одамлар мушқулини осон қилиш ҳамда Аллоҳ таолонинг буйруқларини ҳам бекаму кўст бажариш бўлиб, бу туб маънода тасаввуф соҳасида улкан янгилик эди. Чунки ундан олдинги шайх ва пирлар фақат ўз гамлари билан овора бўлиб, аксар ҳолда узлатда тарки дунё қилиб умр кечиришганлар.

Хожа Аҳрор Валий ҳаётлигидаёқ уни обрўсизлантиришга интилганлар, унинг номига номақбул сўзларни айтганлар ҳам бўлган. Улардан ўша вақтда Самарқандда





шайх ул-ислом бўлган хожа Мавлоно, шунингдек, Мирзо Абу Саид томонидан Самаркандга ҳоким этиб тайинланган султон Абу Саидларни мисол қилиб келтириш мумкин. Жумладан, собиқ Иттифок тузуми ҳукмронлик қилган вақтда миллатни тарихдан узиб қўйиш мақсадида жуда катта ҳаракатлар амалга оширилди. Бу амалиётдан Хожа Аҳрор Валийнинг шахси ҳам четда қолмади. Унинг номига турли ноўрин сўзлар айтилиб, авлиёни халқ эътиборидан қолдиришга ҳаракат қилинди. Истиклол сабабли авлиё ҳазратларининг асл тарихи, ҳаёти ва илмий – ижодий фаолияти чуқур ўрганилиб, у зотнинг номига айтилган турли ножоиз сўзларнинг асоссиз, бўхтону тухматлардан иборат эканлиги ўз исботини топди.

Устозлари: Хожа Аҳрор Валий илм-маърифат таҳсили жараёнида қўплаб пиру устозлардан таълим олганлар. Шулардан, тоғаси Хожа Иброҳим, шайх Бурҳон ҳазратлари, Саййид Қосим Анвор, Саъдиддин Қошғарий, Хожа Низомиддин Хомуш, шайх Сироҷиддин, Мавлоно Ҳамидиддин, Алоуддин Ғиждувоний, Хожа Мусофир, шайх Баҳоввуддин Умар, шайх Зайниддин Хавофий ва Мавлоно Яъқуб Чархийлардан шариат ва тариқатга доир илм-маърифатни таълим олади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир пири комилнинг тарбиясида ёшлигидан ўтиб кетган авлиё ва анбиёларнинг бирининг руҳи поки тарбиясида бўлганидек, Хожа Аҳрор Валийнинг тарбиялари ҳам увайсий бўлиб, ул пиру комилнинг тарбиялари Ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг масъулида қамолга етганлар.

Хожа Аҳрор Валийдек улуг авлиёнинг шогирдларини санаб саноғига етиш мушкул ва имкондан ташқари ишдир, чунки унинг замонасидаги Мовароуннаҳр ва Хурсоннинг оддий фуқаросидан тортиб, амиру султонларигача ҳар бир мўъмин-мусулмон киши уни ўзига пир-устоз деб билган. Унинг хос шогирдларидан энг машҳурлари Мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий, Муҳаммад Қози, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ҳазратлари ул зотдан доимий иршод ва кўрсатмалар олиб турган. Ҳам шох ҳам шоир бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуг тарихий шахс ҳам ул зотни ўзларига маънавий пир деб билганлар.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ибн Хожа Маҳмуд 1490 йил 21 февраль шанба кечасида 89 ёшида Самарқанд яқинидаги Камангарон қишлоғида вафот этади. Хожа Аҳрор Валийнинг муборак жасадлари у ердан Кафшгар маҳалласидаги кабрстонга дафн этилади. Кейинчалик бу маҳалла Хожа Аҳрор маҳалласи деб юритилади. Бу кабрстонга авлиёнинг яқинлари ва қўплаб уламолар ҳамда султонлар дафн этилган.

Хожа Аҳрор Валийнинг ижодидан намуналар:

1. Илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдиргувчи олимлардан узоқ бўлмоқ керак.

2. Такаббурлик (манманлик) ниҳоятда хосиятсиз ва оқибатсиздир, у охири хўрлик ва пастликка олиб келади. Айтибдурларки, ҳар ким ўзининг ҳолига яраша камтарлик ва ҳушмуомалаликни эгаллаб борса, хусусан, бу давлат ва бойлик эгаларига зарурий ҳамда мақбул одат бўлмай.

3. Ғафлат кўнгил ўлимининг сабабидир. Кўнгилнинг ҳақиқий ҳаёти огоҳлик ва ҳузурдир.

4. Билгинким, неки жон роҳатидек туюлмай,





Жонингизни азобда колдиргувчи бўлгай.

5. Дўстларга беморлиги вақтида мадад қилиш ва оғирини енгиллатиш яхши ишдир. Мадад икки навдир; бири, касалликдан қутулиш учун барча чора тадбирларни ишга солиш ва иккинчиси, беморлик сабабли бузилган кайфиятни яхшилаш, кўтаришдир.

6. Шоҳлар ногораси чалинганда шундай нидо келарди:
Бу саройга ҳар бир подшоҳ навбати билан келади.

7. Ғийбату ёлғону музий сўздин,
Эхтироз эт, йирок тутгил ўздин,
Ҳар ёмон сўзни ўздин дур эт,
Тилингга бир нима мазкур эт.
Бўлгай акволу каломинг бу сифат,
Кўнглингга боис нури иноят.
Яна мўмин ишида ёрлик эт,
Илу тил бирла мададкорлик эт.
Зохиру ботин алаб маръи тут,
Беадаблик равишу рохин унут.
Рисолаи волидия. Бобур таржимаси.

8. Агар биз шу вақт шайхлик қилганимизда ҳеч бир шайх ўзига мурид топа олмас эди, лекин биз бошқа ишга буюрилганки, мусулмонларни золимлар зулмидан сақлаймиз. Бу восита билан биз подшоҳлар билан мулоқот қилиш, уларнинг қалбини забт этиш ва бу ишнинг ўртасида туриб мусулмонларни мақсадларига етказмоғимиз керак.

9. Уч нарса уч нарсасиз туриши мумкин эмас; илм баҳс-мунозарасиз, мол тижоратсиз, мамлакат сиёсатсиз туриши мумкин эмас.


10. Дўст жафо бирла душман бўлур, душман эса эҳсон (яхшилиқ) ва мурувват дўст бўлур. Агар душманингни эҳсон бирла дўст қила олмасанг, ёмон феъллар бирла дўстни душман қилма.

11. Кўча-кўйда бўлса ҳам бир фойдали иш билан машғул бўлинг. Халқ сизнинг бу ишингиздан манфаат топсин. Сиз ҳам ўшанда ўзлигингизни англайсиз. Қисқа вақт ичида бирор касб ўрганишга ҳаракат қилинг, шунда кишилар назарида сиз ўйлагандек яхши қиёфанингиз намоён бўлади.

Мутафаккирларнинг у ҳақда айтган сўзлари:

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳдин
Эшит ул сирри Худо огоҳдин.
Хожалар хожаси ул Хожа Убайд,
Ходимда чоқари Шиблюю жунайд.
Ҳолату мартабаси зохирдур,
Васфу таърифида тил қосирдир.
Ҳар сўз андаки ман анга этсам,
Етди кўнглимга ани назм этсам.
Захириддин Муҳаммад Бобур





Хожа Ахрорнинг давлат арбоби сифатидаги хизматлари шундаки, у узок йиллар мобайнида Амударёнинг бериги (ўнг) соҳилларидаги ҳокимларга жуда катта таъсир ўтказиб, ўзаро нифок ва урушларни бартараф этди, бунинг учун бор кучини сарфлади. Ваҳоланки, бу ҳокимларнинг киличи доимо кайроглик турар эди.

В. Вяткин

Улки бу офок ичида тоқ эрур,
Ток неким, муршиди офок эрур...

(Бу офок – дунёда нодир бўлган зот – Хожа Убайдуллоҳдир, у фақат нодир зот эмас, балки офок-дунёнинг муршиди, йўлбошловчиси ҳамдир)...

Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор,
Қўймасун айвони жаҳони тихи,
Дабдабаи кўси Убайдуллоҳи.
Ҳимматидан бизни ҳам этсун Худой,
Фақр йўлида ғаний, имонга бой.

(Токи жаҳон қасри бор экан,
Унинг устида фалакнинг айвони – осмон бор экан,
Убайдуллоҳ карнайининг – шухратининг дабдабаси
Жаҳон айвонини холи қолдирмасин.
Аллоҳ бул ҳазратнинг ҳимматини бизга ҳам раво кўрса,
Биз ҳам фақр йўлида бой бўлиб, имонимиз мустаҳкам бўлса.)
Алишер Навоий, Ҳамса.49-б., Тошкент, Ўз. ФАН, 1960.

Хожа Ахрор сўфийлик тарихида биринчи бўлиб сўфийларнинг асосий вазифаси мусулмонларга узоқдан туриб хайрихоҳлик қилиш эмас, балки бевосита жамоат ва давлат ишларида хизматга ўтиб, одамларга, мусулмонларга хизмат қилишдан иборат, деб уқтирди. Бу ғояни ишлаб чиқиб, асослаб ҳаётга татбиқ этиб, буюк иш қилди.

Хуррам Барака

Хожа Ахрор Валий ўз даврида 25–30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуғ зотнинг ганини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган. Нега деганда халқ уни бошига қўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга қўтаришга тайёрмиз.

Ислом Каримов

Асарлари: Хожа Ахрор Валий фақат хожагон тарикати пешвоси, дин ва давлат арбоби бўлибгина қолмай, ижод соҳасида ҳам юксак истеъдод соҳиби эдилар.





Унинг бизгача бир неча санокли асарлари етиб келган бўлиб, улардан ҳозир мавжуд бўлганлари қуйидагилардир.

1. Фикрот ал орифийн (Орифларнинг сўзларидан парчалар).
2. Рисолаи волидия (Отага бағишланган рисола).
3. Рисолаи ҳавравия (ёки хуроия (Хурлар хақида рисола)).
4. Руқаёт (Мактублар).
5. Анфоси нафиса (Дурдона сўзлар).
6. Шарҳи манзум.
7. Муножоти Шайх Шаҳобуддин Сухравардий.

Ибратли воқеъалар: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Ҳиротга Султон Абу Саид хузурига келиб, Самарқанд ва Бухоро учун тамға солиғини бекор қилишни илтимос қилдилар. Подшоҳ Хожа ҳазратлари илтимосларини қабул қилиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг жуда катта маблағни ташкил этувчи ва подшоҳлик хазинасига тушувчи тамға солиғини бекор қилдилар».

Умаршайх мирзо Шош – Тошкент вилояти аҳолисидан 250 000 динор ҳажмдаги солиқ талаб қилганда, Хожа Убайдуллоҳ бу маблағнинг ҳаммасини тўлабгина қолмай, солиқ йиғувчиларга ҳам 70 000 динор эҳсон қилганлар.

Хожа Аҳрор Валийнинг хос шогирди Муҳаммад Қозидан шундай ривоят қилинади: «Ҳазрат мол-мулкларининг барчаси фуқаро учун сарфланарди, баъзан эса харажат даромаддан қўп бўлар ва йилнинг охирида қарздор бўлиб қолар эдилар»¹.


Хожа Аҳрор Валийнинг умумий мол-мулкнинг миқдори 5 миллион олтин тангага тенг бўлган. У вафотидан олдин ушбу меросининг ярмини фарзандларига ва қолган ярмини илм-маърифатни ривожлантириш учун Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва Тошкент шаҳарларидаги мадрасаларга инъом қилган.

Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий меросини ўрганиш: Ушбу табаррук заминиде жаҳон маънавияти ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар, тасаввуф пешволари етишиб чиққан. Ана шундай зотлардан бири Хожа Аҳрор Валийдир. Истиклол сабабли авлиё ҳазратларининг илмий-маънавий меросига катта эътибор берилиб, у зоти бобарокотнинг тарихи чуқур ўрганилиб чиқилди. Ўзининг ибратли ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ва илмий-маърифий мероси билан ватанмиз тарихида ўчмас из қолдирган бу зот таваллудининг 600 йиллиги 2004 йилда кенг нишонланди. Жумладан, у зотнинг илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида халқаро анжуманлар ташкил қилинди. У зотнинг пок қадамжолари ҳамда унинг номидаги Хожа Аҳрор Валий масжиди қайта таъмирланиб обод масканга айлантирилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳам у зоти бобарокот хақида илмий-оммавий маълумотлар халқимизга етказилди ва етказилмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, Хожа Аҳрор Валий халқимиз тарихининг зарварақларида ўз замонасидан то ҳозиргача инсонларни маънавият сари етакловчи сўнмас ёрқин йўлчи юлдуз каби нур сочиб туради.

Нодир ҚОБИЛОВ

¹ *Валихўжаев. Б. Хожа Аҳрори Вали. 80-б. Зарафшон. 1993.*





АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН АБУ ҲАФС БУХОРИЙ (ваф.265 /878 й.)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафс Кабир Бухорий (ваф. 265/878 й.) Бухоро фикҳ мактаби намояндаларидан бири саналиб, дастлабки билимларини отаси Абу Ҳафс Кабирдан олди. Унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жуда кам сакланган. Абу Ҳафс Сағир фикҳ, ҳадис, калом илмларининг билимдони бўлган. Отаси Абу Ҳафс Кабир ҳанафий мазҳаби фикҳининг Мовароуннаҳрда таркалишида жонбозлик кўрсатган бўлса, Абдуллоҳнинг ҳам бу борада хизмати буюк бўлган. Шунинг учун ҳам уни Абу Ҳафс Сағир, яъни кичик Абу Ҳафс деб аташган.

Тоҳирийларнинг Бухородаги ҳукмронлиги тугаганидан сўнг кароқчилик ва талончилик билан шуғулланган ва хонавайрон бўлган деҳқонлардан ташкил топган ғозийлар гуруҳининг ҳаракати Бухоро атрофида янада кучайиб кетди. Шаҳарнинг юқори мартабали амалдорлари факих Абу Ҳафс Сағир билан маслаҳатлашиб, Самарқанд ва Фарғона ҳокими Наср ибн Аҳмаддан Бухорони ўз ҳомийлигига олишни илтимос килдилар. Наср ибн Аҳмад укаси Исмоил ибн Аҳмад Сомонийни Бухорога ҳоким этиб юборди.

Шундай қилиб, Абу Ҳафс Сағирнинг салтанат соҳиби Исмоил Сомоний билан алоқаси яхши бўлгани¹ туфайли кўплаб ҳанафийлар давлат ишларига ўтганлар², оқибатда ҳанафий қарашлар билан Абу Ҳанифа орқали ривоят қилинган ҳадисларнинг ҳамда ҳанафий мазҳаби кенг қўламда таркалишига имкон яратилди.

Ўша даврда «аҳли ҳадис» билан бўлган муносабат Мовароуннаҳр ҳанафий олимларининг кейинги фаолиятларига муайян даражада таъсир килди. Бинобарин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «аҳли ҳадис» билан кечган кескин баҳсу мунозаралар натижасида иснодлар пайдо бўлди, имло дарслари олиб борилди, матнни ривоят қилиш одатий тусга кирди. Натижада Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафснинг «Ал-Ахвоъ ва-л-ихтилоф», (Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий ўзининг «Катоиб аълом» асарида унинг «Китаб ар-радд ʼала аҳл ал-ахва» номли асари борлигини таъкидлайди), «Ар-радду ала-л-лафзийя» (Юзаки қаровчиларга раддия) каби асарлари вужудга келди. Шунингдек, олимнинг «Китоб ул-имон» ҳамда «Муқаддима фи-л-фуруъ»³ номли асарлари ҳам борлиги кейинги давр уламоларининг китобларида тилга олинади.

Унинг «Ал-Китоб фи манокиб Аби Ҳанифа»⁴ номли асари бизгача етиб келмаган, бироқ, баъзи асарларда ундан иктибослар келтирилганини кузатиш мумкин. Жумладан, шарқшунос олим А. Мўминов Ибн Яҳё (IV/X аср)нинг «Шарх жумал усули-д-дин», Бакр ибн Муҳаммад ибн Али Заранджарий (ваф. 512/1118–19 й.)нинг «Манокиб Аби Ҳанифа», Муваффақа ибн Аҳмад Маккий (ваф. 568/1172 й.), Ҳофизиддин Кардарий Баззозий (ваф. 827/1424 й.)лар асарларида мазкур асардан кўплаб иктибослар келтирилганлигини таъкидлаб ўтади⁵.

¹ *Наршахий*. Бухоро тарихи. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 148–149.


² *Мўминов А.* Диссертация. – Б. 173.

³ *Каҳҳола*. Муъжаму-л-муаллифин. Ж. VIII. – Б. 255; Кафавий. Катоиб аълом. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. № 91. – В. 95^а.

⁴ Асарнинг шунингдек иккинчи номи – «Зикр манокиб Абу Ҳанифа» шаклида келади.

⁵ *Мўминов А.* Диссертация. – Б. 20.





Абул Муайяд Хоразмий (484/1091–567/1172 йй.) ўзининг «Манокиб Аби Ҳанифа» номли асарини Абу Ҳафс Сағир асарига таяниб ёзгани бунга мисол бўла олади¹. Зотан, Хоразмий ушбу асарига Абу Ҳафс Сағир ҳақида турли ривоятларни келтирган. Жумладан, Хоразмий Абу Ҳафс Заранжарийдан унинг отаси накл қилган куйидаги ривоятни берган: «Имом Шофъий асҳоблари ўз устозларини Имом Абу Ҳанифадан устун қўймоқчи бўлдилар. Шунда Абу Абдуллох ибн Абу Ҳафс «Имом Шофъийнинг устозларини сананглари!» деди. Уларни санаб 80 тага етказдилар. Шундан сўнг Абу Ҳанифанинг олим ҳамда тобъийлардан иборат устозларини санадилар ва тўрт мингга етказдилар. Абу Абдуллох: «Бу Абу Ҳанифа устунлигининг бир жиҳати холос», – деди»².

Мазкур ривоят орқали IX асрларда Бухорода ханафийлар билан шофъийлар ўртасида тортишувлар бўлиб тургани, ҳар иккала томон ҳам ўз мазҳаббошиларининг илмий салоҳияти ва даражасини намоён этиш мақсадида шу сингари муболағали ривоятларни ўз асарларида зикр этганлигини кўриш мумкин. Бу каби ривоятларнинг кўплиги Мовароуннаҳр ҳудудида Абу Ҳанифага нисбатан ҳурмат-эътиборнинг юксак даражада эканлигидан далолат беради. Ҳатто бу ҳолат кейинги давр уламоларининг ижодларида ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади³.

Юқорида зикр этилганидек, Абу Ҳафс Кабир калом соҳасида ҳам Бухоро мактабига асос солди. Шубҳасиз, олимнинг ўғли, невараси ва уларнинг шогирдлари ушбу мактаб давомчилари сифатида фаолият юргизишди ва унинг ривожига ўз хиссаларини қўшишди. Кафавий «Катоиб аълом» номли асарига шу мактаб вакиллари бўлмиш Абу Ҳафс Сағир Бухорий ҳамда унинг шогирди Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Яъқуб Субазмунийлардан куйидаги ривоятни келтирган:

«Имом Абдуллох Субазмуний «Кашф ул-осор фи манокими Аби Ҳанифа» номли асарига Мусо ибн Абу Бакрдан, у Умардан ривоят қилишча, у қурбонлик қилиш учун бир қўй чиқаради, олдидан бир киши ўтиб кетаётганда ундан: «сен мўминмисан» деб сўрайди. Киши: «иншааллох ҳа», деб жавоб беради. Шунда у «иймонига шак қилган киши қурбонлигимни сўймайди», дея бошқа бир кимсадан: «Сен мўминмисан?», деб савол беради. У: «Ҳа», дея жавоб қайтаради. Умар қурбонлик қилишни ўша шахсга буюрди, имонида истисно қилган кишини эса мўмин, деб билмади»⁴.

Абу Абдуллох ибн Абу Ҳафс Кабир Бухорий «Китаб ар-радд ʼала аҳл ал-аҳва» китобида ўз исноди билан Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоблар ўртасида бўлган «қадар» масаласидаги мунозарани келтириб ўтган. Абу Бакр Сиддик ҳасанотлар Аллоҳдан, ёмонликлар эса ўз нафсимиздан деса, Умар ҳамма нарса Аллоҳдан деб айтар экан, у қиссани тўлигича зикр қилиб ўтади, улар бу бўлган ишни Расулulloх (а.с.)га ҳавола этганларида у киши: «Энг биринчи бўлиб қадар масаласида гап очган Жаброил (а.с.) ва Микоил (а.с.) бўлган, Жаброил (а.с.) сиз айтган

¹ Матибаева Р. Абу-л-Муайяд ал-Маккий ал-Хоразмийнинг «Манокиб Аби Ҳанифа» асари ханафийлик бўйича нодир манба. Дис. ...тар. фан. ном. – Т.: ТИУ, 2009. – Б. 75. (Бундан кейин: Матибаева Р. Диссертация.)

² Абул Муайяд Хоразмий. Манокиб. Қўлёзма. – Истанбул. – Сулаймония кутубхонаси. – Валийуллох Жоруллох Афанди фонди. № 1631. – В. 37. (Матибаева Р. Диссертация. – Б. 39.)

³ Масалан, XIV асрда ёзилган «Салоти Масъудий» асарига Абу Ҳанифа манокими тўғрисида кўплаб ривоятлар келтирилган. Уларнинг орасида ўта муболағали ривоятларни ҳам учратиш мумкин.

⁴ Қаранг: Кафавий. Катоиб аълом. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. № 91. – В. 95^а.





гапни айтган, эй Умар, Микоил эса сиз айтган гапни гапирган эй Абу Бакр, улар масалани Исрофил(а.с.)га айтишганида, кадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллохдан дея хукм чиқарган, мана шу сизларга хукм. Эй Абу Бакр, агар Аллох таоло ўзига осийлик қилишларини ирода этмаганида, Иблисни яратмас эди», дея жавоб қайтарганлар¹.

Абу Ҳафс Сағир ҳам отаси сингари кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар орасида мумтоз шогирдларидан бири бўлмиш, теран акли, етук салоҳияти сабабли Сомонийлар саройи фақиҳи сифатида танилиб, «Устоз», дея эътироф этилган Абдуллох Субазмуний бор эди. Самарқандда «лаббодун» (кигиз босувчилар) кўчасида истикомат қилган Абу Усмон Саид ибн Муҳаммад Бухорий (ваф. 311/924 й.) ҳам унга шогирд тушиб, устозидан кўплаб ҳадис ривоят қилган².

Олим 274/878 йилда Бухоро шаҳрида вафот этиб, отасининг олдига дафн этилган.

Лобар АРОРОВА,
Тошкент Ислом университети
мустақил тадқиқотчиси

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР (1483–1530)

Бобур (тахаллуси, тўлик исми Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо (таваллуди 1483 йил 14 февраль, Андижон шаҳри, вафоти 1530 йил 26 декабрь Агра шаҳри) – ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, теурий шахзода.


Бобур таржимаи ҳолига бир назар. Тарих зарварақларини кўздан кечирар эканмиз, бир асрда кўпи билан инсоният тарихида юксак из қолдирган, кейинги авлодларга ўзининг жамиятдаги мавқеи, қолдирган илмий, бадиий мероси билан ибрат бўла оладиган 5–6 нафар шахс дунёга келади. XV–XVI аср ўзбек халқи, адабиёти, маънавияти тарихида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурни бемалол ана шундай шахслар силсиласига киритиш мумкин.

Бобур ижодини ўрганиш, айниса, Ўзбекистоннинг истиклолга эришганидан кейин юксак поғонага кўтарилди. Бунга Президент Ислом Каримовнинг бу аллома шахсияти ва ижодига бўлган юксак муносабати алоҳида аҳамиятга молик. Президентнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доврўғини дунёга таратган улуг аждодларимиздан бири ўларок, ул зот бизнинг тарихимизни кадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсоиларга самимий миннатдорчилик билдираман» деган сўзлари Ўзбекистонда бу аллома ижодинигина эмас, у билан боғлиқ тарихий, бадиий ва адабий манбаларни қидириб топиш, таржима ишларини жадаллаштириш, илмий-тадқиқот ишларининг янгича самарали усулларида фойдаланишга даъват деб билиш мумкин.

¹ *Кафавий*. Катоиб аълум. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма. № 91. – В. 95^а.

² Қаранг: *Л. Асророва*. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ханафий фикҳи. Т.: Тошкент ислом университети, 2014.





Тақдирнинг мураккаб синовлари Бобур ҳали жуда ёш – ўн иккини тўлдирмасдан отаси, Фарғона вилоятининг ҳокими Умаршайх Мирзонинг фожиали вафотидан сўнг унинг ўрнига тахт соҳиби бўлишни такозо этишдан бошланди. Шу кундан бошлаб унинг чекига Амир Темур вафотидан кейин бу йирик салтанатда вужудга келган тож-тахт учун курашнинг барча мушкулликлари тушиб, бу ҳам машаққат ва ҳам унинг юксак орзуси – бобоси Амир Темурнинг кенг ҳудудлардаги салтанатини қайта тиклаш, бу йўлда темурий шахзодалар бошини бир ёқадан чиқаришга интилиши умрининг охиригача давом этди. У уч марта Самарқандни қўлга киритиб, атрофдан, бошқа темурийзодалардан мадад келмаганлиги боис уни қолдириб чиқди.

Ашаддий душмани Шайбонийхон ва Фарғона бекларидан бири Аҳмад Танбал билан мухораба ва урушлар олиб борди, аммо бу стратегик жиҳатдан муҳим, темурийлар салтанатининг фахри бўлган шаҳарни қўлда ушлаб туrolмади. Ноилож Бобур, ўзининг 250–300 нафар лашкари билан Ҳисор тоғлари орқали бугунги Афғонистон ҳудудига ўтиб, бу ердаги энг йирик шаҳарлар: Кобул ва Ғазнини эгаллайди ва марказлашган давлат куради.

Бобурнинг Афғонистондаги фаолияти четдан кириб келган бир фотиҳ сифатида эмас, балки бу юртга юксак меҳр қўйган, унинг шаҳарлари, кишлок ва ўлкаларини обод этиш, бог-роғлар барпо этиш, Мовароуннаҳр цивилизациясини жорий этиш, маҳаллий халқ билан имкон қадар муроса-мадорада иш юритишни ўзига мақсад этди. Бу юртда унинг томонидан барпо этилган боғлар, сув иншоотлари ва обидалар бугунги кунда ҳам афғон халқига хизмат қилмоқда. Унинг томонидан яратилган «Боғи вафо», «Боғи шаҳрор», «Боғи жаҳонор», «Урта боғ» назари йўқ бу шахснинг ўлкаларга ихлос қўйгани, ўзининг эстетик диди ва карашларини амалга тағбиқ этганлигининг гувоҳидир. Унинг Кобулда марказлашган давлат барпо этганлиги бу ерлардаги майда феодаллик ва ўзаро низоларни бартараф этишга кўп жиҳатдан ёрдам берди, йўлларда хавфсизлик чоралари қўрилиб, савдо-сотик, ҳудудлараро алоқалар рисоладагидек тикланди.

Бобурнинг Кобулдаги ҳокимияти унинг душмани Шайбонийхонга тинчлик бермас эди. У имкон қадар Бобурни бу имкониятдан маҳрум этиш ва ўзининг салтанатини бу жойларда ҳам жорий қилишга астойдил киришди. Бу мақсади сари у Бобур тасарруфида бўлган Қандаҳор шаҳрини эгаллашга ҳам эришди, аммо Кобулгача келишга имкон топмади.

Борган сари темурий шахзодалар, юксак мартабали шахслар орасида Бобурнинг нуфузи ошиб борди. 1506 йилда Хуросон султони Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхон томонидан шикаст топиб, вафот этганда унинг Бадиуззамон Мирзо каби викори баланд ўғиллари ва сарой аъёнлари Бобурни Кобулдан Ҳиротга – маслаҳатга, Шайбонийхонга қарши биргаликда курашиш режасини тузишга чақирадилар. Бобур бу дипломатик музокарага боради, иштирок этади. Аммо, темурий шахзодаларнинг бир мақсадга келишишлари мушкул қўчади, уларнинг ҳар бири ўз манфаатларини салтанат бирлигидан афзал билишлари Шайбонийхонга қўл келади. Ҳаял ўтмай у Ҳиротни босиб олиб Хуросон салтанатини барбод этади, Бобур орзуси армонга айланади.

Кўп ўтмасдан Шайбонийхоннинг бедодликларига ҳам чек қўйилади. Унинг ҳарбий юришлари ва кирдикорларини кузатиб борган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Шайбонийхон билан олиб борган курашларидан бирида мағлуб этиб, ўзини ўлдиради.





Захириддин Бобур кўп машаккатлардан кейин Ҳиротга кайтса, яқин қариндошларининг хиёнати – тахтни эгаллашга қаратилган исёни устидан чиқади. Бобур бу ҳаракатларни бартараф этиб тахтга ўтирса ҳам энди унга мадад берадиган киши қолмаган, теурий шахзодалар иарокандаликка юз тутган давр бошланган эди. «Бобурнома»да таъкидлангандек, «Бир мен Қобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқоават қилмоққа мажол. Узумузга бир эр фикрини қилғулукдур ва бу микдор фуржа ва фурсатта қавий душмандин йирокроқ айрилғулуктур, ё Бадахшон жониби, ё Ҳиндустон сари жазм қилмоқ керак».

Ҳар ҳолда Бобурнинг Ҳиндистонни ўз тасарруфига қиритиш фикри бирданига пайдо бўлмаган. Унинг бу улкан режаси ҳамиша ҳам яқин беқлари ва аёнлари томонидан қўллаб-қувватланмаган. Аммо давлатчилик ишларида қаттадан-қатта режаларни амалга оширишга кўзи етган, шунга яраша шижоати ҳам юксак бўлган Бобур ўз исмига яраша шиддатли курашларга шай, бақувват лашқарбошиларга ўзини тенгтўш билиб ҳаракатга қирган. Унинг табиатида жасурлик ҳаммавақт қўрқоқлик, ҳадиксираш қаби киши характерида мавжуд рухий ҳолатлар устидан қолиб қелган, у эса шиддатқор жангларга мардонавор қириб қалаба қозонган.

Бобур Афғонистонда мустақкам давлат барпо этади, аммо бу мамлакатнинг моддий имқонияти, ҳаражатлари у орзу қилган режаларни қоплашга қодир эмаслиги боис доимо Ҳиндистон томон интилишни мақсад қилганди. Дарҳақиқат, жуда қам сонли лашқар билан Ҳиндистон султони Иброҳим Лўдийнинг бақувват армиясига қарши жанг олиб бориш жасорати Бобур аёнлари ва беқларини чўчитган, бу мақсадни уларнинг кўпчилиги маъқул қўрмаган. Бобур ёзади: «Панжшанба қуни, ражаб ойининг йигирма секкизида намози дигар Аграга қириб, Султон Иброҳимнинг манзилига тушулди. Тарих тўққуз юз ўндақим, Қобул вилояти мусаххар бўлди, ул тарихдин бу тарихқача ҳамиша Ҳиндустон ҳаваси қилилур эди. Гоҳи беқларнинг суст раёлигидин, гоҳи ога-инининг ноҳампойлигидин Ҳиндустон юриши муяссар бўлмас эди. Охир мундоқ мавониё қолмади. Қичик-қирим беқ ва беқоттин ҳеч қим хилофи мақсуд сўз айта олмади».

Ҳиндистон йўлини танлаган Бобур хато қилмади. Кейинроқ, у бу мамлакатда йирик бир давлат тузиб, олам-олам ўзгаришлар, ислохотлар ўтказган бўлса ҳам, ватанини соғиниб, ҳинд элининг диққинафас иқлими, лашқарни бошқаришдаги мушқулликлар олдида қолиб «... Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим, ё Раб нетайин не юз қаролиё бўлди», деб нидо қилганлигини қўрамаиз.

Бобур Ҳиндистонга қирар экан ўзининг оз сонли лашқари билан Ҳинд султони Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортик лашқари ва ҳарбий истехқоми, икки мингдан ортик жанговар филларини яқсон этиб, уч марта йирик муқорабалари натижаси боис, Ҳиндистоннинг шимолий сарҳадларидан тортиб, Агра шаҳри, Бҳира вилоятига қадар яғона давлатни қурди ва бошқарди.

Бобур қолдирган тарихий, адабий-бадий мерос. Бобурни жаҳонга шуҳрат топтирган жиҳат унинг ҳарбий юришларидан қўра қиска умри давомида биз авлодларга қолдирган бой адабий, илмий-тарихий меросидир. Айниқса, унинг «Бобурнома» асарини адаибга жаҳоний шуҳрат қелтирди. Бу асарда 30 дан ортик фанлар ҳақида юксак илмий мулоҳазалар, фикр билдирган. Асар персонажлари 1560 кишидан ошиқ бўлиб,





Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи персонажларидан уч марта кўпроқ. Бу тарихий, саргузашт ва илмий асарнинг оламда машҳур бўлган жиҳатидан бири муаллифнинг воқеа-ҳодисалар баёнида ростбаёнликка («Бу битилганлардан гараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлгонлардин максуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқия бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом килилибтурким, ҳар сўзни ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқияини таҳрир этилгай») асосланганлигидир. Айнан ана шу жиҳат ўша давр ва муаллиф тасвирлаган воқеаларни аслича идрок этишимизга асос беради.

Бобурнинг шеърӣ девони ва ундан жой олган «119 ғазал, бир маснуъ шеър, 209 рубойи, 10 дан ортик туюк ва китъалар 50 дан ортик муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган» (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд, 87-бет, Тошкент, 2001 йил).

Булардан ташқари, Бобурнинг аруз фанига оид «Мухтасар» («Аруз рисола-си»), ислом дини аҳкомлари ва ўша давр солиқ тизимига оид «Мубаййин» асари, Хожа Аҳрори Валийнинг «Волидия» асарини форс тилидан ўзбек тилига ўгиргани, араб алифбосининг ўқилишини енгиллаштиришга интилан янги алифбо – «Хатти Бобурий»ни ихтиро этгани ва бошқа асарлари мавжудки, буларнинг мумтоз адабиётимиз ва тарихимизда муҳим ўрни бор.

Заҳрирдин Муҳаммад Бобур умрининг ўзи авлодларга ибрат намунасидир. У 47 ёшида баракали ижод этиб, ўзгаларнинг юз йил яшаб ҳам улгурмайдиган ишларини адо этди.

Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, биолог, географ, диншунос олими сифатида, шариат аҳкомларини мукаммал билган, давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимини ихтиро этиб, давлат ва дипломатик ишларни қулай амалга ошириш йўлларини қидирган ва уни назарий жиҳатдан исботлаган, ҳаёти пайтидаёқ амалга татбиқ этишга киришган ва яна қанчадан-қанча ислохотларни амалга оширган, борган ерида ободончилик, бог-роғ барпо этган, Мовароуннаҳр цивилизациясини Шарқда тарқатган буюк шахсдир.

Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва ҳарбий маҳорати. Бобур буюк подшоҳ, бобоси Амир Темурнинг муносиб вориси сифатида унинг салтанатини қайта тиклаш, доврўсиз, манманликка берилмай юксак салтанатни барпо этиш ва давлатчилик ишларини амалга оширишни умр мақсади этди. У моҳир саркарда сифатида энг оғир бўлган даврлари: қариндош-уруғлари, бек ва сафдошлари чап бериб, ундан тахтни олишга интилиб, ночор қолган ҳолида ҳам «чун салтанат дағдағаси ва мулкғирлик доияси бор, бир қатла, икки қатла иш юримаган била боқиб ўлтуруб бўлмас» деган ғояси уни ҳамиша мақсадга эришишига етаклаган. Бобурнинг бу хислати, келажакка умид билан қараши бугунги ёшлар учун ҳам ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Бобур давлатчилик сиёсатининг бош калити – темурийзода Султон Ҳусайн Бойқаро каби фақат ўзининг қаламравида тинч-осойишта ҳаётни сақлаш, салтанатини мустаҳкам қўрғонлар, етук аскар, зобитлар билан таъминлаш, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига юксак эътибор берибгина эмас, бобоси Амир Темур вафотидан кейин унинг империяси тасарруфида бўлган юрт ва ерларни қайта эгаллаш, муқим, ягона давлатчилик сиёсатини юритиш, пароканда темурийзодаларни бу мақсад сари бирлаштиришдан иборат эди. У шу мақсади сари сиёсий танглик, муросасиз-





лик, айникса, Амир Темурдан колган худуд, бойлик сари олиб борган курашларни бир байроқ остида бирлаштиришни истади, бунга кўп жихатдан эришди ҳам, армон бўлиб колган ниятлари ҳам кам эмас.

Бобур давлатчилиқ сиёсатининг негизида том маънода ШАХС туради. У имкон қадар ҳар бир аскар, зобит, амирлар, оддий қосибдан тортиб, узок масофадаги аниқ нуқтани мўлжалга олишга қодир тўпларни яратган Уста Алиқулига ҳам, қобилияти устун тарихчи Мирзо Ҳайдарга ҳам, вазири аъзам даражасидаги беки Қосимбекка ҳам шох сифатида эмас, яқин дўст, ҳамсухбат, қолаверса устоз сифатида муомалада бўлган, кези келганда, шиддат аралаш сўзларини улардан ҳам аямаган.

Ана шу рухшунослик, сабр, чидам билан иш олиб бориш, яқуний натижада мақсад меvasи етилишига ишониш Бобурга юксак ғалабаларни келтирган. Масалан, Бобур ўша даврда ҳали мисли кўрилмаган, биринчи тажрибаларни ўтаётган жанговар тўпни ихтиро қилишга киришади. «Бобурнома»да муаллиф тўп ясовчи Уста Алиқули билан жуда берилиб, сабр билан иш олиб боради, устанинг тажрибалари натижасиз чиққанда ҳам Бобур уни қойиш, дағдаға қилиш ўрнига устага зарбоф чопон, ўймақор қилич ва саман от инъом этиб, ишини давом эттиришини айтади. Ҳаял ўтмай, Уста Алиқули Бобур маслаҳати билан яратган тўпи билан 1680 метр узокда бўлган душман кемасини аниқ нишонга оладики, бу иш бошида ихтирочи Заҳириддин Бобур турган эди. Бобур томонидан Ҳинд султони Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортиқ лашқари устидан ғалаба қозонишида ана шу тўпларнинг аҳамияти катта бўлган. Бобур эса ўзбек миллий артиллерияси асосчиси сифатида тарихда ном қолдирди.

Шу қатори Бобур, салтанати ривожини истамаган катта энаси Шохбегимга, рақиблари Аҳмад Танбал, Хисравшоҳ, Боки Чағониёнийга салтанат бирлигига қаратилган мақсадига қарши юрмаслиқларини таъқидлаган. Улар билан сулҳни, ҳамкорлик даражасидаги давлат бошқарувини таклиф этиб кўрган, иложи бўлмаганлиги боис салтанат бошқарувида яққаҳокимиятликка таяниб иш олиб борган. Давлат юритишининг бу усули унга, асосан, юксак ғалабаларга эришишига асос бўлган.

Бобур раҳбар шахси фаолиятини, у юрт бошлиғи бўладими, оддий бек ёки юқори бўгиндаги мансабдорми, унинг характерини умумлашма тарзда баён этмасдан, ҳар бир унсурга эътиборни қаратади, мантикий, мушоҳада орқали шахснинг энг муҳим, характерли хусусиятларини очиб беради. Бобурнинг бу услуби баҳоланаётган шахс ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва у хусусида ҳулосага келиш, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга аниқ баҳо беришда ўқувчига қўл келади. Бунда характерланувчи шахснинг табиати, жумладан, энг асосий мезон сифатида ахлоқи, ҳарбий қобилияти, қўл остидагиларга муносабати, саҳийлиги ёки очкўзлиги, ислом ақидаларига муносабати ва унга амал қилиши, саводи, илм, шеърятга ихлоси, шароб ичиши ёки бунга рағбати йўқлиги, кўнгилочар ишларга муносабатига алоҳида эътибор қаратади.

Шахсга баҳо беришда давлат бошқаруви билан боғлиқ стратегик масалаларни ҳал қила олиши ва ёки бунга уқувсизлиги, ҳарбий маҳорати, айникса жангу жадаллардаги саркардалиқ салоҳияти, мохир жангчи сифатидаги фазилатлари, салтанат ишларини ечишда маслаҳат ва кенгаш тамойилларига нечоғли амал қилиши, ҳазинадаги бойликни тасарруф этишдаги қобилияти, бунёдкорлик ишларидаги қўлами сингари муҳим нуқталар Бобурнинг диққат марказида турган.





Албатта, бу меъёрларни у барча давлат бошқарувида бўлган кишилар учун бир хилда қўймаган. У бу мезонни кўпинча йирик султонлар, саркардалар, даврнинг машхур шахсларига баҳо беришда қўллайди. Аини вақтда Бобур шахс тасвири орқали ўз дунёкарашини ҳам ифодалайдики, бу тасвирлар унинг ички оламини янада теранроқ тасаввур этишимизга кўмак беради.

Мақсадимизни аниқ баён этиш учун бир-икки мисолга мурожаат этамиз. Бобурнинг Султон Абусаид Мирзонинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад Мирзога берган баҳоси диққатга молик. Бобур бу шахс хислатларини тасвирлар экан, энг аввало, кўз ўнгимизда мохир руҳшунос олим, Бобур сиймоси гавдаланади. У ҳукмдор шахснинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва мавқеини, ундаги ижобий фазилатлар жамият ахлини тарбиялаш билан бирга салтанатни барқарор, одилона ва оқилона бошқаришда, маърифат тарқатишда ўта муҳим аҳамиятга эга эканини ихчам ва таъсирчан фикрлар орқали ёрқин ифодалаб беришга эришган.

Бу парчада Султон Аҳмад Мирзонинг султон сифатидаги бир қатор ибратли хислатлари: хушхулқлиги, кийим кийишда ҳам фақат ўзига хос услубга эгаллиги, «ҳанафий мазҳаблик, покиза эътиқодли» киши эканлиги, тасаввуф пирларига юксак эътиқод билан қараганлиги, гарчи юқори даражада саводхон бўлмаса-да, адл ва инсоф, раиятпарвар эканлиги, ҳатто камчилик сирасига қирадиган «ҳеч нарса ўқиғон эмас»лиги ҳам алоҳида таъкидланади. Бобурнинг бу баҳосида ўз даврининг қомил инсонига бўлган талабларни сезиш кийин эмас.

Унинг бу қараши замон ҳукмдорлари характерини белгилашда мутлақо янгича ёндашув эди. Бунда Бобур гарчи китоб мутолаасига рағбати бўлмаган, саводхонлик даражаси мактагудек бўлмаса-да, умуминсоний хислатларни ўзида мужассамлаштирган шахсларнинг камчиликларидан кўз юмиб, уларни ахлоқи юксак кишилар қаторига киритган ва («Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати хожам мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди...») у юртни одилона бошқаришга қодир деб ҳисоблаган: «Ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким, шахрда улғайиб эди, турк ва содда эди. Таъдин баҳраси йўқ эди. Одил киши эди. Ҳазрати Хожанинг ҳам аёллари арода эди. Аксар муҳиммот шаръ тариқи била файсал топар эди. Аҳд ва қавлига рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофе зоҳир бўлмади».

«Бобурнома»да салтанат ишларида бек ва шахзодаларнинг иштироки, ўша пайтдаги давлат девонини юргизишда фаолият кўрсатган шахсларнинг ўрни ҳам кенг ёритиб берилган. Бобур қайси бек ёки султонга баҳо бермасин, энг аввало, Амир Темур салтанатининг яхлитлиги, юрт тинчлиги ва раият манфаати билан боғлиқ масалаларни инобатга олиб фикр юритади. Шу ўринда Бобурнинг Аҳмад Ҳожибекка берган баҳосини кўриб чиқиш лозим деб ўйлаймиз. Бобур Аҳмад Ҳожибекка юксак ихлос билан қарайди, унинг «хуштаъб ва мардона» киши сифатида баҳолаб, соҳибдеволлиги, яхшигина шеърый қобилиятга эга эканлиги, назмида ранг ва мазмун устунлигини таъкидлайди. Бу шахснинг давр султони Хусайн Бойқаро, буюк мутафаккир Алишер Навоий билан яқин алоқада бўлгани, давлат ишларида муҳим мавқега эга эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Бобурнинг Аҳмад Ҳожибекка берган баҳосидаги бир жиҳатга диққатни тортмоқчимиз. У ҳам бўлса, бу бекнинг давлатнинг бошқарув ишларига унчалик укуви йўқлиги, мардоналиги таъриф этгудек бўлса-да, раҳбарлик ва ишни ташкил





этишда бепарволиги билан боғлиқдир. Шу ҳам сабаб бўлса керак, унинг тақдири Бухородаги урушда ҳал бўлади, яъни муҳорабада ҳалок бўлади.


Бунда Бобурнинг шахс хусусиятини зийраклик билан белгилайдиган яна бир жиҳати кўзга ташланади. У Аҳмад Ҳожибекнинг мардоналиги, яъни жасур, кўркмаслигини алоҳида таъкидлайди. Бирок, бу инсоний жиҳат унинг давлат бошқарувида иш бермаган, унга бириктирилган салтанат ишларини кўпинча навкарлари ва бошқа қўл остидагилар бажаришган, хислатидаги «бепарволик» унга панд берган: «Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самаркандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек билан бўлур эди. Султон Ҳусайн Мирзо подшоҳ бўлгондин сўнгра Ҳирига келди. Асру улуғ риоят топди... Агарчи мардона киши эди, сардорлиги мардоналиғидек эмас эди. Бепарво киши эди. Иш-кучини навкар-савдари сару сомон қилур эди».

Бобур давлат бошқарувида кўпгина халқпарварона амру фармонлар эълон қилган. Уларнинг энг намуналисидики «икки азим уш-шаън» фармонлари бўлиб, бу икки фармондан бири Бобурнинг давлатчилиги мароми, подшоҳ сифатида етуқликка эришгани, энг муҳими каламравидаги фуқароларнинг ким, қайси миллат, дин нажот ва тери рангига мансуб бўлишидан қатъи назар тамға солиғидан озод этилгани бўлса, иккинчи фармони вафотидан икки йил олдин бутун салтанатида шароб ичишни қатъиян ман этилганига оиддир. Бобурнинг бу икки фармони халқпарварлиги, инсон манфаати, унинг соғлиқ ва ахлоқий баркамоллик каби хусусиятларини шахс характерида муҷассамлашишига қаратилганлиги бугунги кунда ҳам қимматини йўқотгани йўқ.

Биринчи фармонда ғолиб подшоҳ – Бобурнинг ғалаба нашидаси, фахрияси бор. Унда исломий таълимот – Аллоҳга шукр этиш масаласи юксак тарбиявий оҳангда ўз ифодасини топган. Бунда, Бобурнинг астойдил шукр дейишга асоси бор эди. Ахир, ўз юртида, ўзининг қондош теңурийзодаларнинг юртга эғалик боис тож-тахт таллашишлари, сарсон-саргардонликдан сўнг тақдир унга Ҳиндистондек буюқ давлатни ўз тасарруфига киритишни насиб этди, бу мамлакатнинг йирик шаҳарлари қарийб қурашсиз унга бўйсунди. («...муваффақият қўллари ғалаба нишонли байроқларимизни Дехли, Агра, Жўнпур, Харийд, Бихар ва бошқа ўлкаларда кўтарди»). Шу боис, Бобур «ҳар неъматга бирор шукр лозим ва ҳар шукрга унинг кетидан бирор неъмат» деган ҳикматнамо фикрни фармонига киритади. Бемалол айтиш мумкинки, Бобурнинг бу фикри бугунги мустақиллигимизнинг ҳар бир неъматини, ютуғига шукроналар қилишимиз лозимлигига ҳам асос беради. Чунки, бугунги шукримиз ортидан келгусида йириқроқ «бирор неъмат»нинг қелиши аниқлиги ҳам тайин.

Бобур ўзининг бу фармонида «шукр» мавзусига янада чуқурроқ кириб боради. Қаламравида бўлган зобиту аскарлари, беку шаҳзодалар, баъзан мулойим, гоҳида яққаш зодагон хонимларни инсофга чақириш, Ҳинд ўлкасининг диққинафас иқлимига чидам бериш, Аллоҳ насиб эттирган юксак зафарлар шукронаси боис Бобур салтанатида садокат билан хизмат қилиш руҳиятини сингдиришга ҳаракат қилади. Бобур бу лаҳзада аниқ тасаввур этганки, қўл остидагиларга зулм, ситам, жазо ва қистовлар ўтказиш билан уларни Ҳиндистонда олиб қилиш мумкин эмас. Шунинг учун Раана Сангаа устидан ғалаба қилиш учун фақат лашкар сафини жипслаштириш, хиёнат, сотқинлик ва, айниқса, қочқинликка йўл бермасликнинг ягона йўли маънавий таъсир орқали иш қўриш деб қилади ва «шукр» тушунчасига яна урғу беради: «Шукр шундай бир неъмат муқобилида бўлсаки, дунёда ҳеч бир бойлик ундан буюқроқ ва охирада бирор-бир яхшилик ундан гўзалроқ бўлмаса».





Захириддин Бобурнинг ўткинчи дунёда яратувчилик билан яшаш қатори Аллоҳ берган неъматларнинг шукронасини адо этиш, сабр ва чидам билан мақсад сари интилиш, юртга садоқат билан хизматда бўлиш каби қарашларини ҳам кузатамиз.

Бобурнинг бу фармонида унинг давлатчилик сиёсати, ўша даврдаги тасарруфига қирган юртларда темурийлар салтанати қонун-қоидаларининг кириб бориши, унинг амалда ишлаши ёки берилган фармонларга ҳилоф иш тутиши, солиқлар низомига риоя этиш ва этмаслик каби саволларга ҳам аниқ жавоб оламиз.

Бобурнинг иккинчи «азим уш-шаън» фармони бевосита биринчи фармон билан ҳамма вақт боғлиқ. Аниқроқ қилиб айтсак, бу фармон хронологик ва тарихий воқеаларни акс этиши жиҳатидан юқоридаги фармондан олдинроқ юзага келиши керак эди. Бироқ, Бобур Раана Сангаа билан бўладиган йирик муҳорабага тайёрланар, бу умри мазмуни ва мақсадларининг гултожи бўлган жангга астойдил киришганлиги боис мазкур фармонни бериш маълум муддатда орқага сурилган эди.

Агар Бобурнинг бу фармони бошида Аллоҳ томонидан берилган ризқ ва имкониётларга шукроналик баён этиш асос қилиб олинган бўлса, асосий қисмида инсон тарбиясининг яна бир жиҳати – Қуръонда ва Ҳадиси шарифда қайта-қайта зикр этилган НАФСНИ ТИЙИШГА бағишланади. Чунки, мазкур фармоннинг бош ғояси ва шох Бобурнинг мақсади ҳам бутун салтанати ҳудудида май, шароб ва инсонни сархуш этувчи ичимликлар ва воситаларни ман этиш, ҳеч қаерда, ҳар қандай шароитда уни истеъмол этмаслик фармони эди, бу: «...Инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарқ этиш Худонинг тавфик беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас».


Бироқ, замонанинг Бобур бошига туширган ташвишлари, Ҳисор тоғларида ялангоёқ юриб, товонлари ёрилиб, кўмак берадиган бирон кимсаси қолмаганидан, атрофдагиларининг хиёнаткорлиги ва айримларининг муртадлиги Бобурнинг ҳам майга юз тутишга, май, чоғир, маъжун истеъмол қилишига сабаб бўлган. «Бобурнома» саҳифаларидан биз унинг гоҳида пай-дарпай, гоҳида ғамларининг бартарафи учун майга мурожаат этганлигини кўраемиз. У юқоридаги фармонни бергунига қадар уч марта май ичмасликка аҳд қилади, аммо уни тарқ этишга иродаси етмади:

Май тарқини қилғали паришондурмен,
 Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
 Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
 Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Бобур ҳудудида майни тарқ этиш фармонини бергунга қадар ўзининг ички оламида қатта қарама-қаршиликлар, рухий қурашларни бошидан кечирган. У нафақат давр, балки бутун инсоният бошига қулфат бўлиб ёғилган бу одатдан сақланишга чақирган. Не ҳасратки, бу иллат Бобур даврдагина эмас, ҳозир ҳам дунёнинг қатта муаммоси бўлиб келмоқда.

Шунга қарамасдан, Бобур ўзини енгади, фармон қучга қиради. Бироқ, масаланинг бошқа томони – нега фармон айнан Бобурнинг Раана Сангаа билан бўладиган йирик муҳорабасидан олдин берилди? Бу жуда қатта сиёсий, ижтимоий ва тарбиявий





ахамиятга молик масала. Чунки, Бобур темурий салтанатнинг яхлитлигини, энг аввало, давлатчиликдаги тартиб-интизом, соғлом акл ва ҳушёрлик замирида кўради. У фармоннинг асосий мақсадига кўчишдан олдин кўл остидаги бекзодалар, амирлар билан психологик тарбия олиб боради, майни тарк этиш киши руҳиятини поклаши қатори, инсонда иродани тарбиялаши, душманга қарши бирликка куч бериши, қолаверса бу интилиш шариат қонунига ривож этиш ҳам эканлигини уқтиради: «... Инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русуми подшоҳлик лавозими. мансабдорлар одати бўйича шохдин тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлар кунларида шариат ман қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгиларга ружу қилинади. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинади ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди».


Бобур фармонда «тавба эшикларини тўлик жиддият билан қоқдик» демоқда. Демак, инсон ўзида мавжуд ношоиста ҳаракатлардан, жумладан, майпарастликдан ҳам ҳавас билан, мавсумий тарзда ҳалос бўла олмади, унга барҳам бериш учун жиддийлик, ирода талаб этилади. Кейин, Бобур майни тарк этишни унга қарши уруш очганлиги билан изоҳламоқда. Бу ҳам инсон табиатидаги ҳар қандай нопок ҳаракатни, ўзининг қасри нафсини синдириб, муттасил кураш ва қатъийлик билан амалга ошириш лозимлигини таъкидламоқда. Шубҳасиз, Бобурнинг бу ўғити бугунги ёшларимизни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, диний экстремизм, ақидапарастлик кўчаларидан йиғиштириб олишга, мустақилликни неъмат билиб, уни мустаҳкамлаш сари асрлар оша бизга битилган бир қақирек, сирли мактубдир.

Бобур фармонидан келиб чиқадиган ҳолатни ҳам яхши тасаввур этган. «Ичкиликдан қочинглар, шоядки нажот топсанглар» деган жумла Бобур фармонининг мазмунини, турмуш мушқулликларининг ечим топишига ичкиликни тарк этиш катта ёрдам беришини аниқлатадики, такрор айтаман, бу ундов ва таълимот бизнинг давримизда ҳам жуда муҳим ва ахамиятлидир: «Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўқис охирига етгандан кейин, олам бўйсунуши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда (Худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин, элтмасин ва келтирмасин: «Ичкиликдан қочинглар, шоядки, нажот топсанглар» (Таъкидлар бизники – Ҳ.Қ.)

Заҳириддин Бобур фарзандлари Ҳумоюн, Комронга ёзган мактуб ва васиятномаида салтанатни демократик тарзда, бамаслаҳат бошқариш, ноқас ва ножинсларни асло давлат ишларига аралаштирмаслик, зинҳор ҳинд ва бошқа халқларнинг дини, урф-одатлари ва муқаддас деб билган анъаналарига даҳлат қилмаслик, аксинча, уларни эҳтиром этишни таъкидлагани, бу қалби дарё шахснинг узокни кўра билганлиги, давлат бошқарувида ҳамма томондан синашта кишилар бўлишини истаганини кўраман. Бобур назарида салтанат обрўйи биринчи навбатда саводли, тез бир ҳулосага келадиган, сўз қудрати устун, одамларни ўзига эргаштира оладиган шахслар фаолияти билан боғлиқ бўлган.

Бобур булардан ташқари, шахсга баҳо берар экан, ўша даврнинг юксак мезонларини асос қилиб олади, шахс характери астойдил ўрганиб, шундан кейингина уни давлат ишларига жалб қилиш лозимлигини таъкидлайди. Бобурнинг бу услуби баҳоланаётган шахс ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва у ҳусусида ҳулосага келиши,





содир бўлаётган воқеа-ходисаларга аниқ баҳо беришида ўқувчига жуда кўл келади. Шахсга давлат бошқаруви масаласи билан боғлиқ баҳо беришда давлат бошқаруви билан боғлиқ стратегик масалаларни ҳал қила олиши ва ёки бунга уқувсизлиги, ҳарбий маҳорати, айниқса, жангу жадаллардаги саркардалиқ салоҳияти, моҳир жангчи сифатидаги фазилатлари, салтанат ишларини ечишда маслаҳат ва кенгаш тамоёйилларига нечоғли амал қилиши, хазинадаги бойликни тасарруф этишдаги қобилияти, бунёдкорлик ишларидаги кўлами сингари муҳим нукталар Бобурнинг диққат марказида бўлган.

Бобур фикрича, эл назарига тушиш, аскару фуқаролар кўнглига йўл топиш учун, энг аввало, юксак инсоний хислатларга эга бўлиш, илм ўрганиш, давр янгиликларинигина эмас, салтанатдаги ўзгаришларни тўғри баҳолай билиш, ҳарб санъатини тўла ўзлаштириш, хулқида жасорат, мард кишига хос хислатлар доимо мавжуд бўлиши, муҳорабалардаги мушкул вазиятда қуролдошига ёрдам қўлини чўзиши, очик кўнгилли, саҳий ва инсонпарварлик умр шиори бўлган шахсгина давлат бошқарувида ўзини кўрсата олади, бошқаларни ҳам бу эзгу ниятлар сари етаклаб бориши мумкин. Биз Бобурнинг шахсга берган баҳоларининг ичида давлат бошқаруви ва ахлоқ бирлигига тааллуқли бу кенг унсурларга мурожаат этишимизнинг сабаби шундаки, бу энг аввало, Бобур дунёқарашини яхлитроқ тасаввур этиш имконини беради.

Хисравшоҳ, Боки Чағонийёний, Али Дўст, Султон Маҳмуд ва бошқа темурийзода ва бекларнинг характерида юқоридаги хислатлар кам кўринганлиги, яхшиликдан кўра ёмонлик, ғаразгўйлик ва мунофиқлик ғолиб эканлигини кўрсатган Бобур уларнинг шахсий ҳаётлари ҳам аянчли, мағлуб қиёфалари ночор, умрлари эса барча салтанат дағдағалари-ю, фожиа билан яқунланганлигини бадиий тасвирларда берган. Бобур давлат бошқарувида шахс мавқеини ана шундай тазод, яхши билан ёмоннинг қарама-қаршилиги орқали тасвирлаганининг ўзи уни кўз ўнгимизда юксак давлат арбоби сифатида ҳам, моҳир рухшунос даражасида ҳам гавдалантиради.

Бобурнинг давлатчилик ва юксак ҳарбий маҳорати Шарк ва Ғарб олимлари, тарихчилари томонидан тан олинган. Бу борада тарихчи Паве де Куртейлнинг қарашлари фикримизга далилдир: «Ҳар қандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни ўзида мужассамлаштирган бу зот ўзида ҳарбий ҳийла ва жасоратни уйғунлаштира олар, зарур бўлганда жазолашга ҳам ва афв этишга ҳам қодир эди: у истеъдодли ҳарбий арбоб ва ишнинг кўзини биладиган, қўшинларни маҳорат билан бошқара оладиган, уларнинг ишончини қозона олган саркарда эди».

Адиб, ҳам шоҳ бўлган Бобур ўз асарларида давлатнинг ички тузилишига, юртини бошқараётган турли тоифага мансуб шахсларга батафсил баҳо берган. Бу баҳо, биринчи галда, адабиётшунослик нуқтаи назаридан, Бобур атрофидаги кишилар характери, уларнинг ижобий ва салбий хислатларини бадиият доирасида очиб бергани, муаллифнинг давлат бошқарувига оид қарашлари, унинг темурийларнинг ягона салтанатини асраш йўлидаги руҳий кечинмалари билан уйғунлашиб кетгани туфайли ҳам муҳимдир.

Бобур салтанатни асраш учун темурий шахзодалар бирлашмасликлари, уларнинг тож-тахт ва ворислик учун ўзаро яқдил бўлиб қурашмаётганликларидан изтироб чекади. Темурийлар салтанатини инқирозга олиб келган ана шу иллатларга қарши фикрларга «Бобурнома»да кўп дуч келамиз. Бобур бобоси Амир Темурнинг валиаҳдликни ўғли Шоҳрух ёки набираси Халил Султонга эмас, балки суюқли наби-





раси Мирзо Пирмухаммадга васият этгани кибру ғурури баланд шахзодаларнинг нозилигига сабаб бўлганини яхши биларди. Шу боис, у тўнғич ўғли Хумоюн Мирзога биродарлари Ҳиндол, Комрон, опа-сингиллари билан ҳамиша ҳамжихат бўлишни уктириб мактуб ва васият ёзиб қолдирганини биламиз. Бирок, афсуслар бўлсинки, ўша даврдаги темурийзодалар орасидаги тож-тахт учун кураш, бунинг заминида қондош, жондош ака-ука шахзодалар, жумладан, Бобур фарзандларини ҳам ахиллик билан иш қўришга имкон бермади.

Бобурнинг амир ва беклар билан муносабатида давлатни бошқариш, андишали сиёсат юргизиш истаги устунлигини кўрамиз. Унингча, давлат бошлиғи – шох ўз яқинлари, бек ва мулозимларига юксак инсоний муомалада бўлиши, турли сабаб ва гина-қудуратлар боисидан уларни ўзидан четлаштирмаслиги лозим. Агар шох майда низо, арзимас миш-мишларга эргашса, салтанатини тўғри бошқара олмайди, бу эса фақат рақибга қўл келади.

Бобур Шайбонийхон билан уруш олиб борган кезлари Фаррух аргун, Қора Булут, Зуннун аргун сингари беклари Қалот шахрини топшириб, унинг ҳарбий режасига қарши чиқадилар. Оқибатда улар Бобурнинг ҳақлигини англаб, таъзим бажо этиб «соғдоқ, қиличларини бўйинлариға осиб» келадилар. Аслида бундай гуноҳ шафқатсиз жазога лойиқ эди, бироқ Бобур «бу табақага музоҳим бўлмок менинг ғаразим эмас эди», дер экан, қаршисида Шайбонийхондек кучли душман турганда бекларини жазоласа, элнинг таъна-маломатиға қолишини билади. Унинг давлат бошқарувидаги бу сиёсати кўп жиҳатдан ибратлидир: «Қалотни Зуннун аргун Муқимга бериб эди. Муқимнинг навқарларидин Фаррух аргун ва Қора Булут Қалотта эдилар. Соғдоқ, қиличларини бўйинлариға осиб келдилар, гуноҳларини афв қилдик. Бу табақага музоҳим бўлмок менинг ғаразим эмас эди, не жиҳаттинким, ўзбакдек ғаним ёнимизда туруб экин, орада мундоқлар бўлса, йироктин-ёвуқтин эшитган-кўрганлар не дегайлар?».

Бобур – саховатпеша подшоҳ. Заҳириддин Бобурнинг давлатчилик ишларида кўпчиликнинг диққатини тортган масала – унинг саховатмандлиги ва химматпешалигидир.

Бобурнинг одам зотига мурувват ва шафқати кўлами шунчалик кенги, унинг сарҳадини белгилаш амри маҳол. Айниқса унинг ота сифатида ўз фарзандлари, фарзанд сифатида ота-онаси, сарқарда сифатида ўз лашқари, беклари, оддий фуқароси, хатто шох сифатида ўз душманларига кўрсатган муруввати бу бағри кенг инсоннинг юксак одамийлигидан далолат беради.

Бобурнинг Самарқандни эгаллашга бўлган дастлабки юришлари пайти. У 15 ёшида бу шахри азимни эгаллар экан, ғалабадан кейин қўл остидагиларга инъомлар беради, вазифа рутбаларини кўтаради, хуллас ўзининг атрофида куч йиғади, уларнинг ишончига киришга ҳаракат қилади. Ана шулар орасида андижонлик бек Аҳмад Танбал ҳам бўлган. Бобур бу рақибининг ноқаслигини билса-да, «ёмонга яхшилик билан бор» мақолига амал қилиб, Танбалга қилич ҳадя этади. Не ҳасратки, вақти келиб муҳорабаларнинг бирида айнан шу қилич билан Аҳмад Танбал Бобурнинг бошига зарба туширади. Ёш, ўспирин шахзода Заҳириддин Бобур кейинроқ бу хатосини афсус билан тилга олади, бундан кейин ҳаммага ҳам меҳр кўрсатиш, унинг ёнига киришни одат қилмасликка ҳаракат қилади. Аммо, унинг қонида бўлган инсонларга ёрдам қўлини тутиш фазилати умрининг охиригача бардавом қолган. Бунга мисол-





лар бисёр. Бобурга бир эмас ўн бир марта хиёнат қилган беки Боки Чағониёнийни кечиради. Катта энаси Шохбегимнинг Бобурга қарши Кобулда исён кўтарганида унга зуғум қилмайди.

Саройидаги мунажжим Муҳаммад Шариф элни ваҳимага солиб, ҳозир Бобурнинг жангга киришини сайёралар жойлашуви маъкул кўрмаяпти, деб даъво қилади. Бобур аламини ичига ютиб, урушга отланади, бу жангни ютиб келиб ҳам мунажжимга танбех берибгина қолмай, аксинча, етарлича бойлик бериб, саройидан рухсат бергани ва бошқа яна кўплаб мисолларда унинг кишиларга нисбатан меҳр дунёсининг нақадар кенглиги, ҳиммати баландлигидан далолатдир. Ана шу мисолларнинг айримларини ихчам таҳлил орқали кўриб чиқишни маъкул билдик.

Бобур Ҳиндистонни забт этиб, ўзининг душмани, рақиби Иброҳим Лўдий устидан зафар қучади. Унинг Ҳиндистондаги жанглардан қўлга киритган хазинасининг чеки бўлмаган. Буни у «Бобурнома»да жуда аниқ, кенг ёритган. Бобур мамлакат ҳукмдори бўлиб ўз яқинлари, тарафдорлари катори ҳатто душманларига ҳам жуда катта миқдорда инъомлар улашадики, бу ҳам ҳимматнинг бир намунаси дир.

Ана шундай катта миқдордаги инъомни Ҳиндистон султонини у томонидан мағлуб этилганда, унинг отасига лозим кўради. Бобур шу катори ўзига қарши курашган ҳинд рожалари, сарой ахлига ҳам ҳангу манг қилиб инъомлар берар экан «аларнинг муддаосидек иноят ва шафқат қилиб, жамиъ жиҳотларини ўзларига-ўқ маоф тутгук» дейди. Бобурнинг сўзларига эътибор беринг! Ҳатто душманининг муддаоларини инобатга олиб, барча шароитни ўрганиб, мулкларини бошқаришни ўзларига қолдирган: «Иброҳимнинг отасига етти лаклик (етти юз минглик – Ҳ.Қ.) паргана нақд иноят бўлди. Беклариға ҳам ҳар қайсиға парганалар берилди. Иброҳимнинг отасини байрилари билан чиқариб, Аградан бир курух сув қуйи юрт берилди».

Бобур Иброҳим Лўдий устидан галаба қилар экан, унинг ўлиги жанг майдонида ётгани хабарини етказишганда галаба ифтихори катори рухан кийналади, рақибини барча эҳтиромлар билан дафн этишни буюради. Унинг отасига юқоридагидек катта туҳфалар бергани катори, онасига ҳам катта меҳрибонлик ва гамхўрлик кўрсатади. Унга ўз саройидан катта жой ажратади, ҳисобсиз маблағ, хизматкорлар тайинлайди. Бирок, Бобурнинг бу мурувватига аёл тесқари иш кўради. Фарзанди вафотини унутмаган она Бобурнинг таомига заҳар солишни буюради ва бу Бобурнинг кейинги жиддий ҳасталигига сабаб бўлади.

Ҳар қанча меҳр кўрсатмасин, Бобур мурувватини писанд қилмаган, унинг қўшинлари сафида туриб ҳам унга хиёнатларни раво кўрган Боки Чағониёнийдир. Бобур бу бекига кўп кўмақлар беради, ёмон йўлдан қайтишини, ахлоқи покликка интилишини таъкидлайди. Аммо Боки Чағониёнийдаги очкўзлик, шафқатсизлик, мол-мулкка ўчлик Бобурнинг барча интилишларини барбод беради: «... Бовужудким, мени подшоҳ кўтариб эди нокорасини ўзининг эшигида қолдурур эди. Ҳеч ким била соф эмас эди. Кобулнинг ҳосиликим, бор тамғадиндур, тамғани олиб ва Кобулнинг доругали ва Панжшер ва Кадий Ҳазора ва Қўшқак ва эшик ихтиёри тамом анда эди...»

Ҳиндистонни тасарруфига киритган Бобур ҳинд рожаси Ғозихонга кўп мурувват кўрсатади, уни юқори маош билан таъминлаб, катта ер, имкониятлар билан тақдирлайди. Бунинг эвазига Ғозихон икки кўлига икки қилич олиб, тўшига яна икки қилич осиб Бобурга қарши курашга қиради. Бобур уни мағлуб этар экан, ўз ҳузурига қақиради ва суҳбат қилади. Ушбу суҳбатда ҳам юқоридагидек ўз қариндошларига




килган меҳр ва шафқатини намоён қилади. Сухбат мазмунидан биз раҳмдил Бобурга ачинамиз, унинг инсонийлиги хусусияти хамиша ҳам кўнгилдагидек натижа бермагани, одам табиати гоҳида шафқатни қабул қилмаслигини кўрамиз: «Илгари ўлтурғузуб, бир хиндустоний билур кишига буюрдимким, бу сўзларни бирор-бирор анга хотирнишон қила айтқил, мундок дегилким, мен сени ота дедим, таъзим ва эҳтиромимингни ул тарикким, сенинг хотиринг тилар эди, андин яхшироқ қилдим. Ўзунгни ва ўғлонларингни, балужларнинг дарбадарликларидин кутқордим. Хайлхоналарингизни ва харамларингизни Иброҳимнинг бандихоналаридин халос қилдим. Уч карур Татархоннинг вилоятини санга иноят қилдим. Сенинг ҳаққингда ёмон бордуммиким, тўшунг била белингга икки қилич боғлаб, черик тортиб, бизнинг вилоятларнинг устига келиб, мундок шўр ва фитна солубсен».

Бобурнинг фарзанди Ҳумоюн Мирзонинг тўсатдан қаттиқ касал бўлгани, Бобурнинг унинг атрофида парвона бўлиб, дардини ўзига олишни Аллоҳдан истагани ҳақида олимларимиз томонидан кўплаб фикрлар билдирилган. Бу «Бобурнома»да ҳам кенг берилган. Биз ота, шоҳ, юксак инсон Бобур томонидан кўрсатилган бу чексиз меҳрини унинг набираси, Ҳумоюннинг кизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асаридан бир парча келтириш билан яқунламоқчимиз. Бунда нафақат Бобурнинг муруввати, балки ундан неварасига ўтган меҳр-шафқатни кузатамиз. Ана шу матн замирида Бобур гарчи давр ҳукмдори, подшоҳ бўлса ҳам, хотинларининг ўзаро низолари, онлавий муаммолари замирида қолганлигини ҳам кўрамиз. У ҳатто ана шу масалада ҳам тўғри йўл топа олган, ўзининг тўнғич ўғли Ҳумоюнга тириклигидаёқ салтанатни топшириб, Шарқ давлатчилигида мисли кўрилмаган, ўзига хос ибрат дарсини берган. Бобур барча фарзандлари орасида Ҳумоюнга кўпроқ эътибор қаратган, уни беҳисоб бойликлар билан сийлаган. Шунга қарамадан Ҳумоюннинг онаси ўз шаханшоҳига ўринсиз танбех берган. Бобур эса жуда усталик билан аниқ жавоб бериб, барчага маъқул ҳукм чиқарган: «Ҳазрат – (яъни Бобур – Ҳ.Қ.) келиб касални (Ҳумоюнни – Ҳ.Қ.) кўришлари биланоқ нуроний чехралари кулфат ва хафаликка кўмилди ва борган сари қаттиқ хафаланар эдилар. Шу вақтда онам ҳазратлари сиз менинг фарзандимдан бепарвосиз, чунки подшоҳсиз, нима ғамингиз бор, сизнинг бошқа фарзандингиз ҳам бор, мен ғамдаманки, битга, яккаю ягона фарзандим бор дедилар. Подшоҳ жавобан гарчи менинг бошқа фарзандларим бор бўлса-да, лекин уларнинг ҳеч бирини сенинг Ҳумоюнингдек яхши кўрмайман, шунинг учун ҳам бутун бор давлатимни, салтанатимни жаҳонда ягона, нодири замон сеvimли, бахтли ўғлим – Ҳумоюнга бағишламоқчиман, бошқаларга эмас, дедилар».

Бобурнинг меҳр ва муруввати хусусида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу инсоннинг меҳр-шафқати, одамийлиги фақатгина ҳар бир кишига берган инъом ва мурувватида кўринмайди. Бобур томонидан Мовароуннаҳр, Хуросон, айниқса, Ҳиндистонда қурилган беҳисоб бог-роғлар, иморатлар ва иншоотлар, мадраса, масжид, ҳаммом, саройлар ҳамон элга хизмат қилмоқда. Бу ҳам меҳр ва мурувватнинг ёрқин мисолидир. Зеро шафқат, меҳр, мурувват тушунчалари, энг аввало, инсонларнинг бахт-саодати, одам қалбида яхшилик билан ном қолдиришда белгиланади. Бу жиҳатда Бобур шахсияти қатта ибрат мактабидир.

Бобурнинг давлатчилик ва юксак ҳарбий маҳорати Шарқ ва Ғарб олимлари, тарихчилари томонидан тан олинган. Бу борада тарихчи Паве де Куртейлнинг қарашлари фикримизга далилдир: «Ҳар қандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни





Ўзида мужассамлаштирган бу зот ҳарбий хийла ва жасоратни уйғунлаштира олар, зарур бўлганда жазолашга ҳам ва афв этишга ҳам қодир эди: у истеъдодли ҳарбий арбоб ва ишнинг кўзини биладиган, кўшинларни маҳорат билан бошқара оладиган, уларнинг ишончини қозона олган саркарда эди».

Захириддин Бобур давлат бошқарувида аёл шахсиятига юксак эътибор билан қараган. Унинг аёллар кадр-қимматини жойига қўйиш, иззатларини бажо келтириш, зарур бўлганда Қутлуғ Нигорхоним, Эсан Давлатбегим, Хонзодабегим ва бошқа аёллар билан давлат ишлари муаммоларига оид масалаларни бамаслаҳат адо этган, уларнинг фикрини инобатга олган. Бобурнинг кизи Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асаридида ёзишича, Бобур Аграда давлат ишлари билан банд бўлган пайтда Хуросондан хотини – Ҳумоюннинг онаси Хўб Нигорхоним ташриф буюргани ва у аллақачон саройга яқинлашиб қолганлиги хабари Бобурга етказилади. Шунда Бобур барча юмушларини қолдириб, хотини томон от югуртиради. У аёли келаётган қарвонни кўриб, отидан тушиб, хотини томон ошиқади, уни отидан тушириб, ўз отига миндиради ва от жилловини олиб, ўзи яёв, саройгача етаклаб келади. Подшоҳнинг бу ҳаракати сарой аҳлининг айримларига ёқмайди ва уларнинг эътирозларига сабаб бўлади. Шу мисолнинг ўзи ҳам Бобур ўз даврдан анча илгарилаб кетганлиги, оилавий муносабатда самимият устун бўлишини билдирганки, бу ҳозир ҳам ёшларимизга ибрат дарсидир.

Бобурнинг дипломатик маҳоратига бир назар. Бобурнинг давлатчилик ишларидаги энг кўзга кўринган ютуғи унинг юксак дипломатик қобилиятга эга бўлиши ва бу қобилияти умрининг охиригача юқори даражада ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ. «Бобурнома»да муаллиф алоҳида, ёки атайлаб ўша даврдаги дипломатик тартиб-қоидалар ҳақида фикр билдирмаган. Мазкур асарни қайта-қайта мутолаа этганимиз бизга ушбу масалани бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ичидан, турли йилларда содир бўлган воқеаларнинг мантикий бирлигига асосланган ҳолда ўрганганимиз натижаси, Бобур шахсияти ва давлатчилигига оид муҳим ҳулоса сифатида қараш имконини беради.

«Бобурнома»да муаллиф хали ёш пайтидан бошлаб саройдаги аъёнларнинг ўзаро муомалалари-ю, музокара ва дипломатик учрашувларини ўрганишга киришган ва салтанатни бошқаруви даврида йўл қўйган ҳатоларини дарров тан олиб, очик баён этишга, тузатишга ҳаракат қилган. Бобур барча қўл остидаги шахслар, рақиб ва душманларининг ҳар бир ҳаракатида дипломатик назоратни қўзғатди, баҳолади. Узининг жамият, салтанатдаги мавқеини айнан теурийлар дипломатик қоида-қонунлари заминида, ўз салтанатидаги янги тартиб ва қоидалар билан тўлдириб борди. Унга ҳамма амал қилишини талаб қилди ва ўзи ҳам бу тартибга риоя этди.

Бобур 1528 йили «шанба кун, рабиулаввал ойининг йигирма тўққизида ўғли Аскаррийга мурассаъ камар ханжар била подшоҳона хилъат кийдуриб, алам ва туғ ва нақора ва тавила тупчоқ ва ўн фил ва қатор тева ва қатор ҳачир, подшоҳона асбоб ва олот инъом» бериб девон бошида ўтиришини расман эълон қилиб тўй беради.

Мазкур тўйда турли султонликлар, теурий шахзолалар ва Бобурнинг ўз каламрави қатори Ҳинд рожалари, бир қатор султонликлардан элчилар ва меҳмонлар ташриф буюради. Ушбу тўй тантанасининг мавзумиз учун муҳим томони – ундаги дипломатик протокол доирасида тўй иштирокчиларини жойлаштириш масаласидир. Бу манзара тасвирида ҳар бир иштирокчининг вазифаси, мартаба, иззат-иқром даражаси, давлатчилигидаги ўрни, ёши инобатга олинган.





Биз юкорида Бобурнинг Хожа Аҳроп Валийга бўлган муносабати хакида фикримизни баён этиб, бу шахснинг ўша давр сиёсий, иқтисодий ҳаётида тутган ўрни борасида батафсил фикр юритган эдик. Бу тўйга Хожа Аҳрори валий авлодлари, акраболарини ҳам ташриф этганлиги ва уларнинг энг мўътабар меҳмонлар каторида жой олгани Бобурнинг уларга бўлган юксак эътиқоди умрининг охириги дамларигача сусаймаганидан дарак беради.

Мазкур тантанадаги чора-тадбир, меҳмонларга иззат-икром кўрсатиш орқали ҳам Бобур ўз тарафдорларини ўзидан узоклаштирмаслик, улар эътиборини қозониш ва Ҳиндистонда янада мустаҳкам салтанатни барқарорлаштиришга интиланган. Ҳиндистон нотаниш табиати, ўрганилмаган ноқулай иқлимида руҳан мададкор бўлган, Бобур учун устозлик мақомидаги «беш-олти қариялар»нинг номлари зикр этилганлигини Бобурнинг дипломатик қарашларига ҳам дахлдор билиб ҳамда бунинг тарих, этнография фанлари учун муҳимлигини инобатга олиб қуйидаги матнни келтиришни лозим кўрдик:

«Шанба куни, ойнанинг олтисиди тўй бўлди. Қизилбош ва ўзбек ва ҳиндуларнинг элчилари бу тўйда бор эдилар. Қизилбош элчиларни ўнг қўлда, етмиш-сексон қари йироқроқ шомиёна барпой қилиб, ўлтурғузудди. Фармон бўлдики, беклардин Юнус Али қизилбошлар била ўлтурғай. Сўл қўлда ҳам ушбу дастур билан ўзбек элчилари ўлтуруб, беклардин Абдуллоҳга фармон бўлдики, булар била ўлтурғай. Мен янги солғон мусамман хаспўш толорнинг шимолий зилъида ўлтурдум, ўнг қўлимда беш-олти қари – Тўхта Бўға султон, ва Аскарӣ ва Ҳазрати Хожанинг авлоди Хожа Абдушшаҳид ва Хожа Калон ва Хожа Хусайний ва Халифа ва яна Самарқандтин келган хожаларнинг тавобии ҳофиз ва муллолар ўлтурдилар. Сўл қўлумда беш-олти қари – Муҳаммад Замон Мирзо ва Тонготмиш Султон ва Саййид Рафеъ ва Саййид Румий ва Шайх Абулфатх ва Шайх Жамолий ва Шайх Шихобиддин араб ва Саййид Дақикий ўлтурдилар».

Ушбу манзарадан тасаввур этиш мумкинки, подшоҳ Бобурнинг ўнг қўлида унга анчагина яқин бўлган султонликлар – қизилбошларнинг элчилари, вакиллари жой олган, чап томонида эса муҳолифи Шайбонийхонга тегишли ўзбек элчиларини жойлаштирган. Шу жиҳатлар ҳам Бобурнинг сиёсати ва шу орқали дипломатик муносабатини ўзида акс эттирган. Бошқа таниқли ва унчалик машҳур бўлмаган шахсларнинг тантанадаги жойлашуви ҳам маълум даражада дипломатик протокол ва тартибга риоя этилган ҳолда амалга оширилганини кўрсатади.

Бобур дипломатиясининг юксак намунаси сифатида «юкуниш» сиёсати алоҳида ўрин эгаллаган. Умуман теурийлар саройида сарой аҳли, бек ва зодагонларнинг бир-бирлари билан учрашувариди кимнинг неча марта, қай тарзда, қайси ҳолатда иккинчи томонга қараб юкуниши унинг мансаби, вазифа даражаси, ғолиб ёки мағлублиги билан белгиланган. «Бобурнома»да бу мавзу жуда жонли мисоллар, турли макон ва замонда бор моҳияти билан келтирилганки, бу, энг аввало, Бобурнинг юксак дипломат бўлиб этилганлиги, юкуниш орқали ўз сиёсати даражасини белгиланганлигини ҳам кўраимиз.

Бобур Амир Темур салтанатини яна қайта тиклаш мақсади борлиги сабабли, кўп сонли, яъни 20–30 минг лашқарга эга бўлган Хусравшоҳга ҳамиша хавас билан қарар эди. Шароит тақозосида нисбатан жуда оз лашқари билан шундай кучли саркардани енгади.





Бобур ўзидан енгилган ана шу «забун ва ожиз» саркарда билан учрашган чоғини «юкуниш» сўзи билан тўлиқроқ ифодалаган кўринади. Бунда Хусравшоҳнинг неча марта юкунгани орқали унинг ўта ночор, ҳимоясиз, жон асраш илинжидаги асир экани акс эттирилган. Ана шу учрашувда биз таъкидлаган сарой дипломатиясининг ўта нозик чизгилари бор. Бу ҳолатни муаллиф ўзига хос атамалар, сўз-иборалар билан баён этади. Хусравшоҳ «коида ва дастур» била келди.

Одатда шахзодалар, темурий саркардалар, бир-бирлари билан бир юкуниб (таъзим этиб) ёки уч юкуниб кўришишган. Ҳар бир юкуниш маълум бир муносабат мазмунини белгилаган. Хусравшоҳ эса «кўрушурда уч катла юкуниб, ёнғонда ҳам (орқага тисарилиб ҳам – Х.Қ.) уч катла, сўрғонда ва тортуқ тортконда бирор юкунди», деб ёзади Бобур. Бунда муаллиф Хусравшоҳнинг ҳар бир юкунишини унинг устидан қилган бир ғалабаси рамзи сифатида келтирмоқда. У Хусравшоҳнинг забунлигини неча марта эгилгани билан белгилайди.

Темурийлар салтанатида тиз чўкишнинг бир неча даражаси бўлган. Бу киши коматининг оёкка караб даражама-даража эгилишига боғлиқ. Бошни ирғаб, қуйи тушириб, қўлни кўксига қўйиб, ярим эгилиб ёки тиззасини ерга қўйиб, бошини ҳукмдор оёғи томон ергача етказиб эгилиш каби ҳаракатларнинг ҳар бири, таъкидлаганимиздек, тарафларнинг ўзаро муносабатидан белги берган. Хусравшоҳ «йигирма беш, йигирма олти катла паё-пай юкунди ва борди ва келди» дейди, Бобур. Бу сўзларда ғолиб Бобурнинг мағлуб душманидан сўзсиз устунлиги мужассам.


Бобур дипломатиясида рақиб томонни мағлуб этишдан кўра, у билан сулҳ тузиш, хайрхоҳлиги таҳсинга лойиқдир. Афғонистон ва Ҳиндистондаги давлат бошқарувида бағрикенглик, ўзга халқлар дини урф-одатини эҳтиром этиш, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, юксак саховат орқали дипломатик муносабатларни яхшилашни ҳам устувор билган. У шунингдек, бунёдкорлик ишлари орқали ҳам муайян дипломатик мактаб ярата олгани айниқса ибратлидир. Шу катори, Бобур дипломатиясида ўша даврдаги мулк бўлиш сиёсати, бўйин эгмаган юрт бошлиқлари ва элига шунга муносиб чоралар кўриш, музокаралар иш бермаганда куч ишлатиш сиёсати ҳам олиб борилганки, бу ҳам Бобур давлатчилиги сиёсати, дипломатиясининг бир киррасидир.

Бобур – адабиётшунос. Заҳириддин Бобур юксак давлат арбоби, шох бўлганлиги катори стук мунаққид, Алишер Навоийдан кейин мумтоз адабиётимизда адабиёт вазифаси ва адиб ахлоқи, сўз санъатининг кадри ҳақида объектив, холисона баҳо берган мунаққиддир. Агар биз адабиётшунослигимиз тарихида Бобурнинг Навоий ижодининг биринчи мунаққиди эканлиги, унинг асарларини биринчилардан бўлиб мутолаа этиб юксак баҳолаганини инобатга олсак, у кўз ўнгимизда янада улуғвор сиймога айланади.

Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари биринчи навбатда, унинг адабиётга бўлган муносабати орқали намоён бўлади. Зеро, у даврининг стук шоири, носири бўлишидан ташқари ўзбек классик адабиётида Алишер Навоийдан кейин адабиёт ривожига, унинг ижтимоий вазифаларини белгилашда, адабиётни имкони борича халққа хизмат қилдиришга, уни ҳар қандай тумтароклик, қолипдан холи тутишга, адабиёт боғига кириб келаётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатишга муносиб ҳисса қўшди.

Бобур адабий-эстетик қарашларини ўрганиш жараёнида унинг адабий танқид, адабиётнинг ҳаётдаги ўрни, адабий жанрларга бўлган муносабати, мусиқа ва адабиёт





бирлиги ва ўзаро алоқаси масалалари ва портрет яратиш маҳорати ҳар доим адабиёт-шунослар диққатини ўзига қаратиб келди.

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларидаги адабий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўша даврдаги адиблар ижодига танкидий ёндашишдир. Мумтоз адабиётшунослик бу даврда турли йўллар билан ривожланиб, ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Бу, энг аввало, танкиднинг ранг-баранг адабий жанрлар воситасида ифода этилиши билан диққатни тортади. Айниқса, буни биз Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида, Захириддин Бобурнинг «Аруз рисола»сида, насрий асари «Бобурнома»да, Атоуллоҳ Хусайнийнинг «Бадойиъ ус-саноиъ» асарида, Хусайн Воиз Кошифийнинг «Бадое ул-афкор фи саное ул-ашъор» номли назарий асарида кўпроқ кўрамыз. Шулар қатори, эпик дostonларнинг кириш ва хотима қисмларида, насрий асарларнинг матнида, иншо, муншаотларнинг ёзилиш қодалари ҳақидаги назарий ишларда ҳам танкидга оид фикрларни учратиш мумкин. Ана шундай катта адабий жараёнда муносиб фикр билдириш, ҳеч кимдан ҳадиксирамайдиган шох Бобур учун, албатта, юксак масъулият ва фавқулодда истеъдод талаб қилинади. Бемалол айтиш мумкинки, Бобур бу вазифани юксак даражада бажарди ва ўзидан шуҳрат тўла хотира қолдирди.

Бобурнинг ҳаётни реаллигича тасвирлаб бериш, унинг нозиклигига эътибор қаратиши, атрофидаги шахсларнинг психологияси, ички ва ташқи кифасини санъаткорларча тасвирлаши кўпроқ киши диққатини ўзига тортади. Бу фақат ёзувчининг бадиий маҳорати, ҳаётий тасвирлари бўлмасдан, унинг дунёқараши, ҳаётга бўлган чуқур фалсафий муносабатидир.

Адибнинг «Бобурнома» асари, энг аввало, ҳаётий тасвирлар, кишини лол қолдирадиган табиат ҳодисалари ва ундаги ҳайвонот олами, набототдаги мўъжизалар хусусиятларини ўзида акс эттиргани билан турли мамлакат олимлари диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Энг муҳими шундаки, бу манзараларнинг ҳар бири ўз оригиналлиги, жонлилиги, ўша давр нафасини бизгача етказиши билан диққатни тортади.

«Бобурнома»да муаллиф ўзининг Андижондан Ҳиндистонгача босиб ўтган йўлини тасвирлар экан, қайси шаҳар, турар жойга етмасин, аввало, унинг архитектурасига, кўрғон, боғ, гулзор, наботот олами, шу жойнинг жонли табиатига алоҳида эътибор беради. Бобур тасвирлаган кўрғон, объектларнинг ҳар бири ўзига хос, бири-бирини такрорламасдан, мафтункор, жозибали сўз, ибора ва жумлалар орқали бизга ҳаётийлик тасвирни чизиб беради. Зеро, муаллиф диққатини, аввало, мўъжизакор табиатнинг ўзига хос хусусияти, ўша жойга мос, расм бўлган архитектура-қурилиш услуби тортади. Буларнинг ҳаммасини Бобур шунчаки тасвирламайди, балки иморат, ер, ўсимлик олами, иқлим, архитектураи диалектик бирликда кўради. Натижада, моҳир адибнинг бадиий юксак, реал тасвирлар тўла сатрлари майдонга келади. Бу борада Бобурнинг Афғонистоннинг Нингнаҳори (Ҳозирги Жалолобод вилояти)даги боғ тасвирини олиб кўрайлик: «Ери муртафиъ, оқар суйи мутассил, ҳавоси кишлар муътадил, боғнинг ўртасида бир кичирак пушта воқеъ бўлубтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидаги пуштанинг густидин хамиша жорийдур. Боғ ўртасидаги чорчаман бу пуштанинг устида воқеъ бўлубтур. Боғнинг ғарби-жанубий тарафида дахи дар дах ҳавзедур, агрофи тамом норунж дарахтларидур, анор





дарахтлари ҳам бор. Бу ҳавзнинг гирдо-гирди тамом себаргазордур. Бу боғнинг айнни ери ушбудур. Норунжлар саргарғон маҳалда бисёр яхши кўрунур, хейли яхши боғ вокеъ бўлубтур».

Кўриниб турибдики, боғнинг ҳеч бир элементи Бобур диккатидан четда қолмаган. Бунинг устига оқаётган сувнинг ҳажми («бир тегирмон суйи»), ҳовузнинг катта-кичклиги («даҳи дар даҳ») аниқ берилган. Ҳовуз атрофидаги норунж, анор дарахтлари бу боғнинг ҳуснига ҳусн қўшганлиги алоҳида кўрсатилган. Бундай мисолларни «Бобурнома»дан ўнлаб келтириш мумкин.

Бобурнинг насрий асарлари қатори унинг ғазаллари, рубоий ва маснавийларида мумтоз адабиётимизда бу жанрларда ижод қилган бошқа адибларимиздан фарқ қилган ҳолда реал ҳаёт тасвирларини кўрамиз. Унда ҳаёт завқидан баҳраманд бўлиш, дунё ташвишларидан ўксиниб унинг гўзаллигини пайкамай қолмасдан бориға шукроналикни бажо келтириш, дунё ўткинчилигини унутмасдан, умрни мазмунли ўтказиш ҳақида кўп фикр билдирган. У ҳаётга бўлган юксак муҳаббат орқали одаму оламдан яхшилик излаган, гўзалликка меҳр қўйиб яшаган.

Қуйидаги сатрларда буюк Бобурнинг адабий-эстетик нигоҳи, ҳаётини шеърятсиз тасаввур қила олмаслиги, май лаззати, ҳаёт ишрати ва ёз гўзаллиги қатори шеър баҳси ҳам шоир Бобурнинг умр завқи, мазмуни ва қувончи эканлигининг тараннум этганлигини кўрамиз:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати, Шеър баҳси, ишк дарди, боданинг кайфияти. Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър, То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати. Гар бу уч ишни мувофик топсанг ул уч вақт ила, Мундин ортик бўлмағай, Бобур жаҳоннинг ишрати. Бобур бутун умри давомида нимани қўзлаган бўлса асосан унга эришди. Энг муҳими, бобоси Амир Темур салтанатини яна яхлитликка олиб келди, бошқарди. Унинг яратган «Бобурнома»сидан тортиб шеърый девонлари, илмий, диний, ахлокий асарлари армонларининг изҳори, муродига етганлигининг шукронаси. Мана бу рубоий-фаҳрияда ўз ижодидан завқ олиш, умр мазмунида шеърдек мусаффолик жой олиб, мухлислари дардига даво бўлишининг изҳори – Бобурнинг ижод фаҳриясидир:

Ашборингким шеър оти то бўлғай, Таъб аҳли анга волау шайдо бўлғай, Ҳар лафзи дурру баҳри маъони анда, Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай? Бобур бир умр ана шу муроди-эзгулик, яратувчанлик даргоҳининг, илоҳий қарам меҳмонхонасининг кайвониси бўлди. Албатта, унинг ушалмаган армонлари ҳам қолди, ҳар бир шахс ҳам барча муродларига етиши амри маҳол. У ўз муродига етиш учун тинмай курашган, ўз оромини енгиб шиддат билан ишлаган, ижод этган, жангу-жадалларда ғолиб келган:

Кўнгли тилаган муродга етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмасе оламда,
Бошини олиб бир сорига кетсе киши.

Заҳириддин Бобур бир умр асл Ватани – Мовароуннаҳрда салтанат бошқаришни, уни обод ва кўркем кўришни орзу қилиб яшади, аммо бу ният унга аччиқ армон бўлиб қолди. «Бизнинг эҳтимомимиз ул сарилар (яъни Мовароуннаҳрга – Ҳ.Қ.) бормокка





беҳад ва беғоятгур. Ҳиндустон ишлари ҳам бир навъ сомон топиб келадур. Тенгри таолодин умид андоқдурким, бу оранинг иши Тенгри таоло бот саранжом топқай. Бу иш забтидан сўнг бетаваққуф. Тенгри эткурса, мутаважжух бўлғумдур. Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай». Бобур ўз юртига қайтишни илинж билан орзу қилган. Бўлмаса, бир жумлада Тенгри номини уч марта тилга олиб, илтижо килармиди?!

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ.
филология фанлари доктори,
профессор

МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОЗИ (XV а. – 1516)

Мавлоно Муҳаммад Қози ибн Бурхониддин Мискиний Самарқандий нақшбандия тарикати тараккиётига муносиб хисса қўшган таникли олим, факих ва эътиқодли сўфийлардан бири бўлган. У XV асрда Самарқанд шаҳрида маърифатли фозил инсон Бурхониддин Самарқандий (тахаллуси – Мискиний) оиласида дунёга келган. Туғилган йили манбаларда аниқ кўрсатилмаган. Муҳаммаднинг отаси Бурхониддин Мискиний Самарқандий машҳур Имодиддин козига яқинлиги сабабли унинг ўғлини Муҳаммад Қози деб аташган дейилади манбаларда¹. Мавлоно Муҳаммад Қози «Силсилат ул-орифийн» ва «Тазкират ус-сиддикийн» асарларининг муаллифи. Бу китобларнинг ёзилган вақти тарихи хижрий 885 деб берилган, бу сана мелодий 1480 йилга тўғри келади. Олим нақшбандия тариқатининг йирик пиру-муршидларидан бири Хожа Убайдуллоҳ Насриддин Аҳрор Валийга қўл бериб муридлик қилганлар. Олим юкорида зикр этилган китобларни ўз устози, ири Хожа Аҳрор Валийнинг маслаҳати ва розилиги билан ёзган Шундан сўнг, Мавлоно Тошкентга бориб, Шайх Зайниддин Кўхи Орифон мадрасасида дарс беради. Қабри ҳам Самарқанддаги Хожа Аҳрор Валий қабрининг ёнида. Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашиди» китобида Мавлоно Муҳаммад Қози 922/1516 йил Тошкентда вафот этган дейилади. Бу пайтда Муҳаммад Қози 60 дан ошган, лекин 70 га етмаган эди, дейилади мазкур манбада. Балки унинг ҳоқини шогирдлари Самарқандга олиб бориб дафн этишган бўлиши мумкин.

У ўз устози Хожа Аҳрор Валийнинг розилиги билан устозининг тариқат йўлидаги фаолияти, силсиласи, мақомати ва қароматлари ҳақида юкорида қайд қилинган «Силсилат ул-орифийн» номли машҳур рисолаи ёзган. У 1510 йилгача Бухорода яшаган. Бу даврда Бухорода Шоҳибек хон номидан Маҳмуд Султон ҳукмронлик қилар эди. Шу даврда Бухорога қизилбошлар келиб Бухоро тахтини эгаллагач, Мавлоно Муҳаммад Қози Андижонга ва Ахсига йўл олади. У ҳамма жойда ақл-идроқи, юксак диди, нозик фаросати ва билимдонлиги туфайли ҳукмдорлар эътиборига тушар, ҳамма унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга интилар эди.

Мавлоно 12 йил садокат билан (1480 йилдан то Хожа Аҳрорнинг вафотигача 1492 й.) Хожа Аҳрор Валийнинг хизматида бўлган. Дастлаб, Муҳаммад Қози дарवेशлик илмини эгаллаш ниятида Хуросонга отланади, аммо Хожа Аҳрор Валий билан

¹ *Мирза Муҳаммад Ҳайдар*. Тарихи Рашиди. Отв.ред. д.ист.н. А. Урунбаев. Т.: Фан, 1996. С. 284.





учрашув унинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборади. Унинг ҳикоя қилишича, Муҳаммад Қози кўпгина илмларнинг замирига етгач, кейинги умрини тасаввуф илмига багишлашга аҳд қилиб, йирик сўфийлардан илм эгаллаш ниятида Хуросонга боришга шайланади. У Самарқанддан чиқиб кетаётиб, фалакнинг гардишини кўринг, бир жойда тақдир йўли уни авлиёлар авлиёси, сўфийлар пири Хожа Насриддин Убайдуллоҳ Аҳрор Валий билан учраштиради. Хожа Аҳрор Мавлонодан сўрайди: «Қай томон йўл олдингиз?», у деди: «Хуросонга», Хожа яна сўради: «Ўқиш ниятида-ми, ёки бошқа мақсаддами?» Бу саволга Мавлоно Муҳаммад Қози билан биргаликда бораётган шериги шундай жавоб қилади: «Мавлононинг кўпроқ дарвешлик сирларини ўрганишга мойиллиги бор». Шунда Хожа Насриддин улардан бир фурсат кутиб туришни илтимос қилади ва ўзи богнинг нариги четига йўл олади, бироз вақт ўтгач, кўлида иккита мактуб билан қайтиб келади ва бу мактубларни Мавлонога топширади. Бу хатлардан бири тавсиянома бўлиб, у Мавлоно Саъиддин Қашғарийга йўлланган эди, иккинчисида эса дарвешлик йўлига жазм қилганлар учун улуғ нақшбандия тарикати қоидалари битилган эди. Мавлоно Муҳаммад Қозига тақдим этилган бу хатнинг мазмуни қуйидагича (мазкур хатнинг мазмунини ҳозирги ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун эркин таржимада берамиз): «Ибодатнинг моҳияти шундаки, ибодат қилувчининг қалби Яратганнинг буюклигига нисбатан ишонч-эътиқод ва имон бахтини чин юракдан ҳис қилишида. Бундай бахт-саодатнинг вужудга келиши меҳр-муҳаббатдан, меҳр-муҳаббатнинг вужудга келиши эса Аллоҳнинг набийси Муҳаммад (с.а.в.)га садоқатдандир. Садоқат эса садоқатга эришиш йўлидаги билимларни эгаллашдан ҳосил бўлади, бунга эса диний билимларни эгаллашдан, диний билимларнинг билимдони бўлган олимлар билан мулоқотга киришмасдан эришиб бўлмайди. Аммо бу йўлда илмдан ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондириш ва амалини ошириш йўлида фойдаланувчи олимлардан эҳтиёт бўлиш лозим. Агар олийжаноб олимларни топа олмаган тақдирдагина бундай тоифадаги олимлар билан мулоқотда бўлиб, улардан фақат ўзингизга керакли билимни олиш билангина қи-фояланиш зарур. Шунингдек, ўйин тушиб, шовқин-сурон кўтариб, зикри жаҳрияни ҳаддидан оширувчи, ҳаммадан тиланиб, кўлига тушган нарсани қайтармайдиган, нафсини тия олмайдиган дарвешлардан ҳам сакланиш лозим. Мусулмонларни сунна йўлидан оғдиришга олиб борувчи, эътиқодига путур етказувчи маърифат ва тавҳид сабоқларини тинглашдан ҳам ўзини тийиш лозим. Фақат ҳақиқий илм нури билан қалбни ёритувчи фанларга интилинг. Ҳақиқат, Аллоҳнинг набийси Муҳаммад (с.а.в.) орқали йўлланган ваҳийларда экан, унга бўлган садоқатни асранг. Тамоми вассалом».

Бу суҳбатдан сўнг Мавлоно Муҳаммад Қози Хуросонга юришини давом эттирди. Унинг «Силсилат ул-орифийн» асаида қайд этилганидек, Хожа Аҳрорнинг шу қадар нозик ифода услубида айтган насиҳатларига қарамасдан унинг дилини Хуросонга бориш нияти тарк этмайди. Мавлоно ички бир қайсарлик билан Хуросонга қараб йўл олади. Аммо, бир жойга етганда шундай бир муаммоли вазиятга тушиб қоладики, ундан кутилиб, Хуросонга кетишнинг сира иложи қолмайди. Мавлоно Муҳаммад Қози ортига қайтишга мажбур бўлади. У орқага қайтиб келиб, ҳазрат эшоннинг хизматини қилишга аҳд қилади. Мавлоно Муҳаммад Қози Хожа Аҳрорнинг хонадонидан унинг ишларига ёрдамлашиб, биргаликда илм сирларини ҳам устоз-шоғирд мақомида эгаллашни давом эттиради. Мавлононинг одоб-ахлоқи, самимияти, зукко





акл-идроки тамоман Хожа Насриддинни ўзига ром қилади. Хожа Аҳрор Валий барча ишларда Муҳаммад Қозига таянадиган, у билан маслаҳатлашиб иш қиладиган, кўп масалаларда унинг фикрини инобатга оладиган бўлиб қолади. Устоз ва шогирднинг бу қадар бир-бирига яқинлашиб кетганлигидан атрофдагилари, улуғ мартабали олимлар, хатто Хожа Аҳрорнинг фарзандлари ҳам рашк қиладиган даражага боради. Устоз-шогирд, пир-мурид занжири туфайли Хожа Аҳрор Валийнинг кароматлари шогирдига ҳам юқади. Мавлоно Муҳаммад Қозининг маърузаларини тингловчилар зўр эътибор билан эшитишар, унинг ислом ақоидларига оид сермазмун фикрлари омманинг эътиборини тортади ва эл орасида унинг обрўси ошиб кетди. Эшоннинг тавсиялари билан Мавлоно бир қанча рисоаларни ёзди. Айникса, унинг солихлик одоби, муридлик одоби, ҳукмдорлар одоби ҳақидаги асарлари мусулмонлар орасида катта шухрат қозонди. Фахруддин Али Сафий «Рашаҳоту айнил-хаёт» асарида «Ҳазрати Мавлоно идроки маъофда ва латоифи сўфий йа қадда саллоху арвоҳаҳумда фаҳми баланд ва таъби аржумандлари бор эрди...»¹ деб таърифлайди.

Мавлоно Хожа Аҳрор Валийнинг вафотидан сўнг Тошкент, Андижон, Аҳси, Бухоро шаҳарларида ва Хуросонда бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. У ҳамма жойда имон-эътиқодига содик бўлиб, илмига-илм кўшиш, тарикатни такомиллаштириш, маърифатни эгаллаш илинжида астойдил тер тўқди.

Мавлоно Муҳаммад Қози нафақат шогирдлик, муридлик бобида, балки у устозлик, мураббийлик, муршидлик бобида ҳам тарихда қоларли иш қилган. Унинг шогирдлари ичида Ҳазрати Маҳдуми Аъзам хожагон-нақшбандия тарикатини том маънода дунёга ёйди.

Мавлоно Муҳаммад Қозининг устозлиги ҳақида Маҳдуми Аъзам ҳақидаги китобчадан парча келтирамиз: «Саййид Аҳмаддаги илмга бўлган чанқокликни кўрган устози унга кўпгина илм сирларини ўргатади ва шогирдидаги сўфийликка рағбат куртакларини сезгач, унга Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди Мавлоно Муҳаммад Қозидан дарс олишни маслаҳат беради. Шу даврда Мавлоно Муҳаммад Қози Тошкентдаги Шайх Зайниддин бобо макбараси ёнида жойлашган мадрасада мударрислик қилар эди. Маҳдуми Аъзам тоғаси билан биргаликда Тошкентга боради ва улар Кўкча масжидида намоз ўқишади. Намоздан чиққач, ёш Саййид Аҳмад рўпарасидан руҳан салобатли бир инсон келаётганлигини кўради ва унга одоб билан салом бериб, шундай дейди: «Устоз, мен сизни танидим, тушимда кўрган эдим». Бу инсон Мавлоно Муҳаммад Қози эди. Мавлоно ёш йигитчага жавобан, «Мен ҳам сизнинг келишингизни билар эдим, бўтам», деб жавоб беради. Шунда Саййид Аҳмаднинг тоғаси гапга қўшилиб, «Таксир, агар лозим топсангиз, менинг жиянимни шогирдликка қабул қилсангиз, «эти сизники, суяги бизники». Бу – жияним Саййид Аҳмад. У Аҳсилик Мавлоно Жалолиддиннинг ўғлидир», – деди. Шунда Мавлоно Муҳаммад Қози: «Маъкул, бўтам, мен Мавлоно Жалолиддин ҳақида кўп маърифатли инсон деб эшитганман. Уларнинг фарзандига илм ўргатиш биз учун шарафдир» – деди ва Аҳмадхўжанинг бошини силаб, «Бўтам, бор сен мадрасага кириб, тенгдошларинг билан танишиб олгин» – деб уни мадрасага йўллади. Шу тарика Маҳдуми Аъзам узок

¹ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-хаёт (Обихаёт томчилари). Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. 448-б.





йиллар Мавлоно Муҳаммад Қозининг таълимини олиб вояга етган. Махдуми Аъзам унвонини ҳам Саййид Аҳмадга шу устози берган»¹.

Мавлони Муҳаммад Қозининг асарлари ҳақида маълумот берайлик. Унинг шуҳратини оламга ёйган асарларидан бири «Силсилат ул-орифийн» («Ҳақиқатга эришганлар силсиласи») бўлиб, у учта қисмдан ташкил топган: биринчи қисмида шайхларнинг илм эгаллаш давридаги толиблик хулқ-атворлари ҳақида; иккинчи қисмида Ҳазрат Эшоннинг (Хожа Аҳрор Валийнинг) ҳаёт йўли, ҳақиқатга эришиш йўлидаги машаққатлари, мажлислардаги латиф сўзлари, кароматлари, мўъжизалари ва башоратлари ҳақида баён қилинган; учинчи қисмида эса айрим авлиё зотларнинг нутқлари ва кароматлари баён қилинган. Бу китоб барча сўфийларга бирдай қимматли китоб бўлиб, элликтача бўлимлардан ташкил топгандир.

Бундан ташқари, олимнинг бир канча рисоалари бўлиб, уларнинг кўпчилиги шоғирдлари томонидан берилган саволларга жавоблар тарзида ёзилгандир.

Бир рисоласи Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг берган саволларига жавоблар тарзида ёзилган экан. Бу рисоланинг қўлёзмаси тарихчига Мавлононинг вафотидан сўнг, унинг ўғли Мавлоно Қутбиддин Аҳмад томонидан эсдалик сифатида тортиқ қилинган. Мазкур китобчанинг айрим жойларидан намуна келтирайлик: «Қандай гуноҳлар бўлади?» деган саволга Мавлоно Муҳаммад Қози шундай жавоб беради (хатни замонавий тилда эркин баён қиламиз):

«Гуноҳлар борасида уламолар ўртасида кўпгина зиддиятлар ва чалкашликлар бор. Шунга қарамадан, биз сизга Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг жавобларини айтишни лозим топдик: 7 та оғир гуноҳлар бор: биринчиси – диндан қайтиш (Аллохнинг ўзи бундан асрасин); иккинчиси – асосиз одам ўлдириш; учинчиси – ҳалол инсонни ёмонлаш; тўртинчиси – етимнинг ҳақини ўзлаштириш; бешинчиси – судхўрлик билан шуғулланиш; олтинчи – динсизлар билан жангда бир мусулмоннинг икки динсиздан қочиши; еттинчи – ота-онасига итоатсизлик, гапига кирмаслик.

Айрим хурматли зотлар гуноҳларни бошқача санашади. Масалан, маккалик шайх Абу Толиб «Кувват ул-қулуб» («Қалбнинг кучи») номли китобида «оғир гуноҳлар ўн еттитадир (улардан сақланиш лозим), колганлари енгил гуноҳлар, уларни ювиш мумкин» деб ёзилгандир.

Гуноҳларнинг тўрттаси қалбга оид: 1-худосизлик; 2-худонинг марҳаматидан умид қилмаслик; 3-худонинг ғазабидан қўрқмаслик; 4-қайсарлик билан гуноҳ қилишни давом эттириш.

Гуноҳнинг 4 таси тилга оид: 1-ёлғон гувоҳлик; 2-ёлғон қасам, яъни ростни ёлғон деб, ёлғонни эса рост деб қасам ичиш; 3-ҳалол инсонни қоралаш; 4-жодугарлик билан шуғулланиш.

Гуноҳларнинг 2 таси қўлга оид: 1-ўғрилиқ; 2-ноҳак қон тўкиш.

Гуноҳларнинг 3 таси ошқозонга оид: 1-шароб ичиш; 2-етимнинг ҳақини еб қўйиш; 3-судхўрлик билан қорин тўйдириш.

Гуноҳларнинг яна 2 таси жинсий аъзоларга оид: 1-шахватпараслик; 2-бесоқолбозлик.

Гуноҳнинг 1 таси оёкга оид: агар бир мусулмон жангда иккита динсиздан қочса гуноҳдир.

¹ Қаранг: *Тўраев Б., Жабборов Н.* Махдуми Аъзам // Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Т.: Мавнавият. 2010. 367 – 368-б.





Яна бир гуноҳ бутун гавдага оид бўлиб, у ота-онанинг айтганини қилмаслик. Бу гуноҳлардан ҳар биримизни Худонинг ўзи асрасин. Бошқа гуноҳларни эса тавба-тазарру ва яхши амаллар билан ювиш мумкин».

Шунингдек, Мавлоно Муҳаммад Қозининг «Хукмдорларга 10 та насихат» рисо-ласи ҳам мавжуд бўлиб, бу асар замонавий ўзбек тилида нашр этилгандир. Мазкур рисолаларида инсоннинг имон-эътиқоди ва одоб-ахлоқи унинг ўзига, ўзини қандай англашига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Шунингдек, Мавлоно Муҳаммад Қози Н. Макиавеллидан илгари «Хукмдор бирор қонун ишлаб чиқишдан илгари ўзини шу қонунни ижро этувчининг ўрнига қўйиб кўрсин» – деган тамойилни илгари сурган.

Мавлоно Муҳаммад Қозининг тасаввуф назариясига оид ғоялари халигача ўз қийматини йўқотмаган.

Мавлоно Муҳаммад Қози ҳақидаги маълумотлар Фаҳруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» (Обихаёт томчилари). Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. 447–451; Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Таърих-и Рашиди» (Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Таърих-и Рашиди. (Пер. с персидского А. Уринбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Эпифановой). Т.: Фан, 1996. (кн. 2. гл. 16, 35, 57), В.Л. Вяткин. Шейхи Джуибари. Т., 1927; Ҳасанхожа Нисорий «Музаққир ахбоб». Т.: Халқ мероси, 1993; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Валий. С.: Зарафшон, 1993; К. Катгаев. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. С.: Сугдиён, 1994; С. Ғозиев. Мозийга назар. 16-аср мутафаккирларининг ижодий мероси. 1 китоб. Т.: Алишер Навоий номидаги ЎМҚН, 2009 ва бошқа китобларда берилган.

Мавлоно Муҳаммад Қозининг илмий-маънавий мероси ҳар тарафлама синчиклаб ўрганишга лойиқ бўлиб, бу мерос халқимизнинг ўтмишдаги кадрятлари ва анъаналарининг моҳиятини янада чуқурроқ англашимизга, нақшбандийлик тариқатининг инсонпарварлик ғояларини билиб олишимизга ёрдам беради. Бу меросни ўрганишимиз ва ёшларимизга ўргатишимиз бугунги кун талабидир.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ (1413–1482)

Абдураззоқ Самарқандий ҳижрий 816 йил 12-шаъбон (1413 йил 7 ноябрь) куни Ҳирот шаҳрида туғилган. Унинг тўлиқ исми Камолиддин Абдураззоқ, отасининг исми Жалолиддин Исҳоқ Самарқандийдир. Абдураззоқ Ҳиротда таваллуд топганлигига қарамай, «Самарқандий» деган нисба билан шуҳрат қозонганига сабаб – отаси Жалолиддин Исҳоқнинг асли самарқандлик бўлгани ва қолаверса, бўлғуси тарихнависнинг ўзи ҳам бир неча муддат Самарқандда яшаганлигидир.

Абдураззоқ Самарқандий дастлабки таълимни Ҳиротнинг ўзида олган. Кейинчалик, Ҳиротдаги теурийлар саройида қозилик ва имомлик лавозимида бўлган отаси ва ўз даврининг зиёлиларидан бўлган акалари Абдулғаффор, Абдулқаҳор, Абдулваҳҳоблар кўмагида тафсир, ҳадис, фикх, тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича





чукур маълумот эгаси бўлиб етишган. Атокли адиб Алишер Навоий «Мажолис унафоис» асарида Абдураззоқ Самарқандийнинг мазкур илмлар бўйича чукур билимга эга эканини куйидаги сўзлар билан тасдиқлайди:

«Мавлоно Абдураззоқ ... хушмуховара киши эрди ... зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди...»

Отасининг саройдаги тутган мавкеига кўра тахмин қилиш мумкинки, Абдураззоқ Самарқандий ҳам давлат ишлари билан яқиндан таниш бўлган. Унинг яхши таҳсил кўргани, бу борадаги иктидори баландлиги туфайли отаси вафотидан сўнг, 1437/38 йили, 24 ёшида темурийлар саройига хизматга олиниши бежиз эмас. Шундан сўнг то 50 ёшига қадар аввал Шоҳрух, кейин Ҳирот тахтини эгаллаган бошқа темурий хукмдорлар – Мирзо Абдулқосим Бобур (1452–1457), Султон Абу Саъид (1451–1469) ва тахтга ўтирган бошқа шахзодалар саройида давлат ишлари билан банд бўлади. Унинг замондоши Абдулвосе ан-Низомийнинг ёзишича, Абдураззоқ «ҳокони саъид (яъни Шоҳрух)нинг давлати замонида узоқ муддатлар шуҳратли ишларни бажаришни бўйнига олган, баъзи сохибдавлат шахзодаларнинг хизматида садоратлик олий мансабига етишган, баъзи бошқаларнинг мулозиматида эса ноиблик ва хосликка эришган».

Бироқ Абдураззоқнинг ўзи асарларида мазкур садоратлик лавозимларини эслатмаса-да, тарихий воқеалар сирасидан унинг темурийлар давлатида хорижий дипломатик муносабатларни олиб боришда муҳим роль ўйнаганлиги англашилади.

XV асрнинг биринчи ярмида темурийлар давлати билан Рим (Кичик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар орасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилган эди. Бу алоқаларнинг амалга оширилишида Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳам фаол иштирок этганлигига унинг ўз элчилик сафарлари ҳақида келтирган ахборотлари яққол далил бўла олади. Чунончи, «Матлаъи саъдайн»га киритилган «Ҳиндистон сафари достони ва у ернинг ажойиб-гаройиботлари» деб номланган сафар эсдаликларида Абдураззоқ Самарқандий 1442 йили Шоҳрух томонидан жанубий Ҳиндистонга юборилган элчиларга бошчилик қилганини ёзади. Элчилар 1442 йил 13 январда Ҳиротдан йўлга чиқиб, шарқи-жанубий Эрон, Арабистон, Хурмуз бандагори, Маскат, Арабистон денгизи орқали 1442 йил 17 октябрда Колькуттага етадилар ва бу шаҳарда беш ой, Вижаянагарда эса 1443 йил охиригача туриб, сўнг орқага қайтадилар. Қайтишда яна денгиз йўли билан Хурмузга, у ердан 1444 йил декабрь ойида Ҳиротга етиб келадилар.

Шу каби «Матлаъи саъдайн»да Абдураззоқ Самарқандийни Шоҳрух Ғилонга ва бошқа ерларга элчиликка юборгани эслатилади.

Абдураззоқ охириги марта Мисрга элчиликка юборилаётган пайтида Шоҳрух вафот этади ва шу боис элчилик амалга ошмайди. Шу каби дипломатик алоқаларда Абдураззоқ кейинги темурий хукмдорлар Абулқосим Бобур, Султон Абу Саъидлар даврида ҳам фаол иштирок этгани унинг ўз сўзларидан маълум.

1463 йилга келиб эса Абдураззоқ Самарқандийнинг илтимосига биноан уни давлат ишларидан озод этадилар ва Ҳиротдаги Шоҳрухия хонақоҳига шайхлик вазифасига тайинлайдилар. Ҳижрий 887 йил жумод ал-аввал (1482 йил, июль-август) ойида шу шаҳарда оламдан ўтади.

Абдураззоқ Самарқандий шеър, араб тили грамматикасига оид рисола ёзганлиги маълум бўлса-да, лекин унинг бизгача етиб келган ягона тарихий асари «Матлаъи





саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг кўшилиш жойи») дир. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, икки жилдни ташкил этади.

Асарни Абдураззоқ Самарқандий, асосан, 1467–1469 йиллар орасида ёзиб тамомлаган ва 1470 йили яна давом эттириб, шу йилнинг сафар ойида тугаллаган.

«Матлаъи саъдайн»нинг биринчи жилдида қисқа тарзда Чингизхон авлодидан бўлган Эрон хукмдори Абу Саъид (1316–1335) ҳақида сўз юритилгач, соҳибкирон Амир Темур тарихи бошланади ва умуман, 1304 йилдан 1405 йилгача Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, қисман Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар тарихига оид маълумотлар келтирилади. Тарихий воқеалар баёни Амир Темурнинг 17-шаббон, 807 (18 февраль, 1405) йили Ўтрорда вафот этгани, унинг набираси Халил Султоннинг Самарқандда тахтга ўтиргани билан тугалланади.

Иккинчи жилднинг сўз бошисида муаллиф Амир Темур авлодлари ҳақида сўзламоқчи эканини айтиб, воқеаларни Шохрухнинг Ҳиротда тахтга ўтирган вақтидан (март, 1405) бошлайди. Сўнг Шохрух вафоти (1447)дан кейин хукмронлик қилган темурийлар – Мирзо Абулқосим Бобур, Султон Абу Саъид ва бошқа шаҳзодалардан сўзлаб бўлгач, Хусайн Бойқаронинг Ҳиротда Ёдгор Мирзони қатл этиб, иккинчи марта тахтга ўтириши ҳақидаги маълумотлар билан асарни тугатади.


Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн»да тарихий воқеалар баёнини солнома тарзида жойлаштирган. Асарнинг муаллифи яшаган даврдан (XV аср ўрталари) илгариги ходисалар солномаси аввал ёзилган асарлар асосида тузилган. Бу ҳақда Абдураззоқнинг ўзи, 1427 йил воқеаларини яқунлар экан: «Ҳофизии Абрунинг ёзгани... «Зубдату-т-тавориҳи Бойсунғурий» шу ерда тугади», – дейди ва ўзининг асосий манбаи ушбу асар эканлигини таъкидлайди. Бундан кейинги йиллар тарихининг ёритилишига келсак, айтиш мумкинки, уларнинг аксарини Абдураззоқ Самарқандий ўзи кўриб билганлари ёки шохидлар сўзларига асосланиб ёзган. Қандай бўлганидан қатъи назар, «Матлаъи саъдайн» саҳифаларида баён этилган тарихий воқеалар, ҳоҳ Ҳофизии Абрудан олинган қисмлар, ҳоҳ ундан кейинги қисмлар бўлсин, тадқиқотлар учун манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, «Матлаъи саъдайн»да кўпроқ сиёсий воқеалар баён этилган. Лекин шу билан бирга, темурий хукмдорларнинг мамлакат иктисодий, маънавий ва маданий ҳаётида ўйнаган бунёдкорлик роли ҳам Абдураззоқ Самарқандийнинг диққат марказида бўлган. Шунинг учун асарда XV асрнинг деярли уч чорагида Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларидаги илм-фан, маданиятнинг юксаклиги ҳамда бу борада Мирзо Улуғбек, Мирзо Бойсунғур ва баъзи бошқа шаҳзодаларнинг фаолиятлари изчиллик билан ёритиб берилган.

Эътиборга сазовор томони шуки, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн» асари ўз даврида шуҳрат топган ва бир қанча тарихнавислар томонидан эътироф этилган. Сўнгра бу асар темурийлар даври ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий ва халқаро муносабатлари тарихига оид нодир ва ишончли манба сифатида Оврупода ҳам тан олинди, унинг айрим қисмлари XIX асрдан бошлаб бир неча марта француз (Ланглэ, Катрме, Блоше), инглиз (Эллиот), рус тилларида чоп этилган.

«Матлаъи саъдайн»нинг форсча матни 1936 йили Лоҳурда (Покистон) матншунос олим Муҳаммад Шафе томонидан чоп этилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг 1442–1444 йиллардаги Ҳиндистон сафарномаси 1960 йили ўзбек тилида ва форсий





танкидий матни билан, асарнинг 1405–1427 йиллар воқеалари (I жилд, 1-қисм) 1969 йили ўзбек тилида Тошкентда чоп этилди. 1992 йили эса «Матлаъи саъдайн»нинг шу қисмига киритилган Ғиёсиддин Накқошнинг Хитой сафари қундалиғи ўзбек тилида чоп этилди. Асар II жилдининг 2, 3-қисмлари ҳам ўзбек тилига таржима қилиниб, наشري амалга оширилди.


Асомиддин ЎРИНБОЕВ,
тарих фанлари доктори

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ (1435–1495)

XV асрнинг кўзга кўринган адабиётшунос олимларидан бири Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтшоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандийдир. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам бўлиб, ўзининг «Тазкират аш-шуаро» («Шоирлар тазкираси»)да келтирилган баъзи бир маълумотларга қараганда, у йирик ҳарбий хизматчи ва давлат арбоби оиласига мансуб бўлган. Унинг отаси Бахтшоҳ Шохрух Мирзонинг яқин кишилари ва нуфузли амирларидан эди. У Шохрухнинг кўпгина юришларида қатнашган ва тожу тахт соҳибига садоқат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Унинг «ал-Ғозий» деб аталиши ҳам шу сабабдандир. Отасининг подшоҳга яқин киши бўлганлигини тазкирада айтилган мана бу сўзлар ҳам тасдиқлаши мумкин. «... Ушбу сатрларнинг муаллифи факиру ҳақирнинг отаси Шохрух султоннинг яқинлари ва мухтарам бандалари жумласидан эди. (У) айтганки, «бир йили тангрининг инояти билан Хуросонда, хусусан, Ҳиротда, бир йил (мобайнида) каттик курғоқчилик воқе бўлди. Бу шу даражага (бориб) етган эдики, кишнинг бошланишидан то баҳор ўртасигача осмондан ерга (бирор томчи ҳам) нам тушмади... «Отам яна деди: «Бир кун кенқурун мазлумага ёлвориш билан бениёз подшоҳнинг даргоҳига борган эдим... сахар уйғонсам, ногоҳ ёмғир томчиси уйнинг туйнигидан томди. (Сўнг) ёмғир томчилари узлуксиз туша бошлади. Шу ондаёқ, хурсандлик билан, ислом подшосининг мулозимига жўнадим. Подшоҳнинг ҳузурига етганимдан сўнг, тиз чўкиб таъзим қилишимдан олдин, деди: «Э, Алоуддавла! Ёмғирнинг аввалги томчиси тушган вақтда мен уйғоқмидим ёки сен?...».

Давлатшоҳнинг туғилган вақти маълум бўлмаса-да, ўзининг «Тазкират аш-шуаро» асарини 50 ёшга кирганида ёза бошлаганини маълум қилади. Бизга эса асар 892/1486–1487 йй. ёзиб тугатилганлиги маълум. Агар бу катта ва муҳим асарни ёзиш учун тахминан 2–3 йил вақт сарфланган бўлса, Давлатшоҳ 1435–1436 йилларда туғилган бўлса керак.

Давлатшоҳ Самарқандий ёшлигидан илмга кизиқиб, дастлаб Самарқандда ўз даврининг кўзга кўринган олими, фақиҳ ва шоир Хожа Жалолуддин Фазлуллоҳ Абу-л-Лайс ас-Самарқандийдан таҳсил олган. Лекин то 1480 йилларга қадар илмий ёки адабий фаолият билан шуғулланмаган, балки сарой хизмати ва ҳарбий ишларга жалб қилинган, у дастлаб Абу Саъид (1469 йилгача ҳукмронлик қилган), сўнгра Султон Ҳусайн Бойқаро (873–911/1468–1506 йилларда Ҳиротда ҳукмронлик қилган) олиб борган кўпгина урушларда иштирок этган. Сўнги марта Султон Ҳусайн Бойқаро ва



Султон Махмуд (Султон Абу Саъиднинг ўғли, Ҳисори шодмон ва Бадахшон ҳокими) ўртасида Чакмансарой номли жойда бўлган жангда катнашган. Бу жанг, Ҳирот тарихчиси Хондамирнинг (1474–1535) маълумотларига караганда, 875/1471 йилда содир бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий беҳуда ўтган бу умрига афсус чекиб, кейинчалик надомат билан дейди: «Мен осий банда йигитлик хангомини, фазл касб этиш айёмини жаҳолат ва батолатда поёнига етказдим. Абадий саодатнинг сармоеси эрмиш уч кунлик умрни беҳуда ўтказдим. Бир вақт ҳисоб-китоб килиб, хаёт рўзномасига назар жамласам, кимматбаҳо умрим карвони гумроҳлик биёбонида элик манзилни босиб ўтибди...». Давлатшоҳ бу гапларни мазкур «Тазкират аш-шуаро» асари аввалида, демакки, уни ёза бошлаган вақтда, тахминан 1485 йилда айтган. У олтмиш йилча умр кўрган ва Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сиддик Нишопурийнинг (XVIII асрнинг биринчи ярми) «Мирот ус-сафо» («Поклик ойнаси»)даги маълумотига кўра, 900 /1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ умрининг охирларида сарой хизматини тарк этиб, мушкул, аммо хайрли ишга, ўзидан илгари ўтган шоир ва олимлар ҳақида китоб ёзишга бел боғлади. Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират аш-шуаро» асарини ёзишда жуда кўп манбалардан, ўзидан олдин ёзилган тазкиралардан, хусусан, Абу Тохир Хотунийнинг (X аср охири ва XI асрнинг биринчи ярми) «Маноқиб аш-шуаро» («Шоирларнинг яхши сифатлари») ҳамда Нуриддин Муҳаммад Авфийнинг (1172–1233) «Лубоб ул-албоб» («Қалблар калби») тазкираларидан, тарихий ва географик асарлардан, хусусан, Истахрийнинг «Китоб масолик вал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб»), Гардизийнинг «Зайн ул-ахбор» («Тарихлар безаги»), Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи оли Сабуктакин» («Сабуктакин тарихи»), шунингдек, тазкирада кайд этилган бошқа шоир ва адибларнинг асарларидан кенг фойдаланган.

Тазкирада VII–XV асрларда яшаб ижод этган 155 шоир ҳақида кискача, лекин ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирилган. Тўғри, ҳар қандай илмий асарда бўлгани каби, Давлатшоҳ Самарқандий тазкираси ҳам айрим жузъий камчиликлардан холи эмас. Масалан, айрим ҳолларда саналар, у ёки бу шоирнинг тугилган жойи нотўғри берилган, айрим ҳолларда келтирилган маълумотлар чалкашиб кетган. Шунга қарамай, асарнинг ижобий томонлари кўп. Бу асар жуда катта давр – қарийб саккиз юз йил мобайнида Эрон ва Ўрта Осиёда яшаб ижод этган шоир ва адиблар фаолиятини тадқиқ доирасига олганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

«Тазкират аш-шуаро» ёки «Тазкираи Давлатшоҳий» мукаддима, хотима ва етти табака (қисм)дан иборат.


Мукаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари, шунингдек, VII–XI асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган араб шоирларидан Лабид (VII аср), Абу Нувос (ваф. 814) Абу Жаййиб ал-Мутанаббий (ваф. 963), Абу Аъло ал-Мааррий (973–1058) ва бошқалар – ҳаммаси бўлиб ўн шоир ҳақида маълумот келтирилган.

Биринчи ва иккинчи қисм X–XI асрларда Эрон ва Ўрта Осиёда яшаб ўтган 21 йирик шоирнинг кискача таржимаи холи ва ижодига бағишланган.

Учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларда Хоразмшоҳлар – ануштагенийлар (1077–1231), элхонийлар (1258–1349) ва музаффарийлар (1315–1393) замонида ижод этган 54 шоир ҳақида сўз юритилади.

Сўнгги икки табака Темур ва темурийлар замонида Ўрта Осиё, Эрон ва Ироқда яшаган 41 шоиру адиблар ижодига бағишланган.





Хотимада эса Давлатшоҳ Самарқандий билан замондош олти машхур аллома – Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хожа Афзалиддин Мухаммад, Амир Аҳмад Сухайлий, Хожа Шаҳобуддин Абдуллох Марварид ҳамда Хожа Осафий ҳақида маълумотлар келтирилган.

Давлатшоҳ Самарқандий тазкирасида жамланган шоирларнинг асарлари Шарк классик адабиётининг умумий йўналиши, унинг тараққиёт йўллари, Шарк шеърисида кенг қўлланилган рубоий, қасида, ғазал, ҳажв жанрларининг пайдо бўлиши ва такомиллашуви, тарсий, тажнис, таржибанд, мураббаъ сингари шеърий шаклларни ўрганиш ҳамда тадқиқ этишда муҳим роль ўйнайди. Колаверса, улар орасида Жавҳарий Заргир, Хожа Кирмоний, Жалол Табиб, Хожа Исматулло Бухорий, Амиддин Нузулободий сингари дostonчилик жанрининг етук намояндалари, назм ва насрга оид «Таржимон ал-балоға» («Нотикликни тушунтириб берувчи китоб») асари билан машхур Фаррухий (ваф. тах. 1037–1038), «Чаҳор мақола» китоби билан шуҳрат топган Низомий Арузий Самарқандий (XII), форс тилининг шарҳли лугатини тузган Қатрон ибн Мансур Термизий (XII), «Ҳадонк ас-сеҳр» («Сеҳр боғлари») асари билан ном таратган хоразмлик Рашидиддин Ватвот, «Нигористон» асари муаллифи Мужиддин Жувайний, «Шабистони хаёл»нинг муаллифи Яҳё Себак Нишопурий, «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар жавоҳири») асарини бутун Шарққа манзур эта олган Шайх Озарий, мусиқа илмининг машхур намояндаларидан Соҳиб Балхий, хат ва хатотлик илмининг пири Симий Нишопурий ҳам борки, булар ижоди мумтоз адабиёт ҳамда Ўрта аср Шарқ фани тараққиёти тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

Китобда таърифи келтирилган шоирларнинг аксарияти ўз даврининг йирик ижодкорлари бўлган. Авҳадиддин Анварий (XII), Рашидиддин Ватвот, Бухорода муламмаҳ (бир шеърни икки тилда ёзиш) аънасини бошлаб берган, ҳажв жанри ривожига улкан ҳисса қўшган Хожа Исматуллох Бухорий (1365–1426) ана шундай шоирлар жумласидандир.

Тазкирада жаҳонга машхур файласуф шоир ва олим Носир Хусрав (1004–1088), Шарк мумтоз шеърисида даҳоларидан ва мусикашунос Хусрав Дехлавий (1253–1325), шоир ва йирик тарихчи олим Фаҳриддин Бинокатий (вафоти 1329), Камол Хўжандий (1318–1401) Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий билан бирга меҳнаткаш халқ орасидан чиққан нозимлар ҳам қайд этилади. Асли дехқон табақасидан, Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул-асрор»ига минг байтдан иборат жавоб ёзган Жамолиддин ибн Жаъфар Фарраҳоний; бир умр кўш кўшиб, дехқончилик қилган, шеърни кетмон дастасига битиб юрган кўхистонлик Мухаммад Ҳисомиддин; авом ан-нос (оддий халқ)дан чиқиб, шоирлик, хатотлик ва наққошлиқда ном чиқарган Симий Нишопурий; бўйра тўқиб кун кечирган самарқандлик Бисотий ҳақидаги маълумотлар шулар жумласига қиради.

Шунингдек, тазкирада ўз шеърлари билан шоҳлар ва ҳақимлар, ноиблар ва қозилар кирдикорларини фoш этган Яминиддин Фарҳомадий ва унинг ўғли Амир Маҳмуд (ибн Ямин), Убайд Законий, Бурундий Бухорий ҳамда Бобо Савдой Абивардий каби шоирлар зикри ҳам келтирилганки, бу ҳол асар қимматини янада оширади.

Давлатшоҳ Самарқандий асарининг яна бир фазилати унда айрим муҳим тарихий воқеалар баёни ҳам келтирилганидир. Чунончи, Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон халқларининг султон Жалолиддин Мангуберди бошчилигида 1221–1232 йиллари мўғул босқинчиларига қарши олиб борган қураши тарихидан айрим лавҳалар; 1337





йили Хуросонда бўлган сарбадорлар кўзгалони ҳамда шу кўзгалон натижаси ўларок, Хуросоннинг каттагина қисмида бунёд топган сарбадорлар давлатининг (1337–1381) қискача тарихи ҳам асарда акс эттирилган. Шунингдек, китобда келтирилган Хуросон ва Ўрта Осиё жанубий қисмининг XV аср 40-йилларидаги сиёсий ҳаёти билан боғлиқ тафсилотлар, йирик тарихий шахслар – вазир ва олим Низому-л-мулк, улуг шоир ва олим Умар Ҳайём, исмоилийлар тариқати асосчиси Ҳасан Сабоҳ, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ҳаётига оид воқеалар ҳам алоҳида эътиборга молик.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг мазкур тазкираси жамоатчилик эътиборини кўпдан бери тортиб келмоқда. 1819 йилдан буён асарнинг айрим парчалари Россияда (В.А. Жуковский ва Ф. Эрдман), Францияда (Сильвестр де Саси), Англияда (Э. Броун ва А. Фальконер), Туркияда (Фахим Сулаймон афанди), Германияда (Хаммер) ҳамда Голландияда чоп этилган. Унинг тўла матни 1887 йили Бомбейда Мирза Муҳаммад, 1901 йили Лондонда Э. Броун ва 1958 йили Техронда Ҳожи Муҳаммад Рамазоний томонидан нашр этилган.

1900 йили биринчи бор Хивада Муҳаммад Рофе томонидан эски ўзбек тилига (Хоразм шевасида) ўгирилди. 1967 йили шарқшунос олим Б. Аҳмедов «Тазкират аш-шуаро»дан Ўрта Осиё ва хуросонлик 32 ва 1981 йили 50 дан ортик шоир ҳаёти ҳамда ижодига оид айрим парчаларни ўзбек тилига таржима қилиб, «Давлатшоҳ Самарқандий» китобига илова қилган. Демак, бу катта асарни атрофлича илмий тадқиқ қилиб, ўзбек тилига ўгириб кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Куйида Б. Аҳмедов томонидан юқорида қайд этилган Техрон нашридан олиб таржима қилинган парчаларни келтирамиз:

Амир Хусрав Дехлавий. Амирзода Бойсунқур Амир Хусравнинг «Хамса»сини шайх Низомий «Хамса»сидан ортик кўрар эрди, маърифатли хокон Улуғбек кўрагон (эрс) буни қабул этмас ва шайх Низомийга эргашар эрдилар. Шу даъво туфайли ҳар икки подшоҳ ўртасида кўп марта тортишувлар бўлиб, ҳар бирлари бир шоирга ҳамият кўргузур эрдилар. Агар бу тортишув шу кунларда содир бўлганда замоннинг фазл бозори жавҳаршуносларнинг хоотири қайси шоир устун турушини аниқлаб берар ва шубҳани ўртадан кўтариб ташлар эрдилар.

Муъиниддин Жувайний... Мавлоно Жувайний асарлари жумласидан бўлган «Нигористон» китоби шайх Саъдийнинг «Гулистон»и услубида ёзилган. Лекин у китобдин соддароқ ва донишмандона битилгандир. Унда нодир, намуна бўларли, фойдали ҳикматлар кўп тўпланган. Баҳрабод аёнлари унинг (Мирзо Улуғбекнинг) ҳузурига тўпланиб (унинг амри билан), китобни чиройли хат ва гамом такаллуф билан кўчириб бердилар. (Улуғбек Мирзо) ўша китобни доимо мутолаа қилиб юрар ва макбул кўрур эрдилар. Бу китоб Мовароуннаҳрда кўп шуҳрат топди, лекин Хуросонда (унинг шуҳрати) камроқ бўлди.

Бисотий Самарқандий... Шохрух султон Самарқанд тахтига ўлтиргандин кейин Амир Темурнинг Кўксаройда яширинган хазинасига кирди. (Лекин) аблахлар димоғи ақлдин, жоҳиллар қалби билимдин холи бўлганидай, (Шохрух султон ҳам) ўша хазинани ганждин холи топди. Тасодифан мирзо асосининг учи (ерда ётган) бир дирҳамга тегди; уни олиб (артиб кўзларига сурди, сўнг) ҳамёнига солди. Сўнг ҳамроҳларига юзланиб, деди: «Биз ушбу дирҳам ҳаққи отамдин қолган хазина ва меросдин баҳраманд бўлдик». Шундан кейин у бўшаб қолган хазинадан чиқди...





Хожа Исмадулла Бухорий... Султон Халил хукмронлиги даврида унинг тарбиятини топган. Шахзода уни ғоят эхтиром қилур эрди. У шахзоданинг доимий улфати ва хамсухбати эрди. Ҳасадчилар ва гаразгўйлар хожанинг шахзодага яқинлигини мушоҳада қилиб, унга маломат қилдилар. Лекин бу азиз инсоннинг кўнгли ва назари бундан холи эрди. Султон Халил шеър илмини хожа Исмадин ўрганди...

Аммо хожа Исма олам подшоси Улуғбек кўрагон хукмронлиги даврида ҳокимларни мадх этишни тарк этди. Номи тилга олинган султон ундан шеър айтишни ўтиниб сўрайди ва заруратдан ул ҳазрат мадҳида бир неча қасида ёзади...

Аммо олим, одил, голиб ва ҳимматли подшоҳ Улуғбек кўрагон юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қилни қирк ёрди. Унинг даврида олиму фозиллар мартабаси ниҳоят баланд чўққига кўтарилди.

Мирзо Улуғбек хандаса (геометрия) илмида мажастийкушо эрди. Фозиллару ҳокимларнинг яқдил фикрлари шулки, исломият замонида, балки (Искандар) Зулқарнайн замонидан шу пайтгача Улуғбек кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтига ўлтирмаган. У риёзиёт (математика) илмини шу даражада эгаллаган эрдик, замонасининг олимлари, чунончи, уламолар ва ҳақимлар фаҳри Қозизода Румий ҳамда Ғиёсиддин Жамшид Қоший билан биргаликда юлдузлар илмига расад боғлади. (Лекин) замонасининг бу икки улуғ олими расад охирига етмай туриб вафот этдилар ва султон (Улуғбек) бор ҳимматини бу ишни охирига етказишга сарфлади. «Зижи султоний»ни кашф этиб, уни ўз исми билан зийнатлади. Бугун бу зиҳ ҳақимлар наздида мўътабар ва амалдадир. Баъзилар уни «Зижи Носири Эрхоний»дин ортик кўрадилар.

(Улуғбек кўрагон) Самарқандда бир олий мадраса ҳам бино этдиким, безаги, афзаллиги ва улуғворлиги жиҳатидан унга ўхшаши етти иқлимда ҳам йўқдир. Шу кунларда ул олий мадрасада юздан ортик талаба ўқиб истиқомат қилмоқда.

У отаси Шоҳрух баҳодир ҳукумронлиги даврида Самарқанд ва Мовароуннахрни қирк йил мустақил идора этди. Султон Улуғбек салтанатни бошқариш, адлу инсофда макбул йўл тутар эрди. Айтишларича, унинг даврида тўр харвор ҳосил берадиган бир жариб ердин мол ва хирож учун тўрт доник фулус солиқ олганлар. Бу бир доник қумуш дирхамга тенгдур...

Мавлоно Бадахший. Фозил кишилар жумласидиндур. Самарқанд шаҳрида, Улуғбек кўрагон замонида сўзамолликда олий мартабага эришди ва ўша замон шоирларининг етакчиси бўлди. Номи зикр этилган султон ва шул замон ақобирлари унинг сўзамоллигига тан бермишлар. Мавлоно Бадахшийнинг мазкур подшоҳ (Мирзо Улуғбек) мадҳида айтган покиза қасидалари бор. Девони Мовароуннахрда машхурдир.

Дилором ЮСУПОВА,
тарих фанлари доктори

КАМОЛИДДИН БЕХЗОД (1455–1535)

Устод Камолиддин Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди Ўрта Осиёда ҳукм сурган темуррийлар салтанати (1370–1506)нинг сўнгги эллик йилига, Муҳаммад Шайбонийхон (1506)нинг Мовароуннахр ва Хуросонда, сафавийлар вақили Шоҳ Исмоил Сафавийнинг Озарбайжон, Эрон ҳудудларида, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кобулда





(1505)да ва Ҳиндистонда (1525) улкан салтанат тузиши даврига тўғри келади. Амир Темур курган улкан салтанат ҳудуди ва маркази, кейинчалик янги сулолалар томонидан эғалланган бўлса-да, ўша давр мафқураси – ислом дини ва дин асосида пайдо бўлган тасаввуф намояндалари дунёкараши ижтимоий ҳаётнинг маънавий кийёфасини белгиловчи омил эди.

Маълумки, 1370 йили салтанат тепасига келган Амир Темур ўзининг ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида давлатнинг асосий таянчи Самарқандни ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан жаҳоннинг энг гўзал ва обод шаҳрига айлантирди, уни маҳобатли иморатлар, ажойиб боғу роғлар билан беади. Қийёслаш учун дунёнинг Бағдод, Дамашк, Париж каби машҳур шаҳарлари номларини атрофдаги кишлокларга берди. Шаҳар маданий ҳаётини ривожлантириш учун эса Соҳибқирон ўзи забт этган мамлакатларнинг олиму уламолари, санъат ва маданият намояндалари, шоирлари, ҳунармандлари, меъморлари, курувчиларини Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Туркистонда ва бошқа жойларда олиб борилаётган ободончилик ишларига жалб қилди. Темурийлар даврида мамлакат ободончилиги учун барча давлат аъёнлари ўз имкони ва моддий қуввати етганча иморатлар, боғлар, масжидлар, кўприклар қуришга интиланлар. Натижада, XIV аср охирига келиб, Самарқанд ва Ҳирот жаҳоннинг обод ва гўзал шаҳарларига айланган. Бу даврнинг ижодкорлик руҳи ва маҳобатли иморатлардаги етакчи ғоя Шаҳрисабзда қурилган Оксарой пештоқиға битилган «Агар бизнинг кудратимизга шубҳалансангиз, биз яратган иморатларга қаранг» хитоби мазмунига тўғри келади.

XIV асрда Самарқандга ўша давр тасаввуфининг кубравия, яссавия ва накшбандия тариқатини ўрганиш учун дунёнинг барча шаҳарларидан кишилар келар эди. XIV аср иккинчи ярмидаги Самарқанднинг сиёсий ва маданий ҳаёти устод Бехзоднинг Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишлаган миниатюраларида ўзининг бадий аксини топди. XV аср биринчи ярмини темурийлар давлати маданиятининг энг ёрқин даври, дейиш мумкин. Мирзо Улуғбек раҳбарлигида Самарқанд янада обод этилиб, илм-фан, айниқса, маҳсус расадхона қурилгач, илми нужум – астрономия марказига айланиб, натижада, машҳур «Зижи жадиди Кўрагоний», яъни 1018 юлдузнинг астрономик жадали тузилди. Расадхона ичлари буржлар тасвири билан безатилди. Мирзо Улуғбек «Тарихи арбаъи улуси Чингизий» номли тарихий асарни таълиф қилишда шахсан иштирок этди. Бу даврда Самарқанд илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлиб, бу шаҳарда таълим олишни ўша давр зиёлилари ўзлари учун зарур ва шарт, деб билишарди. Шунинг учун бўлса керак, ёш Абдурахмон Жомий ҳам таълим олиш учун Ҳиротдан Самарқандга келган эди.

XV аср бошларида Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳри Шоҳрух Мирзо (1405–1447) даврида, шахсан шахзода Мирзо Бойсунгурнинг фидокорона фаолияти туфайли санъаткорлар, олимлар, ҳатотлар, рассомлар, созандалар ва шоирлар шаҳрига айланган эди. Ўша даврда тузилган «Арзадошт» – «Арзнома»га биноан сарой кутубхонасида қирқдан зиёд ижодкорлар мавжуд бўлиб, улар манбашунослик соҳасида, айниқса, «Шоҳнома» ва Амир Хусравнинг лирик ижодини, тарихчилар – Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, шоирлар – Низомий Ганжавий «Ҳамса»си, «Қалила ва Димна», «Меърожнома» каби асарларнинг кўлёмаларини тиклаб, уларни бетакрор расмлар билан зийнатлаганлар.





Алишер Навоийнинг илм-фан, ҳунар ва санъат аҳлига қилган ҳомийлиги ўз самарасини бердики, темурийлар даври маданияти, санъати ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Ўша давр хаттотлари Султон Али Машҳадий, Султон Али Қойиний, Мир Али Херавий, мусаввирлар Мирак Наккош, Хожа Муҳаммад Қосим Али кабилар қаторида устод Камолиддин Бехзод номи алоҳида порлаб турди.

XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда шайбонийлар, Эронда сафавийлар, Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлик қилган бўлсалар-да, уларнинг орзу-умидлари, интилишлари темурийлар даврининг юксак маданий тараққиётини қайта тиклаш, унга интилиш ва унинг анъаналарини ривожлантириш эди. Шундай қилиб, XIV–XV аср темурийлар даври маданияти ўзининг юксак тараққиёт даражаси, серкирра соҳалари ва ёрқин ижодкорлари билан жаҳон маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаб, кейинги давр маданияти учун пойдевор вазифасини бажарди. Шунинг учун ҳам темурий шоирлар, санъаткорлар, олимлар, хаттотлар янги пойтахт бўлмиш Бухоро, Табриз ва Дехлида жуда катта ҳурмат ва иззат топиб, улар яратган ижод намуналари ўз соҳасининг шоҳ асарлари сифатида кадрланди.

Камолиддин Бехзоднинг таржimai ҳоли

Ўзининг бетакрор гўзал санъати билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун баракали ҳисса қўшган забардаст санъаткор Камолиддин Бехзод Ҳиротда 1455 йилда хунарманд – қосиб оиласида дунёга келди.

Манбаларда ёзилишича, унинг номи Бехзод бўлиб, Ҳирот аҳолиси уни суюб, эр-калаб Камолиддин деб қақришган экан. Алишер Навоий уни ўз мактубларидан бирида «устод Бехзод» деб атади.

Бехзод ота-онасидан жуда эрта ажралди. Уни рассом сифатида Мирак Наккош ўз тарбиясига олиб вояга етказди ва ўзининг Ҳиротдаги «Нигористон»и (санъат академияси)да унга наққошлик ҳунарини ўргата бошлади. Ўз даврининг машҳур рассоми, миниатюрасоз Мирак Наккош уйдаги, нигористонидаги ижодий муҳит, гўзаллик ва нафосат ёш Бехзодни ҳам санъат ва ҳунарга ҳавас қўйишга ундади, келажакдаги тақдири учун ижобий роль ўйнади. Бўлажак рассом турли устозлардан тарбия олган. Манбаларда Бехзод табризлик пир Саййид Аҳмаднинг шогирди, деб ҳам кўрсатилади. Пир Саййид бухоролик уста Жаҳонгирнинг шогирди, бухоролик Жаҳонгир, ўз навбатида, устод Гунгнинг шогирди бўлгани қайд этилади.

Бехзод ёшлигида машҳур санъаткор Султон Али Машҳадий билан жуда яқин муносабатда бўлганини хаттотнинг бизгача етиб келган куйидаги бадиҳасидан ҳам билса бўлади:

Фарзанди азиз, аржуманд Бехзод,
Гаҳ-гаҳ гузараш бар ин тараф меафтод,
У умри ман аст, аз роҳи сурат лекин,
Умрист, ки аз манеш наме ояд ёд.

Мазмуни:

Азиз, аржуманд фарзанд Бехзод,
Гох-гоҳида биз томонга келиб турарди.





У ўз суратлари туфайли мен учун умрдек азиз,
Умрдек вақт ўтса ҳам, хануз ёдга олмайди.

XV асрдаги Ҳирот адабий, бадиий-илмий, санъат ва маданият оламида пайдо бўлган жуда кўп шахслар сингари Бехзоднинг ҳам ижодий камолотида Алишер Навоий ҳал қилувчи роль ўйнаган. Камолиддин Бехзоднинг буюк рассом, наққош ва миниатюрасоз бўлиб етишуви учун асосий омил – бу унинг улуғ шоир билан ҳамкорлик қилиб, ундан сеҳргар санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, мутафаккир дахосидан баҳраманд бўла бошлаганидир ва энг муҳими, бу Бехзоднинг ўзида мавжуд бўлган етук истеъдод, ўта нозик ва такрорланмас ақл-идрок, нафис тасвирий санъатга жуда зўр иштиёқ, булардан ташқари, Бехзоднинг ижодкор сифатида ўта меҳнатсевар, захматқаш бўлганлигидир.

Кўпгина Шарқ манбаларида Камолиддин Бехзоднинг моҳир санъаткор бўлиб шаклланишида ўша даврда Ҳирот муҳитидаги бирталай етук рассомлар, хаттоғлар, мусикашуносларни бириктириб турган Мирак Наққош бошлик «машҳур 40 санъаткор» анжумани ва ўша «нигористон»нинг серкирра, жуда бой анъаналари ҳам ҳал қилувчи роль ўйнагани айтилади.

Камолиддин Бехзоднинг Алишер Навоий хомийлигида ва унинг кутубхонасида бўлганлигини юқорида қайд этилган шоир мактуби тасдиқлайди. Ушбу факт тафсилотини ўша давр тарихчиси Гиёсиддин Хондамир «Хулосат ал-ахбор» асарида шундай таъкидлайди: «Устод Бехзод замонанинг комил суратқашларидан, балки бу ишни ниҳоятда камолига етказиб, кўп вақтдан бери хидоят сифатли Амир Алишернинг тарбияти остида ажойиб иш билан машғул бўлди».

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам Бехзоднинг бошқа ноёб истеъдод эгалари каторида Алишер Навоий тарбияти ва хомийлигида камолга етганини ёзади: «Устод Бехзод Бек (яъни Алишер)нинг тарбият ва таквияти била, саъй ва эҳтимоми била мунча тараққий ва шуҳрат, мундоқ машҳур ва маъруф бўлди».

1968 йилда Кобулда нашр этилган «Амир Алишер Навоий (Фоний)» асарида таъкидланишича, Бехзоднинг дастлабки ижоди Султон Ҳусайн Мирзо саройида ва у ердаги жуда кўп шоирлар, олимлар, санъаткорларнинг улуғ хомийси Амир Алишер Навоий раҳнамолигида ва қўллаб-қувватлаши, яқиндан берган ёрдами орқасида гуллаб-яшнади.

Яна бошқа бир неча чет эл манбаларида ҳам Алишер Навоийнинг Камолиддин Бехзод ижодига баракали таъсир этганлиги қайд қилинади. Масалан, машҳур инглиз шарқшунос олими Эдвард Брауннинг китобида бу ҳақда шундай дейилади: «Ўша замонда жуда катта шуҳрат қозонган Бехзод ва Шох Музаффар сингари атоқли наққош-рассомлар, шубҳасиз, Мир Алишер Навоийнинг қўллаб-қувватлаши натижа-сида камолотга эришдилар».

Маълумотларга кўра, Камолиддин Бехзод Ҳирот муҳитида ўша даврда яшаб ижод этган бошқа бир буюк мутафаккир шоир, улуғ файласуф, Алишер Навоийнинг усто-зи, ҳаммаслаги ва дўсти Абдурахмон Жомий билан ҳам калин дўстона муносабатда, хатто унинг муридлари каторида бўлган экан. Ундан ташқари, Бехзод ўша даврда Ҳиротдаги «хаттоғлар қибласи», буюк санъаткор Султон Али Машҳадий билан ҳам яқин ҳамкорликда бўлган. «Ориёно» журнали бу борада қуйидагича маълумот беради: «Бехзод машҳур хушнавис Султон Али Машҳадий билан замондош ва дўст





бўлган, улар бир-бирлари билан ижодий ҳамкорлик қилардилар. Бундан ташқари, Бехзоднинг Ҳиротдаги буюк ва юқори мартабали шоир, яъни Ҳазрати Жомий билан ҳам дўстлиги бор эди».

Санъат ва нафосатга иштиёқи ниҳоятда кучли бўлган Бехзод ғоятда меҳнатсеварлиги, захматқашлиги туфайли истеъдоди гуллаб, тез орада Ҳиротнинг машҳур миниатюрасози бўлиб танилади. Алишер Навоийнинг мактабдоши ва дўсти подшоҳ Султон Ҳусайн Мирзо Бехзодни ўз ҳузурига, саройга жалб қилади ва унга ўз саройидан жой ажратиб, ижодий ишлар билан шуғулланиш учун барча шароитларни муҳайё қилиб беради. Алишер Навоий ўзининг шахсий мактубларидан бирида Бехзод тўғрисида: «Устоди мушорунилайн (яъни Камолиддин Бехзодни) Мирзо (Султон Ҳусайн) тилаб олдилар: ўз қошларида, боғда хужра ясашиб иш буюрадилар. Яна андоқ кишики, ул китобатга муносиб иш қила олғай, йўқ эрди», – деб ёзганда, назаримизда, ўша пайтлардаги воқеаларни кўзда тутган бўлса керак.

Сўнгра, бироз вақт ўтгач, 1487 йилда Камолиддин Бехзод Султон Ҳусайн Мирзонинг фармони билан Ҳиротдаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинланади. Тарихчи Ғиёсиддин Хондамирнинг «Номаи номий» асарида ўша фармоннинг матни берилган:

«Ҳирот китобхонасининг бошлиғи (мансаби) учун устод Камолиддин Бехзод номига берилган нишон.

Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирининг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирининг қудрати билан... ҳукм қилурмизки, аср нодири, мусаввирлар пешвоси... Устод Камолиддин Бехзод Ҳумоюн (яъни подшоҳ) китобхонаси аҳлига: қотиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалқаш, халқор ва зарқўбларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Аллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоатига бошчилик мансаби топширилсин. Таҳрир этилди 889 ҳижрий йил 27 жумоди ул-аввал (1487 йил 22 июнь)».

Шундай қилиб, Султон Ҳусайн Мирзонинг фармонида айтилганидек, «аср нодири, мусаввирлар пешвоси» деган юксак ном соҳиби Камолиддин Бехзод энди нафақат Ҳирот, балки бутун Хуросон юртидаги барча рассом ва наққошларга бошчилик қила бошлайди. Бу даврда Бехзоднинг истеъдоди ниҳоятда барқ уриб яшнади. У ўзининг энг яхши, нодир асарларини айни ўша йилларда яратади.

Швед санъатшунос олими Ф.Р. Мартин Камолиддин Бехзоднинг Султон Ҳусайн Мирзо саройидаги ижодхонаси ва у ерда наққошнинг ишлаш жараёнини хаёлан қуйидагича тасвирлайди: «Шарқ Қуёши Бехзод учун қурилган шинам хужрани нурга ғарқ этди. Бу ерда наққош пастаккина қия курси (пюпитер) устида энгашиб ишларди. Курсининг тортма хоначаларида шоҳ асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар муҳайё. Бундай асарларни Европа санъати ишкибозлари XV аср Италия ва Нидерландия рассомларининг нодир асарларини қандай тарзда қидирган бўлсалар, шунчалик иштиёқ билан қўлга киритишга интилишлари шубҳасиз. Тўғри, Бехзод европалик рассомларникидек кенг ва қулай устахона (студия)га эга бўлмаган. Унинг иш жойи оддийгина хужра бўлиб, мрамар деворлари моҳир Шарқ ҳаттотлари томонидан Қуръон калималари билан музайян этилган. Хужрада бўйра тўшалган. Бурчакда гилам устида бир неча ёстик. Бу меҳмонлар ва мухлислар учун қўйилган эди. Хужра орқаси боғ, сокин сувли ҳовуз, ундан нарироқ гулзор ва дарахтзор. Шафтолилар пишиб, ишқомдаги олтиндек товланган узум бошлари сийрак барглари орасидан мўраларди. Хужра атрофида атиргуллар чамандек очилиб ётарди. Минглаб турли-





туман гулларнинг кийгос очилганидан уларнинг барглари кўзга ташланмас эди. Шу мухитда Бехзод ўтириб, нозик мўйкалами билан сурат чизарди. Нозик мўйкаламни ундан илгари ҳам, кейин ҳам, ҳеч бир мусаввир Бехзодчалик ишлатишга муваффақ бўла олмаган». Дарҳақиқат, шундай. Сеҳргар мўйкаламни ҳали ҳеч ким, ҳеч қаерда Бехзодчалик моҳирона ишлага олмаган! Ҳам Европа, ҳам Осиёдаги нафис тасвирий санъат мухлислари Бехзод томонидан яратилган гўзал миниатюраларни кўрганда ҳайрат бармоғини тишлаб қоладилар.

XV аср билан XVI аср оралиғида Ҳиротдаги темурийлар салтанати, объектив ички сиёсий мухитнинг шиддатли бўронлари, тожу тахт учун жангу жадаллар сабаб, аста-секин емирилади. Бу даврга келиб Бехзоднинг Ҳиротдаги энг сеvimли кишиларидан бўлмиш Абдурахмон Жомий (1492 йилда), ундан сўнг устози Алишер Навоий (1501 йилда) оламдан ўтади. 1506 йилга келиб эса Хуросондаги темурийлар салтанатининг сўнгги вакилларида бири Султон Ҳусайн Мирзо ҳам вафот этади. Подшоҳ Султон Ҳусайн ўлимидан сўнг ўғиллари Бадиуззамон билан Музаффар Мирзо ўртасидаги жанглар Хуросон салтанатини ҳалокат ёқасига олиб келади. Ўша йиллари мамлакатда зулм ва истибодга асосланган феодал жамиятларга хос ички сиёсий кураш шу даражада кучайиб кетадики, натижада, 1507 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Ҳирот тахтини осонлик билан ишғол этади.

Бундай даҳшатли, беаёв тўқнашувлар, тожу тахт учун узлуксиз ур-йикитлар шароитида ҳам Камолиддин Бехзод Ҳиротда қолиб, ўз ижодий ишларини давом эттиради. Бехзод Ҳиротда Шайбонийхон саройида ишлай бошлайди. Темурийларнинг юксак маданиятига ҳурмат ва эътибор билан қараган Шайбонийхон Бехзод санъати олдида лол бўлгани ҳолда унинг ижодий ишларига деярли тўсқинлик қилмайди, аксинча, мумкин қадар шароит яратиб беришга ҳаракат қилади. Бехзод буюк Соҳибқирон портретини айни ўша йиллари чизганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Эрондаги сафавийлар салтанати бу даврда анча кучайиб, ички ва сиёсий курашлар туфайли инкирозга юз тутган Хуросондаги шайбонийлар салтанатига таҳдид солиб, 1510 йилда икки сулола қўшини ўртасида Марв ёнидаги Тоҳиробод деган жойдаги шиддатли жангга Муҳаммад Шайбонийхон ҳалок бўлади, унинг қўшини тормор этилади ва Ҳирот сафавийлар қарамоғига ўтади.

Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йили Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни, ҳунармандларни ўзи билан бирга Табризга олиб кетади. Ҳиротдан Табризга олиб кетилганлар орасидаги энг нодир ва ноёби Камолиддин Бехзод эди. Чунки Бехзод бу пайтда бутун Шарқ элларида донги кетган буюк санъаткор бўлиб, уни ўз қарамоғида сақлаган салтанат энг бой, қудратли ва обрў-эътиборли ҳисобланарди.

Камолиддин Бехзод санъатини юксак кадрлаган Исмоил Сафавий наққошга ижод қилиш учун Табризда барча зарур шароитларни яратиб беради. Бехзод Табризга бир гуруҳ истеъдодли шогирдлари билан келган бўлиб, улар ҳам Бехзоднинг раҳнамолигида ўзларининг ижодий ишларини давом эттирадилар.

Ўша пайтларда Табризда, умуман, Эрон салтанатида ҳам ички сиёсий аҳвол яхши эмас эди. Ташқаридан усмонли турк султони Салим Пошшо Эронга кетма-кет таҳдид солиб турарди. 1514 йилда Эрон ва Турк қўшинлари ўртасида Табриздан йигирма фарсанг узокликдаги Чолдорон деган кенг текисликда шиддатли жанг бўлиб, мазкур жангга сафавийлар мағлубиятга учрайди ва бир йилча Табриз турклар қарамоғида бўлади. Камолиддин Бехзоднинг бошига яна оғир мусибатлар тушади. Баъзи ман-





баларда ёзилишича, Табриздаги сафавийлар саройида энг эътиборли санъаткор бўлгани учун Бехзод билан бирга атокли хаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурийни турклар ўз юртларига ўлжа қилиб олиб кетмасликлари учун подшоҳ амрига биноан Табриз атрофидаги бир улкан ғорга мажбуран яшириб қўйган эканлар. «Саромадани хунар» асарида берилган маълумотга кўра, Шоҳ Исмоил Сафавий жангдан энгилиб чикқач, ўз мулозимларидан сўраган нарсаси шу бўлган экан: «Бехзод қандай? Унинг жони омонми? Уни турклар олиб кетмадимми?»

Санъатшунос ва шаркшунослар Бехзоднинг Табриздаги ҳаёти ва ижоди тўғрисида жуда кам маълумотга эгалар. Масалан, 1512 йилдан 1522 йилгача, яъни Сафавийлар салтанати китобхонасининг бошлиғи этиб тайинланганига қадар Бехзод Ҳиротда яшаганми ёки Табризда яшаганми? Баъзи бир мутахассислар, мана шу 10 йил ичида Бехзод Ҳиротда яшаган, деган фикрдалар. Бирок баъзи бир фикр-мулоҳазалар бизни бироз бошқача ўйлашга мажбур этади. Бу ўринда шуни ҳам инобатга олмоқ керакки, Исмоил Сафавий Ҳиротни забт этгандан сўнг, ўзининг севимли наққоши Бехзодни қандай қилиб Ҳиротда қолдирди экан? Ахир, Камолиддин Бехзод ўша йиллари бутун Шарқ юртларида бағоят машҳур бўлган наққош эди-ку! Ахир, у Ҳиротдаги Султон Ҳусайн Мирзо салтанати хазинасидаги «энг нодир ва ноёб жавоҳир» эди-ку! Умуман, бу масала ҳалигача бехзодшунослар учун муаммо бўлиб турибди. Бу ҳақда янги далиллар топилгунга қадар аниқ, катъий фикр айтиш қийин.

Европалик бехзодшунослар орасида ҳам рассомнинг Табриздаги ҳаёти тўғрисида аниқ, ишонарли маълумотлар йўқ. Масалан, Европанинг атокли миниатюрашунос олими профессор Эрист Кухнел Камолиддин Бехзоднинг Табризга борган йилини 1506 йил деб кўрсатади: Бехзод 1506 йилда Табризга боради, у ерда 1520 йилгача қолиб, ўзининг ижодий ишлари билан машғул бўлади. Демак, Бехзод Табризга борганлиги, у ерда неча йил турганлиги, умуман, унинг Табриздаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида жаҳон бехзодшунослари ўртасида ҳали ноаниқ, баҳсли масалалар анчагина.

Ҳар ҳолда, ўн йил қисқа муддат эмас. Бу давр Камолиддин Бехзод ҳаётида энг мушкул, нотинч ва алғов-далговли йиллар бўлганлиги шубҳасиз. Бехзод ўзининг бутун навқиронлик йилларини, катта билим ва маҳоратини сарфлаб бунёд этган Ҳиротдаги бой нафис тасвирий санъат мактаби темурийлар салтанати билан бирга инкирозга йўлиқди. Бу йиллар ичида Табризда яшаган Бехзод ўзининг она шаҳри Ҳиротга бир неча бор келиб-кетиб турган ва ўша кезларнинг бирида Заҳириддин Муҳаммад Бобур у билан Ҳиротда мулоқот қилган бўлиши мумкин.

1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий махсус фармон чиқариб, санъаткор Бехзодни Табриздаги салтанат китобхонасига бошлиқ қилиб тайинлайди. Бехзод ҳаёти ва ижодига оид жуда кўп манбаларда келтирилган фармоннинг матнини куйида ўзбек тилида келтирамиз:

«Камолиддин Бехзод номига берилган шаҳаншоҳ китобхонасининг бошлиғи нишони.

Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирининг иродаси, осмону замин нигорхонаси муҳаррирининг иродаси шулки, «У сизни яратди ва хушсуврат этди» калимасига биноан, у нақш ва ғаройиботлар кўргуздики, башарият одамлари имкон саҳифасига суврат чизган қудрат каламига офарин ўқишди. «Биз сизни замин ҳукмдорига ёрдамчи этдик» сўзларига караганда, инсон зотининг бошқа махлуқотдаги сувратда





зиёда тасвирланиши унинг ҳикматли бармоқлари таҳрири экан, бизнинг Ҳумоюн зотлимиз номидан Уторуд калами билан Хуршид ҳал берган саҳифа узра замин халифаси фармониға имзо чекилди. Кўк гумбазидек варақларни бизнинг фатҳ ва зафаримиз белгилари бўлган «Рўзнома»мизни китобат қилишда кўк гумбазидек ложувард варақларни нуқра юлдузлар билан афшон, қирмизи шафак жадвали билан мунаққаш ва музайян этиб, шунга муносиб ва лойик кўрилдики, олийжаноблик дил лавҳи Аллохнинг ярқирок нури билан тарх этилмиш сувратларининг зоҳир бўлиши хайрихоҳлик белгилари экан, у шу тахлитда мусаввир бўлди, ҳар бир зарурат бахтли сарқор ҳоким қарамли заруратидан, ҳар бир иш жаҳонбонлик қорхонасининг азим ишларидандир. Ҳунармандликда доно, ишбилармонликда фазилатлилар қаторида, таррохликда ўтқир зеҳн, бўёқ беришда нафис табиат, тарх кашф қилишда унинг ҳар қандай туриға қодир, нақш ихтиро этишда фаросатини ўз тахтасида зоҳир этди. Матлуб ва мақсуд чехрасидан никоб пардасини оча олди, аср нодираси, мусаввирлар пешвоси, музаҳхиблар етакчиси устод Қамолиддин Бехзодқим, унинг чехра очувчи мўйкаламидан Моний жони хижил бўлди, сувратға оро берувчи қаламидан Артанг лавҳалари хижолат чекди: шунга биноан унга шу нарса тааллуқ ва лозим топилсинқим, пайваста қаламнинг ижроси вожиб фармонға бош чектириб, халифа нишонли подшоҳ остонасининг мулозимати марказиға унинг қадамини парға мисол мустаҳкам қўйиб, хисравона лутф ва шаҳона марҳамат бажо келтириб ҳукм этамизқи, олийҳазрат китобхонаси аҳли: қотиб, наққош, музаҳхиб, жадвалқаш, халқор, зарқўб, ложувардшўй ва худо паноҳидағи мамлакатнинг мазкур ҳунарларға мансуб бўлган бошқа жамоати унинг ихтиёрида бўлсинлар. Пок дилли амирлар, монанди йўк вазирлар, олампадох даргоҳидағи ноиблар, осмон сингари боргоҳ элчилари, султон хизматидағи мубоширлар, умуман, девон ишлари мутасаддилари, шоҳ китобхонаси аҳолиси ва мазкур жамоат, хусусан, мазкур устод зиммасиға муставфий ва қалонтарлик ишини топширилган ҳисоблаб, китобхона ишларини адо этиш унинг зиммасиға юклатилсин. Ушбунинг ижроси муҳри ва тасдиқи билан мўътабар саналсин, сўзлари, келтирадиган савобли натижалари шаҳаншоҳ қутубхонаси ишлари бўйича ҳукмлар бобида деюлирқим, рад этиш, ўзбошимчалиқ зоҳир этилмасин. Шунингдек, вазифалардан зарурлари юқорида зикр этилганларни маҳсус ҳисобласинлар.


Устод яна амонат суврат ва диёнат чехрасини хотири лавҳиға ва мунаввар мусаввирлиғи дили саҳифасиға чизмаслиғи лозим. Ушбу хизматға ростлик йўли билан қиришуви, иккиюзламачилик майлидан ўзини йирок тутиб, содиқлик ва савоблик қондасидан четланмаслиғи керак, атрофдағилари ҳам шу йўлда борсинлар.

Мазкур Шаҳаншоҳ ҳукми муҳри ва имзо билан мунаққаш этилгач, олий мансабдорлар воқифлиғиға эътимод тутилсин.

Таҳрири 27 жумодию-л-аввал, 928 ҳижрий йил (1522 йил, 24 апрель)».

Умуман, Бехзоднинг Табриздағи ҳаёти Ҳиротдағидек осойишта ўтмаган бўлиши керак. Асли хиротлик бўлган Бехзод учун Табриз, бир томондан, бегона юрт бўлса, иккинчи томондан, бу юртда ўша кезларда жангу жадаллар давом этиб турган. Ундан ташқари, рассомнинг Ҳиротдағидек Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Султон Али Машҳадий каби устозлари, яқин дўстлари, раҳнамолари йўқ эди. Яна шу нарсани ҳам эътиборға олишимиз керакки, Бехзод машҳур санъатқор бўлгани учун ҳам, унинг жони ҳамиша нотинч, қалби доимо изтиробда эди.





Табиийки, Табриздаги қаттиқ рухий азоблар, ўз она юртидан йироқда, ғурбатда ҳаёт кечиришнинг азобу укубатлари Бехзод ижодида ҳам акс этмай қолмади. Масалан, Исмоил Сафавий портретини ишлагандан сўнг, унинг бир бурчагига «Шикаста каламли фақир Бехзод» деб имзо чекиши бежиз бўлмаса керак. Ёки бўлмаса, рассом ўзининг «Жанги шутирон» («Туялар жанги») номли машҳур миниатюрасининг тагига «калами шикаста, номурод, фақир Бехзод, умри 70 дан ошганда ушбу ишга қўл урди», деб гам-андух билан имзо чекканини эслайлик.

Дарҳақиқат, буюк санъаткорлар учун ғурбат, ватандан жудолик ниҳоятда оғир ва машаққатли кечган. Улар аламнок ички кечинмалари, юракларидаги дардлари ва туғёнли изтиробларини ўзлари яратган асарларида бағоят таъсирли, реал ва очиқ-ойдин қилиб тасвирлаганлар.

«Жанги шутирон», «Тасвири шох Исмоил Сафавий» асарларининг мазмунидан, уларнинг чеккаларида «фақир», «номурод», «калами шикаста» каби сифатларни ўз номига қўшиб имзо чекишидан улкан ва такрорланмас истеъдод эгаси, буюк қалб соҳиби бўлган Бехзоднинг юрак қаъридан сизиб чиқаётган ғам-андухлар нақадар оғир ва мусибатли бўлганини англаш қийин эмас! Бундай асарлардан шу нарса яққол сезилиб турадики, Бехзод улкан санъаткор сифатида ўз замонасининг барча оғир ижтимоий дардларини ҳам ҳассос қалбида саклаб юрган. Шунинг учун ҳам, унинг асарлари ғоятда таъсирчан, ҳеч қимми бефарқ қолдирмайдиган, қайта такрорланмас даражада бекиёс ва безаволдир.

Қамолитдин Бехзод Табризда кечирган азоблари олдида чекинмади, нафосат ва гўзаллик оламига, табиат, жамият ва инсонга нисбатан қучли муҳаббат, ижодга бўлган жўшқин шавқ ҳамда иштиёқ уни яна ижод сари етаклади. Бехзод Табризда истикомат қила туриб санъаткор сифатида ҳаётида яна бир бор жасорат кўрсатди. Ғурбатда, рухий азобларда, она шаҳридан олисда туриб яна бир нафис тасвирий санъат мактабини бунёд этди. Хиротдагидек бу ерда ҳам ўз атрофига истеъдодли рассом, наққош ва бошқа ҳунармандларни тўплади, уларга кунт билан раҳнамолик қилиб, ўз сеҳргар санъатининг сир-асрорларини ўргата бошлади. Табризда Султон Муҳаммад, Оқо Мирак, Мир Мансур Мусаввир, Мир Саид Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялади. Улар эса, ўз навбатида, Бехзод вафотидан сўнг, XVI асрда Табриз, Кобул, Дехли, Бухоро каби Шарқнинг улкан шаҳарларида янги шароит ва янги замонада ўзларига хос нафис тасвирий санъат мактаблари яратиб, устозлари Қамолитдин Бехзод услубини муваффақият билан ривожлантирдилар. Қамолитдин Бехзод шогирдларининг наққошлик фаолиятида, демакки, Шарқ халқлари, айниқса, Ўрта Осиё халқлари маданияти муҳим роль ўйнайди.

930/1524 йилда Табриз султони Шох Исмоил Сафавий вафот этади ва тахт ёш шахзода Таҳмосиб қўлига ўтади. Манбаларда берилган маълумотларга кўра, Бехзод сафавийлар саройига жуда яқин, подшо салтанатидаги энг ишончли санъаткор бўлгани учун ҳам шахзода Таҳмосибга болалик пайтиданок миниатюрасозлик илмидан дарс бериб, уни ҳам ўз сеҳргар санъатининг сир-асроридан хабардор қилиб борган.

Қамолитдин Бехзод кексайиб қолган бўлишига қарамадан, бу даврда ҳам бетиним ижод билан шуғулланиб, жуда кўп иқтидорли рассом ва наққошларга бошчилик қилади.





Шухрати оламга ёйилган Камолиддин Бехзод 942/1535 йили вафот этган. Унинг қабр тошига шоир Амир дўст Ҳошимийнинг қуйидаги шеъри битилган:

Ваид-ул-аср Бехзод он ке чун у
 Ўзи батни модари айём кам зод,
 Қазо чун суврати умраш бипардохт
 Ажал хоки вужудаш дод бар бод.
 Ўзи ман сувратгаре тарих пурсид,
 Баъд у гуфтам жавоб аз жони ношод:
 «Агар хоҳе ке торихаш бидони,
 Назар афкан ба «Хоки табри Бехзод».

Мазмуни: Асрининг яғонаси бўлган Бехзод шундай буюк одамки, ундай кишилар онадан жуда кам туғилади... Қазо (ўлим) унинг ҳаётига хотима ясади, ажал унинг тана тупроғини елга топширди. Бир сувратгар Бехзод вафотининг тарихини (йилини) мендан сўради. Унга ғам-гусса билан шундай жавоб бердим: «Бехзод вафот этган йилни билишни истасанг, «Хоки қабри Бехзод» (Бехзод қабрининг тупроғи)га назар сол.

Шарқ ва Ғарб шарқшунос ва санъатшунослари орасида Бехзод дафн этилган жой тўғрисида ҳам икки хил фикр мавжуд.


Шундай қилиб, Шарқ халқларининг муштарак ифтихори, буюк фарзанди бўлмиш Камолиддин Бехзод XV асрнинг иккинчи ва XVI асрнинг биринчи ярмида Ҳирот ва Табризда яшаб, ғоятда баракали ижод этди, ўзидан кейинги авлодга бой, ранг-баранг ва ажойиб тасвирий санъат асарларини мерос қолдирди.

Ориф УСМОНОВ,
 филология фанлари доктори,
 Абдумажид МАДРАЙМОВ,
 тарих фанлари доктори

МАҲДУМИ АЪЗАМ (1461–1542)

Маҳдуми Аъзам XV–XVI асрларда ўтган йирик мутасаввуф, нақшбандия тариқатининг назарийтҳисси ва давомчиси, файласуф ва ахлоқшунос олим, фақиҳ ва таъсир доираси кучли сиёсий арбоб бўлган. У кучли руҳий таъсир қувватига эга бўлган зот эди. У, айни пайтда, нақшбандия арконларига мувофиқ деҳқончилик ҳунарини эгаллаб, бу соҳада алоҳида истеъдодга эга бўлган зироатчи сифатида янги-ча мева ва полиз навларини етиштирган. Марказий Осиёда темурийларнинг тож-тахт таллашишлари оқибатида парчаланиб кетган йирик салтанатнинг инқирози даврида яшаган Маҳдуми Аъзам бу салтанатни қайта тиклашга ҳаракат қилган шайбонийларнинг бирлаштирувчи ҳаракатига сиёсий жиҳатдан кўмак берди, бўлиниб кетаётган хонлиқлар ва амирликлар ўртасидаги низоларни келиштиришга кўп куч сарфлади ҳамда шайбонийлар билан темурийларни бир-бири билан яраштиришга интилиб,





Ҳиндистонга кетган темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маърифатчилик ғояларини қўллаб-қувватлади. Яхши оилавий тарбия кўрган мўмин, ориятли, камтарин, муҳтожларга, ожизларга меҳр-мурувватли, раҳмдил мураббий, золимларга, адолатсиз амирларга бешафқат, илм-маърифатга ҳомий инсон эди.

Мутафаккирнинг тўлик исми-шарифи – Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолоддин Хожаги Косоний – Даҳбедий Махдуми Аъзам (1461–1542). Бу исмдаги «Махдуми Аъзам» устози Мавлоно Муҳаммад Қози томонидан айтилган таҳаллуси бўлиб, «сулуғ махдум», «устозларига садоқатли шогирд» маъноларини беради. Махдуми Аъзам ислом оламида ўтган учта буюк Аъзамлардан бири эканлигига ҳам ишорадир. Улар: Имоми Аъзам, Ғавсули Аъзам ва Махдуми Аъзам.

Махдуми Аъзам 866/1461 йили Фарғонанинг қадимий пойтахти бўлган Косон кентида туғилган. Бу жой Косонсой дарёси қирғоғида жойлашган чиройли ва иқлими салкин шаҳар бўлган. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида бу жой Буюк ипак йўлида жойлашган обод шаҳарлардан бири бўлган. Бу шаҳар боғ-роғларга бурканган, зилол сувлари, ҳушбўй гуллари мўл, хавоси тоза жой бўлгани сабабли халқ хордиқ чиқариш учун ҳам бу масканга оқиб келаверган. Ҳозирда бу жой Косонсой шаҳарчаси номи билан маълум.

Махдуми Аъзам 949 йил 21 муҳаррам/1542 йил 8 май душанба куни Самарқанд шаҳридан шимол томонда жойлашган Даҳбед қишлоғида вафот этган. Унинг васиятига кўра, ўзи яратган боғнинг ўртасидаги мурут (нок) дарахти остига дафн этилган. Абу Тохирхожанинг «Самария» асарида ёзилишича, «Қутби олам рафт вой» («Олам қутби кетди») сўзи Махдуми Аъзам ўлимининг тарихидир. Бу тарих абжад ҳисобида 949 ни беради. Самарқанд шаҳри билан Даҳбед ораси бир тош (8 чақирим) йўлдир». Махдуми Аъзам ётган қабр атрофида унинг яқин кишилари, фарзандлари, неваралари, муридлари ва Махдуми Аъзамга қўл берган шох ва султонлар, маликалар ҳам дафн этилган. Жумладан, Самарқанд султони, Шердор ва Тиллақори сингари обидаларни қурдирган Ялангтўш Баҳодирнинг ҳам қабри шу жойда.

Махдуми Аъзамнинг отаси илми, маърифатли саидзодалардан бўлиб, эл-юрт орасида катта обрў-эътиборга эга киши эди, шу сабабли, унинг исми ёнига Мавлоно сўзини қўшиб, Мавлоно Жалолоддин деб мурожаат қилишган. Мавлоно Жалолоддиннинг отаси Саййид Жамолддин бўлиб, у Саййид Бурхониддин Хожанинг ўғли эди. Саййид Бурхониддин Хожа эса Саййид Амир Мажнуннинг ўғли ва Саййид Бурхониддин Қиличнинг невараси бўлган. Саййид Бурхониддин Қилич тасаввуф илми соҳасида танилган мўътабар шайхлардан биридир. Хуллас, Махдуми Аъзам хонадонидида сақланиб қолган шажаранома ва ишончли тарихий манбаларга кўра, Косонийнинг насаби пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) шажарасига 22 авлодли халқа орқали уланади. Саййидлар авлодига бутун мусулмон оламида ҳурмат-эътибор кучли бўлган, шу боис, Махдуми Аъзам туғилиб ўсган хонадон ҳам эл орасида табаррук хонадонлардан бири сифатида эъзозланган. Таниқли шарқшунос олим Аширбек Мўминовнинг тадқиқотларига кўра, Махдуми Аъзам онасининг авлодлари Аҳмад Ясавийга бориб тақалади. Махдуми Аъзамнинг тоғаси эса тижоратчи бўлган.

Махдуми Аъзам яшаган вақт Марказий Осиёдаги катта сиёсий, маънавий ва иқтисодий инкирозлар даври бўлган, чунки, темурийзодаларнинг ички зиддиятлари буюк соҳибқирон Амир Темур асос солган салтанатнинг парчаланишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, майда-майда хонликларга бўлиниб кетаётган мам-






лакатда турли хил конунлар амал қиларди. Бу ҳудудда ягона каттикқўл ҳукмронлик ва тартиб-қоидаларнинг йўқлиги қароқчилик ва йўлтўсарликнинг авж олишига йўл очган. Бунинг оқибатида, қадимги ипак йўли орқали мағриб ва машрикка отланган тижоратчилар турли хил бало-офатларга дуч келарди. Бундай оғир шароит тижоратчиларнинг тинқасини қуритар ва улар Ўрта Осиё ҳудудидан четлашиб, бошқа йўллар орқали манзилларига боришга ҳаракат қилишарди. Натижада, катта-катта қарвонлар энди Марказий Осиёни четлаб ўтиб бошқа йўлларни оча бошлашди. Бу эса, ўз навбатида, бу ҳудуднинг жаҳон тараққиётидан четланиб қолишига сабабчи бўлди. Иккинчи томондан, XVI асрнинг бошиданок шайбонийлар парчаланган темурийлар салтанатини қайта тиклашга, илм-маърифатни катъий исломий талабларга бўйсунган ҳолда ривожлантиришга интилишди. Бу талаблар илмнинг бир ёклама, диний-илоҳий йўналишдагина ривожланишига, дунёвий маърифатдан ажралиб қолишига ва амалиётдан бегоналашувига сабабчи бўлди.

Маҳдуми Аъзам болалигида ота-онасининг кўрсатмасига биноан чорвачилик билан шуғулланган. Қуёнларнинг бирида ёш Саййид Аҳмаднинг онаси болам кечаси кўрқиб чикмасин деб ёстиғи четига «Қуръон» китобини қўйиб қўяди. Бола тушида бир нуроний киши унинг қўлига бир китоб бериб, уни ўқи деб даъват қилганлигини кўради ва эрталаб уйғониб қараса, ёстиғи четида ўша китоб турибди. Бундан ниҳоятда таъсирланган бола, уни ўқишим керак деб туриб олади. Бу китобнинг қандай китоб эканлигини сўраганида, Қуръони қарим эканини айтишади. Шундан сўнг, ёш Аҳмадда илмга рағбат пайдо бўлади. У ёшлигида дастлаб отаси Мавлоно Жалолиддиндан, сўнгра, Мавлоно Мир Сайид Алидан сабоқ олди. Бундан ташқари, айрим тадқиқотларда Саййид Аҳмаднинг Мулло Зиё исмли устоздан ҳам таълим олганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Мир Сайид Али, айниқса, илми сарфу наҳвдан (морфология ва синтаксисдан) кучли билимга эга устоз бўлган. Саййид Аҳмаддаги илмга бўлган чанқокликни кўрган устози унга кўпгина илм сирларини ўргатади ва шогирдидаги сўфийликка рағбат қуртакларини сезгач, унга Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди Мавлоно Муҳаммад Қозидан дарс олишни маслаҳат беради. Шу даврда Мавлоно Муҳаммад Қози Тошкентдаги Шайх Зайниддин бобо макбараси ёнида жойлашган мадрасада мударрислик қилар эди. Маҳдуми Аъзам тоғаси билан биргаликда Тошкентга боради ва улар Қўкча масжидида намоз ўқишади. Намоздан чиққач, ёш Саййид Аҳмад рўпарасидан руҳан салобатли бир инсон келаётганлигини кўради ва унга одоб билан салом бериб, шундай дейди: «Устоз, мен сизни танидим, тушимда кўрган эдим». Бу инсон Мавлоно Муҳаммад Қози эди. Мавлоно ёш йигитчага жавобан: «Мен ҳам сизнинг келишингизни билар эдим, бўтам», – деб жавоб беради. Шунда Саййид Аҳмаднинг тоғаси гапга қўшилиб, «Таксир, агар лозим топсангиз, менинг жиянимни шогирдликка қабул қилсангиз, «эти сизники, суяги бизники». Бу – жияним Саййид Аҳмад. У аҳсилик Мавлоно Жалолиддиннинг ўғлидир», – дейди. Шунда Мавлоно Муҳаммад Қози: «Маъқул, бўтам, мен Мавлоно Жалолиддин ҳақида кўп маърифатли инсон деб эшитганман. Уларнинг фарзандига илм ўргатиш биз учун шарафдир», – дея Аҳмадхўжанинг бошини силаб, «Бўтам, бор сен мадрасага кириб, тенгдошларинг билан танишиб олгин», – деб уни мадрасага йўллайди. Шу тарика, Маҳдуми Аъзам узок йиллар Мавлоно Муҳаммад Қозининг таълимини олиб вояга етган. Маҳдуми Аъзам унвонини ҳам Саййид Аҳмадга шу устози тавсия этган. Маҳдуми Аъзам 1510 йилгача Мавлоно Муҳаммад Қозининг хузурида бўлган. Муҳаммад Қози 1515 йили





вафот этган. Махдуми Аъзам тасаввуф бўйича устози Мавлоно Муҳаммад Козидан фотиҳа олишидан илгари хожагонлар мазорини зиёрат қилиш мақсадида Бухорога борган ва у жойда Ҳазрати Хожа қаддасаллоҳу (Баҳоуддин Нақшбанд), Ҳазрати Хожагон (Абдулҳолик Ғиждувоний) ва бошқа нақшбандия – хожагон пирларининг қабрларини зиёрат қилган.

Саййид Аҳмадни шайбоний ҳукмдорларидан бири, Самарқанд ҳокими Жонибек Султон пойтахтга таклиф қилади, чунки Махдуми Аъзамнинг фавқулодда истеъдоди, тасаввуф ва фикҳ соҳасидаги эл орасида орттирган шуҳрати ислом динига кучли эътиқод қўйган шайбонийлар қулоғига ҳам етган эди. 1503–1509 йиллари Аҳсида ҳокимлик қилган Жонибек Султон Мавлоно Жалолиддин ва унинг ўғли Саййид Аҳмадга қўл бериб пир тутган. Жонибек Султон 1510 йили Миёнколга ҳоким қилиб тайинланади ва у Махдуми Аъзамни ҳам пир сифатида ўзи билан олиб кетишга отасидан изн сўрайди. Султоннинг таклифи ерда қолмайди ва шу сабабли Махдуми Аъзам Самарқандга боради. У ерда Жонибек Султон Махдуми Аъзамга Миёнкол оролининг энг серҳосил ва серсув жойидан ер ажратиб беради. Миёнкол ороли Зарафшон дарёсининг иккига ажралиб ва яна қўшилишидан ҳосил бўлган оролдир. Бу жойда Махдуми Аъзам дехқончилик (зироатчилик) ва боғдорчилик билан шуғулланиб, дастлаб ўнта тол дарахти экади. Шундан бу мавзенинг номи Даҳбед (ўнта тол) деб аталган экан. 1514–1516 йиллари Махдуми Аъзам шайбонийлар давлатининг пойтахти Карманада яшайди ва бу даврдаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб, тинчлик ва озоишталикнинг сақланишига, ҳукмдорларни бир-бири билан яраштиришга интилади. Бу даврда ҳокимият Шайбонийхон вафотидан кейин Мирзо Улуғбекнинг набираси, Шайбонийхоннинг амакиси Кўчқунчихон (1510–1530) қўлига ўтади ва шайбонийлар аро ички зиддиятлар авж олади. Бир муддат Самарқанд Бобур қўлига ўтади ва ундан ҳокимиятни Убайдуллахон (1533–1539) олиб қўяди. Убайдуллахон Махдуми Аъзамни ўзига маънавий пир-муршид ҳисоблаб, унинг қаршисида муридлик одобини ўрнига қўйган ва ихлос билан пиридан руҳий мадад олган. Махдуми Аъзам Убайдуллахоннинг рубойи ва газалларига шарҳлар ёзган. Шу асосда пир ўз муриднинг шарафига «Рисолаи шарҳи рубоийети Убайдий» асарини ёзган. Бухоро хони Искандархон ҳам Махдуми Аъзамга қўл бериб мурид бўлган ва ўзининг фарзанди туғилганда исм қўйиб беришни пиридан илтимос қилган. Махдуми Аъзам бу чақалокқа Абдулла деб исм қўяди ва боланинг толеи баланд бўлишини, унинг ҳукмронлиги даврида илм-марифат равнақ топишини башорат қилади. Ҳақиқатан ҳам, Абдуллахон даврида Махдуми Аъзамнинг башорати рўёбга чиқади. Махдуми Аъзам Захириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутган. Бобур пирига совғасаломлар, мактублар юборган. Махдуми Аъзам ҳам жавоб сифатида «Рисолаи Бобурия» асарини ёзган. Махдуми Аъзам ўз вақтида Шарқий Туркистонга ҳам маънавий таъсирини ўтказган. Манбаларнинг шохидлик беришича, Ёрқент хони Абдурашидхон (1533–1560) тахтга ўтиргандан сўнг, яъни 1533 йили Махдуми Аъзамга чопар юбориб меҳмонликка чақиради ва ундан Ёрқентда қолиб пирлик қилишини ўтиниб сўрайди. Махдуми Аъзам Ёрқентга ўзи билан муриди Хўжа Муҳаммад Шарифни ҳам халифа қилиб олиб борган эди. Махдуми Аъзам Ёрқентда қола олмаслигини тушунтириб, ўзининг ўрнига Муҳаммад Шарифни Абдурашидхонга пир қилиб тайинлайди. Кейинчалик, Махдуми Аъзамнинг кенжа хотини Бибиҷаи Қашқарийдан






туғилган фарзанди Хожа Исҳоқ Вали Шаркий Туркистонга бориб, бу ҳудуднинг маънавий жиҳатдан юксалишига ва боскинчиларга қарши курашга раҳнамолик қилган.

Ёзма манбаларда Махдуми Аъзамнинг шогирдлари ҳақида ҳам бир қатор маълумотлар келтирилади. Айрим манбаларда Махдуми Аъзамни олтмишта авлиёни тарбиялаб етиштирган муршид (пири шасти) деб аташади. Ўз даврида Хожагон тариқатининг пешвоси бўлган Махдуми Аъзамдан, умрининг охирларида, етмишта шогирд таълим олган. Уларнинг энг пешвоси чустлик Мавлоно Луффуллох бўлиб, у Махдуми Аъзамдан сўнг тариқат занжирини ўз қўлига олган ва Хожа Исҳоқ Валига раҳнамолик қилиб келган. Вафот этгач Чустга дафн қилинган. Яна бир шогирди, халифаси Хожа Исмоли Жўйборий 1494 йил туғилган, 12 ёшлигидан бошлаб Махдуми Аъзамга мурид тушиб, унинг хизматида бўлган. Махдуми Аъзам вафотидан сўнг у устозининг катта фарзанди Хожаи Калон – Муҳаммад Аминга раҳнамолик қилиб 20 йил тарбиялади. Шу вақт мобайнида кўпгина ҳукмдорларга диний пешволик қилди. Махдуми Аъзамнинг яна бир шогирди Мавлоно Поянда бўлган. Кўпчилик маърифатпарвар олимлар, ҳукмдорлар, давлат арбоблари, шоиру уламолар Махдуми Аъзамга қўл бериб мурид бўлган. Жумладан, шайбоний ҳукмдорларидан Убайдуллаҳон, Абдулазизхон, Жонибек Султон, Бухоро амири Искандархон ва унинг ўғли Абдуллаҳон, теурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур Махдуми Аъзамнинг муриди бўлишган. Махдуми Аъзамнинг 13 нафар ўғли ва 2 кизи бўлган. Улар: Муҳаммад Аминхўжа (Хожаи Калон), Хожа Дўст, Хожа Исҳоқ Вали, Хожа Баҳовуддин, Хожа Абдуллоҳлик, Хожа Содик, Хожа Ҳасан хўжа, Хожа Илоҳ хожа, Хожа Муҳаммад-Али хожа, Шайхзода хожа, Хожи Муҳаммад хожа, Хожа Иброҳим хожа, Хожа Абдулло хожа, икки кизининг исми номаълум. Ўғилларининг 4 нафари қосонлик хожаларнинг кизи бўлмиш катта хотинидан, яна 4 таси иккинчи хотинидан, 2 ўғил ва 2 кизи 3-хотини Биби Малика Қосонидан, қолган 3 ўғли кенжа хотини Бибичаи Қашқарийдан. Махдуми Аъзам ўзининг кенжа хотинидан бўлган ўғли Хожа Исҳоқ Валини ҳамма фарзандидан устун қўйган. Одамлар: «Нима учун бу фарзандингизни устун қўясиз? – деб сўраганларида: «Бу ўғлим ҳамма ўғилларимдан доноликда, зехни ўтқирликда ва меҳрибонликда фарқ қилади. Қолаверса, у менга энг катта ҳурматга сазовор бўлган саййидлар сиймосида кўринади», – деб жавоб қилган. Бу ҳолат, табиийки, катта ўғилларига ёқмаган. Шу туфайли, Хожаи Калон билан Хожа Исҳоқ Вали орасида зиддиятлар пайдо бўлган. Бу икки фарзанди Шаркий Туркистонда фаол иш олиб боришган ва нақшбандийликда «оқ тоғликлар» ва «қора тоғликлар» деб аталган оқимларнинг вужудга келишига сабаб бўлишган.

Махдуми Аъзам ёзган ўттиздан зиёд асар 10 та тўпلامда йиғилган бўлиб, бу тўпلامлар мутахассислар томонидан турли даврларда жамлангандир. Бу тўпلامларга 25–30 тадан рисола киритилган. Олим К. Каттаевнинг Махдуми Аъзамга бағишлаб ёзган рисоласида 33 та рисола шарҳлаб берилган. Улар куйидагилар: 1. «Рисолаи самоия». Бу асарда Махдуми Аъзам тариқат мақомлари ва уларнинг бир-биридан фарқи, зикри жаҳрия ва зикри хуфиянинг ўзига хос томонлари, зикри жаҳрия мақомларининг мусикавий таъсири, мусиканиннг илоҳийлик ва инсонийликнинг боғловчиси экани ҳақида фикрлар билдирган. 2. «Рисолаи асрору-л-никоҳ». Никоҳнинг сир-асрорлари, никоҳланувчиларнинг хоши-иродаси, никоҳнинг илоҳийлиги, никоҳ қоидалари ва никоҳ масъулияти баён этилган. 3. «Рисолаи вужудия». Унда борлик, борликнинг турлари, шакллари, илоҳий борлик, дунёвий борлик,





ахлокий борлик, касбий борлик, деҳқоний борлик ҳақида кизикарли фалсафий фикрлар берилган. Бухоролик тадқиқотчи Эркин Зойиров мазкур рисоланинг ўзбекча ва тожикча таржималарини нашрга тайёрлаган. 4. «Рисолаи адабу-с-содиқин» илоҳий ишқ, Аллоҳга садоқат ва ҳаққа етишиш шартлари ҳақида. 5. «Рисолаи одобу-с-солиқин». Пирлик, муршидлик ва муридлик одоби, уларнинг бир-бирига садоқати ҳақида. 6. «Ганжнома» илоҳий ишқ моҳияти ва унга етишиш машаққатлари хусусида. 7. «Рисолаи бақоия» («Мангулик рисоласи») чин кўнгилдан тавба-тазарру қилган, чин кўнгилдан кўз ёш тўкиб, Аллоҳдан авф сўраганларга Аллоҳнинг раҳм-шафқати насиб бўлиши ҳақида. 8. «Насихату-с-солиқин» («Солиҳларга насихатлар») асарида ҳадислар таҳлил этилган. 9. «Шарҳи саводу-л-важҳа фи дорин». Бу рисолада маънавий кашшоклик кишини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам юзи қароликка олиб бориши ёритилган. 10. «Шарҳу-л-валади саробия» тарбияда бола отага тақлид қилганидек, мурид ҳам ўз муршидига тақлид қилиб, унинг ортидан эргашиши кераклиги ҳақида. 11. «Нихофту-с-солиқин» сўфийлик одоби ҳақида. 12. «Рисолаи зикр»да «Ла илоҳа иллаллоҳ» калимасининг шарҳи берилиб, унинг энг яхши зикр эканлиги асосланган. 13. «Рисолаи баёни силсила»да нақшбандия тариқатининг иродат силсиласи шарҳлаб берилган. 14. «Рисолаи чаҳор калима» хожагон тариқатининг асосчиси Абдулҳолик Гиждувоний илгари сурган тариқат тамойиллари баёнига бағишланган. 15. Аллома ўзининг «Силсилату-с-содиқин» асарида Абу Бақр Сиддиқдан бошлаб бир-бирига ўтиб келган устоз-шогирдлик занжирини шарҳлаб берган. 16. «Рисолаи биттиҳия» – «Қовун ҳақидаги рисола». Унда ҳосилни йиғишдан аввал унинг уруғини тўғри танлаш ва қаш лозимлигини тасвирлаш орқали тарбияда ҳам аввал уруғ сочилади, сўнгра ундан мўл ҳосил олинади, деб таълим берган. 17. «Миръот ус-сафо» («Поклик кўзгуси») деб аталган бу рисолада ҳақнинг тасвири қалбадир, қалбнинг покизалиги соф кўзгуга киёсланади ва сўфийликнинг вазифаси ҳам кўнгилнинг софлигини кўзгунинг софлигини асрагандек асраш лозим, акс ҳолда хира тортган кўзгу дунёни ҳам хира акс эттиради, дейилади. 18. «Зубдат ус-солиқин ва танбият ус-салотин». Рисолада ҳукмдорларнинг этикет қоидалари тушунтирилган. 19. «Гул ва Наврўз». Бу рисолада халқ билан ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида, сўфийлик маънавияти ҳақида маълумотлар берилган. К. Каттаевнинг ёзишича, бу асар Махдуми Аъзамнинг муриди, ҳукмдор Абдуллаҳоннинг илтимоси билан ёзилган. 20. «Рисолаи меърожу-л-ошиқин» сўфийлик тариқатининг ҳукмдорлар кўнглига етказадиган таъсири ҳақида бўлиб, юқори мансабдаги ҳукмдорнинг сафардан қайтишига бағишлаб ёзилган асар. 21. «Рисолаи муршид ус-солиқин» ҳақиқий сўфий ва тариқат етакчисининг вазифалари ҳақида битилган. 22. «Воқеаи ҳаққония»да улуғ пирлар ва алломаларнинг ҳикматли сўзлари жамланган. 23. «Рисолаи Бобурия». Бу рисола Заҳириддин Бобурнинг Хожа Аҳрор Валининг «Рисолаи волидия» асарини туркий тилга таржима қилиши ва Махдуми Аъзамга мактуб йўллашига жавобан ёзилган. 24. «Рисолаи баёни воқеа». Рисолада тасаввуф тариқатлари баёни берилган. 25. «Рисолаи фатҳнома». Рисолада муаллифга мўъжизавий равишда олдиндан аён бўлган башоратлар ҳақида сўз боради. 26. «Рисолаи танбияту-л-уламо». Бу рисолада тариқатнинг йўлидан бораётган олим ва уламоларга насихатлар берилган. 27. «Рисолаи фаноия». Бу рисола бу дунё ва у дунё, уларнинг фарқлари ва боғлиқликлари ҳақида ёзилган. 28. «Рисолаи шайбия». Унда кишининг қароликда эгаллаган донишмандликлари, ҳаётида тотган аччиқ ва ширин дамлар ҳақида мулоҳаза юритилган. 29. «Рисолаи






илмия». Бу асарда илмдаги, ҳаётдаги бағрикенглик, диний ва миллий бағрикенглик, илмининг кадр-киммати, тасаввуф силсиласи баён қилинган. 30. «Рисолаи ахволий ул-уламо ва умаро». Бу рисолада Пайғамбаримизнинг «Амирларнинг энг яхшиси олимларни зиёрат қилади, олимларнинг энг ёмонлари эса амирларни зиёрат қилади» ҳадисларидан келиб чиқиб, олимлар ва ҳукмдорлар муносабати ахлоқий таҳлил этилган. 31. «Рисолаи шарҳи рубоиёти Убайдий» («Убайдий ғазалларига шарҳлар китоби»)нинг бошка номи «Рисолаи шарҳи абиёт»дир. 32. «Рисола дар манокйби Хожа Абдулҳолиқи Ғиждувоний»да хожагон тариқати ва унинг асосчиси Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳаёти, фазилатлари ва дунёкараши ҳақида мулоҳазалар берилган. 33. «Муножот» китобида Аллоҳга қарата айтилган ҳамду санолар ва муножот берилган.

Махдуми Аъзамнинг фалсафа, ахлоқшунослик, тасаввуф ва фикҳ илмида хизматлари катта бўлган. «Рисолаи вуҷудия», «Миръот ус-сафо» сингари фалсафий рисолаларида фалсафанинг онтологик, гносеологик, методологик ва аксеологик масалаларини ривожлантирди. Ҳукмдорлар ахлоқи, пир-муршидлик одоби, муридлар одобига оид ахлоқий асарларида комил инсон тарбиясига оид қизиқарли гоёларни илгари сурган. У тасаввуфда хожагон – нақшбандия тариқатини такомилга етказишда фаол катнашди. Зикри хуфиянинг афзалликларини илмий асослади. Можароларни ечишнинг бир қанча методларини ишлаб чиқди ва амалда қўллаб, амалий конфликтологияга асос солди. Бу, ҳозирги илмий терминлар билан айтганда, «умумийликни топиш», «толерантлик», «конфликт субъектини изоляциялаш» ва «конфликт вазиятдан четланиш» методларидир. Аллома шу усуллар билан ҳукмдорларни яраштирди. Бухоро шаҳрини катли ордан сақлаб қолди.

Махдуми Аъзам кучли нотик бўлган, у ваъз ўқиган йиғинларда минглаб одамлар тўпланган. Улар нотикқа ихлос қилиб тинглашган ва ҳар ким ўзича дардига даво топган, айрим ўзга динга эътиқод қилувчи тингловчилар эса ҳатто ислом динига ўтган. Махдуми Аъзам маърузаларини, айниқса, яҳудийлар қизиқиб эшитиб, исломга ўтганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Махдуми Аъзам инсонга психологик таъсир этиш механизмларини яхши эгаллаган киши бўлган ва амалий фаолиятида гипноз, телепатия, телекинезия, левитация, транспортация ходисаларидан ўринли фойдалана олган. Бу қобилиятининг сир-асрорларини муайян текширишлардан ўтиб синалган, хуфия илмларни сир сақлай оладиган шогирдиғагина мерос қилиб қолдирган. Зироатчиликда янги мева навларини (анжир, нок ва беҳининг янги навларини) кашф этган, янги қовун навларини етиштирган. Дехқончилик тартибқоидаларига оид асарлар ёзган. Миёнқолда қўрик ва тўқай ерларни ўзлаштириб, уларни экинзор ва боғ-роғларга айлантириб, мелиорация соҳасига кўп ҳисса қўшган.

Мустақилликдан илгари Махдуми Аъзамнинг асарларига «диний-клерикал адабиёт», «халқнинг дунёкарашини бузувчи гоёлар» тамгалари қўйилиб, уларни ўрганиш тақиқлаб қўйилган эди. Унинг бой илмий-маънавий мероси истиқлол қўлга киритилгач рўёбга чиқа бошлади. 1992 йилдаёқ Махдуми Аъзам зиёратгоҳини ободонлаштиришга киришилди, Махдуми Аъзам масжиди таъмирланди, қабрлар жойлашган супачалар тартибга келтирилди, масжид мезанаси қайта қурилди, зиёратгоҳнинг ҳовлисига безакли ғиштчалар ётқизилди, чинорлар жонлантирилди. 1993 йили Дахбед мавзеида Махдуми Аъзамнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган халқаро конференция ўтказилди. Махдуми Аъзамга бағишланган буклет, китобча-





лар, мақолалар нашр этилди. Махдуми Аъзамнинг рисолалари чоп этила бошланди. Шу чокқача унинг «Рисолаи чаҳор калима», «Рисолаи илмия», «Рисолаи шарҳи ғазали Убайдуллоҳ», «Рисолаи Бобурия», «Рисолаи вужудия», «Рисолаи зубдат ус-соликин ва танбияту-с-салотин», «Миръоту-с-сафо» рисолалари нашр этилди ва бу рисолалардаги фалсафий, ахлокий, маънавий-маърифий ғоялар тадқиқ этилмоқда. Махдуми Аъзамнинг фаолиятига оид номзодлик (Э. Зойиров) ва магистрлик (Б. Валиев) диссертациялари ёқланди, Б. Валихўжаев, А. Зоҳидий, О. Файзуллаев, Н. Жабборов, Б.О. Тўраев, К. Катгаев, А. Жўзжоний, И. Ғозиев, М. Қодиров, Б. Бобожонов, Г. Наврўзова, Э. Зойиров, Х. Даврон, А. Хўжаев сингари олимларнинг кўплаб илмий, оммабоп мақолалари босилиб чиқди. Буларнинг барчаси Махдуми Аъзамга бўлган юксак эътибор ва чуқур эҳтиромнинг ёрқин намунасиدير.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Неъматжон ЖАББОРОВ

МУСОХОН ДАҲБЕДИЙ (1698/99–1776)

Мусохон ибн Исохон Даҳбедий (ваф. 1776 й.) Махдуми Аъзам Косоний Даҳбедий (1461–1542)нинг авлодларидан бўлиб, тўлик исми Муҳаммад Мусохонхожа ибн Муҳаммад Исохожа ибн Муҳаммад Бобохожа ибн Муҳаммад Розикхожа ибн Абд Муъминхожа ибн Хожа Ҳошим ибн Муҳаммад Аминхожа (Хожайи Калон) ибн ҳазрат Махдум-и Аъзамдир.

У Махдуми Аъзам Косоний (ваф. 1542)нинг еттинчи авлоди бўлиб, Самарқанддан 15 км шимол тарафда жойлашган Даҳбед мавзесида дунёга келган. Манбаларда унинг туғилган санаси ҳақида маълумотлар аниқ берилмаган, аммо Мусохон Даҳбедий замонасига яқин даврда яшаган Мир Муҳаммад Сиддик унинг 80 ёшлар чамаси умр кўрганани ёзади. Демак, Мусохон Даҳбедий тахминан 1698–99 йилларда таваллуд топган.

Даҳбед мавзеси ҳақида тарихчи олим Хумулий ўзининг Мусохон Даҳбедий ҳақидаги «Тарихи Хумулий» асарида шундай маълумот беради: «Муҳаммад Раҳимхон замонасининг охирларидан то Маъсум давронининг бошларигача ул инсонлар сарвари, ҳидоят чироғи – валоят куёшининг нуридан жаннатмакон иршод маснади (яъни Даҳбед) мунаввар бўлди. Даҳбед замани ул умид мабдаининг шарофатидан шундай раванк топдиким, Эрам гулзори ва ҳарам бўстонлари унинг пуршукухлигидан рашк килар эдилар. Иршод маснади ул ғавс вужудининг зиёсидан зеб ва оро топди. Хос ва ом юзини илоҳий банда бўлмиш ул олам паноҳнинг даргоҳига тикди».

Мусохон Даҳбедийнинг Марказий Осиёдаги фаолияти Даҳбед хонақоҳидан бошланган. Кейинчалик бу жой сулуқнинг том маънодаги марказига айланган.

Айнан Мусохон Даҳбедийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Тарихи Хумулий» ва «Тазкирайи Мажзуби Намангоний» асарларида Мусохон Даҳбедийнинг Қўқон, Наманган, Косонсой ва Марғилонга қилган сафарлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.





У маълумотлар Мусохон Даҳбедийнинг оддий халк орасидаги ижтимоий-сиёсий мавқеини белгилаган ҳолда унинг ўзи яшаб турган ҳудуддаги таъсир доирасини кўрсатади. Маълум бўладики, ўша даврда Мусохон Даҳбедий ўзининг билими, заковати, таквоси, ширинсуханлиги ҳамда тарикат пири-муршиди сифатида халк орасида машҳур бўлган. Бу ҳолат, албатта, минтақадаги ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган.

Ўз даврининг йирик мутафаккири, Нақшбандия-Мужаддиия сулукининг истеъдодли назариётчиси ва муршиди Мусохон Даҳбедий, Нақшбандия-Мужаддиия сулукининг Мовароуннаҳрдаги биринчи намояндаси, Нақшбандия тарикатидек йирик сулукка ўттиз йилдан ортиқ раҳбарлик қилган, Нақшбандия-Мужаддиия тарикатининг назарий ривожига катта ҳисса қўшган тарихий шахсдир.

Яна бир аҳамиятга молик жихати Мусохон Даҳбедий халифалари томонидан илк бор тасаввуф тарихида учрамаган ҳолат – зикрни Қуръон тиловати ва тафсир, тажвид, ҳадис, ақоид каби илмларни ўрганиш билан алмаштириш ҳолати татбиқ қилинган.

Мусохон Даҳбедийнинг ёшлиги Мовароуннаҳрда иқтисодий ва сиёсий таназул жараёнлари кечаётган бир паллага тўғри келган. Шу боис дастлабки таҳсилни Самарқанддаги Тиллакори мадрасасида олган Даҳбедий, илм истагида отаси билан Ҳисор яқинидаги Қарнак қабиласига – тоғаси Муҳаммад Ризо Қарнакий ёнига боради. Муҳаммад Ризо Ҳисордаги Кубравия тарикатининг кўзга кўринган шайхларидан эди. Бир қанча вақтдан сўнг Мусохон Даҳбедий амакисининг маслаҳати билан ҳаж зиёратига отланади. Кашмир томон йўлда Нақшбандия-Мужаддиия тарикатининг шайхи – Аҳмад Сирҳиндий авлодидан бўлган – Миён Обид Жаҳонободий (ваф. 1738–39) билан танишади ва унинг муриди бўлиб қолади.

Ушбу воқеа тарихчи олим Мажзуб Намангоний ва Жумақули Хумулийнинг асарларида шундай келтирилади: «Мусохон Даҳбедий тасаввуф борасидаги илк таълимни тоғаси Муҳаммад Ризохожа Қорабоғийдан олади. Тоғасининг кўлида бир йил тарбия олгандан сўнг унинг кўрсатмаси билан Ҳиндистонга бориб, у ерда подшоҳ саройида сипоҳ, яъни аскар бўлиб хизматга қиради. Орадан маълум вақт ўтгач, Деҳли шаҳридаги Мужаддиия тарикатининг пири муршиди Миён Муҳаммад Обид Жаҳонободийга шогирд тушади. У Мужаддиди Алфи Соний Аҳмад Сирҳиндийнинг ўғли Абду-л-Аҳаднинг фарзандидир.

Мовароуннаҳр ўлкасидан илм-фаннинг турли соҳалари бўйича етук олимлар, фозил уламолар, буюк мутафаккирлар ва беназир алломалар етишиб чиккан. Улар илм-маърифатнинг юксалишига хизмат қилиш баробарида ўзлари мансуб бўлган юртнинг номини бутун дунёга таратганлар. Бундай алломаларнинг кўпчилиги, шубҳасиз, айни ҳудудда кенг тарқалган тасаввуфнинг турли тарикатларига мансуб шахслар бўлган.

Маълумки, ислом тарихининг маълум бир даврларида тасаввуфнинг Қодирия, Ишқия, Рифоия, Шозилия, Маломатия, Сухравардия, Яссавия, Кубравия, Нақшбандия каби бир неча йўналишлари вужудга келиб, улар муайян давр ва минтақаларда ўзининг ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий нуфузига эга эди. Ислом оламида кенг тарқалган – XVII–XVIII асрлар Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи роль ўйнаган сулуклардан бири – Баҳоуддин Нақшбанд асос солган Нақшбандия тарикатидир. Бунга сабаб ушбу тарикат соддалиги, халқ оммаси томонидан осон қабул қилиниши ва исломнинг асосий манбалари – Қуръон ва суннатга мувофиқ





эгани билан бир қаторда, муайян фикхий мазҳабга, яъни суннийликнинг ханафий мазҳабига мослаштирилганидир. Умуман олганда, Накшбандия суннийликнинг барча меъёрларини ўзида мужассамлаштирган, диний тамойилларга қаттиқ амал қилувчилар танлаган бир тариқатдир.

Накшбандия дастлаб шаҳарларда савдогар ва ҳунармандлар ўртасида кенг тарқалган. Суннийлик эътиқодига мувофиқ бўлган мазкур тариқат, «хафий зикр»га асосланган. Унда зоҳиран кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлардан ташқари «сўхбат», «нисбат» ва «робита»га кучли эътибор берилади. Накшбандия, бошқача қилиб айтганда, Ҳожагон тариқатининг камолга етган бир шакли бўлиб, унинг назарий асослари XII асрдаёқ Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолик Гиждувоний томонидан ишлаб чиқилган, кейинчалик эса Баҳоуддин Накшбанд унинг асосий тамойилларини тартибга солган. Шунингдек, унинг амалий ва назарий тараққиётида Алоуддин Аттот, Ҳожа Муҳаммад Порсо, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Ҳожа Аҳмад Косоний (ваф. 1549 й.), Аҳмад Сирҳиндий каби мутасаввиф шайхларнинг хизмати қатта бўлди. Ана шундай шахслардан бири – Накшбандия тариқатининг йирик вақили ва назарийчи XVIII асрда яшаб ўтган Муҳаммад Мусоҳонхожа ибн Исохожа Даҳбедийдир.

Мусоҳон Даҳбедий Накшбандия-Мужаддия сулуқининг назарий ривожига қатта ҳисса қўшди, асарларида тариқат таълимотини Қуръон ва суннат асосида қайта ишлаб чиқди, уни исломга ёт бўлган ақида ва ғоялардан тозаллади.

Накшбандия тариқати XIV асрда Мовароуннаҳрда ташкил топиб, XV асрда шу маконда гурқираб ривожланган бўлса-да, лекин XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, унинг маркази Ҳиндистон диёрига кўчган эди. Мусоҳон Даҳбедий бу тариқатни ўз ватани – Мовароуннаҳрга қайтариб олиб келди ва ривожлантирди. Мусоҳон Даҳбедий фаолиятининг муҳим жиҳати ҳам айнан шунда намоён бўлди.


Тарихчи олим Хумулий Мусоҳон Даҳбедийнинг Ҳиндистонга бориб, у ерда сарф, наҳв, ҳадис, фикҳ, тафсир, калом, мантик каби бир неча диний илмлардан таҳсил олгани ва охир-оқибатда, тасаввуфий илм ва амалиётда замонасининг йирик мутафаккирларидан бўлмиш Шайх Миён Обидга (ваф. 1738/39й.) шогирд тушгани ҳақида батафсил маълумот беради. Жумладан, у шундай ёзади: «Тавфиқ ва саодат йўлбошчиси ул шараф ва қаромат мазҳарининг қўлини ҳазрати қутб ул-актоб, шайх ул-машойих, яъни жаноб гавси зоҳид Шайх Миён Муҳаммад Обид қуддиси сиррухунинг этагига топширди ва сулуқ оёғини мужоҳадат йўлига қўйди».

Мусоҳон Даҳбедий Самарқандга келганидан кейин Накшбандия тариқатини эътиқод ва амалиёт борасидаги турли хурофотлардан тозаллади. У Самарқанд ва унинг атрофидаги аҳолини турли бидъатлардан тозаланишга, исломни шариятга мос равишда тутишга чақирди. Даҳбедий бундай тартибни, аввало, ўз хонақохидан бошлади ва у ерда қаттиқ интизом ўрнатди. Бунинг моҳияти ислом шариятига тўла амал қилиш, Накшбандия асосларига суянган ҳолда ҳаёт кечиришдан иборат эди.

Мансаб ва бойлик учун шайхлик қилиш ёки мансабдорларга хушомадда бўлишни қоралади. Самарқандга қайтган қуниданок Даҳбедий муташаййих, яъни ўзини шайх деб даъво қилганларга, ҳасадчи обидларга, мутаассибларга қарши курашди.

Оддий халқ билан бир қаторда амалдорлар, мулк эгалари, ҳатто ҳукмдорлар ҳам Мусоҳон Даҳбедийга мурид тушганлар. Бу эса, ўз навбатида, у пир сифатида уларнинг барчасига маълум маънода кўрсатма берган, деган фикр билдиришга асос бўлади.





Накшбандия-мужаддия тарикатининг кейинги асрлардаги тараққиётига таъсири бевосита Мусохон Дахбедий ва унинг халифалари ва издошлари фаолияти билан боғлиқ. Айнан Дахбедийнинг халифалари ва муридлари орасидан етишиб чиккан машхур накшбандий-мужаддий шайхлар XVIII–XIX асрларда Мовароуннахр ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнадилар, диний соҳада туб бурилиш ясадилар, ҳукмрон доиралар томонидан диний ислохотлар ўтказилишига сабаб бўлдилар.

Чунончи, бир неча Мангит ҳукмдорларининг давлат бошқаруви мужаддий шайхлар раҳнамолигида кечди. Сулола асосчиси Муҳаммад Раҳимнинг вафотидан сўнг давлат бошқарувини ўғли Муҳаммад Дониёл давом эттирди. У Китоб ва Самаркандни Бухоро амирлигига бўйсундира олди. Дониёлбий хали тириклик давридаёқ ҳукумат ишларини унинг ўғли амир Шоҳмурод Маъсум бошқарадиган бўлди. У жуда тадбиркор, шижоатли саркарда бўлиш билан бирга диний илмларни чуқур эгаллаган, дин арконларини тўлиқ адо этадиган, масжид ва мадрасаларнинг обод бўлишига ҳаракат қиладиган, илм ахлига меҳр-мурувват кўрсатадиган шахс бўлган.

Мусохон Дахбедий фаолиятида кўпроқ тарикатни ёйиш, ислох қилиш, шогирдлар тайёрлаш, халқ оммаси орасига кириб бориш каби жиҳатлар кўзга ташланади. Бу эса ўз ўрнида жамият ҳаётини яхшилашга хизмат қилган.

Мусохон Дахбедийнинг асарларида ҳалоллик, меҳнатсеварлик, камтарлик, ватанпарварлик, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш, бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенглик каби кўпгина умуминсоний кадриятлар тарғиб қилинганки, улар, шубҳасиз, ёш авлодни кенг дунёкарашга эга қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Куйида Мусохон Дахбедий қаламига мансуб асарларни келтирамыз:

1. Айн ул-мааний . ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. Қўлёзмалар асосий фонди. Қўлёзма, инв. №3995 /II.
2. Ашраф Холик. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №541 /XI.
3. Ад-Дурр ул-макнун. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №542 /II.
4. Дурар ул-асрор ва санади-л-аброр. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №10602 /I.
5. Зубдат ул-ҳакоик. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №7487 /II.
6. Махзан ут-таарруф. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №541 /X.
7. Мухтасар дар тасаввуф. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №6132 /VI.
8. Наводир ул-маориф. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №542 /I.
9. Рисолайи касири-л-фавоид. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №10171 /I.

Мусохон Дахбедийнинг Хожагон-Накшбандия-Мужаддия силсиласига боғланиши:

Муҳаммад (с.а.в.) (571–632 й.)

Али ибн Аби Толиб (р.а.) (ваф. 661 й.)

Имом Ҳусайн (р.а.)


Имом Зайн ул-Обидин(рх) (ваф. 712 й.)

Имом Муҳаммад Боқир (рх) (ваф.732 /736 й.)

Имом Жаъфари Содик (рх) (ваф. 765 й.)

Шайх Абу Язид Бистомий (рх) (ваф. 875 й.) ва шайх Абулҳасан Хараконий (рх) (ваф.1033 /34 й.)





Шайх Абулкосим (рх)
Хожа Абулкосим Гургоний (рх)
Хожа Али Фармадий (рх) (ваф.470 /1077 й.)
Хожа Юсуф Ҳамадоний (рх) (ваф.535 /1140 й.)
Хожа Абдухолик Гиждувоний (рх) (ваф.575 /1179 й.)
Хожа Ориф Ревгарий (рх) (ваф.715 /1317 й.)
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (рх) (ваф.715 /1317 й.)
Хожа Али Ромитаний (рх) (ваф.721 /1326 й.)
Хожа Бобойи Самосий (рх) (ваф.755 /1354 й.)
Хожа Амир Кулол (рх) (ваф.772 /1370 й.)
Хожа Баҳоуддин Накшбанд (рх) (718/1318–791/1389 й.)
Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (рх)
Мавлоно Муҳаммад Зоҳид (рх)
Мавлоно Хожаги Имканакий (рх) (ваф. 1601 й.)
Хожа Бокий Биллоҳ (рх) (ваф. 1603 й.)
Аҳмад Сирхиндий (рх) (1564–1624)
Шайх Муҳаммад Маъсум урват ул-вуско (рх)
Шайх Муҳаммад Саид хозин ар-рахмах (рх)
Шайх Абдулаҳад (рх)
Шайх Муҳаммад Обид (рх) (ваф. 1738 й.) қаддасалоҳу арвоҳаҳум.
Мусаҳон Даҳбедий насаб томонидан Пайгамбаримиз (с.а.в)га боғланиб, насабно-маси куйидагичадир:

Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)
Али ибн Абу Толиб (р.а.)
Имом Ҳусайн ибн Али (р.а.)
Имом Зайн ул-Обидин (рх)
Имом Муҳаммад Боқир (рх)
Имом Жаъфар Содик (рх)
Имом Мусойи Козим (рх)
Имом Али Мусойи Ризо (рх)
Саййид Толиб (рх)
Саййид Абдуллоҳ Аъраж (рх)
Саййид Абдуллоҳ Афзал (рх)
Саййид Абдуллоҳ (рх)
Саййид Аҳмад (рх)
Саййид Муҳаммад (рх)
Саййид Шох Ҳусан (рх)
Саййид Шох Ҳасан (рх)
Саййид Камолиддин (рх)
Саййид Бурҳониддин Қилич (рх)
Саййид Мир Али девона (рх)
Саййид Муҳаммад Хожа (рх)
Саййид Жалолиддин ибн Саййид Жамолиддин (рх)
Саййид Аҳмад Махдуми Аъзам ибн Саййид Жалолиддин Косоний (рх)
Саййид Муҳаммад Амин Хожа (Хожаи калон) (рх)





Саййид Хожа Хошим (рх)
Саййид Абдулмўмин хожа (рх)
Саййид Муҳаммад Розик хожа (рх)
Саййид Бобохожа (рх)
Саййид Муҳаммад Исо хожа (рх)
Саййид Мусохожа Даҳбедий (рх)

Мусохон Даҳбедий ҳақидаги манбалар:

Жумақули Ургутий Хумулий (туғ. й. 1776/77) қаламига мансуб «Тарихи Хумулий» асари. ФА ШИ. Қўлёзма, инв. №37 /VI.

Абдулазиз Мажзуб Намангонийнинг (XVIII аср) ФА ШИ фондида 2662/II рақам остида сақланадиган «Тазкирайи Мажзуби Намангоний».

Шу ўринда Мусохон Даҳбедийга тарикат йўлида таълим берган устозлари хуссидаги маълумотларни имкон қадар келтириб ўтамыз:


Муҳаммад Ризо Қорабоғий – Мусохон Даҳбедийнинг тоғаси, тасаввуф бора-сидаги биринчи устози-пири. Ўз замонасининг диний билимлар, айниқса, тасаввуф борасидаги етук уламоларидан бўлган. Ақоид илмига катта хисса қўшган етук олим ва ҳозиржавоб шоир, «Сабот ул-ожизин»нинг муаллифи Сўфи Оллоёр ҳам Қорабоғийнинг хузурида камолга етган.

Мусохон Даҳбедий эса Қорабоғий хузурида қарийб бир йил таҳсил олади, шундан сўнг унинг тавсиясига кўра билим ва малакасини янада ошириш учун Ҳиндистонга жўнаб кетади.

Миён Муҳаммад Обид Жаҳонободий – Мусохон Даҳбедийнинг Ҳиндистондаги устози. Мусохон Даҳбедий ундан тасаввуф сирларини ўрганган. Даҳбедий бу устози кўлида унинг вафотига қадар таҳсил олади. Устозидан сўнг унинг ишини давом эттириб, Мужаддия тарикатини қайта тиклайди. Даҳбедий ўз асарида Миён Муҳаммад Обидни ҳурмат билан тилга олиб, унга тарикат йўлида шогирд тушгани хусусида шундай ёзади: «Тарихга бир минг бир юз эллик бир (1738/39) эрдиким, ихлос чеҳрасини рифъат ихтисос остонасига ва иродат бошини ул тарикат бодиясининг сайёҳи ва ул ҳақиқат денгизининг ғаввоси, иршод ва хидоят маснадининг садри, раббоний сифатлар мавради, шайхимиз ва маҳдумимиз ҳазрати Миён Муҳаммад Обид қаддасаллоху руҳаху оёқларига суртдим. Ва қадам кўйдум. Қарийб тўккиз йил онҳазрат тарикларида койим ва йўлларида мустақим, иродат остонаси муътакифлари ва ул жаноб мулозимларининг хизматида бўлиб, ўшал олий даргоҳ итларига ҳамкоса бўлиб, саодат хирманидан нўшачинлик қилдим. Валоят асарларини (таъсирини) ва каромат хасоис(хусусият)ларини ул ҳазратдан мушоҳада қилдим. Тўккиз йилдин сўнг ногоҳ фармони илоҳий тақозоси билан ранжур (бетоб) бўлди. Ҳазрати самадий боргоҳидан ҳазрати самадий мунодийси (нидо қилғувчи), хитоби мустатоб (ёқимли хитоб): «Я, айятуҳа-н-нафсу-л-мутмаинна иржи ила роббикки розиятан марзийях»ни етказди. Аҳадийят авжининг шаҳбози парвоздан тўхтаган жасадни тарк этиб, аслий (марказ)га қайтди ва ҳақиқий висолга пайваста бўлди. Қаддасаллоху сиррах ул-азиз».

Шайх Муҳаммад Обид Мусохоннинг Маҳдуми Аъзамдек пири комилнинг авлодига мансублиги ҳамда ўта зехнли ва қобилиятли бўлгани учун унга кўп иззат-икром кўрсатган ва тўрт тарикат: Нақшбандия, Қодирия, Сухравардия ва Чиштияга раҳнамолик қилиш ижозатини берган.





Ҳазрат Муҳаммад Обид вафот этгандан сўнг Мусохон Даҳбедий 1738 йилдан эътиборан ўн саккиз йил мобайнида Ҳиндистонда туриб то Хуросон, Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистонгача бўлган мусулмон ўлкаларидаги тариқат аҳлига раҳбарлик қилган. Шундан сўнг Мусохон Даҳбедий ва унинг атрофидаги йирик халифалари Самарқандга кўчиб келдилар. Шу тариқа улар Нақшбандия марказини ўзлари билан бирга Ҳиндистондан Мовароуннаҳрға қайта олиб келганлар. Бу хусусда Хумулий шундай ёзади: «Кўп вақт ўтгач, тунда бир воқеа рўй берди. Мусохон Даҳбедийнинг хаёл кўзгусида улуғ бобоси – қутби олам, яъни жаноб Маҳдуми Аъзам намоён бўлиб, унга шундай хитоб этди: «Эй, фарзанд, Даҳбед ариқлари тупрок ва лой билан тўлди. Бирор киши йўқки, ариқларни тозаласа, аҳолининг экинзорлари кўм-кўк ва сероб бўлса», яъни ишорат қилдиларким, сиз Даҳбедга боришингиз керак». Бундан хулоса чиқарган Мусохон Даҳбедий Дехлидан Самарқандга келади.

Бундан ташқари Мусохон Даҳбедий Ҳазрати Эшон Хўжа Ҳошимийни ҳам ўзининг билвосита маънавий устози сифатида кўради. Бу ҳақда «Наводир ул-маориф» асарида шундай қайд этади: «Ҳазрати Эшон Хўжа Ҳошимий (қаддасаллоху руҳаху) ушбу муаллифнинг (яъни Мусохон Даҳбедийнинг) ҳазратларидан (устозларидан) биридир. Ҳасби иродатга кўра, бу фақир икки восита бирла унга етади. Насаб йўли билан эса тўрт восита билан (етади)». Мазкур асарда Хўжа Ҳошимийнинг кароматлари ва тариқат йўлидаги амаллари ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилган.

Мусохон Даҳбедийнинг шогирдлари кўп бўлсада, куйида улардан фақатгина бирларини зикр қилиш билан кифояланамиз.

Халифа Сиддик. Халифа Худоёр вафотидан сўнг халифалик мақоми, пирлик даражаси ва иршод бериш ҳуқуқи Халифа Сиддикка берилади. Асли ҳиндистонлик бўлган Халифа Сиддикни Мусохон Даҳбедий Ҳиндистондан қайтаётган вақтида ўзи билан олиб келган. Манбаларда Халифа Сиддикнинг таваллуд санаси аниқ кўрсатилмаган, лекин мавжуд маълумотлар таҳлилидан аён бўлишича, у тахминан 1727–1731 йиллар оралиғида туғилган. Халифа Сиддик доимий равишда Мусохон Даҳбедийнинг ёнида юриб, ундан тасаввуф сирлари, зикр, пир ва муршидлик одоби, тариқат ва шарият илмларини мукаммал ўрганган. У тариқатга бағишланган асарлар ҳам ёзган, лекин манбаларда бу ҳақда тўлиқ маълумот йўқ.

Халифа Сиддик иршод бериш ҳуқуқини қўлга киритгач, сулукни Марказий Осиё, Шарқий Туркистон ва Дашти Қипчоқни ўз ичига олган кенг ҳудудларга тарқатди. Бу ҳақда Хумулий шундай ёзади: «Бу азизнинг замонасида тариқат ғоят тараккий топди, хавосу авом томонидан сулукни қабул қилиш кенг қулоч ёйди. Кишилар Мовароуннаҳр, Фарғона, Қашғар ва Дашти Қипчоқдан тўда-тўда бўлиб, бу буюк зот даргоҳига келар эдилар. У киши ҳаммани ўз тарбияларига олар эдилар».

Унинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шу эдики, муридларни зикр ўрнига кўпроқ Қуръон ўқишга чақирарди, турли диний билимларни, шарият аҳкомларини ўрганишга буюрарди. Халқаларда кўпинча Атоуллохожа Бухорий, Фарғона шайхулисломи Эшон Зокирхожа Марғиноний, шайхулисломи Мир Абдулхайхожа Самарқандий каби ўша замоннинг фозил, олим кишилари ташриф буюриб, солиқларга тафсир, ҳадис, фикҳ каби илмлардан дарс ўтардилар. Ҳар куни илм толиблари мазкур уламо-лардан зикр халқаси ва ишроқ намозининг ўртасида «Тафсир ул-Байзовий», «Мишкоти шариф» ва бошқа саҳиҳ китоблардан сабоқ олар эдилар. Фарз намозларидан сўнг хуш овозли қориларга Қуръон ўқиш, чиройли таъбирли шоирларга маснавий





ўкиш буюрилар эди. Гоҳо икки ёки уч халқа бўлиб кетар, энди бошлаганлар ва авом халққа қол ва ҳол илмидан дарс берилар, билими такомиллашиб қолганларга эса янги дарслар жорий қилинар эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халифа Муҳаммад Сиддик ўз фаолияти давомида Мусохон Даҳбедийнинг назарий кўрсатмаларини нафақат ижро этган, балки уларни ўзининг рационал гоёлари билан бойитиб, ривожлантириб борган. Тарикат маросимларининг муайян доирада қотиб қолмаслигини, балки замон ва макон тақозосидан келиб чиқиб, солиқлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда янгиликлар қилиниши мумкинлигини яна бир қарра исботлади.

Муҳаммад Сиддик Накшбандия-Мужаддия маросимларини Аҳмад Сирҳиндийдан аввалги давр намояндаларининг фикрлари билан бойитди, бошқача қилиб айтганда, уларни уйғунлаштириб, тарикат амалиёти ва таълимотини шариат илмлари билан боғлашга ҳаракат қилди. Бирок бу усулни, Муҳаммад Сиддикнинг ўзи таъкидлаганидек, у ихтиро этган эмас, балки Накшбандия сулуқининг йирик намояндалари, жумладан, Маҳдуми Аъзам ҳам қўллаган.

Халифа Сиддик 1210 / 1795-6 йилда вафот этган ва Даҳбедда дафн этилган. Қабри Даҳбед қишлоғининг шимолий чеккасидаги боғлар орасида. У вафот қилган санани Хумулий назмда қуйидагича ифода этади:

Имоми собиқон Сиддик ногаҳ,
Ки жонаш буд аз сирри Ҳақ огаҳ,
Аз ин ғурбат саро рафти ватан қард,
Ба дор ул-қурби мулки ли мааллоҳ.
Равонаш жониби ризвон хиромид,
Ба соли як ҳазору ду саду даҳ.

(Мазмуни: ўтган улуғ зотларнинг имоми – Сиддикнинг жони ногоҳ Ҳаққа юзланди. У бу ғурбатхонадан кетиб «ли маъаллоҳ» мақомида қурбат уйида ватан топди. Ризвон жаннати томон сафари 1210 йилда бўлди.

Мусохон Даҳбедий вафот этган санани Хумулий 1776/1191 йил деб кўрсагади. Унинг ўзи ҳам Накшбандия-Мужаддия тарикатининг вакили бўлгани учун Мусохон Даҳбедийни пир деб билган ва унинг вафотидан таъсирланиб, бир неча марсиялар битган:

К-ў Сулаймоне ки тахташ курсийи иршод буд,
Аз замин то осмон ҳукмаш равон чун бод буд.
Мазраи Даҳбедиён сабз аз саҳоби дасти у,
Сарви ин гулшан зи бори бебари озод буд.

Маъноси: у шундай Сулаймонки (унинг) тахти иршод (хидоят) курсиси эди, ердан осмонгача (унинг) ҳукми жорий эди. Даҳбедийларнинг экинзорлари (унинг) қўлининг булутидан ям-яшил эди. Бу гулшаннинг гули мевасизлик юкидан озод эди.

Ислоҳ маданиятига йирик тасаввуф алломаларини етказиб берган Марказий Осиё мактаби фаолияти XII асрдан то XX аср бошларигача ўлка ижтимоий ҳаётида ўзининг юқори мавқеини сақлаб қолади. Бу мактаб ўз тараккиёти давомида пайдо бўлиш, маҳаллий маданият билан уйғунлашиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда етакчилик қилишдек босқичларни босиб ўтди. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ҳудудларида,





колаверса, Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян нуфузга эга бўлган Мусохон Даҳбедий ва унинг издошларининг тасири XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазият, айниқса, Шохмурод Маъсум даврида ҳукмрон табақаларнинг Накшбандия-Мужаддия тариқатини қўллаб-қувватлаши оқибатида жамият ҳаётига сезиларли бўлди. Бунинг оқибатида, Накшбандия-Мужаддия тариқати минтақада кенг кулоч ёзди, тариқат конун-қоидаларини жамият талабларига мослаштириш, уни исломнинг маҳаллий хусусиятларига боғлаб тарғиб қилиш каби омиллар юзага келди.

Ўрта Осиё ҳудудида, асосан, XII–XIII асрларда ривожланган Хожгон-Накшбандия тариқати XVIII асрга келиб, янги – Накшбандия-Мужаддия кўри-нишида тараккий тоиди. Бунда Мужаддия тариқати вакили Мусохон Даҳбедий ўзигача мавжуд бўлган Накшбандия анъаналарини қайта ишлаб, муайян тариқат мактабини яратишга муваффақ бўлди.

Накшбандия-Мужаддия тариқатининг йирик пешвоси сифатида Мусохон Даҳбедий XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги мураккаб сиёсий жараёнларда муҳим мавкени эгаллади. Унинг фаолияти ўша даврда Мовароуннаҳрда вужудга келган ижтимоий-диний ва сиёсий вазиятнинг барқарорлашувида муҳим аҳамият касб этди. Гарчи Мусохон Даҳбедийнинг ўзи сиёсий жараёнларга бевосита аралашмаган бўлса-да, лекин унинг таълимоти ва қарашлари шу тариқатни давом эттирган Халифа Худоёр, Муҳаммад Амин, Абдулкайюм Қашмирий каби шахсларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралашуви учун қулай замин яратди.


Тариқат пешволари ва ҳукмрон табақалар ўртасидаги ўзаро муносабат, шубҳасиз, Мусохон Даҳбедийни ҳам бефарқ қолдирмаган. Такидлаш жоизки, унинг бу борадаги фикрлари Маҳдуми Аъзам ва Аҳмад Сирҳиндий каби аввалги шайхларнинг қарашларини деярли такрорлаб ва тўлдириб келган. Айниқса, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Муҳаммад Раҳим асос солган Манғитлар сулоласи вакиллари-дан бўлган Муҳаммад Дониёл ва Амир Шохмурод Маъсум, Амир Ҳайдарларнинг ҳукмронлик йилларида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ушбу тариқат намояндларининг бевосита раҳнамолиги ва аралашуви остида кечган.

Мусохон Даҳбедийнинг ёзма меросини изчил ўрганиш тасаввуф тарихини ўрганишда янги босқичга олиб чиқувчи беназир илмий аҳамиятга эга. XVIII асрда Марказий Осиёдаги «янги тариқат тўлкини» – Накшбандия-Мужаддия тарихи ва фалсафасини ҳар томонлама ўрганиш бўйича Даҳбедий асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қила олади.

Мусохон Даҳбедий қолдирган ёзма асарлар нафақат тасаввуф, балки бутун бир минтақа тарихини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Зеро, айнан Мусохон Даҳбедий XVIII аср охирига келиб бирмунча сусайган диний билимларни қайта жонлантди. У асос солган мактаб XVIII аср охири – XIX аср бошларида Марказий Осиё ижтимоий ҳаётида диний-тасаввуфий қарашларнинг етакчи ўринга чиқишида ва Накшбандия тариқатини янгича кўринишда яна ҳокимият тепасига келишида ўзига хос вазифа бажарди.

Мусохон Даҳбедийнинг ўзи тарғиб этган тариқат масалаларига бағишланган илмий-фалсафий асарлар яратиши, тасаввуфий тушунчаларни шарҳлаши, шогирдларни тарбиялаб, вояга етказиши, умуман олганда, Ўрта Осиё ҳудудида янги тариқат мактабига асос солиши унинг кенг камровли фаолиятдан дарак беради. Гарчи Мусохон





Даҳбедийдан кейинги мужаддий шайхлар фаолиятида унинг кўрсатмаларига эътибор бирмунча сусайган бўлса-да, лекин ҳукмрон табакалар ва омма орасида, бошқача айтганда, аҳолининг ижтимоий-сиёсий, диний ҳаётида Накшбандия-Мужаддия асосий етакчи оқим бўлиб қолаверди.

Ушбу тариқатнинг илк даврида (XVIII аср) минтақада ўзига хос илмий-тасаввуфий муҳит яратилдики, бу бевосита мазкур тариқатнинг кейинги ривожланиш даражаларини ҳам белгилаб берди. Ана шундай илмий муҳитнинг яратилишида, албатта, Мусохон Даҳбедийнинг ўрни бекиёсдир. Мазкур тариқат анъаналари, расм-русумлари ҳозирга қадар ҳам Ўзбекистонда ва Қозоғистонда сўфий жамоалар амалиётида қўлланиб келинади.

Сўзимиз якунида шунини айтиш мумкинки, Мусохон Даҳбедий Самарқандда туриб, ушбу сулуққа ўн саккиз йилдан кўпроқ вақт давомида раҳбарлик қилди. Унинг фаолият доираси бутун Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ўлкаларини ўз ичига қамраб олган. Даҳбедий жуда кўп вилоятларга бир неча бор сафар қилиб, у ерларнинг аҳолиси ўртасида, аввало, ислом динини, қолаверса, тасаввуф таълимотини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Уларни ягона гоё атрофига бирлаштириш ва бу билан миллий тарқоқлик, ҳудудий урушларга чек қўйиш чора-тадбирларини излаган. У 1776 йили Даҳбедда вафот этди ва Махдуми Аъзам қабристонига дафн қилинган.

Мустақиллик шарофати билан илгари дорихона, сўнг эса туман музейига айлантирилган Махдуми Аъзам масжиди, атайлаб бузиб ташланган 18 та шох ва шаҳзодалар ҳамда бошқа улуғлар дафн этилган қабристон Мусохон Даҳбедийнинг олтинчи авлодларидан бўлган Исахон Юсуфхон ўғли бошчилигида обод масканга айлантирилди.

Ҳайдархон ЮЛДАШХОДЖАЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ (XVI аср)

XIV–XIX асрларда Тошкент воҳаси ижтимоий-маънавий ҳаётида шоирлар, табиблар, хаттотлар ва тарихчи олимлар муҳим ўрин тутди. XVI асрда Тошкентда Ҳофиз Кўҳакий номи билан машҳур бўлган Ҳофиз Султон Муҳаммад яшаб фаолият кўрсатган. У Тошкент олимларининг фахри саналган. Ҳофиз Кўҳакий Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи мулла» асарига шарҳ ёзган ва бир қатор бошқа асарлар муаллифидир. 1528 йилда Ҳофиз Кўҳакий Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Аградаги саройига юборилган Тошкент ҳокими вакили сифатидаги элчилар қаторида бўлган. Бобур уни «Ҳофиз», «Ҳожа Ҳофиз», «Ҳофиз Тошкандий» деб номлайди.

* * *

Тошкентда яшаб ижод этган Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг иқтидорли олими ва тарихчиси бўлган. У машҳур ўзбек олими Улуғбекнинг (1394–1449) шогирди Али Қушчининг (XV) набирасидир. Ҳофиз Кўҳакий ҳаёти ва фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар ЎЗР ФА Шарқшунослик институти ходимлари Қ. Муниров, А. Ири-





сов ва А. Носировлар томонидан олиб борилганини алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Айникса, ўз даврида марҳум олим Абдулла ота Носиров Ҳофиз Кўҳакий фаолияти тўғрисида қатор мақолалар ёзган.

Ҳофиз Кўҳакий паркентлик Камолиддиннинг ўғли бўлиб, тўлик исми Султон Муҳаммаддир. Қудурийнинг «Мухтасар Қудурий» номли асари Ҳофиз Кўҳакийнинг ўғли Абдуллоҳ тарафидан 1116/1704–1705 йили кўчирилган. Қўлёманинг охирида бундай деб ёзилган: «Котиб – Абдуллоҳ валади Ҳофиз Султон Муҳаммад».

Ҳофиз Кўҳакий халқ ўртасида Ҳофиз Кўйкий номи билан машҳур бўлган. У тарих, араб тили ва грамматикаси, мантик, ҳуқуқшунослик ва диний илмлар билан шуғулланган, бу борада қатор асарлар тасниф этган.

Ҳофиз Кўҳакий араб тили ва грамматикасини, мантик илмини яхши билганлиги учун мадрасаларда ҳам дарс берган. Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Қосим ўзининг «Насамот ул-қудс мин ҳадойиқи-л-унс» асарида Ҳофиз Кўҳакий ҳақида бундай деб ёзади:

«Ҳофиз Кўҳакий номи билан шуҳрат топган Мавлоно алломаи Тошкандий Мавлоно Асомиддиннинг шогирдларидан бўлиб, қатор асарлар тасниф қилган».

Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг илмли ва обрўли кишиси бўлганлиги учун бўлса керак, 935/1528 йили Тошкентдан тўй муносабати билан Ҳиндистонга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига юборилган эди. Ҳофиз Кўҳакийнинг бу тўйда қатнашганлигини Бобур «Бобурнома»да келтиради. «Шанба куни ойнинг олтисида тўй бўлди... Ўзбек элчилари... бу тўйда бор эрдилар... Сўл қўлда ҳам ушбу дастур била ўзбек элчилари ўлтуруб, беклардин Абдуллоқа фармон бўлдимки, булар била ўлтургай...


Улуғ ош тортилғонидин кейин... Хожа Мир султонга ва ўғлонлариға ва Ҳофиз Тошкандий ва мулло Фарруҳ бошлик Хожанинг мулозимлариға ва ўзга элчиларга ҳам олтундин, қумушдин таркаш била инъомлар бўлди».

Шунингдек, хинд тарихчиси Абдулқодир Мулуқшоҳ Бадавоний, ўзининг «Мунтахаб ут-таворих» номли тарихий асарида келтиришича, Ҳофиз Кўҳакий Акбаршоҳ даврида 977/1569 йили иккинчи марта Ҳиндистонга боради. Акбар томонидан қабул қилинади ва олимлик маҳорати учун катта туҳфалар олишга муяссар бўлади.

Бадавоний ёзади: «Ҳофиз Тошкандий номи билан танилган Ҳофиз Кўҳакий зўр донишманд бўлиб, айникса, араб тили ва адабиётини яхши билган. Мавлоно Асомиддиннинг шогирди бўлиб, ўз даврининг ҳамма илмларидан яхши баҳраманд бўлган олимдир. Ўз даврида Мовароуннаҳрда яшаган олимлар унинг бузурглигини тан олган эдилар, У Ҳиндистондан Маккага боради ва у ердан Туркияга келади. Турк султони билан учрашади. Ҳинд диёрида топган иззат ва обрўни у ерда ҳам топади. Вазирликка қилинган таклифни рад этиб, ўз диёри Мовароуннаҳрга (Тошкентга) қайтиб келади ва у ерда вафот этади. У ўз ҳаётида икки катта олимдан таълим олишга мушарраф бўлган. Биринчиси, Қозихон лақабли Қози Низом Бадахший бўлиб, иккинчиси Мавлоно Асомиддин Иброҳимдур... Аҳли маъни орасида яхши эътибори ҳам бор эди... Фасих забон, хуш тақрир олим бўлиб, мўътабар таснифлари ҳам бордир... 992/1584 йили вафот этган».

Бир нарсага эътибор бериш керакки, Ҳофиз Кўҳакий хинд султони ҳузуринида ҳам, турк султони ҳузуринида ҳам, ниҳоятда обрў кўрса-да, ҳатто, вазоратда ишлаш таклиф қилинса-да, у ўз ватанини, ўзи туғилиб ўсган ва ижод этган диёрини ҳар қандай молу





дунёдан ва мансабдан юкори кўя олган олимдир. «Ҳофиз Кўҳакий Ирок, Миср, Сурия, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларга саёҳат қилган».

Тошкентлик Мавлоно Соний Ёрмухаммад ибн Пирмухаммад номли олим Мирхусайнийнинг «Муаммо» асарини 984/1576–77 йили шарҳ қилади ва Тошкентда ўзи кўчиради.

Бу асарнинг бошланишида Ҳофиз Кўҳакий томонидан форс тилида «Таажжуб ва ҳайратли иш. Бу қандай гавҳарки Мавлоно Соний махфий сирларни балоғат ва латофат тариқи билан маоний хазинасини фош қилибдурлар», – деб ёзиб қўйилган. Демак, Ҳофиз Кўҳакий 1576–1577 йилларда Тошкентда бўлган ва бу китобни ҳам мутолаа қилган. Ҳофиз Кўҳакийнинг имзоси бор мазкур қўлёзма асар тошкентлик Расулов деган кишидан сотиб олинган. Муҳаммад Олим Сиддикий ўзининг «Ламахот» номли асарида ҳам «Алломаи ал-маъруф би-л-Ҳофизи-т-Тошкандий ва «Устод ул-уламо Ҳофиз Тошкандий» деб келтирган.

Тошкент тарихига оид қимматли манбалардан бири тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солих Қорахўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридир. У асарнинг муаллиф қўли билан ёзилган нусхаси ва ундан кейин кўчирилган нусхалар сақланиб қолган. Муҳаммад Солих ўз асарида Ҳофиз Кўҳакий ҳақида бундай деб ёзади: «Тошкент диёридаги Ҳофиз Кўҳакий маҳалласидан Мавлоно Кўҳакий аклий ва нақлий илмларда зўр олим бўлган. Жомий Ҳиротийнинг араб тили грамматикасига оид «Шарҳи мулла» асарига хошия ёзган. Баҳс ва жадал илмининг қоидаларини аъло даражага етказгандир. Ҳофиз Кўҳакий Тошкент аҳолиси ва олимларининг ифтихори бўлиб, Дашти қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Эрон ва Хуросонда кенг шуҳрат қозонган олимдир».

Ҳофиз Кўҳакий турли масалаларга оид қатор илмий асарлар тасниф этади. У «Тарихи Тошканд» («Тошкент тарихи»), «Тарихи оли Чингиз» («Чингиз авлоди тарихи»), «Рисола фи фанни-т-тафсир ва-л-усул ва-л-фуруъ ва-л-мантик ва-л-калом» («Тафсир, фикх асослари ва тармоқлари, мантик ва калом илми ҳақида рисола»), Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи Мулла» номи билан шуҳрат тошган «Фавоиди зиёийя» номли араб тили грамматикасига оид шарҳига хошия», «Шарҳ уш-шарҳ одоби-л-мунозара» («Мунозара қоидаси» шарҳининг шарҳи), Мавлоно Асомиддиннинг грамматикага оид «Мезон ул-адаб» («Билим мезони») асарига «Ужолат ул-баён фи шарҳи-л-мезон» («Мезон шарҳининг тезкор баёни») номли шарҳ каби қатор асарларнинг муаллифидир. Шунингдек, Ҳофиз Кўҳакий ёки Ҳофиз Тошкандий Муҳаммад ибн Адноннинг икки томлик «Тарихи Туркистон» номли асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва унга баъзи маълумотларни қўшиб бошқа ном билан атаган. Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг ажойиб олими бўлганлигини «Самароти машойих»да келтирилган бир маълумотдан ҳам билса бўлади. Асар муаллифи ёзишича, хиротлик Муҳаммад Тохир деган олим илм талаби билан Бухорога келади. Ўз илмини янада такомиллаштириш учун бу ерда олим ва фозил кишилар кўп деб эшитиб, 971/1563–1564 йиллар атрофида Тошкентга келади. У Тошкентда Ҳофиз Кўҳакий билан танишади ва унга шоғирд бўлиб, таҳсил олади.

Тошкентда Ҳофиз Кўҳакий устозлигида бир неча йил таҳсил кўргандан кейин ўз замонасининг яхши олими бўлиб етишади ва бу «Маъдани илм ва ҳикмат» («Илм ва ҳикмат қони – булоғи») бўлган Ҳофиз Кўҳакий билан хайрлашиб Бухорога қайтиб кетади. Юкорида биз тошкентлик Расуловдан сотиб олган қўлёзманинг аввалги





саҳифасига Ҳофиз Кўҳакий томонидан ёзиб қўйилган сўзларни келтирдик. У қўлёзма 1577 йили кўчирилган. Демак, Ҳофиз Кўҳакий бу даврда ҳали ҳаёт бўлган. Бадавоний ўз асарига кўрсатишича, Ҳофиз Кўҳакий Тошкентда 992/1584 йили вафот этган ва баъзи маълумотларга қараганда, Қаффоли Шоший даҳмасида унинг макбарасига кираверишда ўнг тарафга дафн этилган.

Ҳозир Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ҳофиз Кўҳакий яшаган маҳалла «Ҳофиз Кўйи» деб аталади. Ушбу ҳудуддаги масжид ҳам Ҳофиз Кўҳакий номи билан аталади.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

СЎФИ ОЛЛОЁР (1634–1721)

Сўфи Оллоёр Туркистон халқлари ўртасида мутасаввуф шоир ва адиб сифатида кенг шухрат қозонган йирик алломаларимиздан биридир. У зоти покнинг исми Оллоёр, падари бузрукворларининг исми эса Аллоҳқулдир. Сўфий мартабаси унинг шарият ва тариқат йўлидаги эътиқод ҳамда хизматлари учун берилган.

Татар тарихчиси Тожиддин Ёлчикул ўғлининг 1797 йил Қозонда нашр этилган «Рисолаи Азиза» (Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-оҷизин» асарига ёзилган шарҳ) китобида кўрсатилишича, Сўфи Оллоёр 1644 йилда туғилган. Сўфи Оллоёр авлодлари, шунингдек, академик Б. Валихўжаев, профессор Б. Ҳасанов, профессор Ш. Сирожиддинов ва бошқаларнинг сўнгги маълумотларига кўра, Сўфи Оллоёр 1634 йилда туғилган, деб қайд этилади. Буюк сўфийнинг хижрий ҳисоб билан 90, милодий ҳисоб билан эса 87 ёш умр кўрганлигини эътиборга олсак, унинг таваллуд санаси 1634 йил эканлиги аниқ бўлади.

Сўфи Оллоёр шахсий ҳаётига доир маълумотлар унинг ўз асарларида тарқок ҳолда учрайди. «Рисолаи Азиза» асарида баён этилишича, шоир 1634 йил Миёнкол мавзеига қарашли Минглар қишлоғида таваллуд топган бўлиб, хитой – қипчоқ қабиласининг Ўтарчи уруғидандир.

Сўфи Оллоёр ҳам ўзининг Миёнкол воҳасининг Ўтарчи уруғидан эканлигини такрор-такрор тилга олади:

Гарчи Оллоёр Ўтарчидир ёмон,
Қўймағил душман қўлига муфтало.

ёки

Гарчи Оллоёр Ўтарчидур, эрур ул ҳам ямон,
Онинг ҳам кадри ўтар бир нечага ўлган замон.

Оллоёр бу мисраларда ўзининг қайси қабиллага мансублигини, шунингдек, бу дунёда у бир ўткинчи эканлигини ҳам баён этади. Дунёнинг фоний, бебақолигига ишора қилади.

Биз, бир гуруҳ зиёлилар, Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вахшивор қишлоғида бўлиб, мутасаввуф шоир ва олим Сўфи Оллоёрнинг қабри – руҳи по-





кини зиёрат қилдик. Сўфи Оллоёр авлодлари билан танишдик. Сўфи Оллоёрнинг ўғли Сиддик Муҳаммад, унинг ўғли Хожакалон, унинг ўғли Эшонхон, унинг ўғли Халилхон ва Умархон, Кокилхон бўлиб, уларнинг авлоди ҳисобланган Кариматхон, Музаффархон билан суҳбат қилдик.

Сўфи Оллоёр ўзбек адабиёти тарихида Бобораҳим Машраб, Турди Фароғий билан бир қаторда турувчи забардаст шоиргина эмас, йирик олим ҳамдир. Адибнинг «Мурод ул-орифин» асарида таъкидланишича, ундан «Маслак ул-муттакин» («Такводорлар маслағи»), «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи»), «Махзан ул-мутеъин» («Мутелар хазинаси»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар – донолар муроди») ҳамда «Қиёматнома», «Муборак ҳаж сафари» каби асар, кўплаб лирик шеърлари мерос бўлиб қолган. Бу асарларнинг қўлёзмалари республикамиз архивлари ва айрим кишилар қўлида сақланиб, уларнинг ҳажми, ёзилиши сифати турличадир. Бундан ташқари, шоир асарлари Тошкент, Бухоро, Когон, Қозон, Истанбул каби шаҳарларда кўплаб чоп этилган. Масалан, унинг «Сабот ул-ожизин» асари Тошкентда 1882, 1884, 1905, 1908, 1915 йилларда, Когонда 1910 йилда, Қўқонда 1890 йилда қайта-қайта нашр қилинган. Шу фактнинг ўзиёқ Сўфи Оллоёр адабий меросининг халқ орасида машҳурлигини, унга эҳтиёж кучлилигини кўрсатади. Оллоёр ижодининг маърифатимиз тарихи учун муҳим жиҳатларидан бири шундаки, эски усул мактабларида тўрт китоб: «Ҳафтияк», «Чаҳор китоб», «Сўфи Оллоёр» ва «Ҳофиз» ўқитилиши шарт бўлган. Кексаларнинг хотирлашларича, XX асрнинг бошларида республикамизнинг турли жойларида ўзига хос «Оллоёрхонликлар» ўтказиб турилган.


Сўфи Оллоёр дастлабки бошланғич таълимни Ўтарчи қишлоғида олгандан кейин, 10–12 ёшларида Бухоро мадрасаларида таҳсил кўради. Бухоро амирлигида катта мавке ва обрўга эга бўлган Жўйбор шайхлари даргоҳида тарбияланиб, диний ва дунёвий илмлардан ўз замонаси учун мукаммал таълим олади. Сўфи Оллоёрнинг эътироф этишича, унга фикҳ илмида икки киши устозлик қилган: Хожа Мўъмин ва Муҳаммад Ғазний. Шоир «Ман ҳар қанча авом ва хом бўлсам ҳам, устозларим марди тамом», яъни комил инсон деб уларни улуғлайди ва уларга Аллоҳдан Жунайду Ғаззолийга насиб этган мартабаю раҳматларни тилайди.

Мутасаввуф шоир ва олим «Маслак ул-муттакин» китобининг ҳамд қисмидаёқ ўзининг нақшбандия тариқатига мансуб эканлигини айтиб ўтади. Ўзининг эътироф этишича, уни тариқатга йўллаган, тасаввуфнинг сир-асрори, роҳу равишидан таълим берган аввалги пири муршиди шаҳрисабзлик Хожа Наврўздир. Сўнгра, бухоролик машҳур нақшбандий шайхи Ҳабибуллоҳ эшонга қўл бериб, у кишига хизмат қилиб ўзи ҳам шайхлик даражасига эришади.

Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва дунёқарашидаги кескин ижобий ўзгариш ўз замонининг фозил ва ориф зотларидан бири Шайх Наврўз билан учрашувидан сўнг содир бўлган. Унинг покиза номи – Наврўз. У бошдан оёғигача Аллоҳнинг ишки билан ёниб турарди. Шунингдек, Сўфи Оллоёрнинг машҳур тасаввуф шайхи Офок Хожа билан учрашиши ҳам унинг маънавий-ахлоқий ҳаётига кучли таъсир ўтказган.

Шоир умрининг катта қисмини Каттақўрғон шаҳрининг Сўфий гузаридида ўтказди. Сўнг Жом тоғининг Чўнкаймиш гўшасида, кейин Қабадиёнда (1710), сўнгра Сурхондарё вилояти, Дехнав тумани (ҳозирги Олтинсой тумани) Катта Вахшивор масканида яшайди.





Сўфи Оллоёр туркий ва форсийзабон халқлар орасида жуда машхур бўлган. Ўтмишда яшаган бир муаллиф Сўфи Оллоёр вафотига тарих ёзаркан, уни «Абу Ҳанифаи вақт аст» («Ўз замонасининг Абу Ҳанифаси, яъни Имоми Аъзами») деб баҳолайди. Маълумки, Имом Аъзам ўз даврида Куръони карим ва ҳадиси шариф илмлари асосида шариат аҳкомларини тартибга солган, «Шариат аҳкомлари ҳақида» номли илк фикхий асар муаллифи эди. Сўфи Оллоёр ҳам ўз даврида Имом Аъзам каби давлат тили бўлган форсий ва туркий тилларда шариат аҳкомлари ҳақида икки-та китоб ёзиб қолдирган.

Сўфи Оллоёр ўз фаолияти билан Шаркий Туркистондан Шом (Сурия)гача, Ок Эдил (Волга) бўйларидан Ҳиндистон сарҳадларигача бўлган форсий ва туркийзабон халқларга исломий маърифат нурини тарқатди. Сўфи Оллоёр машхурлигининг туб сабаби, аввало, ана шундадир.

Мутасаввиф олим ва шоир руҳиятига, ботиний дунёсига таъсир қилган пирларини васф қилар экан, ҳатто ижод қилишида ҳам улардан маънавий мадад етиб турганлигини фахр билан эслаб ўтади.

У Абдулазизхон ҳукмронлик қилган даврда (1645–1680), тахминан 25 ёшларида, маълум муддат бож йиғувчилар маҳкамасининг тўралик лавозимига тайинланади. Ўша даврда бу катта амал эди. Тўралик лавозимига ихлос билан киришган шоир бу соҳадаги ҳақсизликлар, жабр-зулмларни кўп кўради, охир-оқибат бу вазифадан ихтиёрий воз кечади.


Ҳолбуки, Оллоёр тўралик лавозимида маълум вақт ўта каттикқўллик билан иш олиб борган. Унинг ҳақгўйлиги, ғирромларга шафқатсизлиги шу даражага етадики, Оллоёр тўра номини эшитган бояги одамлар кўркувдан зир титрайдиган бўлиб қолади.

Бир гал шайх Ҳабибуллохнинг халифаларидан бири Бухоронинг Ростон бозори-га келтирган бир коп молининг солиғини тўламагани учун уни каттик жазолайди. Бу ҳолни эшитган шайх Ҳабибуллох Оллоёрни бу йўлдан қайтиши учун дуойибад қилади. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Оллоёр ўзидаги ортикча кибрланишни йўқотиш мақсадида кўйнинг корнини бошига кийиб, ичак-човоғини бўйнига ўраб, Бухоро кўчаларида юради. Бу ҳолни кўрган одамлар Оллоёр ақлдан озибди, деган фикрга келишади. Ана шундан кейин шайх Ҳабибуллох даргоҳига бош уриб боради. Айтилганидек, солиқ маҳкамасида ишлаш даврида у кўп ноҳақликларни, халққа бўлган жабр-зулмларни кўрди. Кейинчалик «Маслак ул-муттакин» асарининг «Дар баёни ва шикоят қардан аз норасоихои худ, ё, Аллох» сарлавҳаси остида берилган парчада ўз таржимаи ҳолига оид қуйидаги маълумотларни баён этади (мазмун):

«Барча айбларимга мен иқроман, лекин уларнинг ҳаммасини назмга солишдан ночорман. Чунки мен истифода (узрга лойик) аҳлидан эмасман; хожа, мир, шахзода эмасман. Мендан аввалги ҳаётимни сўрасанг, эшитишинг билан кўркиб, мендан узоқлашасан. Аср шоҳининг хизматида бўлганман, ҳар хил қавмларнинг нонини еганман. Лекин у нонлар таъманинг маҳсули эди. Бундан ортиғини айтмай қўя қолай. Таассуфда ўтириш одатим эди, ғам юқорию фикрим тубанда эди. Таом оғзимда захарга айланарди, шаҳардаги ҳаётимиз уфки ана шундай эди. Ҳар бир амалдорнинг юзига кулиб бокиб, хушомад қилиш одат эди!».

Шоир Сўфи Оллоёрнинг илмий биографиясини тиклашда унинг «Маслаку-л-муттакин» асарида «Дар баёни насихати фарзанди аржуманди дилбанд» сарлавҳаси





остида берилган байтлар ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Мазкур парча яна шоирнинг дунёқарашини баҳолашда ҳам муҳим аҳамият касб этади (мазмуни):

«Агар сен отанг сўзини жондан қабул қилсанг, осмон копкасининг халқасини тутган бўласан... Аммо отанг нокасликда танилди. Сен умрингни зое қилма. Отанг умрини жаҳолат билан ўтказди, сен эса зинҳор бепарволик йўлини тутма. Илм эгалла, қиёматдан қўрк. Содик кишиларнинг суҳбати Аллоҳ амридек фойдалидир, ундан бўйин товлама. Фосиқлар суҳбатидан узок бўлиш танҳо Тангрининг амридир. Ўтган пайгамбарларнинг ҳар бири касб эгаси бўлганлар (сен ҳам бирор касб ўрган). Аллоҳни таниган бандалар бировга таъма билан мутеъ бўлмаганлар. Ўз фақирлигингдан фахрлан. Қариндошларинг аср шоҳи хизматини килиб, касрлар куриб олганлар. Амакиларинг ўткир тишли бўриларга ўхшайдилар, бироқ халққа шағолдек иржайиб қарайдилар. Уларнинг хаёли доимо халқ молида. Ҳайфки, улар халқ орасида адолат тизгинини йўқотиб қўйганлар... (Ахир) бўри чўпон бўла оладими, йўлтўсар посбон бўлишни ихтиёр этадими? Унинг жафосидан эл кўз ёши тўқади, саховатидан эса уламо хайратда. Уларнинг ҳар бири одам қиёфасидаги аждаҳодир. Отанг эса уларнинг қаршисида чўлок қумурсқа. Улар аждаҳодек нозланиб, ожиз биродарларидан ор қиладилар. Ясанган (қариндошларинг) мену сенинг фақирлигимиздан номус қиладилар. Агар улар сени ўзларига яқин олсалар, бўйнингга бирор мансабни юклайдилар. Эй, кўзимнинг нури, сен ҳам орифлардансан, бу уларнинг мансабидан ортик! Қайнок-ўтли юрак билан қаттиқ ерга ётиш – минг қават иссиқ тўшакда ётишдан аъло. Маърифатда машокчилик қилмоқ сен учун амирлик ва ё шоҳликдан ортик. Зеро, кўхна (фақирлик) тўни зарҳал амалдор жомасидан яхшидир...

Қаноат неъматини ҳамма нарсадан яхшидир. Дардли, пок кишиларнинг суҳбатига эришмоқ ҳақиқий мансабдир. Кимнинг юрагида ҳақ ризолигига эришиш дарди бўлмаса, у қора молдир, одам ҳукмида эмас. Кишида бандалик нишони бўлмаса, у тирик эмас, ўлик. Агар юрагида дарди бўлмаса, отанг ҳам, кизу ўғлинг ҳам ёт душман қабидир.

Ўзингга фикрни ошно қилма, ширин жонингни ўтга ташлама. Ҳазил гапиришдан қоч, ширин тил бўл. Динга ғайрат қилки, у сени валийлар қаторига қўшади. Ғаюр бўлма...»

Балки ушбу мисралар ҳам кўп афсуслар чеккан отанинг дил сўзларидир:

Шумлуғим, расволиғим тегди вилоят халкига,
Шул сабабдин тоғу тошу чўлни қилдим ихтиёр.

ёки:

Эй, биродарлар, мени яхши деманглар зинҳор,
Зоҳирим сўфийнамо, ботиним кийну никор.

Яна бир гап. 983 йилда Гургон вилоятининг (Балхдан ғарбда) ҳокимига бағишлаб ёзилган, бироқ ҳали муаллифи аниқланмаган «Худуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб» («Шарқдан Ғарбгача олам чегаралари») китобининг «Мовароуннаҳр ва унинг шаҳарлари ҳақида» қисмида: «Сўғд – шарқий эллар орасида энг бой, обод жой.





Оқар сувлари бор, дарахтлари кўп, иклими боҳаво. Одамлари меҳмондўст ва хушмуомала» – деб маълумот берилади-да, унинг обод шаҳарлари сифатида Самарқанд, Қушония, Дабусия, Рабинжон тилга олинади. В.В. Бартольд асарларида Рабинжон ёхуд Қушония Каттақўрғоннинг қадимги номидир, деган фикрлар учрайди. Бирок бу шаҳарлар хоразмшоҳлар даврида вайрон этилиб, тарихдан номлари ўчиб кетган. Ҳозирги Каттақўрғон эса, ривоятларга қараганда, XVII асрнинг охирида Сўфи Оллоёр, унинг қариндошлари ва яқинлари томонидан барпо этилган.

Шаҳар сифатида Каттақўрғон ҳақидаги дастлабки маълумотлар XVII асрнинг охириги чорагида эслатилади (Самарқандская область, справочник, 1912, 10 вкп.). Бу ерда дастлаб Мадраса даҳасида Арк қурилган. Аввал Аркда Фарҳод Оталиқ (Сўфи Оллоёрнинг акаси) ўз оиласи ва хизматкорлари билан яшаган, сўнгра қариндошлари жойлашган ва уни ўзларига ҳоким этиб сайлашган. Кейинчалик бекларнинг қароргоҳи бўлган. Беклар уни кенгайтириб, девор билан ўраган. Ўрда деб аташган... Айтишадик, шаҳар асосчилари Бухоро амирининг ака-ука амалдорлари Сўфи Оллоёр, Фарҳод оталиқ, Оллоҳназарбийдир...

Бу маълумотларни келтиришдан мақсад юқорида келтирилган маснавий – насихатнинг мазмунини чуқурроқ англашга интилишдан иборатдир. Шуни таъкидлаш керакки, Сўфи Оллоёр Бухородан қайтгач, узок йиллар Каттақўрғон шаҳридаги Сўфий гузаридида жўшқин ижод қилиб, бир неча фалсафий-дидактик дарслик, кўлланмалар яратди. Ҳозир ҳам бу гузар Сўфи гузари деб юритилади. Гузарда Сўфи Оллоёр масжиди, хонақоси, хужраси ўрни, кўктоши мавжуд. У ерда шоирга хотира лавҳаси ўрнатилган.

Сўфи Оллоёрнинг яна бир қадамжойи Чўнқаймиш қишлоғи (Жом жамоа хўжалиги) ҳисобланади. Сўфи Оллоёрнинг ўғли Сиддиқ Муҳаммад ва қизининг қабри Чўнқаймишдадир. У ерда Сўфи Оллоёр номи билан боғлиқ масжид ва булок мавжуд. Шунингдек, унга мансуб авлодлар яшаб келаётганига гувоҳмиз.

Академик шоиримиз Гафур Ғулом XX асрнинг 60-йиллари Самарқандга келганида Обираҳмат бўйидаги бир суҳбатда Самарқанд олимларига қарата шундай деган эди: «Сўфи Оллоёр бобомиз ҳақида бир нарса ёзиб кўринлар... У зўр бўлмаса, Машраб Сўфи Оллоёрни уч марта излаб, унинг ёнига келармиди?»

Дарҳақиқат, Бобораҳим Машраб Сўфи Оллоёр билан икки марта Каттақўрғонда ва учинчи марта Қабодиёнда учрашади. Биринчи бор, Машраб Бухородан қайтиб келаётганда, йўлда бир деҳқоннинг уйида кўноқ бўлганлиги тўғрисида хабар Сўфи Оллоёрга етиб келади. Сўфи Оллоёр ихлос билан Машраб йўлига пешвоз чиқиб, уни кутиб олади. Машраб Каттақўрғонга учинчи марта келганида Сўфи Оллоёр Қабодиёнда эди. Бу хусусда Машраб ғазалларининг бирида шундай сатрларни ўқиймиз:

Топмасак Сўфий изин Каттақўрғона юриб,
Кўш Оллоёр деб, азми Ҳисор истар кўнгул.

Сўфи Оллоёр ва Машраб накшбандия тариқатининг улуғ тарғиботчилари бўлишган. Сўфи Оллоёрнинг Аллоҳга, унинг дўзахи ва жаннатига ҳам эътиқоди кучли, у бу дунёда гуноҳга ботган кишилар муқаррар равишда дўзахда ёнадилар, Аллоҳнинг раҳматидан бенасиб қоладилар, деб фикрлайди. Шунинг учун, мусулмон бандалари ислоний саводхон бўлсин, деган ниятда шариятни тарғиб этади. Машраб эса, шарии-





атдан ўтиб, тариқат йўлида ўз асарлари билан хизмат қилади. Умумбашарий ғояларни олга суради, инсонни шарафлайди. Уни калбан поклянишга ундайди, тариқатга интилади. Сўфи Оллоёр Баҳоуддин Накшбанднинг машхур ибораси «Дил – ба ёр-у, даст – ба қор» хикматига қатъий амал қилади:

Эй, хуш ул умреки ўтса бир неча шайдо билан,
Танлари халқ ичра бўлса, диллари Оллох билан.
Тоқай Оллоёр истарсан бу тириклик лаззатин,
Қоч ўшал тандинки, фикри бўлмаса Тонгло билан.

Инсоннинг калбида ишк бўлсагина, у Аллохни танийди. Сўфи Оллоёр буни куйидаги сатрлар маъносида беради:

Кел, эй, толиб, кўзинг ибрат била оч,
Муҳаббатсиз кишидан куш бўлиб қоч.
Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлғил,
Ониким учради, қурбони бўлғил.

Шоирнинг уқтиришича, барча дилларнинг калити – муҳаббат, токи инсоннинг Аллохга муҳаббати бор экан, у барча дилларга йўл топа олади. Қайсики инсоннинг Ҳаққа муҳаббати бор экан, демак, унинг калбида эътиқоди мавжуд.

Дарҳақиқат, бу иккала пок қалб орзу қиладиган дард, бу ишк – поклик рамзи. Тасаввуф эса дил поклиги ва рух поклигини ўргатадиган таълимотдир. Демак, Машраб ва Сўфи Оллоёрнинг бой фалсафий-ахлоқий мероси, уларнинг панд-насихат тарзидаги қарашлари бугунги кунда ҳам юксак тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Сўфи Оллоёрнинг шахси ва таржимаи холини кенг қўламда ўрганиш ҳамда ёритиш учун, биринчи навбатда, унинг асарларига теран назар ташлаш лозим. Ҳали оллоёршуносликда қилинажак ишлар, яратилиши зарур бўлган тадқиқотлар кўп. Буларни муваффақият билан амалга оширмак учун буюк шоирнинг куйидаги сингари муаллифининг ҳасби ҳолидан ҳикоя қилувчи байтларига алоҳида диққат қилиш лозим:


Элим, халқим ичинда гарчи қўб қўзгу, сирожим бор,
Вале ғурбат ифи бўйнуғма тушди, на иложим бор.
Юроким пора, бағрим ёра, хар манзилда сайёра,
Нетай чора, насиб этган диёра эҳтиёжим бор.

Воқеан шоир нимадан норози? Ёки мана бу сатрлар ила муаллиф бизга нелардан дарак беради:

Қайда халқлар ўғлида манлек жаҳон овораси,
На сипоҳилиғ билан бўлдум, на муллолиғ билан.

Бундан ташқари, Оллоёрнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини янада ёрқинроқ қўришга яқиндан ёрдам берадиган, лекин ханузгача илм аҳлининг назаридан четда қолиб келаётган бир қанча мўътабар тарихий-адабий манбалар борки, уларни ҳам синчиклаб ўрганиш вақти етди. Масалан, Убайдулла Исломуқул ўғли Аламқашнинг «Баёзи Аламқаш» орқали бизгача чала ҳолида етиб келган беш бандли муҳаммасида





шоир ғийбат ва тухмат билан катл этилган акаси Фарҳод оталикнинг ғамида юраги пора-пора бўлган, ғоятда самимий, жонкуяр ини киёфасида кўз ўнгимизда намоён бўлади. У ўз оғасини: «Эмукдошим, фаҳрим», – дея хотирлайди. Уни Ҳотамга, Рустамга, тўфонга, токка, дарёга, шерга киёс қилади. Унинг ўта тантилиги, эрлиги, куръонхон олим эканлиги билан фаҳрланади:

Жигарбандим, азизим меҳрибоним,
Дилим, жоним, тамури, устухоним,
Бериш айвонида Ҳотам нишоним,
Уруш майдонида Рустам иноним,
Нечук тушдинг аларнинг орасига.
Равон сарвим гулим, боғим, баҳорим,
Отам бирла онамдин ёдгорим,
Якин бил, эй, улуғим, ифтихорим,
Бошим, молим, таборим, ҳарна борим.
Кўрубман хотири ғампорасига.
Сенга етган машаққат, эй, эмукдош,
Бу мискии жонига бўлғай эди кош,
Эшитгим барча қилган ишларинг фош,
Чиқар ҳар лаҳза бағрим чашмидин ёш,
Қизил кондир оқар рухсорасига.
Санго бир игна санчилгунча, эй, жон,
Манга юз ўк қадалғон эрди осон,
Жамолингни агар кўрсатса Раҳмон,
Кўзум ёгин қилай малҳам ўшал он,
Юрогим порасининг порасиға.

Демак, Сўфи Оллоёр ижоди илмий таҳлил этилар экан, шоирнинг ана шундай шеърларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ ва таҳлил этиш зарур.

Бу барча айтилганлардан шундай хулоса чиқадики, Сўфи Оллоёрнинг лирик мекони шоир ижодининг ғоявий руҳи ва бадиий-эстетик жиҳатини баҳолашда жуда катта аҳамиятга эга. Шоир яшаган даврнинг ижтимоий ҳолати, муаллифнинг таржимаи холини ўрганишда эса уларнинг қиммати бениҳоядир. Сўфи Оллоёр бир шеърда эл орасида ўз кадрили топишига қомил ишонч билан қараб шундай сатрлар битган эди:

Одамининг кадри йўқ бир ерда юганда омон,
Қадр ўтар аммо жудолиғ бўлса сандин, бегумон.
Ғарчи Оллоёр Ўтарчидур, эрур ул ҳам ямон,
Онинг ҳам кадри ўтар бир нечага ўлган замон.

Бу мисралар орқали шоир қаромат қилган экан: вафот этмай турибқ унинг шухрати Шаркий Туркистонгача ёйилди. Шоир вафотидан кейин эса Қашқар, Эдил бўйлари, Кавказ, Кичик Осиё, Хуросон халқларига кадри ўтди. Унинг ёди байнал-милал кадриятлар қаторига кирди. Истиклолга шукрки, унинг ўз юртида ҳам ноҳақ топталган кадрияти тикланмоқда.





Адабиётимиз тарихини илмий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш эҳтиёж ва зарурияти Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қарашларни ҳам илмий ўзанга солиб юборишни тақозо этадики, бу соҳада ҳам саъй-ҳаракат жадаллашмоқда.

Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» асарига Убайдуллоҳ Исломуқул ўғли Аламқаш шарҳ, шунингдек, Сўфи Оллоёр вафоти санасига таърих битади:

«Таърихи вафоти эшони Сўфи Оллоёр
алайҳи-р-рахма
Абу Ҳанифаи вақт аст Сўфи Оллоёр.
Худой дод бо қол ва ҳол бисёр оро
Ҳар он ки таърихи фавти ў пурсад-
Бигў ту: Қофу жиму гайну лом бишмор»

Бундан шоирнинг 133/1721 йилда вафот этганлиги маълум бўлади.

Унинг Вахшивор шаҳрида жойлашган қабри ҳозирда халқимизнинг табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланган ва обод бўлмоқда.

«Маслак ул-муттакин»

«Маслак ул-муттакин» («Такводорлар маслаги») асари форс тилида Сўфи Оллоёр йирик мутасаввуф олим ва факих сифатида айни камолга етган даврида яратилган бўлиб, асар унинг ижодида алоҳида ўрин тутди.

Бу асар фикҳ, шариат аҳкоми, маънавият, ахлоқ қоидалари, ислом тарихи масалаларига бағишланган, шеърӣ шаклда, арузнинг ҳафиф баҳрида ёзилган. Асарнинг умумий ҳажми ўн икки минг байтдан ортик, 135 та катта-кичик боблардан таркиб топган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди:

Битибмен форсий тилда китобе,
Тамом анда масоилнинг жавоби.
Ҳама таквову фатвонинг баёни,
Ўн икки мингдан ортик байти они.

Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттакин» китобини «Ҳидоят ул-муттакин» номи билан ўзбек тилига насрий таржима қилган шахс Қўзибой Ҳофиз бўлган. Ана шу таржимани «Маслак ул-муттакин» номи билан Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Акрам Дехкон нашрга тайёрладилар ва у Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида 2008 йил «Мовароуннаҳр» нашриётида чоп этилди, халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Ушбу китоб мадрасаларда махсус ўқитилган. Талабалар уни «Маслак» деб ҳам юритганлар.

Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттакин» китоби ёзилганига қадар, шариат масалаларига бағишланган катта китоблар кўпроқ араб тилида битилгани сабабли олим ушбу китобини форсийзабон кишиларга осон бўлсин, деб форс тилида битади. Мазкур асар, Сўфи Оллоёрнинг таъкидлашича, фикҳ, шариат масалаларига бағишланган 100 дан ортик китобни чуқур ўрганиш асосида юзага келган. Китобнинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Туркия, Чин, Бошқирдистон, Татаристон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга кенг тарқалган.



«Маслак ул-муттакин»да кўтарилган ҳар бир масала шариат ҳукми, Куръони карим ва ҳадиси шариф асосида шарҳлаб берилади. Асар ўзининг бадий, илмий, фалсафий ва тарбиявий қимматини бугунгача сақлаб келмоқда.



«Сабот ул-ожизин»

Сўфи Оллоёрнинг иккинчи китоби «Сабот ул-ожизин» назм билан ёзилган. Лекин унинг биринчи китобидан фаркли ўларок, тили туркий – ўзбекча. Мазкур китобда ҳам сўфийликнинг айрим жиҳатлари ҳамда умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ масалалари бадий талқин этилади. Бу ҳақда шоир шундай ёзган:

Аниким кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар гар дуо қилса эранлар.
Битилса, туркий тил бирла акида,
Кўнгуллар бўлса андин оромиди.

Мазкур таклиф шоирга маъқул тушади ва у юртдошларининг бу саъй-ҳаракатларини матонат деб баҳолайди ҳамда уларнинг истакларини бажаришга бел боғлайди:

Агарчандеки бўлсам маъзи йўк пўст,
Ишорот қилдилар чун бир неча дўст.
Акида сўзларини қилдим исбот,
Анга қўйдим «Сабот ул-ожизин» от.
Ўзумдек хасталар бўлғайму деб шод,
Насойихдин ҳам андак айладим ёд.

Таъкидлаганимиздек, «Сабот ул-ожизин» асари Тошкентда 1882, 1884, 1905, 1915 йилларда, Когонда 1910 йилда, Қўқонда 1890 йилда қайта-қайта нашр қилинган. Шу фактнинг ўзиёқ Сўфи Оллоёрнинг бу асари ҳам халқ орасида машҳурлигини, унга эҳтиёж кучлилигини исботлайди.

Китоб эътиқоднинг инсон, халқ учун аҳамиятини баён этиш билан бошланади. Шоирнинг талқинича:


Акида билмас шайтона элдир.
Агар минг йил амал қилса, елдир.

Бу каби ибратли насиҳатлар китобда анчагина, шунинг учун ҳам ёш замондошларимизни покиза хулқли қилиб тарбиялашда бу китобнинг аҳамияти катта.

«Махзан ул-мутиъин»

Сўфи Оллоёрнинг юқорида келтирилган уч асари кенг жамоатчиликка яхши маълум бўлса-да, унинг қаламига мансуб «Махзан ул-мутиъин» тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда эди. Ниҳоят, ушбу асарнинг бир қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА





Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида №4982 ашёвий рақамда сақланиши тадқиқотчи Жаҳонгир Абдураходов томонидан эълон қилинди. Китоб араб тилида ёзилган бўлиб, 546 бетни ташкил этади. Китобда ақида ва фикхий масалалар кенг ўрин эгаллаши баён этилади. Демак, Сўфи Оллоёр уч тилли ижодкор бўлган.

«Мурод ул-орифин»

Сўфи Оллоёрнинг «Мурод ул-орифин» номли асари форс тилида ёзилган. Бу йирик фалсафий асар бўлиб, тасаввуф таълимотини янги фикр, янги мулоҳазалар билан бойитган. Умуман, «Мурод ул-орифин» наср ва назм вобаста этиб яратилган бир бутун фалсафий манбадир. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқ кўлғемалари тавсифида «Мурод ул-орифин»га ёзилган иккита шарҳ ҳақида ҳам маълумот учрайди.

«Мурод ул-орифин» мундарижасини муаллиф шундай белгилаган: «Чун ин китоб дар баёни аҳам сўфийя ва қисми сўфийя ва улуми эшон ва русуми эшон аст». Яъни бу китоб сўфийликнинг аҳамияти, сўфийларнинг қисмати, сўфийлик илмлари ва уларнинг одатлари ҳақидадир. Бундан шу нарса англашиладики, олимнинг мазкур китоби сўфийлик сулуқи ҳақида махсус тадқиқот, муҳим кўлланма. Бу нарса унинг бизнинг давримиз учун ҳам илмий аҳамиятини белгилайди.

Маълумки, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда Мовароуннаҳрда сўфий тарикати янги бир тараккиёт босқичини бошдан кечирди. Машҳур Баҳоуддин Накшбанднинг изчил фаолияти туфайли анъанавий тасаввуф янги назарий хулосалар билан бойиди, халқ ҳаётига анча яқинлашди. Бу тарикат Носириддин Убайдуллоҳ Хожа Аҳрори Валий, Маҳдуми Аъзам Косонийнинг таъсири туфайли энг фаол амалий ҳаракатлар билан боғланди. Айниқса, нақшбандийлик қарашларининг бу даврда бадиий адабиётга чуқур сингиб бориши санъатнинг бошқа турларида ҳам из қолдира бошлади, унинг бадиий-эстетик таъсир доирасини кенгайтирди. Буюк алломалар Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоийнинг адабий, илмий, ижтимоий фаолиятларининг равнақи, эллар, юртлар аро шухрати, таъсир қувватининг беҳудудлиги кўп жиҳатдан ўша даврда нақшбандия тарикатининг камолоти билан ҳам боғлиқдир.

Демак, мазкур даврда нақшбандия тарикати ҳам бўйига, ҳам энига қараб тараккий этди. Сўфи Оллоёр ҳам ўз асарларида нақшбандия тарикатининг ана шу фазилатларидан ижодий фойдаланди. Фақат бугина эмас, у «Мурод ул-орифин» номли йирик фалсафий асар яратиб, бу таълимотни янги фикр, янги мулоҳазалар билан бойитди.

Сўфи Оллоёрнинг хизмати яна шундаки, агар Хожа Аҳрори Валий, Маҳдуми Аъзам каби аллома бобоқалонларимиз нақшбандия тарикати таълимотларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфи Оллоёр нақшбандия тарикатининг барча даврлар учун долзарб, миллий – шарқона ва умуминсоний ахлоқий-таълимий қарашларини ибодат жараёнига, мактаб-мадрасалар, таълимий тизимга олиб кирди. Бу эса унинг катта фазилатидир. Сўфи Оллоёр ўзининг ана шу хизмати билан даврларнинг, миллионлаб кишиларнинг муаллими ва мураббийсига айланди, десак муболага бўлмас.

«Буюк юрт алломалари» дея ном берилган кўлингиздаги тўпламни ҳам бобомиз Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-оҷизин» китобидан ўрин олган «Камтаринлик ҳақида мавъиза» билан яқунласак, ўйлаймизки, тўғри бўлади. Зеро, Сиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишганингиз буюк алломаларимизнинг барчаларига хос



бўлмиш мана шу фазилат туфайли ҳам улар улуғликнинг юксак чўккиларини забт эта олдилар.



Камтаринлик ҳақида мавъиза

Кел э нафс, очмагил кўз ҳар каёна,
Йўк эрмиш эътимод ушбу замона.

Муяссар бўлса тиллодин сенга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айламагил сахт.

Агар берса жаҳон султонлиғи даст,
Киши ўз холини билмак керак паст.

Агар рутбанг эрур аълоий офок,
Йикилгон хасталарни ҳолига бок.

Бу рифъат бирла кўкни кўр хамиша,
Юзидир ер сори, эй яхши пеша.

Агар чандики ўрнунг бўлса афлок,
Куёшдек ўп туриб рухсорайи хок.

Агар дунёда бўлса зўр бозу,
Вале анда қуруғлуғдур тарозу.

Тараф мўре ки санда қуввати фил,
Мусулмонлиғда анга марҳамат кил.

Агарчи ул оёк остидадур хор,
Худо махлукидур, оғритма зинҳор.

Тақаббур қилмагил, эй бемаъоний,
Фалоний ўғлидурман деб фалоний.


Агар олдиндағи қул бўлса волий,
Кўнгилни қийнасидин айла холий.

Бурунғи ҳолиға қилма назора,
Ани Танғрим азиз этса, на чора?!

Ишонма отаға, қолма талабдин,
Қиёматда сўрулмасдир насабдин.

Ҳасаб фавки насабдур, эй неку хол,
Йипак тўндин ўтар хўб ишлаган шол.





Қорача ўғли хўжа ўғлидин кам,
Муъаллам бўлса саййиддин ўтар хам.

... Ҳасуд этган киши дуну дағалдур,
Бу бир сўз халк аро эски масалдур:

«Чирогиники, Ҳақ ёндурди кўйди,
Ани ким «пуф» деди, соколи куйди».

Худонинг сунъидин кўрдинг карашма,
Бир эски ердин оқти янги чашма.

Ани банд эткали олди биров бел,
Муни ғарқ айлади ногоҳ келиб сел.

Агар торий киши зулм этса, тортар.
Вале мазлум деганнинг ажри ортар.

Мусулмонийға бўлма ҳеч муқобир,
Борур жой бир эрур, эй нафси жобир.

Тушурма нафъи йўқ ранжиш миёна,
Сани элтар зиёна тозиёна.

Тирик юргунча золим ўлгани хўб,
Гуноҳдин ҳар неча кам бўлғони хўб.


Иноятулла СУВОНҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

АЛОУДДИН БУХОРИЙ

Умар Алоуддин ибн Садриддин ал-Бухорий XIII–XIV асрларда яшаб ижод этган ва фикҳ илмига ўз хиссасини қўшган олимлардан саналади. Алоуддин Бухорий ҳаёти ҳақида маълумотлар оз бўлганлиги боис¹, унинг асари бўлмиш «Ҳайрату-л-фуқаҳо»нинг муқаддимасида берилган маълумотлар ҳамда СВР да келтирилган маълумотлар таҳлил этилди. ЎЗР ФА ШИнинг асосий фонди, Ҳамид Сулаймонов фонди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Бухородаги «Абу Али ибн Сино номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси» ва Бухоро Давлат Музейи кўрикхонасидаги «Ҳайрату-л-фуқаҳо ва хижлату-л-фузало» асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини таҳлил қилиш натижасида олим ҳақидаги қуйидаги маълумотларга эга бўлинди:

¹ Табакот жанридаги асарлардан Алоуддин Бухорий ҳақида маълумот учрамади.





Алоуддин Бухорий йигирма иккита устоздан фикҳ илмини ўрганган¹. Аммо, устозларининг номлари ва улар ҳақида тўлиқ маълумот бирорта нусхада учрамади. Муаллиф асарини ёзиб бўлганидан сўнгра, уни ўз замонасининг кўзга кўринган факихлари ўқишгани ва Бухоронинг 10 та машҳур олимлари асарни китобат қилишга рухсат берганликларини айтиб ўтади². Муаллиф ўн йил Бухорода ва йигирма икки йил Хуросонда фатво беради. «Хайрату-л-фуқаҳо» асари нусхаларининг муқаддималаридаги маълумотларни солиштирганда, шу нарса маълум бўладики, Алоуддин Бухорий умрининг охириги йилларини Хуросонда ўтказади ва «Хайрату-л-фуқаҳо» асарини ҳам ўша ерда ёзади. Бунга муаллифнинг муқаддимада берган қуйидаги сўзларини мисол қилиб келтириш мумкин: «...бу заиф банда 250 000 га яқин «масала»ни битта китобга жамлади ва Бухоронинг ўн иккита улуг устозларидан фатво беришга ижозат олди. Йигирма иккита устоздан фикҳ илмини олиб, ўн йил Бухорода фатво берди. Йигирма икки йилдирки Хуросонда фатво беради ва шу соҳанинг ғамини ейди. Бухоро уламолари бундан хабардорлар...»³.

Бундан кўриниб турибдики, муаллиф фикҳ илмида ўзига хос мавқега эга бўлган шахс саналади. Маълумотлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Алоуддин Бухорий бундан ташқари бошқа асарлар ҳам ёзган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бирок, алломанинг таржимаи холи ҳақида ёзилган манбаларнинг камлиги бизга бундай маълумотларни аниқлаш имкониятини чеклайди.

«Хайрату-л-фуқаҳо»⁴ асарининг 20 дан ортиқ қўлёзма ва тошбосма нусхалари юртимиз кутубхоналарида сақланмоқда. Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ушбу асарнинг 11 та қўлёзма⁵ ва учта тошбосма⁶, Ҳамид Сулаймонов фондида 2 та қўлёзма ва 3 та тошбосма⁷ нусхалари сақланаёпти⁸.

Тошкент ислом университетининг «Манбалар хазинаси»да ҳам мазкур асарнинг № 175-ашёвий рақам билан сақланаётган бир қўлёзма нусхаси мавжуд. У хаттот Муҳаммад Аминхўжа томонидан кўчирилган. Ўзбекистон мусулмонлар идорасида

¹ Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: ЎМИ кутубхонаси № 1131. – Б.: 22^а.

² Қўлёзма нусхалардаги маълумотлар солиштирилганда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасидаги (Бундан кейин ЎМИ кутубхонаси) № 934, ЎзФАШИда № 7734 ашёвий рақам остида сақланаётган нусхаларда ўн эмас, ўн иккита устоз ушбу асарни ўқиганлиги ва фатво беришга ижозат берганлиги ёзилган.

³ ЎМИ кутубхонаси № 934. – Б.: 3^а–4^а.

⁴ Шу номда яна бир асар бўлиб, у Абдулғафур ибн Лукмон ибн Муҳаммад ал-Кардарий (ваф. 562/1167) каламига мансуб. Алоуддин Бухорий ҳам ўз асарида ушбу манбадан иқтибослар келтирган. Қаранг: «Хайрату-л-фуқаҳо». № 7734. – Б. 7 б., 25 б., 52 б.–53 а.

⁵ Мазкур асарлар фондда қуйидаги ашёвий рақамлар билан сақланади: № 4842, № 5442, № 6031, № 6259, № 7734, № 8021, № 8482, № 8728, № 10436, № 12245, № 12746.


⁶ Кези келганда айтиш жоизки, ушбу институтнинг фихристлар рўйхатида 13 та қўлёзmannинг рўйхати берилган. Лекин, ҳар бир қўлёзма билан танишиб чиққанимизда, № 8228 ва 5873-ашёвий рақамли нусхалар салавотлар ва дуолар тўпламидан иборат бошқа асар экан.

⁷ Мазкур тошбосма нусхаларнинг ашёвий рақамлари қуйидагича: № 4447, № 6120, № 4448. Ношири – Мулло Муҳиддин Хўжандий. Улар 1909 ва 1915 йилларда Бухоронинг Когон туманида нашр қилинган.

⁸ №№ 3256, 4674, 3552.

^{*} Асарлар билан танишиб чиққанимизда № 2012 рақами қўлёзма деб берилган асар тошбосма бўлиб, 1329 йилда чоп этилган китоблар ва ҳикоялар тўплами, № 4017 рақамли тошбосма эса 1385 йилда нашр қилинган Курьони қаримнинг Саййид Маҳмуд ат-Тарозий томонидан таржима қилинган нусхалари бўлиб чиқди.






асарнинг №№ 934, 1124, 1131, 1175 ашёвий рақамли 4 та қўлёзма нусхалари мавжуд. Шунингдек, Бухоро Давлат Музейи кўрикхонасида ушбу асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари (№ 12179/II, № 27858/II), «Абу Али ибн Сино номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси»да эса № 666 рақам остида битта тошбосма нусха сақланади.

Юртимизда сақланаётган «Хайрату-л-фуқаҳо» асарининг нусхалари асосан XVII–XX асрлар оралиғида кўчирилган.

Лобар АСРОРОВА,
Тошкент ислом университети
мустақил тадқиқотчиси





МУНДАРИЖА


Кириш.....	3
Имом ал-Бухорий.....	5
Имом ал-Доримий.....	17
Имом ат-Термизий.....	19
Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий.....	28
Абу Райхон Беруний.....	37
Абд ибн Хумаид ал-Кашший.....	48
Ал-Ҳаким ат-Термизий.....	52
Абу Абдуллох Хоразмий.....	58
Абу-л-Лайс ас-Самаркандий.....	61
Абу Али ибн Сино.....	67
Аҳмад Фарғоний.....	69
Абу Наср Форобий.....	83
Абу Бакр Наршахий.....	87
Имом ал-Моғуридий.....	89
Бурхониддин Марғиновий.....	101
Абу Бакр Қаффо Шоший.....	111
Абу-л-Аббос ал-Мустағфирий ан-Насафий.....	120
Абу Бакр Калободий.....	121
Абу-л-Ҳасан ар-Рустуғфоний.....	126
Абу Ҳафс Кабир Бухорий.....	129
Абу Бакр Сарахсий.....	133
Алоуддин Косоний.....	136
Абу Мукотил Самаркандий.....	140
Маҳмуд аз-Замахшарий.....	141
Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший.....	148
Абу-л-Муъин ан-Насафий.....	152
Абу-л-Баракот ан-Насафий.....	167
Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Буржайрий.....	173
Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший.....	177
Маҳмуд ибн Зайд ал-Ломиший.....	182
Ал-Ҳаким ас-Самаркандий.....	184
Абу Зайд Дабусий.....	186
Абу Ҳафс Умар ан-Насафий.....	190





Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий	199
Фахр ал-Ислом ал-Паздавий	201
Абдуллох ас-Субазмуний	203
Абул Муайяд Маккий Хоразмий	206
Абу Шакур Солимий Кеший	209
Бурхониддин Махмуд Бухорий	212
Лутфуллох Насафий	215
Нажмиддин Кубро	219
Саъдуддин Тафтазоний	222
Муҳаммад Кардарий Баззозий	225
Абдулхолик Гиждувоний	227
Абу-л-фатх ал-Мутарризий	229
Қосим ибн ал-Хусайн	231
Рашидуддин ал-Ватвот	234
Алоуддин ас-Самаркандий	235
Садру-ш-Шариъа иккинчи – Убайдулло ибн Масъуд	241
Яъқуб Чархий	245
Мустамлий Бухорий	248
Маждуддин Муҳаммад ибн Махмуд ибн Хусайн Уструшаний	252
Шаҳобуддин Умар Сухравардий	264
Муҳаммад ибн Абдулхамид Усмандий Самаркандий	272
Хусайн Воиз Кошифий	276
Хожа Баҳоуддин Накшбанд	278
Алишер Навоий	297
Мир Саййид Шариф Журжоний	321
Шайх Хованд Тахур	330
Хожа Ахрор	337
Абдуллох Муҳаммад ибн Абу Ҳафс Бухорий	348
Захириддин Муҳаммад Бобур	350
Мавлоно Муҳаммад Кози	368
Абдураззок Самаркандий	372
Давлатшоҳ Самаркандий	375
Қамолиддин Бехзод	379
Махдуми Аъзам	388
Мусохон Дахбедий	395
Ҳофиз Қўҳакий	404
Сўфи Оллоёр	407
Алоуддин Бухорий	418





Адабий-бадий нашр

БУЮК ЮРТ АЛЛОМАЛАРИ

Иккинчи нашри

Мухаррирлар: *Абдур Рауф Субҳон, Иззат Аҳмедов*

Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Б. Каримов*

Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*

Мусахҳих *Г. Арипова*

Компьютерда саҳифаловчилар: *Ф. Тугушева, Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.

2018 йил 12 сентябрда босишга рухсат этилди.

«Офсетная пухлая» қоғози. Бичими 70×100^{1/16}.

«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 34,35. Нашр табағи 36,92.

Нусхаси 10000. Буюртма № 18-311.


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz



Б 98

Буюк юрт алломалари [Матн] / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У. Уватов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Исломушунослик илмий-тадқиқот маркази, Имом Бухорий халқаро маркази, Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти. Иккинчи нашри – Тошкент: «O`zbekiston» НМИУ, 2018. – 424 б.

ISBN 978-9943-28-702-0

УЎК: 001(575.1)
КБК 72.3(5Ў)